

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ  
ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИГА

ШАРХ

З-ЖИЛД

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ  
ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИГА  
ШАРХ**

Тошкент  
Baktria press  
2013

УДК 347(575.1)(094.4)

ББК 67.404 (5Ў)

Ў-32

Ў-32 Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодексига шарҳ: Илмий шарҳлар. Т 3./Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. — Тошкент: Baktria press, 2013. 800 б.

Ўқувчиларга тақдим этилаётган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексига шарҳлар фуқаролик хуқуқи соҳасидаги илмий салоҳият ва хукукни кўллаш амалиётида тажрибага эга бўлган мутахассислар томонидан тайёрланган.

Ушбу нашрнинг III жилди Фуқаролик Кодексининг иккини қисми моддалари бўйича шарҳларни мужассамлаган бўлиб, унда мажбуриятларнинг алоҳида турлари (омонат сақлаш, зарап етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар ва бошқалар) тўғрисидаги фуқаролик қонун хужжатлари асосий қоидалари талқин этилади. Шунингдек, интеллектуал мулк, ворислик хукуки, фуқаролик хукукий муносабатларга нисбатан халқаро хусусий хукуқ нормаларини кўллаш бўйича бўлимлар нормаларига шарҳлар берилган. Ушбу шарҳ амалиётчи хукуқшунослар, тадбиркорлар, талабалар ва тадқиқотчилар, олий ўкув юртлари ўқитувчилари ва фуқаролик қонун хужжатларини кўллаш масалалари билан қизиқадиган барча шахслар учун мўлжалланган.

КБК 67.404 (5Ў)

Ушбу Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳлар нашри Люксембург Буюк Герцоглиги кўмаги билан тайёрланган ва таржима этилган, ҳамда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти ёрдамида чоп этилиб, бепул тарқатилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ  
ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИГА  
**ШАРХ**  
**3-ЖИЛД**

юридик фанлари доктори,  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг академиги,  
профессор  
**Ҳ.А. РАХМОНҚУЛОВ**  
юридик фанлари доктори, профессор  
**О. ОҚЮЛОВ**  
тахрири остида

**Y|X|H|T** Yevropada Xavfsizlik va  
Hamkorlik Tashkiloti  
O'zbekistondagi Loyihalar Koordinatori



Люксембург  
Буюк Герцоглиги

**Муаллифлар таркиби:**

**Караходжаева Дилором Мамировна**, юридик фанлари доктори, 50-боб;

**Юлдашева Шохидахон Руфатовна**, юридик фанлари номзоди, 51-боб;

**Умаров Толибжон Абдуазизович**, юридик фанлари доктори, 52-боб;

**Анортоев Исмоилжон**, юридик фанлари номзоди, 53–56-боблар;

**Окюлов Омонбой**, юридик фанлари доктори, 57–59-боблар;

**Насриев Илхом Исмоилович**, юридик фанлар доктори, 60–64-боблар; 65-боб юридик фанлари номзоди **Огай Дмитрий Алексеевич** билан ҳаммуаллифликда;

**Шамухамедова Замира Шаисламовна**, юридик фанлари доктори, 66–67 боблар, 68-боблар юридик фанлари номзоди **Якубова Дильбахор Шариповна** билан ҳаммуаллифликда, 69-боб юридик фанлари номзоди **Асьянов Шамиль Мударисович** билан ҳаммуаллифликда;

**Рашидов Комил Қаюмович**, юридик фанлари доктори, 70–71 боблар.

**Таржимонлар:**

**Қ. Мехмонов** — 53–56-боблар; **И. И. Насриев** — 60–65-боблар;

**З. Ш. Шамухамедова** — 66–69 боблар; **К. Қ. Рашидов**,

**Н. Х. Рахмонқулова** — 70–71 боблар.

# **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИГА ШАРХ**

## **Иккинчи қисм**

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августдаги  
256-I-сон Қонуни билан тасдиқланган

2013 йил 1 январига қадар киритилган ўзгартишлар  
ва қўшимчалар асосида тайёрланган



## **50-БОБ. КОМПЛЕКС ТАДБИРКОРЛИК ЛИЦЕНЗИЯСИ (ФРАНШИЗИНГ)**

### **862-модда. Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси**

Комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) шартномаси бўйича бир тараф (комплекс лицензиар) иккинчи тарафга (комплекс лицензиатга) ҳақ эвазига лицензиарнинг фирма номидан ҳамда қўриклиниадиган тижорат ахборотидан, шунингдек шартномада назарда тутилган мутлақ хукуқларга кирувчи бошқа обьектлардан (товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва ихтиrolар ҳамда бошқалардан) лицензиатнинг тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш хукуқини ўз ичига оладиган мутлақ хукуқлар комплексини (лицензия комплекси) бериш мажбуриятини олади.

Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси лицензия комплексидан, лицензиарнинг иш соҳасидаги обрўсидан ва тижорат соҳасидаги тажрибасидан муайян ҳажмда (хусусан, минимал ва ёки максимал ҳажмда фойдаланишини белгилаб қўйган ҳолда) муайян фаолият соҳасига (лицензиардан олинган ёки лицензиат ишлаб чиқарган товарларни сотиши, хизматларни кўрсатиш, ишлар бажариш, савдо фаолиятини амалга ошириш ва хоказо) кўллаган ҳолда, фойдаланиш худудини кўрсатиб ёки кўрсатмасдан фойдаланишини назарда тутади.

Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси бўйича фақат тижорат ташкилотлари ва тадбиркорлар сифатида рўйхатга олинган фуқароларгина тарафлар бўлиши мумкин.

Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси муддат кўрсатилган, шунингдек кўрсатилмаган ҳолда (муддатсиз шартнома) тузилиши мумкин.

Башарти ушбу бобда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса ёки у шартноманинг моҳиятидан келиб чиқмаса, комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасига ушбу Кодекснинг интеллектуал мулк хақидаги қоидалари тегишли суратда қўлланади.

1. Шартнома бўйича тақдим этиладиган мутлақ хукуқлар комплекси ўз ичига фирма номи, товар белгиси, ихтиrolар, фойдали модель, саноат

намунаси, тижорат сири, муаллифлик хукуки ва ҳоказоларни қамраб олиши мумкин. Шу сабабли комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси Фуқаролик кодексидан ташқари, бошқа норматив хужжатлар билан ҳам хукуқий тартибга солинади. Хусусан, 2001 йил 30 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқсан жой номлари тўғрисида»ги Қонуни, 2006 йил 15 марта қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «2000 йил 1 ионда Женевада Дипломатик конференция томонидан қабул қилинган Патент хукуки тўғрисидаги Шартномага кўшилиши хақида»ги Қонуни, 2006 йил 20 июлдаги «Муаллифлик ва турдош хукуқлари тўғрисидаги» Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва бошқаларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

2. Бу ўринда тадбиркорлик фаолияти тушунчасига тўхталиш ўринли бўлади. Қонунга мувофиқ, «тадбиркорлик фаолияти — тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун хужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги асосида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятидир». Ушбу таъриф аввалги қонунларда тадбиркорликка берилган таърифга нисбатан ўзига хослиги билан ажralиб туради. Аввалги қонунларда тадбиркорлик фаолиятининг қўлланиш доираси товар ишлаб чиқариш, бажариш, хизмат кўрсатиш соҳалари билан чекланган эди. Ҳозирги амалдаги тадбиркорлик тўғрисидаги қонун эса бундай чекловларни бекор қилиб, бирмунча кенг тушунчани ўзида ифодалаган. Шархланаётган модданинг мазмунидан комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) шартномаси тарафлари айнан тадбиркорлик фаолияти мақсадида ушбу шартнома бўйича хукуқ ва мажбуриятларни ўз зиммаларига олиши намоён бўлади.

3. Моддада кўрсатиб ўтилган комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасига кўра, тақдим этиладиган обьектлар рўйхати очиқ характерга эга. Яъни, қонун чиқарувчи томонидан комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси бўйича ўtkазилиши мумкин бўлган мутлоқ хукуқлар доираси кенг бўлиб, мутлақ хукуқлар таркибиға кирувчи турли обьектлар бўлиши мумкинлиги назарда тутилади. Бошқа шахсга ўtkазиладиган мулкий хукуқлар шартнома предмети ҳисобланади. Бироқ, шуну таъкидлаб ўтиш керакки, шартномани тузишда лицензиарнинг «ишбилармонлик обрў-эътибори», «ташкилотнинг ортирган бой тажрибаси», «хизмат сирлари» каби омиллар ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

4. Фирма номидан фойдаланиш хукуқи аниқ ифодаланмаган, чунки, қонун чиқарувчи комплекс лицензиарга ўз фирма номидан тўла хажмда фойдаланиш хукуқини комплекс лицензиатга бериш имконини ҳавола этган, у ўз ичига комплекс лицензиат томонидан мустақил равища тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиши учун комплекс лицензиарнинг муайян ташкилий-хукуқий шаклдаги фирма номини қамраб олади.

Ушбу ёндашув комплекс лицензиат томонидан амалга ошириладиган товар (иш, хизмат) истеъмолчиларини нафакат аниқ адаштиришга олиб келтириши мумкин, балки Фуқаролик кодексининг 39-моддасида юридик шахс ўз номидан мулкий ёки шахсий номулкий хукуқ ва мажбуриятларга эга бўлади ва уларни амалга ошира олади, деган юридик шахс тушунчаси билан зиддиятга келгандек кўринади. Юридик шахс ўз моҳияти сабабли (жисмоний шахс ҳам) объектив тарзда фуқаролик-хукуқий муносабатларни бироннинг номидан амалга ошира олмайди. Шу сабабли комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси предмети бўлиб, юридик шахс-хукуқ эгасининг умуман олганда, фирма номи эмас, балки комплекс лицензиарнинг номини ёки унинг қисмини ташкил этиши мумкин бўлган (фирма номи билан адаштирилмасдан) тижорат белгиси, брендга айланган — машҳур сўз ёки сўз бирикмаси бўлиши мумкин.

5. Конунга мувофиқ, юридик шахс товарларда, уларнинг идиши ва ўровида, рекламада, пешлавҳаларда, босма маълумотномаларда, хисобваракларда, босма нашрларда, расмий бланкаларда ва ўзининг фаолияти билан боғлиқ бошқа хужжатларда, шунингдек маҳсулотларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўтказилаётган кўргазма ва ярмаркаларда намойиш этиш вақтида фирма номидан фойдаланишда алоҳида хукукка эга. Юридик шахснинг фирма номи унинг таъсис хужжатларида белгилаб кўйилади. Фирма номига бўлган хукуқ юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан эътиборан вужудга келади. Фирма номига бўлган хукуқ эгаси бошқа шахсга ўзининг бу номидан фойдаланишга рухсат этиши (лицензия бериши) мумкин. Бироқ бунда лицензия шартномасида истеъмолчини чалғитиб кўйишни истисно этувчи чоралар шарт қилиб кўйилиши лозим (ФК 1101-моддаси).

Шунингдек, товар белгиси (хизмат кўрсатиши белгиси), товар чиқарилган жой номи ҳам уни рўйхатдан ўтказиш асосида хукуқий жиҳатдан муҳофаза қилинади. Товар белгисига бўлган хукуқ товар белгиси (хизмат кўрсатиши

белгиси), товар чиқарилган жой номи рўйхатга олингандиги тўғрисидаги конунда белгиланган тартибда гувоҳнома билан тасдиқланади. Комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) шартномаси нарсаси сифатида фирма номи, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси, товар чиқарилган жой номи, ихтиrolар, фойдалари моделлар, саноат намуналари ва бошқа мутлақ ҳукуқлар таркибига кирувчи объектлар бўлиши мумкин.

6. ФК 1102-моддасига мувофиқ, товар белгисини (хизмат кўрсатиш белгисини) уни рўйхатдан ўтказиш асосида ҳукукий жихатдан муҳофаза килинади. Шу сабабли, комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасини тузиш пайтида комплекс лицензиат франшизинг шартномасига асосан фойдаланиш учун берилаётган муайян товар белгиси Ўзбекистон Республикаси худудида ҳукукий муҳофаза қилингандигига ишонч хосил қилиши керак. Бундан ташқари у комплекс лицензиар ушбу товар белгиси эгаси ва унга лицензия бериш ҳукуқига эга бўлиши лозим. Шунингдек, комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасини тузишда ушбу товар белгисини рўйхатдан ўтказилгандан сўнг унинг амал қилиш муддати Ўзбекистон Республикасида ўтиб кетмаганлигига, товар белгиси рўйхатдан ўтказилган ҳолда муомалада эканлигига ва учинчи шахслар эътиrozлари асосида низога сабаб бўлмаганлигига ишонч хосил қилиши керак.

7. Бундан ташқари, комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси комплекс лицензиарнинг тижорат тажрибасидан фойдаланишин назарда тутади. Ҳар бир комплекс лицензиар комплекс лицензиат ва унинг ходимларини ўқитиш бўйича ўз шахсий дастурига эга бўлиб, у ўз ичига комплекс лицензиат жойлашган манзилда ўқитишни, комплекс лицензиарнинг асосий официда ўқитишни ёки уларнинг комбинациясини қамраб олади. Кўпчилик комплекс лицензиарлар комплекс лицензиатга техник ва маъмурий ёрдам кўрсатишади.

8. Шартномани имзолашда комплекс лицензиар комплекс лицензиатга компания тўғрисидаги ахборотни, муддат ва комплекс тадбиркорлик лицензиясидан фойдаланиш тажрибаси ҳақидаги маълумотларни, суддаги низоларга оид тавсиф билан биргаликда комплекс лицензиар ва унинг мансабдор шахслари билан боғлиқ барча суд жараёнлари ҳақидаги маълумотни, мавжуд бўлган барча комплекс лицензиатлар, шу жумладан комплекс лицензия шартномасини бекор қилганлар, бекор қилиш сабабларини кўрсатган ҳолда, тақдим этишга мажбур.

9. Шархланыётган моддада комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси бўйича лицензия комплексидан, лицензиарнинг иш соҳасидаги обрўсидан ва тижорат соҳасидаги тажрибасидан муайян ҳажмда фойдаланишни, шунингдек муайян фаолият соҳаси билан боғлик ҳолда (масалан, товарларни сотиш, хизматларни кўрсатиш, ишлар бажариш ва ҳоказо) ҳамда олинадиган ҳуқуқлар комплексидан фойдаланишнинг муайян ҳудудини кўрсатиб ёки кўрсатмасдан тузиши мумкинлиги назарда тутилади.

10. Франшизинг фаолиятида катта тажрибага эга давлатларда, франшизинг шартномаси ўзига хос хусусиятларга эга. Уларнинг асосийси — лицензиар жисмоний шахс бўлиши мумкин эмаслиги. Лицензиар сифатида факат тижорат ташкилоти яъни, юридик шахс бўлиши мумкин. Бу эса, комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси бўйича фирма номидан фойдаланиш ҳуқуқи берилиши фақат юридик шахсга тегишлилиги билан боғлик. Шундан келиб чиқиб, якка тартибдаги тадбиркор, комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасига кўра лицензиар бўлиши мумкин эмас, чунки у фуқаролик мувомаласида факат ўзининг шахсий номи остида иш юритади. Лицензиат эса, ҳам юридик шахс, ҳам якка тартибдаги тадбиркор бўлиши мумкин.

Миллий қонунчилик комплекс лицензия шартномаси субъекти сифатида юридик ва жисмоний шахс ўргасидаги фарқни назарда тутмаган. Ушбу модданинг учинчи қисмига мувофиқ, комплекс лицензиар ва комплекс лицензиат сифатида тадбиркор бўлиб рўйхатга олинган ҳам юридик ҳам жисмоний шахслар бўлиши мумкин.

11. Шу билан бирга шартномада фойдаланувчининг тижорат сиридан бемалол фойдаланишини таъминлаш учун ҳуқук эгаси амалга ошириши зарур бўлган ҳаракатларни кўрсатиб ўтиш керак. Яъни, ҳуқук эгасининг муайян ҳимоя чораларини амалга оширишини белгилаб қўйиш лозим. Хусусан, тижорат тажрибаси ва «ноу-хау» тегишлича ҳимоя чоралари кўрилишини талаб қиласи. Бу ўринда шартномага «фойдаланувчи ҳуқук эгасининг тижорат сирини ташкил этувчи тижорат ахборотидан бемалол фойдаланади» таърифини киритишнинг ўзи етарли бўлмайди. Тижорат сирини ҳимоя қилиш бутун бир локал, ички корпоратив ҳужжатлар пакетини қабул қилиш йўли билан амалга оширилади. Шунинг учун фойдаланувчига қайси маҳфий ахборот тақдим этилиши, маълумот аниқ

қаерда акс эттирилганлигини алоҳида кўрсатиб ўтиш керак. Бу шартноманинг ўзида ёки шартномага илова қилинган алоҳида битимда кўрсатиб ўтилиши мумкин.

12. Шарҳлананаётган моддада комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасида муддат кўрсатилиши ёки кўрсатилмаган ҳолда ҳам тузилиши мумкинлигини назарда тутади. Шартноманинг ўзига хос хусусиятига эътибор қаратадиган бўлсак, муҳофаза қилинадиган обьектлар муайян муддат мобайннида хукукий муҳофаза қилиниши мумкин. Бундан келиб чиккан ҳолда тарафлар шартнома тузэётганда мутлақ хукуклар комплексининг амал қилиш муддатига эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқ.

13. ФКнинг 50-боби комплекс тадбиркорлик лицензиясига бағишланган бўлсада, мазкур бобда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса ёки тарафлар ўргасида тузилган шартноманинг моҳиятидан ўзгача ҳолат келиб чиқмаса, мазкур шартномага нисбатан ФКнинг интеллектуал мулк ҳақидаги қоидалари тегишли суръатда кўлланилади. Зоро, мазкур шартнома конструкцияси ўзида интеллектуал мулк хукуки ҳақидаги қоидалар билан муҳофаза қилинадиган обьектларни мутлақ хукуклар комплекси сифатида бир тарафдан бошқа тарафга ўтказишни ифодалайди.

### **863-модда. Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасининг шакли ва уни рўйхатга олишга қўйиладиган талаблар**

**Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси ёзма равища тузилиши керак ва у шартномага мувофиқ лицензиар сифатида иш кўрадиган юридик шахсни ёки якка тадбиркорни рўйхатга олган орган томонидан рўйхатга олиниши керак. Ушбу қоидага риоя қиласлик шартноманинг ҳақиқий ҳисобланмаслигига сабаб бўлади.**

1. Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси ёзма равища тузилиши лозим. Битимнинг қонун талаб қиласлик шаклига риоя этмаслик конунда тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳолдагина унинг ҳақиқий эмаслигига сабаб бўлади (ФК 115-моддаси). Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган шартнома уни ҳақиқий эмаслигини эътироф қилиш учун суд қарори талаб этилмайдиган шартнома ҳисобланади. Яъни, ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган шартнома аввалдан уни тузган тарафлар учун хукук ва мажбуриятларни вужудга келтирмайди ва тарафлардан бири истаган

пайтида шартнома муносабатларидан хукукий оқибатсиз чиқиб кетиши мүмкин.

2. Тарафлар комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси давлат рўйхатидан ўтмагунига қадар уни асос қилиб кўрсатишга ҳақли эмаслар. Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси комплекс лицензиарни давлат рўйхатидан ўтказган орган томонидан давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Франшизинг тўғрисидаги шартномани давлат рўйхатидан ўтказиш деганда тегишли рўйхатдан ўтказувчи давлат органларида франшизинг тўғрисидаги шартномаларни (уларни тузишни, уларга муҳим ўзгартиришлар, қўшимчалар киритиш ёки уларни бекор қилишни) давлат рўйхатидан ўтказишни ҳисобга олиш журналига ёзиш тартиб-қоидаси тушунилади. Шартномага кириталаётган ўзгартиришлар ва уни бекор қилиниши ҳам рўйхатдан ўтказилиши керак. Яъни, шартнома нарсаси, етказиб бериладиган товар (ишлар, хизматлар)нинг миқдори, сифати, тури, нархи, бажариш муддатлари, ҳисоб-китоб тартиби, тарафларнинг реквизитлари, шартнома тузилган сана ва жой, шунингдек франшизинг тўғрисидаги шартномалар учун қонун хужжатларида белгиланган ёки уларга нисбатан тарафлардан бири томонидан берилган ариза бўйича битимга эришилиши керак бўлган бошқа муҳим шартлар бўйича ўзгартириш ва қўшимчалар ҳам давлат рўйхатидан ўтказилади.

3. Бундан ташқари, шарҳланаётган моддада, комплекс лицензиар чет эл давлатида рўйхатдан ўтган бўлса, кўпчилик комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасига кўра комплекс лицензиар хорижий давлат тадбиркори бўлишидан қатъий назар уни давлат рўйхатидан ўтиш тартиби белгиланмаган.

4. Бироқ, патент конунчилиги билан ҳимоя қилинадиган объектнинг шартнома нарсаси сифатида рўйхатдан ўтиши, шунингдек комплекс лицензиар чет эл давлатида рўйхатдан ўтганлиги ҳамда комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасини давлат рўйхатидан ўтишига тегишли бошқа масалалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 4 ноябрдаги 244-сонли Қарори билан тасдиқланган «Комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги» Низомда белгилаб қўйилган.

5. Агар комплекс лицензиар хорижий давлатда юридик шахс ёки якка тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилган бўлса, франшизинг тўғрисидаги

шартномани (муҳим ўзгартиришлар, қўшимчалар ҳамда бекор қилиш) ни давлат рўйхатидан ўтказиш шартнома бўйича лицензиат сифатида иш кўрадиган юридик шахс ёки якка тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказган Ўзбекистон Республикасининг рўйхатидан ўтказувчи органи томонидан амалга оширилади.

6. Конунчиликда назарда тутилган холларда интеллектуал мулк обьектларига нисбатан мутлақ хукукларни ўз ичига оладиган франшизинг тўғрисидаги шартноманинг тегишли қисми Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигида ҳам рўйхатдан ўтказилиши керак. Бундай ҳолда лицензия шартномаси франшизинг тўғрисидаги шартноманинг ажралмас қисми сифатида эътироф қилинади. Ушбу талабга риоя қилинмаган тақдирда, агар шартноманинг бошқа шартлари бевосита ўз кучини саклаб қолиши мумкин бўлса, шартноманинг (лицензия шартномасининг) тегишли қисми ёхуд франшизинг тўғрисидаги шартнома умуман тузилмаган ва ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Агар интеллектуал мулк обьекти Ўзбекистон Республикаси худудида рўйхатдан ўтказилмаган бўлса, интеллектуал мулк хукуқини рўйхатдан ўтказиш ва уни франшизинг тўғрисидаги шартнома бўйича бериш шартнома тарафларининг хоҳишига кўра амалга оширилади.

7. Давлат рўйхатидан ўтказиш хужжатларни рўйхатдан ўтказувчи органга тақдим этилган кундан бошлаб 3 (уч) иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади. Франшизинг тўғрисидаги шартнома давлат рўйхатидан ўтказилгандиги учун рўйхатдан ўтказувчи органнинг банқдаги ҳисоб рақамига энг кам ойлик иш ҳақининг 1/3 миқдорида рўйхатдан ўтказиш йиғими тўланади.

8. Комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) тўғрисидаги шартномани давлат рўйхатидан ўтказиш комплекс мутлақ хукукларнинг мувофиқ бўлмаган хукуқ эгалари (хукуқдан фойдаланувчилар) томонидан мурожаат қилинганда, топширилиши лозим бўлган хужжатлар тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим этилганда ёки тақдим этилган хужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари талабларига номувофиқлиги, шу жумладан франшизинг тўғрисидаги шартномани бекор қилишда олдиндан маълум килиш муддатларига риоя қилинмаганда франшизинг тўғрисидаги шартномани (муҳим ўзгартиришлар, қўшимчалар ёки бекор қилишни) давлат рўйхатидан ўтказишни рад этилиши мумкин.

## **864-модда. Комплекс тадбиркорлик бўйича қўшимча лицензия**

**Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасида лицензиатнинг ўзига берилган лицензия комплекси ёки унинг бир қисмидан бошқа шахсларнинг у лицензиар билан келишган ёки комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасида белгиланган шартларда фойдаланишига рухсат бериш хуқуқи назарда тутилиши мумкин. Худди шунингдек, шартномада лицензиатнинг муайян вақт давомида фойдаланиш худудини кўрсатган ёки кўрсатмаган ҳолда муайян миқдорда қўшимча лицензиялар бериш мажбурияти ҳам ёзиб қўйилиши мумкин.**

**Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасининг бекор қилиниши комплекс тадбиркорлик бўйича қўшимча лицензияни ҳам бекор қиласди.**

1. Шарҳланётган моддага мувофиқ, қўшимча лицензия яъни, сублицензия комплекс лицензиатнинг ҳам хуқуқи, ҳам мажбурияти бўлиши мумкин.

2. Сублицензия фақат шартнома асосида тузилиши мумкин, сублицензия шартномасини шартлари комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасига зид бўлиши ва унинг чегараларидан чиқиши мумкин эмас.

3. Комплекс тадбиркорлик сублицензияси шартномасини тузишда лицензиат лицензиарнинг сублицензиатга бўлган хуқуқ ва мажбуриятларига эга бўлади, лекин лицензиарга нисбатан ўзининг лицензиат хуқуқ ва мажбуриятларини саклаб қолади (ФҚда учинчи шахс номи кўрсатилмаганлиги учун уни шартли равища шу шарх доирасида сублицензиат деб номлаймиз).

4. Комплекс тадбиркорлик лицензиясидан лицензиат тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш учун мутлақ хуқуклар комплексини олади. Мазкур шартномада лицензиатнинг муайян вақт давомида фойдаланиш худудини кўрсатган (яъни, муайян худуд доирасидагина фойдаланиш мумкинлиги) ёки кўрсатмаган ҳолда муайян миқдорда қўшимча лицензиялар бериш мажбурияти (масалан, худди шундай шартлар асосида муайян миқдорда қўшимча лицензиялар бериш мажбурияти) ҳам ёзиб қўйилиши мумкин.

5. Шарҳланётган моддада комплекс лицензия шартномасини бекор бўлиши комплекс сублицензия шартномасини ҳам бекор қилинишига сабаб

бўлиши кўрсатилган. Аммо жаҳон тажрибасига кўра, шартномани тузишда комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси лицензиатнинг ташаббуси билан бекор қилинганида, сублицензиатнинг лицензиатнинг ҳукуқларига эга бўлиши мумкин бўлган холатлар олдиндан келишиб олинади. Бундан ташқари сублицензия шартномаси муддатдан илгари бекор қилинганда, у лицензиарнинг розилиги билан, лицензиар ва сублицензиат орасидаги комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасига қайта ўзгартирилиши мумкин.

### **865-модда. Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси бўйича ҳақ тўлаш шакли**

**Лицензиат лицензиарга қатъий белгилаб қўйилган бир йўла ёки даврий тўловлар, тушумдан ажратмалар, лицензиар томонидан унга қайта сотиш учун етказиб бериладиган товарларнинг ултуржи нархларига устамалар шаклида ёки комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасида назарда тутилган бошқа шаклда ҳақ тўлайди.**

1. Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси бўйича ҳақ тўлаш шаклларининг рўйхати очик хусусиятга эга.

2. Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасида ҳақ тўлаш шартлари мавжуд бўлмаган тақдирда шартнома тузилмаган деб ҳисобланади, чунки тарафлар унинг муҳим шартларидан бирини келишиб олмаган бўладилар.

3. Лицензиар комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси билан боғлиқ барча тўловларни белгилаши лозим. Бу ўз ичига дастлабки бадални, товар белгисидан фойдаланиш учун доимий баҳоланадиган хизмат бадали, реклама фондига тўловлар ва лицензиар томонидан қўшимча хизмат учун тақдим этиладиган бошқа тўловларни қамраб олади. Ушбу тўловлар ва тўлов мажбуриятлари шартномада олдиндан келишиб олинади.

4. Қатъий белгилаб қўйилган бир йўла тўловлар комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси муддати тугаганидан кейин ёки олдиндан тўлаш тартибида амалга оширилиши мумкин.

Шартнома бўйича қатъий белгилаб қўйилган даврий тўловлар тўланган тақдирда ҳар бир даврда тўланадиган ҳақ микдори, шунингдек жами тўлов ва навбатдаги тўлов муддати тарафлар томонидан аниқланади.

Мукофот даромаддан тушган ажратмалар шаклида тўланса, тарафлар даромад қисмини (фоизда) ҳамда ажратмалар даврийлигини белгилайдилар.

5. Шартномада назарда тутилган тўловларни лицензиарга тўлаш пуллик ёки натура ҳолида дастлабки франшизинг бадали, роялти ва реклама учун тўлов шаклида ўрнатилиши мумкин.

Дастлабки франшизали бадал комплекс лицензиат томонидан муайян худудда товар белгисидан фойдаланиш ҳуқуқи эвазига, шу жумладан комплекс лицензиар томонидан амалга оширилган харажатлар зарарини қоплаш учун ҳамда ходимларни ўқитиш ва маслаҳатлар бериши учун тўланади.

Роялти (даврий тўлов) даврий, ишлаб чиқариш кўрсаткичларга мутаносиб, шартнома тарафлари орасида келишилган тўловлар ҳисобланади.

Реклама учун тўловлар, шунингдек тўловлар миқдори ва шакли келишувга асосан белгиланади ва шартномада кўрсатиб ўтилади.

Шартномага мувофиқ, лицензиар томонидан унга қайта сотиш учун етказиб бериладиган товарларнинг улгуржи нархларига устамалар шаклида лицензиат томонидан ҳақ тўланиши мумкин. Бунда лицензиар қайта сотиш учун ўзига етказиб бериладиган товарларнинг улгуржи нархларига устамалар шаклида ҳақ олади.

## **866-модда. Лицензиарнинг мажбуриятлари**

### **Лицензиар:**

**лицензиатга техникавий ва тижорат ҳужжатларини топшириши ҳамда лицензиат комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси бўйича ўзига берилган ҳуқуқларни амалга ошириши учун зарур бўлган бошқа ахборотни тақдим этиши, шунингдек лицензиат ва унинг ходимларига ушбу ҳуқуқларни амалга ошириш билан боғлиқ масалалар юзасидан йўл-йўриқлар бериши шарт;**

**лицензиатга шартномада назарда тутилган лицензияларни бериши, уларнинг белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминлаши;**

**лицензиатга доимий техникавий ва маслаҳат ёрдами қўрсатиши, шу жумладан ходимларни ўқитиш ва уларнинг малакасини оширишда ёрдам бериши шарт.**

## **Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасида лицензиарнинг бошқа мажбуриятлари ҳам назарда тутилиши мумкин.**

1. Лицензиарнинг мажбуриятлари фуқаролик қонун ҳужжатлари ва бевосита тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ифодалаб қўйиладиган франшизинг шартномаси воситасида тартибга солинади ҳамда комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасини бажарилишини таъминлаш кафолати ҳисобланади. Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, лицензиарнинг мажбуриятлари куйидагилардан иборат бўлади:

2. Амалий, техникавий ва тижорат ҳужжатларини топшириш. Лицензиар одатда, техникавий ва тижорат маълумоти жойлашган муайян тадбиркорлик концепциясини яратган бўлади. Корхона фаолиятининг муваффақиятли давом этиши учун ушбу билим лицензиатга унинг ходимларини ўқитиш ва қўллаб-куватлаш тизими орқали ўтказилиши мумкин бўлади. Шу боисдан қонунда лицензиарнинг ушбу мажбурияти ҳам белгилаб қўйилган.

3. Ўз фаолияти билан боғлиқ жараённи ҳужжатлаштириш. Лицензиар, муваффақиятли амалий концепцияни ишлаб чиқиша, унинг фаолиятини муваффақиятли қилган барча тартиб ва қоидаларни стандартлаштириши лозим. Стандартлаштириш барча тартиб-таомиллар жараёнини ҳужжатлантирилишини тақазо этади. Сўнгра лицензиар ҳар бир лицензиатни тадбиркорлик фаолияти учун амалий йўриқнома билан таъминлаши мумкин. Мазкур йўриқнома бутун франшизинг тизими учун ягона бўлиши шарт, у ўз ичига операцияларни юқори сифатини бутун тизимда кафолатлади.

4. Сифат назорати. Лицензиар компания обрў-эътиборини қўллаб-куватлаши лозим. Ушбу вазифани муваффикиятли бажариш учун унга барча тизимдаги лицензиатларга қўлланиши мумкин бўлган сифат назорати тизими талаб қилинади. Мазкур сифат назорати лицензиат фаолиятини баҳолаш имконини таъминлади.

5. Қонунда лицензиарнинг лицензиатга шартномада назарда тутилган лицензияларни бериши ва уларнинг белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминлаш мажбурияти юклатилган. Чунки, лицензияларни бериш ва уларнинг расмийлаштирилиши лицензиарнинг ҳуқуqlари билан боғлиқ бўлади. Давлат рўйхатидан ўтказиш учун франшизинг тўғрисидаги

шартномалар рўйхатдан ўтказувчи органга тақдим этилганда давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризага куйидагилар илова қилинади:

а) франшизинг тўғрисидаги шартнома ҳар бир тарафнинг юридик шахс ёки якка тадбиркор сифатидаги мақомини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нотариал тасдиқланган нусхаси (гувоҳнома, патент, хорижий лицензиар учун — хорижий давлатнинг тегишли давлат реестридан кўчирма ёки тегишли ўрнини босувчи ҳужжатлар);

б) фаолиятнинг тегишли турини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи зарур рухсатномалар (лицензиялар) нусхаси, башарти Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ бундай рухсатнома талаб қилинса. Агар франшизинг тўғрисидаги шартномани давлат рўйхатидан ўтказиш пайтида бундай рухсатнома (лицензия) олинмаган бўлса, бундай рухсатнома (лицензия)нинг нусхаси у олингандан кейин бир ҳафта муддатда рўйхатдан ўтказувчи органга тақдим этилади;

в) тарафлар томонидан имзоланган франшизинг тўғрисидаги шартноманинг уч нусхаси тикилган, вараклари рақамланган бўлиши керак, уларда ўчириб тузатишлар, кўшимча ёзувлар, усти чизилган сўзлар ёки бошқа қайд этилмаган тузатишлар бўлмаслиги керак;

г) рўйхатдан ўтказиш йиғими тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжат.

6. Лицензиар томонидан доимий ёрдамни таъминлаш. Лицензиар ҳар бир лицензиатга доимий равишда кўмак бериши, шу жумладан ходимларни малакасини ошириш, бошқарувдаги ёрдам ва талаб бўйича тезкор хизматларни таъминлаши лозим.

7. Маҳсулот етказиб бериш бўйича эксклюзив (Мутлок) шартномаларни тузиш ва уларни қўллаб-куватлаш. Лицензиарда хом-ашё ва жихозларни йирик таъминловчилари билан ўзаро фойдали шартлар асосида етказиб бериш тўғрисида музокаралар олиб бориш имкони мавжуд. Лицензиар билан етказиб берувчилар ўртасидаги мустаҳкам шартномавий алоқаларни давом эттириш, яъни етказиб берувчилар билан шартномавий алоқаларни ўрнатиши лицензиатга ҳаражатларини сезирарли даражада камайтириш имконини беради.

8. Химоя қилинадиган ҳудудни тақдим қилиш. Лицензиар комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасини тузишда лицензиат фаолият олиб борадиган химоя қилинадиган ҳудудни кўрсатиб ўтиши лозим. Бу ҳолат белгиланган ҳудудда шундай маркадаги бошқа франшизалар берилмаслигининг кафолати бўлиб хизмат қиласади.

## **867-модда. Лицензиатнинг мажбуриятлари**

**Лицензиат комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси бўйича амалга оширадиган фаолиятнинг характеристи ва хусусиятларини ҳисобга олган холда лицензиат:**

**шартномада назарда тутилган фаолиятни амалга ошириш чоғида лицензиарнинг фирма номидан шартномада кўрсатилган тарзда фойдаланиши;**

**у шартнома асосида ишлаб чиқараётган товарлар, кўрсатаётган хизматлар, бажараётган ишлар сифати бевосита лицензиарнинг ўзи ишлаб чиқараётган, кўрсатаётган ёки бажараётган шундай товарлар, хизматлар ёки ишларнинг сифатига аниқ мос бўлишини таъминлаши;**

**лицензиарнинг лицензия комплексига кирувчи алоҳида хукуқлардан фойдаланиш характеристи, усуллари ва шартлари бу хукуқлардан лицензиарнинг фойдаланишига аниқ мос келишига қаратилган барча йўриқномалари ва кўрсатмаларига, шу жумладан лицензиат шартнома бўйича ўзига берилган хукуқларни амалга ошириш вақтида фойдаланадиган тижорат биноларининг ташқи ва ички безакларига доир кўрсатмаларига ҳам риоя этиши;**

**сотиб олувчилар (буортмачилар) бевосита лицензиардан товар (хизмат, иш) ни сотиб олган (буортма берган) вақтда уларга умид қилишлари мумкин бўлган ҳамма қўшимча хизматларни кўрсатиши;**

**лицензиарнинг ишлаб чиқариш сирларини ва ундан олган бошқа маҳфий тижорат ахборотини ошкор қиласлиги;**

**агар шартномада тўғридан-тўғри назарда тутилган бўлса, шартлашилган микдорда ёрдамчи лицензияларни бериши;**

**комплекс тадбиркорлик лицензияси туфайли фирма номидан, товар белгисидан, хизмат кўрсатиш белгисидан ёки бошқа индивидуаллаштириш воситасидан фойдаланаётганлигини сотиб олувчиларга (буортмачиларга) улар учун жуда аниқ усулда маълум қилиши шарт.**

**1. Шартномани тузишда лицензиат амалга оширадиган фаолиятнинг характеристи ва хусусиятларини ҳисобга олган муайян мажбуриятларни олади. Ушбу мажбуриятлар қўйидагилардан иборат:**

**1. Лицензиарнинг фирма номидан шартномада кўрсатилган тарзда фойдаланиш. Лицензиат шартномани бажаришда, лицензиарнинг фирма номи,**

товар белгисидан ва (ёки) бренд номидан фойдаланишга розилик беради. Ушбу фойдаланиш чекланган хисобланиб, лицензиарнинг қониктирадиган шаклда ўтказилиши лозим. Ушбу бандни бажармаслик шартномани бузиш деб хисобланади ва уни бекор қилинишига олиб келиши мумкин.

2. Ишлаб чиқариш стандартларига ва лицензиарнинг дастурига амал қилиш. Лицензиат шартнома асосида ишлаб чиқараётган товарлар, кўрсатаётган хизматлар, бажараётган ишлар сифати бевосита лицензиарнинг ўзи ишлаб чиқараётган, кўрсатаётган ёки бажараётган шундай товарлар, хизматлар ёки ишларнинг сифатига аниқ мос бўлишини таъминлаши шарт. Стандартлар, сифатнинг мос бўлиши ва дастур лицензиатлар орасида бир хилликни таъминлашга хизмат қиласди.

3. Лицензиар ўзининг фаолиятида лицензия комплексига кирувчи алоҳида хукуқлардан фойдаланишда лицензиарнинг фойдаланишига аниқ мос келувчи йўриқнома ва кўрсатмаларга қатъий риоя қилиши лозим. Шунингдек, лицензиат шартнома бўйича ўзига берилган хукуқларни амалга ошириш вақтида фойдаланадиган тижорат биноларининг ташқи ва ички безакларига доир кўрсатмаларига ҳам риоя этиши талаб қилинади.

4. Сотиб олувчилар (буюртмачилар) бевосита лицензиардан товар (хизмат, иш) ни сотиб олган (буюртма берган) вақтда уларга умид қилишлари мумкин бўлган ҳамма қўшимча хизматларни кўрсатиши ҳам лицензиатнинг муҳим мажбуриятларидан бири саналади. Чунки, лицензиарнинг мижозлари доимий равишда қўшимча равишда ўзларига муайян қўшимча хизматлар кўрсатилишидан манфаатдор бўлганлиги боис ушбу товар, иш, хизматга буюртма бериши мумкин.

5. Лицензиар томонидан тақдим этилган ишлаб чиқариш сирларини, ички хизмат ахборотини ва бошқа маҳфий тижорат ахборотини ошкор қилмаслик лицензиатнинг мажбуриятидир. Ушбу сирларни ошкор қилишлик лицензиарга катта зарар етказиши ва тиклаб бўлмайдиган салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

6. Лицензиар ва лицензиат ўртасида тузилган шартномада бевосита назарда тутилган тақдирда лицензиат шартлашилган миқдорда ёрдамчи лицензияларни бериши лозим бўлади. Чунончи, шартномада келгусида лицензиат томонидан муайян миқдорда қўшимча лицензиялар бериши ва бошқа лицензиатлар томонидан ҳам франшизинг шартномаси бўйича хукуқ ва мажбуриятларни амалга ошириш белгиланиши мумкин.

7. Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси асосида лицензиарнинг фирма номидан, товар белгисидан, хизмат кўрсатиш белгисидан ёки бошқа индивидуаллаштириш воситасидан фойдаланиш сотиб олувчиларга (буортмачиларга), истеъмолчиларга маълум қилиниши шарт. Бунда шунчаки юзаки маълумот беришнинг ўзи кифоя қилмайди, балки сотиб олувчи (истеъмолчи) учун жуда аниқ усуlda, уларнинг эътиборига етадиган ва қонунда назарда тутилган ҳуқуқларини амалга ошириш имконини берадиган даражада маълум қилиниши талаб қилинади.

### **868-модда. Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасининг чеклайдиган шартлари**

**Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасида чеклайдиган (эсклюзив) шартлар, хусусан:**

лицензиарнинг лицензиатга биритириб қўйилган худудда фойдаланиш учун бошқа худди шундай комплекс тадбиркорлик лицензияларини бермаслик ёки ушбу худудда бевосита мустақил фаолият олиб бормаслик мажбурияти;

лицензиатнинг комплекс тадбиркорлик лицензиясидан фойдаланиладиган худудда лицензиар билан рақобатлашмаслик мажбурияти;

лицензиатнинг лицензиарнинг рақобатчиларидан (бўлажак рақобатчиларидан) бошқа комплекс тадбиркорлик лицензияларини олишдан воз кечиши;

лицензиатнинг шартнома бўйича ўзига берилган алоҳида ҳуқуқларни амалга ошириш вақтида фойдаланиладиган тижорат бинолари жойлаштириладиган ерни, шунингдек уларнинг ташқи ваччики безакларини лицензиар билан келишиш мажбурияти назарда тутилиши мумкин.

Агар чеклайдиган шартлар тегишли бозорнинг ҳолатини ва тарафларнинг иқтисодий мавқенини ҳисобга олганда монополияга қарши қонун ҳужжатларига зид бўлса, бу шартлар монополияга қарши орган ёки бошқа манфаатдор шахснинг даъвосига кўра ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Агар комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасининг чеклайдиган шартларига кўра:

**лицензиар лицензиатнинг товарни сотиш баҳосини ёки лицензиат бажарадиган (кўрсатадиган) ишлар (хизматлар) нархини белгилашга, ёки мазкур нархларнинг юқори ва пастки чегараларини белгилаб қўйишга ҳақли бўлса;**

**лицензиат товарларни фақат маълум тоифадаги сотиб олувчиларга (буортмачиларга) ёки шартномада белгилаб қўйилган худудда жойлашган (яшайдиган) сотиб олувчиларга (буортмачиларга) гина сотишга, ишларни бажаришга ёки хизматлар кўрсатишга ҳақли бўлса, бундай чекловчи шартлар ҳақиқий эмас.**

1. Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномалари учун чеклайдиган шартлар хос бўлиб, уларни амалга оширилиши бозорларда рақобатни чеклашга олиб келиши мумкин. Кўпинча ушбу шартлар фойдаланувчига бириктириб қўйилган муайян худудда бошқа лицензиатлар ҳам, лицензиатнинг ўзи ҳам фаолият олиб боришини таъқиқлаш ёки лицензиатга лицензиар билан мустакил тарзда рақобатлашмаслик ёхуд лицензиатнинг рақобатчиларидан ушбу хукукларни олишини таъқиқлаш билан боғлик (ушбу таъқиқ шартномани бекор қилинишидан кейин ҳам муайян муддат мобайнида амал қилиши мумкин).

2. Қонунга мувофиқ, рақобат дегандан хўжалик юритувчи субъектларнинг мусобақалашуви бўлиб, бунда уларнинг мустакил ҳаракатлари ҳар бир субъект томонидан тегишли товар бозоридаги товарлар муомаласининг умумий шарт-шароитларига таъсир кўрсатиш имкониятини чеклаш тушунилади. Инсофсиз рақобат эса, хўжалик юритувчи субъектларнинг тадбиркорлик фаолиятида устунликни кўлга киритишга қаратилган, қонун хўжжатларига ва иш муомаласи одатларига зид бўлган, улар ўртасида мусобақалашувни истисно этадиган ва амалга оширилиши натижасида хўжалик юритувчи субъектларга тегишли товар бозорида товарлар муомаласининг умумий шарт-шароитларига таъсир кўрсатиш имконини берадиган ҳаракатлар сифатида баҳоланади.

3. Шархланётган моддада лицензиатнинг шартнома бўйича ўзига берилган алоҳида хукуқларни амалга ошириш вақтида фойдаланиладиган тижорат бинолари жойлаштириладиган ерни, шунингдек уларнинг ташқи ва ички безакларини лицензиар билан келишиш мажбурияти назарда тутилиши мумкинлиги ҳам назарда тутилган. Бунда сотиб олувчи, буортмачи (истеъмолчи)ларга товарлар сотиш, ишлар бажариш ва

хизматлар кўрсатиш жараёнида уларга тўлиқ ва аниқ маълумот бериш, уларни чалғитмаслик ҳамда лицензиарнинг обрў эътибори ва мавқеини сақлаб туриш мақсади кўзланиши мумкин.

4. Аксарият чеклайдиган шартлар ноқонуний бўлмайди, яъни қонун ҳужжатлари зид бўлмайди. Ҳар бир аниқ холатда улар монополияга қарши қонун ҳужжатларига томонидан муайян товар бозоридаги умумий холатни, шу билан бирга ушбу бозорда шартнома тарафларининг тутган ўрнини ўргангандан ҳолда таҳлил қилиниши талаб қилинади. Агар шартлар монополияга қарши қонун ҳужжатларига зид бўлса, бу шартлар монополияга қарши орган ёки бошқа манфаатдор шахснинг даъвосига кўра ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин. Бошқача айтганда, шартноманинг бундай шартлари низоли хисобланади.

5. Таҳлил этилаётган моддадаги чекловлар қатъий белгиланмаган, чунки ушбу модданинг биринчи қисмида «хусусан» деб айтилган. Лицензиарнинг бошқа шахсларга қандайдир мутлақ ҳукуқни тақдим этмаслик мажбурияти фақат ушбу комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси бўйича фойдаланувчига илгари тақдим этилган шунга ўхашаш мутлақ ҳукуқларни бошқа шахсларга тақдим қилиш холатларига тааллуқли. Лекин худди шунга ўхашаш бошқа мутлақ ҳукуқларни бошқа худудларда тақдим этиш мумкин.

Лицензиарнинг муайян худудда ўзинининг худди шунга ўхашаш фаолиятини амалга оширмаслик мажбурияти ушбу худудда лицензиат амалга оширадиган фаолиятни амалга ошира олмаслигини англатади, лекин бошқа фаолиятни (масалан, тақдим этилган лицензия комплексига кирмайдиган фаолиятни) лицензиар бу худудда амалга ошириши мумкин. Фойдаланувчининг лицензиар билан рақобатлашмаслик мажбурияти билан боғлиқ масала ҳам худди шу тарзда ҳал этилади.

6. Шарҳланаётган моддада ҳар қандай холатда ҳақиқий бўлмаган иккита чекловчи шартлари назарда тутилган.

Ҳақиқий бўлмаган чекловчи шартларнинг биринчи турига мувофиқ, тарафлар ўртасида нархларни ўзаро белгилаб олиш бутунлай истисно қилинмаслигини таъкидлаш керак. Бироқ агар лицензиат лицензиарнинг нархлар борасидаги тавсияларига риоя этмаса, у фойдаланувчи томонидан шартнома талаблари бузилганлигини важ қилиб кўрсатишга ҳақли эмас.

Сотиб олувчиларни (буортмачиларни) тоифаларга бўлиш таъкини, нафақат аксарият холларда шартноманинг ушбу шарти ҳукуқ-тартибот асосларига зид келиши билан, балки ҳар хил тоифадаги сотиб олувчиларни (буортмачиларни) муайян сотувчиларга бириктирилиши, тегишли бозордаги ракобат учун бозорни худудий бўлиш оқибатларини келтириб чиқариши мумкинлиги билан боғлиқдир. Бошқа томондан эса, агар лицензиарнинг фаолияти аввалдан ихтисослаштирилган ижтимоий характерга эга бўлса (масалан, меҳнат ва уруш қатнашчиларига хизмат қиласидаган дўкон) ушбу таъкиқ кўлланилиши мумкин эмас.

Агар лицензиат фаолияти учун шартнома билан муайян худуд белгиланган бўлиб унинг доирасидан ташқарига чиқишга ҳақли бўлмаса, лицензиат онгли равишда ўз худуди ташқарисидан амалий алоқа излаши ёки товар сотиши мумкин эмас. Аммо унга унинг худудидан ташқарида яшайдиган ёки турар жойи жойлашган манзилдан бошқа шахс мурожаат килса, у ушбу шахсга шартнома тузишда рад жавоб беришга ҳақли эмас. Бу монополияга қарши қонунчиликда етарли даражада очик ва умумқабул қилинган ёндашув, сотувчининг товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотиш ҳукукини ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган шартлари «факат» муайян худудда яшовчи (турар жойга эга) шахсларга тегишлилиги ҳақидаги нормада ўз ифодасини топган.

### **869-модда. Лицензиарнинг лицензиатга қўйиладиган талаблар бўйича жавобгарлиги**

**Лицензиат комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси бўйича сотаётган (бажараётган, кўрсатаётган) товарлар (ишлар, хизматлар) сифати шартномага мос эмаслиги тўғрисида лицензиатга қўйиладиган талаблар юзасидан лицензиар субсидиар жавобгар бўлади.**

**Лицензиатга лицензиарнинг маҳсулотини (товарларини) тайёрловчи сифатида қўйиладиган талаблар юзасидан лицензиар лицензиат билан солидар жавобгар бўлади.**

1. Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасининг асосий хусусияти шундан иборатки, унга кўра лицензиар лицензиатга ўзининг мутлақ ҳукуклари комплексидан фойдаланиш имконини беради. Шунинг учун, шарҳланадиган моддада баъзи бир холларда лицензиатга учинчи шахслар талабларига кўра,

назарда тутилган жавобгарлик, лицензиар учун ҳам таалуқлилиги белгиланган ва у мантиқан түғридири.

2. Товарнинг (махсулот, ишлар, хизматлар) сифати билан боғлик талаблар назарда тутилган. Умумий қоида бўйича хуқуқ эгаси ушбу талаблар юзасидан субсидиар жавобгар бўлади. Агар лицензиат томонидан сотилган товарлар, ишлар ва хизматлар тегишли даражада сифатли бўлмаса, мижозлар ундан моддий зарарларни қоплашни талаб қилишлари мумкин. Агар лицензиат кредиторлар олдида мустақил равишда жавоб бера олмаса, етказилган зарарларни лицензиар субсидар тарзда қоплаши лозим.

3. Лекин, ишлаб чиқариш франшизинг шартномаси асосида фаолият кўрсатилганда хуқуқ эгаси фойдаланувчи билан солидар жавобгар бўлади. Яъни, кредитор лицензиардан ҳам, лицензиатдан ҳам ёки уларнинг иккovidan ҳам зарарларни қоплашни талаб қилиши мумкин.

### **870-модда. Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасини ўзгартириш**

**Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси ушбу Кодекс 28-бобининг қоидаларига мувофиқ ўзгартирилиши мумкин.**

**Тегишли ўзгартишилар ушбу Кодекснинг 863-моддасида белгиланган тартибда рўйхатга олинган пайтдан бошлаб шартнома ўзгартирилган деб ҳисобланади.**

1. Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасини ўзгартиришнинг оддий усули тарафларнинг келишувидир (ЎзР ФК 382- моддасининг 1 қисми). Бундан ташқари, шартнома тарафлардан бирининг талаби билан суд томонидан ўзгартирилиши мумкин (ЎзР ФК 382-моддасининг 2 қисми). Шартномани суд томонидан бир тарафлама ўзгартирилишининг асоси бўлиб шартномани бошқа тараф томонидан жиддий бузилиши ҳисобланади. Таъкидлаш ўринлики, суд органининг хужжати асосида ўзгартириш ва қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказиша тўланадиган рўйхатдан ўтказиш йигими тўланмайди.

2. Шартномадаги барча ўзгартишилар рўйхатдан ўтказилиши шарт. Агар ўзгартишилар интеллектуал мулк обьектларига нисбатан мутлақ хукуқларни ўз ичига олса, Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигига ҳам рўйхатдан ўтказилиши керак.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасини ўзгартирилиши шартномани рўйхатдан ўтказилиши каби Вазирлар Махкамасининг 2010 йил 4 ноябрдаги 244-сон қарори билан тасдиқланган Комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ амалга оширилади.

### **871-модда. Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасини бекор қилиш**

**Муддати кўрсатилиб тузилган комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси ушбу Кодекс 28-бобининг қоидаларига мувофиқ бекор қилиниши мумкин.**

Тарафлардан ҳар бири муддатсиз комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасидан истаган вақтда бош тортишга ҳақли бўлиб, агар шартномада узокроқ муддат назарда тутилган бўлмаса, бу ҳақда иккинчи тарафни олти ой олдин хабардор қилиши керак.

**Лицензия комплексига кирган фирма номини янги firma номи билан алмаштирасдан унга бўлган хуқуқ бекор қилинган тақдирда комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси бекор қилинади.**

**Муддати кўрсатиб тузилган комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш, шунингдек муддатсиз комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасини бекор қилиш ушбу Кодекснинг 863-моддасида белгилangan тартибда рўйхатга олиниши керак.**

1. Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси, мажбуриятларни бекор қилинишининг умумий асосларга кўра ҳам, шарҳланаётган моддада кўрсатилган маҳсус асосларга кўра ҳам бекор қилиниши мумкин.

2. Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси ФКнинг шартномаларни ўзгартириш ва бекор қилишнинг умумий қоидаларига бўйсунади. Бунда тарафларнинг шартнома тузишда умид қилишга ҳақли бўлган нарсадан кўп даражада маҳрум бўладиган қилиб зарар етказиши, шартнома тузишда тарафлар учун асос бўлган вазиятнинг жиддий ўзгариши каби ҳолатлар франшизинг шартномасини ўзгартириш ва бекор қилишга асос бўлиши мумкин.

Фирма номи ва товар белгиси комплекснинг муҳим аҳамиятга эга қисми жумласига киради. Фирма номига бўлган хуқуқ юридик шахснинг

тутатилганида ёки қайта ташкил этилганда бекор бўлади (юридик шахснинг-фирма номи эгаси бекор бўлиши оқибатларни келтириб чиқармаган ҳоллар бундан мустасно). Товар белгисига бўлган ҳуқуқ ундан узок муддатда фойдаланилмаган ҳолларда бекор қилинади.

3. Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасини бекор қилиш асослари сифатида уни муддатдан олдин бекор қилишга йўл кўйилади, факат бошқа тарафни олти ой олдин хабардор қилиш шарти билан. Шунда муддатдан олдин бекор қилиш, комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасида амал қилиш муддати кўрсатилмаган ҳолда тузилгани каби мажбурий давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт, рўйхатдан ўтган мутлақ ҳуқуқ объектидан фойдаланишнинг тутатилиши каби. Шу пайтдан бошлаб шартнома учинчи шахслар учун, шу жумладан лицензиатнинг буюртмачилари учун ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади.

4. Шуни таъкидлаш жоизки, тарафларнинг бирини ночор (банкрот) бўлиши ҳам комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасини бекор бўлишига сабаб бўлади. Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси тадбиркорлик шартномаларига дахлдор бўлганлиги учун тарафларнинг бири тадбиркорлик мақомини йўқотганида, унинг амал қилиши давом эттирилмайди. Лекин, мазкур ҳолат шарҳланадиган моддада ўз аксини топмаган.

#### **872-модда. Тарафлар ўзгарганида комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасининг ўз кучида қолиши**

**Лицензия комплексига кирувчи бирон-бир алоҳида ҳуқуқнинг бошқа шахсга ўтиши комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасини ўзgartириш ёки бекор қилиш учун асос бўлмайди. Янги лицензиар ўзига ўтган алоҳида ҳуқуқ жумласига кирувчи ҳуқуқлар ва мажбуриятлар бўйича шартномага киришади.**

**Лицензиар фуқаро вафот этган тақдирда, унинг комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари меросхўрга, башарти бу меросхўр тадбиркор сифатида рўйхатга олинган бўлса ёки мерос очилган кундан эътиборан олти ой мобайнида тадбиркор сифатида рўйхатга олинса, ўтади. Акс ҳолда шартнома бекор қилинади.**

**Меросхўр тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятларни қабул қилиб олгунча ёки меросхўр тадбиркор сифатида рўйхатга олингунча бўлган даврда**

**лицензия комплексини нотариус томонидан белгиланган тартибда тайинланадиган бошқарувчи идора қиласы.**

1. Хукуқ әгасидан бирон-бир объектни бошқа шахсга ўтиши қонунчилікда назарда тутилған асосларга күра амалға оширилиши мүмкін. Бирон-бир мутлак хукукнинг бошқа шахсга ўтиши комплекс тадбиркорлық лицензияси шартномасини ўзгартырғанын ёки бекор қилинишини келтириб чиқмаслигини инобатта олган ҳолда, тарафларнинг ўзгаришини рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги масала вужудга келмайди.

2. Янги хукуқ әгаси бирон-бир мутлак хукуқ объектига ўтказилған айнан хукуқ ва мажбуриятлар қисми бўйича комплекс тадбиркорлық лицензияси шартномаси тарафи хисобланади.

3. Шундай ҳолат бўлиши мүмкінки, янги хукуқ әгасига мутлак хукуқ объектларининг барчаси эмас, балки унинг айримлари ўтказилған бўлади. Бундай ҳолда комплекс тадбиркорлық лицензияси шартномаси лицензиари сифатида икки шахс мавжуд бўлади (ҳар бири ўзининг мутлак хукуқи обьекти жумласига кирувчи хукуқ ва мажбуриятлари бўйича).

4. Лицензиар-фуқаро вафот этган тақдирда, унинг комплекс тадбиркорлық лицензияси шартномаси бўйича хукуқ ва мажбуриятлари меросхўрга ўтиши мүмкін. Бунинг учун ушбу меросхўр тадбиркор сифатида рўйхатга олинган бўлиши ёки мерос очилган кундан эътиборан олти ой мобайнида тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиши талаб қилинади. Ушбу шартларнинг мавжуд бўлмаслиги шартномани бекор қилинишига олиб келади.

5. Лицензиар фуқаронинг вафоти этганидан сўнг, қонунда назарда тутилған шартларнинг вужудга келиши учун маълум вақт керак бўлади. Шу сабабли меросхўр тегишли хукуқ ва мажбуриятларни қабул қилиб олгунча ёки меросхўр тадбиркор сифатида рўйхатга олингунча лицензия комплексини бошқариш зарурати вужудга келади. Ушбу давр мобайнида лицензия комплекси нотариус томонидан белгиланган тартибда тайинланадиган бошқарувчи томонидан идора қилинади.

### **873-модда. Фирма номи ўзгарганида комплекс тадбиркорлық лицензияси шартномасининг ўз кучида қолиши**

**Лицензиар ўзининг фирма номини ўзгартирган тақдирда, агар лицензиат шартномани бекор қилишни талаб қилмаса, комплекс**

**тадбиркорлик лицензияси шартномаси сақланиб қолади ва лицензиарнинг янги фирма номига нисбатан амал қилиади. Шартноманинг амал қилиши сақланиб қолган тақдирда лицензиат лицензиарга тегишли бўлган ҳақни мутаносиб равишда камайтиришни талаб қилишга ҳақли бўлади.**

1. Фирма номининг эгаси уни тегишли тартибда ўзгартириши мумкин. Ўзгартиришларни рўйхатдан ўtkазиш ягона давлат реестрида қайд этилади.

2. Шархланаётган моддага кўра, фирма номини ўзгартириш учун фойдаланувчининг розилиги керак. Фойдаланувчи шартномани бекор қилишни ҳам талаб қилишга ҳақли бўлади. Чунки, лицензиат шартномавий муносабатларга фирма номининг муайян кийматга эгалиги туфайли киришган бўлиши мумкин. Мазкур фирма номини ўзгартириш унинг учун манфаатдорликни муайян даражада пасайтириш эҳтимолини келтириб чиқаради.

3. Лицензиар томонидан ўзининг фирма номини ёки тижорат белгисини ўзгартириш, шартномани бекор қилишга олиб келмайди. Лекин, мутлақ ҳуқуқлар комплексининг муҳим таркибий қисми ўзгартирилганда лицензиат учун шартнома муҳим даражада ўз кийматини йўқотишини инобатга олган ҳолда, у лицензиарга тегишли мукофот қисқартирилишини ёки шартномани бекор қилиб заарларни қопланишини талаб қилиши мумкин.

4. Агар комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси нарсаси бўлган лицензиарнинг товар белгиси ёки бошқа белгиси ўзараётган бўлса, лицензиат шартномани бекор қилиб заарларни қопланишини талаб қилмаса, шартноманинг янги марка ёки белгисига нисбатан амал қилиши сақланиб қолади.

#### **874-модда. Лицензия комплексига кирадиган алоҳида ҳуқуқнинг бекор бўлиш оқибатлари**

**Агар комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси амал қилиб турган даврда лицензия комплексига киравчи алоҳида ҳуқуқнинг амал қилиш муддати тугаса ёки бундай ҳуқуқ бошқа асосга кўра бекор бўлса, шартнома бекор бўлган ҳуқуқка тааллукли қоидаларни**

**чегириб ташлаган ҳолда сақланиб қолади, лицензиат эса, агар шартномада бошқа ҳол назарда тутилган бўлмаса, лицензиарга тегишли бўлган ҳақни мутаносиб равишда камайтиришни талаб қилишга ҳақли бўлади.**

1. Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси бўйича лицензиатга тақдим этилган хукуклар комплексига кирувчи мутлақ хукуқининг бирини бекор бўлиш шартнома муносабатларини бекор бўлишига асос бўлмайди, лекин комплекс лицензиатнинг мажбуриятларини ўзгартирилишига сабаб бўлади. Кўпинча бундай ҳолатда тарафлар лицензиат томонидан лицензиарга тўланадиган мукофотни мутаносиб равишда камайтирилишини келишиб оладилар.

2. Мутлақ хукукларнинг бекор бўлиш асослари ушбу хукукларни химоя қилиш тўғрисидаги қонунларда белгиланган.

3. Тегишли вазият келиб чиқиши мумкинлигини инобатган олган ҳолда, мукофотлар тўғрисидаги шартнома шартларини шакллантириш жараёнида унинг микдорини қайта кўриб чиқиш тартибини кўрсатиб ўтиш керак. Буларга хукуқ эгасининг фирма номини ёки тижорат белгисини ўзгартирилиши, комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси бўйича фойдаланиш учун тақдим этилган бошқа мутлақ хукукларнинг амал қилиш муддатини ўтиб кетишини кўрсатиш мумкин.

4. Ҳар иккала ҳолатда ҳам лицензиат лицензиарга тегишли мукофотларни мутаносиб равишда камайтириш тўғрисидаги масалани қўйишига ҳақлидир. Ушбу ҳолатларда тўланадиган ҳақ микдорини камайтириш тартиби олдиндан шартномада келишиб олиниши мақсадгага мувофиқдир.

## **51-БОБ. ОМОНАТ САҚЛАШ**

### **1-§. ОМОНАТ САҚЛАШ ҲАҚИДА УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

#### **875-модда. Омонат сақлаш шартномаси**

**Омонат сақлаш шартномаси бүйича бир тараф (омонат сақловчи) унга иккинчи тараф (юк топширувчи) берган ашёни сақлаш ва бу ашёни тұла ҳолида қайтариш мажбуриятини олади.**

**Омонат сақлашни ўз касб фаолиятининг мақсадларидан бири сифатида амалга оширадиган ташкилот (профессионал омонат сақловчи) омонат сақлаш шартномасида сақловчининг юк топширувчидан ашёни шартномада назарда тутилған муддатда сақлашга қабул қилиш мажбурияти күзда тутилиши мумкин.**

1. Омонат сақлаш шартномаси реал битим сифатида күрилади ва умумий қоидага күра, юк топширувчи томонидан омонат сақловчига ашёни берган вақтидан бошлаб тузилған хисобланади. Бирок тарафлар келишувида омонат сақловчи юк топширувчидан, шартномада күрсатылған муддатда, ашёни қабул қилиб олиш мажбурияты күзде тутилған бўлса, омонат сақлаш шартномаси консенсуал характерга эга бўлиши мумкин.

2. Омонат сақлаш шартномасининг ҳақ эвазига ёки текинга тузилиши хусусида цивилист олимлар орасида яқдил фикр мавжуд эмас. Уларнинг айримлари мазкур шартнома ҳақ эвазига тузиладиган шартномалар туркумига мансублигини таъкидлашса, бошқалари текинга ҳам тузилиши мумкинлигини эътироф этишади. Фуқаролик кодексида эса, бу ҳақда туғридан-туғри норма белгиланмаган. Аммо ҳақ эвазига тузиладиган омонат сақлаш шартномаси сифатида 885 ва 886-моддаларни күрсатиб ўтиш мумкин. Шу билан бирга амалиётда, айникса фуқаролар ўртасидаги муносабатларда текинга омонат сақлаш бўйича хизмат күрсатиш кенг тарқалғанлигини таъкидлаш мумкин.

3. Омонат сақлаш шартномасининг бир тарафлами ёки икки тарафламилиги хусусида ҳам ягона фикр мавжуд эмас. Шундай фикр мавжудки, омонат сақлаш шартномаси биринчи навбатда юк топширувчи манфаат-

лари юзасидан тузилса ҳам, ҳатто омонат сақлаш шартномаси текин ва реал бўлган ҳолларда ҳам, хуқук ва мажбуриятларга икки тараф ҳам эга бўлишилиги ҳақидаги нуқтаи назар ишончли ҳисобланади. Шартноманинг асосий мақсадини инобатга олган ҳолда, одатда юк топширувчи омонат сакловчига нисбатан кенгроқ имкониятлардан фойдаланишлиги боис, тарафлар ўртасида хуқук ва мажбуриятлар тенг тақсимланади, деб бўлмайди.

4. Юқоридагиларга асосан хулоса қилиш мумкини, текин ва реал омонат сақлаш шартномаси бир тарафлама ҳисобланади. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар омонат сақловчида, хукуклар эса, юк топширувчida юзага келади.

Ҳақ эвазига омонат сақлаш шартномасида юк топширувчи омонат сакловчининг хизматлари учун ҳақ тўлаш мажбуриятига эга ва бу мажбурият омонат сакловчининг ашёни сақланишини таъминлаш бўйича мажбуриятига мос келади. Бу ҳолат, ҳақ эвазига тузилган омонат сақлаш шартномасини икки тарафлама шартномалар туркумига киритишга имкон беради.

5. Омонат сақловчи сифатида кимнинг иштирок этишига қараб, профессионал ёки профессионал бўлмаган омонат сақлаш фарқланади. Омонат сақлаш профессионал фаoliyatining асосий мақсадларидан бири бўлган ҳар қандай ташкилот томонидан амалга оширилганида омонат сақлаш профессионал ҳисобланади. Омонат сақлаш мажбурияти бошқа ташкилот ёки фуқаро томонидан қабул қилинган тақдирда, у профессионал бўлмаган омонат сақлаш ҳисобланади. Ушбу фарқлашнинг маъноси шундаки, профессионал омонат сақловчига нисбатан қонун қатъий талабларни қўяди. Жумладан, юк топширувчининг мулкини сақлаш бўйича профессионал омонат сакловчининг кучайтирилган жавобгарлиги белгиланган.

6. Омонат сақлаш шартномаси оддий ва фавқулотда ҳолатларда тузилиши мумкин. Оддий ҳолатда омонат сақлаш шартномаси одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида тузилади ва юк топширувчи нафакат ким билан шартнома муносабатларига киришаётганлигини баҳолаш, балки уни тўғри тузиш имкониятига ҳам эга бўлади. Бироқ, баъзан шундай вазиятлар бўладики, мулкни омонат сақлаш учун топширишга эҳтиёж тўсатдан вужудга келади, масалан фавқулотда вазиятлар, ҳарбий ҳаракатлар, тўсатдан касал бўлиб қолишлик ва ҳоказо. Бундай ҳолатда мулкдор ўзи билмайдиган шахсга ҳатто шартномани ёзма расмийлаш-

тирмасдан туриб мулкни топширишга мажбур бўлади. Мазкур ҳолатда омонат сақловчига омонат сақлаш бўйича кучайтирилган жавобгарлик юклатилмайди.

7. Қонунда белгиланган ҳолатлар вужудга келганда мажбуриятларни омонат сақлаш шартномасига қисман таалуқли бўлишлиги ҳакида турли хил фикрлар мавжуд. Бундай омонат сақлаш сифатида — топилма (Фуқаролик кодексининг 192-моддаси) ва қаровсиз ҳайвонлар (Фуқаролар кодексининг 195-моддаси) сақланишини кўрсатиш мумкин.

8. Бугунги кунда профессионал омонат сақловчилар кўплаб учрайди. Жумладан, божхона омбори, бозорлардаги омборхоналар фаолиятини кўрсатиб ўтиш мумкин. Божхона омбори — маҳсус жиҳозланган ва белгиланган жой бўлиб, биноларнинг ҳудудини ва (ёки) очиқ майдончаларни ўз ичига олади ҳамда товарларни вақтинча сақлаш ва (ёки) божхона омбори режимларида божхона назорати остида сақлашга мўлжалланган бўлади. Божхона омборида Ўзбекистон Республикасига олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш тақиқланган товарларни (божхона органлари томонидан олиб қўйилган ва божхона органлари томонидан таъсис этилган божхона омборига жойлаштирилган товарлар бундан мустасно) ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомалада бўлиши ва сотилиши тақиқланган товарларни сақлашга рухсат берилмайди.

Божхона омбори очиқ ёки ёпик турда бўлиши мумкин. Очиқ турдаги божхона омборидан ҳар қандай шахслар фойдаланиши мумкин. Ёпик турдаги божхона омборида эса, муайян шахслар, қоидага кўра, омбор эгасининг товарларини сақлашга ёки муайян товарларни, шу жумладан муомалада бўлиши чекланган товарларни сақлаш учун мўлжалланган бўлади. Бундай шахслар ва товарлар доираси божхона омборини таъсис этишда божхона органи билан келишув бўйича божхона омбори эгаси томонидан белгиланиши мумкин.

Бундан ташқари ихтисослаштирилган божхона омборлари ҳам фаолият юритишлари мумкин. Яъни, очиқ ва ёпик турдаги божхона омборларидан сақлашнинг алоҳида шарт-шароитларини талаб этувчи ёки бошқа товарларга зарар етказиши мумкин бўлган товарларнинг айрим турларини сақлаш учун фойдаланилади. Қоидага кўра, Ўзбекистон Республикаси божхона органлари томонидан таъсис этиладиган божхона омборлари

очик турдаги божхона омборлари хисобланади. Божхона омбори фаолияти лицензияланадиган фаолият тури саналади.

Божхона омборида товарлар сақланиши талаблари ва шартларига риоя этилиши учун божхона омборининг эгаси товар божхона омборида сақлаш учун қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб жавоб беради, бу омборхона хужжати (омбор гувоҳномаси, товарларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси ва ҳокозолар) расмийлаштирилиши билан тасдиқланади.

Бозорлар ҳам тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун кенг имкониятлар бермоқда. Бозорлар фаолияти, сотиладиган товарлар тури бўйича фарқланади. Умумий тарзда, бозор бу Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан белгиланган жойларда доимий ёки вактинчалик асосда фаолият кўрсатадиган ҳамда савдо расталари, савдо ўринлари, тургун савдо шоҳобчалари (шу жумладан савдо павильонлари, киоскалари)дан фойдаланган ҳолда, эркин рақобат шароитларида истеъмол товарлари кенг ассортиментининг чакана ва майда улгуржи олди-сотдиси учун зарур шартшароитлар яратишга мўлжалланган мулкий комплекс бўлиб хисобланади.

Бозорда сотиладиган товарлар ҳар доим ҳам мулк эгаси томонидан олиб кириб, иш вақти тугагандан сўнг олиб чиқиб кетилмайди. Бундай ҳолларда бозор ҳудудида ташкил этиладиган омборхоналар хизматидан фойдаланилади. Омонат сақлаш шартномасининг тузилишида шартноманинг барча муҳим шартларига риоя қилиниши, чунончи, шартномани тузилганлик фактини тасдиқланиши, омонатга топширилаётган товарнинг ҳажми, сифати, ҳақ тўлаш шакли ва тартибининг аниқ белгилаб қўйилиши мақсадга мувофик.

### **876-модда. Ашёни сақлашга қабул қилиш мажбуриятини бажариш**

**Омонат сақлашни тадбиркорлик ёки бошқа профессионал фаолият сифатида амалга оширадиган омонат сақловчи омонат сақлаш шартномаси бўйича ўз зиммасига юк топширувчининг ашёларини сақлашга қабул қилиш ва юк топширувчи берган нарсаларни ушбу моддада назарда тутилган қоидаларга мувофиқ сақлаш мажбуриятини олиши мумкин.**

**Омонат сақлаш шартномаси бўйича ашёни сақлашга қабул қилиш мажбуриятини олган омонат сақловчи бу ашёни сақлаш учун ўзига беришни талаб қилишга ҳақли эмас. Бироқ, ашёни омонат сақлаш шартномасида назарда тутилган муддатда сақлашга топширмаган юк топширувчи, агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ашёни сақлашга топширмаганилиги муносабати билан етказилган зарар учун омонат сақловчи олдида жавобгар бўлади.**

**Агар омонат сақлаш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ашё шартномада келишилган муддатда сақлашга топширилмаган ҳолларда, борди-ю, бу муддат белгиланмаган бўлса, шартнома тузилган кундан бошлаб уч ой ўтганидан кейин омонат сақловчи ашёни сақлашга қабул қилиш мажбуриятидан озод этилади.**

1. Факат консенсуал шартномада омонат сақловчининг мажбурияти бўлиб шартномада кўрсатилган муддатда ашёни қабул қилиш хисобланади. Реал шартномада эса, шартномани тузиш вақти ва ашёни топшириш вақти бир вақтда бўлғанлиги боис, омонат сақловчи бундай мажбуриятга эга эмас.

Қонун чиқарувчи томонидан омонат сақлашга қабул қилувчи сифатида тадбиркорлик фаолияти субъекти ёки бошқа профессионал фаолият (доимий равишда омонат сақлаш) билан шуғулланувчи омонат сақловчини назарда тутади. Демак, асосий профессионал фаолиятиниң тури сифатида омонат сақловчилар ҳамда бошқа тадбиркорлик субъектлари ҳам омонат сақловчи сифатида кўрилиши мумкин. Масалан, бозорларнинг асосий фаолият мақсади истеъмол товарлари кенг ассортиментининг чакана ва майда улгуржи олди-сотдисига мўлжалланган бўлсада, ўз худудида ташкил этиладиган омборхоналарда ҳар томонлама фойдали шартларда омонат сақловчи сифатида иштирок этиши ҳам мумкин.

2. Омонат сақлаш юк топширувчининг манфаатларини таъминлаш мақсадида амалга оширилиши сабабли, омонат сақловчи ундан шартномада кўрсатилган ашёни топширишни талаб қилишга ҳақли эмас. Шу билан бирга, ашё ўз вақтида тақдим қилинмаган тақдирда, агар шартномада бошқача ҳол назарда тутилган бўлмаса, у ашёни қабул қилиш мажбуриятидан озод бўлади.

Ашёни қабул қилиш мажбуриятини тараф томонидан бажариш тартиби ҳамда кўрсатилган мажбуриятни бузганлик оқибатлари фуқаролик қонунчилигининг умумий нормалари билан белгиланади.

3. Бир қатор мамлакатлар қонунчилигида белгиланган нормага кўра, агар юк топширувчи омонат сақлаш амалга оширилмаслиги тўғрисида ўз вақтида огохлантирган бўлса, у омонат сақловчининг олдида жавобгарликдан озод этилади. Айрим муаллифларнинг таъкидлашича, бу холда юк топширувчи омонат сақловчи олдида у кўрган зарарни қоплаш бўйича мажбуриятдан озод этилади. Бироқ, ўз вақтида огохлантириш омонат сақловчи томонидан ҳеч қандай зарар кўрмаслигига олиб келсангина юк топширувчи мажбуриятдан озод этилади, деган фикр тўғрироқ хисобланади. Ўз вақтида огохлантирилган омонат сақловчи бўлажак омонат сақлаш билан боғлиқ харажатлар қилишга улгурмайди. Ушбу муддат ҳар бир аниқ шартнома бўйича ўзгариши мумкин.

Сақлаш учун топшириладиган ашё омонат сақлаш шартномасида келишилган муддатда (масалан, товарларни етиб келиш муддатига боғлиқ холда) топширилади. Агар тарафлар ўргасидаги шартномада ушбу муддат белгиланмаган бўлса, конунга мувофиқ, уч ой муддат ичida ашё омонатга топширилиши мумкин. Ушбу муддат ўтгандан сўнг, омонат сақловчи ашёни сақлашга қабул қилиш мажбуриятидан озод этилади.

### **877-модда. Омонат сақлаш шартномасининг шакли**

**Омонат сақлаш шартномаси ёзма равища тузилиши керак бўлган ҳолларда (ушбу Кодекснинг 108-моддаси) агар ашёнинг сақлашга қабул қилинганлиги омонат сақловчи томонидан юк топширувчига сақлаш тилхати, паттаси, гувохномасини, омонат сақловчи имзолаган бошқа ҳужжатни бериш йўли билан тасдиқланган бўлса, шартноманинг ёзма шаклига риоя қилинган ҳисобланади.**

Агар ашё сақлаш учун фавқулодда ҳолатларда (ёнгин, табиий оғат, тўсатдан касал бўлиш, ҳужум хавфи ва бошқалар) топширилган бўлса, шартноманинг ёзма шаклига риоя қилиш талаб этилмайди.

**Омонат сақлаш шартномаси омонат сақловчи томонидан юк топширувчига, агар бунга қонун ҳужжатларида йўл қўйилса ёки у сақлашнинг ушбу тури учун одатдаги ҳол бўлса, ашёлар сақлаш учун**

**қабул қилингандыктын тасдиқлайдыган номерли жетон (номер) ёки бошқа белги бериш йўли билан тузилиши мумкин.**

**Омонат сақлаш шартномасининг оддий ёзма шаклига риоя қилмаслик сақлашга қабул қилингандык ашё билан омонат сақловчи қайтарган ашёнинг айнан ўзилиги хусусида низо чиқкан тақдирда, тарафларни гувоҳларнинг кўрсатмаларини важ қилиб келтириш хукуқидан маҳрум этмайди.**

1. Омонат сақлаш шартномасининг шакли уни тузиш ҳолатлари ва туридан келиб чиқиб аниқланади. Консенсуал шартномалар учун нисбатан қатъий талаблар белгиланган. Бундай шартнома унинг қийматидан қатъий назар ёзма шаклда тузилиши лозим. Мазкур моддада шартнома шаклига риоя қилмасликнинг хукукий оқибатлари кўрсатиб кўйилмаган. Бироқ, ФК 108-моддаси (битимнинг оддий ёзма шакли)га доир талабни ҳам кўрсатиб ўтади. Бундай ҳолларда ФКнинг 108-моддаси талабларидан келиб чиқиши талаб қилинади. Яъни, юридик шахсларнинг ўзаро ва фуқаролар билан ҳамда фуқаролар ўртасидаги белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ суммадаги битимлар оддий ёзма шаклда тузилиши талаб қилинади. Агар ашёни сақлашга қабул қилингандык омонат сақловчи томонидан юк топширувчига сақлаш тилхати, паттаси, гувоҳномасини, омонат сақловчи имзолаган бошқа хужжатни бериш йўли билан тасдиқланган бўлса, шартноманинг оддий ёзма шаклига риоя қилинган хисобланади.

2. Фавқулотда вазиятларда ашё омонат сақлашга топширилганда юкорида кўрсатилган ёзма шаклга доир қоида тадбиқ этилмайди. Табиий оғат, ёнғин, тўсатдан касал бўлиб қолиш, хужум хавфи ва ҳоказоларда омонат сақлаш шартномасининг ёзма шаклига риоя қилиш ҳар доим ҳам мумкин бўлмагандыкнинг эътиборга олиб, қонун ашёни сақлашга топшириш фактини тасдиқлаш учун гувоҳларнинг кўрсатмаларини ҳам қабул қиласи.

3. Омонат сақловчи томонидан юк топширувчига, агар бунга қонунда ёки бошқа хукукий хужжатда йўл қўйилса, ёки у сақлашнинг ушбу тури учун одатдаги ҳол бўлса, ашёларни сақлаш учун қабул қилингандыкнинг тасдиқлайдыган номерли жетон (номер) ёки бошқа белги топширилганда омонат сақлаш шартномасининг шаклига риоя қилинган хисобланади. Битимнинг ёзма шаклига агар қонунда, бошқа хукукий хужжатда ёки бундай

омонат сақлаш учун одатдаги ҳол бўлганда нафақат хужжат (тилхат, чипта ва х.к.) балки жетон, шу жумладан номер ва шартнома тузилганлигини тасдиқловчи бошқа воситалар ҳам тенглаштирилади.

4. Номер ёки жетонни олган шахс ашёни топширган шахсга ёки унинг номидан ҳаракат қилувчи сифатида кўрилади. Шу сабабли, омонат сақловчи жетон тақдим этган шахсга ашёни топширганда (жетон топиб олинганда ёки ўғирланганда) омонат сақловчининг ҳаракатларида қўпол эҳтиётсизлик ёки қасд мавжудлиги исботланган тақдирдагина жавобгар бўлади. Жетон омонат сақлаш шартномаси тузилганлигини тасдиқловчи далилларидан бири ҳисобланади. Шунга мувофиқ, жетон йўқотган фуқаро шу жумладан, гувоҳлар кўрсатмаларига таянган ҳолда шартнома тузилганлиги фактини исботлаш хукукига эга.

5. Шартнома тузилганлиги тўғрисидаги факт бўйича низо бўлмаган ҳолда, бироқ сақлашга қабул қилинган ашё ва омонат сақловчи томонидан қайтариб берилган ашёни айнан ўзилиги тўғрисида низо келиб чиқса, шартноманинг оддий ёзма шаклига риоя қилинмаганлиги тарафларнинг гувоҳлар кўрсатмаларига таяниш хукуқидан маҳрум қилмайди.

### **878-модда. Омонат сақлаш муддати**

**Омонат сақловчи ашёни шартномада келишилган муддат давомида сақлаши шарт. Агар шартномада сақлаш муддати назарда тутилган бўлмаса ва уни шартноманинг шартларига қараб аниқлаш мумкин бўлмаса, ашё юқ топширган шахс томонидан талаб қилиб олингунча сақланади.**

**Агар сақлаш муддати ашёни юқ топширган шахс томонидан талаб қилиб олиш пайтигача қилиб белгиланган бўлса, омонат сақловчи бундай вазиятларда одат бўлган ашёни сақлаш муддати тугагач, ашёнинг юқ топширган шахс томонидан қайтариб олинишини талаб қилишга ҳақли бўлиб, ашёни топширган шахсга уни қабул қилиб олиш учун оқилона муддат беради. Юқ топширувчининг бу мажбуриятни бажармаслиги ушбу Кодекс 888-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган оқибатларга олиб келади.**

1. Омонат сақловчи ашёни сақлайдиган вақт даври омонат сақлаш шартномасида муддат деб аталади. Омонат сақлаш шартномаси аниқ бир

муддатга (муддатли омонат сақлаш шартномаси) ёки муддати күрсатилмай тузилиши мумкин, бу ҳолда омонат сақловчы ашёни юк топширувчи талаб қилгунча сақлашга мажбур (муддатсиз омонат сақлаш шартномаси).

2. Бирок, муддатли омонат сақлаш шартномасида ҳам юк топширувчи хохлаган вақтда ҳатто омонат сақлаш шартномаси муддати тугамаган бўлса ҳам, ўзига тегишли бўлган ашёни қайтариб олиши мумкин.

3. Омонат сақловчы ҳатто шартнома муддати күрсатилмаган ҳолда тузилган ва омонат сақлаш хизмати текин кўрсатилаётган бўлса ҳам асоссиз равишда омонат сақлаш шартномасини тугатиши мумкин эмас. Ўз ихтиёри билан ашёни сақлаш учун қабул қилган омонат сақловчы, ҳар ҳолда ашёни шартномада назарда тутилган муддат мобайнида ёки ушбу холатда сақлаш учун одат бўлган муддат мобайнида сақлаши керак.

4. Омонат сақловчы фақатгина қонунда ёки шартномада тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳолларда юк топширувчидан ашёни қайтариб олишини талаб қилиши мумкин. Жумладан, агар сақлаш учун топширилган ашёлар, сақлаш шартларига риоя қилинганилгига қарамай, атрофдагилар ёки омонат сақловчининг ёки учинчи шахсларнинг мулки учун хавф туғдирган тақдирда, омонат сақловчида бундай хуқуқ вужудга келади.

5. Омонат сақлаш мажбурияти охирги натижа — сақлаш муддати тугаганида юк топширувчига ашёни лозим даражада қайтариб беришга қаратилган. Агар омонат сақловчы шартнома бўйича ашёни сақланишини таъминламаган бўлса, у қанча муддат давомида ўз мажбуриятларини лозим даражада ижро этиб қачондан бошлаб мажбуриятини бузганидан катъий назар, бунинг учун жавоб беради. Юк топширувчини охирги, тугал натижа қизиктиради. Омонат сақлаш муддатидан олдин омонат сақловчы жавоб берадиган ҳолатларда тугатилган тақдирда, у омонат сақлаш учун мукофот талаб қилишга ҳақли эмас ва бунинг учун олинган мукофот пулларини юк топширувчига қайтариб бериши лозим.

6. Айрим профессионал фаолият сифатида омонат сақлашга нисбатан алоҳида тартиб белгиланиши мумкин. Чунончи, тез бузиладиган товарлар божхона омборида бундай товарлардан ўз вазифасига кўра фойдаланиш имконини берувчи уларнинг сифати сақланиб қолиши муддати доирасида, бироқ танланган божхона режимига мувофиқ белгиланган муддатдан ортиқ бўлмаган муддатда сақланиши мумкин. Қоида тариқасида,

товарлар божхона омбори режимида уч йил мобайнида туриши мумкин. Товарларни сақлашнинг чекланган муддати бир йилдан кам бўлмаслиги керак (сақлаш, истеъмол қилиш ва сотишга яроқлилик муддатлари чекланган товарлар бундан мустасно). Сақлашнинг аниқ муддатлари белгиланган меъёрларда товарларни сақлашга жойлаштирувчи шахс томонидан омбор эгаси билан биргаликда аникланади. Сақлаш, истеъмол қилиш ва сотишга яроқлилик муддатлари чекланган товарлар белгиланган муддат ўтишидан олтмиш кун олдин бошқа божхона режимига расмийлаштирилиши ва божхона омборидан олиб чиқиб кетилиши лозим.

7. Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, омонат сақлаш шартномаси муайян муддат давомида ёки муддати кўрсатилмаган ҳолда талаб қилиб олингунга қадар сақланади. Шартномада сақлаш муддатининг белгиланиши тарафлар учун мажбуриятларини аниқ бажаришларига имкон беради. Агарда омонат сақлаш муддати белгилаб берилган бўлмаса, одатда бундай омонат сақлашга нисбатан қўлланиладиган муддат ўтгандан сўнг, ашёни топширган шахсга уни қабул қилиб олиш учун оқилона муддат беради. Юк топширувчининг бу мажбуриятни бажармаслиги омонат сақлаш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, омонат сақловчи ашёни мустақил суратда сотишга ҳақли бўлади. Омонат сақлаш учун топширилган ашёнинг қиймати Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараварига тенг суммадан ортиқ бўлган тақдирда эса ФК 379, 380 ва 381-моддаларига риоя қилган ҳолда сотишга ҳақли бўлади. Ашёни сотишдан тушган сумма омонат сақловчига тегишли ҳақ чегириб ташлангач, юк топширувчига берилади. Омонат сақловчи инсофизлик қилиши, масалан, қасдан ашёнинг қийматини пасайтириб сотиши мумкин эмас. Омонатга топширилган ашёни сотишга мажбур бўлинган ҳолларда қонунда белгиланган тартибда мустақил баҳоловчи ташкилотлар томонидан ушбу мулкни қийматини аниклаб олиш мақсадга мувофиқдир.

### **879-модда. Ашёларни эгасизлантириб сақлаш**

**Ашё эгасизлантириб сақланганида сақлаш учун қабул қилинган ашёлар бошқа юк топширувчиларнинг шунга ўхшаш ва шундай сифатли ашёлари билан аралаштириб юборилиши мумкин. Юк топ-**

**ширувчига тенг миқдорда ёки тарафлар келишган миқдорда шунга ўхшаш ва шундай сифатли ашёлар қайтариб берилади.**

**Эгасизлантириб сақлаш бундай ҳол омонат сақлаш шартномасида бевосита назарда тутилган ҳоллардагина амалга оширилади.**

1. Юк топширувчининг бошқа юк топширувчиларнинг ёки омонат сақловчининг ўзининг шу турдаги ва сифатдаги ашёлари билан аралашиб кетиши мумкин бўлган ашёси бўйича тузилган шартнома — эгасизлантириб сақлаш ёки иррегуляр сақлаш шартномаси (лот. *irregular* — одатдагидек эмас, нонормал) деб аталади.

2. Шартнома муддати тугагандан сўнг, юк топширувчига у сақлаш учун топширган ашё эмас, балки худди шандай турдаги ва сифатдаги топширилган миқдорга тенг ёки тарафлар томонидан келишилган миқдорда қайтариб берилиши кафолатланади. Бундай шартномалар жумладан, сабзавот омборлари, нефть базалари, элеваторлар томонидан тузилади.

3. Омонат сақлашнинг мазкур турини таҳлил қилишда, ушбу эгасизлантирилган ашёнинг мулқдори ким ва унинг тасодифан нобуд бўлиш хавфи тегишлича кимнинг зиммасида бўлиши аниқланиши лозим. Омонат сақлаш шартномаси мулк ҳуқуқини топширишга қаратилмаганлиги боис, барча юк топширувчилар сақлашга топширилган мулкнинг миқдорига мос равишда тегишлича эгасизлантирилган мулкнинг мулқдори бўлиб ҳисобланади. Тасодифан нобуд бўлиш хавфи ҳам уларнинг зиммаларида бўлади, бироқ бу катта амалий аҳамиятга эга эмас, чунки иррегуляр сақлаш асосан профессионал омонат сақловчилар томонидан амалга оширилади ва улар ўзларига топширилган мулкнинг сақланиши бўйича айбидан қатъий назар жавобгар бўладилар.

4. Маълумки, ашёлар хусусий ва турга хос аломатлари билан белгиланади. Чунончи, алоҳида, фақат ўзигагина хос, уни бир хил ашёлар орасидан ажратиб турадиган ва шу тариқа хусусий аломатларга эга бўлган ашё хусусий аломатлари билан белгиланган ашё ҳисобланади. Хусусий аломатлари билан белгиланган ашёлар бошқаси билан алмаштириб бўлмайдиган ашёлар саналади. Шу билан бирга бир турдаги ҳамма ашёларга хос аломатларга эга бўлган ҳамда сони, оғирлиги, ўлчови ва шу кабилар билан белгиланадиган ашёлар турга хос аломатлари билан белгиланадиган ашёлар бўлиб ҳисобланади ва турга хос аломатлари билан белгиланадиган ашёлар бошқаси билан алмаштирилиши мумкин. Шу

боисдан қонунда омонат сақлаш шартномаси нарсаси бўлган ашёларни эгасизлантириб сақлаш ҳам назарда тутилган. Эгасизлантириб сақлаш бундай ҳол омонат сақлаш шартномасида бевосита назарда тутилган ҳоллардагина амалга оширилади. Ашёларни эгасизлантириб сақлаш бир томондан сақловчи учун муайян ортиқча ҳаражатлар (масалан, алоҳида хона ажратиш, муайян сақлаш шароитларини вужудга келтириш ва х.к.) қилишини олдини олса, бошқа тарафдан омонатга топширувчи учун бир хил сифатдаги ва турдаги ашёни қайтариб олиши учун қулайлик яратади.

### **880-модда. Омонат сақловчининг ашё тўлиқ сақланишини таъминлаш мажбуриятлари**

**Омонат сақловчи сақлашга топширилган ашёнинг тўлиқ сақланишини таъминлаш учун омонат сақлаш шартномасида назарда тутилган, шунингдек бошқа барча зарур чора-тадбирларни қўриши шарт.**

Агар шартномада эгасизлантириб сақлаш назарда тутилган бўлмаса, омонат сақловчи сақлаш учун ўзига берилган ашёни юк топширувчига ёки у олувчи сифатида кўрсатган бошқа шахсга топшириши шарт. Ашё сақлашга қандай ҳолатда топширилган бўлса, ўша ҳолатда, унинг табиий ёмонлашувини ёки табиий камайишини ҳисобга олиб қайтариб берилиши шарт.

**Омонат сақловчи ашёни қайтариш билан бир вақтда, башарти омонат сақлаш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, уни сақлаш вақтида олинган хосил ва даромадларни ҳам топшириши шарт.**

1. Омонат сақловчи ашёни ўғирланиши, уни ишдан чиқиши, шикастланиши ёки учинчи шахслар томонидан йўқ қилинишини олдини олиш учун барча зарур чораларини қўриши лозим. Ушбу чораларнинг ҳажми ва хусусияти бир қатор омиллар билан боғлиқ. Жумладан, сақлаш учун қабул қилинган ашёнинг тури, омонат сақлаш шартномасининг аниқ мақсади, унинг ҳақ эвазига тузилиши, омонат сақлашнинг профессионал фаолият сифатида амалга оширилиши ва ҳоказолар сақлаш учун кўриладиган чораларга таъсир қиласи.

2. Омонат сақлаш шартномасида тарафлар ҳар бир аниқ ҳолатнинг барча хусусиятларини инобатга олишлари, омонат сақловчи томонидан риоя қилиниши лозим бўлган эҳтиёткорлик чораларини олдиндан келишиб олишлари мумкин.

3. Омонат сақлаш шартномасида сақлашнинг аниқ шартлари мавжуд бўлмаганда ёки улар тўлиқ бўлмаганда омонат сақловчи ашёни сақлаш учун барча чораларни кўриши лозим, агар шартномада ушбу чораларни кўрилиши лозимлиги истисно этилмаган бўлса.

4. Омонат сақловчи ашёни дархол қайтариб бериши лозим, чунки, биринчидан, омонат сақлаш юк топширувчи манфаатларини кўзлаб амалга оширилади, иккинчидан, ҳатто эгасизлантириб сақланаётган ашё ҳам ҳар доим омонат сақловчига мавжуд бўлиши шарт.

5. Қайтариб берилаётган ашёнинг ҳолати унинг табиий ёмонлашуви ва табиий камайишини инобатга олган ҳолда, у қабул қилинган ҳолатдагидек бўлиши лозим.

6. Нафақат сақланган ашё балки, сақлаш вақтида ашёдан олинган унинг ҳосили ва даромади ҳам қайтариб берилади. Ушбу қоида диспозитив хусусиятга эга бўлиб, шартномада даромад ва ҳосиллар омонат сақловчига қолиши ҳам назарда тутилиши мумкин.

## **881-модда. Омонат сақлашга топширилган ашёдан фойдаланиш**

**Омонат сақловчи ўзига сақлаш учун топширилган ашёдан юк топширувчининг розилигисиз фойдаланишга, шунингдек учинчи шахсларга ундан фойдаланиш имкониятини беришга ҳақли эмас, сақланаётган ашёдан фойдаланиш унинг тўлиқ сақланишини таъминлаш учун зарур бўлган ҳоллар бундан мустасно.**

1. Ашёнинг сақланишини таъминлаш билан омонат сақловчининг юк топширувчининг розилигисиз ашёдан фойдаланишдан ўзини тийиб туриш мажбурияти боғлиқ. Ушбу мажбуриятнинг мавжудлиги одатда, ашёдан фойдаланиш унинг эскиришига олиб келиши билан боғлиқ ва бу ҳолат омонат сақлаш шартномасининг мақсадларига мос келмайди. Шу сабабли нафақат омонат сақловчининг ўзи юк топширувчининг мулкидан фойдаланмаслиги, балки учинчи шахсларга ҳам бундай имкониятни бермаслиги лозим.

2. Бироқ ашёдан фойдаланишга айрим ҳолларда йўл қўйилади. Биринчидан, юк топширувчи бунга ўз розилигини берган тақдирда ва иккинчидан, ашёни сақланишини таъминлаш учун зарур бўлганда ҳамда учинчидан, омонат сақлаш шартномасига зид бўлмагандан ашёдан фойдаланиш мумкин бўлади. Охирида таъкидланган ҳолатда ашёдан фойдаланмаслик унинг бузилишига ёки шикастланишига олиб келиши мумкин ва бунинг учун омонат сақловчи жавобгар бўлади.

### **882-модда. Омонат сақлаш шартларини ўзгартериши**

**Омонат сақловчи ашёни сақлаш шартларини ўзгартериш зарурлиги ҳакида дарҳол юк топширувчини хабардор қилиши ва унинг жавобини кутиши шарт.**

Ашёнинг йўқолиши ёки шикастланиши хавфи пайдо бўлган тақдирда, омонат сақловчи сақлаш шартномасида назарда тутилган сақлаш усули, жойи ва бошқа шартларни юк топширувчининг жавобини кутмасдан ўзгартериши шарт.

Агар сақлаш вақтида ашёнинг бузилиш хавфи аниқ бўлиб қолса ёки ашё бузилган бўлса, ёки унинг тўлиқ сақланишини таъминлашга имкон бермайдиган вазиятлар вужудга келган бўлса, юк топширувчи эса ўз вақтида чоралар кўришини кутиш мумкин бўлмаса, омонат сақловчи ашёни ёки унинг бир қисмини сақлаш жойида амалда бўлган бахода мустақил сотишга ҳақли. Агар мазкур вазиятлар омонат сақловчи айбдор бўлмаган сабабларга кўра вужудга келган бўлса, у сотиш учун қилган ўз харажатларини харид баҳосидан ундириш хукуқига эга.

1. Шундай ҳолатлар ҳам бўладики, омонат сақлаш шартномасида белгиланган омонат сақлаш шартларига тўлиқ риоя этиш тескари натижага — ашёни бузилишига ёки шикастланишига олиб келиши мумкин. Бундай ҳолатларда омонат сақловчи сақлаш шартларини ўзгартериши мумкин. Омонат сақловчининг сақлаш шартларини ўзгартеришига қаратилган ҳаракатларини тўғрилиги ашёни сақланиши бўйича хавфнинг ҳақиқий, олдини олиб бўлмайдиган даражада бўлиши ёки узоқ вақт шундай сақланиши бошқа салбий оқибатларни ҳам келтириб чиқариши мумкинлиги билан боғлик.

2. Вазиятдан келиб чиқиб, үннен омонат сақловчини дархол юк топширувчига хабар етказиш, унинг жавобини кутиш ва унинг кўрсатмаларига биноан ҳаракат қилиш мажбуриятини юклайди. Аммо, юк топширувчи нинг мулкига ҳақиқий хавф таҳдид солаётган бўлса, омонат сақловчи юк топширувчининг жавобини кутмасдан сақлаш усули, жойи ва бошқа шартларини ўзгариши мумкин.

Бунда, қуидагиларга эътибор қилиш лозим:

Омонат сақлаш шартномаси шартларини ўзгариши зарурияти турли вазиятлардан келиб чиқиши мумкин (ашё ҳолатининг ёмонлашиши, омонат сақлашни амалга ошириш билан боғлиқ ҳаражатларнинг ҳаддан зиёд кўпайиб кетиши ва ҳоказо).

Юк топширувчига юборилган хабар ҳам, унинг жавоби ҳам ҳар қандай шаклда бўлиши мумкин. Уларни шошилинч равишда жўнатиш хусусияти ёзма шаклга риоя қилишга ҳар доим ҳам йўл қўймайди.

Хабар беришнинг шошилинч (кечиктириб бўлмайдиган) бўлиши омонат сақловчининг юк топширувчини омонат сақлаш шартларини ўзгариши зарурлиги маълум бўлган вақтдан кечиктирмасдан хабардор қилиши лозимлигини билдиради. Агар омонат сақловчи юк топширувчини кейинроқ (кечиктириб) хабардор киласа, у ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаган ҳисобланади.

3. Ушбу ҳаракатлар ҳам етарли бўлмаса ва агар сақлаш вақтида ашё нинг бузилиш хавфи аниқ бўлиб қолса ёки ашё бузилган бўлса (масалан, ҳаво ҳароратининг, намлик даражасининг ёки сақлаш шароитининг номувофиқлиги туфайли), ёки унинг тўлиқ сақланишини таъминлашга имкон бермайдиган вазиятлар вужудга келган (масалан, сақланаётган ашёнинг физик хусусиятидан келиб чиқиб, унинг сақланиш шароити ногўри танланган) бўлса ҳамда юк топширувчи томонидан ўз вақтида чора кўрилишини кутиш мумкин бўлмаса, омонат сақловчининг ўзи ашёни ва унинг қисмини сақлаш жойида амалда бўлган баҳода мустакил сотишга ҳақли. Бунда юк топширувчи томонидан ашёни сотиш бўйича қилинган ҳаражатлар қопланиши зарур, юк топширувчининг мулкига хавф хатар омонат сақловчига боғлиқ бўлган сабаблардан келиб чиқсан ҳоллар бундан мустасно.

4. Омонат сақлаш шартларини ўзгариши омонат сақловчининг ҳаракатидан (ҳаракатсизлигидан) келиб чиқсан бўлса, омонат сақловчининг ҳаражатларни қоплаш бўйича талаблари қондирилмайди.

## 883-модда. Хавфли хоссаларга эга бўлган ашёларни сақлаш

Агар юк топширувчи тез ёнадиган, портлаш хавфи бўлган ёки ўз табиатига қўра хавфли бўлган ашёларни сақлаш учун топшираётган вақтда сақловчини уларнинг хоссалари ҳакида огохлантирмаган бўлса, омонат сақловчи бу ашёларни кўрилган зиённи юк топширувчига тўламаган ҳолда истаган вақтда заарсизлантириши ёки йўқ қилиб ташлаши мумкин. Юк топширувчи бундай ашёлар сақланиши муносабати билан сақловчига ва учинчи шахсларга етказилган зарар учун жавоб беради.

Хавфли хоссаларга эга бўлган ашёлар сақлаш учун профессионал омонат сақловчига топширилган вақтда ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган қоидалар бундай ашёлар сақлаш учун нотўғри ном билан топширилган ва омонат сақловчи уларни қабул қилиб олиш чоғида сиртидан кўздан кечириш йўли билан уларнинг хавфли хоссаларга эгалигини била олмаган тақдирда кўлланади.

Ашёлар ҳақ эвазига сақланган тақдирда, ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳолларда ашёларни сақлаш учун тўланган ҳақ қайтариб берилмайди, борди-ю, бу ҳақ тўланмаган бўлса, омонат сақловчи уни тўла-тўқис ундириб олиши мумкин.

Агар омонат сақловчи хабардор бўлгани ҳолда ва унинг розилиги билан сақлашга қабул қилинган ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ашёлар, гарчи уларни сақлаш шартларига риоя этилган бўлса-да, атрофдагилар учун ёки омонат сақловчи ёхуд учинчи шахсларнинг мол-мулки учун хавфли бўлиб қолган бўлса ҳамда вазият омонат сақловчининг юк топширувчидан уларни дарҳол олиб кетишни талаб қилишига имкон бермаса ёки юк топширувчи бу талабни бажармаса, ушбу ашёлар омонат сақловчи томонидан юк топширувчига зиённи тўламаган ҳолда заарсизлантирилиши ёки йўқ қилиб ташланиши мумкин. Бундай ҳолларда юк топширувчи ушбу ашёларни сақлаш муносабати билан келтирилган зарар учун омонат сақловчи ва учинчи шахслар олдида жавобгар бўлмайди.

1. Бугунги кунда илм-фан, техника ва саноатнинг жадал суръатларда ривожланиши янгидан-янги физикавий, кимёвий хоссаларга эга бўлган ашёлардан, моддалардан (масалан, спирт, кислота, кимёвий қоришма

ва х.к.) ижтимоий ҳаётнинг муайян жабҳаларида (масалан, кимё саноатида, қурилиш, ишлаб чиқариш соҳаси ва х.к.) фойдаланишни тақозо этмоқда. Улар ўзларининг табиий, физикавий, кимёвий хусусиятларига кўра одатдаги ашёлардан фарқ қиласди. Шу боисдан тез ёнадиган, портлаш хавфи бўлган ёки умуман ўз табиатига кўра хавфли бўлган ашёларни саклаш учун маҳсус қоидалар назарда тутилган.

Чунончи, бошқа товарларга зарар етказиши мумкин бўлган ёки алоҳида шарт-шароитларда сакланиши талаб этиладиган товарлар, шундай товарларни саклаш шароитларига мос равишда жихозланган ихтисослаштирилган божхона омборларига жойлаштирилиши лозим<sup>1</sup>. Шунингдек, спирт ишлаб чиқарувчи корхоналарда ишлаб чиқарилган этил спирт — ректификат факат «Ўзстандарт» агентлиги хузуридаги Давалкоголинспекция лабораторияларида Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган стандартларга мувофиқлиги бўйича текширишдан ўтгандан кейин тайёр маҳсулотлар омборига топширилади<sup>2</sup>.

2. Юк топширувчи ашёларнинг хавфли хоссалари ҳақида омонат сақловчини огоҳлантирмаган бўлса, омонат сақловчи бу ашёларни, кўрилган зарарни юк топширувчига тўламаган ҳолда, истаган вақтда зарарсизлантириши ёки йўқ қилиб ташлаши мумкин.

Профессионал омонат сақловчига бундай ашёлар саклаш учун нотўғри ном билан топширилган ва омонат сақловчи уларни қабул қилиб олиш чоғида сиртдан кўздан кечириш йўли билан уларнинг хавфли хоссаларга эгалигини била олмаган тақдирда юкоридаги ҳаракатларни қилиши мумкин бўлади.

3. Аксарият ҳолларда ашёлар ҳақ эвазига саклаш учун топширилади. Бундай ҳолларда хавфли хоссаларга эга бўлган ашёларни саклаш билан боғлиқ муайян ҳаражатлар бўлиши табиий. Жумладан, хавфли хоссага эга бўлган ашёни аниқлаш, уни зарарсизлантириш ва йўқ қилиш

---

1 «Божхона омбори» божхона режими тўғрисидаги Низом. «Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами», 2004 йил, 8-сон, 103-модда.

2 «Ишлаб чиқарилган этил спирт — ректификатни синовдан ўтказиш ва тайёр маҳсулотлар омборхонасига топшириш тартиби тўғрисида» Низом. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2007 йил 6 сентябрда 1714-сон билан рўйхатга олинган. «Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами», 2007 йил, 35–36-сон, 373-модда.

учун маҳсус кўнишка ва тажрибага эга бўлган мутахассислар ҳақ эвазига жалб қилинади. Мазкур ҳолларда ашёларни сақлаш учун тўланган ҳақ қайтариб берилмайди. Агар сақлаш учун ҳақ тўланмаган бўлса, омонат сақловчи тўланаши лозим бўлган ҳақни тўлиқ ундириб олиши мумкин.

4. Юк топширувчидаги сақлаш учун топширилаётган ашёнинг хоссалари ҳақида огохлантириш мажбуриятининг мавжудлиги, омонат сақловчи сақлаш учун топширилган ашёларнинг хоссалари тўғрисида билмаган ва билиши лозим бўлмаган тақдирда сақлаш учун топширилган ашёнинг ушбу хоссалари туфайли келтирилган зарарни қоплаш бўйича жавобгарлик юк топширувчининг зиммасига юклатилиши билан ҳам тасдиқланади.

5. Юк топширувчининг жавобгарлиги факат унинг айби бўлган ҳолатда яъни, ашёнинг хавфли хоссалари тўғрисида билган ёки билиши лозим бўлган ва омонат сақловчига бу ҳақида айтмаган тақдирда вужудга келади.

6. Агар юк топширувчи ўз ашёсининг бундай хоссаларини билмаса ёки билиши лозим бўлмаса (ушбу ҳолат унинг профессионал билимлари даражасидан, сақлаш учун топширилган ашёнинг тавсифидан ва ишга таалукли бошқа ҳолатлардан келиб чиқиб исботланиши мумкин) унинг жавобгарлиги истисно этилади.

7. Омонат сақлаш шартномасини тузишда омонат сақловчи қандай ашёни қабул қилаётгандигини ва уни қандай шарт-шароитларда сақланиши кўрсатиб ўтилади. Шу жумладан, хавфли хоссаларга эга бўлган ашёлар сақлаш учун топширилгандаги ҳам ушбу ашё учун хос бўлган барча табиий, физик, кимёвий хусусиятлари тўғрисида сақловчи хабардор қилиниши ва унинг розилиги билан келишувга эришилган ҳолда шартномавий муносабатга киришиш мумкин. Бундай ҳолда тез ёнадиган, портлаш хавфи бўлган ёки ўз табиатига кўра хавфли бўлган ашёлар гарчи уларни сақлаш шартларига риоя этилган бўлса-да, атрофдагилар учун ёки омонат сақловчига ёхуд учинчи шахсларнинг мол-мулки учун хавфли бўлиб қолган бўлса ҳамда вазият омонат сақловчининг юк топширувчидан уларни дархол олиб кетишни талаб қилишига имкон бермаса ёки юк топширувчи бу талабни бажармаса, ушбу ашёлар омонат сақловчи томонидан юк топширувчига зиённи тўламаган ҳолда заарсизлантирилиши ёки йўқ қилиб ташланиши мумкин. Мазкур ҳолларда юк топширувчи ушбу ашёларни сақлаш муносабати билан келтирилган зарар учун омонат сақловчи ва учинчи шахслар олдида жавобгар бўлмайди.

## **884-модда. Ашёни сақлаш учун учинчи шахсга топшириш**

**Агар қонун хужжатларида ёки омонат сақлаш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, омонат сақловчи юк топширувчининг розилигисиз ашёни сақлаш учун учинчи шахсга топширишга ҳақли эмас, башарти буни юк топширувчининг манфаатлари зарур қилиб қўйган ва омонат сақловчи унинг розилигини олиш имкониятидан маҳрум бўлган бўлмаса. Омонат сақловчи ашёни учинчи шахсга топширганлиги ҳақида юк топширувчини кечиктиримай хабардор қилиши шарт.**

**Сақлаш учун ашё топширилган учинчи шахснинг ҳаракатлари учун омонат сақловчи жавоб беради.**

1. Омонат сақловчи шахсан ўзи қабул қилган мажбуриятларни ўзи бажариши шарт. Ушбу шарт омонат сақлаш шартномасининг бошқа кўплаб фуқаролик-хукуқий мажбуриятларга қараганда ишончга асосланганлик даражасининг юкорилиги билан боғлиқ. Шу сабабли умумий қоидага кўра ва шартномада бошқача ҳол тўғридан-тўғри назарда тутилган бўлмаса, омонат сақловчи юк топширувчининг розилигисиз ашёни учинчи шахсларга топширишга ҳақли эмас.

2. Омонат сақловчи вазиятга кўра шундай қилишга мажбур бўлган холатлар бундан мустасно, масалан, тўсатдан ўзининг касал бўлиб қолиши ёки сақлаш бўйича мажбуриятларни бажаришнинг имконияти йўқ бўлган бошқа холатлар. Бундай холатда ҳам, ашёни сақлаш учун учинчи шахсга топширишни тўғри бўлганлигининг қўшимча шарти бўлиб омонат сақловчида юк топширувчининг розилигини олиш имкониятининг йўқлиги хисобланади. Ҳар қандай холатда ҳам омонат сақловчи дарҳол юк топширувчини ашёни учинчи шахсга топширгани тўғрисида хабардор қилиши лозим.

3. Бироқ, бундай хабардор қилишлик омонат сақлаш мажбуриятида тарафлар ўзгарганлигини келтириб чиқармайди, чунки бунинг учун юк топширувчининг маҳсус розилиги олиниши лозим. Яъни, мажбуриятда шахслар ўзгариши ФК 23-бобида белгиланган умумий қоидаларга мувофиқ бўлиши талаб қилинади. Бундан келиб чиқкан ҳолда қонун шуни белгилайдики, ашё учинчи шахсга тоширилганда, юк топширувчи ва омонат сақловчи ўртасидаги шартлари ўз кучини сақлаб қолади ва

омонат сақловчи ашё топширилган учинчи шахснинг ҳаракатлари учун ўз ҳаракатлари каби жавобгар бўлади.

### **885-модда. Омонат сақлаганлик учун тўланадиган ҳақ**

**Омонат сақлаганлик учун ҳақ сақловчига сақлаш тамом бўлганидан кейин, борди-ю, сақлаш учун даврлар бўйича ҳақ тўлаш назарда тутилган бўлса — ҳар бир давр тамом бўлганидан кейин тўланиши шарт.**

Агар сақлаш омонат сақловчи жавобгар бўлмаган вазиятлар туфайли шартлашилган муддатидан олдин тўхтатилса, омонат сақловчи ҳақнинг мутаносиб қисмини, ушбу Кодекс 883-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган ҳолларда эса, ҳақнинг ҳаммасини олиш хуқуқига эга бўлади.

Агар сақлаш омонат сақловчи жавобгар бўладиган вазиятлар туфайли муддатидан олдин тўхтатилса, у сақлаганлик учун ҳақ талаб қилиш хуқуқига эга бўлмайди, бу ҳақ устидан олган суммаларни эса юк топширувчига қайтариши шарт.

Агар шартномада назарда тутилган муддат тугаганидан кейин сақлаб турилган ашё юк топширувчи томонидан қайтариб олинмаган бўлса, у ашёни бундан кейин сақлагани учун омонат сақловчига тегишли микдорда ҳақ тўлаши шарт.

Ушбу модданинг қоидалари омонат сақлаш шартномасида бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса қўлланилади.

1. Омонат сақлаш учун ҳақ тўлаш ҳақ эвазига тузиладиган шартномаларда ва қоида тариқасида, профессионал сақловчи билан тузиладиган шартномаларда назарда тутилади. Профессионал сақловчилар томонидан амалга ошириладиган омонат сақлаш учун ҳақ микдори одатда тариф бўйича, бошқа ҳолларда эса тарафларнинг келишуви асосида аниқланади. Умумий қоида бўйича сақлаш учун ҳақ тўлаш сақлаш тамом бўлганидан кейин амалга оширилади. Аммо ҳақ тўлаш даврийлик бўйича назарда тутилган бўлса, ҳақ тўланиши тегишли қисмларда ҳар бир давр якун бўйича тўланиши лозим.

2. Агар омонат сақлаш шартномаси омонат сақловчи жавобгар бўлмайдиган вазият туфайли муддатидан олдин тўхтатилган бўлса, омо-

нат сақловчи шартномада келишилган ҳақнинг тегишлича қисмини олишга ҳақли бўлади. Бундан ташқари юк топширувчи тез ёнадиган, портлаш ҳавфи бўлган ёки ўз табиатига қўра ҳавфли бўлган ашёларни сақлаш учун топшираётган вақтда сақловчини уларнинг хоссалари ҳақида огоҳлантиргани бўлса, шунингдек, бундай ашёлар сақлаш учун нотўғри ном билан топширилган ва омонат сақловчи уларни қабул қилиб олиш чоғида сиртидан кўздан кечириш йўли билан уларнинг ҳавфли хоссаларга эгалигини била олмаслиги муносабати билан шартнома тугатилган тақдирда сақловчи шартномада назарда тутилган ҳақнинг тўлиқ тўланишини талаб қилишга ҳақли.

3. Ва аксинча, омонат сақловчи жавоб берадиган ҳолатларда муддатидан олдин шартнома тугатилган бўлса, омонат сақловчи ўзига ҳақ тўланишини талаб қилишга ҳақли эмас ва сақлаш учун олган ҳақни юк топширувчига қайтариб бериши лозим бўлади.

4. Сақлаш муддати тугагандан сўнг юк топширувчи ашёни қайтариб олмаса, у ашёнинг кейинги давр учун сақлаганлик учун ҳам тегишлича ҳақ тўлаши лозим. Мазкур қоида юк топширувчи ашёни сақлаш муддати тугагунича олиб кетиши лозим бўлган ҳолларда (масалан, муайян давр учун ҳақ тўлаш муддати ўтказиб юборилганда) ҳам кўлланилади.

5. Ушбу нормада белгилаб қуйилган сақлаш учун ҳақ тўлаш тўғрисидаги қоида диспозитив характерга эга ва омонат сақлаш шартномасида ёки қонунда бошқача ҳол назарда тутилмаганди кўлланилади.

### **886-модда. Омонат сақлаш юзасидан қилинган харажатларни қоплаш**

**Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ашёни сақлаш харажатлари тўланадиган ҳақ суммасига киритилади. Алоҳида харажатлар омонат сақлаш шартномасида назарда тутилган ҳақ суммасига ёки харажатлар таркибиғига киритилмаслиги назарда тутилади.**

**Агар омонат сақлаш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ашё текинга сақланганида юк топширувчи амалда қилинган зарур харажатларни омонат сақловчига тўлаши шарт.**

1. Омонат сақловчига бериладиган ҳақ суммаси икки қисмдан иборат: ашёни сақлаш бүйича хизмат учун тўланадиган ҳақ; омонат сақловчи амалга оширган ҳаражатлар.
2. Шуни таъкидлаш лозимки, шарҳланётган модда қоидалари диспозитив характерга эга ва омонат сақлаш шартномасида бошқа қоида белгиланмаган ҳолда қўлланилади.
3. Юк топширувчининг мажбуриятларига омонат сақловчи ашёни сақлаш учун сарфлаган ҳаражатларини тўлаш киради. Сақлаш бүйича ҳаражатлар қонун билан оддий ва алоҳида ҳаражатларга бўлинади. Ушбу икки хил ҳаражатларни юк топширувчи томонидан тўлаш шартлари бир бирига мос келмайди. Оддий ҳаражатлар фуқаролик муомаласининг нормал шароитида ашёнинг сақланишини таъминлаш учун зарур ҳаражатлардир.
4. Агар қонунда ёки шартномада бошқача ҳол назарда тутилган бўлмаса, оддий ҳаражатлар ҳар қандай ҳолатда омонат сақловчига тўлаб берилиши лозим. Бироқ, улар фақат омонат сақлаш текин амалга оширилганда маҳсус ажратилади, чунки омонат сақлаш ҳақ эвазига амалга оширилганда, улар сақлаш учун тўланадиган ҳақ таркибига киритилган, деб тахмин қилинади.

#### **887-модда. Омонат сақлаш учун қилинган алоҳида ҳаражатлар**

**Ашёни сақлаш учун қилинган, одатдаги бундай ҳаражатлардан ортиқ бўлган ҳамда омонат сақлаш шартномасини тузиш чоғида тарафлар олдиндан кўриши мумкин бўлмаган ҳаражатлар (алоҳида ҳаражатлар), башарти юк топширувчи ушбу ҳаражатларга розилик берган ёки уларни кейинчалик маъқуллаган бўлса, шунингдек қонун ҳужжатларида ёки шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда омонат сақловчига тўланади.**

**Алоҳида ҳаражатларни қилиш зарур бўлиб қолганида, омонат сақловчи юк топширувчидан ушбу ҳаражатларга розилик сўраши шарт. Агар юк топширувчи омонат сақловчи қўрсатган муддатда ёки жавоб бериш учун етарли бўлган вақтда ўзининг рози эмаслигини хабар қилмаса, у алоҳида ҳаражатларга рози бўлган, деб хисобланади.**

**Ишнинг ҳолатларига кўра юк топширувчининг розилигини олдиндан олиш мумкин бўлса-да, омонат сақловчи бундай розиликни олмас-**

**дан туриб сақлаш учун алоҳида харажатлар қилган ва юк топширувчи кейинчалик уларни маъқулламаган тақдирда, омонат сақловчи алоҳида харажатларни фақат ушбу харажатлар қилинмаса ашёга етказилиши мумкин бўлган зарар доирасида қоплашни талаб қилиши мумкин.**

**Агар сақлаш шартномасида бошқа ҳол назарда тутилган бўлмаса, алоҳида харажатлар сақлаш ҳақига қўшимча равишда тўланади.**

1. Алоҳида харажатлар қандайдир алоҳида ҳоллардан келиб чиқсан ва омонат сақлаш шартномасини тузиш чоғида тарафлар олдиндан кўриши мумкин бўлмаган харажатлардир.

Алоҳида харажатларни амалга оширишда омонат сақловчининг харажатлари шунга ўхшаш ашёларни сақлашдаги одатдаги чиқимидан ортиқча бўлади ҳамда омонат сақловчи юк топширувчининг олдиндан бу борадаги розилигини олмаган бўлади. Алоҳида харажатларнинг келиб чиқиш характеристи ҳам, факти ҳам тарафлар томонидан олдиндан белгиланмайди. Бироқ, юк топширувчи ушбу харажатларга бу ҳақда хабардор қилингандан сўнг розилик бериши ёки кейинчалик маъқуллаши мумкин бўлади. Бу ҳақда қонунчиликда ёки шартномада назарда тутилган ҳолларда алоҳида харажатлар омонат сақловчига тўланади.

2. Юк топширувчига алоҳида харажатларни тўлашни юклаш учун унинг розилиги олиниши керак. Бунинг учун омонат сақловчи юк топширувчининг фикрини сўраб олиши лозим. Агарда юк топширувчи ўзининг норозилигини омонат сақловчи томонидан кўрсатилган муддатда ёки жавоб бериш учун етарли бўлган вақт мобайнида билдирамаса, у сақлаш билан боғлиқ алоҳида харажатларга рози деб ҳисобланади. Демак, бу ўринда сукут сақлаш битим тузишни рад этиш сифатида талқин қилинмайди.

3. Иш ҳолатлари бўйича юк топширувчининг розилигини олиш имконияти мавжуд бўлган ҳолда, омонат сақловчи бундай розиликни олмасдан туриб алоҳида харажатларни ўзининг ташаббуси билан ҳам амалга ошириши мумкин. Агар юк топширувчи алоҳида харажатларни маъқулламаса, омонат сақловчи томонидан амалга оширилган ҳаражатларни қопламаслиги ҳам мумкин. Бироқ, ушбу харажатлар амалга оширилмаганда ашёга зарар этиши мумкин бўлган доирада сақлаш бўйича алоҳида харажатларни омонат сақловчига тўланишини қонун назарда тутади. Мазкур ҳолатда алоҳида харажатларнинг заруратини ҳам, унинг миқдорини ҳам исботглаш вазифаси омонат сақловчи зиммасида бўлади.

4. Ушбу моддага мувофик, агар сақлаш шартномасида бошқа ҳол назарда тутилган бўлмаса, алоҳида ҳаражатлар сақлаш ҳақига қўшимча равища тўланади. Яъни, агар омонат сақлаш шартномасида алоҳида ҳаражатлар назарда тутилмаган бўлса, омонат сақлаш билан боғлиқ алоҳида ҳаражатлар (масалан, муайян ашёни сақлаш шароитини ўзгариши зарур бўлган ҳолларда) қўшимча равища омонат сақловчи учун тўлаб берилади.

### **888-модда. Ашёнинг юк топширувчи томонидан қайтариб олиниши**

**Юк топширувчи шартномада назарда тутилган сақлаш муддати тамом бўлгач, сақлаш учун топширилган ашёни қайтариб олиши шарт.**

**Юк топширувчи ашёни олишдан бош тортган тақдирда, агар омонат сақлаш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, омонат сақловчи ашёни мустакил суратда сотишга, унинг қиймати белгиланган энг кам иш ҳақининг эллик бараварига тенг суммадан ортиқ бўлган тақдирда эса — ушбу Кодекснинг 379, 380 ва 381-моддаларида назарда тутилган тартибда сотишга ҳақли.**

**Ашёни сотишдан тушган сумма омонат сақловчига тегишли ҳақ чегириб ташлангач, юк топширувчига берилади.**

1. Шартномада белгиланган муддат тугагандан сўнг ёки омонат сақловчи томонидан юк топширувчига муддати кўрсатилмаган омонат сақлаш учун топширилган ашёни олиш учун тақдим қилинадиган оқилона муддат якуни бўйича, юк топширувчи у томонидан сақлаш учун тақдим қилинган ашёни қайтариб олиши лозим. Қоидага мувофик, ушбу мажбурият юк топширувчи томонидан дарҳол ижро қилиниши лозим. Бунинг учун албатта шартномадан ёки омонат сақловчининг ҳаракатларидан шартнома муддатининг якунланиши шартнома бўйича тарафлар мажбуриятлари тугатилишига олиб келишини билдириши лозим.

2. Омонат сақлаш шартномаси якуни бўйича, тарафлар ўз мажбуриятларини бажаришда давом этаётган бўлсалар, масалан, юк топширувчи сақлаш учун тўловларни амалга оширишни давом эттираётган, омонат сақловчи эса, тўловларни қабул қилиб, юк топширувчидан ашёни қайтариб олишни талаб қилмаётган бўлса, у ҳолда муддатли омонат

сақлаш шартномаси тарафлар томонидан талаб қилиб олингунча омонат сақлаш шартномасига ўзgartирилган бўлиб хисобланади.

3. Юк топширувчи ўзини ашёсими қайтариб олиш бўйича мажбуриятини бажармаётган бўлса, шу жумладан ашёни қабул қилишдан ўзини олиб кочса, омонат сақловчи юк топширувчини ёзма равишда огоҳлантиргандан сўнг, ашёни сақлаш жойида мавжуд бўлган нарҳда сотишга ҳақли. Эски 1963 йилдаги Гражданлик кодексидан фарқли равишда янги Фуқаролик кодексида омонат сақловчининг ушбу қоидага тегишли имкониятлари анча кенгайганлиги кўринади. Ҳар қандай сақловчи, ашёнинг нархи белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг эллик баробаридан ошмаган тақдирда ўзи сотиб юбориши мумкин. Агар ашёнинг қиймати ушбу миқдордан ошган тақдирда — сақловчи уни ким ошди савдосида сотиб юбориши мумкин бўлади. Яъни, бундай ҳолда қонун чиқарувчи томонидан юк топширувчининг ҳам манфаатларига риоя қилиниши лозимлигини белгилайди ва ашё ошкора равишда, эркин нарх белгилаш қоидасига амал қилган ҳолда сотилишини назарда тутади.

4. Ашёни сотишдан тушган маблағ сотиш учун сарфланган (масалан, юкни бир жойдан бошқа жойга ортиш, ташиш билан боғлиқ) ҳаражатлар чегириб ташланган ҳолда юк топширувчига топширилади.

#### **889-модда. Ашё йўқолганлиги, кам чиққанлиги ёки шикастланганлиги учун омонат сақловчининг жавобгарлиги**

**Омонат сақловчи сақлаш учун қабул қилинган ашё йўқолганлиги, кам чиққанлиги ёки шикастланганлиги учун ушбу Кодекснинг 333-моддасида назарда тутилган асосларга кўра жавобгар бўлади.**

**Профессионал омонат сақловчи ашёнинг йўқолиши, кам чиқиши ёки шикастланиши:**

**енгиб бўлмас куч таъсири оқибатида;**  
**ашёнинг уни сақлаш учун қабул қилиш чоғида омонат сақловчи билмаган ва билиши шарт бўлмаган яширин хоссалари туфайли; сақланаётган ашёнинг йўқолганлиги, кам чиққанлиги ёки шикастланганлиги юк топширувчининг қасдан қылганлиги ёки қўпол эҳтиётсизлиги натижасида юз берганлигини исботламаса жавобгар бўлади.**

**Шартномада назарда тутилган сақлаш муддати ёки омонат сақловчининг талабига кўра ашёни қайтариб олиши шарт бўлган вақт тугагач, юк топширувчи сақланаётган ашёни қайтариб олмаса, омонат сақловчи бундан бўён ашё йўқолганлиги, кам чиққанлиги ёки шикастланганлиги учун қасддан ҳаракат қилган ёки қўпол эҳтиётсизлик қилган тақдирдагина жавоб беради.**

1. Омонат сақловчининг сақлаш учун қабул қилинган ашё йўқолганлиги, кам чиққанлиги ёки шикастланганлиги учун жавобгарлиги муҳим холат саналади. Бунда, ҳақ тўлаш эвазига омонат сақлаш бўйича хизмат қўрсатаётган шахснинг, айниқса профессионал омонат сақловчининг маъсулияти бепул омонат сақлаш бўйича хизмат қўрсатаётган шахснинг ва профессионал бўлмаган омонат сақловчининг маъсулиятидан жиддий фарқланади.

2. Улар ўртасидаги фарқ шартларда ҳам, маъсулият хажмида ҳам мавжуд бўлади. Профессионал сақловчи бўлмаган шахслар ашё йўқолганлиги, кам чиққанлиги ёки шикастланганлиги учун ўз айблари мавжуд бўлган ҳолдагина жавоб берадилар ва бу фуқаролик-хукуқининг умумий қоидаси сифатида кўрилади.

3. Аксинча, профессионал сақловчилар ашёни сақланиши бўйича айбидан қатъий назар жавоб берадилар. Ушбу қоида Фуқаролик кодексининг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахсларнинг кучайтирилган жавобгарлиги тўғрисидаги қоидага мос келади. Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи профессионал омонат сақловчи учун мажбуриятни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун қатъий жавобгарлик назарда тутилади.

4. Енгид бўлмас куч таъсири оқибатидан ташқари, ашёning уни сақлаш учун қабул қилиш чогида омонат сақловчи билмаган ва билиши шарт бўлмаган яширин хоссалари туфайли ёки сақланаётган ашёning йўқолганлиги, кам чиққанлиги ёки шикастланганлиги юк топширувчинг қасддан ёки қўпол эҳтиётсизлиги натижасида юз берганида ҳам профессионал сақловчи ашёning йўқолганлиги, кам чиққанлиги ёки шикастланганлиги учун жавобгарликдан озод этилади.

5. Профессионал омонат сақловчи ашёning йўқолиши, кам чиқиши ёки шикастланиши:

а) енгид бўлмас куч таъсирида;

б) ашёни сақлаш учун кабул қилишда омонат сақловчи билмаган ва билиши шарт бўлмаган яширин хоссалари туфайли;

в) юк топширувчининг қасд ёки қўпол эҳтиётсизлиги натижасида юз берганлигини исботламаган ҳолларда жавобгар бўлиши назарда тутилган.

Юқоридаги икки ҳолатда профессионал омонат сақловчи ашёнинг йўқолиши, кам чиқиши ёки шикастланиши учун таъсир кўрсата олмайди, чунки ушбу ҳолат унинг эркидан ташқари (яъни, енгид бўлмас куч ёки ашёнинг у билмаган ва билиши мумкин бўлмаган яширин хоссалари туфайли) юз беради. Кейинги ҳолатда эса, омонат сақловчи юк топширувчи томонидан қасд ёки қўпол эҳтиётсизлик натижасида ашё йўқолиши, кам чиқиши ёки шикастланишини исботлаши лозим. Бу ўринда исботлаш бурчи профессионал омонат сақловчи зиммасида бўлади.

6. Ашёнинг йўқолганлиги, кам чиққанлиги ёки шикастланганлиги юк топширувчи томонидан ашёни қайтариб олиш бўйича мажбурияти вужудга келгандан сўнг амалга ошган бўлса, юк топширувчи томонидан қасд ёки қўпол эҳтиётсизлик мавжуд бўлганида, у жавоб берадиган қоида муҳим аҳамиятга эга. Омонат сақловчининг жавобгарлигини бундай камайиши оддий омонат сақлашда ҳам, профессионал омонат сақлашда ҳам мавжуд. Шу сабабли, муддатга доир шартнома шартларини ифода қилишда ёки кейинчалик омонат сақлашнинг шартлари бўйича қўшимча битим тузиш ҷоғида эътибор билан ёндашиш керак бўлади.

## **890-модда. Омонат сақловчининг жавобгарлик даражаси**

**Ашё йўқолганлиги, кам чиққанлиги ёки шикастланганлиги туфайли юк топширувчига етказилган зарар, агар қонунда ёки сақлаш шартномасида бошқа ҳол назарда тутилган бўлмаса, ушбу Кодекснинг 324-моддасига мувофиқ омонат сақловчи томонидан қопланади.**

**Ашё текин сақланганида унинг йўқолиши, кам чиқиши ёки шикастланиши туфайли юк топширувчига етказилган зарар:**

**ашёлар йўқолганлиги ва кам чиққанлиги учун — йўқолган ёки этишмаётган ашёларнинг қиймати микдорида;**

**ашёлар шикастланганлиги учун — уларнинг қиймати қанча суммага камайган бўлса, шунча сумма микдорида қопланади.**

**Агар омонат сақловчи жавобгар бўлган ҳолда шикаст етиши натижасида ашёнинг сифати ундан дастлабки вазифаси бўйича фойдаланиш мумкин бўлмайдиган даражада ўзгарган бўлса, юк топширувчи ундан воз кечишга ва омонат сақловчидан ушбу ашёнинг қийматини, шунингдек, агар қонунда ёки омонат сақлаш шартномасида назарда тутилган бўлса, бошқа зарарни ҳам қоплашни талаб қилишга ҳақли.**

1. Омонат сақланмаганлиги бўйича омонат сақловчининг жавобгарлиги ҳажми ҳақ эвазига омонат сақлашда ва бепул омонат сақлашда фарқланади. Одатда, агар қонунда ёки шартномада бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса ҳақ эвазига омонат сақлаш бўйича омонат сақловчи тўлиқ ҳажмда жавобгар бўлади, шу жумладан юк топширувчига ҳақиқий зарарни ҳам бой берилган фойдани ҳам қоплаб бериши лозим. Масалан, омонатни сақлашга топшириш вақтида унинг қиймати баҳоланади ва у шартноманинг ўзида ёки юк топширувчига бериладиган ҳужжат (квитанция)да кўрсатилиади. Бундай ҳолатда омонат сақловчи жавобгарлигининг миқдори ашёнинг қийматини миқдори доирасида бўлади.

2. Ашё бепул сақланганида юк топширувчига ашёнинг йўқотилган, кам чиқсан ёки шикастлангани натижасида етказилган зарар қуидагида копланади: 1) ашё йўқотилганлик ва кам чиқсанлиги учун — йўқотилган ва етишмайдиган ашё нархи миқдорида; 2) шикастланган ашё учун — унинг қиймати камайган миқдорда.

3. Ҳақ эвазига омонат сақлашда ҳам, текин сақлашда ҳам юк топширувчи дастлабки вазифасида ишлатиб бўлмайдиган даражада ўзгарган ашёдан бош тортишга ҳақли. Аммо бунинг учун биринчидан, омонат сақловчи ушбу ҳолат учун жавобгар бўлса, иккинчидан, қонунда ёки шартномада бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, омонат сақловчидан бундай ашёнинг нархини ва бошқа заарларни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

4. Омонат сақловчи ўзининг бошқа мажбуриятларини бузиши натижасида ҳам жавобгар бўлади. Жумладан, омонат сақлашнинг муддатидан олдин тугатилиши, юк топширувчининг розилигисиз ашёдан ноқонуний фойдаланиши, ашёни учинчи шахсга топшириши, ашёни қайтаришни кечиктириш ва бошқа ҳолатлар учун жавобгарлик белгиланади. Кўрсатилган мажбуриятларни бузганлик учун Фуқаролик кодексида алоҳида жавобгарлик кўзда тутилмаган, шу сабабли, омонат сақловчидан

етказилган заарни ундириб олиш ёки тарафлар ўртасида омонат сақлаш шартномасида кўзда тутилган жарима санкциялари кўллаш билан чекланади.

### **891-модда. Омонат сақловчига етказилган заарни қоплаш**

**Агар омонат сақловчи ашёни сақлаш учун қабул қилиб олаётган пайтида унинг хоссаларини билмаган ва билиши шарт бўлмаган бўлса, юк топширувчи сақлаш учун топширилган ашёнинг хоссалари туфайли етказилган заарни омонат сақловчига тўлаши шарт.**

1. Тез ёнадиган, портлаш хавфи бўлган ёки ўз табиатига кўра хавфли бўлган ашёларни сақлаш учун топширилган вазият учун алоҳида қоидалар ўрнатилган (Фуқаролик кодексининг 883-моддаси).

2. Заарнинг микдори жуда катта бўлиши мумкин. Улар сақлаш учун қабул қилинган ашёларни хусусиятларидан келиб чиқкан заарли оқибатлар бўйича аниқланади ва улар омонат саловчининг ашёларини йўқ қилиниши ёки шикастланишида, унинг соғлигини ёмонлашишида ёки бошқа салбий оқибатларда ифодаланади.

3. Жавобгарлик микдори Фуқаролик кодексида ўрнатилган умумий қоидалар билан аниқланади. Юк топширучининг жавобгарлигини асоси бўлиб унинг айби ҳисобланади, у ашёни сақлаш учун топшираётганда омонат сақловчига унинг хавфли хусусиятлари тўғрисида хабардор қилмаганлигида ифодаланади.

4. Омонат сақловчи ашёни сақлаш учун қабул қилиб олаётган вақтида унинг хоссаларини билмаган ва билиши шарт бўлмаган ҳолларда, сақлаш учун топширилган ашёнинг заарли хоссалари туфайли етказилган зарар омонат сақловчига тўланади. Бу ўринда биринчидан, омонат сақловчи ашёнинг хоссаларини билмаган ва иккинчидан, билиши шарт бўлмаган ҳолларда юк топширувчи томонидан етказилган зарар тўлаб берилади.

5. Қонунга мувофиқ, юк топширувчи тез ёнадиган, портлаш хавфи бўлган ёки ўз табиатига кўра хавфли бўлган ашёларни сақлаш учун топшираётган вақтда сақловчини уларнинг хоссалари ҳакида огоҳлантириши лозим. Агар ушбу мажбуриятни бажармаган бўлса, омонат сақловчи бу ашёларни кўрилган зиённи юк топширувчига тўламаган ҳолда истаган вақтда заарсизлантириши ёки йўқ қилиб ташлаши мумкин бўлади.

Натижада юк топширувчи бундай ашёлар сақланиши муносабати билан сақловчига ва учинчи шахсларга етказилган зарар учун жавобгар бўлади. Шунингдек, хавфли хоссаларга эга бўлган ашёлар юк топширувчи томонидан сақлаш учун профессионал омонат сақловчига нотўғри ном билан топширилган ва омонат сақловчи уларни қабул қилиб олиш чоғида сиртидан кўздан кечириш йўли билан уларнинг хавфли хоссаларга эгалигини била олмаган тақдирда ҳам жавобгар бўлади. Омонат сақлаш шартномаси ҳақ эвазига амалга оширилган ҳолларда юкоридаги вазиятларда ашёларни сақлаш учун тўланган ҳақ қайтариб берилмайди. Агар шартнома бўйича ҳақ тўланмаган бўлса, омонат сақловчи шартномада белгиланган ҳақни тўлиқ ундириб олиши мумкин бўлади.

6. Тез ёнадиган, портлаш хавфи бўлган ёки ўз табиатига кўра хавфли бўлган ашёлар омонат сақловчи хабардор бўлган ҳолда ва унинг розилиги билан сақлашга қабул қилиниши ҳам мумкин. Агар ашёларни сақлаш шартларига риоя этилган бўлса-да, атрофдагилар учун ёки омонат сақловчи ёхуд учинчи шахсларнинг мол-мулки учун хавфли бўлиб қолган бўлса ҳамда вазият омонат сақловчининг юк топширувчидан уларни дарҳол олиб кетишни талаб қилишига имкон бермаса ёки юк топширувчи бу талабни бажармаса, ушбу ашёлар омонат сақловчи томонидан юк топширувчига зиённи тўламаган ҳолда заарсизлантирилиши ёки йўқ қилиб ташланиши мумкин. Бундай ҳолларда юк топширувчи ушбу ашёларни сақлаш муносабати билан келтирилган зарар учун омонат сақловчи ва учинчи шахслар олдида жавобгар бўлмайди.

## **892-модда. Юк топширувчининг талаби билан омонат сақлаш мажбуриятининг бекор бўлиши**

**Шартномада юкни қайтариб беришнинг бошқача муддати белгиланган бўлса ҳам, омонат сақловчи юк топширувчининг талаби билан сақлашга қабул қилинган ашёни дарҳол қайтариб бериши керак.** Бу ҳолда, агар омонат сақлаш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, юк топширувчи мажбуриятни муддатидан олдин бекор қилиши туфайли омонат сақловчига етказилган зарарни тўлаши шарт.

1. Омонат сақловчининг мажбуриятларидан бири юк топширувчининг биринчи талаби бўйича сақлаш учун топширилган ашёни қайтариб бериш

хисобланади. Омонат сақлаш шартномаси юк топширувчининг манфаатлари юзасидан амалга оширилаётгани сабабли, шартнома маълум муддатга тузилган бўлса ҳам, у шартномани ҳоҳлаган вактда тўхтатиши мумкин.

2. Шарҳланаётган модданинг таҳлили бўйича қуидаги хуносалар килиш мумкин:

омонат сақлаш шартномаси унда кўрсатилган аниқ муддатга тузилган бўлганда ҳам, омонат шартномасида ашёни сақлаш муддати аниқ кўрсатилмагандан ҳам ёки бўлмаса юк топширувчи томонидан талаб килиб олиш вақти билан аниқланганда ҳам ушбу модданинг қоидалари татбиқ этилади;

мазмуни бўйича шарҳланаётган модда юк топширувчига омонат сақлаш шартномасининг бекор килиниши бўйича чекланмаган хукуқ беради. Шартномани бир тарафлама бекор килишга йўл қўйилмайди, деган умумий қоидалар бу вазиятда татбиқ этилмайди. Шарҳланаётган модданинг маҳсус қоидаларига эътибор қаратиш лозим.

3. Омонат сақловчига ашёни муддатидан олдин қайтариб олишни талаб килиш туфайли муайян зарар етиши мумкин. Ушбу зарар муайян муддатга омборнинг бўш турли қолишида, муддатидан олдин зарурият туфайли зарур (масалан, юк ташиш, тушириш билан боғлик) ҳаражатларни амалга оширилишида ҳам ифодаланиши мумкин. Қонун агар омонат сақлаш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, юк топширувчи мажбуриятни муддатидан олдин бекор қилиши туфайли омонат сақловчига етказилган зарарни тўлаш шартлигини назарда тутади.

### **893-модда. Омонат сақлаш ҳақидаги умумий қоидаларни унинг алоҳида турларига татбиқ этиши**

Агар ушбу Кодекснинг 894–913-моддаларида назарда тутилган омонат сақлашнинг алоҳида турлари тўғрисидаги қоидаларда, бошқа қонун ҳужжатларида ўзгача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, омонат сақлаш ҳақидаги умумий қоидалар унинг алоҳида турларига ҳам татбиқ этилади.

1. Мазкур хукукий муносабатнинг маҳсус субъектив таркиби, сақлаш объективнинг ўзига хос хусусияти, кўрсатилаётган хизматларнинг муддатлилиги, айрим шартномаларнинг оммавий характерга эгалиги, омонат сақлаш шартномаларини тузиш ва расмийлаштиришнинг маҳсус тар-

тиби — бу омонат сақлаш шартномаларининг алоҳида турларига хос хусусиятларнинг тўлиқ рўйхати эмас.

2. Сақлашнинг алоҳида турларидағи шартномаларнинг хусусиятлари фақатгина умумий қоидаларни татбиқ этиш билан чекланишга йўл қўймайди. Сақлашнинг алоҳида турлари сақловчи ролида бўлган алоҳида субъектлар мавжудлиги билан фарқланади ҳамда ушбу мажбуриятларнинг кўп қисми оммавий шартнома хусусиятларига эга.

3. Омонат сақлаш шартномасининг умумий нормаларига нисбатан омонат сақлашнинг алоҳида турларини тартибга солувчи қоидалар устунликка эга. Қонун чиқарувчи томонидан бу ўринда омонат сақлашнинг алоҳида турларини тартибга солувчи моддалар ҳамда бошқа қонун ҳужжатларида бошқача қоида мавжуд бўлмаган ҳолларда омонат сақлаш ҳакида умумий қоидалар кўлланилишини назарда тутади.

## **2-§. ОМОНАТ САҚЛАШНИНГ АЛОҲИДА ТУРЛАРИ**

### **894-модда. Ломбардда омонат сақлаш**

**Ломбардда омонат сақлаш учун фуқаролардан шахсий истеъмолга мўлжалланган кўчар ашёлар қабул қилиниши мумкин.**

**Ашёни ломбардда омонат сақлаш шартномаси ломбард томонидан юк топширувчига (мижозга) унинг номи ёзилган сақлов паттаси бериш ўйли билан расмийлаштирилади.**

**Ломбардга сақлаш учун топшириладиган ашё тарафларнинг келишуви билан сақлаш учун қабул қилиш пайтида ва жойида одатда савдода шу турдаги ва сифатдаги ашёга белгиланадиган нархларга мувофиқ баҳоланиши керак.**

**Ломбард сақлаш учун қабул қилинган ашёларни ушбу модданинг учинчи қисмига мувофиқ чиқарилган нархнинг тўлиқ суммасида ўз хисобидан юк топширувчи фойдасига суғурталаши шарт.**

1. Ломбардлар томонидан кўрсатиладиган хизматлар тизимида омонат сақлаш қўшимча мажбурият хисобланади. Ломбард томонидан кўрсатиладиган сақлаш хизматини гаров шартномасидаги гаровга олувчининг хизматлари билан таққосласа бўлади. Ломбардлар фаолиятини

лицензиялаш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ, ломбард сифатида маҳсус юридик шахс мақомига эга бўлган, фақатгина (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан бериладиган) тегишли лицензия асосида фаолият юритувчи субъект бўлиши мумкин. Ломбардда сақланадиган обьект сифатида шахсий истеъмол учун мўлжалланган (товар бўлмаган) кўчар ашё бўлиши мумкин.

2. Юк топширувчи сифатида фақат сақлаш учун топширилаётган ашёнинг эгалари бўлган фуқаролар ҳисобланишиади. Ушбу шартнома оммавий шартнома бўлганлиги боис, ломбардлар мазкур хизматни кўрсатилиши учун мурожаат қилган ҳар бир киши билан омонат сақлаш шартномасини тузиши лозим.

3. Ломбард сақлаш учун қабул қилинган ашёлардан фойдаланишга ва тасарруф қилишга ҳақли эмас. Сақлаш ёки гаровда бўлган мол мулк йўқолган ёки шикастланган тақдирда ломбард агар мазкур ҳолат енгид бўлмас куч натижасида рўй берганлигини исботлаб бера олмаса, гаров шартномасида ёки сақлаш учун қабул қилинганлик ҳақидаги паттада кўрсатилган мол мулк қийматни тўлашга мажбур бўлади.

4. Ломбард учун гаровга бериладиган қисқа муддатли қарз (кредит) бериш ва сақлаш бўйича хизматлар учун олинадиган ҳақ тадбиркорлик даромадининг манбаи ҳисобланганлиги сабабли, ломбардда омонат сақлаш ҳақ эвазига амалга ошириладиган битим ҳисобланади. Гаров эвазига кредит бериш ломбард ва мижоз ўртасида тузиладиган кредит шартномаси ва гаров шартномаси асосида амалга оширилади. Ломбард ундириув қаратилиши мумкин бўлмаган мол мулкни гаровга олишга ҳақли эмас.

5. Ашёни ломбардда сақлаш шартномасининг тузилиши ашёни сақлаш учун топшириш йўли билан амалга оширилади ва юк топширувчига, бошқа шахсларга бериб бўлмайдиган, унинг номи ёзилган сақлов паттаси бериш йўли билан тасдиқланади.

6. Ашёни сақлаш учун топширилаётганда тарафлар келишувига мувофиқ баҳоланади. Баҳолаш суммаси ашёни сақлаш учун қабул қилинган пайтда ва жойда шу турдаги ва сифатдаги ашё бўйича сотувда ўрнатилган нархларга кўра аниқланади. Шунингдек, топширилаётган ашёнинг қиймати мустақил баҳоловчи ташкилотлар томонидан ҳам аниқланиши мумкин. Мазкур ҳолатда баҳоловчи ташкилот билан баҳолаш

хизматини кўрсатиш тўғрисида шартнома тузилади ҳамда баҳоловчи ташкилот эркин бозор шароитида мавжуд шарт шароитлар асосида унинг қийматини аниқлаб беради.

7. Ломбард ўзининг хисобидан юк топширувчининг фоидасига қабул қилинган ашёни суғурта қилиши лозим. Шартнома тузилганда тарафлар келишуви билан ҳудди шундай турдаги ашёнинг нархларига кўра тўлик баҳолаш суммаси бўйича суғурта қилинади.

### **895-модда. Ломбарддан талаб қилиб олинмаган ашёлар**

**Юк топширувчи ашёларни қайтариб олишдан бош тортган такдирда, ломбард уларни уч ой мобайнида сақлаб туриши шарт. Бу муддат ўтганидан кейин талаб қилиб олинмаган ашёлар ломбард томонидан ушбу Кодекс 289-моддасининг еттинчи қисмида белгилаб қўйилган тартибида сотилиши мумкин.**

**Ашёларни сотишдан тушган пулдан сақлаш ҳақи ва ломбардга тегишли бошқа тўловлар қопланади. Пулнинг қолган қисми ломбард томонидан сақлов паттасининг эгасига у тақдим этилганида қайтариб берилади.**

1. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми сақлаш муддатига бағишиланган. Бунда қуидагиларни инобатга олиш лозим:

ломбардда омонат сақлаш шартномаси ашёни талаб қилиб олингунча шарти билан (масалан, банк омонати шартномаси сингари) сақлашни назарда тутмайди;

ломбард ашёни шартномада белгиланган муддат тугагандан кейин яна уч ой сақлаши лозим;

агар уч ой ўтгандан кейин юк топширувчи ашёни қайтариб олмаса, ломбард ашёни, гаровга қўйилган мулкни белгиланган тартибида сотишга ҳақли бўлади.

2. Сотишдан тушган маблағ хисобидан омонат сақлаш учун қилинган харажатлар ҳамда ломбардга тегишли бошқа суммалар (масалан, нотариал божларни тўлаш, ашёларни транспортда ташиш, уларни сотиш бўйича харажатлар) ҳам қопланади.

Сотишдан тушган маблағнинг қолган қисми юк топширувчига сақлов паттаси тақдим қилинганда қайтариб берилади.

## **896-модда. Бойликларни банкда сақлаш**

**Банк қимматли қоғозларни, қимматбаҳо металлар ва тошларни, бошқа бойликларни, шунингдек ҳужжатларни сақлаш учун қабул қилиши мумкин.**

**Банкда бойликларни сақлаш шартномаси банк томонидан бойлик топширувчига номи ёзилган сақлов ҳужжатини бериш йўли билан расмийлаштирилади. Бу ҳужжатни тақдим этиш банк томонидан сақланаётган бойликларни бойлик топширувчига бериш учун асос бўлади.**

**Қимматли қоғозларни сақлаш (депозит) шартномасида назарда тутилган ҳолларда банк уларнинг тўлиқ сақланишини таъминлашдан ташқари, ушбу қоғозларга нисбатан юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни ҳам (вакиллик ва ҳоказо) амалга оширади.**

**Бойликларни якка тартибдаги пўлат сандиқдан (пўлат сандиқ бўлинмасидан, сақлаш учун мўлжалланган алоҳида бинодан) фойдаланган ҳолда сақлаш шартномаси банк томонидан бойликларни сақлаш учун қабул қилиш ҳаракатларини амалга ошириш ва бойлик топширувчига пўлат сандиқ калитини, бойлик топширувчини кўрсатадиган варакча, кўрсатувчининг пўлат сандиқни очиш ва ундан бойликларни олиш ҳуқуқини тасдиқлайдиган бошқа белги ёки ҳужжат бериш йўли билан тузилиши мумкин.**

**Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, бойлик топширувчи истаган вақтда бойликларни пўлат сандиқдан олиши, уларни қайта қўйиши, сақланаётган ҳужжатлар билан ишлаши мумкин. Бунда банк бойлик топширувчининг бойликларни олишини ва қайтариб топширишини ҳисобга олиш ҳуқуқига эга.**

**Бойлик топширувчи бойликларнинг бир қисмини пўлат сандиқдан олган тақдирда, банк бойликларнинг қолган қисми бут сақланиши учун жавобгар бўлади.**

**Ушбу моддада белгиланган банкнинг пўлат сандиғида бойликларни сақлаш коидалари банк ўз пўлат сандиғини мулк ижараси шартлари асосида фойдаланиш учун бошқа шахсга берадиган ҳолларга тааллуқли бўлмайди.**

1. Банк операцияларидан ташқари банклар мижозлар билан бир қатор битимлар тузишлари мумкин, шу жумладан, сақлаш учун қимматли қоғозлар, қимматбаҳо металлар ва тошлар, бошқа қимматбаҳо ашёлар ва бойликларни ҳамда ҳужжатларни қабул қилишлари мумкин. Бунда тузилаётган омонат сақлаш шартномасининг шартлари, сақлашнинг мазкур турига қонун томонидан маҳсус талаблар кўйилмаганлиги сабабли, Фуқаролик кодексида мавжуд бўлган омонат сақлаш тўғрисидаги умумий коидаларни инобатга олинган ҳолда, тарафлар томонидан аниқланади. Шу сабабли мазкур масала юзасидан шартномавий муносабатларни тузилиш тартибига аҳамият қаратиш лозим. Бунда банк томонидан юк топширувчига номи қўрсатилган сақлов ҳужжатини бериш йўли билан расмийлаштирилади. Юк топширувчи сакланаётган бойликларни бериш учун банкка ушбу ҳужжатни тақдим қилиш керак.

2. Банкда омонат сақлаш бўйича сақлаш тўғрисидаги умумий нормалар татбиқ этилади. Бу шуни билдирадики, мазкур шартнома маҳсус белги бўлмаганлигига қарамасдан оммавий шартнома белгиларига эга ва бу муайян оқибатларни келтириб чиқаради. Бундан ташқари, мазкур шартнома ҳақ эвазига амалга ошириладиган шартнома ҳисобланади. Шартноманинг маҳсус шакли мавжуд яъни, эгасининг номи ёзилган сақлов ҳужжати. Мазкур ҳужжат ҳозирги вақтда қимматли қофоз бўлиб ҳисобланмайди.

3. Қимматли қоғозларни сақлаш шартномасида назарда тутилган холларда банк уларнинг тўлиқ сақланишини таъминлайди. Шунингдек, ушбу қоғозларга нисбатан юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни ҳам вакиллик асосида амалга ошириши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг Қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги 2008 йил 22 июлдаги қонунининг 14 моддасига мувофиқ, эмитентлар қимматли қоғозларни мустақил равища, шунингдек банклар ва инвестиция воситачилари орқали жойлаштириш хукуқига эгалиги белгиланган. Қимматли қоғозларни жойлаштириш қуйидаги турларда амалга оширилиши мумкин:

қимматли қоғозларни хусусий йўсинда жойлаштириш (олдиндан маълум бўлган, сони чекланган инвесторлар орасида ёпиқ обуна қилиш, оммавий эълон бермаган ва реклама кампанияси ўтказмаган ҳолда);

қимматли қоғозларни оммавий жойлаштириш (сони чекланмаган инвесторлар орасида рекламадан фойдаланган ҳолда очиқ обуна қилиш).

Қонунга мувофиқ, депозитарийларда қимматли қоғозларнинг бут сақланиши қимматли қоғозларни сақлашга доир талабларга жавоб берадиган сақлаш жойларида ҳамда ҳисобга олиш регистрларини депозитар операциялар стандартларига мувофиқ юритиш орқали таъминланади. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсида сакланаётган ва ҳисобга олинаётган қимматли қоғозларнинг бут сақланиши Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсининг маълумотлар ахборот банкида такорий сақлаб туриш тизими орқали, техник тизимда узилишлар юз бергандан ва кутилмаган вазиятлар юзага келган тақдирда, Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси маълумотлар банкини тезкор тиклаш орқали ҳам таъминланади. Қимматли қоғозларнинг депозитарийларда бут сақланиши кафолатларини таъминлаш қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади (Қонуннинг 37 моддаси).

4. Бойликларни банкда алоҳида пўлат сандикдан (пўлат сандик бўлинмасидан, сақлаш учун мўлжалланган алоҳида бинодан) фойдаланган ҳолда сақлаш учун тузилган шартнома консенсуал шартнома ҳисбланади: у келишувга эришилган вақтдан, яъни ашё топширилган вақтдан кучга киради ва ҳақ тўлашга тааллукли қисми юк топширувчи (банк мижози) бойликларни ушбу вақтда топширган ёки қайтиб олганлигидан катъий назар амалда бўлади.

5. Бундан ташқари, мижоз шартнома муддати тугагунча ҳар қандай вақтда банкдан унинг бойликларини қабул қилиб, уларни пўлат сандикка жойлаб қўйишни талаб қилиши мумкин. Бундай шартномага омонат сақлаш тўғрисидаги барча нормалар тегишли бўлади. Уларга банк томонидан мижоз бойликларни олиши ва қайтаришининг ҳисобини юритиш хукуки кўшимча бўлади. Мазкур моддада бойликларни банкда сақлаш тушунчasi қўлланилган бўлсада, ҳақиқатда юк топширувчи томонидан қимматбаҳо деб топилган ҳар қандай «бойлик», ашё (шу жумладан, хатлар, кўлёзмалар ва хоказолар) ҳисобланиши мумкин.

6. Шартноманинг иккинчи «пўлат сандик тақдим этиш» тури аралаш шартнома шаклида бўлади. Унинг негизида, биринчи навбатда, мулк ижраси шартномаси ётади. Бу ҳолатда омонат сақловчига тегишли нормалар бўйича ашёларни сақланишига банк жавоб бермайди. Бироқ бу уни тақдим этилаётган хизматдан (пўлат сандик сақланишидан) келиб чиқадиган маж-

буриятларни ижро этиши бўйича жавобгарлиқдан озод этмайди. Аралаш шартнома бўйича тарафларнинг муносабатларига аралаш шартномада элементлари мавжуд бўлган шартномалар тўғрисидаги қоидалар татбиқ этилади. Мазкур ҳолатларда ҳақ эвазига хизмат кўрсатишни тартибга соловучи моддалардан ташқари, мажбуриятларни бузгандлик учун жавобгарлик бўйича умумий қоидалар ҳам татбиқ этилади.

Мазкур моддада мулк ижараси шартномасида қўлланиладиган иккинчи ҳолат яъни, фойдаланиш учун топшириш мажбурияти конструкцияси мавжуд (ФК 535 модда). Бунда банк пўлат сандигини мулк ижараси шартномасида асосида бошқа шахсга бериши ҳам мумкин. Мазкур ҳолатда қонун томонидан бойликларни банкда сақлаш қоидалари қўлланилмаслигини назарда тутади.

### **897-модда. Ашёларни транспорт ташкилотларининг юхоналарида сақлаш**

**Транспорт ташкилотларининг ихтиёридаги юхоналар йўловчилар ва бошқа фуқаролардан, уларда йўл ҳужжатлари бор ёки йўқлигидан қатъи назар, ашёларни сақлаш учун қабул қилиши шарт. Ашёни транспорт ташкилотларининг юхоналарида сақлаш шартномаси оммавий ҳисобланади.**

Ашё сақлаш учун юхонага қабул қилинганлигини тасдиқлаш юзасидан (автомат юхоналардан ташқари) юк топширувчига патта ёки номерли жетон берилади.

Патта ёки жетон йўқотилган тақдирда юхонага топширилган ашё юк топширувчига ушбу ашё ўзига қарашли эканлигининг исботини тақдим этган тақдирда берилади.

Юхонага топширилган ашё йўқолганлиги, кам чиққанлиги ёки шикастланганлиги оқибатида юк топширувчи кўрган зарар суммаси, агар ашёни сақлашга топшириш пайтида у нархланган бўлса ёки зарарнинг ўрнини қоплашга керакли сумма хусусида тарафлар келишиб олган бўлсалар, зарарни қоплаш тўғрисида талааб қўйилган пайтдан бошлаб бир сутка муддатда юк топширувчига тўланади.

Ашё маҳсус қоидалар ёки тарафларнинг келишуви билан белгиланган муддатга юхонага топширилиши мумкин. Кўрсатилган муд-

**датда талаб қилиб олинмаган ашёни юхона яна ўттиз кун сақлаң туриши шарт. Ушбу муддат тамом бўлгач, талаб қилиб олинмаган ашё сотилиши, сотишдан тушган пул эса ушбу Кодекснинг 895-моддасига мувофиқ тақсимланиши мумкин.**

1. Транспорт ташкилотларининг юхоналарида ашёни сақлаш оммавий шартнома хисобланади. Одатда, транспорт ташкилотлари масалан, аэропортлар, темир йўл вокзаллари, автостранспорт корхоналарида юкларни сақлаш учун мўлжалланган жойлар мавжуд бўлади. Мазкур моддада транспорт ташкилотларининг ихтиёридаги юхоналар йўловчилар ва бошқа фуқаролардан, уларда йўл хужжатлари бор ёки йўқлигидан қатъи назар, ашёларни сақлаш учун қабул қилиши шартлиги белгиланган.

2. Юхоналарда ашёни сақлаш хизматларидан фуқароларга фойдаланиш учун автоматик юхоналарни тақдим этиш хизматини ажратиш лозим. Мазкур ҳолат банк томонидан ичидағи бор нарса бўйича банкнинг назоратисиз мижозга фойдаланиш учун пўлат сандиқ тақдим этиши билан бир хилдир. Бунда ҳам ижара элементлари билан аралаш шартнома тўғрисида (автоматик юхона фойдаланиш учун унинг ичидаги бор нарса бўйича транспорт ташкилотининг назоратисиз тақдим қилинади) ва ҳимоя бўйича хизмат кўрсатишни (транспорт ташкилоти автоматик юхонани бузуб очишга йўл қўйилмаслигини таъминлаб бериши лозим) кўрсатиш мумкин.

3. Оддий юхонада сақлаш бўйича омонат сақлаш шартномаси умумий сақлаш қоидасига бўйсунади. Юк топширувчи фақат фуқаролар бўлиши мумкин, уларга ашё қабул қилинганлигини тасдиқловчи патта ёки номерли жетон берилади.

4. Юк топиравчига ашёни сақлаш учун топшираётганда баҳолаш суммасини билдириши лозим, омонат сақловчи эса, уз навбатида, ашёни баҳолангандан суммасини унинг ҳақиқий нархига тахминан мувофиқлигини текшириб олиши лозим. Омонат сақловчи томонидан юк топширувчига етказилган ашёларни йўқотиш, камайиш ёки шикастланиш йўли билан етказилган зарарни қоплаш, юк топширувчи билдирган баҳолангандан суммаси бўйича хисобланиши сабабли, ушбу қоида муҳим аҳамиятга эга. Юк топширувчига етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги талаблар билдирилган вақтдан бошлаб йигирма тўрт соат ичидаги қопланиши лозим.

5. Юқхона сақлашга мажбур бўлган муддат, агар тарафлар келишуви билан ундан кўпроқ муддат белгиланмаган бўлса, ташиш тўғрисидаги умумий қоидаларга мувофиқ аниқланади. Талаб қилиб олинмаган ашёлар ўттиз кун мобайнида сақланади, ушбу муддат тугаганидан кейин сақлаш муддатлари тўғрисидаги қоидаларига мувофиқ сотилиши мумкин.

6. Ашёларни сотишдан тушган суммадан Фуқаролик кодексининг 895 моддасига кўра (ломбарддан талаб қилиб олинмаган ашёлар) сақлаш бўйича ҳарожатлар ва транспорт ташкилотига тўланиши лозим бўлган бошқа тўловлар қопланади. Маблагнинг қолган кисми патта ёки номерли жетон эгасига, уларни тақдим қилиниши билан қайтариб берилади.

### **898-модда. Ашёни ташкилотларнинг кийимхоналарида сақлаш**

Агар ташкилотларнинг кийимхоналарида ашёларни ҳақ эвазига сақлаш ҳақида ашёни сақлашга топшириш вақтида келишиб қўйилган ёки бошқа очик усулда шартлашилган бўлмаса, уларда ашё сақлаш бепул ҳисобланади.

Ашё кийимхонада сақлаш учун қабул қилиб олингандигини тасдиқлаш учун сақловчи юк топширувчига номерли жетон ёки ашё сақлаш учун қабул қилиб олингандигини тасдиқловчи бошқа белги беради.

Кийимхонага топширилган ашё жетон тақдим этувчига берилади. Бунда сақловчи жетон тақдим этувчининг ашёни олишга ваколатларини текшириши шарт эмас. Бироқ, омонат сақловчи жетон уни тақдим этувчига қарашли эканлигига шубҳаланса, ашёни жетон тақдим этувчига қайтариб беришни тўхтатиб туришга ҳақли.

Юк топширувчи жетонни йўқотиб қўйган, лекин унинг ашёларни кийимхонага топширгандиги ёки ашёларнинг унга тегишлилиги сақловчидан шубҳа туғдирмаган ёхуд юк топширувчи томонидан исботланган ҳолларда ҳам сақловчи кийимхонадаги ашёни беришга ҳақли. Ташкилотларнинг ашёлар кийимхоналарда бут сақланиши учун жавобгарлиги, шунингдек талаб қилиб олинмаган ашёларни сақлаш муддатлари ушбу Кодекс 897-моддасининг тўртинчи ва бешинчи қисмларида кўрсатилган қоидалар бўйича белгиланади.

1. Сақлашнинг мазкур турига тегишли мухим хусусиятлардан бири агар тарафлар ҳақ эвазига сақлаш ҳакида алохида келишувга эришган ёки бошқа очик ойдин кўриниб турган усулда унинг ҳақ эвазига амалга оширилаётганлиги кўриниб турган бўлмаса, бу сақлашнинг бепул амалга оширилиши ҳисобланади.

2. Омонат сақловчи сифатида биноларида кийимхона жойлашган, ташкилот ёки транспорт воситасининг эгаси ҳисобланади, юк топширувчи сифатида эса — фукаро иштирок этади. Ашёни сақлаш учун кийимхонага топширганликнинг тасдиги сифатида фукарога одатда, жетон ёки номерли жетон берилади ва бу шартномани ёзма равишда расмийлаштирилганини билдиради.

3. Омонат сақловчи сақлашнинг умумий қоидаларига мувофиқ ашёларни сақланишини таъминлаш учун барча чораларни амалга ошириши лозим.

4. Қоидага мувофиқ, кийимхонага топширилган ашёни жетон тақдим қилувчига берилади. Мазкур ҳолатда сақловчи жетон тақдим этувчининг ашёни олишга ваколатларини текшириши шарт эмаслиги белгилаб қўйилган. Яъни, сақловчи қўшимча равишида олувчини ваколати билан боғлиқ ҳужжатларни текшириш мажбуриятини қатъий белгиланмаган. Бироқ, муайян ҳолатларда омонат сақловчида жетон тақдим этаётган шахсга ашёни тегишлилиги бўйича шубҳа туғилса (масалан, ашёни у сақлаш учун топширмаганлигини аниқ билса), сақловчи жетон тақдим этувчига ашёни қайтариб беришни тўхтатиб туриши мумкин. Бу ҳолатда омонат сақловчи, ашё қабул қилиш бўйича жетон ёгасининг ҳақини тасдиқловчи, қўшимча исбот талаб қилиши мумкин.

5. Айрим ҳолатларда ашёни топширган шахслар томонидан жетон ёки бошқа белгини эътиборсизлик натижасида йўқотиб қўйиши ҳам мумкин. Мазкур ҳолатда ашёни сақлаш учун қабул қилиб олувчи ҳақиқатан ҳам ашёни унга тегишли эканлигини (масалан, ушбу шахснинг ўзи ашёни сақлаш учун топширганлигини) билган ҳолларда ёки бошқа ҳолатларда исботланган (масалан, ашёни қачон ва кимга топширганлигини, ашёни тавсифини ва ўзига тегишли эканлигини далилини тақдим этган) тақдирда сақловчи кийимхонадан ашёни беришга ҳақли бўлади.

6. Ашёларни кийимхоналарда сақланиши учун ташкилотлар жавобгарлиги ҳамда талаб қилиб олинмаган ашёларни сақлаш муддатлари транспорт ташкилотларининг юкхоналарида сақлаш бўйича жавобгарлик ва сақлаш муддатлари билан бир хил (Фуқаролик кодексининг 897-моддасининг 4, 5 қисмлари).

## **899-модда. Ашёни меҳмонхонада сақлаш**

Меҳмонхона унда яшаётган шахс томонидан олиб кирилган ашёларнинг йўқолганлиги, кам чиққанлиги ёки шикастланганлиги учун омонат сақловчи сифатида алоҳида келишув бўлмаган тақдирда ҳам жавоб беради, ашё енгиб бўлмайдиган куч, ашёнинг ўз хоссалари оқибатида ёки меҳмонхонада яшовчининг ўзи, унинг ҳамроҳлари ёки унинг ёнига келган шахслар айби билан йўқолган, кам чиққан ёки шикастланган ҳоллар бундан мустасно.

Меҳмонхона ходимларига ишониб топширилган ашё ёки мўлжалланган жойга (меҳмонхона номери ва бошқаларга) жойлаштирилган ашё меҳмонхонага олиб кирилган ашё деб хисобланади.

Пул, бошқа валюта қимматликлари, қимматли қоғозлар ва бошқа қимматбаҳо ашёлар сақлаш учун алоҳида омонат сақлаш шартномаси бўйича қабул қилиб олинган бўлсагина, меҳмонхона уларнинг йўқолганлиги учун жавобгар бўлади.

Меҳмонхонада яшаётган, ўз ашёларининг йўқолганлиги, кам чиққанлиги ёки шикастланганлигини билиб қолган шахс меҳмонхона маъмуриятига бу ҳақда кечиктирмай хабар қилиши шарт. Акс ҳолда меҳмонхона ашёларнинг тўлиқ сақланмаганлиги учун жавобгарликдан озод қилинади.

Меҳмонхона бу ерда яшаётган шахсларнинг ашёлари сақланиши учун жавобгарликни ўз зиммасига олмаслигини эълон қилган тақдирда ҳам, жавобгарликдан озод қилинмайди.

Меҳмонхоналарда талаб қилиб олинмаган ашёларни сақлаш муддатлари ва уларнинг тақдири ушбу Кодекс 897-моддасининг бешинчи қисмида ёзиб қўйилган қоидаларга мувофиқ белгиланади.

Ушбу модданинг қоидалари мотеллар, дам олиш уйлари, санаторийлар, ётоқхоналар, ҳаммомларда, шунингдек ташкилотга келадиган фуқароларнинг ашёларини сақлаш учун маҳсус ажратилган жойларга эга бўлган бошқа ташкилотларда ҳам ашёларни сақлашга нисбатан қўлланади.

1. Меҳмонхонада (шу жумладан мотеллар, дам олиш уйлари, пансионатлар, санаторийлар, ҳаммомлар ва ҳоказоларда) сақлашни икки турга ажратиш мумкин. Биринчисида, сақлаш шарти меҳмонхона хизмат-

лари кўрсатиш шартномасининг қисмини ташкил қиласди. Шу сабабли, меҳмонхонада яшаш тўғрисида шартнома тузган ҳар бир шахс юк топширувчи ўрнида бўлиб, ўзининг йўқолган ёки шикастланган ашёлари бўйича меҳмонхонага нисбатан ашёнинг сақланиши бўйича талабларини билдириши мумкин. Бунда ашёни хонага ёки бошқа шу учун мўлжалланган жойларга олиб кириш ёки меҳмонхона ишчисига топшириш омонат сақловчига топшириш сифатида қабул қилинади. Меҳмонхонада яшаётган шахс билан меҳмонхона ўртасида ашёнинг сақланиши бўйича алоҳида келишув бўлиши шарт эмас. Бунда меҳмонхона унда яшаётган шахс томонидан олиб кирилган ашёларнинг йўқолганлиги, кам чиққанлиги ёки шикастланганлиги учун омонат сақловчи сифатида жавоб беради.

Меҳмонхона олиб кирилган ашё юзасидан кўйидаги холларда яъни, енгиг бўлмайдиган куч таъсирида;  
олиб кирилган ашёнинг ўзига хос хоссалари натижасида  
меҳмонхонада яшовчининг ўзи, унинг ҳамроҳлари ёки унинг ёнига  
келган шахслар айби билан йўқолган, кам чиққан ёки шикастланган  
холларда жавобгар бўлмайди.

2. Иккинчи шартнома, меҳмонхона хизматларини ўз ичига олмаган ҳолда, пул ва валюта бойликларини, қимматли қофозлар ва бошқа қимматбаҳо ашёларни сақлашни назарда тутади. Шартнома тузилган деб ҳисобланиши учун, яшовчининг қимматбаҳо ашёлари меҳмонхона томонидан қабул қилиниши лозим. Мазкур ҳолатда сақлаш тўғрисидаги умуумий нормалар амал қиласди.

3. Меҳмонхоналар ва унга ўхшашиб ташкилотлар (отеллар, дам олиш уйлари, пансионатлар, санаторийлар, ҳаммомлар ва ҳоказолар) меҳмонхонага олиб кирилган ашёларнинг йўқолганлиги, кам чиққанлиги ёки шикастланганлиги учун яшовчилар олдида жавобгар бўлади. Бироқ, пул, валюта бойликлари, қимматли қофозлар ва бошқа қимматбаҳо ашёлар бундан мустасно. Сақлашнинг мазкур тури қонун асосида вужудга келади ва меҳмонхонада яшовчи шахс билан алоҳида битим тузишни талаб қиласмайди. Бунда меҳмонхонага олиб кирилган деб, меҳмонхона ходимлари ёки ҳодимига берилган, ҳар қандай ашё (масалан, юк ташувчига берилган яшовчининг бағажи), ёки меҳмонхона хонасига жойлаштирилган ашё (масалан, яшовчининг шахсий ашёлари) ёки бунинг учун мўлжалланган бошқа жойга (масалан, меҳмонхона гаражида жойлаштирилган яшов-

чининг транспорт воситаси) кўйилган ашё ҳисобланади. Мехмонхонада яшовчи биринчидан, фақатгина йўқолган ашёга илгари эга бўлганлигини ва иккинчидан, дарҳол ашёнинг йўқолган, камайган ёки шикастланганлиги тўғрисида меҳмонхонани ҳабардор қилиши лозим. Акс ҳолда меҳмонхона ашёни сакланмаганлиги учун жавобгарликдан озод этилади.

4. Меҳмонхонада яшовчиларга тегишли бўлган пул, валюта бойликлари, қимматли қоғозлар ва бошқа қимматбаҳо ашёларнинг сақланиши учун меҳмонхона фақатгина у томонидан саклаш учун қабул қилиб олинган тақдирда жавоб беради. Меҳмонхона томонидан мазкур бойликларни қабул қилиниши яшовчининг номи кўрсатилган патта бериш йўли билан расмийлаштирилади ва меҳмонхона билан унда яшовчи шахс ўртасида одатдаги омонат саклаш шартномаси тузилган бўлиб ҳисобланади.

5. Меҳмонхона бу ерда яшаётган шахсларнинг ашёлари сакланиши учун жавобгарликни ўз зиммасига олмаслигини эълон қилган тақдирда ҳам, жавобгарликдан озод қилинмаслиги ҳақида қоида белгиланган. Яъни, бунда меҳмонхона томонидан бир томонлама ўз жавобгарлигини чекланиши, ашё сакланиши учун жавобгарликни ўз зиммасига олмаслиги ҳақидаги эълонлари ҳақиқий эмаслиги белгиланган. Худди шунга ўхшаш қоидалар ФК 395-моддасида (олинган товар учинчи шахслар томонидан сотиб олувчиidan талаб қилиб олинадиган ҳолларда тарафларнинг сотувчини жавобгарликдан озод қилиш ёки унинг жавобгарлигини чеклаш тўғрисидаги келишуви ҳақиқий эмаслиги), ҳамда 718-моддасида (транспорт ташкилотларининг йўловчилар ва юк эгалари билан ташувчининг қонунда белгилаб кўйилган жавобгарлигини чеклаш ёки бартараф этиш ҳақидаги келишувлари ҳақиқий эмаслиги) ҳам белгиланган.

6. Меҳмонхоналарда талаб қилиб олинмаган ашёларни саклаш муддатлари белгиланган муддат тугагандан сўнг яна ўтгиз кун сақлаб турилади. Шундан сўнг қонунда белгиланган тартибда мазкур ашё сотилиши ҳамда амалга оширилган ҳаражатларни қоплашга йўналтирилиши мумкин бўлади.

## **900-модда. Низоли ашёларни саклаш (секвестр)**

**Секвестр тўғрисидаги шартнома бўйича ашёга эгалик қилиш хусусида ораларида низо чиққан икки ёки бир неча шахс низоли**

**ашёни учинчи шахсга берадилар. Учинчи шахс низо ҳал бўлгач, ашёни суд қарори билан ёки низолашаётган ҳамма шахсларнинг келишувига мувофиқ кимга тегишли бўлса, ўша шахсга қайтариб бериш мажбуриятини олади (шартнома секвестри).**

**Низоли ашё суднинг қарорига қўра секвестр тартибида сақлаш учун топширилиши мумкин (суд секвестри).**

**Суд томонидан тайинланган шахс ҳам, шунингдек баҳслашаётган тарафларнинг ўзаро келишувига мувофиқ белгиланадиган шахс ҳам суд секвестри бўйича омонат сақловчи бўлиши мумкин. Ҳар иккала ҳолда ҳам, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, омонат сақловчининг розилиги талаб қилинади.**

**Секвестр тартибида сақлашга кўчар мулклар ҳам, шунингдек кўчмас мулклар ҳам топширилиши мумкин.**

1. Ашёга эгалик қилиш хусусида икки ёки бир неча шахс ўртасида низо мавжуд бўлиб, унинг сақланишини таъминлаш мақсадида учинчи шахсга бериш мақсадга мувофиқ деб топилганда, сақлашнинг мазкур тури кўлланилади. Низоли ашёни сақлашнинг биринчи турида низолашаётган тарафлар бир томондан ва иккинчи томондан сақловчи билан низо предметини сақлаш бўйича секвестр тўғрисида шартнома тузилади. Низо субъектлари сифатида юк топширувчилар бўлиши мумкин. Мазкур шартномада сақловчи низо ҳал бўлгандан сўнг, низолашаётган шахсларнинг ҳаммасининг келишувига қўра ёки келишув мавжуд бўлмаган тақдирда суднинг қарорига мувофиқ ашё кимга тегиши лозим бўлса ўша шахсга топшириш мажбуриятини олади.

2. Низоли ашёни сақлашнинг иккинчи тури бу суд секвестри бўлиб хисобланади. Суд секвестри бўйича низо предметини сақлаш учун суд қарорига асосан топширилади. Ашёни сақланишини таъминловчи шахс суд томонидан белгиланиши ёки низолашаётган тарафларнинг ўзаро келишувидан аниқланиши мумкин. Иккала ҳолатда ҳам қонунда бошқача назарда тутилмаган бўлса, омонат сақловчининг розилиги талаб этилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 майдаги 132-сон қарори билан тасдиқланган Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этишда хатланган ва олиб қўйилган молмулкни сақлаш тартиби ҳамда шартлари тўғрисидаги низомга қўра суд секвестри амалга оширилади.

3. Секвестрнинг хусусияти шундаки, унда мазкур муносабатлар ҳақ эвазига амалга оширилади. Бунда сакловчи одатда низолашаётган тарафлар хисобидан, шартномага мувофиқ ёки секвестр ўрнатилган суд қарори асосида, агар қонунда бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, мукофот олишга ҳақли бўлади. Зеро, ашёни саклаш сакловчидан муайян хавф хатарларни бартараф этишни, саклаш юзасидан масъулиятли харакатларни амалга оширишни (кўриқлаш, турли хавф хатарлардан муҳофазалашни) талаб қиласи.

4. Саклаш учун тўланиши лозим бўлган ҳақнинг миқдори шартномавий секвестрда тарафлар келишувига асосан аниқланади, суд секвестрда эса — меъёрий тартибда ўрнатилиши мумкин. Секвестр тартибida саклаш учун нафақат кўчар мулклар балки, кўчмас мулклар ҳам топширилиши мумкин.

### **3-§. ТОВАР ОМБОРИДА ОМОНАТ САҚЛАШ**

#### **901-модда. Товар омбори**

**Тадбиркорлик фаолияти сифатида товарларни саклайдиган ва саклаш билан боғлиқ хизматларни кўрсатадиган ташкилот товар омбори дейилади.**

1. Бозор иқтисодиёти турли хизматлар кўрсатувчи тадбиркорлик тузилмалари мавжуд бўлишини тақазо этади. Товар омбори тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи, ўзининг тижорат фаолияти йўналиши сифатида ашёларни саклаш бўйича хизматлар мажмуини кўрсатувчи, юридик шахс мақомига эга бўлган субъект хисобланади. Товар омбори қонунда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг юридик шахс мақомига эга бўлади. Товарларни омборда саклаш учун топширувчи ҳамда товар омбори хизматини кўрсатувчи ташкилот ўртасида фуқаролик ҳуқуқий шартнома асосида омонат саклаш амалга оширилади. Мазкур шартномада шартнома нарсаси, саклашга топширилаётган товар тавсифи, унинг хоссалари, саклаш муддати, ҳақ тўлаш тартиби ва бошқа муҳим шартлар тарафлар ўртасида келишиб олиниши лозим.

2. Товар омбори ҳуқуқ обьекти сифатида, ашёларни саклаш кўринишидаги хизматни кўрсатадиган тадбиркорлик фаолиятини амалга

ошириш учун ашёвий мажмуини ўзида намоён этади. Корхонанинг бир тури сифатида товар омбори қўчмас мулк хисобланади, олди-сотди, мулк ижараси шартномаси обьекти ва гаров предмети бўлиши мумкин.

## **902-модда. Умумий фойдаланишдаги товар омбори**

**Агар қонун хужжатларига мувофиқ товар омбори товарларни сақлаш учун чегараланган доирадаги шахслардан қабул қилиши мумкин бўлган омборлар жумласига киритилган бўлмаса, у умумий фойдаланишдаги омбор деб хисобланади.**

**Умумий фойдаланишдаги товар омбори томонидан тузиладиган омборда омонат сақлаш шартномаси оммавий шартнома деб хисобланади.**

1. Товар омбори маҳсус ва умумий фойдаланишдаги товар омбори сифатида фаолият юритади. Умумий фойдаланишдаги товар омборининг фаолияти оммавий шартнома тарзида амалга оширилади. Яъни, у ҳар бир мурожаат қилган товар эгасига мавжуд шартларда ашёни сақлаш бўйича қўрсатиши лозим. Демак, ҳар қандай шахс мазкур омбордан у билан шартнома тузишни ва бошқалар билан тузилган шартнома шартлари бўйича ўзига ҳам хизмат қўрсатишни талаб қилишга ҳақли.

2. Умумий фойдаланишдаги товар омборлари билан бир қаторда маҳсус товар омборлари ҳам фаолият қўрсатади. Жўмладан, «Эркин омбор» божхона режими тўғрисидаги низомга мувофиқ, эркин омбор — шундай режимки, бунда чет эл товарлари муайян ҳудудлар ва жойларда божқ, солиқлар ва иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмасдан жойлаштирилади ва ишлатилади, Ўзбекистон товарлари эса экспорт режимига мувофиқ олиб чиқишида қўлланиладиган шартларга кўра жойлаштирилади ва ишлатилади.

Божхона омбори фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомга кўра, божхона омбори — маҳсус жиҳозланган ва белгиланган жой бўлиб, биноларнинг ҳудудини ва (ёки) очиқ майдончаларни ўз ичига олади ҳамда товарларни вақтинча сақлаш ва (ёки) божхона омбори режимлирида божхона назорати остида сақлашга мўлжалланган бўлади. Божхона омборида Ўзбекистон Республикасига олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиши тақиқланган товарларни сақлашга руҳсат

берилмайди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси худудида айланиши ва сотилиши тақиқланган товарларни сақлашга рухсат берилмайди.

3. Умумий фойдаланишдаги омбор шартнома тузишдан, фақатгина ашёни сақлашга қабул қилиш имконияти йўқлигини (масалан, омбор биноларининг бутунлай тўлгани) исботлагандан, товар омбори бош тортиши мумкин. Хизмат кўрсатишнинг намунавий шартларидан фарқли шартларни умумий фойдаланишдаги омбор қонунда ёки бошқа хуқуқий хужжатларда кўзда тутилган имтиёзларни инобатга олган ҳолда ўрнатиши мумкин.

4. Ашёни қабул қилишдан асоссиз бош тортилса ёки рад этилса, юк топширувчи, шартнома тузишни мажбур қилиш ва етказилган заарларни қоплашни талаб қилиб судга мурожаат қилиши мумкин.

### **903-модда. Омборда омонат сақлаш шартномаси**

**Омборда омонат сақлаш шартномаси бўйича товар омбори (сақловчи) товар эгаси (юк топширувчи) томонидан ўзига топширилган товарларни ҳақ эвазига сақлаш ва уларни тўлик ҳолича қайтариб бериш мажбуриятини олади.**

**Омборда омонат сақлаш шартномаси ёзма равища тузилади. Агар омборда сақлаш шартномасини тузиш ва товарни омборга қабул қилиб олиш омбор хужжати билан тасдиқланган бўлса, омборда омонат сақлаш шартномасининг ёзма шаклига риоя қилинган хисобланади.**

1. Товар омборида омонат сақлаш шартномаси икки томонлама, консенсуал, ҳақ бараварига амалга ошириладиган, сақлашнинг одатдаги туридан фарқли белгиларга эга шартнома хисобланади. Омборда омонат сақлаш шартномасининг нарсаси бўлиб ашёларни сақланишини таъминлаш бўйича хизмат кўрсатиш ҳисобланади.

2. Юк топширувчи ушбу шартномада фақатгина ашёни омборга топшираётганда товар омборини контрагенти сифатида қабул қилинади. Товар омборида омонат сақлаш шартномасининг амал қилиши давомида юк топширувчини аниқлашда «товар эгаси» терминини ишлатиш тўғри бўлади ва бу ҳолатни Фуқаролик кодексининг 903-моддасида ўз аксини топганлигини кўриш мумкин («юк топширувчи» термини «товар эгаси» термини билан алмаштирилган).

3. Ушбу мажбурият тури номидан кўриниб турганидек, сақлашнинг обьекти сифатида нафақат ашё, балки товар ҳисобланган ашё яни, меҳнат натижасида яратилиб, истеъмол қилиш мақсади учун эмас, балки кейинчалик сотиш учун мўлжалланган товар ҳисобланади. Бироқ, сиёсий иқтисод мезонлари ҳукукий маънода қатъий равища қабул қилиниши шарт эмас. «Товар» сўзи қонун чиқарувчи томонидан қўйидаги маъноларни англашиб учун фойдаланилган:

– биринчидан, сақлаш учун топширилган ашёларнинг алоҳида муомалада бўлиши;

– иккинчидан, хўжалик муомаласида товар омборининг иштирок қилиш хусусияти, жумладан, агар мазкур шартлар ҳукукий ҳужжатларда ёки шартномада назарда тутилган бўлса, товарларни тасарруф қилишда ифодаланиши мумкин. Сақлашга топширилган ашёнинг юқори даражада муомалада бўлиши хусусияти мазкур сақлаш турини ифодаловчи асосий белгиси саналади.

4. Товар омборида сақлашда кўпинча турга хос аломатлари билан белгиланадиган ашёлар сақланса ҳам, хизматларнинг мазкур турида алоҳида сақлаш назарда тутилади, яни бир хил турдаги товарлар бошқа товарлар билан аралаштирилмаган ҳолда ва эгасизлантирилмасдан сақланади. Хориж мамлакатларида мавжуд бўлган омборда омонат сақлаш нормаларидан келиб чиқсан ҳолда ашёларни эгасизлантириб сақлаш, умумий қоидага кўра, шартномада назарда тутилган бўлиши шарт.

5. Омборда омонат сақлаш шартномаси ёзма шаклда расмийлаштиради ва унинг товар омборида сақлаш учун қабул қилинганлиги омбор ҳужжати билан тасдиқланган бўлса, шартноманинг ёзма шаклига риоя килинган ҳисобланади.

6. Шу билан бирга жумладан, консенсуал омонат сақлаш шартномасини тузишида тарафлар томонидан шакли бўйича анъанавий бўлган омонат сақлаш шартномаси тузилиши ҳам мумкин ва унда нафақат омборнинг шартлашилган муддатда товарни қабул қилиб олиш мажбурияти, балки сақлаш режими аниқ белгиланиши, сақлаш бўйича фавқулотдаги харажатлар, омборнинг қўшимча хизматлари ҳам аниқ кўрсатилиади. Бироқ, кўпинча амалиётда қонунда кўзда тутилган омбор ҳужжатларининг учтасидан бирини бериш билан кифояланади.

## **904-модда. Ашёларни тасарруф қилиш хуқуқи билан сақлаш**

**Агар қонун хужжатларидан ёки омборда омонат сақлаш шартномасидан товар омбори ўзига сақлаш учун топширилган товарларни тасарруф этиши мумкинлиги келиб чикса, у холда тарафларнинг муносабатларига ушбу Кодекс 41-бобининг қоидалари қўлланади, бироқ товарларни қайтариб бериш вақти ва жойи ушбу бобнинг қоидалари билан белгиланади.**

1. Товар ўз хусусияти бўйича биринчи навбатда (гарчи истиснолар бўлса ҳам) турга хос аломатлари билан белгиланадиган ашё хисобланади. Айнан ушбу ҳолатдан келиб чикиб, товар омборига муайян ҳолатларда юк топширувчининг товаридан фойдаланиш имконияти берилади. Бунда юк топширувчидан қабул қилинган ашё тасарруф қилинса ҳам, муайян ҳолларда шундай турдаги ва сифатдаги ашёни юк топширувчига тақдим қилиши лозим бўлади.

2. Хорижий мамлакатларда мазкур муносабатлар «кўзга кўринган ҳолда сақлаш» номини олган.

3. Омборда омонат сақлашнинг алоҳида тури бўлиб, омборнинг товарларни тасарруф қилиш хуқуқи билан сақлаши хисобланади. Бундай хуқуқ қонун хужжати ёки омборда омонат сақлаш шартномаси асосида вужудга келади. Мазкур ҳолатда сақлашга топширилган ашёнинг юридик тақдирини белгилаш имкониятига эга товар омбори, унинг мулқдорига айланади.

4. Шу муносабат билан сақланаётган ашёнинг шикастланиши ёки тасодифан нобуд бўлиши хавфи омбор зиммасига юклатилади. Товар эгаси эса, омборга нисбатан муайян хукукларга яъни, у тегишли миқдордаги ва сифатдаги товарнинг ўзига қайтарилишини омбордан талаб қилиши мумкин бўлади.

5. Ўзининг конструкцияси бўйича сақлашга топширилган ашёлардан товар омборининг фойдаланиш хуқуқи билан омонат сақлаш шартномаси қарз шартномаси тарафларининг муносабатларига ўхшайди ва шу муносабат билан шарҳланаётган моддада Фуқаролик кодексининг 41-бобига (Карз ва кредит) хавола қаратилади. Бироқ, товарларни қайтариш вақти ва жойи сақлаш тўғрисидаги қоидалар билан белгиланади.

## **905-модда. Товар омборининг мажбуриятлари**

**Товар омбори стандартлар, техникавий шартлар, технология йўриқномалари, сақлаш йўриқномалари, айрим турдаги товарларни сақлаш коидаларида, омбор учун мажбурий бўлган бошқа маҳсус норматив ҳужжатларда белгилаб қўйилган сақлаш шартлари (тартиботи)га риоя қилиши лозим.**

**Агар омборда омонат сақлаш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, товар омбори товарларни сақлаш учун қабул қилиб олаётганида уларни ўз ҳисобидан қўздан кечириши керак.**

**Агар омонат сақлаш эгасизлантириш йўли билан амалга оширилаётган бўлса, товар омбори товар эгасига товарларни ёки уларнинг намуналарини қўздан кечириш, намуна олиш ҳамда товарларнинг тўлиқ сақланишини таъминлаш учун зарур чора-тадбирларни кўриш имкониятларини бериши шарт.**

**Товарларнинг тўлиқ сақланишини таъминлаш учун сақлаш шароитларини тезлик билан ўзгартириш талаб қилинадиган ҳолларда товар омбори зарур шошилинч чораларни мустақил кўришга ҳақли. У кўрилган чоралар тўғрисида товар эгасига хабар бериши шарт.**

**Сақлаш вақтида товар омборда омонат сақлаш шартномасида келишилганидан ёки одатдаги табиий бузилиш нормалари доирасидан ташқари чиқадиган даражада бузилганлиги аниқланган тақдирда, товар омбори бу ҳақда дархол далолатнома тузиши ва ўша куниёқ юк топширувчини хабардор қилиши шарт.**

**1. Товар омборига ўзининг ҳисобидан, товарларнинг миқдори ва ташки кўринишини аниқлаш мақсадида, уларни қўздан кечиришни амалга ошириш мажбурияти юклатилиди. Шундан келиб чиқиб, барча кўрилган чораларга қарамай, товарнинг заарли хусусиятлари сақловчи томонидан аниқланиши мумкин бўлмаганлигини исботлаган тақдирда, кейинчалик товарни йўқолиши ёки шикастланишида товар омбори жавобгарликдан озод этилади. Товар эгасининг ҳаракатларида қўпол эҳтиётсизлик ва қасд мавжуд бўлганда, товар омборининг жавобгарлиги миқдори суд томонидан камайтирилиши мумкин.**

**2. Товар омборида сақлаш бўйича стандартларга, техникавий шартларга, технология йўриқномаларига, сақлаш йўриқномаларига, айрим**

турдаги товарларни сақлаш қоидаларига, омбор учун мажбурий бўлган бошқа маҳсус норматив хужжатларда белгилаб кўйилган сақлаш шартлари (тартиботи)га риоя қилиш лозим. Қонун хужжатларида товар омборига товарларни сақлаш билан боғлиқ муайян мажбуриятлар ҳам юклатилади. Жумладан, божхона омборида сакланаётган товарларнинг сақланишини таъминлаш бўйича уларнинг ҳолатини ўзгартирмаслик, ўровини бузмаслик ва босилган идентификация тамға воситаларини ўзгартирмаслик шартлари бажарилган тақдирда қўйидаги операцияларни амалга оширишга йўл кўйилади:

- тозалаш, шамоллатиш, қуритиш (шу жумладан, иссиқлик оқимини ҳосил қилиш билан);
- сақлашнинг мақбул температура режимини ҳосил қилиш (совутиш, музлатиш, иситиш);
- ҳимоя ўровига жойлаштириш, ҳимоя мойи ва консервантлар суртиш;
- занглашдан ҳимоя қилиш учун бўяш, сақлаш қопламаларини киритиш;
- ташишдан олдин чиришга қарши бўёқ билан қоплаш;
- ўлчаш, текшириш, тортиш;
- божхона омбори ҳудудида жойини ўзгартириш.

Божхона омборига жойлаштирилган товарлар билан юкорида қўрсатилган операциялардан ташқари сотишга ва ташишга тайёрлаш бўйича қўйидаги операцияларни амалга ошириш мумкин:

- туркумларга бўлиш ва жўнатмаларни шакллантириш;
- саралаш, ўраш, қайта ўраш, маркалаш;
- ортиш, тушириш, қайта ортиш;
- комплектлаш ёки иш ҳолатига келтириш билан боғлиқ бўлган оддий операциялар;
- товарларни намойиш қилиш стендларига жойлаштириш ва тестдан ўтказиш («Божхона омбори» божхона режими тўғрисидаги низом).

Эркин омбор фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомга кўра, эркин омбор бинолари:

- ер устидаги иморатларда ёки иншоотларда жойлаштирилиши;
- Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида белгиланган техник, санитария, ёнфинга қарши ва бошқа талабларга жавоб бериши;
- кўриқлаш ва ёнгин назорати сигнализациялари билан жихозланган бўлиши;

- ёнгин хавфсизлигининг тегишли талабларига мувофиқ ёнгинни ўчириш тизими ва воситаларига эга бўлиши керак.

Эркин омборга бевосита туташиб кетган ва божхона назорати зонаси ҳисобланган худуд қуидаги талабларга мувофиқ бўлиши керак:

- божхона омборига туташиб кетган бутун худуд периметри бўйича маҳсус белгиланган (тўсилган);
- ичкарисида эркин омборнинг бир қисми ҳисобланмаган ўзга иморатлар ва иншоотларга эга бўлмаслиги;
- кўп юк кўтарадиган транспортнинг манёвр қилиши имкониятини таъминлаши;
- эшик ўрни томонидан эркин омбор иморатига бевосита туташиб кетган бўлиши;
- ўзбек, рус ва инглиз тилларида «божхона назорати зонаси» деган белги қўйилган бўлиши керак.

Эркин омбор доимий равишда соз, ишлаш ҳолатида ва унинг нормал фаолият кўрсатиш учун етарлича бўлган ва қуидагиларни ўз ичига олувчи жиҳозларга:

- ортиш, тушириш ва транспорт воситаларига;
- омбор асбобускуналарига;
- аниқлиги ва ўлчаш чегаралари эркин омборда сақлаш мўлжаланаётган товарларнинг хусусиятига мувофиқ бўлган товарларнинг оғирлигини тортиш воситаларига;
- алоқа воситаларига (шу жумладан телефон, факс);
- ташкилий техникага;
- мебелга;
- агар бу унинг нормал фаолият кўрсатиши учун зарур бўлса, асбобускуналарнинг бошқа турларига эга бўлиши керак.

3. Товар эгаси вақти-вақти билан омборда жойлашган товарларни (товарларни эгасизлантириб сақлашда — товарлар намунасини) кўздан кечириш, намуна олиш ва ўзи томонидан товарларни сақланилишини таъминлаш учун зарур чораларни кўришга ҳуқуқига эга.

4. Товар омбори ашёларни сақланишини таъминлаш учун қўшимча чоралар кўриш зарур бўлганида товар эгаси билан келишмасдан чора кўриши мумкин. Товарнинг ҳолати шартномада тарафлар томонидан келишилган сақлаш шартларини жиддий ўзгартиришни талаб қиласагина,

конун кўрилган чоралар тўғрисида товар эгасининг кейинчалик товар омборига хабар қилиш мажбуриятини юклайди.

5. Шартномада келишилмаган ёки табиий бузилишнинг натижаси бўлмаган ҳолдаги товарнинг шикастланганлиги аниқланганда товар омборига бу ҳақда далолатнома тузиш мажбурияти юклатилади. Товар эгаси бу ҳақда далолатнома тузилган кунда ҳабардор қилиниши лозим.

#### **906-модда. Товар эгасига қайтарилаётган вақтда унинг миқдори ва ҳолатини текшириш**

Товар эгаси ва товар омборининг ҳар бири товарни қайтариб бериш вақтида уни кўздан кечириш ва миқдорини текширишни талаб қилиш хукуқига эга. Шу туфайли қилинган харажатлар товарни кўздан кечиришни ёки унинг миқдорини текширишни талаб қилган тараф зиммасига тушади.

Агар омбор товарни эгасига қайтараётган вақтида улар товарни бирга кўздан кечирмаган ёки текширмаган бўлсалар, товар тегишли даражада сақланмаганлиги оқибатида унинг кам чиққанлиги ёки бузилганлиги ҳақидаги ариза омборга товарни олиш вақтида, товарни қабул қилинганинг оддий усули билан аниқлаш мумкин бўлмаган етишмовчилик ёки бузилиш хусусида эса, уларни аниқлаш учун зарур бўлган оқилона муддатда ёзма равишда юборилиши керак.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган ариза бўлмаганида, агар акси исбот қилинган бўлмаса, омбор товарни омборда омонат сақлаш шартномаси шартларига мувофиқ қайтарган деб хисобланади.

1. Товар эгаси ва товар омбори муносабатларида товар қайтарилишини расмийлаштириш тартиби алоҳида аҳамиятга эга. Товар қайтарилишида иккала тараф ҳам товарнинг миқдорини кўздан кечириш хукуқига эга.

2. Товар эгасининг ёзма аризаси мавжуд бўлмаганда (товар қайтарилишида кўздан кечирилиш амалга оширилмаган тақдирда) ва товар эгаси томонидан қабул қилиш вақтида товарнинг миқдори ва сифати бўйича эътиroz билдирилмаганда, товар омборда омонат сақлаш шартномаси шартларига мувофиқ қайтарилган хисобланади.

3. Товар лозим даражада сақланган ҳолларда товарни камомади ёки шикастланганлиги түгрисидаги ариза омборга товар қабул қилинишида ёзма равища берилиши лозим. Агар камомад ёки шикастланиш товар қабул қилишнинг оддий усулида аниқланиши мумкин бўлмаганда эса, камомад ва шикастланишнинг аниқланиши учун зарур бўлган оқилона муддат ичидаги ариза берилиши лозим.

4. Белгиланган муддат ўтказилиб юборилганда, товарни лозим даражада сақламаганлик оқибатида товар камомади ёки шикастланганлиги фактларини исботлаш масъулияти товар эгаси зиммасига юклатилади ва у судда ўзининг нуқтаи назарини ҳимоя қилиш учун ҳар қандай исботлаш воситаларидан шу жумладан, гувоҳларнинг кўрсаткичларини инобатга олган ҳолда фойдаланиши мумкин.

#### **907-модда. Товар омборининг омборда сақлаш шартномасидан бош тортиши**

**Юк топширувчи товарнинг хавфли эканлигини яширган ва бу катта зарар етказиши мумкин бўлган ҳолларда товар омбори омонат сақлаш шартномасини бажаришдан бош тортишга хақли.**

1. Товарни сақлаш учун топширганда юк топширувчи унинг хавфли хоссаларини яширган бўлса, омонат сақловчи эса товарни қабул қилишда унинг хавфли хусусиятлари бўйича ташки кўздан кечириш билан аниқлай олмаган бўлса, юк топширувчи жавобгар бўлади. Мазкур норма Фуқаролик кодексининг кўрилаётган бобнинг умуний қоидаларининг 883-моддасида (хавфли хоссаларга эга бўлган ашёларни сақлаш) батафсилроқ кўриб чиқилган.

2. Одатда, тарафлар зиммаларига олган мажбуриятни бажаришдан бир томонлама бош тортишга ва шартнома шартларини бир томонлама ўзgartиришга йўл қўйилмайди (ФК 237 моддаси). Бироқ, конун хужжатларида ёки шартномада бошқа ҳол назарда тутилиши ҳам мумкин. Чунончи, шархланаётган моддада товар омбори омонат сақлаш шартномасини бажаришдан бош тортишга ҳақлилиги ҳакида қоида белгиланган. Бунинг учун биринчидан, юк топширувчи товарнинг хавфли эканлигини яширган бўлиши ва иккинчидан, бунинг натижасида товар омбори катта зарар кўриши эҳтимоли мавжуд бўлади. Мазкур ҳолларда товар омбори шартнома мажбуриятини бажаришдан бош тортиш ҳуқуқига эга бўлади.

## **908-модда. Омбор хужжатлари**

**Товар омборлари товарларни сақлашга қабул қилғанлигини тасдиқлаб, қўйидаги омбор хужжатларини бериши мумкин:**

**икки қисмли омбор гувоҳномаси;**

**оддий омбор гувоҳномаси;**

**омбор паттаси.**

**Икки қисмли омбор гувоҳномаси, унинг ҳар бир қисми ва оддий омбор гувоҳномаси қимматли қоғозлар бўлади.**

**Икки қисмли ва оддий омбор гувоҳномаси гаров нарсаси бўлиши мумкин.**

1. Саклашнинг мазкур тури шартнома тузилишининг ўзига хос хусусиятлари билан фарқланади. Махсус субъектдан (товар омбори) ва сақлаш обьектининг маҳсус категориясидан (товар) ташқари омборда омонат сақлаш шартномаси яна бир ўзига хос бўлган белги билан — товарни омборга қабул қилишни, омбор хужжатларни уч туридан биттаси кўринишида, мажбурий расмийлаштирилиши билан ажралиб туриши мумкин.

2. Хорижий мамлакатларда кўп йиллар мобайнида товарларни тасаруф этувчи хужжатлар, шу жумладан омборда сақлашга тегишли бўлган хужжатларни, татбиқ этишнинг назария ва амалиёти шаклланиб келган. Ҳозирги пайтда омбор гувоҳномасининг икки тури қўлланилиш анъанаси вужудга келган:

— бир қатор давлатлар икки қисмли хужжат туридан фойдаланади (омбор гувоҳномаси ва гаров гувоҳномаси (варрант));

— бошқа давлатларда эса — битта хужжат (омбор гувоҳномаси).

3. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси қўрсатиб ўтилган омбор хужжатларини иккала туридан ҳам фойдаланиш имкониятини кўзда тутади ва уларни «икки қисмли омбор гувоҳномаси» ва «оддий омбор гувоҳномаси» деб белгилайди. Ундан ташқари, омбор хужжатларини учинчи тури сифатида «омбор паттаси» қўлланилади ва у юқорида айтиб ўтилган хужжатлардан фарқ қилиб, қимматли қоғозлар жумласига кирмайди.

4. Омбор хужжати белгиланган мақсадлари бўйича қўйидагиларни тасдиқлайди: ёзма шаклда товар омборида омонат сақлаш шартномасини

тузилиш фактини; товар омбори томонидан товарни қабул қилиш фактини; товар эгасини сақлаш муддати тугаши билан ёки биринчи талаби бўйича товарни қайтариб олиш ҳуқуқини.

5. Икки қисмли ва оддий омбор гувоҳномалари тасарруф этилувчи қимматли қофозлар сифатида уларни эгаларига товар ўрнини ўзгартирмасдан омборда жойлашган бўлсада товар бўйича ҳуқуклар муомаласини (яъни, товарга нисбатан ҳуқуқларни бир шахсдан бошқа шахсга ўтказишни) амалга оширишга имкон беради.

6. Омбор паттаси қимматли қофоз ҳисобланмайди, юк топширувчининг товарни қайтариб беришни талаб қилиш ҳуқуқини, омборни товарни тақдим этиш мажбуриятини ҳамда товар омборида омонат сақлаш шартномаси тузилганлиги фактини тасдиқлайди.

7. Қонун икки қисмли ва оддий омбор гувоҳномаси гаров нарсаси бўлиши мумкинлигини белгилайди. Гаров мажбуриятларни бажарилишини таъминлашнинг энг ишончли усулларидан бири ҳисобланади. Бунда гаров деганда, бир шахснинг бошқа шахсга мол-мulkни ёки унга бўлган ҳуқуқни мажбуриятларни таъминлаш учун бериши тушунилади. Гаровга олувчи гаров эвазига омборда мавжуд бўлган реал товарлар ҳисобидан қарздор томонидан мажбуриятни ўз вактида ва лозим дараҷада бажарилишини ишончли равишда тасдиқлаш имконини қўлга киритади.

## **909-модда. Икки қисмли омбор гувоҳномаси**

**Икки қисмли омбор гувоҳномаси омбор гувоҳномасидан ва гаров гувоҳномасидан (варрант) иборат бўлиб, улар бир-биридан ажратилиши мумкин.**

**Икки қисмли омбор гувоҳномасининг ҳар бир қисмида қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:**

**товарни сақлаш учун қабул қилган товар омборининг номи ва жойлашган манзили;**

**омбор гувоҳномасининг омбор реестри бўйича жорий номери;**

**товар сақлаш учун қабул қилиб олинган ташкилот номи ёки фуқаронинг исми, шунингдек товар эгасининг жойлашган ери (яаш жойи);**

**сақлаш учун қабул қилинган товарнинг номи ва миқдори — бир-ликлар сони ва (ёки) товар доналарининг сони ва (ёки) товарнинг ўлчови (оғирлиги, ҳажми);**

**агар муддат белгиланган бўлса, товар қанча муддатга сақлаш учун қабул қилинганлиги ёки товар талаб қилиб олингунча сақлаш учун қабул қилинганлиги;**

**омонат сақлаганлик учун тўланадиган ҳақ миқдори ёки бу ҳақни хисоблаб чиқаришга асос бўладиган тарифлар ва сақлаш ҳақини тўлаш тартиби;**

**омбор гувоҳномаси берилган сана.**

**Икки қисмли омбор гувоҳномасининг иккала қисмida вакил шахснинг бир хил имзоси ва товар омборхонасининг муҳри бўлиши шарт.**

**Ушбу модданинг талабларига мос келмайдиган ҳужжат икки қисмли омбор гувоҳномаси бўла олмайди.**

1. Икки қисмли омбор гувоҳномаси — икки ҳужжатдан иборат қимматли қофоз бўлиб, улардан ҳар бири қимматли қофоз хисобланади. Яъни: омбор гувоҳномаси ва гаров гувоҳномаси (варрант — ингл. Warrant — ваколат сўзидан).

2. Икки қисмли омбор гувоҳномаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси билан белгиланган мажбурий реквизитлар бўйича тузилади ва маҳсус ташкилот (товар омбори) томонидан муайян товарни сақлаш учун қабул қилинганлиги фактини ва қимматли қофоз эгасининг топширилган товарни қабул қилиш ёки ушбу ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказиш ёзувини ёзиш йўли билан бериб юбориш ҳуқуқини тасдиқлайди. Шундай қилиб, икки қисмли омбор гувоҳномаси ордерли қимматли қофоз ва товарни тасарруф этувчи ҳужжат хисобланади, бунда ҳужжатнинг бериш асоси сифатида омбор томонидан муайян товарни қабул қилиш факти хисобланади.

3. Иккиламчи қимматли қофозларни чиқариш ва муомалада бўлиш тартибига мувофиқ, варрант эмитентлари варрантинг биринчи эгалари учун уларни олишнинг бир хил нархда олиш имкониятини таъминлаши лозим. Бунда варрант эгалари учун қимматли қофозларни жойлаштириш нархи варрант эгаси бўлмаган инвесторлар учун жойлаштириш нархидан фарқ қилиши мумкин. Варрант қуйидаги мажбурий реквизитларга эга бўлиши лозим:

- «варрант» номи кўрсатилиши;
- давлат рўйхатидан ўtkазиш санаси ва рақами;
- варрант чиқаришган сана;
- варрант эмитенти номи, манзили ва банк реквизитлари;
- эмитентнинг базис активини сотиш мажбурияти;
- варрантнинг амал қилиш муддати ва ижро қилиш санаси;
- базис активининг спецификацияси;
- варрантни сотиб олувчининг номи

(эгаси ёзилган варрант учун);

- варрант эмитентининг имзоси ва муҳри.

4. Шарҳланаётган модда қатъий равишда куйидагиларни белгилайди:  
омбор гувохномасининг икки қисмидаги реквизитлар тўлиқ бир бирига  
мос келиши лозим. Ушбу хужжатни икки қисмли омбор гувохномаси деб  
хисобламаслик учун бир қисмининг иккинчи қисми ўртасида арзимас  
зиддият мавжудлиги етарли;

уларни икки қисми нафақат бир вакил шахс томонидан имзоланиши  
лозим, балки ушбу шахснинг имзолари бир хил бўлиши лозим.

5. Шарҳланаётган модданинг иккинччи қисмида омбор гувохномасида  
ва варрантда бўлиши лозим бўлган тўлиқ маълумотлар кўрсатилган.  
Яъни, икки қисмли омбор гувохномасининг ҳар бир қисмида куйидагилар  
кўрсатилган бўлиши керак:

товарни сақлаш учун қабул қилган товар омборининг номи ва жой-  
лашган манзили;

омбор гувохномасининг омбор реестри бўйича жорий номери;

товар сақлаш учун қабул қилиб олинган ташкилот номи ёки фуқаронинг  
исми, шунингдек товар эгасининг жойлашган ери (яшаш жойи);

сақлаш учун қабул қилинган товарнинг номи ва миқдори — бирлик-  
лар сони ва (ёки) товар доналарининг сони ва (ёки) товарнинг ўлчови  
(огирлиги, ҳажми);

агар муддат белгиланган бўлса, товар қанча муддатга сақлаш учун  
қабул қилинганлиги ёки товар талаб қилиб олингунча сақлаш учун қабул  
қилинганлиги;

омонат сақлаганлик учун тўланадиган хақ миқдори ёки бу ҳақни хисоблаб  
чиқаришга асос бўладиган тарифлар ва сақлаш ҳақини тўлаш тартиби;

омбор гувохномаси берилган сана.

6. Кейинчалик икки қисмли омбор гувоҳномасини топшириш ёзувини бажариш йўли билан топшириш, товар бўйича мулк хукуқини топширишни билдиради. Ушбу қоғоз бўйича кредитор бўлиб унда ва товар омборини реестрида номи кўрсатилган шахс ҳисобланади.

## **910-модда. Товарга омбор ва гаров гувоҳномасини сақловчининг хукуқлари**

**Омбор ва гаров гувоҳномаларини сақловчи омборда сақланаётган товарни тўла тасарруф этиш хукуқига эга.**

**Гаров гувоҳномасидан ажратилган омбор гувоҳномасини сақловчи товарни тасарруф этишга ҳақли, лекин гаров гувоҳномаси бўйича берилган кредитни тўламагунича товарни омбордан олиши мумкин эмас.**

**Гаров гувоҳномасини сақловчи ушбу гувоҳнома бўйича берилган кредит ва унинг фоизлари микдорида товар бўйича гаров хукуқига эга бўлади. Товар гаровга қўйилганида бу ҳақда омбор гувоҳномасига белги қўйилади.**

1. Икки қисмли омбор гувоҳномаси икки қисмдан иборат, улар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг 909-моддасида кўрсатилган зарурий реквизитлари бўйича бир хил бўлади, бироқ номи ва мақсади бўйича фарқланади.

2. Омбор гувоҳномаси икки қисмли хужжатни бир қисми сифатида товарга нисбатан ашёвий хукуқини тасдиқловчи қоғоз ҳисобланади.

3. Гаров гувоҳномаси (варрант) икки қисмли хужжатнинг иккинчи қисми сифатида товар бўйича гаров хукуқини тасдиқлади. Хужжатнинг икки қисмнинг мавжудлиги товарга нисбатан ашёвий хукуқни тасдиқлади.

4. Гаров гувоҳномаси (варрант)ни йўқлиги учинчи шахс томонидан гаровга қўйилганлик мавжудлигини билдиради. Товар эгаси томонидан гаров билан таъминланган қарзни тўланганлигини тасдиқловчи паттани тақдим қилиниши, гаров гувоҳномаси йўқлигини қоплашга хизмат қиласи. Мазкур ҳолатда товар эгаси товар омборидан икки қисмли омбор гувоҳномалари бўлганидек, товарни қайтариб олишини талаб қилиши мумкин.

5. Гаров гувоҳномасининг йўқлигига ва гаров билан таъминланган қарзни тўланганлиги тўғрисидаги патта тақдим қилинмаганда, товар эгаси

факат омбор гувоҳномасини сақлаб қолган ҳолда, омборда сақланаётган товарлар бўйича тасарруф этиш хукуқига эга бўлиб қолаверади, бироқ омонат сақловидан уларни қайтариб беришни талаб қила олмайди.

6. Ўз навбатида, гаров гувоҳномаси (варрант) эгасига айланган товар эгасининг кредитори, омборда сақланаётган товар бўйича ашёвий хукуқ эгаси бўлмайди, лекин берган кредит миқдорида, тўланадиган фоизларни иnobatga олган ҳолда, ушбу товарни қайта гаровга кўйиш хукуқига эга бўлади.

7. Кредитни тўлаш муддати келгунча варрант эгаси янги гаровга кўювчи сифатида ўзининг ҳоҳиши бўйича уни тасарруф этиши мумкин. Кейинги амалга ошириладиган гаровлар тўғрисида варрантда тегишли белгилар қўйилиши лозим.

## **911-модда. Омбор ва гаров гувоҳномасини бошқа шахсга бериш**

**Омбор гувоҳномаси ва гаров гувоҳномаси биргаликда ёки алоҳида-алоҳида топшириш ёзувлари бўйича топширилиши мумкин.**

1. Топшириш ёзуви бажарилиш йўли билан икки қисмли омбор гувоҳномасини кейинги берилиши товар бўйича мулк хукуқини берилишини билдиради.

2. Мазкур қоғоз бўйича кредитор сифатида унда номи кўрсатилган ва товар омбори реестрида номи қайд қилинган шахс ҳисобланади.

## **912-модда. Оддий омбор гувоҳномаси**

**Оддий омбор гувоҳномаси тақдим этувчига берилади.**

**Оддий омбор гувоҳномасида ушбу Кодекснинг 909-моддасида назарда тутилган маълумотлар бўлиши, шунингдек у тақдим этувчига берилганлиги кўрсатилган бўлиши шарт.**

1. Оддий омбор гувоҳномаси — тақдим этувчига бериладиган кимматли қоғоз, товарни тасарруф этувчи ҳужжат ҳисобланади. Икки қисмли гувоҳномадан фарқли равишда бир бутун қоғоз, товар эгасининг ашёвий хукуқини, товар эгаси кредиторининг гаров хукуқини ва товар омбори мажбуриятини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади.

2. Ўз табиатига кўра, тақдим этувчига бериладиган қимматли қоғоз сифатида оддий омбор гувоҳномасида ҳам Ўзбекистон Республикаси

Фуқаролик кодексининг 909–моддасига мувофиқ белгиланган зарур реквизитларнинг бўлиши талаб қилинади.

3. Оддий омбор гувоҳномасининг афзалиги, тақдим қилувчига бериладиган қимматли қофоз бўлгани сабабли, унинг муомаласи тегишли хужжатни «кўлдан кўлга» бериш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

### **913-модда. Товарни икки қисмли омборхона гувоҳномаси бўйича бериш**

**Товар омбори товарни омбор ва гаров гувоҳномаларини (икки қисмли омбор гувоҳномасини) сақловчига бериб, ундан ушбу иккала гувоҳномани олади.**

Омбор гувоҳномасини сақловчи гаров гувоҳномасига эга бўлмаса, бироқ унинг юзасидан қарз суммасини тўлаган бўлса, омбор товарни фақат омбор гувоҳномасига айирбошлиш йўли билан ва у билан биргаликда гаров гувоҳномаси бўйича бутун қарз суммаси тўланганлиги ҳақидаги патта тақдим этилганидагина беради.

Омбор ва гаров гувоҳномаларининг сақловчиси товарни қисмларга бўлиб беришни талаб қилишга ҳақли. Бунда дастлабки гувоҳномалар ўрнига унга омборда қолган товар учун янги гувоҳномалар берилади.

Гаров гувоҳномасига эга бўлмаган ва унинг юзасидан қарз суммасини тўламаган омбор гувоҳномасини сақловчига ушбу модданинг талабларига қарамай товарни берган товар омбори гаров гувоҳномасини сақловчи олдида бу гувоҳнома бўйича таъминланган бутун тўлов учун жавобгар бўлади.

1. Омонат сақловчи икки қисмли омбор гувоҳномасини икки қисмини тақдим қилган шахсга товарни беришга мажбур. Фақат омбор гувоҳномаси тақдим қилинганда, товар берилишини талаб қилаётган шахс бир вақтда, гаров билан таъминланган суммани тўланганлигини тасдиқловчи паттани тақдим қилиши лозим. Шу билан омбордаги товарлар гарови билан таъминланган мажбурият тугатилиши вужудга келади. Оддий омбор гувоҳномаси бўйича товарларни олиш учун омбор гувоҳномаси бўйича олингандек, кўрсатилган хужжатларни тақдим этиш кифоя.

2. Агар икки қисмли омбор гувоҳномасини олган юк топширувчида кредит олиш эҳтиёжи туғилса, у мазкур хужжатни бўлиб гаров

гувоҳномасини гаровга кўювчига (банк ёки бошқа кредит ташкилотига) бериши мумкин.

3. Мазкур ҳолда, омбор гувоҳномасини саклаб қолган юк топширувчи сақланаётган товарларни тасарруф қилиш ҳуқуқига эга бўлади, бироқ омонат сақловчидан уларни беришни талаб қила олмайди. Ўз навбатида, гаров гувоҳномасини олган шахс сақланаётган товарлар бўйича ашёвий ҳуқуқка эга бўлмайди, бироқ берган кредити микдорида тўланадиган фоизларни инобатга олган ҳолда ушбу товарни қайта гаровга кўйиш ҳуқуқига эга бўлади.

4. Кредитни тўлаш муддати келгунча варрант шартларига кўра, унинг эгаси ўзининг ҳохиши бўйича тасарруф этиши мумкин. Бунда кейинги амалга оширилган гаровлар тўғрисида варрантда тегишли белгилар кўйилиши лозим.

5. Кўрсатилган қоидаларни бузган ҳолда товарларни берган товар омбори гаров гувоҳномаси эгаси олдида, гаров билан таъминланган сумма микдорида жавоб беради.

6. Муомиланинг қулай бўлиши учун икки қисмли омбор гувоҳномасининг эгаси товарни алоҳида қисмларда олиши мумкинлиги белгиланган. Бунда ҳар сафар товарни олганида товар омбори унга ҳудди шундай янги икки қисмли ёки оддий омбор гувоҳномасини бериши лозим.

## **52-БОБ. СУҒУРТА**

### **914-модда. Ихтиёрий ва мажбурий сұғурта**

Сұғурта фуқаро ёки юридик шахс (сұғурта қилдирувчи) сұғурта ташкилоти (сұғурталовчи) билан тузадиган мулкий ёки шахсий сұғурта шартномалари асосида амалга оширилади.

Шахсий сұғурта шартномаси оммавий шартнома хисобланади.

Қонунда кўрсатилган шахсларга сұғурта қилувчилар сифатида бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиги ёки мол-мулкини ёхуд ўзининг бошқа шахслар олдиаги фуқаролик жавобгарлигини ўз хисобидан ёхуд манфаатдор шахслар хисобидан сұғурта қилиш (мажбурий сұғурта) мажбурияти қонун билан юкландын ҳолларда сұғурта ушбу бобнинг қоидаларига мувофиқ шартномалар тузиш йўли билан амалга оширилади.

Мажбурий сұғуртада сұғурта қилдирувчи сұғурталовчи билан сұғуртанинг ушбу турини тартибга соладиган қонун ҳужжатларида назарда тутилган шартларда шартнома тузиши шарт.

Қонунда фуқароларнинг ҳаёти, соғлиги ва мол-мулкини давлат бюджети маблағлари хисобидан мажбурий сұғурта қилиш ҳоллари (давлат мажбурий сұғуртаси) назарда тутилиши мумкин.

1. «Сұғурта»-деганда юридик ёки жисмоний шахслар тўлайдиган сұғурта мукофотларидан шакллантириладиган пул фондлари хисобидан муайян сұғурта ҳодисаси юз берганда ушбу шахсларга сұғурта шартномасига мувофиқ сұғурта товоенини (сұғурта пулинни) тўлаш йўли билан уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тушунилади.

Сұғуртанинг таърифига кўра, сұғурта муносабатлари юзага келиши учун қўйидаги тўртта зарурий элементлар мавжуд бўлиши лозим:

ҳимоя қилиниши лозим бўлган манфаат;

юз бериши мумкин бўлган ҳамда ҳимоя чоралари кўрилишига сабаб бўлувчи ҳодиса;

ҳимояни амалга оширишга хизмат қилувчи пул фондлари;

ҳимоя учун тўланадиган ҳақ (мукофот) мавжуд бўлиши;

Сұғурта шартномаси тузилган бўлиши талаб этилади.

Бу элементлардан ҳеч бўлмаса биттаси мавжуд бўлмаган ҳолларда вужудга келган муносабатлар сугурта муносабатлари ҳисобланмайди.

Сугурта манфаатларининг ҳар қандай турлари факат икки хил шартнома — мулкий (Фуқаролик кодексининг 915-моддаси) ёки шахсий сугурта шартномаси (Фуқаролик кодексининг 921-моддаси)ни ихтиёрий ёки мажбурий тарзда тузиш орқали амалга оширилиши мумкин. Бу аралаш шартномалар мавжуд бўлиши мумкин эмаслигини англатмайди. Яъни, фуқаронинг соғлиги, ҳаёти ҳамда мол-мулкини ҳам мажбурий сугурталаш, ҳам ихтиёрий сугурталаш орқали химоялаш мумкин. Бундай ҳолда ҳар иккала сугурта шартномаси бўйича белгиланган сугурта пулининг миқдори сугурталанган обьектнинг умумий қийматидан ортиб кетмаслиги лозим. Бироқ, сугурта шартномаларининг икки турини хукукий тартибга солиш сезиларли даражада фарқ қиласи ва шу боис аралаш шартноманинг қисмлари шу даражада ажратилган бўлиши лозимки, уларнинг ҳар бирини тегишли қоидалар билан таққослаш мумкин бўлсин.

Сугурта шартномасининг тарафларидан бири (сугурта қилдирувчи) муомала лаёқатига эга жисмоний ёки юридик шахс, иккинчи томон (сугурталовчи) эса — тижорат ташкилотлари ҳисобланган ва тегишли турдаги сугуртани амалга оширишга лицензияси бўлган юридик шахслар бўлиши мумкин.

2. Шахсий сугурта шартномасининг оммавийлиги шу билан белгиланади, биринчидан, муайян турдаги сугуртани амалга ошириш хукуқини берувчи лицензияга эга бўлган сугурталовчи ўзига мурожаат этган ҳар ким билан шартнома тузишга мажбур.

Икkinичidan, шахсий сугурта шартномаларини тузишда сугурталовчи сугурта қилдирувчиларнинг муайян тоифасига маълум сугурта қоидаларини (Фуқаролик кодексининг 930-моддаси) ва сугурта таърифларини (Фуқаролик кодексининг 942-моддаси иккинчи қисми) қўллаган бўлса, у ушбу қоидалар ва таърифларни шу тоифадаги сугурта қилдирувчиларнинг барчасига қўллаши шарт. Бироқ бу мазкур қоидалар ва таърифлар умуман барча сугурта қилдирувчиларга қўлланиши лозимлигини англатмайди. Фақат бир сугурта қилдирувчи бошқа сугурта қилдирувчидан афзал қўрилмаслиги мухимдир. Хусусан таърифлар сугурта обьектига ва сугурталаш қайси хавфдан химоя қилиш учун амалга оширилаётган бўлса, шу хавфга қараб ўзгартирилиши мумкин (Фуқаролик кодексининг 942-моддаси иккинчи қисми).

3. Қонунда кўрсатилган шахсларга сұғурта қилувчилар сифатида бошқа шахсларнинг хаёти, соғлиғи ёки мол-мулкни ёхуд ўзининг бошқа шахслар олдиғаги фуқаролик жавобгарлигини ўз ҳисобидан ёхуд манфаатдор шахслар ҳисобидан сұғурта қилиш (мажбурий сұғурта) мажбуриятининг вужудга келиши мажбурий сұғурта шартномаси тузишни тақозо этади. Бу турдаги шартномаларни тузиш мажбурияти қонун билан юкландын шахслар томонидан ушбу бобнинг қоидаларига мувофиқ шартномалар тузиш йўли билан амалга оширилиши назарда тутилсада, шартнома тарафларининг ҳуқук ва мажбуриятлари шу қонунларда ёки шу қонунлар асосида тасдиқланган сұғурта қоидалари асосида белгиланади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 21 апрелда қабул қилинган «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сұғурта қилиш тўғрисида»ги Қонунга кўра, транспорт воситасидан фойдаланишда транспорт воситалари эгаларининг жабрланувчилар ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган заарнинг ўрнини қоплаш бўйича фуқаролик жавобгарлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ юзага келиши билан боғлик бўлган мулкий манфаатлари мажбурий сұғурта обьекти бўлиб ҳисобланади. Ушбу Қонуннинг 7-моддасига кўра, мажбурий сұғурта шартномаси оммавий шартнома бўлиб, қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва шартларда тузилиши қатъий белгилаб қўйилган. Яъни, ушбу модда тала-бига кўра, мажбурий сұғурта шартномасини тузиш шартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сұғурта қилиш» қоидаларида кўрсатилган мажбурий сұғурта шартномасининг намунавий шартларига мос бўлиши керак. Сұғурта шартномаси тузишга доир бундай талаб бошқа мажбурий сұғурта шартномаларига ҳам тадбик этилади. Бу турдаги шартномалар фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликни сұғурталаш шартномалари турига мансуб бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сұғурта қилиш тўғрисида»ги Қонунига кўра ходимлар олдиғаги иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сұғурталashi шулар жумласидандир. Мажбурий сұғурта сұғурта қилдирувчининг ҳисобидан амалга оширилади.

4. Сұғурта мажбурий ёки ихтиёрий амалга оширилиши мумкин. Шарҳланаётган модда «ихтиёрий ва мажбурий сұғурта» — деб номлансада, ушбу моддада бу тушунчаларнинг моҳияти алоҳида-алоҳида

очиб берилмаган. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 922-моддасида назарда тутилган тартибда белгиланган сугурта мажбурий деб хисобланади.

Ҳар қандай манфаатни ҳар қандай шартларда сугурталаш, агар у Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 52-боби маъносида мажбурий сугуртага кирмаса, ихтиёрий деб хисобланади.

Мажбурий сугуртанинг ихтиёрий сугуртадан фарқли жиҳатлари юқорида қайд этилганидек, тарафларнинг ҳукуқ ва мажбуриятлари, сугурта пули ва бадали микдори тегишли хужжатлар асосида белгиланади.

5. Фуқароларнинг ижтимоий манфаатларини ва давлатнинг манфаатларини таъминлаш мақсадида қонунда ҳаёт, соғлик ва мол-мулкнинг мажбурий давлат сугуртаси белгилаб қўйилиши мумкин. Бу турдаги сугурта шартномаси тузишнинг алоҳида хусусиятларидан бири сугурта қилдирувчи сифатида бир томонда соғлиги, ҳаёти ва мол-мулки давлат мажбурий сугурта қилиниши лозим бўлган фуқаро фаолият юритаётган давлат ташкилоти бўлса, иккинчи томон давлат мажбурий сугурта шартномаси тузишга лицензияси бўлган сугурта ташкилоти иштирок этади. Шунингдек, сугурта шартномаси бўйича тўланадиган бадал давлат бюджети хисобидан тўланиб, шартнома шартлари алоҳида қонунларда белгиланган шартлар асосида белгиланади. Бундай турдаги сугурта шартномаларига Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунига кўра прокуратура ходимларининг, Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонунига кўра судьяларнинг шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Қонунига кўра давлат суд экспертларининг соғлиги, ҳаёти ва мол-мулкини давлат мажбурий сугурта қилинишини жорий этилганлигини мисол қилиб қўрсатиш мумкин.

## **915-модда. Мулкий сугурта шартномаси**

Мулкий сугурта шартномасига мувофиқ бир тараф (сугурталовчи) шартномада шартлашилган ҳақ (сугурта мукофоти) эвазига шартномада назарда тутилган воеа (сугурта ходисаси) содир бўлганда бошқа тарафга (сугурта қилдирувчига) ёки шартнома қайси шахснинг фойдасига тузилган бўлса, ўша шахсга (наф олувчига) бу

**ходиса оқибатида сұғурталанган мулкка етказилған заарни ёхуд сұғурталанувчининг бошқа мулкий манфаатлари билан боғлиқ заарни шартномада белгиланған сумма (сұғурта пули) доирасыда тұлаш (сұғурта товони тұлаш) мажбуриятини олади.**

**Мулкий сұғурта шартномаси бүйича қуидагилар сұғурталаниши мумкин:**

**муайян мол-мулкнинг йўқотилиши (нобуд бўлиши), кам чиқиши ёки шикастланиши хавфи;**

**фуқаролик жавобгарлиги хавфи — бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига заар етказилиши оқибатида юзага келадиган мажбуриятлар бүйича жавобгарлик, қонунда назарда тутилган холларда эса, шунингдек шартномалар бүйича жавобгарлик хавфи;**

**тадбиркорлик хавфи — тадбиркорнинг контрагентлари ўз мажбуриятларини бузиши ёки тадбиркорга боғлиқ бўлмаган вазиятларга кўра бу фаолият шарт-шароитларининг ўзгариши туфайли тадбиркорлик фаолиятидан кутилган даромадларни ололмаслик хавфи.**

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида сұғурта шартномаси тушунчасининг умумий таърифи мавжуд эмас, унинг 915-моддасыда мулкий сұғурта шартномаси ва 921-моддасыда шахсий сұғурта шартномаси тушунчаларининг мазмуни алоҳида-алоҳида баён этилган.

Шарҳланыётган моддада мулкий сұғурта шартномасининг предмети таърифланган. Сұғурта шартномасининг предметини сұғурта объектидан фарқлаш лозим. Сұғурта объекти сифатида сұғурта манфаати, сұғурта шартномасининг предмети сифатида эса — сұғурталовчининг муайян воқеа юз берганида белгиланған сұғурта товонини тұлаш мажбурияти ифодаланади. Яъни сұғурта шартномасининг предмети пул мажбурияти хисобланади. Бу мажбурият «сұғурта мажбурияты» деб аталади. Чunksи, шартномада айни шу мажбуриятнинг мавжудлиги сұғурта ҳимоясини таъминлайди.

Сұғурта шартномасыда тарафларнинг мажбурияти бүйича қарздор сифатида сұғурталовчи, кредитор сифатида эса — сұғурта қилдирувчи иштирок этади.

Сұғурта шартномаси юзасидан ҳар икки тарафда пул топшириш билан боғлиқ мажбуриятни юзага келишини назарда тутган холда бу пуллик мажбурият хисобланади. Яъни, сұғурта қилдирувчи томонидан сұғурта

мукофотини тўлаши ҳамда келгусида сугурта ҳодисаси юз берганида етказилган зарар миқдорида, лекин сугурта пули доирасида пул тўлаш мажбуриятини вужудга келиши бу мажбуриятлар пуллик мажбуриятлар турига киришини ифодалайди.

2. Сугурта шартномаси учинчи шахс (наф оловчи) фойдасига тузилиши ҳам мумкин. Шарҳланаётган моддада санаб ўтилган манфаатлар сугурталанганида, наф оловчини тайинлаш шартнома тарафларининг хоҳиши-иродасига амалда боғлиқ бўлмайди. Тадбиркорлик хавфини сугурта килиш шартномаси фақат сугурта қилдирувчининг фойдасига тузилиши мумкин (Фуқаролик кодексининг 920-моддаси). Жавобгарликни сугурта килиш шартномаси эса сугурта қилдирувчининг харакатлари натижасида зарар кўриши мумкин бўлган шахс фойдасига тузилиши мумкин (Фуқаролик кодексининг 918, 919-моддалари). Мол-мulkни сугурта қилиш шартномаси фақат мол-мulkнинг асралишидан манфаатга эга бўлган шахс фойдасига тузилиши мумкин (Фуқаролик кодексининг 917-моддасининг биринчи кисми).

Шахсий сугурта шартномаларида тарафлар наф оловчини танлашда нисбатан эркиндирлар, бироқ бу ерда ҳам уларнинг имкониятлари чекланган.

Шарҳланаётган моддада мулкий сугурта санаб ўтилган манфаатларни сугурталаш билан чекланмайди. Бошқа турдаги мулкий манфаатларни сугурта қилиш шартномаларида тарафлар наф оловчини тайинлашда фақат куйидагилар билан фарқланади:

- а) сугурта қилдирувчи наф оловчининг манфаати ҳимояланишидан манфаатдор бўлиши лозим;
- б) наф оловчига тўланиши лозим бўлган тўлов нафақат унинг манфаатини, балки сугурта қилдирувчининг манфаатини ҳам қаноатлантириши даркор.

3. Шахсий сугуртадан фарқли равишда, мулкий сугуртада сугурта ҳодисаси юз бериши натижасида сугурталанган шахсга етказилган зарарнинг қийматини тўғридан-тўғри аниқлаш имконияти мавжуд.

Сугурталовчи сугурталанган шахсга етказилган зарар миқдорини тўлиқ ҳажмда эмас, балки шартномада белгиланган сугурта пули доирасида коплайди ва бу сугурта шартномасининг муҳим шарти ҳисобланади (Фуқаролик кодексининг 942-моддаси). Сугурталовчи тўлайдиган сугурта товони миқдорини чеклаш, гарчи «жавобгарлик лимити» атади.

маси құлланилған бўлса-да, суғурталовчининг жавобгарлигини чеклаш хисобланмайди.

4. Шарҳланаётган моддада мулкий суғурта шартномасига мувофиқ қопланиши лозим бўлган зиён қўрилган зарап суммасида баҳоланади. Фуқаролик кодексининг 14-моддасида зарап факат бирон-бир фуқаролик хуқуқининг бузилиши оқибати сифатида тушунилади, бироқ шарҳланаётган моддада ва умуман Фуқаролик кодексининг 52-бобида зарап тушунчалигининг мазмуни кенгроқ — хуқуқнинг бузилиши оқибати сифатидагина эмас, балки хуқуқнинг бузилиши билан боғлиқ бўлмаган вазият маҳсулни сифатида ҳам тушунилади.

5. Суғурта заарининг таркиби қуйидагича белгиланиши лозим:  
суғурта ҳодисаси юз берганида мол-мулкнинг йўқотилиши ёки нобуд бўлиши;

суғурта ҳодисаси оқибатида суғурталанган шахсга етказилган заарни бартараф этиш учун амалга оширилган ёки амалга оширилиши лозим бўлган ҳаражатлар;

суғурта ҳодисаси юз бермаганида одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиниши мумкин бўлган, бироқ олинмай қолган даромадлар (бой берилган фойда).

Мол-мулкни унинг йўқотилиши ёки нобуд бўлишидан эҳтиёт шарт суғурталаш «мол-мулкни суғурта қилиш» деб аталади.

«Фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш»-деганда зарап етказувчининг гайриконуний, айбли ҳатти-ҳаракатлари натижасида етказилган заарни қоплаш, жабрланувчининг бузилган хуқуқларини тиклаш юзасидан давлат мажбуровлар чораларини қўллаш оқибатида вужудга келган мулкий жавобгарликни сугуртаси тушунилади. Фуқаролик жавобгарлиги мулкий хусусиятга эга бўлади. Зарап етказган шахс жабрланувчи кўрган барча мулкий ва бошқа зарап суммаларини учинчи шахсга қоплаб бериши лозим бўлади.

Бунда фуқаролик жавобгарлиги хавфи — бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига зарап етказилиши оқибатида юзага келадиган мажбуриятлар бўйича жавобгарлик, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса, шунингдек шартномалар бўйича жавобгарлик хавфи саналади. Фуқаролик хуқуқий жавобгарлик хавфи суғурталанган шахс суғурта шартномасида кўрсатилиши лозим. Агар ушбу шахс шартномада кўрсатилмаган

бўлса сугурта қилдирувчи ўзининг жавобгарлиги хавфи сугурталанган хисобланади.

Маълумки, тадбиркорлик энг аввало ўз мол-мулки ва обрў эътиборини хавф-хатар остига қўйган ҳолда таваккал қилишдан иборат. Шу сабабли тадбиркорлик соҳаси таваккал қилиш билан боғлиқ бўлганлиги сабабли тадбиркорлик соҳасида вужудга келиши эҳтимоли бўлган хатарни сугурталаш мумкин. Яъни, «тадбиркорлик хавфи» — деганда сугурта ходисаси юз берганда сугурта қилдирувчи тадбиркорнинг ўз фаолияти натижасида кўриши мумкин бўлган заарлар тушунилади. Тадбиркорлик хавфини сугурта қилиш шартномаси бўйича фақат сугурта қилдирувчининг ўз тадбиркорлик хавфи ва фақат унинг фойдасига сугурталаниши мумкин. Сугурта қилдирувчи бўлмаган шахснинг тадбиркорлик хавфини сугурта қилиш шартномаси ўз-ўзидан ҳақиқий эмас. Тадбиркорлик хавфини сугурта қилиш шартномаси исталган сугурта идоралари билан тузилиши мумкин.

### **916-модда. Суғурталашга йўл қўйилмайдиган манфаатлар**

**Гайриқонуний манфаатларни сугурталашга йўл қўйилмайди.**

**Қимор, лотереялар ва гаров ўйинларида иштирок этишда кўриладиган заарни сугурталашга йўл қўйилмайди.**

**Гаровга олингандарни озод қилиш мақсадида шахс мажбуран қилиши мумкин бўлган ҳаражатларни сугурталашга йўл қўйилмайди.**

**Суғурта шартномаларининг ушбу модда биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларига зид бўлган шартлари ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.**

1. Суғурта манфаати фақат мулкий суғуртада юридик аҳамият касб этади. «Суғурта манфаати»- деганда мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланиши хавфини ўз зиммасига олган шахснинг ушбу мол-мулк бут сақланишидан манфаатдорлигини тушуниш лозим. Суғурта манфаати мавжуд бўлиши учун биргина субъектив манфаатдорликнинг, мол-мулк бут сақланишини ёки зарар кўрмасликни исташнинг ўзи кифоя килмайди. Суғурталаш қайси шахс фойдасига амалга оширилаётган бўлса, шу шахс сугурталанган мол-мулкка нисбатан муайян хукукларга ёки у билан боғлиқ мажбуриятларга эга бўлиши лозим. Бундай шахс мол-мулк

мулкдоригина эмас, балки ижарачи, ашё топширилган гаров сақловчи ёки воситачи ёки бўлмаса, суғурта қилдирувчи сифатида қайта суғурта қилиш шартномасини тузувчи суғурталовчи (Фуқаролик кодексининг 959-моддаси) бўлиши мумкин. Конунга кўра, бошқа ҳуқуқий хужжатга ёки шартномага асосланган мол-мулкнинг асралишидан манфаатдорлик тўғрисида сўз юритилган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 917-моддаси биринчи қисмида суғурта манфаати шу мазмунда тушунилади. Худди шунингдек жавобгарликни суғурта қилишда юридик жавобгарлик — фақат мазкур шахс учун вужудга келиши мумкин бўлган зарарни қоплаш юридик мажбурияти, тадбиркорлик хавфини суғурта қилишда эса — бой бериш эҳтимоли бўлган фойдани қоплаш юридик мажбурияти хисобланади.

Шундай қилиб, мол-мулкнинг бут сақланишига бўлган манфаат у мулкий хусусиятга эга бўлган, конунга, бошқа ҳуқуқий хужжат ёки шартномага асосланган, суғурта шартномасида кўрсатилган шахсга тегишли бўлган ва қонуний хисобланган ҳолдагина «суғурта манфаати»- деб эътироф этилади.

2. Суғурта тамойилига кўра, қимор, лотереялар ва гаров ўйинларида иштирок этишда кўриладиган зарарни суғурталашга йўл қўйилмайди. Чунки, суғурта назарияси ва амалиётида, муайян шартлар ишлаб чи-қилган бўлиб, бу шартларга кўра, бирон бир тарздаги ҳодиса (вокеа) суғурта қилувчи зиммасига оладиган масъулият деб ҳисобланиши мумкин. Бундай шартлар бир неча суғурта шартномасида кўзда тутилган рўй беришлиги (реал) ва тасодифий тусдаги воеалар бўлиши керак акс ҳолда, суғуртанинг зарурияти бўлмай қолади. Суғурта объектига нисбатан воеанинг рўй бериш факти, унинг қачон рўй бериши ва таъсир кучи, суғурта қилувчига ҳам, суғурта қилдирувчига ҳам, олдиндан маълум бўлмаслиги ва суғурта шартномаси иштирокчилари томонидан уюштирилган бўлмаслиги керак. Яъни, суғурталанаётган хавфнинг рўй бериши аниқ бўлмаслиги керак. Қимор, лотереялар ва гаров ўйинларида иштирок этишда эса зарар кўриш хавфи аниқ бўлиб, суғурта хавфининг юқорилигини ифодалайди.

3. Ушбу модданинг 3-қисми талашибга кўра, гаровга олингандарни озод қилиш мақсадида шахс мажбуран қилиши мумкин бўлган ҳаражатларни суғурталашга йўл қўйилмайди. Шарҳданаётган моддада суғурталанаётган

манфаатнинг асосий муҳим хусусиятлардан бири — унинг қонунийлигидир. Манфаатнинг мавжудлиги, биринчидан, манфаатдор шахс муайян шароитга тушиб қолиши билан, иккинчидан, мазкур шароитда унга зарап етказилиши мумкинлиги, яъни у муайян фойда ва афзалликлардан маҳрум бўлиши мумкинлиги билан боғлиқ. Бинобарин, манфаат куйидаги икки ҳолатдан бирида ғайриқонуний деб ҳисобланиши мумкин:

агар манфаатдор шахс сугурталанаётган обьектни ғайриқонуний тарзда қўлга киритган бўлса (масалан, шахс қуролга ғайриқонуний эгалик қилаётган бўлса, бу қуролни ўғирланиш хавфини сугурталаш мумкин эмас);

агар манфаатдор шахс фойда ва афзалликларни ғайриқонуний йўл билан олган бўлса (масалан, ғайриқонуний фаолият натижасида бой берилган фойдани сугурталаш мумкин эмас). Гаровга олинган шахс эвазига пул талаб қилинганда уни озод қилиш учун қилинган ҳаражат ҳам ғайриқонуний ҳисобланади ва бундай манфаат сугурталанишига йўл қўйилмайди. Сугурта қонунчилигига бундай таъқиқлашнинг асосий мақсади сугурта товонини олиш мақсадида шахсни гаровга олиш жиноятини кўпайиб кетишни олдини олишдан иборат.

4. Сугурта шартномасининг ғайриқонуний манфаатларни сугурталаш шунингдек, қимор, лотереялар ва гаров ўйинларида иштирок этишда кўриладиган зарарни ва гаровга олинганларни озод қилиш мақсадида шахс мажбуран қилиши мумкин бўлган ҳаражатларни сугурталашга доир шартномлари ўз-ўзидан ҳақиқий ҳисобланмайди.

#### **917-модда. Мол-мулкни сугурта қилиш**

**Мол-мулк унинг асралишидан қонун ҳужжатларига ёки шартномага асосланган манфаатга эга бўлган шахс (сугурта қилдирувчи ёки наф олувчи) фойдасига, унинг мулкдори, мол-мулкка нисбатан бошқа ашёвий ҳуқуққа эга бўлган шахс, ижарави, пурратчи, сақловчи, воситачи ва бошқа шу кабилар фойдасига сугурта шартномаси бўйича сугурталаниши мумкин.**

**Сугурталанган мол-мулкнинг асралишидан сугурта қилдирувчида ва наф олувчида манфаат бўлмаган пайтда тузилган мол-мулкни сугурта қилиш шартномаси ҳақиқий эмас.**

**Наф олувчи фойдасига мол-мулкни суғурта қилиш шартномаси наф олувчининг исми ёки номи қўрсатилмасдан тузилиши мумкин. Бундай шартнома тузилганда суғурта қидириувчига эгасининг номи қўрсатилмаган полис берилади. Бундай шартнома бўйича ҳуқуқларни амалга оширишда бу полисни суғурталовчига тақдим этиш зарур.**

1. Мол-мулкни сугурта қилиш шартномасига мувофиқ сугурталаниши лозим бўлган мол-мулк деганда, фуқаролик ҳуқуқларининг шундай объектларини тушуниш лозимки, уларга нисбатан:

уларнинг асралишидан манфаат мавжуд бўлиши лозим, яъни обьектлар маълум ҳолатлар юз бериши натижасида (тўлиқ ёки қисман) йўқотилиши ёки шикастланиши мумкин;

бунинг натижасида кўрилган заарар тўғридан-тўғри пул баҳосига эга бўлади.

Бундай обьектларга, шак-шубҳасиз, ҳар қандай ашёлар, шу жумладан пул ва қимматли қоғозлар ҳамда ахборотлар киради. Номоддий неъматлардан бундай обьектларга пул баҳосига эга бўлган ва ҳатто ташкилот балансларида алоҳида сатрда акс эттириладиган ишchanлик обрўси ҳам киради. Ишchanлик обрўсини унга заарар етказилишидан сугурта қилиш иктиносидий ривожланган мамлакатларда анча кенг тарқалган.

Бундай обьектларга ишлар ва хизматлар кирмайди, чунки мазкур обьектлар, гарчи улар пул баҳосига эга бўлса-да, бироқ йўқотилиши ёки шикастланиши мумкин эмас, балки ишларни бажариш натижаларигина йўқотилиши ёки шикастланиши мумкин. Фуқаронинг шахси билан узвий боғлиқ бўлган номоддий неъматлар ҳам бундай обьектларга кирмайди. Ушбу неъматларга етказилган заарар тўғридан-тўғри пул баҳосига эга эмас ва улар юзага келтирувчи сугурта манфаати шахсий сугурта шартномасига мувофиқ сугурталанади.

2. Мол-мулкни унинг мулқдори фойдасига сугурта қилиш шартномаси бўйича мол-мулкнинг ҳар қандай йўқотилиши ёки шикастланиши сугурта ходисаси ҳисобланади. Чунки, мол-мулкнинг ҳар қандай йўқотилиши ёки шикастланиши унинг мулқдори заарар кўришига сабаб бўлади. Мол-мулкнинг мулқдори ҳисобланмаган, бироқ унинг асралишидан манфаатга эга бўлган шахс фойдасига тузилган мол-мулкни сугурта қилиш шартномаси бўйича сугурта ходисаси деб мол-мулкнинг ҳар қандай шикастланиши эмас, балки шартнома қайси шахс фойда-

сига тузилган бўлса, шу шахснинг суғурта шартномасида қайд этилган ходисалар натижасида шикастланиши суғурта ҳодисаси деб эътироф этилади. Бунда мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланиши учун жавобгарликнинг вужудга келиши мол-мулкнинг ҳар қандай зарар кўриш хавфи суғурталанган бўлса, шундай заرارга даҳлдор эмас.

Мол-мулк унинг асралишидан қонун хужжатларига ёки шартномага асосланган манфаатга эга бўлган шахс (суғурта қилдирувчи ёки наф олувчи) фойдасига унинг мулкдори мол-мулкига нисбатан бошқа ашёвий хукукка эга бўлган шахс ижарачи, пудратчи, сақловчи, воситачи ва бошқа шу кабилар фойдасига суғурта шартномаси бўйича суғурталаниши мумкин.

Суғурталанган мол-мулкнинг асралишидан суғурта қилдирувчидаги наф олувчида манфаат бўлмаган пайтда тузилган мол-мулкни суғурта қилиш шартномаси ҳақиқий эмас.

3. Мол-мулкни шартномада кўрсатилмаган учинчи шахс фойда-сига суғурта қилишда, гарчи бу шахснинг исми ёки номи шартномада кўрсатилмаса-да, лекин у учинчи шахс фойдасига тузилган шартномада қайд этилиши лозим.

Суғуртанинг полис берилиши мумкин бўлган, лекин мажбурий хисобланмаган бошқа турларидан фарқли ўлароқ, мол-мулк «тегишли шахс ҳисобига» суғурта қилинганида суғурта қилдирувчига полис берилиши шарт. Айни ҳолда полис суғурта қилдирувчи уни учинчи шахсга суғурталовчига тўлов тўғрисида талаб қўйиш имкониятига эга бўлиши учун зарур.

4. Шарҳланаётган модда учинчи қисмининг қўлланиши бир қанча саволларни ўртага ташлайдики, қонунда уларга тўғридан-тўғри жавоб хозирча мавжуд эмас. Жумладан, учинчи қисм 917-модда биринчи ва иккинчи қисмларидан истисно ҳолатларни белгилайдими, йўқми — бу ҳақда ҳеч қаерда тўғридан-тўғри айтиб қўйилмаган. Қонунни шарҳлашдан ва шарҳланаётган модданинг уччала қисмини солишиб-ришдан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 950-моддасида суғурталаш «тегишли шахс ҳисобига» амалга оширилганида ҳам суғурталовчига эгасининг номи кўрсатилмаган полисни тақдим этган наф олувчида ушбу мол-мулкнинг асралишидан қонунга, бошқа хукукий хужжат ёки шартномага асосланган манфаат бўлиши лозим (917-модданинг биринчи қисми), акс ҳолда суғурта шартномаси ҳақиқий

бўлмайди (шу модданинг иккинчи қисми), деган хулоса келиб чиқади. Бинобарин, эгасининг номи кўрсатилмаган полиснинг эгаси мурожаат қилган суғурталовчи унда суғурта манфаати, яъни суғурталанган мол-мулкка бўлган хуқуқнинг мавжудлигини исботловчи далиллар тақдим этишни талаб қилишга ҳақли. У эгасининг номи кўрсатилмаган полисни эгаллашнинг қонунийлигини тасдиқлашни талаб қила олмайди, бироқ суғурталовчи бундай полисни тақдим этувчи томонидан файриқонуний йўл билан эгаллаганини исбот қилиш хуқуқидан маҳрум эмас.

Эгасининг номи кўрсатилмаган полис ўз сақловчисига, бироқ ҳар қандай сақловчига эмас, балки суғурта ҳодисаси юз берган пайтда тегишли шартномага мувофиқ суғурталанган манфаат мавжуд бўлган сақловчига суғурта пули тўлашни талаб қилиш имкониятини беради. Эгасининг номи кўрсатилмаган полис айни шу белгига кўра ўзига асосланган хуқуқларни ҳар қандай қонуний эгасига амалга ошириш имкониятини берувчи эгасининг номи кўрсатилмаган қимматли қофоздан фарқ қиласди. Полисни сақловчининг суғурта пулини тўлаш тўғрисидаги талабининг қонунийлиги хужжатга эгаликнинг қонунийлигига эмас, балки манфаатнинг мавжудлигига асосланади.

Эгасининг номи кўрсатилмаган полиснинг пайдо бўлиши шу билан боғлиқки, мол-мулк суғурта қилинганида суғурталанган манфаатни ҳимоя қилиш мол-мулкка бўлган хуқуқ бир шахсдан бошқа шахсга ўтказилиши билан барҳам топмайди (Фуқаролик кодексининг 960-моддаси) ва эгасининг номи кўрсатилмаган полиснинг берилиши тегишли ҳимоя берилганини англатувчи моддий хужжат ҳисобланади.

Баъзан эгасининг номи кўрсатилмаган полисни манфаат муайян шахс билан узвий боғлиқ эмаслиги, унда қайси шахснинг манфаатини кўзлаб тузилганлигини кўрсатилмаганлиги, муомала лаёкатига эгалиги ва бир шахсдан бошқа шахсга ўтказилиши мумкинлигининг ифодаси сифатида талқин қилинади. Бироқ бу тўғри талқин эмас, чунки эгасининг номи кўрсатилмаган полис берилганида, манфаат эмас, балки манфаатни ҳимоя қилингандиги хақидаги гувоҳнома берилади.

Суғурта товонини олиш учун аввалги сақловчилари ихтиёрий равишда берган эгасининг номи кўрсатилмаган полисни тақдим этиши лозим бўлгани боис, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 945-моддасининг наф олувчи суғурта шартномаси бўйича биронта мажбуриятни бажар-

ганидан кейин уни бошқа шахс билан алмаштиришга йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги қоидаси айни ҳолда қўлланиши мумкин эмас. Албатта эгасининг номи кўрсатилмаган полисни беришда бирон-бир суиистеъмолчиликка йўл қўйилган бўлмаслиги лозим.

## **918-модда. Зарар етказганлик учун жавобгарликни сұғурта қилиш**

**Бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етказилиши оқибатида юзага келадиган мажбуриятлар юзасидан жавобгарлик хавфини сұғурта қилиш шартномаси бўйича сұғурта қилдирувчининг ўзининг ёки бундай жавобгарлик юкланиши мумкин бўлган бошқа шахснинг жавобгарлик хавфи сұғурталаниши мумкин.**

**Зарар етказганлик учун жавобгарлик хавфи сұғурталанган шахс сұғурта шартномасида кўрсатилиши лозим. Агар бу шахс шартномада кўрсатилмаган бўлса, сұғурта қилдирувчининг ўзининг жавобгарлик хавфи сұғурталанган ҳисобланади.**

**Зарар етказганлик учун жавобгарлик хавфини сұғурта қилиш шартномаси, ҳатто шартнома зарар етказилганлиги учун жавобгар бўлган сұғурта қилдирувчи ёки бошқа шахс фойдасига тузилган ёхуд шартномада у кимнинг фойдасига тузилгани кўрсатилмаган тақдирда ҳам, зарар етказилиши мумкин бўлган шахслар (наф олувчилар) фойдасига тузилган деб ҳисобланади.**

**Зарар етказганлик учун жавобгарлик уни сұғурта қилиш мажбурий бўлгани сабабли сұғурталанган тақдирда, шунингдек қонунда ёки бундай жавобгарликни сұғурта қилиш шартномасида назарда тутилган бошқа ҳолларда сұғурта шартномаси ўз фойдасига тузилган деб ҳисобланувчи шахс зарарни сұғурта пули доирасида тўлаш тўғрисида бевосита сұғурталовчига талаб қўйишга ҳақли.**

1. Бу турдаги сұғуртада сұғурталанувчи манфаатини жабрланувчинг манфаатидан фарқлаш лозим. Сұғурталанган манфаат шу билан белгиланадики, манфаатдор шахсда ҳаражатлар қилиш мажбурияти юзага келмаслиги лозим, сұғурталанган шахсга зарар эса ушбу мажбурият юзага келиши билан етказилади.

Жабрланувчига етказилган зарарни қоплаш мажбурияти ҳар доим Фуқаролик кодексининг 57-моддаси қоидаларига мувофиқ аниқланадиган

пул суммасида ифодалангани боис, заарар етказганлик учун жавобгарликни сугурта қилишда сүгурталанган шахсга етказилган заарар, мулкий сүгуртанинг бошқа турларидағи каби, ҳар доим пул баҳосига эга бўлади, аммо жабрла-нувчига етказилган заарар пул баҳосига эга бўлмаслиги ҳам мумкин.

2. Заарар етказганлик учун жавобгарликни сүгурта қилиш шартномаси бўйича сүгурта қилдирувчининг манфаати ҳам, ўзга шахснинг манфаати ҳам сүгурталаниши мумкин.

Ҳар доим фақат манфаатдор шахснинг фойдасига тузиладиган мол-мулкни сүгурта қилиш шартномасидан фарқли ўлароқ, жавобгарликни сүгурта қилиш шартномаси ҳеч қачон манфаатдор шахс фойдасига тузилмайди.

Шархланаётган модда заарар етказганлик учун жавобгарликни сүгурта қилиш шартномаларида сүгурталанган шахсга нисбатан икки қоидани белгилайди:

бу шахсда сүгурта манфаати мавжуд бўлиши керак, яъни учинчи шахс етказган заарар учун жавобгарликни унга юклаш имконияти мавжуд бўлиши лозим;

мол-мулкни сүгурта қилиш шартномасидан фарқли ўлароқ, бу ерда «тегишли шахснинг жавобгарлигини сүгурта қилиш»га рухсат этилмайди — сүгурта қилдирувчи хисобланмайдиган сүгурталанган шахс сүгурта шартномасида кўрсатилиши лозим.

Сүгурталанган шахснинг шартномада кўрсатилган исми ёки фамилияси уни тўла аниқлаш имкониятини берадиган даражада бўлиши шарт эмас. Аниқ бир шахс билан сүгурта ходисаси юз берганида шартномада чиндан ҳам у ҳақда сўз юритилаётганини узил-кесил аниқлаш имкониятини берувчи муайянлик даражасининг ўзи кифоя қиласи. Масалан, ёлланиб ишлаётган ҳайдовчи ўз иш берувчисининг жавобгарлигини муайян автопаркни кўрсатмасдан сүгурта қилдириши мумкин. Бу ҳолда сүгурта шартномаси амал қилган даврда иш жойи ўзгарганида сүгурта химояси сақланиб қолади.

3. Ҳаёт ёки соғлиққа заарар етказганлик учун жавобгарликни сүгурта қилишнинг мухим хусусияти шундаки, қасдан ўз-ўзига заарар етказиш, яъни фуқаронинг ҳаёти ёки соғлиғига қасдан заарар етказиш учун жавобгарликнинг юзага келиши сүгурта ходисаси деб топилади ва сүгурталовчини сүгурта товонини тўлашдан озод қилмайди (Фуқаролик кодексининг 953-моддаси иккинчи қисми).

4. Заар өтказганлик учун жавбгарлиги мажбурий суурта қилинган шахс агар ўз фаолияти жараёнида заар өтказиш билан боғлиқ харакат содир этганды заар өтказилган томонга өтказилган заарни қоплаб бериш бўйича суурта идораларига талаб қўйишга ҳақли бўлади. Масалан, аудитор ўз фаолияти давомида бирор-бир хўжалик юритувчи субъектга заар өтказганда, бу заарни унинг ўзи томонидан қопланиши белгиланган. Бундай ҳолларда аудитор шу хўжалик юритувчи субъектга өтказилган заарни қоплаб бериш бўйича суурта ташкилотига талаб қўйиш хукуқига эга. Келгусида суурта ташкилоти тўланган товон пулини заар өтказган шахс томонидан қопланишини регресс тартибда талаб қилиш хукуқига эга бўлади. Бу турдаги шартномалар ҳам фуқаролик хукукий жавобгарликни суурталаш шартномалари турига мансубдир.

Агар суурта қилдирувчи сифатида суурталаш мажбурияти зиммасига юкланган шахс уни амалга оширган бўлса ёки суурта шартномасини наф олувчининг ахволини қонунда белгиланган шартларга нисбатан ёмонлаштирадиган шартларда тузган бўлса, у суурта ҳодисаси юз берганида башарти тегишлича суурталанган тақдирда суурта товони тўлашга асос бўлиши керак бўлган шартларда жавобгар бўлади.

## **919-модда. Шартнома бўйича жавобгарликни суурта қилиш**

**Шартномани бузганлик учун жавобгарлик хавфини суурта қилишга қонунда назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилади.**

Шартномани бузганлик учун жавобгарлик хавфини суурта қилиш шартномаси бўйича фақат суурта қилдирувчининг ўзининг жавобгарлик хавфи суурталаниши мумкин. Ушбу талабга мувофик бўлмаган суурта шартномаси ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

Шартномани бузганлик учун жавобгарлик хавфи, бу шартнома шартларига кўра суурта қилдирувчи қайси тараф олдида тегишли жавобгарликни зиммасига олиши лозим бўлса, ўша тараф — наф олувчи фойдасига, ҳатто суурта шартномаси бошқа шахс фойдасига тузилган ёхуд унда кимнинг фойдасига тузилгани айтилмаган тақдирда ҳам, суурталанган хисобланади.

1. Шартномани бузганлик учун жавобгарликни (шартнома бўйича жавобгарликни) суурта қилишда шартномадан келиб чиқувчи маж-

буриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарлик хавфи билан боғлиқ манфаат сүгурта объекти хисобланади.

2. Шартнома бўйича жавобгарликни сүгурта қилишга шарҳданаётган моддада белгиланган чеклаш муносабати билан баъзан шартномавий жавобгарликни сүгурта қилишга бундай чеклаш мавжуд бўлмаган заарар етказганлик учун жавобгарлик сифатида сүгурталаш таклиф қилинади. Бу шартномани унинг тарафларидан бири ҳар қандай тарзда бузиши бошқа тараф ёки тарафларнинг бирон-бир хукукини бузиш — деб асосланади. Хукуқнинг ҳар қандай бузилиши ушбу хукуқ эгасига заарар етказади.

3. Сүгурта объектидаги юкорида зикр этилган фарқлардан ташқари, шартнома бўйича жавобгарликни сүгурта қилиш заарар етказганлик учун жавобгарликни сүгурта қилишдан шу билан фарқ қиласдики, сүгурта қилдирувчи фақат ўзининг шартнома бўйича жавобгарлик хавфини сүгурталашга ҳақли. Учинчи шахснинг шартнома бўйича жавобгарлигини сүгурта қилиш шартномалари эса ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

Шуни ҳисобга олмаганда шартнома бўйича жавобгарликни сүгурта қилиш қоидалари заарар етказганлик учун жавобгарликни сүгурта қилиш қоидаларидан асло фарқ қilmайди.

## **920-модда. Тадбиркорлик хавфини сүгурта қилиш**

**Тадбиркорлик хавфини сүгурта қилиш шартномаси бўйича фақат сүгурта қилдирувчининг ўз тадбиркорлик хавфи ва фақат унинг фойдасига сүгурталаниши мумкин.**

**Сүгурта қилдирувчи бўлмаган шахснинг тадбиркорлик хавфини сүгурта қилиш шартномаси ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.**

**Сүгурта қилдирувчи бўлмаган шахснинг фойдасига тадбиркорлик хавфини сүгурта қилиш шартномаси сүгурта қилдирувчи фойдасига тузилган хисобланади.**

1. Комплекс тадбиркорлик хавфи сифатида сүгурталанувчи манфаат сүгурта заарарларнинг барча элементларини: ҳақиқий заарарни, бой берилган фойдани, харажатларни ҳамда жавобгарликни ҳам ўз ичига олади. Бироқ бошқа турдаги манфаатлар орасида у манфаатдор шахс тадбиркорлик фаолиятини олиб бориши туфайли юзага келиши билан ажralиб туради.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган шахс тадбиркор сифатида қонунда белгиланган тартибда рўйхатга олиниши лозим. Яъни, мазкур шартномада якка тадбиркор сифатида рўйхатга олинган фуқаро, тижорат ташкилоти ёки ўз устав мақсадларига эришиш учун тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган тижоратчи бўлмаган ташкилот суғурта қилдирувчи бўлиши мумкин. Бироқ, амалда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган, лекин ўз уставида белгиланганидан бошқа мақсадларда фаолият олиб борадиган якка тадбиркор сифатида рўйхатга олинмаган фуқаролар ҳам, тижоратчи бўлмаган ташкилотлар ҳам учраб туради. Бундай субъектлар томонидан тузилган тадбиркорлик хавфини суғурта қилиш шартномалари ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

2. Тадбиркорлик хавфини суғурта қилиш тадбиркорнинг контрагенти ўз мажбуриятларини бузиши, ёки тадбиркор фаолиятининг шароитлари унга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ўзгаришидан ҳимоя қилиш учун амалга оширилади. Бу ерда даромад олишга қаратилган изчил фаолият назарда тутилгани боис, фаолият шароитларининг ўзгариши ҳам изчил хусусият қасб этиши лозим. Бу тадбиркорлик хавфини суғурта қилиш шартномаси бўйича, масалан, юк бир марта тасодифий йўқотилиши туфайли бой берилган фойда эмас, балки фаолият шароитлари ўзгариши натижасида юкни йўқотиш ҳоллари кўпайганлиги туфайли бой берилган фойда суғурталаниши мумкин.

3. Тадбиркорлик хавфини суғурта қилиш шартномасида наф оловчи ҳам, суғурталанган шахс ҳам тайнлананиши мумкин эмас. Аммо бу икки коидани бузиш оқибатлари ҳар хил. Шартномада наф оловчи тайнлананида шартноманинг ушбу шартигина ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди. Шартномада суғурталанган шахс тайнланган ҳолда эса бутун шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

4. Тадбиркорлик хавфини суғурта қилиш обьектига мол-мулкни суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталанувчи манфаат ҳамда фуқаролик хукукий жавобгарликни суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталанувчи манфаатлар ҳам киради. Шу сабабли тадбиркорлик фаолиятини олиб бораётган шахслар ўз мол-мулки ва жавобгарлигини қай шаклда суғурта қилишни танлашлари мумкин ва шунга қараб норматив тартибга солиш турлича бўлади. Бунга табиий оғатлардан суғурта қилиш мисол бўлиши мумкин. Агар у зарар етказганлик учун суғурта қилиш тарзида амалга оширилса, наф оловчи сифатида жабранувчи намоён

бўлади. У тадбиркорлик хавфини суғурта қилиш тарзида фақат суғурта килдирувчининг ўзининг фойдасига амалга оширилиши мумкин.

## **921-модда. Шахсий суғурта шартномаси**

**Шахсий суғурта шартномаси бўйича бир тараф (суғурталовчи) бошқа тараф (суғурта қилдирувчи) тўлайдиган, шартномада шартлашилган ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига суғурта қилдирувчининг ўзининг ёхуд шартномада кўрсатилган бошқа фуқаро (суғурталанган шахс)нинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилган, у муайян ёшга тўлган ёки унинг ҳаётида шартномада назарда тутилган бошқа воқеа (суғурта ҳодисаси) юз берган ҳолларда шартномада шартлашилган пулни (суғурта пулинни) бир йўла ёки вақти-вақти билан тўлаб туриш мажбуриятини олади.**

**Шахсий суғурта шартномаси кимнинг фойдасини кўзлаб тузилган бўлса, ўша шахс суғурта пулинни олиш хуқуқига эга бўлади.**

Агар шартномада наф оловчи сифатида бошқа шахс кўрсатилмаган бўлса, шахсий суғурта шартномаси суғурталанган шахс фойдасига тузилган хисобланади. Бошқа наф оловчи кўрсатилмаган шартнома бўйича суғурталанган шахс вафот этган тақдирда, суғурталанган шахснинг меросхўрлари наф оловчилар деб тан олинади.

**Суғурталанган деб хисобланмайдиган шахс фойдасига, шу жумладан суғурталанган шахс хисобланмайдиган суғурта қилдирувчи фойдасига шахсий суғурта шартномаси фақат суғурталанган шахснинг ёзма розилиги билангина тузилиши мумкин. Бундай розилик бўлмаган тақдирда, шартнома суғурталанган шахснинг даъвоси бўйича, бу шахс вафот этган тақдирда эса, унинг меросхўрлари даъвоси бўйича ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.**

1. Суғурта зарари билан эмас, балки шахсга, яъни қонун хужжатларида санаб ўтилган шахсий номоддий неъматлардан бирига зарар етказувчи ҳодисалар билан боғлиқ бўлган манфаатлар шахсий суғурта шартномаси бўйича суғурта қилинади. Шу туфайли ҳам шахсий суғурта шартномаси бўйича факат фуқароларнинг манфаатлари суғурта қилиниши мумкин.

Шахсий суғурта шартномасида шахсияти суғурта қилинаётган манфаат билан боғлиқ бўлган, суғурта қилдирувчи хисобланмайдиган шахс

кўрсатилиши мумкин, яъни ўз манфаатинигина эмас, балки ўзганинг манфаатини ҳам сугурта қилиш мумкин. Шарҳланаётган моддада Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 915-моддасининг биринчи қисмидагига ўхшаш кўрсатма мавжуд бўлмаса-да, айримлар фақат сугурта қилдирувчининг ўз манфаатигина сугурта қилиниши мумкин, деб хисоблайдилар.

Ўз-ўзидан равшанки, бу тўғри эмас. Бироқ, сугурта қилдирувчининг манфаати суғурталанмаслигига, манфаатни ҳимоя қилиш хукуки сугурталанувчига берилишига қарамай, сугурта қилдирувчида сугурталангандан шахснинг манфаатини ҳимоя қилишдан манфаатдорлик бўлиши лозим. Бунинг акси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 1-моддасининг иккинчи қисмида мустаҳкамланган «фуқаролик муомаласининг иштирокчилари ўз хукуқ ва манфаатларини кўзлаб амалга оширадилар», - деган асосий принципига зид келади. Шу туфайли ҳам иш берувчи ўз ходимларининг, отоналар — ўз фарзандларининг ҳаёти ва соғлигини сугурта қилишлари мумкин. Бироқ инсон ҳаёти ва соғлигини сугурта қилиш, агар соғликка ва ҳаётга етказилган зарарни сугурталаш шартномасидан сугурта қилдирувчининг манфаатлари бўлмаса, бундай шартномани тузиш мумкин эмас.

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида мустаҳкамланган императив нормага мувофиқ шартнома кимнинг фойдасини кўзлаб тузилган бўлса, ўша шахс сугурта пулини олиш хуқуқига эга бўлади. Агар шартномада наф олувчи сифатида бошқа шахс кўрсатилмаган бўлса, шахсий сугурта шартномаси сугурталангандан шахс фойдасига тузилган хисобланади. Бошқа наф олувчи кўрсатилмаган шартнома бўйича сугурталангандан шахс вафот этган тақдирда, сугурталангандан шахснинг меросхўрлари наф олувчилар деб тан олинади (Фуқаролик кодексининг 921-модда 2-қисм). «Суғурталангандан» — деб хисобланмайдиган шахс фойдасига, шу жумладан сугурталангандан шахс хисобланмайдиган сугурта қилдирувчи фойдасига шахсий сугурта шартномаси фақат сугуртагланган шахснинг ёзма розилиги билангина тузилиши мумкин. Бундай розилик бўлмаган тақдирда, шартнома сугурталангандан шахснинг даъвоси бўйича, бу шахс вафот этган тақдирда эса, унинг меросхўрлари даъвоси бўйича ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Сугурта пули бир йўла ёки вақти-вақти билан тўланиши, сугурталангандан шахснинг (наф олувчи) ҳеч қандай йўқотишларсиз узоқ вақт давомида таъминланади.

Бу шахсий сұғурта шартномаси бўйича наф олувчи сұғурталовчига сұғурта пулини тўлаш тўғрисидаги талаб билан тўғридан-тўғри мурожаат этиши ва у сұғурталовчи устидан тегишли даъво қўзғатишини истисно қилиш ёки чеклашга йўл қўйилмайди.

## **922-модда. Мажбурий сұғурта**

**Қонунда қўйидагиларни сұғурта қилиш мажбурияти белгилаб кўйилиши мумкин:**

**қонунда кўрсатилган бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулки уларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етказилиши эҳтимолини назарда тутиб;**

**бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етказилиши ёхуд бошқа шахслар билан тузилган шартномаларнинг бузилиши оқибатида юзага келиши мумкин бўлган ўзининг фуқаровий жавобгарлиги хавфи.**

**Сұғурта қилдирувчи бўлиш мажбурияти қонун билан унда кўрсатилган шахслар зиммасига юкланди.**

**Қонунда мажбурий сұғуртанинг бошқа турлари ҳам белгиланиши мумкин.**

**Фуқарога ўз ҳаёти ёки соғлиғини сұғурталаш мажбурияти қонун билан юклатилиши мумкин эмас.**

**Қонунда назарда тутилган холларда ёки унда белгиланган тартибда хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида давлатга қарашли мол-мулкка эга бўлган юридик шахсларга бу мулкни сұғурталаш мажбурияти юкланиши мумкин.**

**Мол-мулкни сұғурта қилиш мажбурияти қонундан келиб чиқмайдиган, балки мол-мулкнинг эгаси билан тузилган шартномага ёки мол-мулкнинг мулкдори ҳисобланувчи юридик шахснинг таъсис хўжатларига асосланган холларда, бундай сұғурта ушбу модданинг маъноси жиҳатидан мажбурий ҳисобланмайди ва ушбу Кодекснинг 924-моддасида назарда тутилган оқибатларни келтириб чиқармайди.**

**1. Мажбурий сұғурта икки турда яъни қонунда кўрсатилган шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулки уларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етказилиши эҳтимолини ҳамда бошқа шахсларнинг**

ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига заарар етказилиши ёхуд бошқа шахслар билан тузилган шартномаларнинг бузилиши оқибатида юзага келиши мумкин бўлган ўзининг фуқаровий жавобгарлиги хавфини суғурталаш орқали амалга оширилади.

Қонунда кўрсатилган шахларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулки уларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига заарар етказилиши эҳтимолини мажбурий суғурталашга Ўзбекистон Республикасининг «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта килиш тўғрисида»ги 2008 йил 21 апрелдаги Қонунига кўра фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига заарар етказилиши хавфини мажбурий суғурталашни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бу Қонунда фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки суғурта объекти бўлиб ҳисобланади.

Бошқа шахларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига заарар етказилиши ёхуд бошқа шахслар билан тузилган шартномаларнинг бузилиши оқибатида юзага келиши мумкин бўлган ўзининг фуқаровий жавобгарлиги хавфини суғурталашга Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунига кўра аудиторларнинг ўз фаолияти жараённида мижозларига шартнома асосида хизмат кўрсатиш жараённида етказиши мумкин бўлган заарарларни қоплаш бўйича фуқаролик хукукий жавобгарлигини мажбурий суғурталашни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Шунингдек, бундай мажбурий суғурта турларига баҳолаш идораларининг хизмат кўрсатишга доир фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш шартномаларини ҳам мисол қилиш мумкин.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги 2008 йил 21 апрелдаги Қонунига кўра транспорт эгаларининг ўз фуқаролик хукукий жавобгарлигини, Ўзбекистон Республикасининг «Иш берувчиларнинг ходимлар олдидаги фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тўғрисида»ги Қонунига кўра иш берувчиларнинг ўз фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш мажбурияти қонун билан юклатилади.

Мажбурий суғуртанинг бошқа турлари ҳам Қонун билан белгиланиши мумкин.

Фуқароларга ўз соғлиғи, ҳаёти ёки мол-мулкига нисбатан ўзи томонидан мажбурий суғуртани амалга ошириш мажбуриятини юклатиш мумкин эмас. Мустақиллик йилларига қадар Собиқ иттифоқ даврида

фуқароларнинг соғлиги, хаёти ёки мол-мулки ёппасига мажбурий сұғурта қилиниб, сұғурта шартномаси юзасидан тұланаңын сұғурта бадали солиқнинг бир тури сифатида ахолидан йиғиб олинар эди. Бу эса фуқароларнинг шахсий әркінлиги ва мулкнинг даҳлсизлиги каби хукукларига зид хисобланади. Бугунги кунда ушбу модда талабига кўра, фуқароларнинг соғлиги, хаёти ёки мол-мулкига нисбатан мажбурий сұғуртани жорий этиш маън этилади.

Айрим давлат ташкилотлари ва корхоналарининг мол-мулкини аспа-лишини таъминлаш мақсадида шу давлат ташкилотлари ва корхонала-рининг мол-мулкини мажбурий сұғурталаш жорий этилиши мумкин.

Шунингдек, мажбурий сұғурталаш айнан бирор бир қонунга асослан-маган тарзда хам тузилиши мумкин. Масалан, бирор бир юридик шасх-нинг таъсис хужжатларida мол-мулкини мажбурий сұғурталаш назарда тутилған бўлса, албатта бу турдаги мажбурий сұғурта шартномасини тузиши мумкин. Бу шартномаларни тузиш мажбурияти юридик шахснинг ўзи томонидан таъсис хужжатларida белгиланиб, унинг ўзи томонидан тузилади. Бу эса мажбурий сұғурта қоидаларини бузганлик учун келиб чиқадиган оқибатларни келтириб чиқармайди.

Бу ерда ва 52-бобнинг бошқа моддаларида «суғурта қилиш маж-бурияти»-деганда суғурта қилдирувчи сифатида суғурта шартномасини тузиш мажбурияти юкландын шахс тушунилади. Ушбу мажбурият суғурта шартномасининг тарафларидан бири сифатида амал қилиши лозим бўлган шахс яъни — суғурта қилдирувчига юкландади.

2. Мажбурий суғурта шартномаси тузиши лозим бўлган шахслар белгиланган норматив хуқуқий хужжатларда кўрсатилиши лозим.

3. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми қоидаси фуқароларга ўз хаёти ва соғлигини суғурта қилиш мажбуриятини белгиловчи қонунлар қабул қилишни таъқиқлайди. Бироқ бу ўз хаёти ва соғлигини суғурта қилиш мажбурияти шартноманинг шарти бўлиши мумкин эмаслигини англатмайди.

Бир томондан, шарҳланаётган модданинг биринчи қисми нормасидан «мажбурий суғурта фақат бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиги ва мол-мулкига нисбатан белгиланиши мумкин», - деган хулоса келиб чиқади. Бошқа томондан, ушбу модданинг иккинчи қисмида айни шу қоида тўғридан-тўғри таъқиқ сифатида ва фақат бошқа шахсларнинг ҳаёти ёки соғлиғига нисбатан такрорланган.

## **923-модда. Мажбурий суғуртани амалга ошириш**

**Мажбурий суғурта бундай суғурта қилиш мажбурияти юкланган шахс (суғурта қилдирувчи) суғурталовчи билан суғурта шартномаси тузиши воситасида амалга оширилади.**

**Мажбурий суғурта қилдирувчи хисобидан амалга оширилади, йўловчиларни мажбурий суғурталаш бундан мустасно бўлиб, бу суғурта қонунда назарда тутилган ҳолларда уларнинг ўз хисобидан амалга оширилиши мумкин.**

**Мажбурий суғурталаниши лозим бўлган обьектлар, улар суғуртанишга сабаб бўладиган хавфлар ва суғурта пулининг энг кам микдорлари қонун хужжатлари билан белгиланади.**

1. Мажбурий суғуртани амалга ошириш ёзма равишдаги шартнома тузиш орқали амалга оширилади. Суғурта қилиш мажбурияти юкланган шахс суғурталовчига оферта юбориши ёки унга ариза бериши, суғурталовчи эса офертани акцептлаши ёки ариза берган шахсга суғурта шартномаси тузилганлигини ифодоловчи суғурта полисини бериши лозим. Шартноманинг оферта, ариза ва полисда ифодаланган шартлари мажбурий суғуртани белгиловчи норматив хужжатда белгиланган шартлар билан мувофиқ келиши даркор.

Айни шу турдаги ихтиёрий суғурта қилишни амалга ошириш хукукини берувчи лицензияга эга бўлган, бироқ тегишли мажбурий суғурта қилишни амалга ошириш хукукини берувчи лицензияга эга бўлмаган суғурталовчи мажбурий суғурта шартномасини тузишга ҳақли эмас.

Суғурталовчи, ҳатто у тегишли лицензияга эга бўлса ҳам, мажбурий суғурта шартномасини тузишга мажбур эмас (Фуқаролик кодексининг 914-моддаси).

Суғурталовчи мажбурий суғурта шартномасини тузишни рад этганлиги асослари ёзма равишида суғурта қилдирувчига тақдим этилиши лозим.

Мажбурий суғурта шартномаси тузишда суғурта шартномасининг бадали суғурта қилдиручининг хисобидан тўланади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 922-моддасининг 6-қисмида фуқароларга ўз ҳаёти, соғлиги ёки мол-мулкини мажбурий суғурталаш жорий этилмаслиги қайд этилган бўлса-да, ушбу модданинг иккинчи кисми йўловчиларни мажбурий суғурталашда бу қоидаларни истисно этади. Яъни, Қонунда назарда тутилган ҳолларда йўловчилар ўз соғлиги, ҳаёти

ва мол-мулкини ташувчи корхона хизматидан фойдаланиш жараёнида етказилган заарлардан ўз хисобидан мажбурий сұғурталаш белгиланган. Бунда сұғурта шартномаси сифатида сұғурта полиси берилади ва сұғурта бадали йўл ҳақига қўшилган ҳолда хисобланиб йўловчидан ундирилади.

Мажбурий сұғурталаниши лозим бўлган обьектлар, сұғурта ходисалари, сұғурта шартномаларининг муддатлари, сұғурта пулининг энг кам миқдори Вазирлар Махкамасининг қарори билан белгиланади. Масалан, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сұғурталаш шартномаси бўйича сұғурта шартномасининг муддати, сұғурта шартномаси бўйича тўланадиган бадал миқдори, сұғурта пули миқдори Вазирлар Махкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сонли қарори билан билан тасдиқланган «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сұғурта қилиш» қоидаларида, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сұғурта қилиш шартномаси бўйича сұғурта пули, сұғурта бадали, шартнома муддати Вазирлар Махкамасининг 2008 йил 24 июндаги 141-сонли қарори билан тасдиқланган «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сұғурта қилиш» қоидаларида белгиланган. Тарафлар ана шу қоидада белгиланган тартибдан четга чиқиши мумкин эмас.

## **924-модда. Мажбурий сұғурта тўғрисидаги қоидаларни бузиш оқибатлари**

**Конун бўйича фойдасига мажбурий сұғурта амалга оширилиши лозим бўлган шахс, агар сұғурта амалга оширилмагани унга маълум бўлса, сұғурта қилдирувчи сифатида зиммасига сұғурталаш мажбурияти юкланган шахс уни амалга оширишини суд тартибida талаб қилишга ҳақли.**

**Агар сұғурта қилдирувчи сифатида сұғурталаш мажбурияти зиммасига юкланган шахс уни амалга оширмаган бўлса ёки сұғурта шартномасини наф олувчининг аҳволини қонунида белгиланган шартларга нисбатан ёмонлаштирадиган шартларда тузган бўлса, у сұғурта ходисаси юз берганида башарти тегишлича сұғурталанган тақдирда сұғурта товони тўлашга асос бўлиши керак бўлган шартларда жавобгар бўлади.**

1. Мажбурий сұғурта, агар сұғурта шартномаси тегишли норматив хужжатда белгиланған шартларда ёки наф олувчи учун янада кулайроқ бўлған шартларда тузилган ва амал қилаётган бўлса, тегишли тарзда тузилган деб топилади.

Агар сұғурта қилдирувчи сұғурта шартномасини талаб этилган шартларда тузган ва шартнома кучга кирган, бироқ сұғурта қилдирувчи ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаётган бўлса, бундай хулқ-атвор мажбурий сұғурта қилишни амалга оширмаслик ёки лозим даражада амалга оширмаслик сифатида баҳоланиши мумкин эмас ва шарҳланаётган моддада назарда тутилган оқибатларга сабаб бўлмайди.

Ушбу модданинг кўлланиши учун мажбурий сұғурта қилиниши лозим бўлған конкрет шахс лозим даражада ҳимояланиши талаб этиладиган муддатни аниқлаш имконияти мавжуд бўлиши ҳам муҳимдир. Бундай имкониятнинг йўқлиги мазкур манфаатни сұғурта қилиш мажбурияти ушбу даврда бажарилган ёки бажарилмаганини аниқлаш имкониятини бермайди.

Манфаат ҳимоя қилиниши лозим бўлған муддат мажбурий сұғуртани белгиловчи норматив хужжатда мавжуд бўлиши ёки ушбу муддат жорий шароитдан келиб чиқиши лозим. Акс ҳолда шарҳланаётган модда самарали кўлланиши мумкин эмас.

2. Шарҳланаётган модда биринчи қисмининг нормаси факат уни кўлланиш тўғрисидаги талаб қўйилган пайтда сұғурта ҳимояси амал қилаётган, бироқ мажбурий сұғурта шартномаси ҳали тузилмаган ҳолда кўлланиши лозим. Масалан, шартнома тузилган, бироқ сұғурта ҳимояси амал қилмаётган бўлса, ушбу модданинг биринчи қисми кўлланиши мумкин эмас.

3. Шарҳланаётган модда иккинчи қисмининг нормаси сұғурта ҳимояси амал қилиши лозим бўлған, бироқ амал қилмаётган ёки лозим даражада амал қилмаётган пайтда сұғурта ҳодисаси юз берганида кўлланиши лозим. Талаб қўйган шахсга сұғурта ҳодисаси юз берганлигини исбот килиш мажбурияти юкландади. Бу анча мушкул вазифа, чунки сұғурта ҳодисасининг хусусияти мажбурий сұғуртани белгиловчи норматив хужжатда тўлиқ тавсифланмаган бўлиши мумкин.

Фойдасига шартнома тузилиши лозим бўлған шахс сұғурта ҳодисаси юз берганлигини исбот қилгач, сұғурталаш мажбурияти зиммасига юкландади шахсга сұғурта товони тўлаш тўғрисидаги талабни, бундай талабни

у сугурталовчига қўйиши мумкин бўлган ҳолдаги шартларда, яъни айни шу суммада, тегишли фоизлар билан ва тегишли даъво қўзғатиш муддати доирасида қўйиши мумкин.

Зарар етказганлик учун жавобгарликни мажбурий сугурта қилишда ўз ихтиёрига кўра сугурта товони тўлаш тўғрисида талаб қўйиши ёки зарарни қоплашни бевосита талаб қилиши мумкин (Фуқаролик кодексининг 918-моддаси).

## **925-модда. Сугурталовчи**

**Тижорат ташкилотлари хисобланган ва тегишли турдаги сугуртани амалга оширишга лицензияси бўлган юридик шахслар, агар қонунларда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, сугурталовчилар сифатида сугурта шартномаларини тузиши мумкин.**

**Сугурта ташкилотларига қўйилладиган талаблар, уларга лицензия бериш ва уларнинг фаолияти устидан давлат назоратини амалга ошириш тартиби қонун билан белгиланади.**

1. Сугурталовчи — бу сугурта шартномасининг тарафидир. Сугурта ташкилотлари ўз фаолиятини маҳсус лицензияга эга бўлган ҳолда амалга ошириши лозим.

2. Сугурталовчи — тушунчаси Ўзбекистон Республикасининг «Сугурта фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддасида ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 925-моддасида берилган бўлиб, сугурта бозорининг профессионал иштирокчилари қаторида барча сугурта шартномасидаги иккинчи асосий тараф сифатида иштирок этишини эътироф этиш мумкин.

Сугурта ишлари билан шугуланувчи ташкилотлар — сугурталовчилар фаолиятини назорат қилиш шаклларидан бўлиб, уларни қонун хужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш, қайта рўйхатга олиш ва тугатишга оид қоидалар белгилаб қўйилган.

Сугурта ташкилотлари ҳам ҳар қандай бошқа турдаги тадбиркорлик ва хўжалик юритиш субъектлари сингари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 44-моддаси ҳамда «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг 13-моддасида белгиланган тартибда тегишли ваколатли давлат органлари томонидан

давлат рўйхатига олинадилар, ҳамда корхоналарнинг ягона реестрига киритилади. Шундан сўнг улар юридик шахс мақомига эга бўладилар.

Тегишли турдаги суғуртани амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган ва суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товони тўловини амалга ошириш мажбуриятини олувчи тижорат ташкилоти бўлган юридик шахс суғурталовчи — деб эътироф этилади. Суғурталовчилар ўз низомларида белгиланган тартиб асосида фаолият юритадилар. Суғурталовчилар қуйидаги хуқуқларга эга: қонун хужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда суғурта, қайта суғурта қилиш шартномалари тузиш, ўз мажбуриятларини белгиланган тартибда қайта суғурта қилиш, шу жумладан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида қайта суғурта қилиш; маҳсус ваколатли давлат органи белгилайдиган тартибда ва шартларда инвестиция фаолиятини амалга ошириш, қимматли коғозлар бозорида инвестиция воситачиси сифатида профессионал фаолиятни амалга ошириш.

Суғурталовчи шу билан бирга маълум мажбуриятларга ҳам эга: суғурталовчи суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун хужжатлари талабларига риоя этиши; суғурта фаолиятини амалга ошириш чоғида олинган ахборотнинг маҳфилигини қонун хужжатлари талабларига мувофиқ таъминлаши; ўзи ваколат берган суғурта агентларининг реестрини юритиши; қонун хужжатларида белгиланган ахборотни маҳсус ваколатли давлат органининг талабига биноан тақдим этиши; суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда, қонун хужжатларида ёки суғурта, қайта суғурта қилиш шартномасида назарда тутилган муддатларда барча зарур ҳисоб-китобларни амалга ошириши ва суғурта товони тўлаши; фирманинг номи, ташкилий-хуқукий шакли ёки жойлашган ери ўзгарган тақдирда, бу хақдаги ахборотни суғурта қилдирувчиларга етказиши; суғурта заҳираларини маҳсус ваколатли давлат органи белгилайдиган тартибда ва шартларда шакллантириши ҳамда жойлаштириши; қонун хужжатларида белгиланган тартибда ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши; маҳсус ваколатли давлат органи белгилаган тартибда бир йилда камида бир марта актуар ташкилотни актуар хизматлар кўрсатиш учун жалб этиши; маҳсус ваколатли давлат органи белгилаган шаклда, тартибда ва муддатларда йиллик молиявий ҳисботни эълон қилиши; қонун хужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритиши, молиявий, статистика, солиқ

хисоботларини ва бошқа ҳисоботларни тузиши шарт. Суғурталовчининг зиммасида қонун хужжатларига ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Суғурталовчилар суғуртани амалга оширишга бевосита боғлиқ бўлмаган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари мумкин эмас.

**926-модда. Суғурта шартномасидан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг суғурта қилдирувчи ва наф оловчи томонидан бажарилиши**

**Наф оловчи фойдасига суғурта шартномаси тузиш, шу жумладан у суғурталанган шахс бўлганда ҳам, суғурта қилдирувчини, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган ёхуд суғурта қилдирувчининг зиммасидаги мажбуриятлар фойдасига шартнома тузилган шахс томонидан бажарилмаган бўлса, ушбу шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.**

**Наф оловчи мулкий суғурта шартномаси бўйича суғурта товонини ёхуд шахсий суғурта шартномаси бўйича суғурта пулинни тўлашни талаб қилганида суғурталовчи ундан, шу жумладан суғурталанган шахс наф оловчи бўлган тақдирда ҳам, суғурта шартномаси бўйича мажбуриятларни, шу билан бирга суғурта қилдирувчининг зиммасида бўлган, лекин у бажармаган мажбуриятларни бажаришни талаб қилишга ҳақли. Илгари бажарилиши лозим бўлган мажбуриятларни бажармаслик ёки ўз вақтида бажармаслик оқибатлари хавфи наф оловчининг зиммасида бўлади.**

1. Суғурта қилдирувчининг суғурта шартномаси бўйича мажбуриятларига у шартнома бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларгина эмас, балки қонунда белгиланган, бироқ суғурта шартномаси кучга кирганда юзага келадиган мажбуриятлар ҳам киради. Булар еттита мажбуриятни ташкил этиб улар қуидагилардан иборат:

а) бош полис бўйича суғурталашда мол-мulkning суғурталанаётган ҳар бир туркуми хусусида полисда шартлашилган маълумотларни суғурталовчига хабар қилиш;

б) шартнома тузатганда хавфни баҳолаш учун муҳим бўлган барча ҳолатларни суғурталовчига маълум қилиш;

- в) сұғурта мұкофоти тұлаш;
- г) шартноманинг амал қилиш даврида у тузилаётганда билдирилген ҳолатлардаги үзига маълум бўлган жиддий үзгаришлар тўғрисида сұгурталовчига хабар бериш;
- д) сұғурта ҳодисаси юз берганлигини сұгурталовчига билдириш;
- е) сұғурта ҳодисасидан кўрилиши мумкин бўлган зарарни камайтириш учун имконият доирасида оқилона чоралар кўриш, бунда сұгурталовчининг кўрсатмаларига, агар улар берилган бўлса, қатъий риоя қилиш;
- ж) барча хужжатлар ва далилларни сұгурталовчига топшириш, субробация бўйича ўтган талаб қилиш ҳукуқини амалга ошириш учун зарур бўлган барча маълумотларни унга тақдим этиш.

Шуни қайд этиш лозимки, сұғурта қилдирувчи ҳар қандай ҳолда ҳам юқорида зикр этилган ҳаракатларнинг барчасини мазкур шартнома кимнинг фойдасига тузилаётганидан қатъи назар бажаради. Бундан ташқари, сұғурта қилдирувчи, агар тарафлар шартномада бошқача тартибни назарда тутган бўлсалар, санаб ўтилган мажбуриятлардан озод килинадилар. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, ушбу норма диспозитив ҳисобланади.

Ушбу мажбуриятлардан айримлари қонунга мувофиқ фақат сұғурта килдирувчига (а, б, е), айримлари эса (в, г, д, ж) ҳам сұғурта қилдирувчи, ҳам наф оловчига юкланди.

Юқорида зикр этилган мажбуриятларни бажармасликнинг ҳукуқий оқибатлари Фуқаролик кодексининг мажбуриятлар ҳақидаги тушунчаларни ўзида ифода этган моддаларида назарда тутилган. Айни пайтда (а) ва (в) мажбуриятларни бажармасликнинг ҳукуқий оқибатлари умуман белгиланмаган.

2. Фуқаролик кодекси 235-моддаси тўртинчи қисмининг умумий қоидасига мувофиқ мажбурият унда тарафлар сифатида қатнашмаган шахслар учун бурчлар ҳосил қилмайди. Наф оловчи сұғурта шартномасидан келиб чикувчи мажбуриятларнинг бирортасида ҳам тараф ҳисобланмайди. Бу мажбуриятлар наф оловчига учун эмас, балки фақат сұгурталовчи ва сұғурта қилдирувчи учун бурчлар ҳосил қиласди. Шунга қарамай, шартнома бўйича тараф сифатидаги сұғурта қилдирувчининг мажбуриятларни бажармаслиги ёки ўз вақтида бажармаслиги хавфи наф оловчига юкланди.

Бироқ Фуқаролик кодексининг 926-моддаси биринчи қисми сұғурта қилдирувчига сұгурталовчи билан келишувгага кўра ўз мажбуриятларини

бажаришни наф олувчига юклаш имкониятини беради. Шуни қайд этиш лозимки, суғурта қилдирувчининг мажбуриятларини наф олувчига юклаш нафакат Фуқаролик кодекси 926-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, яъни шартномадан келиб чиқувчи мажбурият мавжудлиги туфайли, балки қонун талабларига мувофиқ ҳам амалга оширилиши мумкин. Бундай мажбурият юклаш Фуқаролик кодекси 235-моддасининг бешинчи қисмida назарда тутилган одатдаги юклашдан фарқ қиласи. Мажбуриятни бажариш ушбу норманинг қоидасига мувофиқ учинчи шахсга юкланданида, жавобгарлик қарздорнинг зиммасида бўлади ёки бевосита бажарувчига юкланди. Мажбурият Фуқаролик кодексининг 926-моддасига мувофиқ юкланданида, суғурта қилдирувчи мажбуриятни бажаришдан, бинобарин, уни бажармаганлик учун жавобгарликдан хам озод қилинади. Чунки мажбуриятсиз жавобгарлик бўлиши мумкин эмас. Суғурталовчи наф олувчи олдида ўз мажбуриятини бажаришининг шарти сифатида суғурта қилдирувчи ёки бошқа шахс (шу жумладан наф олувчининг ўзи) суғурта қилдирувчининг суғурта шартномаси бўйича мажбуриятларини бажариши амал қиласи. Ушбу мажбуриятлар бажарилмаганида яъни, суғурта қилдирувчининг суғурта шартномаси мажбуриятларини бажармаслиги нинг салбий оқибатлари хавфи наф олувчининг зиммасида бўлади.

Шуни қайд этиш лозимки, қонун чиқарувчи тарафлар ўзгартириши мумкин бўлмаган императив нормани белгилаган. Бундан ташқари, мазкур мажбуриятларни наф олувчи суғурта товони тўлашни сўраб суғурталовчига мурожаат қилганидан кейингина бажариши лозим.

3. Фуқаролик кодексининг 926-моддасида назарда тутилган мажбуриятни бажаришни наф олувчига юклаш маҳсус ҳуқуқининг мавжудлиги суғурта қилдирувчини Фуқаролик кодекси 235-моддасининг бешинчи қисмига мувофиқ мажбуриятни бажаришни суғурталовчининг розилигисиз учинчи шахсга (шу жумладан наф олувчига) юклаш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди. Бунда мажбуриятни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик учун жавобгарлик хавфи суғурта қилдирувчининг зиммасида қолади.

4. Шуни эътиборга олиш лозимки, суғурта қилдирувчининг мажбуриятлари факат суғурта шартномаси кучга кирган пайтда вужудга келади. Шу туфайли ҳам, агар бу мукофот ёки унинг биринчи бадали тўланган пайтдан бошлаб юз берса, мукофот ёки унинг биринчи бадалини тўлаш

суғурта қилдирувчининг мажбурияти ҳисобланмайди. Бинобарин, шартноманинг ушбу шартига Фуқаролик кодексининг 926-моддаси қоидалари қўлланиши мумкин эмас.

5. Мазкур нормада суғурта қилдирувчининг мажбуриятлари бажарилмаганида ёки лозим даражада бажарилмаганида юз бериши мумкин бўлган оқибатлар (турлари) санаб ўтилмаган. Амалда бундай оқибатда битта — наф олувчи ушбу мажбуриятлар ўз вақтида бажарилганида ўзи олиши мумкин бўлган пул суммасини белгиланган муддатда ола олмайди.

## **927-модда. Суғурта шартномасининг шакли**

**Суғурта шартномаси ёзма шаклда тузилиши лозим.**

**Бу талабга риоя этмаслик шартноманинг ҳақиқий саналмаслигига сабаб бўлади.**

**Суғурта шартномаси битта ҳужжатни тузиш ёхуд суғурталовчи томонидан суғурта қилдирувчига унинг ёзма ёки оғзаки аризасига биноан суғурталовчи имзолаган, суғурта шартномасининг шартларини ўз ичига олган суғурта полиси (шаҳодатномаси, сертификати, квитанцияси)ни топшириш йўли билан тузилиши мумкин. Бу холда суғурта қилдирувчининг суғурталовчи таклиф этган шартларда шартнома тузишга рози эканлиги суғурталовчидан кўрсатилган ҳужжатларни қабул қилиб олиш ва суғурта мукофоти тўлаш ёхуд — суғурта мукофоти бўлиб-бўлиб тўланганда — биринчи бадални тўлаш орқали тасдиқланади.**

**Суғурталовчи шартнома тузиш чоғида суғуртанинг алоҳида турлари бўйича суғурта шартномаси (суғурта полиси)нинг ўзи ишлаб чиққан стандарт шаклларини қўлланишга ҳақли.**

1. Ёзма шакл суғурта шартномаларининг барчаси учун мажбурийдир. Суғурта шартномасининг ёзма шаклига риоя этмаслик у тузилган пайтдан бошлиб унинг ҳақиқий саналмаслигига сабаб бўлади ва бундай шартнома хуқуqlар ва мажбуриятларни вужудга келтирмайди: ҳар бир тараф бундай битим бўйича олинган ҳамма нарсани бошқа томонга қайтариши шарт. Бироқ давлат мажбурий суғуртаси учун у улкан ижтимоий аҳамиятга эга эканлиги туфайли истисно ҳолат белгиланган. Бундай шартномани тасдиқлаш учун тарафлар ёзма ва бошқа хил далиллар келтиришлари мум-

кин, бироқ гувоҳлик кўрсатувларидан фойдаланиш таъкиқланади. Давлат мажбурий сугуртаси бевосита қонунга ва бошқа хукукий хужжатларга мувофиқ амалга оширилгани боис (Фуқаролик кодексининг 961-моддаси), тегишли тоифадаги фуқаролар ўз-ўзидан сугурталангандан ҳисобланадилар ва шартноманинг ҳақиқийлигини исботлаш қийинчилик туғдирмайди.

2. Шархланәётган моддада сугурта шартномасини тузишнинг ёзма шаклига риоя қилинганида қўлланиладиган икки усули белгиланган: биринчи — тарафлар имзолайдиган битта хужжатни тузиш, иккинчи — уларнинг шартнома тузишга қаратилган хоҳиш-иродасини ифодаловчи хужжатларни алмашиш.

Битта хужжатни тузиш йўли билан бош полис бўйича сугурта шартномалари (Фуқаролик кодексининг 928-моддасига берилган шархга қаранг), аралаш сугурта шартномалари тузилади. Аралаш сугурта шартномалари тарафлар ишлаб чиқадиган кўп сонли хавфлар ва сугурта объектлари бўйича кенг қўламли сугурта таъминотини сугурта қилдирувчига бериш тўғрисидаги сугурта дастурига асосан тузилади. Битта шартнома бўйича сугурта қилдирувчининг фаолияти билан боғлиқ бўлган кўп сонли хавфлар сугурталаниши мумкин. Ушбу шартномада сугурталовчининг сугурта хавфи менежмент бўйича хизматлари назарда тутилиши ҳам мумкин. Ушбу хизматлар сугурталовчи амалга оширадиган, экспертиларнинг маслаҳатлари, хавфсизлик воситалари, замонавий хавфсизлик технологиялари ва шу кабиларни жорий этишни режалаштириш ва амалга оширишдан иборат тадбирлар мажмуини ўзида ифодалайди.

Шархланәётган модда сугурта шартномаларини хужжатлар алмашиш йўли билан тузиш имкониятини назарда тутади. Сугурта полиси сугурта қилдирувчига унинг ёзма ёки оғзаки аризасига биноан берилиши мумкин. Сугурта таъминоти шартлари сугурталангандан шахс ҳақида батафсил ахборотни талаб қилмаган, сугурта ҳодисасининг юз бериш эҳтимолини аниқлаш учун мухим бўлган ҳолатлар сугурта қилдирувчига маълум бўлган ҳолда оғзаки ариза беришнинг ўзи кифоя қиласи. Бундай усул билан баҳтсиз ҳодисалардан эҳтиёт шарт сугурта қилишга доир (масалан, самолётда учиш пайтида) қисқа муддатли шартномалар, чорбоғлардаги иморатларни сугурта қилиш шартномалари тузилиши мумкин. Фуқаролик кодекси 927-моддаси қоидаларининг таърифлари сугурталовчини сугурта қилдирувчидан ёзма ариза талаб қилиш хукуқидан маҳрум этмайди.

Шуни қайд этиш лозимки, бундай ариза сұғурта қилдирувчи билдирган маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва тұлықлиги тұғрисида низо чиққанида мұхим процессыал аҳамият касб этади.

Шартнома сұғурта қилдирувчининг конклюдент ҳаракатлари билан, масалан, сұғурта полисини автоматик мосламадан олиш йўли билан тузилгани ушбу модданинг қоидаларига зид келмайди.

3. Шартноманинг (сұғурта полисларининг) намунавий ва стандарт шакларини қўлланиш мақсадга мувофиқдир. Бу хужжатлар билан ишлашни, тижорат ҳисоб-китобларини соддалаштиради, молия, божхона идоралари ва бошқа органлар билан ўзаро муносабатларни енгиллаштиради. Сұғурталовчилар бирлашмаси томонидан ишлаб чиқилган стандарт шакллар миллий сұғурта амалиётимизда ҳали мавжуд эмас, бироқ ҳар бир сұғурта компанияси ўзларининг намунавий шартнома шаклларига эга.

4. Фукаролик кодексининг 927-моддасида кўрсатилган шартноманинг мавжудлигини тасдиқловчи хужжатлар ўртасида принципиал фарқ йўқ. Улар асосан шартларни баён этиш шаклига кўра фарқ қиласи. Сұғурта полислари ва шаҳодатномалари, қоида тариқасида, шартноманинг барча шартларини, шу жумладан сұғурта қилишнинг стандарт қоидаларини, мазкур шартнома учун маҳсус шартларни, стандарт қоидаларга кўшимчалар ва истисно ҳолатларни ўз ичига олади. Улардан сұғурта қилдирувчи билан келишилган ҳолда алоҳида шартларни шартномада белгилаш мумкин. Сұғурта сертификатлари ва квитанциялари соддароқ бўлиб, уларда фақат шартноманинг мұхим шартларигина баён этилади. Сұғурта шартномасининг бошқа шартлари сұғурта қилишнинг стандарт қоидаларида ифода этилади.

Мазкур нормада ифодаланган рўйхат узил-кесил эмас. Сұғурта амалиётида бошқа хил хужжатлар ҳам тадбиқ этилади. Масалан, бошланғич шартнома бўлиб хизмат қиласидиган ва шартнома белгиланган вақтда тузилмаган тақдирда ўз кучини йўқотадиган ковер-ноталар ҳам амалда қўлланилади. Ковер-ноталардан одатда сұғурта қопламасини тасдиқлаш учун фойдаланилади.

Сұғурта шартномасининг амал қилиш даврида унинг баъзи бир шакларини ўзгартиришга зарурият туғилиши мумкин. Бундай ўзгартишлар шартноманинг ажralmas қисми хисобланадиган аддендум (кўшимча) билан расмийлаштирилади. Аддендумларни бериш тартиби сұғурта шартномаларини тузиш тартиби билан бир хилда амалга оширилади.

## **928-модда. Бош полис бўйича суғурталаш**

**Бир турдаги мол-мулк (товарлар, юклар ва ҳоказонинг) турли туркумларини муайян муддат давомида бир хилдаги шартларда мунтазам суғурталаш суғурта қилдирувчининг суғурталовчи билан келишувига биноан битта суғурта шартномаси — бош полис асосида амалга оширилиши мумкин.**

**Суғурта қилдирувчи бош полиснинг таъсир доирасида бўладиган мол-мулкнинг ҳар бир туркуми тўғрисида суғурталовчига бундай полисда шартлашилган маълумотларни унда назарда тутилган муддатда, агар муддат назарда тутилмаган бўлса — улар олинганидан кейин дархол хабар қилиши шарт. Агар ҳатто бундай маълумотларни олиш пайтигача суғурталовчи тўлаши лозим бўлган зарар кўриш эҳтимоли ўтиб кетган бўлса ҳам, суғурта қилдирувчи бу мажбуриятдан озод бўлмайди.**

**Суғурта қилдирувчининг талабига биноан суғурталовчи бош полиснинг таъсир доирасида бўладиган мол-мулкнинг алоҳида туркумлари бўйича суғурта полисларини бериши шарт.**

**Суғурта полисининг мазмуни бош полисга номувофиқ бўлган тақдирда, суғурта полиси афзал кўрилади.**

1. Бош полис мол-мулкни суғурта қилиш шартномасининг тур хили хисобланади ва унга ушбу турдаги суғуртага тегишли бўлган барча коидалар кўлланилади.

Бош полиснинг ўзига хос жиҳати шундаки, суғурта шартномасининг шартлари (суғурталанувчи мол-мулк, суғурта пули микдори, суғурта мукофотининг микдори тўғрисидаги шартлар) унда конкрет мол-мулкнинг бевосита тавсифи сифатида ёки аниқ пул суммаларини кўрсатиш йўли билан эмас, балки мол-мулкнинг ҳар бир туркуми учун суғурта қилдирувчи суғурталовчига билдирувчи мол-мулкнинг ушбу туркуми хусусидаги маълумотлар негизида тегишли шартларни белгилаш усувларининг тавсифи сифатида келишилади.

Бош полис бўйича суғурталаш қуйидаги шартларга риоя қилинганида амалга оширилиши мумкин: 1) суғурта предмети мол-мулк бўлиши лозим; 2) ушбу мол-мулк туркумлардан таркиб топиши керак; 3) бир турдаги мол-мулк учун суғурталаш шартлари ўхшаш бўлиши лозим; 4) шартнома

муайян муддатга тузилиши керак. Шарҳланаётган модданинг биринчи кисми нормаси диспозитив бўлгани боис, тарафлар унинг талабларидан четга чиқишига ҳақли. Тижорат суғуртаси амалиётида бош полислар суғурта қилдирувчига қарашли бўлган (бир турдаги ва турли хил) мол-мулкнинг барча туркumlари учун тузилади, полисда турли шартларда суғурталаш назарда тутилади, шартноманинг амал қилиши эса муайян муддат билан чекланмайди.

2. Мол-мулкнинг ҳар бир туркуми тўғрисида зарурий маълумотларни хабар қилиш мажбурияти бош полис бўйича суғурта қилдирувчининг асосий мажбуриятларидан бири ҳисобланади. Чунки, конкрет мол-мулкни, конкрет туркумни суғурталаш учун суғурта пули ва мукофоти миқдорини (балки бошқа шартларни ҳам) белгилаш имконияти айни шу мажбурият лозим даражада бажарилишига боғлик бўлади.

Бундай маълумотлар рўйхати бош полис билан расмийлаштирилаётган суғурта шартномасининг мухим шарти ҳисобланади. Мазкур норма императив хусусият касб этади, бинобарин, суғурта қилдирувчининг ушбу мажбурияти суғурта шартномасидаги асосий мажбурияти ҳисобланади. Мазкур мажбуриятни бажармаслик оқибатлари хавфи суғурта қилдирувчининг зиммасида бўлади.

Суғурта қилдирувчининг суғурталовчини хабардор қилиш мажбуриятини бажармаганлиги суғурта ҳимоясидан маҳрум қilmайди. Чунки, амалдаги бош полис мол-мулкнинг унда баён этилган тавсифига мувофиқ келувчи барча туркumlарига суғурта ҳимоясини беради. Бироқ, ушбу мажбуриятни бажармаслик суғурталовчи заҳираларини шакллантиришнинг молиявий механизми билан боғлик зарар кўришига сабаб бўлиши мумкин. Шу туфайли ҳам суғурта қилдирувчи суғурталовчига ахборотни ўз вақтида ва ҳатто у мазкур туркум учун суғурта ҳимоясига бундан бўён муҳтож бўлмаган ҳолда ҳам маълум қилиши лозим.

3. Бош полис бўйича суғурта шартномасини тузиш мол-мулкнинг айрим туркumlарини бир марталик суғурта полислари бўйича суғурталаш имкониятини истисно қilmайди. Бундай зарурият мол-мулкни гаровга берилиши ёки суғурта қилдирувчининг ўз ҳамкорлари билан ҳисоб-китоб қилиш шаклларининг ўзига хос жиҳатлари, хусусан улар мол-мулкнинг айрим туркуми бўйича полис тақдим этишини талаб қилишлари (масалан, ҳисоб-китобларнинг аккредитивли шаклида) туфайли юзага келиши мумкин.

Суғурта амалиётида тарафлар ўртасида барқарор шерикчилик муносабатлари юзага келадиган ва суғурталовчилар билан келишувга биноан бир марталик полислар беришни заруриятга қараб суғурта қилдирувчининг ўзи амалга оширадиган ҳолатлар мавжуд. Шу тариқа хужжат айланиши жараёни янада жадаллашади ва суғурта қилиш учун ариза бериш зарурияти йўқолади. Бироқ бир марталик суғурта полиси ҳар доим суғурталовчи томонидан имзоланган бўлиши лозим. Суғурта қилдирувчи полисга киритилган мол-мулк тўғрисидаги маълумотларнинг тўғрилиги учун жавобгар бўлади (Фуқаролик кодексининг 931-моддаси). Суғурта полисларини беришнинг бундай усулига фақат бош полис доирасида йўл қўйилади.

4. Бош полис бўйича суғурталаш мол-мулкнинг алоҳида туркумларини суғурта килишда қўлланиладиган бир марталик суғурта полисларидан фойдаланиш имкониятини истисно этмайди. Шу туфайли ҳам шарҳланётган модданинг учинчи қисмида суғурта қилдирувчининг талашибига биноан суғурталовчи мол-мулкнинг алоҳида туркумлари бўйича суғурта полисларини бериши шартлиги белгиланган. Ушбу тартибнинг белгиланиши Бош полиснинг мазмуни суғурта полиси мазмуни билан тўғри келмай қолганда ҳар қандай ҳолда ҳам суғурта полисида назарда тутилган шартларни инобатга олиниши, яъни бир марталик суғурта полиси афзал кўрилиши назарда тутилган.

Туркум учун полис бош полиснинг шартларини фақат полисни бериш тўғрисидаги талаб ва уни суғурталовчидан олиш ўзга шахс томонидан эмас, балки суғурта қилдирувчи томонидан амалга оширилган ҳолдагина ўзгартирилиши мумкин. Чунки, тузилган шартнома шартларини фақат унинг тарафлари ўзгартириши мумкин.

## **929-модда. Суғурта шартномасининг муҳим шартлари**

**Мулкий суғурта шартномаси тузишда суғурта қилдирувчи билан суғурталовчи ўртасида қўйидагилар тўғрисида келишувга эришилиши лозим:**

**суғурта обьекти бўлган муайян мол-мулк ёхуд бошқа мулкий манфаат тўғрисида;**

**юз бериши эҳтимол тутилиб суғурта амалга оширилаётган воқеа (суғурта ҳодисаси)нинг хусусияти тўғрисида;**

сугурта пули миқдори тўғрисида;

сугурта товони миқдорини аниқлаш тартиби тўғрисида, агар шартномада уни сугурта пулидан оз миқдорда тўлаш мумкинлиги назарда тутилган бўлса;

сугурта мукофотининг миқдори ва уни тўлаш муддати (муддатлари) тўғрисида;

шартноманинг амал қилиш муддати тўғрисида.

Шахсий сугурта шартномаси тузишда сугурта қилдирувчи билан сугурталовчи ўртасида қўйидагилар тўғрисида келишувга эришилиши лозим:

сугурталанган шахс тўғрисида;

сугурталанган шахс хаётида юз бериши эҳтимол тутилиб сугурта амалга оширилаётган воқеа (сугурта ҳодисаси)нинг хусусияти тўғрисида;

сугурта пули миқдори тўғрисида;

сугурта мукофотининг миқдори ва уни тўлаш муддати (муддатлари) тўғрисида;

шартноманинг амал қилиш муддати тўғрисида.

Тарафларнинг келишувига биноан шартномага бошқа шартлар ҳам киритилиши мумкин. Агар сугурта шартномаси сугурта қилдирувчи, сугурталанган шахс ёки наф олувчи ҳисобланган фуқаронинг ахволини қонун хужжатларида белгилангандек қоидаларга нисбатан ёмонлаштирадиган шартларни ўз ичига олса, шартноманинг ана шу шартлари ўрнига қонун хужжатларининг тегишли қоидалари қўлланилади.

1. Ушбу моддада Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 364-моддасининг шартнома тузишнинг асосий қоидалари тўғрисидаги нормалари конкретлаштирилади ва сугурта шартномаси муҳим шартларининг узилкесил рўйхати келтирилади. Тарафлар ўртасида ушбу шартлар тўғрисида келишувга эришилган ҳолда шартнома тузилган — деб ҳисобланади. Тарафлар ушбу шартлар тўғрисида келишувга эришмагани оқибатлари бу моддада кўрсатилмаган. Шарҳланаётган модданинг мазмунига кўра, тарафлар ушбу шартлардан биттаси тўғрисида келишувга эришмаган бўлсалар ҳам сугурта шартномаси тузилган деб топилиши мумкин эмас.

Шарҳланаётган моддада сугурта шартномасининг муҳим шартлари рўйхати келтирилган. Улар қонунда ҳам муҳим деб номланган шартлар

жумласига киради. Суғурта шартномалари учун бошқа турдаги мұхим шартлар ҳам мавжуд. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 927-моддасининг учинчи қисмида зикр этилган суғурта шартномасининг намунавий шакллари ҳам тарафлардан бирининг (суғурталовчининг) аризасига биноан келишувга эришилиши лозим бўлган мұхим шартлар рўйхатини ўз ичига олади.

Қонунда суғурта шартномалари учун зарурий деб айтилган шартлар ҳам мавжуд. Бу турдаги шартларга суғурта мукофотини киритиш тартиби ва муддати киради — Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 942-моддасининг биринчى қисмида белгиланган мукофотни киритиш тартиби ва муддати тўғрисидаги тегишли императив кўрсатмани бундан бошқача талқин килиб бўлмайди.

2. Мол-мulkнинг ёки бошқа мулкий манфаатнинг белгилаб қўйилганлиги суғурта обьекти шартномада албатта алоҳида белгиланиши лозимлигини англаштайди: айрим ҳолларда мулкий суғурта шартномасида обьект кейинчалик уни алоҳида белгилаш амалга ошириладиган усул сифатида тавсифланиши мумкин (Фуқаролик кодексининг 928-моддаси). Бироқ тавсиф шундай бўлиши лозимки, суғурта ҳодисаси юз берганида суғурталанган манфаатга чиндан ҳам зарап етганига шак-шубҳа туғилмасин. Шуни қайд этиш лозимки, суғурта қилдирувчининг суғурта обьекти сифатида амал қилувчи мулкий манфаати нима, деган саволга Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида аниқ жавоб берилмаган. Айни ҳолда суғуртанинг «предмети» ва «объекти» тушунчалари бир хиллаштирилган.

3. Шахсий суғурта шартномасида суғурталанган шахс алоҳида белгиланиши лозимлиги тўғрисидаги масала мулкий суғурта шартномаси учун назарда тутилган тартибда ҳал қилиниши керак. Суғурталанган шахс шартномада қайд этилиши лозим (Фуқаролик кодекси 921-моддасининг биринчى қисми), бироқ унинг исми ёки номини кўрсатишида аниқликнинг конкрет шахс билан суғурта ҳодисаси юз берганида шартномада чиндан ҳам у ҳақда сўз юритилётганини узил-кесил аниқлаш имкониятини берадиган даражаси кифоя қиласи.

Яна шуни ҳам ҳисобга олиш лозимки, наф олувчини тайинлаш ва ўзгартиришда суғурталанган шахснинг розилиги талаб этилади (ФК 921-моддасининг иккинчى қисми, Фуқаролик кодексининг 946-моддаси), яъни аниқлик бу ҳолда ҳам таъминланиши лозим.

Агар сугурталанган шахс шартномада қайд этилган бироқ алоҳида белгиланмаган бўлса, сугурталовчи томонидан сугурта шартномасига тегишли бўлмаган шахсга сугурта товонининг тўланиши унга солик жарималари тайинланишига сабаб бўлиши мумкинлиги эътиборга олиниши лозим.

4. Юз бериши эҳтимол тутилиб сугурта амалга оширилаётган воқеа (сугурта ҳодисаси) хусусиятининг тавсифи унинг юз берганини исботлаш имкониятини таъминлаши лозим.

Мулкий сугуртанинг барча турлари сугуртанинг муайян хавф билан боғлиқ турларига мансублиги боис, мулкий сугурта шартномаларини тузишда юз бериши эҳтимол тутилиб мулкий сугурта амалга оширилаётган воқеа сугурта обьектига нисбатан заарли хусусиятга эга бўлиши лозим. Бу сугурта ҳодисасининг тавсифи сугурта обьектига етказилиши мумкин бўлган заарнинг тавсифини қамраб олиши лозимлигини англатади.

Шу сабабли мулкий сугурта шартномасини тузишда шартноманинг тарафлари айнан муайян хавф тўғрисида келишишлари ва бундай хавфнинг белгиларини тавсифлашлари лозим. Масалан, тарафлар хавф сифатида табиий оғатларни назарда тутаётган бўлсалар, ер қимирилаши, шамол, бўрон, довул, дўл, кўп кор ёфиши, сел, сув тошиши, тупроқ кўчиши ёки чўкиши ва ҳоказолар тарзидаги табиий оғатлар хусусиятини тавсифлаш талаб этилади.

Сугурта ҳодисасининг хусусиятини сугурта шартномасида аниқ тавсифлаш сугурталовчига кейинчалик сугурта товонини тўлаш бўйича тўғри қарор қабул қилиш имкониятини беради.

5. Ушбу моддада сугурта шартномалари ҳақ бараварига тузиладиган шартномалар туркумига киришини инобатга олган холда шартнома тузиш жараёнида тарафлар томонидан тўланиши лозим бўлган сугурта пули ва сугурта бадалининг миқдори шартномада акс эттирилиши лозимлиги таъкидланган.

Сугурта пулинини белгилашда тарафлар ҳар доим унинг сугурта қийматидан ортиқ бўлмаслиги шартини унутмаслиги лозим. Шунингдек, сугурта қилдирувчининг асосий мажбурияти бўлган сугурта бадалини белгилашда тарафлар сугурта пули миқдоридан келиб чиқсан холда белгилаши, уни бир йўла тўлаши ёки бўлиб-бўлиб тўлаш бўйича келишиб шартномада бу ҳақда қайд этиб ўтиши мумкин.

Суғурта шартномасининг пули суғурта шартномаларининг туридан қатъий назар шартномада белгиланиши лозим. Худди шу каби суғурта бадали микдори эса ҳамма суғурта шартномаларида қайд этилиши лозим. Чунки, суғурта шартномасининг асосий шартлари бўлган суғурта қиймати, суғурта пули, суғурта бадали булар бир-бирини ташкил этувчи мажбуриятлар ҳисобланади.

Суғурта шартномаси ҳақ тўлашни, яъни суғурта қилдирувчи (наф оловччи) тўланган ҳақ эвазига суғурталовчидан муқобил ижрони олишини назарда тутадиган фуқаролик-хукукий шартномаларга мансублиги туфайли, ушбу ижронинг баҳоси тарафлар келишуви билан албатта белгилаб қўйилиши лозим.

6. Бошқа турдаги шартномалардан фарқли ўларок, суғурта шартномаси номуайян муддатга тузилиши мумкин эмас.

Суғурта шартномаси амал қилишининг бошланиши тартиби Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 947-моддасининг биринчи қисмida белгиланган.

Суғурта шартномаси амал қилишининг тугаш муддати тарафлар томонидан шартномада аниқ белгилаб қўйилиши лозим. Бунда шартнома амал қилишининг тугаш муддати аниқ сана тарзида белгиланиши шарт эмас.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 357-моддасининг учинчи қисмida шартнома, агар унда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мажбуриятларни бажаришнинг унда белгиланган муддатигача амал қилиши назарда тутилгани боис, суғурта шартномаси амал қилишининг тугаш муддатини белгилашга икки усул билан эришиш мумкин.

Биринчидан — шартнома муддати тугаганидан сўнг шартнома бўйича барча мажбуриятларни барҳам топиш муддатини белгилаш;

Иккинчидан — шартнома бўйича ҳар бир тараф бажариши лозим бўлган мажбурияларни муддатини шартномада белгилаш.

Суғурта шартномаси мажбуриятини бажариш муддати факат суғурта ходисаси юз берадиган пайтга нисбатан белгиланиши мумкин. Шундай қилиб, иккинчи усулда иккита муддатни — суғурта ҳодисаси юз берининг тугаганидан кейин суғурта ҳимояси берилмайдиган энг сўнгги муддатни (уни одатда шартноманинг амал қилиш муддати деб атайдилар, лекин бу тўғри эмас) ва суғурта ҳодисаси юз берганидан кейин суғурта товони тўлаш муддатини белгилаш талаб этилади.

Муайян ҳолларда айрим турдаги хавфларни сұғурталашда, масалан сотиб олинган күчмас мулкка бўлган мулк хукукини йўқотиш хавфини сұғурталашда (титулни сұғурталашда) сұғурта қопламаси сұғурта шартномаси тузилган пайтгача юз берган воқеаларга татбиқ этилиши мумкинligини назарда тутувчи шартлар белгиланиши мумкин. Сұғурта амалиётида бу турдаги сұғурта шартномалари ретроактив санали шартномалар деб аталади.

Сұғурта шартномасида сұғурта қилдирувчининг аҳволини оғирлаштирадиган шартларнинг белгиланиши бу шартларни тан олин-маслигини яъни бу ҳолда Қонунда белгиланган нормаларни қўлланилиши ёътироф этилади. Амалиётда сұғурта шартномаси тузиш жараённида сұғурталовчилар томонидан ўз манфаатини кўзлаб, бундай шартлар назарда тутилиши мумкин. Масалан, «Ҳамкорбанк» ОАТБ билан тузилган банкларни комплекс сұғурта қилиш шартномасининг 8.4.5-бандида Фуқаролик кодекси 955-моддасининг сұғурталовчининг сұғурта тово-нини тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарори сұғурта қилдирувчига у сұғурта товонини тўлашни сўраб мурожаат этганидан кейин 15 кундан кечиктирмай хабар қилиниши ҳақидаги талабига зид равища, мазкур муддат ушбу ҳақда қарор қабул қилинган кундан бошлаб 15 кун ичida хабар қилиниши белгиланган. Ушбу ҳолатда шартномада белгиланган муддатга эмас балки Фуқаролик кодексининг 955-моддасида белгиланган муддатга амал қилинади.

### **930-модда. Сұғурта шартномаси шартларини сұғурта қоидаларида белгилаб қўйиш**

**Сұғурта шартномасини тузиш шартлари сұғурталовчи ёхуд сұғурталовчилар бирлашмаси томонидан қабул қилинган, маъқулланган ёки тасдиқланган тегишли турдаги сұғуртанинг стандарт қоидалари (сұғурта қоидалари)да белгилаб қўйилиши мумкин.**

**Сұғурта қоидаларида мавжуд бўлган ва сұғурта шартномаси (полиси) матнига киритилмаган шартлар, агар шартномада (полисда) шундай қоидалар қўлланилиши тўғридан-тўғри кўрсатилган ва қоидаларнинг ўзи шартнома (полис) билан битта хужжатда ёки унинг орқа томонида баён қилинган ёхуд унга илова қилинган бўлса, сұғурта**

**қилувчи (наф олувчи) учун мажбурийдир.** Илова қилинган тақдирда, шартномани тузиш пайтида сұғурта қылдырувчига сұғурта қоидалари топширилгани шартномада ёзув билан тасдиқлаб қўйишиши лозим.

**Сұғурта шартномаси тузилаёттанды сұғурта қылдырувчи ва сұғурталовчи сұғурта қоидаларининг айрим бандларини ўзгартириш ёки чиқарип ташлаш ва қоидаларда бўлмаган бандларни шартномага киритиш тўғрисида келишишлари мумкин.**

**Сұғурта қылдырувчи (наф олувчи) ўз манфаатларини ҳимоя қилиб, сұғурта шартномасида (полисида) кўрсатиб ўтилган тегишли турдаги сұғурта қоидаларини, ҳатто агар бу қоидалар ушбу моддага кўра унинг учун мажбурий бўлмаса ҳам, важ қилиб келтиришга ҳақли.**

1. Сұғуртага доир хукукий муносабатларда сұғурта қоидалари сұғурта шартномаларини тузиш, бажариш ёки бекор қилишда улкан аҳамиятга эга. Амалда сұғурта қоидаларини сұғурталовчи ишлаб чиқади ва сўнгра уларни Давлат сұғурта назорати агентлигига сақлаш учун топширади. Сұғурта қоидалари шакл ва мазмун жиҳатидан сұғуртанинг тизимлаштирилган ва шартнома иштирокчилари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган сұғурта қоидалари деб аталадиган ягона хужжатда жамланган шартларининг стандартларини ўзида ифодалайди. Лицензия олиш учун хужжатларни тақдим этишда сұғурталовчи ўзи ишлаб чиқсан ва тасдиқлаган Сұғурта қоидаларини тақдим этиши шарт. Ушбу Сұғурта қоидалари сұғурта назорати органида назорат учун сақланади.

Халқаро сұғурта амалиётида Лондон сұғурталовчилар институти томонидан ишлаб чиқилган қоидалар яхши натижаларга эга бўлиб, улар бугунги кунда турли сұғурта компаниялари томонидан кенг қўлланилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 930-моддасининг биринчи қисмида белгиланган қоидага мувофиқ, сұғурта қоидалари сұғурталовчилар ёки уларнинг бирлашмалари томонидан тасдиқланиши мумкин.

2. Шарҳланаётган моддада сұғурта қоидалари шартноманинг ажралмас қисми бўлиши мумкинлиги назарда тутилган. Сұғурта шартномаси матнида қоидаларга ҳавола қилиш ва ушбу қоидаларни сұғурта полисида ёки унинг орқа томонида баён қилиш бунинг муқаррар шарти бўлиши лозим. Қоидалар матни сұғурта полисига илова қилиниши мумкин. Ушбу моддада қоидалар матнини бундай илова қилиш уларни сұғурталовчига топшириш билан тенглаштирилади ва буни шартномада ёзув билан

тасдиқлаб қўйиш талаб қилинади. Шу тариқа қонун чиқарувчи сұғурта қоидаларини муайян ҳуқуқий муносабатларга қўллаш билан боғлиқ таомилни белгилайди. Ушбу норма процессуал аҳамиятга эга бўлиб, уни бажармаслик шартноманинг ҳақиқий эмаслигига сабаб бўлмайди, бироқ сұғурталовчининг процессуал ҳолатини оғирлаштиради. Норматив-хуқуқий хужжат бўлмаган сұғурта қоидалари ўз-ўзича қонун кучига эга бўлмайди ва сұғурта қилдирувчи учун мажбурий саналиши мумкин эмас. Сұғурта қоидалари иккала тараф учун ҳам мажбурий бўлиши учун улар шартномада баён этилиши, яъни тарафларнинг мукобил ҳукмини мустаҳкамловчи хужжатга айланиши лозим.

Сұғурта шартномаси шартларининг мажбурийлиги тўғрисидаги қоида Фуқаролик кодексининг 930-моддадасида аниқ таърифланмаган, яъни улар факат сұғурта қилдирувчи ва наф олувчига тегишли деб белгиланган. Модомики, ҳар қандай шартнома, икки ёки кўп тарафлама битим сифатида, ўз иштирокчиларининг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини ўзгартиради ёки тугатади (Фуқаролик кодексининг 102 ва 353-моддалари).

Сұғурта қоидаларининг шартлари сұғурталовчи учун ҳам мажбурийdir.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси нормаларининг мазмунидан шартнома биринчи даражали аҳамият касб этади, — деган хулоса келиб чиқади. Тарафларнинг ҳуқуқлари ва бурчлари ҳамда уларнинг вужудга келиши шартлари айнан шартномада белгиланади. Сұғурта қоидаларида белгиланган шартлар сұғурта муносабатларининг иштирокчиларига факат тарафлар шартномада бу ҳақда тўғридан-тўғри шартлашган ҳолда мажбурият юклайди. Бошқача қилиб айтганда, агар Сұғурта қоидаларида баён этилган шартлар шартнома матнига киритилган, яъни шартнома тарафлари ўртасида келишилган бўлса, улар ушбу шартноманинг барча иштирокчилари томонидан бажарилиши шарт. Рим юристлари таъбири билан айтганда, «*practa sunt servanda*» (келишувлар бажарилиши лозим).

Шундай қилиб, шартномавий хужжатлар сұғурта қилдирувчи сұғурта қоидаларида мавжуд бўлган сұғурта шартларини қабул қилганидан далолат бериши лозим. Ушбу қоидалар сұғурта қилдирувчи уларни акцептлагунга қадар сұғурталовчининг бир тарафлама хужжатини ўзида ифодалайди.

Бироқ баъзан Қоидаларда мавжуд бўлган шартлар шартнома матнига киритилмайди, яъни шартнома матнидан уни тузиш пайтида тарафлар ушбу шартларни келишганлари бевосита англашилмайди. Шунга қарамай

Қоидаларга ҳавола шартномада мавжуд. Бу ҳолда Қоидалар шартнома тарафларидан бири — сұғурталовчи учун мажбурийга айланади, бирок бوشқа тараф — сұғурта қилдирувчи учун улар мажбурий бўлмаслиги ҳам мумкин.

Шундай қилиб, тарафлар мушкул ахволга тушиб қолмасликлари учун, юқорида кўрсатилган нормадан келиб чиқиб:

1) қоидаларни сұғурта шартномаси (сұғурта полиси) билан битта хужжатда баён қилиш;

2) сұғурта шартномасининг (сұғурта полисининг) орқа томонида баён қилиш;

3) сұғурта шартномасига (сұғурта полисига) илова қилиш талаб этилади. Бирок сўнгги зикр этилган ҳолда шартномани тузиш пайтида сұғурта қилдирувчига сұғурта қоидалари топширилгани шартномада ёзув билан тасдиқлаб қўйилиши лозим.

Яъни, Қоидалар ўзига топширилганини сұғурта қилдиручининг ўзи тасдиқлаши даркор. Факат шу ҳолдагина шартномага илова қилинган Қоидалар сұғурта қилдирувчи учун мажбурий тус олади.

3. Тарафлар аҳдлашаётган қоидаларнинг айrim шартларини ўзгартириш ёки чиқарип ташлашга ёки кўшимчалар киритишга фақат буларнинг барчаси шартнома матнида уни тузиш пайтида қайд этилган ҳолдагина йўл қўйилади. Шартнома шартлари сұғурта қоидаларининг шартлари билан зид келган ҳолда сұғурта шартномасининг қоидалари сұғурта қоидаларининг айни шу шартларига нисбатан устивор ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг шарҳланаётган моддаси мазмуни агар сұғурта қоидаларининг шартлари сұғурта шартномасининг шартларидан кенгроқ бўлса, тарафларнинг хуқуқий муносабатларига шартнома шартлари билан бир қаторда сұғурта қоидаларининг кенгайтирилган қисми ҳам кўлланиши мумкин, — деган хulosани билдиради. Айни пайтда, сұғурта қоидаларининг шартлари сұғурта шартномаси билан чекланган ёки ўзгартирилган бўлса, сұғурта қоидаларининг бу қисми кўлланмайди.

Шартнома иштирокчилари бир пайтнинг ўзида бир нечта сұғурта қоидаларини қўллашлари мумкин, башарти улар бир-бирига зид бўлмаса ва бир-бирини тўлдирса.

4. Сұғурта шартномаси тузиш жараёнида сұғурта қилдирувчи сұғурта қоидалари билан танишиш хуқуқига эга бўлади. Сұғурта қилдирувчи сұғурта шартномаси жараёнида вужудга келган хуқуқий муносабатларда

ўз манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида сұғурта қоидасида келтирилган шартларни асос қилиб күрсатиши мүмкін. Агар бу шартлар сұғурта шартномасида қайд этилмаган бўлса ҳам бу шартларни важ қилиб күрсатиш хукуқига эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 930-моддасининг иккинчи қисмида қоидалар сұғурта қилдирувчи (наф олувчи) учун ушбу қисмда санаб ўтилган шартларга риоя қилинган тақдирдагина мажбурий эканлиги күрсатилган. Шу туфайли ҳам ушбу шартларга риоя қилинмаган ҳолда сұғурта қилдирувчи (наф олувчи) ўзига юкландырылған сұғурта қоидаларини истисно этиши мүмкін. Бу ҳолда у фақат қонунга мувофиқ ўзига юкландырылған мажбуриятларни бажариш билан кифояланишга ҳақли. Бироқ сұғурта қилдирувчи (наф олувчи) ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун полисда күрсатилган сұғурта қоидаларига ҳатто улар шартнома шартларида мавжуд бўлмаган, полиснинг орқа томонида келтирилмаган ёки унга илова қилинмаган ҳолда ҳам ҳавола қилиши мүмкін. Бундан ташқари, сұғурта қилдирувчи ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун сұғурта қоидаларининг фақат ўзига кулай бўлган айрим қоидаларига ҳавола қилиши эмас, балки сұғурта қоидаларининг қолган барча шартларини ҳам инобатга олиши лозим. Бу сұғурталовчининг хукуқларини ҳимоя қилиш имкониятини беради.

### **931-модда. Сұғурта шартномаси тузилаётганда сұғурта қилдирувчи тақдим этадиган маълумотлар**

**Сұғурта шартномаси тузилаётганда сұғурта қилдирувчи ўзига маълум бўлиб, сұғурта ҳодисаси юз бериши эҳтимолини ва унинг юз бериши туфайли кутилажак заарар миқдори (сұғурта хавфи)ни аниқлаш учун мухим аҳамияттага эга бўлган ҳолатларни сұғурталовчига хабар қилиши шарт.**

**Сұғурта шартномаси (полиси)нинг стандарт шаклида, сұғурта қилдирувчига берилган сұғурта қоидаларида ёки ёзма сўровда сұғурталовчи томонидан олдиндан аниқ айтиб қўйилган ҳолатлар мухим деб хисобланади.**

**Агар сұғурта шартномаси сұғурталовчининг қандайдир саволларига сұғурта қилдирувчининг жавоблари бўлмаган ҳолда тузилган**

**бўлса, сұғарталовчи тегишли ҳолатлар сұғурта қилдирувчи томонидан маълум қилинмаганлигига асосланиб кейинчалик шартномани бекор қилишни ёхуд уни ҳақиқий эмас деб топишни талаб қила олмайди.**

**Агар сұғурта шартномаси тузилганидан кейин, ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳолатлар тўғрисида сұғурта қилдирувчи сұғарталовчига била туриб ёлғон маълумот берганлиги аниқланса, сұғарталовчи шартномани ҳақиқий эмас деб топишни ва ушбу Кодекс 123-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган оқибатлар кўлланилишини талаб қилишга ҳақли.**

**Агар сұғурта қилдирувчи айтиб қўймаган ҳолатлар ўтиб кетган бўлса, сұғарталовчи шартномани ҳақиқий эмас деб топишни талаб қила олмайди.**

1. Бошқа фуқаролик-хукуқий шартномалардан фарқли ўлароқ, сұғурта шартномасини тузиш жараёни шарҳланадиган моддада назарда тутилган, сұғарталовчи сұғурта хавфини баҳолаши билан боғлик бўлган мажбурий таомилни ўтказиш билан бирга амалга оширилиши лозим. Ушбу таомил ёрдамида сұғарталовчи сұғурта ҳодисасининг юз бериш эҳтимолини аниқлайдики, бу унга сұғурта тарифини ҳисоблаш ва кўрилиши мумкин бўлган зарар хажмини аниқлаш учун зарурдир.

Сұғурта хавфини баҳолаш сұғурта қилдирувчи, наф оловчи ёки сұғурталанган шахсга маълум бўлган сұғурта хавфи тўғрисидаги маълумотлар ва ҳолатлар асосида амалга оширилади. Бундай маълумотлар ва ҳолатлар сұғарталовчига унинг ёзма сўровига биноан хабар қилинади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 927-моддасида кўрсатиб ўтилганидек, сұғурта шартномасини тузиш пайтида сұғурта қилдирувчи ёки унинг вакили томонидан тўлдирилган сұғурта қилиш учун сўровнома-ариза ана шундай сўров ҳисобланади.

3. Ушбу модданинг иккинчи қисмида муҳим ҳолатлар тушунчасининг мазмуни баён қилинган. Сұғурта шартномаси (полиси)нинг стандарт шаклида, сұғурта қилдирувчига берилган сұғурта қоидаларида ёки ёзма сўровда сұғарталовчи томонидан олдиндан аниқ айтиб қўйилган ҳолатлар муҳим деб ҳисобланади. Бунда шуни эътиборга олиш лозимки, ушбу модданинг иккинчи қисми «муҳим ҳолатлар» тушунчасининг мазмуни ҳар хил талқин қилинишига йўл қўймаслик учун унинг биринчи қисмига шарҳ вазифасини бажаради. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси

931-моддасининг иккинчи қисмини кучайтириш мақсадида қонун чиқарувчи «аниқ айтиб қўйилган ҳолатлар» атамасини ишлатган. Муҳим ҳолатларни аниқлаш мажбурияти суғурталовчининг зиммасида бўлади. Чунки, 931-модданинг иккинчи қисми суғурталовчига муҳим ҳолатлар рўйхатини суғурта қилдирувчига суғурта шартномаси (полиси), суғурта қоидалари ёки ёзма сўров шаклида тақдим этиш мажбуриятини юклайди. Суғурта қилдирувчи эса, ушбу хужжатларни тўлдираётib (суғурталовчининг саволларига жавоб беради), ўзига маълум бўлган ахборотни хабар қиласди. Бунда суғурта қилдирувчининг ўзига муҳим бўлиб туюлган ахборотни киритиш мажбурияти қонунда назарда тутилмаган. Шундай қилиб, 931-модда иккинчи қисмининг мазмунидан суғурта қилдирувчи суғурталовчига у сўраганидан ортиқ ахборотни тақдим этишга мажбур эмас, деган холоса келиб чиқади.

«Аниқ» сўзи ушбу контекстда суғурталовчининг саволлари аниқ ва лўнда баён қилиниши лозимлигини англатади.

Шарҳланаётган моддада гап фақат суғурта қилдирувчига шартнома тузилгунга қадар маълум бўлган ҳолатлар ҳақида боради. Агар суғурта қилдирувчи бундай ҳолатлар ҳақида шартнома тузилганидан кейин хабар топган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 949-моддаси қоидалари кўлланади.

4. Шарҳланаётган модда маъносидаги муҳим ҳолатлар улар яширилган ёки улар ҳақида ёлғон маълумотлар берилган ҳолда юз берадиган оқибатларга кўра қуидаги тоифаларга ажратилиди:

- а) суғурта қилдирувчи суғурталовчига ҳақиқатга мувофиқ келувчи ахборотни берган ҳолатлар;
- б) суғурта қилдирувчи суғурталовчига ҳақиқатга мувофиқ келмайдиган ахборотни берган ҳолатлар;
- в) суғурталовчи сўраган бўлса-да, лекин суғурта қилдирувчи ҳеч қандай ахборот бермаган ҳолатлар;
- г) суғурталовчи сўрамаган ва суғурта қилдирувчи ҳеч қандай ахборот бермаган ҳолатлар.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 930-моддасида шартнома тузилганидан кейин юқорида зикр этилган уч тоифадан бирига мансуб бўлган ҳолатлар аниқланганида кўлланиладиган оқибатлар назарда тутилган.

Ҳақиқатга мувофиқ келмайдиган ижобий ахборотни хабар қилиш била туриб ёлғон маълумот бериш ҳисобланади, чунки гап фақат суғурта

килдирувчига маълумлиги аниқланган ҳолатлар ҳакида боради. Бинобарин, шартнома тузилганидан кейин бундай ҳолатларни аниқлагач, сұғурталовчи Фуқаролик кодексининг 123-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган оқибатларни күллаб, сұғурта шартномасини ҳақиқий эмас деб топилишини талаб қилишга ҳақли. Шуни күшімча қилиш лозимки, локайдлик асосида ёки билмасдан ахборот бермаслик бу модданинг ушбу қисми құлланиши учун аҳамиятга эга эмас. Чunksи, бу ерда гап била туриб ёлғон маълумот берганлик ҳакида боради. Била туриб ёлғон маълумот бериш сұғурта килдирувчининг айбли ҳаракатлари шакли хисобланади, яъни сұғурта қилдирувчи ҳақиқатга мувофиқ келмайдын ахборотни сұғурталовчига атайлад тақдим этганини назарда тутади. Бунда Фуқаролик кодексининг 931-моддаси түртінчи қисми шу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларига ҳавола қиласы.

Агар шартнома тузилганидан кейин «в» тоифасига мансуб ҳолатлар аниқланган бўлса, сұғурталовчи шартномани ўзgartириш ёки бекор қилишни талаб қилишга ҳақли эмас, чunksи у хавфни баҳолаган деб хисобланади. Бироқ, бу ҳолда сұғурталовчи шуни эътиборга олиши лозимки, юз берган сұғурта ҳодисаси сұғурта қилдирувчи жавоб бермаган, сұғурталовчи эса сұғурта шартномасини тузиш пайтида аниқламаган ҳолатлар туфайли содир бўлгани кейинчалик аниқланса, бу сұғурталовчига сұғурта товонини тўлашни рад этиш ёки шартномани ҳақиқий эмас деб топишни талаб қилиш ҳуқуқини бермайди.

Агар шартнома тузилганидан кейин «г» тоифасига мансуб ҳолатлар аниқланган бўлса, сұғурта шартномаси Фуқаролик кодексининг 116-моддасида назарда тутилган асосларга кўра ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Бироқ, бу ерда сұғурта қилдирувчи томонидан сұғурта шартномаси тузиш жараёнида керакли маълумотлар талаб этилмаганлиги сабабли маълумотлар тақдим этилмагандан тузилган шартномалар бўйича тақдим этилмаган маълумотлар ўз кучини йўқотган бўлса сұғурталовчи шартномани ҳақиқий эмас деб топишни талаб қила олмайди. Аммо бу айни ҳолда бошқа шахснинг шартномани Фуқаролик кодексининг 116-моддаси асосларига кўра ҳақиқий эмас деб топишни талаб қилиши мумкин эмаслигини англатмайди.

5. Фуқаролик кодексининг 931-моддаси учинчи қисмининг қоидалари Фуқаролик кодекси 123-моддасининг алдаш таъсирида тузилган битимнинг

ҳақиқий эмаслиги тұғрисидаги умумий қоидаларини сұғурта шартномасига татбиқан конкретлаштиради. Сұғурта қилдирувчидә ёмон ниятнинг мавжудлиги ушбу қоидаларни қўлланишининг мұкаррар шарти ҳисобланади. Бундай битимлар Фуқаролик кодексининг 113-моддасига мувофиқ низоли ҳисобланади. Чunksи, улар факат суд қарори билан ва факат қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган шахсларнинг талабига биноан ҳақиқий эмас деб топилади. Шу туфайли ҳам сұғурталовчига ўз ихтиёрига кўра шартномани ҳақиқий эмас деб топишни талаб қилиш хукуки берилади. Агар сұғурта қилдирувчининг ёмон нияти аниқланган бўлса, сұғурталовчининг хукуки судда химоя қилиниши лозим, битим эса бир тарафлама реституцияни қўлланиш йўли билан ҳақиқий эмас деб топилади.

Агар сұғурта қилдирувчи 931-модданинг биринчи қисми талабларини бажармаган, бироқ у хабар қилмаган ҳолатлар ўз аҳамиятини йўқотган ёки ўтиб кетган бўлса, шартнома ўз кучини сақлаб қолади, сұғурталовчи эса уни ҳақиқий эмас деб топишни талаб қилиш хукуқидан маҳрум бўлади.

### **932-модда. Сұғурталовчининг сұғурта хавфини баҳолаш хукуки**

**Мол-мулкни сұғурталаш шартномаси тузилаётганида сұғурталовчи сұғурта қилинаётган мол-мулкни кўздан кечиришга, зарурат бўлганда эса унинг ҳақиқий қийматини белгилаш мақсадида баҳолашдан ўтказиши ташкил этишга ҳақли.**

**Шахсий сұғурта шартномаси тузилаётганида сұғурталовчи сұғурта қилинаётган шахс соғлигининг ҳақиқий ҳолатини аниқлаш учун уни текширтиришга ҳақли.**

**Ушбу модда асосида сұғурталовчи томонидан сұғурта хавфини баҳолаш бошқа ҳолатни исботлашга ҳақли бўлган сұғурта қилдирувчи учун мажбурий эмас.**

1. Ўз мол-мулкини кўздан кечириш ёки экспертиза учун тақдим этишга, соғлигининг ҳолатини аниқлаш мақсадида уни текширтиришга ҳеч ким мажбур эмас. Бироқ сұғурта учун тўланадиган ҳақ (сұғурта мукофоти) айнан мол-мулкнинг қийматига ва сұғурталанган шахс соғлигининг ҳолатига боғлик бўлади. Муайян ҳолларда сұғурта қилдирувчи сұғурталовчини сұғурта шартномасини тузишга (шахсий, мажбурий сұғурта) Фуқаролик кодексининг 377-моддаси тартиб-таомилларидан фойдаланиб мажбур

қилиши мумкинлигини ҳисобга олиб, қонун чиқарувчи сұғурталовчига шартноманы тузиш пайтида тегиши күздан кечириш, экспертиза ёки текширишни үтказиш имкониятини берган.

Сұғурталовчининг мазкур ҳаракатларни бажариш хуқуқи сұғурталовчи уларни мажбурий үтказышни талаб қилиши мумкинлигини англатмайды. Бирок ү, агар мазкур ҳаракатларни бажаришни рад этса, сұғурталовчи ҳам сұғурта шартномасини тузишни рад этиши мумкин.

Шархланаётгап моддада сұғурталовчининг муайян ҳаракатларни бажариш хуқуқи чекланади. У фақат мол-мұлкни күздан кечириш ва унинг экспертизасини ҳамда сұғурта қилинаётгап шахс соғлигининг ҳолатини аниқлаш мақсадида текшириш үтказиши мумкин. Бу сұғурта қилдирувчи шартнома тузишга мажбурлаш тартиб-таомилларини құллаганида (Фұқаролик кодексининг 377-моддаси), сұғурталовчи үзига сұғурта қилдирувчилар ёки сұғурталанған шахсларга нисбатан бошқа ҳаракатларни ёки бошқа мақсаддаги ҳаракатларни бажариш имконияти берилмаганини важ қилиб шартноманы тузидан бош тортиши мумкин эмаслигини англатади.

Сұғурталанаётгап мол-мұлкни күздан кечиришни сұғурта қилдирувчи тақдим этган маълумотлардан хавф даражаси ҳақида түғри хulosаси чиқариш қийин бұлған ҳолларда (масалан, кемалар, самолёттар, автомобиллар, саноат қурилмаларини сұғурталашда) үтказиш мақсадға мувофиқдір. Бундай күздан кечиришларни үтказиш ва хавф даражаси түғрисида ҳамда мол-мұлкнинг ҳақиқий қиймати түғрисида хulosалар бериш мутахассисларға (сюрвейер ёки экспертиза ташкилотларига) топширилса, мақсадға мувофиқ бўлади.

Бир турдаги мол-мұлк туркүмларини сұғурталашда хавф даражаси, қоида тарикасида, сұғурталовчи томонидан сұғурта қилдирувчи унга тақдим этган хужжатлар асосида, яъни күздан кечиришсиз баҳоланади.

Сұғурта қилдирувчи тақдим этган мол-мұлк түғрисидаги маълумотлар унинг ҳақиқий ҳолати, номи, сифати ва ҳоказолар билан мувофиқ келмаган тақдирда сұғурталовчи стандарт қоидаларнинг шартларига асосланған ҳолда сұғурта төвөни түлашни түлиқ ёки қисман рад этишга ёки Фұқаролик кодекси 944-моддасининг учинчи қисмiga мувофиқ шартномани ҳақиқий эмас деб топишни талаб қилишга ҳақли.

2. Тиббий текшириш шахсларни муайян ёшга түлгунча сұғурталашда үтказилса, мақсадға мувофиқ бўлади. Шуни қайд этиш лозимки, бу ерда

тап нафақат тиббий сұғурта ҳақида, балки умуман шахсий сұғурта шарт-номалари бўйича сұғурта хавфларини баҳолаш ҳақида боради. Бу йирик микдордаги сұғурта пуллари ҳақида борган ёки сұғурталанувчи бирон-бир сурункали касалликка йўлиққан ва сұғурта қилдирувчи шундай касалликдан эҳтиёт шарт сұғурта қилишни сўраётган деб тахмин қилиш учун асослар мавжуд бўлган ҳолларда ўринлидир. Текшириш — сұғурталовчининг ҳуқуқи, бироқ уни ўтказиш шартномани тузишнинг муқаррар шарти ҳисобланмайди. Аммо тиббий сұғуртанинг ўзига хос жиҳати шундаки, у сұғурта қилдирувчи (сұғурталанган шахс) даволаш ёки зарурый профилактика тадбирларини ўтказиш тарзида тиббий ёрдам олишни назарда тутади, шу туфайли ҳам шахсий сұғуртанинг ушбу тури бўйича сұғурта пулинин тўлаш фақат сұғурта шартномасида кўрсатилган шахсни даволаш билан боғлиқ бўлган тиббий ҳаражатларни қоплашга йўналтирилиши лозим. Бинобарин, жисмоний шахс соғлигининг сұғурталашдан олдинги ҳолати сұғурталовчи учун биринчи даражали аҳамият касб этади.

3. Сұғурталовчи хавф даражасини тиббий текшириш ёки ўзига тақдим этилган маълумотларни таҳлил қилиш йўли билан баҳолаш натижаларига сұғурта қилдирувчи рози бўлмаслиги мумкин. Яъни қонун чиқарувчи ушбу модда асосида сұғурталовчи томонидан сұғурта хавфини баҳолаш бошқа ҳолатни исботлашга ҳақли бўлган сұғурта қилдирувчи учун мажбурий эмаслиги тўғрисидаги қоидани белгилаган.

### **933-модда. Сұғурта сири**

**Сұғурталовчи сұғурта қилдирувчи, сұғурталанган шахс ва нафолувчи, уларнинг соғлигининг ҳолати тўғрисидаги, шунингдек бу шахсларнинг мулкий аҳволи тўғрисидаги ўз касб фаолияти натижасида ўзи олган маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмас. Сұғурта сирини бузганлик учун сұғурталовчи бузилган ҳуқуқларнинг тури ва бузиш хусусиятига қараб ушбу Кодекснинг 985, 1021 ва 1022-моддалари қоидаларига мувофиқ жавобгар бўлади.**

Шарҳланаётган моддада белгиланган қоида хизмат ва тижорат сири тўғрисидаги умумий қоидалар (Фуқаролик кодекси 98-моддаси)нинг алоҳида бир тури ҳисобланади. Диспозициядаги таърифнинг аниқ эмаслиги фақат ушбу моддада кўрсатилган шахслар соғлигининг ҳолати ва

мулкий аҳволи тўғрисидаги маълумотлар сир ҳисобланади, деган янгиш хуносага келиш имкониятини беради.

Ошкор қилиш таъқиқланган ахборот фақат икки хил маълумотларга:

- 1) юқорида зикр этилган шахслар соглигининг ҳолати тўғрисидаги;
- 2) уларнинг мулкий аҳволи тўғрисидаги маълумотларга тегишли.

Ушбу маълумотлар мазкур шахсларнинг сугурталанган мол-мулки, сугурта мукофоти (бадаллари) ва сугурта тўловининг миқдори тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олади. Шунингдек, сугурталовчи ва сугурта қилдирувчи ўртасидаги шартнома тузиш билан боғлиқ муносабат жараённида ўзига маълум бўлган бошқа маълумотларни, яъни бу маълумотлар сугурта қилдирувчининг молиявий фаолияти ёки тижорат сирлари билан боғлиқ бўлса ва бу маълумотларни бошқа шахсларга етказилиши натижасида сугурта қилдирувчига зарар етказилса сугурталовчи бу маълумотларни ҳам сир саклашга мажбурдир.

1. Суѓурталовчи ушбу қоидаларни бузган тақдирда унга етказилган зарарни қоплашга мажбураш тариқасидаги жазо қўлланилади.

Шарҳланаётган моддада сугурта сири тушунчасига таъриф берилган бўлиб унга кўра, сугурта қилдирувчига маълум бўлган, суѓурталовчилар, наф олувчилар ва сугурталанган шахсларнинг хизмат ва (ёки) тижорат сирига, шунингдек уларнинг шахсий ва (ёки) оила сирига мансуб бўлган маълумотлар сугурта сирига киради.

Суѓурталовчининг сугурта сирини ошкор қилганлик учун жавобгарлиги бу турдаги сирларни ошкор қилганлик учун белгиланган умумий жавобгарлик хусусиятини касб этади. Бундай ҳолларда маҳсус жавобгарлик белгиланмайди.

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ сугурта иши субъектлари тўғрисидаги ахборот суд, тергов, солик, монополияга қарши ва бошқа давлат органларига уларнинг ёзма сўровларига биноан берилиши мумкин бўлган ҳоллар юқорида баён этилган тижорат сири тўғрисидаги қоидалардан истисно ҳолат ҳисобланади.

### **934-модда. Суѓурта пули**

**Мулкий сугурта шартномаси бўйича сугурталовчи сугурта тово-нини тўлаш мажбуриятини оладиган ёки шахсий сугурта шартномаси бўйича тўлаш мажбуриятини оладиган сумма (сугурта пули) сугурта**

**қилдирувчининг сұғарталовчи билан келишувига күра ушбу модда қоидаларига мувофиқ белгиланади.**

Мол-мулкни ёки тадбиркорлик хавфини сұғурта қилишда, агар сұғурта шартномасыда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, сұғурта пули уларнинг ҳақиқий қийматидан (сұғурта қийматидан) ошмаслиги лозим, қуидагилар шулар жумласига киради:

**мол-мулк учун — унинг сұғурта шартномасини тузиш куни турган жойидаги ҳақиқий қиймати;**

**тадбиркорлик хавфи — сұғурта ходисаси юз берганида сұғурта қилдирувчи тадбиркорлик фаолиятидан кўриши мумкин бўлган зарар.**

**Шахсий сұғурта шартномаларида ва фуқаровий жавобгарликни сұғурталаш шартномаларида сұғурта пулинин тарафлар ўз ихтиёрларига кўра аниқлайдилар, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.**

1. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмida сұғурта пули сұғарталовчи сұғурта товонини тўлаш мажбуриятини оладиган сумма сифатида таърифланган бўлиб, бу сұғурта пули сұғурта шартномасыда белгиланган миқдор билан чекланган ўз юқори чегарасига эга эканлигидан далолат беради.

2. Сұғурта пулининг миқдори тарафларнинг келишуви билан белгиланади. Бунда у мол-мулкнинг ҳақиқий қийматидан ошмаслиги лозим. Фуқаролик кодексининг 934, 936 ва 938-моддаларига мувофиқ шартномада сұғурта қийматидан пастроқ суммага сұғурталаш назарда тутилиши мумкин. Мол-мулкнинг ҳақиқий қийматидан ортиқ суммага сұғурталашда Фуқаролик кодексининг 934-моддасида назарда тутилган оқибатлар юз беради. Шартномада мол-мулкнинг ҳақиқий қийматидан ортиқ суммага сұғурталаш назарда тутилиши мумкин, бироқ бунда Фуқаролик кодексининг 940-моддаси қоидаларига риоя қилиш талаб этилади.

Мол-мулкнинг ҳақиқий қийматини аниқлашда Ўзбекистон Республикасининг «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Қонуни ва «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунининг тегишли нормаларини қўллаш лозим. Агар сұғурта қилдирувчида мол-мулкнинг қиймати кўрсатилган хужжатлар (ҳисоб-китоб вараклари, спецификациялар ва ш.к.) мавжуд бўлса, ушбу хужжатлар унинг ҳақиқий қийматини аниқлашга асос бўлиб хизмат киласди. Муайян ҳолларда, масалан, кўчмас мулкни сұғурта қилишда,

ҳақиқий бозор қийматидан келиб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, унга конъюнктуравий ўзгаришлар сезиларли даражада таъсир кўрсатиши мумкин. Мол-мulkning бозор қийматини аниқлаш тартиби 1999 йил 19 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддасида мустахкамланган.

Мол-мulkning ҳақиқий қиймати у турган жойда шартнома тузилаётган куни аниқланиши лозим. Келтирилган норма императив бўлгани боис, тиклаш қиймати бўйича сұғурта қилишга ўйл қўйилмайди, зеро у сұғурта ҳодисаси юз берган кунда сұғурта шартномасида кўрсатилган, шартнома тузилган санада аниқланган ҳақиқий қийматдан ортиқ бўлиши мумкин. Бироқ тиклаш қиймати бўйича сұғурта қилиш Фуқаролик кодексининг 915-моддасида назарда тутилган бошка мулкий манфаатларни сұғурта қилиш сифатида қаралиши мумкин: бу ерда сұғурта ҳодисаси юз берган кунда сұғурта қиймати ошгани туфайли сұғурта қилдирувчи амалга оширган қўшимча харажатлар ёки у кўрган зарап сұғуртанинг предмети ҳисобланади.

Сұғурта қийматини баҳолашда тадбиркорлик хавфини сұғурта қилиш шартномасида кўрилиши мумкин бўлган зарап миқдорини аниқ белгилаш мумкин эмас. Бу ерда сұғурта ҳодисаси юз берганида сұғурта қилдирувчи тадбиркорлик фаолиятидан кўриши мумкин бўлган зарап миқдори асос сифатида олинади.

3. Шахсий сұғурта шартномаларида тарафлар сұғурта пулини белгилашда эркиндирлар. Ушбу пул суммаси сұғурта қилдирувчининг субъектив баҳосига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Мазкур норма диспозитив бўлиб, тўлалигича тарафлар хоҳиши-иродасига боғлиқдир. Сұғурта пули сұғурталовчи ва сұғурта қилдирувчининг аҳдлашувига биноан аниқланиши лозим.

Тарафлар жавобгарликни сұғурта қилиш шартномаси бўйича сұғурта пули миқдорини келишаётганларида сұғурта қилдирувчи фаолиятининг хусусияти ва ҳажми, етказилиши мумкин бўлган зарапнинг хусусияти, кўрилиши мумкин бўлган зарап миқдорининг юқори чегараси, шунингдек шартномавий ва шартномадан ташқари жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари эътиборга олинади. Тадбиркорлик хавфини сұғурта қилишда белгилангани каби, учинчи шахслар кўрган ҳақиқий зарап ҳажмининг жавобгарликни сұғурта қилиш шартномаси бўйича сұғурта қийматидан ортиқ миқдорида кўрилган зарап сұғурта қилдирувчининг зиммасида

бўлади. Фуқаролик жавобгарлигини сұғурта қилишнинг мажбурий, ҳам шартномавий, ҳам шартномадан ташқари турлари бўйича сұғурта пулини аниқлаш тартибигина бу қоидадан истисно ҳолат ҳисобланади.

### **935-модда. Мол-мулкнинг сұғурта қиймати**

**Сұғурта шартномасини тузиш пайтида тарафларнинг келишувига кўра аниқланадиган, сұғурта манфаати билан боғланадиган мол-мулк қиймати, агар қонун хужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, сұғурта қиймати (сұғурта баҳоси) деб ҳисобланади.**

**Мол-мулкнинг шартномада кўрсатилган сұғурта қиймати устида кейинчалик низолашиш мумкин эмас, шартнома тузилгунга қадар сұғурта хавфини баҳолаш бўйича ўз ҳуқуқидан фойдаланмаган сұғурталовчи бу қиймат борасида била туриб чалғитилган ҳол бундан мустасно.**

Мол-мулкнинг ҳақиқий (сұғурта) қиймати — деганда унинг бозор қийматини тушуниш лозим. Бунда мол-мулкнинг сұғурта шартномасида кўрсатилган сұғурта қиймати устида кейинчалик низолашиш мумкин эмас, шартнома тузилгунга қадар сұғурта хавфини баҳолаш бўйича ўз ҳуқуқидан фойдаланмаган сұғурталовчи бу қиймат борасида била туриб чалғитилган ҳол бундан мустасно. Сұғурта қиймати борасида эҳтиётсизлик орқасида чалғитиш сұғурталовчига ушбу қийматнинг ҳажми усти низолашиш имкониятини умуман бермайди.

Сұғурта пули сұғурталанган мол-мулкнинг шартнома тузилган пайтдаги ҳақиқий қийматидан ошиши мумкин эмас. Бироқ бу пул ушбу қийматдан камроқ бўлиши мумкин. Бу ҳолда Фуқаролик кодексининг 936-моддасида назарда тутилган *тўълиқ бўлмаган мулкий сұғурта* мавжуд бўлади.

Агар мол-мулкни ёки тадбиркорлик хавфини сұғурта қилиш шартномасида сұғурта пули сұғурта қийматидан кам миқдорда белгиланган бўлса, сұғурталовчи сұғурта ҳодисаси юз берган ҳолда сұғурта қилдирувчига (наф оловчига) у кўрган заарнинг бир қисмини сұғурта пулининг сұғурта қиймати билан нисбатига мутаносиб равища қоплаши шарт.

Шундай қилиб, Фуқаролик кодексининг сұғурта товонини ҳисоб-китоб қилишнинг *пропорционал тизими* умумий қоида сифатида белгиланган. Ушбу тизимга биноан сұғурта тўлови сұғурта қилдирувчи (наф оловчи)

кўрган зарарни тўлиқ эмас, балки қисман, аниқроқ айтганда, унинг сұғурта пули ва сұғурта қийматининг нисбатига мутаносиб равишда хисобланадиган қисмини қоплайди. Масалан, сұғурта пули мол-мулк ҳақиқий қийматининг факат 60% ни ташкил қилса, сұғурталовчи кўрилган зарарнинг факат 60% нигина қоплаши лозим. Сұғурта шартномасида сұғурта товонининг кўпроқ миқдори назарда тутилиши ҳам мумкин, бироқ у сұғурта қийматидан ортиқ бўйласлиги керак. *Биринчи хавф тизими* деб аталаудиган ушбу тизимга кўра, сұғурта қилдирувчи (наф оловучи) кўрган ҳар қандай зарар сұғурталовчи томонидан сұғурта пули доирасида тўлиқ қопланади. Бунда сұғурта пули сұғурталанган мол-мулкнинг ҳақиқий қийматидан ошмаслиги лозим.

2. Шарҳлананаётган модданинг қоидалари факат мол-мулкни сұғурта қилиш шартномасига нисбатан қўлланади ва сұғурталовчи сұғурта қиймати устида Фуқаролик кодексининг 934-моддасида белгиланган тартибда, сұғурта товони тўлаш борасидаги низоларда сұғурта қилдирувчи ва наф оловчининг манфаатларини ҳимоя қилиб низолашишига йўл қўймайди. Сұғурта қиймати сұғурта қилдиручининг аризасига биноан белгиланган ҳолда ҳамда (Фуқаролик кодексининг 931-моддаси), сұғурталовчи сұғурта хавфини ўз кучлари билан баҳолаган ҳолда ҳам (Фуқаролик кодексининг 932-моддаси) сұғурта пули устида низолашиш мумкин эмас. Шартнома тузилгунга қадар сұғурта хавфини баҳолаш бўйича ўз хукуқидан фойдаланмаган ёки бу қиймат борасида била туриб чалғитилган ҳол бундан мустаснодир. Бунда сұғурта қилдирувчи сұғурталовчини била туриб чалғитганини мол-мулкнинг ҳақиқий қиймати аслида аризада кўрсатилган қийматдан пастлигини сұғурта қилдирувчи билгани, бироқ кўпроқ сұғурта пули олиш максадида сұғурталовчига қийматни ошириб кўрсатгани билан исботлаш мумкин.

### **936-модда. Тўлиқ бўймаган мулкий сұғурта**

**Агар мол-мулкни ёки тадбиркорлик хавфини сұғурталаш шартномасида сұғурта пули сұғурта қийматидан кам қилиб белгиланган бўлса, сұғурталовчи сұғурта ходисаси юз берганида сұғурта қилдирувчига (наф оловчига) у кўрган зарарни сұғурта пулининг сұғурта қийматига бўлган нисбатига мутаносиб равища қоплаши шарт.**

Фуқаролик кодексининг шарҳланаётган моддасида сұғурта амалиётіда мавжуд бўлган сұғурта таъминотининг пропорционал тизими илк бор қонун йўли билан мустаҳкамланган. Ушбу тизим сұғурта товонини сұғурта пулининг сұғурта қийматига бўлган нисбатига мутаносиб равишда тўлашни назарда тутади. Агар сұғурта пули сұғурта қийматидан кам бўлса, кўрилиши мумкин бўлган заарнинг бир қисми сұғурта қилдирувчининг зиммасида қолади.

Мазкур қоида, агар сұғурта шартномасида биринчи хавф тизими назарда тутилган бўлмаса, барча ҳолларда қўлланади.

1. Шарҳланаётган моддада назарда тутилган товон пулини ҳисоблаш усулини «пропорционал қоплаш» деб аталади. У сұғурта қиймати шартномада кўрсатилган ёки кўрсатилмаганидан қатъи назар амалга оширилади. Агар сұғурта қиймати шартномада кўрсатилмаган ва пропорционал қоплашдан кўпроқ суммада товон пули тўлаш назарда тутилмаган бўлса, сұғурталовчи барибир сұғурта қийматининг баҳосига эга бўлиши лозим. Чунки, ошикча товон пули тўлаш, агар у шартномада назарда тутилган бўлмаса, солик санкцияларига олиб келиши мумкин.

Бундан ташқари, қонун чиқарувчи тўлиқ бўлмаган сұғурта фақат мол-мулкни ёки тадбиркорлик хавфини сұғурталашда қўлланиши мумкинлигини белгилаган, бинобарин, бошқа ҳолларда ушбу қоида қўлланилмайди.

### **937-модда. Қўшимча мулкий сұғурта**

Агар мол-мулк ёки тадбиркорлик хавфи фақат сұғурта қийматининг бир қисми миқдорида сұғурталанган бўлса, сұғурта қилдирувчи (наф оловчичи) қўшимча сұғурта қилишга, шу жумладан бошқа сұғурталовчида сұғурта қилишга ҳақли, аммо барча сұғурта шартномалари бўйича умумий сұғурта пули сұғурта қийматидан ошиб кетмаслиги лозим.

**Ушбу модда биринчи қисмининг қоидаларига риоя этмаслик, ушбу Кодекснинг 938-моддасида назарда тутилган оқибатларни келтириб чиқаради.**

1. Қўшимча мулкий сұғуртага зарурият шартнома тузилганидан кейин мол-мулкнинг хақиций қиймати ошганида, у кўпайганида (масалан, сұғурталанган товар туркуми кўпайтирилганида, сұғурта қилдирувчи сұғурта пули борасида янглишганида ва ш.к.) тутилиши

мумкин. Суғурта қилдирувчи ёки наф олувчи мол-мулкни ёки тадбиркорлик хавфини қўшимча суғурта қилишни пропорционал тизим ёки биринчи хавфи тизими бўйича амалга оширишга ҳақли. Бу ерда бошқа суғурталовчи жалб қилиниши ҳам мумкин. Бунда янги шартномада суғурта товони тўлашнинг даставвал назарда тутилганидан бошқача тизими белгиланиши мумкин. Фуқаролик кодексининг 937-моддаси мазмунига кўра, қўшимча суғурта қилишлар ва суғурталовчилар сони чекланмайди.

2. Ушбу коида суғуртанинг фақат икки тури: мол-мулкни ва тадбиркорлик хавфини суғурта қилишга қўлланиши мумкин. Чунки, фақат шу турдаги суғурта шартномалари бўйича суғурта пули суғурта қийматидан ортиқ бўлмаган микдорда белгиланади.

3. Бу коида Фуқаролик кодексининг 940-моддасида баён этилган истисно ҳолатга эга. Фуқаролик кодексининг 940-моддасига берилган шарҳда кўрсатиб ўтилганидек, шарҳланаётган моддада белгиланган коида фақат айни бир суғурта объектини қўшимча суғурта қилиш дастлабки суғурта билан айни бир хавфдан амалга оширилган ҳолдагина қўлланилади. Акс ҳолда Фуқаролик кодексининг 940-моддаси қоидалари қўлланади.

Фуқаролик кодексининг 937-моддаси умумий суғурта пули суғурта қийматидан ошиб кетишига Фуқаролик кодексининг 938-моддасида назарда тутилган оқибатларни қўлланиш хавфи билан йўл қўймайди. Яъни, суғурта шартномасида кўрсатилган суғурта пули суғурта қийматидан ортиқ бўлса, шартнома суғурта пулининг суғурта қийматидан ортиқ бўлган қисмида ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди ва ушбу норма императив хусусиятга эга.

### **938-модда. Суғурта қийматидан ортиқ микдорда суғурта қилиш оқибатлари**

**Агар суғурта шартномасида кўрсатилган мол-мулк ёки тадбиркорлик хавфининг суғурта пули суғурта қийматидан ортиқ бўлса, шартнома суғурта пулининг суғурта қийматидан ортиқ бўлган қисмида ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.**

**Бу ҳолда суғурта мукофотининг ортиқча тўланган қисми қайтариб берилмайди.**

**Агар сұғурта шартномасига мувофиқ сұғурта мукофоти бўлиб-бўлиб тўланса ва ушбу мoddанинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳолатлар аниқланган пайтгача унинг ҳаммаси тўланмаган бўлса, қолган сұғурта бадаллари сұғурта пули миқдорини камайтиришга мутаносиб тарзда камайтирилган миқдорда тўланиши лозим.**

**Агар сұғурта шартномасидаги сұғурта пулинин ошириб юбо-риш сұғурта қилдирувчи томонидан алдашнинг оқибати бўлса, сұғурталовчи шартномани ҳақиқий эмас деб топишни ва ўзига етка-зилган зарар унинг сұғурта қилдирувчидан олган сұғурта пули суммасидан ортиқ миқдорда қопланишини талаб қилишга ҳақли.**

1. Шартнома сұғурта пулининг сұғурта қийматидан ортиқ бўлган қисмида ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаслиги энг аввало сұғурталовчини сұғурта пули сұғурта қийматидан ортиқ бўлган мол-мулк ёки тадбиркорлик хавфини сұғурта қилиш шартномаси бўйича товоң пулинин фақат сұғурта қиймати доирасида тўлашга мажбурлигини англатади.

Сұғурта қийматидан ортиқ миқдорда товоң пули тўлаш Фуқаролик кодексининг 114-моддасида назарда тутилган битимлар ҳақиқий эмаслигининг оқибатларига сабаб бўлади. Бунда сұғурта қилдирувчи олинган сұғурта пулининг ортиқча қисмини Фуқаролик кодексининг 327-моддасига биноан фоизлар билан қайтариб бериши шарт.

Ушбу мoddанинг қоидаси жуда муҳим, чунки битимнинг бир қисмини Фуқаролик кодексининг 128-моддасида назарда тутилганидан бошқача асосларга кўра ҳақиқий эмас деб топиш имкониятини беради. Дарҳақиқат, битимнинг фақат бир қисми ҳақиқий эмас деб топилиши учун Фуқаролик кодексининг 128-моддасига мувофиқ битимга ҳақиқий саналмаган қисм қўшилмаса ҳам у тузилган бўлишини исботлаб бериш талаб этилади.

2. Сұғурта мукофоти таърифлар бўйича ҳисобланиб, (Фуқаролик кодекси 942-моддасининг иккинчи қисми), унинг миқдори ҳам сұғурта пулига боғлик бўлади. Сұғурта пули сұғурта қийматидан ортиқ бўлганида шарҳланётган мoddада сұғурта мукофотини ҳисоблаш учун асос сифатида сұғурта пули эмас, балки сұғурта қиймати олинганида, сұғурта мукофотини тўланиши лозим бўлганидан кўпроқ миқдорда тўлашнинг маҳсус оқибатлари назарда тутилган.

Ушбу қоида билан қонун чиқарувчи сұғурта битими иштирокчиларига тузилган сұғурта шартномаси бўйича тарафларнинг хукукий муносабат-

ларини сақлаб қолиш мақсадида битим шартларига тузатиш киритиш имкониятини берган.

3. Суғурта қилдирувчи суғурта пули ва суғурта қийматининг нисбатини ошириб қўрсатган бўлса, суғурта шартномаси устида низолашиш мумкин. Бу Фуқаролик кодексининг 123-моддаси қоидаларига мувофиқ келади. Бироқ шартнома суғурта пулининг суғурта қийматидан ортиқ бўлган қисмида ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмай қолаверади. Агар алдаш суғурта қилдирувчининг эмас, балки бошқа шахснинг иши бўлса, суғурта шартномаси тегишли қисмида ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди, қолган қисмларида эса ҳақиқий бўлиб қолади. Бу фақат суғурталаш суғурта қилдирувчи кўпайтирган ва шу тариқа суғурта пулини сунъий равишда оширган тўлиқ суғурта қийматини хисобга олиб амалга оширилган ҳолларда юз бериши мумкин.

Суғурта пулининг суғурта қийматидан (ҳақиқий қийматдан) ортиқ бўлишига мулкий суғуртада йўл қўйилмайди, Фуқаролик кодексининг 940-моддасида қўрсатилган турли хилдаги суғурта хавфларидан суғурталаш ҳоллари бундан мустасно. Бунинг акси, тўлиқ зарар кўрилганида, суғурта қилдирувчи ёки наф оловчи суғурталовчининг хисобига асоссиз бойишини англашган бўлур эди.

Шартнома суғурта пулининг ҳақиқий қийматдан (суғурта қийматидан) ортиқ бўлган қисмида қонунга мувофиқ ўз-ўзидан, яъни уни суд шундай деб топишидан қатъи назар ҳақиқий бўлмайди.

Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида бундай битим ҳақиқий бўймаслигининг алоҳида оқибатлари белгиланган: гарчи у реституцияга йўл қўймаса-да, суғурталовчи шартнома бўйича олган суғурта мукофотининг ортиқча қисмини давлат фойдасига ундиришни талаб қилмайди ва унинг ўзида қолдирилади.

Суғурта мукофоти бўлиб-бўлиб тўланса, унинг тўланмаган қисми суғурта пулита мутаносиб тарзда камайтирилади.

Суғурта пулини ошириб юбориш суғурта қилдирувчи томонидан алдашнинг оқибати эканлиги шартнома устида низолашиш имкониятини беради ва Фуқаролик кодексининг 113-моддасига мувофиқ шартнома суғурталовчининг аризасига биноан суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Бунинг оқибатида тўланган суғурта мукофоти суғурта қилдирувчига қайтариб берилмайди ва унга суғурталовчи тўлаган

сұғурта мукофоти суммасидан ортиқ миқдорда күрган заарни қоплаш мажбурияти юкландади.

Фуқаролик кодексининг 938-моддасида белгиланған сұғурта қийматидан ортиқ миқдорда сұғурта қилиш оқибатлари бир сұғурталовчыда сұғурта қилиш учун ҳам, құшалоқ сұғурта учун ҳам умумий хисобланади.

### **939-модда. Құшалоқ сұғурта**

**Ушбу Кодекснинг 938-моддасида назарда тутилған қоидалар сұғурта пули айни битта мол-мулкни ёки тадбиркорлик хавфини икки ёки бир неча сұғурталовчыда сұғурта қилиш (құшалоқ сұғурта) натижасида сұғурта қийматидан ошиб кетған тақдирда ҳам тегишинча суратда құлланилади.**

Мол-мулк ёки тадбиркорлик хавфи құшалоқ сұғурта қилинганда ҳар бир сұғурталовчи сұғурта төвөнини ўзи тузған шартнома доира-сида түлашга мажбур бўлади, бироқ барча сұғурталовчилардан олинган сұғурта төвонларининг умумий суммаси ҳақиқий заардан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Бунда сұғурта қилдирувчи (наф оловчи) сұғурта төвөнини исталған сұғурталовчидан у билан тузилған шартномада назарда тутилған сұғурта пули доирасида олишга ҳақли. Олинган сұғурта төвони ҳақиқий заарни қопламаган тақдирда, сұғурта қилдирувчи (наф оловучи) етишмаётған суммани бошқа сұғурталовчидан олишга ҳақли.

Етказилған заар башқа сұғурталовчилар томонидан қопланғани сабабли сұғурта төвөнини тўлашдан тўлиқ ёки қисман озод қилинган сұғурталовчи сұғурта қилдирувчига сұғурта тўловларининг тегишли қисмини қилинган харажатларни чегирган ҳолда қайтариши шарт.

Ушбу модда қоидалари ҳар бир сұғурталовчи сұғурта қилдирувчи, сұғурталанған шахс ва наф оловчи олдиғаги ўз сұғурта мажбуриятларини, башқа сұғурталовчилар мажбуриятларини бажарғанлигидан қатъи назар, мустақил бажарадиган құшалоқ шахсий сұғуртада құлланилмайди.

1. Мол-мулкни ёки тадбиркорлик хавфини икки ёки бир неча сұғурталовчыда сұғурта қилиш құшалоқ сұғурта сұғурта деб юритилади. Құшалоқ сұғуртада ҳам ҳар бир сұғурталовчи сұғурталанаётған мол-мулкнинг ёки тадбиркорлик хавфининг қийматидан ортиқ миқдорда сұғурта

пулини белгиламаслиги лозим. Яъни, қўшалоқ суғурта шартномасида ҳам суғурта пулининг суғурта қийматидан ортиқ миқдорда тузилганда Фуқаролик кодексининг 938-моддаси талаблари тадбиқ этилади.

**Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 938-моддасида қайд этилганидек**, шартнома суғурта пулининг суғурта қийматидан ортиқ бўлган қисмида ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаслиги энг аввало суғурталовчи суғурта пули суғурта қийматидан ортиқ бўлган мол-мулк ёки тадбиркорлик хавфини суғурта қилиш шартномаси бўйича товон пулини фақат суғурта қиймати доирасида тўлашга мажбурлигини англаради.

Ушбу модданинг қоидаси жуда муҳим, чунки битимнинг бир қисмини Фуқаролик кодексининг 180-моддасида назарда тутилганидан бошқача асосларга кўра ҳақиқий эмас деб топиш имкониятини беради. Дарҳакикат, битимнинг фақат бир қисми ҳақиқий эмас деб топилиши учун Фуқаролик кодексининг 180-моддасига мувофиқ битимга ҳақиқий саналмаган қисм кўшилмаса ҳам у тузилган бўлишини исботлаб бериш талаб этилади.

2. Қўшалоқ суғурта шартномасини тузишда ҳар бир суғурталовчи суғурта ҳодисаси рўй берганида тўланиши лозим бўлган суғурта товонини ўзи тузган шартнома доирасида тўлашга мажбур бўлади. Лекин, ҳар бир суғурталовчидан олинган суғурта товонининг умумий миқдори кўрилган зарар қийматидан ортиқ бўлмаслиги лозим. Масалан, автомобилни суғурта қилинаётган бўлса, автомобилнинг умумий қиймати 10 миллион қилиб баҳолангандан бўлса қўшалоқ суғурта шартномаси бўйича битта суғурталовчи суғурта пулини 7 миллион қилиб белгиласа, иккинчи суғурталовчи 3 миллион миқдорида белгилайди ва шу суғурта пулига нисбатан белгиланган таърифлар асосида суғурта қилдирувчи тўлаши лозим бўлган бадал миқдори хисоблаб чиқилади. Шунингдек, ушбу суғурталанган автомобилга суғурта ҳодисаси рўй бериб автомобил 100 фоиз зарарланса биринчи суғурталовчи 7 миллион доирасида, иккинчи суғурталовчи эса 3 миллион доирасида суғурта товонини тўлаш бўйича мажбуриятни бажаради. Чунки, кўрилган зарар 100 фоизни ташкил этиб, суғурталанган автомобилнинг умумий қиймати 10 миллионни ташкил этади. Агар суғурта пули 10 миллиондан ортиқ миқдорда белгиланса, суғурта шартномасининг 10 миллиондаан ортиқ қисми ҳақиқий ҳисобланмайди. Шунингдек, ҳар икки суғурталовчи томонидан тўланадиган товон миқдори кўрилган зарар миқдорига қараб белгиланади.

3. Қўшалоқ суғурта шартномасида белгиланган суғурта ҳодисаси рўй берганда суғурта қилдирувчи суғурта товонини тўлаш бўйича қўшалоқ суғурта шартномаси тузган ҳоҳлаган суғурта ташкилотига суғурта ҳодисаси натижасида кўрилган зарарни қоплаш бўйича суғурта товонини тўлаш талабини кўйишга ҳақлидир. Агар суғурта қилдирувчи фақат битта суғурта қилдирувчига суғурта товонини тўлаш бўйича талаб кўйилганда тўланган суғурта товони етказилган зарар миқдорини қоплай олмаса етказилган зарарни қолган қисмини қоплаш бўйича суғурта товонини тўлаш талабини иккинчи суғурталовчига кўйиши мумкин.

Бу ҳолда иккинчи суғурталовчи томонидан фақатгина етказилган зарарни биринчи суғурталовчи томонидан қопланмаган кисми тўланади.

4. Қўшалоқ суғурта шартномаси бўйича суғурта ҳодисаси натижасида кўрилган зарар битта суғурталовчи томонидан қопланганлиги сабабли бошқа суғурталовчи суғурта товони тўлашдан озод қилинганда, суғурта товони тўлашдан озод қилинган суғурталовчи суғурта қилдирувчига суғурта шартномаси билан боғлиқ қилинган ҳаражатларни чегирган ҳолда тўланган суғурта бадалларини кайташи шарт.

5. Ушбу модданинг талаблари мустакил бажариладиган қўшалоқ шахсий суғурта шартномаларига тадбиқ этилмайди. Яъни, **хар бир** суғурталовчи суғурта қилдирувчи, суғурталанган шахс ва наф оловчи олдидаги ўз суғурта мажбуриятларини, бошқа суғурталовчилар мажбуриятларини бажарганлигидан қатъи назар, мустакил бажарадиган қўшалоқ шахсий суғуртада ушбу қоидалар қўлланилмайди.

#### **940-модда. Турли хилдаги суғурта хавфларидан мулкий суғурта**

**Мол-мулк ва тадбиркорлик хавфи турли хилдаги суғурта хавфларидан хоҳ битта, хоҳ алоҳида суғурта шартномалари бўйича, шу жумладан турли суғурталовчилар билан тузилган шартномалар бўйича суғурта қилиниши мумкин.**

Бундай ҳолларда барча шартномалар бўйича умумий суғурта пули миқдори суғурта қийматидан ошиб кетишига йўл қўйилади ва тегишли суратда ушбу Кодекснинг 939-моддаси қоидалари қўлланилади.

1. Шархланаётган моддада «турли хилдаги сұғурта хавфларидан мулкий сұғурта» атамаси айни бир манфаатни турли хил воқеалар юз бериши хавфидан сұғурталаш сифатида тушунилиши лозим. Юз бериш хавфидан сұғурталаш амалга оширилаётган воқеалар муайян хавфдан зарар күришдан иборат бўлгани боис, улар бир-биридан ҳам хавфнинг хусусиятига, ҳам кўрилган зарарнинг хусусиятига кўра фарқ қилиши мумкин. Айни пайтда улар иккала белгига кўра ҳам фарқ қилиши мумкин.

Бу турдаги сұғурта шартномаларини тузища сұғурта қилдирувчининг хоҳишига кўра, мол-мулкни ёки тадбиркорлик хавфини бир неча сұғурталовчилар билан битта шартнома орқали сұғурталаши ёки бўлмаса ҳар бири алоҳида сұғурта шартномалари тузиш орқали амалга ошириш мумкин.

Масалан, уйни ёнгин хавфидан сұғурталаш бўйича битта сұғурталовчи билан шартнома тузилса зилзила ёки бошқа хавфлардан сұғурталаш бўйича бошқа сұғурта ташкилотлари билан шартнома тузиш мумкин.

2. Бу турдаги сұғурталашнинг асосий хусусиятларидан бири, қонун чиқарувчи сұғурта хавфларини бирлаштириш имконияти доирасида барча шартномалар бўйича сұғурта пулининг микдори сұғурта қийматидан ортиқ бўлиши мумкинлигига йўл қўяди.

#### **941-модда. Биргаликда сұғурта қилиш**

**Сұғурта обьекти битта шартнома бўйича бир неча сұғурталовчи томонидан ўргада сұғурталаниши мумкин (биргаликда сұғурта қилиш). Агар бундай шартномада сұғурталовчилардан ҳар бири нинг хуқуқ ва мажбуриятлари белгиланмаган бўлса, улар мулкий сұғурта шартномаси бўйича сұғурта товоенини ёки шахсий сұғурта шартномаси бўйича сұғурта пулини тўлаш учун сұғурта қилдирувчи (наф олувчи) олдида солидар жавобгар бўладилар.**

Йирик ва алоҳида йирик хавфларни ўргада сұғурта қилиш учун биргаликда сұғурталовчилар биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартнома асосида оддий ширкатлар (сұғурта шерикчилиги) тузишлари мумкин.

Биргаликда сұғурталовчилар ўртасида тегишли келишув бўлган тақдирда, улардан бири сұғурта қилдирувчи (наф олувчи)нинг олдида фақат ўз улуши учун жавобгар бўлиб қолгани ҳолда, у билан ўзаро

## **муносабатларда барча биргалиқдаги сұғурталовчилар номидан вакил бўлиши мумкин.**

1. Биргалиқда сұғурта қилиш сұғурталовчиларга айни бир сұғурта мажбурияти бўйича ёки битта сұғурта шартномасидан келиб чиқадиган бир нечта сұғурта мажбуриятлари бўйича жавобгарликни бошқа сұғурталовчилар билан бўлишиш имкониятини беради. Қонун кредитор ёки қарздорнинг томонида кўп сонли шахслар бўлган мажбуриятларга йўл кўяди ва бу Фуқаролик кодексида тўғридан-тўғри назарда тутилган.

Тегишли улушлар сұғурталовчилар ўртасида сұғурта шартномасининг ўзида тақсимланган ҳолдагина жавобгарлик улушбай тус олади. Бундан ташкари, жавобгарлик турини (биргалиқда ёки ўз улуси учун) танлаш сұғурталовчилар ўртасидаги аҳдлашув предмети ҳисобланади. Амалиёт улар кўпинча ўз улуси учун жавобгарлик тўғрисида аҳдлашишларини кўрсатади.

2. Баъзан айни бир биргалиқда сұғурта қилиш шартномаси бўйича бир неча хил манфаатлар сұғурталанади. Масалан, қурилиш-монтаж ишларини бажариш хавфларини сұғурта қилиш шартномаси бўйича қурилиш иштирокчиларининг мол-мулки, ҳам уларнинг жавобгарлиги ва тадбиркорлик хавфи сұғурталанади.

Биргалиқда сұғурта қилишда бундай шартномалар бўйича жавобгарликни тақсимлаш имконияти биргалиқда сұғурта қилувчиларда тегишли лицензияларнинг мавжудлигига боғлиқ бўлади. Агар биргалиқда сұғурта қилувчиларнинг ҳаммаси сұғурталанаётган манфаатларнинг барчасини сұғурталаш ҳукуқини берувчи лицензияларга эга бўлса, биргалиқда сұғурталовчиларнинг жавобгарлиги ҳам сұғурта обьектлари бўйича, ҳам айни бир сұғурта обьектига нисбатан тақсимланиши мумкин. Агар биргалиқда сұғурталовчилардан бири бирон-бир турдаги манфаатни сұғурта қилиш ҳукуқини берувчи лицензияга эга бўлмаса, у тегишли обьект бўйича жавобгарлик улушкини ўз зиммасига олиши мумкин эмас. Бироқ амалиёт нуқтаи назаридан бу мураккаб конструкциядир, чунки биргалиқда сұғурта қилиш учун сұғурта обьектларини тақсимлаш эмас, балки сұғурта тўлови хавфларини тақсимлаш муҳимроқдир.

Агар биргалиқда сұғурта қилишга икки ёки бир нечта сұғурта обьектлари айни бир сұғурта шартномаси бўйича бир нечта сұғурталовчиларга берилса, бу ҳолда биргалиқда сұғурта қилиш сұғурталовчилар учун ўз иқтисодий

аҳамиятини йўқотади. Суғурталовчилар учун суғурта товони тўлаш бўйича мажбуриятлар эмас, балки фақат суғурта обьектларини айрим суғурта шартномалари бўйича алоҳида мажбуриятларга доир муносабатларга киришиш йўли билан тақсимлаш ёки битта биргаликда суғурта қилиш шартномаси доирасида фақат суғурта товони тўлаш бўйича жавобгарликни ўртада тақсимлаш қулайроқдир. Яъни, ҳар бир суғурталовчи алоҳида суғурта шартномасини тузгани маъқулроқдир. Агар суғурта қилдирувчи ўзининг шарҳланаётган моддада назарда тутилган солидар талаб қўйиш хуқуқидан фойдаланган, бироқ талабни тегишли турдаги суғуртани амалга ошириш хуқуқини берувчи лицензияга эга бўлмаган биргаликда суғурталовчига қўйган бўлса, биргаликда суғурталовчи шартнома ушбу қисмида ҳақиқий эмаслиги тўғрисида карши дъяво бериши ва шу тариқа суғурта товонининг тегишли қисмини тўлашдан озод бўлиши мумкин.

#### **942-модда. Суғурта мукофоти ва суғурта бадаллари**

**Суғурта мукофоти деганда суғурта қилдирувчи (наф олувчи) суғурта шартномасида белгиланган тартибда ва муддатларда суғурталовчига тўлаши шарт бўлган суғурта хақи тушунилади.**

Суғурталовчи суғурта шартномаси бўйича тўланиши лозим бўлган суғурта мукофоти микдорини белгилашда суғурта обьекти ва суғурта хавфи хусусияти ҳисобга олинган ҳолда ўзи томонидан ишлаб чиқилган, суғурта пули бирлигидан ундириладиган мукофотни аниқлайдиган суғурта таърифларини қўллашга ҳақли.

Конунда назарда тутилган ҳолларда суғурта мукофотининг микдори давлат суғурта назорати органлари томонидан жорий этилган ёки тартибга солинадиган суғурта тарифларига мувофиқ белгиланади.

Агар суғурта шартномасида суғурта мукофотини бўлиб-бўлиб тўлаш назарда тутилган бўлса, шартномада навбатдаги суғурта бадалларини белгиланган муддатларда тўламаслик оқибатлари кўрсатиб қўйилиши мумкин.

Агар суғурта ҳодисаси тўлаш муддати ўтказиб юборилган навбатдаги суғурта бадали тўланишидан олдин юз берган бўлса, суғурталовчи мулкий суғурта шартномаси бўйича тўланиши лозим бўлган суғурта товони ёки шахсий суғурта шартномаси бўйича суғурта

**пули миқдорини суғурта мукофотининг ўзига тўланган қисмига мутаносиб суммада чеклашга ва муддати ўтказиб юборилган суғурта бадали суммасини ҳисобга олишга ҳақли.**

1. Шарҳланаётган моддада суғурта мукофотининг суғурта қилдирувчи (наф оловчи) суғурта шартномасида белгиланган тартибида ва муддатларда суғурталовчига тўлаши шарт бўлган суғурта ҳаки сифатидаги хукуқий табиати аниқ белгилангани мухимдир.

2. Суғурта мукофотини тўлаш тартиби ва муддатлари суғурта шартномасининг мухим шарти ҳисобланади. Бу хуроса шарҳланаётган модданинг суғурта қилдирувчи (наф оловчи) суғурта мукофотини шартномада белгиланган тартибида ва муддатларда тўлаши шартлиги қўрсатилган биринчи қисми мазмунидан бевосита келиб чиқади. Бинобарин, қонунда ушбу шартлар суғурта шартномасида бўлиши зарурлиги белгиланган, яъни улар ушбу шартноманинг мухим шартлари ҳисобланади.

Суғурта мукофотини тўлаш суғурта шартномасида белгиланган тартибига қатъий риоя этган ҳолда амалга оширилиши лозим. Мукофот бир марта ёки бўлиб-бўлиб тўланади. Сўнгги зикр этилган ҳолда тўловлар бадаллар деб аталади. Мукофот ёки биринчи бадални тўлаш муддатини кечикириш назарда тутилиши мумкин.

Бу механизмлардан суғурта шартномаси бўйича ўзаро муносабатларни тартибига солиш учун фойдаланиш жуда қулай. Биринчидан, навбатдаги бадал вактида тўланмаганида шартномада турли хукуқий оқибатлар, ҳатто шартномани бекор қилиш ҳам назарда тутилиши мумкин. Иккинчидан, тўлов муддатини кечикириш механизмидан суғурта қиймати олдиндан маълум бўлмаганида мукофотни ортиқча тўлаш хавфини четлаб ўтиш учун фойдаланиш мумкин.

3. Мукофотнинг бир қисмини тўлаш шартномада суғурта мукофотини бўлиб-бўлиб тўлаш назарда тутилган ҳолдагина суғурта бадали ҳисобланади. Агар шартномада мукофотни бўлиб-бўлиб тўлаш назарда тутилган бўлмаса, мукофотнинг бир қисмини тўлаш суғурта бадали ҳисобланмайди. Шу туфайли ҳам тарафлар мукофотни бўлиб-бўлиб тўлаш тўғрисида шартлашмаган ҳолда мукофотни тўлиқ тўланмаслиги суғурта шартномасини кучга кирмаслигини ифодалайди. Тарафлар мукофотни бўлиб-бўлиб тўлаш тўғрисида шартлашган ҳолда мукофотнинг бир қисмини тўлаш биринчи бадал деб ҳисобланади ва мукофот тўлиқ

тўланмаганига қарамай, биринчи бадални сугурталовчининг хисоб рақамига келиб тушиши билан сугурта шартномаси кучга киришига сабаб бўлади.

Шуни қайд этиш лозимки, сугурта қилдирувчи (наф олувчи) сугурта шартномаси бўйича сугурта мукофотини тўлаши унинг мажбурияти хисобланади ва бу мажбуриятни у лозим даражада бажариши даркор. Бинобарин, сугурта қилдирувчининг (наф олувчи) ушбу мажбуриятни бажармагани уни бажаришдан бош тортиш сифатида қаралиши лозим.

4. Агар сугурта шартномасида назарда тутилган сугурта ҳодисаси тўлаш муддати ўтказиб юборилган навбатдаги сугурта бадали тўланишидан олдин юз берган бўлса, сугурта компанияси тўланмаган сугурта бадалини тўланиши лозим бўлган сугурта товони ёки сугурта пули ўрнига хисобга олишга ҳақли. Ушбу қоида Фуқаролик кодексининг шарҳланаётган моддаси тўртинчи қисмида назарда тутилган. Конун чиқарувчи айни ҳолда сугурталовчига хукук берган, бироқ унга бундай хисобга олишни амалга ошириш мажбуриятини юкламаган.

#### **943-модда. Сугурта шартномасининг ҳақиқий эмаслиги**

**Сугурта шартномаси қўйидаги ҳолларда ўз-ўзидан ҳақиқий эмас: шартнома тузилаётган пайтда сугурта обьекти мавжуд бўлмаса;**

**жинои йўл билан қўлга киритилган, жиноят нарсаси хисобланувчи ёки мусодара қилиниши лозим бўлган мол-мулк мулкий сугурта шартномаси бўйича сугурталангандан бўлса;**

**шартнома бўйича ғайрихуқуқий манфаат сугурталангандан бўлса;**

**сугурта шартномасида сугурта ҳодисаси сифатида юз бериш эҳтимоллиги ва тасодифийлик белгилари бўлмаган воқеа назарда тутилган бўлса.**

**Сугурта шартномаси ушбу Кодексда ва бошқа қонунларда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.**

1. Сугурта шартномалари бошқа турдаги шартномалар каби қўйидаги асосларга кўра ҳақиқий бўлмайди, башарти у:

а) фуқаролик муомала лаёқатига эга бўлмаган ёки муомала лаёқати чекланган шахс билан, шунингдек юридик шахс хукуқига эга бўлмаган ташкилотлар билан тузилган бўлса;

б) муомалага лаёқатли, бирок шартномани тузиш пайтида ўз харакатларининг аҳамиятини тушунишга қодир бўлмаган ҳолатдаги шахслар билан тузилган бўлса;

в) жиноий йўл билан топилган, рўйхатга олинган, хатланган, суд хукмига биноан мусодара қилиниши лозим бўлган мол-мулкка нисбатан тузилган бўлса;

г) суғурта қилдирувчи ғайриқонуний фойда олиш мақсадини кўзлаган ҳолларда, шунингдек ушбу мақсадда суғурта ҳодисаси юз берганидан кейин тузилган бўлса;

д) шартноманинг ёзма шаклига риоя қилмасдан тузилган бўлса.

Мазкур ҳолларда суғурта шартномасининг ҳақиқий эмаслиги суд йўли билан аниқланади.

Фуқаролик кодексининг 943-моддасида суғурта шартномаси ҳақиқий эмаслигининг бошқа шартлари ҳам белгиланган.

2. Ушбу моддага мувофиқ, агар шартнома тузилаётган пайтда суғурта обьекти мавжуд бўлмаса ёки жиноий йўл билан қўлга киритилган, жиноят нарсаси ҳисобланувчи ёки мусодара қилиниши лозим бўлган мол-мулк мулкий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бўлса, шунингдек, шартнома бўйича ғайрихукукий манфаат суғурталанган бўлса ёки суғурта шартномасида суғурта ҳодисаси сифатида юз бериш эҳтимоллиги ва тасодифийлик белгилари бўлмаган воеа назарда тутилган бўлса, суғурта шартномаси ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.

Суғурта шартномасининг ҳақиқий эмас деб топилиши оқибатлари турлича бўлади. Битимни ҳақиқий эмас деб топиш асосларига қараб қуйидаги оқибатлар юз бериши мумкин:

– тарафларнинг ҳар бири бошқасига битим бўйича олган ҳамма нарсани қайтариб бериши лозим;

– тарафлар (ёки бир тараф) битим бўйича олган ҳамма нарса Ўзбекистон Республикасининг даромадига ундирилади;

– тарафлардан бири битим бўйича олган ҳамма нарсани бошқа тарафга қайтаради;

– суғурта шартномаси ёшига кўра ёки руҳий ҳолати бузилгани туфайли муомалага лаёқатсиз суғурта қилдирувчи билан (ёки суд томонидан муомала лаёқати чекланган деб топилган суғурта қилдирувчи билан) тузилган бўлса, ҳар бир тараф бошқа тарафга битим бўйича олинган ҳамма нарсани

қайтаради. Суғурта компанияси эса, бундан ташқари, суғурта қилдирувчига етказилган ҳақиқий зарарни (агар у аниқланган бўлса) қоплайди.

3. Бундан ташқари, ушбу моддада суғурта шартномаси Фуқаролик кодексида ва бошқа қонунларда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаслиги белгиланган. Шуни қайд этиш лозимки, мол-мулкни суғурта қилиш шартномаси суғурта қилдирувчи ёки наф олувчидаги суғурталанган мол-мулкнинг асралишидан манфаат бўлмаганида тузилгани; шахсий суғурта шартномасини бошқа шахс фойдасига тузишга суғурталанган шахснинг ёзма розилиги йўқлиги; суғурта қилдирувчи суғурталовчига суғурта ҳодисаси юз бериши эҳтимолини ва унинг юз берилиши туфайли кутилажак зарап миқдорини аниқлаш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар борасида била туриб ёлғон маълумот бергани; суғурта пулинини ошириб юбориш суғурта қилдирувчи томонидан алдашнинг оқибати бўлса ҳам шартномани ўз-ўзидан ҳақиқий эмас деб топилиши учун асос бўлиши мумкин.

4. Суғурта шартномасидаги суғурта ҳодисасига қўйиладиган талаблардан бири бу унинг содир бўлишининг эҳтимоллиги ёки тасодифийлигидир. Агар суғурта шартномасида назарда тутилаётган суғурта ҳодисасида ана шу белгилар мавжуд бўлмай, унинг содир этилиши аниқ ва равшан бўлса бу суғурта шартномаси ҳам ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди. Ушбу моддада бундай талабнинг белгиланиши суғурта шартномаларини даромад ортириш манбаига айланишини олдини олишдир. Яъни, суғурта қилдирувчи томонидан аниқ бўлиб турган суғурта ҳодисасини шартномада белгилаб, келгусида уни келиб чиқишига ўзи имкон яратиб суғурта товонини олиш ҳолатларини олдини олишдан иборатдир.

5. Суғурта шартномаси қонунларда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди. Яъни, Фуқаролик кодексининг 927-моддасига мувофиқ, ёзма шаклга риоя этмаслик барча турдаги суғурта шартномаларининг ҳақиқий саналмаслигига сабаб бўлади, мажбурий давлат суғуртаси бундан мустасно. Фуқаролик кодекси 938-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, мол-мулкни ёки тадбиркорлик хавфини суғурта қилиш шартномалари бўйича суғурта пули суғурта қийматидан ортиқ бўлса, шартнома суғурта пулининг суғурта қийматидан ортиқ бўлган қисмida ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди. Бу ҳолда суғурта мукофотининг ортиқча тўланган қисми суғурта қилдирувчига қайтариб берилмайди.

## **944-модда. Суғурталанган шахсни алмаштириш**

**Зарар етказганлик учун жавобгарлик ҳавфини суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта қилдирувчидан бошқа шахснинг жавобгарлиги суғурталанган холларда, шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, суғурта қилдирувчи бу шахсни суғурта ходисаси юз бергунча исталган вақтда, суғурталовчини ёзма равишда хабардор қилиб, бошқа шахсга алмаштиришга ҳақли.**

**Шахсий суғурта шартномасида кўрсатилган суғурталанган шахс суғурта қилдирувчи томонидан шу суғурталанган шахс ва суғурталовчининг розилиги билангина бошқа шахсга алмаштирилиши мумкин.**

1. Суғурта қилдирувчилар ҳисобланмайдиган суғурталанган шахслар суғуртанинг мулкий суғуртадан бошқа турларида учрайди. Суғурта шартномасининг суғурталанган шахс тўғрисидаги шарти тарафлар ўртасида шартномани тузиш пайтида келишилади. Шартномаларнинг аксарият турлари учун суғурталанган шахсни алмаштиришга тарафларнинг келишувга биноан йўл қўйилади, бироқ зарар етказганлик учун жавобгарликни суғурта қилиш ва шахсий суғурта шартномалари учун шархланаётган моддада бундай алмаштиришни маҳсус тартибга солиш назарда тутилган.

Зарар етказганлик учун жавобгарликни суғурта қилишда суғурта қилдирувчи суғурталанган шахсни бир тарафлама тартибда, бироқ суғурталовчини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда алмаштиришига рухсат берилган. Бошқача қилиб айтганда, суғурталовчи алмаштириш ҳакида билишининг ёзма далили талаб этилади. Оғзаки далилга йўл қўйилмайди ва низо чиққанида суд гувоҳларнинг кўрсатувларини қабул килмайди.

Қонун чиқарувчи суғурталанган шахсни алмаштириш тартиб-тао-милларига бу даражада расмий тус бергани шу билан белгиланадики, зарар етказганлик учун жавобгарликни суғурта қилиш шартномасида кўрсатилган суғурталанувчининг шахси суғурталовчи учун унинг соғлиғи холатига ҳамда унинг ҳаёти ва соғлиғи билан боғлиқ бўлган бошқа ҳавфли холатларга суғурта мукофотини тўғри ҳисоблаш мақсадида баҳо бериш учун муҳим аҳамиятга эгадир.

2. Шахсий сүгурта шартномасида нафакат сүгурталанган шахсни бир тарафлама тартибда алмаштиришга йўл қўйилмайди, балки алмаштириш учун шартнома тарафларининг икки томонлама розилиги ҳам кифоя қилмайди — бунга сүгурталанган шахснинг розилиги талаб этилади. Айни ҳол авваламбор шахсий сүгурта шартномасининг сүгурталанган шахс фойдасига ва унинг манфаатида тузилганлигини ифодалайди.

Шахсий сүгурта шартномаси бўйича шахсни алмаштиришга сүгурталанувчи ва сүгурталовчининг розилиги олиниши шарт. Ушбу қоидаларга риоя этилмаган ҳолда шартнома ўзгартирилмаган деб ҳисобланади. Сүгурталанган шахснинг розилигини ифодалаш шакли ушбу моддада белгиланмагани боис, бу ерда Фуқаролик кодекси 927-моддасининг сүгурта шартномасининг ёзма шакли тўғрисидаги қоидалари қўлланиши лозим. Бинобарин, розилик ёзма шаклда ифодаланиши даркор.

### **945-модда. Наф оловчини алмаштириш**

**Сүгурта қилдирувчи сүгурта шартномасида кўрсатилган наф оловчини бошқа шахсга, бу ҳақда сүгурталовчини ёзма равишда хабардор килиб, алмаштиришга ҳақли. Шахсий сүгурта шартномаси бўйича сүгурталанган шахснинг розилиги билан тайинланган наф оловчини алмаштиришга фақат шу шахснинг розилиги билан йўл қўйилади.**

**Наф оловчи сүгурта шартномаси бўйича биронта мажбуриятни бажарганидан ёки сүгурта товонини ёхуд сүгурта пулини тўлаш тўғрисида сүгурталовчига талаб қўйганидан кейин у бошқа шахс билан алмаштирилиши мумкин эмас.**

1. Шарҳланётган моддада наф оловчини алмаштириш имконияти назарда тутилган бўлиб, у ўз хусусиятларига эга. Сүгурталанган шахс каби, наф оловчи ҳам сүгурта шартномасида учинчи шахс ҳисобланади. Шу туфайли ҳам сүгурта шартномасида учинчи шахсни алмаштириш тартиби фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларида учинчи шахс ҳуқуқий ҳолатининг умумий қоидалари билан мувофиқ келиши лозим.

Сүгурта қилдирувчи наф оловчини эркин алмаштириши имкониятини чеклаш фақат шахсий сүгурта учун назарда тутилган. Сүгурталовчилар баъзан шарҳланётган модданинг ушбу қоидасини янглиш тушуниб,

шахсий сұғурта шартномалари бўйича сұғурта қилдирувчи сұғурталанган шахснинг розилиги билан эмас, балки сұғурталанган шахснинг ўзи тайинлаган ёки алмаштирган наф олувчиларга тўловларни амалга оширади. Бундай тўловлар қонуний эмас, чунки сұғурталанган шахслар шартнома тарафлари хисобланмайдилар ва уларнинг фикри шартнома шартларини ўзгартириш учун асос бўлиб хизмат қила олмайди.

Бироқ, шарҳланаётган моддада белгиланган наф олувчини эркин алмаштириш тартиби мулкий сұғурта шартномалари учун таалуқли эмасдир. Мол-мулкни сұғурта қилиш шартномасида наф олувчи мол-мулкнинг асралишидан манфаатдор бўлиши лозим. Яъни, наф олувчини алмаштиришга факат янги учинчи шахс — наф олувчидаги сұғурта манфаати мавжуд бўлган холдагина йўл кўйилади. Жавобгарликни сұғурта қилиш шартномаларида наф олувчи қонунга мувофиқ тайинланади ва тарафлар хукмига биноан алмаштирилиши мумкин эмас. Тадбиркорлик хавфини сұғурта қилиш шартномасида наф олувчи умуман мавжуд эмас.

2. Наф олувчи сұғурта шартномаси бўйича биронта мажбуриятни бажарганидан ёки сұғурта товонини ёхуд сұғурта пулини тўлаш тўғрисида сұғурталовчига талаб кўйганидан кейин уни бир тарафлама тартибда алмаштириш имконияти йўқолади.

3. Шарҳланаётган моддада наф олувчини бир тарафлама тартибда алмаштириш қоидаларини белгилаб кўйилганлиги унга тарафларнинг келишуви билан алмаштириш ҳам киришини англатмайди. Наф олувчини тарафларнинг келишувига биноан алмаштириш имконияти факат Фуқаролик кодексининг 945-моддаси иккинчи қисми билан тартибга солинади. Ушбу нормага мувофиқ, наф олувчи сұғурта шартномаси бўйича биронта мажбуриятни бажарганидан ёки сұғурта товонини ёхуд сұғурта пулини тўлаш тўғрисида сұғурталовчига талаб кўйганидан кейин у бошқа шахс билан алмаштирилиши мумкин эмас.

#### **946-модда. Сұғурта қилдирувчини алмаштириш**

**Мол-мулкни сұғурталаш шартномасини тузган сұғурта қилдирувчи вафот этган тақдирда, сұғурта қилдирувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бу мол-мулкни мерос тартибida қабул қилиб олган шахсга ўтади. Мулк ҳуқуқи ўтишининг бошқа ҳолларида сұғурта қилдирувчининг**

хуқуқ ва мажбуриятлари, агар шартномада ёки қонун хужжатларида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, сұғурталовчининг розилиги билан янги мулкдорга ўтади.

Шахсий сұғурта шартномасини сұғурталанган шахс фойдасига тузган сұғурта қилдирувчи вафот этган тақдирда, ушбу шартнома билан белгиланадиган хуқуқ ва мажбуриятлар сұғурталанган шахснинг розилиги билан унга ўтади. Сұғурталанган шахс сұғурта шартномаси бўйича мажбуриятларини бажариши мумкин бўлмаса, унинг хуқуқлари ва мажбуриятлари қонун хужжатларига мувофиқ унинг хуқуқ ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилувчи шахсларга ўтиши мумкин.

Агар сұғурта шартномасининг амал қилиш даврида сұғурта қилдирувчи суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилса, бундай сұғурта қилдирувчининг хуқуқ ва мажбуриятларини унинг васии ёки ҳомийси олади. Бунда сұғурта қилдирувчининг учинчи шахслар олдидаги жавобгарлиги сұғуртаси унинг муомала лаёқати тугаган ёки чекланган пайтдан бошлаб туғайди.

Юридик шахс бўлган сұғурта қилдирувчи сұғурта шартномаси даврида қайта ташкил этилганида унинг ушбу шартнома бўйича хуқуқ ва мажбуриятлари сұғурталовчининг розилиги билан тегишли хуқуқий ворисга ушбу Кодексда белгиланган тартибда ўтади.

1. Сұғурта қилдирувчи сұғурта шартномасининг тарафи ҳисобланади ва сұғурта ҳар доим унинг манфаатларига кўра амалга оширилади. Бироқ айрим ҳолларда уни алмаштиришга йўл қўйилади. Масалан, мол-мулкни сұғурталаш шартномасини тузган сұғурта қилдирувчи вафот этган тақдирда, сұғурта қилдирувчининг хуқуқ ва мажбуриятлари бу мол-мулкни мерос тартибida қабул қилиб олган шахсга ўтади. Мулк хуқуқи ўтишининг бошқа ҳолларида сұғурта қилдирувчининг хуқуқ ва мажбуриятлари, агар шартномада ёки қонун хужжатларида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, сұғурталовчининг розилиги билан янги мулкдорга ўтади. Шахсий сұғурта шартномасини сұғурталанган шахс фойдасига тузган сұғурта қилдирувчи вафот этган тақдирда, ушбу шартнома билан белгиланадиган хуқуқ ва мажбуриятлар сұғурталанган шахснинг розилиги билан унга ўтади. Сұғурталанган шахс сұғурта шартномаси бўйича мажбуриятларини

бажариши мумкин бўлмаса, унинг хукуqlари ва мажбуриятлари қонун хужжатларига мувофиқ унинг хукуқ ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилувчи шахсларга ўтиши мумкин. Агар сугурта шартномасининг амал қилиш даврида сугурта қилдирувчи суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилса, бундай сугурта қилдирувчининг хукуқ ва мажбуриятларини унинг васийи ёки ҳомийси олади. Бунда сугурта қилдирувчининг учинчи шахслар олдидаги жавобгарлиги сугуртаси унинг муомалага лаёқатсизлиги бошланган ёки чекланган пайтдан бошлаб тугайди. Юридик шахс бўлган сугурта қилдирувчи сугурта шартномаси даврида қайта ташкил этилганида, унинг ушбу шартнома бўйича хукуқ ва мажбуриятлари сугурталовчининг розилиги билан тегишли хукукий ворисга Фуқаролик кодексида белгиланган тартибда ўтади.

2. Шахсий сугурта шартномасини сугурталанган шахс фойдасига тузган сугурта қилдирувчи вафот этган тақдирда, ушбу шартнома билан белгиланадиган хукуқ ва мажбуриятлар сугурталанган шахсга, бироқ унинг розилиги билан ўтади. Сугурталанган шахс сугурта шартномаси бўйича мажбуриятларини бажариши мумкин бўлмаса (масалан, сугурталанган шахс вояга етмаган бўлса), унинг хукуклари ва мажбуриятлари қонун хужжатларига мувофиқ унинг хукуқ ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилувчи шахсларга ўтиши мумкин.

Сугурта турига қараб сугурталанган шахс ҳам алмаштирилиши мумкин. Масалан, зарап етказганлик учун жавобгарликни сугурта қилиш шартномаси бўйича сугурта қилдирувчидан бошқа шахснинг жавобгарлиги сугурталанган бўлса, у, шартномада бошқача тартиб назарда тутилмагани боис, сугурта ҳодисаси юз бергунга қадар исталган вақтда ушбу шахсни бошқа шахс билан сугурталовчини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда алмаштиришга ҳақли. Шахсий сугурта шартномасида, шунингдек мол-мulkни сугурта қилиш шартномасида кўрсатилган, сугурта қилдирувчи хисобланмаган сугурталанган шахс факат сугурталовчи ва сугурталанган шахснинг розилиги билан алмаштирилиши мумкин.

3. Фуқаролик кодекси 946-моддасининг учинчи қисмида сугурта қилдирувчи муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганида уни алмаштириш шартларини тартибга солувчи қоида белгиланган. Агар сугурта шартномасининг амал қилиш даврида сугурта қилдирувчи суд томонидан муомалага лаёқатсиз (Фуқаролик кодексининг

30-моддасига биноан) ёки муомала лаёқати чекланган (Фуқаролик кодексининг 31-моддасига биноан) деб топилса, бундай суғурта қилдирувчининг хуқуқ ва мажбуриятларини унинг васийи ёки ҳомийси олади. Бунда суғурта қилдирувчининг учинчи шахслар олдидағи жавобгарлиги суғуртаси унинг муомала лаёқати тугаган ёки чекланган пайтдан бошлаб, яъни суднинг фуқарони муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топиш түғрисидаги қарори қонуний кучга кирганида тугайди.

4. Юридик шахс бўлган суғурта қилдирувчи суғурта шартномаси даврида қайта ташкил этилганида унинг ушбу шартнома бўйича хуқуқ ва мажбуриятлари суғурталовчининг розилиги билан тегишли хуқукий ворисга ўтади.

Бунда агар суғурталовчини бошқа суғурталовчига кўшиб юборилганда бу суғурталовчининг хуқуқ ва мажбуриятлари топшириш хужжатига асосан ўтади.

Суғурталовчи бўлинган ҳолда унинг хуқуқ ва бурчлари тақсимлаш балансига мувофиқ янгидан вужудга келган суғурталовчиларга ўтади.

Суғурталовчи таркибидан бир ёки бир неча юридик шахс ажралиб чиқканда қайта ташкил этилган суғурталовчиларнинг хуқуқ ва бурчлари тақсимлаш балансига мувофиқ уларнинг ҳар бирига ўтади.

Агар суғурталовчи бир турдаги суғурта компаниясидан бошқа турдаги суғурта компаниясига айлантирилса, яъни унинг ташкилий — хуқукий шакли ўзгаририлганда қайта ташкил этилган суғурталовчининг хуқуқ ва бурчлари топшириш хужжатига мувофиқ, янгидан вужудга келган суғурталовчига ўтади.

#### **947-модда. Суғурта шартномаси амал қилишининг бошланиши**

**Суғурта шартномаси, агар унда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, суғурта мукофоти ёки биринчи бадал тўланган пайтда кучга киради.**

**Агар шартномада суғурта амал қилиши бошланишининг бошқача муддати назарда тутилмаган бўлса, шартномада шартлашилган суғурта суғурта шартномаси кучга кирганидан кейин юз берган суғурта ҳодисаларига нисбатан татбиқ этилади.**

1. Суғурта шартномаси ҳақ бараварига тузиладиган шартномалар турига мансуб реал шартнома ҳисобланади. Яъни, уни кучга кириши учун суғурта қилдирувчи томонидан биринчи суғурта бадалини тўлашининг ўзи

кифоя қиласы. Шуны таъкидлаб ўтиш лозимки, шархланаётган моддада конун чиқарувчи шартноманинг консенсуаллиги ҳақида сўз юритмайди, балки суғурта муносабатларида икки хил муддатни белгилайди. Амалда шартнома аксарият ҳолларда реал бўлади, бироқ айрим ҳолларда суғурта шартномаси консенсуал бўлиши ҳам мумкин. Яъни, консенсуал шартномалар мажбурий суғурта шартномаларига хос бўлиб, улар тузилган вақтдан кучга киради ва тарафлар учун уни бажариш мажбурий ҳисобланади. Суғурта килдирувчи томонидан шартномада белгиланган суғурта бадали тўланмаганда суғурталовчи томонидан мажбурий ундириб олинади.

Ушбу моддада суғурта шартномасининг амал қилиши билан уни кучга кириши ҳолатларини фарқлади. Яъни, суғурта шартномаси кучга киргандан кейин юз берган суғурта ҳодисасилларига тадбиқ этилади. Бундан кўриниб турибдик, суғурта шартномаси тузилган вақтдан амал қилишни бошласада, суғурталовчининг мажбурияти суғурта бадали тўлангандан кейин вужудга келади.

Умумий қоидага биноан шартноманинг амал қилиши у тузилган пайтдан бошланади ва бундан олдинги муносабатларга татбиқ этилиши ҳам мумкин. Бироқ Фуқаролик кодексининг 425-моддасида тузилган шартноманинг кучга киришини кечга суриш имконияти назарда тутилмаган. Шархланаётган модданинг қоидаси тарафларга бундай хукуқни беради.

2. Фуқаролик кодексининг умумий қоидасига биноан тарафлар шартноманинг амал қилишини бундан олдинги ўзаро муносабатларга татбиқ этишлари мумкин. Масалан, улар илгари тўланган пул суммаси суғурта мукофоти ҳисобланиши ёки суғурта ҳимоясининг амал қилиши шартнома тузилган пайтдан бошланиши ҳақида аҳдлашишлари мумкин.

3. Суғурта шартномаси тарафлари суғурта мажбурияти шартноманинг амал қилиш даврида юз берган суғурта ҳодисаларининг барчасига эмас, балки маълум вақтдан кейин юз берган суғурта ҳодисаларигагина татбиқ этилишини назарда тутишлари мумкин. Суғурта ҳимояси (суғурта) амал қилиши бошланишининг шартнома кучга киришидан фарқи шундаки, кучга кириш пайти барча мажбуриятларга, суғурта амал қилишининг бошланиш пайти эса — фақат суғурта мажбуриятига тегишлайди.

Суғурта ҳимоясининг тугаш муддати шартноманинг муҳим шарти ҳисобланади. Ушбу муддатдан кейин юз берган суғурта ҳодисалари бўйича суғурта товони тўлаш амалга оширилмайди.

## **948-модда. Суғурта шартномасининг муддатидан илгари бекор бўлиши**

**Суғурта шартномаси, агар у кучга кирганидан кейин суғурта ходисаси юз бериши эҳтимоли йўқолган ва суғурта хавфининг мавжуд бўлиши суғурта ҳодисасидан бошқа ҳолатлар бўйича тугаган бўлса, тузилган муддати келишидан олдин бекор бўлади. Қуйидагилар шундай ҳолатлар жумласига киради, чунончи:**

**суғурталанган мол-мулкнинг юз берган суғурта ҳодисасидан бошқа сабабларга кўра нобуд бўлиши;**

**тадбиркорлик хавфини ёки ана шу фаолият билан боғлиқ фуқаровий жавобгарлик хавфини суғурталаган шахснинг тадбиркорлик фаолиятини белгиланган тартибда тўхтатиши.**

**Суғурта шартномаси ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳолатлар бўйича муддатидан олдин бекор бўлганда, суғурталовчи суғурта мукофотининг бир қисмини суғурта амал қилган вақтга мутаносиб равишда олиш ҳуқуқига эга.**

**Суғурта қилдирувчи (наф оловчи), агар воз кечиши пайтига келиб суғурта ҳодисанинг юз бериш эҳтимоли ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳолатлар бўйича йўқолмаган бўлса, суғурта шартномасини бажаришдан истаган пайтида воз кечишига ҳақли.**

**Суғурта қилдирувчи (наф оловчи) суғурта шартномасидан муддатидан илгари воз кечган тақдирда, суғурталовчига тўланган суғурта мукофоти, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, қайтариб берилмайди.**

**1. Шарҳланайтган модданинг матнидан суғурта шартномасининг муддатидан илгари бекор бўлиши асослари рўйхати фақат мазкур моддада келтирилган икки бандни ўз ичига оладими ёки бошқа қонун хужжатлари ва шартномаларда бошқа асослар назарда тутилиши ҳам мумкинми, деган саволга аниқ жавоб олиш мумкин эмас.**

**Агар шарҳланайтган моддада келтирилган рўйхат узил-кесил деб қабул қилинса, шартномада белгиланган унинг муддатидан илгари бекор бўлиши асослари тўғрисидаги қоидалар кўлланиши мумкин эмас. Бошқача ёндашувда ҳам шарҳланайтган модда амал қилади, ҳам шартноманинг**

муддатидан илгари бекор бўлишининг бошқа асосларини шартномада назарда тутиш имконияти мавжуд бўлади.

Ушбу модда талабига кўра сугурта шартномасининг муддатидан олдин бекор бўлишига сугурталанган мол-мулкнинг юз берган сугурта ҳодисасидан бошқа сабабларга кўра нобуд бўлиши ҳам асос қилиб кўрсатидади. Масалан, уй-жой ёнғиндан ёки зил-зила хавфидан сугурталанган бўлсада, бу сугурталанган уй-жой сув босиши натижасида нобуд бўлса сугурталанган объектнинг сугурта ҳодисаси билан боғлик бўлмаган ҳолда нобуд бўлганлигини инобатга олиб шартнома муддатидан олдин бекор қилинади. Худди шунингдек, тадбиркорлик таваккалчилигини ёки ана шу фаолият билан боғлик фуқаровий жавобгарлик хавфини сугурталаган шахснинг тадбиркорлик фаолиятини белгиланган тартибда тўхтатиши ҳам сугурта шартномасини муддатидан олдин бекор қилишга асос бўлади.

2. Сугурта шартномаси сугурталанган мол-мулкнинг юз берган сугурта ҳодисасидан бошқа сабабларга кўра нобуд бўлганда, тадбиркорлик хавфини ёки ана шу фаолият билан боғлик фуқаровий жавобгарлик хавфини сугурталаган шахснинг тадбиркорлик фаолиятини белгиланган тартибда тўхтатиши натижасида муддатидан олдин бекор қилинганда сугурталовчи сугурта шартномаси амал қилган муддатга мутаносиб равишда сугурта мукофотини олиш хуқуқига эга бўлади. Масалан, агар сугурта шартномаси бўйича 100 минг сўм сугурта бадали сугурталовчи томонидан бир йиллик сугурта шартномаси учун тўланган бўлса, сугурта шартномаси юкоридаги ҳолатлар асосида шартноманинг 6 ойида бекор қилинса сугурталовчи 100 минг сўм сугурта бадалини 12 ойга бўлиб натижада чиққан сўммани 6 ойга кўпайтириб ушлаб қолиши лозим бўлган сугурта мукофоти микдорини аниқлайди. Чунки, сугурта шартномаси 6 ой амал қилганлиги инобатга олинади.

3. Сугурта манфаати йўқолганида шартнома бекор бўлишини назарда тутувчи императив қоидани белгилар экан, қонун чиқарувчи манфаатнинг мавжудлиги ва сугурта шартномасининг амал қилиши ўртасидаги узвий алоқага яна бир карра ургу беради. Бироқ шартнома манфаатнинг ҳар қандай йўқолганида бекор бўлмайди. Агар сугурта қилдирувчи (наф оловучи) сугурталанган мол-мулкка бўлган хуқуқни йўқотган бўлса, унинг манфаати йўколади, аммо сугурта шартномаси бекор бўлмайди. Чунки, ушбу мол-мулк билан боғлик манфаат бошқа шахсда пайдо бўлади. Бундай вазият фақат мол-мулкни сугурта қилишда юзага келиши мумкин. Сугуртанинг бошқа

турларида сугурталанган шахсда манфаатнинг йўқолиши сугурта химоясининг бошқа шахсга ўтишига олиб келмайди ва шартнома бекор бўлмайди.

4. Агар сугурта шартномаси бўйича сугурталанган мол-мулкнинг сугурта ходисасидан бошқа ҳолатлар бўйича нобуд бўлиш хавфи хали бартараф этилмаган бўлса сугурта қилдирувчи (наф оловчи) воз кечиш пайтига келиб сугурта шартномасини бажаришдан истаган пайтида воз кечишга ҳақли бўлади. Бундай ҳолда сугурта қилдирувчига сугурта бадали қайтариб берилмайди. Бошқа ҳар қандай шартнома каби, сугурта шартномаси ҳам тарафларнинг келишуви билан муддатидан илгари бекор бўлиши мумкин.

Сугурта қилдирувчи ёки сугурталовчи шартномани бажаришдан бир тарафлама воз кечганида ҳам, шартнома тарафларнинг келишувига биноан бекор бўлганида ҳам тўланган мукофот, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган ёки қонунда бошқача қоида белгиланган бўлмаса, қайтариб берилмайди.

#### **949-модда. Суғурта шартномасининг амал қилиш даврида суғурта хавфининг ортиши оқибатлари**

**Мулкий суғурта шартномасининг амал қилиш даврида суғурта қилдирувчи (наф оловчи) шартнома тузилаётганда сугурталовчига маълум қилинган ҳолатларда юз берган, ўзига маълум бўлган муҳим ўзгаришлар тўғрисида, агар бу ўзгаришлар сугурта хавфи ортишига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин бўлса, сугурталовчига дарҳол хабар қилиши шарт. Суғурта шартномасида (суғурта полисида) ва сугурта қилдирувчига берилган сугурта қоидаларида айтиб қўйилган ўзгаришлар муҳим деб ҳисобланади.**

Суғурта хавфи ортишига сабаб бўладиган ҳолатлар тўғрисида хабардор қилинган сугурталовчи сугурта шартномасининг шартларини ўзгартиришни ёки хавф ортишига мутаносиб равишда қўшимча сугурта мукофоти тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Агар сугурта қилдирувчи (наф оловчи) сугурта шартномасининг шартлари ўзгартирилишига ёки сугурта мукофотига қўшимча тўлашга эътиroz билдиrsa, сугурталовчи ушбу Кодекснинг 28-бобида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ шартномани бекор қилишни талаб этишга ҳақли.

**Суғурта қилувчи ёхуд наф олувчи ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган мажбуриятини бажармаган тақдирда, суғурталовчи суғурта шартномасини бекор қилишни ва шартномани бекор қилиш туфайли етказилган зарар қопланишини талаб этишга ҳақли.**

**Суғурталовчи, агар суғурта хавфи ортишига сабаб бўладиган холатлар йўқолган бўлса, суғурта шартномасини бекор қилишни талаб этишга ҳақли эмас.**

**Шахсий суғуртада, суғурта шартномасининг амал қилиши даврида ушбу модданинг иккинчи, учинчи ва тўргинчи қисмларида кўрсатилган суғурта хавфининг ўзгариши оқибатлари, агар улар шартномада тўғридан-тўғри кўрсатилган бўлсагина, юзага келиши мумкин.**

1. Суғуртага қабул қилинган хавфда юз берган муҳим ўзгаришларнинг барчаси ҳақида суғурталовчига хабар қилиш мажбурияти суғурта килдирувчи ёки наф олувчи томонидан сўзсиз, яъни бу шартномада кўрсатилгани ёки кўрсатилмаганидан қатъи назар бажарилиши лозим. Бундай ўзгаришлар ҳақида суғурталовчига дарҳол — улар суғурта килдирувчи ёки наф олувчига маълум бўлгани заҳоти хабар берилиши керак. Маълумотларни узатиш учун тезкор алоқа замонавий воситала-ридан фойдаланилиши лозим. Суғурта килдирувчи ёки наф олувчи ушбу мажбуриятни бажаришдан, агар бундай маълумотлар уларга маълум бўлмаса ва маълум бўлиши мумкин ҳам бўлмаса, озод қилинади.

Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида айтилган суғурта шартномасининг шартлари — бу суғурта пули, суғурта ҳодисасининг хусусияти, шартноманинг амал қилиш муддати, суғурталанган мол-мулк рўйхати ва суғурта товони тўлаш эҳтимоли ва имконияти боғлиқ бўлган бошқа шартлардир. Суғурталовчи бу шартлардан бирини, ёки уларнинг ҳар қандай бирикмасини ўзгартиришни талаб қилишга ҳақли.

Ушбу норма суғурта шартномасида (суғурта полисида) ва суғурта килдирувчига берилган суғурта қоидаларида муҳим ўзгаришлар белги-лаб қўйилишини кўрсатади. Амалда муҳим ўзгаришлар рўйхати суғурта килдирувчи томонидан ишлаб чиқилади ва белгиланади. Қўйидаги ўзгаришларни кўрсатиш мумкин:

Мулкий суғурта шартномасининг амал қилиш даврида суғурта килдирувчи (наф олувчи) суғурталовчига қўйидагиларни дарҳол хабар қилиши шарт:

- сұғурталанған мол-мұлқ бошқа шахсга ўтгани ёки мол-мұлқ гаровга ёки ижарага берилгани ҳақида;
- мол-мұлкнинг бир жойдан бошқа жойга құчиши, иморатни қайта куриш ёки қайта жиҳозлаш ёхуд улардан бошқа мақсадларда фойдаланиш ҳақида;
- ишлаб чиқариш тұхтатилгани ёки унинг хусусияти ўзгарғани ҳақида;
- мол-мұлкнинг шикастланғани ёки нобуд бўлгани ҳақида;
- сұғурталанған иморатда шунингдек унинг яқинида ёнувчан, портловчи моддалар ёки ашёлар сақланиши ҳақида ва х.к.

Бироқ, юкорида санаб ўтилган шартлардан бири ёки бир нечтасини ўзгартиришни талаб қылғач, сұғурталовчи құшимча сұғурта мукофоти тұлашни талаб қилишга ҳақли эмас. Шархланаёттан модданинг иккинчи кисміда «ёки» боғловчиси ажратувчи маънода ишлатилған.

Сұғурта хавфи ортишига сабаб бўлувчи ҳолатлар ўтиб кетган бўлса, сұғурталовчидаги юкорида зикр этилган ҳуқуқлар йўқолади.

**2. Шартноманинг шартларини ўзгартиришни ёки құшимча мукофотни тұлашни талаб қилиш ҳуқуқи шартномани ўзгартиришни Фуқаролик кодексининг 28-бобида белгиланған мажбурий тартибда талаб қилиш ҳуқуқини англатмайди. Яъни, ушбу бобнинг талабига кўра фақатгина уни мажбурий тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлади.**

Фуқаролик кодексининг мазмунига кўра, сұғурталовчи тарафлар сұғурта қилдирувчининг вазифаларини бажаришни кимга юклаганларига қараб тегишли талабни сұғурта қилдирувчи ва (ёки) наф олувчига юбориши лозим. Шартларни ўзгартириш ёки құшимча мукофот тұлаш талаби юборилған шахс рад жавобини берган тақдирда, сұғурталовчи шартнома шартларини ФКда белгиланған мажбурий тартибда ўзгартириш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқини олмайди, бироқ шартномани мажбурий тартибда бекор қилиш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқини олади.

**3. Сұғурталовчи, агар сұғурта хавфи ортишига сабаб бўладиган ҳолатлар йўқолган бўлса, яъни сұғурта шартномасида белгиланған обьектга зарар етказиши мумкин бўлган хавф бартараф этилган бўлса, сұғурта шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш талабини қўйишга ҳақли эмас.**

3. Шархланаёттан моддада белгиланған ҳуқуқлар сұғурталовчига фақат мулкий сұғурта шартномалари учун берилади. Шахсий сұғуртада

сұғурта қилдирувчининг сұғурта хавфида юз берган, унинг ортишига олиб келадиган ҳолатлар түғрисида сұғурталовчини хабардор қилиш мажбуриятини бузиши оқибатлари мулкй сұғуртадан анча фарқ қиласы. Бу ҳолда наф олувчининг розилиги кифоя қымайты. Чунки, фақат сұғурта қилдирувчи шартноманинг тарафи хисобланади ва унинг шартлари билан наф олувчи эмас, балки фақат сұғурта қилдирувчи келишишга ҳақлы.

Юқорида баён этилғанлар тарафлар шартномада сұғурта ҳодисаси юз бериши әхтимолининг ортиши ёки сұғурта товони миқдори ошининг бошқа оқибатларини назарда тутишлари мумкин эмаслыгини англатмайды.

### **950-модда. Сұғурталанған мол-мұлкка бўлган ҳуқуқларнинг бошқа шахсга ўтиши**

**Сұғурталанған мол-мұлкка бўлган ҳуқуқлар сұғурта шартномаси тузилганида манфаати назарда тутилган шахсдан бошқа шахсга ўтганида ушбу шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар мол-мұлкка бўлган ҳуқуқ қайси шахсга ўтган бўлса, ўша шахсга ўтади, ушбу Кодекснинг 197 ва 199-моддаларида кўрсатилган асослар бўйича мол-мұлкнинг мажбурий олиб қўйилиши ҳоллари бундан мустасно.**

**Сұғурталанған мол-мұлкка бўлган ҳуқуқлар ўзига ўтган шахс бу ҳақда сұғурталовчини ёзма равишда хабардор қилиши лозим.**

1. Шарҳланаётган моддада сўз юритилаётган мол-мұлкни сұғурта қилиш шартномаси ҳар доим манфаатдор шахс фойдасига тузилади, бунда манфаатнинг мавжудлиги мол-мұлкка бўлган ҳуқуқлар билан боғлиқ бўлиши шарт эмас.

Шарҳланаётган модда мол-мұлкни сұғурта қилиш шартномасида шахсларнинг ўзариши билан боғлиқ муносабатларни, аниқроқ айтганда, ҳуқуқларнинг бир кредитордан бошқасига ўтиши масалаларини тартибга солади. Масалан, сұғурталанған шахс ўзига мулк ҳуқуқида қарашли бўлган мол-мұлкни сұғурталаган, бироқ шартноманинг амал қилиш даврида бу мол-мұлкни сотган бўлса, сұғурта манфаатини белгиловчи ҳуқуқлар, улар билан бирга сұғурта химояси ҳам бошқа шахсга ўтади.

2. Мол-мұлкка бўлган ҳуқуқлар бошқа шахсга ўтганида, ушбу ҳуқуқларга асосланган манфаатга эга бўлган шахсда сұғурта манфаати

йўқолади ва бошқа шахсда шундай манфаат юзага келади. Шарҳланаётган модданинг қоидасига биноан сугурта химояси шу бошқа шахсга ўтади ва шу туфайли ҳам сугурта шартномаси бекор бўлмайди. Аммо шарҳланаётган модданинг қоидаси мол-мулк мажбурий олиб кўйилган ва мулк хукуқидан воз кечилган ҳолларда қўлланилмайди ва янги мулқдорда сугурта манфаати юзага келишига қарамай, сугурта химояси унга ўтказилмайди. Бундай ҳолларда шартнома Фуқаролик кодексининг 948-моддасида назарда тутилган асосларга кўра бекор бўлади.

3. Мол-мулкни сугурта қилиш шартномаси бўйича хукуқлар ва мажбуриятлар янги шахсга ўтиши учун шарҳланаётган моддада мазкур шахсга бу ҳақда сугурталовчини ёзма равишда хабардор қилиш мажбуриятини юкловчи талаб белгиланган. Сугурталовчини ёзма равишда хабардор қилиш мажбурияти шу жумладан «тегишли шахс ҳисобига» сугурта полисини олган шахсга ҳам тааллуқли.

Шарҳланаётган моддада сугурталовчини ёзма равишда хабардор қилиш мажбуриятини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик оқибатлари назарда тутилмаган. Айрим ҳолларда хукуқларнинг ўтиши Фуқаролик кодексининг 949-моддасида айтиб ўтилган ҳолатларни вужудга келтиради ва бу ҳолда ушбу моддада назарда тутилган оқибатлар юз беради.

Қолган ҳолларда куйидагича мулоҳаза юритиш мазмунан асосли бўлган бўлар эди. Ёзма равишда хабардор қилиш мажбурияти сугурталовчининг сугурта шартномаси бўйича сугурта химояси кимга ўтганини билиш хукуқини ва бунинг ёзма тасдигини олиш хукуқини назарда тутади. Ушбу мажбуриятни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик сугурталовчининг тегишли хукуқини бузади ва фуқаролик хукуқини бузишнинг умумий оқибатлари юз беради — сугурта химояси ўтган шахс сугурталовчи кўрган зарарни (башарти бундай зарар кўрилган бўлса) қоплашга мажбур бўлади.

### **951-модда. Сугурта ҳодисаси юз бергани тўғрисида сугурталовчини хабардор қилиш**

**Мулкий сугурта шартномаси бўйича сугурта қилдирувчи сугурта ҳодисаси юз бергани ўзига маълум бўлганидан кейин бу ҳақда дарҳол**

**сүгурталовчини ёки унинг вакилини хабардор қилиши шарт. Агар шартномада хабар қилиш муддати ва (ёки) усули назарда тутилган бўлса, бу шартлашилган муддатда ва шартномада кўрсатилган усулда қилиниши лозим. Агар наф оловчи ўзининг фойдасига тузилган шартнома бўйича сүгурта товонига бўлган хуқуқдан фойдаланиш ниятида бўлса, айни шундай мажбурият наф оловчи зиммасида бўлади.**

**Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган мажбуриятнинг бажарилмаслиги сүгурталовчига, агар сүгурталовчи сүгурта ҳодисаси юз берганини ўз вақтида билганлиги, ёхуд бу ҳақда сүгурталовчида маълумотлар йўқлиги унинг сүгурта товонини тўлаш мажбуриятига таъсир этмаслиги исботланмаса, сүгурта товонини тўлашни рад этиш хуқуқини беради.**

**Ушбу моддада назарда тутилган қоидалар, агар сүгурталанган шахснинг вафоти ёки унинг соғлиғига зарар етказилиши сүгурта ҳодисаси бўлса, тегишли суратда шахсий сүгурта шартномасига нисбатан қўлланилади. Бунда сүгурталовчини хабардор қилишнинг шартномада белгиланадиган муддати йигирма кундан кам бўлиши мумкин эмас.**

1. Кўпинча сүгурта ҳодисасининг юз бериши бир лаҳзада кечмайди, балки давомли жараён хисобланади. Аввал хавф юзага келади, сўнgra унинг таъсири натижасида зарар кўрила бошланади ва бу жараён маълум вақт давом этиши мумкин. Кўрилган зарар дарҳол эмас, балки орадан маълум вақт ўтганидан кейин аниқланishi мумкин.

Сүгурта ҳодисаси хавф сүгурта обьектига таъсир кўрсатиб, унга зарар етказа бошлаган пайтда юз берган деб хисобланади ва айни шу пайтда сүгурта килдирувчи (наф оловчи), агар у кўрилган заардан хабар топган бўлса, сүгурталовчига хабарнома юбориши лозим. Агар кўрилган зарар дарҳол аниқланмаган ёки зарар кўриш давом этаётган бўлса, аниқланган зарар тўғрисида сүгурталовчига хабар бериш мажбурияти кўрилган зарар тўлиқ аниқланмагунича амал қиласи.

Қоида тариқасида, сүгурталовчига хабарнома хавф туғилгани заҳоти, у сүгурта обьектига зарар етказа бошлагани ёки бошламаганидан қатъи назар юборилади.

Юз берган сүгурта ҳодисаси тўғрисида сүгурталовчига хабар қилиш муддати сифатида қонун чиқарувчи изоҳ талаб қилмайдиган

«дарҳол» атамасини қўллаган. «Дарҳол» сўзи «шу заҳотиёқ» деган маънони англатади, бошқача қилиб айтганда, сугурта қилдирувчи (наф олувчи) сугурта ҳодисаси ҳакида хабар топгани заҳоти биринчи навбатда бажариши лозим бўлган ҳаракатлар орасида ушбу факт ҳакида сугурталовчига телефон, факс, чопар ва ҳоказолар орқали хабар қилиши назарда тутилади.

2. Хабарнома сугурталовчига ёки унинг вакилига юборилиши лозим. Хабарнома, агар у ФКда белгиланган тартибда почта орқали юборилган бўлса, сугурталовчи уни амалда қачон олганидан қатъи назар, белгиланган муддатда юборилган деб ҳисобланади.

Хабарнома факсимиль алоқа аппарати орқали юборилиши ҳам мумкин, бироқ тарафлар бундай имкониятни сугурта шартномаси (полиси)да ёки бошқа сугурта ҳужжатларида маҳсус назарда тутишлари ва хабарлар юбориладиган аппаратларнинг рақамларини келишишлари лозим. Бу сугурталовчига сугурта ҳодисаси юз берган жойга уни кўздан кечириш ва зарарни камайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилиш учун ўз вакилини тез ва ўз вақтида юбориш имкониятини беради.

3. Хабар қилиш мажбурияти наф олувчига эмас, балки факат сугурта қилдирувчига юкланди. Хабар қилиш мажбуриятини бажармаганлик сугурталовчидан сугурта товони тўлашни рад этиш ҳуқуки вужудга келиши учун асос бўлмайди, балки тўлов тўғрисида талаб кўйган шахсда маълумотлар сугурталовчидан йўқлиги унинг сугурта товонини тўлаш мажбуриятига таъсир кўрсатиши мумкин эмаслигини ёки у зарурий ахборотни бошқа манбалардан ўз вақтида олганини исбот қилиш мажбурияти юзага келишига сабаб бўлади. Ушбу мажбуриятни бажармаслик сугурта товонини тўлашни рад этиш ҳуқуки вужудга келишига сабаб бўлади.

4. Сугурта қилдирувчи ўз мажбуриятларини бажармаслигининг салбий оқибатларидан сугурталовчидан сугурта товонини тўлашни рад этиш ҳуқуки вужудга келиши фақат шарҳланаётган моддада назарда тутилган. Бироқ сугурта қоидаларида одатда сугурта товонини тўлашни рад этиш учун кўп сонли асослар назарда тутилади. Шуни эътиборга олиш лозимки, сугурта товонини тўлашни рад этиш мажбуриятни бажаришдан бир тарафлама воз кечиш ҳисобланади. Мажбуриятни бажаришдан

бир тарафлама воз кечиш асослари шартномада фақат мажбурият унинг тарафлари тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши билан боғлиқ бўлганида назарда тутилиши мумкин. Бошқа ҳолларда мажбуриятни бажаришдан бир тарафлама воз кечиш асослари фақат қонунда назарда тутилиши мумкин. Шархланайтган моддада назарда тутилган мажбуриятни бажаришдан воз кечиш асоси бирон-бир шартларга боғлиқ эмас, чунки у шартномада эмас, балки қонунда белгиланган.

5. Шархланайтган модданинг кўриб чиқилаётган масала бўйича шахсий сұғурта шартномаларига бағишлиланган учинчи қисмида мулкий сұғурта шартномаси билан таққослагандан муайян фарқ назарда тутилган. Ушбу фарқ хабар қилиш муддатига тегишли бўлиб, у сұғурталовчини хабардор қилиш учун камида йигирма кун қилиб белгиланган.

### **952-модда. Сұғурта ҳодисасидан кўриладиган заарни камайтириш**

**Мулкий сұғурта шартномасида назарда тутилган сұғурта ҳодисаси юз берганида, сұғурта қилдирувчи эҳтимол тутилган заарни камайтириш учун оқилона ва мумкин бўлган чораларни кўриши шарт. Сұғурта қилдирувчи бундай чораларни кўрар экан, агар ўзига маълум қилинган бўлса, сұғурталовчининг кўрсатмаларига амал қилиши лозим.**

Заарни камайтириш мақсадида қилинган, сұғурталовчи қоплаши лозим бўлган ҳаражатлар, агар бундай ҳаражатлар зарур бўлган бўлса ёки сұғурталовчининг кўрсатмаларини бажариш учун қилинган бўлса, тегишли чоралар фойдасиз бўлиб чиқса ҳам, сұғурталовчи томонидан қопланиши лозим. Бундай ҳаражатлар сұғурта суммасининг сұғурта қийматига нисбатига мутаносиб равишда, бошқа заарларни қоплаш билан биргаликда улар сұғурта пулидан ошиб кетиши мумкинлигидан қатъи назар, қопланади.

**Сұғурта қилувчи эҳтимол тутилган заарни камайтириш учун қасдан чоралар кўрмагани оқибатида кўрилган заарни қоплашдан сұғурталовчи озод қилинади.**

1. Мулкий сұғурта шартномасида назарда тутилган сұғурта ҳодисаси юз берганида эҳтимол тутилган заарни камайтириш сұғурта қилдирувчининг

бурчи хисобланади. Ушбу норма императив бўлиб, мазкур мажбурият у шартномада кўрсатилгани ёки кўрсатилмаганидан қатъи назар келиб чиқади.

Зарарни камайтириш чоралари оқилона, яъни сугурта ҳодисаси юз берганида вужудга келган ҳолатларга мувофиқ ва харажатларга кўра улар камайтириши лозим бўлган зарар билан мутаносиб бўлиши даркор. Мол-мulkни эҳтиёт қилиш ёки асраб қолиш учун етарли чоралар кўрмаслик, агар сугурталовчи сугурта қилдирувчи лозим даражада сугурталанган мол-мulkни асралиши учун жонкуярлик билан ҳаракат қилмагани ва бу зарарнинг кўпайишига таъсир кўрсатганини исботлаб берса, сугурта товонини тегишлича камайтириш учун асос бўлиши мумкин. Айни пайтда бундай чораларни кўришни талаб қилиш факат юзага келган шароитда сугурта қилдирувчи бундай чораларни кўришга қодир бўлган ҳолдагина ўринлидир. Сугурталовчи сугурта қилдирувчига зарарни камайтириш, мол-мulkни эҳтиёт қилиш ёки асраб қолиш учун у кўриши лозим бўлган чоралар тўғрисида кўрсатмалар бериш хукуқига эга. Бундай чораларни кўриш, агар муайян шароитда бу мумкин бўлса, сугурта қилдирувчи учун мажбурийдир. Сугурта қилдирувчи, агар бу сугурталовчининг кўрсатмаларига зид бўлмаса, кўшимча чоралар кўришга ҳам ҳақлидир. Агар сугурта полисида сугурта қилдирувчи сугурта ҳодисаси юз бергани тўғрисида хабар қилиши шарт бўлган сугурталовчининг вакили кўрсатилган бўлса, ушбу шахснинг зарарни камайтириш борасидаги кўрсатмалари сугурта қилдирувчи учун сугурталовчининг кўрсатмалари билан тенг даражада мажбурийдир.

2. Зарарни камайтириш бўйича кўрилган чораларнинг натижаларидан қатъи назар, сугурта қилдирувчининг харажатлари, агар бундай харажатлар зарур бўлган бўлса ёки сугурталовчининг кўрсатмаларини бажариш учун қилинган бўлса, сугурталовчи томонидан қопланиши лозим. Бунда низо чиққан ҳолда қилинган харажатлар зарурий бўлмаганлигини исботлаш сугурталовчининг бўйнида бўлади.

Ҳаражатлар тўлиқ қопланади, бироқ сугурталаш сугурта қийматидан паст микдорга амалга оширилган ҳолда шарҳланаётган модданинг иккинчи кисми қоидаси қўлланади.

3. Сугурта қилдирувчи зарарни камайтириш учун оқилона ва мумкин бўлган чораларни қасдан кўрмаган бўлса, сугурта товони

тўланмайди. Суғурта қилдирувчи қасддан чоралар кўрмаганини исботлаш суғурталовчининг бўйинда бўлади.

Суғурта қилдирувчининг мажбуриятларига доир қоидалар суғурта полиси бўйича наф олувчига нисбатан тенг даражада қўлланади, башарти мол-мулкни суғурта килиш шартномаси бўйича унга суғурта қилдирувчининг хукуқлари берилган бўлса.

**953-модда. Суғурта қилдирувчи, наф олувчи ёки суғурталанган шахснинг айби билан суғурта ҳодисаси юз беришининг оқибатлари**

Агар суғурта ҳодисаси суғурта қилдирувчи, наф олувчи ёки суғурталанган шахснинг қасд қилиши оқибатида юз берган бўлса, суғурталовчи суғурта товоини ёки суғурта пулини тўлашдан озод қилинади, қасддан қилинган ҳаракатлар улар томонидан зарурий мудофаа ёки охирги зарурат ҳолатида, шунингдек ушбу модданинг учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган ҳолларда содир этилиши бундан мустасно.

Қонунда суғурта ҳодисаси суғурта қилувчининг ёки наф олувчининг қўпол эҳтиётсизлиги оқибатида юзага келганда суғурталовчини мулкий суғурта шартномаси бўйича суғурта товоини тўлашдан озод қилиш ёки товон миқдорини камайтириш ҳоллари назарда тутилиши мумкин.

Суғурталовчи суғурталанган шахснинг хаёти ёки соғлиғига зарар етказганлик учун фуқаровий жавобгарликни суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта товоини тўлашдан, агар зарар суғурталанувчи учун жавобгар шахснинг айби билан етказилган бўлса, озод қилинмайди.

Суғурталовчи шахсий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган шахс вафот этган тақдирда тўланиши лозим бўлган суғурта пулини тўлашдан, агар унинг вафоти ўз жонига қасд қилиш оқибатида рўй берган бўлса ва бу вақтгача суғурта шартномаси камида икки йил амал қилган бўлса, озод қилинмайди.

1. Суғурта қилдирувчи, наф олувчи ёки суғурталанган шахс суғурта ҳодисаси юз беришига олиб келган ўз ҳаракатлари учун, агар улар қасддан содир этилган бўлса, жавобгар бўладилар. Суғурта ишида бу жавобгарлик

сұғурта товонини тұлашни рад этиш ва ушбу шахслар күрган заарни үларнинг ўзига юклаш тарзидә бўлади.

Сұғурта қилдирувчи, наф олувчи ёки сұғурталанган шахснинг қўпол эҳтиётсизлиги фақат қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳоллардагина сұғурталовчини сұғурта товонини тұлаш мажбуриятидан озод қилиш учун асос ҳисобланади.

2. Фуқароларнинг ҳаёти ёки соғлиғига заар етказганлик учун фуқаровий жавобгарликни сұғурта қилиш улкан ижтимоий аҳамиятга эга бўлгани туфайли, заар сұғурта қилдирувчи ёки жавобгарлиги сұғурталанган шахс томонидан, ҳатто қасдан ёки қўпол эҳтиётсизлик оқибатида етказилган бўлса ҳам, сұғурталовчи сұғурта товонини тұлашга мажбур. Бирок учинчى шахс (жабрланувчи) кўрган заарни қоплаганидан сўнг сұғурталовчи бундай ҳолларда ўзи кўрган моддий заарни қоплаш хукуқига эга бўлади ва уни сұғурта қилдирувчидан ёки жавобгарлиги сұғурталанган шахсдан ундириб олиши мумкин.

3. Шарҳланаётган модда 4-қисмининг қоидаси императив ҳисобланади. Шу туфайли ҳам, агар шахсий сұғурта шартномаси бўйича сұғурталанган шахснинг ўз жонига қасд қилиши сұғурта ҳодисасини қасдан келтириб чиқаришни ифодаласада, айрим истисно тарзida бу ҳолат сұғурталовчига сұғурта товонини тұлашни рад этиш хукуқини бермайдыяни бундай ҳолларда агар сұғурталанган шахс ўз жонига қасд қилганида сұғурта товонини тұлаш учун бирдан-бир асос сұғурта шартномасининг сұғурталанган шахс вафот этган вақтгача камидә икки йил амал қилгани ҳисобланади.

#### **954-модда. Сұғурталовчини сұғурта товонини ва сұғурта пулини тұлашдан озод қилиш асослари**

**Сұғурталовчи, агар қонунда ёки сұғурта шартномасида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса ва сұғурта ҳодисаси қўйидагилар оқибатида юзага келган бўлса, сұғурта товонини ва сұғурта пулини тұлашдан озод қилинади:**

**ядро портлаши, радиация ёки радиоактив заҳарланиш таъсирида;  
харбий харакатлар, манёвлар ёки бошқа харбий тадбирлар.**

**Агар мулкий сұғурта шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, сұғурталовчи сұғурталанган мол-мулк дав-**

**лат органларининг фармойиши билан олиб қўйилиши, мусодара қилиниши, реквизиция қилиниши, хатланиши ёки йўқ қилиб ташланиши оқибатида кўрилган зарар учун суғурта товонини тўлашдан озод қилинади.**

1. Шарҳланаётган ушбу моддада суғурталовчини суғурта товонини ва суғурта пулини тўлашдан озод қилиш асослари берилган бўлиб, қайд этиб ўтилган ядро портлаши, радиация ёки радиоактив заҳарланиш таъсирида зарар кўриш, ҳарбий ҳаракатлар, манёврлар ёки бошқа ҳарбий тадбирлар натижасида зарар кўриш, агар мулкий суғурта шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, суғурталанган мол-мулк давлат органларининг фармойиши билан олиб қўйилиши, мусодара қилиниши, реквизиция қилиниши, хатланиши ёки йўқ қилиб ташланиши оқибатида кўрилган заарлар тасодифий ҳусусиятга эга эмас. Суғурта ҳодисаларининг қачон рўй бериши ва кимдир томонидан атайлаб амалга оширилиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам юқоридаги ҳолатлар бўйича келиб чиқсан суғурта ҳодисалари қасдан содир этиш мазмунини беришлигини инобатга олиб, бундай ҳолатда суғурталовчини суғурта пули ёки суғурта товонини тўлашдан озод қилиш назарда тутилади.

Суғурта ҳодисасининг юз бериши хавф юзага келиши ва зарар кўрилишидан иборат бўлгани боис, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 954-моддаси биринчи қисмининг қоидасини кўллаш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун қасд нимага — юзага келиши эҳтимолидан суғурталаш амалга оширилган хавфнинг юзага келишига ёки ушбу хавф таъсирида зарар кўрилишига қаратилганини аниқлаш талаб этилади. Қасд зарар кўрилишига эмас, балки факат хавфнинг юзага келишига қаратилган ҳолда, суғурта ҳодисаси қасд оқибатида юз берган деб ҳисобланиши мумкин эмас.

2. Суғурта ҳодисаси суғурта қилдирувчининг ва суғурта муносабатлари бошқа иштирокчиларининг айби билан юз берганида суғурталовчининг суғурта товонини тўлашни рад этиш хукуки ҳар қандай шаклдаги айб учун назарда тутилиши мумкин. Ҳозирги вақтда амалда бўлган суғурта қоидаларининг аксариятида юқорида зикр этилган ҳолларда товон пулини тўлашни рад этиш хукуки назарда тутилган. Бундан ташқари, мазкур нормада суғурта товони ва суғурта пулини тўлашдан озод қилиш ҳолатларининг намунавий рўйхати келтирил-

ган. Сугурталовчининг сугурталанган мол-мулк давлат органларининг фармойиши билан олиб қўйилиши, мусодара қилиниши, реквизиция қилиниши, хатланиши ёки йўқ қилиб ташланиши оқибатида кўрилган зарар учун сугурта товонини тўлашдан озод қилиниши қонун йўли билан мустаҳкамланган.

### **955-модда. Сугурта товони ёки сугурта пулини тўлашни рад этиш**

**Сугурталовчи мулкий сугурта шартномаси бўйича сугурта қилдирувчига (наф оловчига) сугурта товонини ёки шахсий сугурта шартномаси бўйича сугурта пулини тўлашни қуидаги ҳолларда, рад этишга хақли, чуоничи:**

**сугурта шартномасининг амал қилиши сугурта ҳодисаси юз бергунга қадар, шу жумладан ушбу Кодекснинг 948 ва 950-моддаларида кўрсатилган асослар бўйича бекор қилинганда;**

**сугурта шартномаси ушбу Кодексда ёки бошқа қонунларда назарда тутилган асослар бўйича ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаганда;**

**сугурталовчи ушбу Кодекснинг 951–954-моддаларида кўрсатилган асослар бўйича сугурта товонини ёки сугурта пули тўлашдан озод қилинганда;**

**сугурталовчи ушбу Кодексда ёки бошқа қонунларда назарда тутилган асослар бўйича сугурта шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида ёхуд сугурта қилдирувчи (наф оловчи) сугурта ҳодисаси ҳолатларини текшириб кўришга ёки етказилган зарар миқдорини аниқлашга тўсқинлик қилгани туфайли сугурта шартномасини бекор қилиш тўғрисида даъво кўзғатганида.**

**Сугурталовчининг сугурта товонини ёки сугурта пулини тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарори сугурта қилдирувчига (наф оловчига) улар сугурта товонини ёки сугурта пулини тўлашни сўраб мурожаат этганларидан кейин ўн беш кундан кечиктирмай хабар қилиниши ва рад этиш сабабларининг асослантирилган далил-исботларини ўз ичига олган бўлиши лозим.**

**Сугурталовчининг сугурта товонини ёки сугурта пулини тўлашни рад этишига қарши унга нисбатан судда даъво қўзғатиш йўли билан эътиroz билдирилиши мумкин.**

1. Мазкур модда ўз мазмунига кўра императив ҳисобланади. Яъни, мазкур нормада сұғурта товони ёки сұғурта пулини тўлашни рад этиш учун асослар рўйхати узил-кесил белгиланган ва у тарафлар келишувига биноан кенгайтирилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 955-моддасининг биринчи қисмига биноан, қўйидаги ҳолатлар сұғурта товони ёки сұғурта пулини тўлашни рад этиш учун асос бўлади:

- сұғурта шартномасининг амал қилиши сұғурта ҳодисаси юз бергунга кадар, шу жумладан Фуқаролик кодексининг 948 ва 950-моддаларида кўрсатилган асослар бўйича, яъни сұғурта шартномасининг муддатидан илгари бекор бўлиши ва сұғурталанган мол-мулкка бўлган ҳуқуқларнинг бошқа шахсга ўтиши туфайли бекор қилингани;

- сұғурта шартномаси ФҚда ёки бошқа қонунларда назарда тутилган асослар бўйича ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаганида. Аниқроқ айтганда, шартноманинг ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаслиги Фуқаролик кодексининг 113, 115 ва 116-моддалари билан тартибга солинади. Қонун хужжатларининг ушбу масалани тартибга солувчи умумий қоидаларидан ташқари, бевосита сұғурта ишига тааллукли бўлган маҳсус нормалар — Фуқаролик кодексининг 916, 919, 920, 943-моддалари ҳам мавжуд;

- сұғурталовчи Фуқаролик кодексининг 951–954-моддаларида кўрсатилган асослар бўйича сұғурта товонини ёки сұғурта пули тўлашдан озод қилингани. Бу ерда сұғурта шартномасининг муддатидан илгари бекор бўлиши, сұғурталанган мол-мулкка бўлган ҳуқуқларнинг бошқа шахсга ўтиши ва ҳоказолар кузатилиши мумкин;

- сұғурталовчи ФҚда ёки бошқа қонунларда назарда тутилган асослар бўйича сұғурта шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида ёхуд сұғурта қилдирувчи (наф олувчи) сұғурта ҳодисаси ҳолатларини текшириб кўришга ёки етказилган зарар миқдорини аниқлашга тўқсиялик қилгани туфайли сұғурта шартномасини бекор қилиш тўғрисида даъво қўзғатгани сұғурта товонини тўлашни рад этишга асос бўлади..

2. Ушбу модданинг иккинчи қисмида сұғурта товонини ёки сұғурта пулини тўлашни рад этиш тўғрисида сұғурта қилдирувчига (наф олувчига) хабар қилиш қоидалари ва муддатлари белгиланган. Мазкур нормага биноан сұғурталовчининг сұғурта товонини ёки сұғурта пулини тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарори сұғурта қилдирувчига (наф олувчига) улар

сугурта товонини ёки сугурта пулини тўлашни сўраб мурожаат этганларидан кейин ўн беш кундан кечиктирмай хабар қилиниши лозим. Бундан ташқари, ушбу нормада сугурталовчи рад этиш сабабларининг асослантирилган далил-исботларини тақдим этиши лозимлиги тўғрисидаги императив қоида мустаҳкамланган. Бироқ айни пайтда сугурталовчининг ушбу қарори устида низолашиш тартиб-таомиллари ҳам назарда тутилган. ЎзрФуқаролик кодексининг 955-моддаси учинчи қисмига мувофиқ, сугурталовчининг сугурта товонини ёки сугурта пулини тўлашни рад этганлиги устидан судга даъво тақдим этиш орқали низолашиш мумкин.

### **956-модда. Шахсий сугурта шартномаси бўйича сугурта пулини тўлаш**

**Шахсий сугурта шартномаси бўйича сугурта пули, ижтимоий сугурта, ижтимоий таъминот бўйича, бошқа сугурта шартномалари бўйича ёки заарни қоплаш тартибида сугурта қилдирувчига, сугурталанган шахсга ёки наф олувчига тегишли суммалардан қатъи назар, шартнома кимнинг фойдасига тузилган бўлса, ўша шахсга тўланади.**

**Ушбу Кодекс 921-моддасининг учинчи қисми асосида шахсий сугурта шартномаси бўйича сугурталанган шахснинг меросхўрларига тўланадиган сугурта пули сугурталанган шахснинг мероси таркибига кирмайди.**

1. Ушбу моддада шахсий сугурта шартномаси бўйича сугурта пулини тўлаш қоидалари белгиланган. ФК 956-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, шахсий сугурта шартномаси бўйича сугурта пули шартнома кимнинг фойдасига тузилган бўлса, ўша шахсга тўланади. Бу ҳаракатлар ижтимоий сугурта, ижтимоий таъминот бўйича, бошқа сугурта шартномалари бўйича ёки заарни қоплаш тартибида сугурта қилдирувчига, сугурталанган шахсга ёки наф олувчига тегишли суммалардан қатъи назар амалга оширилади. Яъни, агар шахсий сугурта шартномалари бўйича наф олувчига сугурта ҳодисаси содир бўлганда тўланиши лозим бўлган сугурта товонини тўлашда наф олувчига сугурта ҳодисаси билан боғлиқ ижтимоий сугурта тўловларининг тўланганлиги инобатга олинмайди. Наф олувчига тўланган ҳар қандай тўловдан қатъий назар, сугурталовчи шахсий сугурта шартномасида

белгиланган сұғурта ҳодисаси содир бўлганда шартномада белгиланган пул миқдорида, лекин кўрилган заарга мутаносиб равишда сұғурта товонини тўлаши шарт.

2. ФК 956-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган нормага кўра, шахсий сұғурта шартномаси бўйича сұғурталанган шахснинг меросхўрларига тўланадиган сұғурта пули сұғурталанган шахснинг мероси таркибига кирмайди. Ушбу норма ФК 921-моддасининг учинчи қисмида ҳам кўрсатилган бўлиб, бу ерда бошқа наф олувчи кўрсатилмаган шахсий сұғурта шартномаси бўйича сұғурталанган шахс вафот этган такдирда, сұғурталанган шахснинг меросхўрлари наф олувчилар деб тан олиниши белгиланган.

#### **957-модда. Сұғурта қилдирувчининг зарар қопланишига бўлган хуқуқларининг сұғурталовчига ўтиши (суброгация)**

Агар мулкий сұғурта шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, сұғурта қилдирувчи (наф олувчи)нинг сұғурта натижасида қопланган зарар учун жавобгар шахсдан талаб қилиш хуқуқи тўланган сумма доирасида сұғурта товонини тўлаган сұғурталовчига ўтади. Бироқ шартноманинг била туриб зарар етказган шахсга нисбатан талаб қилиш хуқуқи сұғурталовчига ўтишини истиносно қиласидиган шартлари ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.

Сұғурталовчига ўтган талаб қилиш хуқуқи унинг томонидан сұғурта қилдирувчи (наф олувчи) ва зарар учун жавобгар бўлган шахс ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи қоидаларга риоя қилган холда амалга оширилади.

Сұғурта қилдирувчи (наф олувчи) сұғурталовчи ўзига ўтган талаб қилиш хуқуқини амалга ошириши учун зарур бўлган барча хужжатлар ва далилларни сұғурталовчига бериши ҳамда барча маълумотларни унга маълум қилиши шарт.

Агар сұғурта қилдирувчи (наф олувчи) сұғурталовчи томонидан қопланган зарар учун жавобгар шахсга нисбатан ўзининг талаб қилиш хуқуқидан воз кечса ёки бу хуқукни амалга ошириш сұғурта қилдирувчининг (наф олувчининг) айби билан мумкин бўлмаган бўлса, сұғурталовчи сұғурта товонини тўлиқ ёки унинг тегишли

**қисмини тўлашдан озод қилинади ва товоннинг ортиқча тўланган суммасини қайташини талаб қилишга ҳақли бўлади.**

1. Айрим ҳолларда кўрилган зарар учун муайян шахс жавобгар бўлади. Бунда ФК 57-бобининг қоидаларига мувофиқ кредитор ёки сұгурта қилдирувчи, ёки наф олувчининг мажбуриятлари юзага келади.

Суброгация — бу зарар кўрилиши оқибатида юзага келган мажбуриятда кредиторнинг ўзгариши (кредитор хукукларининг бошқа шахсга ўтиши) дир. Кредиторнинг хукуклари суброгация тартибида сұгурталовчига мажбуриятлар билан бирга ўтади. Мажбуриятда кредиторнинг суброгация тартибида ўзгариши сұгурта товонини тўлаш пайтида юз беради.

2. Суброгациянинг оддий цессиядан фарқи шундаки, хукуқларнинг ўтиши битимга биноан эмас, балки қонунга мувофиқ амалга оширилади (Фуқаролик кодексининг 318-моддаси). Суброгациянинг регрессдан фарқи шундаки, регрессда мавжуд мажбуриятдаги шахснинг ўзгариши юз бермайди, балки янги мажбурият юзага келади ва регресс талабини қўйиш дастлабки мажбурият бўйича талаб қўйишдан бошқача қоидаларга мувофиқ амалга оширилади (Фуқаролик кодексининг 313-моддаси).

Регрессда бир мажбурият бошқа мажбурият билан алмаштирилади. Суброгацияда эса фақат мажбуриятдаги кредитор ўзгараради, мажбуриятнинг ўзи эса сақланиб қолади. Шу туфайли ҳам суброгация тартибида ўтган талаб қилиш хукуки ушбу мажбуриятдаги дастлабки кредиторнинг талаб қилиш хукуки билан айни бир қоидаларга риоя этилган холда амалга оширилади.

ФК 957-моддаси иккинчи қисмининг суброгацияга бўлган хукуқ тўғрисидаги қоидаси диспозитив хисобланади. Талаб қилиш хукуқининг сұгурта қилдирувчидан сұгурталовчига ўтиши қонунга мувофиқ юз беради ва бу ФКда назарда тутилган. Бундай ўтишнинг муқаррарлиги ушбу норманинг била туриб зарар етказган шахсга нисбатан талаб қилиш хукуки сұгурталовчига ўтишини истисно қилишни таъкидловчи қоидаси билан кучайтирилган.

3. Сұгурта шартномаси тузилган пайтдан бошлаб вужудга келадиган суброгацияга бўлган хукуқ ва сұгурта товони тўланганидан кейин вужудга келадиган суброгацияни амалга ошириш хукуки аниқ ажратилган. Сұгурта тўловини амалга оширишда сұгурталовчи сұгурта қилдирувчига (наф

олувчига) сұғурта товонини, биринчидан, сұғурта шартномасыда назарда тутилган сұғурта пули доирасыда ва иккинчидан, сұғурта ҳодисаси юз бериши оқибатида күрилган зарап ҳажмида түлайди. Сұғурталовчи сұғурта түловини амалга оширишга қылған бошқа ҳаражатлар субрография талаблари таркибиға киритилиши мүмкін эмас.

4. ФК 957-моддасининг түртінчи қисміда баён этилган оқибатлар факат ушбу нормада назарда тутилган ҳолларда юзага келади. Бироқ сұғурталовчи тегишли талаң қилиш хуқуқини амалга ошириши мүмкін бўлмаган бошқа вазиятлар ҳам мавжуд. Улар, биринчидан, талаң қилиш хуқуқини амалга ошириш сұғурта қилдирувчининг (наф оловчичи) айбисиз мүмкін бўлмаган ҳолда, иккинчидан, амалга ошириш мүмкін бўлған, бироқ уни сұғурталовчи амалга ошира олмайдиган, зеро талаң қилиш хуқуки унга ўтмаган, яъни субрография амалга оширилмаган ҳолда юзага келади.

Талаң қилиш хуқуқини амалга ошириш мүмкін бўлмай қолганида сұғурта қилдирувчи (наф оловчичи) айбор бўлмаган ёки субрография сұғурта қилдирувчи ёки наф оловчининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли юз бермаган ҳолларда сұғурта мажбурияти ўз кучини сақлаб қолади ва сұғурталовчи сұғурта товонини тўлашга мажбур бўлади.

Талаң қилиш хуқуқини амалга ошириш имконияти сақланиб қолган, бироқ субрография сұғурта қилдирувчининг (наф оловчининг) ҳаракати (ҳаракатсизлиги) натижасыда юз бермагани туфайли сұғурталовчи уни амалга ошириши мүмкін бўлмаган ҳолларда:

Сұғурта шартномасыда била туриб сұғурта ҳодисасини келтириб чиқарган шахсга нисбатан даъво қилиш бўйича сұғурталовчида субрография хуқуқини вужудга келишини маън этувчи қоидаларнинг белгиланиши ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди;

сұғурта қилдирувчи (наф оловчичи) зарурий ҳаракатларни бажаришга, агар улар бажарилган бўлмаса, мажбур қилиниши мүмкін.

5. ФК 957-моддасининг учинчи қисміда зарап учун жавобгар шахсларга эътиrozлар билдириш ва даъволар кўзгатиш учун зарур бўлган барча хужжатлар, далиллар ва маълумотлар тўғрисида сўз юритилади. Уларга сұғурта ҳодисаси юз бергани ва зарап ҳажми тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун керак бўлмаслиги мүмкін бўлған, бироқ зарап учун жавобгар шахсларга эътиrozлар билдириш ва даъво кўзгатиш учун зарур бўлган хужжатлар, далиллар ва маълумотлар ҳам киради. Умумий

қоидага биноан бирон-бир шахснинг айбини исботлаш учун сұғурта ходисаси юз беришига олиб келиши мүмкін бўлган ҳолатлардан бошқа кўп сонли ҳолатларни ҳам текшириш талаб этилади.

6. ФК 957-моддаси тўртингчи қисмининг қоидалари суғурталовчининг суброгацияга бўлган хуқуклари шартномада истисно қилинмаган ҳолларда қўлланади. Ушбу норманинг мазмунига қўра, сұғурта қилдирувчи (наф олувчи) зарар учун жавобгар шахсга нисбатан ўзининг талаб қилиш хуқуқидан воз кечгани ушбу шахс сұғурта товонини тўлашдан озод қилинганини англатади ва ФК 9-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган, бундай хуқуқларнинг бекор қилинишига олиб келадиган фуқаролик хуқуқларини амалга оширишга доир умумий қоидалардан истисно ҳолат ҳисобланади. Фуқаролик кодексининг 957-моддаси қарздорни суғурталовчининг ҳисобига қарзни тўлашдан озод қилишга йўл қўймайди ва сұғурталовчини сұғурта товонини тўлаш мажбуриятидан озод киласди.

### **958-модда. Сұғурталанган мол-мулкка бўлган хуқуқларнинг сұғурталовчига ўтказилиши**

**Мол-мулк сұғурта қилинганда сұғурта қилдирувчи (наф олувчи) сұғурта ходисаси юз берганидан кейин сұғурталовчининг розилиги билан сұғурталанган мол-мулкка бўлган ўз хуқуқларини унга ўтказиши ва сұғурта товонини сұғурта пулининг тўлиқ ҳажмида олиши мүмкін.**

1. Фуқаролик кодексининг шарҳланаётган моддасида сұғурта ходисаси юз берганидан кейин сұғурталанган мол-мулкка бўлган хуқуқларни сұғурталовчига ўтказиш тартиби белгиланган. Фуқаролик кодексининг 958-моддасида диспозитив қоида мустаҳкамланган бўлиб, унга мувофиқ тарафларнинг розилиги билан мол-мулкни сұғурталовчига ўтказишнинг зарурий шарти ҳисобланади. Хусусан, ушбу нормада мол-мулк сұғурта қилинганда сұғурта қилдирувчи (наф олувчи) сұғурта ходисаси юз берганидан кейин сұғурталовчининг розилиги билан сұғурталанган мол-мулкка бўлган ўз хуқуқларини унга ўтказиши мумкинлиги тўғридан-тўғри кўрсатилган. Сұғурталовчи мол-мулкни олишга рози бўлганида, сұғурта қилдирувчи (наф олувчи) сұғурта ходисаси юз

берганидан кейин сұғурта товонини сұғурта пулининг түлиқ ҳажмida олиш хукуқини қўлга киритади.

### **959-модда. Қайта сұғурта қилиш**

**Сұғурта шартномаси бўйича сұғурталовчи ўз зиммасига олган сұғурта товонини ёки сұғурта пулинини тўлаш хавфи унинг томонидан тўлиқ ёки қисман бошқа сұғурталовчидан (сұғурталовчиларда) у билан тузилган қайта сұғурта қилиш шартномаси бўйича сұғурталаниши мумкин.**

Қайта сұғурта қилиш шартномасига нисбатан, агар қайта сұғурта қилиш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ушбу бобнинг тадбиркорлик хавфини сұғурта қилиш борасида қўлланиши лозим бўлган қоидалари татбиқ этилади. Қайта сұғурта қилиш шартномасини тузган сұғурта шартномаси (асосий шартнома) бўйича сұғурталовчи кейинги шартномада сұғурта қилдирувчи ҳисобланади.

Қайта сұғурта қилишда сұғурта товонини ёки сұғурта пулинини тўлаш учун асосий сұғурта шартномаси бўйича сұғурта қилдирувчи олдида ушбу шартнома бўйича сұғурталовчи жавобгар бўлиб қолаверади.

Бироқ асосий сұғурта шартномаси бўйича сұғурталанувчи ҳисобланган сұғурта ташкилоти сұғурта ҳодисаси юз беришидан олдин тугатилган тақдирда, унинг ушбу шартнома бўйича хукуқ ва мажбуриятларининг қайта сұғурта қилинган қисми қайта сұғурта қилиш шартномаси бўйича сұғурталовчига ўтади.

Икки ёки бир нечта қайта сұғурта қилиш шартномаларини кетма-кет тузишга йўл қўйилади. Бундай шартномаларнинг ҳар бири кейинги қайта сұғурта қилиш шартномасига нисбатан асосий сұғурта шартномаси деб ҳисобланади.

1. Сұғурталовчининг қайта сұғурта қилиш хукуки унинг ўз мижозлари олдидаги мажбуриятларини бажара олмаслик хавфини қайта сұғурта қилиш ташкилотлари орқали қайта сұғурта шартномаси тузиш орқали сұғурталаши тушунилади. Яъни, айрим сұғурта хавфи вужудга келганда қопланиши лозим бўлган зарар жуда катта микдорни ташкил этиб, келгусида сұғурта товони тўлаш бўйича асосий сұғурталовчининг маблағлари етишмай қолиши мумкин. Масалан, табиий оғатлар натижасида кўплаб ахолининг

зарарлариниши натижасида суғурта қилдирувчиларнинг ёппасига зарарни қоплаш бўйича суғурта товонини тўлашни талаб қилиш хуқуки вужудга келади. Ана шундай ҳолларда асосий суғурталовчи ўзининг шартномада белгиланган суғурта товонини тўлаш бўйича мажбуриятини қайта суғурта қилиш идораларидан талаб қилиш хуқукини вужудга келтиради.

2. Шархланәётган нормада қайта суғурта қилиш мулкий суғурта шартномасининг тури сифатида тавсифланган, суғурта товони тўлаш хавфи эса суғурта обьекти сифатида белгиланган. Ушбу норманинг иккинчи қисмida мазкур хавф қайта суғурта қилиш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган ҳолларда тадбиркорлик таваккалчилиги билан тенглаштирилган.

3. Суғурталовчи суғурта тўлови хавфини ўз бўйнига олиши асосий суғурта шартномаси кучга кирган пайтда юз беради. Шу пайтда эхтимол тутилган тўлов билан боғлиқ суғурта манфаати ҳам юзага келади. Бинобарин, асосий шартнома кучга киргунга қадар тузилган қайта суғурта қилиш шартномаси ФК 957-моддаси биринчи қисмининг қоидаси билан мувофиқ келмайди ва Фуқаролик кодексининг 116-моддасига мувофиқ хақиқий бўлмайди.

ФК 52-бобининг тадбиркорлик хавфини суғурта қилишга доир қоидалари қайта суғурта қилиш шартномаларига ҳам қўлланади, бироқ улар мажбурий эмас, яъни ушбу шартномаларда мазкур қоидалардан бошқача шартлар назарда тутилиши ҳам мумкин.

4. Қайта суғурта қилиш суғурталовчининг тадбиркорлик хавфини суғурта қилиш хисобланмайди — ушбу муносабатларга, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, фақат тегишли қоидалар қўлланади. Қайта суғурта қилишга доир муносабатларда иш муомаласининг бир қанча одатлари ҳам амал қиласди. Бу одатларнинг бир қисми Фуқаролик кодексининг 48-бобининг тадбиркорлик хавфини суғурта қилишга қўлланиладиган қоидалари билан мувофиқ келмайди ва ФК 5-моддасининг учинчи қисмiga биноан улар қўлланиши мумкин эмас. Бироқ, ФК 957-моддаси иккинчи қисмининг диспозитив нормасидан фойдаланиб, шартномада тегишли шартлар назарда тутилиши ва бу қоидалар иш муомаласи одатлари сифатида эмас, балки тарафларнинг келишувига биноан қўлланиши мумкин.

5. ФК 957-моддасининг учинчи қисмida қайта суғурта қилишда суғурта товонини ёки суғурта пулини тўлаш учун асосий суғурта шарт-

номаси бўйича сугурта килдирувчи олдида ушбу шартнома бўйича сугурталовчи жавобгар бўлиб қолавериши алоҳида таъкидланган. Жавобгарликни таксимлашга фақат бир мажбуриятда бир нечта қарздорлар мавжуд бўлганида йўл қўйилади. Сугурта муносабатларида бу фақат биргаликда сугурта қилишда ва фақат жавобгарликнинг таксимланиши биргаликда сугурта қилиш шартномасида маҳсус назарда тутилган холда мумкин.

6. Биргаликда сугурта қилишдан фарқли ўлароқ, асосий сугурталовчи ўзи тузган қайта сугурта қилиш шартномалари тўғрисида сугурта килдирувчини хабардор қилишга мажбур эмас. Бундай шартнома бўйича қайта сугурта килдирувчи ва қайта сугурталовчи фақат бир-бирининг олдида мажбуриятга эга бўлади. Қайта сугурталовчи асосий сугурта килдирувчи олдида асло жавобгар бўлмайди, чунки у қайта сугурта қилиш шартномасида тараф ҳам, ушбу шартнома бўйича наф оловчи ҳам эмас. Асосий шартнома бўйича сугурталовчи асосий сугурта килдирувчи олдида жавобгар бўлиб қолаверади.

ФК 959-моддаси тўртинчи қисмининг нормаси хавфларнинг ретроцессиясига, яъни қайта сугурта қилишнинг мутаносиб портфелини яратиш ва қайта сугурталовчининг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида қабул қилинган хавфларни кейинчалик қайта сугурта қилишга йўл қўяди. Ретроцессияда тарафларнинг ҳуқуқлари ва бурчлари қайта сугурта қилиш шартномасидаги ҳуқуқлар ва бурчлар билан айнийдир. Бунда биринчи шартнома бўйича қайта сугурта килдирувчи олдида жавобгар шахс сифатида ушбу шартноманинг қайта сугурталовчиси амал қиласи. Бошқа қайта сугурталовчилар ёки цедентлар биринчи қайта сугурталовчи олдида жавобгар шахслар хисобланадилар.

## **960-модда. Икки томонлама сугурта**

**Фуқаролар ва юридик шахслар ўз мол-мулкларини ҳамда ушбу Кодекс 915-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган бошқа мулкий манфаатларини икки тарафлама асосда, бунинг учун икки томонлама сугурта қилиш жамиятларида зарур маблағларни бирлаштириш йўли билан сугурта қилишлари мумкин.**

**Икки томонлама суғурта қилиш жамиятлари ўз аъзоларининг мол-мулки ҳамда бошқа мулкий манфаатларини суғурта қилишни амалга оширади ва тижоратчи бўлмаган ташкилот ҳисобланади.**

**Икки томонлама суғурта қилиш ташкилотлари томонидан ўз аъзоларининг мол-мулки ва мулкий манфаатларини суғурта қилиш, агар жамиятнинг таъсис хужжатларида бундай ҳолларда суғурта шартномалари тузиш назарда тутилмаган бўлса, бевосита аъзолик асосида амалга оширилади.**

Ушбу бобнинг қоидалари, агар қонунда, тегишли жамиятнинг таъсис хужжатларида ёки жамият белгилаган суғурта қилиш қоидаларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, икки томонлама суғурта қилиш жамияти билан унинг аъзолари ўргасидаги суғуртага доир муносабатларга нисбатан қўлланилади.

**Икки томонлама суғурта қилиш йўли билан мажбурий суғуртани амалга оширишга фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилади.**

**Икки томонлама суғурта қилиш жамияти суғурталовчи сифатида, агар унинг таъсис хужжатларида суғурта фаолиятини амалга ошириш назарда тутилган, жамиятнинг ўзи тижорат ташкилоти шаклида тузилган, тегишли турдаги суғуртани амалга ошириш учун лицензияга эга бўлса ва қонунда белгиланган бошқа талабларга жавоб берса, жамиятнинг аъзолари бўлмаган шахсларнинг манфаатларини суғурта қилишни амалга ошириши мумкин.**

**Икки томонлама суғурта қилиш жамиятининг аъзоси бўлмаган шахсларнинг манфаатларини суғурта қилиш жамият томонидан суғурта шартномалари асосида ушбу бобнинг қоидаларига мувофик амалга оширилади.**

**Икки томонлама суғурта қилиш жамиятлари хуқуқий ҳолатининг хусусиятлари ва уларнинг фаолият юритиш шартлари қонун хужжатлари билан белгиланади.**

1. Фуқаролик кодексининг шарҳланаётган нормасида фуқаролар ва юридик шахслар ўз мол-мулкларини ҳамда бошқа мулкий манфаатларини икки тарафлама асосда, бунинг учун икки томонлама суғурта қилиш жамиятларида зарур маблағларни бирлаштириш йўли билан

сугурта килишлари мумкинлиги белгиланган. Икки томонлама сугурта доирасида шахсий сұғарттани ҳам амалга ошириш мумкинлиги түррисида қонун чиқарувчи фикр юритмаган, бинобарин, шахсий сұғарттани икки томонлама асосда амалга ошириш мүмкін эмас.

2. Шархланаёттан модданинг иккінчи қисміда белгиланган махсус қоидага мұвоғиқ, икки томонлама сугурта қилиш жамиятлари ўз аъзоларининг мол-мұлқи ҳамда бошқа мұлкий манфаатларини сұғурта қилишни амалга оширади. Бинобарин, бундай жамиятлар даромад олиш учун эмас, балки ўз иштирокчиларининг сұғурта хизматларига бўлган шахсий эҳтиёжларини қондириш учун ташкил этилади ва шу боис улар тижоратчи бўлмаган ташкилот ҳисобланади.

3. Шархланаёттан норманинг учинчи қисміда мустаҳкамланган диспозитив қоидага мұвоғиқ, икки томонлама сұғурта қилиш ташкилотлари томонидан ўз аъзоларининг мол-мұлқи ва мұлкий манфаатларини сұғурта қилиш, агар жамиятнинг таъсис ҳужжатларида бундай ҳолларда сұғурта шартномалари тузиш назарда тутилмаган бўлса, бевосита аъзолик асосида, яъни сұғурта шартномасини тузмасдан амалга оширилади.

4. ФК махсус қонун, таъсис ҳужжатлари ва сұғурта қоидаларига нисбатан субсидиар тарзда фақат жамият ва унинг аъзолари ўртасидаги сұғурта муносабатларини тартибга солишда қўлланилади. Бошқа масалаларда махсус қонун ФК билан мұвоғиқ келиши лозим. Фуқаролик кодексининг шархланаёттан моддаси мажбурий сұғарттани икки томонлама асосда амалга оширишга йўл қўймайди, бундай сұғурта махсус қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

5. Икки томонлама сұғурта қилиш жамиятларининг таъсис ҳужжатларида агар сұғурталовчи тижоратчи ташкилот бўлса-да, унга бошқа турдаги сұғурталашни амалга оширишга лицензияси бўлса, шунингдек бошқа талабларга жавоб берса жамиятнинг аъзолари бўлмаган шахсларнинг манфаатларини сұғурта қилишни амалга ошириш хукуки белгиланади.

6. Икки томонлама сұғурта қилиш жамиятининг аъзолари бўлмаган шахсларнинг манфаатларини турли хавфлардан сұғурталаш бўйича тузиладиган шартномалар ҳам ушбу бобда сұғурта шартномаси тузишга доир белгиланган талаблар асосида амалга оширилади.

7. Икки томонлама сұғурта қилиш жамиятларининг хукукий ҳолати ҳам бошқа сұғурталовчиларнинг хукукий ҳолати билан бир хил хукукий

аҳамиятга эга бўлиб, фақатгина сугурта шартномасининг бир тарафи сифатида сугурта килдирувчи сифатида икки томонлама сугурта қилиш жамиятларининг қатнашиши билан фарқ қиласи.

## **961-модда. Мажбурий давлат сүгуртаси**

**Фуқароларнинг ижтимоий манфаатларини ва давлатнинг манфаатларини тъминлаш мақсадида қонунда ҳаёт, соғлик ва мол-мулкнинг мажбурий давлат сүгуртаси белгилаб қўйилиши мумкин.**

**Мажбурий давлат сүгуртаси ана шу мақсадлар учун давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобига амалга оширилади.**

**Мажбурий давлат сүгуртаси бевосита сугурта тўғрисидаги қонун хужжатлари асосида унда кўрсатилган давлат сүгурта ташкилотлари ёки давлатнинг бошқа ташкилотлари (сүгурталовчилар) томонидан амалга оширилади.**

**Ушбу бобнинг қоидалари, агар сүгурта тўғрисидаги қонун хужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса ва сүгурта бўйича мавжуд муносабатлар моҳиятидан келиб чиқмаса, мажбурий давлат сүгуртасига нисбатан қўлланилади.**

1. Шарҳланадиган модданинг биринчи қисмида фуқароларнинг ижтимоий манфаатларини ва давлатнинг манфаатларини тъминлаш мақсадида қонунда белгиланган ҳаёт, соғлик ва мол-мулкнинг мажбурий давлат сүгуртаси мустаҳкамланган. Бу турдаги шартномалар факат мажбурий турда бўлиб, шартноманинг шартлари ҳам тегишли қонун ёки бошқа мъёрий хужжатлар билан қатъий белгиланган бўлади. Бу шартларни сүгурта тарафлари ихтиёрий тарзда ўзgartiriшига йўл қўйилмайди.

2. Ушбу модданинг иккинчи қисми шу маънода тушунилиши лозимки, мажбурий давлат сүгуртаси айни шу мақсадлар учун давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобига амалга оширилиши даркор.

3. ФК 961-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ, мажбурий давлат сүгуртаси бевосита сүгурта тўғрисидаги қонун хужжатлари асосида унда кўрсатилган давлат сүгурта ташкилотлари ёки давлатнинг бошқа ташкилотлари (сүгурталовчилар) томонидан амалга оширилади. Бунда мажбурий давлат сүгуртасини амалга ошириш учун сүгурталовчилар

сифатида, биринчидан, давлат томонидан ташкил этилган сугурта ташкilotлари, иккинчидан, айни шу турдаги сугуртани амалга ошириш хукукини берувчи лицензияни олган тижоратчи сугурта ташкилотлари амал қилиши мумкин.

4. Мажбурий давлат сугуртаси Ўзбекистон Республикасининг тегишли Конунлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ бевосита сугурта қилдирувчилар билан сугурталовчилар ўртасида шартномалар тузиш йўли билан амалга оширилиши мумкин. Бу турдаги шартномалар учинчи шахснинг фойдасини кўзлаб тузиладиган шартномалар турига киради. Чунки, бундай турдаги шартномалар тузишда сугурталанаётган шахс наф оловчи бўлиб, сугурта шартномаси давлат ташкилоти билан сугурта ташкилоти ўртасида ходимларини манфаатини кўзлаб тузилади.

5. Мажбурий давлат сугуртаси юқорида зикр этилган фуқаролар ишлайдиган тегишли вазирликлар ва идораларга бюджетдан ажратилиладиган маблағлар ҳисобига амалга оширилади. Бюджет маблағлари ўз хукукий ҳолатига кўра фуқаролик муомаласи обьектлари ҳисобланмайди. Чунки, уларнинг муомалада бўлиши фуқаролик хукуки нормалари билан эмас, балки молия хукуки нормалари билан тартибга солинади.

Мажбурий давлат сугуртаси шартномалар асосида амалга оширилса-да, сугурта мукофотини тўлаш фуқаролик хукуки билан тартибга солинмайди. Чунки, мукофот бюджет маблағлари ҳисобидан тўланади, ушбу маблағларнинг муомалада бўлиши эса маҳсус молия хукукининг тартибга солиш объекти ҳисобланади.

Мажбурий давлат сугуртаси шартномасини тузишда агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса ушбу бобда сугурта шартномаларини тузишга доир белгиланган талабларга риоя этилади. Мажбурий давлат сугуртаси шартномаси ҳам ёзма равишда тузилиб, шахсий сугурта шартномалари турига киради. Чунки, бу шартномалар бўйича фуқароларнинг соғлиги ёки ҳаёти унга етказиладиган зарар хавфидан сугурталанади.

## **53-БОБ. ОДДИЙ ШИРКАТ**

### **962-модда. Оддий ширкат шартномаси**

**Оддий ширкат шартномаси** (биргаликдаги фаолият тұғрисидаги шартнома) бўйича шериклар (иштирокчилар) деб аталувчи икки ёки ундан ортиқ шахс фойда олиш ёки қонунга зид бўлмаган бошқа мақсадга эришиш учун ўз ҳиссаларини қўшиш ва юридик шахс тузмасдан биргаликда иш қилиш мажбуриятини оладилар.

**Фақат якка тадбиркорлар ва (ёки) тижорат ташкилотлари тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун тузиладиган оддий ширкат шартномасининг тарафлари бўлишлари мумкин.**

**Оддий ширкат шартномаси ёзма шаклда тузилиши лозим.**

1. Шарҳланәётган модданинг 1-қисмiga мувофиқ, оддий ширкатни ташкил қилиш учун куйидаги шартларни бажариш лозим: тарафларнинг бир бирларига нисбатан мажбуриятларини белгиловчи шартнома тузиш йўлида а) ўз ҳиссаларини қўшиш (бирлаштириш); б) фойда олиш мақсадида биргаликда ҳаракат қилиш ёки қонунга зид бўлмаган бошқа мақсадларга эришишга ҳаракат қилинади.

Қонунда оддий ширкат шартномаси деб номланган шартнома тан олиниши учун юқоридаги шартлар мавжуд бўлиши лозим. Қонунда белгиланган шартларнинг оддий ширкат шартномаси тушунчасига киритилиши уни бошқа шахслар бирлашуви (иттифоки)дан ажратиб туради.

Қонун оддий ширкат шартномасини келишув сифатида таснифлашидан фақат шартнома унинг ягона асоси бўлишини тан олиш лозим. Ҳар қандай шартнома каби оддий ширкат ҳам унинг барча иштирокчиларининг умумий розиликлари натижасида вужудга келади. Ушбу умумий розилик нафақат ширкатни ташкил қилиш, балки, оддий ширкат шартномасида ушбу масалаларни бошқача йўл билан ҳал қилиш ҳақида алоҳида қоидалар назарда тутилмаган бўлса, вужудга келган шартномани ҳар қандай тарзда келгусида ўзгартириш (янги аъзоларни қабул қилиш, ширкатнинг мақсадини ўзгартириш, умумий мулкни кўпайтириш ёки камайтириш ва х.к.) учун ҳам зарур бўлади.

Мазкур шартнома консенсуал шартнома ҳисобланади, чунки тарафлар келишувга эришганларидан сўнг тузилган ҳисобланади ва унга кўра ҳар бир иштирокчи мулкий маблағ киритади ва зарур бўлган харакатларни биргаликда амалга оширади. Мазкур шартноманинг барча иштирокчилари муайян хуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлганликлари боис шартномани икки тарафлама тузиладиган шартнома сифатида баҳолаш мумкин эди. Бироқ шартнома одатдаги тушунчадаги икки тарафлама тузиладиган шартнома ҳисобланмайди чунки, тарафларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари бир бирларига қарама қарши бўлмасдан балки, ягона мақсадга эришишга йўналтирилган бўлади. Ушбу шартнома ҳақ эвазига тузиладиган шартнома ҳам ҳисобланмайди. Чунки тарафлар бир бирларига нисбатан муқобил ҳақ тўлаш (каноатлантириш) мажбуриятини бажармайди, балки шартномада белгиланган ягона мақсад сари биргаликда харакат қилишади.

Фуқаролик кодексида назарда тутилган ширкат сифатидаги бирлашувнинг бошқа турларидан фарқли равишда оддий ширкат юридик шахсни вужудга келтирмайди. Шу билан бирга уни шахсларни механик тарзда бирлашуви сифатида ҳам талқин қилиб бўлмайди. Унинг таркибига кирувчи иштирокчилари бир бирлари билан ҳам умумий мақсад орқали, ҳам ширкатнинг мол мулкини ташкил қилувчи умумий мулк билан ҳам боғланган бўлади. Ушбу алоқадорлик оддий ширкатга ягона, бир бутунлик хусусиятини беради.

Оддий ширкатга нисбатан Фуқаролик кодексининг битимларга, мажбуриятларга доир тегишли умумий қоидалари, хусусан шартномалардан келиб чиқувчи мажбуриятларга оид қоидалар қўлланилади.

Қонун оддий ширкатни юридик шахс сифатида тан олмасдан унга умумий ном (фирма номига бўлган хуқуқ) асосида ҳаракат қилиш хуқуқини ҳам бермайди. Шу сабабли учинчи шахслар билан бўладиган муносабатларда у ўз номларидан ёки муайян алоҳида шахсларни ифодаловчи вакиллар орқали ҳаракат қилувчи индивидуал шахслар гурухи сифатида кўрилади. Шу нуқтаи назардан оддий ширкатга рамзий маънода ном бериш хуқукий аҳамиятга эга эмас.

2. Оддий ширкат иштирокчилари бўлиб жисмоний шахслар ҳам, юридик шахслар ҳам қатнашишлари мумкин. Қонунчилик томонидан уларнинг алоҳида муомала лаёқати ҳам, хуқуқ лаёқати ҳам белги-

ланмаган. Демак, ушбу шартномани иштирокчиси бўлиб мумалага лаёқатли фуқаро ёки ҳар қандай ташкилот бўлиши мумкин. Оддий ширкат иштирокчиси бўлиб мумалага лаёқатсиз ёки мумала лаёқати чекланган шахсларнинг ўзлари ёки уларнинг вакиллари ҳам бўлиши мумкин эмас. Бу оддий ширкат шахсий муносабатларга асосланишини ва ушбу шартномани вакил орқали ижро қилишга йўл кўйилмаслиги билан асосланади.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун тузиладиган оддий ширкат шартномаси иштирокчилари бўлиб факат якка тартибдаги тадбиркор жисмоний шахслар ва (ёки) тижоратчи ташкилотлар бўлиши мумкин. Унинг иштирокчиларида давлат хизматчилари кирмайди.

Қонунда оддий ширкат шартномаси бўйича «икки ёки ундан ортиқ шахс»нинг мажбурият олиши ушбу шартнома иштирокчилари чекланмаганлигини англашади.

Ушбу шартнома тузиш учун Кодекс ёзма шаклни белгилайди. иштирокчилари оддий ширкат шартномаси шаклини мустақил равища нафақат ёзма равища, балки нотариал тартибда тасдиқлашни ҳам белгилашлари мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам ёзма шаклга риоя қилиш зарур.

### **963-модда. Шерикларнинг қўшадиган ҳиссалари**

**Шерик умумий ишга қўшадиган ҳамма нарса, жумладан пул, бошқа мол-мулқ, касбий ва бошқа билимлар, малака ва маҳорат, шунингдек ишбилармонлик обрў-эътибори шерикнинг қўшган ҳиссаси ҳисобланади.**

**Шериклар, агар оддий ширкат шартномасидан ёки хақиқий ҳолатлардан бошқача мазмун келиб чиқмаса, қиймати бўйича тенг ҳисса қўшадилар деб тахмин қилинади. Шерикнинг қўшган ҳиссасини пулда баҳолаш шериклар ўртасидаги келишув бўйича амалга оширилади.**

1. Умумий қоида тариқасида мазкур моддада ҳисса сифатида ҳар бир шерикнинг умумий ишга қўшадиган ҳар қандай ҳиссаси тан олиниади. Бироқ, умумий ишга маблағ киритишнинг ўзи ушбу маблағнинг ҳисса сифатида тан олинишини англашмайди. Маблағ киритиш ширкат иштирокчисининг ширкатнинг бошқа иштирокчиси олдида зиммасига

олган ўз ҳиссасини қўшиш мажбуриятини бажариши бўлиши лозим (ФК 962-моддаси 1-қисми), яъни киритилган маблағлар ўз моҳиятига кўра шартномада ҳисса сифатида назарда тутилган талабларга жавоб бериши лозим. Ҳисса сифатида:

а) фуқаролик муомаласида муайян қийматга эга бўлган ҳар қандай мол-мулқ, яъни, аввало муомаладан чиқарилмаган ашё бўлиши;

б) қасбий ва бошқа билимлар, малака ва маҳорат, шунингдек ишби-лармонлик обрў-эътибори бўлиши мумкин. Булар алоҳида қўшиладиган ҳисса саналади. Бошқа иштирокчилар билан бир қаторда ширкатни ишини юритиш қўшилган ҳисса ҳисобланмайди, чунки қонунда агар тарафлар келишувида алоҳида ҳолат белгиланган бўлмаса, бундай иштирок ширкатнинг ҳар бир иштирокчисининг мажбурияти сифатида белгилаб қўйилган (ФК 962 моддаси 1 қисми, 965 моддаси 2 қисми). Бундай турдаги ҳиссани «ишларни биргаликда юритиш» тушунчаси доирасидан четга чикувчи фаолият сифатида тушуниш лозим. Бунда сўз ширкатнинг тегишли мақсадларига мос келувчи иштирокчининг у ёки бу соҳадаги ўзининг маҳсус билимларини намоён қилиши ҳакида кетмоқда.

2. Тарафлар ихтиёрига ҳар бир иштирокчи томонидан қўшиладиган ҳиссани ҳажми ва қийматини баҳолаш имконияти берилган. Агар ширкат шартномасида мулкий ҳиссанинг ҳажми аниқланмаган бўлса, у ҳолда ҳар бир иштирокчи бошқа иштирокчи қўшган ҳисса ҳажмига тенг ҳисса қўшган деб тахмин килинади. Қонунда ҳиссани мажбурий баҳолаш назарда тутилмаган. Бироқ айрим холларда конун муайян хукукий оқибатларни шу ҳолат билан яъни, фойда ва зарарларни пропорционал равишда тақсимлаш билан боғлайди.

3. Шериклар томонидан қўшиладиган ҳиссани баҳолаш (масалан, масъулияти чекланган жамиятлар устав фондига қўшиладиган мол мулкларни шериклар келишиб баҳолайди) қонунда белгиланган қоидалар асосида белгиланиши мумкин. Чунончи, Ўзбекистон Республикасининг «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги 1999 йил 19 августдаги қонунида белгиланган нормаларга мурожаат қилишлари мумкин. Баҳолаш фаолияти лицензияланадиган фаолият тури бўлиб, «Баҳолаш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»ги Низомга кўра, баҳолаш фаолиятини амалга ошириш хукуки учун баҳолаш фаолиятининг қуидаги йўналишлари бўйича намунавий (оддий) лицензиялар берилади:

- кўчар мулкни баҳолаш ҳуқуқи учун, қимматли қоғозлар, улушлар, интеллектуал мулк обьектлари ва бошқа номоддий активлардан ташқари;
- кўчмас мулкни баҳолаш ҳуқуқи учун, мулкий комплекс сифатидаги корхоналардан ташқари;
- бизнесни баҳолаш ҳуқуқи учун (мулкий комплекс сифатидаги корхоналар, моддий ва номоддий активларнинг барча турлари). Демак, оддий ширкат иштирокчилари ўзлари қўшадиган ҳиссанинг қийматини аниқлаш учун кенг имкониятларга эга. Жумладан, баҳолаш обьектининг бозор қийматини аниқлаш мумкин бўлади. Баҳолаш обьектининг бозор қиймати деганда энг эҳтимол тутилган нархи тушунилиб, унга кўра мазкур баҳолаш обьекти очиқ бозорда рақобат шароитида, битимнинг тарафлари барча зарур ахборотга эга бўлган холда ўз манфаатлари йўлида оқилона ва ихтиёрий равишда ҳаракат қиласи, битим нархининг баланд-пастлигига эса бирон-бир фавқулодда ҳолатлар, шу жумладан тарафлардан бирининг ушбу битимга қўшилиш мажбурияти акс этмайди («Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддаси).

#### **964-модда. Шерикларнинг умумий мол-мулки**

**Шериклар мулк ҳуқуқи асосида эга бўлган, улар томонидан қўшилган мол-мулк, шунингдек биргаликдаги фаолият натижасида ишлаб чиқарилган маҳсулот ва бундай фаолият туфайли олинган хосил ҳамда даромадлар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса ёхуд мажбуриятнинг моҳиятидан бошқача ҳол келиб чиқмаса, уларнинг умумий улушли мулки ҳисобланади.**

**Шерикларнинг умумий улушли мулкида турган мол-мулк, шунингдек уларнинг умумий талаблари ва умумий алоҳида ҳуқуқлари шерикларнинг умумий мол-мулкини ташкил этади. Умумий мол-мулкдан барча шерикларнинг манфаатларини кўзлаб фойдаланилади.**

**Шериклар умумий мол-мулкининг бухгалтерия ҳисобини юритиш улар томонидан оддий ширкат шартномасида иштирок этаётган юридик шахслардан бирига топширилиши мумкин.**

**Шерикларнинг умумий мол-мулкидан фойдаланиш уларнинг келишувига кўра, келишувга эришилмаган тақдирда, суд белгилайдиган тартибда амалга оширилади.**

**Шерикларнинг умумий мол-мулкни асраш бўйича мажбуриятлари ва бу мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ харажатларни қоплаш тартиби оддий ширкатнинг шартномасида назарда тутилади.**

1. Шарҳланаётган моддада ҳисса қўшишнинг хукуқий оқибатлари белгиланган. Ҳисса сифатида киритиладиган ашёлар мулк сифатида ҳам, ширкатнинг умумий фойдаланишига ҳам қўшилиши (кирим қилиниши) мумкин.

Қонун умумий улушли мулкка қўшилувчи ёки ширкатнинг фойдаланишига ўтувчи муайян турдаги хиссани белгиламайди. Бироқ, агар тарафлар ширкатномада бошқача ҳол назарда тутилган бўлмаса, ҳисса сифатида ширкатга киритиладиган истеъмол қилинадиган ва турга хос аломатлари билан белгиланадиган ашёлар ширкатнинг умумий мулки бўлади деб тахмин қилинади. Тегишлича хусусий аломатли ашёлар агар ширкатномада тарафлар бошқа ҳолни назарда тутган бўлмаса, ширкатга ҳисса сифатида фойдаланиш шарти билан қўшилиши (кирим қилиниши) мумкин.

Қонун ёки шартнома асосида умумий мулк сифатида тан олинган мол мулкни ҳисса сифатида ширкатга қўшиш барча ширкат аъзоларининг, шу жумладан номулкий ҳисса қўшган аъзоларнинг ҳам умумий мулкига айланади. Ушбу мулк қонун ёки тарафлар келишуви билан ёхуд мажбуриятнинг моҳиятидан бошқача ҳол англашилмаса, у ҳолда улушли мулк ҳисобланади.

Шартнома асосида ҳар бир шерик ўз ҳиссасини қўшиши лозим, яъни муайян ҳаракатларни амалга оширилиши натижасида келгусида ширкат аъзоларида хукуқ пайдо бўлади. Умумий улушли мулкка ҳисса қўшиш улуш қўшувчи мулқдор томонидан уни бегоналаштиришга (улуш иштирокчисига ўтадигандан ташқари) teng ҳисобланади. Мулкка эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш қонунда умумий мулкни тасарруф этиш учун белгиланган қоидаларга мувофиқ амалга оширилади (ФК 218, 219-моддалари).

Қонун ширкат мол мулкини умумий деб эътироф этади. ФК 216-моддасида ифодаланган умумий мулқдан ушбу мол мулк ўз таркиби билан фарқ қиласи, чунки ФК 963-моддаси 1-қисмига мувофиқ нафакат (мулк хукуки хусусиятини тавсифловчи) ашёга нисбатан хукуқларни балки, ҳаракатларга нисбатан яъни, мажбурият хукукини ҳам қамраб олади.

Умумий улушли мулкнинг ҳар бир иштирокчиси одатда, ўз улушкини сотиши мумкин бўлса, ширкат аъзоси ширкат фаолият юритаётган бутун

давр мобайнида ўзининг умумий улушкига бўлган хукуқларини тасарруф этиш хукуқига эга бўлмайди. У ширкат аъзолигидан чиқа олмайди ёки ўз улушкини учинчи шахсга топшира олмайди. Бу ҳолат оддий ширкатда иштирок этишнинг шахсий хусусиятга эгалигини ва агар шартномада ёки тарафларнинг келишувида бошқача ҳол белгиланган бўлмаса, уни мавжудлиги ширкат аъзоларидан бирининг чиқиши билан тугашини англатади.

Шундай қилиб ширкатнинг мулки унинг аъзоларига алоҳида шахсга тегишли бўлгандай тегишли бўлмайди, чунки оддий ширкат бир бутунликка эга бўлади. Шу сабабли мулк унинг барча иштирокчиларига тегишли бўлиб, ширкат аъзоларининг бошқа мулкидан алоҳида бўлган ягона мулкни ташкил қиласди.

2. Оддий ширкат фаолиятида умумий мулкнинг бухгалтерия ҳисобини юритишга эҳтиёж пайдо бўлади. Иштирокчиларнинг келишувига кўра бундай ҳисобни юритиш ширкат аъзоси бўлган юридик шахс зиммасига юклатилиши мумкин. Бундай ҳолатда бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисбот ширкатнинг умумий мулкига улуш сифатида қўшиш сифатида баҳоланиши мумкин.

Қонунчиликда оддий ширкат шартномаси бўйича шерикларнинг (иштирокчиларнинг) оддий ширкат шартномаси бўйича биргаликда фойдаланадиган мол-мулки биргаликдаги фаолиятга қўшилган ҳисса тарзида ҳар бир шерикнинг (иштирокчининг) балансида ҳисобга олиниши лозимлиги белгиланган (Солик кодекси 379-модда).

Биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулотни реализация қилиш билан боғлиқ ҳолда вужудга келадиган соликлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш бўйича мажбуриятлар биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулотни реализация қилишни амалга оширувчи шахс (ишончли вакил) томонидан ижро этилади. Бунда, агар оддий ширкат шартномаси шерикларининг (иштирокчиларининг) бири юридик шахс бўлса, фақат юридик шахс ишончли вакил бўлиши мумкин.

Қонунда назарда тутилган соликлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти юклатилаётган ишончли вакил оддий ширкат шартномаси асосида биргаликдаги фаолиятни амалга оширишни бошлаган кундан эътиборан ўн кун ичida ишончли вакилнинг солик бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солик хизмати органида биргаликдаги фаолият

доирасида солиқ мажбуриятларини бажарувчи солиқ тўловчи сифатида хисобга туриши шарт.

Биргаликдаги фаолият натижасида олинган даромад биргаликдаги фаолият шериклари (иштирокчилари) ўртасида ҳар бир шерикнинг (иштирокчининг) хиссаси улуши асосида ёки оддий ширкат шартномаси шартларига мувофиқ тақсимланади ҳамда ҳар бир шерикнинг (иштирокчининг) бошқа даромадлари таркибига киритилади. Оддий ширкат шартномасининг амал қилиши тугатилган ва мол-мулк ушбу шартнома шерикларига (иштирокчиларига) қайтарилиган тақдирда, ҳар бир шерикнинг (иштирокчининг) ўзи киритган хиссаси миқдори доирасида олинган маблағлари оддий ширкат шартномаси шеригининг (иштирокчисининг) даромадлари таркибига киритилмайди (Солиқ кодексининг 379-моддаси).

3. Умумий мулқдан фойдаланиш масаласи иштирокчилар келишувига мувофиқ ҳал қилинади. Тарафлар хиссалардан фойдаланиш тартибини мустақил равишда амалга оширади деб тахмин қилинади. Агар келишувга эришилмаган бўлса, умумий мулқдан фойдаланиш тартиби суд томонидан белгиланади. Ушбу қоида ФК 219-моддаси 1-қисмида белгиланган улушли мулкка эгалик қилиш ва фойдаланишни белгиловчи қоидага мос келади.

4. Оддий ширкат фаолияти давомида умумий мулкка нисбатан зарур мажбуриятларни амалга ошириш эҳтиёжи вужудга келиши мумкин. Ушбу мажбуриятларни тақсимлаш тартиби (умумий мулк мазмуни, сақлаб туриш харажатларини қоплаш) оддий ширкат шартномаси билан белгиланади. Агар шартномада бундай тартиб назарда тутилган бўлмаса, у ҳолда ФК 221-моддасида белгиланган қоида кўлланилади.

### **965-модда. Шерикларнинг умумий ишларини юритиш**

**Оддий ширкат шартномаси иштирокчиларининг умумий ишларини юритиш шартномада назарда тутилган тартибда амалга оширилади.**

Умумий ишларни юритишида ҳар бир шерик, агар оддий ширкат шартномасида ишларни юритиш шартноманинг айрим иштирокчилари томонидан ёхуд биргаликда барча иштирокчилар томонидан амалга оширилиши белгиланмаган бўлса, барча шериклар номидан иш кўришга ҳақли.

**Ишлар биргаликда юритилганда ҳар бир битимни тузиш учун барча шерикларнинг розилиги талаб қилинади.**

Учинчи шахслар билан муносабатларда шерикнинг барча шериклар номидан битим тузиш ваколати унга қолган шериклар томонидан берилган ишончнома билан тасдиқланади ёки одий ширкат шартномасидан келиб чиқади.

Учинчи шахслар билан муносабатларда шериклар битим тузган шерикнинг умумий ишларни юритиш бўйича ҳукуқлари чекланганлигини далил қилиб кўрсата олмайдилар, улар бундай чеклашлар борлигини битим тузилаётган пайтда учинчи шахс билганлигини ёки олдиндан билиши лозим бўлганлигини исботлаган ҳоллар бундан мустасно.

Барча шерикларига нисбатан ишларни юритиш ҳукуқи чеклаб қўйилган бўлиб, улар номидан битимлар тузган ёхуд барча шерикларнинг манфаатларини кўзлаб ўз номидан битимлар тузган шерик, агар бу битим барча шерикларнинг манфаатлари учун зарур бўлган эди деб ҳисоблашга етарли асослар бўлса, у ўз маблағларидан қилган харажатлари қопланиши ҳукуқига эга. Агар бундай битимлар туфайли бошқа шерикларга зарар етказилган бўлса, улар бу заарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақлидирлар.

Умумий ишларга тааллуқли қарорлар, агар одий ширкат шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, шериклар томонидан умумий келишувга кўра қабул қилинади.

Умумий ишларни юритишга ваколатли шартнома иштирокчилари, агар одий ширкат шартномасида назарда тутилган бўлса, алоҳида ҳақ олиши ҳукуқига эгадирлар.

1. Шарҳланा�ётган модда шерикларнинг умумий ишларини юритиш масаласини тартибга солади. Шерикларнинг ишларини юритиш деганда ҳам фактик ҳаракатларни амалга ошириш (бухгалтерия ҳисобини юритиш), ҳам юридик ҳаракатларни амалга ошириш (битимлар тузиш) тушунилади.

Шарҳлананётган модда шериклар ишларини юритишнинг уч турини кўрсатиб ўтади:

- шериклар номидан ҳар бир шерик ҳаракат қилиши мумкин;
- ишлар маҳсус тайинланган шерик томонидан юритилади;

в) барча шериклар биргаликда ҳаракат қиласылады. Бундай ҳолда битим түзиш учун барча шериклар розилиги талаб қилинады. Мазкур усулни құллашы табдиркорлық фаоиятини амалға оширувчи ширкат учун мақсадға мувофиқ әмас. Хар учта ҳолатда ҳам шерикнинг учинчи шахслар билан битим түзиш ваколати алохыда шериклар томонидан берилген ишончнома ёки ёзма шаклда тузилған оддий ширкат шартномасы билан тасдиқланады.

Амалиёттә иккінчи усул кенг тарқалған. Үнда юридик шахс хисобланған шерик зымасыга умумий ишларни юритиш билан бирга умумий мулкнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш мажбурияты ҳам юклатылады. Ушбу мажбурият алохыда балансда ҳисобға олиш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларини, солиқ ва бошқа ҳужжатларни ўз вактида расмийлаштириш ва шерикларға, давлат органлари, банклар ва х.к.ларға тақдим қилишни назарда тутады. ФК 964-моддасы 3-қисмениң ҳисобға олған ҳолда бундай мажбурият ширкат айзоси хисобланған юридик шахс зымасыга юклатылиши мүмкін.

Ишларни юритиш ширкат ичкарисида вужудға келадиган муносабаттарни ҳам, учинчи шахслар билан бўладиган муносабатларни ҳам назарда тутади. Ширкат ишларини юритишга оддий ширкат шартномасы моҳиятини ўзгартириш, шу жумладан унга айзолар қабул қилиш, айзолик ҳуқуқлари, ширкатни тугатиши масалалари кирмайди.

Ширкат ишларини биргаликда юритиш ҳар бир масала юзасидан барча шерикларни розилигини талаб қиласы. Ширкат ишларини юритишдан бош тортиш овоз бериш ҳуқуқини суистеъмол қилғанлик каби шартномани бажармаслик сифатида кўрилиши лозим. Оддий ширкат айзоларининг ишларни юритишга нисбатан ўз мажбуриятларини бузганликлари учун мулкий жавобгарлик мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарликни белгиловчи умумий қоидалар (ФК 24-боби) билан белгиланади.

Умумий ишлар ўзаро келишув асосида ёки агар шартномада назарда тутилған бўлса, кўпчилик фикри билан келишган ҳолда юритилади. Умумий масалаларни ҳал қилишда шерикларнинг ҳуқуқлари teng ва умумий мулкка кўшган хиссасыга боғлиқ әмас.

Шерикларнинг қарори баённома ёки шартномага кўшимча келишув билан расмийлаштирилади. Агар умумий йиғилиш баённомаси барча

шериклар томонидан имзоланмаган бўлса, уни учинчи шахслар учун мажбурий ҳисоблаб бўлмайди.

3. Агар шериклар битим тузиш, унинг киймати ва х.к. лар юзасидан умумий ишни юритувчининг ҳукуқларини чегаралашни хоҳлашса, улар бу ҳақда ишончномада тўғридан тўғри кўрсатиб ўтишлари ёки ёзма шаклда тузилган оддий ширкат шартномасида белгилашлари лозим бўлади. Акс ҳолда улар учинчи шахслар билан муносабатларда шериклар битим тузган шерикнинг умумий ишларни юритиш бўйича ҳукуқлари чекланганлигини далил қилиб кўрсата олмайдилар. Бунда иштирокчилар зиммасига бундай чеклашлар борлигини битим тузилаётган пайтда учинчи шахс билганлигини ёки олдиндан билиши лозим бўлганлигини исботлаш масъулияти юклатилади.

Ширкат ишларини юритиш ҳукуқи бир ёки бир неча шерикларга берилиши мумкин. Ёзма шакла тузилган оддий ширкат шартномасида ваколатли шахсни тайинлаш назарда тутилиши ёки бошча шериклар томонидан берилган ишончнома билан тасдиқланиши мумкин. Ваколатли шахсни танлаш барча шериклар томонидан ҳал қилиниши лозим чунки, ушбу масала ширкат ишларини билан мустақил равиша шуғулланмайдиган ҳар бир иштирокчининг шахсий масаласи саналади.

Ваколатли шахсни тайинлагандан сўнг ширкатнинг бошқа иштирокчилари ишларни юритишдан четлатилади. Ушбу қоида чекланган хусусиятига эга. Ширкат ишларини юритишдан бошқа иштирокчиларни чеклаш факат ваколатли шахс мажбуриятига киритилган ҳаракатларга нисбатан татбиқ қилинади. Бошқа ҳаракатларни амалга ошириш қолган иштирокчилар томонидан умумий асосларга кўра белгиланади. Бу дегани, ваколатли шахс факат ўзига берилган ваколат доирасида ҳаракатланишини англатади.

4. Оддий ширкат шартномаси ёки ваколат олган шахсга берилган ва унинг ваколатларини белгиловчи ишончнома учинчи шахслар учун асосий хужжат саналади. Қонун оддий ширкат иштирокчилари, агар учинчи шахс бундай чеклашлар мавжудлиги ҳақида хабардор бўлмаган, яъни шартнома ёки ишончнома билан танишмаган бўлса, умумий ишларни юритишга доир битим тузган шерикнинг ҳукуқлари чекланганлигини далил қилиб кўрсата олмаслигини белгилайди.

5. Шарҳланамётган модданинг 6-қисмida белгиланган қоидага кўра, қонун ваколати бўлмаган ҳар бир ширкат аъзосига агар бундай битим

тузиш зарур деб ҳисоблашига асослар мавжуд бўлса, ўз номидан умумий манфаатли алоҳида битимлар тузишга рухсат беради.

Ушбу ҳаракатлар бошқа шахс манфаатини кўзлаб топшириксиз ҳаракат қилиш (ФК 47 боби) билан ўхшаш. Шу сабабли ўз ваколатидан четга чикқан, бироқ ширкат манфаати йўлида ҳаракат қилган шахсга ширкатдан ўзи томонидан қилинган ҳаражатларни қоплашни талаб қилиш хуқуқига эга. Ширкат манфаати йўлида шерик томонидан ўз ваколатидан четга чиқиб тузилган битим агар бошқа шериклар томонидан рад этилмаган бўлса, топшириксиз ҳаракат қилишга доир умумий қоидага кўра ширкат зиммасига мажбурият юклайди. Ширкат ўз ваколатидан четга чиққан шерикнинг ҳаракатларини тан олмаслиги мумкин. Агар объектив нуқтаи назардан битим зарур бўлган бўлмаса ёки шерикнинг ҳаракатлари инсофисиз бўлса ёхуд битим ширкат манфаати йўлида эмас балки, алоҳида аъзолар манфаати йўлида тузилган бўлса, у ҳолда шерик ҳаражатларни қоплашни талаб қилишга ҳақли бўлмайди, шунингдек бундай битим натижасида зарар кўрган шериклар бундай ҳаракатларни амалга оширган шахсдан зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли бўлади.

### **966-модда. Шерикнинг ахборот олишга бўлган хуқуки**

**Ҳар бир шерик, у шерикларнинг умумий ишларини юритишга ваколат олган-олмаганидан қатъи назар, ишларни юритишга доир барча хужжатлар билан танишишга ҳақли. Бу хуқуқни рад этиш ёки уни чеклаш, шу жумладан шерикларнинг келишуви билан рад этиш ёки чеклаш ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.**

1. Шарҳланаётган моддага биноан бериладиган хуқуқ оддий ширкат шартномаси иштирокчисининг муҳим хуқуқларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли шартномада ҳисобот, солиқ ва бошқа хужжатларни шакллантириш учун зарур бўлган ахборотни бериш муддати ва ҳажми олдиндан белгиланиши зарур.

2. Ишларни юритиш ҳолати ҳақида танишиш деганда нафакат ширкатнинг умумий мулки ҳақидаги, балки ваколатли шериклардан ҳам ахборот олиш хуқуки англашилади. Ушбу қоидага кўра оддий ширкатнинг ҳар бир иштирокчиси ваколатли шерикдан зарур маълумот ва тушунтиришларни беришни талаб қилиши мумкин.

Шархланаётган моддада белгиланган қоидага мувофиқ, ҳар бир шериккә унга ишларни мустақил юритишидан қатый назар, ширкатнинг ишини бевосита назорат қилиш ҳукуки берилади.

Шерикнинг ахборот олиш ҳукуқидан, шу жумладан, тарафлар келишувига мувофиқ воз кечиши ёки уни чекланиши ўз-ўзидан ҳақиқий эмас. Унга нисбатан манфаатдор тарафнинг талабига қўра, ҳақиқий бўлмаган битимнинг оқибатлари (ФК 113–116-моддалари) қўлланилиши мумкин.

### **967-модда. Шерикларнинг умумий харажатлари, зарарлари ва жавобгарлиги**

Шерикларнинг биргаликдаги фаолиятига боғлиқ харажатлар ва зарарларни қоплаш тартиби уларнинг келишуви билан аниқланади. Бундай келишув бўлмаганда ҳар бир шерик ўзининг умумий ишга қўшган хиссаси қийматига мутаносиб равишда харажатлар ва зарарларни зиммасига олади.

Шериклардан бирортасини умумий харажатларни ёки зарарни қоплашда иштирок этишдан тўлиқ озод этадиган келишув ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.

Агар оддий ширкат шартномаси унинг иштирокчилари тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши билан боғлиқ бўлмаса, умумий шартнома мажбуриятлари юзасидан ҳар бир шерик ўзининг умумий ишга қўшган хиссаси қийматига мутаносиб равишда бутун молмулки билан жавобгар бўлади.

Оддий ширкат шартномасидан келиб чиқмаган умумий мажбуриятлар бўйича шериклар солидар жавобгар бўладилар.

Агар оддий ширкат шартномаси унинг иштирокчилари тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши билан боғлиқ бўлса, шериклар умумий мажбуриятлар бўйича уларнинг юзага келиш асосидан қатъи назар, солидар жавобгар бўладилар.

1. Шархланаётган модда шерикларнинг умумий қарзлари, шу жумладан учинчи шахслар олдидағи қарзларини белгиловчи қоидани белгилайди.

Моддада ширкат қандай мақсаддада ташкил қилинган ва мажбурият моҳияти қандайлигидан келиб чиқиб икки турдаги (улушли ва солидар)

жавобгарлик назарда тутилган. Бунинг учун хусусан ширкат қандай максадда ташкил килинганинги аниқлаш, битим (ёки бошқа юридик ҳаракат) натижасида жавобгарлик келиб чиққанлиги шерикнинг шартнома бўйича амалга оширадиган ҳаракатлари доирасига ва х.к. (ФК 965 моддаси) кирган ёки кирмаганинги аниқлаш лозим бўлади.

2. Ҳаражатларни қоплаш тартиби, шу жумладан умумий мулкни сақлаш ва умумий фаолиятдан кўрилган заарни қоплаш шартнома ёки унга қўшимча келишув билан белгиланади.

Тарафлар мустақил равишда ўз келишувларида ҳаражатлар ва заарларни қоплаш тартибини белгилашлари мумкин. Тарафлар келишувида бундай банд мавжуд бўлмаса, ушбу моддада назарда тутилган қоида амал киласди. Ҳаражатлар ва заар иштирокчилар ўртасида ширкатга қўшилган ҳисса қийматига мутаносиб равишда тақсимланади, яъни улушли жавобгарлик ўрнатилади. Бу шериклар ҳиссаларини пулдаги қийматини аниқлашни назарда тутади.

Агар шерикларнинг ҳиссалари ФК 963-моддаси 2-қисми йўл қўйгандек тенг бўлса, у ҳолда ҳаражатлар ва заарлар улар ўртасида тенг тақсимланади яъни, қўшилган мулкий ҳиссадан эмас балки, шахсийлик хусусиятидан келиб чиқади.

Шериклардан бирортасини умумий ҳаражатларни ёки заарни қоплашда иштирок этишдан тўлиқ озод этадиган келишуви қарздорнинг ўз зиммасига олган мажбуриятини бажармаганинги учун кредитор олдидаги жавобгарлигига доир мажбурият хуқукининг асосий ғоявий қоидасига зид келади.

3. Агар тарафлар ўртасидаги келишувда заарларни қоплаш тартиби мавжуд бўлмаса, уларнинг ҳар бири умумий мулкка қўшган ҳиссаси қийматига мутаносиб равишда ҳаражат ва заарларни қоплайди.

4. Шарҳланаётган модда оддий ширкат фаолиятининг туридан келиб чиқиб, шерикларнинг умумий мажбуриятлар бўйича жавобгарлигини аниқлаш тамойилини белгилайди.

Шартномага боғлик бўлмаган (масалан, биргалиқда етказилган заар учун) умумий мажбуриятлар бўйича ширкат иштирокчилари солидар тартибда жавобгар бўладилар (ФК 252, 254-моддалар).

Агар оддий ширкат шартномаси тадбиркорлик фаолияти билан боғлик бўлмаса (масалан, ширкат биргалиқда илмий тадқиқот амалга ошириш учун тузилган), учинчи шахслар билан тузилган шартнома бўйича жавоб-

гарлиги умумий мулкка (улушли жавобгарлик) қўшган хиссасига мутаносиб равишда белгиланади. Умумий мулк етарли бўлмаганда зарур пул маблағи худди шундай тарзда шерикларнинг шахсий мулкидан қопланади.

Агар оддий ширкат шартномаси тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга қаратилган бўлса, шериклар уни вужудга келишидан қатъий назар барча мажбуриятлар бўйича солидар тарзда жавобгар бўлади.

5. Жавобгарлик ҳақидаги норма императив характерга эга ва тарафлар келишуви билан ўзгарилиши мумкин эмас. Жавобгарлик асослари ва ҳажми ФК 24-боби қоидаларига кўра белгиланади.

Шерикларнинг бир бирларига нисбатан мажбуриятни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарлиги ФК 24-боби умумий қоидалари асосида келиб чиқади.

### **968-модда. Фойдани тақсимлаш**

**Шериклар томонидан уларнинг биргаликдаги фаолияти натижасида олинган фойда, агар оддий ширкат шартномасида ёки шерикларнинг бошқа келишувида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, шерикларнинг умумий ишга қўшган хиссалари қийматига мутаносиб равишда тақсимланади. Шериклардан бирортасини фойдада иштирок этишдан четлатиш тўғрисидаги келишув ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.**

1. Модда бевосита асосан тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун тузилган ширкатларга дахлдор. Шериклардан бирини фойдада иштирок этиш хуқуқини чекловчи келишувга нисбатан манфаатдор тарафнинг даъвосига кўра ўз ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим оқибатлари ҳақидаги қоида қўлланилиши мумкин (ФК 113, 114, 116-моддалари).

2. Ҳисоб китоблар даврини аниқлашда ширкат мавжуд бўлиш давридан келиб чиқиши лозим. Агар ширкат бир йилдан кам муддатга тузилган ёки амалда бир йилдан кам фаолият юритган бўлса, у ҳолда ширкат тугаши билан ҳисоб китоб қилинади. агар ширкат бир йилдан кўп муддатга ташкил қилинган ёки муддатсиз деб тахмин қилинса, ҳисоб китоб ҳар бир фаолият йили якунида амалга оширилади.

3. Шарҳланаётган моддада белгиланган қоида оддий ширкат иштирокчилари томонидан олиган фойдани тақсимлашга дахлдор. Шерикларга

фойдани тақсимлаш тамойлини мустақил белгилаш имконияти берилган. Улар ҳам мулкий, ҳам шахсий иштирокни ёки уларни ҳар иккисини ҳам асос сифатида олиши мумкин. Агар шериклар фойдани тақсимлаш тартибини шартнома билан белгилаган бўлмаса, моддада белгилаб қўйилган тамойил амал қиласди яъни, фойдани тақсимлаш қўшилган ҳисса қийматига мутаносиб равиша бўлади. Бунинг учун хиссани баҳосини аниқлаш лозим бўлади.

### **969-модда. Шерикнинг улушини унинг кредитори талаби билан ажратиш**

**Оддий ширкат шартномаси иштирокчисининг кредитори ушбу Кодекснинг 227-моддасига мувофиқ унинг умумий мол-мулкдаги улушини ажратишни талаб қилишга ҳақли.**

1. Ширкатнинг умумий мулки унинг барча иштирокчиларининг биргаликдаги улушли мулки ҳисобланади. Шу сабабли ширкат иштирокчисининг кредитори қарзни ундиришни, ҳатто қарздор иштирокчи томонидан ҳисса сифатида киритилган бўлса ҳам, ушбу мулкнинг таркибий қисмига қаратишга ҳақли эмас. Бироқ, у иштирокчи қарздорнинг ширкатнинг умумий мулкидаги улушкига қаратишга ҳақли.

2. Агар улушни асл ҳолида ажратиш имкони бўлмаса ёки бунга бошқа шериклар эътиroz билдиришса, кредитор қарздорнинг ўз улушини бошқа шерикларларга ушбу улушнинг бозор қийматига мос келувчи нархда сотилишини талаб қилишга ҳақли. Бу ҳолда сотишдан олинган қиймат қарзни қоплашга йўналтирилади.

Ширкатнинг умумий мулкидаги шерикнинг улушкига ундирув қаратилганда кредитор олдиндан қарздор шерик мулкига ундирувни қаратиш мажбурияти билан боғлиқ бўлмайди.

3. Агар бошқа шериклар қарздор улушкини олишни рад этса, кредитор суд тартибида уни ким ошди савдосида сотилишини талаб қилишга ҳақли. Ким ошди савдосида сотиш йўли билан қарздорнинг мулкига ундирувни қаратиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги «Суд ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш тўғрисидаги» қонуни билан тартибга солинади.

## **970-модда. Оддий ширкат шартномаси бекор бўлишининг асослари**

**Оддий ширкат шартномаси қўйидагилар оқибатида бекор бўлади:**  
**шериклардан бирортаси муомалага лаёқатсиз, муомала лаёқати чекланган ёки бедарак йўқолган деб эълон қилинганда, агар оддий ширкат шартномасида ёки кейинги келишувда қолган шериклар ўртасидаги муносабатларда шартноманинг сақланиб қолиши назарда тутилмаган бўлса;**

**шериклардан бирортаси ночор (банкрот) деб эълон қилинганда, ушбу модданинг иккинчи хатбохисида кўрсатилгани бундан мустасно;**

**шерик вафот этганда ёки оддий ширкат шартномасида иштирок этаётган юридик шахс тугатилганда ёхуд қайта ташкил этилганда, агар шартномада ёки кейинги келишувда қолган шериклар ўртасидаги муносабатларда шартноманинг сақланиб қолиши ёхуд вафот этган шерикнинг (тугатилган ёки қайта ташкил этилган юридик шахснинг) унинг меросхўрлари (хуқуқий ворислари) билан алмаштирилиши назарда тутилмаган бўлса;**

**шериклардан бирортаси оддий ширкатнинг муддатсиз шартномасида бундан бўён иштирок этишдан воз кечганда, ушбу модданинг иккинчи хатбохисида кўрсатилгани бундан мустасно;**

**муддат кўрсатилган ҳолда тузилган оддий ширкат шартномаси шериклардан бирининг талаби билан ўзи ва қолган шериклар ўртасидаги муносабатларда бекор қилинганда, ушбу модданинг иккинчи хатбохисида кўрсатилгани бундан мустасно;**

**оддий ширкат шартномасининг муддати ўтганда;**

**шерикнинг улуши унинг кредитори талаби билан ажратилганда, ушбу модданинг иккинчи хатбохисида кўрсатилгани бундан мустасно;**

**ушбу Кодексда ёки шартномада назарда тутилган бошқа асосларда.**

1. Оддий ширкат шартномаси учун шерикнинг шахсияти мухим аҳамиятга эга. Шу сабабли шартномани бекор бўлиши учун аввало, шериклардан бирортаси вафот этганда, муомалага лаёқатсиз, муомала лаёқати чекланган ёки бедарак йўқолган деб эълон қилинганда, шериклардан бирортаси ночор (банкрот) деб эълон қилинганда, оддий ширкат шартномасида иштирок этаётган юридик шахс тугатилганда ёхуд қайта

ташкил этилганда, шерикнинг улуши унинг кредитори талаби билан ажратилганда рўй бериши мумкин.

Бунда кўп томонлама оддий ширкат шартномалари, яъни уч ёки ундан кўп тараф иштирок этганда, иштирокчилар келишуви билан шартнома чиқиб кетаётган шерикдан ташқари бошқа шахслар учун кучда қолдирилиши мумкин. Шерик вафот этганда ёки иштирокчи юридик шахс тугатилганда ёки қайта ташкил қилинганда, вафот этган шерикни (тугатилган ёки қайта ташкил қилинган юридик шахсни) бошқаси билан алмаштириш ҳакида унинг меросхўрлари ёки хукукий ворислари билан келишув тузилиши мумкин.

2. Оддий ширкат шартномаси унинг амал қилиш муддати тугаши ёки шартномани бекор қилувчи шарт сифатида тарафлар мақсадига эришилгани назарда тутилганда тугатилади. Бунда шартноманинг харакати тўлиқ тугайди.

Оддий ширкат шартномаси тугатилишига тарафлардан бирининг талаби билан уни бекор қилиниши ҳам сабаб бўлади. Шартномани бекор қилиш асоси қонунда шартномани муддатли ёки муддатсизлик хусусиятига боғлиқ қилиб қўйилган.

3. Меросхўрнинг (хукукий вориснинг) ширкатга аъзо бўлиб киришида ширкатнинг ўзи янги тузилмага айланмайди. Ширкатга кирган меросхўрга (хукукий ворисга) оддий ширкат шартномаси бўйича хукукий ворисликнинг умумий негизларига асосан, шахсий хукуқ ва мажбуриятлар, шу жумладан ваколат олган шахснинг хукуқ ва мажбуриятларидан ташқари барча хукуқ ва мажбуриятлар ўтади. Меросхўр (хукукий ворис) олинган мерос доирасида ширкатга киргунга қадар хосил бўлган ширкатнинг қарзлари учун жавоб беради.

4. Ширкатнинг мулки алоҳида иштирокчиларга эмас балки, барча иштирокчиларга мулкий бирлик сифатида тегишли бўлганлиги боис бирон бир иштирокчисининг кредитори ҳатто иштирокчи қарздорнинг хиссаси бўлса ҳам, ушбу мол мулкнинг таркибий қисмига нисбатан қарзни ундиришни қаратишга ҳақли эмас. Бироқ, ундирувчи иштирокчи қарздорнинг ширкатнинг умумий мулкидаги улушига қаратишга ҳақли.

### **971-модда. Оддий ширкат шартномаси бекор бўлишининг оқибатлари**

**Оддий ширкат шартномаси бекор бўлганда шерикларнинг умумий эгалигига ва (ёки) фойдаланишига бериб қўйилган ашёлар, тараф-**

**ларнинг келишуви билан бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, уларни бериб қўйган шерикларга ҳақ тўламасдан қайтарилади.**

**Оддий ширкат шартномаси бекор бўлган пайдан бошлаб унинг иштирокчилари учинчи шахсларга нисбатан бажарилмаган умумий мажбуриятлар бўйича солидар жавобгар бўладилар.**

**Шерикларнинг умумий улушли мулкида турган мол-мулкни ва уларда юзага келган умумий талаб қилиш ҳуқуқларини тақсимлаш ушбу Кодекснинг 223-моддасида белгиланган тартибда амалга оширилади.**

**Умумий улушли мулкка хусусий аломатлари билан белгиланган ашёни қўшган шерик оддий ширкат шартномаси бекор бўлганда, қолган шериклар ва кредиторларнинг манфаатларига риоя этилиши шарти билан, бу ашёни ўзига қайтаришни талаб қилишга хақли.**

**1.** Оддий ширкат шартномаси агар тарафлар кредитор талаби билан улушни ажратиб бергандан сўнг, ширкат фаолиятини давом эттириш имкониятини назарда тутмаган бўлсалар бекор бўлиши мумкин.

Оддий ширкат шартномасини бекор бўлиши унинг иштирокчилари-нинг ўзаро муносабатини тартибга солишни талаб қиласди. У қуйидаги босқичларда: 1) умумий эгалигига ва (ёки) фойдаланишига бериб қўйилган ашёларни қайтариш; 2) учинчи шахсларга нисбатан умумий мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарликни белгилаш; 3) умумий мулкда бўлган мулкни шу жумладан хусусий аломатли ашёларни ҳам ажратиб олишда бўлиши мумкин.

**2.** Шартнома тугагандан сўнг иштирокчиларнинг умумий мулкини бўлиш ушбу мулк қандай асосларда топширилган ёки тасарруфга берилганига боғлиқ бўлади.

Агар у шерикларга умумий улушли мулк ҳуқуки асосида тегишли бўлса, уни бўлиш ФК 223 моддаси тартибида ажратилади. Бунда шериклар томонидан умумий мулкка қўшилган хусусий аломатли ашёлар (автомобиль, кўчмас мулк ва х.к.) улар томонидан қайтарилиши, шу жумладан виндикацион дъяво ёрдамида талаб қилинишини мумкин. Суд бундай ашёни топшириш ҳақида қарор қабул қилишда бошқа шериклар, шу жумладан кредиторлар томонидан шерикка нисбатан эътиrozларни ҳисобга олиши шарт.

**3.** Умумий мулк таркибига мулк ҳуқуки асосида қўшилмаган ашёлар (ижара, фойдаланиш ҳуқуки ва х.к.), кредиторлар билан ҳисоб китоб қилиб бўлингандан сўнг унинг эгаларига қайтарилади. Тўланмаган ижара

ҳақи, фойдаланиш ҳақи ва х.к. агар тарафлар келишувида бошқача ҳол белгиланмаган бўлса, шерикка тўланмайди.

### **972-модда. Оддий ширкатнинг муддатсиз шартномасидан воз кечиш**

**Шахснинг оддий ширкатнинг муддатсиз шартномасидан воз кечиш тўғрисидаги аризаси, агар шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, унинг томонидан шартномадан чиқиш мўлжалланаётган санадан камидан уч ой олдин берилиши лозим.**

**Оддий ширкатнинг муддатсиз шартномасидан воз кечиш ҳуқуқини чеклаш тўғрисидаги келишув ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.**

1. Агар шартнома муддати кўрсатилмасдан тузилган бўлса (муддатсиз шартнома), шериклардан ҳар қайсиси шартномадан чиқиш мўлжалланаётган санадан камидан уч ой олдин бу ҳақида шерикларга маълум қилишга ҳақли. Бундай тарзда шартномадан чиқиш шартномани келгусида ижро қилишни рад этишини англаради ва у чиқиб кетаётган шахсга нисбатан бекор қилинган ҳисобланади (ФК 382-моддаси 4-қисми).

2. Шартнома шахсий характер касб этганлиги боис, шерикни муддатсиз шартномадан воз кечиш ҳуқуқини чеклаш ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган бўлар эди: ҳар бир иштирокчи ўз фаолияти доирасини мустақил белгилашга ҳақли (ФК 113–116-моддалари).

3. Қолган шериклар ўз келишувлари билан шартномани амал қилишини сақлаб қолишлари мумкин.

### **973-модда. Тарафнинг талаби билан оддий ширкат шартномасини бекор қилиш**

**Ушбу Кодекс 382-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган асос билан бир қаторда, муддат кўрсатилиб ёки бекор қилиш шарти сифатида мақсад кўрсатилиб тузилган оддий ширкат шартномасининг тарафи шартномани бекор қилиш туфайли етказилган ҳақиқий зарарни қолган шерикларга қоплаган ҳолда шартномани ўзи ва қолган шериклар ўргасидаги муносабатларда бекор қилишни талаб этишга ҳақли.**

1. Оддий ширкат шартномасининг тарафи муддат кўрсатилиб ёки бекор қилиш шарти сифатида мақсад кўрсатилиб тузилган оддий ширкат шартномасидан уни шартномада келгусида иштирок этишини қийинлаштирувчи (огир молиявий аҳвол ва х.к.) узрли сабаблар мавжуд бўлганда шартномани бекор қилиш масаласини қўйишга ҳақли. Бундай шаклда шартномани бекор қилиш ФК 382-моддаси 2-қисмида, бекор қилиш тартиби эса ФК 384-моддасида назарда тутилган. Шартномани бекор қилиш асоси бўлиб бошқа сабаблар бўлса ҳам, унинг шартларини жиддий равишда бузиш сифатида шартномадан чиқувчи шерик бошқа шерикларга етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга мажбур.

2. Қонун матнидан шу нарса маълум бўладики, муайян муддатга тузилган ёки бекор қилиш шарти сифатида мақсад кўрсатилиб тузилган шартнома бўйича муддатидан олдин қатнашишдан воз кечиш ҳақида ариза беришга фақат узрли сабаблар мавжуд бўлганда йўл қўйилади.

Бирок, қонун қандай ҳолатларни узрли сабаб ҳисоблашни белгиламайди. Ушбу ҳолатларни баҳолаш муайян шартга боғлик бўлади ва суд томонидан кўриб чиқилиши мумкин. Ширкатда иштирок этишдан воз кечиш учун узрли сабаб сифатида шундай ҳолатлар тан олинниши лозимки, бунинг натижасида келгусида ширкат фаолиятида қатнашиш бир ёки бир неча иштирокчи учун таваккалчилиги юқори бўлишини тахмин қилиш мумкин. Мисол сифатида иштирокчилардан бирининг ўз мажбуриятларини жиддий бузиши, бир ёки бир неча иштирокчининг инсофисизлиги, ширкат ишларини юритиш лаёқатига эга эмаслиги кабиларни кўрсатиш мумкин. Агар иштирокчи жисмоний шахс бўлса, ширкат фаолиятида иштирок этишдан узрли сабабларга кўра бош тортиш сабаби сифатида унинг касаллигини кўрсатиб ўтиш мумкин.

3. Муайян муддатда тузилган ширкатда иштирок этишдан воз кечиш исталган вақтда эълон қилиниши мумкин. Бироқ, воз кечишни қаноатлантириш фақат бошқа иштирокчилар ҳукуқларини бузмаслик шарти билан қаноатлантирилиши мумкин. Агар муддатидан олдин бир ёки бир неча иштирокчини чиқиши бошқа иштирокчиларга ҳақиқий зарар келтиришига олиб келса, у ҳолда ширкатдан чиқиш ҳақидаги ариза фақат ҳақиқий зарар бошқа барча иштирокчиларга қоплаб берилгандан сўнг қаноатлантирилиши мумкин.

Қонун чиқарувчи ушбу қоидани ширкатда иштирок этишдан бир томонлама воз кечишнинг муайян чегарасини белгилаш мақсадида жорий

қилади ва бу билан бошқа иштирокчилар манфаатлари ҳимоясини ҳам таъминлайди.

### **974-модда. Шартномада иштирок этишдан воз кечган ёки уни бекор қилишни талаб этган шерикнинг жавобгарлиги**

Иштирокчилардан бирортаси оддий ширкат шартномасида бундан буён иштирок этишдан воз кечиш тўғрисида ариза бериши ёхуд шериклардан бирининг талаби билан шартнома бекор қилиниши натижасида оддий ширкат шартномаси бекор қилинмаган тақдирда, шартномада иштирок этиши тўхтаган шахс учинчи шахслар олдида ўзи шартномада иштирок этган даврда юзага келган умумий мажбуриятлар бўйича у оддий ширкат шартномасининг иштирокчиси бўлиб қолавергандаги каби жавобгар бўлади.

1. Умумий қоидага кўра, оддий ширкат шартномаси тўлиқ тугатилган вактдан бошлаб унинг иштирокчисилари ўзларининг умумий мажбуриятлари бўйича (ФК 971-моддаси 2-қисми) солидар жавобгар бўлиб қолаверадилар. Бу дегани, ҳатто олдин улушли жавобгар бўлганлар ҳам солидар жавобгар бўлиб қолаверишини англатади.

2. Бошқа ҳолатда эса, шартнома тўлиқ тугатилмаган, бироқ иштирокчининг ариза бериши натижасида муддатсиз шартномадан (ФК 972-моддаси) ёки муддатли шартномадан шериклардан бирининг талаби билан (ФК 973-моддаси) иштирокчи чиқиб кетиш ҳолати юзага келади.

Агар оддий ширкат ўз фаолиятини давом эттиrsa, чиқиб кетган иштирокчининг жавобгарлиги тугамайди. Бундай ҳолда у учинчи шахслар олдида шартномада иштирок этган даврида вужудга келган мажбуриятлар бўйича худди унда иштирок этишда даво этгани каби ва фақат улушли ёки солидар тартибда жавобгар бўлиб қолаверади. Унинг чиқиб кетганидан сўнг вужудга келган мажбуриятлар бўйича илгариги иштирокчи жавобгар бўлмайди.

### **975-модда. Яширин ширкат**

Оддий ширкат шартномасида унинг мавжудлигини учинчи шахсларга маълум қилмаслик (яширин ширкат) назарда тутилиши мум-

**кин. Бундай шартномага нисбатан, агар ушбу моддада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса ёки яширин ширкат моҳиятидан келиб чиқмаса, ушбу боб қоидалари қўлланилади.**

**Яширин ширкат иштирокчиларидан ҳар бири учинчи шахслар билан муносабатларда шерикларининг умумий манфаатларини кўзлаб ўз номидан тузган битимлар бўйича ўзининг бутун мол-мулки билан жавоб беради.**

**Шериклар ўргасидаги муносабатларда, уларнинг биргаликдаги фаолияти жараёнида юзага келган мажбуриятлар умумий хисобланади.**

1. Яширин ширкатга нисбатан ФК 53-бобининг умумий қоидалари агар шарҳланадиган моддада ёки бундай ширкатнинг моҳиятидан бошқача хол келиб чиқмаса қўлланилади. Масалан, умумий қоидадан истисно тариқасида яширин ширкат иштирокчиларининг учинчи шахслар билан тузилган битимлари бўйича жавобгарлигини кўрсатиш мумкин. Бундай ширкат иштирокчиси ширкатнинг умумий манфаати йўлида тузилган битим бўйича шахсан жавобгар бўлади.

Битим ижро қилингандан сўнг, шунингдек уни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарлик юклатилган ҳолларда шерик бошқа иштирокчилардан ФК 967-моддасида белгиланган тартибда харажатлар ва зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

2. Ширкатнинг мазкур турининг ажратиб турувчи хусусияти яширинлигига намоён бўлади: ташқи муносабатларда факат маълум бўлган (танилган) шерик ўзининг шахсий номидан, бироқ умумий хисобдан яъни, шахсий ва унинг ортида турган яширин шерикнинг номидан ҳаракат қилиб иштирок этади. Яширин шерик мумалада яширинлигича қолади, бироқ маълум бўлган (танилган) шерик билан мажбурият муносабатлари билан боғланган бўлади.

Маълум бўлган (танилган) шерик томонидан амалга ошириладиган барча ҳаракатлар унинг ўзининг зиммасига мажбурият юклайди яъни, учинчи шахснинг қарздори сифатида факат у тан олинади. Яширин шерик учинчи шахс олдида шахсан жавобгар бўлмайди. Маълум бўлган (танилган) шерик сифатида яширин ширкатнинг ҳар бир аъзоси шу жумладан, улардан бири қатнашиши мумкин. Яширин ширкатнинг учинчи шахслар билан муносабатга киришувчи ва ўз номидан шерикларнинг умумий манфаати учун битим тузувчи ҳар бир иштирокчи бу битим бўйича

чекланмаган жавобгар, яъни шарҳланаётган модданинг 2-қисмига кўра ўзнинг бутун мол мулки билан жавобгар бўлади.

3. Яширин ширкат иштирокчилари умумий мулкни шакллантира олмайди, чунки бу унинг моҳиятига зид келади. Бироқ, маълум бўлган (танилган) шерик тўловга қобилиятсиз бўлса, хўжалик муомаласида у ўз номидан қатнашган бўлса ҳам ширкатнинг яширин шериги умумий ҳаражатлар ва заарарларни қоплашдан ФК 967-моддаси 2-қисмига мувофиқ, озод этилиши мумкин эмас.

4. Яширин ширкат фаолияти натижасида вужудга келган мажбуриятлар шериклар ўртасидаги муносабатларда умумий деб тан олинади. Бу дегани, шерикларнинг ушбу мажбуриятлар бўйича жавобгарлиги ФК 967-моддсида белгиланган қоидага асосан белгиланади, яъни маълум бўлган (танилган) шерик ширкатнинг барча ҳаражатлари ва заарарларини бир ўзи қоплаган ҳолларда яширин шерикларга нисбатан регресс талаб қилиш хукуқига эга.

5. Иштирокчилар ширкатнинг мавжудлиги ҳолатини учинчи шахсларга маълум қилишга қарор қилишса, ФК 53-бобининг умумий қоидалари қўлланила бошлайди.

## **54-БОБ. ОММАВИЙ ТАНЛОВ**

### **976-модда. Оммавий танловни ташкил этиш**

Ишни энг яхши бажарганлик ёки бошқа натижаларга эришганик учун пул мукофоти тўлаш ёки бошқа мукофот бериш тўғрисида (мукофот тўлаш тўғрисида) ошкора (оммавий танлов) эълон қилган шахс танловни ўтказиш шартларига мувофиқ унинг ғолиби деб топилган кимсага шартлашилган мукофотни тўлаши лозим.

Оммавий танлов танловни уюштирувчининг танловда иштирок этишга таклифи матбуотда ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш йўли билан барча хоҳловчиларга қаратилганда очиқ ёки танловда иштирок этишга таклиф танловни уюштирувчининг хоҳиши бўйича муайян доирадаги шахсларга юборилганда ёпиқ бўлиши мумкин.

Танловни уюштирувчи танловда иштирок этиш истагини билдирган шахсларни дастлабки саралашдан ўтказган тақдирда, очик танловда унинг иштирокчиларининг дастлабки малакаси хақида шарт қўйилиши мумкин.

Оммавий танлов тўғрисидаги эълон топшириқнинг моҳиятини назарда тутувчи шартларни, ишнинг натижаларини ёки бошқа ютуқларни баҳолаш мезонлари ва тартибини, уларни тақдим этиш жойи, муддати ва тартибини, мукофотнинг миқдори ва шаклини, шунингдек натижаларни эълон қилиш тартиби ва муддатларини ўз ичига олган бўлиши лозим.

Танлов ғолиби билан шартнома тузиш мажбуриятини ўз ичига олган оммавий танловга нисбатан ушбу бобнинг қоидалари, ушбу Кодекснинг 379–381-моддаларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, қўлланади.

1. Танловни ўтказиш иштирокчилар мусобақалашувини, рақобатлашувини, улардан энг маъқулини танлаш ва рафбатлантиришни назарда тутади. Бу билан турли фаолият соҳаларида энг юқори натижаларга эришиш имконияти яратилади. ФКнинг 54-боби оммавий танлов эълон қилиниши билан вужудга келуви фуқаролик хукуқий мажбуриятларнинг

алоҳида турига бағишланган. Унинг таъсир доирасига фуқаролик ҳукуқий тартибга солиш доирасидан четда қолувчи, хусусан бўш иш ўринларига танлов уюштириш орқали ғолиб шахс билан меҳнат шартномаси (контракти) тузишга, таълим муассасаларига фуқароларни қабул қилишга, Давлат мукофотларини олишга доир танловлар кирмайди.

Оммавий танловни эълон қилиш бир тарафлама битим саналади (ФК 102-моддаси 2-қисми). Шу билан бирга оммавий танлов ўтказишда агар уни эълон қилиши орқали муайян юридик фактлар, шу жумладан, танловда иштирок этишни хоҳловчи шахсларнинг харакати амалга оширилса танлов ўтказишга оид мажбурият вужудга келади. Оммавий танлов эълон қилинганда зарур фактлар йиғиндиси содир бўлиш ёки бўлмаслиги маълум бўлмайди. Шартли хусусият ҳар қандай оммавий танловга хос бўлиб, ушбу битимнинг моҳиятини ифодалайди ва оммавий танлов эълон қилган шахснинг эркига боғлиқ бўлмайди. Ҳар қандай шартсиз танлов эълон қилиниши мумкин эмас. Оммавий танловнинг ушбу хусусияти ФК 104-моддаси 1-қисмидаги белгиланган, бекор қилиш шарти билан тузиладиган битимлар сирасига киритишни истисно қилади.

2. Танловга оид ҳукуқий муносабат субъектлари бўлиб пул мукофоти тўлаш ёки бошқа мукофот бериш тўғрисида эълон қилган шахслар, шунингдек танлов иштирокчилари шу жумладан муайян ишни бажарган ва кўриб чиқиб учун тақдим этган шахслар ҳисобланади.

Танлов ташкилотчиси бўлиб, пул мукофоти тўлаш ёки бошқа мукофот бериш тўғрисида оммавий танлов эълон қилган шахс қатнашади. «Шахс» тушунчаси танловни ташкил этувчи ҳақида кенг доирада сўз юритилишини англатади. Фуқаролик ҳукуқ лаёқати мазмунини очиб берувчи ФК 17-моддаси фуқароларнинг қонунга зид келмайдиган ҳар қандай битимлар ва мажбуриятларни амалга ошириш мумкинлигини белгилайди. Ушбу ҳукукни оммавий танловни ўтказишга ҳам татбиқ қилиш мумкин.

3. Танловда фуқаролар, юридик шахслар иштирок этишлари мумкин. Иштирок этувчи фуқароларнинг ҳукуқ лаёқати фуқаролик ҳукуқининг умумий нормалари билан аниқланади. Ёшга доир ҳеч қандай шарт белгиланмаган. Бу дегани танловда нафақат вояга етган фуқаролар, балки 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганлар ҳам иштирок этиши мумкинлигини англатади. Зеро, улар мустақил равишда ота онаси, фарзандликка оловчилари ва ҳомийларисиз фан, адабиёт ёки санъат асарига,

қонун билан қўриқланадиган бошқа интеллектуал фаолият натижасига (ФК 27-моддаси 2-кисми) нисбатан муаллифлик хукуқини амалга оширишлари мумкин. 14 ёшгача бўлган вояга етмаганлар номидан битимларни ФК 29-моддаси 1-кисмига мувофиқ, уларнинг қонуний вакиллари (ота-оналари, фарзандликка олувчилар, васийлар) тузадилар.

Фуқаролар танловда якка тартибда ёки жамоавий тартибда иштирок этадилар. Танлов иштирокчилари бўлиб фуқаролик қонунчилиги билан хуқуклаёқати белгиланадиган чет эл фуқаролари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирок этишлари мумкин. Номзод сифатида юридик шахслар ҳам иштирок этиши мумкин. Агар танлов техник масалани энг яхши ечимиға доир бўлса, уни ишлаб чиқишида илмий тадқиқот институтлари, конструкторлик бюоролари, техник жамиятлар ва х.к.лар иштирок этиши мумкин.

4. ФКнинг 55-бобида назарда тутилган муайян хукукий ҳаракатларни амалга оширганлик учун мукофотни ошкора ваъда қилишдан фарқли равишда оммавий танлов ўtkазиша ишни энг яхши бажарган ёки танлов шартларига мувофиқ бошқа натижаларга эришганлик учун мукофот тўланади. Оммавий танловда факат битта шахсни иштирок этиши танлов ғолибини аниқлаш имкониятини истисно қилганлиги боис, танлов ўtkazilmaganligini келтириб чиқаради. Танлов шунингдек, агар бир неча ишлар ягона иштирокчи томонидан тақдим этилган ҳолларда ҳам ўtkazilmagan ҳисобланади.

Оммавий танлов муайян ижтимоий фойдали мақсадга эришишга қаратилган бўлади. Мукофотни ошкора ваъда қилиш эса хусусий ва хукуқка хилоф бўлмаган мақсадларни кўзлайди. Ижтимоий фойдали мақсад оммавий танловонинг муҳим белгиси ҳисобланади.

Агар оммавий танловда ҳар доим ғолиб аниқланса, мукофотни ошкора ваъда қилишда эса, ҳатто эълон қилинган ҳаракатлар бир ёки бир неча шахслар томонидан бир вақтнинг ўзида амалга оширилса ҳам, ғолибни аниқлаш назарда тутилмайди. Бунда юқорида кўрсатиб ўтилган хукуққа мос келувчи ҳаракатларни амалга оширишда иштирок этган шахсларнинг саъий ҳаракатлари учун мукофот teng равишида тақсимланади.

5. Тугал мақсади бирон нарсадан фойдаланишга рухсат олиш, эгалик хукуқини қўлга киритиш учун ўtkaziladigan танловлар учун мусобақалашув, рақобатлашув (беллашув) хусусияти хос бўлади. Бу ерда энг яхши иштирокчи, ғолиб эмас балки, бирон нарсадан энг сама-

рали (рационал) фойдаланишни таъминловчи, бирон нарсани олишдан кўриладиган иқтисодий фойда аниқланади.

Танлов ижтимоий фойдали мақсадга эришиш учун ўзида моддий ва маънавий рағбатни ифодалайди. У унинг иштирокчиларининг ижодий хусусиятга эга бўлган фаолиятини келтириб чиқаради. Ушбу фаолиятнинг натижасида адабиёт ва санъат асари ёки маданий ва техник ривожланишга кўмаклашувчи бошқа масалалар ҳал қилинишга эришилади.

6. Оммавий танлов ҳақида эълон килган шахс номуайян доирадаги шахсларга мурожаат қиласди. Унинг иштирокчилари ниҳоятда кенг бўлиши, шунингдек бирон ташкилот ишчилари ёки касб кор эгалари ҳам бўлиши мумкин.

Танловлар очиқ ва ёпиқ бўлиши мумкин. Очиқ танлов барча хоҳловчиларга унда иштирок этиш учун мурожаатни назарда тутади. Оммавий танлов ҳақидаги хабар оммавий ахборот воситаларида (газета, журнал, радио, телевидение, интернет орқали ва х.к.) берилади. Тегишли эълон жамоат жойларида ҳам берилиши мумкин. Очиқ танловни ўтказишда унинг ташкилотчилари аввалдан унда иштирок этишни хоҳловчиларни танлаб олиш хуқуқига эга. Бу иштирокчилар малакасини (масалан, ижрочи артислар, мусиқачилар) дастлабки баҳолаш билан боғлиқ. Бироқ, очиқ танловнинг иштирокчилари доираси танлаб олиш билан чегаралангандек бўлишига қарамасдан, ғолиб олдиндан аниқланмаган бўлиб қолиши лозим.

Ёпиқ танловда иштирок этишга чегаралангандек доирадаги шахслар, яъни факат таклиф этилганлар қатнашади. Иштирокчилар танлов ташкилотчиси томонидан танланади, танловда иштирок этишга таклиф эса, муайян доирадаги шахсларга йўналтирилган бўлади.

7. Танлов ҳақида эълон бир қатор шартларни ўзида мужассамлайди. Улардан баъзилари мажбурий, бошқалари эса бундай хусусиятга эга бўлмайди. Мажбурий шартларга: эълон қилинган топшириқнинг моҳияти, ишнинг натижаларини ёки бошқа ютуқларни баҳолаш мезонлари ва тартиби; уларни тақдим этиш жойи, муддати ва тартиби; мукофотнинг миқдори ва шакли, натижаларни эълон қилиш тартиби ва муддатлари киради.

Танлов бир неча босқичдан (турдан) иборат бўлиши мумкин. Уларнинг ҳар бирида ишлар баҳоланади, бу эса келгуси босқич учун энг яхши ишни танлашга имкон беради. Ишларни якуний баҳоланиши ошкора муҳокама қилиниши ёки омма эътибори ва жамоатчилик фикрини аниқлаш учун кўргазма тарзида жойлаштирилиши мумкин.

Танлов ўтказишнинг мажбурий шартлари жумаласига ишнинг натижаларини ёки бошқа ютуқларни тақдим этиш жойи киради. Уни кўрсатилиши нафақат танлов иштирокчилари учун балки, жамоатчилик учун ҳам аҳамиятга эга. Айниқса ушбу шарт томошабинлар аудитория-сига мўлжалланган ижрочилик фаолиятига доир танловларга даҳлдор.

Танлов тошпригини амалга ошириш муддати иштирокчи учун уни бажаришнинг ҳақиқий имкониятига мос келиши лозим.

Тугал ва оралиқ муддатлар ҳам белгиланиши мумкин. Масалан, дастлабки кўриб чиқишнинг ёки ижрочиларни тинглашнинг оралиқ даври, танлов топширигини бажарилиш лойиҳасини тақдим қилиш даврини кўрсатиш мумкин.

9. Танловнинг зарурый шарти иш ёки бошқа натижаларни баҳолаш тартиби ҳисобланади. Танлов голибини ким аниқлади — танлов комиссияси (ҳакамлар ҳайъати), ташкилотчининг ўзи, у томонидан ваколат берилган шахс — кўрсатиб ўтилган тартибнинг муҳим таркибий қисмидир. Одатда, ғолиб аввалдан эълон қилинган танлов комиссияси томонидан аниқланади. Фуқаролик кодекси танлов иштирокчиларини комиссия таркибига киришни таъқиқламайди, шундай бўлсада, аҳлоқ нормаларидан келиб чиқиб, амалиётда бундай таъқиққа риоя қилинади.

Танлов натижаларини эълон қилиш тартиби ва муддати мажбурий шартлар жумласига киритилган. Танлов натижаларини аниқлаш тақдим этилган ишларни баҳолашдан келиб чиқади. Натижаларни эълон қилиш муддати танлов ҳақидаги хабарда берилади. Мукофотланган ва танлов ташкилотчиси томонидан фойдаланишга қабул қилинган адабиёт, фан ёки санъат асари танлов ташкилотчиси ва ушбу асарлар муаллифлари ўртасида шартномавий муносабатнинг предмети бўлиши мумкин.

11. Мукофот ҳажми ва шакли танлов ҳақидаги эълоннинг мажбурий шарти саналади. Мукофот пул шаклида ёки бошқа мулкий қиймат шаклида бўлиши мумкин. Мукофот ўринларини эгаллашга мос равишда бир неча мукофот (масалан, биринчи ўринга 3.000.000 сўм, кейинги иккита ўринлар учун ундан камроқ пул мукофоти) ҳам белгиланиши мумкин. Ҳар бир ўрин учун бир неча мукофот: битта биринчи мукофот, иккита иккинчи, иккита учинчи ва х.к. Танлов ғолиблари учун мукофотлаш билан бир қаторда рағбатлантирувчи мукофотлар ҳам берилиши мумкин. Улар одатда мукофотланадиган ўрин олмаган, бироқ

эътироф этишга арзидиган асарларни яратганларга мўлжалланган бўлади.

12. ФК 976-моддаси 5-қисмида танлов шаклида ўтказиладиган ким ошди савдосида шартнома тузишни тартибга солувчи ФК 54-моддаси ва ФК 379–381-моддалари қоидаларининг нисбати масаласи ҳал қилинган. Танлов шаклида ким ошди савдосини ўтказиш ҳақидаги хабар худди оммавий танлов ҳақидаги эълон каби бир тарафлама битим ҳисобланиб, тарафларнинг хукуқ ва мажбуриятлари муайян шартни юз беришига боғлиқ бўлади. Бундай шарт бўлиб аввалдан ким ошди савдосини ташкилотчиси томонидан эълон қилинган асосга кўра (ФК 379-моддаси) — ким ошди савдосида камида икки шахснинг иштирок этиши ва улардан (энг яхши шартларни таклиф этган) шахсни танланиши ҳисобланади. Бироқ, ким ошди савдоси ташкилотчисининг ғолиб бўлган шахс фойдасига бажариши лозим бўлган мажбурияти ФК 976-моддаси 1-қисмида назарда тутилган оммавий танловни эълон қилган шахс мажбуриятидан фарқланади.

### **977-модда. Оммавий танлов шартларини ўзгартириш ва уни бекор қилиш**

**Оммавий танлов эълон қилган шахс ишларни тақдим этиш учун белгиланган муддатнинг фақат биринчи ярими мобайнида унинг шартларини ўзгартиришга ёки танловни бекор қилишга ҳақли.**

**Танлов шартларини ўзгартириш ёки уни бекор қилиш тўғрисида танлов қандай усулда эълон қилинган бўлса, шундай усулда хабар берилиши лозим.**

**Танлов шартлари ўзгарган ёки у бекор қилинган тақдирда, танлов эълон қилган шахс эълонда назарда тутилган ишни конкурс шартларининг ўзгартирилиши ёки унинг бекор қилиниши ўзига маълум бўлгунча ёки маълум бўлиши лозим бўлгунча бажарган ҳар қандай шахснинг харажатларини тўлаши лозим.**

**Агар танлов шартларини ўзгартиришда ёки уни бекор қилишда ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмларида кўрсатилган талаблар бузилган бўлса, танловни эълон қилган шахс эълонда кўрсатилган шартларга жавоб берадиган ишни бажарганларга мукофот тўлаши лозим.**

**Танловни эълон қилган шахс, агар кўрсатилган иш танловдан мустасно тарзда, хусусан, танлов тўғрисидаги эълонга қадар бажарилганинги ёхуд аввал бошданоқ танлов шартларига номувофик бўлганлигини исботласа, харажатларни тўлаш мажбуриятидан озод қилинади.**

1. Шарҳланәётган модданинг қоидаси оммавий танлов иштирокчиларининг манфаатларини танлов шартлари ўзгартирилган ёки бекор қилинганда ҳимоя қиласи. Ушбу қоидалар очиқ ва ёпиқ танлов учун бирдек кўлланилади.

Модданинг мазмунидан у оммавий танлов ўтказиш ҳакидаги эълонда кўрсатилган унинг бирон бир шартини ҳар қандай ўзгартиришга даҳлдор саналади. Бироқ, шарҳланәётган қоиданинг мақсадини ҳисобга олганда холда улар дастлабки эълон қилинган мукофот ва (ёки) мукофотлар миқдорини уларнинг қийматини камайтирган ҳолда кўпайишига татбик қилинмаслиги лозим. Бундай ўзгартириш унинг хабар бериш муддати ва усулидан қатъий назар, эълон қилинган танловдаги ишни бажарган шахслар манфаатларини бузмайди.

Танлов шартларининг бошқача тарзда ифодаланиши белгиланган вазифани бажаришга киришган кенг доирадаги иштирокчилар манфаатига даҳл қиласи. Шу сабабли қонун танлов иштирокчисига белгиланган муддатнинг фақат биринчи ярими мобайнида унинг шартларини ўзгартиришга ёки танловни бекор қилишга ҳақлилигини назарда тутади.

Танлов шартларини нисбатан кейинроқ ўзгартириш эҳтимоли ҳам мавжуд, бироқ фақат агар бу келгуси иштирокчилар ҳолатини яхшилаган (масалан, мукофот ҳажми ва миқдори кўпайган) ҳолларда йўл қўйилади.

2. Танлов ташкилотчиси агар иштирокчилардан бири белгиланган муддатнинг биринчи ярмида ишни тақдим этган бўлса, танлов шартларини ўзгартириши ёки бекор қилиши мумкин эмас. Шарҳланәётган модданинг 1 қисмига кўра танлов шартларини ўзгартириш ҳакидаги хабар берилгандан сўнг, танлов иштирокчиси дастлабки шартлар асосида ишни қабул қилишни ёки унга киритилган ўзгартиришларни ҳақиқий эмас деб топишни талаб қилиши мумкин эмас. У танловнинг янги шартларига мос равишда ишни бажарган тақдирда, танловда келгусида иштирок этиши мумкин бўлади.

3. Танлов шартларини ўзгартириш ёки бекор қилиш унинг иштирокчилари эътиборига етказилиши лозим. Танловда қатнашиши мумкин бўлган иштирокчиларга танлов шартлари ўзгарганлиги ёки бекор

қилинганды ҳақида танлов қандай шаклда эълон қилинганды бўлса (газетада, радио, телевидение, кўчадаги эълон доскаларида эълон қилинганды), шундай шаклда маълум қилиниши лозим.

Танлов ташкилотчисининг ушбу шартга риоя қилиши уни дастлабки шартларда кўрсатилган шартлар бўйича бажарилган ишларни қабул қилиш мажбуриятидан озод қиласди. Бу ҳақда иш муаллифи узрли сабабларга кўра танлов шартлари ўзгарганлиги ёки бекор қилингандыгини билмаганды эътиборга олинмайди.

Танлов шартларининг ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши оқибати шарҳланадиган моддада белгиланган муддат ҳақидаги талабнинг (ФК 977-моддаси 1-қисми), шунингдек танлов шартларини ўзгартириш ва бекор қилиш ҳақидаги хабарни етказиш усулига (ФК 977-моддаси 2-қисми) риоя қилингандыгига қараб фарқланади.

4. Оммавий танлов эълон қилингандан сўнг унда иштирок этишга хоҳловчи ва ишларни бажаргандар муддат ҳаракатларни амалга оширади (масалан, ёзув қофози, буёқ сотиб олади). Иш танлов иштирокчиси томонидан танлов шартларини ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги хабар берилгунга қадар бажарилиши мумкин. Ҳар қандай иштиокчи томонидан қилингандар ҳаракатларни унга қопланиши лозим. Танлов эълон қилган шахс танлов шартлари ўзгартирилган ёки бекор қилингандарда, агар иш унинг муаллифига танлов шартлари ўзгарганлиги ёки бекор қилингандыги ҳақидаги хабар етиб келгунинга қадар тайёр бўлган бўлса, танловдаги ишни бажаргандар томонидан қилингандар ҳаракатларни қоплаши лозим.

Танлов ташкилотчиси ҳаракатларни қоплаш мажбуриятидан озод қилиниши мумкин. Бунинг учун у кўрсатилган иш танловдан мустасно тарзда, хусусан, танлов тўғрисидаги эълонга қадар бажарилгандыгини исботлаши лозим. Танлов ташкилотчисини ҳаракатлардан озод қилиш асоси бўлиб, аввал бошданоқ танлов шартларига номувофиқ бўлганлигини исботлаши ҳисобланади.

5. ФК 977-моддаси 1 ва 2-қисми талаблари бузилган ҳолларда танлов эълон қилган шахс зиммасига бошқа мажбурият юклатилади. У эълонда кўрсатилган шартларга жавоб берадиган ишларни бажарган шахсларга мукофот тўлаши лозим.

Ушбу шахсларнинг мукофот олишга бўлган хукуклари танлов иштирокчиларининг энг яхисини (ғолибни) аниқлашга боғлиқ бўлмайди. ФК 977-моддаси 4-қисмига асосан мукофот тўлаш талаби билан мурожаат

қилган шахслар бир нечта бўлиши мумкин. Қонун мазмунига кўра мукофот ҳатто танлов шартларида фақат битта ғолибни тақдирлаш назарда тутилган бўлса ҳам, уларнинг ҳар бирига тўлик ҳажмда мукофот тўланиши лозим. Бунда агар иш белгиланган муддатда тақдим қилинган бўлса, у ҳолда танлов шартлари ўзгарганлиги ёки бекор қилинганлиги маълум бўлганлигига қадар иш бажарилганлиги аҳамиятга эга эмас.

### **978-модда. Мукофотни тўлаш тўғрисидаги қарор**

**Танлов ғолибига мукофотни тўлаш тўғрисидаги қарор танлов ҳақидаги эълонда белгиланган тартиб ва муддатларда чиқарилиши ҳамда оммавий танлов иштирокчиларига маълум қилиниши лозим.**

Агар эълонда кўрсатилган натижаларга икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргаликда бажарилган ишида эришилган бўлса, мукофот улар ўртасида уларнинг келишувига мувофиқ тақсимланади. Агар бундай келишувга эришилмаган бўлса, мукофотни тақсимлаш тартибини суд белгилайди.

1. Танлов ҳақидаги эълонда мукофотни тўлаш тартиби ва муддати ҳақидаги шартлар мавжуд бўлиши лозим. Мукофотни тўлаш ҳақидаги қарор танлов иштирокчилари эътиборига етказилади. Бу ўз вақтида ва мукофотни тўлаш тартиби ва шартларига риоя қилган ҳолда бажарилиши лозим. Танлов эълон қилиш билан ташкилотчи қанча мукофот ва қандай ҳажмда бўлишини кўрсатади.

Оммавий танлов эълон қилган шахсада мукофотни тўлаш ҳақидаги қарорни асослаш мажбурияти йўқ. Агар танловга тақдим қилинган ишлардан ёки бошқа натижалардан бири танлов шартларига мос келмаса ёки мукофотга лойик бўлмаса, унга мукофот тўланмаслиги мумкин.

2. Танловдаги ишларни баҳолаш ташкилотчи томонидан амалга оширилиши ҳам, бошқа ташкилотларга ёки маҳсус ташкил этилган комиссияга ёхуд бу соҳадаги юқори малакали мутахассислардан иборат ҳакамлар ҳайъати зиммасига ҳам юклатилиши мумкин. Танлов комиссияси ёки ҳакамлар ҳайъати тақдим этилган ишларни баҳолайди ва ғолибларни аниқлади. Танлов ташкилотчиси мукофотларни беради. Танлов ғолиблари фақат мукофотли ўринлар учун ғолиб деб топилган шахслар бўлади.

3. Танлов натижаларида ташкилотчи белгиланган мукофотлар миқдоридан келиб чиқиб чиқиб қуидаги қарорлардан бирини қабул қиласы: а) хар бир совринли ўрин учун мукофот түлаш ҳақида; б) алоҳида (кейинги) совринли ўринні эгаллаганлар учун мукофот түлашни рад этиш ҳақида (бир нечта бўлганда); в) совринли ўринлар ўрнига рағбатлантирувчи мукофотлар бериш ҳақида; г) агар танловда белгиланган шартларга биронта ҳам иш жавоб бермаса, умуман мукофот бермаслик ҳақида. Мукофот бериш рад этилганда ёки бошқа қарор қабул қилинганда танлов ташкилотчиси ўзининг қарорини асослашга мажбур.

4. Ишлари ғолиб деб топилган танлов иштирокчиларига мукофот түлаш ҳақида қарор уларга ёзма шаклда хабар бериш билан, шунингдек нашрда ёки бошқа оммавий ахборот воситаларида натижалар эълон қилиш билан етказилади.

Танлов комиссияси (ҳакамлар ҳайъати) нинг танлов натижалари ҳақида қароридан ва мукофот түлашдан иштирокчилар норози бўлганда, улар танлов ташкилотчисига шикоят билан мурожаат қиласы. Шикоят қайтадан қарори якуний деб ҳисобланадиган юқори турувчи органга берилиши мумкин.

5. ФК 978-моддаси 2-қисмида танлов ғолиб сифатида танлов топширигини биргаликда бажарган бир неча шахслар топилган ҳоллар назарда тутилган. Ушбу шахслар ўртасида мукофотни тақсимлаш нисбати улар келишувига кўра, низо бўлган ҳолларда эса суд томонидан белгиланади. Агар мукофот бўлинмайдиган ашё (ФК 88-моддаси 2-қисми) бўлса ва ишни биргаликда бажарган шахслар ўртасида тақсимланиш ҳақида келишувга эришилмаган ҳолларда, уни бўлиш ФК 226-моддасида қоидаларига кўра, суд тартибида ҳал қилинади.

6. Мукофот ғолибга (тўлиқ ёки қисман) тўланмаган тақдирда, суд тартибида, танлов эълон қилган шахсадан ундирилиши мумкин.

Қонун ёки танлов шартлари бузилган ҳолларда манбаатдор шахснинг даъвосига кўра оммавий танловнинг ғолиби деб топиш, шунингдек иштирокчилардан биронтасига ҳам мукофот бермаслик ҳақида қарор суд томонидан бекор қилиниши мумкин. Бироқ, суд у ёки бу оммавий танлов иштирокчисини ғолиб деб топиш ҳақида қарор чиқаришга ҳақли эмас: улардан ҳеч бирида танлов ғолиби деб тан олиниши учун устунлик ҳуқуқи (субъектив фуқаролик ҳуқуқи) мавжуд эмас.

## **979-модда. Оммавий танловда ғолиб чиққан фан, адабиёт ва санъат асарларидан фойдаланиш**

**Агар оммавий танлов нарсаси фан, адабиёт ёки санъат асаридан иборат бўлса, танловни эълон қилган шахс, башарти танлов шартларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, шартлашилган мукофотга сазовор бўлган муаллиф билан унга тегишли ҳақни тўлаган холда, асардан фойдаланиш тўғрисида шартнома тузишда имтиёзли ҳукуқни қўлга киритади.**

1. Оммавий танлов фан, адабиёт ёки санъат асарини яратиш мақсадида эълон қилиниши мумкин. Танлов ташкилотчиси мукофот тўлаш эвазига яратилган асарга нисбатан муаллиф билан унга тегишли ҳақни тўлаган холда, асардан фойдаланиш тўғрисида шартнома тузишда имтиёзли ҳукуқни қўлга киритади.

Агар танлов шартларида бошқача ҳол назарда тутилган бўлмаса, асардан фойдаланишда танлов эълон қилган шахс унинг муаллифиға мукофот тўлашдан ташқари шартнома бўйича ҳақ тўлашга ҳам мажбур.

2. Қонун танловда мукофот олинган асардан фойдаланиш усулини белгилаб бермайди. У муаллифлик шартномасини тузишда ёки танлов мақсадидан келиб чиқадиган усулда: масалан, мусиқий асар омма олдида ижро қилишда; адабий асар эълон қилиш, бадиий ўқиши ва х.к. аниқланади.

Шартлашилган мукофотни иштирокчи — танлов ғолибиға бериш у билан асардан фойдаланиш бўйича тузилган шартнома бўйича тегишли ҳақ олиш ҳукуқидан маҳрум қilmайди.

Танлов ташкилотчиси томонидан мукофотланган асардан фойдаланганлик учун муаллифга ҳақ тўлаш муаллифлик ҳукуқи нормаларига асоссан белгиланади.

3. Агар танлов эълон қилган шахслар режасига мукофотланган асардан фойдаланиш мақсади кирмаса, ушбу асарлар муаллифлари бу ҳақда хабардор қилиниши лозим. Бунда танлов шартарини эълон қилишда ташкилотчи томонидан мукофотланган асар фойдаланилмаслиги кўрсатиб ўтилиши мумкин. Бу муаллифга асардан ўз хоҳишига кўра фойдаланиш, айниқса шартнома тузиши мумкин бўлган шахс ёки ташкилотни топиш имкониятини беради.

4. Оммавий танлов ҳақидаги эълонда танлов ғолиби билан унинг асаридан фойдаланиш тўғрисида шартнома шартлари назарда тутилган бўлса,

танлов иштироқчиси эълон қилинган шартларни қабул қилған ҳисобланади. Агар улар (муҳим шартлардан бири) эълонда мавжуд бўлмаса, у холда шартноманинг муҳим шартлари бўйича (ФК 364-моддаси 1-қисми) тарафлар ўртасида келишувга эришилиши лозим. «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуклар тўғрисида»ги 2006 йил 20 августдаги қонуннинг 39-моддасига кўра муаллифлик шартномасининг муҳим шарти бўлиб асардан фойдаланиш усули, ундан ҳар бир усулда фойдаланиш бўйича тўланадиган ҳақ микдори ва (ёки) уни аниқлаш тартиби саналади.

5. Тегишлича ҳақ тўлаш деганда, оммавий танлов тўғрисидаги эълонда назарда тутилган шартнома бўйича, агар ушбу эълонда бундай шарт бўлмаса, тарафлар ўртасида келишилган микдорда ҳақ тўлаш тушунилади.

6. Агар танлов шартларида ушбу ҳуқуқнинг мавжуд эмаслиги кўрсатилмаган ёки унинг ташкилотчисининг бундай шартнома тузиш мажбурияти назарда тутилмаган бўлса, асардан фойдаланиш бўйича муаллиф билан имтиёзли шартнома тузиш ҳуқуқини амалга ошириш оммавий танловни эълон қилган шахснинг эркига боғлиқ бўлади.

Танлов эълон қилган шахс билан муаллиф шартнома тузишдан бош тортса, танлов ташкилотчиси танлов ҳақидаги эълон қилинган шартларда ўз ҳуқуқларини суд тартиби амалга оширилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга. Эълонда шартноманинг муҳим шартлари кўрсатилмаган бўлса, уни суд тартибида амалга ошириш эҳтимоли йироқ бўлади.

Агар муаллиф танлов эълон қилган шахснинг ҳуқуқларига зид равишда мукофот олган асардан фойдаланиш бўйича учинчи шахслар билан шартнома тузса, кўрсатиб ўтилган имтиёзли ҳуқуқни суд тартибида ҳимоя қилиш қуидагича ҳал қилинади. Агар муаллиф билан тузилган шартнома шартлари танловда эълон қилинган шартларга ўхшаш бўлса, танлов эълон қилган шахс суд тартибида шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўзига ўтказилишини талаб қилишга ҳақли бўлади.

7. Номуайян муддат давомида танлов ғолиби билан шартнома тузишни расмийлаштириш кечиктирилса, унга суд тартибида шартнома тузишга мажбур қилиш ҳақида талаб билан мурожаат қилиш ҳуқуқина беради. Танлов ташкилотчиси шартнома тузишдан асоссиз равишда бош тортса, у мукофотланган асар муаллифиға етказилган заарларни қоплайди (ФК 377-моддаси 6-қисми).

Танлов ташкилотчисининг мукофотланган асар муаллифи билан шартнома тузишга мажбур қилиш ҳақидаги суднинг қарори билан таш-

килотчининг хукуқи бекор бўлади ёки у муаллифлик хукуқи нормаларига мувофиқ шартнома тузади.

### **980-модда. Тақдим этилган ишларни оммавий танлов иштирокчиларига қайтариш**

**Оммавий танловни эълон қилган шахс, агар танлов тўғрисидаги эълонда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса ёки бажарилган ишнинг хусусиятидан келиб чиқмаса, мукофотга сазовор бўлмаган ишларни танлов иштирокчиларига қайтариши шарт.**

1. Шарҳланаётган модда нормаси диспозитив хусусиятга эга. Оммавий танлов ўтказиш ҳақидаги эълонда мажбурий шартлардан ташқари қўшимча шартлар ҳам бўлиши мумкин. Улар оммавий танлов ташкилотчисининг хоҳишига кўра эълонга киритилади. Танлов шартларида танловга тақдим этилган ишлар қайтарилимаслиги ҳам назарда тутилиши мумкин.

Шарҳланаётган модданинг қоидаси агар танлов шартларида бошқача ҳол белгиланмаган бўлса, мукофотланган ишлар танлов иштирокчиларига қайтарилимаслигини назарда тутади.

2. Танлов ҳақидаги эълонда танлов иштирокчиларининг ишларини қайтариш ҳақидаги талаблари ёки танлов ташкилотчисининг ишларни қайтариш муддати кўрсатилиши мумкин.

Танлов шартларида мукофотланмаган ишларни қайтариш тартибининг кўрсатимаслиги танлов эълон қилган шахс учун танлов иштирокчиларига бундай ишларни қайтариш мажбуриятини келтириб чиқаради.

Танлов ташкилотчиси томонидан ушбу мажбуриятни бузилиши унинг иштирокчиларига ўз ишларини қайтаришни талаб қилиш хукуқини беради. Ишнинг натижалари мужассамланган обьектлар шикастланса ёки йўқолса танлов иштирокчисига судга етказилган зарарни қоплашни сўраб мурожаат қилиш хукуқини беради.

Танлов ғолибларга мукофот тўлангандан ва мукофотланмаган ишлар бошқа иштирокчиларга қайтарилигандан сўнг тугаган ҳисобланади.

3. Қайтарилиши лозим бўлган иш натижалари мужассамланган обьектлар йўқотилган, йўқ бўлган, шикастланган ҳолларда танлов иштирокчисига зарарни қоплашни талаб қилиш хукуқини беради (ФК 14-моддаси).

## **55-БОБ. МУКОФОТНИ ОШКОРА ВАЪДА ҚИЛИШ**

### **981-модда. Мукофотни тўлаш мажбурияти**

Эълонда кўрсатилган ҳаракатни ким унда белгиланган муддатда бажарса, ўшанга пул мукофоти тўлаш ёки бошқа мукофотни бериш тўғрисида (мукофотни тўлаш тўғрисида) ошкора эълон қилган шахс тегишли ҳаракатни содир этган ҳар қандай шахсга ваъда қилинган мукофотни тўлаши шарт.

Мукофотни тўлаш мажбурияти мукофот ваъда қилиниши унинг ким томонидан ваъда қилинганини аниқлаш имконини берган тақдирда юзага келади. Ваъдага қизиқиш билдирган шахс ваъданни ёзма равишда тасдиқлашни талаб қилишга ҳақли ва, агар ҳақиқатда мукофот тўғрисидаги эълон унда кўрсатилган шахс томонидан қилинмаган бўлиб чиқса, бундай талаб қўйилмаганлиги оқибатлари хавфи унинг зиммасида бўлади.

Агар мукофотни ошкора ваъда қилишда унинг миқдори кўрсатилмаган бўлса, у мукофотни ваъда қилган шахс билан келишувга кўра аниқланади, низо келиб чиқсан тақдирда эса судда аниқланади.

Мукофотни тўлаш мажбурияти, тегишли ҳаракат эълон қилиниши муносабати билан ёки ундан мустасно тарзда бажарилганидан қатъи назар, юзага келади.

Эълонда кўрсатилган ҳаракатни бир неча шахс содир этган ҳолларда, улардан тегишли ҳаракатни биринчи бўлиб содир этгани мукофотни олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Агар эълонда кўрсатилган ҳаракат икки ёки ундан ортиқ шахс томонидан бажарилган бўлса ва улардан қайси бири тегишли ҳаракатни биринчи бўлиб содир этганини аниқлашнинг имкони бўлмаса, шунингдек, агар ҳаракат икки ёки бундан ортиқ шахслар томонидан бир пайтнинг ўзида содир этилган бўлса, мукофот улар ўртасида баъбаравар ёки уларнинг ўзаро келишувида назарда тутилган миқдорда тақсимланади.

Агар мукофот тўғрисидаги эълонда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса ёки унда кўрсатилган ҳаракат хусусиятидан келиб

**чиқмаса, бажарилған ҳаракатнинг эълонда мавжуд бўлған талабларга мувофиқлиги мукофотни ошкора ваъда қилған шахс томонидан аниқланади, низо келиб чиққан тақдирда эса судда аниқланади.**

1. Мукофотни ошкора ваъда қилиш бир томонлама битим (ФК 102-моддаси 2-қисми) хисобланади ва ФКнинг битимларга доир (ФК 9-боби) қўйиладиган, жумладан, битим шаклига доир талабларига мувофик бўлиши лозим. Қоида сифатида мукофотни ваъда қилиш ёзма шаклда: маҳаллий матбуотда, маҳсус пештахталарда ва бошқа эълон қилинадиган жойларда амалга оширилади.

Мукофот телевидение ва радио орқали ваъда қилиниши мумкин. Оғзаки тарзда митингларда, шу жумладан муайян шахслар гурухига уларнинг доираси иштирокчилар билан чекланган бўлса ҳам, мукофотни ваъда қилиш ошкора ваъда деб тан олиниши лозим. Ушбу ҳолатда келгусида ушбу бир томонлама оғзаки битимни исботлаш билан боғлиқ қийинчиликлар вужудга келиши мумкин. Мукофотни ваъда қилиш ФКнинг қонунда бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса оғзаки битим тузиш мумкинлигини белгиловчи 106 моддаси 1-қисми қоидаларига мос келади ва мукофот оғзаки ваъда қилинганда барча, шу жумладан оғзаки исботлаш воситаларидан фойдаланиш мумкин.

2. Мукофотни ошкора ваъда қилиш предмети бўлиб хукуққа мос ҳаракатлар ва бундай ҳаракатларни амалга оширганлик учун мукофот ваъда қилған шахсни аниқлаш имкони мавжуд бўлиши лозим. Бундай шахс тўғрисида хато ва нотўғри тасаввурлар билан боғлиқ нокулай оқибатларни олдини олиш учун ваъдага қизиқиш билдирган шахс ваъдани ёзма равишда тасдиқлашни талаб қилишга ҳақли бўлади.

3. Ошкора ваъда қилинган мукофотдаги ҳаракатлар эълон қилинган муддатда амалга оширилиши лозим. Амалиётда ушбу муддат одатда кўрсатилмайди ва мазкур ҳолда ФК 242-моддасининг мажбуриятларни белгиланган муддатларда бажаришга доир қоидаси, аввало тегишли ҳаракат хусусиятини ҳисобга олади. Айрим ҳолларда ушбу хусусият муҳим ҳисобланади (масалан, жиноий ҳаракатлар тўғрисидаги хабар).

4. ФК 103-моддасига мувофик эълонда назарда тутилган ҳаракатларни амалга ошириш уни амалга оширувчи шахснинг мажбурияти эмас балки, хукуқи ҳисобланади. Шу сабабли мукофот ҳақида ваъда қилған шахс ваъдага қизиқиш билдиришдан олдин эълонда кўрсатилган ҳаракатларни

содир этишни талаб қилишга ҳақли эмас. Бундай ҳаракатларни содир этиш ФКнинг бошқа нормалари билан назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Масалан, ФК 192-моддаси «Топилма», ФК 195-моддаси «Қаровсиз ҳайвонлар», ФК 196-моддаси «Хазина» ва х.к.

5. Ваъдага қизиқиш билдиришдан иккита шахсда мажбурият вужудга келади: ваъда қилган шахсда қизиқиш билдирган шахсга мукофот тўлаш; қизиқиш билдирган шахсда эълонда кўрсатилган ҳаракатларни амалга ошириш ёки унинг натижасини тақдим қилиш.

Агар ваъдада мукофотнинг ҳажми кўрсатилмаган бўлса, у ҳолда ваъда қилувчи ва қизиқиш билдирган шахснинг келишувига мувофиқ аниқланади. Мукофот ҳажмини аниқлаш учун қонун томонидан муқобил ижро, компенсация ёки ҳаракатларни қоплашни эмас, балки мукофот ҳақида сўз юритилганидан келиб чиқиш лозим. Шу сабабли мукофот ҳажми ваъдада кўрсатилган ҳаракатларни одатдагидек содир этганлик учун тўланадиган ҳак микдоридан кўп бўлишини англатади.

6. Кўрсатилган ҳаракатларни биринчи бўлиб бажарган шахс сифатида бундай ҳаракатларни содир этиши мумкин бўлган бошқа шахслар ҳам мавжуд бўлгани ҳолда, улар бу ҳақидаги зарур маълумотларни билган бўлсалар ҳам, бошқа шахсга нисбатан кечиккан шахс эмас балки, мукофотни ваъда қилган шахсга нисбатан биринчи бўлиб бажарган шахсни тушуниш лозим.

7. Шарҳланаётган модда умумий қоида тариқасида бажарилган ҳаракатнинг эълонда мавжуд бўлган талабларга мувофиқлиги мукофотни ошкора ваъда қилган шахс томонидан аниқланишини, низо бўлган ҳолларда эса суд томонидан аниқланишини белгилайди. Ваъданинг шартларидан ёки ҳаракатнинг хусусиятидан бажарилган ҳаракатларни аниқлаш учинчи шахслар томонидан амалга ошириш келиб чиқиши мумкин. Масалан, жиноят содир этган шахсни тутганлик учун мукофот ваъда қилинганди, айнан ушбу шахс тутилганлиги ҳақидаги қарорни жиноят ишини кўрган суд қабул қиласи.

## **982-модда. Мукофот ҳақидаги ошкора ваъдани бекор қилиш**

**Мукофот тўлашни ошкора эълон қилган шахс берилган ваъдан худди шундай тартибда воз кечишга ҳақли, воз кечишга йўл**

**қўйилмаслиги эълоннинг ўзида назарда тутилган ёки ундан келиб чиқадиган ёки мукофот ваъда қилинган ҳаракатни содир этиш учун муайян муддат берилган ёхуд воз кечишни эълон қилиш пайтига келиб бир ёки бир неча қизиқиши билдириган шахслар эълонда кўрсатилган ҳаракатни бажариб бўлган ҳоллар бундан мустасно.**

**Мукофот хақидаги ошкора ваъдани бекор қилиш мукофот тўғрисида эълон қилган шахсни қизиқиши билдириган шахсга у эълонда кўрсатилган ҳаракатни бажариши муносабати билан қилган ҳаражатларини қоплашдан озод қилмайди. Қоплаш микдори барча ҳолларда эълонда кўрсатилган мукофотдан ортиқча бўлиши мумкин эмас.**

1. Шарҳланаётган модданинг 1-қисми мукофот тўлашни ошкора эълон қилган шахсга бундай ваъдадан воз кечиш имкониятини бериш билан ушбу берилган ваъдага қизиқиши билдириган шахсларнинг хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга доир ҳаракатларни чегаралайди.

Шарҳланаётган модда мукофот ваъда қилинган ҳаракатларни бажаришга киришгандарнинг манфаатларини ҳимоя қиласи ва бу билан ваъда қилган шахснинг мукофот тўлашни рад этиш хуқукини чеклайди.

2. Ваъдани бекор қилишга учта ҳолатда: а) воз кечишга йўл қўйилмаслиги эълоннинг ўзида назарда тутилган ёки ундан келиб чиқадиган бўлса; б) мукофот ваъда қилинган ҳаракатни содир этиш учун муайян муддат берилган в) воз кечишни эълон қилиш пайтига келиб бир ёки бир неча қизиқиши билдириган шахслар эълонда кўрсатилган ҳаракатни бажариб бўлган бўлса йўл қўйилмайди.

Ушбу ваъдани бекор қилиш мукофотни тўлаш қандай шаклда амалга оширилган бўлса, шундай шаклда амалга оширилади. Мукофотни ошкора ваъда қилиш шаклига нисбатан битимнинг ёзма ёки оғзаки шакли эмас, балки эълон қилинган шакл тушунилади. Шу сабабли бундай ваъдани бекор қилиш мукофот ваъда қилинган оммавий ахборот воситасида, даврий нашрларнинг худди ўша жойида ёки эфирнинг айнан ўша вақтида ёки эълон пештахтасида эълон қилиниши зарур.

3. Агар ваъдада кўрсатилган ҳаракатлар бажарилмаган бўлса, мукофотни тўлаш мажбурияти мавжуд бўлмайди. Шу сабабли мукофот хақидаги ошкора ваъдани бекор қилиш қизиқиши билдириган шахсларнинг хуқуqlари бузмайди ва улар ФК 14-моддасида назарда тутилган заарларни қоплашни талаб қила олмайди. Бироқ, мукофот хақидаги ошкора ваъ-

дани бекор қилиш билан ваъдада кўрсатилган ҳаракатларни бажаришган киришган шахслар мукофот эвазига қилинган ҳаражатларни ёки ваъдада кўрсатилган ҳаракатларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳаражатларни қоплаш имкониятини йўқотишлари мумкин. Ушбу шахслар манфаатини химоя қилиш учун шарҳланаётган модданинг 2 кисмида ваъда қилинган мукофот доирасида қилган ҳаражатларини қоплаш хуқуқини назарда тутади.

Бундай ҳаражатлар оқилона ва тегишли равишда иботланган бўлиши лозим.

4. ФК 982-моддасида белгиланган қоида мукофотни ваъда қилган шахс ўз ваъдасининг шартини ўзгартирган, масалан, илгари ваъда қилинган мукофотнинг муддатини ёки ҳажмини қисқартирган ҳолатларга ҳам тегишлича таллуқли бўлади.

## **56-БОБ. ҚИМОР ВА ГАРОВ ЎЙИНЛАР ЎТКАЗИШ**

**983-модда. Қимор ва гаров ўйинлар уюштириш ҳамда уларда иштирок этиш билан боғлиқ талаблар**

Фуқаролар ва юридик шахсларнинг таваккалчиликка асосланган қимор ёки гаров ўйинлар (қимор ва бас бойлаш) уюштириш ёки уларда иштирок этиш билан боғлиқ талаблари судда химоя қилинмайди, қимор ёки гаров ўйинлар алдов, зўравонлик, таҳдид қилиш таъсирида ёхуд ўз вакилининг қимор ёки гаров ўйинлари ташкилотчиси билан гаразли келишуви туфайли иштирок этган шахсларнинг талаблари ва ушбу Кодекснинг 984-моддасида кўрсатилган муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар бундан мустасно.

1. Шарҳланаётган модданинг номидан кўриниб турибдики, тарафлар ўргасидаги вужудга келадиган муносабатларни характеристи тўғрисида кўрсатма бермайди. Модданинг матнида эса, ушбу муносабатларнинг легал таръифини бермайди, иштирокчилар хулқ автор қоидаларини белгиламайди ва шу билан бир вақтда муайян салбий хукукий оқибатни назарда тутади — қонунда суд тартибида манфаатдор шахсларни химоя қилинмаслигини назарда тутади.

Шарҳланаётган моддада қонун чиқарувчи қимор ва гаров ўйинларини битим эканлигини, қимор ва гаров ўйинларини ташкил этиш ва унда иштирок этиш фуқаролик хуқук ва мажбуритларини белгилаш, ўзгартириш ва бекор қилишни келтириб чиқаришини тўғридан тўғри кўрсатиб ўтмайди. Бироқ, ФК 56-боби «Мажбуриятларнинг алоҳида турлари» бўлимига жойлаштирилган ва ушбу бобга нисбатан ФКнинг мажбуриятларга доир мажбурият тушунчасини ифодаловчи қоидалари татбиқ қилинади. Мажбуриятга асосан бир шахс (қарздор) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян характеристни амалга оширишга мажбур бўлади, кредитор эса — қарздордан ўзининг мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш хукукига эга бўлади (ФК 234-моддаси). Демак, қимор ва гаров ўйинлари асосида битим ётади.

2. Гаров бу таваккалчиликка асосланган ютуқ ҳақидаги бир ёки бир неча иштирокчи ўргасида ёки ўйин ташкилотчиси (тотализатор ташкилотчиси) билан эришилган келишув бўлиб, унинг натижаси юз бериш ёки бермаслиги (ютиш ёки ютказиш) номаълум бўлади.

3. Қимор ва гаров ўйинлари ўтказиш билан боғлиқ муносабатлар хусусияти юридик ва жисмоний шахсларнинг улар иштирокидаги қимор ва гаров ўйинларини ташкил қилиш билан боғлиқ талаблари суд тартибида ҳимоя қилинмаслигига намоён бўлади. Ушбу талабларнинг суд томонидан ҳимоя қилинмаслиги қимор ва гаров ўйинларини ҳукукий эмаслигини келтириб чиқармайди.

Суд ҳимояси билан таъминланмаган талаблар фақат қимор ва гаровга оид битимлар билан боғлиқ эмас. Шарҳланаётган моддада «қимор ва гаров ўйинларини ташкил қилиш ва унда иштирок этишнинг» кенг тушунчасидан фойдаланилади. Шу сабабли бундай талаблар турли хил фукаролик ҳукукий шартномалардан келиб чиқиши мумкин. Масалан, қимор ўйинларини уюштириш билан боғик талаблар, ўйин жойининг ижара ҳақини тўлашга доир талаблар ёки ўйинда иштирок этиш учун зарур бўладиган сотиб олинган белги (фишка, тош) ҳақини тўлаш ҳақидаги талаблар суд томонидан ҳимо қилинмайди.

Қимор ва гаров ўйинларида иштирок этиш билан боғлиқ талабларга қимор ва гаров ўйини бўйича ютуқни тўлаш ҳақидаги ютган шахснинг талаблари ҳам, ўз ихтиёри билан тўлаган (ютказилган) нарсани қайтариш ҳақидаги талаблари ҳам таалуклидир. Шу сабабли агар ютказган тараф ихтиёрий равишда ўз мажбуриятини бажарган бўлса, ўзи томонидан бажарилган нарсани суд тартибида қайтарилишини талаб қилишга ҳақли бўлмайди.

4. Қимор ва гаров ўйинлари билан боғлиқ талабларни суд томонидан ҳимоя қилинмаслигига доир коидалардан истиснолар ҳам мавжуд. Жумладан, суд тартибида:

- қимор ёки гаров ўйинларда алдов, зўравонлик, таҳдид қилиш таъсирида ёхуд ўз вакилининг қимор ёки гаров ўйинлари ташкилотчиси билан ғаразли келишуви туфайли иштирок этган шахсларнинг талаблари, яъни Фкнинг 123 моддасида белгиланган асослар бўйича қимор ва гаров ўйинларини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги жабрланувчининг даъвосига асосан;

- лотерея, тотализатор ёки бошқа тавакалчиликка асосланган ўйин ташкилотчисига нисбатан ютуқни тўлаш ҳақидаги, шунингдек лотерея, тотализатор ва давлат томонидан ёки унинг рухсатига асосан ўтказиладиган бошқа ўйинларни ўтказиш тўғрисидаги шартномани бузиш натижасида етказилган зарарни қоплаш ҳақидаги талаблар ҳимоя қилинади.

5. Шунга эътибор қаратиш керакки, ФК 916 моддасига асосан қимор, лотереялар ва гаров ўйинларида иштирок этишда кўриладиган зарарни суғурталашга йўл қўйилмайди.

### **984-модда. Давлат томонидан лотереялар ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари**

**Лотереялар ташкилотчиси — давлат, ваколатли давлат органидан руҳсатнома (лицензия) олган шахслар ва лотереялар иштирокчилари ўртасидаги муносабатлар шартномага асосланади. Бундай шартнома лотерея билети бериш орқали расмийлаштирилади ва иштирокчи лотерея билети қийматини тўлаган пайтдан эътиборан тузилган деб хисобланади.**

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган шартномани тузиш тўғрисидаги таклиф лотереялар ўтказиш муддати ва ютуқни аниқлаш тартиби ҳамда унинг миқдори ҳақидаги шартларни ўз ичига олган бўлиши лозим.

Лотереялар ташкилотчиси уларни белгиланган муддатда ўтказишдан бош тортган тақдирда, лотереялар иштирокчилари уларнинг ташкилотчисидан лотереяларни колдириши ёки уларнинг муддатини бошқа вақтга кўчириш туфайли етказилган ҳақиқий зарарнинг ўрнини қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Лотереялар ўтказиш шартларига мувофиқ ютган деб эътироф этиладиган шахсларга лотереяларни ўтказиш шартларида назарда тутилган миқдорда, шаклда (пул ёки буюм ҳолида) ва муддатларда, агар бу шартларда муддат кўрсатилмаган бўлса, лотереялар натижалари чиқарилган пайтдан эътиборан ўн кундан кечиктирмай лотереялар ташкилотчиси томонидан ютуқ тўланиши лозим.

Лотереялар ташкилотчиси ушбу модданинг тўртинчи қисмида кўрсатилган мажбуриятини бажармаган тақдирда, лотереяда ютган иштирокчи лотереялар ташкилотчисидан ютуқни тўлашни, шунингдек шартноманинг ташкилотчи томонидан бузилиши туфайли етказилган заарларнинг ўрнини қоплашни талаб қилишга ҳақли.

1. Шарҳланётган моддада шартнома ўйин ташкилотчиси ва унинг иштирокчилари ўртасидаги мажбурият хукукий муносабатни вужудга келтирувчи юридик факт сифатида номланган. Моддада қонунга мувофиқ,

таваккалчиликка асосланган ўйинлар — лотерея, тотализаторлар (ўзаро гаров ўйнаш) ўтказиш ҳуқуки берилган ташкilotлар кўрсатиб қўйилган. Таваккалчиликка асосланган битимлар — бу тарафлари сифатида давлат оммавий тузилмалари ёки лицензия олган ва ўйин иштирокчиси бўлган бошқа ҳар қандай субъект ўртасидаги шартнома ҳисобланади.

Бугунги кунда лотереялар ўтказиши билан боғлиқ фаолият Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 15 ноябрдаги 396-сонли қарорига илова билан тасдиқланган «Лотереялар ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида»ги низом билан тартибга солинади.

Ушбу норматив ҳужжатга асосан, лотерея — юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағларини ихтиёрийлик асосида ўйин билетларини тарқатиш йўли билан жалб қилишни назарда тутувчи таваккалчиликка асосланган ўйин, улар бўйича тушган маблағларнинг бир қисми ўйин катнашчиларига буюм ёки бошқа ютуқлар ҳолида ўйин (тираж) натижаларига кўра тўланади.

2. Шарҳланаётган моддада ўйин ёки тотализаторда қатнашиш учун тўлов тўланиши, яъни лотерея ва тотализатор шартномалари ҳам ҳақ эвазига ҳам текинга тузилиши кўрсатиб ўтилмайди. Шу сабабли ФКнинг лотереялар хақидаги нормаси реклама мақсадларида муайян товарлар (истеъмол қилинадиган хизматлар)ни сотиб олувлар ўртасида ўтказиладиган совринли ўйинларга нисбатан ҳам татбиқ қилинади.

Шуни таъкидлаш лозимки, ўйин билетлари қимматли қоғозлар тайёрлаш учун лицензияга эга бўлган корхоналарда тайёрланиши ҳамда қалбакилаштиришдан камида олти даражали ҳимояга эга бўлиши керак. Лотереяларнинг актив турларини билетларини қатнашчи томонидан танланган тираж натижаларини рўйхатдан ўтказган ҳолда шакллантиришни назарда тутувчи ўйинларни ўтказишида ўйин билетлари бланкалари ҳимоялашнинг кам даражалари билан, ўйинлар билетларини рўйхатдан ўтказишида ҳимоялашнинг зарур даражасига билетларда маҳсус кодларни ёки белгиларни кўрсатиш йўли билан эришиш шартларига риоя қилган ҳолда тайёрланиши мумкин. Тайёрловчи корхоналар томонидан ўйинлар билетларини тайёрлашга факат ташкилотчида фаолиятнинг лицензияланадиган тури билан шуғулланиш ҳукукини берувчи лицензия ва лицензияловчи орган томонидан тасдиқланган Шартлар мавжуд бўлган тақдирдагина йўл қўйилади.

Ўйинлар билетларини саклаш махсус жиҳозланган биноларда, билетлар сакланишини таъминлаш бўйича албатта зарур чора-тадбирлар кўрилган ҳолда амалга оширилади. Ўйинлар билетлари қайта санаб чиқилмасдан ва тайёрловчи корхоналарга, етказиб берувчиларга ёки ташувчиларга нисбатан эътиrozлар ўз вактида билдирилмасдан қабул қилинган ҳолларда, ўйин билетларининг этишмаслиги ёки яроксизланганлиги юзасидан моддий жавобгарлик ўйин билетларини қабул қилиб олишнинг белгиланган тартибида амал қилишни таъминламаган ўйин ташкилотчисига юкланди.

3. Лотереялар ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомда лотерея шартномаси бўйича асосий мажбур шахс сифатида лотерея ташкилотчисини назарда тутади. Хатто лотерея лотерея оператори томонидан ўтказилса ҳам, конунга мувофиқ у ташкилотчининг номидан ва унинг топшириғига мувофиқ ҳаракат қиласди.

Лотереяларни ташкил қилиш ва ўтказишга рухсатномалар бериш Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 16 июлдаги 314-сон қарорига илова билан тасдиқланган «Лотереялар ташкил этиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»ги низом асосида амалга оширилади.

Лотереялар ташкил этиш фаолиятини амалга оширишда қўйидагилар лицензия талаблари ва шартлари хисобланади:

- а) лотереялар ташкил этиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига, лицензияловчи органнинг норматив-хукукий хужжатларига мажбурий риоя этиш;
- б) лицензиатнинг ўз маблағлари (сармояси) етарли бўлишини ва уларнинг ҳамда бошқа молиявий кўрсаткичларининг қўйидаги нормативлар ва талабларга мувофиқ бўлишини таъминлаш:

лицензиат устав фондининг шакллантирилган миқдори лотереялар ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслар учун 200 миллион сўмдан кам бўлмаслиги керак, шундан эллик фоизи пул маблағлари билан шакллантирилади. Бунда лотереялар ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга ошириш хукуки учун лицензия олиш тўғрисида ариза берилиган вақтда лицензия талабгорининг устав фонди кўрсатиб ўтилган энг кам миқдорда тўлиқ шакллантирилган бўлиши керак. Лотереялар ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга оширадиган юридик шахслар устав фондини шакллантириш учун кредитга, гаров остида олинган маблағлардан ҳамда бошқа жалб қилинган маблағлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди;

чиқарилаётган ва муомаладаги ўйин билетлари ҳажми фаолиятнинг биринчи иили мобайнида — лицензиат ўз сармоясининг беш бараваридан, фаолиятнинг иккинчи иили мобайнида — ўн бараваридан ва фаолиятнинг кейинги йилларида — йигирма беш бараваридан ортиқ бўлмаслиги керак. Лицензиатнинг ўз сармояси микдори етарли бўлмаган тақдирда лотереялар мўлжалланаётган ҳажмда факат молия ташкилотларининг зарур микдорларда таъминлаш кафолати мавжуд бўлганда ўтказилиши мумкин;

бюджет ва давлат мақсадли фондларига муддати ўтказиб юборилган мажбурий тўловларнинг, ходимларга иш ҳақи бўйича қарзларнинг, шунингдек молия ташкилотлари кредитлари бўйича муддати ўтказиб юборилган тўловларнинг мавжуд эмаслиги;

в) лицензиат раҳбарининг олий мълумотга (иктисодий, юридик, математик ёхуд ахборот технологиялари ихтисосликларидан бири бўйича) ҳамда тегашли ихтисослик бўйича камида икки йил иш стажига эга бўлиши.

Куйидаги шахслар лицензиатнинг раҳбари ва бош бухгалтери бўлиши мумкин эмас:

якка ҳолда ижро этувчи орган функцияларини бажарган, коллегиал ижро этувчи орган таркибиға кирган, лотереялар, тотализатор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга оширган юридик шахснинг, ушбу шахсларнинг айби билан йўл қўйилган лицензия талаблари ва шартлари бузилганлиги учун кўрсатиб ўтилган юридик шахсда фаолиятнинг тегишли турини амалга оширишга берилган лицензияларнинг амал қилиши тўхтатилган пайтда, агар бундай тўхташ пайтидан бошлаб уч йилдан кам вақт ўтган бўлса, муассислари ёки бош бухгалтерлари бўлган шахслар;

иктисодиёт соҳасидаги жиноят учун ёки бошқарув тартибиға қарши жиноят учун олиб ташланмаган судланганликка эга бўлган шахслар;

юридик шахс банкрот деб эътироф этилган пайтда ва эътироф этилган пайтдан бошлаб икки йил ўтмаган бўлса, якка ҳолда ижро этувчи орган функцияларини бажарган ёки коллегиал ижро этувчи орган таркибиға кирган шахслар;

г) лицензиат штатида лотереялар ташкил этиш ва ўтказиш бўйича маҳсус курсларда ўқиганлиги тўғрисидаги сертификатга эга бўлган, улар учун лицензиат асосий иш жойи ҳисобланган камида икки нафар мутахассиснинг бўлиши. Лицензиатда сертификатга эга бўлган мутахас-

сислар сони икки нафардан кам бўлиб қолган тақдирда лицензиат икки ой муддатда мутахассислар сонини белгиланган миқдоргача тиклаш чора-тадбирларини кўриши керак;

д) ўйинларни фақат ютуқли билетларни тасодифий танлаб олиш жараёнига инсон омилининг бирон-бир таъсирини тўлиқ истисно қилувчи технологиялар ва жихозларни кўллаган ҳолда ўтказиш;

е) лицензияловчи орган томонидан тасдиқланган лотереялар ўтказиш шартларига риоя этиш, лотереяларни тайёрлаш, саклаш ва тарқатиш, ўйинларни ўтказиш, шунингдек ютуқларни бериш (тўлаш) тартибидан қандайдир четга чиқилишини истисно қилиш.

4. Лотереялар ташкил этиш фаолияти фақат юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

5. Фуқаролик кодекси ўйин ташкилотчиси ва иштирокчи ўртасида тузиладиган шартнома шаклига доир нормани белгилаб беради. Ўйин ўтказиш қоидаларида назарда тутилган ҳолларда у ёзма шаклда бўлиши ва лотерея билетини (кимматбаҳо коғоз бўлмаган) бериш, квитанция ёки бошқа хужжат беришда кўринади. Шарҳланаётган моддада кўрсатиб ўтилган шартномани тузиш тўғрисидаги таклиф лотереялар ўтказиш муддати ва ютуқни аниқлаш тартиби ҳамда унинг миқдори ҳақидаги шартлар муҳим шарт ҳисобланади.

6. Шарҳланаётган модданинг 4-қисмида лотереялар ўтказиш шартларига мувофиқ ютган деб эътироф этиладиган шахсларга назарда тутилган миқдорда, шаклда ва муддатларда лотереялар ташкилотчиси томонидан ютуқ тўланиши лозимлигини белгилайди.

«Лотереялар ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида»ги низомда ўйинларни ўтказиш қўйидаги шаклларда амалга оширилиши мумкинлиги белгиланган:

а) тираж лотереялари, бунда тартиб рақамлари қўйилган (зарурат бўлганда, сериялар ва разрядларга бўлинган), улар бўйича олдиндан белгиланган вақтда ютуқлар ўйини ташкил қилинадиган лотерея билетлари чиқарилади. Бунда ўйин билетлари сони, битта ўйин билетининг киймати, тиражларни ўтказиш вакти, пул, буюм ёки бошқа ютуқлар миқдори ва сони лотереялар чиқарилгунгача белгиланади;

б) бир лаҳзали лотереялар, бунда лотерея билетлари уларни бузмасдан ютуқ чиқсан ўйин билетларини аниқлашни тўлиқ истисно қилувчи ёпик

холда ютуқлар олдиндан белгиланган холда чиқарилади. Қатнашиш натижалари ўйин билети сотиб олингандан ва у очилгандан (химоя қатламини ўчириш, ўйин билетининг бир қисмини кесиш ёки қирқиб олиш) кейин дарҳол аниқланади;

в) пассив ва актив лотереяларга бўлинадиган сонли лотереялар. Пассив сонли лотереяда қатнашишни хоҳловчи шахс сонлар, белгилар ёки бошқа қайдлар комбинацияси олдиндан кўрсатилган ўйин билетини белгиланган қиймати бўйича сотиб олади. Актив сонли лотереяда қатнашишни хоҳловчи шахс маҳсус бланкада ёки бошқа йўл билан йўл кўйиладиган натижалар йиғиндисидан тиражнинг мумкин бўлган натижасини танлайди, у ўйин ташкилотчиси томонидан танланган варианtlар рўйхатдан ўтказилгандан ва варианtlарга мувофиқ келувчи тиражда қатнашишнинг қиймати тегишли вариант бўйича тўлангандан кейин лотерея қатнашчисига айланади.

Сонли лотереялар тиражи сонлар, белгилар, бошқа қайдларни ёки уларнинг комбинацияларини тасодифий танлаш ўйли билан, шунингдек Шартларда назарда тутилган у ёки бу воқеалар натижасида амалга оширилади. Сонли лотереялар тиражининг телевидение орқали тўғридан-тўғри эфирда трансляция килмасдан ўтказилишига йўл кўйилмайди.

Сонли лотереялар бўйича ютуқли билетлар, шунингдек тегишли ютуқлар миқдори тираж натижаларининг ўйин билетларида белгиланган натижаларга тўлиқ ёки қисман мос тушишига қараб аниқланади;

7. Айрим ҳолларда лотерея ўйинларини ўтказиш қоидаларида ютуқни тўлаш мажбурияти учинчи шахсларга, банкларга юклатилиши ҳам мумкин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 15.11.2002 йилдаги 396-сонли «Пул-буюм лотереялари ўтказишни ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида нақд пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш, аҳолининг бўш пул маблағларини монтакавий ижтимоий дастурларни амалга ошириш учун қўшимча равища жамлаш, пул-буюм лотереялари ўтказишни фаоллаштириш ва уларни ташкил этишни такомиллаштириш назарда тутилган.

Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига пул-буюм лотереяларини ташкил этиш фаолиятини тартибга солиш функцияси юклатилган. Ўзбекистон Республикаси Халқ банкига эса, пул-буюм лотереяларини ташкил этиш ва ўтказиш хукуқи берилди. Халқ банки

томонидан пул-буюм лотереяларини ўтказишни ташкил этишдан оли-надиган даромадлар аҳолининг бўш маблағларини омонатларга жалб этиш ишларини фаоллаштиришга мақсадли йўналтирилган холда унинг тасарруфида қолиши назарда тутилган.

8. Фуқаролик кодекси ўйин иштирокчилари ҳукуклари бузилганда вужудга келадиган оқибатларни назарда тутади. Лотереялар ташкилотчиси уларни белгиланган муддатда ўтказишдан бош тортган тақдирда, лотереялар иштирокчилари уларнинг ташкилотчисидан лотереяларни қолдириш ёки уларнинг муддатини бошқа вақтга кўчириш туфайли етказилган ҳақиқий зарарнинг ўрнини қоплашни талаб қилишга ҳақли (ФК 14-моддаси). Ўйинни ўтказиш муддатини кейинга қолдириш масаласи ҳам шундай тарзда ҳал қилинади.

Бошқа оқибат лотереялар ўтказиш шартларига мувофиқ ютган деб эътироф этиладиган шахсларга лотереяларни ўтказиш шартларида назарда тутилган миқдорда, шаклда (пул ёки буюм ҳолида) ва муддатларда, агар бу шартларда муддат кўрсатилмаган бўлса, лотереялар натижалари чиқарилган пайтдан эътиборан ўн кундан кечиктирмай лотереялар ташкилотчиси томонидан ютуқ тўланиши лозимлигини назарда тутади. Лотерея иштирокчиси белгиланган шаклда (пул ёки буюм) ва муддатда ютуқ тўланишини талаб қилиш ҳукуқига эга бўлади. Одатда, ютуқларни тўлаш (бериш) тартиби, муддатлари ва шартлари лицензияловчи орган томонидан тасдиқланган шартларда назарда тутилади. Ўйинлар бўйича ютуқлар сифатида а) пул маблағлари; б) буюм ютуқлари, бунда ютуқ эгаси унинг қийматини нақд пул билан олиш ҳукуқига эга (агар шартларда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса). Битта буюм ютуғини унинг эгаси розилигисиз бошқаси билан алмаштиришга йўл қўйилмайди; в) кўчар ва кўчмас мулк тарзидаги ютуқлар; г) номоддий тусдаги ютуқларнинг бошқа турлари, кўчмас мулклар, айрим товарлар ва хизматлар, туристик саёҳатлар, санаторий ва дам олиш уйларига йўлланмалар сотиб олиш бўйича имтиёзлар бўлиши мумкин.

Ўйинларнинг ютуқ (мукофот) фондлари қуйидаги миқдорларда бел-гиланиши керак:

– тиражли ва лаҳзали лотереялар учун — лотерея билетларини тарқатишдан олинган пул маблағлари суммасидан қатъи назар, чиқарилган лотереялар ҳажмининг камида 40 фоизи миқдорида;

- лотереяларнинг бошқа турлари учун — тарқатилган лотерея билетлари умумий суммасининг камида 40 фоизи миқдорида.

Қонунга мувофиқ, ютуқларни тўлаш (бериш) муддати ютуқ чикқан билет тўловга тақдим этилган санадан бошлаб уч ойдан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Ютуқ чикқан билетларни тўловга тақдим этишининг шартларда белгиланган муддатлари ўзгартирилишига йўл қўйилмайди. Қалбакилаштиришнинг олдини олиш мақсадида ташкилотчининг ёки лицензияловчи органнинг хоҳишига кўра ўйиннинг хақиқийлигига шубҳа туғилган ҳар кандай билети тегишли экспертизадан ўтказилиши мумкин. Ўйиннинг ютуқ чикқан билетлари экспертизаси ўйин ташкилотчиси ёки, зарурат бўлганда, тайёрлаган корхона томонидан ютуқ чикқан билет тўловга тақдим этилган кундан бошлаб бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

9. Ўйин иштирокчиларининг ҳуқуқлари кафолатига шарҳланадиган модданинг сўнгги қисмида назарда тутилган қоидани ҳам кўрсатиш мумкин. Унга кўра, лотереялар ташкилотчиси кўрсатилган мажбуриятини бажармаган тақдирда, лотереяда ютган иштирокчи лотереялар ташкилотчисидан ютуқни тўлашни, шунингдек шартноманинг ташкилотчи томонидан бузилиши туфайли етказилган заарларнинг ўрнини қоплашни талаб килишга ҳакли. Қарзнинг асосий қисмидан ташқари ФК 327-моддасига кўра, унга фоизлар ҳам тўланиши лозим ва у банк фоиз ставкасини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

# **57-БОБ. ЗАРАР ЕТКАЗИШДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН МАЖБУРИЯТЛАР**

## **1-§. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

**985-модда. Зарап етказганлик учун жавобгарликнинг  
умумий асослари**

Ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) туфайли фуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига етказилган зарап, шунингдек юридик шахсга етказилган зарап, шу жумладан бой берилгандан фойда зарапни етказган шахс томонидан түлиқ ҳажмда қопланиши лозим. (Ўз Р 15.12.2000 й. 175-П-сон Қонуни таҳриридаги қисм)

Қонунда зарапни тўлаш мажбурияти зарап етказувчи бўлмаган шахсга юклатилиши мумкин.

Қонун хужжатларида ёки шартномада жабрланувчиларга зарапни тўлашдан ташқари товон тўлаш мажбурияти белгилаб қўйилиши мумкин.

Зарап етказган шахс, агар зарап ўз айби билан етказилмаганини исботласа, зарапни тўлашдан озод қилинади. Қонунда зарап етказган шахснинг айби бўлмаган тақдирда ҳам зарапни тўлаш назарда тутилиши мумкин.

Қонуний ҳаракатлар туфайли етказилган зарап қонунда назарда тутилган ҳолларда тўланиши лозим.

Агар зарап жабрланувчининг илтимоси ёки розилиги билан етказилган бўлса, зарап етказган шахснинг ҳаракатлари эса жамиятнинг ахлоқий тамойилларини бузмаса, зарапни тўлаш рад этилиши мумкин.

1. Ушбу модда нормалари зарап етказганлик учун (деликт мажбуриятлари) жавобгарликнинг умумий асосларини белгилайди. Ушбу асослар зарап етказганлик учун фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликнинг барча турлари учун умумий бўлиб хисобланади. Умумий асослардан ташқари ФК ушбу боби ва бошқа фуқаролик қонун хужжатларида назарда тутилган маҳсус асослар ҳам мавжуд.

2. Одатда зарап етказиш ҳолларида зарап етказган шахс билан жабрланувчи шартномавий муносабатларда бўлмайдилар. Шартномавий маж-

буриятларни бузганлик учун жавобгарлик асослари ФКнинг 333-моддасида белгилаб қўйилган (ФК шархларининг I-томига қаралсин). Айни вақтда ушбу қоидадан истисно ҳам мавжуд. Ушбу боб таъсир доираси муайян холатларда шартномавий муносбатларга нисбатан ҳам жорий этилади (бу хақда батафсил қаранг: ФКнинг 998, 1005, 1017 моддаларига шархлар, шунингдек, 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Истемолчилар хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонуни»).

3. Заарар етказганлик учун фуқаролик хукуқий жавобгарликка тортиш учун бир вақтнинг ўзида қуйидаги хукуқбузарлик таркиби мавжуд бўлиши шарт:

- а) заарар етказилганлиги (мавжудлиги);
- б) заарар етказувчи шахс харакатлари (харакатсизлиги)нинг хукуққа хилофлиги;
- в) етказилган заарар билан хукуққа хилоф қилмиш ўртасида сабабий боғланиш;
- г) заарар етказувчи шахснинг айби ёки заарар етказувчи шахс хатти-харакатларини назорат қилиш мажбурияти юклangan шахснинг айби.

4. Деликт бўйича етказилган заарар мазмуни шартнома мажбуритини бузганлик етказилган заарар мазмунидан кенгроқ хисобланади. Шархланаётган моддада одатда заарар деганда хукуқбузарлик натижасида жабрланувчига тегишли мол-мулкни, мулкий хукуқ хажмини камайишида ёки йўқотилишида намоён бўладиган моддий заарар ёки номоддий неъматни (жисмоний шахсни хаёти ёки соғлигини) шикастланиши ёинки ундан маҳрум бўлиниши тушунилади. Шу сабабли заарар моддий ёхуд жисмоний характер касб этади. Моддий заарар кўрган жабрланувчи жисмоний шахс ҳам, юридик шахс ҳам бўлиши мумкин. Жисмоний заарар бўйича жабрланувчи фақат фуқаро бўлиши мумкин.

Фуқарони хаёти ва соғлигига етказилган заарар, шунингдек, маънавий заарар ўзига хос хусусиятларга эга бўлишини хисобга олиш лозим. Айнан ушбу хусусиятларни хисобга олган холда ушбу турдаги заарларни қоплаш таркиби ФКнинг алоҳида параграфлари билан белгиланади.

5. Етказилган заарар тўлиқ хажмда, бой берилган фойдани ҳам қўшиб хисобга олган холда ундирилади.

ФКнинг 14-моддасида реал заарар ва бой берилган фойда тушунчала-рига изоҳ берилган. Хукуқи бузилган шахснинг бузилган хукуқини, нобуд

бўлган ёки шикастланган мол-мулкини тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган харакатлари хақиқий (реал) зарар хисобланади. Жабрла-нувчи шахс ўз ҳукуқлари бузилганида одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромадлари бой берилган фойда бўлиб хисобланади.

Қонун ҳужжатларида етказилган зарани тўлиқ ҳажмда қоплаш умумий қоидасидан истисно назарда тутилиши мумкин. Масалан, ФКнинг 1004-моддасига биноан суд жабрланувчининг айби ва зарар етказган шахснинг мулкий холатини хисобга олган холда ундириладиган зарар ҳажмини камайтириши мумкин. Агарда зарар ўз жавобгарлигини сугурталаган шахс томонидан етказилган бўлса, етказилган зарарни қоплаш учун сугурта суммаси етарли бўлмаган тақдирда, у сугурта суммаси билан амалдаги зарар ҳажми ўртасидаги фарқни тўлаши лозим (ФКнинг 992-моддаси шарҳига қаранг).

6. Умумий қоидага кўра зарарни тўлаш мажбурияти бевосита зарар етказувчига юкланди. Айни пайтда қонунда етказилган зарарни тўлаш мажбурияти зарар етказган шахсга эмас, балки унинг хатти-харакатлари учун маъсул бўлган ёхуд унинг хатти-харакатларини назорат қилиши шарт бўлган шахсларга ҳам юкланиши мумкин. ФКнинг 992, 993, 994, 996, 998 ва бошқа моддаларида бундай холатлар назарда тутилган (ушбу моддалар шарҳига қаранг).

7. Қонун ҳужжатларида ёки фуқаролик ҳукуқий шартномадан ташқари товон тўлаш мажбурияти юкланиши ҳам мумкин. Фуқарони хаёти ёки соғлиғига етказилган зарар оқибатларини юмшатиш учун қонун ҳужжатларида ёхуд шартномада товон тўловлари одатда назарда тутилади. Ушбу чоралар фуқаролик — ҳукуқий ижтимоий ҳимоя воситаси хисобланади.

8. Юқорида зарар етказганлик учун жавобгарликни қўллаш асоси сифатида зарар етказувчининг айби мавжуд бўлиши кўрсатилган эди. Айб зарар етказувчининг ўз қилмиши ва унинг оқибатларига руҳий психик муносабати хисобланади. Ушбу субъектив муносабат унинг намоён бўлиши шаклларига қараб қасд ва эҳтиётсизликка фарқланади. Қасд деганда ҳукуққа хилоф харакат (қилмиш)нинг зарарли оқибатларини олдиндан кўриш, унинг рўй беришини исташ ёки унинг рўй беришига онгли равишда йўл қўйиш хисобланади. Эҳтиётсизлик муайян холатларда зарур ва шарт бўлган дикқат-эътибор, эҳтиёткорлик, жонкуярлик, ғамхўрлик, меъёр ва ш.к.ни йўқлигига намоён бўлади. Зарар етказувчи

айбининг шакли қонун хужжатларида бевосита белгилаб қўйилган холардагина ҳукуқий оқибатларга эга бўлади. Қолган холатларда қасд ёки эҳтиётсизликдан қатъий назар қилмиш тўлақонли айб асосида содир қилинган хисобланади, яъни айбининг ҳар қандай шаклида етказилган зарар тўлиқ ҳажмда ундирилади.

Зарар етказган шахс, агарда бунда ўзининг айби йўклигини исботлаб берса, яъни форс-мажор ҳолатлари рўй берган ёхуд учинчи шахсларнинг айби мавжуд бўлса жавобгарликдан озод қилинади. ФКнинг 333-моддасида (мажбуриятни бузганлик учун жавобгарлик) ҳам, ушбу шарҳланаётган нормада ҳам, айбсизликни исботглаш бурчи зарар етказган шахс зиммасига юкланди. Ушбу ҳолатда айборлик презумцияси намоён бўлади, яъни, зарар етказган шахс конунда белгиланган тартибда ўзини айбсизлигини исботлаб бермагунича, айбор хисобланади.

Қайд этиш лозимки, айб деликт бўйича жавобгарликни белгилашда қатъий, яъни мутлок зарурий асос эмас. Конунда (қонун хужжатларида эмас) зарар етказувчининг айби бўлмаганда ҳам зарарни тўлаши назарда тутилиши мумкин. ФКнинг 993, 996, 999-моддаларида зарарни тўлаш мажбурияти айб категориясини қўллаш мумкин бўлмаган шахсларга (муомалага лаёқатсизлиги сабабли) ёки зарар етказишда айби бўлмаган шахсларга юкланиши мумкинлиги белгилаб қўйилган (ФКнинг 993, 996, 999-моддалари шарҳига қаранг).

9. Ушбу шарҳланаётган модданинг 1-қисмида жавобгарлик шарти сифатида зарар етказувчи ҳатти-ҳаракати (ҳаракатсизлиги)нинг ҳукуққа хилофлиги зарар етказувчи ҳатти-ҳаракатини гайриқонунийлигини, яъни бошқа шахснинг субъектив ҳукуқини бирор тарзда бузилишини англатади. ФК 9-моддаси 5-қисмига кўра фуқаролар ва юридик шахслар бошқа шахсларга зарар етказишга қаратилган ҳаракатларни содир этмасликлари шарт. Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар бош деликт тамойилига асосланади, яъни агарда қонун хужжатларида белгиланган бўлмаса, (масалан, зарурий мудофаа ҳолатида зарар етказиш) ҳар қандай зарар етказиш ҳукуққа хилоф хисобланади.

Юқорида кўрсатилганидек, ҳукуққа хилофликни қонун хужжатларида белгиланган таъкикни бузишга қаратилган ҳаракатларни содир этиш билангина боғланмаслик керак. Ҳукуққа хилофлик доираси фақат бу билан чекланмайди, балки ундан кенгроқ, яъни бошқа шахсларни субъектив

хукуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қилувчи хар қандай зарар етказишидан иборат.

Хукуқка мувофиқ (қонуний) ҳаракатлар натижасида етказилган зарар қонунда назарда тутилган ҳоллардагина тўланиши лозим.

10. Бир вактнинг ўзида кўйидаги икки ҳолат мавжуд бўлганида зарарни тўлаш рад этилиши мумкин:

- агарда зарар жабрланувчининг илтимоси ёки розилиги билан етказилган бўлса;
- зарар етказувчининг ҳаракатлари жамиятнинг ахлоқий тамойилларига пуртур етказмаса.

Жабрланувчининг илтимоси ёки розилиги яққол ифодаланган бўлиши шарт. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахснинг, вояга етмаганларнинг, ўз ҳаракати оқибатларини англаб етмайдиган ҳолатда бўлган (яъни алкогол, гиёхванд ёки психиотроп моддалар истеъмол қилиш оқибатида) шахсларнинг, яъни ақли норосолик холида бўлганлар илтимоси ёки розилиги хисобга олинмайди.

Жамиятнинг ахлоқий тамойиллари суд томонидан хар бир конкрет ҳолатдан келиб чиқиб хисобга олинади. Бундай тамойиллар доирасига умумисоний қадриятлар (инсонпарварлик, адолат, бағрикенглик, ачи-ниш ва х.к.) ва миллий-диний қадриятлар (сахиийлик, меҳмондўстлик, садоқат, вафодорлик, иффат-хаё, катталарга хурмат ва итоаткорлик ва х.к.) киритилиши мумкин.

## **986-модда. Зарар етказишнинг олдини олиш**

**Келгусида зарар етказилиши хавфи борлиги бундай хавфни юзага келтирадиган фаолиятни тақиқлаш тўғрисида даъво қўзғатишга асос бўлиши мумкин.**

Агар етказилган зарар етказишни давом эттираётган корхона, иншоотдан фойдаланиш ёхуд бошқа ишлаб чиқариш фаолиятининг оқибати бўлса, суд жавобгарга зарарни қоплашдан ташқари тегишли фаолиятни тўхтатиб туриш ёки тугатиш мажбуриятини юклашга хақли.

Тегишли фаолиятни тўхтатиб туриш ёки тугатиш жамоатчилик манфаатларига зид бўлган тақдирдагина, суд бу ҳақдаги даъвони рад

**этиши мумкин. Бундай фаолиятни тўхтатиб туришни ёки тугатишни рад этиш жабрланувчиларни ушбу фаолият туфайли етказилган зарарни ундириш хуқуқидан маҳрум этмайди.**

1. Ушбу моддада зарар етказишни олдини олишнинг асослари ва тартиби белгиланган. Ушбу чоралар ФКнинг 11-моддасида кўрсатилган фуқаролик хуқуқларини химоя қилиш усулларининг таркибий қисмларига киради (хуқуқни бузадиган ёки унинг бузилиши хавфини түғдирадиган ҳаракатини олдини олиш). Деликт мажбуриятларининг бошқа нормаларидан фарқли равишда бунда хуқуқий муносабатнинг обьекти бўлиб оқибат эмас, балки унинг сабаби хисобланади.

Ушбу норма мухим превентив (хуқуқбузарликни олдини олиш) аҳамиятига эга, яъни потенциал хуқуқбузарларга учинчи шахсларга зарар етказишга имкон бўлмайди.

Келгусида зарар етказиш хавфи худди шундай хавфни вужудга келтирувчи фаолиятни таъқиқлаш тарзида даъво билдириш учун асос бўлиб хисобланади. Хавф келгусида зарар етказишнинг реал хавф-хатариридир.

Худди шундай даъво билан нафақат келгусида ўзига зарар етказилиши мумкин бўлган шахс, балки унинг васийи, хомийси, манбаатдор ташкилот, балки тадбиркорлик субъектлари фаолиятини назорат килувчи органлар ҳам чиқиши мумкин (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 ионда чиқарилган «Тадбиркорлик субъектлари хуқуқий химоя тизимини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисидаги» ПФ-3619 сонли Фармони).

Одатда деликт муносабатларида зарар етказган шахс ўзининг айбисизлигини исботлаши лозим. Бироқ шарҳланаётган нормада исботлаш бурчи келгусида зарар етказиш хавфини вужудга келтирувчи фаолиятни таъқиқлашни талаб қилаётган шахс зиммасига юкланди.

2. ФКнинг 986-моддаси 2-қисмидан фарқли равишда бир вақтнинг ўзида икки чорани назарда тутади:

- корхона, иншоот ёки бошқа ишлаб чиқариш фаолияти оқибатида етказилган зарарни қоплашни жавобгар зиммасига юклаш;
- агарда юкорида кўрсатилган ҳаракатлар янгидан зарар етказиш хавфини вужудга келтирса жавобгар зиммасига фаолиятни тўхтатиб туриш ёки тугатиш мажбуриятини юклаш.

3. Суд тегишли фаолиятни тўхтатиб туриш ёки тугатиш хақидаги талабни, агарда бу жамият манбаатларига зид бўлса, қаноатлантирилмаслиги мумкин.

Жамият манфаатлари дейилганды умумдавлат манфаатлари (мудофаа, хавфсизлик, кишилар ва ташкилотларни нормал хаёти йфаолиятинитаъминлаш), минтақавий (тегишли худуд доирасыда чегараланадиган ижтимоий зарурат) манфаат ва шу кабилар тушунилади. Хукукбузар корхонанинг тадбиркорлик манфаатларини «жамоат манфаатлари» сифатида талқин этиш тўғри бўлмаган бўлур эди. Жамоат манфаатлари доирасини белгилашда судлар хар доим қонун хужжатлари талабларини хисобга олган холда муайян вазиятдан келиб чикмоқликлари талаб этилади. Булар хар доим шуни ёдда тутиш лозимки, жамият манфаатларининг мухим таркибий кисми бўлиб, кишиларнинг хаёти ва соғлиғига, атроф-муҳитни химоя қилиш, аҳолини хаётидан зарур товарлар, ишлар, хизматлар билан таъминлаш зарурати хисобланади.

4. Суд томонидан бундай фаолиятни тўхтатиш ёки тугатишни рад этилиши жабрланувчини бундай фаолият натижасида етказган зарарни тўланишини талаб қилиш хукуқидан маҳрум қилмайди. Бунда шуни хам хисобга олиш керакки, зарарни тўлаш нафақат зарар етказган корхона зиммасига, балки бошқа субъектларга, жумладан, фаолиятни тўхтатилмаслигидан наф кўрувчи зиммасига хам юкланиши мумкин, чунки суд уларни, жамият манфаатларидан келиб чиқиб, зарар етказган корхона фаолияти тўхталиши ёки тугатилиши рад этилган. Бундай холатда суд зарар етказиши бархам топгунча даврий товон тўловлари белгилаши мумкин.

### **987-модда. Зарурий мудофаа ҳолатида зарар етказганлик**

**Зарурий мудофаа ҳолатида етказилган зарар, агар бунда мудофаа чегарасидан чиқилмаган бўлса, тўланмайди.**

**Агар ғайриқонуний тажовуздан химояланиш пайтида ҳимояланувчи учинчи шахсга зарар етказган бўлса, бу зарар тажовуз қилган шахс томонидан тўланниши лозим.**

**Шахсга унинг жинои ҳаракатларининг пайини қирқиши ёхуд уни ушлаш ва тегишли органларга олиб бориш сабабли етказилган зарар тўланмайди.**

1. Ушбу шарҳланаётган моддада зарурий мудофаа ҳолатида зарар етказганлик оқибатлари белгиланган.

Агарда шахс ўзининг хаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига қарши тажовузлардан химоя қилиб зарар етказса, зарар тўланмайди. Зарурий мудофаа

тушунчаси Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 37-моддасида қўрсатилган. Зарурий мудофаа холатида содир этилган ҳаракатлар, яъни тажовуз қилувчи шахсга зарар етказиш орқали уни ғайриқонуний тажовузидан химояланувчини ёки бошқа шахсларни шахсини ёки ҳукуқларини, давлат ёки жамият манбаатларини химоя қилиш, агарда бунда зарурий мудофаа чегарасидан чиқилмаган бўлса, жиноят хисобланмайди. Зарурий мудофаа тушунчасидаги нормаларни қўллаш хусусиятлари Ўзбекистон Республикаси Олий Суди пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги 39-сонли «Ижтимоий хавфли тажовузлардан зарурий мудофаа ҳукукини таъминловчи қонун ҳужжатларини суд томонидан қўллаш тўғрисида Қарори» билан белгилаб қўйилган. Бунда қўрсатилишича Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 37-моддаси доирасида химояланишга йўл қўйиладиган ижтимоий хавфли тажовузлар дейилганда Жиноят Кодексининг маҳсус қисми нормаларида назарда тутилган қилмишлар тушунилади, бунда бундай жиноятларни содир этган жиноий жавобгарликка тортилган — тортилмаганидан ёхуд ақли норасолиги ёйинки жиноий жавобгарлик ёшига етмаганлиги ёхуд бошқа асосларга кўра жиноий жавобгарликдан озод қилингани аҳамиятга эга эмас. Демак, зарурий мудофаа ақли норасолар, шунингдек, амалда хато-янгилиши натижасида ҳаракат қилган, яъни муайян холатларга кўра ижтимоий хавфли қилмиш содир этганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилмайдиган ижтимоий субъектларга қарши ҳам қўлланиши мумкин.

2. Агарда шахс зарурий мудофаа чегарасидан ташқари чиқкан ҳолда зарар етказса, жабрланувчининг айб даражасини хисобга олган ҳолда зарарни тўлиқ ёки қисман қоплайди. Жиноят Кодексининг 37-моддаси 2-қисмида қўрсатилишича ҳимояни тажовуз ҳарактери ва даражасига яккол номуносиблиги зарурий мудофаа доирасидан ташқари чиқиш хисобланади. Бунда ҳужум қилувчига унинг ҳукуққа хилоф қилмишини амалга оширилиши натижасида вужудга келиши мумкин бўлган заардан анчагина оғирроқ, қаттиқроқ жиддий зарар етказилади.

3. Агарда ҳукуққа хилоф тажовуздан химояланувчи томонидан учинчи шахсларни хаёти ёки соғлиғига зарар етса, зарар тажовуз қилган шахс томонидан тўланади (ҳимояланувчи томонидан эмас).

4. Маълумки жиноятчани ушлаш, унинг жинояткорона ҳаракатларини олдини олиш учун фақат фаол ҳаракатлари амалга ошириш талаб этилади. Жиноятчи панд-насхатни, оғзаки қўрсатмани қабул қиласкермайди. Баъзан

жиноятчани ушлаш, унинг жиноий қилмишига чек қўйиш харакатлари жиноятчани соғлиғи ёхуд мол-мулкига зарар етказиши мумкин. Хукуқни муҳофаза қилувчи идоралар фаолиятини характерини хисобга олган холда ушбу модданинг 3-қисми нормалари шакллантирилган. Шахсга унинг жиноий харакатларига чек қўйиш ёхуд уни ушлаш ва тегишли органларга (милицияга, прокуратурага, ўзини-ўзи бошқариш идораларига) олиб бориш сабабли етказилган зарар тўланмайди. Бунда зарар етказувчи хукуқни муҳофаза қилувчи идора ходими ёки оддий фуқаро бўлиши аҳамиятга эга эмас.

### **988-модда. Охирги зарурат ҳолатида зарар етказганлик**

**Охирги зарурат ҳолатида етказилган зарар, яъни зарар етказган шахснинг ўзига ёки бошқа шахсларга таҳдид солган хавфни бартараф этиш учун охирги зарурат ҳолатида етказилган зарар, агар бу хавф мазкур ҳолатларда бошқа воситалар билан бартараф этилиши мумкин бўлмаса, зарар етказган шахс томонидан тўланиши лозим.**

Бундай зарар етказилган ҳолатларни хисобга олиб, суд уни тўлаш мажбуриятини зарарни етказган шахс учинчи шахснинг манфаатини кўзлаб харакат қилган бўлса, ўша шахсга юклаши ёхуд бу учинчи шахсни ҳам, зарар етказган шахсни ҳам зарарни тўлашдан тўлиқ ёки қисман озод қилиши мумкин.

1. Ушбу моддада қилмишини хукуққа хилофлигини истисно этувчи ҳолатлардан бири бўлган охирги зарурат ҳолатида зарар етказганлик оқибатлари белгилаб қўйилган.

2. Зарурий мудофаадан фарқли равишда охирги зарурат гайриқонуний тажовузни олдини олишга қаратилмасдан, балки кўриклинаётган манфаатлар тўқнашганда вужудга келадиган зиддиятларни хал этишини хукуқий механизми сифатида намоён бўлади. Охирги зарурат ҳолатидаги шахс қўйидагилардан бирини танлаши шарт: ё хавф-хатарни амалга ошишига йўл қўяди ёхуд зарар етказиш орқали бошқа қонуний манфаатларни бузиш воситасида хавф-хатарни бартараф этади. Сўнгти ҳолатда қилмиш формал жиҳатдан зарар етказишдан фарқ қилмайди, гарчи бошқа жиҳатдан олганда қонуний хатти харакат сифатида баҳоланса ҳам. Умумий коида бўйича охирги зарурат ҳолатида зарар етказиш зарар етказувчини уни тўлаш мажбуриятидан озод қилмайди (жиноят ва маъмурий қонунлар бўйича эса ушбу ҳолат жиноят ёки маъмурий

жавобгарлиқдан озод қилиш учун асос бўлиб хисобланади). Охирги зарурат холатида етказилган зарап, яъни зарап етказган шахснинг ўзига ёки бошқа субъектларга таҳдид соглан хавфни бартараф этиш орқали охирги зарурат холатида етказилган зарап, агар бу хавф мазкур ҳолатларда бошқа воситалар, усууллар билан бартараф этилиши мумкин бўлмаса, зарап етказган шахс томонидан тўланиши лозим. Ушбу норманиadolатли ва оқилона эканлиги шубҳасизdir, у шунингдек, бош деликти тамойили билан хам узвий боғлиқ, бироқ ушбу ҳолатда асосий хусусият шундан иборатки, бунда гайриқонуний килмиш содир этмаган шахс тасодифийлик характеристига эга бўлган вазият тақозосига кўра ўзига хос қурбон ва жабрланувчи бўлиб қолади.

3. Шарҳланаётган модданинг 2-қисмida умумий қоидадан истисно белгилаб кўйилган. Бундай зарап етказилган холатларни хисобга олиб, суд уни тўлаш мажбуриятини, агарда зарап етказувчи учинчи шахс манфаатини кўзлаб ҳаракат қилган бўлса, ўша манфаатдор шахсга юклаш ёхуд учинчи шахсни хам, зарап етказган шахсни хам зарапни тўлашдан тўлиқ ёки қисман озод қилиши мумкин.

Суд томонидан хисобга олиниши лозим бўлган холатлар турли-туман бўлиб, уларни тўлиқ рўйхатини олдиндан белгилаш мумкин эмас. Бироқ асосий холатлар энг аввало зарап етказувчини, жабрланувчини ва наф кўрувчини (агарда охирги зарурат учинчи шахслар манфаатларини кўзлаб кўлланган бўлса) мулкий ҳолатини, шунингдек уларни саломатлик ҳолати, ёки (агарда жисмоний шахс бўлса), доимий даромад манбаи мавжудлиги ва ш.к. билан боғлиқ. Масалан, суд агарда зарап етказувчи пенсионер ёки ногирон бўлса, зарап етказишдан манфаати кўзланган шахс кам таъминланган оиласга мансуб вояга этмаган бўлса, уларни зарапни тўлашдан озод қилиши мумкин. Бундай холларда жабрланувчи кўпинча хўжалик юритувчи субъект хисобланиб, етказилган зарап унинг учун жиддий аҳамиятга эга бўлмайди.

Бироқ энг асосийси, суд холатларни хисобга олишдаadolат ва оқилоналиктамойилларига амал қилиб, энг мақбул қарор қабул қилиши лозим.

### **989-модда. Юридик шахснинг ёки фуқаронинг ўз ходими томонидан етказилган зарап учун жавобгарлиги**

**Юридик шахс ёхуд фуқаро ўз ходими меҳнат (хизмат, лавозим) мажбуриятларини бажариб турган вақтида етказган зарапни қоплади.**

**Ушбу бобнинг қоидаларига мувофиқ, меҳнат шартномаси асосида, шунингдек фуқаровий-хуқуқий шартнома асосида иш бажараётган фуқаролар, агар бунда ишларни бехатар олиб бориши юзасидан тегишли юридик шахснинг ёки фуқаронинг топшириги бўйича ёки назорати остида харакат қилган бўлсалар ёки ҳаракат қилишлари лозим бўлган бўлса, ходимлар деб эътироф этиладилар.**

**Хўжалик ширкатлари ва жамиятлари, ишлаб чиқариш кооперативлари ўз иштирокчилари (аъзолари) томонидан улар ширкат ва жамият ёки кооперативнинг тадбиркорлик, ишлаб чиқариш ёки бошқа фаолиятини амалга ошириш вақтида етказилган зарарни қоплайдилар.**

1. Ушбу шарҳланаётган моддада юридик шахснинг ёки фуқаронинг ўз ходими томонидан етказилган зарар учун жавобгарлиги асослари ва хажми белгилаб қўйилган.

2. Иш берувчи ўз ходими томонидан меҳнат мажбуриятларини бажаришда етказган зарарни тўлайди. Фуқаро хам иш берувчи бўлиши ва меҳнат шартномаси бўйича ходимлар ёллашга хақли (хайдовчи, қоровул, энага, ошпаз, уй ходимаси ва х.к.). Бу ўринда шуни унутмаслик керакки, якка тадбиркор ўзининг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда ёлланма меҳнатдан фойдаланишга хақли эмас, бироқ ушбу фаолиятга учинчи шахсларни фуқаролик хуқуқий шартномалар орқали жалб этишга хақли.

3. Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятларга нисбатан (ФКнинг 57-бобига кўра) ходимлар дейилганда меҳнат шартномаси асосида ишловчи фуқаролар (шартнома шакли ва муддатидан қатъий назар), шунингдек, фуқаролик хуқуқий шартнома асосида ишлаётган фуқаролар (шартнома шакли ва муддатидан қатъий назар), тушунилади, агарда ушбу ходимлар:

– биринчидан, иш берувчининг топшириги асосида (ушбу топширик меҳнат шартномаси ёки фуқаролик шартномаси шартлари билан қамраб олинади ёки алоҳида тартибда келишиб олинган бўлади) ҳаракат қилган ёки ҳаракат қилиниши лозим бўлса;

– ходимлар тегишли иш берувчилар (фуқаро ёки юридик шахс) назорати остида ҳаракат қилган бўлсалар. Назорат ишларни иш берувчи ёки буюртмачи кузатуви остида бажарилишинигина эмас, балки уларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги бўйича нормативларга риоя қилинишини таъминлаш бўйича мажбуриятларини хам англатади. Иш берувчи ёки буюртмачи амалга ошириладиган назорат қонуний асосга эга

бўлиши, яъни уларни хукукий мақоми билан боғлиқ бўлиши лозим, айни пайтда назоратни амалга оширишни реал имкони хам мавжуд бўлиши шарт. Баъзан, касаначилиқда иш берувчи ўз уйидаги меҳнат қилётган касаначиларни жорий фаолиятини назорат қилиш бўйича объектив имкониятларга эга эмас. Ижрочи буюртмани ўз ишхонасида бажарган холларда буюртмачи хам бундай имкониятга эга эмас. Бинобарин, агарда меҳнат шартномасида ёки фуқаролик шартномасида иш берувчи ёки буюртмачини ходим фаолияти устидан назорат қилишни истисно этувчи алоҳида шартлар белгилаб кўйилган бўлса, ушбу модда нормалари кўлланмайди.

4. Ушбу тоифадаги иш бўйича жавобгар хар доим буюртмачи ёки иш берувчи бўлади, бевосита зарап етказган ходим эса учинчи шахс сифатида ишга жалб этилади. Бундай тоифадаги ишларни кўришда судлар жабрланувчи томонидан йўл кўйилган жабрланувчини кўпол эхтиётсизликни хам хисобга олиши лозим (ФКнинг 1004-моддаси 2-қисми). Бевосита зарап етказган ходимнинг мулкий холати аҳамиятга эга эмас, чунки унинг ҳаракатлари учун иш берувчи (буюртмачи) маъсул хисобланади. Хаттаки зарап етказиш ходим томонидан иш берувчига (буюртмачига) ўзининг касби, малакаси, маҳорати ва ш.к. тўғрисида нотўғри ёки қасдан ёлғон маълумот тақдим этиш сабабли ёки у билан боғлиқ равишда вужудга келган холларда хам, жавобгарлик субъекти иш берувчи (буюртмачи) бўлиб қолаверади. Бундай холларда иш берувчи (буюртмачи) зарап етказган шахсга, яъни ходимга нисбатан регресс дарвоҳ билдириш хукуқига эга (ФКнинг 1001-модда).

5. Хўжалик ширкатлари (тўлиқ, коммандит ширкатлар) ва хўжалик жамиятлари (МЧЖ, КМЖ, АЖ) ва ишлаб чиқариш кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ўз иштирокчилари (аъзолари) томонидан улар ширкат ва жамият ёки кооператив тадбиркорлик, ишлаб чиқариш ёки бошқа фаолиятни амалга ошириш вақтида етказилган зарарни қоплайдилар. Ушбу тижорат юридик шахсларининг хукукий мақоми, шунингдек, уларни ўз иштирокчилари (аъзолари) билан ўзаро муносабатлари ФКнинг 4-боби 2-параграфи нормалари, шунингдек маҳсус конунлар (Хўжалик ширкатлари тўғрисида, маъсулничи чекланган ва кўшимча маъсулничи жамиятлар тўғрисида, акциядорлик жамиятлар ва акциядорлар хукуқларини химоя қилиш тўғрисида қонунлар ва х.к.) билан тартибга солинади. Юкорида кўрсатилган тижорат юридик шахслари иштирокчилари (аъзолари) фойда олиш мақсадини кўзлаб тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун капиталларини ва саъи ҳаракатларини

бирлаштирадилар. Шу сабабли иштирокчилар (аъзолар) ўртасида ва улар билан юридик шахс ўртасида алоҳида корпоратив муносабатлар вужудга келади. Бундай тижорат юридик шахслари ва уларнинг иштирокчилари (аъзолари) ўртасидаги ўзаро муносабатлар меҳнат муносабатларигина эмас, балки ундан кўра мустахкамроқ характердаги муносабатларга, яъни умумий манфаатлар ва корпоратив бирдамликка, хамкорликка асосланади. Худди шу сабабли хам шарҳланаётган моддада хўжалик жамиятлари ва ширкатлари, ишлаб чиқариш кооперативлари ўз иштирокчилари (аъзолари) томонидан улар ширкат ва жамият ёки кооперативнинг тадбиркорлик, ишлаб чиқариш ёки бошқа фаолиятини амалга ошириш вақтида етказилган зарарни тўлаш бўйича жавобгарлиги белгиланган. Иштирокчилар (аъзолар)га нисбатан тижорат юридик шахслари ФКнинг 1001-моддасида белгиланган тартибда регресс даъво хукуқига эга.

**990-модда. Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи  
бошқариш органлари, шунингдек уларнинг мансабдор шахслари  
томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик  
(ЎзР 15.12.2000 й. 175-Н-сон Қонуни таҳриридаги модда)**

**Давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг Қонунга хилоф қарорлари натижасида фуқарога ёки юридик шахсга етказилган зарар, улар мансабдор шахсларининг айбидан қатъи назар, суднинг қарори асосида қопланиши лозим.**

**Давлат органлари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари мансабдор шахсларининг Қонунга хилоф ҳаракатлари (харакатсизлиги) натижасида фуқарога ёки юридик шахсга етказилган зарар суднинг қарори асосида қопланиши лозим.**

**Зарар ушбу Кодекснинг 15-моддасида назарда тутилган тартибда қопланади.**

1. Ушбу шарҳланаётган моддада давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек уларнинг мансабдор шахслари томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик асослари ва хажми белгилаб қўйилган.

2. Ушбу модданинг 1 ва 2-кисмларида етказилган зарар суд қарори асосида тўланиши белгиланган, бу эса деликтнинг ушбу турини ўзига хос хусусияти хисобланади. Бинобарин, бунда зарарни ихтиёрий қоплашга йўл

қўйилмайди, жавобгарликни қўллаш масаласи албатта суд мухокамасининг предмети бўлиши шарт. Суд тартиби қонуний ва адолатли қарор қабул қилиш ва давлат маблағларидан оқилона ва мақсадли фойдаланишни таъминлайди.

3. Давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари нинг қонунга хилоф қарорлари натижасида фуқарога ёки юридик шахсга етказилган зарар бундай қарорларни қабул қилган мансабдор шахслар айбидан қатъий назар суднинг қарори билан тўланиши лозим.

Давлат органлари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ўзларининг ваколатларининг бир кисмини турли қарорлар (буйруқлар, қўлланмалар, фармойишлар ва х.к.) қабул қилиш (чиқариш) орқали амалга оширадилар. Қарорлар норматив ёки нонорматив (яъни индивидуал ҳукукни қўллаш характерига эга) бўлиши мумкин. Бундан қатъий назар, қарорлар қонуний, яъни амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлмаслиги шарт. Бундай қарорлар фуқаролар ёки юридик шахслар ҳукуклари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлиши хам мумкин. Бинобарин, гайриконуний қарорлар қабул қилиш натижасида фуқаро ёки юридик шахсга зарар етса, бундай зарар қарор қабул қилган мансабдор шахс айбидан қатъий назар, қопланиши лозим. Бунинг учун низонинг таълуқлилигидан келиб чиқсан холда тегишли фуқаролик ёки хўжалик судига мурожаат қилиш талаб этилади. Қабул қилинган қарорнинг қонунийлигини исботлаш бурчи уни қабул қилган давлат органи ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи зиммасига юклатилади.

4. Мансабдор шахснинг қўйидаги белгилари унинг етказилган зарарни тўлаш мажбурияти бўйича муносабатлар иштирокчиси сифатидаги ҳукуқ субъектлилигини белгилаш учун муҳим аҳамиятга эга:

– давлат органида ёки ўзини ўзи бошқариш органида муайян мансабни эгаллаб турганлиги;

шахсга раҳбарлик, ташкилий-бошқарув, контрол-назорат функциялари юклатилганлиги;

хизмат вазифаси бўйича бўйсунмайдиган шахсларга нисбатан хам давлат-хокимият ваколатларига эга эканлиги.

Техник ходимлар ва оддий хизматчилар мансабдор шахс бўлиб хисобланмайдилар.

5. Бундай тоифадаги ишларни кўришда кўйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилиши лозим:

- қарорни қонунийлиги ёки ноқонунийлиги;
- зарар етказиш факти;
- етказилган зарар хажми;
- зарарни тўлаш субъекти.

6. Шархланаётган модданинг 2-кисмидаги давлат органлари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида фуқарога ёки юридик шахсга етказилган зарар суд қарори асосида қопланиси белгилаб кўйилган. Ушбу модданинг биринчи кисмидан фарқли равишда ушбу нормада мансабдор шахснинг айби масаласига урғу берилмайди. Демак, жавобгарликни умумий асослари кўлланилади, бунга кўра эса зарар етказганлик учун жавобгарликни кўллашда айб унинг зарурый шартларидан бири хисобланади.

Бунда зарар ғайри қонуний қарор қабул қилиш орқали эмас, балки ғайри қонуний ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) содир этиш орқали етказилади. Мансабдор шахсларининг ҳаракатлари агарда хизмат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бўлса, хар доим ҳукукий ҳарактерга эга бўлади ва демак ҳукукий оқибатлар вужудга келтиради (масалан, солик хизмати томонидан тадбиркорлик субъектини ғайри қонуний текшириш).

Агарда давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан зарар етказиш ҳокимият — маъмурий муносабатлар соҳасида эмас, балки уларнинг хўжалик ёки техник фаолияти натижасида (масалан, туман ҳокимлигига тегишли автомашина томонидан фуқаро соғлиғига шикаст етказиш), зарар етказишда жавобгарлик умумий асосларга (ФКнинг 985-м) кўра белгиланади.

7. Давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан етказилган зарар ФКнинг 15-моддасида белгиланган тартибда қопланади. Ушбу норма мазмунига кўра зарар давлат ёки ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ёхуд зарар етказишда айборд билан мансабдор шахс томонидан тўланади.

Бу ўринда бир хақли савол туғилади: қайси ҳолларда қабул қилинган ғайри қонуний қарор учун жавобгарлик давлат органи зиммасига юкланди ва қайси ҳолларда ҳукуқбузарликни тўлиқ таркибини, шу жумладан, зарар етказган мансабдор шахсни, унинг айби даражасини аниқлаб, зарарни тўлашни бевосита унинг зиммасига юклаш мумкин? ФКнинг 15-моддаси

мазмунини талқин этиш асосида шундай хulosага келиш мумкин: гайри қонуний қарорлар қабул қилиш оқибатида етказилган заарларни ундириш тўғрисидаги талабларни кўришда судлар қонун томонидан бундай деликт жавобгарлиги вужудга келиш шартлари мавжудлигини аниқлаш, юридик шахсни ўз ходими томонидан етказилган зарар учун жавобгарлиги қоидаларини кўллаш имкониятларини пухта ўрганиш лозим.

Агарда суд мухокамасида зарар етишига сабаб бўлган қарорни қабул қилишда мансабдор шахс бевосита айбордлиги аниқланса, зарарни тўлаш бевосита унинг зиммасига юкланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июнда чиқарган «Тадбиркорлик субъектлари хукукий ҳимоя тизимини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида» ПФ-3619-сонли Фармонида ушбу шархланаётган нормани кўллаш механизми бўйича қоидалар мавжуд: агарда давлат органларининг гайри қонуний қарорлари ёхуд ушбу органлар мансабдор шахсларининг гайри қонуний харакатлари (харакатсизликлари) оқибатида тадбиркорлик субъектларига зарар етса, у суд қарори асосида тўлиқ хажмда худди ўша давлат органи томонидан, биринчи галда уни бюджетдан ташқари жамғармалари хисобидан қопланиши лозим. Қонун ҳужжатларида белгиланган асосларда ва тартибда суд қарори асосида зарарни қоплаш унда айбор бўлган мансабдор шахс зиммасига юкланиши мумкин.

## **991-модда. Суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг қонунга хилоф харакатлари туфайли етказилган зарар учун жавобгарлик**

Қонунга хилоф тарзда хукм этиш, қонунга хилоф тарзда жиноий жавобгарликка тортиш, эҳтиёт чораси сифатида қамоқقا олишни ёки муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат олишни қонунга хилоф кўлланиш, қамоқ тариқасидаги маъмурӣ жазони қонунга хилоф тарзда бериш натижасида фуқарога етказилган зарар суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг мансабдор шахслари айбидан қатъи назар, қонунда белгиланган тартибда давлат томонидан тўла хажмда тўланади. Суднинг қарори билан зарарни қоплаш зарар етказилишида айбор бўлган мансабдор шахслар зиммасига юкланиши мумкин. (ЎЗР 15.12.2000 й. 175-II-сон Қонуни таҳриидаги қисм)

**Суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг бошқа тарздаги қонунга хилоф фаолияти натижасида фуқарога ёки юридик шахсга етказилган зарар, агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, умумий асосларда тўланади.**

1. Мазкур моддада суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг қонунга хилоф харакатлари туфайли етказилган зарар учун жавобгарлик асослари ва хажми белгилаб қўйилган.

2. Жиноят-процессуал ва маъмурий қонунчилик доирасида қўлланиладиган хукукий таъсир чоралари ўзларининг характерларига кўра қаттиқроқ мажбурлов чоралари бўлиб, бундай чора қўлланаётган шахсларнинг хукуқ ва эркинликларини муайян жиҳатдан чеклайди. Шу сабабли хам хукукни муҳофаза килувчи органлар ва судлар қатъий равишда қонун доирасида фаолият юритмоқлари шарт. Қонундан хар қандай чекиниш муайян шахсга зарар етказади, шу сабабли унинг манфаатлари ушбу норма билан ҳимоя қилинади.

3. Фуқарога куйидаги харакатлар орқали зарар етказилади:

а) ғайри қонуний хукм этиш (агарда фуқарога нисбатан жиноят-процессуал қонунда белгилangan тартибда айблов характеридаги суднинг хукми чиқарилган бўлса, у хукм этилган хисобланади. Қонунга хилоф хукм этилгани сабабли етказилган зарарни тўлаш тартибида судга талаб билан мурожаат қилинган пайтда, ушбу айблов хукми ЖПКда белгилangan тартибда бекор қилинган бўлиши шарт);

б) қонунга хилоф тарзда жиноий жавобгарликка тортиш (агарда фуқарога нисбатан суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари томонидан жиноят-процессуал қонунида белгилangan тартибда айбланувчи тариқасида жавобгарликка тортиш тартибида қарор чиқарилган бўлса, у жиноий жавобгарликка тортилган хисобланади);

в) эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни ёки муносиб хулқ-атворда бўлиш хақида тилхат олишни қонунга хилоф қўлланиш (эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш суднинг санкциясига мувофиқ қўлланади. Муносиб хулқ-атворда бўлиш хақида тилхат олиш суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органалари томонидан қўлланилади).

Етказилган зарар мол-мулкни йўқотилиши ва сарф ҳаражатлар, жабрланувчи соғлигини ёмонлашуви ёки ўлими тарзида намоён бўлади.

4. Қонун чиқарувчи хар бир холат бўйича процессуал мажбурлов чорасини қўллашни қонунга хилофлигини алоҳида таъкидлайди. Уларни қонунга хилофлиги муайян юридик шаклда мужассамлашган бўлиши шарт. Бундай юридик шакллар бўлиб хисобланади:

- оклов ҳукми чиқарилиши;
- жиноят таркиби ёки жиноий воқеа йўқлиги сабабли жиноят иши бекор қилиниши (ЖПКнинг 83-моддаси);
- фуқарони жиноят содир этишга дахлдор эмаслиги сабабли жиноят ишини бекор бўлиши (ЖПКнинг 83-моддаси 3-банди; 464-моддаси 1-қисми 3-банди);
- маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишнинг бекор бўлиши.

Етказилган зарарни ундиришга бўлган ҳуқуқ ЖПКнинг 38-бобида белгиланган тартибда хам вужудга келади.

5. Агарда фуқарони ҳуқуқقا хилоф қилмиши исботланган, бироқ қонунда белгиланган асосларга кўрса унга нисбатан жазо берилмаган бўлса, етказилган зарарни тўланишини талаб қилиш ҳукуки вужудга келмайди. Масалан, реабилитация учун асос бўлмайдиган холатлар бўйича, масалан, аминистрия, афу этиш, жиноий жавобгарликка тортиш ёшига етмаганлиги, айланувчи (судланувчи)нинг вафот этиши, вазиятнинг ўзгариши, айланувчини кафиллика бериш ва ш.к. холатлар бўйича кўзгатилган жиноят ишини бекор қилинганлиги зарарни тўланишини талаб қилиш ҳукукини бермайди.

6. Ушбу моддада белгиланган асослар бўйича етказилган зарарни ундириш суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура ва суд органалари мансабдор шахсларининг айбидан қатъий назар амалга оширилади.

7. Етказилган зарар тўлиқ ҳажмда қопланади. Қопланадиган зарар ҳажми ЖПКнинг 304-моддасида кўрсатилган. Унга кўра қопланадиган зарар таркибига қўйидагилар киради:

1) реабилитация қилинган шахс ўзига нисбатан ғайри қонуний ҳаракатлар содир қилиниши оқибатида маҳрум бўлган иш ҳақи ва бошқа меҳнат даромадлари;

2) пенсия ва нафақалар, агарда уларни тўлаш тўхтатиб қўйилган бўлса;

3) суд ҳукми, ажрими (қарори) асосида мусодара қилинган ёки давлат даромадига ўтказилган пул маблағлари, пул омонатлари ва улар бўйича фойизлар, давлат заём облигациялари ва уларга чиқкан ютуклар, акциялар ва бошқа қимматбахо қофозлар, шунингдек, ашёлар ва бошқа мол-мулклар қиймати;

- 4) суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура ва суд органалари томонидан олинган ва улар томонидан йўқотилган мол-мулк қиймати;
- 5) суд хукмини ижро қилиш учун ундирилган жарималар ва суд хааржатлари;
- 6) шахсга хукукий ёрдам кўрсатганлик учун тўланган сумма, шунингдек, унга нисбатан ғайри қонуний ҳаракат содир этилгани оқибатида қилинган бошқа сарф-харажатлар.

Заарлар улар етказилган пайтдаги холат бўйича белгиланади. Баъзан деликт узоқ вақт давом этадиган характер касб этиши мумкин. Бундай холларда қонунга хилоф тарзда жиноий жавобгарликка тортиш ва ФКнинг 991-моддаси 1-кисмида назарда тутилган бошқа ҳаракатларни қўлланиш давридан то хукукни қўлловчи орган томонидан реабилитация хужжати чиқарилгунга қадар давр заарар етказилиши даври хисобланади.

Шахсни реабилитация қилиш тартибида қарор чиқарилгандан кейин вужудга келган заарар ФКнинг 991-моддаси 1-кисми бўйича ундирилмаглиги лозим. Агарда тегишли хукукни муҳофаза қилувчи ёки молия органлари ходимларини айбли ҳаракатлари (масалан, хисоб-китобни, қайта хисоблашни, тўловларни, хужжатларни расмийлаштиришни кечикириш ва ш.к.) оқибатида жабрланувчини заарлари кўпайса, ушбу муассасаларни жавобгарлиги ФКнинг 989-моддаси нормалари бўйича белгиланади.

Иш хақи, пенсиялар ва унга тенглаштирилган тўловлар бўйича заарларни хажмини аниқлашда Ўзбекистон Республикаси Президентини иш хақи, пенсияларни минимал микдорини ошириш тўғрисидаги Фармонига мувофиқ ундириладиган суммани тўлаш пайти бўйича белгиланади. Мусодара қилинган ёки ёки йўқотилган ашёлар қиймати қопланганида ваколатли идоралар томонидан белгиланган баҳо индекси қўлланади.

Заарни ундиришни икки хил тартиби: жиноят-процессуал ва фуқаролик-процессуал тартиб мавжуд.

Жиноят-процессуал тартиб маҳсус тартиб хисобланади ва ЖПКнинг 38-бобида (304–313-моддаларида) назарда тутилган.

ЖПКнинг 306-моддасига биноан суд оқлов хукмида ёки ишни бекор қилиш тўғрисида ажримида (карорида), терговчи, прокурор эса ЖПКнинг 83-моддасида назарда тутилган асослар бўйича ишни бекор қилиш тўғрисида қарорида реабилитация қилинган шахсни мулкий заарни ундиришга бўлган хукуқини кўрсатиб ўтиши лозим. Хукм, қарор, ажрим

нусхаси реабилитация қилинган шахс топширилади ёки почта орқали юборилади. Айни вақтда унга хукм, ажрим, қарор устидан шикоят қилиш тартиби, шунингдек, мулкий зарарни ундириш ва бошқа хукуқларни тиклаш тартиби тушунтирилади.

Реабилитация қилинган шахсдан ариза келиб тушган пайтдан бошлаб бир ойдан кечикмасдан, реабилитация тўғрисида қарор қабул қилган суд, прокурор ёки терговчи зарур холларда молия ва ижтимоий таъминот органлари тегишли хисоб-китоблар тўғрисида маълумотлар олиб, зарар миқдорини аниқлайди. Агарда иш кассация ёки назорат тартибида ишни кўриш асосида бекор қилинган бўлса, зарар хажми хукм чиқарган суд томонидан белгиланади.

Мулкий зарарни хисоблаб чиқаргандан кейин ушбу зарарни пул тўловлари шаклида қоплаш тўғрисида суд ажрим, терговчи ёки прокурор қарор чиқаради.

Гербли муҳр билан тасдиқланган ажрим ёки қарор нусхаси реабилитация қилинган шахсга, у вафот этган бўлса ЖПК 304-моддаси 3-қисмida кўрсатилган шахсларга жўнатилади. Ушбу хужжатлар тўловни амалга ошириш учун тегишли идораларга тақдим этилади.

ЖПКнинг 308-моддасига кўра тўловларни амалга ошириш тўғрисида прокурор ёки терговчи қарори устидан манфаатдор шахслар судга шикоят қилишга хақлидирлар.

Тўловларни амалга ошириш тўғрисида суднинг қарори устидан умумий тартибда юқори судга манфаатдор шахслар шикоят ва прокурор протест бериши мумкин.

ЖПКнинг 312-моддасига биноан реабилитация қилинган шахс ёки ЖПКнинг 304-моддасига кўра тўловларни амалга ошириш тўғрисида қарор ёки ажримда кўрсатилган шахслар реабилитация хужжатини олгандан бошлаб икки йиллик муддат ичida етказилган мулкий заарларни ундириш бўйича тўловларни амалга ошириш бўйича талабини қўйиши мумкин.

Бошқа хукуқларни тиклаш тўғрисидаги талаб хукуқларни қайта тиклаш хақидаги қарор ва уни амалга ошириш тартибини тушунтирувчи хабарнома олган пайтдан бошлаб бир йил ичida қўйилиши мумкин. Агарда муддат узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган бўлса манфаатдор шахс аризасига кўра терговчи, прокурор ёки суд томонидан қайта тикланиши мумкин.

8. ЖПКнинг 310-моддасига кўра қонунга хилоф тарзда хукм қилингани, қонунга хилоф тарзда тиббиёт муассасига жойлаштирилгани, эҳтиёт чораси сифатида қонунга хилоф тарзда қамоққа олингани, ушлаб турилгани ёхуд айбланувчи, судланувчи тариқасида ишга жалб этилгани сабабли ишдан (лавозимидан) озод қилинган шахс аввалги ишига тикланиши, корхона, муассаса, ташкилот тугатилган бўлса ёки илгариги иши (лавозимига) тикланишига тўскىнлик қилувчи қонуний асослар мавжуд бўлган холларда бошқа тенг қийматли иш (лавозим) билан тъминланиши лозим.

Эҳтиёт чораси тариқасида қамоқда сақланган, жазони ўтаган давр, тиббиёт муассасасида мажбурий сақланган давр реабилитация қилинган шахсни умумий иш стажига ва маҳсус иш стажига қўшилади.

Қонунга хилоф тарзда хукм қилингани, эҳтиёт чораси сифатида қамоқда сақлангани, тиббиёт муассасасида сақлангани сабабли ўкув юртидан чиқарилган шахс илтимосига кўра ўкув юртига талабаликка тикланади.

Қонунга хилоф тарзда хукм қилингани ёки тиббий характердаги мажбурлов чоралари қўллангани билан боғлиқ равишда турар-жойдан фойдаланиш хуқуқини йўқотган шахсга илгари яшаган турар-жойи қайтарилади, бунга имкон бўлмаган тақдирда ўша аҳоли пунктида тенг қийматли обод турар-жой берилади.

ЖПКнинг 311-моддасига мувофиқ реабилитация қилинган шахснинг меҳнат, пенсия ва турар-жой хуқуқлари, шунингдек мол-мулкини ёки қийматини қайтариш хақидаги талаби қаноатлантирилмаса ёки қабул қилинган қарордан норози бўлса тегишли талаблар билан даъво тартибida судга мурожаат қилишга хақли.

9. Одатда зарар давлат томонидан қопланади. Бироқ қўйидаги икки холат бир вактнинг ўзида мавжуд бўлганда суднинг қарори билан зарарни қоплаш бунда айборд бўлган мансабдор шахс зиммасига юкланиши мумкин:

- агарда зарар қасдан етказилган бўлса;
- агарда зарар етказувчининг мулкий аҳволи зарарни тўлиқ хажмда қоплашга имкон берса.

10. Суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура ва суднинг бошқача ғайри қонуний ҳаракатлари натижасида фуқарога ёки юридик шахсга етказилган зарар умумий асосларда (ФКнинг 985 ва 990-моддалари) қўлланади.

Бошқача айтганда ФКнинг 991-моддаси 1-қисмida қонун томонидан алоҳида тарзда таъқиб қилинадиган қонунга хилоф тарздаги ҳаракатлар

хақида сўз боради. Бошқача тарздаги ғайри қонуний фаолият натижасида етказилган зарар тегишли мансабдор шахсларнинг айби бўлган тақдирда ундирилади. Бошқача тарздаги ғайри қонуний ҳаракатларга ғайри қонуний ушлаб туриш, жамоат тартибини сақлашда, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, мол-мулкка арест солиш, фуқарони маъмурӣ тартибда ушлаш ва ш.к. холатларда қонунга хилоф ҳаракат содир этиш хисобланади. Бу ҳаракатлар маъмурӣ — ҳокимият ҳарактерига эга бўлиб, уларни хўжалик — техник соҳадаги фаолиятидан ва хатто хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти устидан назорат фаолиятидаги хукуққа хилоф қилмишлардан шу билан фарқлаш мумкин.

11. ФКнинг 991-моддаси 2-қисми бўйича жавобгарлик субъектлари бўлиб факат хукукни муҳофаза қилувчи органлар ва суд хисобланади. Ушбу шархланаётган модданинг 2-қисмидаги кўрсатилган холларда етказилган зарар умумий асосларда (ФКнинг 985, 990-м.) қопланади.

Суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг қонунга хилоф тарздаги ҳаракатлари оқибатида етказилган маънавий зарарни ундириш хусусиятлари тўғрисида ФКнинг 1021-моддаси шархига қаранг.

## **992-модда. Заарнинг ўз жавобгарлигини суғурталаган шахс томонидан тўланиши**

**Ихтиёрий ёки мажбурий суғурта тартибida жабрланувчи фойдасига ўз жавобгарлигини суғурталаган юридик шахс ёки фуқаро етказилган зарарни тўлиқ қоплаш учун суғурта пули етишмаган тақдирда, суғурта пули ва зарарнинг ҳақиқий миқдори ўртасидаги фарқни тўлайди.**

1. Ушбу шархланаётган моддада зарарни ўз жавобгарлигини суғурталаган шахс томонидан тўланиш хусусиятлари белгиланган.

2. Суғурта турли таваккалчиллик хавф-хатарларидан вужудга келадиган зиёнлар ва йўқотишларни камайтиришнинг муҳим юридик воситаси хисобланади. Суғуртанинг турларидан бири бўлиб зарар етказганлик учун жавобгарликни суғурталаш хисобланади (ФКнинг 918-моддаси шархига қаранг). Бошқа шахсларни хаёти, соғлиги ёки мол-мулкига зарар етказганлик учун мажбуриятлар бўйича жавобгарликни суғурталаш шартномасининг бир тури бўлиб бундай жавобгарлик зиммасига юклатилган суғурта қилдирувчининг ёки бошқа шахс жавобгарлиги хавф-хатарини суғуртлаш хисобланади.

Зарар етказганлик учун жавобгарлик хавф-хатарни сугурталаш ихтиёрий сугурта асосида ҳам, мажбурий сугурта асосида ҳам белгиланиши мумкин. Жумладан, мамлакатимизда 2008 йил 21 апрелда қабул қилинган УРК-155 «Автотранспорт воситалари эгалари фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурталаш тўғрисидаги Қонуни» ва 2009 йил 16 апрелда қабул қилинган ЎРК-210 «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурталаш тўғрисидаги Қонуни» амал қиласди.

3. Ихтиёрий ёки мажбурий сугурта тартибида жабрланувчи фойдасига ўз жавобгарлигини сугурталаган юридик шахс ёки фуқаро етказилган зарарни тўлиқ қоплаш учун сугурта пули етишмаган тақдирда, сугурта пули ва зарарнинг ҳақиқий миқдори ўртасидаги фарқни тўлайди. Масалан, автотранспорт эгалари фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурталаш тўғрисидаги Қонуннинг 22-моддасига кўра жабрланувчининг хаёти ва соғлиғига зарар етказилганда сугурта қопламаси сугурта суммасининг 65 фоизидан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Жабрланувчининг мол-мулкига зарар етказилганда сугурта қопламаси сугурта суммасининг 35 фоизидан ортиқ бўлмаслиги лозим. Сугурта қопламаси билан фактик зарар ўртасидаги фарқ зарар етказувчи, яъни сугурта килдирувчи сугурта пули (қопламаси) етарли бўлмаган тақдирда жабрланувчининг олдида субсидар жавобгар бўлади ва бу билан етказилган зарарнинг тўлиқ ҳажмда қопланишини таъминлайди.

### **993-модда. Ўн тўрт ёшгача бўлган вояга етмаганлар томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик**

**Ўн тўрт ёшгача бўлган вояга етмаган (кичик ёшдаги бола) томонидан етказилган зарар учун унинг ота-онаси (фарзандликка олувчилиари) ёки васийлари, агар зарар уларнинг айби билан етказилмаганлигини исботлай олмасалар, жавобгар бўладилар.**

Агар васийликка муҳтоҷ кичик ёшдаги бола тегишли тарбиялаш, даволаш муассасасида, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш муассасасида ёки қонунга кўра васийси хисобланадиган бошқа шунга ўхшаш муассасада турган бўлса, бу муассаса, агар зарар муассасанинг айби билан етказилмаганлигини исботлай олмаса, кичик ёшдаги бола томонидан етказилган зарарни тўлаши шарт.

**Агар кичик ёшдаги бола ўкув юрти, тарбиялаш, даволаш муасасаси ёки унинг устидан назоратни амалга ошириши шарт бўлган бошқа муассасанинг, шунингдек шартнома асосида назоратни амалга оширувчи шахснинг назорати остида турган вақтда зарар етказган бўлса, бу муассасалар ва шахслар, агар зарар уларнинг назоратни амалга оширишдаги айби билан етказилмаганлигини исботлай олмасалар, зарар учун жавобгар бўладилар.**

**Ота-она (фарзандликка олувчилар), васийлар, ўкув юртлари, тарбиялаш, даволаш муассасалари ва бошқа муассасаларнинг кичик ёшдаги бола томонидан етказилган зарарни тўлаш мажбурияти кичик ёшдаги бола вояга етиши ёки у зарарни тўлаш учун етарлича мол-мулк олиши муносабати билан бекор бўлмайди.**

**Агар ота-она (фарзандликка олувчилар), васийлар, шунингдек ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган бошқа шахслар вафот этган бўлсалар ёки улар зарарни тўлаш учун етарли маблағга эга бўлмасалар, тўлиқ муомалага лаёқатли бўлиб қолган зарар етказувчининг ўзи бундай маблағга эга бўлса, суд тарафларнинг мулкий аҳволини, шунингдек бошқа ҳолатларни инобатга олиб, зарарни тўлиқ ёки қисман зарар етказувчининг ўз мол-мулки ҳисобидан қоплаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳакли.**

1. Ушбу шарҳланаётган моддада ўн тўрт ёшгача бўлган вояга етмаган томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик субъектлари ва асослари белгилаб кўйилган.

2. Ўн тўрт ёшгача бўлган вояга етмаганлар жисмоний, рухий-маънавий ва психиологик жиҳатдан етук бўлмаганлиги сабабли фуқаролик-хукукий муносабатларда тўлақонли иштирок эта олмайдилар, шу сабабли ҳам қонун уларнинг муомала лаёқатини жиддий чеклайди (ФКнинг 29-моддаси шарҳига қаранг). Муомила лаёқатидаги бундай жиддий чекланганлик ўн тўрт ёшгача бўлган вояга етмаганлар томонидан етказилган зарар учун жавобгарликнинг ўзига хосликларини келтириб чиқаради.

3. Ўн тўрт ёшгача бўлган вояга етмаганлар кичик ёшдаги болалар бўлиб хисобланади ва муомалага лаёқатсизлиги сабабли жавобгарлик субъекти бўлиб хисобланмайди.

4. Ўн тўрт ёшгача бўлган вояга етмаганлар (кичик ёшдаги болалар) томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик қўйидагилар зиммасига юкландади:

- а) унинг ота-оналари (ЎР Оила Кодексининг 10-бобида белгиланган тартибда ота-она сифатида ёзилган шахсларга);
- б) фарзандликка олувчиларга (Оила Кодексининг 20-бобида белгиланган тартибда фарзандликка олган шахсларга);
- в) васийларга (Оила Кодексининг 21-бобида белгиланган тартибда васийликка олган шахсларга).

Улар айблари бўлган тақдирда жавобгар бўладилар. Айбизлигини исботлаш бурчи уларнинг ўзларига юкландади.

Юқорида кўрсатилган шахслар кичик ёшдаги болалар тўғрисида доимий ғамхўрлик қилишлари, ўз қарамоғидаги уларнинг хулқ-атворини назорат қилишлари ва зарур холларда хатти-харакатларини тегишли томонга йўналтиришлари лозим. Кичик ёшдаги болалар вояга етганидан кейингина бу мажбурият улар зиммасидан соқит бўлади. Агарда ушбу шахслар ўзларига боғлиқ бўлмаган объектив сабабларга кўра қарамоғидаги болаларга нисбатан ўз мажбуриятларини бажара олмаганликларини исботлаб бера олсалар, суд томонидан айбиз деб топилишлари мумкин. Ота хам, она хам, ўз боласи томонидан етказилган зарар учун тенг даражада жавобгардир. Агарда улардан бири (ота ёки она) бошқасига фарзанд тарбиясида тўлақонли иштирок этишига тўскىнлик килса, суд ушбу ҳолатни хисобга олади ва тегишли равишда ота-оналаридан бирининг жавобгарлик хажми камайтирилади ёки озод қилинади.

5. Шарҳланаётган модданинг 2-кисмida яна бир жавобгарлик субъекти белгиланган. Агар васийликка муҳтоҷ кичик бола тегишли тарбиялаш, даъволаш муасасида ёки қонунга кўра васийси хисобланадиган бошқа шунга ўхшаш муассасада турган бўлса (гап бу ўринда болалар боғчаси, мактаб, касалхона, санаторий ва шу каби тўғрисида кетмоқда), бу муасаса агар зарар ўзининг айби билан етказилмаганлигини исботлай олмаса, кичик ёшдаги бола томонидан етказилган зарар учун жавобгар бўладилар.

Албатта, юқорида кўрсатилган таълим-тарбия, даъволаш ва бошка социал муасасаларда кичик ёшдаги болалар муайян давр ёки вақтинчалик муддатларда бўладилар ва худди ўша даврларда ушбу муасаса кичик ёшдаги болалар хулқ-атворини назорат қилишлари шарт.

Муасасаларни қайси мулк шаклига — оммавий ёки хусусий мулкка мансублиги аҳамиятга эга эмас.

Агарда муасаса хусусий мулкка мансуб бўлса, боланинг ота-онаси ёки конуний вакиллари билан хусусий муасаса ўртасида хизмат кўрсатиш шартномасининг мавжудлигига аҳамият бериш керак.

Ушбу субъектларнинг айби ўзларининг ихтиёrlарига топширилган кичик ёшдаги болаларни лозим даражада назорат қила олмаганликда намоён бўлади.

6. Вақт ўтиши билан болалар катта бўлиб вояга етади, ўзларининг доимий даромад манбаларига эга бўладилар, баъзан шундай хам бўладики, кичик ёшдаги боланинг ўзида етказилган зарарни қоплаш учун етарли бўлган мол-мулк ёки пул маблағлари вужудга келади (масалан, мерос олиш, ҳадя ва х.к.). Бироқ ушбу ҳолат ушбу шарҳланаётган модданинг 1 ва 2-қисмида белгилangan коидаларга жиддий таъсир кўрсатмайди. Конунда аниқ-равшан ва қатъий белгиланишича ота-она (фарзандликка олувчилар), васийлар, ўкув юртлари, тарбиялаш, даъволаш муасасалари ва бошқа муасасаларнинг кичик ёшдаги бола томонидан етказилган зарарни тўлаш мажбурияти кичик ёшдаги бола вояга етиши ёки у зарарни тўлаш учун етарлича мол-мулк олиши муносабати билан бекор бўлмайди. Гарчи зарар етказувчи кичик ёшдаги бола бўлса ҳам, бироқ бунда айбордor юкорида белгилangan субъектлар хисобланади. Худди шу сабабли ҳам улар зарар етказган шахслар тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлганда ҳам, уларга регресс талаб қўя олмайдилар (ФКнинг 1004-моддаси 4-қисми шарҳига каранг).

7. Қуйидаги ҳолатларнинг барчаси бир вақтнинг ўзида мавжуд бўлганда суд зарарни тўлиқ ёки қисман зарар етказувчи мол-мулки хисобидан ундириш тўғрисида карор чиқаришга ҳақли:

а) агарда ота-она (фарзандликка олувчилар), васийлар шунингдек, кичик ёшдаги бола зарар етказган пайтда уни ўз назорати остида саклаган шахслар вафот этган бўлсалар ёки улар зарарни тўлаш учун етарли маблағга эга бўлмасалар;

б) зарар етказган шахс тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлган бўлса (18 ёшга тўлган ёхуд никоҳга кирган ёхуд эмансипация қилинган);

в) зарар етказувчи ўзи зарарни қоплаш учун етарли маблағларга эга бўлса;

г) тарафларнинг мулкий ахволи (жабрланувчи муҳтожлиги, зарар етказувчи зиммасига зарарни тўлашни юклаш унинг учун салбий оқибатларга сабаб бўлмаслиги), шунингдек бошқа ҳолатлар (тарафларни касб-кори, хаёт даражаси, турмуш шароитлар ва х.к.) бунга монелик қилмаса.

Жавобгарлик субъекти юридик шахс бўлган тақдирда шархланаётган модданинг 5-кисмини қўллаб бўлмайди.

Юқоридаги норма оқилоналиқ, адолат, инсонпарварлик тамойилларидан келиб чиқади ва етказилган зарарни тўлиқ қопланишини таъминлашга қаратилган.

Жавобгарликни зарар етказувчининг ўзига юклаш тўғрисида судга даъво билан мурожаат қилишга ҳақли:

- жабрланувчи;

кичик ёшдаги бола учун зиммасига жавобгарлик юклangan шахс, агарда зарарни тўлаш имкониятларига эга бўлmasa;

- агарда у вафот этган бўлса, унинг меросхўрлари (ворислари).

#### **994-модда. Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик**

**Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар етказилган зарар учун умумий асосларда мустақил жавобгар бўладилар.**

Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганнинг зарарни қоплаш учун етарли мол-мулки ёки бошқа даромад манбалари бўлмаган тақдирда, зарар тўлиғича ёки унинг етишмаган қисми вояга етмаганнинг ота-онаси (фарзандликка олувчилари) ёки васий томонидан, агар улар зарар ўзларининг айби билан етказилмаганлигини исботлай олмасалар, тўланиши лозим.

Агар ҳомийликка муҳтож ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаган тегишли тарбиялаш, даволаш муассасасида, ахолини ижтимоий химоя қилиш муассасасида ёки қонунга кўра унинг ҳомийси ҳисобланувчи бошқа шунга ўхшаш муассасада турган бўлса, бу муассасалар, агар зарар уларнинг айби билан етказилмаганлигини исботлай олмасалар, зарарни тўлиғича ёки унинг етишмайдиган қисмини тўлашлари шарт.

Зарар етказган вояга етганида ёхуд у вояга етмасидан унда мол-мулк ёки зарарни тўлаш учун етарли даромад манбалари пайдо бўлганида ёхуд у вояга етмасидан муомала лаёкатига эга бўлганида ота-она (фарзандликка олувчилар), ҳомий ва тегишли муассасанинг зарарни тўлаш бўйича мажбурияти тугайди.

1. Ушбу шарҳланаётган моддада ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик субъектлари ва жавобгарлик ҳажми белгиланган.

2. Ўн тўртдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар кичик ёшдаги болаларга нисбатан кенг доирадаги фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда катнашадилар. Бироқ шунга қарамай улар тўлиқ муомала лаёқатига эга эмаслар. Уларни фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда иштирок этиш хусусиятлари ФКнинг 27-моддасида белгиланган. (ФКнинг 27-моддаси шарҳига каранг).

3. Ўн тўртдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар етказилган зарар учун умумий асосларда мустакил жавобгар бўладилар. Демак улар тўлиқ деликт лаёқатига эгадирлар. Мехнат қонунчилиги вояга етмаганларни 15 ёшдан бошлаб ишга қабул қилишга рухсат беради (ФК амалга киритилганда, яъни 1997 йил 1 марта вояга етмаганлар билан 14 ёшдан бошлаб меҳнат шартномаси тузишга йўл қўйилган). Шундай қилиб, 15 ёшдан бошлаб вояга етмаган барқарор ва доимий даромад манбаига эга бўлиши мумкин ва амалда деликт лаёқатига эга бўлади. Назарий жихатдан олганда, ҳатто кичик ёшдаги болалар ҳам доимий даромадларга эга бўлишлари мумкин (фильмларда, спектаклларда рол ўйнаш, адабий асарлар яратиш, ихтиrolар учун патент олиш ва х.к.). Бироқ ушбу фаолият меҳнат шартномаси билан эмас, балки фуқаролик шартномаси билан расмийлаштирилади.

4. Қуйидаги икки ҳолат бир вақтнинг ўзида мавжуд бўлса шарҳланаётган модданинг 1-қисми қоидаларидан чекинишга йўл қўйилади:

а) ўн тўртдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганнинг зарарни қоплаш учун етарли мол-мулки ёки маблағи, даромад манбалари бўлмаса;

б) вояга етмаганнинг ота-онаси (фарзандликка олувчилари) ёки васийси томонидан зарар етказишида уларнинг айби йўқлиги исботлаб берилмаса.

Бундай ҳолда зарарни тўлигича ёки етишмаган қисмини тўлаш ота-она(фарзандликка олувчи) ёки васий зиммасига юкланади.

5. Шарҳланаётган модданинг 3-қисми жавобгарлик субъектлари доирасини кенгайтиради. Агар ҳомийликка муҳтож ўн тўртдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаган тегишли тарбиялаш (мактаб, коллеж, лицейлар) ёки даволаш муассасасида (касалхона, санаторий), ахолини ижтимоий ҳимоя қилиш муассасасида (мехрибонлик уйлари) ёки қонунга кўра унинг ҳомийси хисобланувчи бошқа шунга ўхшаш муассасада турган бўлса, бу муассасалар,

агар заар уларнинг айби билан етказилмаганлигини исботлай олмасалар, зарарни тўлигича ёки етишмайдиган қисмини тўлашлари шарт.

6. Қонуний вакиллари ёки юқорида кўрсатилган муасасалар жавобгарлиги қўшимча (субсидар) характерга эга ва вакт бўйича чегараланган ёхуд ёки муайян шартларни вужудга келиши билан боғлиқ. Уларнинг жавобгарлиги қўйидаги ҳолатларнинг бири вужудга келиши билан бекор бўлади:

- а) агарда заар етказувчида у вояга етмасдан заар қоплаш учун етарли бўлган мол-мулк (мерос олиш, хадя ва х.к.) ёки даромад манбалари (стипендия, нафака, иш ҳаки, муаллифлик гонаарлари ва ш.к.) вужудга келганда;
- б) вояга етмасдан никохга кириш ёки эмансипация сабабли тўлиқ мумомала лаёқатига эга бўлса;
- в) вояга етганида (яъни 18 ёшга тўлганда).

Ушбу тоифадаги ишлар муайян проессуал хусусиятларга эгалигини қайд этиш лозим. Ўн тўртдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар томонидан заар етказилганда, даъво бевосита уларнинг ўзларига билдирилади. Қўшимча жавобгарликка зарурат бўлган ҳолларда қонуний вакиллари (хомийлар) заар етказувчи билан судда биргаликдаги жавобгар сифатида қатнашадилар.

Ундирув биринчи галда заар етказувчининг мол-мулкига қаратилади. Етишмаган қисми эса қонуний вакиллар мол-мулкидан ундирилади. Ушбу шарҳланаётган модданинг 4-қисмида назарда тутилган асослар вужудга келганда қонуний вакиллар мол-мулкидан ундирув тўхтатилади.

7. Шуни унутмаслик керакки, ўн тўрт ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар етказилган заар учун ҳар иккала ота ҳам, она ҳам, биргаликда ёки алоҳида алоҳида яшаганидан қатъий назар тенг даражада субсидар жавобгарликка тортиладилар.

Ота-оналар (фарзандликка олувчилар)ни ва хомийларни ФКнинг 994-моддаси бўйича жавобгар қилиш учун уларнинг айби асос бўлади. Шу сабабли ҳам улар бевосита заар етказувчига нисбатан регресс хуқуқка эга бўлмайдилар (ФКнинг 1001-моддаси шарҳига қаранг.).

**995-модда. Ота-оналилк хуқуқларидан маҳрум этилган ота-онанинг вояга етмаганлар томонидан етказилган заар учун жавобгарлиги**

**Суд ота-оналилк хуқуқларидан маҳрум этилган ота-онага уларнинг вояга етмаган болалари томонидан ота-онаси ўз хуқуқларидан маҳрум**

**қилинганидан кейин уч йил ичида содир этилган зарар учун, агар боланинг зарар етказилишига сабаб бўлган хулқ-атвори улар болани тарбиялаш бўйича ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаганликларининг оқибати бўлса, жавобгарликни юклashi мумкин.**

1. Ушбу шархланаётган моддада ота-оналиқ ҳуқуқларидан маҳрум этилган ота-онанинг вояга етмаганлар томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик хусусиятлари белгиланган.

2. Ота-она (ёки улардан бири) қуидаги ҳолларда ота-оналиқ ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин:

- Ўз мажбуриятларини, шу жумладан алимент тўлаш бўйича мажбуриятларини бажаришдан бўйин товласа;

- Узурли сабабларсиз ўз фарзандларини туғруқхонадан, ёки бошқа даволаш муассасасидан ёхуд шунга ўхшаш муасасалардан олишдан бош тортса;

- Ўз ота-оналиқ ҳуқуқларини сустеъмол қилса, фарзандлари билан шафқатсиз муомалада бўлса, шу жумладан уларга нисбатан жисмоний ёки руҳий зўрлик ишлатса;

- Сурункали алкоголизм ёки гиёхванд касаллигига мубтало бўлган бўлса;

- Ўз фарзандлари хаёти ва соғлиғига қарши қасддан жиноят содир қилган бўлса (Оила Кодексининг 79-моддаси.).

Ота-оналиқ ҳуқуқидан маҳрум этиш суд тартибида амалга оширилади. Ота-оналиқ ҳуқуқидан маҳрум этиш ота-оналарни ўз фарзандларини боқиш мажбуриятидан озод қилмайди.

3. Ота-оналиқ ҳуқуқидан маҳрум этилган ота-онага уларнинг вояга етмаган болалари томонидан ота-онаси ўз ҳуқуқларидан маҳрум қилинганидан кейин уч йил ичида содир этилган зарар учун, агар боланинг зарар етказилишига сабаб бўлган хулқ-атвори улар болани тарбиялаш бўйича ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаганликларининг оқибати бўлса, жавобгарликни юклashi мумкин.

Ушбу норма мазмунидан яққол англашиниладики, ота-оналиқ ҳуқуқидан маҳрум қилинган шахсларга боласи етказган зарар учун жавобгарлик юклаш шарти бўлиб собиқ ота-онани ўз ота-оналиқ мажбуриятларини (ушбу мажбуриятлар мазмуни Оила Кодексининг 73-моддасида ўзининг яққол ифодасини топган) лозим даражада бажарилмаганлиги ва зарар етказган бола хулқ-

автори ўртасида сабабий боғланиш мавжудлиги ҳисобланади. Ота-оналик мажбуриятларини лозим даражада бажармаслик дейилгандан ўз болаларини тарбиясига маъсулиятсизлик билан муносабатда бўлиш, бошқача айтганда ота-оналарни фарзанларни ахлоқий камол топиши ва таълим олиши бўйича мажбуриятларини бажаришидан бўйин товлаш, болаларга салбий таъсир кўрсатадиган ғайри ахлоқий, ғайри ижтимоий хулқ-авторда бўлиш, уларга жисмоний ва руҳий зўравонлик қўллаши тушунилади. Ота-оналар ўзларининг хулқ-авторлари билан ёхуд кўрсатмалари билан ўз болаларида шафқатсизлик, худбинлик, бошқалар манфаатини менсимаслик, золимлик, дилозорлик майл-хохишини шакллантиришлари ёхуд ушбу салбий сифатларни учинчи шахслар ёки кўча муҳити таъсирида вужудга келишига ўз бепарволиклари орқали йўл кўйиб беришларида бундай сабабий боғланиш яккол намоён бўлади.

4. Ота-оналик хукуқидан маҳрум қилингандарга жавобгарлик юклаш вақт бўйича чегараланган — ота-оналик хукуқидан маҳрум қилиш вақти билан бола томонидан зарар етказилган вақт оралиғи уч йилдан ошмаслиги шарт.

Собиқ ота-оналарнинг жавобгарлиги уларнинг айбига асосланади. Шу сабабли улар вояга етмаган зарар етказувчига нисбатан регресс хукуқидан маҳрум (1001-моддаси шаҳига қаранг).

#### **996-модда. Муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаро томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик**

**Муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаро томонидан етказилган зарарни унинг васийи ёки унинг устидан назоратни амалга ошириши шарт бўлган ташкилот, агар зарар уларнинг айби билан етказилмаганлигини исботлай олмаса, тўлайди.**

**Васий ёки ташкилотнинг муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаро томонидан етказилган зарарни тўлаш бўйича мажбурияти, унинг муомала лаёқати тикланган тақдирда ҳам тугамайди.**

**Агар васий вафот этса ёхуд зарарни тўлаш учун етарлича маблағга эга бўлмаса, зарар етказувчининг ўзи эса бундай маблағга эга бўлса, суд жабрланувчининг ва зарар етказувчининг мулкий аҳволини, шунингдек бошқа ҳолатларни инобатга олиб, зарарни тўлиғича ёки қисман зарар етказувчининг мол-мулки ҳисобидан тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.**

1. Ушбу шарҳланаётган моддада муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаро томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик субъектлари ва асослари белгиланган.

2. Фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топиш асослари ва тартиби ФКнинг 30-моддасида кўрсатилган (ушбу норма шарҳига қаранг). Бундай шахслар деликт лаёқатига эга эмас, руҳий бузилиш (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли ўз ҳаракатлари оқибатини англаб ета олмагани ва уларни идора кила олмагани туфайли улар зарар етказганлик учун жавобгар бўлмайдилар.

3. Муомилага лаёқатсиз деб топилган фуқаро томонидан етказилган зарарни унинг васийси ёки унинг устидан назоратни амалга ошириши шарт бўлган ташкилот, агар зарар уларнинг айби билан етказилмаганинги исботлай олмаса, тўлайди.

Васийлик мажбуриятларини бевосита амалга ошириш учун васийлик ва ҳомийлик органлари васий тайинлайдилар (Оила Кодексининг 179-моддаси.). Васийлик муомалага лаёқатсиз фуқаролар хукуқ ва манфаатларини химоя қилиш мақсадида белгиланади.

Оила Кодексининг 175-моддасига биноан суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсларга нисбатан васийлик қилиш функциялари туман, шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимлари зиммасига юклатилади.

Васий ва тегишли ташкилотларни айби зарар етказиш пайтида муомалага лаёқатсиз шахс устидан етарли даражада назорат ва кузатувни амалга оширмаганлигига ифодаланади.

4. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахс соғайган тақдирда суд уни муомалага лаёқатли деб топади ва унга нисбатан тайинланган васийликни бекор қилади. Бирок бу ҳолат муомалага лаёқатсиз шахс томонидан етказилган зарарни тўлаётган субъектнинг жавобгарлик ҳажмига таъсир кўрсатмайди. Бошқача айтганда, васий ёки ташкилотнинг муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаро томонидан етказилган зарарни тўлаш бўйича мажбурияти, унинг муомалага лаёқати тикланган тақдирда ҳам тугамайди.

5. Суд жабрланувчини ва зарар етказувчини мулкий ҳолатини, шунингдек бошқа ҳолатларни (уларнинг соғлиғи, ҳаёти шароитлари, ижтимоий химояланганлик даражаси ва х.к.) хисобга олиб бир вақтнинг ўзида куйидаги икки шарт мавжуд бўлганда:

- агарда васий вафот этса ёки зарарни тўлаш учун етарлича маблағга эга бўлмаса;

- зарар етказувчининг ўзи бундай маблағга эга бўлса, зарарни тўлигича ёки қисман зарар етказувчининг мол-мулки хисобидан тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга хақли.

Кўриниб турибдики, бундай холда қонун жавобгарлик субъектлари доирасини кенгайтирмоқда. Муомилага лаёқатсиз ҳолда зарар етказган шахс келгусида муомалага лаёқати тикланса хам ёки муомалага лаёқатсиз бўлиб қолса хам, зарарни тўловчи бўлиши мумкин. Ўз-ўзидан маълумки, суд факат фавқулотда ҳолларда, яъни жабрланувчи ва васийни (вафот этган бўлса, унинг меросхўрларини) мулкий жиҳатдан ноchorлиги ва муомалага лаёқатсиз зарар етказувчининг етарли мол-мулки, даромадлари борлигидан келиб чиқиб бундай қарор қабул қилиш мумкин.

6. Ушбу модда З-қисмини кўллаш хақида жабрланувчи хам, васий (меросхўрлари) хам талаб қўйиши мумкин. Суд муайян холатлардан келиб чиқиб зарарни қоплаш мажбуриятларини:

- тўлиқ зарар етказувчи зиммасига юклиши;
- зарар етказувчи ва васийга улушли хажмда юклиши мумкин.

7. Васий, тегишли ташкилот ўз айби учун жавоб беради ва шу сабабли хам зарар етказувчига регресс даъво қила олмайди.

### **997-модда. Муомала лаёқати чекланган фуқаро томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик**

**Муомала лаёқати чекланган деб топилган фуқаро томонидан спиртли ичимликлар ёки гиёхвандлик воситаларини сунистеъмол қилиш оқибатида етказилган зарарни унинг ўзи умумий асосларда тўлайди.**

1. Ушбу моддада муомала лаёқати чекланган шахс томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик хусусиятлари белгиланган.

2. Спиртли ичимликларни ёки гиёхвандлик воситаларини сунистеъмол қилиш натижасида ўз оиласини оғир моддий ахволга солиб қўйган фуқаро фуқаролик процессуал қонун томонидан белгиланган тартибда суд томонидан муомала лаёқати чекланиши мумкин. Унга нисбатан ҳомийлик тайинланади. Унинг фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардаги иштироки ФКнинг 31-моддасида белгиланган.

3. Спиртли ичимликларни ёки гиёхвандлик воситаларини (шу жумладан психотроп моддаларни хам) сустеъмол қилғанлыги сабабли муомала лаёқати чекланган деб топилган фуқаро томонидан етказилган зарар зарар етказувчининг ўзи томонидан умумий асосларда тўланади (985-моддаси шарҳига қаранг).

Муомилага лаёқати чекланган шахс ҳуқукий ҳолати хусусиятлари унинг деликти лаёқати мазмуни ва хажмига асло таъсир кўрсатмайди.

4. Ушбу шарҳланаётган модданинг ўзбекча матнида муайян ноаниқликка йўл қўйилган. Бу ҳолат русча матн билан солиштирилганда яққол намоён бўлади. Бошқача айтганда, гап бу ўринда спиртли ичимликлар ёки гиёхвандлик воситаларини сустеъмол қилиш оқибатида етказилган зарар тўғрисида эмас, балки муомала лаёқати чекланган фуқаро томонидан хар қандай ҳолатда (шу жумладан, хушёр ҳолатда хам) етказган зарар учун жавобгарлик тўғрисида боради.

#### **998-модда. Ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган фуқаро томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик**

**Ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни идора қила олмайдиган ҳолатда зарар етказган муомилага лаёқатли фуқаро, шунингдек ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаган келтирган зарари учун жавобгар бўлмайди.**

Агар жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилган бўлса, суд жабрланувчининг ва зарар етказувчининг мулкий ахволини, шунингдек бошқа ҳолатларни инобатга олиб, зарарни тўлаш мажбуриятини тўлиғича ёки қисман зарар етказувчига юклаши мумкин.

Зарар етказувчи, агар спиртли ичимликлар, гиёхвандлик воситалари истеъмол қилиш туфайли ёки бошқа усуlda ўзини ўзи шу ҳолатга келтирган бўлса, жавобгарлиқдан озод қилинмайди.

Агар зарар руҳий ҳолати бузилгани (руҳий қасаллик ёки ақли заифлик) оқибатида ўз ҳаракатлари аҳамиятини тушуна олмаган ёки уларни идора қила олмаган шахс томонидан етказилган бўлса, зарарни тўлаш мажбурияти суд томонидан бу шахс билан бирга яшовчи, зарар етказувчининг бундай ҳолати ҳақида билган, лекин уни муомилага лаёқатсиз деб топиш ва унинг устидан васийлик

**ўрнатиш түғрисида масала қўймаган эри (хотини), ота-онаси, вояга етган фарзандлариға юкланиши мумкин.**

1. Ушбу моддада ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган фуқаро томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик хусусиятлари белгилаб қўйилган.

2. Фуқаро нормал ҳолатда ҳар доим ўзи содир этган ҳаракатларнинг аҳамиятини англаб етади, бинобарин, аниқ мақсадни кўзлаб ҳаракат қиласди, ўз хатти-ҳаракатларини ўзи идора қиласди. Бироқ муайян вазиятлар таъсирига кўра фуқаро вақтингчалик ўз ҳаркатлари аҳамиятини тушуна олмайдиган ҳолатга тушиб қолиши мумкин. Ушбу нормада худди шундай ҳолатга тушган фуқаронинг деликти лаёқати хусусиятлари белгилаб қўйилган. Вактинчалик эмас, балки доимий ва барқарор равишда акли норасо бўлган, бироқ яқинларининг бепарволиги сабабли мумалага лаёқатсиз мақомини олмаган фуқаролар ҳам ушбу норма таъсирига тушади.

Ўз ҳаракатларини аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни идора қила олмайдиган ҳолатда зарар етказган мумалага лаёқатли фуқаро, шунингдек ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаган келтирган зарари учун жавобгар бўлмайди. Бунда киши кучли рухий хаяжон, эс-хушини йўқотиш ҳолатида бўлади. Бундай ҳолат акли норасолик билан тенг. Акли норасолик айбни истисно қиласди. Қонун талабига кўра (985-моддаси 4-қисми) жавобгарликни зарур шартларидан бири айб хисобланади, демак, акли норасо зарар етказувчи жавобгар бўлмайди.

Агар жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилган бўлса, суд жабрланувчининг ва зарар етказувчининг мулкий аҳволини (доимий даромад манбалари мавжудлиги, уларнинг микдори, турмуш даражаси ва х.к.), шунингдек бошқа ҳолатларни (тарафларни соғ-саломатлиги, жабрланувчига етказилган зиён даражаси ва ш.к.) хисобга олиб зарарни тўлаш мажбуриятларини тўлиғича ёки қисман зарар етказувчига юклаши мумкин.

3. Зарар етказувчи, агар спиртли ичимликлар, гиёхвандлик воситалар истеъмол қилиш ёки бошқа усуlda (психотроп моддалар истеъмол қилиш, ўзига ўзи таъсири орқали транс ҳолатига кириш ва ш.к.) ўзини ўзи шу ҳолатга келтирган бўлса, жавобгарликдан озод қилинмайди. Бунда спиртли ичимликларни, гиёхванд ёки психотроп воситаларни кўлга киритиш усули (ўзи сотиб олган, бошқа бирор меҳмон қилган ва х.к.) аҳамиятга эга эмас. Энг асосийси ўз ихтиёри билан истеъмол қилиш хисобланади.

4. Агарда зарар рухий холати бузилгани (рухий касаллик ёки ақли заиф-лик) оқибатида ўз ҳаракатлари аҳамиятини тушуна олмаган ёки уларни идора қила олмаган шахс томонидан етказилган бўлса, зарарни тўлаш мажбурияти суд томонидан бу шахс билан бирга яшовчи, зарар етказувчини бундай холати хақида билган, лекин уни муомалага лаёқатсиз деб топиш ва унинг устидан васийлик ўрнатиш тўғрисида масала кўйилмаган (судга, ҳокимликка, соғлиқни сақлаш органларига ва х.к.) яқин қариндошлари — эри (хотини), ота-онаси, вояга етган фарзандларига юкланиши мумкин.

Бу ўринда оиласда бир-бирига ғамхўрлик хақидаги ахлоқий қоида юридик мажбурият даражасига ўсиб етади. Яқин қариндошларининг айби ўзларининг ақли норасо қариндош тўғрисида ғамхўрлик ва назорат килмасликларида намоён бўлади.

#### **999-модда. Теварак-атрофдагиларга ошиқча хавф тұғдирадиган фаолият түфайли етказилган зарар учун жавобгарлик**

**Фаолияти теварак-атрофдагиларга ошиқча хавф тұғдирадиган юридик шахслар ва фуқаролар (транспорт ташкилотлари, саноат корхоналари, қурилишлар, транспорт воситаларининг эгалари ва бошқалар) ошиқча хавф манбаи етказган зарарни, агар зарар бартараф қилиб бўлмайдиган куч ёки жабрланувчининг қасдан қилган ҳаракати оқибатида юзага келганини исботлай олмасалар, тўлашлари шарт.**

Зарарни тўлаш мажбурияти ошиқча хавф манбаига мулк ҳуқуки, хўжалик юритиши ҳуқуки ёки оператив бошқарув ҳуқуки ёхуд бошқа хар қандай қонуний асосда (мулкий ижара шартномаси, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берадиган ишончнома, тегишли органнинг унга ортиқча хавф манбани топшириш тўғрисидаги фармойишига кўра ва ҳоказо) эгалик қилувчи юридик шахс ёки фуқарога юкланди.

Ошиқча хавф манбаларининг эгалари бу манбаларнинг бир бирига таъсири (транспорт воситаларининг тўқнашуви ва ҳоказо) натижасида учинчи шахсларга етказилган зарар учун ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган асослар бўйича солидар жавобгар бўладилар.

**Ошиқча хавф манбаларининг ўзаро таъсири натижасида уларнинг эгаларига етказилган зарар умумий асосларда қопланади. Бунда бир тарафнинг айби билан етказилган зарар шу тараф томонидан тўлиқ ҳажмда қопланади, иккала ёки бир нечта тарафларнинг айби билан етказилган зарар эса улардан ҳар бирининг айби даражасига мутаносиб равишда қопланади. Тарафлардан ҳар бирининг айби даражасини аниқлаш имконияти бўлмаганда жавобгарлик улар ўртасида тенг баравар тақсимланади. Заарнинг етказилишида тарафларнинг айби бўлмаганда улардан ҳеч бири заарни қоплашни талаб қилиш хуқуқига эга эмас. Бундай ҳолда тарафларнинг ҳар бири ўзи кўрган зарар хавфини зиммасига олади.**

**Ошиқча хавф манбанинг эгаси шу манба етказган зарар учун, агар манба эгасининг тасарруфидан бошқа шахсларнинг ғайриҳуқуқий ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида чиқиб кетганлигини исботласа, жавобгар бўлмайди. Бундай ҳолларда ошиқча хавф манбани томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик манбани ғайриҳуқуқий эгаллаб олган шахснинг зиммасида бўлади. Бу манбани эгасининг тасарруфидан ғайриҳуқуқий тортиб олишда эгасининг айби бўлган тақдирда, жавобгарлик унинг эгасига ҳам, ошиқча хавф манбани эгаллаб олган шахсларга ҳам юкланиши мумкин.**

1. Ушбу моддада теварак атрофдагиларга ошиқча хавф тугдирадиган фаолият туфайли етказилган зарар учун жавобгарлик субъектлари ва уларнинг жавобгарлик ҳажми белгилаб қўйилган.

2. Одатда инсон турли машиналар, механизмлар, қурилмалар ва технологияларни бошқаради. Ташқи жихатдан қарагандан ҳар қандай қудратли техника инсон кўлида итоаткор ўйинчоққа айлангандай туюлади. Бироқ инсонни техника устидан хукмронлиги, назорати ва идора қилиши мутлок эмас, объектив омиллар таъсир кучига кўра машиналар, механизмлар, қурилмалар ва технологияларни теварак атрофдагилар учун тўлиқ хавфсизлигини таъминлаш мумкин эмас. Худди шундай ҳолатдан келиб чиқсан ҳолда теварак атрофдагиларга хавф ошиқча хавф тугдирадиган манба хақида юридик нормалар конструкцияси ишлаб чиқилган.

3. Фаолияти теварак атрофдагиларга ошиқча хавф тугдирадиган юридик шахслар (тижорат ёки нотижорат эканлигидан қатъий назар) ва фуқаролар (қайси соҳада фаолият юритишидан қатъий назар, яъни ишлаб чиқариш

тадбиркорлик, ижтимоий-социал соҳаларда фаолият олиб боришидан катъий назар, транспорт ташкилотлари, саноат корхоналар, куришишлар, автотранспорт ва энергетика манбалари эгалари ва х.к.) агарда зарар:

а) ушбу шароитларда фавқулотда ва олдини олиб бўлмайдиган характеристга эга бўлган енгиб бўлмайдиган куч;

б) ёки жабрланувчининг қасдан қилган ҳаракати оқибатида юзага келганини исботлаб бера олмасалар, ошиқча хавф манбаи томонидан етказилган зарарни тўлашлари шарт.

Бундан кўриниб турибдики жавобгарликни юклаш учун зарар етказувчининг айби мавжудлиги талаб этилмайди. Теварак атрофдагилар учун ошиқча хавф туғдирадиган фаолиятни амалга оширувчи шахс айби бўлмаган ҳолда, шу жумладан, тасодифан етказилган зарари учун ҳам жавобгар бўлади. Бундай жавобгарлик чегараси то бартараф қилиб бўлмайдиган куч доираси чегарасигача боради. Худди шу сабабли ҳам оширилган хавф манбайдан зарар етказишда жавобгарлик оширилган жавобгарлик деб айтилади.

4. Қонун хужжатларида одатдаги фаолият ва теварак атрофдагиларга ошиқча хавф туғдирадиган фаолият тўлиқ турлари рўйхати мавжуд эмас. Одатдаги нормал фаолиятни амалга оширишда зарар етказиш эктимоли жуда кам, зарар етказувчининг айби бўлган тақдирдагина бундай ҳолат рўй бериши мумкин. Шу сабабли ҳам бундай ҳолларда жавобгарлик ФКнинг 985-моддасида белгиланган шартлар бўйича белгиланади.

5. Инсон томонидан тўлиқ назоратни амалга ошириб бўлмаслиги сабабли зарар етказишга ошиқча хавф-хатар мавжуд бўлган хар қандай фаолият ошиқча хавф манба бўлиб хисобланади. Масалан, теварак атрофдагилар учун доимий хавф-хатар туғдирадиган моддалар, предметлар ва бошқа обьектлардан (масалан, юқори кучланишли электр манбалари, атом энергетикаси тизими, портловчи моддалар, кучли захарлар ва х.к.) ишлаб чиқариш, хўжалик тадбиркорлик ва бошқа мақсадларда фойдаланиш, уларни саклаш, ташиш, утилизация қилиш ва х.к. бунга яққол мисолдир. Бундай манбалардан зарар етказилиши улардан мақсадли фойдаланилаётганда ҳам, шунингдек уларнинг хавфли хоссалари ўз-ўзича намоён бўлганда (масалан, электр асбоблари ўз-ўзидан ёниб кетиши) рўй бериши мумкин ва бу мулкий жавобгарлик юклашда аҳамиятга эга эмас.

Бирок ҳар доим зарар ошиқча хавф манбаи фаолияти натижасида хосил бўлиши керак. Бошқача айтганда зарарни вужудга келиши билан ошиқча хавф манбанин эксплуатация қилишда тегишли (ўзига хос) хавфлилик хоссаси характерини намоён бўлиши ўртасида сабабий боғланиш мавжуд бўлиши шарт. Шу сабабли ҳам ҳаракатсиз обьект худди шундай ҳолатда ошиқча хавф мунбаи бўла олмайди.

Ушбу шарҳланаётган моддаданинг 1-қисмида теварак атрофдаги-ларга ошиқча хавф туғдирадиган фаолият субъектларининг таҳминий рўйхати келтирилади:

- транспорт ташкилотлари (автотраспорт, темир йўл транспорт, хаво транспорти, денгиз транспорти, қувур транспорти ва шу кабилар);
- саноат корхоналари;
- курилишлар;
- тарнспорт воситалари эгалари ва бошқалар.

Шуни унутмаслик керакки, бундай субъектлар ва обьектларни тугал рўйхатини яратиш мумкин эмас. Илмий-техника тараққиётининг динамик жараёни сабабли ошиқча хавф манбаларининг янги турлари вужудга келмоқда ёки баъзи хавфли манбаларни тўлиқ хавфсизлантиришнинг янги усуслари ва технологиялари яратилмоқда. Шу сабабли хукукни қўллаш амалиёти энг мақбули қўйидаги белгиларни асос қилиб олиши мақсадга мувофиқ бўлур эди:

- а) манбанинг хавф-хатар солувчи хусусияти;
- б) инсон томонидан уни тўлиқ назорат ва идора қилиш мумкин эмаслиги.

Ҳар бир муайян ҳолатда манбани ошиқча хавф манбаи деб топиш суд томонидан тегишли экспертиза (кимёвий, токсикологик, техник, радиакциявий ва ш.к.) холосаси асосида хал этилиши лозим.

Ошиқча хавф манбалари ичida транспорт ташкилотлари алоҳида таъкидланади. Кундалик ҳаётда кишилар улар фаолияти билан энг кўп тўқнаш келадилар. Шу сабабли транспорт ташкилотлари фаолиятидан фойдаланиш энг кенг тарқалган ошиқча хавф манбаи хисобланади. Суд амалиёти улар жумласига автомобилларни, мотоциклларни, мопедларни, электровоз, троллейбуслар, трамвайларни, метрони киритади (от-улов транспорт воситалари — арава, коляска, тачка, шунингдек, механик ҳаракатлантирувчи воситалар — велосипедлар, велорикшалар бундан мустасно). Қишлоқ ҳўжалик машиналарининг асосий қисми (комбайнлар, пахта териш муши-

налари, тракторлар, бульдозерлар ва ш.к.) ҳам оширилган хавф манбаи хисобланади. Курилишларни ошиқча хавф манбаи сифатидаги хусусияти ўзига хос: бунда курилишларни амалга ошириш ҳам, курилиш ишлари амалга оширилаётган худуд ҳам ошиқча хавф манбаи хисобланади.

Мутахассислар фикрича, гарчи қонун хужжатларида эслатилмаса ҳам баъзи йирик уй ҳайвонлари (буқалар, баъзи асов отлар, хизмат итлари ва қўриқчи итлар) ва юридик шахслар, фуқаролар томонидан сақланадиган ёввойи ҳайвонлар (айиклар, илонлар, бургут ва ш.к.) муайян ҳолатларда, назорат қилинмагани ёки назорат қилишнинг қийинлиги, хавф-хатар солиш хусусиятларига қўра ошиқча хавф манбаи деб топилиши мумкин.

6. Қуидаги асосларга қўра:

- хусусий ёки оммавий мулк ҳукуки;
- ашёвий ҳукуклар — хўжалик юритиш ҳукуки, оператив бошқариш ҳукуки;

қонун хужжатларига доир бошқа ҳолатлар бўйича (мол-мулк ижараси шартномаси, транспорт воситасини бошқариш ишночномаси, тегишли ваколатли орган қарори, мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси ва ш.к.) оширилган хавф манбаига эгалик қилаётган, фойдаланаётган, сақлаётган юридик шахслар ва фуқароларга зарарни тўлаш мажбурияти юкланди.

Ушбу норма мазмунидан кўриниб турибдики, жавобгарлик субъекти муайян вазиятларга қўра мулқдор, фойдаланувчи, сақловчи, ташувчи бўлиши мумкин.

7. Ошиқча хавф манбаи эгаси билан меҳнат шартномаси асосида бундай манбани бошқарувчи шахс (хайдовчи, машинист, оператор ва ш.к.) жабрланувчи олдида жавобгар бўлмайди. Маълумки, барча тижорат автотранспорт ташкилотлар ўзларига тегишли автомобиль транспорти воситаларини корхона билан меҳнат муносабатларида бўлган шахсларга ижара шартномаси асосида топширадилар. Бундай шартномалар ички хўжалик шартномалари хисобланади. Ҳукукий табиатига қўра улар аралаш шартномалар хисобланади, яъни фуқаролик ҳукукий характердаги элементларни ўз ичига олган меҳнат контракти хисобланади. Агар ходим корхона манфаатларидан келиб чиқиб фаолият юритса, унинг таъмирлаш ва техника базасидан фойдаланса, транспорт воситаси амалда корхона эгалигидан чиқмаган хисобланади, бошқача айтганда ижара шартномаси

мехнат муносабатларини ташкилий шакли сифатида намоён бўлади, бинобарин, етказилган зарар учун жавобгарлик ошиқча хавф манбаси эгаси сифатида корхона зиммасида бўлади.

8. Ошиқча хавф манбаларининг эгалари бу манбаларнинг бир-бирига таъсири (транспорт воситаларининг тўқнашуви ва ш.к.) натижасида учинчи шахсларга етказилган зарар учун ушбу шарҳланаётган модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган асослар бўйича солидар жавобгар бўладилар. Заарни тўлаш ФКнинг 251–255-моддаларида белгиланган қоидаларни хисобга олган ҳолда белгиланади.

9. Ошиқча хавф манбаларининг ўзаро таъсири натижасида етказилган зарар ФКнинг 985-моддаси талабларини ҳисобга олган ҳолда умумий асосларда копланади.

Бунда:

а) бир тарафнинг айби билан етказилган зарар шу тараф томонидан тўлиқ ҳажмда копланади;

б) иккала ёки бир неча тарафларнинг айби билан етказилган зарар эса улардан ҳар бирининг айб даражасига мутаносиб равишда копланади;

в) тарафлардан ҳар бирининг айб даражасини аниқлаш имконияти бўлмаганда жавобгарлик улар ўртасида тенг таксимланади;

г) заарнинг етказилишида тарафларнинг айби бўлмаганда улардан хес бири бошқа тарафдан заарни қоплашни талаб қилиш ҳукуқига эга эмас. Бунда тарафларнинг ҳар бири ўзи амалда кўрган зарар талофати билан қолади.

10. Ошиқча хавф манбанинг эгаси шу манба етказган зарар учун, агар манба эгасининг тасарруфидан бошқа шахсларнинг ғайриқонуний харакатлари (харакатсизлиги) натижасида (масалан, автомашинани олиб қочиш, ўғирлаш ва ш.к.) чиқиб кетганлигини исботласа, жавобгар бўлмайди. Бундай ҳолларда ошиқча хавф манбани ғайриқонуний эгаллаб олган шахснинг (автомашинани олиб қочган ёки ўғирлаган шахснинг) зиммасида бўлади. Жавобгарлик асоси ушбу шарҳланаётган модда (ФКнинг 999-моддаси) хисобланади.

Ошиқча хавф манбани эгасининг тасарруфидан ғайриқонуний тортиб олишда эгасининг айби бўлган тақдирда (масалан, манба эгаси уни қўриқлаш чораларини кўрмаган, қаровсиз қолдирган бўлса), жавобгарлик унинг эгасига хам, ошиқча хавф манбани эгаллаб олган шахсларга хам

юкланиши мумкин. Хар бир тарафни заарар етказганлик учун жавобгарлик хажми уларнинг хар бирининг айб даражасига мутаносиб равишда улушли тартибда белгиланади.

## **1000-модда. Биргаликда етказилган заарар учун жавобгарлик**

**Биргаликда заарар етказган шахслар жабрланувчининг олдида солидар жавобгар бўладилар.**

**Жабрланувчининг аризасига кўра ва унинг манфаатларини кўзлаб, суд биргаликда заарар етказган шахсларга ҳиссали жавобгарликни юклашга ҳақли.**

1. Ушбу шархланаётган моддада биргаликда етказилган заарар учун жавобгарлик хажмини тақсимлаш хусусиятлари белгилаб қўйилган.

Агарда бир неча шахс бир шахсга заарар етказса (биргаликда заарар етказиши), улар жабрланувчининг олдида солидар жавобгар бўладилар.

Солидар жавобгарлик ФКнинг 252-моддада белгилангандан қоидаларни ҳисобга олган ҳолда қўлланилади.

Зарар етказган шахсларнинг солидар жавобгарлиги белгиланиши жабрланувчи учун қулийлик туғдиради. Унинг учун етказилган заарарни тўлиқ хажмда ундиришда кенгроқ имкониятлар вужудга келтиради.

Биргаликда заарар етказган шахслар жавобгарлигининг солидар характеристики уларни заарарни келтириб чиқарган ҳаракатлари оқибатларини яхлитлиги, бўлинмаслиги билан боғлиқ. Бошқа жиҳатдан олганда бу жабрланувчининг бузилган хуқуқларини тиклаш шарт-шароитлари зарурати билан ҳам боғлиқ. Юқорида кўрсатилганидек, биргаликда заарар етказишида икки ва ундан ортиқ шахсларнинг ҳаракатлари билан вужудга келган заарли оқибатлар ўртасида сабабий боғланиш мавжуд бўлади. Бундай ҳолатлар кўпроқ йўл ҳаракати ҳодисаларида (масалан, автомашиналар тўқнашганда учинчи шахсларга заарар етишида) ва биргаликдаги жиноятларда учрайди.

2. Жабрланувчининг аризасига кўра ва унинг манфатларидан келиб чиқиб, суд биргаликда заарар етказган шахсларга улушли жавобгарлик юклашга ҳақди.

Улушли жавобгарликда хар бир заарар етказувчи тараф заарининг суд томонидан унинг учун белгилангандан қисмини тўлайди. Тўланадиган улушлар хажмини белгилашда суд ФКнинг 251-моддасида белгилангандан қоидалардан келиб чиқиши мумкин.

3. Улушли жавобгарлик белгилашда суд ҳар доим жабрланувчи (жавобгарларнинг эмас) манфаатларидан келиб чиқиши шарт. Жабрланувчи манфаатлари қуидаги ҳолатларда намоён бўлади:

- хиссали жавобгарликнинг унинг учун қулайлиги ва мақбуллиги;
- етказилган заарларни реал қоплаш шароитларини вужудга келиши (масалан, бир жавобгар пул суммаси билан, иккincinnи натура шаклида, учинчи иш бажариш, хизмат кўрсатиш орқали қоплайди ва х.к.);

жабрланувчи томонидан биргаликда заар етказган шахслардан бири-нинг жавобгарликдан озод қилишга имконияти вужудга келиши, бунда унинг мажбуриятлари бошқа жавобгарлар зиммасига юкланмайди (адолат тамойили рўёбга чиқиши таъминланади).

4. Биргаликда заар етказувчилар улушли жавобгарликни белгилашни талаб қилишга хақли эмас. Суд ҳам бу масалада ташаббус кўрсатиш ваколатига эга эмас. Бу хукуқ факат жабрланувчига тегишли.

### **1001-модда. Заар етказган шахсга нисбатан регресс хукуки**

**Бошқа шахс (мехнат мажбуриятларини бажараётган ходим, транспорт воситасини бошқарувчи шахс ва х.к) томонидан етказилган зарарни тўлаган шахс бу шахсга нисбатан, агар қонунда бошқача миқдор белгиланмаган бўлса, тўланган товон миқдорида қайта талаб қилиш (регресс) хукуқига эга.**

Биргаликда етказилган зарарни тўлаган заар етказувчи заар етказувчиларнинг ҳар биридан жабрланувчига тўланган товоннинг ҳар бир заар етказувчининг айби даражасига мос улушкини талаб қилишга хақли. Айбнинг даражасини аниқлаш имконияти бўлмаганда улушлар тенг баравар деб хисобланади.

Суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг мансабдор шахслари томонидан етказилган зарарни тўлаган давлат бундай шахсларнинг айби суднинг қонуний кучга кирган хукми билан аниқланган ҳолларда, бу шахсларга нисбатан регресс хукуқига эга.

Ушбу Кодекснинг 993–996, 998-моддаларида кўрсатилган асослар бўйича зарарни тўлаган шахслар заар етказган шахсга нисбатан қайта талаб қилиш (регресс) хукуқига эга эмас.

1. Ушбу шарҳланаётган моддада заарар етказгандик учун жавобгарлик субъектларини амалда заарар етказган шахсларга нисбатан регресс хуқуқининг мазмунини белгилайди.

2. Регресс хуқуқи (қайтарма талаб) — бу кредиторнинг (регределиктнинг) карздорга унинг айби сабабли бошқа шахсга тўлаган тўловларини қайтариш хақидаги талабидир. Маълумки муайян ҳолларда қонун заарар етказгандик учун жавобгарликни заарар етказувчи шахсга эмас, балки заарар етказувчи билан хуқуқий алоқада бўлган бошқа шахс зиммасига юклайди. Баъзан бундай тартиб жабрланувчи учун қулайроқ хисобланади, чунки заарар етказувчига нисбатан у билан хуқуқий алоқада бўлган шахс (масалан, иш берувчи) заарарни ўз вақтида ва тўлиқ қоплаш учун кенгроқ имкониятларга эга. Бироқ охир оқибатдаadolat тантана қилмоғи лозим, яъни заарар етказувчи жавобгарлик субъектига унинг сарф-харажатларини тўлаши шарт. Ушбу норма айнан шу мақсадга хизмат килади.

3. Бошқа шахс (мехнат мажбуриятларини ёки шартномавий мажбуриятларни бажараётган ходим, транспорт воситасини бошқарувчи шахс ва х.к.) томонидан етказилган заарарни тўлаган шахс (жавобгарлик субъекти) ушбу заарар етказган шахсга нисбатан агарда қонунда бошқача миқдор белгиланган бўлмаса, тўланган товоң миқдорида қайта талаб килиш (регресс) хуқуқига эга.

Мехнат қонунчилигига регресс талабни қиймати бошқача белгиланган. Гарчи Мехнат Кодексида ходим иш берувчига етказган хақиқий зарари учун бевосита жавобгарлиги тўғрисида умумий асос бўлса ҳам (МКнинг 198-моддаси), бошқа маҳсус қоида ҳам мавжуд, бунга кўра ходим етказган зарари учун бир ойлик иш хақи миқдорида моддий жавобгар бўлиши белгилаб кўйилган (МКнинг 201-моддаси). Ходимнинг тўлиқ моддий жавобгарлиги МКнинг 202-моддасида кўрсатилган (масалан, қасдан заарар етказиш, алкоголь, наркотик ва токсик мастлик ҳолатида заарар етказиш, тижорат сирларини ошкор қилиш ва ш.к.).

4. Жавобгарлик субъектида заарар етказувчига нисбатан регресс талаб кўйиш хуқуқи заарар етказилиши билан боғлиқ равишда қопланиши керак бўлган суммалар жабрланувчига тўлаш бошланган пайтдан вужудга келади ва шу вақтдан бошлаб регресс дарво қилиш муддатларини ўтиши бошланади. Агарда жавобгарлик субъекти заарарни қоплаш бўйича даврий тўловларни амалга оширса, регресс талаблар бўйича тўловлар тегишли тартибда белги-

ланиши мумкин. Шуни ёдда тутиш лозимки, регресс даъво бўйича жавобгарлик субъектини амалда қилган, реал сарф-харажатлари қопланади.

5. Биргаликда етказилган заарни тўлаган заар етказувчи заар етказувчиларнинг ҳар биридан жабрланувчига тўлаган товоннинг ҳар бир заар етказувчининг айби даражасига мос улушини талаб қилишга хақли. Айб даражасини аниқлаш имконияти бўлмаганда улушлар тенг баровар хисобланади.

ФКнинг 1000-моддаси 1-қисми биргаликда етказилган заар учун жавобгарликни белгилашда солидар жавобгарлик шаклини ўрнатади. Бир қарздор томонидан солидар мажбуриятларни ижро этиш бошқа қарздорларни (заар етказувчиларни) кредитор (жабрланувчи) олдида мажбуриятларни ижро этишдан озод қиласди. Солидар мажбуриятларни бажарган қарздор ўз улушини чегириб ташлаб, бошқа қарздорларга тенг улушларда регресс талаби қўйиш хукуқига эга. Солидар мажбуриятни бажарган қарздорга тўланмаган хақ бу ва бошқа қаздорлар зиммасига тенг улушларда тушади (ФКнинг 254-моддаси).

Ушбу шархланаётган модда 2-қисмини қўллашда (айб даражасини аниқлаш имконияти бўлмаган ҳолларда) юқоридаги қоида нормалари хисобга олинади.

Биргаликда заар етказувчиларнинг айб даражасини аниқлаш суд томонидан амалга оширилади ва шу асосда уларнинг ҳар бирининг товон тўлаш мажбуриятидаги улуси хажми белгиланади.

6. Суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг мансабдор шахслари томонидан етказилган заарни (ФКнинг 991-моддаси шарҳига қаранг) тўлаган давлат бундай шахсларнинг айби суднинг конуний кучга кирган хукми асосида белгиланган ҳолларда (тайинланган жазо туридан қатъий назар), бу шахсларга нисбатан регресс хукуқига эга.

7. Куйидаги жавобгарлик субъектлари заар етказувчига нисбатан тўланган товон миқдорини қайта талаб қилиш (регресс) хукуқига эга эмас:

– 14 ёшгача бўлган вояга етмаганлар томонидан етказилган заарни тўлаганлар (ФКнинг 993-моддаси.);

14 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганлар томонидан етказилган заарни тўлаган шахслар (ФКнинг 994-моддаси.);

- вояга етмаган фарзандлари томонидан етказилган заарни тўлаган ота-оналик хукуқидан маҳрум этилган ота-она (ФКнинг 995-моддаси.);  
муомалага лаёкатсиз деб топилган фуқаро томонидан етказилган заарни тўлаган шахслар (ФКнинг 996-моддаси.);  
ўз руҳий ҳолати бузилгани оқибатида ўз ҳаракатлари аҳамиятини тушуна олмаган ёки уларни идора кила олмаган шахс томонидан етказилган заарни тўлаган шахс (ФКнинг 998-моддаси 4-қисми.).

Юқоридаги ҳолатлар бўйича жавобгарлик субъектларининг жавобгарлик асоси — уларнинг айби мавжудлигида хисобланади. Худди шу сабабли ҳам улар регресс хукуқка эга эмас.

### **1002-модда. Уй ҳайвонлари томонидан етказилган заар учун жавобгарлик**

**Уй ҳайвони томонидан етказилган заар учун унинг мулкдори ёки бу ҳайвонга эгалик қилувчи ва ундан фойдаланувчи шахс умумий асосларда жавобгар бўлади.**

1. Ушбу шарҳланаётган моддада уй ҳайвонлари томонидан етказилган заар учун жавобгарлик хусусиятлари белгиланган.

Фуқаролик хукуқининг обьектлари ичida ҳайвонлар ўзига хос хукукий режимга эга. Ҳайвонларга нисбатан мол-мулклар тўғрисидаги умумий қоидалар қўлланилади.

Ҳайвонлар ўз навбатида ёввойи ҳайвонлар (яъни, табиий шароитларда хаёт кечирадиган ва уй шароитларига ўргатилмаган ҳайвонлар) ва уй ҳайвонлари (яъни, қадим замонлардан кишилар томонидан қўлга ўргатилган ва уй шароитларида яшайдиган жонзотлар)га бўлинади. Уй ҳайвонлари жумласига сигир, бука, кўй-эчки, товуқлар, итлар, мушуклар ва ш.к. киради. Уй ҳайвонлари кишилар томонидан қандай мақсадларда бокилаётганидан (иктисодий фойда ёки бошқача манфаат олиш ёки инсоний хис-туйғуларидан келиб чиқиб) қатъий назар, эгалари улар тўғрисида ғамхўрлик қилишлари, уларни беозор, тегишли хулк-атворда бўлишини таъминлашлари, уларни сақлаш бўйича санитария-гигиена ва ветенария қоидаларига риоя қилишлари шарт.

2. Уй ҳайвонлари томонидан бошқа шахсларнинг мол-мулкига, хаётига ёки соғлигига етказган заар учун уй ҳайвонлари мулкдори ёки бу эгалик

килувчи ва ундан файдаланувчи (сақловчи) шахс умумий асосларда, яъни ФКнинг 985-моддасига биноан жавобгар бўлади.

Уй ҳайвони собиқ эгаси ҳуқуқ-тартибот ва ахлок қоидаларига зид тарзда уни хайдаб юборган тақдирида ҳам, жавобгарлик унинг зиммасидан соқит қилинмайди (масалан, итларни, мушукларни хайдаб юборган ҳолатларида улар томонидан зарар етказиши).

Бу ўринда шуни таъкидлаш ўринлики, айрим йирик уй ҳайвонларини хавф-хатарли хусусиятларининг мавжудлиги ва уларни инсон томонидан назорат қилишнинг қийинлиги (масалан, қопогон итлар, асов отлар, буқалар ва ш.к.) муайян ҳолатларда уларни ошиқча хавф манбай сифатида баҳолашга асос бўлади. Бундай вазиятда агар улар томонидан зарар келтирилса, зарар унинг мулкдори (эгалик қилувчи, фойдаланувчи, сақловчи) томонидан ФКнинг 985-моддаси асосида эмас, балки 999-моддасига биноан тўланади.

### **1003-модда. Зааранинг ўринини қоплаш усуслари**

**Суд заарни қоплаш тўғрисидаги талабни қаноатлантирар экан, иш ҳолатларига мувофиқ равишда, етказилган зарар учун жавобгар шахсга заарни аслича қоплаш (ўшандай турдаги ва сифатдаги ашёни тақдим этиш, шикастланган ашёни тузатиш ва ҳоказо) ёки етказилган заарни тўлаш мажбуриятини юклайди.**

1. Ушбу шарҳланаётган моддада заарни ўринини қоплаш усувларини танлаш мезонлари белгилаб қўйилган.

Заарни қоплаш усулинни тўғри танлаш етказилган заар оқибатларини реал бартараф қилинишини, зарар етказишдан олдинги нормал ҳолат тикланиши ва жабрланувчи қаноат ҳосил қилишини таъминлайди.

2. Суд заарни қоплаш тўғрисидаги талабни қаноатлантирар экан, иш ҳолатларидан (зарар етказиш характеристи, жабрланувчи эҳтиёжи ва истаги, жавобгарлик субъектининг мавжуд имкониятлари, мулкий аҳволи ва ш.к.) келиб чиқиб, одатда кўйидаги икки усулдан бирини қўллади:

а) заарни аслича, натура шаклида қоплаш(бунда ўшандай турдаги ва сифатдаги ашёни тақдим этиш, шикастланган ашёни тузатиш ва х.к. характеристлар содир этилади);

б) етказилган заарни пул кўринишида қоплаш.

Амалиётда иккинчи усул кўпроқ кўлланилади, чунки у турли вазиятлар учун қулай, универсал хисобланади. ФКнинг 324-моддасига кўра даъво кўзғатилган кундаги нархлар эътиборга олинади. Суд вазиятга қараб, заарни тўлаш хақидаги талабни қарор чиқарилган кундаги мавжуд бўлган нархларни эътиборга олган ҳолда қаноатлантириши мумкин.

Заарни пул шаклида қоплашда ФКнинг 327-моддаси талаблари хисобга олиниши лозим.

Заарни аслича қоплашда ФКнинг 330–331-моддалари талабларига риоя қилиниши талаб этилади.

## **1004-мода. Жабрланувчининг айбини ва заарар етказган шахснинг мулкий ҳолатини хисобга олиш**

**Жабрланувчининг қасдан иш кўриши натижасида юзага келган заарар тўланмайди.**

Агар жабрланувчи ўзининг қўпол эҳтиётсизлиги туфайли заарарнинг юзага келишига ёки ортишига кўмаклашган бўлса, унда жабрланувчининг ва заарар етказувчининг айби даражасига қараб товон микдори камайтирилиши лозим.

Жабрланувчи қўпол эҳтиётсизлик қилганда ва заарар етказувчининг айби бўлмаганда, унинг жавобгарлиги айбидан қатъи назар юзага келган ҳолларда, товон микдори камайтирилиши лозим ёки, агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, заарни тўлаш рад этилиши мумкин. Фуқаронинг ҳаёти ёки соғлиғига заарар етказилганда товон тўлашни рад этишга йўл қўйилмайди.

Қўшимча харажатларни тўлашда, бокувчинининг вафоти муносабати билан кўрилган заарни тўлашда, шунингдек дафн этиш харажатларини тўлашда жабрланувчининг айби хисобга олинмайди.

Суд фуқаро томонидан етказилган заарни қоплаш микдорини, унинг мулкий ҳолатини хисобга олиб, камайтириши мумкин, заарар қасдан қилинган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) туфайли етказилган ҳоллар бундан мустасно.

1. Ушбу шархланадиган моддада жабрланувчининг айбини ва заарар етказган шахснинг мулкий ҳолатини хисобга олиш хусусиятлари белгилаб қўйилган.

Баъзан зарарни вужудга келишида ва уни ҳажмини кўпайишида жабрланинг муайян хулқ-автори хам сабаб бўлади. Бу ҳолат суд томонидан зарар етказувчининг ҳам, жабрланувчининг ҳам харакатлариға ҳуқукий баҳо берилишида суд томонидан хисобга олиниши лозим. Қонунда қатъий қилиб жабрланувчининг қасддан иш кўриниши натижасида вужудга келган зарар тўланмаслиги белгилаб кўйилган. Бу шуни англатадики, жабрланувчи зарар етказилишини олдиндан билган, буни истаган (ҳатто ўзи атайлабдан иғвогарлик билан келтириб чиқарган) ёхуд буни юзага келишига йўл кўйган. Жабрланувчини қасддан иш кўрганини исботлаш бурчи зарар етказувчи зиммасига юкландади.

2. Агар жабрланувчи ўзининг кўпол эҳтиётсизлиги сабабли заарарнинг вужудга келишига ёки ҳажмини кўпайишига, даражасини ўсишига кўмаклашган бўлса, унда жабрланувчининг ва зарар етказувчининг ва зарар етказувчининг айби даражасига мутаносиб равишда товон миқдори камайтирилиши лозим. Бунда аралаш айб мавжуд бўлади: зарар етказилишида қисман ҳам зарар етказувчи, ҳам жабрланувчи айбдор бўлади.

Кўпол эҳтиётсизликда муайян фаолиятни амалга ошираётган шахс томонидан одатдаги, барча учун аён бўлган талабларга риоя қилинмайди (масалан, ҳеч қандай сабабларсиз кучли қатнов оқими пайтида кўча ўртасига автомашинани ташлаб кетиш).

Оддий эҳтиётсизликда эса аксинча, қандайдир иш бажараётган, хизмат кўрсатаётган шахслар томонидан алоҳида (маҳсус) талаблар, қоидалар бузилади (масалан, газ балонини алоҳида талабга зид равишда автомобилънинг ташки томонига эмас, балки ичига монтаж қилиб жойлаштириш). Кўпол ва оддий эҳтиётсизликни фарқлаш мезонлари нафақат шахсларни харакатлари, хулқ авторларини характерловчи турли омиллар билан, балки ҳуқуқбузарлик оқибатларини олдиндан кўра билишлари шарт, лозим бўлганлик даражалари билан ҳам боғлик. Гарчи шахс зарар юзага келишини муқарарлигини олдиндан кўра билиши мумкин ва шарт бўлса ҳам, енгилтаклик билан ўзига ишониб ва асоссиз ишонч билан зарар етказилмайди деб хисоблаши оқибатида заарарли оқибатлар вужудга келса кўпол эҳтиётсизлик яққол намоён бўлади.

Кўпол ва оддий эҳтиётсизликнинг тугал рўйхати мавжуд эмас. Хар бир ҳодиса ўта ўзига хос бўлиши мумкин. Шу сабабли ҳам суд доим муайян вазиятни, иш бўйича қуйидаги фактик ҳолатлар:

- фаолият характери ва тури;
- зарар етказилиш ҳолатлари;
- жабрланувчининг индивидуал хусусиятлари;
- зарар етказувчининг индивидуал хусусиятларини хисобга олиб хукукий баҳо бериш лозим.

Масалан, жабрланувчини маст ҳолатда бўлиши уни меҳнат мажбуриятларини бажаришда соғлиғига зарар этишига кўмаклашган қўпол эҳтиёtsизлик сифатида эътироф этилиши лозим.

Шуни унутмаслик керакки жабрланувчини қўпол эҳтиёtsизлиги мавжуд бўлган ҳолларда даъвони тўлиқ қаноатлантиришга йўл қўйиб бўлмайди, бунда аралаш жавобгарликни қўллаш суднинг хукуки эмас, балки мажбуриятидир.

3. Ушбу модданинг 3-қисмида қўрсатилишича жабрланувчи қўпол эҳтиёtsизлик қилганда ва зарар етказувчининг айби бўлмаганда, унинг жавобгарлиги айбидан қатъий назар юзага келган ҳолларда (масалан, ФКнинг 999-моддаси.), товон миқдори камайтирилиши лозим ёки қонунда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, заарни тўлаш рад этилиши мумкин. Айни пайтда фуқаронинг хаёти ва соғлиғига зарар етказилганда, жабрланувчининг қўпол эҳтиёtsизлиги бўлса ҳам, зарар етказувчининг жавобгарлиги айбидан қатъий назар вужудга келадиган бўлса, товон тўлашни рад этишга йўл қўйилмайди. Демак, кишининг хаёти ва соғлиғи деликт муносабатларида алоҳида муҳофаза обьекти хисобланади деб айтиш мумкин.

Муайян ҳолатларда ҳатто жабрланувчининг айби мавжуд бўлса ҳам аралаш айб тамоили қўлланилмайди:

- а) қўшимча харажатларни (масалан, соғайиши босқичида кучли овқатланиш) ундиришда;
- б) бокувчисини вафоти муносабати билан етказилган заарларни тўлашда (ФКнинг 1010-моддаси шарҳига каранг);
- в) дағн этиш харажатларини тўлашда (ФКнинг 1016-моддаси шарҳига каранг).

Жабрланувчи ўзининг айбсизлигини исботлашга мажбур эмас. Жабрланувчининг айбини исботлаш мажбурияти зарар етказувчи зиммасига юклатилади.

4. Суд фуқаро томонидан етказилган заарни қоплаш миқдорини, унинг мулкий ҳолатини хисобга олиб (доимий, барқарор даромад ман-

баларининг йўқлиги, кам таъминланган оила сифатида эътироф этилганлиги, кўп болали эканлиги ва ш.к.) камайтириши мумкин.

Агарда жавобгарлик субъекти юридик шахс бўлса, унинг молиявий кийинчиликлари хисобга олинмайди.

Жавобгар — фуқаронинг мулкий ҳолати билан боғлиқ муаммо қанчалик кескин бўлмасин, даъвони тўлиқ рад этиш учун асос бўла олмайди.

Айни вақтда фуқарони қасддан қилган ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) сабабли зарар етказилган ҳолларда унинг мулкий аҳволини оғирлиги қоплаш миқдорини камайтиришга асос бўла олмайди.

## **2-§.ФУҚАРОНИНГ ҲАЁТИ ВА СОҒЛИФИГА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИНГ ЎРНИНИ ҚОПЛАШ**

### **1005-модда. Шартномаларга оид ёки бошқа мажбуриятларни бажаришда фуқаронинг ҳаёти ёки соғлифига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш**

**Шартнома мажбуриятларини бажаришда, шунингдек ҳарбий хизмат мажбуриятларини, ички ишлар органларидағи хизматни ва бошқа шунга ўхшаш мажбуриятларни бажаришда фуқаронинг ҳаёти ёки соғлифига етказилган зарар, агар қонунда ёки шартномада жавобгарликнинг анча юқори миқдори назарда тутилмаган бўлса, ушбу боб қоидаларига мувофиқ қопланади.**

1. Ушбу шарҳланаётган моддада шартномага оид ёки бошқа мажбуриятларни бажаришда фуқаронинг ҳаёти ёки соғлифига етказилган зарар учун жавобгарлик асослари ва хажми белгилаб қўйилган.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида (24, 25, 27-моддалари) ҳуқуқий муҳофазанинг алоҳида обьекти сифатида фуқароларнинг ҳаёти, соғлифи, шаъни ва қадр қиймати белгилаб қўйилган. Фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий усусларидан бири бўлиб фуқарони ҳаёти ва соғлифига етказилган зарарни тўлаш хисобланади.

3. Агар қонун ёки шартномада жавобгарликнинг анча юқори миқдори назарда тутилмаган бўлса:

– шартнома мажбуриятларини бажаришда фуқаронинг ҳаёти ва соғлифига етказилган зарар;

– харбий хизмат мажбуриятларини, ички ишлар органларидағи хизматни ва бошқа шунга ўхшаш мажбуриятларни бажаришда фуқаронинг хаёти ва соғлиғига етказилган заарар ФКнинг 57-боби (заарар етказишидан келиб чиқадиган мажбуриятлар) қоидалари бўйича қопланади.

4. Ушбу норма диспозитив характердаги умумий норма хисобланади. Махсус қонунда ёки шартномада заарар етказганлик учун оширилган жавобгарлик назарда тутилган бўлмаса, ушбу умумий норма қоидалари қўлланилади.

Агарда махсус норма ёки шартнома қоидалари ФКнинг 57-боби қоидаларига нисбатан жабрланувчининг холатини ёмонлаштиrsa, бу холда ФКнинг нормалари қўлланилади.

5. Шартнома мажбуриятлари фуқаролик-хуқуқий шартномалар билан чегараланиб қолмайди. Пудрат, хизмат кўрсатиш, топшириқ ва ш.к. шартномалар билан бир қаторда, меҳнат шартномаси бўйича меҳнат мажбуриятларини бажаришда фуқаронинг хаёти ва соғлиғига етказилган заарарни ундириш масалаларини хам қамраб олади.

6. Агарда мудофаа тўғрисида, прокуратура тўғрисида, фавқулодда вазиятлар тўғрисида, судлар тўғрисида ва бошқа шу каби қонунларда жавобгарликни оширилган миқдори назарда тутилмаган бўлса, фуқаронинг

– харбий хизмат мажбуриятларини (муддатли ёки контракт бўйича харбий хизмат эканлигидан қатъий назар) бажаришда;

– ички ишлар органлари, миллий хавфсизлик органларида мажбуриятларни бажаришда;

– прокуратура, божхона, фавқулотда вазиятлар органларида хизмат мажбуриятларини бажаришда;

– бошқа тегишли хизмат мажбуриятларини бажаришда хаёти ва соғлиғига етказилган заарарни ундиришда ФКнинг 57-боби қоидалари қўлланилади.

## **1006-модда. Соғлиққа шикаст етказилганлиги туфайли қўрилган заарарниң ўрнини қоплаш ҳажми ва хусусияти**

**Фуқаро майиб қилинганда ёки унинг соғлиғига бошқача шикаст етказилганда жабрланувчи оладиган ёки муайян равишда олиши мумкин бўлган йўқотилган иш ҳақи (даромадлари), шунингдек саломатлигига шикаст етказилиши туфайли қилган қўшимча харажатлари, шу жумладан даволаниш, қўшимча овқатланиш, дори-дармонлар сотиб**

олиш, протез қўйдириш, бироннинг парваришида бўлиш, санаторий-курортда даволаниш, маҳсус транспорт воситаларини сотиб олиш, бошқа касбга тайёргарликдан ўтиш харажатлари, агар жабрланувчи-нинг ана шу ёрдам ва парвариш турларига муҳтожлиги ҳамда уларни бепул олиш ҳуқуқига эга эмаслиги аниқланса, ўрни қопланиши лозим.

Йўқотилган иш ҳақини (даромадларни) аниқлашда жабрланувчига майиб бўлиши ёки соғлиғига бошқача шикаст етиши сабабли тайинланган ногиронлик пенсияси, худди шунингдек соғлиғига зарар етказилмасидан олдинги ва ундан кейинги бошқа турдаги пенсиялар, нафақалар ва бошқа шунга ўхшаш тўловлар эътиборга олинмайди ва заарни қоплаш микдорини камайтиришга сабаб бўлмайди (заарни қоплаш хисобига киритилмайди). Заарни қоплаш хисобига шунингдек жабрланувчи соғлиғига шикаст етказилганидан кейин оладиган иш ҳақи (даромади) ҳам киритилмайди.

Конун хужжатлари ёки шартнома билан ушбу моддага мувофиқ жабрланувчига тегадиган тўлов ҳажми ва микдори қўпайтирилиши мумкин.

1. Ушбу шарҳланаётган моддада фуқарони соғлиғига шикаст етказилганлиги сабабли етказилган заарнинг ўрнини қоплаш хажмини ва хусусиятларини аниқлаш мезонлари белгилаб қўйилган.

2. Инсон соғлиғи — бу киши учун энг зарур неъматdir. Инсон соғлиғига шикаст етказилганда жабрланувчи нафақат жисмоний оғриқ, турмушда нокулайлик ва чекланишларни хис этади, балки моддий заар ва қўшимча сарф-харажатлар ҳам юзага келади, агарда соғлиққа шикаст етказишида бошқа шахс айбдор бўлса ушбу заар ва шикастланишларни ҳам конун бўйича қоплаши шарт.

3. Фуқаро майиб қилинганда ёки унинг соғлиғига бошқача шикаст етказилганда қўйидагилар қопланиши шарт:

а) жабрланувчи келгусида оладиган ёки олиши мумкин бўлган, лекин шикастланиши сабабли ололмай қолган, яъни йўқотилган иш ҳақи (даромадлари). Одатда иш ҳақи меҳнат шартномаси бўйича, даромадлар эса тадбиркорлик ёки бошқа фаолиятдан (шу жумладан, фуқаролик шартномаларини бажаришдан) олинади;

б) саломатлигига шикаст етказилиши туфайли қилган қўшимча харажатлари, шу жумладан даволаниш, қўшимча овқатланиш, дори-дармонлар

сотиб олиш, протез қўйдириш, бироннинг парваришида бўлиш, санаторий-курортда даволаниш, маҳсус транспорт воситаларини (автомото ва велоколяскалар) сотиб олиш бўйича сарф-харажатлар, агарда жабрланувчининг ана шу ёрдам ва парвариш турларига муҳтожлиги ҳамда уларни тегишли тартибда бепул олиш хукуқига эга эмаслиги аниқланса;

в) жабрланувчининг бошқа касбга тайёргарликдан ўтиш харажатлари, агарда у келгусида умуман ёки муайян узоқ муддат ўтгунича илгарги касби бўйича ишлай олмаслиги ва касбий қайта тайёрлашни текин тизимидан фойдаланиш имкониятига эга эмаслиги аниқланса.

4. Жабрланувчи олиши мумкин бўлган (йўқотилган) даромадлар хажмини хисоблаб чиқаришга алоҳида аҳамият бериш лозим. Бу ўринда жабрланувчи амалда олган даромадларига нисбатан зарар етказилган вақтда реал олиш имкониятига эга бўлган янада юқорироқ хажмдаги иш хақи тўғрисида гап кетмоқда. Ушбу имконият қай даражада реал эканлигини аниқлашда соғлиғига шикаст етказилишидан олдин жабрланувчи ўрганган касб-кор, мутахассислик янада кўпроқ хажмда иш хақи олишга имкон беришидан гувохлик берувчи ҳолатлар хисобга олиниши лозим. Масалан, соғлиққа шикаст этиши ишлаб чиқариш таълими ёхуд жабрланувчи олий ўқув юртида ўқиётган вақтда содир бўлади. Бу ҳолда ФКнинг 985-моддаси 1-қисми қўлланилади (бой берилган фойданни ундириш хукуқи). Ушбу норма талабидан келиб чиқиб, фуқаро янги касб-кор, мутахассисликка эга бўлганидан кейин олиниши мумкин бўлган иш хақи микдорида зарарни ундириш хукуқига эга бўлади. Шундай бўлиши ҳам мумкинки, фуқаро соғлиғига шикаст етказилган даврда хеч қаерда ишламаган, иш хақи олмаган. Бироқ, ҳар бир меҳнатга лаёқатли фуқаро каби меҳнат қилиш, тадбиркорлик билан шуғулланиш хукукларини рўёбга чиқариши мумкин. Агарда фуқаро ушбу хукукларини амалга оширишга реал ҳаракатлар қилган бўлса, суд бунга баҳо бериб, бой берилган даромадларни ундириш тўғрисида масалани ўрганиши мумкин.

5. Иккинчи гуруҳ ҳаражатлари жабрланувчини ўз соғлигини тиклаш билан боғлиқ. Бу сарф-харажатлар хажми ва микдорини шаклланишига жабрланувчини яшаш жайдаги нарх-наво, бозор конъюнктураси ва қатор субъектив факторлар (урф-одатлар, анъаналар, хаёт тарзи ва ш.к.) таъсир қиласи. Агарда уларни микдори ва хажми тўғрисида низо келиб чиқса, уларни жабрланувчи соғлигини тиклашга зарурлик даражаси, шунинг-

дек, окилоналик, инсофилик тамойилларидан келиб чиқиб суд томонидан белгиланади.

6. Мамлакатимизда кучли ижтимоий сиёсат давлат сиёсати даржасига күтәрилган. Касаллик, ногиронлик, бокувчини йўқотганлик ҳолларида хар хил ижтимоий жамғармалар хисобидан турли пенсиялар, нафақалар ва ш.к. тўланади. Бироқ бу соғлиққа шикаст етказилгани сабабли етказилган зарарни ундирилишини рад этиш ёки миқдорини камайтириш учун асос бўла олмайди. Қонунда аниқ равshan белгилаб қўйилишича, йўқотилган иш хақи (даромадларни) аниқлашда жабрланувчига майиб бўлиши ёки соғлиғига бошқача шикаст этиши сабабли ногиронлик пенсияси, шунингдек соғлиғига зарар етказилмасидан олдинги ва ундан кейинги бошқа турдаги пенсиялар, нафақалар ва бошқа шунга ўхшаш тўловлар эътиборга олинмайди ва зарарни қоплаш миқдорини камайтиришга сабаб бўлмайди (зарарни қоплаш хисобга киритилмайди).

Зарарни қоплаш хисобига шунингдек жабрланувчи соғлиғига шикаст етказилганидан кейин оладиган иш хақи (даромади) хам киритилмайди. Масалан, соғлиғига шикаст етказилганидан кейин жабрланувчи автомобиль хайдовчиси касб-кори билан шуғуланиш лаёқтини йўқотади, бироқ адабий фаолият билан шуғуланиб катта даромад ола бошлайди. Бунда ушбу даромадлар зарарни хажмини камайтиришга асос бўла олмайди.

Жабрланувчи ижтимоий жамғармалар хисобидан олаётган тўловлар ижтимоий ҳимоя шакли бўлиб хисобланади, бу унинг саъи-ҳаракатлари, янги шарт-шароитларда ўз имкониятларини рўёбга чиқариш, мослашиши натижасидир ва шу сабабли зарар етказувчини зарарни қоплаш маъсулитидан озод қилмайди ва уни хажмини камайтиришга асос бўлмайди.

7. Ушбу моддада соғлиққа шикаст етказилганлиги сабабли етказилган зарарни ундиришни энг минимал хажмлари белгиланган. Қонун ҳужжатлари ёки шартнома билан ушбу моддага мувофиқ жабрланувчига ундириладиган тўлов хажми ва миқдори кўпайтирилиши мумкин. Масалан, спортчиларни спорт клублари билан индивидуал контрактларида шундай шартлар назарда тутилади.

8. Ушбу норма орқага қайтиш кучига эга. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексини амалга киритиш тартиби тўғрисидаги» 1996 йил 29 августдаги 257–1-сонли Қарори 11-банди 2-қисмида кўрсатилишича ФК 1005–1016-мод-

даларининг қоидалари фуқароларнинг хаёти ва соғлиғига зиён етказиш 1997 йил 1 мартаға қадар, аммо узоги билан 1994 йил 1 мартағача юз берип, етказилган зиён ўрни қопланиши қолган холларга ҳам тадбиқ этилади.

### **1007-модда. Соғлиққа шикаст етказилиши натижасида йўқотилган иш ҳақини (даромадни) аниқлаш**

Ўрни қопланиши лозим бўлган йўқотилган иш ҳақи (даромад) нинг миқдори майибланишгача ёки соғлиққа бошқача шикаст етказилишигача ёхуд меҳнат қобилиятий йўқотилгунгача бўлган ўртacha ойлик иш ҳақи (даромад)га нисбатан жабрланувчининг касбий меҳнат қобилиятини йўқотиши даражасига, касби йўқ бўлганда эса — умумий меҳнат қобилиятини йўқотиши даражасига мувофиқ фоизларда аниқланади.

Жабрланувчининг йўқотилган иш ҳақи (даромади) таркибиغا ҳам асосий иш жойидан, ҳам ўриндошлик бўйича ишлайдиган жойидан меҳнат ва фуқаровий-хуқуқий шартномалар бўйича тўланадиган, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинадиган барча турдаги меҳнат ҳақи қўшилади. Бир йўла тўланадиган тўловлар (фойдаланилмаган таътил учун тўланадиган пул, меҳнат шартномаси бекор қилингандаги ишдан бўшатиш нафақаси) ҳисобга олинмайди. Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даври ҳамда ҳомиладорлик ва туғиши таътили учун тўланган нафақа ҳисобга олинади. Тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромадлар, шунингдек муаллифлик гонорари йўқотилган иш ҳақи (даромад) таркибиға киритилади, бунда тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромадлар солиқ инспекциясининг маълумотлари асосида киритилади. (ЎзР 31.12.2008 й. ЎРҚ-197-сон Қонуни таҳриридаги қисм)

Иш ҳақи (даромад)нинг барча турлари солиқлар ушлаб қолинмасдан олдин ҳисобланган суммаларда ҳисобга олинади.

Ўртacha ойлик иш ҳақи (даромад) соғлиққа шикаст етказилишидан олдинги ишланган ўн икки ой ичидағи иш ҳақи (даромад)нинг умумий суммасини ўн иккига бўлиш йўли билан ҳисоблаб чиқилади. Зарар етказилган пайтгача жабрланувчи ўн икки ойдан кам ишла-

ган ҳолларда ўртача иш ҳақи (даромад) соғлиққа шикаст етказилишидан олдинги амалда ишланған ойлардаги иш ҳақи (даромад) нинг умумий суммасини ана шу ойлар сонига бўлиш йўли билан ҳисоблаб чиқилади.

Жабрланувчи тўлиқ ишламаган ойлар унинг хоҳишига кўра бундан олдинги тўлиқ ишланған ойларга алмаштирилади ёки уларни алмаштириш имконияти бўлмагандаги ҳисобдан чиқариб ташланади.

Жабрланувчи зарар етказилган пайтда ишламаётган бўлса, унинг хоҳишига кўра меҳнат шартномаси бекор қилинишигача бўлган иш ҳақи (даромади) ёхуд мазкур жойда унинг малакасидаги ходимга тўланадиган, аммо қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг беш каррасидан кам бўлмаган одатдаги ҳақ тўлаш микдори ҳисобга олинади.

Агар жабрланувчининг иш ҳақида (даромадларида) унинг майиб қилиниши ёки соғлиғига бошқача шикаст етказилишига қадар унинг мулкий ахволини яхшиловчи барқарор ўзгаришлар содир бўлган (эгаллаб турган лавозими бўйича иш ҳақи оширилган, юқорироқ ҳақ тўланадиган ишга ўтказилган, кундузги ўкув юртини битирганидан кейин ишга кирган) бўлса ва ўзгаришнинг барқарорлиги ёки жабрланувчининг иш ҳақи ўзгариши эҳтимоли исботланган бошқа ҳолларда, унинг ўртача ойлик иш ҳақини аниқлашда у тегишли ўзгаришдан кейин олган ёки олиши лозим бўлган иш ҳақи (даромад)гина ҳисобга олинади.

1. Ушбу шарҳланаётган моддада соғлиққа шикаст етказилиши натижасиша йўқотилган иш ҳақи (даромадни) аниқлаш мезонлари белгилаб қўйилган.

2. Ушбу нормани кўлашда тегишли ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралда 60-сонли Қарори билан тасдиқланган «Меҳнат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ равища ходимга майиб бўлганлиги, касб касаллиги ёки соғлиғига бошқача шикаст етказилганлиги туфайли етказилган зарарни қоплаш Қоидалари» хисобга олиниши лозим.

3. Ўрни қопланиши лозим бўлган йўқотилган иш ҳақи (даромад) нинг микдори майибланишгача ёки соғлиққа бошқача шикаст етказилишигача ёки меҳнат қобилияти йўқотилгунгача бўлган ўртача ойлик иш ҳақи (даромад)га нисбатан жабрланувчининг касбий меҳнат қобилиятини

йўқотиши даражасига (қисман ёки умуман йўқотиш), касби йўқ бўлганда эса — умумий меҳнат қобилиятини йўқотиш даражасига мувофиқ фоизларда (25 фоиз ёки 40 фоиз ва х.к.) аниқланади.

4. Заарни ўрнини қоплаш ҳажмини аниқлашда соғлиққа етказилган шикасталаниш характери:

- майиб бўлганлик, яъни жароҳат олганлик;
- соғлиққа бошқача шикаст етказилганлик (яъни ҳолсизланиш, иситмалаш, бош айланиши ва х.к.) ва бунинг натижасида меҳнат қобилиятини йўқотиш даражаси мезон бўлиб хисобланади.

Меҳнат қобилияти ҳам маҳсус ва умумий меҳнат қобилиятига фарқланади. Жабрланувчининг маҳсус меҳнат лаёқати — бу унинг муайян касб-корга бўлган профессионал қобилияти, малакаси, маҳорати ва кўнимкаси хисобланади (масалан, хайдовчилик, электромонтёрлик касбий лаёқати). Агар жабрланувчини муайян касб-кори бўлмаса, умумий меҳнат қобилияти мезон бўлиб хисобланади. Конундаги ушбу мезон жабрланувчи касбий лаёқатини 100 фоиз йўқотганда заар ҳажмини хисоблаш айнан ушбу кабий лаёқатидан, унинг йўқотилиши даражасидан хисобланади. Меҳнат қобилиятини вақтингчалик ёки доимий йўқотилишига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Вақтингчалик меҳнатга лаёқатсизлик муайян чекланган вақт (давр) мобайнида тўлиқ меҳнатга лаёқатсизликни ва иш хақи (даромад)ни йўқотилишини англатади. Вақтингчалик меҳнатга лаёқатсизлик даволаш муассасаси томонидан белгиланади ва маҳсус белгиланган шаклдаги хужжат билан гувоҳлантирилади. Умуман олганда, қисман ёки тўлиқ меҳнатга лаёқатсизлик суд-тибиёт экспертизаси ўтказиш орқали ихтисослашган давлат тиббий муасасаси (врачлик назорат комиссияси) томонидан аниқланади.

5. Жабрланувчини йўқотилган иш хақи (даромадлари) таркибига қуйидагилар киради:

- а) унинг меҳнат шартномаси бўйича асосий жойидан ҳам шунингдек, ўриндошлиқ бўйича ҳам иш жойларидан оладиган, соликқа тортиладиган барча маошлари;
- б) фуқаролик-хуқуқий шартномалар асосидаги фаолияти бўйича оладиган, соликқа тортиладиган барча тўловлар;
- в) тадбиркорлик фаолиятидан оладиган даромадлари (солик инспекцияси маълумотлари асосида), шунингдек, муаллифлик ганорарлари (қалам хақлари);

г) вактинга мөхнатга лаёқатсизлик, хомиладорлик ва тугруқ даври таътиллари бўйича тўланган нафақалар.

Барча турдаги иш хақлари (даромадлар) солик ушлаб қолишдан олдинги суммалар микдори бўйича хисобга олинади.

Бир марталик характердаги тўловлар (фойдаланилмаган таътиллар учун пул шаклидаги товонлар, мөхнат шартномаси бекор бўлгандағи нафақалар, шартнома мажбуриятлари бузилганлиги учун тўланган жарималар ва ш.к.) хисобга олинмаслигини қайд этиш лозим.

6. Ўртача ойлик иш хақи (даромад) соғлиққа шикаст етказилишдан олдинги ишланган ўн икки ой ичидағи иш хақи (даромад)ларнинг умумий суммасини ўн икки ойга бўлиш йўли билан хисоблаб чиқилади. Заарар етказилган пайтгача жабрланувчи ўн икки ойдан кам ишлаган ҳолларда ўртача иш хақи (даромад) соғлиққа шикаст етказишдан олдинги амалда ишлаган ойлардаги иш хақи (даромад)нинг умумий суммасини ана шу ойлар сонига бўлиш йўли билан хисоблаб чиқарилади.

Кўриниб турибдики ўртача иш хақини (даромадларни) хисоблаб чиқаришни арифметик усули жабрланувчини манфаатларини кўзлаб шакллантирилган.

Жабрланувчи тўлиқ ишламаган ойлар унинг хохишига кўра бундан олдинги тўлиқ ишлаган ойларга алмаштирилади ёки уларни алмаштириш имконияти бўлмагандаги хисобдан чиқариб ташланади, акс ҳолда бу қоплаш хажмини камайтириши мумкин.

Жабрланувчи зарар етказилган вактда ишламаётган бўлса, унинг хохишига кўра мөхнат шартномаси бекор қилинишигача бўлган иш хақи (даромади) ёки мазкур жойда унинг малакасидаги ходимга тўланадиган, аммо қонун хужжатларида белгиланган энг кам иш хақининг беш каррасидан кам бўлмаган одатдаги хақ тўлаш микдори хисобга олинади.

ФКнинг 1007-моддаси 6-қисми одатда қарилек пенсияси олувчи шахсларга етказилган зарар хажмини аниқлашда қўлланилади. Ушбу норма пенсионерга пенсияга чиқишидан олдин 12 календар ой учун олган иш хақи хисобидан ёхуд мазкур жойда унинг малакасидаги ходимга тўланадиган хақ микдори (масалан, жабрланувчи доцент илмий унвонига эга, демак, ушбу малака бўйича тўланадиган хақ микдори) асосида хисоблашга имкон беради. Жабрланувчи билан бир хил малакада бўлган ходимнинг одатдаги иш хақи бир хил турдаги (бир хил номдаги) касблар,

малакаларнинг иш хақлари тўғрисидаги маълумотлар асосида белгиланади. Хисобга олинадиган иш хақи таркибига тариф ставкаси (оклади) дан ташқари амалда қилинган фактик тўловлар ҳам киритилади, яъни ходимнинг тўлиқ ҳажмдаги иш хақи ҳажми хисобга олинади.

Агарда ушбу маҳаллий худудда хеч ким шуғулланмайдиган ноёб, ўзига хос касб эгаси бўлса, иш хақи қўшни чегарадош худудлардаги маълумотлар асосида хисоблаб чиқариш лозим.

7. Шуни унутмаслик кеаркки муайян касблар, малакаларга хуфёна иқтисодиёт соҳасида бериладиган тўловлар (конвертдаги иш хақи, нолегал даромад) яъни солиқ тўланмаган даромадлар хисобга олинмайди.

8. Агар жабрланувчининг иш хақида (даромадларида) унинг майиб килиниш ёки соғлиғига бошқача шикаст етказилишига қадар унинг мулкий аҳволини яхшиловчи барқарор ўзгаришлар содир бўлган (эгаллаб турган лавозими бўйича иш хақи оширилган, юқорироқ хақ тўланадиган ишга ўтказилган, кундузги ўқув юртини битирганидан кейин ишга кирган, яъни талабаликдан ишловчи ходимга айланган) бўлса ва ўзгаришнинг эҳтимоли исботланган бошқа ҳолларда, унинг ўртacha ойлик хақини аниқлашда у тегишли ўзгаришдан кейин олган ёки олиши лозим иш хақи (даромад)гина хисобга олинади.

Юқорироқ разряд бўйича доимий (тарифли) хақ тўланадиган иш тақдим этилиши иш хақини барқарор ўсишдан далолат беради. Агарда ходим юқорироқ хақ тўланадиган ишга ўтказилганидан кейин касаллик сабабли амалда ишга киришмаса, зарарни ўрнини қоплаш ҳажми у олиши лозим бўлган иш хақи бўйича хисобланади.

9. Агарда реал иш хақи миқдорлари тўғрисида хужжатни тақдим этишнинг иложи бўлмаса (архив йўқлиги ёки ёнғин туфайли хужжатлар ёниб кетганлиги ва х.к.), бунда минимал иш хақи хисобга олинади ва шу асосда зарарни қоплаш ҳажми аниқланади.

Агарда ўртacha иш хақи давлат томонидан белгиланган энг кам иш хақидан кам бўлса, ўртacha иш хақи ушбу негиз бўйича хисобланади.

10. «Ходимларнинг уларни меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиш, касб касалликларига чалиниш ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш Қоида»ларига кўра фуқаронинг тўлиқ меҳнатга лаёқатсизлиги уни 1 ва 2 гурух ногирони деб тан олиниши билан белгиланади. Тўлиқ меҳнатга

лаёқатсизлик учун ходимнинг (тадбиркорнинг) ўртача иш хақи (даромади) миқдорида товон хақи белгиланади.

Касбий меҳнат лаёқатини қисман йўқотилиши ҳолатида зарарни ўрнини қоплаш хажми фуқаронинг сақланиб қолган меҳнат лаёқатини фоизларда хисоблаш орқали хисобланади. Масалан, эксперталар фуқарони меҳнат лаёқати 60 фоиз сакланган деган хulosага келсалар, зарарни ўрнини қоплаш ўртача иш хақининг 40 фоизини ташкил этади. Зарар юқорида кўрсатилган Қоидалар бўйича қопланади. Агарда жабрланувчининг қўпол эҳтиётсизлиги зарарни вужудга келишига сабаб бўлган бўлса зарар тўлиқ қопланмайди. Зарарни ўрнини қоплаш миқдорини камайтирилиши ёхуд кўпайтирилиши жабрланувчини айби даражасига боғлиқ бўлади. Бироқ шуни унутмаслик лозимки, жабрланувчини қўпол эҳтиётсизлик даражаси зарар етказувчини жавобгарликдан тўлиқ озод қилишга асос бўла олмайди.

### **1008-модда. Вояга етмаган шахснинг соғлиғига шикаст етказилганда зарарнинг ўрнини қоплаш**

**Ўн тўрт ёшга тўлмаган ва иш хақи (даромад) олмайдиган вояга етмаган шахс майиб бўлиб колган ёки соғлиғига бошқача тарзда шикаст етказилган тақдирда зарар етказилганлиги учун жавобгар шахс соғлиққа шикаст етказилиши туфайли қилинган харажатларнинг ўрнини қоплаши шарт.**

Жабрланувчи ўн тўрт ёшга тўлганда, шунингдек ўн тўртдан ўн саккиз ёшгача бўлган иш хақи (даромад) олмайдиган вояга етмаган шахсга зарар етказилган тақдирда, етказилган зарар учун жавобгар шахс жабрланувчига соғлиққа шикаст етказилиши туфайли қилинган харажатлардан ташқари, шунингдек унинг меҳнат қобилияти йўқотилганлиги ёки камайганлиги билан боғлиқ зарарни қонун хужжатларида белгиланган энг кам иш хақининг беш карраси миқдоридан келиб чиқиб, қоплаши шарт.

Агар вояга етмаган шахс соғлиғига шикаст етказилгунига қадар иш хақи (даромад)га эга бўлган бўлса, унда зарар ушбу иш хақи (даромад) миқдоридан келиб чиқиб, аммо қонун хужжатларида белгиланган энг кам иш хақининг беш каррасидан кам бўлмаган миқдорда тўланади.

**Соғлиғига илгари шикаст етказилган вояга етмаган шахс меҳнат фаолияти бошланганидан сўнг зарар учун тўланаётган ҳақни у оладиган иш ҳақи (даромад) ёхуд унга лавозими бўйича белгиланган ҳақ миқдоридан ёки у ишлаётган жойдаги айни шундай малақадаги ходимнинг иш ҳақи (даромади) миқдоридан келиб чиқиб, кўпайтиришини талаб қилишга ҳақли.**

1. Ушбу шарҳланаётган моддада вояга етмаган шахс соғлиғига шикаст етказилганда зарарни ўрнини қоплаш мезонлари белгилаб қўйилган.

2. Вояга етмаган шахслар алоҳида фуқаролик-хуқуқий мақомга эга бўлиб, бу уларнинг жисмоний ва руҳий жиҳатдан етарли даражада етук эмаслиги, мустақил иш ҳақининг мавжуд эмаслиги, ижтимоий ҳимояга муҳтожлиги, фуқаролик хуқуқий муносабатларда заиф иштирокчи эканлиги билан боғлиқ.

3. Ўн тўрт ёшга тўлмаган ва иш ҳақи (даромад) олмайдиган вояга етмаган шахс майиб бўлиб қолган ёки соғлиғига бошқача шикаст етказилганлиги учун жавобгар шахс соғликқа шикаст етказилганлиги туфайли қилинган харажатларнинг ўрнини қоплаши шарт. Бунга даволаниш харажатлари, қўшимча овқатланиш, дори-дармон сотиб олиш, протез қўйдириш, бироннинг парваришида бўлиш, санатория-курортда даволаниш ва соғликни тиклаш учун бошқа сарф-харажатлар киради (агарда вояга етмаган жабрланувчи бунга муҳтож бўлса).

4. Жабрланувчи 14 ёшга тўлганда, шунингдек, 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган иш ҳақи (даромад) олмайдиган вояга етмаган шахсга зарар етказилган тақдирда, жавобгар шахс жабрланувчига:

а) соғликқа шикаст етказилиши туфайли қилинган харажатларни;

б) меҳнат қобилияти йўқотилганлиги ёки камайтирилганлиги билан боғлиқ зарарни қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг беш каррасидан кам бўлмаган миқдоридан келиб чиқиб, қоплаши шарт.

Шуни таъкидлаш лозимки, Меҳнат Кодексининг 77-моддасига кўра 16 ёшдан ишга қабул қилиниши мумкин, 15 ёшга тўлганлар эса ота-онаси (хомийси) розилиги билан меҳнат шартномасида тараф бўла олади. Вояга етмаганлар учун асосий машғулот одатда таълим олиш хисобланади. Шунга қарамасдан формал жиҳатдан олганда 15 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганлар меҳнат хуқуқини амалга оширишга ва ўз иш ҳақисига эга бўлиши мумкин. 16 ёшдан бошлаб вояга етмаган эмансипация тартибида

тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлиши ва демак тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб даромад олишга хақли. Худди шу сабабли ҳам ушбу шархланётган мoddанинг 2-қисмида гарчи вояга етмаган амалда ишламаган бўлса, бундан қатъий назар, иш хақи (даромад)ни ундириш имкониятини назарда тутади. Бу эса ФКнинг 1006-моддаси 1-қисмида белгилаб қўйилган умумий тамойилга, яъни, жабрланувчи олиши мумкин бўлган иш хақини ўринни қоплаш имконияти мавжудлигига асосланади. Бунда жабрланувчига заар етказилиш кунида касби-кор, мутахассислик, малака йўқлиги эҳтимол тутилиб умумий меҳнат лаёқати йўқотилиши хисобга олинниб товон миқдори беш минимал иш хажмидан келиб чиқиб белгиланади.

5. Агарда вояга етмаган шахс соғлиғига шикаст етказилгунинг қадар иш хақи (даромад)га эга бўлса, унда заар ушбу иш хақи (даромад) миқдоридан келиб чиқиб белгиланади. Бироқ шуни қайд этиш ўринлики вояга етмаганлар меҳнат шартномаси орқали ишлаганларида ҳам тажриба маълумот, малака етишмаслиги сабабли кам иш хақи тўланадиган ишларда ишлайдилар. Одатдаги нормал шароитда бу муаммо вужудга келмайди. Бироқ соғлиққа шикаст етказилганда, агарда амалдаги иш хақидан товон хажми белгиланган, бу ҳолда жабрланувчи манфаатларига путур этиши мумкин. Шу сабабли конунда ўрни қопланадиган иш хақи қонун хужжатларида белгиланган иш хақининг беш каррасидан кам бўлмаслиги шарт қилиб қўйилади. Бу эса вояга етмаган жабрланувчи учун ўзига хос ижтимоий кафолат хисобланади.

Ўз-ўзидан равшанки юқоридаги норма нафақат меҳнат шартномаси, балки фуқаролик шартномаси ва тадбиркорлик фаолияти асосида олинган даромадларга (бундай даромадлар соликқа тортилган бўлиши шарт) ҳам таълуклидир.

6. Соғлиғига илгари шикаст етказилган вояга етмаган шахс меҳнат фаолияти бошланганидан сўнг заар учун тўлаётган хақни у оладиган иш хақи (даромади) миқдоридан келиб чиқиб, кўпайтиришни талаб қилишга хақли.

Жабрланувчининг хошишига кўра илгари тайинланган товон миқдори унинг 12 ой давомида эгаллаган лавозими бўйича олган иш хақи хажмидан келиб чиқиб қайта қўриб чиқилиши мумкин. Эгаллаган лавозими бўйича иш хақи хажмини белгилашда нафақат меҳнатга хақ тўлаш ставкалари, балки тегишли лавозимда ишлаганда олган доимий устамалар ва мукофот тўловлари ҳам хисобга олинади.

Агарда жабрланувчи меҳнат фаолиятини бошлагандан кейин муайян касб бўйича мутахассисликни эгалласа ёки якка тадбиркор бўлса, зарарни ўрнини босиш хажми жабрланувчининг илтимосига кўра қуидагилардан бири асосида қайта хисоблаб чиқиласди:

- мутахассислик бўйича олган иш хақи (якка тадбиркор сифатида олган даромади) миқдоридан келиб чиқиб, ёки;
- у ишлаётган жойдаги айни шундай малакадаги ходимнинг иш хақи (ўша жойда ўша турдаги фаолият билан шуғулланувчи якка тадбиркорлар даромади) миқдоридан келиб чиқсан холда.

Бунда жабрланувчи билан бир хил малакада бўлган ходимларнинг ҳам, якка тадбиркорнинг ҳам ўртacha иш хақи (даромади)дан эмас, балки максимал иш хақи (даромад) миқдори асос қилиб олинади. Қонунни мана шундай қўллагандагина ўзи олган ёки эгаллаган малакаси, касби, мутахассислиги бўйича энг кўп иш хақи олиш имкониятидан маҳрум бўлган вояга етмаган жабрланувчи манфаатларини энг тўлиқ равишда хисобга олиш мумкин бўлади.

## **1009-модда. Боқувчиси вафот этганлиги натижасида зиён кўрган шахсларга зарарни тўлаш**

**Боқувчиси вафот этган тақдирда қуидагилар зарарни ундириш хуқуқига эга:**

**марҳумнинг қарамоғида турган ёки у вафот этган қунгача ундан таъминот олиш хуқуқига эга бўлган меҳнатга лаёқатсиз шахслар;**

**марҳумнинг вафотидан кейин туғилган фарзанди;**

**меҳнат қобилиятидан қатъи назар марҳумнинг қарамоғида бўлган унинг ўн тўрт ёшга тўлмаган ёхуд кўрсатилган ёшга тўлган бўлса ҳам тиббиёт муассасасининг хulosасига кўра саломатлиги бўйича бошқаларнинг парваришига муҳтоҷ бўлган болалари, неваралари, ака-укалари ва опа-сингилларини парваришлишда банд бўлган ва ишламайдиган ота-онасидан бири, эри (хотини) ёки оиланинг бошқа аъзоси;**

**марҳумнинг қарамоғида бўлган ва унинг вафотидан кейин беш йил ичida меҳнатга қобилиятсиз бўлиб қолган шахслар.**

**Ишламайдиган ва марҳумнинг ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган болалари, неваралари, ака-укалари ва опа-сингилларини**

**парваришилашда банд бўлган ота-онасидан бири, эр (хотин) ёхуд оиланинг бошқа аъзоси парваришилашни амалга ошириш даврида меҳнатга қобилиятысиз бўлиб қолган тақдирда, ана шу шахсларни парваришилаш тугаганидан кейин заарни ундириш хуқуқини сақлаб қолади.**

**Зарар қўйидагиларга тўланади:**

**вояга етмаганларга — ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар;**

**ўн саккиз ёшдан ошган ўқувчиларга — ўқувнинг кундузги шаклида ўқишини тугатгунга қадар, бироқ йигирма уч ёшдан ошмагунча;**

**эллик беш ёшдан ошган аёлларга ва олтмиш ёшдан ошган эркакларга — умрбод;**

**ногиронларга — ногиронлик муддатига;**

**мархумнинг қарамоғида бўлган болалари, неваралари, ака-укалари ва опа-сингилларини улар ўн тўрт ёшга тўлгунга қадар парваришилашда банд бўлган ота-онасидан бири, эри (хотини) ёхуд оиланинг бошқа аъзосига.**

1. Ушбу шарҳланаётган моддада боқувчиси вафот этганлиги натижасида зиён кўрган шахслар доираси ва зиённи қоплаш хусусиятлари белгилаб қўйилган.

2. Мархумнинг қарамоғида турган ёки у вафот этган кунгача ундан таъминот олиш хуқуқига эга бўлган меҳнатга лаёқатсиз шахслар боқувчиси вафот этган тақдирда унда айбдор жавобгарлик субъектидан зиённи ундиришга хақли.

**Қўйидагилар меҳнатга лаёқатсиз хисобланадилар:**

**- 15 ёшгача бўлган болалар;**

**қонунда белгиланган тартибда ногиронлиги белгиланган шахслар;**

**- 55 ёшдан ошган аёллар, 60 ёшдан ошган эркаклар.**

Ушбу шахслар мархум билан қариндошлик муносабатларидан қатъий назар, агарда унинг қарамоғида бўлган бўлсалар (агарда мархум томонидан берилган таъминот улар тириклигининг ягона ёки асосий манбаси бўлган бўлса), боқувчини йўқотганлик бўйича зиённи қоплашни талаб қилиш хуқуқига эга.

Амалда мархумнинг қарамоғида бўлмаган бўлса ҳам, бироқ унинг вафот этиш кунида ундан таъминот (масалан, алиментлар) олиш хуқуқига эга бўлган шахслар ҳам худди шундай хуқуққа эга.

3. Мархумнинг вафотидан кейин туғилган фарзанди ҳам бокувчиси вафот этганилиги натижасида етказилган зарарни қопланишига бўлган хукуқка эга. Агарда фарзанд ота ва она никоҳида туғилган бўлса отаси вафот этганидан кейин уч юз кундан ошмаган муддатда туғилса юқорида кўрсатилган хукуқка эга бўлади. Агарда туғилган боланинг отаси-онаси билан никоҳда бўлмаса, мархумнинг оталиги Оила Кодексининг 62-модда-сида назарда тутилган тартибда белгиланиши шарт. Болаларни мархумнинг қарамоғида эканлиги назарда тутилади ва буни исбот талаб этилмайди.

4. Мехнат қобилиятидан қатъий назар мархумнинг қарамоғида бўлган унинг ўн тўрт ёшга тўлмаган ёхуд кўрсатилган ёшга тўлган бўлса ҳам тиббиёт муассасининг хulosасига кўра саломатлиги бўйича бошқаларнинг парваришига муҳтоҷ бўлган болалари, неваралари, aka-укалари ва опа-сингилларини парваришлашда банд бўлган ва ишламайдиган ота-онасидан бири, эри (хотини) ёки оиланинг бошқа аъзоси ҳам бокувчиси вафот этганилиги сабабли етказилган зарарни ундириш хукуқига эга. Низо чиқкан тақдирда зиённи ундиришни талаб қилган шахс неваралар, aka-укалар, опа-сингиллар ва бошқа шахсларни мархумнинг қарамоғида бўлганлик фактини тасдиқловчи далиллар тақдим этиши лозим. Шуни ҳам унутмаслик керакки, ота-онадан бири, эри ёки хотини ёки оиланинг бошқа аъзоси тегишли шахсларнинг бошқаларни парваришига муҳтоҷ бўлган бутун даври мобайнида ва бундай парвариш реал, хақиқатда амалга оширилиши шарти билан бокувчини вафот этганилиги сабабли зарарни ундириш хукуқига эга бўлади.

5. Мархумнинг қарамоғида бўлган ва унинг вафотидан кейин беш йил ичида меҳнатта лаёкатсиз бўлиб қолган шахслар бокувчиси вафот этганилиги натижасида зарарни ундириш хукуқига эга шахслар даражасига киради.

Ушбу шахслар бокувчи хаёт бўлганда, гарчи унинг қарамоғида бўлган бўлсалар ҳам, бироқ меҳнатта қобилиятли хисобланганлар. Худди шу сабабли ушбу шархланаётган модданинг 1-қисмида белгиланган шахслар доирасига киритилмаган. Бокувчи вафот этганидан кейин беш йил ичида ушбу шахслар меҳнатта қобилиятсиз бўлиб қолсалар (ногиронлик ёки муайян ёшга этганилик сабабли), юқорида кўрсатилган хукуқка эга бўладилар.

6. Ишламайдиган ва мархумнинг ушбу шархланаётган модданинг 1-қисмида кўрсатилган болалари, неваралари, aka-укалари ва опа-сингилларини парваришлаш билан банд бўлган ота-онасидан бири, эр (хотин)

ёхуд оиланинг бошқа аъзоси парваришлашни амалга ошириш даврида меҳнатга қобилиятсиз бўлиб қолган тақдирда, ана шу шахсларни парваришлаш тугаганидан кейин заарни ундириш хукукини сақлаб қолади (бутун меҳнатга қобилиятсизлик даври мобайнида). Парваришловчи шахс кичик ёшдаги болаларни 14 ёшга тўлгунича парвариш қилишни тўхтатган ҳолларда (саломатлиги ёмонлашиб, меҳнатга қобилиятсиз бўлиб қолгани сабабли), ушбу қоиданинг таъсир кучи сақланиб қолади.

7. Боқувчиси вафот этгани натижасида заарни қоплашни талаб қилиш хукуқига эга бўлган шахслар ўз талабларини исботлаб беришлари шарт. Қон-қариндошлик муносабатлари тегишли хужжатлар билан гувохлантирилади, агар улар бўлмаса суд орқали белгиланади. Фарзандлар туғилганлик тўғрисида гувохнома тақдим этадилар, оила таркиби мархум оиласи яшаган жойдаги ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан берилган маълумотнома асосида тасдикланади. 18 ёшдан 23 ёшгача бўлган таълим муассасасида ўқиётган шахслар бу тўғрисида тегишли ўқув юртининг маълумотномасини тақдим этадилар.

8. Қонунда заарни тўлаш муддатлари қатор шартлар асосида белгиланади. Уларнинг асосийси бўлиб тегишли шахсларни таъминот олиш хукукини вужудга келтириш ёки уни бекор бўлишига асос бўлувчи шартлар хисобланади.

Зарар куйидагиларга тўланади:

- вояга етмаганларга — ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар;
  - 18 ёшдан ошган талабалар, ўқувчилар — ўқувнинг кундузги шаклида ўқишни тугатгунга қадар, бирор 23 ёшдан ошмагунча (бунда таълим муассасаси мулкчилик шаклидан қатъий назар қонунда белгиланган тартибида фаолият юритаётган бўлиши лозим);
  - 55 ёшдан ошган аёллар ва 60 ёшдан ошган эркакларга (ишлаётгани ёки қарилек пенсияси олаётганингидан қатъий назар) — умрбод;
  - ногиронларга — ногиронлик муддати тугагунга қадар;
- мархумнинг қарамоғида бўлган болалари, неваралари, ака-укалари ва опа-сингилларини парваришлашда банд бўлган ота-онасидан бири, эр (хотин) ёхуд оиланинг бошқа аъзосига — парвариш қилинаётган шахс 14 ёшга тўлгунга қадар.

Агарда парваришга муҳтоҷ шахсга қараётган оила аъзоси меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолганида меҳнат қобилияти ва саломатлиги тиклангунига қадар таъминот олиш хукукини сақлаб қолади.

## **1010-модда. Боқувчиси вафот этган тақдирда кўрилган заарнинг ўрнини қоплаш миқдори**

**Боқувчиси вафот этганлиги муносабати билан заарни ундириш хуқуқига эга бўлган шахсларга зарар марҳумнинг ушбу Кодекс 1007-моддаси қоидалари бўйича аниқланган иш ҳақи (даромади) нинг марҳум ҳаёт вақтида улар ўз таъминоти учун олган ёки олиш хуқуқига эга бўлган улуши миқдорида қопланади. Бу шахсларга заарни қоплашни аниқлашда марҳумнинг даромадлари таркибига иш ҳақи (даромад) билан бир қаторда у ҳаёт вақтида олган пенсия, умрбод таъминот ва бошқа шунга ўхшаш тўловлар киритилади.**

**Заарнинг ўрнини қоплаш миқдорини аниқлашда боқувчиси вафот этганлиги муносабати билан шахсларга тайинланган пенсия, шунингдек боқувчининг вафотидан олдин ҳам, вафотидан кейин ҳам тайинланган бошқа турдаги пенсиялар ҳамда иш ҳақи (даромад), стипендия қоплаш ҳисобига киритилмайди.**

**Боқувчиси вафот этганлиги муносабати билан заарни ундириш хуқуқига эга бўлганларнинг ҳар бирига белгиланган қоплаш миқдори кейинчалик қайтадан ҳисоблаб чиқилмайди, қўйидаги холлар бундан мустасно:**

**боқувчининг вафотидан кейин фарзанд туғилиши;**

**вафот этган боқувчининг болалари, неваралари, ака-укалари ва опа-сингилларини парваришлишда банд бўлган шахсларга ҳақ тўлашни тайинлаш ёки уни тўхтатиш.**

**Қонун ҳужжатларида ёки шартномада қоплаш миқдорини кўпайтириш назарда тутилиши мумкин.**

1. Ушбу шарҳланаётган моддада боқувчиси вафот этган тақдирда кўрилган заарнинг ўрнини қоплаш миқдори мезонлари белгилаб қўйилган.

2. Бокувчиси вафот этганлиги муносабати билан заарни ундириш хуқуқига эга бўлган шахсларга зарар марҳумнинг ФКнинг 1007-моддаси қоидалари бўйича аниқланган иш ҳақи (даромади)нинг марҳум ҳаёт вақтидаги улар ўз таъминоти учун олган ёки олиш хуқуқига эга бўлган улуш миқдорида қопланади. Бу шахсларга заарни қоплашни аниқлашда марҳумнинг даромадлари таркибига иш ҳақи (даромад) билан бир қаторда у ҳаёт вақтида олган пенсия, умрбод таъминот ва бошқа шунга ўхшаш

тўловлар (муаллифлик ганорарлари, рента тўловлари, патентлар учун берилган лицензия учун тўловлар ва ш.к.) киритилади.

Мархумнинг қарамоғида бўлган ва зарарни ўрнини қопланишини талаб қилиш хукуқига эга бўлган фуқароларга тўлов миқдори мархумни йўқотилган иш хақи (даромади) хажмида унинг ўзига ва унинг қарамоғида бўлган меҳнатга лаёқатли, бироқ зарарни қопланишини талаб қилиш хукуқига эга бўлмаган фуқаролар улуши чегириб ташланган ҳолда белгиланади.

Агарда зарарни қопланишини талаб қилиш хукуқига эга бўлган фуқаролар бир неча бўлса, мархум бокувчи даромадлари (иш хақи) уларнинг сонига бўлинади.

Мархумнинг қарамоғида бўлмаган, бироқ ундан таъминот олиш хукуқига эга бўлган фуқаролар тўлов миқдори суд томонидан белгиланади.

Агарда зарарни қопланиши бўйича хукуқقا бир вақтнинг ўзида мархумнинг қарамоғида бўлган ва қарамоғида бўлмаган фуқароларга эга бўлса, олдин мархумни қарамоғида бўлмаган фуқароларга зарарни қоплаш бўйича тўловлар хажми белгиланади. Уларга белгиланган сумма мархум бокувчи иш хақи (даромадлари) миқдоридан чиқарилади. Шундан кейин қолган суммадан мархумни қарамоғида бўлган фуқароларга зарарни қоплаш миқдори уларни ўзларини ва мархумни қарамоғида бўлган, бироқ зарарни қопланишига бўлган хукуқка эга бўлмаган бошқа меҳнатга лаёқатли фуқароларни хисобга олган ҳолда белгиланади.

Агарда мархум қарамоғида бўлганлар бир нечта бўлса, унинг иш хақи (даромадлари) тегишли кишилар бўйича тенг таксим қилинади.

Мархумнинг қарамоғида бўлмаган, бироқ таъминот олишга бўлган хукуқка эга бўлганлар зарарни қоплаш миқдорлари қўйидаги тарзда белгиланади:

- суд томонидан тайинланган суммада;
- агарда у суд тартибида ундирилган бўлса фуқароларнинг мулкий ахволи ва мархумни хаётлигида уларга ёрдам бериш имкониятларини хисобга олган ҳолда.

3. Заарарнинг ўрнини қоплаш миқдорини аниқлашда бокувчиси вафот этганлиги муносабати билан ФКнинг 1009-моддасида кўрсатилган шахсларга тайинланган пенсия, шунингдек, бокувчинининг вафотидан олдин хам, вафотидан кейин хам тайинланган бошқа турдаги пенсиялар ҳамда иш хақи (даромад), стипендия ва бошқа шу каби тўловлар қоплаш хисобга олган ҳолда белгиланади.

бига камайтирилади. Чунки ушбу түловлар уларни олувчи шахсларнинг саъи ҳаракатлар натижаси ёки ижтимоий жамғармаларнинг мақсадли ажратмалари хисобланади.

Мархұм боқувчини ўлими келиб чиқишидаги айби (қасддан килингандан ташқары) хисобға олинмайди.

4. Боқувчиси вафот эттігінде муносабати билан заарни ундириш хуқуқига эга бўлғанларнинг хар бирига белгиланган қоплаш миқдори кейинчалик қайтадан хисоблаб чиқилмайди. Ушбу қоида мавжуд деликт муносабатларида барқарорликни таъминлашга хизмат қиласди. Айни вақтда қонунда бундан мустасно қуидаги ҳоллар белгилаб қўйилган:

- боқувчининг вафотидан кейин фарзанд туғилиши (бунда туғилган фарзанд мархұмга ким бўлиши — ўз боласи, невараси, укаси, синглиси эканлиги аҳамиятга эга эмас, асосийси, заарни ундириш хуқуқига эга эканлиги хисобланади);

вафот этган боқувчининг болалари, неварадлари, ака-укалари ва опа-сингилларини парваришилашда банд бўлган шахсларга хақ тўлашни тай-инлаш ёки тўхтатиш (ушбу юридик факт заарни ундириш хуқуқига эга бўлган бошқа шахсларга тўловлар миқдорини ошириш ёки камайтириш ёхуд қайта хисоблашга асос бўлиб хизмат қиласди).

Тайинланган қоплаш суммалари мархұмни иш хақи (даромадлари)дан хар бир улушларни хисоблашда мархұмдан таъминот олиш хуқуқига эга бўлган (масалан, мархұмни вафот этгандигидан бехабар бўлган) шахслар хисобға олинмай қолган ҳолларда қайта хисоблаш амалга оширилади.

5. Қонун хужжатларида ёки шартномада қоплаш миқдорини кўпайтириш назарда тутилиши мумкин. Бундай ҳолларда мархұмнинг иш хақи (даромади)нинг кисми заарни қопланишига бўлган ҳуқуқقا эга хар бир шахс хисобига қайта хисоблаб чиқиласди.

## **1011-модда. Заар етказган шахснинг меросхўрлари томонидан заарнинг қопланиши**

**Фуқаро томонидан етказилган заарни қоплаш мажбурияти унинг вафотидан кейин меросни қабул қилиб олган меросхўрларига ўтади. Меросхўрлар жабрланувчининг олдида ўзларига мерос бўлиб ўтган мол-мулкнинг ҳақиқий қиймати доирасида жавобгар бўладилар.**

**Вориссиз мол-мулк ўзига ўтган давлат ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳам ана шундай асосларда жавобгар бўлади.**

1. Ушбу шарҳданаётган моддада заарар етказган шахснинг меросхўрларига нисбатан умумий универсал ва сингуляр хуқуқий ворислик тартибида жавобгарлик асослари ва объектлари белгилаб қўйилган.

2. Фуқаро томонидан етказилган заарарни қоплаш мажбурияти унинг вафотидан кейин қонунларда белгиланган тарбида, асосларда ва ҳажмларда меросни қабул қилган меросхўрларига ўтади. Меросхўрлар доираси ФКнинг 118, 1120, 1134-моддаларида белгилаб қўйилган.

3. Меросхўрлар жабрланувчининг олдида ўзларига мерос бўлиб ўтган мол-мулкнинг ҳақиқий қиймати доирасида жавобгар бўладилар. Низо келиб чиккан тақдирда мол-мулкнинг ҳақиқий қиймати «Бахолаш фаолияти тўғрисида» Қонунга асосан белгиланади.

Мерос қолдирувчининг кредитори сифатида жабрланувчилар ва шартномани ижро этувчига (меросни бошқарувчиларга) ёки меросхўрларга мерос қолдирувчининг мажбуриятларидан келиб чиқадиган ўз талабарини қўйишга ҳақлидирлар. Бу ҳолда меросхўрларнинг ҳар бири ўзига теккан мол-мулкнинг қиймати доирасида солидар қарздорлар сифатида жабрланувчи (жабрланувчилар) олдида жавобгар бўладилар (ФКнинг 1156-моддаси).

4. Агарда заарар етказган фуқаро вафот этганидан кейин унинг мол-мулк ёки эгасиз мол-мулк сифатида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига ёхуд давлатга ўтса (ФКнинг 1157-моддаси.), улар ҳам юқоридаги асослар бўйича жавобгар бўладилар.

## **1012-модда. Заарни қоплаш миқдорининг ўзариши**

**Мехнат қобилиятини қисман йўқотган жабрланувчи заарни тўлаш мажбурияти юклangan шахсдан исталган вақтда, агар унинг меҳнат қобилияти соғлиғига етказилган шикаст туфайли ўзига заарни ундириш белгиланган пайтда бўлганидагига нисбатан ёмонлашса, қоплаш миқдорини тегишлича қўпайтиришни талаб қилишга ҳақли.**

**Жабрланувчининг соғлиғига етказилган заарнинг ўрнини қоплаш мажбурияти зиммасига юклangan шахс, агар жабрланувчининг меҳнат қобилияти заарни ундириш белгиланган пайтда**

**бўлгандагига нисбатан ошган бўлса, қоплаш миқдорини тегишлича камайтириши талаб қилишга ҳақли.**

**Жабрланувчи, агар зарарнинг ўрнини қоплаш мажбурияти зим-масига юклangan фуқаронинг мулкий аҳволи яхшиланган бўлса, қоплаш миқдори эса ушбу Кодекс 1004-моддасининг бешинчи қисмига мувофиқ камайтирилган бўлса, зарарни тўлаш миқдорини кўпайтириши талаб қилишга ҳақли.**

**Суд заар етказган фуқаронинг талабига биноан, агар унинг мулкий аҳволи ногиронлиги ёхуд пенсия ёшига етганлиги сабабли зарарнинг ўрнини қоплаш белгилangan пайтдагига нисбатан ёмонлашган бўлса, зарарнинг ўрнини қоплаш миқдорини камайтириши мумкин, зарар қасдан етказилган холлар бундан мустасно.**

1. Ушбу шарҳланаётган моддада зарарни қоплаш миқдорининг ўзгариш асослари ва тартиби белгилаб қўйилган.

2. Заарни қоплаш миқдорлари жабрланувчини меҳнат қобилиятини йўқотиш даражасини тегишли равища ўзгариши билан боғлик равища ўзгариши мумкин. Тўловлар миқдорини кўпайтирилиши ёхуд камайтирилиши манфаатдор шахсларнинг талабига кўра ихтиёрий тартибда, низо чиккан тақдирда эса суд томонидан белгиланади.

Меҳнат қобилиятини қисман йўқотган жабрланувчи заарни тўлаш мажбурияти юклangan шахсдан исталган вақтда, агар унинг меҳнат қобилияти соғлиғига етказилган шикаст туфайли ўзига заарни ундириш белгилangan пайтда (масалан, заарни қоплашнинг дастлабки миқдори жабрланувчининг умумий меҳнат қобилияти 60 фоиз эканлигини хисобга олиб белгилangan) бўлганидагига нисбатан ёмонлашса (масалан, ваколатли орган жабрланувчининг умумий меҳнат қобилияти 40 фоизга тушган деб хulosса беради), қоплаш миқдорини тегишлича кўпайтириши талаб қилишга ҳақли. Бироқ бунда жабрланувчининг меҳнат қобилиятини кейинги ёмонлашуви билан соғлиқка шикаст етказилиши ўртасида сабабий боғланиш бўлиши шарт. Агарда меҳнат қобилиятини кейинги пасайиши бошқа касалликнинг оқибати бўлса, жабрланувчи ушбу нормада белгилangan ҳуқуққа эга бўлмайди. Демак, ушбу ҳолатда заарни қоплаш миқдорини кайта кўриб чикиш учун асос бўлиб:

– жабрланувчи меҳнат қобилиятини янада пасайганлиги тўғрисида ваколатли орган хulosасининг мавжудлиги;

- меҳнат қобилиятини янада пасайиши соғлиққа етказилган шикастланиш билан узвий боғлиқ ва унинг оқибати эканлиги хисобланади.

3. Жарланувчининг соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш мажбурияти юкландган шахс, агар жабрланувчининг меҳнат қобилияти зарарни ундириш белгиландган пайтда бўлгандагига нисбатан ошган бўлса, (масалан, зарарни қоплашнинг дастлабки миқдорини белгилашда умумий меҳнат қобилияти 60 фоиз деб белгиландган бўлса, кейинги эксперт гувохлантирилишида умумий меҳнат қобилияти 80 фоизга кўтарилиган), қоплаш миқдорини тегишлича камайтиришни талаб қилишга хақли.

4. Жабрланувчи агар зарар ўрнини қоплаш мажбурияти зиммасига юкландган фуқаронинг мулкий аҳволи яхши бўлса, қоплаш миқдори эса ФКнинг 1004-моддаси 5-қисмига мувофиқ (фуқаро томонидан зарар етказилганда унинг мулкий ҳолатини хисобга олиб қоплаш миқдорини камайтириш) камайтирилган бўлса, зарарни тўлаш миқдорини қўпайтиришни талаб қилишга хақли.

Жавобгарлик субъектини мулкий ҳолатини яхшиланиш ҳолатлари бўлиб хисобланади:

- қоплаш миқдори белгиландган кундагига нисбатан қарздорни қўпроқ миқдорда маош олаётганлиги;
- агарда қарздор ногирон бўлса меҳнат қобилиятини тўлиқ тикланиб, ногиронлик бекор қилинганлиги;
- салмоқли қийматда мол-мулк, пул маблағларини мерос бўлиб ўтиши ёхуд хадя қилиниши;
- қарздорнинг мулкий ҳолатини барқарор (доимий) яхшиланишидан далолат берувчи бошқа ҳолатларни рўй бериши (бунинг натижасида қарздорга мулк ҳукуки асосида тегишли мол-мулк ҳажмини ва қиймати қўпайиши, мулкий ва мутлоқ ҳукуқлар ҳажмини қўпайиши ва ш.к.).

Қарздорнинг турмуш даражасини яхшиланиши (масалан, турагжойни таъмиrlаш, газлаштириш, канализация ўтказиш ва ш.к.), яқин қариндошларни ва бошқа шахсларни фамхўрлиги оқибатида хаёт шароитларини яхшиланиши (озиқ-овқатлар, кийим-бошлар олиб берилиши ва х.к.) унинг мулкий аҳволини яхшиланиши бўлиб хисобланмайди.

5. Суд зарар етказган фуқаронинг талабига биноан агар унинг мулкий аҳволи зарарни қоплаш белгиландган пайтдагига нисбатан ёмонлашган бўлса, зарарни ўрнини қоплаш миқдорини камайтириши мумкин.

Бунда бир вақтнинг ўзида қуидаги шартлар мавжуд бўлиши талаб этилади:

- а) қарздор белгиланган тартибда ногирон топилганилиги ёхуд пенсия ёшига етганлиги;
- б) ушбу юкоридаги ҳолат қарздор мулкий аҳволини ёмонлаштирганилиги (даромадларни камайганлиги, харажатларни ошганлиги ва х.к.);
- в) зарар қасддан содир этилмаганилиги.

Зарар қасддан етказилган бўлса, ФКнинг 1012-моддаси, 4-қисми кўлланмайди.

Ногиронликни белгиланиши ёки қарилик пенсияси ёшига етганлиги қарздор мулкий аҳволини ёмонлаштирмаса (унинг иш ҳаки ёки даромадлари хажми камайган ва аввалги миқдорда зарарни қоплаш учун етарли бўлса) қоплаш миқдорини камайтириш учун асос бўла олмайди.

ФКнинг 1012-моддаси 4-қисми кенгайтирилган ҳолда талқин этилиши мумкин эмас. Демак, унда белгиланган асослардан бошқа ҳолатлар, гарчи қарздор мулкий ҳолатини ёмонлашганидан далолат берса ҳам, бироқ зарарни қоплаш миқдорини камайтиришга асос бўла олмайди.

### **1013-модда. Турмуш қийматининг ошиб бориши ва қонун хужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг оширилиши муносабати билан зарарни қоплашнинг кўпайиши**

**Қонун хужжатларида белгиланган тартибда иш ҳақининг энг кам миқдори оширилганида бой берилган иш ҳақи (даромад)ни, жабрланувчининг соғлигига путур етказилиши ва унинг вафоти муносабати билан белгиланган бошқа тўловларни қоплаш суммалари қонун хужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг оширилишига мутаносиб равишда кўпайтирилади.**

1. Ушбу шарҳланаётган моддада турмуш қийматининг ошиб бориши ва қонун хужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг оширилиши зарарни қоплашни кўпайтирилиши ўртасида ўзаро боғланиш хусусиятлари белгилаб қўйилган.

2. Бозор муносабатлари тизимида товарлар, ишлар ва хизматлар баҳоси бозор конъюнктураси, яъни талаб ва таклифдан келиб чиқиб белгиланади. Кишиларни эҳтиёжлари даражаси ҳам доимо

кенгайиб бормоқда. Дунёнинг барча мамлакатларида нарх-наволарни аста-секин ошиб бориши кузатилмоқда, айрим мамлакатларда эса бу ҳолат кескинроқ тарзда намоён бўлмоқда. Бозор муносабатларини ривожлантириш динамикаси иқтисодий ва ижтимоий институтлар ва механизмларни ўзаро мувофиқлаштириш ва уйғунлаштиришни тақозо этади. Бунинг яққол мисоли ушбу шарҳланаётган норма мазмуни хисобланади.

3. Қонун хужжатларида белгиланган тартибда иш хақининг энг кам миқдори оширилганда йўқотилган иш хақи (даромад)ни жабрланувчидинг соғлиғига шикаст етказилиши ва унинг вафоти муносабати билан белгиланган бошқа тўловларни қоплаш суммалари қонун хужжатларида белгиланган энг кам иш хақи миқдорининг оширилишига мутаносиб равишда кўпайтирилади.

4. Одатда энг кам иш хақи миқдори Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони асосида белгиланади. Ушбу қонун ости хужжатининг ижроси мулкчилик шаклидан қатъий назар барча хўжалик юритувчи субъектлар, корхоналар, муасасалар ва ташкилотлар ва иш берувчи фуқаролар учун мажбурийдир.

5. Қонун хужжатига асосан энг кам иш хақи миқдорини ошириш хақидаги норма амалга киритилишидан олдин барча хўжалик юритувчи субъектлар, суд ижрочилари (жабрланувчилар уларга мурожаат қилишлари ёки эслатишлидан қатъий назар) етказилган зарарни қоплаш миқдорларини қайта хисоблаб чиқарашлари шарт. Жавобгарлик субъектида тегишли маблағларни йўқлиги етказилган зарарни қоплаш миқдорини қайта хисоблашни амалга оширишга тўсқинлик қилмайди.

### **1014-модда. Зарарни қоплаш тўловлари**

**Жабрланувчининг меҳнат қобилияти пасайиши ёки унинг вафот этганлиги билан боғлиқ зарарни қоплаш ҳар ойлик тўловлар билан амалга оширилади.**

**Узрли сабаблар бўлган тақдирда суд зарар етказувчининг имкониятларини хисобга олиб, ундириш хуқукига эга бўлган фуқаронинг талаби билан унга тегишли тўловларни бир йўла, лекин уч йилдан ошмаган вақт учун тўлашни белгилаши мумкин.**

**Келгуси вақт учун қўшимча харажатларни ундириш тиббий экспертиза хulosаси асосида аниқланадиган муддатларда, шунингдек тегишли хизматлар ва мол-мулк (йўлланма сотиб олиш, йўл ҳақини тўлаш, маҳсус транспорт воситалари ҳақини тўлаш ва ҳоказо) қийматини олдиндан тўлаш зарурияти туғилганда амалга оширилиши мумкин.**

**Жабрланувчи қонунга мувофиқ мажбуриятнинг бекор қилинишини ёки муддатидан олдин бажарилишини талаб қилишга ҳақли бўлган ҳолларда, бундай талаб вакти-вакти билан тўлаб туриладиган тегишли тўловларни капиталлаштириш йўли билан қаноатлантирилади.**

1. Ушбу шарҳланәётган моддада зарарнинг ўрнини қоплаш тўловларини амалга ошириш тартиби ва даврийлиги белгилаб қўйилган.

2. Одатда жабрланувчининг меҳнат қобилияти пасайиши ёки унинг вафот этганилиги билан боғлиқ зарарни қоплаш ҳар ойлик тўловлар билан амалга оширилади. Демак, май ойи учун мўлжалланган тўловлар июн ойида эмас, балки айнан май ойида берилиш шарт. Май ойининг тўлови июн ойида амалга оширилса, тўлов мажбуриятларини лозим даражада бажарилмаганидан далолат беради.

3. Узрли сабаблар мавжуд бўлганда суд зарар етказувчининг (жавобгарлик субъектининг) имкониятларини хисобга олиб, жабрланувчининг (ундириш хукуқига эга бўлган фуқаронинг) талаби билан унга тегишли тўловларни бир йўла, лекин уч йилдан ошмаган давр учун тўлашни белгилаши мумкин.

Узрли сабаблар мавжудлигидан далолат берувчи ҳолатлар жумласига куйидагилар киради:

- жабрланувчининг оғир мулкий ҳолати;
- хаётдаги, турмушдаги қийинчилик ҳолатларини бартараф этиш учун иирик сарф-харажатлар қилиш бўйича кескин заруратни мавжудлиги;
- қарздорни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига доимий истиқомад учун чиқиб кетиш эхтимолининг мавжудлиги (агарда қарздор чиқиб кетишни мўлжаллаган давлат билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида хукуқий ёрдам тўғрисида шартнома тузилмаганлиги сабабли зарарни ундириш тўғрисидаги суд қарорини ижро этилмаслигига ёхуд ижрони қийинлаштиришга олиб келиши мумкин бўлса).

Қонун хужжатларида узрли сабабларни тугал рўйхати берилмаган. Суд ҳар бир ҳолатда, муайян ва аниқ шароитлардан келиб чиқиб жабрла-

нувчини важларини узрли ёки узрсиз сабаб сифатида баҳолаш тўғрисида қарор қабул қиласди.

4. Тегишли тўловларни бир йўла ундиришни қўллашнинг асосий шартларидан бири жавобгарлик субъектини (карздорни) ушбу тўловлар суммасини бирданига тўлаш имкониятларининг мавжудлиги хисобланади. Бунда жавобгарлик субъекти бўлган шахсларнинг (жисмоний шахснинг хам, юридик шахснинг хам) мулкий ҳолати хар тарафлама ўрганилади. Ушбу масалани хал этишда суд тегишли тўловлар суммасини бир йўла тўланишидан жавобгарнинг манфаатдорлигини эътиборга олади ва жавобгарни келгусида тўловларни бир йўла олишга нисбатан ниятини аниқлайди.

Узрли сабаблар мавжудлигини исботлаш бурчини суд даъвогар зиммасига юклайди. Ўз навбатида жавобгар ўзининг мулкий ҳолатини тасдиқловчи далиллар тақдим этиши лозим.

Суд келгусида ундиришни хар ойлик тўловлар бўйича белгилаш тўғрисида хал қилув қарори чиқаргандан кейин бир йўла тўлов суммасини ундириш асослари вужудга келиши мумкин. Бу ҳолда жабрланувчнинг янги очилган ҳолатлар бўйича талаби сифатида бир йўла тўловлар ундиришни белгилаш тўғрисидаги асослар умумий тартибда даъво иш юритилиши бўйича кўриб чиқилади.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, агарда ваколатли эксперт муасасаси томонидан меҳнат лаёқатини йўқотганлик муддати бир йил белгиланган бўлса, бир йўла тўловларни ундириш хам фақат шу муддат доирасида амалга оширилиши мумкин.

4. Зарарни ўрнини қоплаш тўловлари ундирилиш жараённида жабрланувчи томонидан қилинган қўшимча сарф-харажатлар учун асослар вужудга келиши мумкин. Ушбу асослар ушбу шархланаётган модданинг З-қисмида белгилаб қўйилган. Бунга кўра келгуси вақт учун қўшимча харажатларни ундириш тиббий экспертиза хulosаси асосида аниқланган муддатлар доирасида амалга оширилиши лозим. Тиббий экспертиза жабрланувчи учун қилиниши лозим бўлган қўшимча сарф-харажатлар турлари (даволаниш, қўшимча овқатланиш, дори-дармонлар сотиб олиш, протез қўйдириш ва х.к.) ва уларни қўллаш муддатлари тўғрисида (масалан, бир йил пархез таом бериш ва х.к.) хulosаси бундай қўшимча сарф харажатларни олдиндан жавобгарлик субъектидан ундириш учун асос бўлади.

Бундай асослардан яна бири тегишли хизматлар ва мол-мулк (санаторийга йўлланма сотиб олиш, даволаниш учун бошқа худудга борилганда йўл кира хақини олдиндан тўлаш, маҳсус транспорт воситалари — велоколяска, автоколяска ва х.к.) қийматини олдиндан тўлаш зарурати туғилганда амалга оширилиши мумкин. Товарлар (ишлар, хизматлар) учун олдиндан хақ тўлашга жабрланувчининг муҳтожлиги назарда тутилади ва ушбу ҳолатларни тасдиқлаш учун далил-исботлар тақдим этиш талаб этилмайди, чунки жабрланувчи зарар етказилганлиги сабабли ушбу олдиндан режалаштирилмаган харажатлар муаммасига дуч келмоқда.

5. Жабрланувчи қонунга мувофиқ мажбуриятнинг бекор қилиниши ёки муддатидан олдин бажарилишини талаб қилишга хақли бўлган ҳолларда бундай талаб вақти-вақти билан тўлаб туриладиган тегишли тўловларни капиталлаштириш йўли билан қаноатлантирилади. Тўловни амалга оширадиган қарздор корхона сотилганда жабрланувчи мажбуриятини муддатидан олдин ижросини талаб қилишга хақли (ФКнинг 492-моддаси 2-қисми). Муддатидан олдин ижро, агарда хар ойлик тўловларга нисбатан кўлланилса тегишли тўловларни капиталлаштиришни бир йўла тўлов орқали амалга оширилади. Ушбу норма жабрланувчига етказилган зарарни реал ва тўлиқ қопланишини ўзига хос кафолати хисобланади (бу хақда батафсил қаранг: ФКнинг 1015-моддаси 2-қисмiga шарҳлар.

### **1015-модда. Юридик шахс бекор қилинган тақдирда зарарнинг қопланиши**

**Ҳаёт ва соғликқа етказилган зарар учун белгиланган тартибда жавобгар деб топилган юридик шахс қайта тузилган тақдирда, тегишли тўловларни тўлаш мажбурияти унинг ҳуқуқий вориси зиммасида бўлади. Заарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги талабнома ҳам унга тақдим этилади.**

**Ходимнинг меҳнат мажбуриятларини бажариши муносабати билан унинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар учун жавобгар бўлган, қишлоқ хўжалиги товар маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи қайта ташкил этилаётган юридик шахсда маблағ бўлмаган ёхуд етарли бўлмаган тақдирда, ундирилиши лозим бўлган суммалар**

**қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда давлат томонидан тўланади. Қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам мазкур суммалар давлат томонидан тўланади. (ЎзР 12.12.2003 й. 568-П-сон Қонуни таҳриридаги қисм)**

**ЎзР 12.12.2003 й. 568-П-сон Қонунига мувофиқ иккинчи ва учинчи қисмлари тегишинча учинчи ва тўртингч қисмлар деб хисоблансин**

**Ҳаёт ва соғлиққа етказилган зарар учун белгиланган тартибда жавобгар деб топилган юридик шахс тугатилган тақдирда, тегишли тўловлар уларни қонун ҳужжатларида белгиланган қоидаларга кўра жабрланувчига тўлаш учун капиталлаштирилиши лозим.**

**Тугатилаётган юридик шахснинг мол-мулки йўқлиги ёки етарли эмаслиги сабабли тўловларни капиталлаштириш мумкин бўлмаган ҳолларда, белгиланган суммалар жабрланувчига давлат томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда тўланади. (ЎзР 30.08.2001 й. 271-П-сон Қонуни таҳриридаги қисм)**

1. Ушбу шарҳланаётган моддада юридик шахс қайта ташкил этилганда зарар етказганлик учун жавобгарлик субъектини, юридик шахс тугатилганда зарарни ундириш манбанини ва тўлов учун маъсул шахсни белгилайди.

2. Ҳаёт ва соғлиққа етказилган зарар белгиланган тартибда жавобгар деб топилган юридик шахс қайта тузилган, қайта ташкил этилган тақдирда (ФКнинг 49-моддаси.) тегишли тўловларни тўлаш мажбурияти унинг хукукий вориси зиммасида бўлади. Юридик шахс қайта ташкил этилганда ворислик масалалари ФКнинг 50-моддасида белгилаб қўйилган. Жабрланувчи зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги талабномани юридик шахс хукукий ворисига тақдим этади.

Юридик шахсни қайта ташкил этиш, бўлиниш, қўшиб олиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш шаклида амалга оширилади.

Юридик шахслар қўшиб юборилганида улардан ҳар бирининг хукуқ ва бурчлари топшириш ҳужжатига мувофиқ янгидан вужудга келган юридик шахсга ўтади.

Юридик шахс бошқа юридик шахсга қўшилганида, бу юридик шахсга қўшилган юридик шахснинг хукуқ ва бурчлари топшириш ҳужжатига мувофиқ ўтади.

Юридик шахс бўлинган тақдирда унинг хукуқ ва бурчлари тақсимлаш балансига мувофиқ янгидан вужудга келган юридик шахсларга ўтади.

Юридик шахс таркибидан бир ёки бир неча юридик шахс ажралиб чиққанида қайта ташкил этилган юридик шахснинг хукуқ ва бурчлари тақсимлаш балансига мувофиқ уларнинг ҳар бирига ўтади.

Бир турдаги юридик шахс бошқа турдаги юридик шахсга айлантирилганида (ташкилий-хукуқий шакли ўзгартирилганида), қайта ташкил этилган юридик шахснинг хукуқ ва бурчлари топшириш хужжатига мувофиқ янгидан вужудга келган юридик шахсга ўтади.

Кўриниб турибдики, бўлиниш, ажратиб чиқаришда бир юридик шахсдан бир неча юридик шахс вужудга келади. Заарларни ундириш бўйича тўловларни амалга ошириш субъекти тақсимлаш балансида кўрсатилади.

Қўшиб юбориши, қўшиб олишда бир неча юридик шахс ўрнига бир юридик шахс вужудга келади. Бунда топшириш баланси тузилади.

Топшириш хужжати ва тақсимлаш баланси қайта ташкил этилаётган юридик шахснинг барча кредиторлари ва қарздорларига нисбатан барча мажбуриятлар бўйича, шу жумладан тарафлар низолашаётган мажбуриятлар бўйича ҳам, хукуқий ворислик тўғрисидаги қоидаларни ўз ичига олган бўлиши керак (ФКнинг 51-моддаси 1-қисми). Агар тақсимлаш баланси қайта ташкил этилган юридик шахснинг хукуқий ворисини аниқлаш имконини бермаса, янгидан вужудга келган юридик шахслар ўз кредиторлари олдидаги мажбуриятлари бўйича солидар жавобгар бўладилар.

Юридик шахс қайта тузилганида (ташкилий-хукуқий шакли ўзгартирилганида) жабрланувчига заарни қоплаш бўйича тўловлар тўлаш мажбурияти мулкчилик шакли, муасислар таркиби ўзгарганидан қатъий назар, янги тузилган юридик шахс зиммасига юклатилади.

3. Хаёт ва соғлиққа етказилган заар учун белгиланган тартибда жавобгар деб топилган юридик шахс тугатилган тақдирда, тегишли тўловлар уларни қонун ҳужжатларида белгиланган қоидаларига кўра жабрланувчига тўлаш учун капиталлаштириш лозим.

Юридик шахс тугатилганда унинг хукуқ ва мажбуриятлари хукуқий ворислик тартибida бошқа шахсларга ўтмасдан бекор бўлади. Юридик шахсни тугатиш асослари ФКнинн 53- моддасида назарда тутилган. Юридик шахс тугатилаётганда биринчи навбатда фуқароларнинг хаётiga ёки соғлиғига заар етказилганлиги учун тугатилаётган юридик шахс жавобгар бўлган фуқароларнинг талаблари ҳам тегишли вақтбай

тўловларни капиталлаштириш йўли билан қаноатлантирилади (ФКнинг 56-моддаси 1-кисми).

Том маънода капиталлаштириш — бу акциядорлик жамияти томонидан чиқарилган барча қимматбахо қоғозларни капиталга айлантирилган умумий суммасидир. Капиталлаштириш облигациялар, бошқа қарз мажбуриятлари, имтиёзли ва оддий акцияларни ва резерв капиталини камраб олади.

Жабрланувчиларга тўловларни таъминлаш учун капиталлаштириш турли шаклларда амалга оширилади. Масалан, тижорат банкида муайян суммага мақсадли хисоб раками очиш йўли билан. Унинг хажми ва фоизлари жабрланувчиларга даврий тўловларни амалга ошириш учун сарфланади, демак, ушбу вазифани муайян муддатта ёки доимий бажариш учун етарли бўлиши шарт. Бошқа бир шаклда эса қимматбахо қоғозлар (акциялар, облигациялар, депозит сертификатлари ва ш.к.) пакети сотиб олинади, ундан олинадиган дивидентлар ва фоизлар етказилган зарарни қоплаш бўйича мажбуриятларга хизмат қиласи (бунда ҳам асосий шарт — уларни етарли бўлиши хисобланади).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2005 йил 11 февралдаги «Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш Қоидалари» тўғрисидаги 60-сонли Қарорининг VI-бўлимида (42–49-бандлар) юридик шахсларни қайта ташкил этиш ёки тугатишда зарарни қоплаш суммаларини капиталлаштириш ва тўлаш тартиби белгиланган.

42. Белгиланган тартибда ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар учун жавобгар деб эътироф этилган юридик шахс қайта ташкил этилган (кўшиб юбориш, кўшиб олиш, бирлаштириш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартериш) тақдирда зарарни тўлаш бўйича тегишли тўловларни тўлаш мажбурияти учун унинг ҳуқуқий вориси жавоб беради. Зарарни тўлаш тўғрисидаги талаб ҳам унга берилади.

48. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимлари зарар тўланиши ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг яшаш жойлари бўйича зарар суммаси тўловини мазкур Қоидаларга мувофиқ хисоблаб чиқилган миқдорда амалга оширадилар.

4. Тугатилаётган юридик шахснинг мол-мулки йўклиги ёки етарли эмаслиги сабабли тўловларни капиталлаштириш мумкин бўлмаган

холларда белгиланган суммалар жабрланувчига давлат томонидан қонун хужжатларида назарда тутилган тартибда тўланади.

Ушбу нормалар капиталлаштирилган маблағлар сарфлаб бўлинган, қимматбахо қоғозлар қадрсизланган ҳолатларда ҳам қўлланилади.

Ушбу шархланаётган модданинг 3-қисмини амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2005 йил 11 февралда 60-сонли Қарори билан тасдиқланган Қоидаларда белгилаб қўйилган. Юридик шахс қайта ташкил этилган ёки тугатилган тақдирда заар суммасини тўлаш тартиби Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

### **1016-модда. Дафн этиш харажатларининг қопланиши**

**Жабрланувчи вафот этганлиги туфайли қўрилган заар учун жавобгар шахслар дафн этиш учун зарур бўлган харажатлар ўрнини бу харажатларни қилган шахсга тўлашлари шарт.**

**Бу харажатларни қилган фуқаролар томонидан олинган дафн этиш нафақаси заарнинг ўрнини қоплаш ҳисобига киритилмайди.**

1. Ушбу шархланаётган моддада жавобгарлик субъектини дафн этиш харажатларини қоплаш мажбуриятининг мазмуни белгилаб қўйилган.

2. Жабрланувчи вафот этганлиги сабабли қўрилган заар учун жавобгар шахслар дафн этиш учун зарур бўлган харажатлар ўрнини бу харажатларни қилган шахсга (маййит эгасига) тўлашлари шарт.

Дафн этиш учун зарур бўлган харажатлар хажми ва турлари норматив-хуқуқий жиҳатдан белгилаб қўйилмаган. Бироқ амалда ушбу сарф-харажатлар куйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади:

- марҳум учун қабр қазиш билан боғлиқ харажатлар;
- марҳумни дафн этишга тайёрлаш билан боғлиқ харажатлар (мусулмонлар одатлари бўйича — мурдани ювиш, кафанлик, жанозани ташкил этиш; христиан одатлари бўйича — тобут тайёрлаш, кийим-бошлар, гулчамбарлар);

— дафн этишни амалга ошириш, шу жумладан, транспорт харажатлари.

Урф-одат ва маросимлар харажатлари, яъни худойи, йигирма, кирк, йил оши ва ш.к. дафн харажатлари таркибига киритилмайди. Бироқ бу жавобгарлик субъектлари томонидан бундай маросимларни ўтказиш

харажатларини ихтиёрий равишда тўлиқ ёки қисман ўз зиммаларига олишлариға тўсқинлик қилмайди.

Муайян ҳолатлардан келиб чиқиб, мурдани кремация қилиш харажатларини ҳам жавобгарлик субъектлари қоплаш шарт бўлган харажатлар туркумiga киритиш мумкин.

3. Тарафларни розилиги ва талаби билан дафн этиш учун зарур харажатлар хажми ва хатто маросимлар сарф-харажатлари миқдори оқилоналиқ тамойиллари асосида фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари ёки суд томонидан белгиланади.

4. Одатда марҳумни оиласига (эри ёки хотинига, фарзанларига ёхуд дафн этиш ташкил этиш харажатларини амалда ўз зиммасига олган бошқа якин кариндошларга) белгиланган тартибда дафн этиш нафақаси тўланади, марҳумни, оила аъзоларини иш жойларидан, маҳалладан моддий ёрдам кўрсатилади. Бироқ ушбу маблағлар дафн этиш харажатларини ўрнини қоплаш хисобига киритилмайди.

5. Дафн этиш харажатларини тўлашда жабрланувчининг айби хисобга олинмайди (ФКнинг 1004-моддаси 4-қисми).

### **3-§. ТОВАРЛАР, ИШЛАР, ХИЗМАТЛАРДАГИ НУҚСОНЛАР ОҚИБАТИДА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИНГ ЎРНИНИ ҚОПЛАШ**

#### **1017-модда. Товарнинг, ишнинг, хизматнинг нуқсонлари оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш асослари**

**Товарнинг (ишнинг, хизматнинг) конструктив, рецептуравий ёки бошқа нуқсонлари оқибатида, шунингдек товар (иш, хизмат) тўғрисидаги маълумот нотўғри ёки етарли эмаслиги оқибатида фуқаронинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига ёхуд юридик шахснинг мол-мулкига етказилган зарар сотувчи ёки тайёрловчи (ижрочи) томонидан, уларнинг айбидан ва жабрланувчи улар билан шартнома муносабатларида бўлгани ёки бўлмаганидан қатъи назар, қопланиши лозим.**

**Ушбу моддада назарда тутилган қоидалар товарни (ишнинг бажарилиши, хизматнинг кўрсатилиши) тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш учун эмас, балки истеъмол мақсадлари учун сотиб олинган ҳоллардагина қўлланилади.**

1. Ушбу шархланаётган моддада товарнинг, ишнинг, хизматнинг нуқсонлари оқибатида етказилган зарарнинг ўринни қоплаш асослари ва уларни қўллаш доираси белгилаб қўйилган.

2. Фуқаронинг хаёти, соғлиги ёки мол-мулкига ёхуд юридик шахснинг мол-мулкига товарнинг (ишнинг, хизматнинг):

- конструктив нуқсонлари;
- рецептуравий нуқсонлари;
- бошқа нуқсонлари;
- шунингдек товар, иш, хизмат тўғрисидаги маълумот нотўғри эканлиги;
- товар, иш, хизмат тўғрисида маълумот етарли эмаслиги оқибатида етказилган зарар товарни тайёрловчи ёки сотувчи, ишнинг ёки хизматнинг ижроиси томонидан, уларнинг айбидан ва жабрланувчи улар билан шартномавий муносабатларида бўлгани ёки бўлмаганидан қатъий назар қопланиши лозим.

3. Товар конструкцияси энг аввало унинг шаклида, кўринишида ифодаланди. Товарнинг конструктив элементлари стандартларга ва техник шартларга мувофиқ бўлиши лозим. Кўпчилик товарлар конструкцияси унинг сифати ва тайинланиши мақсадига яроқлилигини белгилаб беради. Агар товар маҳсус идишда ёки ўровда сотилса, кўздан кечириш орқали унинг конструктив нуқсонларини аниқлаб бўлмайди. Ушбу нуқсонлар бўйича товарни тайёрловчи ёки сотувчи улар тўғрисида хабардор эканлигидан қатъий назар, солидар жавобгар бўладилар.

Агарда товарнинг конструктив нуқсонлари унинг ташқи шакли билан боғлиқ бўлса, товарнинг рецептуравий нуқсонлари унинг ички тузилиши, таркибий қисмлари (энг аввало кимёвий, физик таркиби ва ш.к.) шунингдек товар (иш, хизмат)дан фойдаланиш қоидаларида камчиликлар билан боғлиқ. Ушбу нуқсонлар истеъмолчининг эътирози асосида мутахассислар томонидан аниқланади.

Қонунда тайёрловчи (сотувчи, ижрочи)нинг хукуққа хилоф қилмиши сифатида товар (иш, хизмат)нинг бошқа нуқсонлари хам кўрсатиб ўтилади. Бундай нуқсонларни тугал рўйхатини олдиндан белгилаш қийин — бунда нуқсонларнинг характеристи эмас, балки мол-мулкка (кишилар хаётига, соғлиғига) етказилган зарар сифатида уларнинг оқибатлари мухим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси «Истеъмолчилар хукуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ тайёрловчи, ижрочи сотувчи истеъмол-

чиға ўзи хақида ва ўз фаолиятининг қоидалари түғрисида маълумот етка-зиши шарт (5-м.). Тайёрловчи (ижрочи, сотовчи ўзи реализация қилаётган товарлар (ишлар, хизматлар) түғрисида зарурий, ишончли ва тушунарли маълумотларни ўз вақтида тақдим этиши шарт. Одатда товарлар (ишлар, хизматлар) түғрисида нотўғри маълумот берилганда истеъмолчига сифат кўрсаткичлари муболага билан, ошириб, бўрттириб юборилган маълумотлар тақдим этилади (масалан, «Сув учун фильтр сувдаги ёт аралашмаларни мутлақо ўтказмайди» қабилида) ва салбий хусусиятлар түғрисида лом-мим дейилмайди (айтайлик ўша фильтрда соглиқ учун зарарли бўлган радиоактив нур чиқарувчи қурилма мавжуд). Хар иккала ҳолатда хам ахборот түғри ва реал воқеликка түғри келмайди. Истеъмолчига нотўғри маълумот бериш оқибатлари «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш түғрисида»ги Қонуннинг 7-моддасида кўрсатилган. Бунда шуну унумаслик лозимки, истеъмолчининг товар (иш, хизмат) хақидаги нотўғри ва етарли даражада тўлиқ бўлмаган маълумот туфайли етказилган зарарни қоплаш түғрисидаги талаблари сотиб олинган товар (иш, хизмат)нинг хоссалари ва жиҳатлари хақида истеъмолчи маҳсус билимга эга эмас деган тахминга асосланиб караб чиқиласди. Бошқача айтганда, истеъмолчи маҳсус билимга эга эмас, истеъмолчи мутахассис эмас тамойили амал қиласди.

Истеъмолчиларга тақдим этиладиган ахборотлар хажми «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш түғрисида»ги Қонуннинг 5–6-моддадарига кўрсатилган. Жумладан, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотовчи) истеъмолчига ўзи реализация қилаётган товар (иш, хизмат)лар хақида ўз вақтида, зарур, түғри ва тушунарли маълумотлар бериши ва уларда албатта қуйидагилар кўрсатилган бўлиши лозим:

- товар (иш, хизмат) мажбурий талабларига мувофиқ келиши шарт бўлган норматив хужжатнинг номи;
- баҳоси ва сотиб олиш шартлари;
- товар (иш, хизмат)нинг асосий истеъмол хусусиятлари: шу жумладан ўзига хос хусусиятлари рўйхати;
- айрим турдаги товарларни ишлаб чиқарилган санаси;
- ишлаб чиқарувчи (ижрочи)нинг кафиллик мажбуриятлари;
- товардан самарали ва хавфсиз фойдаланиш қоидалари хамда шартлари;
- товарнинг хизмат (яроқлилик) муддати ва ушбу муддат тугаганидан кейин истеъмолчи нима ишлар қилиш зарурлиги, шунингдек, бун-

дай ишларни бажармаслик натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлар тўғрисидаги маълумотлар;

– ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)нинг ҳамда улар истеъмолчидан даъво, эътиrozлар қабул қилишга ваколат берган, шунингдек, таъмиrlash ишларини бажарадиган ва техникавий хизмат кўrsatадиган корхоналар-ning манзиллари;

– ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)нинг номи ва мулкчилик шакли, рўйхатга олиш ва лицензия гувоҳномаси қайд раками;

– товарларни хавфсиз утилизация қилиш усуслари ҳамда коидалари;

– сертификатлаштириш хақидаги маълумотлар.

Қонун хужжатларида алоҳида турдаги бошқа товарлар (ишлар, хизматлар) тўғрисида истеъмолчиларга тақдим этилиши шарт бўлган бошқа зарур маълумотлар рўйхати ҳам белгилаб қўйилиши мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 авгуустда қабул қилинган «Озиқовқат маҳсулотлари хавфсизлиги тўғрисидаги» Қонуннинг 12-моддасида озиқ-овқат маҳсулотлари реализация қилинганда истеъмолчига тақдим этилиши мажбурий бўлган ахборотлар ҳажми белгилаб қўйилган. Агарда истеъмолчига тақдим этилган маълумотлар ичida ушбу қонунда санаб ўтилган маълумотларнинг биронтаси бўлмаса, бу истеъмолчига зарур маълумотларни бермаслик сифатида баҳоланади.

4. Ушбу ҳолларда жавобгарлик асоси сифатида зарар мол-мулкка етказилган зиён (шикастланиши, нобуд бўлиши, йўқотилиши) ёки шахсга етказилган зиён (бокувчининг ўлими ёки жароҳатланиши ёхуд соғлиққа бошқача шикаст етказилиши оқибатида иш хақини (даромадни) йўқотилиши ёки таъминотдан маҳрум бўлиш) тариқасида намоён бўлади.

Товар, иш, хизматлардаги нуксонлар (моддий ва ахборот характеристидаги камчиликлар) билан зарар ўртасида сабабли боғланиш бўлиши шарт.

5. Жавобгарлик ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)нинг айбидан қатъий назар (айбли бўлганда ҳам, айбисиз бўлганда ҳам) вужудга келади.

6. Заарни қопланишини талаб қилиш хукуқига нафакат товар, иш, хизматни сотиб олган, буюртма берган шахслар, балки ундан фойдаланиш жараёнида ёки бошқача ҳолатда заар кўрган хар қандай шахс (истеъмолчи) хисобланади.

7. Ушбу шарҳланаётган модданинг 1-қисмида назарда тутилган қоидалар товарлар, ишлар, хизматлардан истеъмол ёки шахсий

мақсадларда фойдаланиш учун сотиб олинган холларда қўлланилади. Бинобарин, бунда жабрланувчи нафақат истеъмолчи — фуқаро, балки мол-мулкига зарар етган юридик шахс хам бўлиши мумкин.

Агарда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда товарлар, ишлар, хизматлардаги нуқсонлар оқибатида зарар етса, зарар етказганлик учун жавобгарлик умумий асосларда ФКнинг 985-моддасига асосан вужудга келади.

Тадбиркорлик фаолияти тушунчаси ва белгилари Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги» Конуннинг 3-моддасида белгилаб қўйилган.

### **1018-модда. Товарнинг, ишнинг, хизматнинг нуқсонлари оқибатида етказилган зарар учун жавобгар шахслар**

**Товарнинг нуқсонлари оқибатида етказилган зарар жабрланувчининг танловига қўра товарнинг сотувчиси ёки тайёрловчиси томонидан қопланиши лозим.**

**Ишнинг (хизматнинг) нуқсони оқибатида етказилган зарар ишни бажарган ёки хизматни кўрсатган шахс (ижрочи) томонидан қопланиши лозим.**

**Товар (иш, хизмат) тўғрисида тўлиқ ёки ишончли маълумот бермаганлик оқибатида етказилган зарар ушбу модданинг қоидаларига мувофиқ қопланиши лозим.**

1. Ушбу шарҳланаётган моддада товарнинг, ишнинг, хизматнинг нуқсонлари оқибатида етказилган зарар учун жавобгар шахслар доираси белгилаб қўйилган.

2. Товарлар (ишлар, хизматлар)даги нуқсонлар сабабли етказилган зарар учун жавобгарлик субъекти бўлиб товарларни ишлаб чиқарувчиси, товарларни сотувчиси, ишлар (хизмат)ни ижрочиси хисобланади.

Ишлаб чиқарувчи бўлиб реализация қилинган товарларни тайёрлаган корхона, муассаса, ташкилот ёхуд якка тадбиркор хисобланади.

Истеъмолчига майший, турар-жой ва коммунал, қурилиш-таъмирлаш, транспорт ва бошқа соҳаларда шартнома асосида иш бажарган ёхуд хизмат кўрсатган корхона, муассаса, ташкилот ёки якка тадбиркор ижрочи деб тан олинади.

Товарларни олди-сотди шартномаси асосида реализация қилувчи корхона, муассаса, ташкилот ёки якка тадбиркор сотувчи бўлиб хисобланади.

3. Товарнинг нуқсонлари оқибатида етказилган зарар жабрланувчининг танловига кўра товарнинг сотувчиси ёки тайёрловчиси, ишлаб чиқарувчиси томонидан қопланиши лозим. Бунда танлаш хукуки мутлақо истеъмолчига тегишли.

Ишлар (хизматларнинг) нуқсони оқибатида етказилган зарар ишни бажарган ёки хизматни кўрсатган шахс, яъни ижрочи томонидан қопланиши лозим. Агарда иш бир неча субъектлар томонидан бажарилган бўлса (бош пудратчи ва ёрдамчи пудратчилар бўлса), жавобгарлик субъекти ФКнинг 634-моддасида белгиланган қоидалар асосида белгиланади.

Товар (иш, хизмат) тўғрисида тўлиқ ёки ишончли маълумот бермаганлик оқибатида етказилган зарар истеъмолчининг танловига кўра товарни тайёрловчи ёки товарни сотувчи, иш (хизмат) ижрочиси томонидан қопланади.

Агарда товардаги нуқсонлар товар ишлаб чиқарувчининг айби билан содир бўлган, товарларни сотувчи жабрланувчи (истеъмолчи) олдида зарарларни қоплаган бўлса, умумий асосларда регресс хукукига эга.

### **1019-модда. Товарнинг, ишнинг, хизматнинг нуқсонлари натижасида етказилган зарарни қоплаш муддатлари**

**Товарнинг (ишнинг, хизматнинг) нуқсонлари оқибатида етказилган зарар, агар у товарнинг (ишнинг, хизматнинг) белгиланган яроқлилик муддатлари мобайнида етказилган бўлса, қопланиши лозим, мабодо яроқлилик муддати белгиланмаган бўлса, товар ишлаб чиқарилган (иш, хизмат қабул қилиб олинган) кундан бошлаб ўн йил мобайнида қопланиши лозим. Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган муддатлардан ташқари зарар қуидаги ҳолларда қоплашиши лозим, агар:**

**қонун талаблари бузилиб яроқлилик муддати белгиланмаган бўлса;**  
**товарни сотиб олган, ишни бажартирган ёки хизматдан фойдаланган шахс яроқлилик муддати тугаганидан кейин зарур бўлган харакатларни қилиши тўғрисида ва кўрсатилган харакатлар бажарилмаган тақдирда келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлар тўғрисида огоҳлантирилмаган бўлса.**

1. Ушбу шарҳланаётган моддада товарлар (ишлар, хизматлар)нинг нуқсони натижасида етказилган зарарни қоплаш муддатлари ва уларни қўллаш хусусиятлари белгилаб қўйилган.

2. Товарнинг (ишнинг, хизматнинг) нуқсонлари оқибатида етказилган зарар, агар у товарнинг (ишнинг, хизматнинг) белгиланган яроқлилик муддатлари мобайнида етказилган бўлса, қопланади.

Қонун хужжатларида, шу жумладан, давлат стандартларида товар ўз вазифаси бўйича фойдаланиш учун яроқсиз ҳолга келиб қолади деб хисобланадиган вақт (яроқлилик муддати) белгиланиши мумкин (ФКнинг 405-моддаси 1-қисми). Яроқлилик (сақлаш) муддати-муайян давр бўлиб, бу даврда товар фойдаланишга яроқли бўлади ва у тамом бўлгач, товар одамлар хаёти ҳамда соғлиғи учун хавф туғдириши мумкин. Хизмат муддати — товардан фойдаланишнинг белгиланган муддати бўлиб, у тамом бўлгач, товарнинг техник холатидан қатъий назар, ундан фойдаланиш тўхталади. («Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддаси). Товарлар (ишлар, хизматлар) яроқлилик муддати товарлар, ишлар, хизматлар хавфсизлигини таъминлашнинг асосий юридик воситаси хисобланади.

Одатда яроқлилик муддати фойдаланиш жараёнида тўлиқ истеъмол қилинадиган товарларга (иш натижаларига), яъни озиқ-овқатлар, доридармон воситалари, пардоз ва парфюмери маҳсулотлари, маиший кимё буюмлари ва шу кабиларга белгиланади. Улар истеъмол қилинадиган ашёлар хисобланади.

Хизмат муддати эса узок муддат фойдаланилайдиган, фойдаланиш жараёнида гарчи ўзгаришларга дучор бўлса хам, тўлиқ истеъмол қилинмайдиган товарлар (ишларнинг натижалари)га белгиланади. Улар жумласига техник мураккаб қурилмалар, машиналар, механизмлар, агрегатлар, самолётлар, уларнинг двигателлари, шунингдек, бошқа ашёлар (кийим-бош, пой-афзаллар, бино ва ш.к.) киради. Улар истеъмол қилинмайдиган ашёлар хисобланади.

Сотувчи яроқлилик муддати белгиланган товарни сотиб олувчига шундай мўлжал билан топшириш керакки, токи ундан яроқлилик муддати тугагунга қадар ўз вазифаси бўйича фойдаланиш мумкин бўлсин. Товарнинг яроқлилик муддати товар тайёрланган кундан бошлаб фойдаланиш учун яроқли бўлиб турадиган сана билан белгиланади.

Товарнинг яроқлилик муддатини ўтиши кишилар хаёти ва соғлиғига хавф туғдирадиган барча холларда ишлаб чиқарувчи товарнинг яроқлилик муддатини (хизмат муддатини) белгилаши шарт. Даволаш воситалари, озиқ-овқат маҳсулотлари ва майший кимё буюмларида товарни чиқарилиш санаси, яроқлилик муддати ва саклаш шартлари кўрсатилиш лозим. Сотувчиларни яроқлилик муддати ўтган ёки ушбу муддат кўрсатилмаган товарларни қабул қилиш ва реализация қилиши таъкиқланади. Агарда товарни яроқлилик муддати ўтганидан кейин хам фойдаланиш ва истеъмол қилиш кишилар хаёти ва соғлиғи учун хавфсиз бўлса, яроқлилик муддатини белгилаш ишлаб чиқарувчининг мажбурияти эмас, балки ҳуқуқидир. Товарни яроқлилик ёки хизмат муддатини кўрсатиш ишлаб чиқарувчи (ижрочи) учун мажбур бўлмаган холларда ФКнинг 1019-моддасини қўллашда икки хил вазият вужудга келиши мумкин: агарда ишлаб чиқарувчи бундай муддатни белгилаб қўйган бўлса, зарар шу муддат давомида етказилган тақдирда қопланади, агарда яроқлилик муддати белгиланмаган бўлса, товар ишлаб чиқарилган (иш, хизмат қабул қилиб олинган) кундан бошлаб ўн йил мобайнида қопланиши лозим.

3. ФКнинг 1019-моддаси 1-қисмида белгиланган ўн йиллик муддат товарлар, ишлар, хизматлардан тадбиркорлик билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда фойдаланаётган истеъмолчилар ва бошқа субъектларни ҳуқуқларини ишончли ва оқилона ҳимоя қилишни таъминлайди. Бошқа жиҳатдан олганда ушбу муддат қонунларда тегишли ўхшаш вазиятларда қўлланиладиган муддатлар билан айнан бир хил (масалан, ФКнинг 682-моддаси 1-қисмига мувофиқ курилиш пуррати бўйича кафолат муддати агар қонунда ёки шартномада бошқача белгиланган бўлмаса, объект буюртмачи томонидан қабул қилингандан бошлаб ўн йил қилиб белгиланган). «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддаси 3-қисмига кўра ишлаб чиқарувчи (ижрочи) товар (иш, хизмат)нинг хизмат муддати ёки яроқлилик муддати мобайнида, агар бундай муддат белгиланган бўлмаса, товар истеъмолчига сотилган (иш бажарилган) кундан эътиборан ўн йил мобайнида унинг хавфсиз бўлишини таъминлаши шарт. Муайян турдаги товарлар бўйича нормативларда (стандартларда) товарни яроқлилик муддати белгиланган бўлса, бироқ бундай маълумот товарда бўлмаса, «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддаси 2-қисмида товар (иш,

хизмат)нинг нуқсонлари натижасида етказилган заарни қоплашда даъво муддатларини қўлламаслик шартлари белгилаб қўйилган. Бошқача айтганда товарлар (ишлар, хизматлар)нинг нуқсонлари натижасида етказилган хеч қандай муддатлар билан чегараланмаган холда қопланади, агарда:

– қонун талаблари бузилиб яроқлилик муддати белгиланмаган бўлса (масалан, «Истеъмолчилар хукукларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддаси 6-қисмида худди шундай талаблар мустахкамлаб қўйилган);

товарни сотиб олган, ишни бажартирган ёки хизматдан фойдаланган шахс яроқлилик муддати тугаганидан кейин зарур бўлган ҳаракатларни қилиши тўғрисида ва қўрсатилган ҳаракатлар бажарилмаган тақдирда келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлар тўғрисида огохлантирилмаган бўлса. Қонун ишлаб чиқарувчи, сотувчи, ижрочи зиммасига товарлар (ишлар, хизматлар) тўғрисида тўлиқ, зарур, ишончли ва тушунарли маълумот бериш мажбуриятини юклайди. Маълумотни тушунарли бўлишига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Масалан, муайян товардан фойдаланиш қоидаларида уни утилизация қилинса, қонун талаблари бузилади. Агар товар Ўзбекистонда реализация қилинса, қонун талаблари бузилади. Агарда ушбу товардан фойдаланиб бўлингандан кейин ташлаб юборилгач, ундаги симоб ёки кислота бошқа шахсларга соғлиғига заар етказса, ушбу шарҳланаётган модданинг 2-қисми 2-б. қўллашга асос бўлади.

Истеъмолчини огохлантириш (товар, иш, хизмат хоссалари ва хусусиятлари тўғрисида) хар доим ёзма шаклда расмийлаштирилмоғи лозим. Амалда баъзи холларда истеъмолчи қўлланмалар, фойдаланиш қоидаларининг эслатма ёки қайдлар учун деб номланган қисмларига товардан фойдаланиш қоидалари танишганлиги тўғрисида имзо чекади. Истеъмолчини қонун талаб қилган маълумотлар билан танишириш, тақдим этиш жараёнига бундай формал, юзаки, хўjakакўрсинга ва эътиборсизлик билан ёндошмаслик лозим. Товардаги огохлантириш ёзувлари яққол кўзга ташланадиган, эътиборни жалб қиласидиган шаклда берилиши мақсадга мувофиқ. Масалан, кўп холларда маҳсус автомобилларга катта-катта ҳарфлар билан «Ёнгиндан хавфли», «Таянч қўйилмасдан ишланмасин», «Одам ташиш мумкин эмас» каби ёзувлар қонун талабларини амалдаги ижроси хисобланади.

Шуни унутмаслик керакки, баъзи товарлар фойдаланиш жараёнида заар келтирмайди, бироқ хизмат муддати тугугандан кейин уларни шунчаки ташлаб юбориш, йўқ қилиб ташлаш, бузиб ташлаш ёки ўзбилармонлик

били утиллаштириш мүмкін эмас (унинг таркибий қисмлар герметик-лиги бузилганда захарлы газлар, моддалар чиқиши, кишилар соғлиғи ёки хаётига хавф туғдириши мүмкін). Худди шу сабабли хам қонунда ишлаб чиқарувчи зиммасига товарни яроқлилик мұддати тугагандан кейин зарур бўлган ҳаракатларни килиш тўғрисида (утиллаштиришни маҳсус усувлари, зарарсизлантириш йўллари, маҳсус сақлаш шартлари ва х.к.) ва кўрсатилган ҳаракатлар бажарилмаган тақдирда келиб чиқиши мүмкін бўлган оқибатлар (портлаш, захарланиш ва шу кабилари натижасида кишилар хаёти ва соғлиғига хавф туғдириши) тўғрисида огохлантириш мажбуриятини юклайди.

## **1020-модда. Товарнинг, ишнинг, хизматнинг нуқсонлари қибатида етказилган зарар учун жавобгарликдан озод қилиш асослари**

**Товарнинг сотувчиси ёки тайёрловчиси, ишнинг (хизматнинг) ижрочиси, зарар енгид бўлмас куч таъсирида ёки истеъмолчи товарларни сақлаш ёки улардан (ишнинг натижаларидан, хизматлардан) фойдаланиш юзасидан белгиланган қоидаларни бузиши оқибатида етказилганлигини исботлаган ҳолларда жавобгарликдан озод қилинади.**

1. Ушбу шарҳланаётган моддада товарнинг (ишнинг, хизматнинг) нуқсонлари оқибатида етказилган зарар учун жавобгарликдан озод қилиш шартлари ва асослари, уларни кўллаш хусусиятлари белгилаб қўйилган.

2. Товарнинг сотувчиси ёки тайёрловчиси, ишнинг (хизматнинг) ижрочиси зарар енгид бўлмас куч таъсирида етказилганлиги исботланган ҳолда жавобгарликдан озод қилинади. Енгид бўлмайдиган куч ва фавқулотда вазиятлар (форс-мажор ҳолатлари) моҳияти, ҳарактери ва улар содир бўлишини юридик оқибатлари тўғрисида ФКнинг 333-моддаси шарҳига қаранг. Енгид бўлмас куч товарга таъсир кўрсатиши натижасида (масалан, зилзила натижасида захарли моддалар омбори бузилиб, кишилар соғлиғига шикаст етказиши) зарар етказишида товар ишлаб чиқарувчининг айби мавжуд эмас, бинобарин унинг жавобгарлиги истисно этилади.

3. Товарнинг сотувчиси ёки тайёрловчиси, ишнинг (хизматнинг) ижрочиси зарар истеъмолчи товарларни сақлаш ёки улардан фойдаланиш юзасидан белгиланган қоидаларни бузиш оқибатида етказилганлигини исботлаган ҳолларда хам жавобгарликдан озод қилинади. Бунда истеъмолчи томонидан товардан (ишдан, хизматдан) фойдаланиш, сақлаш,

товарларни ташиш, утиллаштириш бўйича белгиланган қоидалар бузилиши оқибатида зарар вужудга келади.

Фойдаланиш (саклаш, транспортировка қилиш, утилизациялаштириш) қоидаларида риоя қилмаслик ёхуд лозим даражада риоя қилмаслик дейилганда товарлар, ишлар, хизматлар тўғрисидаги ахборотлар орқали етказилган одатдаги ёки маҳсус қоидаларни бузилиши тушунилади. Ушбу қоидага истеъмолчининг риоя қилмаслиги ёки лозим даражада риоя қилмаслиги унинг айби мавжудлигини англатади.

4. Товарлар, ишлар, хизматлардаги нуқсонлар сабабли истеъмолчига зарар етказилганда ишлаб чиқарувчи, сотувчи, ижрочи жавобгарлигини истисно этувчи холатлар мавжудлигини исботлаш бурчи ишлаб чиқарувчи, сотувчи, ижрочи зиммасига юкландади.

5. Агар ишлаб чиқарувчи (сотувчи) хавфли хоссаларга эга бўлган товарни қайтариб олиш юзасидан барча зарур чораларни кўрган бўлса, у истеъмолчи мазкур товардан фойдаланишини давом эттиравериши туфайли етказилган зарар учун жавобгарликдан озод қилинади («Истеъмолчилар хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддаси 11-қ.).

## **4-§. МАЪНАВИЙ ЗАРАНИ ҚОПЛАШ**

### **1021-модда. Умумий қоидалар**

**Маънавий зарар уни етказувчининг айби бўлган тақдирда, зарар етказувчи томонидан қопланади, ушбу модданинг иккинчи қисмida назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.**

**Маънавий зарар уни етказувчининг айбидан қатъи назар қуидаги ҳолларда қопланади, агар:**

**зарар фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига ошиқча хавф манбаи томонидан етказилган бўлса;**

**зарар фуқарога уни қонунга хилоф тарзда хукм қилиш, қонунга хилоф тарзда жиноий жавобгарликка тортиш, эҳтиёт чораси сифатида қамоқقا олишини ёки муносаб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат олишини қонунга хилоф тарзда қўлланиш, қонунга хилоф тарзда маъмурий жазо қўлланиш ва қонунга хилоф тарзда ушлаб туриш натижасида етказилган бўлса;**

**зарар ор-номус, қадр-қиммат ва ишчанлик обрў-эътиборини  
хақоратловчи маълумотларни тарқатиш туфайли етказилган бўлса;  
конунда назарда тутилган бошқа ҳолларда.**

1. Ушбу шарҳланётган моддада маънавий зарарни қоплашнинг умумий асослари, жавобгарлик шартлари белгилаб қўйилган.

2. Маънавий зарар деганда жабрланувчига қарши содир этилган хуқуқбузарлик харакати (харакатсизлик) оқибатида у бошидан кечирган (ўтказган) маънавий ва жисмоний (камситилиши, жисмоний оғриқ, хўрланиш, нокулайлик ва ш.к.) азоблар тушунилади (Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги «Маънавий зарарни қоплаш хақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисидаги» 7-сонли Қарори).

Жисмоний оғриқ — бу тиббий юридик категория хисобланади. Жисмоний уқубатлар, жисмоний оғриқ, азобланиш, қийналиш кўринишларида намоён бўлиб, жабрланувчига қилинган зарар етказиш оқибатларини натижаси хисобланади.

Маънавий азоблар эса кишини ички рухий-психик дунёсига таълуқли қийноклар бўлиб хисобланади. Юқорида жисмоний оғриклар тиббий-юридик категория эканлиги таъкидланган эди, хозирги замон фани унинг характер ва даражасини аниқлашни объектив воситаларига эга. Маънавий азоблар эса рухий-юридик категория бўлиб, инсонни фақат мутахассис баҳолай оладиган «хаяжон», «алам», «хўрлик», «сугут» каби субъектив хиссий холати таркибий қисмларига асосланади.

Маънавий зарар мавжуд деб хисоблаш учун унинг таркибий қисмларидан бири — ё жисмоний оғриқ ёки рухий изтироблар бўлиши кифоя. Агар уларнинг хар иккала бир вақтда мавжуд бўлса маънавий зарар даражасини юқори эканлигидан далолат беради ва жавобгарлик даражасини кучайтиришга хизмат қиласи. Бироқ уларнинг фақат бирининг мавжудлиги жавобгарликни қўлламасликка асос бўлмайди.

3. Умумий қоидага кўра маънавий зарар, зарар етказувчининг айби мавжуд бўлсагина у томонидан қопланади. Маънавий зарарни қоплаш кенг спектрдаги хуқуқбузарликларда қўлланилади. Шу сабабли хам маънавий зарарни қўллашда айб умумхукукий мезон вазифасини ўтади, бироқ хуқуқбузарлик характерига қараб бошқа хуқуқ тармоқлари, яъни жиноят-хукукий, маъмурий-хукукий, меҳнат хукукий, фуқаролик хукукий услугубий мезонларидан хам фойдаланиш мумкин.

4. Маънавий зарар уни етказувчининг айбидан қатъий назар қопланади, агар зарар фуқаронинг хаёти ва соғлиғига ошиқча хавф манбаидан етказилган бўлса (ошиқча хавф манбаи тушунчаси ва турлари тўғрисида батафсил қаранг: ФКнинг 999-моддасига шарх). Фуқароларнинг хаёти ва соғлиғига ошиқча хавф манбаларининг ўзаро таъсири натижасида зарар етказилган бўлса, зарар уларнинг хар бирининг айб даражасини хисобга олган холда ФКнинг 985-моддаси коидалари бўйича қопланади. Ошиқча хавф манба эгаларининг хар бирини айби мавжуд бўлган тақдирда уларнинг хар бири айб даражасига мутаносиб равишда жабрланувчи (жабрланувчилар) чеккан жисмоний ва руҳий азоб-уқубатлар даражасига караб қопланади. Агар соғлиғи шакистланган ошиқча хавф манба эгаси ушбу автохалокатда айбдор бўлса, унга маънавий зарар қопланмайди. Автотранспорт воситалари ўзаро тўқнашгандা, учинчи шахслар эмас, фақат манба эгалари соғлиғига шикаст етса, бироқ бунда хар иккаласининг айби бўлмаса, уларнинг хеч бири маънавий зарар қопланишини талаб қилишга хақли эмас.

Одатда зарар ошиқча хавф манбалари томонидан учинчи шахсларга етказилади (масалан, автомобиль билан пиёда йўловчини уриб кетиш). Бунда соғлиқча шикаст етказиш оқибатида жисмоний азобларни жабрланувчи бошидан кечириши табиий. Маънавий зарар оширилган хавф манба эгаси (автомобиль мулқдори ёки ижарачиси) томонидан айбидан қатъий назар қопланади.

5. Зарар фуқарога уни қонунга хилоф тарзда хукм қилиш, қонунга хилоф тарзда жиноий жавобгарликка тортиш, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиниши ёки муносиб хулқ атворда бўлиш хақида тилҳат олишни қонунга хилоф тарзда қўлланиш, қонунга хилоф тарзда маъмурий қамоқ жазосини қўллаш ва қонунга хилоф тарзда ушлаб туриш натижасида етказилган бўлса, уларни қўллаган органлар ва мансабдор шахслар айбидан қатъий назар, маънавий зарар ундирилиши лозим (бу хақда батафсил ФКнинг 991-моддасига қаранг). Юқорида кўрсатилган зарар етказиш ҳаракатлари қатъий белгилаб қўйилган ва у кенгайтирилган холда талқин этилиши мумкин эмас. Юқоридаги ҳаракатлар ғайри қонуний тарзда содир этилганда жабрланувчининг руҳий азоблари чукур ва оғир ҳарактер касб этиши табиий. Бунда нафақат унинг хукуқлари чекланади ва бошқалар, жамоатчилик кўзи ўнгида у муайян муддат, яъни хақ жойига қарор топгунча хукуқбузар ва хатто жиноятчи қиёфасида гавдаланади. Жабрланувчи бошдан кечирган

оғир ички кечинмалар юмшатилиши, рухан соғломлашиши амалга оширилиши лозим. Маънавий зарарни қоплаш шунга қаратилади.

Суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва фуқарога ёки юридик шахсга етказилган маънавий зарар, зарар етказувчининг айби мавжуд бўлган тақдирда ФКнинг 985-моддасига асосан қопланади. Бунда ушбу шарҳланаётган модданинг 2-қисми кўлланмайди.

6. Маънавий зарар ор-номус, қадр-қиммат ва ишchanлик обрў-эътиборини хақоротловчи, бадном қилувчи маълумотларни тарқатиш сабабли етказилган бўлса, ушбу маънавий зарар зарар етказувчининг айбидан қатъий назар ундирилади (Шаън, қадр-қиммат ва ишchanлик обрўси тушунчаси ва хуқуқий химоя қилиш хусусиятлари хақида ФКнинг 100-моддаси шарҳига каранг). Бунда бадном қилувчи маълумотларни характеристи, тарқатиш усули ва доираси жабрланувчи оғир руҳий изтиробларига сабаб бўлади ва жисмоний ёки руҳий касалликни келтириб чиқариши мумкин. Ушбу нормани кўлашда «Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги Қонун», «Журналист касб-кор фаолиятининг химояси тўғрисидаги Қонун», «Ахборот эркинлиги тамойиллари ва кафолатлари тўғрисидаги Қонун», шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 1992 йил 19 июнда қабул қилинган 92-сонли Қарори ва унга 1998 йил 11 сентябрда 24-сонли қарор билан ўзгартиришлар кири-тилган «Судлар томонидан фуқароларнинг ва ташкилотларнинг шаъни, қадр-қиммати ва ишchanлик обрўсини химоя қилиш тўғрисидаги Қонун хужжатларини қўллаш амалиёти тўғрисидаги Қарори» нормаларини эътиборга олиш лозим.

7. Қонунларда (қонун хужжатларида эмас) назарда тутилган бошқа холларда хам маънавий зарар уни етказувчининг айбидан қатъий назар қопланади.

## **1022-модда. Маънавий зарарни қоплаш усули ва миқдори**

### **Маънавий зарар пул билан қопланади.**

Маънавий зарарни қоплаш миқдори жабрланувчига етказилган жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусиятига, шунингдек айб товоң тўлашга асос бўлган холларда зарар етказувчининг айби даражасига қараб суд томонидан аниқланади. Зарарни қоплаш миқдорини аниқлашда оқилоналиқ ваadolатлилик талаблари эътиборга олиниши лозим.

**Жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусияти маънавий заар етказилган ҳақиқий ҳолатлар ва жабрланувчининг шахсий хусусиятлари хисобга олинган ҳолда суд томонидан баҳоланади.**

**Маънавий заар тўланиши лозим бўлган мулкий заардан қатъи назар қопланади.**

1. Ушбу шарҳланаётган моддада маънавий заарни қоплаш усуслари ва миқдорини аниқлаш хусусиятлари белгилаб қўйилган.

2. Одатда маънавий заар пул шаклида ва кўпинча сўмда қопланади. Айни пайтда қонун қоплашни бошқа муқобил шаклларига хам йўл кўяди. Масалан, Меҳнат Кодексининг 187-моддаси 2-қисмида белгиланишича маънавий заар, заар иш берувчи ва ходим ўртасидаги келишувда, ходим вафот этган холларда эса иш берувчи билан ходим оила аъзолари ўртасидаги келишувга кўра пул ёки бошқа моддий шаклда ва миқдорларда қопланади. Бошқа моддий шакл товарлар бериш, хизмат кўрсатиш ва шу кабилар орқали натура тарзида амалга оширилади.

3. Конун маънавий заарни қопланишини на минимал, на максимал миқдорларини белгиламайди. Маънавий заарни қоплаш миқдори факат суд томонидан белгиланади.

4. Маънавий заар миқдори қуйидаги мезонлар асосида белгиланади:

а) жабрланувчига етказилган маънавий ва жисмоний азобларнинг хусусияти ва характерига қараб (жисмоний оғриқларни қанча давом этгани, уларнинг даражаси, кисқа муддатли стресс ёки доимий депрессия ҳолати, хўрланиш, барқарор нокулайлик, сурункали рухий мажрухлик ва шу кабилар.);

б) айб товон тўлашга асос бўлган холларда заар етказувчининг айби (сурбетлик билан, бехаёлик билан, пухта ўйлаб хукуқбузарлик содир этгани ёки енгилтаклик билан ўйламасдан содир этгани ва ш.к.).

5. Зарар қоплаш миқдорини аниқлашда оқилоналил ва адолатлилик талаблари эътиборга олиниши лозим. Адолатлилик қоплаш миқдори билан хукуқбузарлик характери ўртасида мутаносиблик бўлишини тақозо этади (масалан, сурбетлик ва бехаёлик билан зарар етказилганда ўта катта миқдор, оддий ҳолатда зарар етказганда камроқ миқдор ва х.к.). оқилоналил эса жабрланувчининг хам, хукуқбузарнинг хам мулкий ҳолатини хисобга олишни талаб этади. Товон тўлаш инсонга етказилган маънавий жароҳатларни юмшатиш мақсадини қўзлайди ва у бир кишини бойиши хисобига бошқа шахсни қашшоқланишига олиб келмаслиги шарт. Баъзи хорижий давлат-

лар суд амалиётида учраётган холатларни, яни датьвогар ўзининг моддий таъминланганинги таъкидлаш маъносига соф рамзий тўлов (масалан, 1 рубл)ни талаб қилишни хам ўринли деб хисоблаб бўлмайди. Бу ўринда кенг ёқлама ёндашув лозим. Қоплаш миқдори хар доим иш бўйича барча холатлар мажмуини хисобга олиши шарт. Ушбу тоифадаги ишлар бўйича судлар қабул қилган хал қилув қарорларини мўлжалга ва хисобга олиш хам фойдадан холи бўлмайди. Албатта, хукуқбузарлик жиддий ва зарар етказувчининг айб даражаси юкори бўлган ҳолларда қоплаш миқдори у учун моддий жиҳатдан салмоқли таъсир юкига эга бўлиши мақсадга мувофиқ.

Жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусиятлари маънавий зарар етказилган хақиқат, реал холатлар ва жабрланувчининг шахсий хусусиятларини хисобга олган холда суд томонидан баҳоланади.

Жабрланувчига етказилган жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусиятлари кўп жиҳатдан тажовузнинг оғирлигига (хам жисмоний калтаклаш, хам хақорат ёки факат хақорат), хукуқбузарлик турига (безорилик ёки майший жанжал), субъектив хукукларини бузилиш даражасига, шунингдек, оқибатларни бартараф этиш мумкинлиги ёки субъектив хукукларни қулай шароитларда амалга оширишни ўнглаб бўлмаслиги (айниска бўлажак келин-куёвлар учун фотихани бузилиши, тўйни умуман бекор қилиниши ва х.к.) ва шу каби омилларга боғлиқ. Маънавий азобларни баҳолашга таъсир қиласиган жабрланувчининг шахсий хусусиятлар унинг касалмандлигига, ёши улуғлигига, эрли аёл ёки ёлғиз аёллигига, унаштирилган қиз эканлиги, касбий ёки жамоатчилик фаолиятининг ўзига хосликлари, шахсий таржимаи холи ва шу кабиларда намоён бўлади. Хар бир инсон ўзига хос. Шундан келиб чиқан холда хар бир жабрланувчи ўзига нисбатан хукуққа хилоф қилмишни, тажовузни ўзига хос қабул қиласи. Шу сабабли хам инсон характерининг оғир-босиқлик, кўнгли бўшлик, йиглоқилиқ, шаллақилиқ, «териси юпқалиқ» (ўзига оғир қабул қилиш), ховлиқмалик, шаддодлик, юввошлиқ ва ш.к. каби белгилари суд томонидан қарор қабул қилишда хисобга олиниши лозим.

6. Маънавий зарар тўланиши лозим бўлган мулкий зарардан қатъий назар қопланади. Мулкий зарарни ундирилиши ёки ундирилмаслиги ёки унинг миқдорларига қараб маънавий зарарни қоплаш миқдорини кўпайтириш ёки камайтиришга йўл қўйиб бўлмайди. Маънавий зарарни қоплаш мақсади ва мулкий зарарни қоплаш мақсади бошқа бошқа эканлигини ёдда тутиш лозим.

# **58-БОБ. АСОССИЗ БОЙЛИК ОРТТИРИШ ОҚИБАТИДА КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН МАЖБУРИЯТЛАР**

## **1023-модда. Асоссиз орттирилган бойликни қайтариш мажбурияти**

Қонун ҳужжатларыда ёки битимда белгиланған асосларсиз бошқа шахс (жабрланувчи)нинг ҳисобидан мол-мулкни эгаллаб олған ёки тежаб қолған шахс (күлга киритувчи) асоссиз эгаллаб олинған ёки тежаб қолинган мол-мулкни (асоссиз орттирилған бойликни) жабрланувчига қайтариб бериши шарт, ушбу Кодекснинг 1030-моддасыда назарда тутилған ҳоллар бундан мустасно.

Ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланған мажбурият, шунингдек мол-мулкни эгаллаб олиш ёки тежаб қолиш асоси кейин-чалик бекор бўлганда ҳам юзага келади.

Ушбу бобнинг қоидалари асоссиз бойлик орттириш күлга киритувчининг, жабрланувчининг ўзининг, учинчи шахсларнинг хулқатвори натижаси бўлганлигидан ёки уларнинг иродасидан ташқари содир бўлганлигидан қатъи назар қўлланилади.

1. Ушбу шарҳланаётган моддада асоссиз орттирилған бойликни қайтариш мажбурияти мазмуни белгилаб қўйилган.

2. Ушбу нормада қўлланилған мол-мулк иборасини ФКнинг 83-моддасыда белгилаб қўйилган мол-мулк тушунчаси билан бир хил маънода тушунмаслик лозим. Ушбу моддадаги мол-мулк мазмунан кенгроқ бўлиб, у мулкий ҳуқуқларни ҳам, яъни асоссиз бойишни келтириб чиқариши мумкин бўлған барча моддий ва номоддий объектларга нисбатан барча ҳуқуқларни қамраб олади.

3. Асоссиз бойишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар бўйича талаб қилиш ҳуқуқи жабрланувчига тегишли, мол-мулкни эгаллаб олған ёки асоссиз тежаган шахс эса қарздор бўлиб хисобланади. Ушбу мажбурият субъектлар бўлиб фуқаролар ҳам, юридик шахслар ҳам бўлиши мумкин.

4. 1023-модда 1-қисми мазмунидан кўриниб турибдики, асоссиз бойиш мажбуриятлари қуидаги уч шартлар бир пайтнинг ўзида мавжуд бўлган холлардагина вужудга келади:

- 1) мулкни эгаллаб олиш ёки тежаш рўй берган;
- 2) бошқа шахснинг хисобидан мол-мулк эгалланган ёки тежалган;
- 3) мол-мулкни бундай эгаллаш ёки тежаш на қонун хужжатларига, на битимга асосланмаган.

5. Қонун асоссиз бойиган шахсга ушбу бойликларни (acosсиз олинган ёки тежалган мол-мулкни) унинг эгасига, яъни жабрланувчига қайтариб бериш мажбуриятини юклайди.

Айни вақтда ушбу нормада умумий қоидадан истесно, яъни писанда кўрсатилган бўлиб, бунда асоссиз бойиган шахс бойликни қайтариш мажбуриятидан озод қилинган ФКнинг 1030-моддасига хавола этилади (бу хақда батафсил қаранг: ФКнинг 1030-м.га шарх).

6. Мол-мулкни олиш ёки тежаш асослари кейинчалик бекор бўлганда хам ушбу модда 1-қисмида белгиланган мажбурият вужудга келади. Бунга қуидаги холатлар киради:

- мол-мулкни олиш учун асос бўлган хукуқий хужжатни хақиқий эмас деб топилиши;
- мол-мулкни олиш учун асос бўлган шартномани қонун хужжатларида кўрсатилган асос ёки шартнома шартига кўра жабрланувчи томонидан бир тарафлама бекор қилиниши. Шуни хам унутмаслик керакки, кўп холларда мол-мулкни олишни хукуқий асоси бекор бўлиши билан бир вақтда тарафларни дастлабки холатга қайтариш ва мол-мулкни қайтариб беришнинг юридик механизми ишга тушади. Агарда бирор сабабга кўра ушбу механизм ишламаса, мулкий хукукларни тиклаш учун ФКнинг 58-бобида белгилаб қўйилган нормалар қўлланилади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ушбу модданинг 2-қисмида назарда тутилган нормалар субсидар (ёрдамчи) вазифаларни бажаради.

7. Асоссиз бойиш қуидагиларни оқибати бўлиши мумкин:

- мол-мулкни олувчининг қилмиши;
- жабрланувчининг ўзининг ҳаракатлари (хато қилиш, чалғиши);  
учинчи шахсларнинг ҳаракати (масалан, фуқаро топшириқ бўйича ҳаракат қилганда омонатни қарз берувчига эмас, балки бошқа шахсга адашиб топширади);

ёки юқорида кўрсатилган шахсларнинг эрки-иродасидан ташқари равиша асосиз бойишни рўй бериши (масалан, компьютернинг техник носозлиги).

Асосиз бойлик орттириш бойликни қўлга киритувчининг, жабрланувчининг, учинчи шахсларнинг хулк атвори натижаси бўлганлигидан ёки уларнинг иродасидан ташқари содир бўлганлигидан қатъий назар ФКнинг 58-боби қоидалари қўланилади. Демак, асосиз бойишдан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг асосий вазифаси асосиз олинган ёки тежалган мол-мулкни жабрланувчига қайтариш хисобланади.

**1024-модда. Асосиз орттирилган бойликни қайтариш тўғрисидаги талабларнинг фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги бошқа талаблар билан ўзаро боғланиши**

Агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса ва тегишли муносабатларнинг моҳиятидан келиб чиқмаса, ушбу бобнинг қоидалари, шунингдек:

ҳақиқий бўлмаган битим бўйича бажарилган нарсани қайтариш тўғрисидаги;

мулкдор томонидан мол-мулкни бироннинг қонунга хилоф тарздаги эгалигидан талаб қилиб олиш тўғрисидаги;

мажбуриятидаги бир тарафнинг бошқа тарафга ана шу мажбуриятлар муносабати билан қайтариш тўғрисидаги;

зарарни, шу жумладан бойлик орттирган шахснинг инсофизлик билан қилган хатти-харакатлари туфайли етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги талабларга нисбатан қўлланилиши лозим.

1. Ушбу шархланаётган моддада асосиз бойиш мажбуриятлари тўғрисидаги нормаларни фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги бошқа талабларга нисбатан қўллаш хусусиятлар белгиланган ва демак у ФКнинг 1023-моддаси 2-қисмига аниқлик киритади.

2. Агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса ва тегишли муносабатларнинг моҳиятидан келиб чиқмаса, ФКнинг 58-боби қоидалари қуйидаги талабларга хам қўлланилади:

- ҳақиқий бўлмаган битим бўйича бажарилган нарсани қайтариш тўғрисидаги талабларга (масалан, битим тузилган ва ижро этилган, бироқ

ФКнинг 115–126-моддаларида белгиланган асослар бўйича хақиқий эмас деб топилган бўлса. Бунда тегишли истеснолар хисобга олиниши шарт, масалан, ФКнинг 123-моддаси 2-қисмига кўра битим хақиқий эмас деб топилгач у бўйича олинган мол-мулк давлат даромадига ўтказилиши белгиланган);

- мулқдор томонидан мол-мулкни бошқанинг қонунга хилоф тарздаги эгалигидан талаб қилиб олиш тўғрисидаги талабларга (ФКнинг 228–230-моддалари);
- мажбуриятдаги бир тарафнинг бошқа тарафга ана шу мажбуриятлар муносабати билан қайтариш тўғрисидаги талабларга;

зарарни, шу жумладан бойлик орттирган шахснинг инсофизилек билан қилган хатти-харакатлари туфайли етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги талабларга (бунда назарда тутилаётган асос зарар етказиш оқибатида хукуқбузар бойиган ва ушбу ғайриқонуний олинган даромадларни қайтариши лозим бўлган ҳолатлар билан боғлиқ).

3. Юқорида кўрсатилганидек, ушбу норма фақат бир хил мазмунда эмас, унда писанда хам мавжуд: қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса ва тегишли муносабатларнинг моҳиятидан бошқача қоида англатилмасагина кўрсатилган талабларга ФКнинг 58-боби қоидалари қўлланилади. Масалан, битим ФКнинг 116 ёки 123-моддасига асосан хақиқий эмас деб топилган бўлса, битимнинг иккала иштирокчиси хам ғайриқонуний мақсадларни кўзлаган бўлса, битим бўйича олинган нарсаларни қайтаришга нисбатан ФКнинг 58-боби қоидалари қўлланмайди. Ёки бошқа ҳолат — мушукча унинг қонуний эгасидан уни ўлдирмоқчи ёки қийнамоқчи бўлгандা бошқа шахс томонидан олиб қўйилган, (мушукчани химоя қилиш мақсадида). Бундай ҳолатда муносабат моҳиятининг ўзи мол-мулкни қонуний эгасига қайтарилишига йўл кўймайди.

4. Юқоридаги талаблар билан boglik xukuklarни ximoya qiliishning maxsus fuqarolik xukuki vositalari, ximoya vositalari mavjud va ular FKning ўzida xam, maxsus boشқа қонунларда xam mustakhmalab қўйилган va kundalik xae'tda keng қўllaniladi. Birok shunnga қaramay қонunda yana bir fuqarolik-xukuki ximoya tizimi nazarda tutilmokda. Shu muносабат билан anъanaviy va noanъanaviy ximoya usullari nisbati tўғrisida masala vujudga keladi. Agarda xukukni қўllash amaliyoti dagi real voqelinikdan keliib chiqsak, ўз ўzidan aenki haqiqiy emas topilgan bitim bўyicha olinGAN mol-mulklarni қайtariш haqidagi talablar FKning

9-боби 2-параграфи нормалари асосида амалга оширилади. Мулкдорни ўз мол-мулкини ўзганинг файриқонуний эгалигидан қайтариб олиш хақидаги талаби виндикация даъвоси бўйича (ФКнинг 19-боби) қаноатлантирилади. Юқорида кўрсатилган масала бўйича мутахассис олимлар таъкидлашпарича агарда мулкий ҳукуқни химоя қилишга бошқа асосларни — конунни, битимни, зарар етказиш бўйича мажбуриятларни кўллаб даъво билдириш орқали эришилмаса, у асосиз бойиш бўйича мажбурият асосида қайта тиклаш мумкин. Шундай қилиб, асосиз бойиш хақидаги нормаларни кўллаш субсидар характерга эга. Баъзан ФКнинг 58-боби нормалари фуқаролик ҳукукларини яна тўлақонлироқ химоя қилишга имкон беради. Масалан, виндикация даъвоси ёки битимни хақиқий эмаслиги сабабли қайтарилиши лозим бўлган мол-мулк шикастланган, мол-мулкни бошқа субъектда сақланиши оқибатида унинг фойдали хусусиятлари ёмонлашган ёхуд қиймати камайган бўлса, юқоридаги химоя усуслари ушбу талофотлар, йўқотишларни ўрнини қоплашни талаб қилиш ҳукуқини бермайди. Бундай вазиятда ФКнинг 58-боби, айниқса, 1024-модда нормаларини кўллаш мулкдорга ушбу талофотларни, зиёнларни қопланишини талаб қилиш имконини беради.

## **1025-модда. Асосиз орттирилган бойликни асл ҳолида қайтариш**

**Кўлга киритувчининг асосиз орттирилган бойлигини ташкил этувчи мол-мулк жабрланувчига асл ҳолида қайтарилиши лозим.**

**Кўлга киритувчи жабрланувчининг олдида ҳар қандай, шу жумладан у орттирилган бойликнинг асосизлигини билган ёки билиши лозим бўлган пайтдан кейин асосиз қўлга киритилган ёки тежаб қолинган мол-мулкнинг тасодифий етишмовчилиги ёки ёмонлашуви учун жавобгар бўлади. Бу пайтгача у қасд ва қўпол эҳтиётсизлик учунгина жавобгардир.**

1. Ушбу шарҳланаётган моддада асосиз олинган бойликни асл ҳолида қайтариш ва турли талофотларни қоплаш мажбуриятининг мазмуни белгилаб қўйилган.

2. Кўлга киритувчининг асосиз орттирилган бойлигини ташкил этувчи мол-мулк жабрланувчига асл ҳолида, натура шаклида (пул, ашё, мулкий ҳукуқ ва х.к.) қайтарилиши лозим. Бошқача айтганда қўлга

киритувчи жабрланувчига у асоссиз бойиш ёки тежаш оқибатида маҳрум бўлган ашёни айнан қайтариши лозим. Агарда ушбу ашё нобуд бўлган ёки шикастланган бўлса, айнан ўша турдаги ва ўша сифатдаги ашёни тақдим этиши ёки шикастланган ашёни тузатиб, кейин қайтариши шарт.

Мажбурият предмети бўлган ашёни ўзига топширилишини талаб қилиш билан бирга жабрланувчи заарларни қопланишини талаб қилиш хуқуқига эга (ФКнинг 331-моддаси 2-қисми).

3. Асоссиз олинган бойликни асл ҳолича (натура тарзида) қайтариш сарф-харажатлари (яъни, юклаш, ташиб, ўрнатиш ва ш.к.) кўлга киритувчи зиммасига юкланди (агар асоссиз бойиш унинг ҳаракатлари натижасида бўлса).

4. Қайтарилаётган мол-мулкни кам чиқиши ёки сифатини ёмонлашуви учун қўлга киритувчи ушбу шархланаётган модданинг 2-қисмига мувофиқ айби даражасига мутаносиб равишда жавобгардир.

Кўлга киритувчи жабрланувчининг олдида асоссиз бойиганлигини билмаган ёки билиши лозим бўлмаган пайтгача мол-мулкни сифатини ёмонлашуви ёки етишмовчилиги учун бу унинг қасддан ёки қўпол эхтиётсизликдан қилган ҳаракати натижаси бўлса жавобгардир.

Кўлга киритувчи асоссиз бойиганлигини билган ёки билиши лозим бўлган пайтдан бошлаб асоссиз қўлга киритилган ёки тежаб қолинган мол-мулкнинг хатто тасодифий етишмовчилиги учун хам жабрланувчининг олдида жавобгардир. Демак, мол-мулкни шикастланиши ва сифатининг ёмонлашуви енгиб бўлмас куч орқали содир бўлган тақдирда хам зарарни қоплаш мажбурияти асоссиз бойиган шахс зиммасида бўлади, чунки у қонунга кўра «асоссиз қўлга киритилган ёки тежаб қолинган мол-мулкнинг тасодифий ёмонлашуви ва етишмовчилиги учун жавобгар» хисобланади.

## **1026-модда. Асоссиз орттирилган бойликнинг қийматини тўлаш**

**Асоссиз олинган ёки тежаб қолинган мол-мулкни асл ҳолида қайтаришнинг имконияти бўлмаган тақдирда, қўлга киритувчи жабрланувчига бу мол-мулкнинг қўлга киритиш пайтидаги ҳақиқий қийматини тўлаши, шунингдек агар қўлга киритувчи орттирилган бойликнинг асоссизлигини билганидан кейин дарҳол унинг**

**қийматини тўламаган бўлса, мол-мулк қийматининг кейинги ўзгариши туфайли кўрилган зарарни тўлаши лозим.**

**Эгаллаб олиш ниятисиз ўзганинг мол-мулкидан ёки ўзганинг хизматларидан вақтинча асоссиз фойдаланган шахс жабрланувчига бундай фойдаланиш натижасида тежалган нарсани фойдаланиш тугалланган пайтда ва ўша жойда мавжуд нарх бўйича тўлаши лозим.**

1. Ушбу шарҳланаётган моддада асоссиз орттирилган бойликни асл холича қайтаришни иложи бўлмаган холларда унинг қийматини тўлаш хусусиятлари белгилаб кўйилган.

2. Асоссиз олинган ёки тежаб қолинган мол-мулкни асл холича, натура шаклида қайтаришнинг имконияти бўлмаган тақдирда (бу ўринда имкониятнинг йўклиги кўлга киритувчининг хатти харакатлари билан боғлиқ бўлмай енгиб бўлмас куч таъсири, учинчи шахсларнинг харакатлари натижаси бўлиши хам мумкин — ФКнинг 331-м. 1-қ.), кўлга киритувчи жабрланувчига:

а) бу мол-мулкни кўлга киритиш пайтидаги хақиқий қийматини тўлаши лозим;

б) шунингдек, агар кўлга киритувчи орттирилган бойликнинг асосизлигини билганидан кейин дархол унинг қийматини тўламаган бўлса, мол-мулк қийматининг кейинги ўзгариши (бундай ўзгаришлар одатда тарафларнинг харакатлари билан боғлиқ бўлмаган холда бозордаги нарх навонинг ўзгариши ва пулнинг қадрсизланиши билан боғлиқ умумий жараёнлар сабабли рўй беради) туфайли кўрилган зарарни қоплаши лозим. Ушбу норма мазмунидан кўриниб турибдики, кўлга киритувчи асоссиз бойиганлигини билган пайтдан бошлаб дархол мол-мулкни қайтариш ёки қийматини қоплаш чораларини кўриш лозим. Буни хар қандай тарзда кечикиришнинг салбий оқибатлари кўлга киритувчи зиммасида бўлади. Қонун нормасидаги бундай кўрсатма кўлга киритувчини мол-мулкни жабрланувчига қайтариш бўйича фаол харакатга ундаиди ва демак, ҳуқуқбузарликни олдини олиш ва фуқаролик нормал муомаласини тиклашни таъминлашга хизмат қиласи.

3. Ушбу шарҳланаётган модданинг 2-қисми икки томонлама услубий аҳамиятга эга. Биринчидан, унда асоссиз бойишдан келиб чиқадиган мажбуриятларни амал қилиш соҳасига аниқлик киритилади. Иккинчидан, қўшимча равишда баҳоларни аниклаш мезонлари очиб берилади.

Эгаллаб олиш ниятисиз ўзганинг мол-мулкидан ёки ўзганинг хизматларидан вақтинча асоссиз фойдаланган шахс жабрланувчига бундай

фойдаланиш натижасида тежалган нарсани фойдаланиш тугалланган пайтда ва ўша жойда мавжуд нарх бўйича тўлаши лозим (ФКнинг 356-м. 4-қ.да белгиланган тартибда). Масалан, ФКнинг 881-м.га кўра омонат сақловчи ўзига топширилган ашёдан юк топширувчининг розилигисиз фойдаланишга, шунингдек, учинчи шахсларга ундан фойдаланиш имкониятини беришга хақли эмас. Агарда сақловчи бунга зид равища саклашга топширилган ашёдан фойдаланса, жабрланувчига бунинг натижасида тежалган нарсани қайтаришга мажбур.

Ушбу шарҳланётган модданинг 2-қисмини ўзгани хизматидан фойдаланганлик учун жавобгарликни қўллаш субсидиар характер касб этади ва асоссиз тежовчи (хизматдан фойдаланувчига) шартнома бўйича ёхуд ўзганинг манфатини кўзлаб топшириксиз ҳаракат қилиш бўйича жавобгарликни юклаш мумкин бўлмаган холатлар доирасида чекланади.

### **1027-модда. Ҳукуқни бошқа шахсга асоссиз бериш оқибатлари**

**Ўзига тегишли ҳукуқни талабномадан воз кечиши йўли билан ёки бошқача тарзда бошқа шахсга мавжуд бўлмаган ёки ҳақиқий бўлмаган мажбурият асосида берган шахс аввалги холатни тиклашни, шу жумладан берилган ҳукуқни тасдиқловчи хужжатлар ўзига қайтарилишини талаб қилишга хақли.**

1. Ушбу моддада ҳукуқни бошқа шахсга асоссиз беришнинг юридик оқибатлари белгилаб қўйилган.

2. Ўзига тегишли ҳукуқни (мулк ҳукуки, мулкий ҳукуқлар, мутлақ ҳукуқлар ва ш.к.) талаб қилиш ҳукуқидан воз кечиши йўли билан (ФКнинг 313–321-моддалари) ёки бошқача тарзда (масалан, хадя, лицензия шартномаси ва ш.к.) бошқа шахсда мавжуд бўлмаган (ушбу ҳолда ҳукуқ эгасини чалғитиши, алдаш ёки бошқа усулда ҳақиқий воқелик бузиб кўрсатилади) ёки ҳақиқий бўлмаган мажбурият (ФКнинг 9-боби 2-параграфида назарда тутилган асослар бўйича) асосида берган шахс аввалги холатини тиклашни, шу жумладан, берилган ҳукуқни тасдиқловчи хужжатлар (яъни, патент, гувохнома, мулкий ҳукуқ тўғрисидаги гувохнома, тилҳат ва ш.к.) ўзига қайтарилишини талаб қилишга хақли.

3. Ушбу норма бошқа тегишли ҳукуқдан асоссиз фойдаланиш орқали асоссиз бойиш ҳолларида қўлланилади. Илгарги ҳолатни тиклаш (мутлоқ

хукуқни, мулк хукуқини ва ш.к.) хукуқни ўтказиш түғрисидаги илгари тузилган битимни (масалан, талаб қилиш хукуқини бошқа шахсга ўтказиш түғрисида битимни) хақиций эмас деб топишни талаб этиши мумкин, низо чиқкан тақдирда тарафлар судга мурожаат қилишлари лозим бўлади.

4. Битимларни бекор қилиш ва аввалги холатга тиклаш билан боғлиқ барча сарф-харажатлар талаб қилиш хукуқини ёки бошқа хукуқларни асоссиз ўтказилиши учун жавобгар шахс зиммасига юкландади. Бошқа холларда бундай сарф-харажатлари жабрланувчи ва қўлга киритувчи ўртасида тенг хиссаларда тақсимланади.

5. Аввалги холат қайта тикланиши билан жабрланувчи ва қўлга киритувчи ўртасида ФКнинг 1026, 1029-моддаларига мувофиқ хисоб-китоблар (яъни, жабрланувчига бой берилган даромадларни қоплаб бериш, мол-мulkни қайтариш билан боғлиқ харажатларни ундириш ва х.к.) амалга оширилмоғи лозим.

## **1028-модда. Жабрланувчига олинмаган даромадларни тўлаш**

**Мол-мulkни асоссиз олган ёки тежаб қолган шахс бойликнинг асоссиз орттирилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган вақтдан бошлаб ана шу мол-мulkдан чиқариб олган ёки чиқариб олиши лозим бўлган барча даромадларни жабрланувчига қайтариши ёки тўлаши шарт.**

**Асоссиз орттирилган пул суммасига, қўлга киритувчи пул маблағларини олиш ёки тежаб қолишнинг асоссизлигини билган ёки билиши лозим бўлган вақтдан бошлаб, ўзганинг маблағларидан фойдаланганлик учун фоизлар хисобланиши лозим.**

1. Ушбу моддада асоссиз бойиган шахс томонидан жабрланувчига асоссиз олинган ёки тежалган бойлиқдан олинган ёки олиниши мумкин бўлган даромадларни қоплаш мажбуриятини хусусиятлари белгилаб кўйилган.

2. Мол-мulkни асоссиз олган ёки тежаб қолган шахс бойликни асоссиз орттирилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган вақтидан бошлаб ана шу мол-мulkдан чиқариб олган ёки чиқариб олиши лозим бўлган барча даромадларни (хосилларни, меваларни натура шаклида) қайтариш ёки тўлаши (агарда даромадлар истеъмол қилинадиган ашёлар ёки пул кўринишида бўлса) шарт.

Агарда реал воқелиқда құлға киритувчи томонидан даромадлар олинмаган, лекин ушбу мол-мулқдан даромадлар олиш мүмкін бўлса ва шу сабабли аслида олинмаган, бироқ шунга қарамай қопланиши назарда тутилган даромадлар миқдори хақида низо келиб чиқса, суд ФКнинг 324-моддаси 3-қисми мазмунини хисобга олган ҳолда, құлға киритувчи одатдаги ғамхўрлиги (жонкуярлиги) ва бошқа шароитларда ушбу даромадларни олиш қанчалик реал эканлигини аниқлаш лозим.

3. Асоссиз ортирилган пул суммаси құлға киритувчи пул маблағларини олиш ёки тежаб қолишнинг асоссизлигини билган ёки билиши лозим бўлган вақтдан бошлаб, ўзганинг пул маблағларидан фойдаланганлик учун фоизлар хисобланиши лозим. Ушбу нормани амалга ошириш механизми ФКнинг 327-моддаси белгилаб қўйилган. Унда кўрсатилишича бошқа шахсларнинг пул маблағларини гайриқонуний ушлаб қолиш, уларни қайтариб беришдан бош тортиш, уларни тўлашни бошқача тарзда кечикириш ёхуд бошқа шахс хисобидан асоссиз олиш ёки жамғариш (тежаш) натижасида улардан фойдаланганлик учун ушбу маблағлар суммасига фоизлар тўлаши керак. Фоизлар миқдори кредитор яшайдиган жойда, кредитор юридик шахс бўлганида эса, унинг жойлашган ерида пул мажбурияти ёки унинг тегишли қисми бажарилган кунда мавжуд бўлган банк фоизининг хисоб ставкаси билан белгиланади. Қарз суд тартибида ундирилганда эса суд кредиторнинг талабини даъво қўзғатилган кундаги ёки қарор чиқарилган кундаги банк фоизининг хисоб ставкасига қараб қаноатлантириши мумкин. Ушбу қоидалар қонунда ёки шартномада бошқа фоиз миқдори белгиланган бўлмаса қўлланилади.

ФКнинг 1028-моддаси 2-қисми мазмунидан англанишинилича фоизлар тўлаш пул маблағларидан бошқа шахслар фойдалангани учун жабрланувчига қандайдир заар етказилгани билан боғлик эмас. Агарда заар етказилган бўлса ва уларнинг миқдори ФКнинг 327-моддаси 2-қисмидан белгиланган хисоб ставкаларидан кўп бўлса, жабрланувчи ФКнинг 327-моддаси 3-қисмига асосан зарарнинг бу суммадан ортиқча бўлган қисмини тўлашни талаб қилишга хақли.

### **1029-модда. Қайтарилиши лозим бўлган мол-мулкка қилинган харажатларни тўлаш**

**Асоссиз олинган ёки тежаб қолинган мол-мулк қайтарилганида ёхуд унинг қиймати тўланганида құлға киритувчи даромадларни**

**қайтариши шарт бўлган вақтдан бошлаб мол-мulkни сақлаб туриш ва асрash учун қилингандар зарур харажатларни ўзи олган нафни эътиборга олган ҳолда тўлашни жабрланувчидан талаб қилишга ҳақли. Кўлга киритувчи қайтарилиши лозим бўлган мол-мulkни била туриб бермай турган ҳолларда харажатларни ундириш хукуки йўқолади.**

1. Ушбу моддада қўлга киритувчини қайтарилиши лозим бўлган мол-мulkка қилингандарни жабрланувчи томонидан тўлаш белгилаб қўйилган.

2. Асоссиз олинган ёки тежаб қолингандар мол-мulk қайтарилигандан ёхуд унинг қиймати тўланганида қўлга киритувчи даромадларни қайтариши шарт бўлган вақтдан бошлаб:

а) мол-мulkни сақлаб туриш учун қилингандарни сарф-харажатларни (яъни мол-мulkни нормал ҳолатида, функционал вазифаларини бажаришга лаёқатли ҳолда бўлишини таъминлаш харажатлари);

б) мол-мulkни асрash учун қилингандарни (яъни мол-мulkни ташки таъсирлардан, бузилиш, шикастланиш, ўғирланишдан сақлаш харажатлари) ўзи олган нафни эътиборга олган ҳолда тўлашни жабрланувчидан талаб қилишга ҳақли. Кўлга киритувчи кўрган наф мол-мulk ўзида турган даврда ундан олган даромадлар (бунда реал даромадлар назарда тутилади, бой берилган фойда ёки олиниши мумкин бўлган даромадлар эмас), шунингдек бошқача тарздаги наф ва имтиёзлар (масалан, дисконтлар, преференциялар, чегирма ва ш.к.) шаклида намоён бўлади ва пул қийматида ифодаланиши мумкин.

Шуни ёддан чиқармаслик лозимки, фақат зарурий харажатлар қопланади. Агарда қўлга киритувчи мол-мulkни яхшилаш учун қандайдир харажатларни қилган бўлса, ушбу мол-мulkни бус-бутунлиги ва вазифаларни бажаришга тўсқинлик қилмайдиган ва бузмайдиган ҳолда ажратиб олиш мумкин бўлса, яхшиланишларни ажратиб олиб, ўзида қолдириш мумкин. Агарда яхшиланишларни ажратиб олиш мумкин бўлмаса, қўлга киритувчи инсофли эгалловчи бўлса, яхшиланишлар қийматини (бироқ мол-мulk қийматидан ошмаган хажмларда) қопланишини талаб қилишга ҳақли. Кўлга киритувчи ва жабрланувчи ўргасидаги хисоб-китоблар амалга оширилганда ФКнинг 343–344-моддаси қоидаларига риоя қилингандар ҳолда харажатлар ва даромадлар хисобга ўтказилиши мумкин.

3. Қўлга киритувчи қайтарилиши лозим бўлган мол-мулкни била туриб бермай турган холларда харажатларни ундириш хукуки йўқолади.

Қўлга киритувчи томонидан мол-мулкни қасдан ушлаб туриш:

- қўлга киритувчи томонидан мол-мулкни қайтаришни рад этган пайтдан, ёхуд

- жабрланувчини мол-мулкни қайтариш тўғрисидаги даъвосини қаноатлантириш ҳақидаги суд хал қилув қарори қонуний кучга кирган пайтдан бошланади.

## **1030-модда. Қайтариб берилмайдиган асоссиз орттирилган бойлик**

**Куйидагилар асоссиз орттирилган бойлик сифатида қайтариб берилмайди:**

**ижро этиш муддати тўлгунга қадар мажбуриятни бажариш юзасидан топширилган мол-мулк, агар мажбуриятда бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса;**

**даъво муддати ўтганидан кейин мажбуриятни бажариш юзасидан топширилган мол-мулк;**

**иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, ҳаёт ёки соғлиққа етказилган зарар товони, алиментлар ва фуқарога турмуш кечириш воситаси сифатида берилган бошқа пул маблағлари, унинг томонидан виждонсизлик қилинмаганда ва хисоб-китобда хатолар бўлмаганда;**

**мавжуд бўлмаган мажбуриятни бажариш учун берилган пул суммалари ва бошқа мол-мулк, агар қўлга киритувчи мол-мулкни қайтаришни талаб қилаётган шахснинг мажбурият йўқлигини билганини ёхуд мол-мулкни хайрия мақсадларида берганлигини исботласа.**

1. Ушбу моддада жабрланувчига қайтарилмайдиган асоссиз орттирилган бойликлар турлари белгилаб қўйилган. Ушбу нормада зоҳиран асоссиз бойиш сифатида баҳоланса ҳам, аслида қўлга киритувчида қолдириладиган бойликлар ҳақида гап боради.

2. Ижро этиш муддати тўлгунга қадар мажбуриятни бажариш юзасидан топширилган мол-мулк, агар мажбуриятда бошқача ҳол назарда

тутилмаган бўлса, қайтариб берилмайди. Ушбу норма ФКнинг 243-моддаси билан узвий боғлиқ. Унга кўра агар конун хужжатлари ёки шартномада назарда тутилган бўлса ёхуд мажбуриятнинг моҳиятидан ёйинки иш муомаласи одатларидан ёки одатда қўйиладиган талаблардан англашилса, қарздор мажбуриятини муддатидан илгари бажаришга хақли, кредитор эса — муддатидан олдин қабул қилиши шарт. Демак, агарда кредитор мажбуриятни муддатидан олдин бажаришга розилик билдириган ёхуд ижрони қабул қилган бўлса, бундай тартибда олинган мол-мулк асоссиз олинган бойлик сифатида қаралмайди ва қайтариб берилмайди.

3. Даъво муддати ўтганидан кейин мажбуриятни бажариш юзасидан топширилган мол-мулк хам қайтариб берилмайди. Даъво муддатини ўтиши қарздор мажбуриятини бекор бўлишига олиб келмайди, факат кредиторни суд орқали уни мажбурий ижро этишини талаб қилиш хукуқидан маҳрум этади. ФКнинг 161-моддасига кўра, даъво муддати ўтганидан кейин мажбуриятини бажарган шахс ижро этиши пайтида даъво муддатининг ўтиб кетганлигини билган ёки билиш лозим бўлганлигидан қатъий назар бажарган нарсасини қайтарилишини талаб қилишга хақли эмас.

4. Иш хақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, хаёт ёки соғлиққа етказилган зарар товони, алиментлар ва фуқарога турмуш кечириш воситаси сифатида берилган бошқа пул маблағлари, унинг томонидан виждонсизлик (инсофисизлик) қилинмагандан ва хисоб-китобда хатолар бўлмагандан асоссиз олувчидан қайтариб олинмайди. Бунда тўловларни амалга ошириш хисоб-китобларини тўғрилиги, шунингдек, ушбу маблағларни қўлга киритувчининг инсофилиги (виждонлилиги) назарда тутилади. Бинобарин, маблағларни қайтариб олиш учун жабрланувчи қўлга киритувчининг инсофисизлигини (қалбаки хужжатлар тақдим этиш, алдаш, чалгитиш ва ш.к.) ёки арифметик хатолар рўй берганлигини исботлаб бериши шарт. Ушбу норма мазмунида инсонпарварлик, кишиларга ғамхўрлик ётади, чунки ходим кўп ҳолларда юқоридаги асослар бўйича маблағларни дархол кундалик рўзгор сарф-харажатларига ишлатиб юборади ва уларни қайтариш оддий кишилар учун мушкул муаммога айланиши мумкин.

5. Мавжуд бўлмаган мажбуриятни бажариш учун берилган пул суммалари ва мол-мулк, агар қўлга киритувчи мол-мулкни қайтаришни талаб қилаётган шахснинг мажбурият йўқлигини билганлигини ёхуд мол-

мулкни хайрия мақсадларида берганлигини исботласа, қўлга киритувчи томонидан қайтариilmайди.

Гарчи жабрланувчи қўлга киритувчининг олдида хеч қандай мажбурияти йўқлигини билса ҳам, шунга қарамасдан қўйидаги сабабларга кўра унга мол-мулк ёки пул маблағлари беради:

а) жабрланувчи гараз ёки таъмагирлик асосида инсофиззик билан ҳаракат килади, яъни қўлга киритувчидан қандайдир гайри қонуний хизмат ёки манфаат кўришни умид килади лекин кутгани рўёбга чиқмайди ёки қўлга киритувчидан ўзининг мулкий ахволи ёки бошқа шахслар билан мулкий муносабатлари тўғрисида соxта тасаввур уйғотиш, чалғитиш мақсадини кўзлайди;

б) мол-мулк хайрия мақсадларида берилади, бироқ кейинчалик «саховатпеша» ўз ниятидан қайтиб, мол-мулкни қайтаришни талаб килади.

Юқорида қўрсатилган биринчи ҳолатда кўпроқ жиноят-хукукий қилмишлар хақида гап боради (ниқобланган пора ва ш.к.) иккинчи ҳолатда эса ФКнинг хадя тўғрисидаги нормалари қўлланилди (қонун муайян шартлар мавжуд бўлганда хадя қилинган мол-мулкни қайтариб олинишга йўл қўяди — бу хақда қаранг: ФКнинг 507-моддасига шарх). Шуни хам ёдда тутиш керакки, ушбу шарҳланаётган модданинг 1 ва 2-қисмларида белгиланган қоидалар мутлук характерга эга эмас, яъни мажбурият хақиқий эмас деб топилганда, келгусида мол-мулк қайтариб берилиши шарт.

6. Қайтариб берилмайдиган асоссиз орттирилган бойликлар рўйхати тугал хисобланиб, у кенгайтирилган холда талқин этилиши мумкин эмас.

Ушбу шарҳланаётган модда нормалари фуқаролик ҳукукий муносабатларнинг барқарорлигини таъминлашга қаратилган.

**IV БҮЛІМ**  
**ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛҚ**



## **59-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

### **1031-модда. Интеллектуал мулк объектлари**

**Интеллектуал мулк объектлари жумласига қуйидагилар киради:**

**1) интеллектуал фаолият натижалари:**

**фан, адабиёт ва санъат асарлари;**

**ижролар, фонограммалар, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотларнинг кўрсатувлари ёки эшиттиришлари;**  
**электрон ҳисоблаш машиналари (бундан бўён матнда ЭҲМ деб юритилади) учун дастурлар ва маълумотлар базалари; (ЎзР 16.01.2007 й. ЎРҚ-79-сон Қонуни таҳриридаги хат боши)**

**ихтиrolар, фойдали моделлар, саноат намуналари;**

**селекция ютуқлари;**

**ошкор этилмаган ахборот, шу жумладан ишлаб чиқариш сирлари (ноу-хай);**

**2) фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарлар, ишлар ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалар:**

**фирма номлари;**

**товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари);**

**товарлар чиқарилган жой номи;**

**3) ушбу Кодексда ёки бошқа қонунларда назарда тутилган ҳолларда интеллектуал фаолиятнинг бошқа натижалари ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарлар ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалар.**

1. Ушбу шарҳданаётган моддада интеллектуал мулк объектлари тизими, гурухлари ва турлари кўрсатилган.

2. Интеллектуал мулк объектлари фуқаролик ҳуқуқининг алоҳида маҳсус объектлари бўлиб ҳисобланади. Ашёлар, қимматбаҳо қофозлар ва бошқа фуқаролик ҳуқуқларидан фарқли равишда интеллектуал мулк объектлари қуйидаги хусусиятларга эга:

а) кўп ҳолларда интеллектуал мулк объектлари моддий ашёвий холатда эмас, гоявий кўринишда — билимлар, гоялар ва ахборотлар ҳолатида мавжуд бўлади. Албатта, муйян гоялар, билимлар тизими моддий элтувчиди,

масалан, китобларда, электрон дискларда, макетларда, қурилмаларда ифодаланиши мумкин, бироқ бирибир, ғоялар, билимлар бирламчи, уларнинг моддий ташувчиси иккинчи даражали бўлади ва шу сабабли хукукий муносабатлар моҳиятига жиддий таъсир қўрсата олмайди;

б) билимлар, ғоялар кўринишидаги интеллектуал мулк обьектларига нисбатан одатдаги моддий ашёларга бўлгандай эгалик қилиш ва хукмронлик қилиш мумкин эмас;

в) кўп ҳолларда ушбу обьектлардан бир вактнинг ўзида чексиз, номуайян даражадаги шахслар фойдаланишлари мумкин;

г) деярли барча интеллектуал мулк обьектларига нисбатан Фуқаролик Кодексининг 164-моддасида назарда тутилган мулк хукуқининг муддат-сизлиги тўғрисидаги коидаси таълуқли эмас (ошкор этилмаган ахборотларга нисбатан хукуқлар бундан мустасно);

д) конун ҳужжатларида белгилаб қўйилган муайян муддат ўтиши билан интеллектуал мулк обьектлари субъектларининг муайян интеллектуал мулк обьектига нисбатан мулкий (мутлок) хукуқлари бекор бўлади;

е) интеллектуал мулк обьектига нисбатан хукуқ эгасининг хукуқларини виндиқацияйвий давъо қўзгатиш орқали химоя қилиш самарли эмас;

ж) интеллектуал мулк обьектига нисбатан хукуқ эгасининг ваколатлари мазмуни мулк хукуқи билан эмас, балки мутлок хукуқ билан белгиланади;

з) интеллектуал мулк хукуқининг амал қилиши худуд бўйича чегараланган;

и) ижодий фаолият натижаси бўлган интеллектуал мулк обьектларига нисбатан шахсий хукуқлар тизими амал қиласи ва бошқа хукуқ соҳиблари ва обьектдан фойдаланувчилар уларга риоя қилишлари шарт.

3. Шарҳланаётган ушбу моддада интеллектуал мулк обьектлари муайян белгиларига қараб уч гурухга бўлинган.

Объектларни катта гурухини интеллектуал фаолият натижалари ташкил этади. «Интеллект» лотинча сўз бўлиб, ақл деган маънони англатади. Интеллектуал фаолият ўзининг характеристи бўйича инсоннинг энг олий ижодий фаолияти хисобланади. Инсоннинг ижодий фаолияти унинг кундалик одатдаги онгли фаолиятидан тубдан фарқ қиласи. Инсоннинг одатдаги кундалик онгли фаолияти кўнникмалар асосида, такрор-такрор равишда (ўй куриш, овқат пишириш, ўтин ёриш ва х.к.) амалга ошириладиган ва якуний натижаси аввалдан маълум бўлган фаолиятдир. Бундай кундалик

фаолият репродуктив (такрорий маҳсулли) фаолият хисобланади, чунки бунда формал мантиқ ва бошқа қоидалар, кўнкималар асосида тайёр ғоялар, маҳсулотлар қайта-қайта, такрорий амалга оширилади. Бунда аввалдан маълум натижалар вужудга келади, янги натижага олиб келмайди. Агарда хар бир хаётий муаммони ечишда ижодий ёндашув бўлмаганда эди, инсоният яратилган даврида қотиб қолган, хамон горларда яшаган бўлар эди.

Теварак атрофимизни қуршаган барча предметлар ижодий фаолият, илмий-техника тараққиёти натижаси бўлиб хисобланади. Аслини олганда хозирги замон кишиси, унинг маънавияти, касб-кор кўнкимаси, маҳорати, маданий ва билим савияси интеллектуал фаолият орқали шаклланган. Бошқача айтганда, таҳлил, фикрлаш, мулоҳаза қилишга асосланган ижодий фаолият натижасида фан, техника, адабиёт ва санъат соҳасида янги, оригинал (оҳарий), уникал (бекиёс) маҳсулотлар яратилади.

Интеллектуал фаолият натижаларининг қўйидаги турлари мавжуд:

- фан, адабиёт ва санъат асарлари (ФКнинг 60-бобига шарҳлар);
- ижролар, фонограммалар, эшиттириш-кўрсатиш ташкилотлари-нинг эшиттиришлари ва кўрсатувлари (ФКнинг 61-боби шарҳига қаранг);
- электрон хисоблаш машиналари учун дастурлар ва маълумотлар базалари (ФКнинг 1042-моддаси шарҳига қаранг);
- ихтиrolар, фойдали моделлар ва саноат намуналари (ФКнинг 62-боби шарҳига қаранг);
- селекция ютуклари (ФКнинг 63-боби шарҳига қаранг);
- ошкор этилмаган ахборотлар, шу жумладан ишлаб чиқариш сирлари (ноу-хай) — ФКнинг 64-боби шарҳига қаранг.

Ушбу обьектлар хар бирининг ҳуқуқий режими (ошкор этилмаган ахборотлардан ташқари) маҳсус қонунлар билан белгиланган.

4. Кейинги гурухга мансуб обьектлар фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарлар, ишлар ва хизматларининг ҳусусий аломатларини акс эттирувчи воситалар деган умумлашма номга бирлаштирилган. Бу обьектлар хар доим ижодий фаолият натижаси бўлавермайди. Аниқроғи, интеллектуал мулк обьекти ҳуқуқий режимини олиш учун улар интеллектуал фаолият натижаси бўлиши талаб этилмайди. Интеллектуал фаолият натижалари ва индивидуаллаштириш воситаларини бирлаштирувчи ҳолат шуки, ҳар иккаласига нисбатан ҳам ҳуқуқ сохибларининг мутлок ҳуқуқлари тўғрисидаги қоидалар амал қиласи.

Фуқаролик муюмаласида миллионлаб турли субъектлар иштирок этадилар ва бир вақтнинг ўзида миллиардлаб турли товарлар ва хизматлар реализация қилинадилар. Шу сабабли ҳам субъектларни, ҳам уларнинг товарлари ва хизматларини идентификациялаштириш (фарқлаш, ажратиш) зарурати мавжуд, бу эса бошқалар учун мўлжал вазифасини ўтайди, акс холда субъектлар ўртасида нормал муносабатларни ўрнатиб бўлмайди. Ушбу фарқлаш белгилари фуқаролик муюмаласи иштирокчиларини, улар ишлаб чиқарган товарлар, бажарган ишлар ва кўрсатган хизматларини индивидуаллаштириш воситалари бўлиб хисобланади. Ушбу объектлар гурухи қуидаги турларга бўлинади:

- фирма номлари (ФКнинг 1098–1101-м.);
- товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари) — ФКнинг 1102–1107-моддалари;
- товар чиқарилган жой номи (ФКнинг 1108–1111-м.).

5. Маълумки фан ва техниканинг доимий ва шиддатли ривожланиши натижасида янгидан янги интеллектуал мулк объектлари вужудга келмоқда. Масалан, 2001 йил 12 майда «Интеграл микросхемалар топологияларини хукуқий муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Конун қабул қилинган. Топологиylар ўз моҳиятига кўра интеллектуал фаолият натижаси хисобланади.

Интернет тармоғи вужудга келиши ва ривожланиши оқибатида индивидуаллаштириш воситаларининг янги тури-домен номлари пайдо бўлди. Домен номлари — виртуал маконда истеъмолчиларга ва фойдаланувчиларга хўжалик муюмаласида ўзларига маълум бўлган номларни қулай ва оддий топишга имкон берувчи индивидуаллаштириш воситасидир. Интернет тармоғини тижоратлашуви шунга олиб келдики, бунда у ёки бу товарларни ёки хизматларни реклама қилувчи сайтлар учун домен номларини тўғри ва мувофақиятли танлаш бўйича рақобат масаласи кескин бўлиб турибди, маълум ва машхур номларни домен номларига айлантириш талаш бўлмоқда. Домен номлари ракамли манзилгоҳ ўрнида қўлланиладиган қулай белгигина бўлиб қолмасдан, балки товарларни ва хизматларни ва уларни таклиф этувчи субъектларни индивидуаллаштириш воситаси бўлиб қолди.

Бутун дунё бўйича шундай тажриба вужудга келдики, бунга кўра товар белгисининг эгаси ўзига қарашли товар белгисидан интернет тармоғидаги ўз сайтида ўзини ва товарларини индивидуаллаштирувчи домен номи

сифатида фойдаланилмоқда. Фукаролик хукуқида тан олинган бошқа индивидуаллаштириш воситаларидан фарқли равишда домен номлари икки ёқлама табиатга эга бўлиб, кўпинча бир вақтнинг ўзида икки функцияни бажарадилар: ҳам тармоқдаги ахборот ресурсини, ҳам унинг эгасини индивидуаллаштиради.

### **1032-модда. Интеллектуал мулк объектларини хукуқий муҳофаза қилиш**

**Интеллектуал мулк объектларини хукуқий муҳофаза қилиш уларнинг яратилганлиги туфайли ёхуд ушбу Кодексда ёки бошқа қонунларда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда ваколат берилган давлат органи томонидан хукуқий муҳофаза берилиши натижасида юзага келади.**

**Ошкор этилмаган ахборотга хукуқий муҳофаза бериш шартлари қонун билан белгиланади.**

1. Ушбу нормада интеллектуал мулкнинг турли объектларини хукуқий муҳофаза қилишни вужудга келиш хусусиятлари белгилаб қўйилган.

2. Интеллектуал мулк объектларини хукуқий муҳофаза қилиш деганда хукуқ эгалари субъектив хукукларини хукуқий химоя қилиш тушунилади. Интеллектуал мулк объектлари ўз-ўзича хукуқий муҳофаза қилинмайди балки амалда ушбу объектларга нисбатан субъектив хукукларга эга бўлган шахсларнинг хукуклари (муаллифларнинг шахсий хукуклари, мутлоқ хукуклар эгаларини хукуклари, лицензия бўйича фойдаланувчилар хукуклари, аввалдан фойдаланувчиларнинг хукуклари ва ш.к.) хукуқий муҳофаза қилинади.

3. Интеллектуал мулк объектларини қўйидаги турларини хукуқий муҳофаза қилиш уларни яратилиш фактлари асосида вужудга келади:

- фан, адабиёт, санъат асарлари;
- ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базалари;
- эшиттириш ташкилотларинининг ижролари, фонограммалари, эшиттириш ва кўрсатувлари;
- интеграл микросхемалар топологиялари.

Ушбу объектлар, агарда уларни яратган шахс (ижодкор) объектни оғзаки, ёзма ёки уни бошқа шахслар томонидан қабул қилишга имкон

берадиган бошқа объектив шаклида мужассамлантирган пайтдан бошлаб яратилган хисобланади. Худди шу пайтдан бошлаб ижодкор шахсда субъектив ҳуқук вужудга келади ва у ҳуқуқий муҳофаза остига олинади. Бунда объектни рўйхатдан ўтказдириш, бошқа қандайдир расмиятикликларга риоя килиш талаб этилмайди. Хатто объектдан учинчи шахсларни фойдаланиши бошланганлиги факти ҳам аҳамиятга эга эмас. Шуни унутмаслик лозимки, гарчи объектни кейинчалик рўйхатдан ўтказдириш қоидаси мавжуд бўлса ҳам (масалан, ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базаларини, интеграл микросхемалар топологияларини рўйхатдан ўтказдириш таомили мавжуд) бу ҳолат кўпроқ техник характеристерга эга ва уларга риоя қилмаслик субъектив ҳуқуқларни ҳуқуқий ҳимоясини вужудга келишига тўскинлик қилмайди.

4. Интеллектуал мулкни қатор объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш Фуқаролик Кодексида ёки бошқа қонунларда назарда тутилган ҳолларда ваколатли давлат органи томонидан ҳуқуқий муҳофаза ёрлиги берилиши асосида вужудга келади («Ихтиоролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисидаги Қонун», «Селекция ютуқлари тўғрисидаги Қонун» ва бошқалар). Бунинг учун интеллектуал мулк объектига нисбатан субъектив ҳуқуқларини эътироф этилишига бўлган ҳуқуқка эга манфаатдор шахс ваколатли давлат органига тегишли талабнома ва ўз талабларини асослантирувчи хужжатларни тақдим этиши лозим. Талабнома қаноатлантирилган ҳолларда ваколатли давлат органи фуқаролар ёки юридик шахсларга интеллектуал мулк объекtlарига нисбатан субъектив ҳуқуқларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш хужжатини (патент, гувоҳнома, рўйхатдан ўтказганлик тўғрисида далолатнома ва ш.к.) берилади.

Интеллектуал мулк объекtlарини куйидаги турларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ҳуқуқий муҳофаза ёрлиги берилганлиги асосида вужудга келади:

- ихтиоролар, фойдали моделлар, саноат намуналари (патент берилади);
- селекция ютуқлари (патент берилади);
- товар белгилари (гувоҳнома берилади);
- товарни келиб чиқиш жойи номи (гувоҳнома берилади);
- фирма номи (фирма номлари реестрига киритилади).

Юқорида кўрсатилган объекtlарни деярли барчаси учун муҳофаза ёрлиги Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк давлат агентлиги томонидан берилади. Фирма номларини расмийлаштиришга

нисбатан ваколатли давлат органи бўлиб давлат статистика қўмитаси хисобланади.

Интеллектуал мулк обьектларини ҳукукий муҳофаза ёрлиғида обьект-нинг номи, уни хусусиятлари, обьект муаллифи (ихтиро, фойдали модел, саноат намунасига нисбатан), мутлок ҳуқуқ эгасининг номи, ҳукукий муҳофазани бошланиш ва амал қилиш муддати, ваколатли давлат идорасининг номи ва ш.к. кўрсатилади.

5. Ошкор этилмаган ахборотларни ҳукукий муҳофаза қилиш шартлари конун хужжатларида ўрнатилган асослар бўйича белгиланади (ФКнинг 98-моддаси ва 64-боби, Давлат сирлари тўғрисидаги қонуннинг 1–3-моддалари). Ушбу шартларга кўра кўп ҳолларда ошкор этилмаган ахборот эгасини фактик монопол ҳолати намоён бўлади. Фактик монопол ҳолат бир пайтнинг ўзида қуйидаги шартларни мавжуд бўлишини англатади:

- а) ошкор этилмаган ахборотни учинчи шахслар учун номалумлиги;
- б) учинчи шахсларга номалумлиги сабабли ошкор этилмаган ахборотларни реал ёки потенциал тижорат қийматига эга эканлиги;
- в) учинчи шахсларни ушбу ошкор этилмаган ахборотлар билан танишиш ёки улардан фойдаланиш ҳукукий асосларини йўқлиги (ахборот эгасидан рухсатсиз);
- г) ошкор этилмаган ахборот эгаси томонидан ахборотни махфийлигини сақлаш учун барча чораларни кўрганлиги.

Ошкор этилмаган ахборотлардан ғайриконуний фойдаланишдан химояланиш ҳукуки ФКнинг 64-бобида назарда тутилган асослар бўйича вужудга келади(ФКнинг 64-боби шарҳларига қаралсин).

### **1033-модда. Интеллектуал мулк обьектларига шахсий номулкий ва мулкий ҳукуқлар**

**Интеллектуал фаолият натижаларининг муаллифлари ана шу натижаларга нисбатан шахсий номулкий ва мулкий ҳукуқларга эга бўладилар.**

**Шахсий номулкий ҳукуқлар муаллифга унинг мулкий ҳукуқларидан қатъи назар тегишли бўлади ва унинг интеллектуал фаолият натижаларига бўлган мулкий ҳукуқлари бошқа шахсга ўтган тақдирда унинг ўзида сақланиб қолади.**

**Фуқаролик мумаласи иштирокчиларининг, товарлар, ишлар ёки хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалар (бундан бўён матнда — хусусий аломатларни акс эттирувчи воситалар)га нисбатан ҳуқуқ эгаларига бу воситалар борасида мулкий ҳуқуқлар тегишли бўлади.**

**Муаллифлик ҳуқуки (интеллектуал фаолият натижасининг муаллифи деб эътироф этилиш ҳуқуки) шахсий номулкий ҳуқуқ ҳисобланади ва ижодий меҳнати билан интеллектуал фаолият натижасини яратган шахсгагина тегишли бўлади.**

**Муаллифлик ҳуқуки бошқа шахсга ўтказилмайди ва берилмайди.**

**Агар натижа икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргаликдаги ижодий меҳнати билан яратилган бўлса, улар ҳаммуаллифлар ҳисобланадилар. Интеллектуал мулкнинг айрим обьектларига нисбатан қонунда асарнинг тўлалигича ҳаммуаллифлари деб ҳисобланадиган шахслар доираси чеклаб қўйилиши мумкин.**

1. Ушбу шархланаётган нормада интеллектуал мулк обьектлари субъектларининг ҳуқуқлари турлари белгилаб қўйилган.

2. Интеллектуал фаолият натижалари муаллифлари ушбу фаолият натижасида яратилган обьектларга нисбатан шахсий номулкий ва мулкий ҳуқуқларга эгадирлар.

Интеллектуал фаолият натижаси муаллифининг шахсий номулкий ҳуқуки — бу мулкий мазмунга эга бўлмаган, обьект яратувчисини ижодий мақомини белгиловчи ва ушбу мақомдан келиб чиқадиган ҳуқуқларни мустахкамлашга ва ҳимоя қилишга қаратилган мутлоқ ҳуқуқлари бўлиб, у фақат ҳуқуқ эгасига тегишли ва ҳуқуқ эгасидан бегоналаштирилиши мумкин эмас. Шахсий ҳуқуқлар мазмуни ва хажмлари ҳар бир интеллектуал фаолият натижаси бўйича алоҳида белгилаб қўйилади. Масалан, муаллифлик ҳуқуки обьектларга нисбатан муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари доираси хажми нисбатан кенг ва чукур характерга эга (муаллиф сифатида эътироф этилиш ҳуқуки, муаллифнинг номга бўлган ҳуқуки, муаллиф нуфузини ҳимоя қилишга бўлган ҳуқуқ, асарни мумаладан қайтариб олиш ҳуқуки ва х.к.). Баъзи обьектларга нисбатан муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари (масалан, селекция ютукларига нисбатан) ушбу обьектга нисбатан муаллиф эканлигини эътироф этиш билан чекланади.

Муаллифни мулкий хукуқлари мазмуни интеллектуал фаолият натижаларидан унинг ўзи томондан фойдаланиши, фойдаланиш хукуқини ҳақ асосида ўтказиш ёки ҳақ асосида фойдаланишга рухсат бериш ёки ўз хукуқларини бошқа шахсларга ҳақ асосида бериш ваколатларида намоён бўлади.

Муаллиф мулкий хукуқлари доираси тўлиқ чекланган ёки қисман бўлиши мумкин. Агарда интеллектуал фаолият натижасига нисбатан мутлак хукуқ муаллифга эмас, бошқа шахсга тегишли бўлса (ФКнинг 1034-моддаси) интеллектуал фаолият натижасига бўлган муаллифлик хукуқлари чекланган хисобланади. Бундай чекланган мулкий хукуқлар мазмуни хар доим қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилади (масалан, муаллифлик ва турдош хукуқлар тўғрисидаги қонуннинг 23-моддасида назарда тутилган эргашма хукуқ, селекция ютуклари тўғрисидаги қонуннинг 7-моддаси 4-қисмида назарда тутилган мукофот олиш хукуқи, ихтиrolар, фойдали моделлар, саноат намуналари тўғрисидаги қонуннинг 1-моддасида назарда тутилган ихтиrolардан илмий мақсадларда фойдаланиш хукуқи).

3. Муаллифнинг шахсий номулкий хукуқлари унинг мулкий хукуқлари турлари, мазмуни ва хажмларидан қатъий назар унга тегишли бўлади ва ҳатто мулкий хукуқлар бошқа шахсларга ўтказилгандан кейин ҳам муаллифлик сақланиб қолади. Интеллектуал фаолият натижаларига нисбатан шахсий хукуқлар фақат унинг ижодкор яратувчисига (муаллифига) тегишли бўлади. Мулкий хукуқлар эса хар қандай учинчи шахсларга тегишли бўлиши мумкин (масалан, обьект буюртма асосида яратилган бўлса). Мулкий хукуқлар фуқаролик муомаласида фаол ҳаракатда бўлади. Ҳақ эвазига ёки текин бошқа шахсларга ўтказилиши мумкин, гаровга қўйилиши, мерос сифатида ўтиши мумкин. Шахсий хукуқлар ижодкор муаллифнинг шахси билан узвий боғлиқ бўлганлиги сабабли ундан бегоналаштирилиши ва бошқа шахсларга ўтказилиши мумкин эмас. Интеллектуал фаолият натижаларига нисбатан мулкий хукуқларни фуқаролик муомаласидаги хукуқий режими ҳолатидан қатъий назар шахсий номулкий хукуқлар хар доим ижодкор муаллифда қолаверади ва мулкий хукуқлардан фойдаланувчилар ижодкор яратувчи (муаллифнинг) шахсий хукуқларига риоя қилишлари шарт. Масалан, асарга нисбатан мутлак хукуқларни сотиб олган нашриёт уни чоп этишда муаллиф номини кўрсатиши, муаллиф нуфузини, шаъни, қадр-қийматини ҳимоя қилишга бўлган хукуқларга риоя этиши лозим.

4. Фуқаролик мұомаласи иштирокчилари, уларнинг товарлари, ишлари ва хизматларини индивидуаллаштириш воситаларига нисбатан фактат мулкий ҳуқуқлар амал қиласы.

Индивидуаллаштириш воситалариги нисбатан ҳуқуқлар мазмунин интеллектуал фаолият натижаларига нисбатан ҳуқуқлар мазмунидан фарқланади. Индивидуаллаштириш воситаси әгаси ҳуқуқлари қатый мулкий характерга әга. Бинобарин, бу ҳуқуқлар қонунда белгиланған тартибға риоя қилинған ҳолда вакътинчалик бошқа шахсларға хақ әвазига ёки текин ўтқазилиши мүмкін (фирма номига бўлган ҳуқуқдан ташқари).

5. Муаллифлилек ҳуқуқи (интеллектуал фаолият натижасининг муаллифи сифатида эътироф этилиш ҳуқуқи) шахсий номулкий ҳуқуқ хисобланади ва фактат интеллектуал фаолият натижасини ўз ижодий меҳнати билан яратган ижодкор шахсгагина тегишли бўлиши мүмкін.

Ўзини ақлий ижодий меҳнати билан ихтирони ёки асарни яратган шахс интеллектуал фаолият натижасини муаллифи хисобланади. Бу ҳуқуқ ижодий фаолият натижасига нисбатан муаллифлилек ҳуқуқи деб аталиб бошқа барча шахсий ҳуқуқларни негизини ташкил этади. Бошқа барча шахсий ҳуқуқлар ушбу ҳуқуқ асосида вужудга келади, ундан хосила, унга нисбатан иккиламчи хисобланади. Муаллифлик ҳуқуқи ўз моҳиятига кўра шахсий номулкий ҳуқуқ хисобланади. Яъни биринчидан, ижодкор шахси билан узвий боғлиқ, иккинчидан мулкий иқтисодий мазмунга эга эмас, учинчидан ҳуқуқ әгасидан ажратилиши, бегоналаштирилишига йўл кўйилмайди. Ушбу ҳуқуқ интеллектуал фаолият натижасини ўзининг ижодий, илмий-ижодий ёки илмий-бадиий меҳнати асосида яратган шахсга тегишли бўлади. Интеллектуал фаолият натижасини яратишда одатдаги механик меҳнати билан қатнашган шахс (масалан, ихтирочини чизмалари асосида ихтиро қурилмаси деталларини ясаган токар ва ш.к.) муаллифлик ҳуқуқига эга бўлмайди.

6. Муаллифлик ҳуқуқи бошқа шахсларға ўтқазилмайди. Интеллектуал фаолият натижаларига нисбатан муаллифлик ҳуқуқи фактат уни яратувчи сига тегишли бўлади, ундан бегоналаштириш ёки қандайдир тарзда бошқа шахсларға ўтқазиш мүмкін эмас. Шу сабабли муаллифлик ҳуқуқини бошқа шахсларға ўтқазиш, хатто муаллиф ўз эрки ва хохишига кўра бу ҳуқуқдан воз кечиб, уни битим ёки шартнома асосида (олди-сотди, хадя) бошқа шахсларға бериши хақиқий хисобланмайди. Масалан, бир шахс

томонидан иккинчи шахс учун диссертация ёзиб бериш хақидағи битим қонунга зид ва шу сабабли ўз-ўзидан хақиқий хисобланмайды. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 149-моддасида интеллектуал мулк объектларига нисбатан муаллифликни ўзлаштириш, ҳаммуаллифликка мажбур қилиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

7. Агарда ижодий фаолият натижаси (ихтиро, асар) икки ва ундан ортиқ шахс томонидан яратилган бўлса ҳаммуаллифликда яратилган хисобланади. Умумий қоидага кўра ҳаммуаллифларни шахсий хуқуқлари тенг хисобланади. Мулкий хуқуқлар хажми ҳаммуаллифлар ўргасидаги келишув асосида белгиланади ва тенг бўлмаслиги мумкин. Интеллектуал мулкни баъзи объектларга нисбатан ҳаммуаллифлар доираси қонун хужжатлари бўйича чекланиши мумкин. Ушбу қоида ижодий жамоани умумий саъи-ҳаракатлари асосида яратиладиган баъзи интеллектуал фаолият объектларига нисбатан таълуқлидир. Масалан, аудиовизуал асар худди шундай объект хисобланади ва у жамоани катта кўпчилигини ижодий меҳнати асосида яратилади. Бироқ унинг муаллифлари сифатида чекланган доирадаги шахслар: сценарий муаллифи, саҳналаштирувчи режиссер, саҳналаштирувчи оператор, саҳналаштирувчи рассом ва ш.к. хисобланади.

Яратилиш факти асосида хуқуқий муҳофаза қилинадиган интеллектуал фаолият объектларига нисбатан муаллифлик хуқуқини юридик расмий-лаштириш талаб этилмайди (асарни ўзида муаллифнинг номи кўрсатилган ёки кўрсатилмаганидан қатъий назар). Агарда объектга хуқуқий ҳимоя маҳсус муҳофаза ёрлиғи (патент, гувохонма ва ш.к.) асосида бериладиган бўлса, объектга нисбатан муаллифлик хуқуқи ваколатли давлат идораси томонидан берилган хужжатда қайд этилади.

Муаллифлик хуқуқидан ташқари интеллектуал фаолиятни айрим объектларига нисбатан бошқа шахсий номулкий хуқуқлар ҳам назарда тутилган бўлиши мумкин(ФКнинг 1085–1092-моддалари шарҳига қаранг).

Барча шахсий номулкий хуқуқлар bemuddat ҳимоя қилинади.

### **1034-модда. Интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ хуқуқлар**

**Интеллектуал фаолият натижасига ёки хусусий аломатларни акс эттирувчи воситага нисбатан мулкий хуқуқлар эгасига ана**

**шу интеллектуал мулк объектидан ўз хохишига кўра ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай усулда мутлақ қонуний фойдаланиш ҳукуки тегишли бўлади.**

**Ҳукуқ эгасига мутлақ ҳукуқ асосида тегишли бўлган интеллектуал мулк обьектларидан бошқа шахсларнинг фойдаланишига фақат ҳукуқ эгасининг рухсати билан йўл қўйилади. (ЎзР 16.01.2007 й. ЎРҚ-79-сон Қонуни таҳриридаги қисм)**

**Интеллектуал мулк обьектига нисбатан мутлақ ҳукуқ эгаси бу ҳукуқни бошқа шахсга тўлиқ ёки қисман ўтказишга, интеллектуал мулк обьектидан бошқа шахс фойдаланишига рухсат беришга ҳақли ва, агар бу ушбу Кодекс ва бошқа қонунларнинг қоидаларига зид бўлмаса, уларни бошқача тарзда тасарруф этишга ҳақли.**

**Мутлақ ҳукуқларни чеклашга, шу жумладан интеллектуал мулк обьектидан бошқа шахслар фойдаланишига имконият бериш йўли билан чеклашга, бу ҳукуқларни ҳақиқий эмас деб топишга ва уларни тугатишга (бекор қилишга) ушбу Кодексда ва бошқа қонунларда белгиланган ҳолларда, доираларда ва тартибда йўл қўйилади.**

**Мутлақ ҳукуқларни чеклаш бундай чеклаш интеллектуал мулк обьектидан нормал фойдаланишига ўринисиз зиён етказмаган ва ҳукуқ эгаларининг қонуний манфаатларини асоссиз камситмаган тақдирдагина татбиқ этилади. (ЎзР 16.01.2007 й. ЎРҚ-79-сон Қонуни таҳриридаги қисм), (Олдинги таҳририга қаранг)**

1. Ушбу шарҳланадиган моддада интеллектуал мулк обьектига нисбатан мутлақ ҳукуқлари эгаси ҳукуклари мазмуни белгилаб қўйилган.

2. Юқорида таъкидланганидек интеллектуал мулк обьектларига нисбатан субъектларни шахсий номулкий ва мулкий ҳукуклари амал қиласди. Интеллектуал мулк обьектларини жуда катта кўпчилигига нисбатан ҳукуқ эгасини мутлақ ҳукуқлари амал қилиб, унда унинг барча ваколатлари мужассамланади. Мутлоқ ҳукуқлар интеллектуал мулк обьектлариға нисбатан мулкий ҳукуқларни асоси, негизини ташкил этади. Интеллектуал мулк обьектига нисбатан бошқа субъектларни мулкий ҳукуклари ёхуд мутлоқ ҳукукни хосиласи хисобланади ва ундан келиб чиқади ёки уларни амалга оширишда мутлоқ ҳукуқларга зид бўлмаслиги шарт.

Моддий обьектларга нисбатан мулкий ҳукуқлар тизимида мулк ҳукуки қандай асосий рол ўйнаса, интеллектуал мулк обьектлариға нисбатан

мұлкий ҳуқуқлар тизимида мутлоқ ҳуқуқлар хам худди шундай функцияни бажаради.

Мулк ҳуқуқи конструкцияси ва мутлоқ ҳуқуқлар конструкциялари муайян умумийликларга эга (масалан, хар иккаласида хам фойдаланиш ҳуқуқи ва тасаррүф қилиш ҳуқуқи ваколатлари мавжуд). Бироқ бу умумийликлар хал қилувчи аҳамиятта эга эмес. Чунки интеллектуал мулк объектларини жиддий тағоввутлари уларга нисбатан мулк ҳуқуқи конструкциясинаң құллашға имкон бермайды ва шу сабабли ҳам қонун чиқарувчи томонидан улар учун маҳсус конструкция — мутлоқ ҳуқуқлар конструкцияси яратылған.

3. Шуни назарда тутиш керакки, ошкор этилмаган ахборот әгасига ва товарни келиб чиқыш жойи номига бўлган ҳуқуқ әгасига ушбу объектларга нисбатан мутлоқ ҳуқуқлар тегишли бўлмайди. Шу сабабли шарҳланаётган ушбу нормалар уларга нисбатан таълуқли эмас.

4. Интеллектуал фаолият натижасига нисбатан мулкий ҳуқуқлар эгаларига (яъни патент ҳуқуқи объектларига нисбатан патент әгасига, муаллифлик ҳуқуқи объектларига нисбатан муаллифга, буюртмачига ёки иш берувчига ва ш.к.) ёки индивидуаллаштириш воситалари эгаларига (яъни товар белгиси әгасига, фирма номи әгасига) интеллектуал мулкни ушбу обьектидан қонунга мувофиқ равишда ўз хошишига кўра хар қандай шаклда ва хар қандай усулда фойдаланишга нисбатан мутлоқ ҳуқуқ тегишли бўлади.

Объектдан қонунга мувофиқ фойдаланиш дейилгандан мутлоқ ҳуқуқлар сохиби ҳуқуқий майдон доирасида харакат қилиши тушунилади. Яъни у қонун ҳужжатларида назарда тутилган барча шартлар ва талабларга риоя қилиши, бошқа шахсларни қонуний ва ҳуқуқ манфаатларини бузмаслиги лозим.

Мутлақ ҳуқуқлар әгаси обьектдан ўз хошишига кўра, ўз эрки ихтиёри билан ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолда бошқаларни мажбурловисиз фойдаланишга хақли. Қонунда масалан, обьектдан фойдаланиш бўйича мажбурий лицензия бериш тартиби ва асослари белгилаб қўйилган.

Интеллектуал мулк обьектларидан фойдаланиш шакллари қонун ҳужжатларида қатъий ва тугал тарзда белгилаб қўйилмаган. Бу эса ҳуқуқ әгасига муайян вазиятлардан ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, обьектдан хар қандай шаклда фойдаланишга имкон беради. Масалан,

асар муаллифи уни китоб шаклида нашр этиши, оғзаки ўқиши, кино сценарий, радио пьеса сифатида қайта ишлаши, фондо ёзувларига киритиши ва бошқа шаклларда фойдаланишга хақли.

Интеллектуал мулк объектлари усулларидан фойдаланиш ҳам чекланмаган. Фойдаланишни техник усуллари, юридик усуллари ва шу кабилар билан фарқланади.

Фойдаланишни кенг қўлланиладиган усуллари бўлиб тижорат муомаласида фойдаланиш, шахсий мақсадларда фойдаланиш ва илмий тадқиқотларда фойдаланиш хисобланади.

5. Юқорида айтилганидек, интеллектуал мулк объектлари асосида уларни гоявий негизга таяниши ётади. Яъни ушбу объектни жисмоний жиҳатдан мутлақ эгаллаш мумкин эмас ва объект бир вақтнинг ўзида номуайян доирадаги шахслар фойдаланишида бўлиши мумкин. Шу сабабли ҳам мулк ҳуқуқидан фарқли равишда мутлақ ҳуқуқлар конструкциясида эгаллаш ҳуқуқига ургу берилмаган. Бунинг ўрнига интеллектуал мулк обьектини муайян субъектга мутлақ ҳуқуқлар тегишли бўлган асосда, ундан бошқа шахсларни фойдаланишига мутлақ ҳуқуқларни эгаси розилиги билангина йўл қўйилади деб белгилаб қўйилган. Бундай розиликни энг кенг тарқалган шакли бўлиб лицензия шартномалари тувиш хисобланади (ФКнинг 1036-моддаси шарҳларига қаранг). Розилик олишнинг бошқа ҳолатларида у аниқ ва қатъий ифодаланган бўлиши ва иложи борича ёзма равишда тузилган бўлиши лозим. Сукут, индамаслик бунда розилик аломати хисобланмайди.

Қонун ҳужжатларида интеллектуал мулк обьектидан мутлақ ҳуқуқлар эгаси розилигини олмасдан фойдаланиш асослари ҳам белгилаб қўйилган (масалан, ФКнинг 1065-моддаси шарҳларига қаранг). Учинчи шахслар томонидан интеллектуал мулк обьектидан мутлақ ҳуқуқлар эгаси розилигини олмаган ҳолда фойдаланишнинг қолган барча ҳолатлари қўпол, жиддий ҳуқуқбузарлик хисобланади ва ҳуқуқбузарлик характер ва оқибатларига қараб жиноят ҳуқуқий, маъмурий ҳуқуқий ва фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлийк чоралари қўлланилади.

6. Интеллектуал мулк обьектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар фуқаролик муомаласида эркин характерда бўлади. Шу сабабли интеллектуал мулк обьектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқ эгаси ушбу ҳуқуқни бошқа шахсларга тўлиқ ўтказишга хақли (ҳуқуқдан бошқа шахс фойдасига

воз кечиш, сотиш, ҳадя қилиш, тижорат юридик шахслар устав фондига киритиш ва ш.к.). Мутлақ ҳуқук эгаси ушбу ҳуқуқларни қисман бошқа шахсларга ўтказишга (масалан, ўзини фойдаланиш ваколатини чекламаган ҳолда объектдан бошқа шахсга фойдаланишга рухсат бериши мумкин) ёхуд ФКнинг ва бошқа қонун ҳужжатларига зид бўлмаган хар қандай тарзда тасарруф қилишга (масалан, барча шахсларни объектдан эркин фойдаланиш мақсадида мутлақ ҳуқуқлардан воз кечишга хақли).

Мутлақ ҳуқук тўлиқ бошқа шахсга ўтказилганда аввалги ҳуқук эгаси уни ўзидан бегоналаштиради ва мутлақ ҳуқук уни қабул килувчи томонда вужудга келади.

Мутлақ ҳуқуқларни тасарруф қилиш усуллари тизимида уларни сотиш, тижорат юридик шахслари устав фондига киритиш билан бир каторда мажбурият ижросини таъминлаш мақсадида гаровга қўйиш хам мумкин.

7. ФКнинг 1034-моддаси 4–5-қисмларида мутлақ ҳуқуқларни чеклаш шартлари белгилаб қўйилган. Улар қўйидагилардан иборат:

Биринчидан, Фуқаролик Кодексида ва қонунда назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади (демак қонун ости ҳужжатлари билан бундай чеклашлар мумкин эмас.);

Иккинчидан, бундай чеклашлар интеллектуал мулк объектидан ҳуқук эгаларини нормал фойдаланишига зиён етмаслиги шарт (яъни уларни имкониятини чекламаслиги, улар учун турли тўсиқлар вужудга келтирмаслиги лозим.);

Учинчидан, ҳуқук эгаларини қонуний манфаатларини бузмаслиги лозим (яъни уларни мукофот ва фойдадан маҳрум этмаслиги шахсий ҳуқуқларни бузмаслиги ва ш.к.). Бунда шуни ёдда тутиш лозимки, мутлақ ҳуқук эгаси ибораси эмас ҳуқук эгалари ибораси кўлланилган, бинобарин объектдан нормал фойдаланишга зиён етган ва ҳуқук эгалари қонуний манфаатлари бузилган тақдирда барча ҳуқук эгалари (шу жумладан мулкий ҳуқук субъектлари хам, шахсий ҳуқук субъектлари хам) ўз ҳуқуқларини талаб қилишга хақлидирлар.

### **1035-модда. Мутлақ ҳуқуқларнинг бошқа шахсга ўтиши**

**Интеллектуал мулк обьектига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар эгасига тегишли мулкий ҳуқуқлар, агар ушбу Кодексда ёки бошқа қонунда**

**бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ҳуқуқ эгаси томонидан шартнома бўйича бошқа шахсга тўлиқ ёки қисман ўтказилиши мумкин, шунингдек бу мутлақ ҳуқуқлар мерос бўлиб ва юридик шахс — ҳуқуқ эгаси қайта ташкил этилганда ҳуқуқий ворислик тартибида ўтади.**

Мулкий ҳуқуқларнинг шартнома бўйича ўтказилиши ёхуд уларнинг универсал ҳуқуқий ворислик тартибида ўтиши муаллифлик ҳуқуқининг ва бошқа бегоналаштирилмайдиган ҳамда ўзгага ўтказилмайдиган мутлақ ҳуқуқларнинг ўтказилишига ёки чекланишига сабаб бўлмайди. Бундай ҳуқуқларнинг ўтказилиши ёки чекланиши тўғрисидаги шартнома шартлари ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

Шартнома бўйича ўтказиладиган мутлақ ҳуқуқлар унда аниқлаб қўйилиши лозим. Шартномада бошқа шахсга ўтказиладиган ҳуқуқ сифатида кўрсатилмаган ҳуқуқлар, агар бошқача ҳол исботланмаган бўлса, ўтказилмаган деб хисобланади.

Мутлақ ҳуқуқни унинг амал қилиш даврида чекланган вақтга бошқа шахсга беришни назарда тутувчи шартномага нисбатан лицензия шартномаси тўғрисидаги қоидалар қўлланилади.

1. Ушбу шархланаётган моддада интеллектуал мулк обьектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни бошқа шахсларга ўтказиш тартиби ва шартлари белгилаб қўйилган.

2. Интеллектуал мулк обьектига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар эгасига тегишли мулкий ҳуқуқлар, агар Фуқаролик Кодекси ёки бошқа қонунларда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ҳуқуқ эгаси томонидан шартнома ёки битим бўйича бошқа шахсга тўлиқ ёки қисман ўтказилиши мумкин. Шунингдек бу мутлақ ҳуқуқлар эгаси бўлган фуқаро вафот этганда мерос бўлиб ва мутлақ ҳуқуқлар эгаси юридик шахс бўлса у қайта ташкил этилганда ҳуқуқий ворислик тартибида ўтади.

Фуқаролик Кодексида ва амалдаги қонун хужжатларида баъзи интеллектуал мулк обьектларига нисбатан мулкий ҳуқуқлар эгаларидан бошқа шахсларга ўтиши бўйича истиснолар мавжуд. Масалан ФКнинг 1109-моддаси З-қисмига мувофиқ товар келиб чиққан жой номига бўлган ҳуқуқни бегоналаштиришга, ундан бошқа шахс фойдасига воз кечиш тўғрисида битимлар тузишга ва ундан лицензия асосида фойдаланишга беришга йўл қўйилмайди. ФКнинг 1101-моддасида фирма номига бўлган

хукуқларни бошқа шахсларга ўтказиш тартиби ва шартлари белгилаб қўйилган бўлиб, улар юкорида белгилаб қўйилган умумий қоидалардан фарқ қиласди. ФКнинг 1105-моддаси 2-қисмига мувофиқ товар белги-сига бўлган хукуқларни бошқа шахсларга берилишига йўл қўйилмайди, агарда у товарга ёки унинг ишлаб чиқарувчисига нисбатан бошқаларни чалғишига сабаб бўладиган бўлса.

Интеллектуал мулк обьектларига нисбатан мутлақ хукуқлар унинг эгаси бўлган фуқаро вафотидан кейин, мерос тартибида, унинг қонуний меросхурларига ёки васият асосида ўтади. Бундай ҳолларда ФКнинг ворислик тўғрисидаги V бўлими нормалари қўлланилади. Агарда интеллектуал мулк обьектларига нисбатан мутлақ хукуқ эгаси юридик шахс бўлса, юридик шахс қайта ташкил этилганда (бирлашганда, кўшиб олинганда, қайта тузилганда) мутлақ хукуқ хукуқий ворислик тартибида янги вужудга келган юридик шахсга ўтади. Юридик шахс бўлиниш, ажралиб чиқиши ўюли билан қайта ташкил этилганда мутлақ хукуқни кимга ўтиши тарафларни ўзаро келишувчи билан, бунга эришилмаган тақдирда эса, суд томондан белгиланади. Мутлақ хукуқни мерос ва хукуқий ворислик тартибида ўтиш факти нотариус томонидан бериладиган мерос гувохномаси асосида расмийлаштирилади. Агарда обьектга нисбатан хукукий муҳофаза хужжати бўлса, ваколатли давлат идораси томонидан мутлақ хукуқни янги эгаси номига хужжатлар расмийлаштирилади ва тегишли давлат рўйхатидан ўтказилади.

3. Мулкий хукуқларни шартнома асосида ўтказиш ёхуд уларни универсал хукуқий ворислик тартибида ўтиши муаллиф хукуқларини ва бегоналаштирилмайдиган ва бошқаларга ўтказдирилмайдиган бошқа шахсий хукуқларни чекланишига сабаб бўлмайди. Бундай хукуқларни ўтказиш ёки чеклаш тўғрисида шартнома шартлари ўз-ўзидан хақиқий эмас.

Ушбу қоида ижодий фаолият натижасига мутлақ хукуқ ижодкор муаллифга тегишли бўлмаган барча ҳолларда қўлланилади. Мутлақ хукуқ эгаси — муаллиф учинчи шахсларга мулкий хукуқларни шартнома асосида ўтказган ёки уни вафоти сабабли мулкий хукуқлар унинг меросхурларига универсал ворислик тартибида ўтган ҳолларда муаллифнинг шахсий хукуқлари бошқа мутлақ-абсолют хукуқлари (унинг ўзидан бегоналаштирилмайдиган ва бошқага ўтказилмайдиган) бекор бўлмайди, чеклан-

майди ва шартнома асосида ёки мерос тартибида бошқа шахсларга ёхуд меросхўрларга ўтказилмайди. Агарда мутлақ хукуқ эгаси унинг муаллифи эмас бошқа шахс бўлган тақдирда ҳам, учинчи шахсларга мулкий хукуклар шартнома асосида ўтказилганда ёки универсал хукукий ворислик тартибида ўтганда, муаллифлик ва бошқа бегоналаштирилмайдиган хукуклар ўтишига, бекор бўлишига ёки чекланишига сабаб бўлмайди.

Бошқа шахсларга ўтказилмайдиган бегоналаштирилмайдиган ва фақат муаллифга яъни ижодий фаолият натижасини яратувчига тегишли бўлган мутлақ-абсолют хукуклар доираси, турлари ва мазмуни ФКнинг 1033-моддасида белгилаб қўйилган. Интеллектуал мулк объектига нисбатан мутлақ хукуклар фуқаролик муомаласида бир субъектдан бошқа субъектга ўтиш микдорларидан қатъий назар, ижодкор муаллиф интеллектуал мулк объектига нисбатан муаллифлик хукуқини сақлаб қолади. Яъни мутлақ хукукларни бир шахслардан бошқа шахсларга ўтиш фактлари муаллифни хукукий мақомига ҳам, унинг фақат ўзига тегишли бўлган, ундан бегоналаштирилмайдиган номулкий хукуклари мазмунига ҳам хеч қандай даражада таъсир кўрсатмайди.

4. Ўтказилаётган мулкий хукуклар хукуқ эгасига тегишли бўлган мутлақ хукуқдан келиб чиқиши лозим. Объектдан фойдаланиш хукуки деганда хукуқ эгаси томонидан интеллектуал мулк объектидан ўзининг фойдаланиши ёки бошқа учинчи шахсларга фойдаланиш учун бериши тушунилади.

Мулкий хукуқ тўлиқ хажмда ўтганда хукуқ эгаси уни ўзидан бегоналаштиради ва у учинчи шахсларда вужудга келади. Мулкий хукуқ қисман ўтказилганда хукуқ эгаси бу хукуқни муайян қисмини ўзида қолдиради ва колган қисми учинчи шахсларга ўтади. Мулкий хукуклар фақат шартнома асосидагина ўтказилиши мумкин. Шартнома мутлақ хукуқ эгаси билан ушбу хукуқ тўлиқ ёки қисман ўтказилаётган шахс ўртасида тузилади. Ушбу шартномаларга нисбатан агар қонунда бошқача белгиланмаган бўлса ФКнинг 26-боби (шартнома тушунчаси ва шартлари) 28-боби (шартномани ўзgartириш ва бекор қилиш) нормалари қўланилади.

Шартномада интеллектуал мулк объектига нисбатан мутлақ хукуқ эгасининг номи ва ушбу мулкий хукуклар ўтказилаётган шахснинг номи кўрсатиласида. Агарда мутлақ хукуқ ваколатли давлат идорасидан хукукий муҳофаза ёрлиги берилиши асосида вужудга келган бўлса, унинг номи ва

қайд этилиш номери, унинг амал қилиш муддати, ўтказилаётган мулкий хукуқлар мазмуни ва хажми, фойдаланиш муддати ва шартлари, агарда шартнома хақ асосида тузилган бўлса тўлов микдори ва тўлаш тартиби, мулкий хукуқ қисман ўтказилган ҳолларда ундан фойдаланиш жараёни устидан назорат қилиш ваколатлари, тарафларни бошқа хукуқ ва мажбуриятлари, шартнома шартларини бузганлик учун жавобгарлик шартлари ва шу каби масалалар ўз ифодасини топиши лозим. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиши ва тегиши шаклда расмийлаштирилиши талаб этилади. Шартнома шакли интеллектуал мулк обьектларини турлари бўйича турлича белгиланган. Муаллифлик хукуқи обьектларига нисбатан мулкий хукуқларни ўтказишда шартнома ёзма шаклда тузилиди ва нотариал гувохлантириш тавсия этилади. Агарда мутлақ хукуқ ваколатли давлат идораси томонидан интеллектуал мулк обьектига нисбатан хукуқий муҳофаза ёрлиғи (патент, гувохнома) берилиши асосида вужудга келган бўлса, мулкий хукуқни ўтказиш тўғрисидаги шартнома ёзма тузилиши, нотариал гувохлантирилиши ва ваколатли давлат идораси рўйхатидан ўтказилиши талаб этилади. Ошкор этилмаган ахборотлардан фойдаланиши бўйича хукуқларни ўтказиш бўйича шартнома шакли ва мазмуни ФКнинг 1097-моддасида белгилаб қўйилган.

Шартнома бўйича ўтказилган мутлақ хукуқлар шартномада аниқ равшан кўрсатилиши лозим. Шартномада бегоналаштираётган яъни ўтказилаётган хукуқ сифатида кўрсатилмаган хукуқлар бошқача ҳолат исботланмагунча, ўтказилмаган хисобланади.

Мулкий хукуқлар мажмуаси сифатида мутлақ хукуқлар интеллектуал мулк обьектига нисбатан хукуқ эгасига ушбу обьектга нисбатан ҳам позитив, ҳам негатив ҳаракатларни амалга ошириш ваколатини беради. Шу сабабли ҳам шартнома асосида мулкий хукуқ бошқа шахсларга ўтказилганда, шартномада айнан қандай хукуқлар (масалан, муайян худудда шахсан фойдаланиш ёхуд тижорат мақсадида фойдаланиш, муайян шартлар асосида бошқа шахсларни фойдаланиши, бошқа худудда шартномани амал қилиш доираси ва х.к.) ўтаётганлиги ва ушбу хукуқдан келиб чиққан ҳолда, уни қабул қилувчи тарафни ваколатлари белгилаб қўйилиши керек. Юқорида кўрсатилганидек, бундай шартномаларда ўтказилиш аниқ белгилаб қўйилмаган хар қандай хукуқ, агар акси исботланмаса ўтказилмаган хисобланади деган презумция амал қиласи. Бундан келиб

чиқадики агарда шахс шартнома асосида мутлақ хуқуқларни қисман олган бўлса ва айни пайтда ушбу доирадан ташқари бошқа хуқуқларни амалга ошираётган бўлса бу ҳолда у ушбу бошқа хуқуқлардан мутлақ хуқуқлар эгасини розилиги ёки рухсати асосида фойдаланаётганлигини исботлаши лозим, акс ҳолда у мулкий хукуқдан қонунга зид равишда фойдаланган бўлиб хисобланади. Мутлақ хукуқ эгасини рухсати ёки розилиги билан кўшимча хуқуқлар олганлигини исботлаш мажбурияти бундай хукуқдан фойдаланган шахс зиммасига юклатилади.

5. Бошқа шахсларга мутлақ хуқуқлар шартномани амал қилиш муддати давомида ўтиши хақидаги шартномага нисбатан лицензия шартномалари тўғрисида қоидалар қўлланилади. Бундан англашиниладики, агарда мутлақ хукуқ эгаси вактинчалик муддатга (чекланган муддатга) мулкий хукуқни шартнома асосида ўтказса, бундай шартнома лицензия шартномаси хисобланади ва унга нисбатан ФКнинг 1036-моддаси нормалари қўлланилади.

## **1036-модда. Лицензия шартномаси**

**Лицензия шартномаси бўйича интеллектуал фаолият натижасига ёки хусусий аломатларни акс эттирувчи воситага нисбатан мутлақ хукуққа эга бўлган тараф (лицензиар) бошқа тарафга (лицензиатга) тегишли интеллектуал мулк объектидан фойдаланишга рухсатнома беради.**

**Лицензия шартномаси бериладиган хуқуқларни, фойдаланиш чегаралари ва муддатларини аниқлаши лозим.**

**Лицензия шартномаси пуллик хисобланади.**

**Лицензия шартномаси лицензиатга қўйидагиларни беришни назарда тутиши мумкин:**

**интеллектуал мулк объектидан, лицензиарнинг ундан фойдаланиш хукуқи ва бошқа шахсларга лицензия бериш хукуқи сақланиб қолган ҳолда (оддий номутлақ лицензия) фойдаланиш хукуқини;**

**интеллектуал мулк объектидан, лицензиарнинг ундан фойдаланиш хукуқи сақланиб қолган ҳолда, бирор бошқа шахсларга лицензияни бериш хукуқисиз (мутлақ лицензия) фойдаланиш хукуқини;**

**қонунда йўл қўйиладиган бошқа турдаги лицензияларни.**

**Агар лицензия шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, лицензия оддий (номутлак) деб хисобланади.**

**Лицензияни олувчи томонидан интеллектуал мулк объектидан фойдаланиш хуқуқини бошқа шахсга бериш тўғрисидаги шартнома сублицензия шартномаси хисобланади. Лицензияни олувчи фақат лицензия шартномасида назарда тутилган ҳолларда сублицензия шартномаси тушишга ҳақли.**

**Кўшимча лицензиатнинг харакатлари учун, агар лицензия шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, лицензиар олдида лицензиат жавобгар бўлади.**

1. Лицензия шартномаси бўйича интеллектуал фаолият натижаларига ёки индивидуаллаштириш воситаларига нисбатан мутлак хукуқ эгаси бўлган бир тараф (лицензиар) иккинчи тарафга (лицензиатга) интеллектуал мулкни тегишли объектидан хақ эвазига фойдаланишга рухсат беради.

2. Лицензия шартномаси учинчى шахсларга интеллектуал мулк объектларидан фойдаланиш имкониятларини берувчи муҳим фуқаролик хукукий воситаси хисобланади. Лицензия шартномаси интеллектуал мулк объектидан фойдаланишга рухсат бериш бўйича келишув хисобланади. Лицензия шартномаси бўйича хукуқ эгаси (лицензиар) шартномада кўрсатилган муддатларда ва хажмда муҳофаза остидаги объектдан бошқа тарафга (лицензиатга) фойдаланиш хуқуқини бериш мажбуриятини олади ва ўз навбатида лицензиат шартномада назарда тутилган тўловларни ва бошқа харакатларни амалга ошириш мажбуриятини ўзига қабул қиласди.

3. Лицензия шартномаси ўзининг хукукий табиати бўйича анъанавий олди-сотди шартномаси ва мулк ижараси шартномаси билан ўхшаш бўлса ҳам бироқ муайян белгилари бўйича улардан жиддий фарқ қиласди.

Биринчидан, олди-сотди шартномаси ёки мулк ижараси шартномаси сотувчини ёки ижарага берувчини мулк хукуқига ёки ашёвий хукуқига асосланади. Лицензия шартномаси эса хукукий муҳофаза остидаги интеллектуал мулк объектига нисбатан жорий этилган мутлак хукукка асосланади.

Иккинчидан, олди-сотди ва мулк ижараси шартномаси асосида ашё сотиб олувчига ёки ижарачига топширилади. Бу эса тарафларнинг бир пайтнинг ўзида ашёни эгаллаш имкониятини истисно этади. Бироқ интеллектуал мулк объектидан бир пайтнинг ўзида лицензиар ва номуайян

доирадаги учинчи шахслар (лицензиатлар) фойдаланишлари мумкин. Худди шу сабабли ҳам, лицензия шартномаларига нисбатан ФКнинг олди-сотди шартномасидаги сотувчини товарни топшириш мажбурияти тўғрисидаги (388-модда), сотувчини сотилган товарни сақлаш мажбурияти тўғрисидаги (391-модда), товардаги камчилик нуқсонлар учун сотувчининг жавобгарлиги тўғрисидаги (409-модда), ижарага олувчига мол-мулкини топшириш (541-модда), мол-мулкни ижарачига қайтариш (554-модда) ва шу каби олди-сотди ва мулк ижараси шартномасининг катор қоидаларини қўллаб бўлмайди.

4. Лицензия шартномаси предмети бўлиб ҳукукий муҳофаза остидаги ижодий фаолият натижаси ҳам (фан, адабиёт, санъат асари, компьютер дастурлари, ихтиrolар, фойдали моделлар, саноат намуналари) ёки фуқаролик муомаласи иштирокчилари, уларнинг товарлари, хизматлари ва ишларини индивидуаллаштириш воситалари (фирма номи, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси, домен белгиси) ҳам бўлиши мумкин. ФКнинг 1109-моддаси 3-кисмига мувофиқ товар келиб чиқиш жойи номидан фойдаланиш ҳукуки лицензия шартномасининг предмети бўла олмайди.

5. Интеллектуал мулк обьектига нисбатан мутлақ ҳукуқ эгаси бўлиб лицензиар хисобланади. Мутлақ ҳукуқ эгаси ҳукуқлари конуний асосларда вужудга келган ёки олинган бўлиши лозим ва тегишли ҳолларда ваколатли давлат идораси томонидан берилган ҳукукий муҳофаза ёрлиғи орқали гувохлантирилган бўлиши шарт. Интеллектуал мулк обьектидан фойдаланиш рухсатини олган шартнома бўйича тараф лицензиат хисобланади.

6. Лицензия шартномаси тақдим этилаётган ҳукуқларни, уларни доираси ва муддатларни аник равshan белгилаши лозим.

Юқорида таъкидланганидек интеллектуал мулк обьектларига нисбатан мутлақ ҳукуқлар доираси кенг ва ранг-барангдир. Бу ҳукуқларни шартли равишда уч гурухга бўлиш мумкин:

объектдан ҳукуқ эгаси томонидан шахсан фойдаланиш;

бошқа шахсларни фойдаланиши учун рухсат бериш;

бошқа шахсларни фойдаланишини таъкиқлаб қўйиш;

Айни пайтда ушбу ҳукуклар турли вазиятларда намоён бўлади:

Ўзи фойдаланган ҳолда бошқа шахслар фойдаланиши учун рухсат бериш;

Фақат ўзи томонидан фойдаланиш;

Ўзи фойдаланмаган ҳолда бошқаларни фойдаланиши учун рухсат бериш.

Бошқа шахсларга фойдаланиш учун рухсат беришда фойдаланиш худуди, фойдаланиш хажмлари аниқ кўрсатилиши лозим (масалан, фақат Ўзбекистон худудида фойдаланиш, Марказий Осиё худудида фойдаланиш, муайян технологик жараёндаги ишлаб чиқаришда фойдаланиш, фақат муайян маҳсулотга нисбатан фойдаланиш ва х.к.).

Лицензия шартномасида лицензиат томонидан интеллектуал мулк обьектидан фойдаланиш муддати аниқ белгиланиши талаб этилади. Бу муддат лицензия берилган пайтдан бошлаб обьект ҳуқуқий муҳофаза муддатидан ошмасилиги лозим.

7. Лицензия шартномаси хақ эвазига тузилиши назарда тутилади. Одатда лицензия шартномаси бўйича хақ тўлашда қуидаги усувлар кўлланади:

Лицензия шартномаси имзоланган пайтда бир варакайига тўланадиган тўлов (у паушал йигим деб аталади) ва олинадиган фойдага нисбатан фоизлар кўринишида жорий ажратмалар белгилаш (у роялта деб аталади), баъзан ҳар иккала усул бир пайтда кўлланниши мумкин. Бунда олдин қатъий суммада белгиланган бир марталик тўлов тўланади ва кейинчалик олинаётган фойдадан фоизлар хисобидан даврий ажратмалар тўлаб борилади. Хақ тўлаш шакллари тарафларни келишуви асосида белгилаб олинади.

8. Лицензия шартномаси асосида лицензиатга қуидаги ҳуқуқларни берилиши назарда тутилиши мумкин:

Интеллектуал мулк обьектидан лицензиарнинг ундан фойдаланиш ҳуқуқи ва бошқа шахсларга лицензия бериш ҳуқуқи сақланиб қолган ҳолда фойдаланиш ҳуқуқини бериш — оддий номутлақ лицензия;

Интеллектуал мулк обьектидан лицензиарнинг ундан фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қолган ҳолда бироқ бошқа шахсларга лицензия бериш ҳуқуқисиз фойдаланиш ҳуқуқини бериш — мутлақ лицензия;

Конунда йўл қўйиладиган бошқа турдаги лицензияларни бериш.

Оддий номутлақ лицензия берилганда интеллектуал мулк обьектидан мутлақ ҳуқуқ эгаси яъни лицензиар ҳам, лицензиат ҳам ва мутлақ ҳуқуқ эгасидан фойдаланиш учун рухсат олган учинчи шахслар ҳам фойдаланишга хақли. Бундай ҳолларда лицензиат мутлақ ҳуқуқ эгасини, шунингдек, обьектдан аввалдан фойдаланиб келувчи учинчи шахсларни ва

объектдан бундан кейин фойдаланувчи учинчи шахсларни фойдаланишга нисбатан эътиroz билдира олмайди. Бошқача айтганда лицензиар бошқа шахслар билан бир қаторда объектдан фойдаланишгагина хақли холос.

Мутлақ лицензияда объектдан лицензиар ва лицензиат фойдаланиши мумкин, бироқ лицензиар учинчи шахсларга объектдан фойдаланиш бўйича лицензия беришга хақли эмас. Мутлақ лицензияни амал қилиш муддати давомида лицензиар ва лицензиат объектдан фойдаланиш бўйича тенг хукуқларга эга.

9. Конунларда мажбурий, очиқ лицензиялар бериш асослари белгилаб қўйилган. Ихтиrolар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисидаги Конуннинг 11-моддасига биноан патент эгаси томонидан саноат мулки обьектидан уни рўйхатга олиш санасидан бошлаб 3 йил давомида фойдаланилмаган ёки етарли даражада фойдаланилмаган холларда муҳофаза остидаги саноат мулкидан фойдаланишни хоҳловчи ва бунга тайёр хар қандай шахс, патент эгаси унинг лицензия шартномаси тузиш тўғрисидаги таклифни рад этган тақдирда, ўзига мажбурий номутлақ лицензия берилишини сўраб судга мурожат қилиши мумкин. Агарда мутлақ хукуқ эгаси у узрли сабабларга кўра саноат мулки обьектидан фойдаланмагани ва фойдаланишга имкони бўлмаганини исботлай олмаса, суд юқоридаги шахсга хажмини, муддатини ва тўлов тартибини белгилаган ҳолда мажбурий лицензия беришга хақли. Бунда тўланадиган хақ миқдори бозор қийматидан кам бўлмаслиги шарт.

Селекция ютуклари тўғрисидаги Конуннинг 40-моддасига мувофиқ агарда патент эгаси патент бериш санасидан бошлаб 3 йил давомида Ўзбекистон Республикаси худудида селекция ютуғидан фойдаланмаса ва лицензия шартномаси тузишдан бўйин товласа ва ушбу селекция ютуғидан фойдаланмаслик жамият манфаатлариiga даҳл этса, ушбу селекция ютуғидан фойдаланувчи шахс унга мажбурий лицензия берилишини сўраб судга мурожат қилишга хақли. Мажбурий лицензия номутлақ (оддий) лицензия тарикасида берилади ва уни эгасига патент эгасидан селекция ютугини уруғлигини, кўчатларини ва наслдор чорва молларини олиш хукукини беради. Мажбурий лицензия селекция ютуғидан лицензияга мувофиқ ва йўл қўйиладиган усулдан фойдаланишни таъминлаши мумкин бўлган шахсгагина берилади. Мажбурий лицензия патент эгасига муҳофаза остидаги селекция ютуғидан ўзи фойдаланишига ёки бошқа

шахсларни фойдаланиш учун лицензия берилишига тұсқинлик қилмайды. Ваколатли давлат идораси берилған мажбурий лицензиялар тұғрисидаги маълумотларни чөп этиб боради.

Мажбурий лицензияларни яна бир тури бўлиб берилиши шарт бўлган мажбурий лицензия хисобланади. Ихтиrolар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тұғрисидаги Қонуннинг 32-моддаси 5-кисмiga биноан агар патент эгаси саноат мулки объектидан унинг таркибида бошқа юридик ёки жисмоний шахсга қарашли муҳофаза қилинаётган ўзга объект қўлланилиши туфайли фойдалана олмаса, патент эгаси мазкур шахсдан бу объектдан шартномада назарда тутилған шартлар асосида фойдаланиш учун лицензия беришни талаб қилишга ҳақлидир.

Интеллектуал мулк объектларини баъзи турлари учун очиқ лицензиялари шартлари қўлланиши мумкин. Ихтиrolар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тұғрисидаги Қонуннинг 32-моддаси 2–3-кисмларига биноан патент эгаси саноат мулки объектидан фойдаланиш ҳукуқини ҳар қандай шахсга бериш тұғрисида (очиқ лицензия) ваколатли давлат идорасига ариза топшириши мумкин. Бу ҳолда патентни ўз кучида сақлаб турғанлик учун ундириладиган патент божи шундай ариза тұғрисидаги маълумотлар ваколатли давлат идорасига томонидан эълон қилинганидан кейинги йилдан бошлаб эллик фоизга камайтирилади.

Очиқ лицензияни олиш истагини билдирган шахс патент эгаси билан номутлақ лицензия бериш тұғрисида шартнома тузиши шарт. Шартнома шартлари бўйича низолар суд томонидан кўриб чиқилади. Патент эгасининг очиқ лицензияга нисбатан ҳукуқ бериш ҳақидаги аризаси чақириб олинмайды.

«Селекция ютуқлари тұғрисидаги» Қонуннинг 39-моддаси 3, 4, 5-кисмларига биноан патент эгаси селекция ютуғидан фойдаланиш ҳукуқини ҳар қандай шахсга бериш (очиқ лицензия) тұғрисида Интеллектуал мулк агентлигига ариза топшириши мумкин. Бу ҳолда патентни ўз кучида сақлаб турғанлик учун ундириладиган патент божи эллик фоизга камайтирилади.

Патент эгасининг очиқ лицензияга бўлган ҳукуқни бошқа шахсга бериш тұғрисидаги аризаси чақириб олинмайды.

Очиқ лицензия олиш истагини билдирган шахс патент эгаси билан лицензия шартномасини тузиши шарт.

10. Интеллектуал мулк объектларидан мутлақ ҳукуқ эгасидан лицензия олмасдан фойдаланишга фақат қонун ҳужжатларида назарда тутилған

холлардагина йўл қўйилади. Бунда хақ эвазига ёки текин фойдаланиш мумкин. Масалан, Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисидаги Қонуннинг 31-моддасига биноан саноат мулки обьектидан аввалдан фойдаланувчи лицензия олмасдан текин фойдаланиши мумкин. Ушбу қонуннинг 32-моддаси 4-қисмига биноан саноат мулки обьектидан патент эгасининг розилигисиз, мутаносиб микдорда унга товон тўлаган ҳолда фойдаланилишига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда рухсат бериши мумкин.

11. Лицензия шартномаси ёзма шаклда тузилади. Саноат мулки обьектларидан шу жумладан ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналаридан, шунингдек товар белгисидан, селекция ютукларидан, нау-хаулардан фойдаланувчига берилган лицензиялар ваколатли давлат идорасида рўйхатдан ўтказилган бўлиши шарт, акс ҳолда ФКнинг 112-моддаси 1-қисмига кўра у ўз-ўзидан хақиқий хисобланмайди. Хукукий муҳофаза яратилиш факти асосида вужудга келадиган интеллектуал мулк обьектларидан фойдаланишга лицензия бериш тўғрисидаги шартномаларни, гарчи қонунда шарт қилиб қўйилмаган бўлса ҳам, нотариал гувохлантириш мақсадга мувофиқdir.

Лицензия шартномасида қўйидаги шартлар назарда тутилган бўлиши лозим: тарафларнинг номлари, лицензиар мутлак хукукларини гувохлантирувчи (тасдиқловчи) хужжат тўғрисидаги маълумотлар, обьектдан фойдаланиш бўйича ўтказилаётган хукуклар хажми, доираси, усувлари, чегараси ва фойдаланиш муддатлари, хақ тўлаш шакли, тартиби ва микдорлари, тарафларнинг жавобгарлиги, низоларни хал қилиш тартиби ва ш.к. Бундан ташқари шартномада лицензатга ўтказилаётган хукуклардан реал фойдаланишини таъминлаш мажбуриятлари (зарур хужжатларни тақдим этиш ашёларни намуналар билан тақдим этиш, техник ёрдам кўрсатиш, ўз мутахассисларини юбориш, маҳсус қурилмалар, хом ашё материаллари билан таъминлаш ва шу кабилар) кўрсатилиши мумкин. Лицензиар лицензия учун асос бўлган патентни амал қилишини таъминлаш учун (божлар тўлаш, учинчи шахслар даъволаридан химоя қилиш), лицензия асосида маҳсулот ишлаб чиқаришни техник имкониятлари ва лицензиат томонидан техник шартларга риоя килинганда кутилаётган зарур натижаларга эришиш учун маъсулдир. Баъзан лицензия шартномасини энг зарур шарти бўлиб патентга таълуқли маълумотларни тарафлар томонидан

махфийлигини сақлаш хисобланади. Бундай ҳолатда шартномада ушбу мажбуриятни бузгандар учун жавобгарлик чоралари назарда тутилади.

12. Интеллектуал мулкни айрим объектлари учун лицензия шартномасини зарурый шартлари қонунда белгилаб қўйилиши мумкин. Масалан, ФКнинг 1101-моддаси 2-қисмига кўра фирма номи эгаси бошқа шахсга ўз фирма номидан фойдаланишга лицензия асосида рухсат бериши мумкин. Бироқ бунда лицензия шартномасида истеъмолчини чалғитишига қаратилган чоралар белгилаб қўйилган бўлиши талаб этилади. Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товарни келиб чиқиш жой номи тўғрисидаги Қонуннинг 30-моддаси 4-қисмига мувофиқ лицензия шартномасида лицензиат товарлари сифати лицензиар товарлари сифатидан паст бўлмаслиги ва ушбу шартни бажарилиши лицензиар томонидан назорат қилиниши тўғрисида қоидалар белгилаб қўйилиши лозим.

13. Агарда лицензия шартномасида бошқача белгиланмаган бўлса, лицензияни оддий номутлақлиги назарда тутилади. Бундан шу англанишиладики, лицензия шартномасида мутлақ лицензия эканлиги аниқ кўрсатилмаган бўлса, у ҳолда шартномада белгилаб қўйилган — қўйилмаганидан қатъий назар, интеллектуал мулк обьектидан мутлақ хукуқ эгаси ҳам, унинг рухсати билан учинчи шахслар ҳам фойдаланишга хақли бўладилар.

14. Лицензиат томонидан интеллектуал мулк обьектидан бошқа шахсга фойдаланиш учун берилган шартнома сублицензия шартномаси хисобланади. Лицензияни олувчи яъни лицензиат факат лицензия шартномасида назарда тутилган ҳоллардагина сублицензия шартномаси тузишга хақли. Лицензиатга бундай хукуқни мутлақ хукуқ эгаси тўлиқ лицензия шартномалар асосидагина бериши мумкин. Бунда сублицензиатга обьектдан фойдаланиш учун берилётган хукуқлар хажми лицензиатга бирламчи лицензия шартномаси асосида берилган хукуқлар хажмидан ошмаслиги шарт. Асосий (бирламч) лицензия шартномаси хақиқий эмас деб топилганда ёки муддати тугаганда сублицензия шартномаси ўз ўзидан бекор бўлади.

15. Сублицензия (қўшимча лицензиатнинг) ҳаракатлари учун, агар лицензия шартномасида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, лицензиар олдида лицензиат жавобгар бўлади. Масалан, бирламчи лицензия учун асос бўлган махфий маълумотлар уни сублицензия шартномаси асосида

олган сублицензиат томонидан ошкор этилган бўлса, асосий лицензиат олдида лицензиар жавоб беради. Айни пайтда бирламчи лицензиат сублицензиатга нисбатан регресс талаб қўйиши мумкин. Умумий қоидага кўра, сублицензиатни ҳаракатлари учун бирламчи лицензиат ўзининг айбидан қатъий назар бирламчи лицензиар олдида жавобгардир. Лицензия шартномасида сублицензиатни ўз ҳаракатлари учун бевосита лицензар олдида жавобгарлиги лицензия шартномасида белгилаб қўйилган холлар бундан мустасно.

### **1037-модда. Интеллектуал фаолият натижаларини яратиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги шартнома**

**Муаллиф интеллектуал фаолият натижаларини яратиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги шартнома бўйича келгусида асар, ихтиро ёки бошқа интеллектуал фаолият натижасини яратиш ва ўзининг иш берувчиси бўлмаган буюртмачига бу натижадан фойдаланиш учун мутлақ хуқуқлар бериш мажбуриятини ўз зиммасига олиши мумкин.**

**Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган шартнома яратилиши лозим бўлган интеллектуал фаолият натижасининг хусусиятини, шунингдек ундан фойдаланиш мақсадлари ёхуд усуларини белгилаши лозим.**

**Муаллиф зиммасига ушбу муаллиф келгусида яратадиган ҳар қандай интеллектуал фаолият натижаларидан фойдаланиш учун мутлақ хуқуқларни бирорта шахсга бериш мажбуриятини юклайдиган шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.**

**Интеллектуал фаолият натижаларини яратиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги шартноманинг муаллифнинг келгусида муайян турдаги ёхуд муайян соҳадаги интеллектуал фаолият натижаларини яратишими чеклайдиган шартлари ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.**

**1. Ушбу моддада интеллектуал фаолият натижаларини яратиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги шартномалар турлари ва уларнинг хусусиятлари белгилаб қўйилган.**

**2. Ижодкор муаллиф интеллектуал (ижодий) фаолият натижаларини яратиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги шартнома бўйича келгусида бадиий асар, ихтиро ёки бошқа интеллектуал ижодий фаолият натижасини**

яратиш ва ўзининг иш берувчиси бўлмаган буюртмачига бу натижадан фойдаланиш учун мутлақ хукуқлар бериш мажбуриятини ўз зиммасига олиши мумкин.

Хар бир ижодкор шахс ўз хохишига кўра, ўз ташаббуси билан, ўз маблағларига ёки иш берувчи билан тузилган меҳнат шартномаси асосида ёхуд иш берувчи бўлмаган учинчи шахслар буюртмаси ва маблағлари асосида, фуқаролик хукуқий шартнома бўйича интеллектуал фаолиятни амалга оширишга хақли.

Ижодкор муаллиф ўз маблағлари ва ўз ташаббусига кўра яратилган ижодий фаолият натижасига нисбатан нафақат шахсий номулкий хукуқлар, балки мутлақ хукуқлари ҳам, фақат унинг ўзига тегишли бўлади. У ижодий фаолият натижасига нисбатан мутлақ хукуқдан ўз хохишига кўра фойдаланишга ва тасаруф қилишга хақли.

Ижодкор муаллиф муайян иш берувчи билан меҳнат муносабатларида бўлган ва меҳнат шартномасида белгилаб қўйилган вазифаларни, топшириқларни бажаришда ижодий фаолиятни амалга ошириб, бунинг натижасида яратилган интеллектуал мулк обьектларига нисбатан мутлақ хукуқларга ФКнинг 1062–1087-моддаларида, шунингдек, қатор қонунларда, жумладан Селекция ютуқлари тўғрисидаги Қонуннинг 7-моддаси, ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базаларини хукуқий муҳофаза тўғрисидаги Қонуннинг 8-моддасида назарда тутилган қоидалар ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси нормалари кўлланади. Бунга кўра, интеллектуал фаолият натижасига нисбатан мутлақ хукуқ, агар меҳнат шартномасида бошқача назарда тутилмаган бўлса, иш берувчига тегишли бўлади.

Интеллектуал фаолият натижаларини яратиш ва фойдаланиш тўғрисида муаллиф ва учинчи шахслар ўртасида тузилган шартнома ўз мазмуни бўйича фуқаролик хукуқий шартнома хисобланади ва унга нисбатан ФКнинг тегишли нормалари кўлланади. Шартноманинг предмети бўлиб муаллиф томонидан келгусида амалга ошириладиган ижодий фаолият ва ушбу ижодий фаолият жараёнида яратилган натижа хисобланади. Шартнома тузилган пайтда интеллектуал фаолият натижаси хали мавжуд бўлмайди. Шартнома тузилган пайтида яратилган бўлган, мавжуд бўлган ижодий фаолият натижаларига бўлган мутлақ хукуқлар ФКнинг 1035-моддасида белгиланган тартибда учинчи шахсларга ўтказилиши мумкин.

Интеллектуал фаолият натижаларини яратиш ва фойдаланиш тўғрисидаги шартнома муаллиф (ижрочи) ва буюртмачи ўртасида тузилади. Бу асосда муаллиф ижрочи ижодий фаолият жараёнида интеллектуал мулк обьектини яратади ва ундан фойдаланишга нисбатан мутлақ хукукларни буюртмачига топшириш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса интеллектуал фаолиятни молиялаштириш ва ижрочига хақ тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Интеллектуал фаолият натижасини яратиш ва фойдаланиш тўғрисидаги шартномани предмети бўйича обьектни турига қараб бундай шартномалар кўйидаги гурухларга бўлинади:

– илмий тадқиқот, тажриба конструкторлик ва технологик ишлар пудрати шартномаси (ФКнинг 696–702-моддалари);

– муаллифлик шартномалари (ФКнинг 1067-моддаси);

3. Интеллектуал фаолият натижаларини яратиш ва фойдаланиш тўғрисидаги шартномада яратилаётган интеллектуал фаолият натижасидан фойдаланиш характеристи, шунингдек мақсадлари ва усуллари белгилаб қўйилиши лозим.

Интеллектуал фаолият натижасини характеристи, тури энг аввало муайян сифат кўрсаткичларида мужассамланади. Бу сифат кўрсаткичлари хукукий мезонлар билан уйгунашган холда (масалан, патентга лаёқатлилик даражасида хукукий мухофаза олиш) обьектни техник-иктисодий тавсифида ифодаланадиган сифат кўрсаткичларида намоён бўлади.

Шартномада ўз ифодасини топиши лозим бўлган яна бир холат — бу интеллектуал фаолият натижасидан фойдаланиш мақсадлари (масалан, ихтиродан у ёки бу тармоқда фойдаланиш, илмий асардан тижорат ёки ўқув мақсадларида фойдаланиш) ёки фойдаланиш усуллари (масалан, бадиий асарни нашр қилиш, саҳналаштириш ёки кинофильм яратиш) бўлиб хисобланади.

Интеллектуал фаолият натижаларини яратиш ва фойдаланиш тўғрисидаги шартномаларни муҳим шартлари бўлиб, фойдаланиш характеристи, масадлари ва усуллари хисобланади ва кўп холларда бу шартлар тарафлар зиммасига юклangan мажбурият сифатида белгилаб қўйилади. Масалан, обьектни муайян сифат хусусиятларига мослиги бўйича ижрочи-муаллиф жавоб беради. Объектдан фойдаланишда мақсадлар ва усулларга риоя қилиш буюртмачи зиммасига юкланди.

Интеллектуал фаолият натижаларини яратиш ва фойдаланиш шартномасининг предмети бўлиб келгусида яратиладиган муайян мезонларга мувофиқ келадиган конкрет хусусий аломатлар билан белгиланадиган асарлар, ихтиrolар, селекция ютуқлари ва ш.к. хисобланади.

4. Муаллиф-ижодкор зиммасига келгусида яратиладиган хар қандай интеллектуал фаолият натижаларидан фойдаланиш учун мутлақ хукуқларни бирорта шахсга (буюртмачига ёки учинчи шахсларга) бериш мажбуриятини юклайдиган шартнома ўз ўзидан хақиқий эмас ва ўзини хақиқий эмаслигидан бошқа хеч қандай хукуқий оқибатлар вужудга келтирмайди ва шу сабабли буюртмачи унинг ижросини талаб кила олмайди. Ушбу қоида ФКнинг 23-моддасида белгилаб қўйилган фуқароларни хукуқ лаёқатини ва муомала лаёқатини чеклашга йўл қўйилмаслиги умумий тамойил билан узвий боғлик. Шу сабабли хам муаллиф-ижкрочи томонидан келгусида яратиладиган хар қандай интеллектуал мулк обьектига нисбатан мутлақ хукуқларни бошқа шахсга бериш мажбурияти унинг хукуқ лаёқатини қонунга зид равишда чеклаш хисобланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 42-моддасида фуқароларни ижод эркинлиги мустахкамлаб қўйилган. Унда қўрсатилишича хар бир фуқарога илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш хукуқи кафолатланади. Агарда интеллектуал фаолият натижасини яратиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги шартномада муаллиф зиммасига ижодий интеллектуал фаолиятнинг у ёки бу турлари билан шуғулланмаслик ёки янги асарлар яратмаслик мажбурияти юкланса, бундай шартнома хам ўз-ўзидан хақиқий хисобланмайди. ФКнинг 23-моддасида қўрсатилишича фуқарони ўз хукуқ лаёқатидан ва муомала лаёқатидан тўлиқ ёки қисман воз кечиши ва хукуқ лаёқати, муомала лаёқатини чеклашга қаратилган бошқа битимлар ўз-ўзидан хақиқий эмасдир. Бинобарин, муаллиф томонидан гарчи ўз эрки-иродаси, хохишига асосан бундай мажбурият олиниши ва уни шартнома битимларида мустахкамлаб қўйилиши хукуқий оқибатлар вужудга келтирмайди. Албатта амалиётда ижодкор муаллиф интеллектуал фаолиятни у ёки бу тури билан шуғулланмасликка ҳакли, бироқ бу ҳолат шартнома шарти ёки предмети бўлган хар қандай вазиятда ўз ўзидан хақиқий хисобланмайди.

## **1038-модда. Мутлақ ҳуқуқ ва мулк ҳуқуқи**

**Интеллектуал фаолият натижасига ёки хусусий аломатларни акс эттирувчи воситага нисбатан мутлақ ҳуқуқ бундай натижа ёки хусусий аломатларни акс эттирувчи восита ифодаланган моддий объектга нисбатан мулк ҳуқуқидан қатын назар мавжуд бўлади.**

1. Ушбу шарҳланаётган нормада мутлақ ҳуқуқ ва мулк ҳуқуқи ўртасида нисбат ва ўзаро боғлиқлик белгилаб қўйилган.

2. ФКнинг 1031-моддасига шарҳларда интеллектуал мулк ҳуқуки объектлари умумий тавсифи, унинг анъанавий мулк ҳуқуки объектларидан фарқлари кўрсатиб ўтилган эди. Интеллектуал мулк объектига нисбатан мутлақ ҳуқуқ билан ушбу объект мужассамланган моддий ашёга нисбатан мулк ҳуқуқини фарқлаш талаб этилади. ФКда белгиланган коидага кўра, интеллектуал фаолият натижасига (фан, адабиёт, санъат асарлари ва шу кабилар) ёки хусусий аломатларни (товар белгиси, фирма номи) акс эттирувчи воситаларга нисбатан мутлақ ҳуқуқ, бундай натижа ёки хусусий аломатларни акс эттирувчи восита ифодаланган моддий объектга нисбатан мулк ҳуқуқидан қатъий назар мавжуд бўлади. Масалан, фан, адабиёт, санъат асарлари минглаб нусхаларда чоп этилиши мумкин, ихтиро асосида яратилган қурилма, аппаратлар, дори-дармонлар ва шу кабилар хам кўплаб миқдорда ишлаб чиқарилиши мумкин. Ушбу ҳолатда нашр этилган асар китобини сотиб оловчида, ихтиро асосида яратилган маҳсулотни сотиб оловчида ўша ашёларга нисбатан мулк ҳуқуки вужудга келади. Бироқ асарга ёки ихтирога нисбатан мутлақ ҳуқуқ вужудга келмайди. Интеллектуал мулк объектлари турли моддий воситалардан мужассамланиши мумкин. Чекланмаган нусхаларда мавжуд бўлиб, фуқаролик муомаласида ҳаракатда бўлиши мумкин. Ушбу моддий воситалар ашёлар бўлиб хисобланади. Бироқ ушбу ашёларга нисбатан мулк ҳуқуки интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқларга таъсир этмайди.

3. Интеллектуал фаолиятни баъзи натижалари ғоявий негизи билан ва улар ифодаланган моддий воситалар ўртасида ажралмас боғланиш, ўйғунлик бўлиши мумкин. Масалан, ягона нусхадаги портрет, ҳайкал, ўсимликларнинг янги навлари, ҳайвонларнинг янги зотлари ва шу кабилар. Ушбу объектлар фуқаролик муомаласида бўлганда мутлақ ҳуқуқлар

ва мулк ҳуқуқини мазмуни ва амал қилиш доирасига алоҳида эътибор бериш лозим. Масалан, рассом ўзи чизган портретни бошқа шахсга сотиб, ушбу портретни қайта тақрорлаш, нусхаларини яратиш ва эркин тарқатиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолиши мумкин. Бундай ҳолда рассом муаллифлик ҳуқуқи обьекти бўлган ушбу портретга нисбатан мутлақ ҳуқуқни ўзида қолдиради. Бироқ портретни оригинал нусхасига бўлган мулк ҳуқуқи уни сотиб олувчига ўтади.

Интеллектуал мулкни ягона, бетакрор, уникал обьектларга нисбатан мулк ҳуқуқи ва мутлақ ҳуқуқ баъзи истиснолар билан айний бўлиб қолиши мумкин. Бундай ҳолларда обьектни моддий ашёвий негизи билан ажралмас боғлиқлигини хисобга олиб мулк ҳуқуки тўғрисида қоидаларни кўллаш максадга мувофиқдир. Ушбу обьектни ўзидан бегоналаштирувчи шахс бир пайтнинг ўзида хам мулк ҳуқуқини, хам мутлақ ҳуқуқни бегоналаштириши талаб этилади.

Мутлақ ҳуқуқ билан мулк ҳуқуқи ўртасида зиддият, коллизия вужудга келадиган бошқа ҳар қандай ҳолларда мутлақ ҳуқуқ устувор хисобланади. Бу селекция ютуклари тўғрисидаги Қонуннинг 30-моддасида ўз ифодасини топган. Масалан, ўсимликни янги нав уруглигини қонуний асосларда олган шахс мутлақ ҳуқуқ эгасидан берухсат уни экишга, кўпайтиришга ва тарқатишга хақли эмас.

4. Фуқаролик муомаласи иштирокчилари уларнинг товарлари, хизматлари ва ишларининг индивидуаллаштириш воситаларига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар ушбу воситалар мужассамланган моддий обьектга нисбатан мулк ҳуқуқидан қатъий назар амал қиласи. Масалан, товар белгиси ифодаланган реклама баннерини сотиб олган шахсда ушбу ашёга нисбатан мулк ҳуқуқи вужудга келади ва у бундан қонунга мувофиқ ўз хохишига кўра фойдаланиши мумкин. Бироқ бу ҳолат товар белгисига нисбатан мутлақ ҳуқуқ мазмунига таъсир этмайди. Индивидуаллаштириш воситалари мужассамлаштирилган моддий ашёлар турлича шаклларда бўлиши мумкин, улар турли шахсларга турлича мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлиши мумкин. Бироқ ушбу индивидуаллаштириш воситаларига нисбатан мутлақ ҳуқуқ эгаси ушбу ҳуқуқларни амалга оширувчи ягона субъект бўлиб қолади ва бу мутлақ ҳуқуқлар мазмунига ва уни амалга оширилишига тўсқинлик қила олмайди. Мутлақ ҳуқуқ ва мулк ҳуқуқи бир биридан мустақил равиша амал қиласи.

## **1039-модда. Интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ хуқуқнинг амал қилиш муддати**

**Интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ хуқуқ ушбу Кодексда ёки бошқа қонунларда назарда тутилган муддат мобайнида амал қиласди. Интеллектуал мулк объектларига нисбатан шахсий номулкий хуқуқлар муддатсиз амал қиласди.**

**Конунда назарда тутилган ҳолларда интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ хуқуқнинг амал қилиши ундан муайян вақт мобайнида фойдаланилмаслиги оқибатида бекор қилиниши мумкин.**

1. Ушбу шарҳланадиган нормада интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ хуқуқларни амал қилиш жараёни муайян муддатлар билан яни замон бўйича чекланганлиги белгилаб кўйилган.

2. Маълумки интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ хуқуқни амал қилиши абадий ва бемуддат эмас. У муайян вақт, муддат билан чеклаб кўйилган, бироқ бу муддатлар барча объектлар учун бир хил белгиланмаган. Муддат ўтишини бошланиши, уни амал қилиши, муддатни тугаши, баъзан уни узайтириш тартиби объектларни турларига қараб турлича белгиланган.

Интеллектуал мулк объектларига нисбатан амал қилиш муддати Фуқаролик Кодекси ёки бошқа қонунларда (масалан, Муаллифлик ёки турдош хуқуқлар тўғрисидаги Қонун, Ихтиrolар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисидаги Қонун) белгилаб кўйилган.

Мутлақ хуқуқларни амал қилиш даврида интеллектуал мулк объектларига нисбатан ушбу хуқуқлар хуқуқий муҳофаза остида бўлади ва химоя қилинади. Ушбу хуқуқларга барча риоя қилиши шарт ва улар бузилганда хуқуқ эгаси талаби билан улар суд орқали химоя қилинади. Зарур ҳолларда ушбу хуқуқларни амал қилиши қонун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда мажбурлов кучи билан таъминланади.

Муаллифлик хукуки муаллифнинг бутун ҳаёти давомида ва унинг вафотидан кейин эллик йил давомида амал қиласди, ушбу моддада ва бошқа қонунларда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ҳаммуаллифликда яратилган асарга бўлган муаллифлик хукуки ҳаммуаллифларнинг бутун ҳаёти давомида ва ҳаммуаллифлар орасида энг узоқ умр кўрган охирги шахс вафот этганидан кейин эллик йил давомида амал қиласди.

Тахаллус остида ёки имзосиз қонуний ошкор қилинган асарга бўлган муаллифлик хукуки асар ошкор қилинганидан кейин эллик йил давомида амал қиласди.

Муаллифнинг вафотидан кейин биринчи марта эълон қилинган асарга бўлган муаллифлик хукуки асар эълон қилинганидан кейин эллик йил давомида амал қиласди (ФКнинг 1065-моддаси).

Ижрочига нисбатан назарда тутилган хукуқлар ижро биринчи марта ижро этилгандан кейин эллик йил мобайнида амал қиласди.

Фонограммани тайёрловчига нисбатан Муаллифлик хукуки ва турдош хукуқлар тўғрисидаги Қонунда назарда тутилган хукуқлар фонограмма биринчи марта чоп этилганидан кейин эллик йил мобайнида ёхуд, агар фонограмма унинг биринчи ёзувидан кейин эллик йил ичida чоп этилмаган бўлса, шу муддат мобайнида амал қиласди.

Эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшилтириш берувчи ташкилотнинг ўз кўрсатуви ёки эшилтиришига нисбатан Муаллифлик хукуки ва турдош хукуқлар тўғрисидаги Қонунда назарда тутилган хукуқлари бундай кўрсатув ёки эшилтириш биринчи марта эфирга узатилганидан ёки биринчи марта кабель орқали юборилганидан кейин эллик йил мобайнида амал қиласди.

Патентнинг амал қилиш муддати селекция ютуғи тегишли реестрда рўйхатга олинган санадан эътиборан йигирма йилга teng. Тоқ, ёғочбоп, манзарали, мевали дараҳтлар ва ўрмон дараҳтларининг навлари, шу жумладан уларнинг пайвандтаглари учун бу муддат йигирма беш йилни ташкил этади.

Патентнинг амал қилиш муддати патент эгасининг илтимосномасига биноан кўпи билан ўн йилга узайтирилиши мумкин. (Селекция ютуклари тўғрисидаги Қонуннинг 14-моддаси).

Интеллектуал мулк бўйича давлат агентлиги патент бериш ҳақидаги талабнома топширилган санадан эътиборан ҳисоблаганда ихтиро патенти йигирма йил мобайнида, саноат намунаси патенти ўн йил мобайнида, фойдали модель патенти беш йил мобайнида амал қиласди.

Ихтиро патентининг амал қилиши қонун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда патент эгасининг илтимосномасига биноан Интеллектуал мулк бўйича давлат агентлиги томонидан кўпи билан беш йил муддатга узайтирилиши мумкин. Бундай ихтиро патентининг амал қилишини уза-

йтириш тартиби Интеллектуал мулк бўйича давлат агентлиги томонидан белгиланади.

Саноат намунаси патентининг ва фойдали модель патентининг амал қилиш муддати патент эгасининг илтимосномасига биноан Интеллектуал мулк бўйича давлат агентлиги томонидан тегишинча беш йилга ҳамда уч йилга узайтирилиши мумкин.

Товар белгисига доир гувоҳноманинг ёки товар келиб чиқсан жой номидан фойдаланиш ҳукуки тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддати гувоҳнома амал қилаётган охирги йил мобайнида унинг эгаси томонидан берилган аризага биноан ҳар сафар ўн йилга узайтирилиши мумкин.

Қонунга биноан аризани бериш муддати гувоҳноманинг амал қилиш муддати тугагандан кейин олти ой мобайнида гувоҳнома эгаси берган илтимосномага биноан узайтирилиши мумкин (Товар белгилари, хизмат қўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқсан жой номлари тўғрисидаги Қонун).

Фирма номини амал қилиш муддати чекланмаган бўлиб, фирма номига бўлган ҳукуқнинг амал қилиши юридик шахс тугатилиши билан ёки унинг фирма номи ўзгариши билан бекор бўлади (ФКнинг 1100-моддаси).

Интеллектуал мулк обьектига нисбатан мутлақ ҳукуқни амал қилиш муддати қонунда белгилаб қўйилган ҳолларда ушбу муддат тугагандан кейин агарда уни узайтириш имконияти назарда тутилмаган бўлса мутлақ ҳукуклар бекор бўлади. Бу шуни англатадики, ушбу обьект ижтимоий бойлика айланади ва ҳар қандай шахс томонидан хақ тўланмаган ҳолда эркин фойдаланиши мумкин. Бунда албатта муаллифнинг шахсий номулкий ҳукукларига риоя қилиш талаб этилади.

3. Мъалумки интеллектуал мулк обьектларига нисбатан мутлақ ҳукуклар ўзининг мазмуни ва характеристи бўйича мулкий ҳукуклар мажмуини ифодалайди ва қонунга биноан муайян муддатлар давомида амал килади. Интеллектуал мулк обьектларига нисбатан шахсий номулкий ҳукуклар мутлақ ҳукуклардан фарқли равишда бемуддат амал қилади. Яъни уларга риоя қилиш муайян вақт билан чекланмаган, бундай шахсий ҳукуклар интеллектуал фаолият натижаси муаллифига ҳам (масалан, муаллифлилк ҳукуки) ва бошқа учинчи шахсларга ҳам (масалан, рассом томонидан чизилган портретда ифодаланган шахсни ўз қиёфаси тасвирига

нисбатан шахсий хукуки) тегишли бўлиши мумкин. Шахсий хукуқлар мутлақ хукуқларни кимга тегишли бўлишидан қатъий назар амал қиласди. Интеллектуал мулк обьектларига нисбатан мутлақ хукуқлар фуқаролик мумомаласида эркин ҳаракатда бўлади. Улар бир шахсдан иккинчи шахсга ўтиши мумкин. Шахсий хукуқлар эса унинг эгасидан бегоналаштирилмайди ва бошқа шахсларга ўтказилмайди.

Мутлақ хукуқларни амал қилиш муддатини тугаши ёки қонунда кўрсатилган асослар бўйича ва уларни муддатидан олдин бекор бўлиши, шунингдек шахсий хукуқлар тегишли бўлган фуқарони вафот этиши бошқа шахслар томонидан шахсий хукуқларга риоя қилиниши мажбуриятiga таъсир кўрсатмайди. Интеллектуал мулк обьектига нисбатан мутлақ хукуқларни амал қилиш муддати ўтиши сабабли уларни ижтимоий бойлик обьектига айланиш сабаби муаллиф ва учинчи шахслар шахсий хукуқларини бекор бўлишига олиб келмайди. Ушбу шахсий хукуқлар қонунга биноан bemuddat муҳофаза қилинади.

4. ФКнинг 1039-моддаси қоидаларига мувофиқ агар интеллектуал мулк обьектидан муайян муддат давомида фойдаланилмаса, ушбу обьектларга нисбатан мутлақ хукуқлар бекор бўлиши мумкин. Умумий қоидага кўра мутлақ хукуқ эгаси ўз хохишига кўра эркин ва мустақил равишда ўз хукуқларидан фойдаланади ва уларни амалга оширади. Баъзи ҳолларда қонун интеллектуал мулк эгаси зиммасига мутлақ хукуқдан фаол фойдаланиш мажбуриятини юклайди. Ушбу мажбуриятни бажармаслик мутлақ хукуқ эгаси учун салбий оқибатлар вужудга келтириши қонунда бевосита белгилаб қўйилиши мумкин. Масалан, патент эгаси томонидан саноат мулки обьектини рўйхатдан ўтказиш санасидан бошлаб уч йил давомида узрли сабабларсиз фойдаланмаса ёки етарли даражада фойдаланмаса, патент эгаси лицензия шартномаси тузишдан бўйин товлаган ҳолларда тегишли манфаатдор шахслар ўзларига обьектдан фойдаланиш бўйича мажбурий номутлақ лицензия берилишини сўраб судга мурожат қилиши мумкин (Ихтиrolар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисидаги Қонуннинг 11-моддаси).

Товар белгисига доир гувоҳноманинг амал қилиши товар белгиси рўйхатдан ўтказилган санадан эътиборан исталган беш йил мобайнода ундан узлуксиз равишда фойдаланилмаганд, шунингдек жамоавий белгидан фойдаланиш тўғрисидаги келишув бузилган тақдирда манфаатдор

шахснинг аризасига биноан қабул қилинган суд қарори асосида муддатидан олдин тўлиқ ёки қисман тугатилиши мумкин. Товар белгисига доир гувоҳноманинг амал қилишини ундан фойдаланилмаганлиги муносабати билан муддатидан олдин тугатиш тўғрисидаги масалани ҳал қилаётганда товар белгисининг эгаси томонидан тақдим этилган унга боғлиқ бўлмаган холатларга кўра товар белгисидан фойдаланилмаганлигини исботловчи далиллар эътиборга олиниши мумкин. Гувоҳномани амал қилиши суд қарори асосида муддатидан илгари тугатилади. (Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқкан жой номлари тўғрисидаги Қонуннинг 25-моддаси)

#### **1040-модда. Интеллектуал мулк обьектларига нисбатан мутлақ хуқуқларни ҳимоя қилиш усуллари**

**Интеллектуал мулк обьектларига нисбатан мутлақ хуқуқларни ҳимоя қилиш ушбу Кодекснинг 11-моддасида назарда тутилган усуллар билан амалга оширилади. Мутлақ хуқуқларни ҳимоя қилиш шунингдек:**

**мутлақ хуқуклар қайси моддий обьектлар ёрдамида бузилган бўлса, ўша моддий обьектларни ҳамда бундай бузиш натижасида яратилган моддий обьектларни олиб қўйиш орқали;**

**йўл қўйилган бузиш хақидаги маълумотни мажбурий суратда эълон қилиб, унга бузилган хуқуқ кимга тегишлилиги тўғрисидаги маълумотларни киритиш орқали;**

**қонунда назарда тутилган бошқа усулларда амалга оширилиши мумкин.**

**Интеллектуал фаолият натижаларини ва хусусий аломатларни акс эттирувчи воситаларни яратиш ҳамда улардан фойдаланиш тўғрисидаги шартнома бузилганда мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги умумий қоидалар қўлланилади.**

1. Ушбу шарҳланаётган моддада интеллектуал мулк обьектларига нисбатан мутлақ хуқуқларни ҳимоя қилишни маҳсус усуслари белгилаб қўйилган.

2. Мутлақ хуқуқларни ҳимоя қилиш учун ФКнинг 11-моддасида белигалаб қўйилган фуқаролик хуқуқларини ҳимоя қилинишининг барча усуслари қўлланиши мумкин.

Химоя қилишни умумий усууларидан ташқари қонун хужжатларидан мутлақ ҳуқуқларни химоя қилишни маҳсус усуулари ҳам белгилаб қўйилган. Ушбу усуулар маҳсус юридик воситалар ва методлардан иборат бўлиб, барча томонидан мутлақ ҳуқуқ эгаси ҳуқуқларини тан олиш, уни ваколатларини амалга оширишга тўсқинлик қилмаслик, ушбу ҳуқуқларни муҳофаза қилиш, улар бузилган ҳолларда уларни тиклаш ва ҳуқуқбузарлик оқибатларини бартараф қилиш, шунингдек уларни фуқаролик муомаласида нормал амал қилишини таъминлашга қаратилган.

3. Мутлақ ҳуқуқларни химоя қилишни маҳсус усууларидан бири бўлиб мутлақ ҳуқуқлар қайси моддий обьектлар томонидан бузилган бўлса, ўша моддий обьектларни ҳамда бундай бузиш натижасида яратилган моддий обьектларни ҳуқуқбузардан ёки фуқаролик муомаласида олиб қўйиш хисобланади. Ушбу усул мутлақ ҳуқуқлар бузилган барча ҳолларда қўлланиши мумкин. У товар белгилари, фирма номлари, патент билан химоя қилинадиган товарлар (агарда уларни ишлаб чиқаришда ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналаридан фойдаланилган бўлса) қалбакилаштирилган барча ҳолларда, шунингдек тижорат муомаласига муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар обьектларини контрофакт нусхалари чиқарилган барча ҳолларда кенг қўлланилади. Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги Қонуннинг 66-моддаси 1-қисмида асарларнинг ва турдош ҳуқуқлар обьектларининг контрафакт нусхалари, шунингдек, уларни тайёрлаш ва такрорлашда фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналар ҳамда содир этилган ҳуқуқбузарликнинг бошқа воситалари қонун хужжатларига мувофиқ суд тартибида мусодара қилинади.

Ушбу предметлар ҳуқуқбузардан ҳам, учинчи шахслардан ҳам олиб қўйилиши мумкин. Бундай ҳолатда учинчи шахслар қалбаки ёки контрофакт товарларни ишлаб чиқарган ҳуқуқбузарга нисбатан регресс талаб қилиш ҳуқуқига эга. Шуни унутмаслик лозимки, ушбу товарлар учинчи шахслардан, агарда улардан тижорат муомаласида, тадбиркорлик фаолиятида ва оммавий мақсадларда фойдаланилган ҳоллардагина олиб қўйилади. Учинчи шахслар қалбаки ва контрофакт товарларга нисбатан инсофли эгалловчи бўлса ва улардан шахсий мақсадларда фойдалансанса олиб қўйилиши мумкин эмас. Бундай ҳолларда мутлақ ҳуқуқ эгаси ушбу усууларни қўллаш орқали ўз ҳуқуқларини химоя қилишни талаб қила олмайди.

Мусодара қилингандар объектлар ва материаллар йўқ қилиб ташланиши лозим. Йўқ қилиб ташлаш чиқимлари ва сарф-харажатлари хукуқбузар зиммасига юкланади.

4. Мутлақ хукуқлар эгасини илтимосига кўра олиб қўйилган товарлар суд хал қилув қарори асосида унга берилиши мумкин ва у улардан ўз хохишига кўра фойдаланади.

5. Мутлақ хукуқларни ҳимоя қилишни яна бир маҳсус усули бўлиб, йўл қўйилган хукуқбузарлик хақидаги маълумотни мажбурий суратда эълон қилиб, ушбу маълумотда бузилган хукуқ кимга тегишилиги тўғрисидаги ахборотларни кўрсатиш хисобланади.

Ушбу усул юқоридаги маҳсус усулга нисбатан универсалроқ хисобланади. Ундан мутлақ хукуқлар бузилганда хам, шахсий хукуқлар бузилганда хам, шу жумладан муаллиф шахсий хукуқларини ҳимоя қилишда хам фойдаланиш мумкин.

Хукуқбузарлик тўғрисидаги маълумотларни мажбурий равища эълон қилиш хукуқ соҳибини талабига кўра суд қарори асосида амалга оширилади. Хукуқбузарлик тўғрисидаги маълумотларни мажбурий эълон қилиш харажатлари ва чиқимлари интеллектуал мулк обьектига нисбатан мутлақ хукуқларни ёки бошқа хукуқларни бузган шахс зиммасига юклатилиади.

Хукуқбузарлик тўғрисидаги маълумотларни мажбурий эълон қилишда маълумот матни суд томонидан тасдиқланади. Унда хукуқбузарлик моҳияти (интеллектуал мулк обьектига нисбатан хукуқ ким томонидан, қачон ва қандай бузилгани) ва бузилган мутлақ хукуқ ёки шахсий хукуқ кимга тегишили эканлиги кўрсатилиши лозим. Мажбурий эълон қилинадиган маълумотларни эълон қилиш воситаси (радио, телевидение, газета, журналлар ва оммавий тадбирлар, шу жумладан концертлар ва ш.к.) суд томонидан белгиланади. Хар қандай холда хам хукуқбузарлик тўғрисида маълумотлар мажбурий эълон қилиш воситаси содир этилган хукуқбузарлик характеристери ва усулига мутаносиб бўлиши шарт.

6. Ушбу шархланаётган модданинг 3-қисмида мутлақ хукуқлар қонунларда назарда тутилган бошқа усувлар билан хам ҳимоя қилинади деб белгилаб қўйилган. Жумладан, муаллифлик ва турдош хукуқлар тўғрисидаги Қонуннинг 65-моддасига кўра мутлақ хукуқларни ҳимоя воситасига кўра заарни ундириш ўрнига компенсация (товон пули) тўлатиш қўлланиши мумкин. Хукуқбузарлик характеристери ва хукуқбузар

айби даражасидан келиб чиқиб иш муюмаласи одатларини хисобга олган холда компенсация зарар етказиш фактидан қатый назар қўлланилади.

7. Интеллектуал мулкни баъзи обьектларида мутлақ ҳукуқларни ҳимоя белгилари қўлланилади (масалан, муаллифлик ҳукуқи обьектлари, турдош ҳукуқлар обьектлари, товар белгилари, интеграл микросхемалар топологиялари). Гарчи ушбу ҳимоя белгилари асосан ахборот бериш, хабардор қилиш функцияларини бажарса ҳам, айни пайтда улар муайян ҳимоя вазифаларини амалга оширади, ушбу предмет муайян субъектни мутлақ ҳукуқлари обьекти эканлигини кўрсатиш орқали гўёки бошқаларни ушбу ҳукуқларни бузишдан сақланишга чақиради. Бошқача айтганда ҳукуқбузарликни олдини олади.

8. Саноат мулкини муҳофаза қилиш тўғрисидаги Париж конвенциясини (1967 йилдаги Стокголм ҳужжати матни) интеллектуал мулк обьектига нисбатан мутлақ ҳукуқларни ҳимоя қилишнинг маҳсус усули сифатида ғирром рақобатни, ноинсоф рақобатни олдини олиш кўрсатилган. Бинобарин “Рақобат тўғрисида”ги қонунда назарда тутилган ғирром рақобатдан ҳимояланишни маҳсус усуллари, масалан, маъмурий жарималар, молиявий санкциялар, хўжалик юритувчи субъектни мажбурий бўлиш (Қонуннинг 20, 24, 27-моддалари) интеллектуал мулк обьектларига нисбатан ҳукуқларни ҳимоя қилишга ижобий таъсир кўрсатади.

9. Юридик ҳимоя воситаларидан ташқари ҳимояланишни техник воситалари ҳам қўлланиши мумкин. Асарлардан ёки турдош ҳукуқлар обьектларидан фойдаланишни назорат қилувчи, муаллиф, турдош ҳукуқлар эгаси ёхуд асарларга ёки турдош ҳукуқлар обьектларига нисбатан мутлақ ҳукуқларнинг бошқа эгаси томонидан рухсат этилмаган ҳаракатлар амалга оширилишининг олдини оловчичи ёки уларни чекловчи ҳар қандай техник қурилмалар ёхуд уларнинг таркибий қисмлари муаллифлик ҳукуқи ва турдош ҳукуқларни ҳимоя қилувчи техника воситалари деб эътироф этилади.

Асарларга ёки турдош ҳукуқлар обьектларига нисбатан:

асарлардан ёки турдош ҳукуқлар обьектларидан фойдаланишга доир муаллифлик ҳукуқи ва турдош ҳукуқларни ҳимоя қилувчи техника воситаларининг қўлланилиши йўли билан белгиланган чеклашларни олиб ташлашга қаратилган ҳаракатларни ҳуқуқ эгалари сифатида қонунда кўрсатилган шахсларнинг рухсатисиз амалга оширишга;

ҳар қандай қурилмани ёки унинг таркибий қисмларини тайёрлашга, тарқатишга, прокатга беришга, вақтингчалик текин фойдаланиш учун беришга, импорт қилишга, реклама қилишга, улардан тижорат мақсадида фойдаланишга ёхуд хизматлар кўрсатишга, агар бундай ҳаракатлар натижасида муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилувчи техника воситаларидан фойдаланиш мумкин бўлмай қолса ёки бундай техника воситалари кўрсатилган ҳуқуқларнинг лозим даражада ҳимоя қилинишини таъминламаса, йўл қўйилмайди (Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлари тўғрисидаги Конуннинг 63-моддаси.) .

10. Фукаролик қонун ҳужжатларида шартномавий муносабатлар иштирокчиларини ҳуқуқ ва манфаатлирини ҳимоя қилишни ғоятда кенг ва бой воситалар тизими белгилаб қўйилган. Худди шу сабабли ҳам ушбу шарҳланаётган моддада интеллектуал фаолият натижаларини ва хусусий алломатларини акс эттирувчи воситаларни яратиш ҳамда улардан фойдаланиш тўғрисидаги шартнома бузилганда мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги умумий қоидалар қўлланиши белгилаб қўйилган. Жавобгарлик асослари ва шакллари ФКнинг 324–339-моддаларида ўз ифодасини топган. Айни пайтда ФКнинг мажбуриятларни алоҳида турларини тартибга соловчи қисмларида жумладан лойиха қидирав ишлари шартномаси бўйича (ФКнинг 37-боби 4-параграфи), илмий тадқиқот, тажриба конструкторлик технология ишлари пурдати шартномаси бўйича (ФКнинг 37-боби 5-параграфи), комплекс тадбиркорлик лицензияси-франшизинг шартномаси бўйича (ФКнинг 50-боби), муаллифлик шартномаси бўйича (ФКнинг 1067-моддаси) нормаларида интеллектуал мулк обьектларига нисбатан ҳуқуқларни ҳимоя қилишни бошқа қатор усуслари белгилаб қўйилган.

## **60-БОБ. МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ**

### **1041-модда. Муаллифлик ҳуқуқи обьекти**

**Муаллифлик ҳуқуқи ижодий фаолият натижаси бўлмиш фан, адабиёт ва санъат асарларига нисбатан, уларнинг мақсади ва қадр-қиммати, шунингдек ифодаланиш усулидан қатъи назар, татбиқ этилади.**

**Муаллифлик ҳуқуқи қўйидаги бирон-бир обьектив шаклда бўлган ошкор қилинган асарларга ҳам, ошкор қилинмаган асарларга ҳам татбиқ этилади:**

**ёзма (кўллёзма, машинкалangan ёзув, нотали ёзув ва ҳоказо);**

**офзаки (омма олдида сўзлаш, омма олдида ижро этиш ва ҳоказо);**

**овозли ёки видео ёзув (механик, магнитли, рақамли, оптик ва ҳоказо);**

**тасвир (расм, эскиз, манзара, тарҳ, чизма, кино-, теле-, видео- ёки фотокадр ва ҳоказо);**

**ҳажмли-фазовий (хайкал, модель, макет, иншоот ва ҳоказо);**

**бошқа шакллардаги.**

**Муаллифлик ҳуқуқи ғоялар, принциплар, услублар, жараёнлар, тизимлар, усуллар ёки концепцияларга эмас, балки ифода шаклига нисбатан татбиқ этилади.**

1. Шарҳланётган модда муаллифлик ҳуқуқи ижодий фаолият натижаси бўлмиш фан, адабиёт ва санъат асарларига нисбатан татбиқ этилишини англатади. Бироқ, ФК ва амалдаги бошқа қонун хужжатларида «асар» тушунчасининг легал таърифи мавжуд эмас.

Муаллифлик ҳуқуқининг обьекти тўғрисида гап борар экан, амалдаги қонун хужжатларида у ёки бу асарни муаллифлик ҳуқуқи обьекти деб эътироф этишга таъсир кўрсатмайдиган белгилар санаб ўтилган. ФКда берилган таърифга мувофиқ, «муаллифлик ҳуқуқи» асарларга нисбатан, уларнинг:

- а) мақсади;
- б) қадр-қиймати;
- в) ифодаланиш усулидан қатъи назар, татбиқ этилади.

Булардан англашиладики, асар ўкувчиларнинг кенг доираси ўртасида тарқатиш ёки фақатгина тор доирадаги одамлар танишиши учун мўлжалланганлиги аҳамиятга эга эмас. Масалан, талабанинг курс иши таниқли муаллиф томонидан ёзилиб, катта қадр-қимматга эгалигидан ёки ёзишни эндиғина бошлаётган муаллиф томонидан ёзилганлигидан қатъи назар, ҳар қандай ҳолатда ҳам асар, яъни курс иши муаллифлик ҳуқуқи обьекти сифатида эътироф этилади. Худди, шунингдек асар нашр этилганлиги ёки биттагина қўлёзма нусхада эканлиги, радио орқали эшиттирилганлиги ёки саҳнада ўқилганлиги ҳам аҳамиятга эга эмас, яъни асарнинг ифодаланиш усули уни муаллифлик ҳуқуқи обьекти сифатида эътироф этилишига таъсир қилмайди.

2. Муаллифлик ҳуқуки ошкор қилинган асарларга ҳам, ошкор қилинмаган асарларга ҳам татбиқ этилади. Асарни ошкор қилиш тушунчи Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 20 июлда қабул қилинган ЎРҚ-42-сонли «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуклар тўғрисида»ги Қонунида мавжуд. Чунончи, мазкур Қонун З-моддасининг тўртинчи хатбошисига мувофиқ, асарни ошкор қилиш дейилганида: «муаллифнинг розилиги билан амалга оширилган, асарни чоп этиш, омма олдида намойиш этиш, омма олдида ижро этиш, эфирга узатиш ёки бошқача усулда юбориш йўли билан илк бор асардан барчанинг воқиф бўлиши учун имкон берадиган ҳаракат» тушунилади.

Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, асарнинг у ёки бу усулда ошкор қилинганлиги факти кўпинча муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилиш учун мухим аҳамиятга эга бўлади. Масалан, асарга бўлган муаллифлик тўғрисида низо пайдо бўлганида, агар муаллифнинг асари нашр қилиб бўлинган ёки ўкувчиларнинг кенг доирасига маълум бўлса ва бошқа шу каби ҳолларда муаллиф ўз ҳуқуқларини муҳофаза қилиши осон бўлади. Бироқ, роман у нашр этиб бўлинганидан кейингина муаллифлик ҳуқуки обьектига айланади (яъни, ҳуқуқий муҳофазага эга бўлади) деб ўйлаш нотўғри бўлади.

3. Айни бир вақтда ҳуқуқий муҳофаза обьектига айланиш учун асар обьектив равишда мавжуд бўлиши керак. Ушбу қоида умуман ҳуқуқ обьектларининг барчасига ҳам тенг равишда тааллуклидир. Масалан, уй қуриш тоғаси эмас, балки уйнинг ўзи мулк ҳуқуқи обьекти бўлиши мумкин. Худди шунингдек, асарнинг ўзи ҳам обьектив равишда мавжуд

бўлиши керак, зеро, картина яратиш фикрининг биргина ўзи қонун билан муҳофаза қилинмайди. ФКнинг 1041-моддасида белгиланганига кўра муаллифлик ҳуқуки «бирон-бир объектив шаклда бўлган» асарга нисбатан татбиқ этилади. Мазкур модда ана шу шаклларнинг рўйхатини хам ўз ичига олган. Бироқ, бу рўйхат тугал эмас, уни яна давом эттириш мумкин. Бунда юқорида таъкидлаб ўтилганидек, асар мавжуд бўлишининг (ифодаланишининг) муайян шакли уни муаллифлик ҳуқуки объекти сифатида эътироф этиш учун аҳамиятга эга эмас.

Масалан, асар номоддий, ҳис қилиб бўлмайдиган, маънавий предмет сифатида намоён бўлади. Асарнинг у ёки бу объектив шаклда ифодаланиши, қоида тариқасида, уни у ёки бу моддий предмет шаклида — китоб, кассета, ҳайкал ва бошқа шу кабиларда акс эттиради. Бундан фақатгина омма олдида сўзлаш, омма олдида ижро этиш ва бошқа шу каби асарни оғзаки ифодалаш шакли мустасно. Бу ўринда шуни назарда тутиш керакки, интеллектуал ижодий фаолият натижасига ёки индивидуаллаштириш воситасига бўлган мутлақ ҳуқук бундай натижада ёки индивидуаллаштириш воситаси акс эттирилган моддий объектга бўлган мулк ҳуқуқидан қатъи назар мавжуд бўлади. Худди шунга ўхшаш қоида «Муаллифлик ҳуқуки ва турдош ҳуқуклар тўғрисида»ги Қонунда хам мавжуд (38-модда, олтинчи қисм): асарга бўлган муаллифлик ҳуқуки асар акс эттирилган моддий объектга бўлган мулк ҳуқуқини ёки эгалик қилиш ҳуқуқини бошқа шахсга бериш ушбу объектда акс эттирилган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқини бошқа шахсга беришга сабаб бўлмайди, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

4. Муаллифлик ҳуқуки объектлари бўлган асарларда асарнинг шаклини фарқлаш қабул қилинган. Бу ўринда шакл дейилганида асар тилининг элементлари тушунилади. Асарларнинг тили улар ижоднинг қайси турига таалкуқлилигига қараб фарқланади. Масалан, мусиқа асарларига — товушлар (ноталар) тили, тасвирий санъат асарларига — чизиклар, ранглар тили хосдир.

Ана шуни ҳисобга олган ҳолда муаллифлик ҳуқуки фақатгина асарнинг шакл элементларини ёки шакл ва мазмун элементларини биргаликда муҳофаза қиласи. Мазмун элементларининг биргина ўзи қонун билан муҳофаза қилинмайди. Шарҳланаётган модданинг учинчى

қисмидә белгиланғаниң мұвоғиқ, мұаллифлик ҳуқуқи ғоялар, принциптар, услублар, жараёнлар, тизимлар, усуллар ёки концепцияларга татбик этилмайды.

Бу масалада амалиётта учраб турадиган расмий ёндашувга йүл күймаслик керак. Масалан, күргина илмий, шу жумладан илмий-публицистик ишлар түрли «концепциялар», «тизимлар» ва бошқа шу кабилар номи билан юритилади. Бироқ, бу ҳол үлар мұаллифлик ҳуқуқи объектлари ҳисобланмайды, деган маънени англаңмайды.

### **1042-модда. Мұаллифлик ҳуқуқи объектларининг турлари**

**Мұаллифлик ҳуқуқи объектлари жумласига қуйидагилар киради:**  
**адабий асарлар (адабий-бадиий, илмий, ўқув, публицистик ва бошқа асарлар);**

**драматик ва сценарий асарлар;**

**матнили ва матисиз мусиқа асарлари;**

**мусиқали-драматик асарлар;**

**хореография асарлари ва пантомималар;**

**аудиовизуал асарлар ;**

**рангтасвир, хайкалтарошлық, графика, дизайн асарлари ва бошқа тасвирий санъат асарлари;**

**манзарали-амалий ва сақна безаги санъати асарлари;**

**архитектура, шаҳарсозлик ва бөг-парк барпо этиш санъати асарлари;**

**фотография асарлари ва фотографияга ўхшаш усулларда яратылған асарлар;**

**жүғрофия, геология хариталари ва бошқа хариталар, жүғрофия, топография ва бошқа фанларга тааллуқли тархлар, эскизлар ва асарлар;**

**барча турдаги электрон-ҳисоблаш машиналари (ЭХМ) учун дастурлар, шу жумладан амалий дастурлар ва операция тизимлари;**

**ушбу Кодекснинг 1041-моддасида белгилаб қўйилган талабларга жавоб берувчи бошқа асарлар.**

1. ФКнинг 1042-моддасида мұаллифлик ҳуқуқи билан муҳофаза килинадиган асарларнинг рўйхати тугал бўлмаса-да, анча тўлиқ берилган.

Шунинг учун бевосита қонунда кўрсатилган асарларнинг ўзигина эмас, балки бошқа асарлар ҳам муаллифлик ҳукуқи билан муҳофаза қилиниши мумкин.

Шу сабабли ушбу модданинг охирги бандида «Кодекснинг 1041-моддасида белгилаб қўйилган талабларга жавоб берувчи бошқа асарлар» ҳам муаллифлик ҳукуқининг обьектлари жумласига киритилиши мумкин деб қайд этилган. Фуқаролик Кодексида муаллифлик ҳукуқи билан кўриқланадиган обьектлар доираси анча кенгайди. Чунончи, аудиовизуал асарлар, барча турдаги электрон хисоблаш машиналари учун дастурлар, боғ-парк барпо этиш санъати асарлари, амалий дастурлар, операция тизимлари шулар жумласидандир.

2. Шархланнаётган моддада кўрсатиб ўтилган бошқа асарларнинг муаллифлик ҳукуқи обьекти бўлиши ёки бўлмаслиги уларнинг ФҚда белгиланган талабларга қай даражада жавоб беришига боғлиқдир. Муаллифлик ҳукуқи обьектлари жумласига ҳосила асарларни (таржималар, ишланма асарлар, аннотациялар, рефератлар, мухтасар хуносалар, шархлар, инсценировкалар, аранжировкалар, соддалаштиришлар ҳамда фан, адабиёт ва санъат асарларининг бошқа қайта ишланмалари) ҳамда материалларнинг танланганлигига ва (ёки) жойлаштирилганлигига кўра ижодий меҳнат натижаси бўлган бошқа асарлар киради.

Юқорида санаб ўтилган обьектлар эълон қилинган (ошкор қилинган, чоп этилган) ёхуд эълон қилинмаган асарлар бўлишидан қатъи назар, муаллифлик ҳукуқи билан муҳофаза этилади.

Қонунга биринчи марта муаллифлик ҳукуқи билан кўриқланадиган обьектлар жумласига «манзарали амалий ва сахна безаги санъати асарлари» киритилди.

Манзарали амалий санъат асарлари жумласига амалда фойдаланиладиган буюмларга кўчирилган икки ўлчовли ёхуд уч ўлчовли, шу жумладан бадиий хунармандчилик асари ёки саноат йўли билан тайёрланган асарлар киради.

Аудиовизуал асарлар ҳам худди шунингдек биринчи марта муаллифлик ҳукуқи билан кўриқланадиган обьект сифатида кўрсатиб ўтилди. Аудиовизуал асарлар ўз ичига кино, теле ва видео асарларни қамраб олиб, бир вақтнинг ўзида ҳам кўриш, ҳам эшитиш орқали инсон қабул қиласидиган асарлар хисобланади.

Аудиовизуал асарлар жумласига жанридан (бадий, хужжатли, илмий-оммабоп, ўкув, мультиPLICATION ва бошқалар), ҳажмидан (тўлик метражли, қисқа метражли, кўп серияли ва бошқалар), ижро этиш шаклидан (товушли, ок-кора, рангли, кар-соқовлар учун кўрсатув ва эшилтиришлар ва бошқалар) қатъи назар, ҳар қандай кино, теле ва видеофильмлар билан бир қаторда слайдфильмлар, диафильмлар ва бошқа кино ҳамда теле асарлар киради. Амалий жиҳатдан баҳолангандা барча аудиовизуал асарлар турли-туман санъатларни ўзида органик жиҳатдан ягона бадий шаклда мужассамланишидир. Масалан, кино ёхуд теле асари сценарий муаллифи, рассом, композитор, оператор, актёр ва бошқа шахсларнинг меҳнати мухаррир томонидан ягона бадий асарга бирлаштирилиши натижасида вужудга келади.

Электрон ҳисоблаш машиналари билан яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг хукукий ҳимояси тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майдаги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, 5-сон, 136-модда) ЭҲМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларини яратиш, уларнинг хукукий ҳимояси ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади. Қонуннинг 3-моддасида ЭҲМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базалари муаллифлик хукуки объектлари жумласига киритилган.

Юқорида санаб ўтилган объектлар эълон қилинган (ошкор қилинган, чоп этилган) ёхуд эълон қилинмаган асарлар бўлишидан қатъи назар, муаллифлик хукуки билан қўриқланади.

Бундай объектларнинг рўйхатдан ўтказилиши ёхуд бирон бир расмиятчиликка риоя қилиши талаб қилинмайди, яъни юқоридагилардан қатъи назар буларга муаллифлик хукуки жорий қилинади. Муаллифлик хукуки асарнинг яратилиш пайтидан бошлаб вужудга келади.

Таъкидлаш жоизки, коммуникация технологиялари, нано-технологиялар, турли хил тизимлар, кичик тизимлар ва бошқа шу кабилар ривожланиши билан муаллифлик хукукининг янги турлардаги объектлари пайдо бўлмоқдаки, уларнинг муҳофазасини таъминлаш масалалари янги ёндашувлар ва ечимларни талаб қилмоқда.

Муаллифлик хукукининг объектлари ҳисобланмайдиган асарлар ва уларга ўхшаш фаолият натижалари рўйхати Кодекснинг 1044-моддасида санаб ўтилган.

Расмий хужжатлар, рамзлар ва белгиларнинг лойиҳалари муаллифлик хуқукининг обьекти сифатида қандайдир хусусиятларга эга бўлиши кераклиги мазкур Кодекснинг 1045-моддасида мустаҳкамланган.

### **1043-модда. Муаллифлик хуқуки обьектлари хисобланувчи асарнинг қисмлари, ҳосила ва жамлама асарлар**

Ушбу Кодекснинг 1041-моддасида белгиланган талабларга жавоб берадиган:

**асарнинг мустақил равишда фойдаланилиши мумкин бўлган қисмлари (шу жумладан унинг номи);**

**ҳосила асарлар (таржималар, ишланма асарлар, аннотациялар, рефератлар, мухтасар хulosалар, шарҳлар, инсценировкалар, аранжировкалар, соддалаштиришлар ҳамда фан, адабиёт ва санъат асарларининг бошқа қайта ишланмалари);**

**тўпламлар (энциклопедиялар, антологиялар, маълумотлар базалари) ва материалларнинг танланганлиги ёки жойлаштирилганлигига кўра ижодий меҳнат натижаси бўлган бошқа жамлама асарлар муаллифлик хуқуки обьектлари хисобланади.**

**Ҳосила ва жамлама асарлар, уларнинг яратилиши учун асос бўлган ёки уларнинг таркибига кирган асарлар муаллифлик хуқуки обьектлари бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар, муаллифлик хуқуки билан муҳофаза қилинади.**

1. ФКда алоҳида хуқуқий режимга эга бўлган асарларнинг учта тури ажратиб кўрсатилган, булар:

**асарнинг мустақил равишда фойдаланилиши мумкин бўлган қисмлари (шу жумладан унинг номи);**

**ҳосила асарлар (таржималар, ишланма асарлар, аннотациялар, рефератлар, мухтасар хulosалар, шарҳлар, инсценировкалар, аранжировкалар, соддалаштиришлар ҳамда фан, адабиёт ва санъат асарларининг бошқа қайта ишланмалари);**

**тўпламлар (энциклопедиялар, антологиялар, маълумотлар базалари) ва материалларнинг танланганлиги ёки жойлаштирилганлигига кўра ижодий меҳнат натижаси бўлган бошқа жамлама асарлар.**

Агар ФКнинг 1042-моддасида санаб ўтилган барча асарлар тўлалигича уларнинг муаллифлари томонидан яратилган мустақил асарлар жумласига кирса, ҳосила асарлар (таржималар, ишланма асарлар ва шу кабилар) таърифга кўра муқаддам мавжуд бўлган бошқа асарларга асосланган асарлар, яъни таржима қилинган, ишлов берилган ва шу каби асарлар ҳисобланади.

Худди шунга ўхшаш, қоида тариқасида, жамлама асарлар (тўпламлар) ҳам ўзи мустақил асар ҳисобланган бошқа материалларни ўз ичига олади.

2. ФҚда тўғридан-тўғри кўрсатилганлигига мувофиқ, ҳосила ва жамлама асарлар, уларнинг яратилиши учун асос бўлган ёки улар таркибига кирган асарлар муаллифлик хукуқи обьектлари бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар, муаллифлик хукуқи билан муҳофаза қилинади. Масалан, муддат ўтганлиги туфайли муҳофаза қилинмайдиган асарларнинг таржимаси (масалан, А.Навоий фазалларининг ҳозирги замон таржималари) хукуқий муҳофазадан маҳрум этилмайди, норматив-хукуқий хужжатлар тўпламини муайян тизим асосида тузиш эса, ушбу тўпламни муаллифлик хукуқи обьекти сифатида эътироф этишга тўскىнлик қилмайди, ваҳоланки тўпламга киритилган хужжатларнинг ўзи муаллифлик хукуқи билан умуман муҳофаза этилмайди.

3. Айни бир вактда ҳосила ва жамлама асарларнинг «тобелиги» ёки «мустақил эмаслиги» уларнинг хукуқий режимига ҳам муайян таъсир кўрсатади. Шу муносабат билан «Муаллифлик хукуқи ва турдош хукуклар тўғрисида»ги Конунда ушбу турдаги асарлар нафақат муаллифлик хукуқи обьектлари тўғрисидаги моддада (Конуннинг 6-моддаси) ажратиб кўрсатилади, балки бундай асарларга тегишинча ҳосила асарга бўлган муаллифлик хукуқига (13-модда) ва жамлама асарга бўлган муаллифлик хукуқига (14-модда) доир моддалар бағишлиланади.

Ушбу моддаларга мувофиқ, жамлама асар муаллифига (тузувчисига) фан, адабиёт ва санъат асарларига ишлов беришга, ижодий меҳнат натижасини ифодаловчи материалларни танлаб олиш ёки жойлаштиришга бўлган муаллифлик хукуқи тегишилдир. Тузувчи жамлама асарга киритилган асарлардан ҳар бирининг муаллифи хукукларига риоя этган тақдирда, муаллифлик хукуқидан фойдаланади. Агар муаллифлик шартномасида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, жамлама асарга киритилган асарларнинг муаллифлари ўз асарларидан фойдаланишга бўлган мутлақ хукукларини жамлама асардан қатъи назар, сақлаб қоладилар. Тузувчининг

муаллифлик хукуки бошқа шахсларнинг ўз жамлама асарларини яратиш учун айни ўша материалларни мустакил равишда танлаб олишларига ёки жойлаштиришларига тўсқинлик қилмайди.

### **1044-модда. Муаллифлик хукуки объектлари хисобланмайдиган материаллар**

**Куйидагилар муаллифлик хукуки объектлари хисобланмайди:  
расмий хужжатлар (конунлар, қарорлар ва шу кабилар), шунинг-  
дек уларнинг расмий таржималари;**

**расмий рамзлар ва белгилар (байроқлар, герблар, орденлар, пул  
белгилари ва шу кабилар);**

**халқ ижодиёти асарлари;**

**оддий матбуот ахбороти тузидағи қундалик янгиликларга доир  
ёки жорий воқеалар ҳақидаги хабарлар;**

**инсоннинг бевосита индивидуал асар яратишга қаратилган ижодий  
фаолияти амалга оширилмасдан, муайян турдаги ишлаб чиқариш  
учун мўлжалланган техника воситалари ёрдамида олинган натижалар.**

1. Шарҳланётган моддада муаллифлик хукуки объектининг барча белгиларига эга бўлган, аммо қонунга мувофиқ муаллифлик хукуки билан муҳофаза қилинмайдиган асарлар рўйхати кўрсатилган. Ушбу рўйхат тугал эмас.

2. Мазкур модда «Муаллифлик хукуки ва турдош хукуклар тўғрисида»ги Конуннинг 8-моддасида тўлиқ баён этилган.

Шуни назарда тутиш керакки, шарҳланётган моддада муаллифлик хукуки объектининг барча белгиларига мос келадиган, бироқ қонуннинг маҳсус кўрсатмаси туфайли (ФК 1044-моддаси) муаллифлик хукуки билан муҳофаза қилинмайдиган асарлар келтирилган.

3. Қонун хужжатлари, суднинг ҳал қилув қарорлари ва бошқа расмий хужжатлар расмий тусга эга бўлганлиги учун муаллифлик хукукий муҳофазаси соҳасига киритилмайди. Расмий хужжатларни кенг тарқатишни муайян шахсларнинг розилигига боғлиқ қилиб қўйиб бўлмайди.

4. Асарларнинг иккинчи гуруҳи — расмий рамзлар ва белгилар (байроқлар, герблар, орденлар, пул белгилари ва шу кабилар) ҳам расмий тусга эга бўлганлиги сабабли муҳофаза қилинмайди.

Бирок, расмий рамзлар ва белгилар улардан айни рамз ва белги сифатида фойдаланиш вақтидагина муҳофаза қилинмаслигини назарда тушиш керак. Масалан, банкнот тайёрлаш вақтида унинг дизайнини ишлаган муваллиф-рассомнинг розилигини олиш талаб қилинмайди. Аммо давлат арбобининг портрети банкнотларда фойдаланиш учун маҳсус яратилган бўлса-да, ундан откриткалар, тақвимлар, репродукциялар ва бошқа шу кабилар тайёрлашда, яъни пул белгиси билан боғлиқ бўлмаган ҳолда фойдаланиш учун хуқуқ эгасининг розилигини олиш зарур.

5. Халқ ижодиёти асарлари ҳақида гап борадиган бўлса, ушбу атамадан, қоида тариқасида, иккита маънода фойдаланилишини назарда тушиш керак. Бир жиҳатдан олганда, халқ ижодиёти дейилганда муайян халққа (миллатга, этносга) хос ижодиёт тушунилади. Бошқа жиҳатдан олганда эса, «халқ» ижоди, яъни муайян муваллифга (муаллифларга) эга бўлмаган асарлар тушунилади, бундай асарларнинг яратилишида жуда кўп одамлар иштирок этганлиги, уларнинг ҳар бири асарга ўз янгилигини киритганини натижасида муваллифлик «парчаланиб» кетади. Кўпгина асарлар бир вақтнинг ўзида халқ ижодиёти тўғрисидаги ҳар иккала тушунчага мос келади — муайян этноснинг маданияти соҳасига таалуқли бўлади ва муайян муваллифга эга бўлмайди (масалан, ўзбек халқ эртаклари ва бошқа шу кабилар). Бироқ, кўпинча асарлар халқ ижодиётига берилган таърифларнинг фақат биттасига мос келади. Масалан, ҳозирги замон халқ хунармандларининг асарлари ва бошқа шу кабилар муайян этник маданиятга таалуқли бўлганлиги учунгина халқ ижодиёти асари ҳисобланади. Ва аксинча, баъзи асарлар бирор-бир этник тусга эга бўлмайди, бироқ, айни бир вақтда муайян муваллифга эга бўлмаганлиги учун «халқ» ижодиёти сирасига киради.

Чамаси, шарҳланаётган модданинг маъносидан келиб чиқиладиган бўлса, халқ ижодиёти асарлари дейилганида муайян муваллифга эга бўлмаган, бироқ «халқ» яратган асарларнингина тушуниш керак. Бундай асарларнинг муайян эгасини — хуқуқ субъектини аниқлаб бўлмаганлиги учун ҳам улар муваллифлик хуқуқий муҳофаза соҳасидан чиқарилади. Халқ усталарининг асарлари эса (халқ ижодиёти сирасига киришига қарамай), муваллифлик асарлари ҳисобланиб, муваллифлик хуқуқи билан тўла-тўқис муҳофаза қилинади.

6. Шарҳланаётган модданинг бешинчи хатбошисида кўрсатилган асарлар гурухи: «оддий матбуот ахбороти тусидаги кундалик янгиликларга доир ёки жорий воқеалар ҳақидаги хабарлар»нинг муаллифлик ҳуқуқи амал қилиши соҳасидан чиқарилганлиги миллий қонунчиллик учун принципиал янгилик хисобланади.

Адабий ва бадиий асарларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Берн конвенциясининг (Берн, 1986 йил 9 сентябрь) 2 (8)-моддасида (Ўзбекистон Республикаси ушбу Конвенцияга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисining 2004 йил 27 августдаги 681-II-сонли Қарорига мувофиқ қўшилган. Ушбу Конвенция Ўзбекистон Республикаси учун 2005 йил 19 апрелдан бошлаб кучга кирган) ушбу Конвенцияда берилган муҳофаза кун янгиликлари тўғрисидаги хабарларга ёки оддий матбуот ахбороти тусига эга бўлган турли воқеалар тўғрисидаги хабарларга татбиқ этилмаслиги назарда тутилган.

Бироқ, ушбу нормадан жуда эҳтиёткорлик билан фойдаланиш лозим. Чунки унда қанчалик қисқа ва лўнда бўлишидан қатъи назар, бирор нинг хабарини ўзлаштириш мумкинлиги эмас, балки журналистнинг қандайдир бир воқеа ёки факт тўғрисидаги хабари уни ана шу воқеанинг яккаю-ягона «эгаси»га айлантиrmаслиги ва бу воқеа ҳақида бошқа одамлар ҳам хабар тарқатиши мумкинлиги назарда тутилади.

7. Инсоннинг бевосита индивидуал асар яратишга қаратилган ижодий фаолияти амалга оширилмасдан, муайян турдаги ишлаб чиқариш учун мўлжалланган техника воситалари ёрдамида олинган натижалар (масалан, штампловчи босқинда деталлар тайёrlаш) алоҳида эътиборга лойиқdir. Бундай натижалар муайян турдаги ишлаб чиқариш учун мўлжалланганлиги туфайли алоҳида тусга эга. Боз устига, бундай ишлаб чиқариш инсоннинг бевосита индивидуал асар яратишга қаратилган ижодий фаолияти амалга оширилмаган ҳолда муайян турдаги ишлаб чиқариш учун мўлжалланганлиги кўрсатилган.

#### **1045-модда. Расмий ҳужжатлар, рамзлар ва белгиларнинг лойиҳаларига бўлган ҳуқуқлар**

**Расмий ҳужжат, рамз ёки белгининг лойиҳасига бўлган муаллифлик ҳуқуқи лойиҳани яратган (ишлаб чиқсан) шахсга тегишлидир.**

**Расмий ҳужжатлар, рамзлар ва белгиларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқсан шахслар, башарти бундай лойиҳани ишлаб чиқиш тўғрисида топшириқ берган орган томонидан тақиқланмаган бўлса, ўзлари яратган лойиҳаларни эълон қилишга ҳақлидирлар. Лойиҳани эълон қилишда уни ишлаб чиқсан шахслар ўз исмларини кўрсатишга ҳақлидирлар.**

**Ваколатли орган расмий ҳужжат тайёрлаш учун лойиҳадан, башарти лойиҳа уни ишлаб чиқсан шахс томонидан эълон қилинган ёки тегишли органга юборилган бўлса, мазкур шахснинг розилигисиз фойдаланиши мумкин.**

**Лойиҳа асосида расмий ҳужжатлар, рамзлар ва белгилар тайёрлаш чоғида расмий ҳужжат, рамз ёки белги тайёрлаётган органнинг хоҳишига кўра лойиҳага қўшимчалар ва ўзгартишлар киритилиши мумкин.**

**Ваколатли орган лойиҳани маъкуллаганидан кейин лойиҳадан уни ишлаб чиқсан шахснинг исми-шарифини кўрсатмаган ҳолда фойдаланиш мумкин.**

1. Шарҳланаётган модда расмий ҳужжатлар, рамзлар ва белгиларнинг лойиҳаларига бўлган муаллифлик хукукига бағишиланган. ФКнинг 1044-моддасига мувофиқ, расмий ҳужжатлар, рамзлар ва белгиларнинг ўзи муаллифлик хукуки обьекти ҳисобланмайди. Бироқ, ушбу ҳужжатлар, рамзлар ва белгиларнинг лойиҳаларига нисбатан муаллифлик хукуки юзага келади.

2. Лойиҳа обьектив шаклда амал қила бошлаган пайтдан эътиборан юзага келадиган муаллифлик хукукининг амал қилиш муддатига доир масала мухимdir (қаралсин: ФКнинг 1041-моддаси). Лойиҳани ишлаб чиқсан шахслар бундай лойиҳаларни эълон қилиш ва ўз исмларини кўрсатишга ҳақлидирлар. Бироқ, лойиҳа ишлаб чиқиш топширигини берган орган эълон қилинган лойиҳани расмий равишда сўраб олиши мумкин. Бу ҳол лойиҳанинг маҳфий тусга эга эканлиги ёки расмий ҳужжат, рамз ёки белги ишлаб чиқилганлиги тўғрисида олдиндан ошкор қилиш номақбулиги билан боғлиқ бўлиши мумкин.

3. Бироқ, лойиҳа эълон қилинган ёки ваколатли органга топширилган пайтдан эътиборан мазкур орган лойиҳадан фойдаланишга ва унга ишлаб чиқсан шахснинг розилигисиз қўшимчалар ва ўзгартишлар киритишга

ҳақли (ФК 1045-моддасининг тўртинчи қисми). Муаллифлик хукуки ҳали мавжуд, аммо жиддий равища чекланади.

4. Шундай килиб, ваколатли орган лойиҳани маъқуллаганидан кейин лойиҳадан уни ишлаб чиқсан шахснинг исми-шарифини қўрсатмаган ҳолда фойдаланиш мумкин (ФК 1045-моддасининг бешинчи қисми). Бундай ҳолда муаллифлик хукуки амалда тугайди. Бунда лойиҳани ишлаб чиқсан шахслар унинг муаллифлари сифатида қолаверадилар, бироқ уларнинг расмий хужжат, рамз ёки белгига бўлган муаллифлик хукуки сақлаб қолинмайди.

#### **1046-модда. Асар муаллифи. Муаллифлик хукукининг юзага келиши. Муаллифлик презумпцияси**

**Асар кимнинг ижодий меҳнати билан яратилган бўлса, ана шу фуқаро асар муаллифи деб эътироф этилади.**

Фан, адабиёт ва санъат асарига муаллифлик хукуки уни яратиш факти бўйича юзага келади. Муаллифлик хукукининг юзага келиши ва амалга оширилиши учун асарни рўйхатдан ўтказиш ёки бирон-бир бошқа расмиятчиликка риоя этиш талаб қилинмайди.

**Асарнинг асл нусхасида ёки нусхасида муаллиф сифатида қўрсатилган шахс, агар бошқача ҳол исботланмаган бўлса, асар муаллифи ҳисобланади.**

**Асар имзосиз ёки таҳаллус остида чоп этилган тақдирда (муаллифнинг таҳаллуси унинг ким эканлигига шубҳа қолдирмайдиган ҳоллар бундан мустасно), асарни чоп этган, асарда исми ёки номи қўрсатилган ношир, агар бошқа далиллар бўлмаса, муаллифнинг вакили ҳисобланади ҳамда муаллифнинг хукуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг амалга оширилишини таъминлаш хукуқига эгадир. Бу қоида бундай асар муаллифи ўз шахсини ошкор этгунига ва ўзининг муаллиф эканлигини маълум қилгунига қадар амалда бўлади.**

1. Берн Конвенцияси (Берн, 1886 йил 9 сентябр) илм-фан, адабиёт ва санъат асарларига муаллифлик хукуқларини ҳимоя қилиш бўйича асосий ҳалқаро шартномалардан биридир. Ўзбекистон 2005 йилда Берн конвенциясига қўшилиб, Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро хукукий меъёлларига мос келадиган «Муаллифлик хукуклари ва турдош хукуклар тўғрисида»ги

Қонуни янги таҳрирда қабул қилди. Ўзбекистон Республикасининг «Муаллифлик хуқуки ва турдош хуқуклар тўғрисида»ги Қонунининг З-моддасида «Муаллиф — ижодий меҳнати билан асар яратган жисмоний шахс» эканлиги белгиланган. Бунда муаллифликни эътироф этиш учун жисмоний шахснинг фуқаролиги ёки ёши аҳамиятга эга бўлмайди.

Асарга нисбатан субъектив хуқукларга эга бўлган шахс муаллифлик хуқуқининг субъекти ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси қонунлари бўйича муаллифлик субъектив хуқукларига Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва чет эл фуқаролари, уларнинг ворислари ва бошқа хуқуқни қабул қилувчилар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг ўзи эга бўлиши мумкин, Юқоридаги ҳар бир субъект учун асарга нисбатан хуқуқ турлича юридик фактлар асосида вужудга келади. Бири учун ижодий фаолияти натижасида асар яратиш асос бўлиб хизмат қилса, иккинчиси ворислик бўйича муаллифлик хуқукларини олса, учинчиси муаллифлик шартномаси ва ҳоказо орқали субъектив хуқукларга эга бўлади.

Муаллифлик хуқуқининг муҳим субъекти ўз ижодий фаолияти билан асар яратган шахс ҳисобланади. Жинсидан, ёшидан, муомала лаёқатидан қатъи назар, ҳар қандай шахс асар муаллифи бўлиши мумкин. Нафақат асл (оригинал) асар ижодкорларигина, балки хосила асарларга нисбатан ҳам муаллифлик хуқуки тан олинади (ушбу Кодекснинг 1043-моддасига қаранг).

Бундан ташқари, ижодий асарлар вояга етмаганлар, ўсмиirlар томонидан, шунингдек муомалага лаёқатсиз ёхуд муомала лаёқати чекланган шахслар томонидан ҳам яратилиши мумкин. Бундай тоифадаги шахсларнинг муаллифлик хуқуклари уларнинг ота-оналари, васий ёки ҳомийлари томонидан амалга оширилади.

Вояга етмаганлар ва муомала лаёқати чекланганларнинг муаллифлик хуқукларини амалга ошириш бирмунча ўзгачароқ. Ўн тўрт ёшга тўлмаган, шунингдек муомалага лаёқатсиз деб танилган шахсларнинг муаллифлик хуқукларини уларнинг ота-оналари, фарзандликка оловчилари ва васийлари амалга оширади. Жумладан, вояга етмаганлар номидан муаллифлик шартномаларини уларнинг ота-оналари ёхуд қонуний вакиллари тузади. Бу нарса ота-оналар, қонуний вакиллар ушбу шартнома бўйича ўзларига қандайдир мажбуриятлар олади ва уларнинг бажармаслиги учун жавобгар бўлади деган маънони билдирамайди. Шартнома бўйича тараф бўлиб

вояга етмаган шахснинг ўзи қатнашади, ота-оналар ва қонуний вакиллар эса, вояга етмаган номидан қатнашади, холос,

Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгacha бўлган вояга етмаганлар ўз муаллифлик хукуқларини мустақил амалга оширади (ФК нинг 27-моддаси).

Ўзбекистон Республикаси қонунлари бўйича жисмоний шахслар билан бир қаторда юридик шахслар ҳам муаллифлик хукуқларига эга бўлиши мумкин. Агар юридик шахслар ижодкор хукуқларини қабул қилувчи бўлиб ҳисобланса, унинг муаллифлик хукукларига эга бўлиши ҳеч қандай шубҳа туғдирмайди. Масалан, юридик шахс айрим муаллифлик ваколатларига муаллиф хизмат вазифасини бажариш вақтида асар яратган ҳолларда эга бўлиши мумкин. Барча ҳолларда юридик шахс илк маротаба жисмоний шахс-ижодкор эга бўлган муаллифлик хукукларига қонунда кўрсатилган асослар бўйича ҳосила тарзда эга бўладилар. Чунки ижод қилиш, яратиш фақат инсонгагина хос хусусиятдир. Муайян жисмоний шахс (шахслар)нинг ижодий меҳнатини уз ичига қамраб олмаган юридик шахснинг қандайдир ижодий фаолияти тўғрисида сўз юритиш мантиқка зид бўлган бўлур эди. Юридик шахс фақатгина жисмоний шахсларнинг эркин ижод қилиши учун моддий шарт-шароит яратишга қаратилган ташкилий чора-тадбирлар кўрганлиги тўғрисида гапириш мумкинdir, аммо бундай хатти-харакатлар юридик шахснинг дастлабки муаллифлик хукукларига эга бўлишини билдирамайди.

Шу билан бирга муаллифлик хукукларининг субъектлари нафақат Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, балки чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаганлар ҳам бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида биринчи марта чоп этилган ёки чоп этилмаган бўлса-да, асл нусхаси бирон-бир объектив шаклда унинг ҳудудида турган асарга бўлган муаллифлик хукуки Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қиласи. Бундай ҳолда муаллифлик хукуки муаллифга ва унинг меросхўрларига, шунингдек фуқаролигидан қатъи назар, муаллифнинг бошқа ворисларига тегишли деб эътироф этилади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, муаллифлик хукуқининг субъекти турли-туман шахслар бўлиши мумкин, аммо асар муаллифи деб ижодий меҳнат билан асар яратган шахснигина тушунамиз.

2. Муаллифлик хукуки шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида асарга нисбатан муаллиф ўзининг эътироф этилиши ва асардан фойдала-

нилганида бундай эътирофни талаб қилиш ҳуқуқи сифатида белгиланган, бунда айни битта асарга нисбатан бошқа шахсларнинг муаллиф сифатида эътироф этилиши истисно қилинади.

Муаллифлик ҳуқуқи, муаллифлик исми-шарифига бўлган ҳуқуқ ва муаллиф обрўсини ҳимоя қилиш ҳуқуқи муддатсиз муҳофаза қилинади (Ўзбекистон Республикасининг «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Қонуни 35-моддасининг бешинчи қисми).

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бутунжакон Интеллектуал Мулк тўғрисидаги Намунавий Қонунида, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Қонунининг 10-моддасида муаллифлик презумпцияси ўз аксини топган. Бу презумпцияга асосан, агар бошқача далил, исботлар бўлмаса асар биринчи марта эълон қилинганда асарнинг асли ёки унинг нусхасида муаллиф деб кўрсатилган шахс номи кўрсатилган ношири асар муаллифи деб тан олинади. Бинобарин, ижодкор шахс ўзининг муаллифлигини, то бошқа шахслар бунинг аксини исботламагунича, ҳеч кимга исботлаб ўтиришга мажбур эмас. Ваҳоланки, унинг муаллифлиги сўзсиз тан олиниши керак.

3. Шарҳланаётган модданинг тўртингчи қисмida асар имзосиз ёки таҳаллус остида чоп этилган тақдирда, асарни чоп этган, асарда исми ёки номи кўрсатилган ношири, агар бошқа далиллар бўлмаса, муаллифнинг вакили ҳисобланиши ҳамда муаллифнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг амалга оширилишини таъминлаш ҳуқуқига эга эканлиги назарда тутилган. Бу қоида бундай асар муаллифи ўз шахсини ошкор этгунига ва ўзининг муаллиф эканлигини маълум қилгунига қадар амалда бўлади. Ушбу қоида муаллифлик ҳуқуқининг муҳим таркибий жиҳатидир, негаки, ҳаётий вазиятлар, жамият ва давлат тараққиётининг турли босқичлари тақозоси билан ҳар қандай шахснинг асар эълон қилиш ҳуқуқи қонун ёки жамият томонидан таъқиб қилинmasлиги керак. Бунда муаллиф таҳаллуси унинг шахсига тааллуқли ҳар қандай шубҳани истисно этадиган ҳоллар учраганда муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги умумий қоидалар амал қиласи.

## **1047-модда. Ҳаммуаллифлик**

**Икки ёки ундан ортиқ фуқаронинг биргалиқдаги ижодий меҳнати натижасида яратилган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи, мазкур**

асар бўлинмас бир бутун ёки ҳар бири ҳам мустақил мазмунга эга қисмлардан иборат эканлигидан қатъи назар, ҳаммуаллифларга биргаликда тегишли бўлади.

Башарти асарнинг муайян қисмидан унинг бошқа қисмларига боғлиқ бўлмаган ҳолда фойдаланиш мумкин бўлса, бу мустақил мазмунга эга бўлган қисм деб эътироф этилади.

Ҳаммуаллифларнинг ҳар бири, башарти уларнинг ўртасидаги келишувда ўзгача ҳол назарда тутилган бўлмаса, асарнинг ўзи яратган, мустақил мазмунга эга бўлган қисмидан ўз хошиига кўра фойдаланишга ҳақлидир.

Ҳаммуаллифлар ўртасидаги муносабатлар, қоида тариқасида, келишув асосида белгиланади. Бундай келишув бўлмаган тақдирда асарга бўлган муаллифлик хуқуқи барча муаллифлар томонидан биргаликда амалга оширилади, муаллифлик ҳақи эса улар ўртасида тенг тақсимланади.

Башарти ҳаммуаллифларнинг асари бўлинмас бир бутунни ташкил этса, асардан фойдаланишни етарли асослар бўлмай туриб тақиқлаб қўйишга ҳаммуаллифлардан ҳеч бири ҳақли эмас.

1. Шарҳланаётган моддада ҳаммуаллифликнинг конуний таърифи берилган. Унга асосланган ҳолда қуйидагиларни айтиш мумкин:

а) агар асар биргаликдаги меҳнат натижасида яратилса, ҳаммуаллифлик юзага келиши мумкин. Таъкидлаш зарурки, ҳаммуаллифликдаги асар бир неча одамнинг айни биргаликдаги ижодий меҳнати орқали яратилади. Мана шу аниқлаштириш орқали ижодий, интеллектуал, маънавий фаолият натижалари, дейлик, пудрат, ҳақ эвазига хизматлар кўрсатиш, биргаликдаги фаолият шартномалари ва шу каби моддий тусга эга натижалардан аниқ фарқланади, ҳолбуки булар ҳам кўпинчча бир неча одамнинг саъйҳаракатлари натижаси хисобланади;

б) ҳаммуаллифликда муаллифлик хуқуқи бир неча фуқарога (ҳаммуаллифга) биргаликда тегишли бўлади, бунда:

улар яратган асар (масалан, бир неча кишининг меҳнати билан яратилган ЭҲМ учун дастур ва бошқалар) бўлинмас бир бутунни ташкил этиши ёки этмаслиги аҳамиятга эга эмас. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, асар уни умуман бир неча қисмга бўлиш мумкин бўлмаса (акс ҳолда у ўзининг ҳар қандай қадр-қимматини йўқотади, у қандай эҳтиёжни қондириш мақсадида

яратилган бўлса, ана шу эҳтиёжни қондиролмай қолади, атрофдагилар уни асар сифатида қабул қилолмайди ва бошқа шу кабилар) ёки бир неча қисмга бўлиш мумкин бўлса-да, бироқ юзага келган ҳар бир қисм (худди шунингдек яхлит асар ҳам) ҳеч қандай мустақил аҳамиятга эга бўлмаса (ушбу қисмларнинг ҳеч қайси биридан муаллифлар ёки учинчи шахслар фойдаланиши мумкин бўлмай қолса), бўлинмас бир бутун бўлади;

ёки ҳар бири мустақил мазмунга эга бўлган бир неча қисмдан иборат бўлади. Мунтазам талқин қилиб бориш бир қатор муҳим хуносалар чиқариш имконини беради, чунончи: асарнинг муайян қисми мустақил мазмунга эга бўлиши ҳақида гап боргандা, шак-шубҳасиз, яхлит асарнинг ўзи ҳам худди шундай мустақил мазмунга эга бўлади; «мустақил мазмунга эга» деган сўзлар асар қисмларидан уларни бир-биридан ажратган ҳолда, яъни автоном равиша фойдаланиш ҳам мумкинлигини англатади: улар ижодий фаолиятнинг натижаси сифатида ўзининг муайян қадр-қимматини сақлаб қолади ва у ёки бу эҳтиёжни қондиришга қодир бўлади. Худди шунингдек асар қисмлари қайтадан бирлаштирилганида ҳам улардан бир неча шахснинг интеллектуал, маънавий фаолияти натижаси сифатида фойдаланиш мумкин. Бундай тарздаги муаллифликда юзага келган асарлар жумласига мусиқали драма, опера кабиларни киритиш мумкин.

Юқорида таъкидланган икки турдаги ҳаммуаллифликда яратилган асарлар уларнинг ҳаммуаллифларига биргаликда тегишли бўлади. Ҳаммуаллифларнинг ҳар бири яратган асарнинг ўзлари томонидан яратилган ва мустақил аҳамиятга эга бўлган қисмига муаллифлик хукуқини сақлаб қолади.

Бунда улардан фойдаланишнинг ҳар қандай шакли (усули) (масалан, такрорлаш, тарқатиш, сотиш, прокатга бериш, ижарага бериш) назарда тутилади;

в) ҳаммуаллифлардан ҳар бирининг иштирок этиш улуши, характеристи, ҳажми ушбу модда доирасидан ташқарида қолади: энг муҳими улар биргаликда интеллектуал фаолият билан шугулланганликлари, ижодий меҳнат килганликлари ва бунинг натижасида асар яратилганлиги фактидир;

г) ҳаммуаллифликни икки ва ундан ортиқ шахс ҳамкорлигининг бошқа турларидан (ҳатто, муайян асар яратилишидаги ҳамкорликдан ҳам) фарқлаш керак, хусусан: муаллиф ва машинистка, матнни терувчи шахслар, китобни саҳифаловчилар ва бошқа шу кабилар билан техник ҳамкорликдан; муаллиф билан асарни бошқа тилга таржима қилган шахс

ўртасидаги ҳамкорликдан; муаллиф билан адабий таҳририй ишларни ва шу каби бошқа ишларни бажарувчилар (масалан, корректор, бадиий мухаррир) ўртасидаги ҳамкорликдан фарқлаш керак;

қўйида келтириладиган шахслар ҳаммуаллифлар ҳисобланмайди:

мавжуд бошқа (нисбатан ҳажмдор) асарнинг қисмлари ҳисобланган асарларни мустақил яратган шахслар. Масалан, ФКга шарҳ тайёрланадиганида унинг биринчи қисмига бир шахс, иккинчи қисмига эса бошқа шахс шарҳ ёзса, юқорида назарда тутилган вазият юзага келади;

ҳаммуаллифлардан бири бошқа муаллифнинг асаридан фойдаланган бўлса-да, бироқ у ижодий жиҳатдан мустақил асар яратса (масалан, муаллиф машҳур тарихчи олимнинг монографиясида таҳлил этилган тарихий далиллар, воқеалар ва бошқа шу кабиларга таянган ҳолда тарихий роман ёзган бўлса).

Юқорида санаб ўтилган барча ҳолларда ҳаммуаллифликнинг энг муҳим белгиларидан бири — икки ва ундан ортиқ шахснинг биргаликда ижодий фаолияти, худди шунингдек бундай фаолиятнинг ягона натижаси мавжуд бўлмайди.

Ҳаммуаллифлар ўртасидаги муносабатлар уларнинг ўзаро келишуви билан белгиланиши мумкин. Бундай келишув бўлмаганда, бундай асарга нисбатан муаллифлик хуқуқи барча муаллифлар томонидан биргаликда амалга оширилади.

Илмий тўпламлар, энциклопедик луғатлар ва бошқа вақтли матбуот нашрини мустақил равища ёки бирон-бир нашриёт воситасида чиқарувчи шахслар ана шу яхлит ўз нашрларига нисбатан муаллифлик хуқуқларига эга бўлади. Бундай асарларга киритилган асарларнинг муаллифлари ўз-ўзидан муаллифлик хуқуқларига эга бўлади,

Кинофильм ва бошқа хил фильмларга нисбатан муаллифлик хуқуқи унинг муаллифларига ушбу фильмни олган юридик шахсга тегишли бўлади.

Саҳнага қўювчи мухаррирга, бастакорга, рассомга, шунингдек кинофильмга таркибий қисм бўлиб кирган бошқа асарларнинг муаллифларига муаллифлик хуқуқи ҳар кимнинг ўз асарига нисбатан тегишли бўлади.

Радио ва телевидение кўрсатув-эшиттиришларига нисбатан муаллифлик хуқуқи буларни етказиб берувчи ташкилотларга, бу эшиттириш-кўрсатувларга киритилган асарларга нисбатан эса уларнинг муаллифларига тегишли бўлади.

Биргаликда қилинган бундай ҳаммуаллифликдаги меҳнатнинг хусусияти шундан иборатки, бунда биргаликдаги меҳнат жараёнига эмас, балки биргаликда маълум ижодий натижага эришилади.

У ёки бу шахсларни ҳаммуаллиф деб тан олишнинг асосий шартларидан бири — улар ўртасидаги ўзаро келишувнинг мавжудлигидир. Чунончи бундай келишув муаллифларнинг асар яратишга қаратилган биргаликдаги ижодий меҳнатлари уларнинг ўз эрк-иродалари асосида амалга оширилган бўлиши керак. Бундай келишув ҳар қандай шаклда ва асар устида ишлашнинг ҳар қандай жараённида содир бўлиши мумкин. Келишув предмети тутатилган асарга қўшимча киритишга қаратилган бўлиши ҳам мумкин.

Келажакда тайёрланиши лозим бўлган асарни ижодий ҳамкорликда яратиш учун келишув ҳеч қандай юридик жиҳатдан аҳамиятга эга бўлмаган дастлабки келишувдир, бинобарин юридик оқибатлар келиб чиқиши учун бундай ҳаммуаллифлар томонидан асар яратилган бўлиши лозим.

Баъзан вафот этган муаллифларнинг асарларини қайта ишлаш натижасида ҳаммуаллифлик келиб чиқиши мумкин.

Бунда ҳаммуаллифлик тегишли ворислар ёхуд асар дахлсизлигини кўриқлаш зиммасида бўлгам шахслар розилиги билан амалга оширилиши мумкин.

## **1048-модда. Ҳосила асарга бўлган муаллифлик ҳуқуки**

**Ҳосила асар муаллифига фан, адабиёт ва санъат асарининг мазкур муаллиф томонидан амалга оширилган қайта ишланмасига бўлган муаллифлик ҳуқуки тегишлидир.**

**Ҳосила асар муаллифи қайта ишланган асар муаллифи ҳуқуқлариға риоя этган тақдирда, ўзи яратган асарга муаллифлик ҳуқуқидан фойдаланади.**

**Ҳосила асар муаллифининг муаллифлик ҳуқуки қайта ишлашга асос бўлган асарни бошқа шахслар ҳам ўзлари қайта ишлашлариға тўсқинлик қилмайди.**

1. Шарҳлананаётган моддада ҳосила асарга бўлган муаллифлик ҳуқуки кўриб чиқилади. Ҳосила асар ўз ичига шундай материалларни оладики, қоида тариқасида, ана шу материалларнинг ўзи асар ҳисобланади. ФКда тўғридан-тўғри кўрсатилганига мувофиқ, ҳосила ва жамлама асарлар

муаллифлик ҳуқуки билан муҳофаза қилинади. Бунда ҳосила асарлар асосланган ёки жамлама асарлар ўз ичига олган асарлар муаллифлик ҳуқуки объектлари бўлиши ёки бўлмаслиги аҳамиятга эга эмас.

Ҳосила асарлар жумласига кирувчи асарлар ушбу Кодекснинг 1043-моддасида қўрсатиб ўтилган. Бундай асарлар бошқа муаллиф (ҳаммуаллифлар) нинг ижодий фаолияти натижалари бўлган фан, адабиёт, санъат асарларини қайта ишлаш, шунингдек таржима қилиш, тўплаш (йигиш) ва бошқа хил тарзда жамлаш натижасида вужудга келиши мумкин. Шунинг билан бирга бундай асарларни яратиш учун асос бўлган асарлар муаллифлик ҳуқуки объектлари ҳисобланмаслиги ҳам мумкин. Масалан, ушбу Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодексига шарҳлар ҳосила асар бўлиб, бундай асар ўз ичига муаллифлик ҳуқуки объекти ҳисобланмайдиган асарни (кодексни) олган. Аксинча, роман ёхуд пъесанинг таржимаси албатта ҳосила асар ҳисобланса-да, аммо у муаллифлик ҳуқуқининг объекти ҳисобланган асарни таржима қилиш натижасида бунёдга келади.

Умуман қонун билан қўриклиданадиган мустакил ва ҳосила асарларга бўлишнинг амалий аҳамияти шундаки, мустакил асарлардан фойдаланилганда унинг муаллифи ихтиёри, эрк-иродаси ҳисобга олинади, ҳосила асарлар яратилганда ва фойдаланилганда бундай ҳосила асарларни яратиш учун асос бўлган ижодий асар муаллифларининг розиликлари керак бўлади.

Ҳосила асарни бунёдга келтирувчилар тегишли ҳосила асарларнинг муаллифлари деб эътироф этилади.

2. Ҳикоя услубидаги асарни драма асари ёхул драма асарни сценарий асарига айлантириш, босилиб чиқкан айрим асарларни ҳамда улардан олинган парчаларни илмий ўқув ишларда қўчириб босиш ёхуд бундай асарлар тўғрисида вақтли матбуотда, радио, телевидениеда хабар бериш, жумладан аннотация, реферат шаклида хабар бериш, омма олдида сўзланган нутқларни, докладларни киноларда акс эттириш, босилиб чиқкан асарни магнит лентасига ёхуд бошқа техник воситалар ёрдамида ёзиб олиш, тасвирий санъат асаридан саноат буюмларида фойдаланиш каби бир қатор қайта ишлашлар, жамлашлар туфайли ҳосила асарлар яратилиши мумкин. Аммо мазкур ҳосила асарнинг муаллифи ўз асарига киритилган асар муаллифларининг бир қатор шахсий номулкий ҳуқуқларига, чунончи, муаллифлик, муаллифлик номига бўлган, асарнинг дахлсизлигига бўлган, фойдаланиш каби

хукуқларига риоя қилған тақдирдагина, ҳосила асарга бўлған муаллифлик хукуқидан фойдаланади.

Асарни босиб чиқариш максадида бошқа тилга таржима қилишга ушбу асар муаллифи ёхуд унинг муаллифлик хукуқини олган шахслар розилиги билангина йўл қўйилади.

Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органлари Ўзбекистон қонунларида белгиланган тартибда, тегишли ҳолларда Ўзбекистон Республикаси қатнашаётган ҳалқаро шартномалар шартларига риоя қилиб, асарни бошқа тилга таржима қилишга ва бу таржимани босиб чиқаришга рухсат беришлари мумкин.

Асарни таржима қилиш ёхуд таржима қилишга рухсат бериш муаллифнинг асрдан фойдаланиш хукуқининг унсури, бошқача қилиб айтганда таркибий қисмларидан биридир.

Асардан фойдаланиш хукуқи эса ўз навбатида муаллифни бунинг учун хақ олиши муқаррарлигини келтириб чиқаради.

Муаллифнинг таржимага рухсат бериш хукуқи муаллифнинг асар дахлизилигига бўлған хукуқи билап чамбарчас боғлиқдир. Асл нусха (оригинал) асар муаллифи таржимадан таржимонга нисбатан кам манфаатдор эмас. Худди шу сабабли у таржимонни танлаш хукуқига эга. Шунинг учун амалиётда «муаллифлаштирилган таржима» кўплаб учрайди.

#### **1049-модда. Асарлар яратилишини ташкил этувчи шахсларнинг хукуқлари**

Асарлар яратилишини ташкил этувчи шахслар (аудиовизуал асарларни тайёрловчилар, энциклопедиялар ноширлари, продюссерлар ва бошқа шу кабилар) тегишли асарларнинг муаллифлари деб эътироф этилмайди. Бироқ ушбу Кодексда ёки бошқа қонунларда назарда тутилган ҳолларда, бундай шахслар ана шу асарлардан фойдаланишда мутлақ хукуқларга эга бўладилар.

Аудиовизуал асарни тайёрловчи бу асардан фойдаланилганда ўз исми ёки номини кўрсатишга ёхуд исми ёки номи кўрсатилишини талаб қилишга ҳақлидир.

Энциклопедиялар, энциклопедик луғатлардан, илмий ишларнинг даврий ва давомли тўпламларидан, газеталар, журналлар ҳамда

**бошқа даврий нашрлардан фойдаланишга бўлган мутлақ хукуқлар уларнинг ноширига тегишилдири. Бундай нашрлардан ҳар қандай тарзда фойдаланилганда ношири ўз исми ёки номини кўрсатишга ёхуд исми ёки номи кўрсатилишини талаб қилишга ҳақлидири. Бундай нашрларга киритилган асарларнинг муаллифлари, агар муаллифлик шартномасида бошқача ҳол назарда тутилган бўлмаса, умуман нашрдан қатъи назар, ўз асарларидан фойдаланишга бўлган мутлақ хукуқларини саклаб қоладилар.**

1. Шархланәётган моддада тегишли асарлар, масалан, аудивизуал асарларни тайёрловчилар, энциклопедиялар ноширлари, продюссерлар ва бошқа шу каби асарлар яратилишини ташкил этувчи шахслар белгилаб берилади.

Бунда ФКга ва бундай шахслар ана шу асарлардан фойдаланишда мутлақ хукуқларга эга бўлиши ҳолларини назарда тутувчи бошқа қонунларга хавола қилинади.

2. Шархланәётган модданинг иккинчи қисмида аудивизуал асарни тайёрловчи бу асардан фойдаланилганда ўз исми ёки номи кўрсатилишини талаб қилишга ҳақли эканлиги назарда тутилади. Ушбу талабнинг муҳимлиги шундаки, аудивизуал асарнинг ёзма шакли бўлмайди, балки у товуш ва тасвир ёрдамида етказилади ва шундан келиб чиқсанда, мазкур асарнинг муаллифи кўрсатилмаса, асар эгасизга айланади ва оқибатда ҳар қандай шахс ана шу асарга бўлган хукуқни талаб қилиши мумкин бўлиб қолади, бинобарин, муаллифнинг хукуқи бузилади.

3. Шархланәётган модда иккинчи қисмида бўлгани каби учинчи қисмида ҳам энциклопедиялардан, энциклопедик луғатлардан, илмий ишларнинг даврий ва давомий тўпламларидан, газеталар, журналлар хамда бошқа даврий нашрлардан фойдаланилганда уларнинг ношири ўз номи кўрсатилишини талаб қилишга ҳақли эканлиги белгиланган. Шу билан бирга энциклопедик луғатлар, тўпламлар ва бошқа шу кабиларга киритилган асарларнинг муаллифлари ўз асарларидан фойдаланишга бўлган мутлақ хукуқларни ўзларида саклаб қоладилар.

## **1050-модда. Муаллифлик хукуқининг ҳимоя белгилари**

**Алоҳида муаллифлик хукуқининг эгаси ўз хукуқларидан хабардор этиш учун асарнинг ҳар бир нусхасида акс эттириладиган ва**

**қуидаги уч унсурдан иборат муаллифлик ҳуқуқининг ҳимоя белгисидан фойдаланиши мумкин:**

- айланана ичига олинган лотинча «С» ҳарфи;**
- алоҳида муаллифлик ҳуқуқлари эгасининг исми (номи);**
- асар биринчи марта эълон қилинган йил.**

**Муаллифлик ҳуқуқининг ҳимоя белгисида кўрсатилган шахс, башарти бошқа ҳол исботланмаган бўлса, ҳуқуқ эгаси хисобланади.**

1. Шархланаётган моддада муаллифлик ҳуқуқининг муҳофаза белгилари тўғрисидаги коида кўрсатилган. Мазмунига кўра худди шундай модда «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Қонунда ҳам мавжуд (11-модда). Демак, муаллиф ва (ёки) ҳуқуқ эгаси ўзининг алоҳида ҳуқуқларидан ҳабардор этиш учун асарнинг ҳар бир нусхасида акс эттириладиган ва албатта қуида келтириладиган уч унсурдан иборат бўлган муаллифлик ҳуқуқининг ҳимоя белгисидан фойдаланишга хақли:

- айланана ичига олинган лотинча «С» ҳарфи;**
- алоҳида муаллифлик ҳуқуқлари эгасининг исми (номи);**
- асар биринчи марта эълон қилинган йил.**

2. Муаллифлик ҳуқуқига доир миллий қонунчиликда муаллифлик ҳуқуқининг ҳимоя белгилари тўғрисидаги эслатма илк бор 1973 йилда Совет Иттифоқи 1952 йилдаги (1971 йил 24 июлда Парижда қайта кўрилган) Муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги Бутунжаҳон конвенциясиға қўшилганидан кейин тилга олинган.

Таъкидлаш зарурки, турли ҳуқуқий тизимларга эга бўлган мамлакатларда шундай талаблар мавжудки, уларни бажариш асарга муаллифлик ҳуқуқи ҳимояси бериш учун зарур бўлади. Хусусан, айрим давлатларда асарни ваколатли давлат органларида рўйхатдан ўтказиш ва (ёки) уларга асарнинг нусхаларини сақлаш учун топшириш талаб қилинган. Бунга ўхшаш талабларнинг мавжудлиги ана шу мамлакатларнинг, биринчи навбатда, АҚШ ва Америка китъасидаги бошқа давлатларнинг муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг халқаро тизимида иштирок этишига тўскенилик қилди. Ушбу тизим учун асосий халқаро шартнома бўлган Берн конвенциясида қандайдир расмиятчиликлар билан муаллифлик ҳуқуқи ҳимояси бериш назарда тутилмаган. Муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги бутунжаҳон конвенциясининг қабул қилиниши вақтида муайян расмиятчиликларга риоя этиш талаб қилинадиган

мамлакатлардаги хорижий муаллифларнинг асарларига ягона, универсал қоида асосида муаллифлик ҳуқуқи ҳимояси беришга қарор килинди.

3. Муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги бутунжаҳон конвенцияси III моддасининг 1-бандига мувофик: «Ҳар бир Аҳдлашувчи Давлатнинг миллий қонунчилигига асосан муаллифлик ҳуқукини ҳимоя қилишнинг шартларидан бўлган қўйидаги талаблар: нусхаларни депонентлаш, рўйхатга олиш, муаллифлик ҳуқукини сақлаб қолиш ҳақидаги қўшимчалар, нотариал гувоҳномалар, солиқларнинг тўланиши, ушбу Давлатнинг худудида асарнинг тайёрланиши ёки нашр этилишини мазкур Конвенция асосида ҳимоя қилаётган бу Давлат худудида илк бор нашр қилинмаган ёки муаллифлари мана шу Давлатнинг фуқаролари бўлмаган асарларга нисбатан бажарилган деб хисоблаш керак. Бундай асарларнинг илк бор нашр қилинганларидан бошлаб, барча нусхалари муаллифнинг нусхаси билан илк бор нашр қилинган йили ва муаллифлик ҳуқуқи эгасининг исми кўрсатилган © белгига эга бўлади. Ушбу белги, муаллифнинг исми ва нашр қилинган йили муаллифлик ҳуқуқи сақлаб қолинишини англатувчи тарзда жойлаштирилган бўлиши керак». Ушбу қоидалар Берн Конвенцияси(Берн, 1886 йил 9 сентябр)нинг 5-моддасида ҳам ўз аксини топган.

Дарҳакиат, асарларнинг Европа мамлакатларидан бўлган муаллифларидан ўз асарларига АҚШда ҳимоя олиш учун АҚШ қонун хужжатларида назарда тутилган барча тартиб-таомилларни бажариш (асарни Муаллифлик ҳуқуки бюросида рўйхатдан ўтказиш, асар нусхаларини Конгресс кутубхонасида депонентлаш ва бошқа шу кабилар) бундан бўён талаб қилинмайдиган бўлди. Асарларнинг нусхаларига муаллифлик ҳуқуқининг ҳимоя белгиси — «копирайт белгиси» (лотинча «С» ҳарфи — «copyright» — «муаллифлик ҳуқуқи» бош ҳарфи) жойлаштириш ва америкалик муаллифларнинг асарлари билан бир қаторда муаллифлик ҳуқуқи ҳимоясини олиш кифоя бўлди.

4. Шундай қилиб, муаллифлик ҳуқуқининг ҳимоя белгиси дастлаб халқаро ҳуқукий аҳамиятга эга бўлиб, давлатнинг ичida муаллифлик-ҳуқукий ҳимоя беришга ҳеч бир тарзда таъсир кўрсатмади (бу хол расмиятчиликларни бажариш умуман талаб қилинмаган давлатларга ҳам, ўз муаллифларига нисбатан талабларни бажариш мажбурий эканлигича колган давлатларга ҳам тааллуклидир).

Хозирги вақтда мазкур белги ўзининг халқаро аҳамиятини деярли йўқотган, чунки амалда барча давлатлар муаллифлик ҳуқуқи ҳимояси

беришнинг шартлари сифатида расмиятчиликларга риоя этишдан воз кечиб, Адабий ва бадиий асарларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Берн конвенциясига қўшилганлар.

Шунинг учун муаллифлик хуқуқини ҳимоя қилиш белгисига нисбатан ҳозир асарларни расмийлаштиришнинг деярли хеч қандай хуқукий аҳамиятга эга бўлмаган элементи сифатида қараш мумкин. Худди шу фикрни хорижий тажрибадан олинниб, кенг тарқалган «хуқуқларни сақлаш тўғрисидаги изоҳотлар» — «All rights reserved», «Барча хуқуқлар сақланган», «Муаллифлик хуқуқи ҳимоя қилинади», «Ноқонуний фойдаланиш тақиқланади» ва бошқа шу каби белгиларга нисбатан ҳам ишлатиш мумкин. Ҳеч қандай «изоҳот»га эга бўлмаган китоб ҳам худди шундай огоҳлантиришларга эга бўлган китоблар каби муаллифлик хуқуки билан ҳимоя қилинади.

Айрим ахборот аҳамиятига эга эслатмаларни ҳам белги сифатида эътироф этиш мумкин. Ҳимоя белгисида асар муаллифи ёки қандайдир хуқуқларга эга шахс эмас, балки фақатгина мутлақ мулкий хуқуқлар эгаси, яъни қоида тарикасида, асардан бундан кейин фойдаланилишини тасарруф этадиган ва масалан, лицензияни кўлга киритиш учун мурожаат қилинадиган шахс (муаллиф ҳам, унинг меросхўри ҳам, шартнома бўйича хуқукий вориси ҳам бундай шахс бўлиши мумкин) кўрсатилиши шарт.

5. Ҳимоя белгисининг ягона хуқукий аҳамияти шарҳланадиган модданинг иккинчи қисмида белгиланган «Муаллифлик хуқуқининг ҳимоя белгисида кўрсатилган шахс, башарти бошқа ҳол исботланмаган бўлса, хуқуқ эгаси ҳисобланади» деган презумпцияда ифодаланган бўлиши мумкин. Бироқ, «башарти бошқа ҳол исботланмаган бўлса» деган сўзларнинг маъносидан келиб чиқиладиган бўлса, бу презумпция ҳам рад этиб бўлмайдиган қоида эмас.

## **1051-модда. Муаллифнинг шахсий номулкий хуқуқлари**

**Асар муаллифига қўйидаги шахсий номулкий хуқуқлар тегишлидир:**  
**асар муаллифи деб эътироф этилиш хуқуқи (муаллифлик хуқуки);**

**асардан муаллифнинг ҳақиқий исми, тахаллусини кўрсатган ҳолда ёхуд исмини кўрсатмасдан, яъни имзосиз фойдаланиш ёки фойдаланишга рухсат бериш хуқуқи (муаллифлик исмига бўлган хуқуқ);**

асарни ҳар қандай шаклда ошкор қилиш ёки ошкор қилишга рухсат бериш хуқуқи (ошкор қилишга бўлган хуқуқ), шу жумладан чакириб олиш хуқуқи;

асарни, шу жумладан унинг номини муаллифнинг шаъни ва қадр-кимматига заар етказиши мумкин бўлган ҳар қандай тарзда бузиб кўрсатилишидан ёки ҳар қандай бошқача тарзда тажовуз этилишидан ҳимоя қилиш хуқуқи (муаллиф обрўсини ҳимоя қилиш хуқуқи).

Муаллиф асарни ошкор қилиш тўғрисида илгари қабул қилган қароридан, асардан фойдаланиш хуқуқини олган шахсларга улар шундай қарор туфайли кўрган заарларнинг, шу жумладан бой берилган фойданинг ўрнини қоплаш шарти билан, воз кечиши хуқуқига (асарни чакириб олиш хуқуқига) эгадир. Агар асар ошкор қилинган бўлса, муаллиф уни чакириб олганлиги тўғрисида оммага маълум қилиши шарт. Бунда у асарнинг аввал тайёрланган нусхаларини ўз ҳисобидан муомаладан олиб қўйишга ҳақлидир. Бу қоидалар, агар муаллиф билан тузилган шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, хизмат асарларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Асарни нашр қилиш, омма олдида ижро этиш ёки ундан бошқача тарзда фойдаланишда асарнинг ўзига, номига ва муаллифнинг исми кўрсатилишига бирон-бир ўзгартиш киритишга фақат муаллифнинг розилиги билан йўл қўйилади.

Муаллифнинг розилигисиз унинг асарини безаклар, сўзбоши, хотима, шарҳлар ёки бирон-бир тушунтиришлар билан нашр этиш тақиқланади.

Муаллифнинг шахсий номулкий хуқуқлари унинг мулкий хуқуқларидан қатъи назар, унга тегишли бўлиб, асардан фойдаланишга бўлган мутлақ хуқуқлар бошқа шахсга ўтказилган тақдирда ҳам унинг ўзида сақланиб қолади.

Муаллифнинг ўз шахсий номулкий хуқуқларини амалга оширишдан воз кечиши тўғрисида бирон-бир шахс билан келишуви ва бу ҳақдаги аризаси ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

1. Муаллифлик хуқуқи субъектив хуқуқ сифатида комплекс хуқуқ бўлиб, бир катор субъектив хуқуқлардан — шахсий номулкий ва мулкий хуқуқлардан иборатдир. ФК 1033-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ шахсий номулкий хуқуқлар муаллифга унинг мулкий хуқуқларидан қатъи

назар, тегишли бўлади ва унинг интеллектуал фаолият натижаларига бўлган мулкий хукуклари бошқа шахсга ўтган тақдирда унинг ўзида сақланиб қолади.

Шахсий номулкий муаллифлик хукуклари шахсий номулкий хукукларнинг ва бошқа номоддий неъматларнинг турлари хисобланади. ФКнинг 99-моддасига мувофиқ шахснинг ҳаёти ва соғлиғи, шаъни ва қадр-қиммати, шахсий дахлсизлиги, ишчанлик обрўси, шахсий ҳаётининг дахлсизлиги, хусусий ва оилавий сири, номга бўлган хукуки, тасвирга бўлган хукуки, муаллифлик хукуки, бошқа шахсий номулкий хукуклар ҳамда туғилганидан бошлаб ёки қонунга мувофиқ фуқарога тегишли бўлган бошқа номоддий неъматлар тортиб олинмайди ва ўзга усул билан бошқа шахсга берилмайди.

Муаллифнинг ўз шахсий номулкий хукукларини амалга оширишдан ўзганинг фойдасига воз кечиш тўғрисида бирон-бир шахс билан келишуви ва бу ҳақдаги аризаси ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

2. Шарҳланаётган моддада муаллифнинг шахсий номулкий хукуклари кўрсатилган. ФКда тўртта шахсий номулкий хукуқ келтирилиб, улардан ҳар бирининг мазмун-моҳияти жуда батафсил очиб берилган:

муаллифлик хукуки;

муаллиф номига бўлган хукук;

асарни ошкор қилиш хукуки (шу жумладан чақириб олиш хукуки);

муаллифнинг қадр-қимматини ҳимоя қилиш хукуки.

3. Ҳар бир номулкий хукуқ асар яратувчисининг муайян неъматини, у ёки бу манфаатини акс эттиради ва ҳимоя қиласди. Дарҳақиқат, мазкур хукукларнинг биринчиси — муаллифлик хукуки асар муайян шахс томонидан яратилганлиги фактини, асар ана шу шахснинг ижодига мансублигини ҳимоя қиласди. Ушбу хукуқ муаллифга ўз асарининг муаллифи, яратувчиси сифатида эътироф этилиш имконини беради. ФК 1046-моддасининг биринчи қисми мазмунидан келиб чиқадики, «Асар кимнинг ижодий меҳнати билан яратилган бўлса, ана шу фуқаро асар муаллифи деб эътироф этилади». Бошқа барча муаллифлик ваколатларидан, ҳам мулкий, ҳам бошқа шахсий номулкий хукуклардан фарқли ўлароқ, муаллифлик хукуки бузилган ҳолатда, асардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳимоя қилиниши керак. Масалан, китоб бошқа одам номидан чиқарилсагина муаллифлик хукуки бузилади. Шу ўринда таъкидлаш

жоизки, газетада китоб бошқа шахс томонидан ёзилганлиги тўғрисидаги тасдиқ эълон қилинган бўлса ҳам, муаллифлик ҳуқуқи бузилганлигича қолаверади. Бундай ҳолда муаллифлик ҳуқуқи ҳимоя қилиниши, хусусан, ҳуқуқни эътироф этиш орқали ҳимоя қилиниши тўғрисидаги даъво қўзғатилиши мумкин.

Кейингиси — муаллиф исмига бўлган ҳуқуқ асар ижодкорига асарда ўз исмини кўрсатиш ва қандай исмни кўрсатиш ёки кўрсатмаслик масаласини ҳал қилиш имконини беради. Муаллиф асардан фойдаланишда ўзининг хақиқий исмини (фамилияси ва отасининг исмини, исми ва фамилиясини кўрсатиш ёки отасининг исмини кўрсатмаслик ва бошқа шу каби турли вариандаги ёзувларни) кўрсатиши, ҳар қандай тўқилган шартли исмни (таксаллусни) кўрсатиши ёки исмини умуман кўрсатмаслиги мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам масалани ҳал этиш муаллиф ихтиёрида бўлади. Таксаллусдан фойдаланиш сабаблари мутлақо турлича бўлиши мумкин. Масалан, муаллиф шахсий фамилиясини у қадар «жарангдор эмас» деб ҳисоблаши ёки ўзининг турли ижодий жанрларга таалукли асарларида турлича таксаллуслардан фойдаланиши ва шу кабилар. Муаллиф исмига бўлган ҳуқуқни амалга оширишда муайян сабаблар ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмайди.

Муаллифлик исми-шарифига бўлган ҳуқуқ ФКнинг 19-моддасида мустаҳкамланган исмга бўлган умумий фуқаровий ҳуқуқнинг хусусий кўринишидир. Бунда муаллифлик исми-шарифига бўлган ҳуқуқ фақатгина асардан фойдаланилганида амалга оширилиши (тегишинча бузилиши ва ҳимоя қилиниши) мумкин. Масалан, газета мақоласида барча учун маълум бўлган факт, масалан, «Сардор Раҳимхон» таксаллуси остида артист Сарвар Раҳимов чиқаётганлиги маълум қилинса, таксаллусни бу тарзда ошкор қилиш муаллифлик ҳуқуқини бузиш бўлмайди, негаки бу ўринда артистнинг муайян бир асаридан фойдаланиш факти мавжуд эмас. Ва аксинча, агар диск ўровида «Сардор Раҳимхон» деган сўзлар ўрнига «Раҳимхон Сардор» деб ёзилган бўлса, бу ҳол шак-шубҳасиз, муаллифлик исми-шарифига бўлган ҳуқуқнинг бузилиши бўлади.

Учинчиси — асарни ошкор қилишга бўлган ҳуқуқ ёки «муайян доира»даги шахслар учун асардан фойдаланишни очишга бўлган ҳуқуқ» муаллифга ўз асари қай даражада тайёр эканлиги, асар жамоатчилик ҳукмига қўйиш учун қай даражада пишиб етилганлиги тўғрисидаги масалани ҳал

этиш имконини беради. Бу масалани ҳал этишга муаллифдан бошқа ҳеч ким ҳақли эмас. Бошқа шахсий номулкий ва мулкий хукуқлардан фарқлы үлароқ, ошкор қилишга бўлган хукуқни, қоида тариқасида, факат бир марта рўёбга чиқариш мумкин. Асар оммага тақдим этилганидан кейин у «ошкор қилинган» асарга айланади. Бу эса, ўз навбатида асарнинг хукукий режимида айрим ўзгаришларни келтириб чиқаради. Масалан, қонунда бир қатор ҳолларда ошкор қилинган асарлардан эркин фойдаланишига йўл қўйилади. Бунда асар номуайян шахслар доираси учун маълум бўлганлиги ёки бўлмаганлиги ахамиятсизdir. Энг асосийси, асарнинг қабул қилиш учун эълон қилинганилигидир. Масалан, нашр этилган китобни ҳеч ким сотиб олмаслиги, телевидение орқали намойиш этилган фильмни бирорта ҳам одам кўрмаслиги мумкин. Бироқ, шунга қарамай асар ошкор қилинган ҳисобланади.

Нихоят сўнгги — муаллиф обрўсини ҳимоя қилиш хукуқи. Бу хукуқ муаллифнинг ўз асари қандай яратилган бўлса, худди шундай кўринишида оммага етказилишидан манфаатдорлигини ҳимоя қиласи. Ушбу хукуқ муаллифга ўз асари нашр этилишида, омма олдида ижро этилиши ёки ундан бошқача тарзда фойдаланиши вақтида унга ўзи билан келишилмаган ҳар қандай ўзгариш ва кўшимчалар киритилишига қаршилик кўрсатиш имконини беради. Бироқ, бу ҳол асардан доимо муаллиф уни қандай яратган бўлса, ундан шундай фойдаланиши, хусусан, айни муаллиф яратган кўринишида нашр қилиниши керак, деган маънони англатмайди. Бу ўринда фақатгина ҳар қандай ўзгаришни муаллиф билан келишиш талаб қилинмоқда.

Дахлсизликка бўлган хукуқ асарни нафакат «ички», балки «ташқи» аралашувлардан ҳам ҳимоя қиласи. Ушбу хукуқ муаллифни асарни нашр этиш вақтида унга безаклар, сўзбоши, хотима, шартлар ёки бирон-бир тушунтиришлар киритилишидан ҳам ҳимоя қиласи.

Бу ҳол муаллифнинг розилигисиз унинг асарига шарҳлар, шу жумладан танқидий шарҳлар ёзиш ёки безаклар, масалан, адабий қаҳрамонларнинг портретларини яратиш мумкин эмас деган маънони англатмайди. Қонун уларни яратишни эмас, балки «нашр этиш вақтида» асарни безаклар билан таъминлашни, яъни улардан «битта мукова» ичida фойдаланишни тақиқлайди. Гап шундаки, адабий асарнинг безаклари айрим ҳолда нашр этилганида рассом бадиий асарнинг характеристини қанчалик тўғри англаб

етганлиги ва акс эттирганлиги фақатгина рассом ўзининг ижодий имко-  
ниятларига баҳо беришида ўз ифодасини топади. Безак бевосита ада-  
бий асар билан биргаликда нашр этилганида эса, муаллифнинг фикрича,  
муваффақиятсиз чиққан безаклар (худди, шунингдек шарҳлар, тушунти-  
ришлар) ўкувчидаги нотўғри тасаввур хосил қилиши ва адабий асарнинг  
ўзи тўғрисида хам нотўғри фикр пайдо бўлиши ёки ўкувчининг эътибо-  
рини асардан четга тортиши мумкин.

Асарнинг дахлизлигига бўлган ҳукуқни бошқа ҳукуқлар каби одатда  
муаллиф ўзи амалга оширади. ФКда белгиланадики, муаллиф вафотидан  
кейин асарнинг дахлизлигини ҳимоя қилиш васиятномада кўрсатилган  
шахс томонидан, бундай кўрсатмалар мавжуд бўлмагани тақдирда эса,  
муаллифнинг меросхўрлари томонидан, шунингдек қонун ҳужжатларига  
мувофиқ муаллифлик ҳукуқларини ҳимоя қилиш вазифалари зиммасига  
юклатилган шахслар томонидан амалга оширилади.

4. Баъзида эса муаллиф етук деб эътироф этган асар сиёсий, илмий  
дунёкарашларнинг ўзгариши ва бошқа шу кабилар оқибатида муаллиф-  
нинг ўзини қаноатлантирумай колади. Вақти келиб, муаллиф соғ адабий  
асардаги ёшлигига баён этган ўз ижодий концепцияларини қайта кўриб  
чиқиши мумкин. Ушбу максадларда ФКда муаллифга «асарни чақириб  
олиш ҳукуқи», яъни асарни ошкор этиш тўғрисида аввал қабул қилинган  
қарордан воз кечиш ҳукуқи берилган.

Бунда ФКда ошкор қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтдан  
бошлаб, ушбу қарордан воз кечиш пайтига қадар асар қандай ҳолларда  
амалда ошкор этиб бўлинганлиги ва қандай ҳолларда у ошкор этилма-  
ган бўлиши фарқланади. Масалан, агар муаллиф аввал нашр этилмаган  
асарни нашр этиш учун ношир билан шартнома тузган бўлса, асарни  
ощор этишга розилик берганлигини англатади, бироқ у асар ошкор  
қилингунига қадар аввалги қароридан воз кечиши мумкин.

Иккинчи ҳолда, яъни муаллиф асарни ошкор қилиш тўғрисида илгари  
қабул қилган қароридан воз кечиши оқибатида ношир ёки бошқа фой-  
даланувчи кўрган заарларнинг, шу жумладан бой берилган фойданинг  
ўрнини қоплаши шарт.

Агар асар ошкор этиб бўлинган бўлса, муаллиф уни чақириб олган-  
лиги тўғрисида оммага маълум қилиши шарт. ФКда муаллифга асарнинг  
аввал тайёрланган нусхаларини ўз ҳисобидан муомаладан олиб қўйиш

хукуки берилади. Бунда ФКда ана шу нусхаларнинг мулқорлари, хусусан, китобларни сотиб олган шахслар зиммасига китобларни муаллифга қайтариш вазифасини юкламайди. Шунинг учун бундай масала ҳар бир ҳолда индивидуал тартибида ҳал этилади деб тахмин қилиш мумкин.

Фақатгина асарни «чақириб олганлиги тўғрисида оммага маълум» қилганлик хукукий аҳамиятга эга бўлади. Бунинг мазмуни шундан иборатки, асарни чақириб олганлик тўғрисида маълум қилиш пайтидан бошлаб, асар ошкор қилинган асарлар режимида бўлишдан чиқади, хусусан, ундан эркин фойдаланиш, иқтибослар келтириш ва бошқа шу кабилар мумкин эмас. Бунда ҳар бир муайян ҳолатда фойдаланувчи чақириб олганлик маълум қилинганлигидан бехабарлигини ва бошқа шу кабиларни исботлашга ҳақли.

5. ФКда чақириб олиш хукукига дахлдор қоидалар хизмат асарларига нисбатан тагбиқ этилмаслиги тўғрисида алоҳида изоҳот берилган. Бунда ФКда «хизмат асарларига» ҳеч қандай таъриф берилмаган, бундай асарларга дахлдор бирон-бир бошқа қоидалар мавжуд эмас. Хизмат асарлари тўғрисидаги тушунча фақатгина «Муаллифлик хукуки ва турдош хукуклар тўғрисида»ги Қонунда мавжуд. Ушбу Қонун 34-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ хизмат вазифаларини ёки иш берувчининг хизмат топширигини бажариш тартибида яратилган асар хизмат асаридир. Қонунга биноан бундай асарларга бўлган шахсий номулкий хукуклар унинг муаллифига, агар ўзаро шартномада бошқа қоида назарда тутилмаган бўлса, мулкий хукуклар иш берувчига тегишлидир. Хизмат асарини яратган муаллиф-ходим ўз асарини «чақириб олиши» мумкин эмас. Бунда у ошкор этиш хукувидан маҳрум бўлмайди, яъни иш берувчи эмас, балки айни муаллиф-ходим асарнинг етуклиги тўғрисидаги масалани ҳал этишга ҳақли.

*1052, 1053, 1054, 1055-моддалар Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 16 январда қабул қилинган ЎРҚ-79-сонли Қонунига мувофиқ ўз кучини йўқотган.*

## **1056-модда. Муаллифнинг мулкий хукуклари**

**Муаллифга асардан ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай усулда фойдаланишда мутлак хукуклар тегишлидир.**

**Юридик ва жисмоний шахслар, ушбу Кодексда ва бошқа қонунларда кўрсатилганидан ташқари ҳолларда, асардан фақат хукуқ эгаси ёки**

**бошқа ваколатли шахс билан тузилган шартномага биноан, шу жумладан мулкий хуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотлар билан тузилган шартномага биноан ёхуд улар бўлмаган тақдирда, бу ташкилотларнинг вазифалари ва мажбуриятларини бажарувчи ташкилот билан тузилган шартномага биноан фойдаланишлари мумкин.**

**Муаллифнинг асардан фойдаланишга бўлган мутлақ хуқуқлари кўйидаги ҳаракатларни амалга ошириш ёки бундай ҳаракатларга рухсат бериш хуқукини англатади:**

**асарни тақрорлаш (тақрорлаш хуқуқи);**

**асарнинг асл нусхасини ёки нусхаларини сотиш ёки мулк хуқукини ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш йўли билан тарқатиш (тарқатиш хуқуқи);**

**асарни барчанинг эътиборига етказиш (барчанинг эътиборига етказиш хуқуқи);**

**асарнинг асл нусхасини ёки нусхаларини прокатга бериш (прокатга бериш хуқуқи);**

**тарқатиш мақсадида асарнинг нусхаларини, шу жумладан мутлақ муаллифлик хуқуқлари эгасининг рухсати билан тайёрланган нусхаларини импорт қилиш (импорт қилиш хуқуқи);**

**асарни сим (кабель) орқали ёки бошқа шу каби воситалар ёрдамида узатиш йўли билан барчанинг эътибори учун юбориш (кабель орқали юбориш хуқуқи);**

**асарга тузатишлар киритиш, уни аранжировка қилиш ёки бошқача тарзда қайта ишлаш (қайта ишлаш хуқуқи);**

**асарни омма олдида намойиш этиш (омма олдида намойиш этиш хуқуқи);**

**асарни омма олдида ижро этиш (омма олдида ижро этиш хуқуқи);**

**асарни симсиз воситалар ёрдамида узатиш йўли билан барчанинг эътибори учун юбориш (эфирга узатиш хуқуқи);**

**асарни таржима қилиш (таржима қилиш хуқуқи);**

**асарни барчанинг эътиборига тақроран юбориш, агар бундай юбориш дастлабки юборишини амалга оширган ташкилотдан бошқа ташкилот томонидан амалга оширилса (барчанинг эътиборига тақроран юбориш хуқуқи).**

**Муаллиф ўз асаридан фойдаланишнинг ҳар бир тури учун ҳақ олиш хуқуқига (хақ олиш хуқуқига) эга.**

Агар чоп этилган асарнинг нусхалари уларни сотиш ёки мулк хуқуқини ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш воситасида фуқаролик муомаласига қонуний киритилган бўлса, уларнинг бундан бўёнги тарқатилишига муаллифнинг розилигисиз ва унга ҳақ тўланмаган холда йўл қўйилади, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Асардан даромад олиш мақсадида фойдаланилганлиги ёки ундан фойдаланиш бундай мақсадга қаратилмаганлигидан қатъи назар, асардан фойдаланилган деб ҳисобланади.

Асарнинг мазмунини ташкил этувчи қоидаларни (кашфиётларни, бошқа техникавий, иқтисодий, ташкилий ва шу каби ечимларни) амалий қўллаш асардан муаллифлик хуқуки маъносида фойдаланганлик деб ҳисобланмайди.

1. Мулкий, мутлақ муаллифлик хуқуқлари «Муаллифлик хукуки ва турдош хуқуклар тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддасида назарда тутилган.

2. ФКда муаллифга асардан ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай усулда фойдаланишда мутлақ хуқуқлар берилиб, сўнгра улардан фойдаланишнинг аниқ усуллари санаб ўтилган (рўйхат тугал эмас). Бу усулларнинг ҳар бирига алоҳида мутлақ хукуқ тўғри келади.

3. Муаллифга бундай хуқуқларнинг берилиши муайян асардан фақатгина у мазкур усулларда фойдаланиш хуқуқига эга эканлигини, колган барча шахслар муаллифнинг асаридан фақатгина унинг рухсати билан, яъни муаллиф билан тузилган шартномага биноан фойдаланишлари мумкинлигини англатади.

4. Асардан фойдаланиш усулларини иккита хилга ажратиш мумкин: биринчиси, асарни қандайдир бир моддий шаклда мужассамлаштириш (нашр қилиш, ёзиш ва бошқа шаклда такрорлаш) ва бунинг натижасида олинган моддий нарсаларни (китоблар, кассеталар, дисклар ва бошқа шу кабиларни) тарқатиш (фуқаролик муомаласига чиқариш) билан боғлиқ усуллар; иккинчиси, эфирга узатиш, омма олдида ижро этиш, намойиш қилиш ва бошқа шу каби моддий шаклдан фойдаланиш билан боғлиқ бўймаган усуллар.

Биринчи усуллар ҳақида гап борганда, муаллифлик хуқуқларини рўёбга чиқариш ана шу моддий нарсаларга бўлган мулк хуқуқини рўёбга чиқариш

билинг бўлиб қолишини назарда тутиш керак. Зеро, юкорида таъкидлаб ўтилганидек, муаллифлик хукуқи асар мужассамлаштирилган моддий нарсага бўлган мулк хукуқи билан боғлиқ эмас. Бироқ, уларнинг биргаликда «мавжуд бўлиши» ана шу хукуқларни амалга оширишга ўзининг муайян таъсирини кўрсатади. Масалан, китобнинг нашр этилган адади бошқа шахс — нашриётнинг мулки бўлиши мумкин, бироқ китоб ўзида муаллифлик хукуқи объектини мужассам қилганлиги туфайли уни муаллифлик хукуқи эгасининг розилигисиз сотиш ёки бошқача тарзда фуқаролик муомаласига киритиш мумкин эмас.

Айни бир вақтда ушбу чеклов фақат бир марта амалга оширилади. Шарҳлананаётган модданинг бешинчи қисмида «хукуқлар тугаши принципи» деган номда машхур бўлган қоида кўрсатилган. Унга мувофик асарнинг нусхалари қонуний равишда бошқа шахсга ўtkазилган бўлса, уларнинг бундан бўёнги тарқатилишига муаллифнинг розилигисиз ва унга ҳақ тўланмаган ҳолда йўл қўйилади, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Бошқача қилиб айтганда, агар китоб аддининг дастлабки сотувига хукуқ эгасининг рухсати талаб этилса, кейинчалик ҳар бир муайян китоб хукуқ эгасининг розилигисиз сотилиши, айирбош қилиниши ва бошқа шу каби ҳаракатлар амалга оширилиши мумкин. Бу шундай изоҳланадики, муаллиф асарнинг ҳар бир нусхасидан ҳақ олиши керак. Китоб ёки кассетанинг янги нусхасини яратишда бу ҳол юз бермайди — муаллифлик ҳақи «тўлаб бўлинган» нусхаси муомалада бўлади. Фақатгина асар, масалан, китоблар, видеокассеталар ва бошқа шу кабилар нусхаларини прокатга бериш ушбу қоидадан мустаснодир. Мазкур ҳаракатлар фақатгина хукуқ эгасининг розилиги билан амалга оширилиши мумкин.

*1057-модда Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 16 январда қабул қилинган ЎРҚ-79-сонли Қонунига мувофиқ ўз кучини йўқотган.*

### **1058-модда. Муаллифлик хукуқларининг чекланиши**

**Муаллиф ва бошқа шахсларнинг асардан фойдаланиш борасидаги мутлак хукуқларини чеклашга ушбу Кодекснинг 1059–1062-моддаларида ёки бошқа қонунларда назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади.**

**Мазкур чеклашлар асардан нормал фойдаланилишига ўринсиз зиён етказмаган ва муаллифнинг қонуний манфаатларини асоссиз камситмаган тақдирдагина татбиқ этилади.**

Шарҳланаётган моддада муаллиф ва бошқа шахсларнинг асардан фойдаланиш борасидаги мутлақ хукукларини чеклаш ҳақида гап боради. Муаллиф ва бошқа шахсларнинг асардан фойдаланиш борасидаги хукукларини куйидаги ҳолларда чеклашга йўл қўйилади:

1) ўзганинг чоп этилган асаридан муаллифнинг розилигисиз ва муаллифлик ҳақини тўламаган ҳолда шахсий мақсадларда фойдаланишга, башарти бунда асардан нормал фойдаланишга зарар етмайдиган ва муаллифнинг манфаатларига путур етмайдиган бўлса (истиснолар ушбу Кодекснинг 1059-моддаси 3–4-бандларида берилган);

2) қонуний эълон қилинган мусика асарлари расмий, диний ва дафн маросимларида ижро этилганда;

3) судлов ва маъмурий иш юритиш мақсадларини кўзлаб, фойдаланиш мақсадида;

4) ушбу Кодекснинг 1062-моддасида белгиланганидек, асар хизмат топшириғини бажариш тартибида яратилган ва шартномада асардан фойдаланишнинг бошқа шартлари белгилаб қўйилган ҳолларда;

5) ушбу Кодекснинг 1063-моддасида белгиланган, халқаро шартнома коидаларида ўзгача ҳол назарда тутилган ҳолларда.

Шунингдек ушбу модданинг 1-бандида, бошқа қонунларда назарда тутилган ҳолларда ҳам муаллифнинг асардан фойдаланиш борасидаги алоҳида хукуқлари чекланиши назарда тутилади.

Масалан, «ЭҲМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг хукукий ҳимояси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 13-моддасида жумладан шундай дейилади: «ЭҲМ учун яратилган дастур ва маълумотлар базаси нусхасига бўлган эгалик хукуки ёки ўзга мулкий хукуқлар ушбу нусхага эгалик хукуки биринчи марта сотилгандан кейин, хукуқ эгасининг розилигини олмасдан ва унга қўшимча ҳақ тўламаган ҳолда олиб сотилишига ва бошқача усуlda ўзгаларга ўтказилишига йўл қўйилмайди».

Бунда мазкур чеклашлар асардан нормал фойдаланилишига ўринсиз зиён етказмаган ва муаллифнинг манфаатларини асоссиз камситмаган тақдирдагина татбиқ этилади.

## **1059-модда. Асарларни муаллифнинг розилигисиз ва ҳақ тўланмаган ҳолда шахсий мақсадларда такрорлаш**

**Ошкор қилинган асарни шахсий мақсадларда муаллифнинг ёки бошқа ҳуқуқ эгасининг розилигисиз ва ҳақ тўланмаган ҳолда такрорлашга йўл қўйилади, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.**

**Ушбу модда биринчи қисмининг қоидалари:**

**бинолар ва иншоотлар шаклидаги архитектура асарларини такрорлашга;**

**маълумотлар базаларини ёки уларнинг муҳим қисмларини такрорлашга;**

**конунда назарда тутилган ҳолларни истисно қилганда, ЭҲМ учун дастурларни такрорлашга;**

**китобларни (тўлалигича) ва нотали матнларни репрографик такрорлашга нисбатан татбиқ этилмайди.**

1. Аввало шуни таъкидлаш лозимки, асардан муаллифнинг розилигисиз ва муаллифлик ҳакини тўламай шахсий мақсадларда фойдаланиш чоп этилган асарларга нисбатан кўлланиши ушбу модда мазмунидан кўриниб турибди. «Шахсий» мақсадлар факатгина фуқароларда бўлиши мумкин. Юридик шахсларга ушбу модда тааллуқли эмас.

Мисол учун, магнит лентасидан асарни кўчириш, радиодан овоз ёзиб олиш, фотосуратга тушириш, шахсий нусха олиш техникаси орқали асарнинг маълум жойларини кўпайтириш, видеофильмни қайта ёзиб олиш, телевидение экранидан фильмни ёзиб олиш ва бошқалар.

Бундай тарзда асар нусхалари шахсий мақсадларга хизмат қилиши керак, аксинча, фуқаролик муомаласига (сотиш, айирбошлаш ва бошқалар) киритиш мўлжалланмаслиги лозим.

2. Шарҳланаётган моддада ошкор қилинган асарни шахсий мақсадларда такрорлашга қўйидаги татбиқ этилмайдиган ҳоллар назарда тутилади: бинолар ва иншоотлар шаклидаги архитектура асарлари такрорланганда; маълумотлар базалари ёки уларнинг муҳим қисмлари такрорланганда, қонунда назарда тутилган ҳолларни истисно қилганда, ЭҲМ учун дастурлар такрорланганда; китоблар (тўлалигича) ёки нотали матнлар репрографик такрорланганда.

Ушбу модда 2-бандининг 1-банди қоидалари татбиқ этилмайдиган ҳолатлар кўрсатилган. Жумладан бинолар ва шунга ўхшаш иншоотлар

шаклидаги архитектура асарларидан фойдаланилганда, муаллифга зарар ва унинг қонуний манфаатларига путур етмайди деб бўлмайди.

Бундан ташқари, «ЭҲМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддаси, 3-бандида «ЭҲМ учун яратилган дастур ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси жиҳатидан тўғри эга бўлган шахс муаллифнинг ёки ўзга ҳуқуқ эгасининг розилиги бўлган тақдирдагина бу дастурнинг кодланиши ва таркибий тузилишини ўрганиш мақсадида уни дикомпилиция қилиши мумкин» деб белгилаб кўйилган.

Шунингдек ушбу Қонуннинг 11-моддасида «ЭҲМ учун яратилган дастур ва маълумотлар базасидан бошқа шахсларнинг (фойдаланувчиларнинг) фойдаланиши ҳуқуқ эгаси билан тузилган шартнома асосида амалга оширилади» деб мустаҳкамланган.

Худди шундай муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги Қонуннинг 29-моддасида муаллифнинг розилигисиз ва муаллифлик хақини тўламаган ҳолда, лекин асаридан фойдаланилаётган муаллифнинг исми-шарифи ва олинган манбани албатта кўрсатиб, фойда олишни кўзламай репродукция қилиш жумласига шарҳланаётган модданинг 2-бандида кўрсатилган, китобларни (тўлалигича) ва нотали матнларни репродукция қилиш киритилган.

Демак, юқорида таъкидланган ҳолатларда муаллиф розилигини олиш албатта талаб қилинади.

«Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Қонуннинг 28-моддасида, асар муаллифининг исми-шарифи ва олинган манбани албатта кўрсатган ҳолда ҳамда асардан нормал фойдаланишга зарар етказмаслик ва муаллифнинг қонуний манфаатларини камситмаслик тартиби билан эркин фойдаланишга йўл кўйиладиган ҳолатлар белгиланган.

Аммо буни бошқаларнинг чоп этилган асаридан унинг розилигисиз ва муаллифлик хақини тўламаган ҳолда шахсий максадларда асардан нормал фойдаланишга зарар етказмайдиган ва муаллифнинг қонуний манфаатларига путур етказмаслик шарти билан фойдаланишдан фарқлаш лозим.

Қонунда назарда тутилган ҳолларни истисно қилганда, қолган барча ҳолларда бунга муаллифнинг ёки бошқа ҳуқуқ эгасининг розилигисиз ва ҳақ тўланмаган ҳолда йўл кўйилади.

## **1060-модда. Аасарларни олдида эркин ижро этиш**

**Чоп этилган мусиқа аасарларини расмий, диний ва дафн маросимларида бундай маросимларнинг хусусиятига мос ҳажмда муаллифнинг ёки бошқа ҳуқуқ эгасининг розилигисиз ҳамда ҳақ тўланмаган ҳолда омма олдида ижро этишга йўл қўйилади.**

Шарҳланадиган моддада, чоп этилган мусиқа аасарларини муаллифнинг ёки бошқа ҳуқуқ эгасининг розилигисиз ҳамда ҳақ тўланмаган ҳолда омма олдида ижро этишга истисно тарикасида йўл қўйиладиган ҳоллар назарда тутилади.

Хусусан, бундай аасарларни расмий, диний ва дафн маросимларида омма олдида ижро этиш мумкин.

Ушбу истисно мусиқа аасаридан фойдаланишдаги алоҳида ҳоллар билан боғлиқ. Бу ўринда тингловчилар аасар истеъмолчилари эмас, балки расмий маросим қатнашчилари сифатида ҳозир бўлганликлари, мусиқа рамз, антураж сифатида жўр бўлиши ёки расмий тадбирга мусиқавий жўрлик назарда тутилади.

## **1061-модда. Аасарлардан суриштирув, дастлабки тергов, маъмурий ва судлов ишларини юритиш мақсадлари учун фойдаланиш**

**Аасарлардан суриштирув, дастлабки тергов, маъмурий ва судлов ишларини юритиш мақсадларини кўзлаб, фойдаланиш мақсадига мос ҳажмда муаллифнинг ёки бошқа ҳуқуқ эгасининг розилигисиз ҳамда ҳақ тўланмаган ҳолда фойдаланишга йўл қўйилади.**

ФКда аасарлардан суриштирув, дастлабки тергов, маъмурий ва судлов ишларини юритиш мақсадларини кўзлаб, фойдаланиш мақсадига мос ҳажмда муаллифнинг ёки бошқа ҳуқуқ эгасининг розилигисиз ёки ҳақ тўланмаган ҳолда фойдаланиш тўғрисида изоҳот берилган.

Бундан ташқари, шуни ҳам инобатга олиш керакки, юкорида кўрсатилган ҳолларда аасардан давлат хизматлари жиноятларни фош этиш ёки фуқароларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун, яъни расмий ва барча учун фойдали мақсадларда фойдаланадилар, бу эса аасардан муаллиф розилигисиз фойдаланиш ҳуқуқини беради.

## **1062-модда. Хизмат асарига бўлган муаллифлик ҳуқуқи**

**Хизмат вазифаларини ёки хизмат топширигини бажариш тартибида яратилган асарга (хизмат асарига) бўлган муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари асар муаллифида сакланиб қолади.**

**Хизмат асаридан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқлар, агар муаллиф билан иш берувчи ўртасидаги шартномада бошқача қонди назарда тутилган бўлмаса, иш берувчига тегишилдир.**

**Хизмат асаридан фойдаланишнинг ҳар бир тури учун ҳақ микдори ва уни тўлаш тартиби муаллиф билан иш берувчи ўртасидаги шартномада белгиланади. Иш берувчи билан тузилган шартномадан қатъи назар, муаллиф асар ошкор қилинган вақтдан эътиборан ўн йил ўтганидан кейин, иш берувчининг розилиги билан эса ундан ҳам олдинроқ асардан фойдаланиш ва ҳақ олиш ҳуқуқини тўлиқ ҳажмда қўлга киритади.**

**Муаллифнинг хизмат асаридан топшириқ мақсади тақозо этмайдиган усулда фойдаланиш ҳуқуқи чекланмайди.**

**Иш берувчи хизмат асаридан ҳар қандай тарзда фойдаланишда ўз номини кўрсатишга ёхуд уни кўрсатишни талаб қилишга ҳақлидир.**

**Хизмат вазифаларини ёки иш берувчининг хизмат топширикларини бажариш йўсинида ушбу Кодекс 1049-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган энциклопедиялар, энциклопедик лугатлар, даврий ва давомли илмий ишлар тўпламлари, газеталар, журналлар ҳамда бошқа даврий нашрларнинг яратилишига ушбу модданинг қоидалари татбиқ этилмайди.**

**1. Кўпгина асарлар муаллифлар томонидан уларнинг хизмат (мехнат) вазифаларини бажаришлари давомида яратилади. Бундай асарлар «хизмат» асарлари деб юритилади ва улар алоҳида ҳуқуқий мақомга эга.**

**Бундай ҳуқуқий мақом тўғрисида гапиришдан олдин шуни таъкидлаш лозимки, муаллиф муайян ташкилот билан меҳнат муносабатларида бўлмаса, ушбу ташкилот учун унинг яратган асарини ўз-ўзидан хизмат асари дейишга ҳақли эмасмиз. Демак, меҳнат муносабатларига аниқлик киритишимиз керак.**

**Меҳнат муносабатларида биринчидан ходим (муаллиф) ички меҳнат интизомига риоя қиласи, иккинчидан, меҳнат жамоаси билан қўшилиб ишлайди, учинчидан, иш жараёнида «жонли» меҳнати, яратган ижодий меҳнат самараси**

учун муаллифлик ҳақи эмас, балки маош тариқасида иш ҳақи олади. Агар корхона (ташкилот) шахсга меңнат дафтарчasi юритса, таътил учун ҳақ түлласа, шубхасиз булар меңнат шартномасининг мазмунидан келиб чиқади. Шу билан бирга меңнат дафтарчasi юритмасдан ўриндошлиқда ҳам ишлаш мумкин. Лекин юқорида келтирилган меңнат шартномасининг белгиларидан уни муаллифлик шартномасидан ажратиш қийин эмас.

2. Шуни таъкидлаш керакки, хизмат асари фақатгина меңнат шартномаси доирасида бунёдга келади. Албаттa, меңнат шартномаси асосида хизмат қиласиган муаллиф яратган барча асарларни ҳам хизмат асари деб ҳисоблай олмаймиз. Хизмат асари бу — меңнат шартномаси бўйича муаллифга муайян ёхуд умумий топшириқ сифатида юклатилган вазифани бажариш туфайли юзага келади. Шу билан бир каторда меңнат шартномаси орқали муаллифга юклатилмаган, қолаверса «ишдан бўш вақтда», иш куни давомида хизмат хужжатларидан фойдаланиб яратилган асарни ҳам хизмат асари жумласига киритиб бўлмайди.

3. Хизмат асарига бўлган хукуқнинг алоҳида мақоми, асослари шарҳланаётган модданинг 2-қисмида кўрсатилган. Чунончи хизмат асаридан фойдаланишга бўлган мутлақ хукуқ «иш берувчи билан муаллиф ўртасидаги шартномада алоҳида белгиланмаган бўлса» асар яратиш ҳақида топшириқ берган ва меңнат муносабатлари ўрнатган шахсга (иш берувчига) тегишилдири. Демак, бу ҳақда маҳсус шартномада белгиланмаган бўлса, асардан фойдаланишга бўлган алоҳида хукуқ тўла ҳажмда ва уни амал килиш муддати давомида, қонун бўйича иш берувчига тегишилдири.

4. Ушбу модданинг 4-қисмида мустаҳкамланган, муаллифнинг хизмат асаридан топшириқ мақсади тақозо этмайдиган тарзда фойдаланиш хукуки дейилганда, муаллиф бошқа мустакил асар ёзишда, топшириқ мақсади тақозо этган усулда ушбу хизмат асаридан фойдаланиш (кўчирмалар олиши, мазкур асардаги хужжатлардан фойдаланиши ва бошқалар) назарда тутилади.

5. Шунингдек, ушбу модданинг 5-қисмида иш берувчи хизмат асаридан ҳар қандай тарзда фойдаланганда яратилган хизмат асарида ўз номини кўрсатишга ёки асар муаллифидан уни кўрсатишни талаб қилишга ҳақлидир. Чунки, бу асар иш берувчининг хизмат топшириги ёки буйруғи асосида вужудга келган бўлади. Шу сабабли топшириқ (буйруқ)ни бажарувчи ишчи асар муаллифи бўлса ҳам ўзи яратган

хизмат асарига иш берувчининг талаби билан унинг номини кўрсатишига мажбур бўлади.

6. Модданинг 6-қисмida истисно сифатида энциклопедиялар, энциклопедик лугатлардан, илмий ишларнинг даврий ва давомли тўпламларидан, газеталар, журналлар ҳамда бошқа даврий нашрлардан фойдаланишга бўлган мутлак хукуклар уларнинг ноширига тегишлидир деб белгиланган. Бундай нашрлардан ҳар қандай тарзда фойдаланилганда ношир ўз исми ёки номини кўрсатишига ёхуд исми ёки номи кўрсатилишини талаб қилишга ҳақлидир. Бундай нашрларга киритилган асарларнинг муаллифлари, агар муаллифлик шартномасида бошқача ҳол назарда тутилган бўлмаса, умуман нашрдан қатъи назар, ўз асарларидан фойдаланишга бўлган мутлак хукукларини сақлаб қоладилар.

### **1063-модда. Муаллифлик хукуқининг амал қилиш соҳаси**

**Ушбу Кодексга мувофиқ муаллифлик хукуқи:**

**Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлган ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий турар жойига эга бўлган муаллифларнинг ёки муаллифлик хукуқининг бошқа дастлабки эгалик қилувчиларининг асарларига;**

**муаллифларнинг фуқаролиги ва доимий турар жойидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасида биринчи марта чоп этилган асарларга;**

**Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида муҳофаза қилинадиган асарларга татбиқ этилади.**

**Агар асар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида биринчи марта чоп этилган санадан сўнг ўттиз кун ичида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чоп этилган бўлса, Ўзбекистон Республикасида ҳам биринчи марта чоп этилган деб ҳисобланади.**

**Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ асарга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муҳофаза берилган тақдирда, асар муаллифи муаллифлик хукуқини олиш учун асос бўлиб хизмат қилган юридик факт қайси давлатнинг ҳудудида содир бўлган бўлса, ўша давлатнинг қонуни билан аниқланади.**

1. Шархланаётган моддада муаллифлик ҳуқуқининг муҳим жиҳати — амал қилиш соҳаси белгиланган, бинобарин, айни муаллифлик ҳуқуқининг тарқалиши ва тегишинча рўёбга чиқарилиши муаллифлик ҳуқуки инсти тути амал қилишининг чегара доирасини кўрсатиб беради.

Бу ўринда «биринчи марта» принципи, яъни қайси шахс асарни биринчи бўлиб ошкор қилганлиги алоҳида аҳамиятга эга. Худди ана шу шахс ҳуқуқ эгалиги тўғрисидаги масала ҳал этилишида устунликка эга бўлади. Таъкидлаш жоизки, шунга ўхшаш ҳар бир иш якка тартибда кўриб чиқилади.

Муаллифлик ҳуқуки тўғрисидаги ҳалқаро шартномалар (конвенциялар) га мувофиқ, унинг иштирокчиси бўлган ҳар қайси давлат фан, адабиёт ва санъат асарлари муаллифларининг ва уларнинг ҳуқуқларини олувчиликкага манфаатларини кўриқлаш учун барча чораларни кўришга мажбур.

Шу муносабат билан хорижий давлат муаллифлари ва улар вафот этган тақдирда уларнинг ҳуқуқларини олувчи шахслар муаллифлик ҳуқуқларини Ўзбекистон Республикаси худудида ҳам оладилар.

2. Модданинг биринчи қисмида Кодекс тадбиқ этиладиган асарлар рўйхати берилган. Унга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқароларига муаллифлик ҳуқуқи бўйича тегишли бўлган асарларга нисбатан тадбиқ этилади. Шунингдек, Ўзбекистон худудида доимий турар жойига эга бўлган шахслар, яъни фуқаролиги бўлмаган шахслар ёки чет эл фуқаролари агар доимий турар жойига эга бўлса уларнинг асарларига нисбатан ушбу Кодексга мувофиқ муаллифлик ҳуқуки тадбиқ этилади. Муаллифлик ҳуқуқининг бошқа дастлабки эгалик қилувчилари деганда, асарни яратган шахс ким бўлишидан қатъий назар дастлаб шу асарга нисбатан муаллифлик ҳуқуқини олган шахслар тушунилади. Демак, бу шахсларга нисбатан ҳам ушбу кодексга мувофиқ муаллифлик ҳуқуки тадбиқ этилади. Ушбу модданинг биринчи қисми иккинчи бандида муаллифларнинг фуқаролиги ва доимий турар жойидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасида биринчи марта чоп этилган асарларга нисбатан муаллифлик ҳуқуқи тадбиқ этилади дейилган. Масалан, Англия фуқароси Джон Бристол Ўзбекистон Республикасида хизмат сафари пайтида асар яратди ва ушбу асарини Ўзбекистон Республикаси худудида жойлашган расмий нашриётда чоп эттириди. Демак, Джон Бристолнинг Ўзбекистонда биринчи марта чоп этилган асарига нисбатан сўзсиз

ушбу Кодекс тадбиқ этилади, яъни шу Кодекс билан барча муаллифлик хукуқларини ҳимоя қила олади.

Ўзбекистон Республикаси бошқа давлатлар билан муаллифлик хукуқларига доир иккитомонлама шартнома тузса ва бу шартномага мувофиқ муаллифнинг хукуклари Ўзбекистон қонунчилиги билан тартибга солинишини назарда тутилган бўлса, бу ҳолатда ушбу Кодекс тадбиқ қилинади.

3. Берн Конвенцияси (Париж хужжати матни. 24 июл 1971 йил)нинг 3-моддаси 4-қисмига мувофиқ асар биринчи марта чоп этилганидан сўнг ўттиз кун ичida икки ёки ундан ортиқ давлатларнинг ҳудудида чоп этилса, ушбу ҳудудларнинг барчасида биринчи марта чоп этилган деб хисобланади. Демак, агар асар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташкарида биринчи марта чоп этилган санадан сўнг ўттиз кун ичida Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чоп этилган бўлса, ушбу Кодекс тадбиқ этилади.

*1064-модда Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 16 январдаги ЎРҚ-79-сонли Қонунига мувофиқ ўз кучини йўқотган.*

### **1065-модда. Муаллифлик хукуқининг амал қилиш муддати**

**Муаллифлик хукуқи муаллифнинг бутун ҳаёти давомида ва унинг вафотидан кейин эллик йил давомида амал қиласди, ушбу моддада ва бошқа қонунларда назарда тутилган холлар бундан мустасно.**

Ҳаммуаллифликда яратилган асарга бўлган муаллифлик хукуқи ҳаммуаллифларнинг бутун ҳаёти давомида ва ҳаммуаллифлар орасида энг узоқ умр кўрган охирги шахс вафот этганидан кейин эллик йил давомида амал қиласди.

Тахаллус остида ёки имзосиз қонуний ошкор қилинган асарга бўлган муаллифлик хукуқи асар ошкор қилинганидан кейин эллик йил давомида амал қиласди. Агар кўрсатилган муддат ичida тахаллус остидаги ёки имзосиз асар муаллифи ўз шахсини маълум қиласа ёки бундан бўён унинг шахси шубҳага ўрин қолдирмаса, ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган муддатлар қўлланилади.

**Муаллифнинг вафотидан кейин биринчи марта эълон қилинган асарга бўлган муаллифлик хукуқи асар эълон қилинганидан кейин эллик йил давомида амал қиласди.**

**Муаллифлик ҳуқуқи, муаллифлик исмига бўлган ҳуқуқ ва муаллиф обрўсими химоя қилиш ҳуқуқи муддатсиз муҳофаза қилинади.**

Асарга Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ муҳофаза берилган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш муддати ушбу моддага биноан белгиланади. Лекин бу муддат асар келиб чиққан мамлакатда белгиланган муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш муддатидан ошиб кетмаслиги керак.

**Ушбу моддада назарда тутилган муддатларни хисоблаш муддатнинг ўта бошлиши учун асос бўладиган юридик факт юз берган йилдан кейинги йилнинг биринчи январидан эътиборан бошланади.**

1. Субъектив муаллифлик ҳуқуқи кўпгина бошқа субъектив ҳуқуқлардан, хусусан, мулк ҳуқуқидан фарқли ўлароқ, муддатлилик тусига эгадир, яъни қонунда белгиланган муддатлар давомида амал килади. Агар бирор буюмга бўлган мулк ҳуқуқи ана шу буюм мавжуд бўлишининг бутун давомида амал қилса, муаллифлик ҳуқуқи эса, ўзи аввал муҳофаза қилган асар ҳали ҳам мавжуд бўлишига ва ундан фойдаланиш давом этаётганига қарамай, белгиланган муддат ўтганидан кейин тугайди. ФКнинг 1039-моддасида интеллектуал мулк обьектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқ ушбу кодексда ёки бошқа қонунларда назарда тутилган муддат мобайнида амал қилиши назарда тутилган.

2. Айрим мамлакатларнинг қонун хужжатларида ва халқаро шартномаларда муаллифлик ҳуқуқининг ривожланиш даврида шундай принцип юзага келганки, унга мувофиқ асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи муаллиф ҳаётининг охиригача ва унинг ўлимидан кейин муайян вакт мобайнида ҳам амал қилади. Бундан кўзланган мақсад муаллифга ва унинг меросхўрларининг яқин авлодига асардан фойдаланилганликдан манфаат кўриш имкониятини беришdir.

Таъкидлаш жоизки, муаллифлик ҳуқуқининг бутун тарихи давомида муаллифлик ҳуқуқи амал қилиши муддатининг иккинчи қисми изчил узайтириб борилганлиги тамойили кўзга ташланади.

3. Ҳозирги вактда муаллифлик ҳуқуқи муаллифнинг бутун ҳаёти давомида ва унинг вафотидан кейин эллик йил давомида амал қилиши энг кўп тарқалган муддат хисобланади.

4. Муаллифлик хукукида муддатларни ҳисоблаб чиқаришнинг бошқа умумий хукуки шундан иборатки, муддатлар биринчидан, тўлиқ календарь йил бўйича (1 январдан 31 декабргача), иккинчидан, тегишли воеа юз берган — муаллифнинг вафоти, асарнинг ошкор қилиниши ва бошқа шу кабилар юз берган йилдан кейин келадиган йил биринчи йил ҳисобланади.

Муаллифлик хукуқининг амал қилиш муддатига 35-моддаси бағишиланган «Муаллифлик хукуки ва турдош хукуқлар тўғрисида»ги Қонунда маҳсус норма мавжуд бўлиб, унга мувофиқ ушбу моддада назарда тутилган «муддатларни ҳисоблаш муддатнинг ўта бошлаши учун асос бўладиган юридик факт юз берган йилдан кейинги йилнинг биринчи январидан эътиборан бошланади (7-қисм)».

Демак, шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида мустаҳкамланган муаллифлик хукуқи муаллифнинг бутун ҳаёти давомида ва муаллиф вафот этган йилдан кейинги йилнинг 1 январидан эътиборан муаллиф вафотидан кейин эллик йил давомида амал қилиши тўғрисидаги умумий қоидани куйидагича тушуниш керак: агар муаллиф, масалан 2001 йилнинг 15 апрель куни вафот этган бўлса, унинг меросхўрлари учун муаллифлик хукуқи 2001 йилнинг 16 апрелидан бошлаб 31 декабргача, шунингдек 2002 йилнинг 1 январидан бошлаб яна 50 йил давомида (2001 йилнинг 31 декабри ҳам шунга киради) амал қиласди.

5. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида ҳаммуаллифликда, яъни «икки ёки ундан ортиқ жисмоний шахснинг биргалиқдаги ижодий меҳнати натижасида яратилган асарга» нисбатан муддатларни ҳисоблаб чиқаришнинг маҳсус қоидаси белгиланган. Икки ва ундан ортиқ жисмоний шахснинг биргалиқдаги ижодий меҳнати билан яратилган асарга бўлган муаллифлик хукуки, мазкур асар бир бутун ёки ҳар бири ҳам мустакил мазмунга эга қисмлардан иборат эканлигидан қатъи назар, ҳаммуаллифларга биргалиқда тегишилдирир (яъни, мазкур қисмдан ушбу асарнинг бошқа қисмларидан қатъи назар фойдаланиш мумкин) («Муаллифлик хукуки ва турдош хукуқлар тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддаси).

Бундай асарларга бўлган хукуқларнинг амал қилиш муддати ҳисоблаб чиқарилаётганида энг кейин вафот этган ҳаммуаллифнинг вафотидан кейин эллик йил ўтган кун муаллифлик хукуки амал қилишининг энг сўнгги муддати сифатида олинади. Таъкидлаш жоизки, ушбу модданинг иккинчи қисмида тўғридан-тўғри ҳеч нарса айтилмаган бўлса ҳам, муд-

датни ҳисоблаб чиқариш юқорида тилга олинган ҳаммуаллиф вафот этган йилдан кейинги йилнинг 1 январидан бошлаб ҳам амалга оширилади.

6. Учинчи қисмда тахаллус остида ёки имзосиз ошкор қилинган асарларни муҳофаза қилиш муддатларини ҳисоблаш чиқаришнинг маҳсус қоидаси назарда тутилган. Бундай маҳсус муддат мавжудлигига одатда шундай изоҳ бериладики, тахаллус остида (тўқилган исм) ёки имзосиз (яъни, исми кўрсатилмаган ҳолда) чиқарилган асар муаллифининг ҳақиқий шахси номаълум бўлади. Шунинг учун унинг вафот этган муддатини белгилашнинг ҳам иложи йўқ. Шу муносабат билан тегишли муддат, яъни эллик йиллик муддат маълум воқеа юз берган вақтдан эътиборан, яъни асар эълон қилинган вақтдан бошлаб, ҳисоблаб чиқарилади.

Бироқ, агар муаллифнинг шахси маълум бўлиб қолса, яъни имзосизлик сабаби ёки тахаллус ошкор бўлса, муаллифлик ҳукуқини муҳофаза қилишнинг умумий муддати татбиқ этила бошланади. Ушбу қоида кўриб чиқилаётган норманинг иккинчи қисмида белгиланган. Аммо ушбу қоида муаллифнинг шахси асар эълон қилинганидан кейин эллик йил ичида, яъни муҳофазанинг дастлабки белгиланган муддати мобайнида ошкор бўлган ҳоллардагина кўлланилади. Агар муаллифнинг шахси ана шу муддатдан кейин ошкор бўлса, масалан, асар эълон қилинганидан кейин олтмиш йилдан сўнг ошкор бўлса, муқаддам тугаган муҳофаза қайта тикланмайди, бу ўринда муаллифнинг ҳаёт эканлиги маълум бўлиб қолганлиги ёки унинг вафотидан кейин эллик йилдан кам вақт ўтганлиги ахамиятга эга бўлмайди.

Бундан кўринадики, шарҳланаётган модда учинчи қисмининг қоидалари тахаллус остида эълон қилинган асар муаллифининг шахси ва ҳақиқий исми аввалдан маълум бўлган ҳолларда ҳам кўлланилмайди. Масалан, «Тохир Малик» тахаллуси остида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳабилов Тохир Абдумаликович ижод қилиши барчага маълум. Шунинг учун Ҳабилов Тохир Абдумаликовичнинг ҳар бир янги асарига нисбатан муаллифлик ҳукуқини муҳофаза қилишнинг маҳсус муддати эмас, балки умумий муддати тўғрисидаги қоида татбиқ этилиши керак.

«Муаллифлик ҳукуқи ва турдош ҳукуқлар тўғрисида»ги Қонуннинг ўхшаш нормасида (35-модданинг учинчи қисми) шундай дейилган: «тахаллус остида ёки имзосиз қонуний ошкор қилинган асарга бўлган муаллифлик ҳукуқи асар ошкор қилинганидан кейин эллик йил давомида амал

қилади. Агар кўрсатилган муддат ичида тахаллус остидаги ёки имзосиз асар муаллифи ўз шахсини маълум қилса ёки бундан буён унинг шахси шубҳага ўрин қолдирмаса, ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган муддатлар қўлланилади».

7. ФК 1039-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ интеллектуал мулк обьектларига нисбатан шахсий номулкий хукуклар муддатсиз амал қилади. Худди, шунингдек «Муаллифлик хукуқи ва турдош хукуклар тўғрисида»ги Қонун 35-моддасининг бешинчи қисмида муаллифлик хукуқи, муаллифлик исмига бўлган хукуқ ва муаллиф обрўсини химоя қилиш хукуқи муддатсиз муҳофаза этилиши кўрсатилган.

Ушбу масала шарҳлананаётган модданинг бешинчи қисмида батафсил ҳал этилган бўлиб, унда «муаллифлик хукуқи, муаллиф исмига бўлган хукуқ ва муаллиф обрўсини химоя қилиш хукуқи» муддатсиз муҳофаза қилинади. Ҳақиқатан ҳам муаллиф вафотидан кейин муаллифнинг хукуқи, яъни муаллиф деб эътироф этилиш имконияти ва бундай эътирофни талаб қилиш имконияти эмас, балки муаллифлик муҳофаза қилинади, бошқача қилиб айтганда, асарнинг муайян шахсга тегишлилиги, асарга ўзгартишлар киритишга каршилик кўрсатиш имкони сифатида дахлсизликка бўлган хукуқ эмас, балки асарнинг дахлсизлиги, яъни асар муаллиф томонидан қандай яратилган бўлса, худди шу шаклда химоя қилинади. Шахсий номулкий хукуклар эгаси вафот этганидан кейин мазкур хукуклар тугатилади, улар бошқа шахсга тегишли бўлиши мумкин эмас, фақатгина неъмат муҳофаза қилиниши мумкин. Ушбу норманинг амалий аҳамияти шундаки, вақтдан қатъи назар, ҳеч ким бирорнинг асарига бўлган муаллифликни ўзлаштириши ёки уни бузиб кўрсатиши мумкин эмас.

8. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ асарга муҳофаза бериш вақтида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муаллифлик хукуқининг амал қилиш муддати шарҳлананаётган моддага биноан белгиланади. Бирок, ушбу муддат асар келиб чиқкан мамлакатда белгиланган муаллифлик хукуқининг амал қилиш муддатидан кўп бўлиши мумкин эмас.

## **1066-модда. Асарнинг ижтимоий мулкка айланиши**

**Асарларга бўлган муаллифлик хукуқининг амал қилиш муддатини тугаши уларнинг ижтимоий мулкка айланишини билдиради.**

**Ўзбекистон Республикаси худудида ҳеч қачон муҳофаза берилмаган асарлар ижтимоий мулк ҳисобланади.**

**Ижтимоий мулк бўлган асарлардан ҳар қандай шахс ҳақ тўламаган ҳолда эркин фойдаланиши мумкин. Бунда муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқларига риоя этилиши керак.**

1. Шархланаётган модда муаллифлик ҳуқуқи амал қилиш муддатининг тугаши оқибатларини тавсифлайди. Бунда фақатгина мулкий ҳуқуқлар амал қилиши муддатларининг тугаши назарда тутилади. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, субъектив мулкий муаллифлик ҳуқуқлари берилишининг моҳияти ана шу ҳуқуқларнинг эгаларига асардан муайян усулларда фойдаланиш имкониятини беришдан ва айни бир вактда худди шундай харакатлар бошқа шахслар томонидан ҳуқуқ эгасининг розилигисиз содир этилишини тақиқлашдан иборатдир. Бошқа шахслар ҳуқуқ эгасига тегишли ҳақ тўлаганидан кейингина ана шу ҳуқуқдан фойдаланиши мумкин.

Тегишинча, субъектив муаллифлик ҳуқуқининг тугаши эса, бошқа шахслар учун ана шу асардан эркин (бирор-бир шахснинг розилигисиз ва ҳақ тўламаган ҳолда) фойдаланиш имконияти пайдо бўлганлигини англатади.

Асар ҳуқукий режимининг ана шундай тарзда ўзгариши «асарнинг ижтимоий мулкка айланиши» деб аталади. Интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш принциплари тўғрисидаги дастлабки талқинларда юзага келган ҳамда ҳуқукий мазмундан ҳам кўра кўпроқ сиёсий ва адабий-публицистик мазмунга эга бўлган ана шу номдан кейинчалик ҳам халқаро, ҳам давлат ички ҳуқукий ҳужжатларида ҳам фойдаланила бошланди.

2. Муҳофазаси тугаган асарлар мамлакатда ҳеч қачон муҳофаза берилмаган асарлар фойдаланадиганига ўхшашиб ҳуқукий режимда амал қиласди. Аввал муҳофазага эга бўлмаган асарлар муаллифлик ҳуқуқи пайдо бўлмасидан анча аввал яратилган асарлар (масалан, Улугбек ёки Бобур асарлари) ёхуд чет эл фуқаролари томонидан яратилган нисбатан замонавий ва биринчи марта хорижда эълон қилинган, халқаро шартномалар туфайли Ўзбекистон Республикаси муҳофаза қилиши шарт бўлмаган асарлар бўлиши мумкин. Ана шу барча асарларнинг ҳуқукий режимини тенглаштириш мақсадида конунда Ўзбекистон Республикаси худудида ҳеч қачон муҳофаза берилмаган асарлар ҳам ижтимоий мулкка айланиши мустаҳкамлаб қўйилган.

3. Ижтимоий мулкка айланиш фақатгина мулкий хукуқларга нисбатан хукукий режимнинг ўзгариши билан боғлиқдир. Шахсий хукуқлар эса, хусусан, шахсий хукуқлар билан муҳофаза қилинадиган неъматлар муддатсиз муҳофаза қилинади. Шунинг учун асар ижтимоий мулкка айланганида қонунда мустаҳкамлаб кўйилганидек: «Муаллифлик хукуки, муаллиф исмига бўлган хукуқ ва муаллиф обрўсини ҳимоя қилиш хукуки»га риоя қилиниши керак.

Шу нарса равшанки, Алишер Навоий ёки Умар Хайём асарларидан ҳар ким эркин, ҳеч кимга бирор-бир хақ тўламаган ҳолда фойдалана олса-да, бироқ ҳеч ким ана шу асарларга бўлган муаллифликни ўзлаштириб олиши мумкин эмас.

### **1067-модда. Муаллифлик шартномаси**

Ушбу Кодекс 1056-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган мулкий хукуқлар фақат муаллифлик шартномасини тузиш йўли билан хукуқ эгаси томонидан бошқа шахсга ўтказилиши мумкин, ушбу Кодексда ва бошқа қонунларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Муаллифнинг мулкий хукуқларини бошқа шахсга ўтказиш мутлақ хукуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги муаллифлик шартномаси асосида ёки мутлақ бўлмаган хукуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги муаллифлик шартномаси асосида амалга оширилиши мумкин.

Мутлақ хукуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги муаллифлик шартномаси фақат ушбу хукуқлар ўтказилаётган шахс асардан муайян усулда ва шартномада белгиланган доирада фойдаланишига рухсат беради.

Мутлақ бўлмаган хукуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги муаллифлик шартномаси фойдаланувчига асардан шундай хукуқларни бошқа шахсга ўтказган мутлақ хукуқлар эгаси ва (ёки) бу асардан айни шундай усулда фойдаланиш учун рухсат олган бошқа шахслар билан тенг равишда фойдаланишга ижозат беради.

Муаллифлик шартномаси бўйича бошқа шахсга ўтказиладиган хукуқлар, агар шартномада бевосита бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, мутлақ бўлмаган хукуқлар ҳисобланади.

**Асарга бўлган муаллифлик хуқуки асар акс эттирилган моддий обьектга бўлган мулк хуқуки билан боғлиқ эмас.**

**Моддий обьектга бўлган мулк хуқукини ёки моддий обьектга эгалик қилиш хуқукини бошқа шахсга ўтказиш шу обьектда акс эттирилган асарга бўлган бирон-бир муаллифлик хуқукининг ўз-ўзидан бошқа шахсга ўтказилишига сабаб бўлмайди.**

1. Муаллифлик шартномаси дейилганида, бир томондан, фан, адабиёт ва санъат асарининг муаллифи ёки унинг иш берувчиси ёхуд бошқа мулкий муаллифлик хукуқларининг эгаси, бошқа томондан, асардан фойдаланувчи ўртасида тузилган шартнома тушунилади. Ушбу шартномага биноан муаллиф фойдаланувчига ҳақ эвазига, шартлашилган усулда ва белгиланган муддатда асардан фойдаланиш хуқукини беришни, фойдаланувчи эса, асардан ўзига берилган хуқуққа мувофиқ фойдаланиш ва ҳақ тўлаш мажбуриятини зиммага олади.

«Муаллифлик хуқуки ва турдош хукуқлар тўғрисида»ги Қонуннинг

38-моддасига мувофиқ, муаллифлик шартномаси бўйича мутлақ хукуқлардан ўзганинг фойдаласига воз кечилмайди, балки улар бошқа шахсга ўтказилади, яъни фойдаланувчига вақтинча тақдим этилади. Худди мана шу жиҳати билан муаллифлик шартномаси мулкий муаллифлик хукуқларининг ҳадя, мерос, қонун бўйича иш берувчига бериш ёки хўжалик юритувчи жамият ёки ширкатнинг устав капиталига улуш сифатида киритиш каби тарзда бошқа шахсга ўтказиш ёки мустаҳкамлаш усулларидан фарқ қиласи, бинобарин санаб ўтилган ҳолларда мулкий муаллифлик хукуқлари бошқа шахсларга ўтади ёки бошқа шахсларда дастлабки мутлақ хукуқлар сифатида пайдо бўлади.

Мулкий хукуқларни бериш бўйича битимларнинг турлари сифатида муаллифлик шартномаларига нисбатан, агар мутлақ муаллифлик хукуқларининг мазмуни ёки характеристидан бошқа қоида келиб чиқмаса, ФК 29-моддаси 1-параграфидаги олди-сотдига доир умумий қоидалар татбиқ этилади. Умуман олганда, муаллифлик шартномаларига нисбатан, дейлиқ, ФК 393-моддасининг биринчи қисмидаги сотувчи товарни сотиб олувчига учинчи шахсларнинг ҳар қандай хукуқларидан озод ҳолда топшириши шарт эканлиги тўғрисидаги қоидани татбиқ этиш мумкин. Фойдаланувчи ҳам ана шу хукуқлардан бошқа фойдаланувчиларнинг хукуқлари билан оғирлаштирилмаган мулкий хукуқларни қўлга киритиш-

дан манфаатдор. Бироқ, ФКнинг жисмлардаги объектлар олди-сотдиси тўғрисидаги умумий нормаларининг аксариятини муаллифлик мулкий хукуқларини ҳам, бошқа мулкий хукуқларни ҳам бошқа шахсга ўтказишга нисбатан татбиқ қилиб бўлмайди. Бу ҳол товар ассортименти, унинг сифати, яроқлилик муддати, яширин камчиликлари, бутлиги тўғрисидаги, товарнинг идиши ва ўровига доир нормаларга дахлдордир. Шунинг учун мутлақ хукуқлардан фойдаланиш тўғрисидаги барча шартномаларни тартибга солиш каби муаллифлик шартномаларини тартибга солиш ҳам мустакил хукукий регламентацияга муҳтож.

2. «Муаллифлик хукуки ва турдош хукуқлар тўғрисида»ги муаллифлик шартномаларининг учта тури ажратиб қўрсатилган, булар:

- 1) мутлақ хукуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги муаллифлик шартномаси;
- 2) мутлақ бўлмаган хукуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги муаллифлик шартномаси;
- 3) буюртмага доир муаллифлик шартномаси (41-модда).

Маълумки, мулкий муаллифлик хукуклари доимо мутлақ хукуқлар хисобланади. Шундан келиб чиқсан ҳолда юқорида келтирилган муаллифлик хукуқларининг дастлабки икки турини мутлақ хукуқларни мутлақ ва мутлақ бўлмаган шартларда бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги муаллифлик шартномалари деб аташ мантиққа тўғри бўлур эди (ва бу ҳол Қонун 38-моддасининг иккинчи қисмида хукуқларнинг мазкур турлари талқинида ўз тасдигини топади). 38-модда иккинчи қисмининг маъносига кўра мутлақ хукуқларни мутлақ шартларда бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги муаллифлик шартномаси ушбу хукуқлар ўтказилаётган шахс асардан муайян усуlda ва шартномада белгиланган доирада фойдаланишига рухсат беради. Ушбу шартнома бўйича фойдаланувчи бошқа барча шахслар, шу жумладан хукукни ўтказаётган томон асардан юқоридаги каби фойдаланишини тақиқлаб қўйишга ҳақли.

Мутлақ хукуқларни мутлақ шартларда бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги муаллифлик шартномаси бўйича фойдаланувчи амалиётда шартноманинг амал қилиш муддати давомида асардан фойдаланишининг абсолют хукукини, шу жумладан олинган хукуқларни бошқа шахсларга ўтказиш бўйича хукукни кўлга киритиши мумкин. Бироқ, муаллифлик шартномаси бўйича ўтказилган хукуқларнинг

бошқа шахсларга түлиқ ёки қисман ўтказилишига мазкур шартномада бевосита назарда тутилган тақдирдагина йўл қўйилади (Қонуннинг 39-моддаси тўққизинчи қисми).

3. Мутлақ бўлмаган хукуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги муаллифлик шартномаси фойдаланувчига асардан шундай хукуқларни бошқа шахсга ўтказган мутлақ хукуқлар эгаси ва (ёки) бу асардан айни шундай усулда фойдаланиш учун рухсат олган бошқа шахслар билан тенг равишида фойдаланишга ижозат беради (39-модданинг тўртинчи қисми). Бундай шартнома фойдаланувчига муаллифлик хукуқларини мутлақ шартларда бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартномага нисбатан олинган хукуқларни тижорат мақсадида амалга ошириш борасида кучсизроқ позиция яратади. Шунинг учун бундай шартноманинг баҳоси, одатда, пастрок бўлади.

Бошқа шахсга ўтказилаётган муаллифлик хукуқларидан фойдаланишнинг мутлақ бўлмаганлик презумпцияси мавжуд. Муаллифлик шартномаси бўйича бошқа шахсларга ўтказиладиган хукуқлар, агар шартномада бевосита бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, мутлақ бўлмаган хукуқлар хисобланади (38-модданинг бешинчи қисми). Мутлақ хукуқларнинг объектларига қараб, муаллифлик шартномалари: ноширлик бўйича, сценария бўйича, сахна асари бўйича шартномалар ва бошқа шундан иборат тарзда таснифланади.

## **1068-модда. Муаллифлик шартномасининг шартлари**

**Муаллифлик шартномасида қўйидагилар назарда тутилиши керак:  
асардан фойдаланиш усуллари (мазкур шартнома асосида  
ўтказиладиган аниқ хукуқлар);**

**асардан фойдаланишнинг ҳар бир усули учун тўланадиган ҳақ  
миқдори ва (ёки) тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш тартиби,  
уни тўлаш тартиби ҳамда муддатлари.**

**Муаллифлик шартномаси тарафлар зарур деб топган бошқа шартларни ҳам назарда тутиши мумкин.**

**Муаллифлик шартномасида асардан фойдаланиш хукуқи қанча муддатга ўтказилиши тўғрисида шарт бўлмаган тақдирда, шартнома тузилган санадан бошлаб беш йил ўтганидан кейин, агар фойдаланувчи шартнома бекор қилингунига қадар камида олти ой олдин**

**бу ҳақда ёзма равища огоҳлантирилган бўлса, шартнома муаллиф томонидан бекор қилиниши мумкин.**

Муаллифлик шартномасида асардан фойдаланиш ҳуқуқи амал қиласидаган худуд доираси тўғрисида шарт бўлмаган тақдирда, шартномага биноан бошқа шахсга ўтказилаётган ҳуқуқнинг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси ҳудуди билан чекланади.

Бошқа шахсга ўтказилиши муаллифлик шартномасида тўғридан-тўғри назарда тутилмаган асардан фойдаланиш ҳуқуқлари бошқа шахсга ўтказилмаган деб ҳисобланади.

Шартнома тузилган пайтда асардан фойдаланиш ҳақида ҳали маълум бўлмаган ҳуқуқлар муаллифлик шартномаси предмети бўлиши мумкин эмас.

Тўланадиган ҳақ муаллифлик шартномасида асардан фойдаланишининг тегишли усули учун олинадиган даромаддан фоиз тарзида белгиланади ёки агар буни асарнинг хусусияти ёки ундан фойдаланишининг ўзига хос жиҳатлари билан боғлиқ ҳолда амалга ошириш мумкин бўлмаса, шартномада қайд этилган сумма тарзида ёхуд бошқача тарзда белгиланади. Мазкур ҳақнинг энг кам миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан белгиланади.

Агар асарни нашр этиш ёки ундан бошқача тарзда фойдаланиш ҳақидаги муаллифлик шартномасида ҳақ тўлаш қатъий сумма тарзида белгиланса, шартномада асарнинг энг кўп адади белгилаб кўйилиши шарт.

Муаллифлик шартномаси бўйича ўтказилган ҳуқуқлар бундай шартномада тўғридан-тўғри назарда тутилган тақдирдагина бошқа шахсларга тўлиқ ёки қисман ўтказилиши мумкин.

Муаллифлик шартномасининг муаллифни келгусида мазкур мавзуда ёки мазкур соҳада асарлар яратишини чеклайдиган шарти ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.

Муаллифлик шартномасининг ушбу Кодекс ёки бошқа қонунлар талабларига зид бўлган шартлари ҳақиқий эмас.

1. Ҳар қандай фуқаролик-ҳуқукий шартномаси каби муаллифлик шартномаси ҳам ФКда мустаҳкамлаб қўйилган умумий қоидаларга (353–385-моддалар) бўйсунади. Бу ҳол барча қўринишлардаги шарт-

номанинг эркинлигига (354-модда), ҳақ эвазига ва текинга тузиладиган шартномага (355-модда), шартноманинг баҳосига (356-модда), шартнома тузишнинг мазмун ва расмиятчилик жиҳатларига тенг баробарда дахлдордир. Агар тарафлар ўртасида шартноманинг барча муҳим шартлари юзасидан шундай ҳолларда талаб қилинадиган шаклда келишувга эришилган бўлса, шартнома тузилган ҳисобланади (ФК 364-моддасининг биринчи қисми). Шартнома тузишнинг расмий жиҳати шундай иборатки, оферта йўллаган шахс (яъни, фойдаланувчи) унинг акцептини (яъни, хукуқ эгасининг розилигини) олган пайтда шартнома тузилган ҳисобланади (ФК 365-моддасининг биринчи қисми).

Шу билан бир вактда фуқаролик қонун ҳужжатларининг бир қисми сифатида («Муаллифлик ҳукуқи ва турдош ҳукуқлар тўғрисида»ги Қонуннинг 2-моддасига мувофиқ) муаллифликка доир қонун ҳужжатларида муаллифлик шартномасининг муҳим шартлари батафсил аниқлаштирилади. ФК 364-моддасининг иккинчи қисмига биноан шартноманинг нарсаси тўғрисидаги шартлар, қонун ҳужжатларида бундай турдаги шартномалар учун муҳим ёки зарур деб ҳисобланган шартлар, шунингдек тарафлардан бирининг аризасига кўра келишиб олиниши зарур бўлган ҳамма шартлар муҳим шартлар ҳисобланади. «Муаллифлик ҳукуқи ва турдош ҳукуқлар тўғрисида»ги Қонунда муаллифлик шартномасининг зарур шартлари сифатида, жумладан, куйидагилар келтирилган:

- асардан фойдаланиш усуллари (мазкур шартнома асосида ўтказиладиган конкрет ҳукуқлар);
- асардан фойдаланишнинг ҳар бир усули учун тўланадиган ҳақ миқдори ва (ёки) тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш тартиби, уни тўлаш тартиби ҳамда муддатлари (39-модданинг биринчи қисми).

2. Қонун мазмунидан муаллиф асарни муддатидан илгари ҳам топшириши мумкинлиги англашилади, аммо шартномада бу ҳақда бошқача холат назарда тутилмаган бўлса, албатта. Тарафларнинг келишуви билан асар қисмларга бўлиб топширилиши ҳам мумкин.

Асадан фойдаланиш усуллари дейилганида шартнома бўйича бошқа шахсга ўтказиладиган конкрет ҳукуқлар тушунилади, масалан, адабий асарларни ўзбек тилида такрорлаш ва тарқатиш. Бевосита муаллифлик шартномаси бўйича бошқа шахсга ўтказилмаган асадан фойдаланишга

бўлган барча ҳукуқлар, масалан, асарни чет тилларга таржима қилиш ҳукуқи бошқа шахсга ўтказилмаган ҳукуқ ҳисобланади. Ҳақни йиғиш ва тақсимлаш муаллифлик ҳукуқи эгаси ёки муаллифларнинг номулкий ҳукуқларини бошқарувчи ташкилотлар томонидан, агар шартномада бошқа шарт белгиланмаган бўлса, уларга ҳукуқ эгалари берган ваколатлар доирасида жамоавий асосда амалга оширилади.

Муаллифлик шартномаси ҳақ бараварига тузиладиган шартнома бўлганлиги учун фойдаланувчи муаллифга ҳақини беришга мажбур. Муаллифлик ҳақининг хажми, берилиш муддати, тўлаш тартиби янги муаллифлик қонунчилиги бўйича тарафлар ихтиёрида.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, муаллифлик ҳақи қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам ставкалардан паст бўлмаслиги лозим. Умумий қоида муаллифлик ҳақини тарафлар келишуви билан, асардан фойдаланиш натижасида олинадигаи фойдадан фоиз микдорида белгиланишига ҳам рухсат беради.

Умуман олганда, муайян муаллифлик шартномасида қонун тақиқламайдиган ҳар қандай мажбурият фойдаланувчи зиммасига юкламилиши мумкин.

Муаллиф ёхуд унинг меросхўрлари ҳақ олишга бўлган ҳукуқни рад этишга ҳақли эмас.

Шарҳланаётган модданинг 9-қисмида белгиланган қонуннинг мазмуни шундан иборатки, факат муаллифлик шартномасида назарда тутилган ҳоллардагина шартнома бўйича берилган ҳукуқлар бошқа шахсларга ўтказилиши мумкин. Акс ҳолда шартнома шахсан бажарилиши лозим.

## **1069-модда. Муаллифлик шартномасининг шакли**

**Муаллифлик шартномаси ёзма шаклда тузилиши лозим, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.**

Муаллифлик шартномасининг шакли ўзига хос жиҳатлари билан фарқланади: биринчидан, ҳар қандай муаллифлик шартномаси унинг баҳосидан ва асардан фойдаланиш тартибидан қатъи назар, ёзма шаклда тузилиши керак. Битимнинг оддий ёзма шаклига риоя кильмаслик уни ҳақиқий эмас деб топишга олиб келмайди, бироқ низо чиқсан тақдирда, тарафларни битимнинг тузилганлигини, мазмунини ёки бажарилганлигини

гувоҳларнинг кўрсатувлари билан тасдиқлаш хукуқидан маҳрум қиласи. Тарафлар битимнинг тузилганлигини, мазмуни ёки бажарилганлигини ёзма ёхуд бошқа далиллар билан тасдиқлашга ҳақлидирлар (ФК 109-моддасининг 1–2-қисмлари). Бундай далиллар сифатида қуидагилар: хизмат қилиши мумкин шартнома тузиш тўғрисидаги музокараларнинг баённомалари, муаллифлик ҳаки тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ведомости, хукуқ эгаси билан унинг асари нусхасини олиш тўғрисидаги ёзишмалар ва шу кабилар.

Иккинчидан, «Муаллифлик хукуки ва турдош хукуклар тўғрисида»ги Конун 42-моддасининг биринчи қисмида шартномани расмийлаштиришнинг маҳсус тартибига йўл қўйилган. Унга мувофиқ ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базалари нусхаларини сотишда муаллифлик шартномаси, agar унинг шартлари (дастурдан ва маълумотлар базасидан фойдаланиш шартлари) дастур ёки маълумотлар базаси нусхаларида тегишли тарзда баён қилинган бўлса, ёзма шаклда тузиленган деб ҳисобланади. « дастурлар ва маълумотлар базаларининг хукукий ҳимояси тўғрисида»ги Конуннинг<sup>1</sup> 11-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ «ЭҲМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базалари сотилганда ёхуд оммавий фойдаланувчилар учун бериб қўйилганда шартномалар тузишнинг алоҳида тартиби қўлланилиши, хусусан, ЭҲМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базаларининг берилаётган нусхаларида шартноманинг типик талаблари баён этиб қўйилиши мумкин». Уларнинг шартлари дастурий маҳсулот моддий ташувчисининг ўровига ёзib қўйилади. Харидор ўровни очгач, унда баён этилган шартларда хукуқ эгаси билан шартнома муносабатла-рига киришиши тўғрисида огоҳлантирилади. Фойдаланувчининг хукуқ эгасидан розилик олмай туриб, дастурий маҳсулотни такрорламаслик ва тарқатмаслик мажбуриятлари ана шу шартларнинг бири ҳисобланади. Бироқ, фойдаланувчи ушбу мажбуриятларга риоя этиши устидан назорат қилиш жуда мушкул. Бунинг оқибатида ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базаларидан фойдаланишга бўлган муаллифлик хукуклари

---

1 1994 йил 6 майда қабул қилинган «Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг хукукий ҳимояси тўғрисида»ги 1060–12-сонли Конун/ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1994, № 5, 136-модда.

бўйича муносабатларни шартномавий тартибга солиш муаммоси ҳукукий мазмун ўрнига ахлоқий мазмун касб этади.

### **1070-модда. Муаллифлик шартномаси бўйича жавобгарлик**

**Муаллифлик шартномаси бўйича мажбуриятларни умуман ёки тегишли даражада бажармаган тараф бошқа тарафга етказилган заарнинг ўрнини, шу жумладан бой берилган фойдани қоплаши шарт.**

Муаллифлик шартномалари бўйича тарафларнинг жавобгарлиги муҳим хусусиятларга эгадир. Ушбу шартномалар фуқаролик-ҳукукий шартномаларнинг турлари хисобланар экан, уларнинг иштирокчилари, агар ушбу шартномалар предметининг хос хусусиятлари бошқача ёндашувни талаб қиласа, қабул қилинган мажбуриятларни бузганлик учун ФКнинг

324–339-моддаларида баён этилган умумий нормалар, шунингдек ФКнинг

14-моддасидаги заарларни қоплаш тўғрисидаги норма бўйича жавобгар бўладилар. Шунинг учун «Муаллифлик ҳукуқи ва турдош ҳукуқлар тўғрисида»ги Қонун 65-моддасининг биринчи қисмидаги маҳсус нормада назарда тутилганига мувофиқ, муаллиф ҳукуқ эгасининг ҳукуқи бузилмаган тақдирда, у фуқаролик муомаласининг одатдаги шароитларида олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромади миқдоридаги заарларнинг ўрнини қоплашини талаб қилишга ҳақли. Агар ҳукуқбузар муаллифлик ҳукуқи ёки турдош ҳукуқларни бузиш оқибатида даромадлар олган бўлса, ҳукуқ эгалари бошқа заарлар билан бир қаторда бой берилган фойдани бундай даромадлардан кам бўлмаган миқдорда қоплашини талаб қилишга ҳақли.

*1071, 1072-моддалар Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 16 январда қабул қилинган ЎРҚ–79-сонли Қонунига мувофиқ ўз кучини йўқотган.*

### **1073-модда. Муаллифлик муносабатларини ҳукукий жиҳатдан тартибга солиш**

**Муаллифлик муносабатлари ушбу Кодекс ва бошқа қонун хужжатлари билан тартибга солинади.**

1. Шарҳланаётган модда муаллифлик муносабатларини тартибга солувчи қонунларни белгилаб беради. «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун хамда бошқа қонун ҳужжатларидан иборатdir.

2. Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари орасида Фуқаролик кодекси биринчи ўринда туради. Таъкидлаш жоизки, муаллифлик муносабатларини тартибга солишда ФКнинг шарҳланаётган бобларининг нормалари билангина чекланниб қолинмайди. Муаллифлик муносабатларига, биринчи навбатда, интеллектуал мулк ҳуқуқи тўғрисидаги бўлим умумий қоидаларининг нормалари хам татбиқ этилади. Бундан ташқари муаллифлик муносабатларини тартибга солишда ФК Умумий бўлимининг нормалари, мажбурият ҳуқуқининг умумий қисми ҳам кўлланилади. Муаллифлик лицензия шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар, шунингдек муаллифлик ношартномавий мажбуриятлари фуқаролик-ҳуқуқий мажбуриятларнинг барча белгиларига жавоб беради, шунинг учун ФК «Мажбурият ҳуқуқи» бўлимининг тегишли нормалари билан ҳам тартибга солинади.

3. «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Қонун аҳамияти жиҳатидан иккинчи ва асосий «тармоқ» қонун ҳужжати хисобланади. Ушбу Қонун муаллифлик муносабатларини ФКга қарагандা анча тўлиқ тартибга солади, негаки, ФКда муаллифлик ҳуқуқининг фақат асосий нормалари баён этилган. Принцип жиҳатидан ФКнинг (муаллифлик ҳуқуқи обьектлари тўғрисидаги, муаллифнинг шахсий номулкий ва мулкий ҳуқуқлари ҳақидаги, муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиши тўғрисидаги, муаллифлик ҳуқуқининг муддати ҳақидаги, турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги ва бошқа шу кабилар) нормаларини такрорлайдиган нормалар билан бир қаторда Қонунда асарлардан эркин фойдаланиш ҳоллари тўғрисидаги, муаллифлик шартномалари ҳақидаги, мулкий муаллифлик ва турдош ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқариш ҳақидаги ва энг асосийси, муаллифлик ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ҳақидаги жуда мухим нормаларни ўз ичига олган. Қонун муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар соҳасида ҳозирги вақтда мавжуд бўлган барча халқаро шартномаларга мосдир.

4. Муаллифлик хуқуқлари тұғрисидаги нормалар, коида тариқасида, ижодий тусга эга бўлган фаолият турларини тартибга солувчи қатор қонун хужжатларида ҳам мавжуд.

5. Муаллифлик муносабатлари қонуности хужжатлари, масалан, Ҳукуматнинг асардан фойдаланганлик учун муаллиф ҳақининг энг кам ставкалари тұғрисидаги қарори, шунингдек муаллифлик хуқуқи ва турдош хуқуқлар соҳасидаги ваколатли давлат органи — Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигининг идоравий хужжатлари билан ҳам тартибга солиниши мумкин.

## **61-БОБ. ТУРДОШ ҲУҚУҚЛАР**

### **1074-модда. Турдош ҳуқуқлар объектлари**

**Турдош ҳуқуқлар объектлари жумласига ижролар, фонограммалар, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг кўрсатувлари ёки эшиттиришлари киради.**

1. Турдош ҳуқуқлар тушунчаси «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Қонуннинг 43-моддасида мустаҳкамланган. Унга мувофиқ, турдош ҳуқуқлар дейилганида: хусусан, биринчидан — агар ижро фонограммага ёзилган бўлса, куйидаги шартлардан бирига риоя этилган тақдирда: фонограмма тайёрловчи Ўзбекистон Республикаси фуқароси ёки Ўзбекистон Республикаси худудида манзилга эга юридик шахс бўлса; тайёрловчнинг фуқаролиги ёки манзилидан катъи назар, фонограмма биринчи марта Ўзбекистон Республикаси худудида эълон қилинган бўлса. Иккинчидан — фонограммага ёзилмаган ижро эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг кўрсатуви ёки эшиттиришига киритилган бўлса, агар ташкилот Ўзбекистон Республикаси худудида манзилга эга бўлиб, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттиришни Ўзбекистон Республикаси худудида жойлашган узатувчи аппаратлар ёрдамида амалга ошираётган бўлса, ижрочининг, дастурлар тайёрловчининг эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг мулкий ҳуқуқлари ва ижрочининг шахсий номулкий ҳуқуқлари тушунилади.

Турдош ҳуқуқлар объектлари — ижролар, фонограммалар, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотларнинг кўрсатувлари ёки эшиттиришлари интеллектуал ижодий фаолият натижалари жумласига киради (ФК 1031-моддаси биринчи бандининг учинчи хатбошиси).

Шарҳланаётган моддада турдош ҳуқуқлар объектларининг куйидаги турлари санаб ўтилган:

ижролар;

фонограммалар;

эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотларнинг кўрсатувлари ёки эшиттиришлари.

2. Мазкур объектларнинг легал таърифлари «Муаллифлик хукуки ва турдош хукуклар тўғрисида»ги Қонунда берилган.

Ижро — асарни (шу жумладан халқ ижодиёти асарини), фонограммани, ижрони, саҳна асарини ўйин, ифодали ўқиши, куйлаш, рақсга тушиш орқали жонли ижро ёки техника воситалари ёрдамида тақдим этиш («Муаллифлик хукуки ва турдош хукуклар тўғрисида»ги Қонун З-моддасининг ўнинчи хатбохиси). Аудиовизуал асарни бир-бири билан боғланган ҳолда овоз жўрлигига ёки овоз жўрлигисиз намойиш этиш (Қонун З-моддасининг бешинчи хатбохиси).

Фонограмма — бирон-бир ижронинг, бошқа овозларнинг ҳар қандай мутлако овозли ёзуви, аудиовизуал асарга киритилган овозли ёзув бундан мустасно (Қонун З-моддасининг йигирма биринчи хатбохиси).

Эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг кўрсатуви ёки эшиттириши — эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг ўзи томонидан, шунингдек унинг буюртмаси бўйича ва унинг маблағлари ҳисобига бошқа ташкилот томонидан яратилган кўрсатув ёки эшиттириш (Қонун З-моддасининг йигирма саккизинчи хатбохиси).

## 1075-модда. Турдош хукуклар субъектлари

**Ижрочилар, фонограммаларни тайёрловчилар, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотлар турдош хукуклар субъектлариридир.**

Турдош хукукларнинг юзага келиши ва амалга оширилиши учун турдош хукуклар обьектини рўйхатдан ўтказиш ёки бирон-бир бошқа расмиятчиликка риоя этиш талаб қилинмайди.

Юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан кўрсатув ёки эшиттириши эфирга узатиш ва кабель орқали юборишни (ретрансляция ҳам шунга киради) амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар, ушбу Кодексда ва бошқа қонунларда назарда тутилган ҳоллардан ташқари, асадан, ижродан, фонограммадан ёхуд эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг кўрсатув ёки эшиттиришидан факат хукуқ эгаси ёки бошқа ваколатли шахс билан тузилган шартномага биноан фойдаланишлари мумкин. Ретрансля-

**ция муаллифлар, ижрочилар, фонограммаларни тайёрловчилар ва бошқа ҳуқуқ әгаларининг эфирга узатиш, кабель орқали юбориш, барчанинг эътиборига етказишга бўлган ҳуқуқларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилиши керак.**

1. Шарҳланаётган моддада турдош ҳуқуқлар субъектлари санаб ўтилган, шунингдек турдош ҳуқуқларни амалга ошириш чегаралари белгиланган.

«Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Қонунда турдош ҳуқуқлар субъектларига таъриф берилмаган. Бунда ижрочи дейилганида актёр, хонанда, созанда, раққос ёки роль ўйнайдиган, куйлайдиган, ўқийдиган, ифодали ўқийдиган, раксга тушадиган, талқин этадиган, мусиқа асбобини чаладиган ёхуд адабиёт ёки санъат асарини (шу жумладан эстрада, цирк ёки қўғирчоқлар билан амалга ошириладиган чиқишлиарни) ёхуд ҳалқ ижодиёти асарини ўзгача тарзда ижро этадиган бошқа жисмоний шахс, шунингдек режиссёр тушунилади. Турдош ҳуқуқларнинг бошқа субъекти фонограммани тайёрловчи — ижронинг ёки бошқа овозларнинг биринчи овозли ёзуви учун ташаббус ва масъулитни ўз зиммасига олган юридик ёки жисмоний шахсадир. Фонограммани тайёрловчи бўлмаганида фонограммада ва (ёки) фонограмманинг филофида номи кўрсатилган шахс фонограммани тайёрловчи деб эътироф этилади. Ушбу таърифлар Артист-ижрочиларнинг, фонограммаларни тайёрловчилар ва кўрсатувлар ҳамда эшиттиришлар тайёрловчи ташкилотларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги Рим Конвенциясида<sup>2</sup> кўрсатилган ўхшаш таърифларга асосланган. Хусусан, «артист-ижрочилар» дейилганида актёрлар, хонандалар, созандалар, раққослар ва роль ўйнайдиган, куйлайдиган, ўқийдиган, ифодали ўқийдиган, адабий ёки бадиий асарларни ижро этадиган ёки ана шу асарларнинг ижросида бошқа бир тарзда иштирок этадиган шахслар тушунилади (Рим Конвенцияси, З(а)-модда). «Фонограмма тайёрловчи» дейилганида ижронинг ёки бошқа овозларнинг биринчи овозли ёзувини амалга оширувчи юридик ёки жисмоний шахс тушунилади (Рим Конвенцияси, З (с)-модда).

---

2 Артист-ижрочилар, фонограммалар тайёрловчилар ва кўрсатув ҳамда эшиттириш тайёрловчи ташкилотларнинг манфаатларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги ҳалқаро конвенция. Рим, 1961 йил 26 октябрь. 1964 йил 18 майдан кучга кирган.

2. Турдош хуқуқларнинг ҳосилалиги ва муаллифлик хуқуқларига тобелиги уларнинг ўзига хос хусусиятлариdir. Турдош хуқуқлар муаллифлик хуқуқларига туташ, яқин ва боғлиқdir. Турдош хуқуқлар иш қонун билан муҳофаза қилинмайдиган асарларга ёки ижодий фаолият натижаси бўлмаган обьектга бориб тақалган тақдирдагина, мустакил тусга эга бўлади. Шунинг учун ФК 1078-моддасининг олтинчи қисми ва 1079-моддасининг бешинчи қисмига мувофиқ фонограммани тайёрловчи, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшилтириш берувчи ташкилот ўз хуқуқларини фойдаланаётган асарлар ва ижроларнинг муаллифлари ҳамда ижрочиларининг хуқуқларига риоя этган ҳолда амалга оширади. Бундан ташқари эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшилтириш берувчи ташкилот, масалан, спектаклни эфирда кўрсатиш учун нафақат саҳналаштирувчи режиссёрдан, балки ижрочилардан, шунингдек ижро этилаётган асар муаллифидан ҳам рухсат олиши керак. Турдош хуқуқлар юзага келиши ва амалга оширилиши учун ФК қандайдир расмиятчиликларга риоя этилишини талаб килмайди. Фонограммани тайёрловчи ва ижрочининг хуқуки тегишли овозли ёзув яратилганлиги фактининг ўзидан келиб чиқади.

### **1076-модда. Турдош хуқуқларнинг муҳофаза белгилари**

**Фонограммага ва (ёки) бундай фонограммага ёзилган ижрога бўлган мутлақ хуқуқлар эгалари ўз хуқуқларидан хабардор қилиш учун турдош хуқуқларнинг муҳофаза белгисидан фойдаланишлари мумкин бўлиб, бу белги фонограмманинг ҳар бир нусхасида ва (ёки) у сақланадиган ҳар бир гилофда акс эттирилади ҳамда қуйидаги учунсурдан иборат бўлади:**

**айланча ичидали «Р» ҳарфи;**

**мутлақ турдош хуқуқлар эгасининг исми (номи);**

**фонограмма биринчи марта чоп этилган йил.**

**Номи ёки исми ушбу фонограммада ва (ёки) у сақланадиган гилофда одатий тарзда кўрсатилган юридик ёки жисмоний шахс, агар бошқача ҳол исботланмаган бўлса, фонограммани тайёрловчи деб эътироф этилади.**

Фонограммага ва (ёки) бундай фонограммага ёзилган ижрога бўлган мутлақ хуқуқ эгалари ўз хуқуқларидан хабардор қилиш учун турдош

хукукларнинг муҳофаза белгисидан фойдаланишлари мумкин. Бундай белги фонограмманинг ҳар бир нусхасида ва (ёки) у сақланадиган ҳар бир гилофда акс эттирилади. Мазкур белги Рим Конвенциясининг 11-моддасида қўйидаги таъриф билан белгиланган: «Аҳдлашувчи Давлат ўзининг ички қонун хужжатларидан келиб чиқсан ҳолда фонограмма тайёрловчиларнинг ёки ижрочи-артистларнинг ёхуд улар ҳар иккенинг хукукларига муҳофаза бериш шарти сифатида расмиятчиликларга риоя этишини талаб қилган ҳолларда эълон қилинган фонограммаларнинг сотувда мавжуд бўлган барча нусхаларида ёки уларнинг ўровида у дастлаб эълон қилинган йилни, фонограмма муҳофаза қилинаётганлигини аниқ-равшан кўрсатадиган тарзда жойлаштирилган «Р» белгисидан иборат ёзувга эга бўлса, расмиятчиликларга риоя қилинган хисобланади; агар фонограммаларнинг нусхаларида ёки ўровларида фонограммани тайёрловчи ёки бундай фаолият учун ишлаб чиқарувчи томонидан (ўз фамилияси, савдо маркаси ёки бошқа тегишли белгисини кўрсатиш орқали) берилган лицензия эгаси кўрсатилмаган бўлса, ёзув фонограммани тайёрловчи хукуклари эгасининг фамилиясини ҳам ўз ичига олиши керак; боз устига, агар фонограммаларнинг нусхаларида ёки ўровларида асосий артист-ижрочилар кўрсатилмаса, ёзув амалга оширилган мамлакатда бундай артист-ижрочиларнинг хукукларига эга шахснинг фамилияси ҳам кўрсатилиши керак».

### **1077-модда. Ижчининг хукуклари**

**Ижрочига қўйидаги хукуклар тегишлидир:**

**исмига бўлган хукуқ;**

**ижрони ижчининг шаъни ва қадр-қимматига зарар етказиши мумкин бўлган ҳар қандай тарзда бузиб кўрсатилишидан ёки ҳар қандай бошқача тарзда тажовуз этилишидан ҳимоя қилиш хукуки;**

**ижродан ҳар қандай шаклда фойдаланишга бўлган мутлақ хукуклар, шу жумладан ижчининг ижросидан фойдаланишининг ҳар бир тури учун ҳақ олишга бўлган хукуқ.**

**Ижчининг ижродан фойдаланишга бўлган мутлақ хукуклари қўйидаги ҳаракатларни амалга ошириш ёки бундай ҳаракатларга рухсат бериш хукуқини англатади:**

ижро ёзувини такрорлаш (такрорлаш хуқуқи);  
ижро ёзувининг асл нусхаси ёки нусхаларини сотиш ёки мулк хуқуқини ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш йўли билан тарқатиш (тарқатиш хуқуқи);  
ижро ёзувини барчанинг эътиборига етказиш (барчанинг эътиборига етказиш хуқуқи);  
ижро ёзувининг асл нусхаси ёки нусхаларини, ҳатто улар ижро чининг розилиги билан тарқатилганидан кейин ҳамда асл нусхага ва нусхаларга бўлган мулк хуқуқидан қатъи назар, прокатга бериш (прокатга бериш хуқуқи);  
илгари ёзилмаган ижроларни ёзиб олиш (ёзиб олиш хуқуқи);  
ижрони эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш, агар бундай эшииттириш ёки кўрсатув учун фойдаланиладиган ижро илгари эфирга узатилмаган бўлса ёки ёзувдан фойдаланилган ҳолда амалга оширилмаса (ёзиб олинмаган ижрони эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш хуқуқи);  
ижро ёзувини эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш, агар дастлаб бу ёзув нотижорат мақсадлар учун тайёрланган бўлса (ижро ёзувини эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш хуқуқи).

Агар ижро ёзувининг нусхалари уларни сотиш ёки мулк хуқуқини ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш воситасида фуқаролик муо-маласига қонуний киритилган бўлса, уларнинг бундан бўёнги тарқатилишига ижрочининг розилигисиз ва унга ҳақ тўланмаган ҳолда йўл қўйилади.

Хизмат вазифаларини ёки иш берувчининг хизмат топшириғини бажариш тартибида амалга оширилган ижроларга нисбатан тегишинча ушбу Кодекснинг 1062-моддаси қоидалари қўлланилади.

Ижрочилар ўз хуқуқларини ижро этиладиган асарлар муаллифларининг хуқуқларига риоя этган ҳолда амалга оширишлари керак.

Ижро ёзувидан даромад олиш мақсадида фойдаланилганлиги ёки ундан фойдаланиш бундай мақсадга қаратилмаганлигидан қатъи назар, ижро ёзувидан фойдаланилган деб ҳисобланади.

1. Ушбу моддада турдош хуқуқлар субъектларидан бири бўлган ижрочилар — актёр, кўшикчи, мусиқачи, раққос(а) ёки роль ўйнайдиган, ўқийдиган, ифодали ўқийдиган, мусика асбобини чаладиган ёхуд адабий

биёт ва санъат асарини (шу жумладан эстрада, цирк ёки қўғирчоқли номерни) бошқа бир тарзда ижро этадиган шахс, шунингдек, спектаклни саҳналаштирувчи режиссёр ва дирижёр кабиларга тегишли хукуклар санаб ўтилган.

Ижрочилар ўз хукукларини ижро этилаётган асар муаллифларининг муаллифлик, муаллифлик номига, асар дахлизилигига бўлган хукукларига ва бошқа мулкий хукукларига дахл қилмасдан рўёбга чиқаришлари лозим.

Ижрочининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида биринчи марта амалга оширган ижрога бўлган хукуки Ўзбекистон ҳудудида амал қиласди. Бундай ҳолларда фуқаролигидан қатъи назар, хукуқ ижрога, унинг меросхўрларига, шунингдек ижрочининг бошқа хукуқий ворисларига тегишли деб эътироф этилади. Ижрочининг хукуки ижро биринчи марта чет давлат ҳудудида амалга оширилган ҳолларда ҳам унга, шунингдек унинг хукуқий ворисларига тегишли деб эътироф этилади.

2. Ижрочининг хукуклари биринчи ёзув ёки ижро (саҳналаштириш) пайтидан эътиборан 50 йил давомида амал қиласди. Ижродан бошқа шахсларнинг фойдаланишига факат ижрочининг рухсати билан ёки бошқа хукуқ эгаси билан тузилган шартнома асосида унинг рухсати билан йўл қўйилади.

3. Фойдаланишга бўлган мутлақ хукуклар эгаси ҳисобланган ижро қўйида келтириладиган харакатларни амалга оширишга ёки амалга ошириш учун рухсат беришга ҳақли: ижро ёзувини такрорлаш (такрорлаш хукуки); ижро ёзувининг асл нусхаси ёки нусхаларни сотиш ёки мулк хукукини ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш йўли билан тарқатиш (тарқатиш хукуки); ижро ёзувини барчанинг эътиборига етказиш (барчанинг эътиборига етказиш хукуки); ижро ёзувининг асл нусхаси ёки нусхаларини, ҳатто улар ижрочининг розилиги билан тарқатилганидан кейин ҳамда асл нусхага ва нусхаларга бўлган мулк хукуқидан қатъи назар, прокатга бериш (прокатга бериш хукуки); илгари ёзилмаган ижроларни ёзиб олиш (ёзиб олиш хукуки); ижрони эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш, агар бундай эшиттириш ёки кўрсатув учун фойдаланиладиган ижро илгари эфирга узатилмаган бўлса ёки ёзувдан фойдаланилган холда амалга оширилмаса (ёзиб олинмаган ижрони эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш хукуки); ижро ёзувини эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш, агар дастлаб бу ёзув нотижорат мақсадлар

учун тайёрланган бўлса (ижро ёзувини эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш хукуки).

Агар ижро ёзувининг нусхалари уларни сотиш ёки мулк хукукини ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш орқали фуқаролик муомаласига конуний киритилган бўлса, уларнинг бундан бўёнги тарқатилишига ижрочининг розилигини олмаган ҳолда йўл қўйилади.

Ижрочилар ўз хукуқларини ижро этиладиган асарлар муаллифларининг хукуқларига риоя этган ҳолда амалга оширишлари керак (қаралсин: ФК 1051, 1056-моддалари).

## **1078-модда. Фонограммани тайёрловчининг хукуқлари**

**Фонограммани тайёрловчига ушбу Кодексга ва бошқа қонунларга мувофиқ мазкур фонограммадан фойдаланишда мутлақ хукуқлар тегишлидир.**

**Фонограммани тайёрловчининг фонограммадан фойдаланишга бўлган мутлақ хукуқлари қўйидаги ҳаракатларни амалга ошириш ёки бундай ҳаракатларга рухсат бериш хукукини англатади:**

**фонограммани такрорлаш (такрорлаш хукуки);**

**фонограмманинг асл нусхаси ёки нусхаларини сотиш ёки мулк хукукини ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш йўли билан тарқатиш (тарқатиш хукуки);**

**фонограммани барчанинг эътиборига етказиш (барчанинг эътиборига етказиш хукуки);**

**фонограмманинг асл нусхаси ёки нусхаларини, ҳатто улар фонограммани тайёрловчи томонидан ёки унинг розилиги билан тарқатилганидан кейин ҳамда унинг асл нусхаси ёки нусхаларига бўлган мулк хукуқидан қатъи назар, прокатга бериш (прокатга бериш хукуки);**

**фонограмманинг асл нусхаси ёки нусхаларини, шу жумладан фонограммага бўлган мутлақ хукуқлар эгасининг розилиги билан тайёрланган нусхаларини тарқатиш мақсадида импорт қилиш (импорт қилиш хукуки);**

**фонограммани эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш (эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш хукуки);**

**фонограммага тузатишлар киритиш ёки уни бошқача усулда қайта ишлаш (қайта ишлаш ҳуқуқи).**

**Фонограммани тайёрловчи ўз фонограммасидан фойдаланишнинг ҳар бир тури учун ҳақ олиш ҳуқуқига эга.**

Агар чоп этилган фонограмма нусхалари уларни сотиш ёки мулк ҳуқуқини ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш воситасида фуқаролик муюмаласига қонуний киритилган бўлса, уларнинг бундан бўёнги тарқатилишига фонограммани тайёрловчининг розилигисиз ва унга ҳақ тўланмаган ҳолда йўл қўйилади.

**Фонограммани тайёрловчининг ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган мутлақ ҳуқуқлари шартнома бўйича бошқа шахсларга ўтказилиши мумкин. Бундай шартномага нисбатан тегишинча ушбу Кодекснинг 1067, 1068 ва 1069-моддалари қоидалари қўлланилади.**

**Фонограммаларни тайёрловчилар ўз ҳуқуқларини фойдаланилаётган асарлар ва ижролар муаллифлари ҳамда ижрочилигининг ҳуқуқларига риоя этган ҳолда амалга оширишлари керак.**

**Фонограммадан даромад олиш мақсадида фойдаланилганлиги ёки ундан фойдаланиш бундай мақсадга қаратилмаганлигидан қатъи назар, фонограммадан фойдаланилган деб хисобланади.**

1. Ижрочилик ҳуқуқларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартномаларда бўлгани каби ушбу шартномаларда ҳам фонограммани тайёрловчига қуидагиларга рухсат бериш шартнома предмети хисобланади: фонограммани такрорлаш (такрорлаш ҳуқуқи); фонограмманинг асл нусхаси ёки нусхаларини сотиш ёки мулк ҳуқуқини ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш йўли билан тарқатиш (тарқатиш ҳуқуқи); фонограммани барчанинг эътиборига етказиш (барчанинг эътиборига етказиш ҳуқуқи); фонограмманинг асл нусхаси ёки нусхаларини, ҳатто улар фонограммани тайёрловчи томонидан ёки унинг розилиги билан тарқатилганидан кейин ҳамда унинг асл нусхаси ёки нусхаларига бўлган мулк ҳуқуқидан қатъи назар, прокатга бериш (прокатга бериш ҳуқуқи); фонограмманинг асл нусхаси ёки нусхаларини, шу жумладан фонограммага бўлган мутлақ ҳуқуқлар эгасининг розилиги билан тайёрланган нусхаларини тарқатиш мақсадида импорт қилиш (импорт қилиш ҳуқуқи); фонограммани эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш (эфирга узатиш ёки кабель орқали

юбориш хукуки); фонограммага тузатишлар киритиш ёки уни бошқача усулда қайта ишлаш (қайта ишлаш хукуки). Фонограмма нусхаларини прокатга бериш орқали уларни тарқатиш хуқуқини фойдаланувчига ўтказиш фақатгина унинг фонограммани тайёрловчи билан тузган шартномасига биноан мумкин бўлади, бу ўринда ана шу нусхаларга эгалик хукуки кимга тегишли эканлиги аҳамиятсизdir («Муаллифлик хукуки ва турдош хукуқлар тўғрисида»ги Қонун 48-моддасининг биринчи қисми).

Тижорат мақсадида эълон қилинган фонограммани тайёрловчининг ва ижроси шундай фонограммага ёзилган ижрочининг розилигисиз, лекин уларга ҳақ тўлаган ҳолда: фонограммани омма олдида ижро этишга; фонограммани эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш, шу жумладан уни ретрансляция қилиш йўли билан эфирга узатиш ёки кабель орқали юборишга йўл қўйилади (Қонуннинг 51-моддаси биринчи қисми).

2. Бироқ, ҳақнинг миқдорини белгилаш ва уни тўлаш тартиби бирбиридан фарқ қиласди. Одатда ҳақ (зарурат тақозо этса) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 19 январда қабул қиласган «Адабиёт ва санъат асарларидан фойдаланганликнинг айrim турлари учун муаллифлик ҳақининг энг кам ставкалари тўғрисида»ги 10-сонли қарорида<sup>3</sup> кўрсатилган тавсия нормаларида белгиланган минимал миқдорлар хисобга олинган ҳолда тарафларнинг битими билан белгиланади. Ҳақни йиғиши, тақсимлаш ва тўлаш ижроиларнинг мулкий хукуқларини жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот ёки фонограммаларни тайёрловчиларнинг мулкий хукуқларини жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот томонидан шундай ташкилотлар ўртасидаги келишувга биноан амалга оширилади («Муаллифлик хукуки ва турдош хукуқлар тўғрисида»ги Қонун 51-моддасининг иккинчи қисми).

51-моддасининг иккинчи қисми). Бошқа келишув мавжуд бўлмаса, юқорида тилга олинган ҳақ фонограммани тайёрловчилар ва ижроичилар ўртасида тенг тақсимланади.

Фонограммани омма олдида ижро этиш ва (ёки) эфирга узатиш ёки хабар қилиш учун ҳақнинг миқдори ва уни тўлаш тартиби ҳақни йиғувчи ташкилот билан фонограммадан фойдаланувчи шахслар ўртасидаги келишувда белгиланади («Муаллифлик хукуки ва турдош хукуқлар тўғрисида»ги Қонун 51-моддасининг учинчи қисми).

3 Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2008, № 3–4, 12-бет.

## **1079-модда. Эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг хуқуқлари**

Эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотга ўз кўрсатуви ёки эшиттиришидан фойдаланишда ушбу Кодексга ва бошқа қонунларга мувофиқ мутлақ хуқуқлар тегишидир.

Эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг ўз кўрсатуви ёки эшиттиришидан фойдаланишга бўлган мутлақ хуқуқлари қўйидаги ҳаракатларни амалга ошириш ёки бундай ҳаракатларга рухсат бериш хуқуқини англатади:

кўрсатув ёки эшиттириш ёзувини такрорлаш (такрорлаш хуқуқи);

кўрсатув ёки эшиттириш ёзувининг асл нусхаси ёхуд нусхаларини сотиш ёки мулк хуқуқини ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш йўли билан тарқатиш (тарқатиш хуқуқи);

кўрсатув ёки эшиттириш ёзувини барчанинг эътиборига етказиш (барчанинг эътиборига етказиш хуқуқи);

кўрсатув ёки эшиттиришни ёзиб олиш (ёзиб олиш хуқуқи);

кириш пулли жойларда кўрсатув ёки эшиттиришни барчанинг эътибори учун юбориш (кириш пулли жойларда барчанинг эътибори учун юбориш хуқуқи);

кўрсатув ёки эшиттиришни ретрансляция қилиш (ретрансляция хуқуқи);

кўрсатув ёки эшиттиришни кабель орқали барчанинг эътибори учун юбориш ёхуд кўрсатув ёки эшиттиришни эфирга узатиш (кўрсатув ёки эшиттиришни кабель орқали юбориш ёки эфирга узатиш хуқуқи).

Эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилот ўз кўрсатуви ёки эшиттиришидан фойдаланишнинг ҳар бир тури учун хақ олиш хуқуқига эга.

Эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган мутлақ хуқуқлари шартнома бўйича бошқа шахсларга ўтказилиши мумкин. Бундай шартномага нисбатан тегишинча ушбу Кодекснинг 1067, 1068 ва 1069-моддалари қоидалари қўлланилади.

**Эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкilotлар ўз хукуқларини фойдаланиладиган асарларнинг муаллифлари ҳамда ижроларнинг ижрочилари хукуқларига, тегишли ҳолларда эса фонограммаларни тайёрловчилар ҳамда эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкilotлар хукуқларига риоя этган ҳолда амалга оширишлари керак.**

**Эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкilotнинг кўрсатуви ёки эшиттиришидан даромад олиш мақсадида фойдаланилганидигидан ёки ундан фойдаланиш бундай мақсадга қаратилмаганлигидан қатъи назар, кўрсатув ёки эшиттиришдан фойдаланилган деб хисобланади.**

1. Мутлақ хукукларга эга бўлган эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкilot куйидаги хукукларга эга: кўрсатув ёки эшиттириш ёзувини такрорлаш (такрорлаш хукуки); кўрсатув ёки эшиттириш ёзувининг асл нусхаси ёхуд нусхаларини сотиш ёки мулк хукукини ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш йўли билан тарқатиш (тарқатиш хукуки); кўрсатув ёки эшиттириш ёзувини барчанинг эътиборига етказиш (барчанинг эътиборига етказиш хукуки); кўрсатув ёки эшиттиришни ёзиб олиш (ёзиб олиш хукуки); кириш пулли жойларда кўрсатув ёки эшиттиришни барчанинг эътибори учун юбориш (кириш пулли жойларда барчанинг эътибори учун юбориш хукуки); кўрсатув ёки эшиттиришни ретрансляция қилиш (ретрансляция хукуки); кўрсатув ёки эшиттиришни кабель орқали барчанинг эътибори учун юбориш ёхуд кўрсатув ёки эшиттиришни эфирга узатиш (кўрсатув ёки эшиттиришни кабель орқали юбориш ёки эфирга узатиш хукуки).

Кўрсатув ёки эшиттириш берувчи бошқа ташкilotнинг параллел трансляцияси ёки унинг эшиттиришининг ҳамма эътиборига етказиш учун кабель орқали берган ўхшаш хабари, одатда, бундай шартномаларнинг предмети сифатида хизмат қиласи. Эфир ёки кабель орқали ретрансляциядан ташқари кўрсатув ёки эшиттиришни ёзиш ёхуд уларни такрорлаш ҳам шартномаларнинг предмети бўлиши мумкин. Кўрсатув ёки эшиттиришларни ҳақни тўлаган ҳолда оммавий тарзда эшитиш ёки кўриш — шартноманинг мустақил предметидир.

Бунда «Муаллифлик хукуки ва турдош хукуклар тўғрисида»ги Қонунда куйидаги ҳолларда: кундалик воқеалар шарҳига ижродан, фонограммадан,

эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг кўрсатуви ёки эшиттиришидан унчалик катта бўлмаган парчалар киритиш йўли билан; факат ўқув ёки илмий-тадқиқот мақсадларида; илмий, тадқиқий, мунозаравий, танқидий ёхуд ахборот мақсадларида иқтибос олиниши шарти билан ижродан, фонограммадан, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг кўрсатуви ёки эшиттиришидан унча катта бўлмаган парчаларни иқтибос шаклида келтиришга ижрочининг, фонограммани тайёрловчининг, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг ёки бошқа хукуқ эгасининг розилигисиз ва ҳақ тўламаган ҳолда ижродан, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг кўрсатуви ёки эшиттиришидан хамда уларнинг ёзувларидан фойдаланишга, шунингдек фонограммани такрорлашга йўл қўйилади. Бунда тижорат мақсадида эълон қилинган фонограммани эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш ёки барчанинг эътиборига етказиш учун ҳар қандай такрорлаш ушбу Конуннинг 51-моддаси қоидаларига; бошқа ҳолларда эса, ушбу Конунда фан, адабиёт ва санъат асарлари муаллифларининг мулкий хукукларини чеклашга нисбатан назарда тутилган қоидаларга (53-модда биринчى қисм) риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

2. Жамоавий асосда бошқарувга бўлган зарурат кўшиқ, эстрада, цирк чиқишлиари ва шунга ўхшаш чиқишлиар хамда фонограммалар каби асар турларига нисбатан айниқса каттадир. Чунки бундай асарлар ижроси устидан бутун Ўзбекистон худуди миқёсида кузатув олиб бориши алоҳида хукуқ эгалари учун жуда мушқул. Бу ҳол асарлардан фойдаланишнинг ҳар қандай шаклига — омма олдида ижро этишга ҳам, ёзиш, намойиш килиш ва репродукция килишга ҳам, шу жумладан ксеронусха қўчиришга ҳам тааллуклидир. Баъзи ҳолларда муаллифлик ва турдош хукукларнинг айримларини амалга оширишга фақатгина жамоавий асосда бошқариш доирасидагина йўл қўйилади. Масалан, муаллифлик асарини шахсий мақсадларда такрорлашга бўлган (25-модда) ва тижорат фонограммасидан фойдаланишга бўлган (51-модда) мутлақ хукуклардан маҳрум бўлган мутлақ муаллифлик ва турдош хукукларнинг эгалари бундай тарзда фойдаланганлик учун ҳақ олиш хукукига эга. Бундай ҳақни улар фақатгина мулкий хукукларни жамоавий асосда бошқариш тизими орқалигина олишлари мумкин.

Бошқарувчи ташкилотларнинг тузувчилари — ҳам дастлабки асарларнинг (муаллифлари, уларнинг иш берувчилари, ижрочилари ва бошқалар), ҳам ҳосила асарларнинг (муаллифларнинг меросхўрлари ва қонун ёки шартнома бўйича дастлабки ҳуқуқлар эгаларининг бошқа ҳуқуқий ворислари) муаллифлик ҳуқуқлари ва турдош ҳуқуқлар субъектлари бўлиши мумкин. Турли ҳуқуқлар ва ҳуқуқ эгаларининг турли тоифалари бўйича алоҳида ташкилотлар ёки турли тоифадаги ҳуқуқ эгаларининг манфаатларини кўзлаб, турли ҳуқуқларни бошқарувчи ташкилотлар ёинки муаллифлик ва турдош ҳуқуқларни бир вақтнинг ўзида бошқарувчи битта ташкилот тузишга йўл қўйилади.

*1080, 1081-моддалар Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 16 январда қабул қилинган ЎРҚ-79-сонли Конунига мувофиқ ўз кучини йўқотган.*

## **62-БОБ. САНОАТ МУЛКИГА БҮЛГАН ҲУҚУҚ (ИХТИРО, ФОЙДАЛИ МОДЕЛЬ, САНОАТ НАМУНАСИГА БҮЛГАН ҲУҚУҚ)**

**1082-модда. Ихтиро, фойдали модель, саноат намунасини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш**

**Ихтиро, фойдали модель ва саноат намунасига бўлган ҳуқуқ патент берилган тақдирдагина муҳофаза қилинади.**

**Ихтиро, фойдали модель, саноат намунасига нисбатан қўйиладиган, патент олиш ҳуқуқини вужудга келтирадиган талаблар ҳамда Интеллектуал мулк агентлигининг бундай хужжат бериш тартиби қонун билан белгилаб қўйилади.**

1. Интеллектуал мулк обьектлари орасида ихтиrolар, фойдали моделлар ва саноат намуналари каби интеллектуал ижодий фаолият натижалари муҳим ўринни эгаллайди. Ҳозирги вактда бутун дунёда саноат мулкининг ана шу обьектларини муҳофаза қилишнинг патент тизими эътироф этилган ва амал қилиб турибди.

Муҳофаза қилишнинг патент шакли мазмун-моҳияти шундан иборатки, ихтиро, фойдали модель ёки саноат намунасининг муаллифи ёхуд у вакил қилган бошқа шахс техника ютуғига бўлган муаллифликни ва ундан фойдаланишга бўлган ҳуқуқни мустаҳкамлаш учун ваколатли давлат органига давлатнинг нуфузи билан гувоҳлантирилган муҳофаза хужжати, яъни ихтиро, саноат намунаси, фойдали модель учун патент беришни сўраб талабнома топширади. Патент патент эгаси деб номла-нувчи патент олган шахснинг саноат мулки обьектига бўлган муаллифлик ҳуқуқини ва ундан фойдаланишга бўлган мутлак ҳуқуқини тасдиқлади.

Патент муносабатлари улар иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари аниқ регламентланганлиги билан ажралиб туради. Объектни рўйхатга олиш ва ихтиро яратилганидан кейин бирламчи патент ҳуқуқларини мустаҳкамлаш кўпроқ расмиятчиликни талаб қиласи ва шуниси билан муаллифлик ҳуқуқидан фарқ қиласи. Буни ихтиро муаллифини аниқ белгилаш ва ихтирони бошқа шахснинг худди шундай ёки

шунга ўхшаш ижодидан аниқ фарқлаш зарурати билан изоҳлаш мумкин. Бинобарин, тақрорлаб бўлмайдиган ва асл нусха хисобланган адабиёт ёки санъат асаридан фарқли ўлароқ, ихтиро умуман олганда тақрорланиши мумкин. Масалан, минглаб олимлар ОИТСга қарши самарали воситани топиш устида ишламоқдалар. Улардан бир нечтаси мустақил равишда айни бир ижодий натижага эришиши, бошқача қилиб айтганда, айни бир дорини ихтиро қилиши мумкин. Боз устига, улар ихтирога бўлган хукукларни расмийлаштиришни ҳам айни бир кунда бошлиши мумкин.

Техника ижодиёти соҳасидаги янги муносабатларни тартибга солиш учун фуқаролик қонунчилигининг алоҳида кичик тармоғи, интеллектуал мулк институти ва унинг субинститути — патент хукуки шакллантирилди. Патент хукуки ихтиrolар, фойдали моделлар ва саноат намуналари яратишда ҳамда улардан фойдаланишда юзага келган мулкий ва улар билан боғлиқ шахсий номулкий хукукларни тартибга солади.

Ҳозирги замон бозор хўжалигининг реал шароитларини, интеллектуал мулк соҳасидаги ҳалқаро битимларни, шунингдек мамлакатимизнинг патент-ахборот жиҳатидан таъминланганлик даражасини инобатга олган ҳолда Ўзбекистонда патентлашнинг мустақил тизими яратилди.

ФКнинг шарҳланаётган бобини ўрганиш вактида унга патент хукукининг энг муҳим, асосий аҳамиятга эга нормалари киритилганлигини назарда тутиш керак. Шунинг учун ФКда маҳсус патент-хукуқий ҳужжатлар нормалари билан бирга қўлланилиши зарур бўлган хавола тусидаги нормалар ҳам мавжуд. Тарихан шундай вазият юзага келганки, патентга доир тармоқ қонун ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси янги ФКнинг Умумий ва боз устига Maxsus (иккинчи) қисми қабул қилингунига қадар ривожлана бошлади. Патент муносабатларини тартибга солувчи тармоқ қонунлари орасида Патент қонуни<sup>1</sup> энг муҳим ва асосий ўринни эгаллайди. Ушбу Қонун патент билан ҳимоя қилинадиган саноат мулки обьектларини яратиш, хукукий муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш масалаларида юзага келадиган мулкий муносабатларни, шунингдек улар билан боғлиқ шахсий номулкий муносабатларни тартибга солади.

---

1 Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 6 майда қабул қилинган «Ихтиrolар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Қонуни (2002 йил 29 августдаги таҳририда).

2. Патент олишга бўлган ҳуқуқ юзага келишига сабаб бўладиган ихтиро, фойдали модель, саноат намунасига нисбатан қўйиладиган талаблар ва Интеллектуал мулк агентлиги томонидан патент берилиши тартиби қонун билан белгиланади.

Чунончи, қуидаги Қоидалар кабул қилинган:

1) Давлат патент идораси директорининг 2004 йил 2 февралдаги

9-сонли буйруғи билан тасдиқланган, Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 22 марта 1329-тартиб рақами билан рўйхатга олинган Ихтирога Ўзбекистон Республикаси патентини бериш ҳақидаги талабномани тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидалари;

2) Давлат патент идораси директорининг 2004 йил 21 апрелдаги

22-сонли буйруғи билан тасдиқланган, Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 20 майда 1361-тартиб рақами билан рўйхатга олинган Саноат намунасига Ўзбекистон Республикаси патентини бериш ҳақидаги талабномани тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидалари;

3) Давлат патент идораси директорининг 2004 йил 15 марта

14-сонли буйруғи билан тасдиқланган, Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 29 апрелда 1343-тартиб рақами билан рўйхатга олинган Фойдали моделга Ўзбекистон Республикаси патентини бериш ҳақидаги талабномани тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидалари.

### **1083-модда. Ихтиро, фойдали модель, саноат намунасидан фойдаланиш ҳуқуки**

**Патент билан муҳофазаланган ихтиро, фойдали модель, саноат намунасидан ўз ҳоҳишича фойдаланишдаги алоҳида ҳуқуқ, шу жумладан муҳофазаланган ечимларни қўлланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш, патент билан муҳофазаланган технологик жараёнларни ўз ишлаб чиқаришида қўллаш, муҳофазаланган ечимга эга бўлган маҳсулотларни сотиш ёки сотишга таклиф этиш, тегишли маҳсулотларни четдан келтириш ҳуқуки патент эгасига тегишлидир.**

Патент эгасидан бошқа шахслар унинг рухсатисиз ихтиро, фойдали модель, саноат намунасидан фойдаланишга ҳақли эмас, бундай фойдаланиш ушбу Кодекс ёки бошқа қонунга мувофиқ патент эгасининг ҳуқуқларини бузиш ҳисобланмайдиган ҳоллар бундан мустасно.

**Патентланган ихтирони, фойдали модель ёки саноат намунасини қўлланган ҳолда маҳсулотни рухсатсиз тайёрлаш, қўлланиш, четдан олиб келиш, сотишга таклиф этиш, сотиш, фуқаролик муомаласига бошқа йўсинда киритиш ёки шу мақсадда сақлаш, шунингдек ихтиро патенти билан муҳофаза қилинаётган усулни қўлланиш ёхуд ихтиро патенти билан муҳофаза қилинаётган усул **воситасида** гина тайёрланган маҳсулотни фуқаролик муомаласига киритиш ёки шу мақсадда сақлаш патент эгаси алоҳида хукуқининг бузилиши ҳисобланади.**

**Бошқача ҳолат исботлангунга қадар маҳсулот патентланган усул билан тайёрланган ҳисобланади.**

1. Шарҳланаётган модда саноат мулки объекти патенти эгасининг мутлақ хукуқи мазмунини тавсифлайди. ФКнинг 1034-моддасини шарҳлар эканмиз, интеллектуал мулкнинг ҳар қандай обьектига бўлган мутлақ хукуқнинг умумий тушунчасини кўриб чиқдик. Шарҳланаётган моддада муайян турлардаги обьектга бўлган мутлақ хукуқ мазмунининг хос хусусиятлари белгилаб берилган. Ушбу модданинг биринчи қисмидан кўринадики, мутлақ хукуқнинг изжобий жиҳати патент эгасига: техник ечимларни ўз ишлаб чиқаришида кўллаш, ишлаб чиқарилган буюмларни сотиш ёки сотишга таклиф қилиш, ишлаб чиқарилган буюмларни импорт қилиш ва бошқа шу каби кенг имкониятлар беради.

Хукуқ эгаси патент (гувоҳнома) билан муҳофазалangan ихтиро, фойдали модель, саноат намунасидан ўз хоҳишига кўра фойдаланиш бўйича мутлақ хукуқка эгадир. Бундай мутлақ хукуқ қўйидаги таркибий қисмлардан иборат:

- а) хукукий муҳофаза қилинган ечимларни кўллаган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, иш бажариш;
- б) патент билан (гувоҳнома) билан муҳофазалangan технологик жараёнларни ўз ишлаб чиқаришида кўллаш, жорий қилиш, амалга ошириш;
- в) муҳофазалangan ечимга эга бўлган маҳсулотларни сотиш ёки сотишга таклиф қилиш;
- г) худди шундай муҳофазалangan буюмларни импорт қилиш.

Бу таркибий қисмлар бир бутун яхлит ҳолда мутлақ хукуқ мазмунини ташкил этади. Айни вақтда хукукий муҳофаза унинг айrim қисмларинигина қамраб олиши мумкин. Масалан, нефтдан бензин олиш

усули. Бунда янги усулнинг ўзи хукукий муҳофазада бўлади, бу усул асосида ишлаб чиқарилган маҳсулот эса хукукий муҳофазада бўлмайди.

Маълумки, ёрлик берилган ечим, маҳсулотга нисбатан мутлақ хукуқ энг камида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қиласди. Бинобарин, бундай маҳсулотни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш (импорт қилиш) хукуки ҳам мутлақ хукуқ эгасига тегишилдири.

Бошқа ҳар қандай шахслар ихтиро, фойдали модель ва саноат намунасидан патент (гувоҳнома) эгасининг рухсати ёки у билан келишув асосидагина фойдаланишлари лозим.

Қонуннинг 12-моддасига асосан куйидаги ҳоллар патент эгаси мутлақ хукукини бузиш сифатида эътироф этилмайди:

Ўзбекистон Республикасида муҳофаза қилинаётган саноат мулки обьектларидан таркиб топган қурилмаларни Париж конвенцияси қатнашчиси бўлган бошқа давлат транспорт воситасида, мазкур восита Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча ёки тасодифан турган вақтда қўллаш — бу қурилмалардан фақат мазкур воситанинг эҳтиёжлари учунгина фойдаланиш шарти билан;

хукукий муҳофаза ёрлиғи олган саноат мулки обьектларидан таркиб топган воситалар устида илмий тадқикот ёки тажриба ўтказиш;

хукукий муҳофаза ёрлиғи олган саноат мулки обьектларидан таркиб топган воситаларни табиий оғатлар, фалокатлар, эпидемия ва бошқа фавқулодда холларда қўллаш;

хукукий муҳофаза ёрлиғи берилган саноат мулки обьектларидан таркиб топган воситаларни, башарти бу воситалар хўжалик муомаласига қонуний йўл билан киритилган бўлса, қўллаш;

патентлар билан муҳофазаланган саноат мулки обьектларидан таркиб топган воситаларни даромад олмай шахсий мақсадларда фойдаланиш, қўллаш;

дорихоналарда шифокор рецепти бўйича бир галлик дорилар тайёрлаш;

Қонуннинг 30-моддасида белгиланган ҳолларда, тартибда ва ҳажмларда аввалдан фойдаланувчи томонидан хукукий муҳофаза ёрлиғи олган саноат мулки обьектларидан фойдаланиш.

ФКнинг 1034-моддаси, ихтиrolар, фойдали модельлар ва саноат намуналари ҳакидаги Қонуннинг 11, 31-моддаларига асосан саноат мулки обьектларига нисбатан мутлақ хукуқ эгаси ушбу обьектдан ўз хоҳишига кўра фойдаланишга, бошқаларнинг фойдаланишига рухсат беришга ёки

фойдаланишни тақиқлаб қўйишга ҳақли. Шарҳланаётган ушбу модда бошқа шахслар томонидан содир этиладиган қандай харакатлар мутлақ хукуқни бузиш деб ҳисобланишини белгилайди. Бинобарин хукуқий муҳофаза ёрлиғи берилган ихтиро, фойдали модель ёки саноат намуна-сидан мутлақ хукуқ эгасидан рухсат олмасдан фойдаланган холда, яъни:

- а) маҳсулот тайёрлаш;
- б) технологик жараёнларни йўлга қўйиш, қўллаш;
- в) четдан олиб келиш (импорт қилиш);
- г) сотишга таклиф этиш, сотиш;
- д) фуқаролик муомаласига бошқача йўсинда киритиш (масалан, ижа-рага бериш, хадя қилиш ва ҳоказо);
- е) ҳақ эвазига ёки ҳақсиз фуқаролик муомаласига киритиш мақсадида сақлаш;
- ж) ихтиро патенти билан муҳофаза қилинаётган усулни қўллаш ёки ихтиро патенти билан муҳофаза қилинаётган усул воситасидагина тайёрланган маҳсулотни фуқаролик муомаласига киритиш (сотиш, ижарага бериш ва ҳоказо) ёки шу мақсадда сақлаш хукуқий муҳофаза ёрлиғи эгаси (патент ёки гувоҳнома эгаси)нинг мутлақ хукуқларининг бузилиши хисобланади.

2. Ушбу мутлақ хукуқ абсолют бўлиб, учинчи шахслар уни бузишдан ўзларини тийишлари керак ва объектдан фақатгина хукуқ эгасининг рухсати билан, қоида тарикасида, ҳақ эвазига фойдаланишлари мумкин. Ушбу қоидадан саноат мулки объектлари — ихтиrolар, фойдали моделлар ва саноат намуналарига дахлдор истиснолар мавжуд.

Патент (гувоҳнома) эгасининг саноат мулки объектидан учинчи шахсларнинг фойдаланишига рухсат бериши қатъий ифодаланган бўлиши ва тегишли шаклда расмийлаштирилиши шарт. Учинчи шахс томонидан мутлақ хукуқ эгасини объектдан фойдаланиши ҳақида хабардор қилиш факти рухсат олиш ҳисобланмайди. Мутлақ хукуқ эгаси томонидан учинчи шахсни рухсат сўраб қилган мурожаатига индамаслик рухсат берилмаганини билдиради. Мутлақ хукуқ эгасининг рухсат бериши унинг хатти-харакатларида ҳам кўриниб туриши мумкин (масалан, ихтиро қурилмасини бериш), Бундай ҳолларда (агарда рухсат олиш аниқ, равшан ифодаланиши ва тегишли шаклда расмийлаштирилиши шарт бўлмаса) мутлақ кукуқ эгасидан рухсат олинган деб ҳисоблаш мумкин (ФКнинг 106-моддасига асосан).

3. Шарҳланаётган модданинг учинчи қисмида патент эгасининг мутлақ хукуқини бузиш деб эътироф этиладиган ҳаракатлар доираси батафсил белги-лаб берилган. Бу ўринда хукуқларнинг қандай ҳажми дастлабки патент билан ёки қандай ҳажми патент билан муҳофаза қилинишини билиб олиш муҳим.

Мутлақ хукуқ эгасининг хукуқларини бузиш тегишли фуқаролик-хукуқий жавобгарликка сабаб бўлади.

Ушбу шарҳланаётган моддада белгиланган қоидага асосан мутлақ хукуқни бузган деб ҳисоблананаётган шахс бунинг аксини, яъни маҳсулот патентланган усул билан тайёрланмаганligини исботлаб бериши шарт. У бу ҳолатни исботлаб бергунга қадар маҳсулот патентланган усулда тайёрланган деб ҳисобланади. Ушбу хукуқий презумпция Қонуннинг 29-моддасида батафсил ўз ифодасини топган. Унга асосан ихтиронинг, фойдали модель формуласининг мустақил бандига киритилган ҳар бир белгиси ёки унга муодил (эквивалент) бўлган белги қўлланилган бўлса, маҳсулот (буюм) патент берилган ихтиро, фойдали моделдан фойдаланилган ҳолда тайёрланган, ихтиро патенти билан муҳофаза этиладиган усул эса, қўлланилган деб ҳисобланади.

Маҳсулотни олиш усулига берилган патентнинг амал қилиши айнан шу усул ёрдамида олинган маҳсулотга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Бунда бунинг аксини исботловчи далиллар бўлмаса, бу янги маҳсулот патент берилган усулда олинган деб ҳисобланади.

Башарти маҳсулотда патентланган саноат намунасининг барча муҳим аломатлари бўлса, у патент берилган саноат намунасидан фойдаланилган ҳолда тайёрланган деб эътироф этилади.

Таъкидлаш лозимки, хукуқбузарлик мавжуд бўлганида хукуқ-бузувчининг ўз қилмишига нисбатан субъектив муносабати эътиборга олинмайди. Муайян шахс билан хукуқ эгаси ўртасида шартномавий муносабатлар мавжуд бўлмаган бир пайтда патент эгасининг хукуқларини бузиш деликт хукуки нормалари нуқтаи назаридан баҳоланади.

### **1084-модда. Патентга бўлган хукуқни тасарруф этиш**

**Патент олиш хукуки, талабномани рўйхатдан ўтказишдан келиб чиқадиган хукуқлар, патентга эгалик хукуки ва патентдан келиб чиқадиган хукуқлар бошқа шахсга тўлиқ ёки қисман берилиши мумкин.**

1. Саноат мулки обьектига бўлган мутлақ патент хукуқлари бошқа шахсга тўлиқ ёки қисман берилиши мумкин. Патентдан ўзганинг фойдасига воз кечиши тўғрисидаги шартнома мутлақ хукуқларни бошқа шахсга беришнинг хукуқий шаклидир. Патент эгаси ўзи олган патентдан ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахс фойдасига воз кечиши мумкин. Патентдан ўзганинг фойдасига воз кечиши тўғрисидаги шартнома Интеллектуал мулк агентлигига рўйхатдан ўтказилиши керак. Патентдан унинг амал қилишининг қолган муддатига шартнома бўйича воз кечилади. Муддатнинг давомийлиги шартнома тузилган вақтга боғлиқ: шартнома патент берилганидан кейин қанча кеч тузилса, ушбу муддат шунча қисқа бўлади.

Патент эгасининг муайян техника ютуклари ва бошқа ютуклардан фойдаланишга бўлган хукуқларни имкон қадар кўпроқ ўз қўлига олиш истаги патентдан ўзганинг фойдасига воз кечиши тўғрисида шартнома тузиш мақсади бўлиб хизмат қилиши мумкин. Қудратли саноат, қурилиш фирмалари ва бошқа фирмалар айрим ютукларга бўлган патентларни сотиб олар экан, ўzlари ишлаб чиқараётган товарлар, қураётган обьектлар юкори сифатли ва киши эътиборини ўзига тортадиган, ўз ишлаб чиқариш технологиялари пухта бўлишига эришмоқдалар. Бошқа томондан, айрим патент эгалари, масалан, ўз ишланмалари натижаларидан саноатда фойдаланмайдиган илмий-тадқиқот, конструкторлик ва бошқа шунга ўхшаш ташкилотлар патентларни улардан кейинчалик ўzlари учун манфаатли тарзда ишлаб чиқариш тузилмалари фойдасига воз кечиши мўлжалидаги кўлга киритадилар.

2. Шартнома предмети, яъни устуворликни, обьектга бўлган муаллифликни ва обьектга бўлган мутлақ хукуқни тасдиқловчи хужжат сифатида патентни бериш, шунингдек патентдан ўзганинг фойдасига воз кечганлиги учун патент эгасига ҳақ тўлаш шарти саноат мулки обьектига берилган патентдан ўзганинг фойдасига воз кечиши тўғрисидаги шартноманинг мухим шартлари дидир. Патентдан ўзганинг фойдасига воз кечиши тўғрисидаги шартномага кўра патент ўзгага буюм сифатида берилиши эмас, балки патент эгасига тегишли мутлақ хукуқларнинг мажмуини тасдиқловчи юридик хужжат сифатида берилиши туфайли патентдан ўзганинг фойдасига воз кечиши тўғрисидаги шартномада патентга доир маълумотлар ва унинг мазмуни тавсифланмайди, балки патент эгасининг

фамилияси, исми ва отасининг исми ёки номи, ҳуқуқлар объектининг номи, патентнинг тартиб рақами ва объект бирламчилигининг санаси кўрсатилиди.

Агар патент эгаси ва (ёки) патентни сотиб олувчи юридик шахслар бўлса, улар номидан вакиллик қилувчи шахсларнинг исми-шарифи (номи) ва вакиллар асосланиб иш кўраётган хужжатлар (устав, ишончнома ва бошқа шу кабилар) белгиланади. Шартнома мақсади патент билан тасдиқланадиган барча мутлақ ҳуқуқларни беришдан иборат эканлиги туфайли шартномада патент эгасининг ҳақ эвазига патентдан сотиб олувчи фойдасига воз кечишга розилиги ва сотиб олувчининг мазкур патентни шартнома шартларида сотиб олишга розилиги аниқ ифода этилиши керак.

Патентдан ўзганинг фойдасига воз кечиш тўғрисидаги шартномани рўйхатдан ўтказишдан кўзланган мақсад патент эгасининг битта патентни бир неча марта сотиши шаклидаги эҳтимол тутилган суиистеъмолликлар қилишининг олдини олишдан иборат. Шартноманинг патентдан воз кечганлик учун тўланадиган ҳақнинг миқдорини белгилаш ва уни тўлаш тартиби тўғрисидаги шартини бундай рўйхатдан ўтказиш шарт эмас ва шунинг учун тарафлар уни алоҳида битимда назарда тутишлари мумкин. Бундай тартиб тарафларга зарурат тақозо этса, ўз битимларининг муҳим шартларидан бири бўлмиш қонун йўл қўядиган тижорат сирини сақлаш имконини беради.

## **1085-модда. Муаллифлик ҳуқуқи**

**Ихтиро, фойдали модель, саноат намунасига муаллифлик ҳуқуқи ва маҳсус ном бериш ҳуқуки ихтиро, фойдали модель, саноат намунасининг муаллифига тегишлидир.**

**Ихтиро, фойдали модель, саноат намунасига бўлган муаллифлик ҳуқуқи ва бошқа шахсий ҳуқуқлар патентга асосланган ҳуқуқлар юзага келган пайтдан эътиборан вужудга келади.**

**Ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси муаллифини қонун маҳсус ҳуқуқлар, имтиёзлар ва ижтимоий тусдаги афзалликлар билан таъмин этиши мумкин.**

**Талабномада муаллиф тариқасида кўрсатилган шахс бошқача ҳолат исботлангунга қадар муаллиф ҳисобланади. Ҳуқуқ юзага**

**келишидан аввал мавжуд бўлган фактлар ва ҳолатларгина далил тариқасида жалб этилиши мумкин.**

1. Амалдаги қонунларда саноат намунаси объекти кимнинг ижодий меҳнати билан яратилган бўлса, ўша жисмоний шахс саноат мулки обьектининг муаллифи деб эътироф этилиши белгиланган. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, муаллифликни эътироф этиш учун жисмоний шахснинг фуқаролиги ёки ёши аҳамиятга эга эмас. Интеллектуал мулк хукуки обьектининг муаллифи ўзи яратган обьектни ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёки васийларининг иштирокисиз мустақил ёки улар орқали тасарруф этишга хақли. Чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар Париж конвенцияси 2-моддасида мустаҳкамланган миллий режим принципига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари билан бир қаторда ўзлари яратган саноат мулки обьектларининг муаллифлари деб эътироф қилинади.

2. ФКнинг 1085-моддасида муаллифлик хукуки обьектнинг муаллифи деб эътироф этилиш ва обьектдан фойдаланилганида бундай эътирофни талаб қилиш, худди мана шу асарга нисбатан бошқа шахсларни муаллиф деб эътироф этишини истисно қилиш хукуки сифатида белгиланган.

3. Ихтирога, фойдали моделга, саноат намунасига маҳсус ном бериш хукуки ихтириочилар томонидан фаол фойдаланиладиган жуда муҳим шахсий номулкий хукуқдир.

4. Саноат мулки обьектларига берилган талабномаларни қабул қилиб олувчи экспертиза ташкилоти назорат қилиш вазифаларига эга эмас, талабномада кўрсатилган барча маълумотларнинг қай даражада тўғри эканлигини текширмайди ва талабномани кўриб чиқиш жараёнида талабнома материалларида муаллиф сифатида кўрсатилган шахсни муаллиф деб ҳисоблади. Яъни, талабномада муаллиф сифатида кўрсатилган шахснинг муаллифлик презумпцияси қўлланилади. Учинчи шахсларнинг саноат намунаси объекти муаллифи талабномада кўрсатилган шахс эмас, балки ўзлари эканлиги тўғрисидаги аризалари ва далил-исботлари экспертиза ташкилоти томонидан кўриб чиқилмайди.

Муаллифлик тўғрисидаги низолар судда кўриб чиқилади, унда фақатгина муаллифлик хукуки юзага келгунга қадар мавжуд бўлган фактлар ва ҳолатлар далил-исбот сифатида ҳисобга олинади.

## **1086-модда. Ихтиро, фойдали модель, саноат намунасининг ҳаммуаллифлари**

**Ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси ҳаммуаллифларининг ўзаро муносабатлари улар ўртасидаги келишув билан белгилаб кўйилади.**

**Ихтиро, фойдали модель, саноат намунасини яратишга ноижодий ёрдам бериш (техникавий, ташкилий ёки математик ёрдам, хукуқларни расмийлаштиришга кўмаклашиш ва ҳоказолар) ҳаммуаллифликка сабаб бўлмайди.**

1. Агар саноат намунаси обьектини яратишда бир неча жисмоний шахс иштирок этган бўлса, уларнинг ҳаммаси муаллифлар (ҳаммуаллифлар) хисобланади. Биргаликдаги ижодиёт, бир шахснинг ихтирочилик фаолияти учун қандайdir алоҳида битим талаб қилинмайди. Шарҳланаётган модда биринчи қисмида эслатиб ўтилган битим патент хукуқларини расмийлаштириш, биргаликда яратилган саноат мулки обьектидан фойдаланиш, шунингдек уни тасарруф этиш юзасидан тузилиши керак.

2. Шарҳланаётган моддада «яратиш» дейилганида ижодий фаолият назарда тутилади. Саноат мулки обьекти яратилишига шахсий ижодий улуш кўшмаган, муаллифга фақатгина техникавий, ташкилий ёки моддий ёрдам кўрсатган ёки саноат мулки обьектига бўлган хукуқларни расмийлаштиришга ва ундан фойдаланишга кўмаклашган жисмоний шахс муаллиф деб эътироф этилмайди. Ҳаммуаллифликда (ишни ташкил этиш, иш жойи, бир ёки бир неча ташкилот мазмунида) биргаликда ёки алоҳида алоҳида ишлаганлик, шунингдек ижодий улушнинг даражаси аҳамиятга эга бўлмайди, асосийси бундай улушнинг мавжудлигиdir.

## **1087-модда. Хизмат ихтиrolари, фойдали моделлари, саноат намуналари**

**Ходим ўз хизмат мажбуриятларини ёки иш берувчидан олган аниқ топшириқни бажариш вактида яратган ихтиро, фойдали модель, саноат намунасига (хизмат ихтиросига) патент олиш хукуқи, башарти бу улар ўртасидаги шартномада назарда тутилган бўлса, иш берувчига тегишли бўлади.**

**Хизмат ихтироси, фойдали модели, саноат намунаси учун муаллифга тўланадиган мукофот пули миқдори, тўлов шарти ва тартиби у билан иш берувчи ўртасидаги келишув билан белгилаб қўйилади. Келишувга эришилмаган тақдирда қарорни суд чиқаради. Башарти муаллиф ва иш берувчининг хизмат ихтироси, фойдали модели ёки саноат намунасини яратишга қўшган хиссасини аниқ белгилашнинг иложи бўлмаса, иш берувчи олган ёки оладиган фойданинг ярмисига бўлган хуқуқ муаллифники деб эътироф этилади.**

1. Шарҳланаётган моддада хизмат саноат мулки обьекти яратилганда иш берувчининг патентга бўлган хукуки мустаҳкамлаб қўйилган. Фақатгина иш берувчи билан ходим ўртасидаги патент олишга бўлган хукукни ходимга бериш тўғрисидаги шартнома умумий қоидани ўзгартириши мумкин.

2. Амалиётда иш берувчи билан хизмат ихтиrolарининг муаллифлари ўртасида ҳақнинг миқдори бўйича тез-тез низолар келиб чиқади. Модда матнида иш берувчи томонидан муаллифга иш берувчи хизмат ихтиросидан лозим даражада фойдаланганидан кўрган манфаатига мос миқдордаги ҳажмда ҳақ тўлаш принципи, яъни «миқдорига мос равишда» принципида ҳақ тўлаши аниқ-равshan шаклда кўрсатилмаган. Бироқ, турмушда ушбу принципга риоя этиш анча қийин, ихтиродан фойдаланиш муваффақияти жуда кўп омилларга (молиявий, ташкилий ва шу каби бошқа омилларга) боғлиқ бўлган бир пайтда миқдорига мосликни аниқлашнинг эса, умуман иложи йўқ. Иш берувчилар билан ходимлар ўртасидаги келишмовчиликларни бартараф этиш, шунга ўхшаш низоларни адолатли ҳал этиш мақсадида шарҳланаётган моддага норма киритилган бўлиб, унга мувофиқ муаллиф ва иш берувчининг саноат мулки хизмат обьектига қўшган хиссасини аниқ белгилашнинг иложи бўлмаса, иш берувчи олган ёки оладиган фойданинг ярмисига бўлган хуқуқ муаллифники деб эътироф этилади.

#### **1088-модда. Патентга бўлган хуқуқни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартноманинг шакли**

**Патентга бўлган хуқуқни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги (патентни бериш тўғрисидаги) шартнома ёзма шаклда тузилиши ва Интеллектуал мулк агентлигига рўйхатдан ўтказилиши лозим.**

**Уни ёзма шаклда тузишга ёки рўйхатдан ўтказиш талабига риоя этмаслик шартноманинг ҳақиқий эмас деб топилишига сабаб бўлади.**

Оғзаки шаклдаги шартномани истисно қилганда, ҳар қандай шартнома каби патентга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартнома хам ёзма шаклда тузилиши керак. Шу билан бирга бундай шартнома давлат идораси — Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги<sup>2</sup>да рўйхатдан ўтказилиш лозим. Шартномани рўйхатдан ўтказишнинг бошқа ҳеч қандай шакллари ва усусларига йўл қўйилмайди. Шархланаётган модда қоидаларини бузганлик патентга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартноманинг ҳақиқий эмас деб топилишига сабаб бўлади.

### **1089-модда. Ихтиро, фойдали модель, саноат намунасидан фойдаланиш рухсатномасининг (лицензиясининг) шакли**

**Лицензия шартномаси ва қўшимча лицензия шартномаси ёзма шаклда тузилади ва Интеллектуал мулк агентлигига рўйхатдан ўтказилиши лозим. Уни ёзма шаклда тузишга ёки рўйхатдан ўтказиш талабига риоя этмаслик шартноманинг ҳақиқий эмас деб топилишига сабаб бўлади.**

Шартнома ҳақиқий саналиши учун куйидаги шартларга жавоб бериши:

биринчидан, шартномаларнинг мазмуни қонунга ва қонун асосида чиқарилган актларга, умуминсоний қоидаларга мувофиқ бўлиши;

иккинчидан, шартномаларни тузувчи шахслар муомала лаёқатига эга бўлишлари;

учинчидан, шартномалар кўриниш учунгина тузилмай, балки чиндан хам юридик оқибат туғдириш мақсадида тузилган бўлиши;

тўртинчидан, нотариал гувоҳлантириши ёки давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган битимлар ҳақиқий саналмаслиги хавфи остида қонун билан талаб қилинган шаклда расмийлаштирилиши керак.

Шунингдек, хўжалик шартномаларини хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизмати (ёки адвокати)нинг имзосисиз тузишга йўл қўйилмайди.

---

2 Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йил 24 майда қабул қилган «Ўзбекистон Республикасининг интеллектуал мулк агентлигини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси ва муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги негизида Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги ташкил этилди.

Айни вақтда, қонун хужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг икки юз бараваридан ортиқ суммадаги шартномалари юридик хизмати (ёки адвокати)нинг ёзма хуросасидан кейингина тузилади<sup>3</sup>.

Юқорида кўрсатилган талабларга риоя қилинмай тузилган шартномалар тузилган пайтдан эътиборан ўз ўзидан ҳақиқий саналмайди. Бундай шартномалар мутлақ ҳақиқий саналмайдиган шартномалар деб аталиб, ҳеч қандай хукуқ ва мажбуриятларни вужудга келтирмайди.

Шархланаётган моддада лицензия шартномасини ва кўшимча лицензия шартномасини расмийлаштириш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тавсифланган.

Шартномани белгиланган (ёзма) шаклда тузиш ва рўйхатдан ўтказиш тартибини бузганлик шартноманинг ҳақиқий эмас деб топилишига сабаб бўлади.

### **1090-модда. Патентни бузганлик учун жавобгарлик**

**Патентни бузиш патент эгасининг талаби билан тўхтатилиши, қоидабузар эса патент эгасига етказилган заарнинг ўрнини коплаши шарт. Патент эгаси кўрилган заар ўрнига қоидабузардан қоидабузарлик оқибатида олган даромадларини ундириб олишга ҳақлидир.**

Шархланаётган моддада муҳофаза этилаётган саноат мулки обьектидан фойдаланаётган ҳар қандай шахс патент эгасининг мутлақ хукуқларини бузувчи ҳисобланиши белгиланган. Муҳофаза қилинадиган саноат мулки обьектидан фойдаланган ҳолда маҳсулотни рухсатсиз тайёрлаш, қўллаш, четдан олиб кириш, сақлаш, сотишга таклиф қилиш, сотиш ва фуқаролик муомаласига бошқача тарзда киритиш, шунингдек муҳофаза қилинаётган усулни қўллаш ёки бевосита муҳофаза қилинадиган усул ёрдамида тайёрланган маҳсулотни фуқаролик муомаласига киритиш патент эгасига тегишли мутлақ хукуқларнинг бузилиши деб эътироф қилинади. Бундан ташқари патент эгаси: муҳофаза қилинаётган хужжат бузилишининг

---

3 «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1998. 9-сон. 170-модда.

тўхтатилишини; қоидабузар томонидан етказилган заарар қопланишини ва маънавий заарар учун компенсация тўланишини; қоидабузардан кўрилган заарар ўрнига қоидабузарлик оқибатида олган даромадлари ундириб олинишини; муҳофаза қилинадиган хужжатни бузган шахс қонун хужжатларида белгиланган компенсацияларни тўлашини; фуқаролик муомаласига киритилаётган ёки шу мақсадда сақланаётган ва муҳофаза қилинаётган хужжатни бузмоқда деб эътироф этилган маҳсулотларни, шунингдек муҳофаза этилаётган хужжатни бузиш учун маҳсус белгиланган маблагларни ўз фойдасига ундиришни; йўл қўйилган қоидабузарлик тўғрисида эълон қилиш ва унга бузилган хуқуқ кимга тегишли эканлиги тўғрисидаги маълумотларни албатта киритишни талааб қилишга ҳақли.

# **63-БОБ. ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ЯНГИ НАВЛАРИ ВА ҲАЙВОНЛАРНИНГ ЯНГИ ЗОТЛАРИГА БЎЛГАН ҲУҚУҚ**

**1091-модда. Ўсимликларнинг янги навлари ва ҳайвонларнинг янги зотларига бўлган ҳуқуқларни муҳофаза қилиш**

**Ўсимликларнинг янги навлари ва ҳайвонларнинг янги зотларига (селекция ютуқларига) бўлган ҳуқуқлар патент берилган тақдирдагина муҳофаза қилинади.**

**Селекция ютуғига патент олиш ҳуқуқини вужудга келтирадиган талаблар ҳамда бундай патентни бериш тартиби қонун билан белгилаб қўйилади.**

**Селекция ютуқларига бўлган ҳуқуқлар ҳамда бу ҳуқуқларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ муносабатларга нисбатан, башарти ушбу бобнинг қоидалари ва қонунда ўзгача ҳол назарда тутилган бўлмаса, ушбу Кодекснинг тегишинча 1084–1090-моддалари қоидалари татбиқ этилади.**

1. ФК шарҳланаётган бобнинг ўзига хос жиҳати адабиётларда ва қонун хужжатларида селекция ютуқлари деб ҳам номланадиган ўсимликларнинг янги навлари ва ҳайвонларнинг янги зотларига патент муҳофазаси жорий этишдир.

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августда қабул қилинган «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги (янги таҳрири: 2002 й., 29 август. (Ахб. № 9, 156-м.)) 210-I-сонли Қонуни ФК 63-бобнинг қоидаларини батафсил аниқлаштирувчи ва ривожлантирувчи асосий маҳсус қонун хужжати ҳисобланади. Ушбу Қонун селекция ютуқларини яратиш, ҳуқукий муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартиба солишга қаратилган.

Шарҳланаётган модда ўсимликларнинг янги навлари ва ҳайвонларнинг янги зотларидан иборат муҳофаза объектлари сифатидаги селекция ютуқларининг иккита турини белгилаб беради. Селекция ютуқлари тўғрисидаги Қонунда муҳофаза объектларининг кенг таърифи берилган. Масалан, Қонун 2-моддасида «нав» тушунчасига таъриф берилган бўлиб,

унга кўра нав — ўсимликлар гурухи бўлиб, у наслдан-наслга барқарор ўтувчи, муайян генотип ёки генотиплар комбинациясини бошқалардан ажратиб турувчи белгиларга қараб аниқланади ва айни бир ботаник тақсондаги бошқа ўсимликлар гурухидан бир ёки бир неча белгилари билан фарқланади. Клон, линия, биринчи авлод дурагайи, популяция навнинг муҳофаза қилинадиган объектларидир; «зот» — генетик жиҳатдан ўзаро боғлиқ биологик ва морфологик хусусиятлари ҳамда белгиларига қараб аниқланадиган ҳайвонлар (шу жумладан паррандалар, ҳашоротлар, ипак қурти) ёки уларнинг дурагайлари гурухи бўлиб, бу хусусиятлар ҳамда белгиларнинг айримлари айнан шу гурухга хос бўлади ва уни ҳайвонларнинг бошқа гурухларидан фарқлаб туради. Зот гурухи, зот ичидаги (зонал) тип, завод типи, завод линияси, зот оиласи, партеноклонлар, линиялар, дурагайлар зотнинг муҳофаза қилинадиган объектлари ҳисобланади.

2. Конунга мувофиқ кўрсатиб ўтилган селекция ютуғларига патент берилади. Селекция ютуқлари учун патент:

селекция ютугининг муаллифига (ҳаммуаллифларига) ёки унинг (уларнинг) меросхўрига (меросхўрларига);

муаллиф ёки унинг меросхўри томонидан селекция ютуғи рўйхатга олингунига қадар Интеллектуал мулк агентлиги га топширилган патент бериш учун талабномада ёки аризачини ўзгартириш тўғрисидаги аризада кўрсатилган юридик ва (ёки) жисмоний шахсларга (агар улар рози бўлсалар);

иш берувчига — хизмат тартибида яратилган селекция ютуғи учун берилади.

Селекция ютуқлари борасидаги муносабатларда селекция ютуқларини муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатли давлат органи — Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги марказий фигура бўлиб, у селекция ютуқларини хукуқий муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди.

Конунда селекция ютуғига бериладиган патент таърифи, патент бериш учун талабнома топшириш, патент бериш учун талабнома мазмуни, селекция ютугини давлат экспертизасидан ўтказиш тартиби, селекция ютугини вақтингча хукуқий ҳимоя қилиш асослари, селекция ютугининг янгилигини экспертиза қилиш, талабномада кўрсатилган селекция ютугини синовдан ўтказиш, патент бериш учун топширилган талабномани чакириб олиш, селекция ютугини рўйхатдан ўтказиш, патент бериш, патент божлари назарда тутилган.

## **1092-модда. Селекция ютуғи муаллифининг ҳақ олиш ҳуқуқи**

**Селекция ютуғининг патент эгаси бўлмаган муаллифи селекция ютуғидан фойдаланганлик учун патентнинг амал қилиш муддати давомида патент эгасидан ҳақ олиш ҳуқуқига эга.**

**Селекция ютуғи муаллифига тўланадиган ҳақ микдори ва тўлов шартлари у билан патент эгаси ўртасида тузиладиган шартномада белгилаб қўйилади.**

Шахсий номулкий ҳуқуқларни истисно қилганда, селекция ютуғи муаллифига ҳақ олиш ҳуқуқи ҳам тегишилдири, у ҳаттоқи патент эгаси бўлмаса ҳам ушбу ҳуқуқдан фойдаланади.

Селекция ютуқлари тўғрисидаги Конуннинг 7-моддасида шарҳланаётган модда нормалари такрорланади ва батафсил аниқлаштирилади, унда иш берувчи селекция ютуғини сир сақлаган тақдирда муаллифга (ҳаммуаллифларга) мутаносиб равишда ҳақ тўлаши шартлиги, ҳақ микдори шартномада белгиланиши кўрсатилган.

Патент эгаси бўлмаган селекция ютуғининг муаллифи (ҳаммуаллифлари) селекция ютуғига доир лицензиядан фойдаланилганлиги ёхуд у сотилганлиги учун ҳақ олиш ҳуқуқига эга, бу ҳақнинг микдори ва уни тўлаш тартиби патент эгаси ёки унинг ҳуқуқий вориси билан тузилган шартномада белгилаб қўйилади.

Муаллифга (ҳаммуаллифларга) ҳақни патент эгаси ёки унинг ҳуқуқий вориси, агар селекция ютуғидан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш тартиби ва муддатлари тўғрисидаги шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, патентнинг амал қилиш муддати давомида тўлайди.

Ҳақ муаллифга (ҳаммуаллифларга) селекция ютуғидан фойдаланилган хисобот даври тугаганидан кейин узоги билан олти ой ичida тўланади.

## **1093-модда. Патент эгасининг ҳуқуқи**

**Селекция ютуғи патентининг эгаси селекция ютуғидан қонунда белгилаб қўйилган доирада фойдаланиш бўйича алоҳида ҳуқуқقا эгадир.**

1. Селекция ютуқлари тўғрисидаги Конуннинг 30-моддасида патент эгасининг мутлақ ҳуқуқлари белгилаб берилган. Чунончи, патент эгаси

ўз хоҳишига кўра рухсат бирон-бир шарт ва (ёки) чекловлар билан берилшини олдиндан таъкидлаб ўтишга ҳақли.

Патент эгасининг ҳуқуқи унинг рухсатисиз фуқаролик муомала-сига киритилган нав уруғлигининг кўчат материалидан етиштирилган ўсимлик материалига ёки наслдор ҳайвонлардан етиштирилган товарбоп ҳайвонларга нисбатан ҳам амал қиласди.

Навнинг уруғлик, кўчат материалига ёки зотнинг насл материалига нисбатан ҳаракатларни амалга ошириш учун ҳам:

агар бу материал ўзида муҳофаза қилинаётган нав, зот белгиларини асосан сақлаб қолган бўлса ва ана шу муҳофаза қилинаётган нав ёки зот бошқа нав ёки зотнинг белгиларини асосан сақлаб қолган нав ёки зот бўлмаса;

агар бу материал ушбу Қонуннинг 10-моддасига мувофиқ муҳофаза қилинаётган нав ёки зотдан аник-равshan фарқ қилмайдиган бўлса;

агар бу материал муҳофаза қилинаётган нав ёки зотдан бир неча марта фойдаланишни талаб қилаётган бўлса, патент эгасининг рухсатини олиш зарур.

Агар нав ёки зот:

дастлабки нав ёки зотнинг энг муҳим белгиларини ўзида сақлаб қолган бўлса ва бу нав ёки зот ҳам ўз навбатида ўзидан олдинги дастлабки нав ёки зот генотипи ёки генотиплар комбинациясини акс эттирадиган асосий белгиларни сақлаган ҳолда уларнинг энг муҳим белгиларини ўзида сақлаб қолган бўлса;

табиий ёки ҳосил қилинган мутантни саралаб олиш, дастлабки нав ўсимликлари ёки зот ҳайвонларидан айрим мутантни саралаб олиш, бек-кросс, нав ёки зотни ген инженерияси усуллари билан ўзгартириш каби турли усулларни кўллаш туфайли юз берган фарқларни истисно этганда, дастлабки нав ёки зотдан аник-равshan ажralиб турса ва олдинги нав ёки зотнинг генотипи ёки генотиплар комбинациясига мос келса, ўзида бошқа (дастлабки) нав ёки зотнинг белгиларини асосан сақлаб қолган нав ёки зот деб эътироф этилади.

2. Бунда амалиётда патент эгасининг ҳуқуқларини бузиш ҳоллари юзага келишини хисобга олиш зарур. Шу муносабат билан Қонунда (33-модда) қуйидагилар назарда тутилади: рухсат олмаган ҳолда: селекция ютугини етиштириш ва такрор етиштириш (кўпайтириш); селекция

ютуғини нав ёки насллик кондицияларига етказиш; мухофаза қилинаётган селекция ютуғидан фойдаланган холда яратилған маҳсулотни сотишга тақлиф қилиш, сотиш ва бошқача тарзда фуқаролик муюмаласига киритиш; сақлаш, олиб кириш, олиб чиқиши; маълумотлар Аппеляция кенгашига ёки талабнома берувчи ёхуд патент эгасининг хукуқларини химоя килишга қаратилған расмий таомилларни амалга ошираётган шахсга ошкор этилишини истисно қилған холда, селекция ютуғига оид тижорат сири хисобланган маълумотларни ошкор қилиш патент эгаси хукуқларининг бузилиши деб эътироф этилади.

### **1094-модда. Патент эгасининг мажбурияти**

**Селекция ютуғи патентининг эгаси ўсимликнинг тегишли нави ёки ҳайвонларнинг тегишли зотини патентнинг амал қилиш муддати давомида уларни рўйхатга олиш вақтида тузилган нав ёки зот тавсифида айтиб ўтилган белгилар сақлаб қолинадиган тарзда асрashi шарт.**

Селекция ютуқлари тўғрисидаги Конун 14-моддасида патент эгасининг нафақат хукуклари, балки мажбуриятлари ҳам белгиланган. Чунончи, патент эгаси: ишлаб чиқаришда фойдаланишга йўл қўйилған навни, зотни фуқаролик муюмаласига киритиши; навни, зотни мухофаза қилиш мақсадларида давлат комиссияси томонидан белгиланган расмий тавсифда кўрсатилған белгиларнинг сақланиши учун патентнинг амал қилиш муддати давомида навни, зотни қўллаб-куватлаши; патентни кучида сақлаб қолганлик учун ҳар йили тўловни амалга ошириши шарт.

## **64-БОБ. ОШКОР ЭТИЛМАГАН АХБОРОТНИ НОҚОНУНИЙ ФОЙДАЛАНИШДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШ**

**1095-модда. Ошкор этилмаган ахборотни муҳофаза қилиш хуқуки**

Учинчи шахсларга маълум бўлмаган техникавий, ташкилий ёки тижорат ахборотига, шу жумладан ишлаб чиқариш сирларига (ноу-хау) қонунан эга бўлиб турган шахс уни (ошкор этилмаган ахборотни), башарти ушбу Кодекснинг 98-моддасида белгилаб қўйилган шартларга риоя этилган бўлса, ноқонуний фойдаланишдан муҳофаза қилиш хуқуқига эга.

Ошкор этилмаган ахборотни ноқонуний фойдаланишдан муҳофаза қилиш хуқуки бу ахборотга нисбатан бирон-бир расмиятчиликни бажаришдан (уни рўйхатдан ўтказиш, гувоҳнома олиш ва ҳоказодан) қатъи назар вужудга келади.

Ошкор этилмаган ахборотни муҳофаза қилиш коидаси қонунга мувофиқ хизмат ёки тижорат сири бўла олмайдиган маълумотларга (юридик шахслар тўғрисидаги, мол-мулкка бўлган хуқуқлар ва мол-мулк хусусида тузилиб, давлат рўйхатидан ўтказиладиган келишувлар тўғрисидаги маълумотларга, давлат статистика ҳисботи тариқасида тақдим этиладиган маълумотлар ва ҳоказоларга) нисбатан татбиқ этилмайди.

Ошкор этилмаган ахборотни муҳофаза қилиш хуқуки ушбу Кодекснинг 98-моддасида назарда тутилган шартлар сақланиб турган пайтга қадар амал қиласди.

1. Хизмат ва тижорат сири бўлган ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисидаги умумий коидалар ФКнинг 98-моддасида мустаҳкамланган бўлиб, ундан ахборотга муҳофаза бериш учун зарур бўлган учта муҳим шарт келиб чиқади. Биринчидан, ахборот ҳақиқий ёки нисбий тижорат қимматига эга бўлиши керак. Бундай ахборот эгаси ушбу ахборотдан фойдаланишдан ҳозирги вақтда ёки келгусида муайян моддий манфаат кўради. Масалан, бир савдо фирмаси муайян жойда

яшовчи аҳолини қамраб олишнинг алоҳида схемасига ва аҳолига ўз товари тўғрисидаги маълумотларни етказиш усулларига эга. Бундай тизимга эга бўлмаган ҳолда ишлаётган ўз ракобатчиларига нисбатан мазкур фирма анча самарали фаолият юритади. Бошқа бир мисол: чанқовбосди ичимликлар ишлаб чиқарувчи фабрика ўз маҳсулотининг асоси ҳисобланган ичимлик сувини тозалашнинг алоҳида усулига эга ва ушбу усул сирларини патент олмаган ҳолда, ноу-хау режимида сақлади. Ҳар иккала мисолда ҳам муайян ахборотга эга бўлиш бошқа шахсларга нисбатан реал моддий устунликлар беради. Таъкидлаш жоизки, аксарият ҳолларда ушбу ахборот илмий тадқиқотлар, тажрибани умумлаштириш, оддийгина кузатув, яъни интеллектуал ижодий фаолият натижасида ўз эгасининг бойлигига айланди. Айни мана шундай жиҳатнинг мавжудлиги ошкор қилинмаган ахборотни интеллектуал мулк обьектлари жумласига киритиш имконини беради. Иккинчидан, бундай ахборотнинг учинчи шахсларга номаълум эканлиги уни интеллектуал мулк обьектларига киритиш шартидир. Ахборотнинг оммавий ахборот воситалари орқали ва бошқа тарзда одамларнинг кенг доирасига маълум бўлиши умуман олганда интеллектуал мулк хукуки обьекти мавжудлиги тўғрисида гапириш имкониятидан маҳрум қиласди. Негаки, муҳофаза ҳужжатлари билан ҳимоя қилинмаган ва барчага ошкор бўлган ахборот муайян субъектнинг мулки бўлиши мумкин эмас. Агар ахборот эгаси уни сир сақлаётган бўлса ва бу ахборотдан фойдаланиш имкониятига фақатгина у эга бўлса, ахборотдан фойдаланиш хукуқини қонунлар билан ҳимоя қилиш учун асослар юзага келади.

Ошкор қилинмаган ахборотни ноқонуний фойдаланишдан муҳофаза қилиш хукуқи ахборот эгасида танҳо эгалик ҳолати вужудга келиши билан пайдо бўлади ва бу ахборотга нисбатан бирон-бир расмиятчиликни бажариш (уни рўйхатдан ўтказиш, реестрга киритиш, патент ёки гувоҳнома олиш, экспертиза қилиш, сертификат олиш ва ҳоказо) талаб этилмайди. Бироқ, баъзи ҳолларда Ўзбекистон ҳудудига ноу-хауни лицензия асосида олиб кириш еки олиб чиқиши ҳақидаги шартномалар ваколатли давлат ндораларида рўйхатдан ўтказиш шартлиги ҳақида қоида мавжуд. Бироқ, бунда давлат идораси зиммасига ноу-хау маҳфийлигини сақлаш ва таъминлаш мажбурияти юкландади.

Ушбу моддадаги айрим, яни ошкор этилмаган ахборотни муҳофаза қилиш қонунга мувоғиқ хизмат ёки тижорат сири бўла олмайдиган маълумотларга нисбатан татбиқ этилмаслигини белгилайди. Ушбу қоида хўжалик юритувчи субъектларнинг хизмат ёки тижорат сири никоби остида ҳар хил суиистемолликлар, ўзбошимчаликлар ва бошқаларнинг манфаатларига зид ҳаракатлар содир этишининг олдини олади, унга хукуқий тусиқлар қўяди.

Қонуний асосда ахборотдан эркин баҳраманд бўлиш мумкин бўлмаган хамда хукуқ эгаси ахборотнинг маҳфийлигини сақлашга доир чоралар кўрган ҳоллар ошкор этилмаган ахборотга ҳимоя беришнинг учинчи шартидир. Учинчи шахслар муҳофаза қилинаётган технологияни кўриш, жараёнларнинг моҳиятини очиб берувчи хужжатлар билан танишиш ва бошқа шу кабилар учун имкониятга эга бўлмасликлари керак.

2. Мазкур обьектларни муҳофаза қилишнинг мезонлари деб ҳам аташ мумкин бўлган юқорида тилга олинган учта белги бир вақтнинг ўзида мавжуд бўлса, ошкор этилмаган ахборот хукуқий ҳимоя предмети ва боз устига, қонун билан чекланмаган муддатга хукуқий ҳимоя предмети ҳисобланади. Токи кўрсатиб ўтилган белгилар сақланар экан, ахборот ҳам ҳимоя қилинаверади. Кўрсатилган талабларга риоя қилинган тақдирда, ошкор этилмаган ахборот интеллектуал мулк хукуқи обьектига айланади, унинг эгаси эса, тегишинча мазкур обьектга бўлган ноқонуний фойдаланишдан муҳофаза қилиш хукуқига эга бўлади.

Ҳар қандай ахборот эмас, балки фақатгина савдо, ташкилий ёки тижорат ахбороти, шунингдек ишлаб чиқариш сири ҳимоя қилинади. У ёки бу ахборотни санаб ўтилган ахборот турлари жумласига киритиш учун ҳеч қандай чеклов йўқ, негаки, маълумотлар характеристи турли-туман бўлиши мумкин. Шунинг учун «ошкор этилмаган ахборот» иборасининг синоними бўлган атамалар ҳам турлича, масалан, «ишлаб чиқариш сири», «савдо сири», «конфиденциал ахборот», «ноу-хау», «тижорат сири» ва бошқа шу каби номлар билан аталиши мумкин. Қонунда маълумотларнинг ҳаммасини санаб ўтишнинг имкони йўқ. Энг макбули қандай ахборот тижорат сири бўлмаслигини белгилашдир. Шарҳланаётган модданинг учинчи кисми худди шунга бағишлиланган. Юридик шахслар, мол-мулкка бўлган хукуқлар ва уларга доир битимлар, давлат рўйхатидан ўтказилиши керак бўлган маълумотлар хизмат ёки тижорат сири бўлмайди, давлат ста-

тистика ҳисоботлари сифатида тақдим этилиши лозим бўлган ва бошқа шу каби маълумотлар хизмат ёки тижорат сири жумласига кирмайди.

3. Қонун ҳужжатларида ёки таъсис ҳужжатларида эълон қилиниши шарт бўлган ёки акциядорларнинг, хўжалик ширкати аъзоларининг (қатнашчиларининг) ёки бошқа муайян доираадаги шахсларнинг эътиборига етказилиши шарт бўлган маълумотлар рўйхати кўрсатилиши мумкин. Бундай маълумотлар жумласига, хусусан, давлат реестридаги маълумотлар, тадбиркорлик фаолиятининг йиллик баланс якунлари, шу жумладан, сальдо баланси, устав фондининг суммаси, кредиторлик ва дебиторлик қарзларининг жамлама суммалари, фойда ва зарар ҳисоби сальдоси, давлат статистика ҳисобдорлигининг қоидаларига мувофиқ эълон қилиниши лозим бўлган маълумотлар киритилиши мумкин. Давлатнинг мутлақ ваколатларига кирадиган масалаларга доир маълумотларни яширишнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Хукумати маълумотлари тижорат сири жумласига киритилиши мумкин бўлмаган фаолият турларининг рўйхатини белгилаши мумкин.

### **1096-модда. Ошкор этилмаган ахборотдан ноқонуний фойдаланганлик учун жавобгарлик**

**Ошкор этилмаган ахборотни қонуний асоси бўлмай туриб олган ёки тарқатган ёхуд ундан фойдаланаётган шахс бу ахборотга қонунан эга бўлиб турган шахсга ахборотдан ноқонуний фойдаланганлик натижасида етказилган заарни тўлаши шарт.**

**Ошкор этилмаган ахборотдан ноқонуний фойдаланаётган шахс бу ахборотни уни тарқатишга ҳуқуқи бўлмаган шахсдан олган бўлса, ахборотни қўлга киритувчи шахс бундан беҳабар бўлса ва буни билмаслиги керак бўлса (ахборотни инсофли эгалловчи), ошкор этилмаган ахборотнинг қонуний эгаси ахборотни инсофли эгалловчи ахборотдан фойдаланаётганлиги ноқонуний эканлигини билиб қолганидан сўнг ошкор этилмаган ахборотдан фойдаланганлик натижасида етказилган заарларни қоплашни ундан талаб қилишга ҳақлидир.**

**Ошкор этилмаган ахборотга қонунан эга бўлиб турган шахс бу ахборотдан ноқонуний фойдаланаётган шахсдан ахборотдан фойдаланишини дарҳол тўхтатишни талаб қилишга ҳақлидир. Бироқ суд**

**ошкор этилмаган ахборотни инсофли эгалловчи ундан фойдаланганда сарфлаган маблагларини инобатга олиб, бу ахборотдан ҳақ тўлаб олинадиган алоҳида лицензия асосида бундан буён ҳам фойдаланишига рухсат этиши мумкин.**

**Ошкор этилмаган ахборот мазмунини ташкил этувчи маълумотларни мустақил тарзда ва қонунан олган шахс бу маълумотлардан, тегишли ошкор этилмаган ахборот эгасининг хукуқларидан қатъи назар, фойдаланишга ҳақли ва бундай фойдаланиш учун унинг олдида жавоб бермайди.**

1. Тижорат сирини муҳофаза қилиш — хизмат ёки тижорат сири бўлган маълумотларни ошкор қилишни тақиқлаш, яъни муайян ёки номуайян шахслар доирасида маълумотлар уларни қабул қилиш учун мақбул бўлган ҳар қандай шаклда тарқатилишини тақиқлаш, шунингдек бундай маълумотларни бошқа шахсга беришни тақиқлашдир.

2. Тижорат сирини ташкил этадиган маълумотларни ноқонуний йўл билан олган ҳар қандай шахс улардан ўзининг ғаразли мақсадларида фойдаланишга, агар бундай фойдаланиш тижорат сирига бўлган хукуқ субъектига заарар етказадиган бўлса, ҳақли эмас. Акс ҳолда бундай ҳаракатлар Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 6 январда қабул қилинган ЎРҚ-319-сонли «Рақобат тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ инсофсиз рақобат деб эътироф этилади. Мазкур Қонуннинг 4-моддасида инсофсиз рақобат турлари жумласига илмий-техникавий, ишлаб чиқариш ёки савдо ахборотини, шу жумладан тижорат сирини эгасининг розилигисиз олиш, ундан фойдаланиш, уни ошкор этиш каби ҳаракатлар киритилган.

Ошкор этилмаган ахборотни қонуний асоси бўлмай туриб олган ёки тарқатган ёхуд ундан фойдаланаётган шахс ахборотга қонунан эга бўлиб турган шахсга ахборотдан ноқонуний фойдалангандик (олганлик, тарқатгандик) натижасида етказилган зарарни тўла ҳажмда тўлаши шарт. Зарар ошкор этилмаган ахборотни ахборог эгаси учун мутлак ёки нисбий тижорат қиймати (самараси)нинг пасайишида, камайишида ёки йўқолишида (касб-кор нуфузи, маҳсулот (хизмат)нинг рақобатбардошлик даражаси, нархига салбий таъсир қилишда) намоён бўлади. Ошкор этилмаган ахборотдан ноқонуний фойдалангандик шахс бунинг натижасида даромад олмаганлиги зарарни ундирамаслик учун асос бўлмайди. Агар

даромад (фойда) олинган бўлса, у ахборотнинг қонуний эгасига ундириб берилиши лозим.

Ушбу шарҳланайтган моддада ошкор этилмаган ахборотни инсофли эгалловчи тушунчаси берилган ва ахборотдан ноқонуний фойдаланганда унда ахборот эгаси олдида жавобгарликнинг вужудга келиш вақти белгиланган. Ахборотни инсофли эгалловчи ахборотдан ноқонуний фойдаланаётганлигини билган вақтдан бошлаб, агар ахборотдан фойдаланишини давом эттирса, ахборот эгаси олдида жавобгар бўлади ва унга зарарни тўлаши шарт. Шу сабабли ҳам ахборотнинг қонуний эгаси инсофли эгалловчини ахборотдан ноқонуний фойдаланаётганлиги ҳақида огоҳлантириши лозим.

Ошкор этилмаган ахборотни инсофсиз эгалловчи ахборотни олган, тарқатган ёки ундан фойдаланган вақтдан бошлаб жавобгар бўлади. Ошкор этилмаган ахборотни инсофсиз эгаллашнинг кенг тарқалган усуллари — бу саноат жосуслиги ва ахборот эгаси бўлган субъектнинг ишчи-хизматчисини сотиб олиш, фирром рақобат ҳисобланади ва у фуқаролик-хукуқий жавобгарликдан ташқари тегишли ҳолларда маъмурий ёки жиноий жавобгарликка ҳам олиб келади.

Ошкор этилмаган ахборотга қонуний эга бўлиб турган шахс бу ахборотдан бошқа шахсларнинг ноқонуний фойдаланаётганлигини билган заҳоти уни тўхтатишини талаб қилишга ҳақли. Айни вақтда ахборотни инсофли эгалловчи ундан фойдаланишини қонуний асосга ўтказилишини сўраб ахборот эгасига, у билан келишувга эриша олмаган тақдирда судга мурожаат қилишга ҳақли. Агарда инсофли эгалловчи бу ахборотлардан фойдаланиш учун сарф-харажатлар қилган (ускуналар, қурилмалар, иншоотлар тайёрлаган, курган, сотиб олган) бўлса, суд унга бу ахборотдан ҳақ тўлаб олинадиган мутлақ лицензия асосида бундан бўён ҳам фойдаланиши учун рухсат беришга ҳақли. Ҳақ микдори тарафлар ўртасида келишув асосида ёки суд томонидан белгиланади.

Ошкор этилмаган ахборот мазмунини ташкил этувчи маълумотларни ўзи мустақил тарзда (ўзи яратган, ишлаб чиқсан, аниқлаган ёки унинг топшириғи, буюртмаси асосида бошқа шахслар яратган, ишлаб чиқсан, аниқлаган бўлса) ва бундай ахборотни қонуний олган шахс (ахборотни қонуний эгасидан ҳақ бараварига сотиб олган, фойдаланишга лицензия олган, хукуқий ворислик тартибида олган ва ҳоказо) бу маълумотлардан,

тегишли ошкор этилмаган ахборот эгасининг хуқуқларидан катъи назар, фойдаланишга ҳақли ва бундай фойдаланиш учун унинг олдида жавоб бермайди. Ахборотнинг қонуний эгаси ахборотни мустакил ва қонуний олган бошқа шахсларга ундан фойдаланишларини тақиқлаб қўйишга, ҳақ талаб қилишга, шунингдек бошқача тарзда эркин тасарруф этишларига тўсқинлик қилишга ҳақли эмас, Агар ахборотдан хабардор бўлган барча шахслар маҳфийликни сақлаб қолишни хоҳласалар, уни таъминлаш бўйича ўзаро келишувга эришишлари ва ошкор этилмаган ахборотнинг шерик эгалари сифатида ҳаракат қилишлари лозим.

### **1097-модда. Ошкор этилмаган ахборотни ноқонуний фойдаланишдан муҳофаза қилиш хуқуқининг бошқа шахсга ўтиши**

**Ошкор этилмаган ахборотга эга бўлган шахс бу ахборот мазмунини ташкил этувчи маълумотларнинг ҳаммасини ёки бир қисмини лицензия шартномаси асосида бошқа шахсга бериши мумкин.**

Лицензиат шартнома бўйича олган ахборотларнинг маҳфийлигини муҳофаза қилишга доир керакли чораларни кўриши шарт ва уни учинчи шахсларнинг ноконуний фойдаланишидан муҳофаза қилишда лицензиарники сингари хуқуқларга эга. Шартномада ўзгача ҳол назарда тутилган бўлмаса, ахборотларнинг маҳфийлигини сақлаш мажбурияти, башарти тегишли маълумотлар ошкор этилмаган ахборот тариқасида қолаверса, лицензия шартномаси бекор бўлганидан кейин ҳам лицензиатнинг зиммасида бўлади.

1. Хуқуқ эгаси ФКнинг 98 ва 1095-моддалари талабларига риоя этган тақдирда, ошкор этилмаган ахборот унинг эгасига тегишли мутлак хуқуқ обьекти, бозор товари бўлиб, унга нисбатан хуқуқдан ёки лицензия шартномасидан ўзганинг фойдасига воз кечилиши мумкин. Хуқуқ эгаси ахборотга бўлган хуқуқдан бошқа шахснинг фойдасига воз кечиши, ўзининг келгусида ахборотдан фойдаланишини умуман рад қилиши, шунингдек ошкор этилмаган ахборотдан бошқа субъект фойдаланиши тўғрисида лицензия шартномаси тузиши мумкин.

2. Ошкор этилмаган ахборотни эгаллаб олишнинг бошқа барча усуллари ноқонуний бўлиб, одатда жиноий ёки маъмурий жазо тусидаги қилмишларда (саноат шпионажи, ходимни ўзига оғдириб олиш, хат-

хужжатларни перлюстрация қилиш, хужжатларни ўғирлаш, ходимга таж-вуз қилиш, ўзгаларнинг гапини яширин эшитиш, бинога ёки компьютер тармоғига киришда) ўз ифодасини топади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 191-моддасида «Сир тутиладиган фан-техникага, ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, савдога оид ва бошқа шу каби ахборотни эгасининг розилигисиз қасдан ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш хўжалик юритувчи субъектга кўп миқдорда заарар...» етказиш каби жиноят таркиби мавжуд бўлган қилмишлар санаб ўтилган.

Ошкор этилмаган ахборотга қонунан эгалик қилувчи шахс бу ахборот мазмунини ташкил этувчи маълумотларнинг ҳаммасини ёки бир қисмини бошқа шахсга лицензия шартномаси асосида бериши мумкин. Лицензия олган шахсда ахборотлардан фойдаланишга бўлган хукук билан бир вақтда ушбу ахборотдан бошқа шахсларнинг ноқонуний фойдаланишидан муҳофазаланиш хукуки ҳам вужудга келади. Ошкор этилмаган ахборотлар ичida ноу-хауни лицензия асосида ўтказиш кенг тарқалган. Баззи адабиётларда ноу-хауни соҳибида унга нисбатан мутлақ хукуқ мавжуд бўлмагани учун уни бошқа шахсга топшириш лицензия шартномаси эмас, чунки бунда шартноманинг предмети бўлиб, ноу-хаудан фойдаланишга бўлган мутлақ хукуқ эмас, балки ноу-хаунинг ўзини топшириш ҳисобланади деган қарашлар ҳам мавжуд (қаранг: Гражданское право. Т. 2. М., БЕК, 1994 й., 252-бет). Ноу-хауни ҳиссадорлик (акциядорлик) жамиятлари, масъулияти чекланган жамиятлар, қўшма корхоналар устав жамғармаларига эгаси томонидан улуш, хисса, пай сифатида қўшиш ҳоллари ҳам кўп учрайди.

Лицензия шартномасининг энг асосий шартларидан бири топширилаётган ахборотнинг маҳфийлигини сақлашни таъминлаш. Бунда лицензиат зиммасига ахборотларнинг маҳфийлиги (конфиденциаллиги) ни муҳофаза қилиш юзасидан тегишли чоралар кўриш мажбурияти юкланди.

Лицензиат ҳам ошкор этилмаган ахборотларни учинчи шахсларнинг ноқонуний фойдаланишидан муҳофаза қилинишида лицензиарларники каби ҳуқуqlарга эга (ноқонуний фойдаланиш натижасида етказилган зарарни ундириш, ноқонуний фойдаланишни тўхтатишни талаб қилиш ҳукуки ва ҳоказо).

Маълумки лицензия шартномаси маълум муддат давомида амал қиласи. Бироқ, ошкор этилмаган ахборот моддий-ашёвий эмас, гоявий негиззга эга.

Бундай ахборот у билан танишган, хабардор бўлган шахсдан бегоналаштирилиши, хотирадан ўчириб ташланиши амалда деярли мумкин эмас. Шу сабабли ушбу шарҳланаётган модда ахборотларнинг махфийлигини сақлаш мажбурияти, башарти тегишли мажбуриятлар ошкор этилмаган ахборот тариқасида қолаверса, лицензия шартномаси бекор бўлганидан кейин ҳам лицензиат зиммасида қолиши ҳақидаги қоидани назарда тутади (агар шартномада бошқача келишилган бўлмаса). Лицензияларнинг ошкор қилинмаган ахборотларга нисбатан танҳо эгалик мавқеини йўқотиш билангина лицензиатнинг бу мажбурияти бекор бўлиши мумкин

# **65-БОБ. ФУҚАРОЛИК МУОМАЛАСИ ҚАТНАШЧИЛАРИ, ТОВАРЛАР, ИШЛАР ВА ХИЗМАТЛАРНИ ШАХСИЙЛАШТИРИШ ВОСИТАЛАРИ**

## **1-§. ФИРМА НОМИ**

### **1098-модда. Фирма номига бўлган ҳуқуқ**

**Юридик шахс товарларда, уларнинг идиши ва ўровида, рекламада, пешлавҳаларда, босма маълумотномаларда, хисобварақларда, босма нашрларда, расмий бланкаларда ва ўзининг фаолияти билан боғлиқ бошқа ҳужжатларда, шунингдек маҳсулотларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўтказилаётган кўргазма ва ярмаркаларда намойиш этиш вақтида фирма номидан фойдаланишда алоҳида ҳуқуқقا эга.**

**Юридик шахснинг фирма номи унинг таъсис ҳужжатларида кўрсатилади. Фирма номига бўлган ҳуқуқ юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан эътиборан юзага келади.**

**Юридик шахснинг фирма номи тегишли юридик шахсларни айнан бир деб хисоблашга олиб келиши мумкин бўлган даражада аввал рўйхатдан ўтказилган номга ўхшаб кетадиган бўлса, у рўйхатга олиниши мумкин эмас.**

1. Фуқаролик муомаласи қатнашчилари, товарлар, ишлар ва хизматларни шахсийлаштириш воситалари тўғрисидаги боб фирма номлари тўғрисидаги нормалар билан бошланади. Таъкидлаш жоизки, объектларнинг ушбу гурухи ижодий фаолият натижалари (муаллифлик ҳуқуки, саноат мулки) каби анъанавий объектларга ўхшамайди. Бироқ, фирма номлари, товар белгилари, товар ишлаб чиқарилган жой номи юқоридаги объектлар билан битта ўхшашиб белгига эга, яъни мутлак ҳуқуқ улардан фойдаланиш учун асос бўлиб хизмат қиласи. Ушбу объектларда интеллектуал мулк натижаси, яратишнинг ижодий тузи каби бошқа белгилар (масалан, ранг-баранг бўёқлардаги товар белгиси) мавжуд бўлиши

мумкин, бироқ улар ҳуқукий муҳофаза учун ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас.

«Фирма номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конуни<sup>1</sup>да Фирма номи юридик шахс бўлган тижорат ташкилотининг индивидуал номи бўлиб, унга доир мутлақ ҳуқуқ юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган вақтда юзага келади деб таъкидланган.

Юридик шахс тўлиқ фирма номи билан бирга қисқартирилган фирма номига ҳам эга бўлиши мумкин.

Юридик шахснинг фирма номида унинг ташкилий-ҳуқукий шакли кўрсатилиши керак.

Конунда назарда тутилган ҳолларда фирма номида юридик шахс фаолиятининг хусусияти кўрсатилиши керак.

Шунингдек, фирма номида қўйидагилар кўрсатилиши таъкиқланади:

1) давлатнинг расмий номи, халқаро, ҳукуматларо ёки нодавлат нотижорат ташкилотининг қисқартирилган ёки тўлиқ номи;

2) тарихий ёки Ўзбекистон Республикасида машхур бўлган шахснинг тўлиқ ёки қисқартирилган исми, белгиланган тартибда бериладиган рұхсатсиз;

3) фирма номининг эгаси, унинг фаолият тури ёки у келиб чиққан мамлакат хусусидаги сохта ёки истеъмолчини чалғитиши мумкин бўлган белгилар;

4) жамият манфаатларига, инсонпарварлик ва ахлоқ принципларига зид бўлган белгилар кўрсатилмаслиги керак.

Фирма номида:

илгари Ўзбекистон Республикасида бошқа юридик шахс номига рўйхатдан ўтказилган ёки рўйхатдан ўтказиш сўраб талабнома берилган, илгарироқ устуворликка эга бўлган фирма номлари;

илгари Ўзбекистон Республикасида бошқа шахс номига рўйхатдан ўтказилган ёки рўйхатдан ўтказиш сўраб талабнома берилган, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилмай муҳофаза қилинадиган товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари);

---

1 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси № 9, 493 –м. 2006 й.  
18 сентябрь

белгиланган тартибда ҳаммага маълум деб эътироф этилган товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари);

белгиланган тартибда қонун ҳужжатлари билан муҳофаза қилинадиган товарлар келиб чиққан жойларнинг номлари билан, шундай номдан фойдаланиш ҳукукига эга бўлган шахс номига рўйхатдан ўтказиш ҳоллари бундан мустасно, адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга ўхшаш бўлган белгилар ҳам кўрсатилмаслиги керак.

Истисно тариқасида «Фирма номлари тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддаси учинчи қисмида кўрсатиб ўтилганки, агар юкоридагиларни фирма номида акс эттириш учун тегишли давлат органининг ёки ташкилотнинг рухсати бўлса, фирма номига киритилиши мумкин.

Фирма номи бир тижорат ташкилотини бошқа тижорат ташкилотларидан фарқлаш учун хизмат қиласидиган воситадир. Фирма номига қўйиладиган талаблар умуман юридик шахсларнинг номлари тўғрисидаги талабларни ўз ичига олади. Хусусан, фирмага ном танлаш вақтида мазкур ном унинг ташкилий-ҳукукий шаклини (ширкат, акциядорлик жамияти, хусусий корхона ва бошқа шу кабилар), мулк шаклини (хусусий, давлат мулки), фаолият йўналишини (ишлаб чиқариш, илмий, савдо ва бошқа шу кабилар) ўз ичига олиши шарт эканлигини назарда тутиш зарур. Мазкур расмий қисмдан ташқари ноёб, хаёлий номдан фойдаланиш мумкин. Худди мана шу ҳол кўпинча тижорат ташкилотини бошқа ташкилотлардан реал фарқлаш имконини беради.

Фирма номларига нисбатан ҳам барча юридик шахсларнинг номларига бўлган умумий талаб тааллуқлидир — уларнинг таркибида қонун ҳужжатларининг талабларига ёки ижтимоий ахлоқ нормаларига зид бўлган номлар (масалан, чет эл тилларига мансуб бўлиб, ўзбек ёки рус тилларида талафуз қилинганида ҳақорат ёки бошқа уятсиз товуш); агар улар иштирокчиларнинг исмларига ўхшаш бўлмаса ёки иштирокчилар ана шу шахслардан (улар ворисларидан) уларнинг номидан фойдаланишга рухсат олмаган бўлсалар, шахсларнинг ўз номлари бўлмаслиги керак.

2. Фирма номининг юридик шахсларни индивидуаллаштириш воситаси сифатидаги мазмун-моҳиятидан келиб чиқилса, жисмоний шахстадбиркор фирмам номига эга бўлиши мумкин эмас, унинг учун ўз исми ва фамилияси етарлидир. Акс ҳолда муносабатлар субъектини аниқлаш муаммоси юзага келиши мумкин.

3. Тижорат ташкилоти фирма номига эга бўлишга нафақат ҳақли, балки бундай номга эга бўлиши шарт. Бизнинг мамлакатимизда бир қатор хорижий мамлакатларда (Финляндия, Италия, Греция ва бошқалар) бўлгани каби фирма номларини рўйхатга олишнинг алоҳида тартиб-таомили мавжуд эмас. Юридик шахс рўйхатга олинганда автоматик равишда фирма номи ҳам рўйхатга олинади. Таъкидлаш керакки, моҳиятан олганда бу юридик шахсни рўйхатга олиш демакдир, бинобарин номсиз юридик шахсни рўйхатдан ўтказиб бўлмайди.

4. Фирма номлари, энг аввало, истеъмолчилар учун, шунингдек давлат органлари учун қулай бўлиши мақсадида жорий этилган. Фирма номларини муҳофаза қилишнинг аниқ-равshan тизими мавжуд бўлса, сифатсиз товар ишлаб чиқарганлик учун жавобгар ташкилотни, шунингдек бошка ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уни жавобгарликка тортиш осон бўлади. Шу муносабат билан шарҳланаётган модданинг учинчи қисмида юридик шахснинг фирма номи тегишли юридик шахсларни айнан бир деб хисоблашга олиб келиши мумкин бўлган даражадаги номга ўҳшаб кетса, у рўйхатга олинмаслиги тўғрисидаги қоида баён этилган. Бироқ бу ҳол, бир хил фирма номига эга бўлган юридик шахсларнинг мавжуд бўлиши мумкин эмас деган маънони англатмайди. Агар ташкилотлар фаолиятнинг бошқа-бошқа турлари билан шуғулланаётган бўлса ва улар танланган бизнес соҳалари ўзаро алоқадор бўлмаса, бир хил фирма номига эга бўлган иккита юридик шахс мавжуд бўлиши мумкин. Агар гап, масалан, майший турмуш товарлари ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган бир хил номдаги иккита ёки учта фирма ҳақида бораётган бўлса, бу бошқа масала. Бу ҳол юридик шахсларнинг бирхиллаштирилиб қўйилишига, ишлаб чиқарилаётган товарлар ёки кўрсатилаётган хизматлар борасида истеъмолчиларни чалкашликларга олиб келиши мумкин. Бундай вазиятда номдан фойдаланиш ҳуқуқи фирма номини биринчи бўлиб рўйхатдан ўтказган фирмага тегишли бўлади.

## **1099-модда. Юридик шахснинг фирма номидан товар белгисидан фойдаланиш**

**Юридик шахснинг фирма номидан унга тегишли товар белгисида фойдаланилиши мумкин.**

Фирма номига бўлган мутлақ хукуқнинг асосий моҳияти фирма фуқаролик муомаласида ўзи танлаган фирма номи остида иш юритиш имкониятига эга эканлигидан иборатdir. Хусусан, фирма номи бланкага, маҳсулот ўрови ва маҳсулотнинг ўзига туширилишидан ташқари товар белгисининг тасвирий ёки сўз билан ифодаланган қисмини ташкил этиши мумкин, унга бўлган хукуқ эса муайян юридик шахсга тегишли бўлади.

### **1100-модда. Фирма номига бўлган хукуқнинг амал қилиши**

**Юридик шахснинг белгиси тариқасида Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган номга бўлган алоҳида хукуқ Ўзбекистон Республикаси худудида амал қиласди.**

**Чет давлатда рўйхатга олинган ёки умум эътироф этган номга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида алоҳида хукуқ қонунда назарда тутилган ҳоллардагина амал қиласди.**

**Фирма номига бўлган хукуқнинг амал қилиши юридик шахс тугатилиши билан ёки унинг фирма номи ўзгариши билан бекор бўлади**

Ўзбекистон Республикасида юридик шахсни номи сифатида рўйхатга олинган фирма номига бўлган мутлақ хукуқнинг мамлакатимиз ҳудудида амал қилиши тўғрисидаги умумий қоидалардан истисно ҳам мавжуд. Рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги қоида чет эл фирма номларига дахлдор эмас. 1883 йил 20 марта Саноат мулкини муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенциясининг 8-моддасига мувофиқ, фирма номи Конвенция иштирокчиси бўлган барча мамлакатларда талабнома топширилмаган ёки рўйхатга ўтказилмаган ҳолда ҳам муҳофаза қилинади. Ушбу норма Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида ҳам бевосита амал қиласди, чунки мамлакатимиз 1991 йил 25 декабрда собиқ СССР қатнашчиси ҳисобланган Париж конвенцияси СССР парчаланганидан кейин мамлакатимиз ҳудудида амал қилишда давом этишини эълон қилган. Шундай қилиб, ФК 1100-моддаси биринчи қисмига мувофиқ фирма номи давлат рўйхатидан ўтказишда мамлакатимиздаги қайси юридик шахсга мустаҳкамлаб қўйилган бўлса, факат ўша юридик шахсга дахлдор бўлади.

**Юридик шахснинг фирма номига бўлган мутлақ хукуки Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилиши, эътироф этилиши, муҳофаза қилинишининг зарур шарти — бу номни Ўзбекистон Республикасининг**

ваколатли давлат идораларида рўйхатдан ўтказилганлиги ва бу ҳақда далолатнома берилганлигидир.

Ушбу талабга риоя қиласлик фирма номига нисбатан мутлақ хукукнинг тан олинмаслигига сабаб бўлади.

Чет давлатда рўйхатга олинган ёки умум эътироф этган номга (масалан, Самсунг, Боинг, Сони, Кока-Кола ва ҳоказо) нисбатан мутлақ хукуқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида куйидаги ҳолларда амал қилиши мумкин:

а) агар бу Ўзбекистон Республикаси кўшилган халқаро конвенциялар, битимлар ва бошқа ҳужжатларда назарда тутилган бўлса;

б) агар бу Ўзбекистон Республикаси билан хорижий давлатлар ўртасидаги икки томонлама, кўп томонлама шартномалар, битимларда назарда тутилган бўлса.

Саноат мулкини муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенциясининг 8-моддасида кўрсатиладики, конвенциянинг иштирокчиси бўлган ҳар бир давлат бошқа иштирокчи хорижий давлатда жойлашган фирма номини унинг ўзида қайд этилган-этилмаганидан қатъи назар (қайд этиш хақидаги талаб мажбурийлигидан қатъи назар) хукукий муҳофаза қилиши, мутлақ хукукини таъминлаши лозим. Ўзбекистон Республикаси Париж конвенциясининг иштирокчисидир.

Фирма номига бўлган мутлақ хукуқ у қайд этилганидан бошлаб муддатсиз амал қиласди.

Ном эгаси бўлган юридик шахс тугатилганидан бошлаб ёки унинг фирма номи белгиланган тартибда ўзgartирилганда унга бўлган мутлақ хукуқ ҳам бекор бўлади. Фирма номи ўзgartирилганда, бу ошкора, оммавий эълон қилиниши шарт.

## **1101-модда. Фирма номига бўлган хукуқни бошқа шахсга бериш**

**Юридик шахснинг фирма номига бўлган хукуқни бошқа шахсга бериш ва ўтказишга фақат юридик шахс қайта ташкил этилган ҳамда умуман корхона бошқа шахсга берилган ҳоллардагина йўл қўйилади.**

Фирма номига бўлган хукуқ эгаси бошқа шахсга ўзининг бу номидан фойдаланишга рухсат этиши (лицензия бериши) мумкин. Бироқ бунда лицензия шартномасида истеъмолчини чалғитиб қўйишни истисно этувчи чоралар шарт қилиб қўйилиши лозим.

1. Фирма номи эгасининг мутлақ ҳукуқлари ҳажми бошқа интеллектуал мулк обьектларининг ўхшаш ҳажмидан фарқ қиласи. Агар ихтирога, фойдали моделга, саноат намунасига, товар белгисига бўлган ҳукуқлардан ўзганинг фойдасига воз кечиш (уларни сотиш, ҳадя қилиш ва шу кабилар) мумкин бўлса, фирма номига нисбатан эса, бу фақатгина корхона умуман қайта ташкил этилаётганида ёки бошқа шахсга берилаётганида мумкин бўлади. Корхона умуман бошқа шахсга берилганда ва иккита ёки бир нечта юридик шахсни қўшиб юбориш орқали қайта ташкил этилганда янги эгалик қилувчи фирманинг номини ўзgartириш ёки аввалги номини сақлаб қолиш масаласини ҳал қиласи. Корхона бўлиб юбориш ёки ажратиб чиқариш орқали қайта ташкил этилгандаги вазият бирмунча мураккаб. Фикримизча, бўлгуси мустакил субъектлар аввалги фирманинг номидан фойдаланиш тўғрисидаги масалани шартнома тартибида ҳал этишлари керак. Ўзаро келишувга эришилмагани тақдирда, суд қарор қабул қиласи. Чамаси, бундай ишларни кўриб чиқиш вақтида суд, энг аввало, истеъмолчилар аввалги корхонанинг маҳсулотлари ёки хизматларидан қай даражада манфаатдор эканликларига асосланиши керак. Айни истеъмолчилар фирма номидан номақбул тарзда фойдаланишидан жабр кўрмасликлари лозим. Истеъмолчиларга маълум бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни давом эттирадиган янги корхона фирма номини ўзида сақлаб қолса, анча мақбул бўлади. Агар ҳар иккала юридик шахс ҳам ишлаб чиқаришни сақлаб қолса, уларга фирма номининг асосий қисмини сақлаб қолган холда унга сўз ёки сўз қисми тарзидаги фарқловчи қисмларни қўшишни тавсия қилиш мумкин.

2. Фирма номини ундан вақтинча фойдаланиш учун бошқа шахсга ўтказиш ҳам муайян хос жиҳатларга эга. Равшанки, бу ҳол товарлар ёки хизматлар сифатининг аввалги ёки асосий эгалик қилувчи ишлаб чиқарган товарлар ва хизматлар сифатига таққослаганда пасайиб кетишига олиб келиши мумкин. Бунга йўл қўймаслик учун умуман фирма номига бўлган ҳукуқдан эмас, балки ундан муайян усусларда фойдаланиш, масалан, товар ва хизматларнинг фақат муайян турларини ишлаб чиқариш ҳукуқидан ўзганинг фойдасига вақтинча воз кечиш тўғрисидаги коида жорий этилган.

Фирма номига бўлган ҳукуқ эгаси бошқа шахсга ўзининг фирма номидан фойдаланишга рухсат бериши (лицензия бериши) мумкин (масалан,

ФКнинг 862-моддасида белгиланган франшизинг шартномасини тузиш орқали). Лицензия фирма номидан фойдаланиш ҳоллари, доираси, бунинг учун олинадиган ҳақ микдори, тўлаш тартиби каби шартларни ўз ичига олиши лозим.

Айни вақтда шартномада лицензиар лицензиат зиммасига фирма номидан фойдаланишда истеъмолчини чалғитиб қўйиш, алдашига олиб келишни истисно этувчи чоралар кўриш мажбуриятини юклashi ва уни бажарилиши устидан назорат қилиши лозим.

Бундай чоралар кўрилмаган тақдирда истеъмолчининг эътиrozлари лицензиат (бошқанинг фирма номидан фойдаланувчи)га эмас, балки лицензиарга (фирма номининг эгасига) қаратилиши мумкин.

## **2-§. ТОВАР БЕЛГИСИ (ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БЕЛГИСИ)**

### **1102-модда. Товар белгисини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш**

**Товар белгиси (хизмат кўрсатиш белгиси) уни рўйхатдан ўтказиш асосида ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилинади.**

**Товар белгисига бўлган ҳуқуқ товар белгиси (хизмат кўрсатиш белгиси) рўйхатга олингандаги тўғрисидаги гувоҳнома билан тасдиқланади.**

1. Товар (хизмат) белгиси бу бир жисмоний ёки юридик шахснинг товарлари ва хизматларини бошқа юридик ё жисмоний шахсларнинг бир турдаги товарлари ва хизматларидан фарқлаш учун фойдаланилайдиган белгилардир.

Товар белгиси сифатида сўзлар, тасвирлар, қабариқ ва бошқа белгилар ёки уларнинг жамлама ифодаси рўйхатдан ўтказилиши мумкин. Товар белгиси исталган бир рангда ёки турли рангларда ифодаланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида товар (хизмат) белгиларини рўйхатдан ўтказиш, ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатлар ушбу ФК, «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқсан жой номлари тўғрисида»ги Қонун (бундан кейин матнда Қонун деб юритилади) ва тегишли қонун хужжатлари билан тартибга солинади.

Қонунга асосан товар белгиларини рўйхатдан ўтказишга йўл кўйилмайди, агарда улар:

фарқланиш хусусиятларига эга бўлмаса;

давлат рамзлари, давлатларнинг, ҳалқаро, ҳукуматлараро ташкилотларнинг, давлат идораларининг расмий белгилари сифатида фойдаланиб келинаётган бўлса;

муайян турдаги маҳсулотларни англатувчи белги сифатида умум истеъмолга кириб кетган бўлса;

умум эътироф этилган рамзлар ва атамалар бўлса;

маҳсулотнинг тури, сифати, хусусияти, қандай мақсадга мўлжалланганлиги, қиймати, шунингдек маҳсулот ишлаб чиқарилаётган ёки сотилаётган жойи ва вақтини ифода этса;

қалбаки ёки истеъмолчини маҳсулот ё уни ишлаб чиқарувчиси ҳақида чалғитадиган бўлса;

жамият манфаатларига, одамийлик ва ахлоқ қоидаларига зид бўлса;

илгари Ўзбекистон Республикасида ўзга шахс номига қайд этилган ёки рўйхатдан ўтказилиши сўраб талабнома берилган худди шу турдаги маҳсулотнинг белгиларини тақориласа, ўхшаш бўлса (алмаштириш ёки чалғитиш даражасида);

ўзга шахсларнинг Ўзбекистон Республикасининг Ҳалқаро шартномаларига асосан рўйхатдан ўтказилмай ҳам муҳофаза қилинадиган маҳсулот белгилари билан, белгиланган тартибда рўйхатга олинган сертификат белгилари билан бир хил ёки алмаштириб юбориш даражасида айнан ўхшаш бўлса;

ўзга шахсларга тегишли ва Ўзбекистон Республикаси худудида таниқли бўлган фирма номлари (ёки уларнинг бир қисмини) тақориласа;

эгалик ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасида ўзга шахсларга тегишли бўлган саноат намуналарини;

муаллифлик ҳуқуқига эга бўлган шахс ёки унинг ҳуқукий ворисларининг розилигини олмаган тарзда Ўзбекистон Республикасида машхур бўлган илмий асарлар, адабиёт за санъат асарларининг номларини, уларнинг қаҳрамонлари ёки ибораларини, санъат асарлари ё уларнинг кўришишларини;

атоқли шахслар, уларнинг меросхўрлари ёхуд у Ўзбекистон Республикасининг тарихий ва маданий бойлиги сифатида эътироф қилинган

бўлса, тегишли ваколатли идоралар розилигини олмаган тарзда ана шу атоқли шахсларнинг фаолиятлари, исмлари, тахаллуслари ва улардан ясалган сўзларни, мазкур атоқли шахсларнинг портретлари ҳамда дастхатларини ўзида акс эттирган белгиларни (Қонуннинг 5–6 моддаси).

Товар белгисини ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг асосий шарти уни тегишли ваколатли давлат идорасида рўйхатдан ўтказилганлиги ҳисобланади.

Маҳсулот белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома юридик ёки жисмоний шахслар томонидан шахсан ё Интеллектуал мулк агентлигига рўйхатга олинган патент вакили орқали (хорижий субъектлар учун) берилиши мумкин.

Умумий коида бўйича маҳсулот белгисининг устуворлиги тегишли тарзда расмийлаштирилган талабнома Интеллектуал мулк агентлигига келиб тушган кунга қараб белгиланади. Талабнома ва талабномада ифодаланган белги белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилади ва унинг натижаларига қараб товар белгисини рўйхатдан ўтказиш ёки рад этиш ҳақида қарор қабул қилинади. Рад этиш ҳақидаги қарор устидан Интеллектуал мулк агентлигининг Апелляция Кенгашига шикоят қилиш мумкин. Апелляция Кенгашининг қарорига норози томон олти ой ичida Олий Судга шикоят қилишга ҳақли.

Товар белгисини рўйхатта олиш ҳақидаги қарорга асосан Интеллектуал мулк агентлиги товар белгисини Ўзбекистон Республикасининг товар белгилари реестрида рўйхатдан ўтказади. Давлат реестрига ва товар белгисини рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳномага товар белгисининг тасвири, унинг эгаси ҳақидаги маълумотлар, устуворлик санаси, рўйхатдан ўтган вақти, ушбу белгини кўйиш мўлжалланган товарлар рўйхати киритилади, бу ҳақда маълумотлар Интеллектуал мулк агентлигининг расмий ахборотномасида эълон қилинади.

Товар белгиси Давлат реестрида рўйхатдан ўтказилганидан ва белгиланган бож тўланганлиги ҳақида хужжат олинганидан кейин уч ой ичida Интеллектуал мулк агентлиги товар белгиси эгасига гувоҳнома беради.

Товар белгисининг рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳнома белгининг товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказилганлигини, товар белгисининг устуворлигини, товар белгиси эгасининг гувоҳномада кўрсатилган маҳсулотлар ва хизматларга нисбатан мутлақ ҳуқуқини тасдиқлади.

Товар белгиси рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома устуворлик белгиланган санадан эътиборан ўн йил давомида амал қиласди. Бу муддат тегишли бож тўлаб борилган тақдирда ҳар гал ўн йилга узайтирилади.

Рўйхатдан ўтказилган ёки халқаро шартномадан келиб чиқкан ҳолда рўйхатдан ўтказилмаган ҳолда муҳофаза этиладиган бир шахснинг товарлари ва хизматларини бошқа шахсларнинг шу турдаги товарларидан фарқлаш учун хизмат қиласдиган, сўзлардан, тасвирлардан иборат, ҳажм билан боғлиқ ёки бошқа белгилар товар белгиси (хизмат кўрсатиш белгиси) сифатида эътироф этилади. Товар белгисига ҳуқуқий муҳофаза унинг Интеллектуал мулк агентлигига рўйхатдан ўтказилганлиги асосида берилади.

2. Интеллектуал мулк агентлиги товар белгисини рўйхатдан ўтказишга ёки рўйхатдан ўтказишни рад қилишга ҳақли. У ёки бу белгини товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказишни рад қилиш сабаблари мавжуд бўлиб, уларнинг асосийларини санаб ўтамиз. Хусусан, куйида келтириладиганлар товар белгилари сифатида рўйхатдан ўтказилмайди: давлат герблари, байроқлари ва эмблемаларининг тасвири туширилган белгилар, халқаро ёки ҳукуматлараро ташкилотларнинг кисқартирилган ёхуд тўлиқ номлари; расмий назорат, кафолат тамғалари ва намуна йўсинидаги тамғалар, муҳрлар ҳамда бошқа фарқловчи белгилар ёки адаштирадиган тарзда жуда ўхшаш бўлган белгилар; муайян турдаги товарларнинг белгиси сифатида умум фойдаланишда бўлган белгилар; умум эътироф этилган рамзлар ва атамалар ҳисобланган белгилар; товарларни, шу жумладан уларнинг тури, сифати, сони, хусусияти, қандай мақсадга мўлжалланганлиги ва қийматини, шунингдек улар ишлаб чиқарилган ёки ўтказилган жойи ва вақтини тавсифлаш учун фойдаланиладиган белгилар; товар ёки унинг тайёрловчиси хусусидаги соҳта ёки истеъмолчини чалғитиши мумкин бўлган белгилар; ўз мазмунига кўра жамият манфаатларига, одамийлик ва аҳлоқ қоидаларига зид бўлган белгилар. Рўйхатдан ўтказилаётган товар белгиси, зеро, бундай талаб Қонунда кўрсатилмаган бўлса-да, муайян янгилик даражасига эга бўлиши керак. Бунда янги товар белгиси нафақат бошқа ўхшаш белгиларга нисбатан, балки индивидуаллаштиришнинг бошқа воситаларига нисбатан ҳам янги бўлиши керак.

## **1103-модда. Товар белгисидан фойдаланиш ва унинг дахлсизлиги хуқуқи**

**Товар белгисига бўлган хуқуқ эгаси ўзига тегишли белгидан фойдаланишда ва уни тасарруф этишда алоҳида хуқуққа эга. Товар белгисига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритишдан иборат алоҳида хуқуқ ҳам товар белгисига бўлган хуқуқ эгасига тегишилидир.**

**Товар белгисини қонунда белгиланган тартибда ҳар қандай тарзда муомалага киритиш ундан фойдаланиш деб ҳисобланади.**

**Товар белгисини нашр этганда, уни кўпчилик олдида ижро этганда ёки ундан ўзгача тарзда фойдаланганда товар белгисининг ўзига ҳам, унинг белгиларига ҳам бирор-бир ўзгартишлар киритишга фақат унга бўлган хуқуқ эгасининг розилиги билан йўл қўйилади.**

**Товар белгисининг дахлсизлигига бўлган хуқуқ товар белгисига бўлган хуқуқ эгасига тегишилидир.**

1. Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисидаги Қонуннинг 4-моддасида товар белгисининг ушбу Қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш асосида, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномаларига мувофиқ равишда хуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиниши белгиланган.

Товар белгисининг эгаси ўзига тегишли товар белгисидан гувоҳномада кўрсатилган товарлар ва хизматларга нисбатан фойдаланиш ҳамда тасарруф этишнинг мутлақ хукуқига эга. Мутлақ хуқуқ мазмуни Қонуннинг 18-моддасида белгилаб қўйилади. Бунга асосан товар белгисининг эгаси ушбу белгидан фойдаланишда ва уни тасарруф этишда, шу жумладан ундан ўзга шахслар фойдаланишига рухсат бериш ёки тақиқлаб қўйишда мутлақ хукуққа эгадир. Ўзбекистон Республикасида муҳофаза қилинаётган товар белгисидан ҳеч ким унинг эгаси розилигисиз фойдаланиши мумкин эмас.

2. Товар белгисининг дахлсизлигига бўлган хуқуқ товар белгисига бўлган хуқуқ эгасига тегишилидир. Ушбу норма товар белгиси эгасининг хукуқлари бузилишига йўл қўймаслик мақсадида мустаҳкамлаб қўйилган.

Товар (хизмат) белгисининг Қонунда белгиланган тартибда ҳар қанақасига ва ҳар қандай тарзда фуқаролик муомаласига киритилиши ундан фойдаланиш деб ҳисобланади.

Товар белгисининг эгаси томонидан ёки қонунда белгиланган тартибда лицензия шартномаси асосида шундай ҳуқук берилган шахс томонидан товар белгиси қайси товарларга қўйиш учун рўйхатдан ўтказилган бўлса, шу товарларда ва уларнинг ўрови устида ишлатилиши товар белгисидан фойдаланиш ҳисобланади, расмий иш қоғозларида, осиб қўйиладиган лавҳаларда, кўргазмалар ва ярмаркаларда экспонатларни намойиш қилишда ишлатиш ҳам ундан фойдаланиш деб топилиши мумкин.

#### **1104-модда. Товар белгисидан фойдаланмаганлик оқибатлари**

**Товар белгисидан у рўйхатдан ўтказилганидан кейин узрли сабаб-сиз узлуксиз беш йил давомида фойдаланилмаган тақдирда, унинг рўйхатдан ўтказилганлиги исталган манфаатдор шахснинг талаби билан бекор қилиниши мумкин.**

**Товар белгисидан фойдаланиш учун лицензия берилиши ундан фойдаланиш деб ҳисобланади.**

1. Шарҳланаётган модданинг амал қилиши учун Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқсан жой номлари тўғрисидаги Қонуннинг 27-моддасидаги норма — товар белгисининг эгаси товар белгисидан фойдаланиши шарт эканлиги асосий қоида ҳисобланади. Ҳар қандай манфаатдор шахс ваколатли органига товар белгисидан у рўйхатдан ўтказилганидан ёки аввалги талабнома топширилганидан кейин беш йил давомида фойдаланилмагани тақдирда, унинг рўйхатдан ўтказилганлигини бекор қилиш хусусидаги эътиroz билан мурожаат қилиши мумкин. Бундай эътиroz гувоҳномада кўрсатилган товарларнинг барчасига ёки маълум бир қисмига тааллукли бўлиши ва бундай эътиroz тушган санадан эътиборан олти ой ичida Апелляция кенгаши томонидан кўриб чиқилиши керак.

2. Товар белгисининг у қайси товар учун рўйхатдан ўтказилган бўлса, ўша товарда ва (ёки) унинг ўровида кўлланилиши товар белгисидан фойдаланилаётганлигининг исботи ҳисобланади. Рекламада, матбаа нашрларида, расмий бланкаларда, пештахталарда ёки Ўзбекистон Республикасида ўтказиладиган кўргазмаларда товарларни намойиш этиш вактида товар белгисини кўллаш ундан фойдаланиш сифатида эътироф этилиши мумкин. Товар белгисидан фойдаланилмаётганлиги билан боғлиқ ҳолда товар

белгиси рўйхатдан ўтказилганлиги амал қилишининг тугаши тўғрисида масала ҳал этилаётганида товар белгисининг эгаси товар белгисидан ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар туфайли фойдаланилмаганлигини исботловчи далиллар тақдим этилганлиги эътиборга олинади. Товар белгисидан фойдаланишга лицензия берилганлиги ундан фойдаланилган хисобланади (қаралсин: ФК 1106-моддаси).

### **1105-модда. Товар белгисига бўлган хуқуқнинг бошқа шахсга ўтиши**

**Гувоҳномада кўрсатилган товарлар, ишлар ва хизматларнинг барча гурухларига ёки бир қисмига нисбатан товар белгисига бўлган хуқуқни унинг эгаси шартнома асосида бошқа шахсга бериши мумкин.**

**Товар белгисига бўлган хуқуқни, башарти у товар ёки унинг тайёрловчиси ҳақида чалғишига сабаб бўлиши мумкин бўлса, бошқа шахсга беришга йўл қўйилмайди.**

**Товар белгисига бўлган хуқуқнинг бошқа шахсга ўтиши, шу жумладан уни шартнома асосида ёки хуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсга бериш Интеллектуал мулк агентлигида рўйхатдан ўтказилмоғи лозим.**

1. Гувоҳномада кўрсатилган барча товарлар ва хизматларга ёки уларнинг бир қисмига нисбатан товар белгисига бўлган мутлақ хуқуқ эгалик қилувчи томонидан шартнома асосида бошқа шахсга берилиши мумкин. Товар белгисига бўлган хуқуқни, башарти у товар ёки унинг тайёрловчиси ҳақида чалғитишга сабаб бўлиши мумкин бўлса, бошқа шахсга беришга йўл қўйилмайди.

2. Ушбу Қонуннинг 31-моддасида юридик шахс бўлиб юбориш шаклида қайта ташкил этилганида товар белгисига бўлган хуқуқни бошқа шахсга бериш маҳсус тавсифланган. Товар белгиси эгаси бўлмиш юридик шахс бўлинганда товар белгиси товарларни ишлаб чиқариш вазифаси зиммасига ўтадиган, қайта рўйхатдан ўтказилган юридик шахсга ўтади. Товар белгисининг эгаси қайси товарларнинг товар белгиси рўйхатдан ўтказилган бўлса, ўша товарларни ишлаб чиқаришнинг бир қисмини ўзида сақлаб қолган тақдирда, ҳар иккала юридик шахс ўзаро келишувга (шартномага) кўра товар белгисининг биргаликда эгаси деб эътироф

етилиши мумкин. Бу ҳақдаги келишув (шартнома) Интеллектуал мулк агентлигига рўйхатдан ўтказилиши керак. Товар белгисининг бошқа шахсга ўтказилиши, шу жумладан шартнома бўйича ёки ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсга берилиши ваколатли органда рўйхатдан ўтказилиши керак.

## **1106-модда. Товар белгисига бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга бериш тўғрисидаги шартноманинг шакли**

**Товар белгисига бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга бериш тўғрисидаги ёки лицензия бериш ҳақидаги шартнома ёзма шаклда тузилиши ва Интеллектуал мулк агентлигига рўйхатдан ўтказилиши лозим.**

**Ёзма шаклга ва рўйхатдан ўтказиш талабига риоя этмаслик шартноманинг ҳақиқий эмас деб топилишига сабаб бўлади.**

Давлат патент идораси директорининг 2005 йил 11 майдаги 48-сонли буйруғи билан тасдиқланган, Адлия вазирлигига 2005 йил 16 июнда 1481-тартиб рақами билан рўйхатга олинган ихтирога, фойдали моделга, саноат намунасига, селекция ютуғига, товар белгисига, хизмат кўрсатиш белгисига бўлган ҳукукларни ва улардан фойдаланишга бўлган лицензия шартномаларини, интеграл микросхема топологиясига бўлган ҳуқуқни тўла ёки қисман бошқа шахсга бериш тўғрисидаги шартномаларни, мулкий ҳукуклардан тўла ёки қисман ўзганинг фойдасига воз кечиш, электрон хисоблаш машиналари учун дастурларга, маълумотлар базасига бўлган мулкий ҳукукларни бошқа шахсга бериш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш қоидаларида ҳукукларни бошқа шахсга бериш ва лицензия шартномаларини рўйхатдан ўтказиш тартиб-таомиллари батаф-сил тавсифланган. Хусусан, товар белгисига бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга бериш тўғрисидаги шартномалар, товар белгисидан фойдаланиш учун лицензиялар бериш тўғрисидаги шартномалар фақатгина ёзма шаклда тузилиши ва ваколатли орган томонидан рўйхатдан ўтказилиши керак.

Ушбу шарҳланаётган моддада товар белгисига бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги шартномалар шаклига қўйиладиган талаблар белгилаб қўйилган. Бунга асосан товар белгисига бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга бериш ҳақидаги шартномалар ва товар белгисидан бошқа шахсларнинг фойдаланиши учун лицензия бериш ҳақидаги шартнома:

а) ёзма равишида тузилиши керак (бунда битимларнинг ёзма шакли ҳақидаги ФКнинг 107-моддаси талабларига тўлиқ риоя қилиниши шарт);

б) Интеллектуал мулк агентлигига рўйхатдан ўтказилиши лозим (бунда Интеллектуал мулк агентлиги шартномаларни қонунга мувофиқлигини, баъзи ҳолларда мақсадга мувофиқлиги нуқтаи назаридан ҳам — давлат ва жамият манфаатларига хилоф эмаслигини текширади. Интеллектуал мулк агентлигининг шартномаларни рўйхатдан ўтказишни рад этиш ҳақидаги қарори асослантирилган бўлиши лозим. Бу қарор устидан шикоят билан судга мурожаат қилиш мумкин).

Товар белгисига бўлган хукукни бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги шартнома ва товар белгисидан бошқа шахсларнинг фойдаланишига лицензия бериш ҳақидаги шартномаларни ёзма шаклига ва рўйхатдан ўтказиш талабига риоя этмаслик шартномаларни ҳақиқий саналмаслигига сабаб бўлади.

Бундай шартномалар ФКнинг 112-моддаси 1-қисмига асосан ўз-ўзидан ҳақиқий хисобланмайди. Айни вактда ушбу коидадан истиснолар ҳам мавжуд бўлиб, у ФКнинг 112-моддаси 2-қисмиде белгилаб қўйилган. Бунга асосан агар давлат рўйхатидан ўтказиш талаб қилинадиган битим керакли шаклда тузилган бўлиб, аммо тарафлардан бири уни рўйхатдан ўтказишдан бош тортса, суд бошқа тарафнинг талаби билан битимни рўйхатдан ўтказиш ҳақида қарор чикаришга ҳақли. Бундай ҳолда битим (шартнома) суд қарорига мувофиқ рўйхатдан ўтказилади. Шартномани давлат рўйхатидан ўтказишдан бош тортаётган тараф шартномани тузиш кечикирилганлиги туфайли иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлашга мажбур.

Шартномаларни ўз-ўзидан ҳақиқий саналмаслиги оқибатлари ФКнинг 113–114-моддаларида белгилаб қўйилган.

Бунга асосан шартнома ҳақиқий бўлмаганида тарафларнинг ҳар бири шартнома асосида олган нарсани бошқа тарафга қайтариб бериши, олинган нарсани аслича, натура ҳолида (шу жумладан олинган нарса мол-мулқдан фойдаланиш, бажарилган иш ёки кўрсатилган хизмат билан ифодаланганда) қайтариб бериш мумкин бўлмаганида эса, агарда шартнома ҳақиқий эмаслигининг бошқа оқибатлари қонунда назарда тутилган бўлмаса, унинг қийматини тўлаши шарт.

Ҳақиқий бўлмаган шартнома унинг ҳақиқий эмаслиги билан боғлиқ бўлган оқибатлардан ташқари бошқа юридик оқибатларга олиб келмайди ва тузилган пайтдан бошлаб ҳақиқий эмасдир. Бинобарин, бундай шартномалар бўйича ижрони талаф қилиш, шартнома шартларини бузганлик учун тегишли жавобгарликни қўллаш ҳақида судга мурожаат қилиш мумкин эмас.

Ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим, шартнома ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш тўғрисидаги талабни хар қандай манфаатдор шахс кўйиши мумкин. Суд бундай оқибатларни ўз ташаббуси билан қўллашга ҳақли.

### **1107-модда. Товар белгисига бўлган хукукни бузганлик учун жавобгарлик**

**Товар белгисидан қонунга хилоф равишда фойдаланаётган шахс коидабузарликни тўхтатиши ва товар белгисининг эгасига етказилган зарарни тўлаши шарт.**

Товар белгисидан қонунга хилоф равишда фойдаланаётган шахс тайёрлаб қўйилган товар белгиси тасвирларини йўқ қилиши, қонунга хилоф равишда фойдаланаётган товар белгисини ёки алмаштириб юбориш даражасида унга ўхшаш бўлган белгини товардан ёки унинг идиши ва ўровидан йўқотиши шарт.

**Ушбу модданинг иккинчи қисмида белгилаб қўйилган талабларни бажаришнинг иложи бўлмаган тақдирда, тегишли товар йўқ қилиб ташланиши лозим.**

1. Ахборот, реклама, маркетинг вазифаларини бажарадиган товар белгиларининг фуқаролик муомаласидаги аҳамияти, шакшубҳасиз, муҳимдир. Ҳар бир ишлаб чиқарувчи ёки одамларга хизмат кўрсатувчи ташкилот товар белгиларини реклама қилиш ҳамда ўз нуфузини шакллантириш ва яхши ном чиқариш учун анчагина маблағ сарфлайди. Шунинг учун вақти келиб товар белгиси фирма ишончли эканлиги, унинг товарлари эса сифатли эканлигининг далолати сифатида катта қимматга эга бўлади. Бошқа шахснинг товар белгисидан фойдаланётган шахс бошқанинг меҳнати ҳисобига даромад топади, сифати шубҳали бўлган ўз товарини бошқа шахснинг товар белгиси

остида сотиб, унинг яхши номига путур етказади. Шунинг учун бозор иктисодиётида интеллектуал мулкнинг барча объектларига, айниқса товар белгиларига нисбатан қароқчилик қилиш жиддий фуқаровий-хукуқий ва маъмурий хукуқбузарлик ҳисобланади, бир қатор ҳолларда эса, жиноий хукуқбузарлик деб ҳам топилади. Ўзганинг товар белгисидан фойдаланиш истеъмолчиларнинг кенг доираси учун хавфлидир, негаки, унда реализация қилинаётган товарларнинг сифати ва хавфсизлиги кафолатланмайди. Шарҳланаётган моддада товар белгисига бўлган хукуқни бузганлик учун жавобгарлик чоралари назарда тутилган.

2. Товар белгисини ёки товар чиқарилган жой номини ёхуд улар билан адаштириб юбориш даражасида ўхашаш бўлган белгиларни фуқаролик муомаласига киритиш товар белгиси эгасининг мутлақ хукуқларини ёки товар чиқарилган жой номидан фойдаланишга бўлган хукуқларнинг бузилиши деб топилади. Бу ўринда гап бир хил товарлар ва хизматлар, агар товар белгиси барчага маълум бўлса, ҳар қандай товарлар ва хизматлар ҳақида бормоқда. Товар белгисидан ёки товар чиқарилган жой номидан барча фойдаланиши мумкин бўлган телекоммуникация тармоқларида (Интернет ва бошқалар) рухсатсиз фойдаланиш ҳам товар белгиси эгасининг мутлақ хукуқлари ёки товар чиқарилган жой номидан фойдаланишга бўлган хукуқнинг бузилиши деб эътироф этилади. Товар белгилари ва товарлар чиқарилган жой номлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиқда айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

3. Товар белгисидан ёки товар чиқарилган жой номидан ёхуд адаштириб юбориш даражасида ўхашаш бўлган белгидан ноқонуний фойдаланаётган шахс: коидабузарликни тўхтатиши ва товар белгиси эгасига ёки товар чиқарилган жой номидан фойдаланиш хукуқи эгасига етказган зарарлари ўрнини қоплаши; товар белгиси ёки товар чиқарилган жой номини акс эттирадиган тасвирни йўқ қилиб юбориши, товардан, унинг ўровлари, бланкалар ёки бошқа ҳужжатлардан ноқонуний фойдаланилаётган товар белгиси ёки товар чиқарилган жой номини, шунингдек улар билан адаштириб юбориш даражасида ўхашаш бўлган белгини ўчириб ташлаши шарт. Ушбу талабни бажариш имкони бўлмаган тақдирда, тегишли товар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йўқ қилиб юборилиши керак.

### **3-§. ТОВАР ЧИҚАРИЛГАН ЖОЙ НОМИ**

#### **1108-модда. Товар чиқарилган жой номини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш**

**Товар чиқарилган жой номи уни рўйхатга олиш асосида ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилинади.**

Мамлакат, аҳоли пункти, жой ёки бошқа жўғрофий обьектнинг товарни белгилаш учун ишлатиладиган номи алоҳида хусусиятлари тамомила ёки асосан ана шу жўғрофий обьектга хос табиий шароитлар ёки бошқа омиллар ёхуд табиий шароитлар ва бу омилларнинг ўзаро бирикмаси билан белгиланадиган товар чиқарилган жой номи (келиб чиқиши кўрсаткичи) деб эътироф этилади.

**Жўғрофий обьектнинг тарихий номи товар чиқарилган жойнинг номи бўлиши мумкин.**

Гарчи жўғрофий обьектнинг номи бўлса-да ёки шу номни ўз таркибига олган бўлса-да, аммо Ўзбекистон Республикасида муайян турдаги товарнинг у тайёрланган жой билан боғлиқ бўлмаган белгиси сифатида умумий истеъмолга кириб кетган белги товар чиқарилган жой номи деб эътироф этилмайди ва ушбу параграф қоидаларига мувофиқ ҳуқуқий муҳофаза мақсадларида рўйхатдан ўтказилмайди. Бироқ бу хол бундай номдан инсофизлик билан фойдаланиш натижасида ҳуқуки бузилган шахсни ўз ҳуқуқларини қонунда назарда тутилган бошқача усувлар билан муҳофаза қилиш имкониятидан маҳрум этмайди.

**Товар чиқарилган жой номини Интеллектуал мулк агентлиги рўйхатдан ўтказади.**

**Рўйхатга олиш асосида товар чиқарилган жой номидан фойдаланиш ҳуқуки тўғрисида гувоҳнома берилади.**

**Рўйхатга олиш, гувоҳнома бериш, рўйхатга олишини ҳақиқий эмас деб топиш ҳамда рўйхатга олиш ва гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиш тартиби ва шартлари қонун билан белгилаб қўйилади.**

1. Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқсан жой номлари тўғрисидаги Қонуннинг 5-моддасида берилган таърифга мувофиқ мамлакат, аҳоли пункти, жой ёки жўғрофий обьектнинг товарни

белгилаш учун ишлатиладиган, унинг алоҳида хусусиятлари тамомила ёки асосан мазкур жўғрофий обьектга хос табиий шароитлар билан ёки бошқа омиллар ёхуд табиий шароитлар ва ушбу омилларнинг биримаси билан белгиланадиган номи товар келиб чиқсан жой номи сифатида эътироф этилади.

Франция провинцияларидан бирининг номи билан аталадиган, газли вино — шампанское товар чиқарилган жой номига мисол бўлади. Бундай мисол юқорида келтирилган таъриф товар чиқарилган жой номи — атамасини тушуниб олишга ёрдам беради. Товар чиқарилган жой номидан фойдаланилар экан, товарнинг алоҳида, ноёб сифатлари (таъми, хиди, сифати, қулагилиги қанчалик узоқ муддат сақланиши ва шунга ўхшашлар) ана шу жўғрофий жойнинг алоҳида табиий шароитларига ёки усталарнинг алоҳида малакасига (Самарканд нони, Дамашқ пўлати) боғлик бўлиши керак. Мазкур алоҳида хоссалар муайян товарга бўлган эҳтиёжнинг жуда муҳим омили эканлигини тушунган ҳолда, истеъмолчиларнинг асл сифатли товар олишдан манфаатдорлигини ҳимоя қилиш мақсадида товар чиқарилган жой номига ҳуқуқий муҳофаза жорий этилган. Унинг моҳияти шундан иборатки, ваколатли орган муайян жўғрофий обьектда турган ва ўзига биринчи бўлиб мурожаат қилган ишлаб чиқарувчининг товар чиқарилган жой номини, шунингдек мазкур субъектнинг номдан фойдаланишга бўлган ҳуқуқини рўйхатдан ўтказади. Шундан кейин ваколатли орган мазкур обьектда турган ҳар қандай ишлаб чиқарувчига номдан фойдаланиш ҳуқуқини беради ва ўхшаш товар ишлаб чиқараётган, бироқ мазкур жўғрофий обьектда турмайдиганлар мурожаатини рад қиласди.

2. Товар белгиларининг кўпидан шу даражада узоқ муддат фойдаланиладики, улар кўпгина халқларнинг тили ва онгода муайян турдаги товарлар сифатида мужассам бўлади, масалан: чех пивоси, рус ароғи, швейцария пишлоги, балонъя газламаси, винчестер милтиги ва бошқа шу кабилар. Бундай белгилар товар чиқарилган жой номи сифатида рўйхатга олинмайди ва кимки улардан фойдаланишни истаса, ўша шахсларга тегишли бўлади. Товарлар чиқарилган жой номи ва товар белгиси товар айланмасидаги вазифаларининг моҳиятига кўра бир-бирига якин ва шунинг учун рўйхатдан ўтказиш, экспертизадан ўтказиш учун талабнома бериш, фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома бериш, уни ҳақиқий эмас деб топишнинг бутун тартиб-таомили Товар белгилари, хиз-

мат күрсатиши белгилари ва товар келиб чиқсан жой номлари түғрисидаги Қонун билан белгиланган ҳамда ваколатли орган ва экспертиза ташкилоти томонидан амалга оширилади.

## **1109-модда. Товар чиқарилган жой номидан фойдаланиш хуқуқи**

Товар чиқарилган жой номидан фойдаланиш хуқуқига эга бўлган шахс бу номни товарда, идиш ва ўровда, рекламада, босма маълумотномаларда, хисобваракларда ишлатиш ҳамда ушбу товарнинг фуқаролик муомаласига киритилиши муносабати билан жой номидан бошқача тарзда фойдаланишга ҳақлидир.

Товар чиқарилган жойнинг номи ушбу Кодекс 1108-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида айтиб ўтилган талабларга жавоб берадиган товарни белгилаш учун бир неча шахс томонидан ҳам биргаликда, ҳам бир-биридан мустақил тарзда рўйхатдан ўтказилиши мумкин. Товар чиқарилган жой номидан фойдаланиш хуқуқи ана шу шахсларнинг ҳар бирига тегишлидир.

Товар чиқарилган жой номидан фойдаланиш хуқуқини бошқа шахсга беришга, уни бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги бошқа битимларга ва уни лицензия асосида фойдаланиш учун беришга йўл кўйилмайди.

1. Товар ишлаб чиқарилган жой номига берилган гувоҳнома эгаси фойдаланиш хуқуқларининг ҳажми товар белгиси эгасининг мутлақ хуқуқлари ҳажмига нисбатан анча тордир. Номга нисбатан ваколатлар шарҳланадиган моддада баён қилинган бўлиб, улардан энг аввало, товарлар ва уларнинг ўровида, рекламасида ва бошқа шу кабиларда фойдаланилади. Ҳуқуқ эгаси товар чиқарилган жой номи билан боғлиқ ҳолда бошқа шахс фойдасига воз кечиш, бирор-бир бошқа битимлар тузиш имкониятига эга эмас. Худди мана шунда товар чиқарилган жой номидан фойдаланиш режимиning ўзига хос хусусияти ва товар белгисига нисбатан ваколатлар борасидаги асосий фарқи намоён бўлади.

2. Товар чиқарилган жой номи муайян жўғрофий объектда турган, муайян маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг барчаси учун умумий фойдаланиш обьекти хисобланади. Бундай фойдаланувчилар бирлашиб, ўз хуқуқларини биргаликда рўйхатдан ўтказилиши мумкин, бироқ улар бу тао-

милни алоҳида-алоҳида амалга ошириши ҳам мумкин, қандай бўлганида ҳам хуқуқларнинг моҳияти ва ҳажми ўзгармайди. Таъкидлаш жоизки, асл товарлар ишлаб чиқарувчиларнинг товар чиқарилган жой номидан фойдаланишга бўлган ўз хуқуқини ҳимоя қилиш бўйича бирдамлиги истеъмолчилар учун мақбулдир, чунки бу ҳол қалбаки товарлар ишлаб чиқарилишидан муҳофазаланишнинг қўшимча кафолати хисобланади.

3. Товар чиқарилган жой номидан фойдаланишга бўлган хуқуқни бошқа шахсларга ўтказишга, ундан ўзгалар фойдасига воз кечиши тўғрисидаги битимлар ва товар чиқарилган жой номидан фойдаланиш хуқуқини лицензия шартномаси асосида бошқа шахсга беришга йўл қўйилмаслиги белгилаб қўйилган, чунки бу ягона субъектга тегишли хуқуқ эмас.

### **1110-модда. Товар чиқарилган жой номини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза этишининг амал қилиш соҳаси**

**Ўзбекистон Республикасида унинг ҳудудидаги товарлар чиқарилган жойларнинг номлари ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилинади.**

**Бошқа давлатдаги товар чиқарилган жой номи, башарти бу ном товар чиқарилган мамлакатда, шунингдек ушбу Кодексга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигига рўйхатдан ўтказилган бўлса, Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилинади.**

1. Товар белгилари тўғрисидаги Қонуннинг 7-моддасига мувофиқ товар белгиларини ва товар келиб чиқсан жой номларини муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатли давлат органи — Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги: товар белгиси учун гувоҳнома ва товар келиб чиқсан жой номидан фойдаланиш хуқуки тўғрисида гувоҳнома беради; товар белгилари рўйхатга олингандаги ва товар келиб чиқсан жой номидан фойдаланиш хуқуки берилгандаги тўғрисида, шунингдек товар белгиси Ўзбекистон Республикасида барча учун маълум деб эътироф этилгандаги ҳақида расмий маълумотларни эълон қиласди.

2. Мазкур Қонуннинг 9-моддасида товар белгисини, товар келиб чиқсан жой номини ва товар келиб чиқсан жой номидан фойдаланиш хуқукини рўйхатдан ўтказиш учун бериладиган талабнома бир товар белгисига ёки товар келиб чиқсан бир жой номига тааллуқли бўлиши назарда тутилган.

Талабномада қуйидагилар бўлиши керак: товар белгиси сифатида белгини, товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш хукукини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза; талабномада қўрсатилган белгининг тасвири; Белгиларни рўйхатдан ўтказиш учун товарлар ва хизматларнинг халқаро таснифига мувофиқ гурухланган, қайси товарларнинг товар белгисини рўйхатдан ўтказиш сўралаётган бўлса, ўша товарларнинг рўйхати; товар ишлаб чиқарилган жойни жўғрофий обьект чегарасида қўрсатган ҳолда товар келиб чиққан жой номини ёки товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш хукукини рўйхатдан ўтказиш сўралаётган товар турининг номи ҳамда унинг алоҳида хусусиятлари тавсифи.

### **1111-модда. Товар чиқарилган жой номидан қонунга хилоф фойдаланганлик учун жавобгарлик**

**Товар чиқарилган жой номидан фойдаланиш хукуқига эга бўлган шахс, шунингдек истеъмолчилар хукуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар бу номдан қонунга хилоф фойдаланаётган шахсдан номдан фойдаланишини тўхтатиши, товардан, унинг идиши ва ўровидан, бланкалар ва бошқа ҳужжатлардан қонунга хилоф фойдаланилаётган номни ёки ном билан адаштирадиган тарзда жуда ўхшаш белгини йўқотиши, тайёрлаб қўйилган ном тасвирларини ва ном билан адаштирадиган тарзда ўхшаш белгиларни йўқ қилиб ташлашни, башарти бунинг иложи бўлмаса товарни ва (ёки) идиш ва ўровни олиб қўйиш ҳамда йўқ қилиб ташлашни талаб қилишга ҳақлидир.**

**Товар чиқарилган жой номидан фойдаланиш хукуқига эга бўлган шахс бу хукукини бузувчидан ўзига етказилган зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақлидир.**

Товар чиқарилган жой номидан фойдаланиш хукукини бузганлик учун жавобгарлик чоралари товар белгисига бўлган хукукини бузганлик учун қўлланиладиган чораларга ўхшашдир (ФК 1107-моддасига берилган батафсил шарҳга қаралсин).

**В БҮЛИМ  
ВОРИСЛИК ҲУҚУҚИ**



# **66-БОБ. ВОРИСЛИК ТҮГРИСИДАГИ УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

## **1112-модда. Ворислик асослари**

**Ворислик васият ва қонун бўйича амалга оширилади.**

**Қонун бўйича ворислик васият мавжуд бўлмаса ёхуд бутун мероснинг тақдирини белгиламаса, шунингдек ушбу Кодексда белгилangan бошқа ҳолларда амалга оширилади.**

1. Ворисликни вафот этган фуқарога тегишли мол-мулкнинг бошқа шахсга ўтиши сифатида търифлаш мумкин. Ворислик вафот этган фуқаро (мерос қолдирувчи)нинг мол-мулкига бошқа шахс (меросхўр)ларнинг хуқуқий ворислиги шартлари ва тартибини тавсифлайди. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, умумий қоидага кўра фуқаролик хуқуқининг бошқа ҳеч қандай институтидан вафот этган шахснинг мол-мулкига хуқуқий ворисликни тартибга солиш учун фойдаланиш мумкин эмас. Шунингдек фуқаро вафот этган ҳолларда унинг мол-мулкини бегоналаштиришга қаратилган ҳеч қандай битимлар тузишга қўл қўйилмайди. Кўрсатиб ўтилган мақсадлар учун фуқаро ўз вафотидан олдин фақат васиятнома институтидан фойдаланиш мумкин.

2. Вафот этган фуқаронинг мол-мулки бошқа шахсларга хуқуқий ворислик тартибида ўтади. Бу эса сақланиб қолаётган хуқуқий муносабатларда мол-мулкка нисбатан хуқуқ субъектининг алмашиши юз беришини англаатади, бунда хуқуқий ворис (меросхўр)нинг хуқуқ ва мажбуриятлари ўз хуқукини топширувчи шахс (мерос қолдирувчи)нинг хуқуқ ва мажбуриятларига юридик жиҳатдан боғлиқ бўлади.

3. Меросга асосланган хуқуқий ворисликнинг предмети вафот этган фуқаронинг ФКга мувофиқ мерос таркибиға кирадиган мол-мулки ҳисобланади.

4. Ўзидан кейин мерос қолдирган вафот этган (ёки вафот этган деб эълон қилинган) фуқаро мерос қолдирувчи деб номланади. Бунда фуқаронинг муомала лаёқати хажми мавжудлиги, унинг фуқаролигига эътибор қаратилмайди, балки унинг тирик вақтида бошқа шахсларга ворислик тартибида ўтадиган мол-мулкка эга бўлганлигигина муҳим ҳисобланади.

5. ФКга мувофик ворисликка чақирилиши мумкин бўлган шахс меросхўр деб эътироф этилади.

6. Шарҳланаётган модда ворисликнинг иккита асосини белгилайди. У қонун бўйича ва васият бўйича амалга оширилади. Қонун бўйича ворислик — бу қонунда кўрсатилган шартларда ва тартибдаги, мерос қолдирувчи томонидан ўзгартирилмаган ворисликдир.

Васият бўйича ворислик аввало васият қилувчи меросхўрлари деб кўрсатган шахслар ўртасида мол-мулкини ўзи белгилаган тартибда тақсимлашига қаратилган бир томонлама битим сифатида эътироф этилади.

7. Қонун бўйича ворислик васият мавжуд бўлмаслиги ёхуд у бутун мероснинг тақдирини белгиламаслиги каби омиллар билан чекланмайди. Шарҳланаётган модда «шунингдек, ушбу Кодексда белгиланган бошқа ҳолларда» деган қўшимчани ўз ичига олади. Бошқа ҳолларга васиятнома-нинг ҳақиқий эмас деб топилиши, васиятнома бўйича меросхўрнинг мерос олиш хукуқига эга эмас деб топилиши, васиятнома бўйича меросхўрнинг қонун бўйича меросхўр фойдасига меросдан воз кечиши, мерос улушларининг ортиши ва шу кабиларни киритиш мумкин.

Шундай қилиб, қонун бўйича ворислик нафақат васият мавжуд бўлмаган ёхуд у бутун мероснинг тақдирини белгиламаган ҳолатларда, шу билан бирга Фуқаролик кодексида назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам аҳамиятга эга бўлади.

8. Шуни инобатта олиш лозимки, айнан бир шахс ворисликка васиятнома бўйича ҳам, қонун бўйича ҳам чақирилиши мумкин. Масалан, мерос қолдирувчи мол-мулкининг бир қисмини қонун бўйича меросхўрга васият қиласди, мерос мол-мулкнинг қолган қисмини эса васиятнома доирасидан ташқарида қолдиради. Мол-мулкнинг васиятнома доирасидан ташқарида қолган қисми қонун бўйича меросхўрлар, жумладан васиятнома бўйича мол-мулкнинг бир қисмини олган меросхўр иштирокида тақсимланади,

9. Ворисликнинг асосий принципи — универсал ҳукукий ворисликдир. Бу мероснинг ўзгармаган шаклда, яъни мерос мол-мулк таркибида кирган барча нарсаларнинг вафот этган шахсга тегишли бўлган вақтда мавжуд ҳолат, аҳвол ва турда бошқа шахсларга ўтишини англаради. Ўтказилаётган мулкий ҳукуқ ва мажбуриятлар ҳам ўз мазмунини ўзгартиримайди. Ҳукуқ меросхўрни мерос қолдирувчи эга бўлган ҳукуқлар

хажмини амалга ошириш мумкинлиги (мажбурият эса зарурлиги) билан таъминлайди. Бунда мерос қолдирувчининг мажбуриятларини рад этган ҳолда, фақат ҳуқуқларини мерос қилиб олиш мумкин эмас. Ворислик умумий ёки универсал ҳуқуқий ворисликни ўзида ифодалайди, чунки меросхўрга бирор-бир алоҳида ҳуқуқ ва мажбуриятлар эмас, балки ушбу ҳуқуқ ва мажбуриятларни таъминлашнинг жами услублари ва ўзида мавжуд бурчлар юклари (қийинчилик)лари билан бирга уларнинг бутун мажмуи ўтади. Шу ўринда улар нафақат яхлит бир бутун сифатида, балки айнан бир вақтда ўтади. Универсал ҳуқуқий ворисликни хусусий ёки сингулляр ҳуқуқий ворисликдан фарқлаш лозим, чунки кейингисида ворис фақат ҳуқуқ ёки мажбуриятларнинг алоҳида гурухини қўлга киритади.

### **1113-модда. Мерос таркиби**

**Мерос очилган пайтда мерос қолдирувчига тегишли бўлган, унинг ўлимидан кейин ҳам бекор бўлмайдиган барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар мерос таркибига киради.**

**Мерос қолдирувчининг шахси билан чамбарчас боғлиқ бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлар:**

**юридик шахс ҳисобланган тижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотларга аъзолик, уларда иштирок этиш ҳуқуқлари, агар қонун ёки шартномада бошқа ҳол белгиланган бўлмаса;**

**ҳаётга ёки соғлиққа етказилган зарар учун товон ундириш ҳуқуқи;**

**алимент мажбуриятлари туфайли юзага келган ҳуқуқлар ва мажбуриятлар;**

**мехнат ва ижтимоий таъминот тўғрисидаги қонун ҳужжатлари асосида пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар олиш ҳуқуқи;**

**мулкий ҳуқуқлар билан боғлиқ бўлмаган шахсий номулкий ҳуқуқлар мерос таркибига кирмайди.**

**Мерос қолдирувчига тегишли бўлган шахсий номулкий ҳуқуқлар ва бошқа номоддий бойликлар меросхўрлар томонидан амалга оширилиши ва химоя қилиниши мумкин.**

1. Мерос — мерос қолдирувчининг бошқа шахс (меросхўр)ларга қонунда белгиланган тартибда ўтадиган мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлари

мажмуидир. Бу ўринда ашёларнинг эмас, балки мулкий хукуқ ва мажбуриятларнинг мажмуи ҳақида сўз юритилаётганилигига эътибор қаратиш керак.

Мерос (мерос таркиби, мерос мол-мулки) — мерос қолдирувчининг ўлими кейин ҳам бекор бўлмайдиган, ворислик хукуқи нормалари асосида меросхўрларга бир бутун сифатида ўтадиган мулкий ва айрим шахсий номулкий хукуқ ва мажбуриятлариdir.

2. Шарҳланаётган моддага мувофик мерос таркибига мерос очилган пайтда мерос қолдирувчига тегишли бўлган мулкий хукуқ ва мажбуриятлар киради.

3. Шарҳланаётган модда ворислик бўйича ашёларнинг ўзи эмас, балки хукуқ ва мажбуриятлар, жумладан ашёларга нисбатан мулк хукуки ўтишини назарда тутувчи нормани ўз ичига олади.

Мазкур позиция (нуқтаи назар) баъзи хукуқий шубҳа ва гумонлар келиб чиқишига сабаб бўлади. Мулкка нисбатан субъектив хукуқнинг кўлга киритилиши шахсга ашё устидан мутлоқ ҳукмрон бўлиш имконини беради. Агар мерос таркибига кирувчи барча кўчар ашёлар меросхўр аниқлангунга қадар талон-тарож қилинса, назарий жиҳатдан меросхўр ушбу ашёларга нисбатан «қуруқ» мулк хукуқини олиш имконига эга бўлади. Лекин бундан меросхўрнинг мулкий ахволи яхшиланмайди: у реал ворислик ўрнига «қуруқ» хукуқлар гурухи билан қолиш эҳтимоли бор. Чунки меросхўрнинг вафот этган шахснинг кредиторлари олдидаги жавобгарлиги активларнинг қийматига боғлик бўлади ва у ўзининг мол-мулки билан жавоб беришига тўғри келади.

Маълумки, мерос қолдирувчининг ашёлари устидан реал эгаликнинг ўрнатилиши амалий аҳамиятга эга. Бу меросхўрда мулк хукуқини тўғридан-тўғри юзага келтиради, зеро ашёларнинг ўзи мавжуд бўлмаган холатда унга нисбатан хукуқларни юридик жиҳатдан расмийлаштириш кўзланган натижага олиб келмайди.

3. Бироқ барча неъматлар ҳам ворислик обьекти бўла олмайди. Қонун бир қатор чекловларни ўрнатади. Мерос қолдирувчининг шахси билан чамбарчас боғлик бўлган хукуқ ва мажбуриятлар, хусусан алимент олишга, ҳаёт ва соғлиққа етказилган зарар учун товон ундиришга бўлган хукуқлар ворислик бўйича ўтмайди. Булар қаторига мерос қолдирувчининг пенсия, нафақа олишга бўлган хукуқларини ҳам кири-

тиш мумкин. Ушбу ёндашув тўлалигича ўзини оқлади. Чунки кўрсатиб ўтилган неъматлар (манфаатлар) уларнинг эгалари билан шу даражада объектив «боғланган»ки, ушбу неъматларни бошқа шахсга ўтказиш уларнинг моҳиятига зид келади.

4. Табиийки, муаллифлик номига бўлган, обрў-эътиборга бўлган хукуқлари ва шу кабилар мерос бўлиб ўтмайди.

5. Шахснинг ҳаёти ва соғлиғига, шахсий дахлсизлигига, шаъни, қадркиммати ва яхши номига, шахсий ва оиласвий сирига бўлган хукуқлари каби шахсий номулкий хукуқлари ҳам мерос бўлиб ўтиши мумкин эмас.

6. Васиятномада мерос қолдирувчи бундай объектларни ҳам мерос бўйича ўтказишини кўрсатиши ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Васиятнома конун билан ўрнатилган тақиқларни бекор қила олмайди.

7. Мерос қолдирувчининг мерос таркибиغا кирувчи мажбуриятлари мерос қолдирувчининг хукуқларига доир қоидаларга бўйсунади: ворислик бўйича ўтадиган мулкий мажбуриятлар ҳам, қоидага кўра, мерос таркибиغا киради; аксинча шахсий номулкий мажбуриятлар, қоидага кўра, ворислик бўйича ўтмайди ва мерос таркибиغا кирмайди. Агар мерос активи барча кредиторлар талабларини тўлиқ қаноатлантириш учун етарли бўлмаса, мерос қолдирувчи кредиторларининг талаблари мутаносиблик асосида, мерос активининг ҳақиқий қиймати доирасида қаноатлантирилади. Бунда қонуннинг кредиторлар талабларини қаноатлантириш навбати ҳақидаги умумий қоидаларига риоя қилинади.

8. Шу билан бирга, мерос таркибиغا кирувчи мол-мулк нафакат меросхўрга, балки бошқа шахсларга ҳам ўтиши мумкинлигини инобатга олиш муҳимдир. Масалан, васият мажбурияти (легат)да меросхўрлар зиммасига бир ёки бир неча шахс (vasият мажбурияти юзасидан хукуқ олувчилар) фойдасига мулкий характердаги бирон-бир мажбуриятни мерос ҳисобидан бажариш юкланиши мумкин бўлиб, васият мажбурияти юзасидан хукуқ олувчилар меросхўрлар томонидан ушбу мажбурият бажарилишини талаб қилиш хукуқига эга бўладилар.

Бу ўринда меросга асосланган хукуқий ворисликнинг субъектив таркиби сақланиб қолинишига эътибор қаратиш лозим. Унинг таркибига меросхўрлар вафот этган шахснинг бевосита хукуқий ворислари сифатида кирадилар. Васият мажбурияти юзасидан хукуқ олувчилар эса факат меросхўрларнинг кредиторлари сифатида намоён бўладилар.

## **1114-модда. Умумий биргаликдаги мулк бўлган мол-мулкни мерос қилиб олиш**

Умумий биргаликдаги мулк иштирокчисининг ўлими умумий мол-мулкка бўлган хукуқдаги унинг улушкини аниқлаш ва ушбу Кодекснинг 226-моддасида белгиланган тартибда умумий мол-мулкни тақсимлаш ёхуд ундан вафот этган иштирокчининг улушкини ажратиш учун асос бўлади. Бу ҳолда мерос вафот этган иштирокчининг улушкига тўғри келадиган умумий мол-мулкка нисбатан очилади, мол-мулкни натура ҳолида тақсимлашнинг имкони бўлмаганида эса — бундай улушнинг қийматига нисбатан очилади.

Умумий биргаликдаги мулк иштирокчиси умумий мол-мулкка бўлган хукуқдаги ўз улушкини васият қилишга ҳақлидир, бу улуш унинг вафотидан кейин ушбу модданинг биринчи қисмига мувофиқ аниқланади.

1. Умумий биргаликдаги мулк иштирокчисининг мол-мулки мерос қилиб қолдирилган холларда, меросхўр умумий биргаликдаги мол-мулкнинг вафот этган иштирокчисига тегишли бўлган улушкини мерос қилиб олиш хукуқига эга бўлади.

2. Умумий биргаликдаги мулк бўлган мол-мулкни тақсимлашнинг имкони бўлмаганида, меросхўр бундай мол-мулкнинг мутаносиб қийматини олиш хукуқига эга бўлади.

3. Умумий биргаликдаги мулк иштирокчиси мол-мулкининг мерос қилиб қолдириладиган улуси унинг ўлимидан сўнг белгиланади.

4. Биргаликдаги мулк бўлган мол-мулкни тақсимлаш ва ундан улуш ажратиш Фуқаролик кодексининг 226-моддасида тартибга солинган.

## **1115-модда. Дехқон хўжалиги ер участкасига эгалик қилиш хукуқини мерос қилиб олиш**

Дехқон (фермер) хўжалиги ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш хукуқини мерос қилиб олиш, агар қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ушбу Кодекс қоидалари билан тартибга солинади.

1. Фуқаролик кодекси дехқон хўжалигининг ер участкасига эгалик хукуқини мерос қилиб қолдиришни алоҳида ажратиб кўрсатади.

2. Дехқон ва фермер хўжалиги бошлиғи вафот этган тақдирда, томорқа ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш хукуқи (Ўзбекистон Республикасининг «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги Қонуни 9-моддаси), ер участкасини ижарага олиш хукуқи (Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуни 12-моддаси) шу хўжалик аъзоларининг ўзаро келишуви асосида, дехқон, фермер хўжалиги фаолиятини давом эттириш истагида бўлган хўжалик аъзоларидан бирига мерос бўйича ўтади.

3. Дехқон, фермер хўжалигига берилган ер участкасини тақсимлаш мумкин эмас.

### **1116-модда. Мероснинг очилиши**

**Мерос фуқаронинг ўлими ёки унинг суд томонидан вафот этган деб эълон қилиниши оқибатида очилади.**

Мерос қолдирувчининг ўлган кунин (зарурат бўлганда пайти ҳам), у вафот этган деб эълон қилинганда эса, агар суднинг қарорида бошқа муддат кўрсатилган бўлмаса, вафот этган деб эълон қилиш тўғрисидаги суднинг қарори кучга кирадиган кун мерос очилган вақт деб ҳисобланади.

Агар биридан кейин бошқаси мерос олишга ҳақли бўлган шахслар бир календарь сутка (йигирма тўрт соат) ичida вафот этган бўлсалар, улар бир вақтда вафот этган деб ҳисобланадилар, мерос уларнинг ҳар биридан кейин очилади ва улардан ҳар бирининг меросхўрлари ворисликка чақириладилар..

1. Мероснинг очилиши юридик факт бўлиб, бу қуйидаги ворислик хукуқий муносабатларнинг юзага келиши билан боғлиқдир:

субъектлар доирасини (мерос қолдирувчи ва меросхўрлар) аниqlаш;

хукуқий муносабат обьектини (мерос мол-мулк) аниqlаш;

хукуқий муносабат иштирокчилари хукуқ ва мажбуриятларининг мажмую аниqlаш.

2. Шарҳланаётган моддага мувофиқ умумий қоидага кўра, мерос фуқаронинг ўлими билан очилади. Фуқаронинг суд томонидан вафот этган деб эълон қилиш фуқаронинг ўлими олиб келадиган хукуқий оқибатларни вужудга келтиради. Шундай қилиб, фуқаро (мерос қолдирувчи)нинг ўлими

норматив жиҳатдан қонун ворислик ҳуқуқий муносабатларнинг юзага келиши билан боғлайдиган ягона юридик факт (ходиса) деб эътироф этилади: бу амалий аҳамиятга эга, чунки у ҳуқукнинг юқорида кўрсатилган қоидалари ва қонун нормаси ўртасидаги бевосита алоқани акс эттиради. Бу эса кейинчалик умуман ворислик ҳуқуқий муносабатларнинг тузилишини изчил очиб бериш имконини беради.

3. Шу ўринда вафот этган деб эълон қилинган фуқаронинг қайтиб келиши ҳолати истисно эмаслигини таъкидлаш лозим. Бундай ҳолатда суд ўз қарорини бекор қиласди. Қайтиб келган фуқаро ҳар қандай шахсдан, жумладан меросхўрлардан ҳам у вафот этган деб эълон қилингандан сўнг бу шахсларга бепул ўтиб қолган мавжуд мол-мулкини ўзига қайтариб беришни талаб қилишга ҳакли. Бундан факат пул ва тақдим этувчига тегишли қимматли қофозлар истисно ҳисобланади, чунки қонунчиликка мувофиқ улар инсофли эгалловчидан ҳеч қандай ҳолатда талаб қилиб олиниши мумкин эмас. Бошқа шахсларга ҳак тўлашни назарда тутадиган битимлар асосида ўтган мол-мулкни, агар унинг мулқдори мулкни олган шахслар мол-мулкни вафот этган деб эълон қилинган фуқаронинг тириклигини била туриб сотиб олганликларини исботласа, талаб қилиб олиш мумкин. Мол-мулкни қайтариб беришнинг имкони бўлмаган ҳолларда, унинг қиймати тўлиқ тўланади.

4. Мероснинг очилиши вафот этган фуқаронинг мероси универсал ҳуқуқий ворислик тартибида ўтадиган шахсларнинг ворислик ҳуқукларини расмийлаштириш ташаббусини келтириб чиқаради. Шунинг учун мероснинг очилиш вақти муҳим аҳамиятга эга бўлади.

5. ФКнинг 1116-моддасига мувофиқ мерос очилган вақт деб мерос колдирувчининг ўлган куни эътироф этилади. Қонун буни қуидагиларнинг аниқлаб олиниши билан боғлайди: ворисликка чакириладиган меросхўрлар доираси; мерос мол-мулкнинг таркиби; меросни қабул қилиш ёки меросхўрлар томонидан ундан воз кечиш муддатини ҳисоблашнинг бошланиши; мерос колдирувчининг қарзлари бўйича кредиторлар томонидан талабларни тақдим этишга бўлган ҳуқуқнинг юзага келиш вақти; меросга бўлган ҳуқук тўғрисидаги гувоҳномани бериш учун муддат; амал қилиш лозим бўлган қонунчиликни аниқлаш (агар қонунда бошқача белгиланмаган бўлса, ворисликка нисбатан мерос очилган вақтда амалда бўлган қонунчилик қўлланилади).

6. Мероснинг очилиши вақтини аниқлаш учун мерос қолдирувчининг вафот этган соат эмас, фақат кун аҳамиятга эга бўлади. Шунинг учун ўзаро қариндошлиқ ёки никоҳ муносабатлари билан боғлиқ бўлган мерос қолдирувчилар бир вақтда (коммариентлар, яъни бир вақтда вафот этганлар) ёки бир кунда вафот этган ҳолларда Фуқаролик кодексининг 1116-моддаси иккинчи қисмига асосан улар биридан кейин иккинчиси бошқасига нисбатан мерос олиш хуқуқига эга бўлмайди. Бунда агар меросхўрлар ўргасида баҳс мавжуд бўлмаса, ворислик хуқуқларини расмийлаштириш ҳар бир мерос қолдирувчи йўналиши бўйича алоҳида амалга оширилиши лозим.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мерос трансмиссияси ҳақидаги модда киритилиши билан бир кунда вафот этган шахсларнинг навбатини иnobатга олиш ва сонияли хуқуқни жорий қилиш мақсадга мувофиқ бўларди. Шундай бўлиши ҳам мумкинки, меросхўр ёки мерос қолдирувчи турли соат (вақт) минтақаларида вафот этади ва ушбу минтақада бошқа календар кун кириб келган бўлади. Бундай ҳолда мазкур шахслар турли кунларда вафот этган деб хисобланади.

7. Мерос қолдирувчининг ўлими факти ва куни ФХДЁ органининг мерос қолдирувчининг ўлими ҳақидаги гувоҳномаси, мерос қолдирувчи ҳарбий ҳаракатлар муносабати билан ҳалок бўлган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан унинг ўлими ҳақида берилган хабарнома ёки бошқа хужжат билан тасдиқланади. Умумий юрисдикция судларининг фуқарони вафот этган деб эълон қилиш ҳақидаги қарори нотариус томонидан ўлим фактининг тасдиғи сифатида қабул қилиниши мумкин эмас. Ушбу хужжатлар фуқаронинг вафотини ФХДЁ органларида рўйхатга олиш ва фуқаронинг ўлими ҳақидаги гувоҳномани олиш учун асос бўлади. Кейинчалик мазкур гувоҳнома меросхўрлар томонидан нотариусга тақдим этилади. Меросхўрлар томонидан фуқаронинг ўлими ҳақидаги гувоҳномани тақдим этиш имкони бўлмаган ҳолларда нотариуснинг ўзи ФХДЁ органидан мерос қолдирувчининг ўлими ҳақидаги ёзув хужжатлари нусхасини талаб қилиб олишга ҳақли.

8. Қонун мероснинг очилиши шартини инсоннинг ўлими ёки вафот этган деб эълон қилиниши билан боғлайди. Мазкур юридик фактлар бир қанча ўзаро боғлиқ хуқуқий муносабатларни юзага келтирувчи мураккаб юридик таркибларнинг зарурий элементлари ҳисобланади.

Фуқаронинг ўлими ҳуқуқ ва мажбуриятлар пайдо бўлиши, ўзгариши ва бекор бўлишига таъсир этувчи ҳодиса сифатида фуқаролик ҳолати дало-латномалари таркибиға киради ҳамда амалдаги қонунчиликка мувофиқ давлат рўйхатига олиниши лозим. Ўлимни давлат рўйхатига олиш учун тиббиёт муассасаси томонидан берилган белгиланган шаклдаги ҳужжат асос ҳисобланади. Бундан ташқари, ўлим фактини белгилаш ҳақидаги ишлар бўйича суднинг қарори ҳам ўлимни тасдиқловчи ҳужжат бўлиши мумкин.

9. Фуқаронинг вафот этган деб эълон килиниши ҳам жисмоний ўлимдаги каби ҳуқуқий оқибатларни (жумладан, ФХДЁ органларида давлат рўйхатига олиш мажбурийлигини ҳам) келтириб чиқаради. Шу билан бирга, вафот этган деб эълон килиш факатгина ўлим презумпцияси (эҳтимоли) бўлганлиги сабабли қонун вафот этган деб эълон қилинган фуқаро қайтиб келиши мумкинлигининг алоҳида оқибатларини назарда тутади.

10. Ўз навбатида, мероснинг очилиш вақти меросни қабул қилиш муддатларини ҳисоблаш, мерос мол-мулкни кўриқлаш, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома бериш билан боғлиқ вақт бўлганлиги сабабли муҳим юридик фактни ўзида ифодалайди.

### **1117-модда. Мероснинг очилиш жойи**

**Мерос қолдирувчининг охирги доимий яшаб турган жойи мероснинг очилиш жойи ҳисобланади. Агар мерос қолдирувчининг охирги яшаб турган жойи номаълум бўлса, мерос қолдирувчига тегишли бўлган кўчмас мулк ёки унинг асосий қисми турган жой, кўчмас мулк бўлмаган тақдирда эса, кўчар мулкнинг асосий қисми турган жой мерос очилган жой деб ҳисобланади.**

1. Мероснинг очилиш жойини тўғри аниқлаш катта амалий аҳамиятга эга. Мероснинг очилиш жойи ва вақтини инобатга олган ҳолда, ворисликка чақириладиган шахслар доираси ва қўлланиладиган қонунчилик белгилаб олинади.

2. Мероснинг очилиш жойи бўйича уни қабул қилиш ёки воз кечиш содир бўлади; мерос қолдирувчининг кредиторлари меросни қабул қилган меросхўрларга нисбатан талабларни тақдим этади; мерос мол-мулкни кўриқлаш чораларини кўриш ҳақида ариза берилади; меросхўрлар меросга

бўлган хукуқ тўғрисида гувоҳнома бериш учун мурожаат қиласилар, шунингдек ворислик хуқуқий муносабатларнинг ривожланиши учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳаракатлар амалга оширилади.

3. Амалиётда кўпинча мерос қолдирувчининг охирги яшаш жойини аниқлаш қийин бўлади. Хусусан, «охирги яшаш жойи» деб қайси жойни белгилаш ҳам қийинчилик келтириб чиқаради: рўйхатдан ўтган жойми ёки ҳар қандай охирги яшаш жойими? Масалан, фуқаро Урганч шаҳрида рўйхатдан ўтган бўлиши, лекин амалда Тошкент шаҳрида яшаси мумкин. Бундай ҳолатда охирги яшаш жойи деб қаерни ҳисоблаш керак?

4. Яшаш жойи фуқаронинг вафот этган жойи билан тўғри келмаслиги мумкин. Масалан, агар фуқаро ўз яшаш жойидан узоқда бўлган санаторий, шифохона, кема саёҳатида ёки шунга ўхшаш жойларда вафот этса, мероснинг очилиш жойи фуқаро доимий ёки асосан яшаган аҳоли пункти ҳисобланади. Доимий ёки асосан яшаган жойни аниқлашнинг асосий далили бўлиб яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтганлик ҳисобланади. Бу ўринда яшаш жойини (квартира, яшаш турар жойи, умумий ётоқхона) фуқаро вақтинча яшаб турган жойдан (меҳмонхона, санаторий, пансионат ва шу кабилар) фарқлаш мухим ҳисобланади.

5. Охирги яшаш жойини аниқлашда фуқароларни рўйхатга олиш институти аҳамиятга эга. Масалан, агар фуқаро квартирада доимий рўйхатга олинган бўлса, ушбу квартира унинг доимий яшаш жойи ҳисобланади.

Бироқ фуқаро яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтмаган бўлиши, вақтинча турар жойи бўйича рўйхатдан ўтиб яшashi мумкин. Яъни, қонун билан «фуқаро асосан яшаган жой» деб тавсифланган вазият юзага келади.

6. Мероснинг очилиш жойи бўйича баҳс юзага келган ҳолда масаланинг ягона ечими уни суд тартибида аниқлаш ҳисобланади.

7. Ўзбекистон Республикаси худудида мол-мулкка эга бўлган мерос қолдирувчининг охирги яшаш жойи номаълум бўлган ёки Ўзбекистон худудидан ташқарида бўлган ҳолатларда мероснинг очилиш жойини аниқлаш учун алоҳида қоидалар белгиланган. Бундай ҳолатларда мероснинг очилиш жойини аниқлаш мезони сифатида мерос мол-мулкнинг жойлашган жойи эътироф этилади. Агар мол-мулк турли хил худудларда жойлашган бўлса, мероснинг очилиш жойи унинг таркибига кирувчи кўчмас мулк ёки мероснинг энг қиммат қисми жойлашган жой ҳисобланади.

Ниҳоят, кўчмас мулк мавжуд бўлмаганда, мерос кўчар мулк ёки унинг энг киммат қисми жойлашган жойда очилади. Бунда мол-мулкнинг қиймати унинг бозор баҳосидан келиб чиқиб аниқланади.

## **1118-модда. Меросхўрлар**

**Мерос очилган пайтда ҳаёт бўлган фуқаролар, шунингдек мерос қолдирувчининг ҳаётлик пайтида ҳомила ҳолида бўлган ва мерос очилгандан кейин тирик туғилган болалари васият ва қонун бўйича меросхўр бўлишлари мумкин.**

**Мерос очилган пайтда тузилиб бўлган юридик шахслар, шунингдек давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам васият бўйича меросхўр бўлишлари мумкин.**

1. Шаклланган анъаналарга ва Фуқаролик кодексидаги нормаларга мувофиқ ворислик хукуқий муносабатларнинг иштирокчилари сифатида, бир томондан, мерос қолдирувчи, бошқа томондан эса, меросхўрлар намоён бўлади.

2. Мерос қолдирувчи сифатида фуқаролик-хукуқий муносабатларнинг барча субъектлари ичидан фақатгина жисмоний шахслар иштирок этиши мумкин. Айни вақтда меросхўрлар сифатида жисмоний шахслар (Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар) ҳам, юридик шахслар ҳам, шунингдек Ўзбекистон Республикаси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари намоён бўлиши мумкин.

3. Шарҳланаётган моддага кўра, ворисликка мерос очилган пайтда ҳаёт бўлган, шунингдек мерос қолдирувчининг ҳаётлик пайтида ҳомила ҳолида бўлган ва мерос очилгандан кейин тирик туғилган шахслар чақирилиши мумкин.

4. Агар ворисликка юридик шахс чақириладиган бўлса, у ҳам мерос очилган кунда мавжуд бўлиши зарур. Шундай қилиб, ушбу вақтда ўз фаолиятини тутатган, шунингдек мерос очилгандан кейин тузилган ташкилот меросхўр бўлиши мумкин эмас.

5. Меросхўрларнинг аниқ таркибини мерос қолдирувчи ўз васиятномасида белгилаши мумкин. Аксинча қилган ҳолда, бир ёки бир неча шахсни меросхўрлар сафидан чиқариши ҳам мумкин.

## **1119-модда. Нолойиқ меросхўрларни меросдан четлатиш**

Мерос қолдирувчини ёки эҳтимол тутилган меросхўрлардан бирор-тасини қасдан ўлдирган ёки уларнинг ҳаётига сунқасд қилган шахслар васият бўйича ҳам, қонун бўйича ҳам мерос олиш хукуқига эга эмаслар. Васият қилувчи ўз ҳаётига сунқасд қилинганидан кейин васиятнома берган шахслар бундан мустасно.

Мерос қолдирувчи ўзининг оҳирги хоҳиш-иродасини амалга оширишига қасдан тўсқинлик қилган ва шу орқали ўзларининг ёки ўзларига яқин шахсларнинг ворисликка чақирилишига ёхуд мероснинг ўзларига ёки ўзларига яқин шахсларга тегишли улуши қўпайтирилишига имкон яратган шахслар васиятнома бўйича ҳам, қонун бўйича ҳам мерос олиш хукуқига эга эмаслар.

Болаларига нисбатан ота-оналик хукуқларидан маҳрум этилган ва мерос очилган пайтда бу хукуқлари тикланмаган ота-оналар ана шу болалардан қолган мулкка ворис бўлиш хукуқига эга эмаслар, шунингдек мерос қолдирувчига таъминлаб туриш юзасидан қонунга кўра зиммаларига юклатилган мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаган ота-оналар (фарзандликка олувчилар) ва вояга етган болалар (фарзандликка олинганлар) қонун бўйича ворислик қилиш хукуқига эга эмаслар.

**Нолойиқ меросхўрларни ворисликдан четлатиш учун асос бўладиган ҳолатлар бундай четлатиш келтириб чиқарадиган ворислик билан боғлиқ мулкий оқибатларга даҳлдор шахснинг даъвоси бўйича суд томонидан белгиланади.**

**Ушбу модда қоидалари васият мажбуриятига нисбатан ҳам кўлланилади.**

**Ушбу модданинг қоидалари ҳар қандай меросхўрларга, шу жумладан мажбурий ҳисса олиш хукуқига эга бўлган меросхўрларга ҳам тааллуклидир**

1. Мерос қолдирувчини ҳимоялаш ва унинг манфаатларини муҳофаза қилиш, меросни қўлга киритиш билан боғлиқ фаразли хукуқбузарликлар содир этилишини олдини олиш максадида қонун чиқарувчи нолойиқ меросхўрлар ҳақидаги нормаларни жорий этган. Улар қонун бўйича ҳам, васият бўйича ҳам ворисликка чақирилиши мумкин эмас.

2. ФК 1119-моддаси бундай шахсларга, аввало, мерос қолдирувчига ва меросхўрлардан бирортасига қарши қаратилган ҳуқуққа хилоф ҳаракатларни (масалан, уларни ўлдириш жиноятини) содир этган ёки мерос қолдирувчи васиятномадаги ўзининг охирги хоҳиш-иродасини амалга оширишига тўсқинлик қилган (масалан, васиятномани ўзгартиришга ёки нолойик меросхўр фойдасига меросдан воз кечишга мажбур этган) фуқароларни киритади. Сўнгги ҳолатда бундай ҳуқуққа хилоф ҳаракатлар меросхўр ёки ворисликдаги бошқа шахсларни нолойик деб топишнинг сабаби ёхуд унга ёки бошқа шахсларга мерос улуши кўпайишининг сабаби ҳисобланиши лозим. Шундай қилиб, меросхўр ҳуқуққа хилоф килмишни содир этишда кимнинг манфаатини кўзлаб ҳаракатланганлиги аҳамиятга эга эмас, у ҳар қандай ҳолатда нолойик деб топилади.

3. Мерос қолдирувчига ва меросхўрлардан бирортасига қарши қаратилган ҳуқуққа хилоф ҳаракатлар фақат қасддан содир этилган бўлиши лозим. Агар мерос қолдирувчи меросхўрнинг эҳтиётсизлик орқасидаги ҳаракатлари натижасида вафот этган бўлса, меросхўр нолойик деб топилмайди ва ворисликка чақирилиш ҳуқуқига эга бўлади.

4. Ҳуқуқбузарликка суйасд қилиш ҳам ҳуқуқбузарликнинг ўзи каби меросхўрни нолойик деб топиш учун асос бўлиб хизмат қиласди. Ҳар қандай ҳолатда шахсни нолойик меросхўр деб топиш учун ҳуқуқбузарлик содир этиш факти суд қарори билан белгиланиши зарур. Шундан кейин нолойик меросхўрлар қонун бўйича ҳам, васият бўйича ҳам ворисликка чақирилиши мумкин эмас.

5. Мазкур норманинг ўзини оқлайдиган қаттиқлигига қарамасдан, қонун нолойик меросхўрни реабилитация қилиш ва унинг мулкий ҳуқуқларини тиклаш учун имкон қолдирган. Васият қилиш эркинлигининг самараси ўлароқ ушбу масалани ҳал қилиш мерос қолдирувчининг ихтиёрига берилган. Агар суд тартибида шахс хулқ-атворининг ҳуқуққа хилофлиги ва ҳаракатларининг ғаразга йўналганлиги аниқлангандан кейин ҳам мерос қолдирувчи ўз мулкини унга мерос қилиб қолдирса, бундай шахс ворисликка чақирилиши мумкин.

6. Ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум қилинган ота-оналар ҳам нолойик меросхўрлар деб топилиши мумкин. Шархланаётган моддага мувофиқ ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум қилинган ва мерос очилган кунга қадар ҳуқуқлари тикланмаган ота-оналар ушбу болаларининг мол-мулкига нис-

батан қонун бўйича меросхўр бўла олмайдилар. Бироқ васият эркинлиги принципи амал қилишининг самараси ўлароқ, бундай ота-оналар болаларининг мол-мулкига васият бўйича меросхўр бўла оладилар.

7. Бундан ташқари, манфаатдор шахсларнинг талабига кўра суд мерос колдирувчини таъминлаш юзасидан қонун билан зиммасига юкланган мажбуриятларни бажаришдан қасдан бош тортган фуқароларни қонун бўйича (vasият бўйича эмас) ворислиқдан четлатиши мумкин. Бундай мажбуриятлар масалан Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси билан вояга етмаган, шунингдек вояга етган, лекин меҳнатга лаёқатсиз ва ёрдамга муҳтож фарзандларига нисбатан ота-оналарга юклатилган. Ўз навбатида, меҳнатга лаёқатли вояга етган фарзандлар ўзларининг меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож ота-оналарини таъминлашга мажбурдир. Ушбу мажбуриятларни бажаришдан бош тортган тақдирда, улар суд қарори билан нолойиқ меросхўрлар деб топилиши ва айни вақтда мерос олиш хукуқидан маҳрум этилиши мумкин.

8. Агар фуқаро нолойиқ меросхўр деб топилган вақтга қадар мерос таркибидан бирор бир мол-мулкни эгаллашга киришган бўлса, у асоссиз равишда кўлга киритганларининг барчасини қайтариб бериши лозим бўлади. Шу билан бирга, мол-мулк натура шаклида, яъни айнан олинганд ашёлар ва уларга бўлган мулкий хукуқлар шу шаклда қайтариб берилиши шарт. Мол-мулкни натура шаклида қайтаришнинг имкони бўлмаган ҳолларда мулкни эгаллаган шахс унинг ҳақиқий қийматини қоплаши лозим. Мол-мулкни қайтаришдан ташқари нолойиқ меросхўр ушбу мулкдан чиқариб олган ёки чиқариб олиши лозим бўлган даромадларни ҳам қопланиши шарт.

## **67-БОБ. ВАСИЯТ БҮЙИЧА ВОРИСЛИК**

### **1120-модда. Умумий қоидалар**

**Фуқаронинг ўзига тегишли мол-мулкни ёки бу мол-мулкка нисбатан ҳуқуқини вафот этган тақдирда тасарруф этиш хусусидаги хошиш-иродаси васият деб эътироф қилинади.**

**Васиятнома шахсан тузилиши лозим. Васиятноманинг вакил орқали тузилишига йўл қўйилмайди.**

**Фуқаро ўзининг барча мол-мулкини ёки унинг муайян қисмини конун бўйича меросхўрлар доирасига кирадиган, шунингдек кирмайдиган бир ёки бир неча шахсга, шу билан бирга юридик шахсларга, давлатга ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига васият қилиши мумкин.**

**Васият қилувчи қонун бўйича меросхўрлардан биттасини, бир нечасини ёки ҳаммасини изоҳ бермаган ҳолда меросдан маҳрум қилишга ҳақли. Қонун бўйича меросхўрни меросдан маҳрум этиш, агар васиятномадан бошқа ҳол келиб чиқмаса, бу васият қилувчининг тақдим этиш ҳуқуқи бўйича ворислик қиласидиган авлодларига нисбатан татбиқ этилмайди.**

**Мерос қолдирувчи ҳар қандай мол-мулк тўғрисидаги фармойишни ўз ичига оладиган васиятнома тушишга ҳақли.**

**Мерос қолдирувчи васият қилаётган пайтида ўзига тегишли бўлмаган мол-мулк тўғрисидаги фармойишни ўз ичига оладиган васиятнома тушишга ҳақли. Агар мерос очилган пайтга келиб, бундай мол-мулк унга тегишли бўлиб қолса, тегишли фармойиш ҳақиқий хисобланади.**

**Мерос қолдирувчи васиятнома тузилганидан кейин уни истаган пайтда бекор қилиш ва ўзгартириш борасида эркин бўлиб, бунда бекор қилиш ёки ўзгартириш сабабларини кўрсатишга мажбур эмас.**

**Мерос қолдирувчи ўзи васиятномада меросхўр этиб тайинлаган шахсларга, ўз навбатида вафот этишлари эҳтимоли билан ўзларига васият қилинган мол-мулкни муайян тарзда тасарруф этиш хусусида кўрсатма бериш мажбуриятини юклашга ҳақли эмас.**

1. Васиятнома ўлим юз бериши ҳолатига тузилади ҳамда мерос қолдирувчи тирик бўлмаган, мерос очилган вақтдан бошлаб амалга киради. У васият қилувчининг шахси билан чамбарчас боғлиқ бўлган хоҳиш-иродасини ўзида ифодалайди. Мерос қолдирувчининг ҳақиқий хоҳиш-иродаси ифодаланишини таъминлаш учун қонун васиятноманинг муайян белгиланган шаклини белгилайди.

2. Васиятнома муайян ҳуқуқий оқибатларга эришишга қаратилган бўлиб, улар мулкий ва айрим номулкий ҳуқуқларнинг вафот этган фуқародан бошқа шахсларга ўтишидан иборат. Бироқ васиятнома ўз-ўзидан бундай оқибатларни келтириб чиқара олмайди. Бунинг учун қўшимча юридик фактлар бўлиши зарур: мероснинг очилиши ва меросхўр томонидан мероснинг қабул килиниши.

3. Мол-мулкни васият қилиш ҳуқуқи фуқаролик ҳуқуқ лаёқатининг элементи бўлиб, барча фуқаролар учун инобатга олинади ҳамда туғилиш вақтида пайдо бўлади ва ўлим билан бекор бўлади. Шу билан бирга, васиятноманинг битим сифатидаги қатъий шахсий характеристери таъсирида у факат тўлиқ муомала лаёқати бўлганда амалга оширилиши мумкин.

Шундай қилиб, руҳий касаллик оқибатидаги муомалага лаёқатсиз шахс ҳам, 18 ёшга тўлмаган вояга етмаган шахс ҳам, шунингдек спиртли ичимликлар ёки гиёхвандлик воситаларини сунистеъмол қилиш натижасида муомалана лаёқати чекланган шахс ҳам васият қилувчи бўлиши мумкин эмас.

4. Васиятнома — васият қилувчининг шахси билан чамбарчас боғлиқ битим бўлиб, у қонун асосида ёки ишончнома бўйича фаолият юритадиган воситачи ёки вакил орқали тузилмайди. Васият фармойишини қилиш ҳуқуқи алоҳида шахсий ҳуқуқ сифатида учинчи шахслар билан келишиш бўйича чекланиши мумкин эмас. Васият қилиш ҳуқуқидан воз кечиш васиятни бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳуқуқидан воз кечиш каби аҳамиятсизdir. Чунки васиятнома бир томонлама битимни ўзида ифодалайди ва у бир томоннинг хоҳиш-иродасини намоён этиши етарли хисобланади. Шунинг учун васиятноманинг ҳақиқийлиги меросхўрлар унинг мазмунига розилиги ёки унга каршилиги билан боғлиқ эмас.

5. Мерос қолдирувчи қонун бўйича меросхўрлар доирасига боғлиқ эмас. Фуқаро ўзининг барча мол-мулкини ёки унинг муайян қисмини

қонун бўйича меросхўрлар доирасига кирадиган, шунингдек кирмайдиган бир ёки бир неча фуқароларга, шу билан бирга юридик шахсларга, давлатга ва маҳаллий ҳокимият органларига васият қилиши мумкин. Таъкидлаш жоизки, васият қилувчи юқорида кўрсатилган меросхўрлар тоифасидан бирортасига мол-мулкини васият қилишда уларнинг чақирилиш навбати билан ҳам, тақдим қилиш хуқуки билан ҳам боғлиқ эмас. У кўрсатилган меросхўрлардан хоҳлаган бирига барча мол-мулкини ёки унинг муайян қисмини ҳар қандай тақсимлаш улушкида васият қилиш хуқуқига эга. У истаган вақтда қилиб бўлинган васиятни бекор этиши ёки ўзгартириши мумкин. Бунда у кимгадир васиятноманинг мазмуни, тузилганлиги, бекор қилинганлиги ёки ўзгартирилганлиги хақида маълум қилишга мажбур эмас. Васиятнома эркинлиги принципидан ягона чекланиш меросдан мажбурий улуш хақидаги қоиданинг қўлланилишидир.

6. Васият қилувчи келажакда қўлга киритадиган мол-мулкни ҳам васият қилиши мумкин, мерос эса мерос очилган кунда мерос қолдирувчига тегишли бўлган мол-мулкка нисбатан очилади. Васиятномада васият қилувчи унинг мулки ҳисобланмаган (масалан, эр ва хотин улушкини ажратмаган ҳолда никоҳ давомида тўпланган барча мол-мулк) мол-мулкни ҳам кўрсатиши мумкин. Нотариуснинг ёки васиятномани тасдиқлашга ваколатли бўлган бошқа мансабдор шахснинг вазифасига мол-мулк васият қилувчига тегишли эканлигини текшириш мажбурияти кирмайди.

7. Васиятномада васият қилинаётган мол-мулкнинг муайян турларини кўрсатиш мумкин. Мол-мулкни аниқлаштирмасдан, «вафот эта-диган кунга қадар менга тегишли бўлган барча мол-мулкимни, нима юз беришидан ва мол-мулк қаерда жойлашишидан қатъи назар, шу шахсга васият қиласман» деган намунавий жумлани ҳам ёзиш мумкин. Ушбу ҳолатда меросхўр нотариусга мерос мол-мулки мерос қолдирувчига тегишли эканлигини тасдиқловчи хужжатларни тақдим этиши лозим. Баъзида тўлиқ бўлмаган васиятнома деб номланган васиятнома тузилади. Мерос қолдирувчига тегишли бўлган мол-мулкнинг фақат бир қисми васият қилинади, қолган мол-мулк эса қонун бўйича васият қилинади. Ниҳоят, васият қилувчи васиятномада мерос мол-мулк ичидан алоҳида ашёлар бир шахсга, бошқа барча мол-мулк эса бошқа шахсларга васият

килинади деб кўрсатиши мумкин. Шундай қилиб, васиятнома билан барча мерос мол-мулк қамраб олинмайди.

8. Васиятномада бир неча меросхўрлар кўрсатилган ҳолларда уларнинг улуши идеал ифодаларда (одатда арифметик касрларда) акс эттирилиши лозим. Бироқ васият қилувчи улушларни идеал ифодаларда белгилашдан ташқари мол-мулкнинг қайси қисми (масалан, уй-жой) меросхўрлардан қай бирига мўлжалланганлигини кўрсатиши мумкин.

9. Васиятномада икки ёки ундан ортиқ меросхўрлар кўрсатиб, улардан ҳар бирининг улуши, шунингдек мерос таркибига кирувчи қайси ашё ёки ҳуқуқлар меросхўрлардан қай бирига мўлжалланганлиги акс эттирилмаган ҳолат ҳам бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда мол-мулк меросхўрларга teng улушларда васият қилинган деб хисобланади.

### **1121-модда. Шартли васиятнома**

**Васият қилувчи мероснинг олиниши учун меросхўр ҳулқ-атворининг хусусиятини қонуний равишда шарт қилиб қўйишга ҳақли.**

**Меросхўрни тайинлаш ёки ворислик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги фармойишга киритилган ғайриконуний шартлар ҳақиқий бўлмайди.**

**Васиятномага киритилган бўлиб, меросхўр ўз саломатлигининг ахволига кўра ёки бошқа объектив сабаблар туфайли бажара олмайдиган шартлар меросхўрнинг даъвоси бўйича ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.**

1. Мерос қолдирувчи ўз мол-мулкининг тақдирини белгилар экан, васиятномада бир қатор кўрсатмаларни ифодалashi, жумладан меросхўрга муайян шартларни юклashi мумкин. Бироқ таъкидлаш жоизки, ушбу шартлар ҳуқуқка мос бўлиши шарт ҳамда уларда меросхўрнинг фақат ҳулқ-атвори хусусиятига тааллукли кўрсатмалар бўлиши керак.

2. Мерос қолдирувчи васиятномада фақат қонунчиликдан келиб чиқувчи шартларни ёзиши мумкин. Мерос қолдирувчи томонидан васиятномада кўрсатилган шартлар қонунчиликка зид бўлса, ҳақиқий бўлмайди.

3. Васият бўйича меросхўр соғлиғи ҳолатига ёки бошқа объектив сабабларга кўра васиятномага киритилган шартларни бажара олмаса,

ушбу шартларнинг ҳақиқий эмаслиги ҳақидаги даъво билан судга мурожаат қилиши мумкин.

## **1122-модда. Ворисдан кейинги ворисларни тайинлаш**

**Васият қилувчи васиятномада кўрсатилган меросхўр мерос очилгунга қадар вафот этиши, меросни қабул қилмаслиги ёхуд ундан возкечиши ёки нолойик меросхўр сифатида ушбу Кодекснинг 1119-моддасида назарда тутилган тартибда мерос олишдан четлаштирилиши эҳтимолини, шунингдек васиятнома бўйича меросхўр мерос қолдирувчининг қонуний шартларини бажармаслиги эҳтимолини назарда тутган холда бошқа меросхўрни (ворисдан кейинги ворисни) тайинлаши мумкин.**

**Ушбу Кодексга мувофиқ меросхўр бўла оладиган ҳар қандай шахс ворисдан кейинги ворис этиб тайинланиши мумкин.**

**Васиятнома бўйича меросхўрнинг ворисдан кейинги ворис зарарига меросдан воз кечишига йўл қўйилмайди.**

1. Васиятномада ворисдан кейинги ворисни тайинлаш деганда мерос қолдирувчи васиятномада меросхўрни кўрсатиш билан бирга шахсан ўзи (мерос қолдирувчи) ва мол-мулкини васият қилиб қолдирган меросхўрлар билан юзага келиши мумкин бўлган барча кутилмаган ҳолатларни инобатга олиши тушунилади. Бундай ҳолатда мерос қолдирувчи бошқа меросхўрни кўрсатади, агар биринчи меросхўр у ёки бу сабабга кўра меросни қабул кила олмаса, ушбу шахс меросхўр бўлади.

2. Васиятномада мерос қолдирувчига ворисдан кейинги ворис сифатида васият бўйича меросхўр ҳам, қонун бўйича меросхўр ҳам тайинланиши мумкин. Васият бўйича меросхўрга, шунингдек қонун бўйича меросхўрга нисбатан ворисдан кейинги ворисни тайинлашда нафақат асосий меросхўр мерос очилгунга қадар вафот этиши, шу билан бирга у мерос очилган вақтда, яъни мерос қолдирувчи билан бир вақтда ёки мерос очилгандан кейин вафот этиши ҳолати ҳам инобатга олиниши мумкин.

3. Ворисдан кейинги ворис асосий меросхўр тирик бўлган, лекин бошқа сабабларга кўра меросни қабул қилмаган ёки ундан воз кечган ҳолларда ворисликка чақирилади. Бунда меросхўрнинг хоҳиш-иродаси ифодаланадиган ушбу ҳаракатларни содир этиш ёки этмаслик услублари

турли хил бўлиши мумкин. Улар тўғридан-тўғри хоҳиш-истак билдириш сифатида ҳам, конклюдент харакатларни содир этиш шаклида ҳам намоён бўлиши мумкин.

4. Ворисдан кейинги ворис асосий меросхўр нолойик меросхўр сифатида мерос олиш хукуқига эга бўлмаган ёки ворисликдан четлатилган вактда ҳам ворисликка чакирилади.

### **1123-модда. Мол-мулкнинг васият қилинмаган қисмини мерос қилиб олиш**

**Мол-мулкнинг васият қилинмаган қисми ушбу Кодекснинг 1134–1143-моддаларида назарда тутилган тартибда ворисликка чакириладиган қонун бўйича меросхўрлар ўртасида тақсимланади.**

Бу меросхўрлар жумласига мол-мулкнинг бошқа қисми **васиятнома** бўйича мерос қилиб қолдирилган қонун бўйича ворислар ҳам кирадилар.

1. Баъзи бир сабаблардан келиб чиқиб, мол-мулкнинг муайян қисми **васият қилинмасдан қолиши** мумкин. Бундай ҳолатларда қонун бўйича ворислик билан бир қаторда **васият бўйича** ворислик амалга оширилади. **Васият қилинган мол-мулкка** нисбатан **васият бўйича** ворислик, **васият қилинмасдан қолган мол-мулкка** нисбатан эса қонун бўйича ворислик амалга оширилади.

2. Шу муносабат билан, айни бир шахс **васият бўйича ҳам, қонун бўйича ҳам** ворисликка чакирилиши мумкин. Масалан, мерос қолдирувчи мол-мулкнинг бир қисмини қонун бўйича меросхўрга **васият қилди**, қолган қисмини эса **васият фармойиши** доирасидан ташқарида қолдирди. Мол-мулкнинг **васият қилинмаган қисми** қонун бўйича меросхўрлар, жумладан **васият бўйича ҳам** мол-мулкнинг бир қисмини оладиган меросхўр ўртасида тақсимланади,

### **1124-модда. Васиятноманинг шаклига доир умумий қоидалар**

**Васиятнома ёзилган жойи ва вакти кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда тузилиши лозим.**

**Кўйидаги **васиятномалар ёзма шаклда тузилган** хисобланади:**

**нотариал тасдиқланган васиятномалар;**  
**нотариал тасдиқланган васиятномаларга тенглаштирилган васиятномалар.**

**Ёзма шаклдаги васиятнома васият қилувчининг ўз қўли билан имзоланиши лозим.**

Агар васият қилувчи жисмоний нуқсонлари, касаллиги ёки саводсизлиги туфайли васиятномани ўз қўли билан имзолай олмаса, унинг илтимосига биноан нотариус ёки қонунга мувофиқ васиятномани тасдиқлайдиган бошқа шахс ҳозир бўлганида васият қилувчи ўз қўли билан имзолай олмаганинг сабаблари қўрсатилган ҳолда васиятномага бошқа шахс имзо қўйиши мумкин.

**Куйидагилар васият қилувчининг ўрнига васиятномани имзолаши мумкин эмас:**

**нотариус ёки васиятномани тасдиқловчи бошқа шахс;**  
**васиятнома кимнинг фойдасига тузилган ёки кимга нисбатан васият мажбурияти юклатилган бўлса, ўша шахс, унинг эри (хотини), болалари, ота-онаси, неваралари ва чеваралари, шунингдек васият қилувчининг қонун бўйича меросхўрлари;**

**тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлмаган фукаролар;**  
**саводсизлар ва васиятномани ўқий олмайдиган бошқа шахслар;**  
**ёлғон гувоҳлик берганлик учун муқаддам судланган шахслар.**

1. Васиятнома албатта ёзма шаклда тузилиши ва нотариус томонидан тасдиқланиши лозим. Васиятномани нотариус томонидан тасдиқлашнинг мажбурийлиги — ўринли (тўғри) қонуний талабдир. Оддий ёзма шакл кўпгина муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

2. Васият қилувчи ўз хоҳиш-иродасини баён этиш учун ишлатадиган техника воситалари бўйича чекловлар мавжуд эмас. Васиятнома васият қилувчининг ўз қўли билан, бошқа шахс томонидан, васият қилувчининг сўзларидан нотариус томонидан ёзилиши, ёзув машинкасида ёки компьютерда терилиши мумкин. Агар васиятнома васият қилувчининг сўзларидан нотариус томонидан ёзилган бўлса, васият қилувчи васиятномани имзолагунга қадар уни нотариус иштирокида ўқиб чиқиши шарт. Агар васият қилувчи буни қилиш имконига эга бўлмаса (кўриш қобилиятининг ёмонлиги, саводсизлиги ва шу кабилар), нотариуснинг ўзи васиятномани васият қилувчига ўқиб беради ҳамда васиятномага бу ҳақда васият қилувчи

шахсан васиятномани ўқий олмаганлигининг сабабларини кўрсатган холда тегишли ёзув киритилади.

3. Васиятномада у тасдиқланган жой ва вақт кўрсатилиши шарт. Васиятнома васият қилувчининг ўз қўли билан имзоланиши лозим. Фақат истисно ҳоллардагина, агар васият қилувчи жисмоний камчилиги, оғир касаллиги ёки саводсизлиги сабабли васиятномани ўзи имзолай олмаса, бундай васиятнома васият қилувчининг илтимосига кўра бошқа шахс (кўл кўйувчи) томонидан албатта нотариус иштироқида имзоланиши мумкин. Васиятноманинг ўзида васият қилувчи васиятномани имзолай олмаганлигининг сабаблари кўрсатилиши шарт. Бунда, табиийки, вақтинчалик сабаблар ҳақида эмас, соғлиқнинг доимий (барқарор) бузилиши ёки васият қилувчини васиятномани ўз қўли билан имзолаш имконидан маҳрум қиласидаган бошқа ҳолатлар тўғрисида сўз юритилмоқда.

4. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, қонун у ёки бу сабабларга кўра васият қилувчининг ўрнига васиятномани имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган шахслар доирасини белгилаган.

5. Васиятноманинг шакли ва уни тасдиқлаш ҳақидаги қоидаларга риоя қилмаслик васиятноманинг ҳақиқий ҳисобланмаслигига сабаб бўлади. Бошқа ҳар қандай битимдаги каби алдов, зўрлик, кўркитиш таъсирида тузилган васиятнома суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Бироқ бундай ҳолат мерос қолдирувчининг вафотидан кейингина манфаатдор шахсларнинг даъвоси бўйича мумкин бўлади. Чунки мерос қолдирувчи тирик вақтида ўз ҳимоясини ўзи амалга оширишга ҳақли бўлиб, давлат мажбурлов чорасини кўллашга зарурат бўлмайди. Масаланинг бошқача ҳал қилиниши мерос қолдирувчи ҳуқуқларининг асоссиз чекланишига олиб келарди. Бундан ташқари, васиятноманинг ҳақиқийлиги ҳақидаги масала мерос очилгандан кейингина реал тарзда юзага келади, бу вақтга қадар васиятнома юридик кучга эга бўлмайди.

## **1125-модда. Нотариал тасдиқланган васиятнома**

**Нотариал тасдиқланган васиятнома васият қилувчи томонидан ёзилган ёки унинг сўзларидан нотариус томонидан ёзиб олинган бўлиши лозим. Васиятномани васият қилувчи сўзларидан нотариус томонидан ёзиб олиш пайтида умумий қабул қилинган техника**

**воситаларидан (ёзув машинкаси, шахсий компьютер ва ҳоказолардан) фойдаланилиши мумкин.**

**Васият қилувчининг сўzlаридан нотариус томонидан ёзиб олинган васиятномани имзолашдан олдин **vasият қилувчи унинг матнини нотариус олдида тўлиқ ўқиб чиқиши лозим**.**

Агар **vasият қилувчи жисмоний нуқсонлари, касаллиги ёки саводсизлиги туфайли** васиятномани шахсан ўқий олмаса, **vasиятноманинг матни** **vasият қилувчига нотариус томонидан ўқиб эшиттирилади**, бу ҳақда **vasиятномада тегишлича қайд этилиб**, **vasият қилувчи** **vasиятномани** шахсан ўқий олмаганлигининг сабаблари қўрсатилиади.

**Васият қилувчининг хоҳишига кўра** **vasиятнома нотариус томонидан** **унинг мазмуни билан** **танишиб** **чиқилмасдан** (**махфий** **vasиятнома**) тасдиқланади.

**Махфий** **vasиятномани** **vasият қилувчи** ҳақиқий саналмаслик хавфи остида ўз қўли билан ёзиши ва имзолаши лозим. **Васиятнома** икки гувоҳ ва нотариус иштирокида хатжилдга солиниб, хатжилд елимланиши лозим, гувоҳлар ўз фамилиялари, исмлари, оталарининг исмини ва доимий турар жойларини кўрсатган ҳолда хатжилдга имзо кўядилар. Гувоҳлар имзо кўйган хатжилд гувоҳлар ва нотариуснинг иштирокида бошқа хатжилдга солинади ва бу хатжилд ҳам елимланиди, унга нотариус тасдиқлаш устхатини ёзиб қўяди.

1. Нотариал тасдиқланган **vasиятнома** деганда шундай **vasиятнома** тушуниладики, унинг номидан кўриниб турганидек у нотариус томонидан тасдиқланган бўлиши лозим. Фақат тузилган, яъни **vasият қилувчининг ўзи** томонидан ёзилган ёки унинг сўzlаридан нотариус томонидан ёзилган **vasиятномани** нотариал тасдиқлаш мумкин.

2. **Васиятномани** ёзишда техника воситаларидан фойдаланилиши мумкин. Нотариусга (кўрсатилган бошқа шахсга) имзолangan **vasиятнома** тақдим этилган ҳолларда **vasият қилувчи** **vasиятнома** ўзи томонидан имзоланганини шахсан тасдиқлаши шарт.

3. **Васият қилувчи** касаллиги, саводсизлиги (агар **vasият қилувчи** саводсиз бўлса, нотариус унга **vasиятномани** ўқиб эшиттириши ва **vasиятнома** матнига бу ҳақда эслатма киритиши керак) ёки бошқа сабабларга кўра **vasиятномага** ўзи қўл қўя олмаса, **vasиятномани** имзолаш учун алоҳида тартиб белгиланган. Бундай ҳолатда **vasият қилувчининг** илтимосига кўра

унинг ва нотариуснинг иштирокида васиятнома бошқа шахс томонидан имзоланиши мумкин. Васиятномани васият қилувчининг ўзи имзолай олмаганлигининг сабаблари васиятнома матнида ва тасдиқловчи ёзувларда кўшимча тарзда кўрсатилиши лозим.

4. Васиятномани тасдиқлашда нотариус томонидан васият қилувчининг шахси паспорт ёки унинг шахсига доир ҳар қандай шубҳаларни истисно этадиган бошқа хужжатлар асосида аниқланади. Кейинчалик баҳслар келиб чиқиши мумкинлигини олдини олиш учун васият қилувчининг исми, фамилияси ва отасининг исми нотариус томонидан талаб қилиб олинган унинг шахсини тасдиқловчи хужжатда ёзилганига тўлиқ мувофиқ бўлиши шарт.

5. Қонунчилик васиятноманинг ёпиқ шаклини ҳам назарда тутади. Ёпиқ(махфий) васиятнома бошқа шахслардан, ҳатто нотариусдан ҳам маҳфий, хуфёна, яширин бўлиб, у васият қилувчининг ўз қўли билан ёзилиши лозим.

6. Ёпиқ васиятномани васият қилувчи елимланган хатжилдда икки нафар гувоҳ иштирокида нотариусга беради ва ушбу гувоҳлар хатжилдга ўз имзоларини қўядилар. Икки нафар гувоҳнинг хатжилддаги имзолари васиятнома ёзилганингианглатади, лекин улар васиятноманинг мавжудлиги фактини ошкор қилмайдилар. Васиятнома сири ошкор қилинган ҳолларда васият қилувчи гувоҳларга нисбатан қонунда белгиланган талабларни, масалан маънавий зарарни қоплаш талабини қўйиши мумкин.

7. Ёпиқ васиятнома икки нафар гувоҳ томонидан имзолангандан ушбу хатжилд гувоҳлар ва нотариуснинг иштирокида бошқа хатжилдга солинади, унга нотариус васият қилувчи, васиятнома қабул қилинган вақт ва жой, шахсини тасдиқловчи хужжатларга асосан ҳар бир гувоҳнинг исми, фамилияси, отасининг исми ва турар жойи ҳақидаги маълумотларни ёзib қўяди. Нотариус васият қилувчига ёпиқ васиятнома қабул қилинганинги тасдиқловчи хужжат беради.

8. Ёпиқ васиятнома фақатгина васият қилувчи вафот этган ҳолатда очилиши мумкин. Ёпиқ васиятнома тузган шахснинг вафот этганлиги ҳақидаги гувоҳнома тақдим этилгандагина нотариус камида икки нафар гувоҳ ва қонун бўйича меросхўрлар доирасига кирувчи манфаатдор шахслар иштирокида васиятнома солинган хатжилдни очади. Қонун бўйича меросхўрлар доирасига кирувчи манфаатдор шахсларнинг ўzlари васият-

номани ошкор этиш ёки этмаслик ҳақидаги масалани ҳал этадилар. Хатжилд очилгандан кейин ундан хужжатнинг матни дархол нотариус томонидан эълон қилинади. Нотариус хатжилд очилганлиги ҳақида баённома тузиши шарт, баённома нотариус ва гувоҳлар томонидан имзоланади. Шундай килиб, нотариус васиятномани эълон қилгач, меросхўрларга баённоманинг нотариал тасдиқланган нусхасини беради. Ёпиқ васиятноманинг асл матни эса нотариусда қолади ва унинг архивида сақланади.

9. Ёпиқ (махфий) васиятноманинг асосий афзалиги — унинг сирларини сақлашнинг кафолатидир. Бироқ бундай васиятнома қатор камчиликларга ҳам эга. Ёпиқ васиятнома нотариуснинг малакали ёрдамисиз тузилганлиги сабабли хатжилд очилгандан сўнг унинг мазмуни билан боғлиқ турли хил кутилмаган ҳолатларнинг бўлиши истисно эмас. Ушбу хатжилд ичida ҳеч нарса бўлмаслиги ёки васиятнома билан умуман боғлиқ бўлмаган ҳар қандай матн бўлиши мумкин. Зоро, васиятноманинг ушбу шакли учун сақлашнинг алоҳида қоидалари ҳам зарур. Бундай васиятнома шаклининг нокулайлиги шундаки, вафот этиши ҳолати учун ўз хоҳиш-иродасини ёзма тарзда расмийлаштиришга қарор қилган инсон васиятнома ёзиш ва тузиш қоидалари билан таниш бўлмаслиги мумкин.

10. Шуниси эътиборга моликки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг қоидалари саводсиз ва мол-мулкини бошқариш бўйича ўз хоҳиш-иродасини бошқалар ёрдамисиз ифодалай олмайдиган шахсларга ёпиқ васиятнома тузиш имконини бермайди. Шунинг учун кўрсатилган шахслар тоифаси учун васиятнома тузишнинг бошқача тартибини, масалан, аудио ва видео ёзув шаклини белгилаш зарур.

## **1126-модда. Нотариал тасдиқланган васиятномаларга тenglashchiirlgan vasiatnomalar**

**Кўйидаги васиятномалар нотариал тасдиқланган васиятномаларга тенглаштирилади:**

**касалхоналар, госпиталлар, бошқа стационар даволаш муассасаларида даволанаётган ёки қариялар ва ногиронлар уйларида яшаб турган фуқароларнинг ана шу касалхоналар, госпиталлар ва бошқа даволаш муассасаларининг бош враchlари, уларнинг даволаш**

ишлари бўйича ўринбосарлари ёки навбатчи врачлари, шунингдек госпиталларнинг бошлиқлари, қариялар ва ногиронлар уйларининг директорлари ёки бош врачлари томонидан тасдиқланган васиятномалари;

фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси байроғи остидаги кемаларда сузib юрган вақтидаги ана шу кемаларнинг капитанлари томонидан тасдиқланган васиятномалари;

қидирув экспедициялари ёки шу каби бошқа экспедициялардаги фуқароларнинг ана шу экспедициялар бошлиқлари томонидан тасдиқланган васиятномалари;

ҳарбий хизматчиларнинг, нотариуслар бўлмаган ерларда жойлашган ҳарбий қисмларда эса, бу қисмларда ишлаётган ҳарбий бўлмаган фуқаролар, уларнинг оила аъзолари ва ҳарбий хизматчилар оила аъзоларининг ҳам ҳарбий қисмларнинг командирлари томонидан тасдиқланган васиятномалари;

озодликдан маҳрум этиш жойларида ёки қамоқда сақланаётган шахсларнинг тегишли муассасалар бошлиқлари томонидан тасдиқланган васиятномалари;

нотариус бўлмаган ахоли пунктларида яшаётган шахсларнинг қонунга мувофиқ нотариал харакатларни амалга ошириш хуқуқига эга бўлган мансабдор шахслар томонидан тасдиқланган васиятномалари.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган васиятномаларга нисбатан ушбу Кодекснинг 1125-моддаси қоидалари қўлланилади, васиятномани нотариал тасдиқлаш тўғрисидаги талаб бундан мустасно.

Шарҳланаётган модда васиятномани нотариал тартибдан ташқари тасдиқлаш имкониятини ҳам назарда тутади. Бундай васиятномани тасдиқлаш хуқуқига эга бўлган шахслар рўйхати шарҳланаётган моддада тўлиқ берилган бўлиб, кенгайтирилган тарзда шарҳланиши мумкин эмас.

Васиятномани бошқа мансабдор шахслар томонидан тасдиқлаш зарурати объектив ҳолатлар, хусусан фуқаро вақтинчалик муайян тарзда ташқи мухитдан ажralган вазиятга тушиши (геологик қидирув, арктик ва бошқа шунга ўхшаш экспедициялар, озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ўташ ва ҳок.) ёки унинг соглиги нотариусга мурожаат қилиш имконини бермайдиган салбий ҳолатга келиши билан боғлиқ бўлади.

2. Васиятномани тасдиқлаш ҳуқуқига эга бўлган шахс қуидаги ҳаракатларни амалга оширади:

номидан васиятнома тасдиқланадиган жисмоний шахсларга уларнинг васиятномадан келиб чикувчи ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради;

тасдиқланадиган васиятноманинг конун талабларига ва уни тасдиқлаш ҳақида мурожаат шахсларнинг ҳақиқий истакларига мувофиқлигини текширади;

васиятномани тасдиқлашнинг ҳуқуқий оқибатлари тўғрисида огоҳлантиради;

васиятномани бекор қилиш ва янгисини тузиш тартибини тушунтиради;

зарур ҳолларда жисмоний шахсларнинг оғзаки илтимосига кўра васиятноманинг лойихасини тузади;

жисмоний шахсларнинг оғзаки илтимосига кўра васиятномани тасдиқлади.

3. Васиятномани тасдиқловчи шахслар томонидан васиятнома тасдиқланиши учун тегишли хужжатларга тасдиқловчи ёзувлар кири-тилади, улар:

васиятноманинг олд томонида ҳам, орқа томонида ҳам жойлаштирилиши мумкин;

аниқ ва тушунарли қилиб, тузатишларсиз ёзилиши шарт ҳамда васиятномани тасдиқловчи шахснинг имзоси билан гувоҳлантирилиши ва муҳр босиб тасдиқланashi шарт;

васиятнома ёки ишончнома тасдиқланадиган кунда ёзилиши керак.

Тасдиқловчи ёзувларни киритиш учун тегишли маъно билан штамп қўлланилиши мумкин.

4. Алоҳида таъкидлаш керакки, қуидаги шахслар томонидан тасдиқланган васиятномалар ҳақиқий ҳисобланмайди:

даволовчи врач ёки бирон бир бошқа врач (даволовчи врач айни бир вақтда фуқаро даволаниш учун жойлашган шифохонанинг навбатчи врачи бўлган ҳоллар бундан мустасно);

фуқаро озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ўтамаётган тер-гов изолятори ёки вақтинча сақлаш изоляторининг бошлиғи;

агар ҳарбий қисм жойлашган худудда нотариал ҳаракатларни амалга оширувчи органлар бўлса, ҳарбий хизматчи бўлмаган фуқаролар учун ҳарбий қисм қўмандони.

Бундай васиятномалар уларнинг ўз-ўзидан ҳақиқий эмаслиги сабабли хукукий оқибатларга эга бўлмайди.

## **1127-модда. Васиятномани бекор қилиш ва ўзгартириш**

**Васият қилувчи исталган вақтда ўз васиятномасини тўлалигича бекор қилишга ёхуд унда мавжуд бўлган айрим васият фармойишларини янги васиятнома тузиш орқали бекор қилишга, ўзгартиришга ёки тўлдиришга ҳақли.**

**Васиятнома васият қилувчи томонидан ёки васият қилувчининг ёзма фармойишига биноан нотариус ёхуд бошқа мансабдор шахслар томонидан унинг барча нусхаларини йўқ қилиб ташлаш йўли билан бекор қилиниши мумкин.**

**Янги васиятнома тузиш орқали олдин тузилган васиятнома тўлалигича ёки унинг кейинги васиятномага зид бўлган қисми бекор қилинади.**

**Агар васият қилувчи томонидан кейинги васиятнома ўз навбатида бекор қилинган ёки ўзгартирилган бўлса, янги васиятнома тузиш орқали тўлалигича ёки қисман бекор қилинган олдинги васиятнома қайта тикланмайди.**

1. Мерос қолдирувчининг васият фармойиши билан назарда тутилган барча хукуқ ва мажбуриятлар меросхўрларда мерос очилган вақтдан бошлаб юзага келади. Бу билан, шунингдек васият қилувчи вафот этиши ҳолати учун у ёки бу васият фармойишини ўз кучида қолдириши ёхуд уларни ҳар қандай вақтда қайта кўриб чиқишига имкон берадиган васиятнома эркинлиги умумий принципи билан илгари тузилган васиятномани бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақидаги қоидаларнинг катта аҳамиятга эга эканлиги изоҳланади.

2. Васиятномани ўзгартириш ёки бекор қилиш учун бундай қарорга келинганининг сабабларини кўрсатиш, меросхўрларни хабардор қилиш, уларнинг розилигини олиш талаб қилинмайди.

3. Тузилган васиятнома факат биринчи васиятнома фармойишларини бекор қиладиган ёки ўзгартирадиган янги васиятномани тузиш билан ўзгартирилиши мумкин. Васиятномадаги алоҳида фармойишларни

ўзгартериш натижасида иккита васиятнома: ўзгартрилган фармойишларга тааллуқли қисмлар бўйича кейинги васиятнома, бошқа бандлар бўйича олдинги васиятнома амал қиласи.

4. Кейин тузилган васиятнома билан олдинги васиятнома нафақат ўзгартрилиши, шу билан бирга бекор қилиниши ҳам мумкин. Агар биринчи васиятнома бўйича фуқаро ўзининг барча мол-мулкини муайян шахсга васият қилган, иккинчисида эса барча мол-мулк бошқа шахсга мерос қилиб берилиши кўрсатилган бўлса, бу биринчи васиятнома тўлиқ бекор қилинганлигини англатади. Шундай қилиб, нисбатан кейинги васиятнома илгари тузилган васиятномани барча ҳолларда ўзгартиради ёки бекор қиласи.

5. Илгари тузилган васиятномани бекор қиладиган ёки ўзгартирадиган янги васиятнома олинган ҳолларда, нотариус давлат нотариал идорасида сақланётган васиятнома нусхасига, нотариал ҳаракатларни рўйхатга олиш реестрига ва алфавит китобига бу ҳақда белги қўяди. Агар васият қилувчи васиятноманинг ўзида мавжуд бўлган нусхасини тақдим этса, ушбу нусхага ҳам васиятнома бекор қилинганлиги ҳақида белги қўйилади ҳамда у нотариал идорадаги нусхага тикилади.

6. Ҳар қандай белгиланган шаклда содир этилган васиятноманинг бекор қилиниши қайта кўриб чиқилмайдиган факт хисобланади. Бунинг мазмуни шундан иборатки, биринчи васиятнома кейинги васиятнома билан бекор қилинган, сўнгра кейинги васиятнома ҳам бу ҳақда берилган хабар асосида бекор қилинган ҳолатда биринчи васиятнома қайта тикланмайди ҳамда бирор бир васиятнома бўлмаганлиги сабабли қонун бўйича ворислик амал қиладиган вазият юзага келади.

## **1128-модда. Васиятноманинг сир сақланиши**

**Нотариус, васиятномани тасдиқловчи бошқа мансабдор шахс, шунингдек васият қилувчининг ўрнига васиятномани имзолаган фуқаро мерос очилгунга қадар васиятноманинг мазмунига, унинг тузилиши, бекор қилиниши ёки ўзгартрилишига дахлдор маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмас.**

1. Васиятноманинг сир сақланиши васиятноманинг мазмуни, унинг тузилганлиги, ўзгартрилганлиги ёки бекор қилинганлигига дахлдор маълумотлар уни расмийлаштиришда иштирок этган барча шахслар

томонидан ошкор қилинмаслигини назарда тутади. Сир васият қилувчи вафот этгунга қадар сақланади.

2. Хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан нотариал ҳаракатларнинг амалга оширилганлиги ҳақида хабардор бўлган мансабдор шахс нотариал ҳаракатларнинг сир сақланишига риоя этиш тўғрисидаги қоидаларга амал қилиши шарт. Агар унга нисбатан нотариал ҳаракатларнинг амалга оширилиши муносабати билан жиноят иши қўзғатилган бўлса, уни факат суд ушбу мажбуриятдан озод этиши мумкин.

3. Васият эркинлиги принципига амал қилган ҳолда, васиятноманинг сир сақланиши фуқароларнинг шахсий ҳаёти, шахсий ва оилавий сирининг дахлсизлигини ҳимоя қилишга қаратилган. Васият қилувчи умуман бирор бир шахсни, жумладан васиятнома тааллукли бўлган шахсларни ҳам унинг мазмуни, тузилганлиги, ўзгартирилганлиги ёки бекор қилинганлиги ҳақида хабардор этишга мажбур эмаслиги сабабли ҳам васиятноманинг сир сақланиши таъминланади. Буларнинг барчаси васият қилувчининг шахсий ҳаётига тааллукли ва унинг ўта шахсий сирини ташкил этади. Шунинг учун ушбу сирлар дахлсиз бўлиб, агар васият қилувчи шуни хоҳласа, улар бошқалардан ишончли тарзда яширилган ҳолатда бўлиши шарт.

### **1129-модда. Васиятни талқин қилиш**

**Васиятнома нотариус, васиятни ижро этувчи ёки суд томонидан талқин қилинганида ундаги сўзлар ва ибораларнинг асл маъноси эътиборга олинади. Васиятномадаги бирон-бир қоиданинг асл маъноси ноаниқ бўлса, у бошқа қоидалар ва умуман васиятноманинг мазмуни билан таққослаш орқали аниқланади.**

1. Агар васиятномани ижро этишда унда бирон бир бўшлиқ, тушунарсиз ҳолат ёки ноаниқлик мавжуд бўлса, улар васиятномани талқин қилиш орқали ва васият қилувчининг назарда тутган хоҳиш-иродасини аниқлаш учун жиддий аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолларни ҳисобга олган ҳолда бартараф этилиши ёки тўлдирилиш лозим.

2. Васиятномани талқин қилишда васият қилувчининг назарда тутган хоҳиш-иродасини энг тўлиқ тарзда амалга ошириш таъминланиши шарт.

3. Шуни инобатта олиш зарурки, васиятномани талқин қилиш фақат васият қилувчи вафот этгандан кейин амалга оширилади, яъни бундан олдинги босқичларда талқин қилиш хуқуқий оқибатларга эга эмас.

4. Таъкидлаш жоизки, васиятномани расмий талқин қилиш хуқуқига эга бўлган шахслар доираси шархланаётган модда билан қатъий чеклаб қўйилган. Васиятномани бошқа шахслар томонидан талқин қилиш юридик аҳамиятга эга эмас.

### **1130-модда. Васиятноманинг ҳақиқий эмаслиги**

**Тегишли шаклда тузилмаган васиятнома ҳақиқий эмас. Васиятноманинг ҳақиқий эмаслиги ушбу Кодекснинг битимлар ҳақиқий эмаслиги тўғрисидаги қоидаларга ҳам асосланади.**

**Васиятноманинг ҳақиқий эмас деб топилишидан мулкий оқибатларга эга бўладиган шахснинг дъевоси бўйича васиятнома уни тузиш, имзолаш ва тасдиқлашнинг ушбу Кодексда белгиланган тартиби бузилиши натижасида ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.**

**Васиятномадаги айрим фармойишларнинг ҳақиқий эмаслиги васиятноманинг қолган қисми ҳақиқийлигига дахл қилмайди.**

**Васиятнома ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, ушбу васиятномага биноан меросдан маҳрум бўлган меросхўр умумий асосларда мерос олиш хуқуқига эга бўлади.**

1. Шархланаётган модда васиятнома ҳақиқий эмаслигининг маҳсус оқибатларини белгиловчи нормани ўз ичига олмайди. Бу ҳолда Фуқаролик кодексида назарда тутилган умумий оқибатлар келиб чиқади — ҳақиқий бўлмаган васиятнома ўз-ўзидан юридик оқибатларга олиб келмайди, яъни ҳақиқий эмас деб топилган васиятнома бўйича ворислик очилмайди ва бундай васиятнома ижро этилмайди.

2. Васиятноманинг ҳақиқий эмас деб топилиши васият бўйича меросхўрларни конун бўйича мерос олиш хуқуқидан маҳрум қилмайди. Бундай қоидалар меросдан воз кечиш ва меросни тақсимлаш ҳақидаги келишувга нисбатан ҳам амал қиласди.

3. Қонунчилик талабларини бузиш васиятноманинг ҳақиқий эмаслигига олиб келади: у юридик кучга эга бўлмайди ва хуқуқий оқибатларни келтириб чиқармайди.

4. Васиятнома бошидан ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаслиги мумкин (vasiyatnomанинг ёзма шакли ва уни тасдиқлаш ҳақидаги қоидаларга риоя қилмаслик, васиятноманинг муомала лаёқатига эга бўлмаган шахс, вакил томонидан тузилиши ва ҳок.).

5. Бундан ташқари, васиятнома суд тартибида ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

6. Васият фармойишлари бир неча бўлишини инобатга олган ҳолда, васиятнома қисман ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Айрим васият фармойишларининг ҳақиқий эмас деб топилиши бутун васиятноманинг ҳақиқий эмаслигига олиб келмайди.

7. Ворисликка оид қонунлар билан даъво қилишнинг маҳсус муддатлари белгиланмаганлиги сабабли низоли васиятномани ҳақиқий эмас деб топиш учун даъво қилишнинг умумий муддати қўлланилади, бироқ ушбу муддатларни ҳисоблаш қоидалари ўз хусусиятларига эга. Қоидага кўра меросхўрлар васиятнома ҳақида фақат мерос очилгандан кейин билишлари мумкинлиги муносабати билан васиятномани ҳақиқий эмас деб топиш, васиятноманинг ўз-ўзидан ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш ҳақида даъво қилиш муддати фақат мерос очилгандан кейингина бошланishi мумкин. Бироқ агар шахс ўз ҳукуқларининг бузилганлиги ҳақида кейинроқ билган бўлса, тегишлича даъво қилиш муддати ушбу вақтдан бошланади.

8. Васиятномани ҳақиқий эмас деб топишга нисбатан кесик (тўхтатадиган) муддатнинг белгиланиши мақсадга мувофиқ эмас, чунки бу меросхўрларнинг ҳукуқлари ва қонуний манфаатларини жиддий тарзда чеклайди.

## **1131-модда. Васиятномани ижро этиши**

**Васият қилувчи васиятноманинг ижро этилишини ўзи васиятномада кўрсатган, меросхўр ҳисобланмайдиган шахсга (vasiyatnomani ижро этувчига) топшириши мумкин. Бу шахснинг vasiyatnomанинг ижро этувчиси бўлишга розилиги унинг ўз қўли билан vasiyatnomaga ёзган устхатида ёки vasiyatnomaga илова қилинган аризасида акс эттирилиши лозим.**

**Меросхўрлар ўзаро келишиб, vasiyatnomанинг ижросини меросхўрлардан бирига ёхуд бошқа шахсга топширишга ҳақлидирлар. Бундай**

**келишувга эришилмаган тақдирда, васиятномани ижро этувчи бир ёки бир неча меросхўрнинг талаби билан суд томонидан тайинланниши мумкин.**

**Васиятномани ижро этувчи васиятнома бўйича меросхўрларни олдиндан хабардор қилган ҳолда васият қилувчи томонидан ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажаришдан истаган вақтда воз кечиш ҳуқуқига эга. Васиятномани ижро этувчи меросхўрларнинг аризасига биноан суднинг чиқарган қарори билан ҳам ўз мажбуриятларидан озод қилиниши мумкин.**

**Васиятномани ижро этувчи:**

**меросни муҳофаза қилиши ва уни бошқариши;**

**барча меросхўрларни ва васият мажбурияти юзасидан ҳуқук олувчиларни мерос очилганилиги тўғрисида ҳамда улар фойдасига васият мажбуриятлари тўғрисида хабардор қилиш учун имкон қадар барча чора-тадбирларни кўриши;**

**мерос қолдирувчига тегишли суммаларни олиши;**

**мерос қолдирувчининг хоҳиш-иродаси ва қонунга мувофиқ меросхўрларга уларга тегишли мол-мулкни бериши;**

**меросхўрлар зиммаларига юклатилган васият мажбуриятларини ижро этишларини таъминлаши;**

**васият мажбуриятларини бажариши ёхуд васиятнома бўйича меросхўрлардан васият мажбуриятларини ижро этишларини талаб қилиши лозим.**

**Васиятномани ижро этувчи меросни бошқариш ҳамда васиятномани ижро этиш билан бөглиқ суд ишларида ва бошқа ишларда ўз номидан қатнашишга ҳақли, шунингдек бундай ишларда иштирок этишга жалб этилиши мумкин.**

**Васиятномани ижро этувчи ўз мажбуриятларини меросни қарзлардан ҳоли қилиш, мерос қолдирувчига тегишли суммаларни ундириш ва барча меросхўрларнинг меросга эгалик қилишга киришиши учун зарур бўлган оқилона муддат мобайнида амалга оширади. Ҳар қандай ҳолда ҳам кўрсатилган муддат мерос очилган кундан бошлаб бир йилдан ошиб кетмаслиги керак.**

**Васиятномани ижро этувчи меросни бошқариш ва васиятномани ижро этиш бўйича зарур харажатларни мерос ҳисобидан ундириш**

**хукуқига эга. Васиятномада уни ижро этувчига мерос ҳисобидан ҳақ тўлаш назарда тутилиши мумкин.**

**Васиятнома ижро этиб бўлингач, васиятномани ижро этувчи меросхўрларнинг талабига биноан уларга ҳисбот тақдим этиши шарт.**

1. Шарҳланётган модда васиятномани ижро этиш зиммасига юклатилиши мумкин бўлган шахслар доирасини белгилайди.

Биринчидан, васиятномани ижро этувчини васият қилувчининг ўзи тайинлаши мумкин. Ушбу ҳолатда васиятномани ижро этувчи бунга ёзма шаклда розилик бериши лозим. Таъкидлаш жоизки, бир қатор давлатларнинг қонунчилиги васият қилувчи томонидан васиятномани ижро этувчини хабардор этмаган ҳолда уни тайинлашни назарда тутади. Мазкур ҳолатда васиятномани ижро этувчи факат мерос очилгандан кейин ўзининг ижро этувчи этиб тайинланганлигини билади.

Иккинчидан, васиятномани ижро этувчини меросхўрлар ўзлари орасидан ёки бошқа шахслар ичидан танлашлари мумкин.

Учинчидан, васиятномани ижро этувчини тайинлаш юзасидан умумий қарорга келинмаган ҳолларда уни суд тайинлади.

2. Таъкидлаш жоизки, шарҳланётган моддада васиятномани ижро этувчига нисбатан хукукий талаблар белгиланмаган. Васиятномани ижро этувчининг фуқаролиги масаласи бўйича ҳам талаблар мавжуд эмас (ижро этувчи сифатида Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳам, чет эл фуқароси ҳам бўлиши мумкин). Одатда, факат жисмоний шахс васиятномани ижро этувчиси бўлиши мумкин. Бироқ ушбу модда бунга нисбатан тақиқларни назарда тутмаган. Бу ўринда айтиш мумкинки, муайян даражада юридик шахс ҳам васиятномани ижро этувчи бўлиши мумкин (юридик шахс меросхўр бўлиб, васиятномани амалга ошириш бўйича муайян ҳаракатларни бажарган ҳолларда). Лекин шуниси ҳақиқатга яқинки, юридик шахс васиятномани ижро этувчи сифатида расман тайинланмайди.

Табиийки, васиятномани ижро этувчи сифатида тўлиқ ҳажмда муомала лаёқатига эга бўлган шахс тайинланиши мумкин.

3. Васиятномани ижро этувчи меросхўрларни олдиндан хабардор этган ҳолда ўз мажбуриятларини бажаришдан воз кечиши мумкин. Бундан ташқари, васиятномани ижро этиш бўйича мажбуриятлардан суд озод этиши мумкин. Лекин шарҳланётган модда васиятномани ижро этувчи

ўз мажбуриятларини бажаришдан воз кечиши мумкин бўлган сабабларни назарда тутмайди. Таъкидлаш керакки, бир қатор давлатларда конунчилик васиятномани ижро этиш мумкин бўлмаган объектив сабаблар мавжудлигини назарда тутади.

4. Шарҳланаётган модда васиятномани ижро этувчининг мажбуриятлари рўйхатини белгилайди. Мазкур рўйхат қатъий чекланган характеристерга эга эмас, чунки васиятномани ижро этувчининг мажбуриятлари васият фармойишидан келиб чиқади. Васиятномада ҳам ижро этувчининг мажбуриятлари белгиланиши мумкин.

Ижро этувчи харакатларининг якуний натижаси барча мол-мулкни ҳамма меросхўрларга тақдим этишдан иборат.

5. Васиятномани ижро этиш муддати бир йилдан ортиши мумкин эмас. Ушбу муддат бир йилдан камроқ бўлиши мумкин. Васиятномани ижро этишнинг бошланиши мероснинг очилиши ҳисобланади ва васиятноманинг ижро этилиши васиятномадаги охириги банднинг бажарилиши билан тугалланади. Аниқ холатлардан (масалан, узокка чўзилган суд жараёнлари) келиб чиқиб, бир йил давомида васиятномани ижро этишнинг тугалланмаслиги эҳтимоли анча юкоридир. Ушбу масаланинг қонун чиқарувчи томонидан қайта қўриб чиқилиши зарур.

6. Васиятномани ижро этганлик учун ҳақ тўлаш ҳақида норма миллий фуқаролик қонунчилигига янгилик ҳисобланади. Ҳақ тўлаш васиятномада назарда тутилиши мумкин. Бундан ташқари, васиятномани ижро этиш бўйича харажатлар мерос ҳисобидан қопланади.

7. Васиятномани ижро этувчи бажарилган ишлар юзасидан меросхўрларга ҳисобот тақдим этиши ҳақидаги норма васиятноманинг тўғри ва оғишмай ижро этилишини кафолатлайди.

## **1132-модда. Васият мажбурияти**

**Васият қилувчи васият бўйича меросхўрнинг зиммасига бир ёки бир неча шахс (васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ оловчилар) фойдасига бирон-бир мажбуриятни (васият мажбуриятини) мерос ҳисобидан бажаришни юклашга ҳакли бўлиб, васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ оловчилар васият мажбурияти бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқини оладилар.**

**Қонун бўйича ворислар жумласига кирадиган, шунингдек кирмайдиган шахслар ҳам васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчилар бўлишлари мумкин.**

**Васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчига мерос таркиби га кирадиган ашёни мулк қилиб ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ қилиб бериш, мерос таркиби га кирмайдиган мол-мулкни унинг учун сотиб олиш ва унга бериш, унинг учун муайян ишни бажариш, унга муайян хизматлар кўрсатиш ва ҳоказолар васият мажбурияти нарсаси бўлиши мумкин.**

**Васият қилувчи томонидан зиммасига васият мажбуриятини бажариш вазифаси юклатилган меросхўр бу вазифани ўзига ўтган мероснинг мерос қолдирувчи қарзларининг ўзи тўлаши лозим бўлган қисмини чегириб ташлагандан кейин қоладиган ҳақиқий қиймати доирасидагина бажариши лозим.**

**Агар зиммасига васият мажбурияти юклатилган меросхўр меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлса, унинг васият мажбуриятини бажариш вазифаси ўзига ўтган мерос қийматининг мажбурий улуш миқдоридан ортиқ бўлган қисми билан чегараланади.**

**Васият мажбурияти барча ёки бир неча меросхўр зиммасига юклатилган ҳолларда, агар васиятномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, уларнинг ҳар бири васият мажбуриятини меросдаги ўз улушига мутаносиб равишда бажаради.**

**Васият қилувчи мерос сифатида уй-жой, квартира ёки бошқа турар жойни оладиган меросхўр зиммасига турар жойни ёки унинг бир қисмини бошқа шахсга умрбод фойдаланиш учун бериб қўйиш мажбуриятини юклашга ҳақли. Тураг жойга бўлган мулк ҳуқуки кейинчалик бошқа шахсга ўтганида ҳам умрбод фойдаланиш ҳуқуки ўз кучида қолади.**

**Тураг жойдан умрбод фойдаланиш ҳуқуки бошқа шахсга ўтказилмайди, ўзгага берилмайди ва васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчининг меросхўрларига ўтмайди.**

**Васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчига берилган турар жойдан умрбод фойдаланиш ҳуқуки, агар васиятномада бошқача тартиб кўрсатилган бўлмаса, унинг оила аъзолари мазкур турар жойда яшаши учун асос ҳисобланмайди.**

**Зиммасига васият мажбурияти юклатилган меросхўр вафот этган ёки у меросни қабул қилиб олмаган тақдирда, васият мажбуриятини бажариш унинг улушини олган бошқа меросхўрларга ёхуд, агар мол-мулк эгасиз бўлиб қолса, давлатга ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига ўтади.**

**Васият мажбурияти юзасидан хуқуқ оловчи мерос очилгунга қадар ёки мерос очилгандан кейин, аммо васиятнома бўйича меросхўр васият мажбуриятини қабул қилиб олишга улгурган пайтга қадар вафот этган тақдирда васият мажбурияти бажарилмайди.**

**Васият мажбурияти юзасидан хуқуқ оловчи мерос қолдирувчининг қарзлари учун жавобгар бўлмайди.**

1. Васият мажбурияти шундан иборатки, унга кўра васият қилувчи васият ёки қонун бўйича бир ёки бир неча меросхўрлар зиммасига мерос хисобидан бир ёки бир неча шахс (vasият мажбурияти юзасидан хуқуқ оловчилар) фойдасига мулкий характердаги муайян мажбуриятни бажаришни юклашга ҳақли бўлиб, васият мажбурияти юзасидан хуқуқ оловчилар меросхўрлар томонидан ушбу мажбурият бажарилишини талаб қилиш хуқуқига эга бўладилар. Васият мажбурияти васиятномада белгиланиши лозим. Васиятнома мазмуни васият мажбурияти билан қамраб олиниши мумкин.

2. Васият мажбуриятининг предмети, хусусан қўйидагилар бўлиши мумкин:

мерос таркибига кирувчи ашёларни васият мажбурияти юзасидан хуқуқ оловчига мулк қилиб, бошқа ашёвий хуқуқ асосида эгалик қилиш ёки фойдаланиш учун бериш;

vasият мажбурияти юзасидан хуқуқ оловчига мерос таркибига кирувчи мулкий хуқуқни бериш;

vasият мажбурияти юзасидан хуқуқ оловчи учун бошқа мол-мулкни сотиб олиш ҳамда унга бериш;

vasият мажбурияти юзасидан хуқуқ оловчи учун муайян ишни бажариш;

vasият мажбурияти юзасидан хуқуқ оловчи учун муайян хизмат кўрсатиш;

vasият мажбурияти юзасидан хуқуқ оловчининг фойдасига даврий тўловларни амалга ошириш.

Масалан, васият қилувчи уй-жой, квартира ёки бошқа яшаш жойи мерос бўлиб ўтган меросхўрга бошқа шахсга унинг ҳаёти даврида ёки бошқа муддат давомида ушбу жойдан ёки унинг муайян қисмидан фойдаланиш хуқуқини бериш мажбуриятини юклаши мумкин. Мерос таркибиға кирувчи мол-мулкка нисбатан мулк хуқуки кейинчалик бошқа шахсга ўтганида ҳам васият мажбурияти бўйича тақдим этилган ушбу мол-мулкдан фойдаланиш хуқуки ўз кучида қолади.

3. Агар Фуқаролик кодекси қоидаларидан ва васият мажбурияти моҳиятидан бошқача келиб чиқмаса, васият мажбурияти юзасидан хуқуқ олувчи (кредитор) ва зиммасига васият мажбурияти юклатилган меросхўр (карздор) ўртасидаги муносабатларга Фуқаролик кодексининг мажбуриятлар ҳақидаги нормалари кўлланилади.

4. Васиятномада тайинланган васият мажбурияти юзасидан хуқуқ олувчи мерос очилгунга қадар ёки мерос қолдирувчи билан бирга вафот этган, васият мажбуриятини қабул қилишдан воз кечган, васият мажбурияти юзасидан оладиган хукуқидан фойдаланмаган ёки ушбу хукуқдан маҳрум қилинган ҳолатда васият мажбурияти юзасидан хуқуқ олувчи бошқа шахс тайинланиши мумкин.

5. Васият қилувчи томонидан зиммасига васият мажбуриятини бажариш вазифаси юклатилган меросхўр бу вазифани ўзига ўтган мероснинг мерос қолдирувчи қарзларининг ўзи тўлаши лозим бўлган қисмини чегириб ташлагандан кейин қоладиган қиймати доирасидагина бажариши лозим. Агар зиммасига васият мажбурияти юклатилган меросхўр меросдан мажбурий улуш олиш хукуқига эга бўлса, унинг васият мажбуриятини бажариш вазифаси ўзига ўтган мерос қийматининг мажбурий улуш миқдоридан ортиқ бўлган қисми билан чегараланади. Агар васият мажбурияти бир неча меросхўр зиммасига юклатилган бўлса, уларнинг ҳар бири васият мажбуриятини меросдаги ўз улушкига мутаносиб равишда бажаради, чунки васиятномада бошқача тартиб назарда тутилмаган.

6. Васият мажбуриятини факат меросхўрларнинг ўзлари бажарадилар, чунки мерос очилган вақтдан бошлаб улар мерос қилиб қолдирилган мол-мулкнинг мулкдори бўладилар. Мазкур ҳолатда васиятномани ижро этувчининг ваколати васият мажбуриятида назарда тутилган ҳаракатларнинг меросхўрлар томонидан лозим даражада бажарилиши устидан назоратни

амалга ошириш билангина боғлиқ бўлади. Масалан, у васият мажбуриятининг бажарилишини, жумладан суд тартибида ҳам талаб қилишга ҳақли.

7. Агар меросхўр зиммасига васият мажбуриятини бажариш юклатилган бўлса, у мерос қолдирувчининг васият мажбуриятига доир кўрсатмасини амалга оширган тақдирдагина меросни қабул қилиши мумкин. Васият мажбуриятини бажариш вазифаси айни бир вақтда бир неча меросхўрлар зиммасига юкланиши мумкин: васиятнома бўйича ҳам, қонун бўйича ҳам. Мерос қолдирувчи васият мажбурияти юзасидан хукуқ олувчи сифатида ҳар қандай шахсни, жумладан меросхўрлар таркибига киравчи шахсни ҳам тайинлаши мумкин.

8. Мерос қолдирувчи васиятномада васият мажбуриятининг амал қилишини бирон-бир ҳолат, ҳодиса ёки фактга алокадор бўлган муайян муддат билан чеклашга ҳақли.

9. Агар васият мажбуриятининг амал қилиши бирон-бир муддат билан чеклаб қўйилмаган бўлса, у васият мажбурияти юзасидан хукуқ олувчи-фуқаронинг ҳаёти мобайнида ёки васият мажбурияти юзасидан хукуқ олучи-юридик шахснинг фаолияти давомида амал қиласи.

10. Васият мажбурияти мерос қолдирувчининг алоҳида тузилган бирон-бир аризасида бўлиши мумкин эмас, балки фақат васиятномада белгиланиши шарт. Фақат васият мажбуриятини ўз ичига олган васиятнома қонун бўйича меросхўрлар томонидан бажарилиши шарт бўлиши мумкин.

### **1133-модда. Мажбурият юклаш**

**Васият қилувчи васият бўйича меросхўр зиммасига бирон-бир харакатни содир этиш ёки содир этишдан ўзини тийиш мажбуриятини юклаб, бу мажбуриятни бажаришни кредитор сифатида талаб қилиш хукуқини ҳеч кимга бермаслиги мумкин. Умумий фойдали мақсадни амалга ошириш учун васиятномани ижро этувчининг зиммасига худди шундай мажбурият юклатилиб, бу мажбуриятни бажариш учун мерос қолдирувчи томонидан мол-мулкнинг бир қисми ажратилиши мумкин.**

**Мулкий хусусиятга эга бўлган хатти-харакатни содир этишдан иборат мажбуриятга нисбатан тегишинча ушбу Кодекснинг 1132-моддасида баён этилган қоидалар қўлланилади.**

**Агар ушбу Кодексга мувофик, мажбуриятни бажариш зиммасида бўлган меросхўрга тегиши лозим бўлган ёки унга қарашли бўлган мерос улуши бошқа меросхўрга ўтса, мажбуриятни бажариш бекор бўлади.**

1. Васият қилувчи васиятномада меросхўрлар зиммасига умумий фойдали мақсадни амалга оширишга қаратилган мулкий ёки номулкий характердаги бирон-бир ҳаракатни содир этиш мажбуриятини юклashi мумкин (васиятга доир мажбурият юклashi). Бундай мажбурият васиятномада васиятга доир мажбуриятни бажариш учун мерос мол-мулкнинг бир қисмини васиятномани ижро этувчига ажратиш шарти билан унга юкланиши мумкин.

2. Доимо мулкий характерга эга бўлган васият мажбуриятидан фарқ қилган ҳолда, васиятга доир мажбурият юклаш ҳам мулкий, ҳам номулкий характерга эга бўлиши мумкин.

3. Мазкур ҳолатда айнан умумий фойдали мақсад ҳукуқий аҳамиятга эга ҳамда васиятга доир мажбуриятни бажариши шарт бўлган шахснинг ҳаракатлари ушбу мақсадга эришишга қаратилиши лозим. Ушбу мақсад:

умуман жамият ва давлат учун фойдали бўлиши;

сони аниқ белгиланмаган шахсларнинг муайян даражада чекланган доираси учун фойда келтириши (масалан, мерос қолдирувчининг кутубхонасидан шаҳардаги барча аҳолининг фойдаланиши, бирон-бир университетнинг талабаларига молиявий ёрдам кўрсатиш);

сони аниқ белгиланмаган шахсларнинг чекланмаган доираси учун фойда келтириши (масалан, мерос қолдирувчининг кутубхонасидан барча хоҳловчиларнинг фойдаланиши).

4. Васият қилувчи бир ёки бир неча меросхўрлар зиммасига ўзига тегишли бўлган уй ҳайвонларини саклаш ва қарамоғига олиш, уларга ғамхўрлик қилиш мажбуриятини юклашга ҳам ҳақли.

5. Мулкий хусусиятга эга бўлган хатти-ҳаракатни содир этишдан иборат бўлган васиятга доир мажбуриятга нисбатан тегишинча Фуқаролик кодексининг 1132-моддасидаги васият мажбуриятига тааллуқли қоидалар қўлланилади: васият қилувчи томонидан умумий фойдали мақсадни амалга оширишга қаратилган ҳаракатларни бажариш мажбурияти юклатилган меросхўр бу вазифани ўзига ўтган мероснинг мерос қолдирувчи қарзларининг ўзи тўлаши лозим бўлган қисмини чегириб ташлагандан кейин қоладиган қиймати доирасидагина бажариши лозим. Агар зиммасига ушбу ҳаракатлар юклатилган меросхўр меросдан мажбурий улуш

олиш хукуқига эга бўлса, унинг васиятга доир мажбуриятни бажариш вазифаси ўзига ўтган мерос қийматининг мажбурий улуш микдоридан ортиқ бўлган қисми билан чегараланади.

6. Агар васиятнома билан бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, манфаатдор шахс, васиятномани ижро этувчи ва меросхўрларнинг истаган бири васиятга доир мажбуриятнинг бажарилишини суд тартибида талаб қилишга ҳақли.

## **68-БОБ. ҚОНУН БҮЙИЧА ВОРИСЛИК**

### **1134-модда. Умумий қоидалар**

**Қонун бүйича меросхўрлар ворисликка ушбу Кодекснинг 1135–1141-моддаларида назарда тутилган навбат тартибида чақириладилар.**

**Қонун бүйича ворисликда фарзандликка олинган шахс ва унинг авлодлари, бир тарафдан, фарзандликка оловчи шахс ва унинг қариндошлари, иккинчи тарафдан, туғишган қариндошларга тенглаштириладилар.**

**Фарзандликка олинганлар ва уларнинг авлодлари фарзандликка олинган шахснинг ота-онаси ҳамда бува-бувилиари, ака-укалари, опа-сингиллари вафот этганидан кейин қонун бүйича мерос олмайдилар.**

**Фарзандликка олинган шахснинг ота-онаси ҳамда бува-бувилиари, ака-укалари, опа-сингиллари фарзандликка олинган шахс ва унинг авлодлари вафот этганидан кейин қонун бүйича мерос олмайдилар.**

**Қонун бүйича ворисларнинг ҳар бир навбати аввалги навбатдаги меросхўрлар бўлмаган, меросдан четлаштирилган, меросни қабул қилмаган ёхуд ундан воз кечган тақдирда ворислик ҳуқуқига эга бўлади.**

1. Қонун бүйича ворислик у васиятнома билан ўзгартирилмаган холларда ўз ўрнига эга бўлади. Мазкур қоид асосида қонун бүйича ворислик ҳар доим васиятнома мавжуд бўлмагандан амалга оширилади. Мерос қолдирувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонунда санаб кўрсатилган меросхўрларга белгиланган навбатга мувофиқ ўтади.

2. Қонун бүйича ворислик куйидаги ҳолатларда юзага келади:

- фуқаро васиятнома қолдирмасдан вафот этганда;
- васиятнома тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас деб топилганда (кейинги ҳолатда васиятноманинг ҳақиқий эмас деб топилган қисми билан боғлик мол-мулк қонун бўйича мерос қилинади);
- васиятнома бўйича меросхўрлар меросни қабул қилишдан воз кечганда ёки уни қабул қилмаганда;
- мол-мулкнинг муайян қисми васият қилинганда (бу вақтда мол-мулкнинг қолган қисмидан қонун бўйича мерос олинади);

- васиятнома бўйича меросхўр мерос қолдирувчидан олдин вафот этганда;
- васиятномада кўрсатилган фукаро мерос олиш хуқукига эга бўлмаганда.

3. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ қонун бўйича ворисликда фарзандликка олинган шахс ва унинг авлодлари, бир тарафдан, фарзандликка олувчи шахс ва унинг қариндошлари, иккинчи тарафдан, насл-насаб жиҳатдан қариндошларга (тушишган қариндошларга) тенглаштириладилар. Фарзандликка олинган ва унинг авлодлари фарзандликка олинган шахс-нинг ота-онаси ҳамда насл-насаб жиҳатидан бошқа қариндошлари вафот этганидан кейин қонун бўйича мерос олмайдилар, шунингдек фарзандликка олинган шахснинг ота-онаси ҳамда насл-насаб жиҳатидан бошқа қариндошлари фарзандликка олинган шахс ва унинг авлодлари вафот этганидан кейин қонун бўйича мерос олмайдилар.

4. Ҳар бир кейинги навбатдаги меросхўрлар олдинги навбатдаги меросхўрлар бўлмаганда мерос оладилар. Бу шуни англатадики, олдинги навбатдаги меросхўрлар:

- мавжуд бўлмайди;
- уларнинг ҳеч бири мерос олиш хуқукига эга бўлмайди;
- уларнинг барчаси ворисликдан четлатилган бўлади;
- меросдан маҳрум қилинган бўлади;
- меросни қабул қилишни рад этган бўлади;
- уларнинг барчаси меросдан воз кечган бўлади.

### **1135-модда. Қонун бўйича биринчи навбатдаги ворислар**

**Мерос қолдирувчининг болалари (шу жумладан фарзандликка олинган болалари), эри (хотини) ва ота-онаси (фарзандликка олувчилик), тенг улушларда қонун бўйича биринчи навбатдаги ворислик хуқукига эга бўладилар. Мерос қолдирувчининг вафотидан кейин туғилган болалари ҳам биринчи навбатдаги ворислар жумласига кирадилар.**

1. Қонун бўйича биринчи навбатдаги ворисларга мерос қолдирувчининг болалари, эри (хотини) ва ота-онаси киради. Биринчи навбатдаги ворисларга мерос қолдирувчининг болалари, яъни рўйхатдан ўтган ёки унга тенглаштирилган никоҳдан туғилган ўғли ёки қизи тааллуқлидир.

2. Агар ота-онанинг никоҳи кейинчалик ҳақиқий эмас деб топилган бўлса, уларнинг болалари онанинг вафотидан кейин ҳам, отанинг вафотидан кейин ҳам мерос оладилар. Рўйхатдан ўтказилмаган никоҳда туғилган болалар онанинг вафотидан кейин ҳар қандай ҳолда, отанинг вафотидан кейин эса қонунда ўрнатилган тартибда оталик белгиланган ҳоллардагина мерос оладилар. Болаларнинг насл-насабини белгилаш масалалари Оила кодекси билан тартибга солинади.

3. Болалар ва ота-оналар билан бирга қонун бўйича биринчи навбатдаги ворисларга мерос қолдирувчининг бирга яшаган эри ёки хотини киради. Бундан ташқари, қонуний тартибда бирга яшаган эр ёки хотин эр-хотиннинг умумий мол-мулкидан улуш олиш хуқуқига эга бўлади.

Никоҳнинг бекор қилиниши собиқ эр ва хотинни биринчи навбатдаги ворислар сифатида биридан кейин бошқаси меросхўр бўлиш хуқуқидан маҳрум қиласди.

Бирга яшаган эр ёки хотиннинг мерос қолдирувчининг вафотидан кейин янги никоҳга кириши унинг биринчи навбатдаги ворис сифатида мол-мулкни мерос қилиб олиш хуқуқига таъсир этмайди.

### **1136-модда. Қонун бўйича иккинчи навбатдаги ворислик**

**Мерос қолдирувчининг туғишган ҳамда она (ота) бир ота (она) бошқа ака-укалари ва опа-сингиллари, шунингдек унинг ҳам ота, ҳам она тарафдан бобоси ва бувиси тенг улушларда қонун бўйича иккинчи навбатдаги ворислик хуқуқига эга бўладилар.**

1. Иккинчи навбатдаги ворислар биринчи навбатдаги ворислар бўлмаган ҳолатдагина ворисликка чақириладилар. Туғишган ҳамда она (ота) бир ота (она) бошқа ака-укалар ва опа-сингиллар мерос қолдирувчининг туғишган ака-укалари ва опа-сингиллари ҳисобланади. Туғишган ака-укалар ва опа-сингиллар туғишган ота ва (ёки) онага эга бўлган шахслардир. Агар ота ва онанинг иккаласи ҳам умумий бўлса, ака-ука ва опа-сингиллар тўлиқ туғишган ҳисобланади. Агар ота-онанинг фақат биттаси умумий бўлса, бундай ака-ука ва опа-сингиллар ҳам туғишган, лекин тўлиқ бўлмаган, яъни она (ота) бир ота (она) бошқа ака-ука ва опа-сингил ҳисобланади.

Туғишган ака-ука ва опа-сингилларни ўгай ака-ука ва опа-сингиллардан фарқлаш керак. Ўгай ака-ука ва опа-сингиллар иккинчи навбатдаги ворисларга кирмайди.

2. Мерос қолдирувчининг ҳам ота, ҳам она тарафдан бобоси ва бувиси қонун бўйича иккинчи навбатдаги ворислар сифатида ворисликка чақирилиш хуқуқига эга бўладилар.

### **1137-модда. Қонун бўйича учинчи навбатдаги ворислик**

**Мерос қолдирувчининг туғишган амакиси, тоғаси, аммаси ва холаси тенг улушларда қонун бўйича учинчи навбатдаги ворислик хуқуқига эга бўладилар.**

1. Учинчи навбатдаги ворислар биринчи ва иккинчи навбатдаги ворислар мавжуд бўлмаган тақдирда қонун бўйича ворисликка чақириладилар.

2. Мерос қолдирувчи ҳамда амаки, тоға, амма, хола ўртасидаги қариндошлик ушбу шахсларнинг мерос қолдирувчининг ота-онаси билан ака-ука ва опа-сингил эканлигига асосан белгиланади.

### **1138-модда. Қонун бўйича тўртинчи навбатдаги ворислик**

**Мерос қолдирувчининг олтинчи даражагача (олтинчи даражада шунга киради) бўлган бошқа қариндошлари қонун бўйича тўртинчи навбатдаги ворислик хуқуқига эга бўладилар, бунда яқинроқ қариндошлар узокроқ қариндошларга нисбатан мерос олишда имтиёзли хуқуққа эга бўладилар.**

**Ворисликка чақириладиган тўртинчи навбатдаги ворислар тенг улушларда мерос оладилар.**

1. Агар биринчи, иккинчи ва учинчи навбатдаги ворислар мавжуд бўлмаса, мерос қолдирувчининг олдинги навбатлардаги ворисларга кирмайдиган учинчи, тўртинчи, бешинчи ва олтинчи даражали бошқа қариндошлари қонун бўйича мерос олиш хуқуқига эга бўладилар.

2. Қариндошик даражаси қариндошларни бир-биридан ажратиб турувчи туғилишлар сони(бўгини) билан белгиланади. Мерос қолдирувчининг туғилиши ушбу сонга кирмайди.

3. Айтиб ўтилганларга мувофиқ қуидагилар ворисликка чақириладилар:

тўртингчи навбатдаги ворислар сифатида қариндошликтининг учинчи даражасида бўлган қариндошлар — мерос қолдирувчининг катта бобо ва катта бувилари;

бешинчи навбатдаги ворислар сифатида қариндошликтининг тўртингчи даражасида бўлган қариндошлар — мерос қолдирувчининг туғишган жиянларининг болалари (бир корин нари набиралар) ҳамда мерос қолдирувчининг бобо ва бувиларининг туғишган ака-ука ва опа-сингиллари (бир корин нари бобо ва бувилар);

олтинчи навбатдаги ворислар сифатида қариндошликтининг бешинчи даражасида бўлган қариндошлар — мерос қолдирувчининг бир корин нари набираларининг болалари (бир корин нари чеваралар), мерос қолдирувчининг бир корин нари ака-ука ва опа-сингилларининг болалари (амакиваччанинг, аммаваччанинг болалари), бир корин нари бобо ва бувиларнинг болалари (бир корин нари амаки, тоға, амма ва холалар).

4. Қонун бўйича ворислар навбатлари миқдорини қўпайтиришнинг асосий сабабларидан бири (олдинги қонунчилиқдан фарқ қилган холда) мероснинг эгасиз мулк сифатида давлатга ўтиши ҳолатларини камайтиришдан иборат.

### **1139-модда. Қонун бўйича бешинчи навбатдаги ворислик**

**Мерос қолдирувчининг меҳнатга қобилиятысиз боқимлари, агар улар ушбу Кодекснинг 1141-моддаси асосида мерос олмасалар, қонун бўйича бешинчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар.**

1. Қонун бўйича бошқа ворислар бўлмаган ҳолатда мерос қолдирувчининг меҳнатга қобилиятысиз боқимлари бешинчи навбатдаги ворислар сифатида мустакил тарзда мерос оладилар.

2. Мерос қолдирувчининг боқимида бўлган шахс деганда мерос қолдирувчининг тўлиқ қарамоғида бўлган ёки мерос қолдирувчидан олиб турган ёрдами унинг учун асосий ва доимий даромад манбаи бўлган меҳнатга қобилиятысиз шахсларни тушуниш керак.

3. Бу ўринда агар кўрсатилган шахслар мерос қолдирувчининг вафотига қадар камида бир йил унинг қарамоғида бўлган бўлса, мерос қолдирувчининг бокимлари деб эътироф этилади. Айни вактда улар мерос очилганунга қадар камида бир йил давомида меҳнатга қобилиятсиз бўлишлари шарт эмас, уларнинг мерос очилган кунда меҳнатга қобилиятсиз эканлиги етарли хисобланади.

### **1140-модда. Тақдим қилиш хуқуқи бўйича ворислик**

**Тақдим қилиш хуқуқи бўйича ворислик қонун бўйича меросхўр мерос очилгунга қадар вафот этган тақдирда, унга тегишли улуш унинг авлодларига ўтишини назарда тутади, бунда улуш тақдим қилинаётган қонун бўйича меросхўр билан бир хил даражада қариндош бўлган авлодлар ўртасида тенг тақсимланади.**

**Бола, невара, чевара, эвара меросхўрлигида тақдим қилиш хуқуқи қариндошлик даражаси чекланмаган холда амал қиласди, ён қариндошлик бўйича меросхўрликда тақдим қилиш хуқуқига мерос қолдирувчининг туғишган ака-укалари (опа-сингиллари) номидан унинг жиянлари ёхуд мерос қолдирувчининг туғишган амакиси (тоғаси) ёки аммаси (холаси) номидан унинг амакиваччалари (тоғаваччалари) ва аммаваччалари (холаваччалари) эга бўладилар.**

1. Тақдим қилиш хуқуқи бўйича ворислик қонун бўйича ворисларни ворисликка чақиришнинг алоҳида тартиби сифатида эътироф этилади. Тақдим қилувчи ворислар мерос қолдирувчининг бевосита ва мустақил ворислари хисобланадилар. Мазкур хукукни улар мерос очилганунга қадар вафот этган нисбатан яқин даражада бўлган меросхўрларнинг вориси ёки вакили сифатида эмас, балки қонун асосида мерос қолдирувчи билан қон орқали қариндошлиги сабабли қўлга киритадилар. Васият улушкининг мерос қолдирувчидан тақдим қилувчи меросхўрга, ундан эса тақдим қилинаётган меросхўрга ўтиши юз бермайди ва бу назарда тутилмайди. Тақдим қилинаётган қонун бўйича меросхўр тақдим қилувчи меросхўрнинг қарзлари юзасидан жавобгар бўлмайди, умумий коидаларга мувофиқ эса мерос қолдирувчининг қарзлари бўйича ўзига ўтган мерос мол-мулки қиймати доирасида жавоб беради.

2. Тақдим қилиш хуқуқи бўйича ворислик тақдим қилувчи меросхўр мерос очилгунга қадар ёки мерос қолдирувчи билан бир вақтда вафот этган ҳоллардагина аҳамиятга эга.

3. Таъкидлаш жоизки, бу борадаги кўпчилик коллизияларни бартараф этишда тақдим қилинаётган меросхўрларни қонун бўйича ворисларнинг муайян навбатига киритиш ҳақидаги масала ҳал қилувчи ҳисобланади. Агар тегишли тақдим қилинаётган меросхўрлар қонун бўйича биринчи, иккинчи ва учинчи навбатдаги ворислар таркибига кирса, уларга муайян навбатдаги ворислар фойдаланадиган барча хукуқларни бериш учун ишончли асослар мавжуд бўлади.

4. Тақдим қилинаётган меросхўрларни ворисликка чақиришнинг алоҳида механизми (мерос очилгунга қадар тақдим қилувчи меросхўрнинг вафот этиши) улар томонидан тегишли навбатнинг ворислари сифатида ўз хукуқларини амалга оширишнинг шартларидан бири эканлигини назарда тутган ҳолда, тақдим қилинаётган меросхўрлар ҳақидаги қоидаларни сўзма-сўз шарҳлашга риоя қилиш мухимдир.

5. Муайян шартларда қонун бўйича меросхўр деб эътироф этилувчи тақдим қилинаётган меросхўр ворисликка оид хукуқларида ўзининг хукуқий мақоми билан боғлиқ ҳолда чекланиши лозим ҳамда бунда тақдим қилувчи меросхўрни қонунда ёки васиятномада назарда тутилган бирон-бир асос бўйича меросдан четлатиш қамраб олинмайди. Тенг равишда, тақдим қилинаётган меросхўр қонунда мавжудлиги бирон-бир имтиёз ва устунлик хукуқини бериш билан боғлиқ тарзда белгиланган шартлар бўйича мустақил жавоб бериши шарт.

### **1140–1-модда. Меросни қабул қилиб олиш хукуқининг ўтиши (мерос трансмиссияси)**

**Агар васиятнома бўйича ёки қонун бўйича ворисликка чақирилган меросхўр мерос очилганидан кейин уни қабул қилиб олишга улгурмасдан вафот этган бўлса, унга тегиши керак бўлган меросни қабул қилиб олиш хукуқи унинг қонун бўйича меросхўрларига, агар барча мерос мол-мулк васият қилинган бўлса, унинг васият бўйича меросхўрларига ўтади (мерос трансмиссияси). Мерос трансмиссияси тартибида меросни қабул қилиб**

**олиш хуқуқи бундай меросхўрнинг вафотидан кейин очилган мерос таркибиға кирмайди.**

**Вафот этган меросхўрга тегишли меросни қабул қилиб олиш хуқуқи унинг меросхўрлари томонидан умумий асосларда амалга оширилиши мумкин.**

**Меросхўрнинг ушбу Кодекснинг 1142-моддасида назарда тутилган мероснинг бир қисмини мажбурий улуш сифатида қабул қилиб олиш хуқуқи унинг меросхўрлариға ўтмайди.**

1. Ворисликка чақирилган меросхўр томонида меросни қабул қилишга бўлган хуқуқ юзага келади. Агар меросхўр меросни қабул қилса, кўрсатилган хуқуқ меросга бўлган хукукка айланади. Меросни ўрнатилган муддатда қабул қилиб олишга улгурмасдан вафот этган меросхўрга тегишли бўлган меросни қабул қилишга оид хуқуқ унинг меросхўрлариға ўтиши қонунда назарда тутилган. Мероснинг бундай тарзда ўтиши мерос трансмиссияси деб номланади.

2. Мерос қабул қилиб олишга улгурмасдан вафот этган меросхўр трансмиттент деб, меросни қабул қилишга бўлган хуқуқ ўтган унинг меросхўри (меросхўрлари) эса трансмиссар (трансмиссарлар) деб номланади.

3. Мерос трансмиссияси трансмиттент қонун бўйича ёки васиятнома бўйича меросхўр бўлишига боғлиқ бўлмаган тарзда аҳамиятга эга бўлади. Меросни қабул қилишга бўлган хуқуқ трансмиттентнинг меросхўрлариға қонун бўйича ўтади. Агар трансмиттент ўзининг барча мол-мулкини васият қилган бўлса, бу мулк трансмиттентнинг меросхўрлариға васият бўйича ўтади. Шундай қилиб, трансмиттент ва трансмиссарлар ролида қонун бўйича меросхўрлар ҳам, васият бўйича меросхўрлар ҳам иштирок этишлари мумкин.

4. Мерос трансмиссияси тартибида меросни қабул қилишга бўлган хукуқнинг ўтиши хақидаги қоидалар мерос очилгандан кейин уни қабул қилиб олишга улгурмасдан вафот этган меросхўрга васиятномада мерос қолдирувчи томонидан ворисдан кейинги ворис тайинланган ҳолларда қўлланилмайди. Ушбу холатда мерос трансмиссияси тартибида меросни қабул қилишга бўлган хукуқнинг ўтиши юз бермайди, ворисликка эса ворисдан кейинги ворис чакрилади.

5. Меросни қабул қилишга бўлган хуқуқ мулкий хуқуқ ҳисобланади ҳамда бошқа мулкий хукуқлар қатори мерос таркибиға киради. Мерос трансмиссияси бир марта содир бўлади, яъни агар мерос трансмиссиясига

кўра меросни қабул қилишга бўлган хукуқ ўтган меросхўр уни амалга оширишга улгурмасдан вафот этса, мазкур хукуқ тугатилади. Шунинг учун уни шахс билан ажралмас боғлиқ хукуқ сифатида тушуниш керак.

6. Вафот этган меросхўрга тегишли бўлган меросни қабул қилиш хукуки унинг меросхўрлари томонидан умумий асосларда амалга оширилиши мумкин. Мероснинг бир қисмини мажбурий улуш сифатида қабул қилиб олиш хукуқига эга бўлган меросхўр вафот этган ҳолларда мерос трансмиссияси юз бермайди, чунки меросдан мажбурий улуш олиш хукуки меросхўрнинг шахси билан ажралмас тарзда боғлиқдир.

### **1141-модда. Мерос қолдирувчининг меҳнатга қобилиятысиз боқимлари**

**Мерос қолдирувчининг вафотига қадар камидаги бир йил унинг қарамогида бўлган ва у билан биргаликда яшаган меҳнатга қобилиятысиз шахслар қонун бўйича меросхўрлар жумласига киради. Қонун бўйича бошқа меросхўрлар бўлган тақдирда, меҳнатга қобилиятысиз боқимлар ворисликка чақирилаётган навбатнинг меросхўрлари билан биргаликда мерос оладилар.**

Ушбу Кодекснинг 1136–1138-моддаларида кўрсатилган қонун бўйича меросхўрлар жумласига мансуб бўлган, бироқ ворисликка чақириладиган навбатнинг меросхўрлари доирасига кирмайдиган меҳнатга қобилиятысиз шахслар, мерос қолдирувчи билан биргаликда яшаган-яшамаганликларидан қатъи назар, агар мерос қолдирувчининг вафотига қадар камидаги бир йил унинг қарамогида турган бўлсалар, ана шу ворисликка чақириладиган навбатнинг меросхўрлари билан биргаликда мерос оладилар.

**Қонун бўйича бошқа меросхўрлар бўлган тақдирда, ушбу модда асосида ворисликка чақириладиган шахсларнинг ҳаммаси биргаликда кўпине билан мероснинг тўртдан бир қисмини мерос қилиб оладилар.**

1. Шарҳланадиган моддада назарда тутилган тартибда ва шартларда қонун бўйича ворисликка чақириладиган меҳнатга қобилиятысиз боқимлар иккита гурухга ажратилган. Биринчи гурухга иккича ва бешинчни навбатдаги қонун бўйича меросхўрлар жумласига мансуб бўлган, бироқ ворисликка чақириладиган навбатнинг қонун бўйича меросхўрлари доирасига

кирмайдиган меҳнатга қобилиятсиз боқимлар киради. Мазкур ҳолатда меҳнатга қобилиятсиз боқимлар ана шу ворисликка чақириладиган навбатнинг меросхўрлари билан биргаликда ва teng тарзда қонун бўйича мерос оладилар

2. Иккинчи гурухга биринчи ва ундан кейинги навбатлардаги қонун бўйича меросхўрлар доирасига кирмайдиган меҳнатга қобилиятсиз боқимлар киради. Мазкур ҳолатда қонун бўйича бошқа меросхўрлар бўлган тақдирда меҳнатга қобилиятсиз боқимлар ворисликка чақириладиган навбатнинг меросхўрлари билан биргаликда ва teng тарзда мерос оладилар. Агар қонун бўйича бошқа меросхўрлар бўлмаса, меҳнатга қобилиятсиз боқимлар бешинчи навбатдаги меросхўрлар сифатида мустақил тарзда мерос оладилар.

3. Мерос қолдирувчининг боқимида бўлган шахс деганда мерос қолдирувчининг тўлиқ қарамоғида бўлган ёки мерос қолдирувчидан олиб турган ёрдами унинг учун асосий ва доимий даромад манбаи бўлган меҳнатга қобилиятсиз шахсларни тушуниш керак. Бу ўринда агар кўрсатилган шахслар мерос қолдирувчининг вафотига қадар камидан бир йил унинг қарамоғида бўлган бўлса, мерос қолдирувчининг боқимлари деб эътироф этилади. Айни вактда улар мерос очилганунга қадар камидан бир йил давомида меҳнатга қобилиятсиз бўлишлари шарт эмас, уларнинг мерос очилган кунда меҳнатга қобилиятсиз эканлиги етарли ҳисобланади.

4. Агар меҳнатга қобилиятсиз боқим айни вактда иккинчи ва ундан кейинги навбатлардаги меросхўрлар жумласига мансуб бўлса, уни ворисликка чақириладиган навбатнинг меросхўрлари доирасига кирмайдиган олдинги навбатлардаги меросхўрлар билан бирга ва teng тарзда қонун бўйича ворисликка чақириш учун унинг мерос қолдирувчи билан биргаликда яшаган-яшамаганлиги аҳамиятга эга эмас.

5. Агар меҳнатга қобилиятсиз боқим биринчи ва ундан кейинги навбатлардаги қонун бўйича меросхўрлар доирасига кирмаса, уни ворисликка чақириладиган ана шу навбатнинг меросхўрлари билан бирга ва teng тарзда ворисликка чақириш учун умумий шартлардан ташқари яна бир қўшимча шарт талаб этилади, айнан: у нафакат камидан бир йил давомида мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлган бўлиши, шунингдек камидан бир йил мобайнида мерос қолдирувчи билан бирга яшаган бўлиши ҳам зарур. Ушбу ҳолатда вакт давомийлигининг кўрсаткичи мерос қолдирувчининг

қарамоғида бўлган муддатдан ташқари уларнинг бирга яшаган даври билан ҳам белгиланади.

6. Таъкидлаш керакки, шарҳланаётган моддада меҳнатга қобилиятысиз боқимлар олиши мумкин бўлган мероснинг тўртдан бир қисми назарда тутилган.

### **1142-модда. Меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқи**

Мерос қолдирувчининг вояга етмаган ёки меҳнатга қобилиятысиз болалари, шу жумладан фарзандликка олган болалари, шунингдек меҳнатга қобилиятысиз эри (хотини) ва ота-онаси, шу жумладан уни фарзандликка олганлар, васиятноманинг мазмунидан қатъи назар, қонун бўйича ворис бўлганларида улардан ҳар бирига тегиши лозим бўлган улушнинг камида ярмини (мажбурий улуш) мерос қилиб оладилар.

Мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлган меросхўр бирон-бир асос бўйича меросдан оладиган ҳамма нарса, шу жумладан оддий уй жиҳозлари ва рўзғор буюмларидан иборат мол-мулкнинг қиймати ҳам, бундай меросхўр фойдасига қилинган васият мажбуриятининг қиймати ҳам мажбурий улушга қўшилади.

**Меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлган меросхўр учун васиятномада белгиланган ҳар қандай чеклашлар ва шартлар унга тегадиган мероснинг мажбурий улушдан ортиқча қисмiga нисбатангина ҳақиқийdir.**

1. Меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуки, агар бу қонун бўйича бошқа меросхўрларнинг мол-мулкнинг ушбу қисмiga бўлган ҳуқуқлари камайишига олиб келса ҳам, мерос мол-мулкнинг васият қилинмай қолган қисмидан қаноатлантирилади. Меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқини амалга ошириш учун мол-мулкнинг васият қилинмаган қисми етарли бўлмаган ҳолатда эса мол-мулкнинг васият қилинган қисмидан қаноатлантирилади.

2. Мажбурий улушга бундай ҳуқуққа эга бўлган меросхўр бирон-бир асос бўйича меросдан оладиган ҳамма нарса, шу жумладан ушбу меросхўр фойдасига қилинган васият мажбуриятининг қиймати ҳам қўшилади

3. Мажбурий мерос улуши олиш ҳуқуқига эга бўлган меросхўрлар доираси шарҳланаётган модда билан белгиланганди. Кўрсатилган меросхўрлар

(мерос қолдирувчининг вояга етмаган ёки меҳнатга қобилиятсиз болалари (шу жумладан, фарзандликка олганлари), шунингдек меҳнатга қобилиятсиз эри (хотини) ва ота-онаси (фарзандликка олганлар) васиятноманинг мазмунидан қатъи назар, қонун бўйича ворис бўлганларида улардан ҳар бирига тегиши лозим бўлган улушнинг камида ярмини мерос қилиб оладилар

4. Ушбу шахс васият қилувчи томонидан васиятномада мерос ҳажми ворислар ўртасида тақсимланашига боғлиқ бўлмаган ҳолда мажбурий улуш олиш хуқуқига эга бўлади. Ҳатто васият қилувчи қонуний меросхўрларни ворисликдан четлатган ҳолларда ҳам улар меросдан ўз мажбурий улушкини олишга ҳақли бўладилар. Мажбурий улуш миқдорини белгилашда мерос очилган вактдаги (кўпчилик нотўғри ўйлаганидек, васиятнома тузилган кундаги эмас) қонун бўйича барча меросхўрлар, жумладан васият қилувчи томонидан ворислик хуқуқидан маҳрум қилинган меросхўрлар ҳам ҳисобга олинади. Мажбурий улуш миқдори оддий уй ва рўзгор предметларидан иборат бўлган мерос мол-мулкнинг қийматини инобатта олган ҳолда белгиланади. Васиятномада ворисларнинг меросдан мажбурий улуш олиш хуқуки бузилганда унинг ушбу қисми ҳақиқий эмас деб топилади.

### **1143-модда. Мерос олишда эрнинг (хотиннинг) хуқуки**

**Васиятнома ёки қонун бўйича эрга (хотинга) тегишли бўлган ворислик хуқуқи унинг мерос қолдирувчи билан никоҳдаги ҳолатига боғлиқ бошқа мулкий хуқукларига, шу жумладан никоҳда бўлиб, биргаликда орттирилган мол-мулкнинг муайян қисмига нисбатан бўлган мулк хуқуқига дахл қилмайди.**

1. Агар эр ва хотин ўртасидаги шартномада мол-мулк масаласи юзасидан бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, умумий қоидага кўра, эр ва хотин никоҳда бўлиб, орттириган мол-мулк умумий биргаликдаги мулк ҳисобланади.

2. Шарҳланаётган модданинг нормалари қонун бўйича ҳам, васиятнома бўйича ҳам ворислик ҳолатларига тааллуқли бўлиб, никоҳ шартномаси тузмаган, яъни мол-мулк режимини ўзgartирмаган эр-хотинларнинг хуқукларини белгилайди.

3. Эр-хотиндан бири вафот этган ҳолатда биргаликдаги мулк муноса-батлари тугалланади ва мол-мулкни тақсимлаш амалга оширилади. Улуш-

лар тенг деб ҳисобланганлиги сабабли мерос кўлами умумий биргалиқдаги мол-мулкнинг ярмини ташкил этади. Шундай қилиб, масалан, қонун бўйича ворисликда хотини, ўғли ва қизи бўлган мерос қолдирувчининг ўлимидан кейин улар мерос қолдирувчига тегишли бўлган мол-мулкнинг 1/3 қисмини оладилар, бу эса эр-хотин умумий мол-мулкининг 1/2 қисмини ташкил этади.

4. Шунга эътибор қаратиш зарурки, эр ва хотин бир кунда вафот этган ҳолатда ворислик бошқача тартибда амалга оширилади. Бир кунда вафот этган эр ва хотин (коммириентлар) биридан кейин иккинчиси мерос олиш ҳуқукига эга бўлмайдилар. Масалан, агар эр ва хотин коммириентлар бўлиб, эрнинг акаси ёки укаси бўлса (бошқа меросхўрлар бўлмаганда), эр-хотин мол-мулкининг 1/2 қисми (эрнинг улуши) ушбу ака ёки укага ўтади, мол-мулкнинг иккинчи ярми (хотиннинг улуши) эса эгасиз мулк бўлиб ҳисобланади.

5. Эр ва хотиндан бири вафот этган ҳолатда ворислик ҳақидаги масалани ҳал қилишда муайян мол-мулк улардан ҳар бирининг ўз мулки эканлигини ҳисобга олиш зарур. Булар эр ёки хотинга никохга киргунга қадар тегишли бўлган мулк, совға сифатида ёки ворислик бўйича олинган мулк, ҳашам ва зеби-зийнат предметларни истисно этган холда шахсий фойдаланишдаги ашёлар (кийим, оёқ кийим ва ҳок.) ҳисобланади.

6. Агар эр ва хотин ўртасидаги шартнома улушли мулк режимини ўрнатган бўлса, шубҳасиз, алоҳида муаммолар келиб чиқмайди, яъни вафот этган эр (хотин)нинг улуши мерос бўлади.

7. Шарҳланётган модда фуқаролар Оила кодекси нормалариға мувофиқ эр-хотин бўлган ҳолларда, яъни рўйхатдан ўтган никоҳда бўлгандагина кўлланилади. Агар никоҳ факатгина амалда бўлган бўлса, биргалиқда яшаб орттирилган мол-мулк фуқаролик-ҳуқуқий маънода умумий бўлмайди ҳамда амалдаги эр-хотиннинг ҳар бирига тегишли бўлади.

#### **1144-модда. Қонун бўйича мерос олинганида меросни муҳофаза қилиш ва уни бошқариш**

**Мол-мулкнинг бир қисми васиятнома бўйича мерос қилиб олинган тақдирда, мерос қолдирувчи томонидан тайинланган васиятнома**

**ижрочиси бутун меросни, шу жумладан унинг қонун бўйича ворислик тартибида ўтадиган қисмини ҳам муҳофаза қилади ва бошқаради.**

Ушбу Кодекснинг 1131-моддасига мувофиқ васиятнома бўйича меросхўрлар ёки суд томонидан тайинланган васиятнома ижрочиси, агар қонун бўйича меросхўрлар мероснинг қонун бўйича ворислик қилиш тартибида ўтадиган қисмига нисбатан қўрсатилган мажбуриятларни ижро этиш учун мерос бошқарувчисини тайинлашни талаб қилмасалар, умуман бутун меросни муҳофаза қилиш ҳамда уни бошқариш мажбуриятларини амалга оширади.

Меросни бошқарувчи қонун бўйича меросхўрлардан бир ёки бир нечтасининг илтимосига биноан мерос очилган жойдаги нотариус томонидан тайинланади. Меросни бошқарувчи тайинланишига ёки бу иш учун танланган номзодга рози бўлмаган қонун бўйича меросхўр меросни бошқарувчи тайинланишига қарши судга мурожаат этишга ҳақли.

Агар қонун бўйича меросхўрлар бўлмаса ёки номаълум бўлса, маҳаллий давлат ҳокимияти органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи меросни бошқарувчи тайинланишини сўраб нотариусга мурожаат этиши лозим. Қонун бўйича меросхўрлар ҳозир бўлганлари тақдирда, уларнинг талаби билан меросни бошқарувчи мерос ҳисобидан зарур бўлган харажатлар ва оқилона ҳақ тўланган холда чақириб олиниши мумкин.

**Меросни бошқарувчи ушбу Кодекснинг 1131-моддасида назарда тутилган ваколатларни, агар қонун бўйича ворислик хусусиятларидан бошқача тартиб келиб чиқмаса, васиятномани ижро этишга нисбатан амалга оширади.**

Меросни бошқарувчи меросни муҳофаза қилиш ва уни бошқаришга доир зарур харажатларни мерос ҳисобидан ундириш, агар меросхўрлар билан келишувида бошқа тартиб назарда тутилган бўлмаса, ҳақ ҳам олиш ҳуқуқига эгадир.

1. Мерос мол-мулкни муҳофаза қилиш мерос меросхўрлар томонидан қабул қилингунга қадар уни сақлаш мақсадида меросхўрлар, васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчилар ва мерос қолдирувчининг кредиторлари манфаатини кўзлаб амалга оширилади.

2. Мерос очилган жойдаги нотариус ўз ташаббусига кўра, меросхўр ёки меросхўрларнинг аризаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ёки

фукароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари мурожаатлари бўйича мерос мол-мулкни муҳофаза қилиш юзасидан чораларни кўрадилар.

3. Мерос мол-мулкни муҳофаза қилиш меросни қабул қилиш учун белгиланган муддат тугагунга қадар давом этади.

4. Мерос мол-мулкни муҳофаза қилиш харажатлари меросхўрлар томонидан уларнинг меросдаги улушига мувофиқ қопланади.

5. Агар ворислик нафақат васиятнома бўйича, шунингдек конун бўйича ҳам амалга оширилаётган бўлса, мерос қолдирувчи тайинлаган васиятнома ижрочиси бутун меросни муҳофаза қилиш чораларини кўради.

6. Конун бўйича меросхўрлар мероснинг қонун бўйича васият қилинган қисмини муҳофаза қилиш чораларини кўрадиган бошқа шахсни тайинлаш хуқуқига эга.

7. Агар мерос таркибида унинг тегишли ҳолатда бўлишини таъминлаш учун сақлаш, парвариш қилиш ва бошқа фактик ёки юридик ҳаракатларни амалга ошириш талаб этиладиган мол-мулк бўлса, меросхўрлар ёки васиятнома ижрочиси бўлмаган ҳолатда нотариус бошқа шахс билан меросни бошқариш ҳақида шартнома тузади.

8. Меросни бошқарувчи шахс мерос қабул қилингунга ёки меросхўрлар келгунга қадар меросни сақлашга қаратилган ҳар қандай зарурий ҳаракатларни амалга ошириш хуқуқига эга. Ушбу шахс ўз вазифалирини бажарганлик учун ҳақ олишга ҳақли.

## **69-БОБ. МЕРОСНИ ЭГАЛЛАШ**

### **1145-модда. Умумий қоидалар**

**Меросхўр ўзига тегиши лозим бўлган меросни ёки унинг бир қисмини (улушини) олиш хуқуқига, агар у кейинчалик меросдан воз кечмаса, ворислик хуқуқидан маҳрум этилмаса ва уни меросхўр этиб тайинлаш тўғрисидаги васият фармойиши ҳақиқий эмас деб топилиши натижасида мерос олиш хуқуқини йўқотмаса, мерос очилган вактдан эътиборан эга бўлади.**

1. Қабул килинган мерос меросхўрларга айнан бир вактда ўтади. Бу хуқуқий ворислик хуқуқ ва мажбуриятлар тегишли бўлган шахслар ўзгарганда ушбу хуқуқ ва мажбуриятлар мавжудлигининг узлуксизлигини назарда тутиши билан боғлиқ. Хуқуқ ва мажбуриятлар ўтишининг бундай ягона вақти мерос очилган кун деб эътироф этилади, яъни меросни қабул қилиш харакатига орқага қайтиш кучи берилган. Меросни қабул қилган меросхўр уни қабул қилиш вақти ва услугига боғлиқ бўлмаган ҳолда айнан мерос очилган кундан эътиборан мол-мулкнинг эгаси, мулкий хуқуқ ва мажбуриятларнинг соҳиби бўлади.

2. Мерос мол-мулкка бўлган хуқуқнинг юзага келиш вақти ҳақидаги қоида давлат рўйхатидан ўтиш муддатига боғлиқ эмас (бундай хуқуқ давлат рўйхатидан ўтиши лозим бўлганда).

3. Мерос очилган вақт билан уни қабул қилиш вақти ўртасида муайян давр ўтиши сабабли мерос мол-мулкнинг хуқуқий режими ўз хусусиятларига эга бўлади. Мазкур даврда у хали муайян мулкдорга тегишли бўлмайди ва турган, яъни мулкдорни «кутаётган» мерос хисобланади.

Меросни қабул қилган меросхўр ҳам мерос мол-мулкнинг ўзига, ҳам ундан келадиган барча даромадларга бўлган хукукни қўлга киритади. Айни вақтда у мерос очилган кундан бошлаб мерос мол-мулкни сақлаш бўйича барча харажатларни ўз зиммасига олади.

4. Ворисликка чакирилган, яъни қонун ёки васиятнома асосида меросни олишга бўлган хукукни қўлга киритган шахс меросхўр хисобланади. Мерос очилиши натижасида меросхўрда мерос таркибига кирадиган мол-мулкнинг

мулқори ёки мулкий хуқуқ ва мажбуриятларнинг соҳиби бўлиш ёхуд ушбу хуқукларни муайян шаклда тасарруф этиш имконияти юзага келади.

5. Меросни қабул қилиш — бу индивидуал ҳаракатdir. Агар ворисликка бир неча меросхўрлар чақирилса, уларнинг ҳар бири меросни қабул қилиш бўйича хошиш-иродасини билдириши шарт.

### **1146-модда. Меросга бўлган хуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш**

**Мерос очилган жойдаги нотариус меросхўрнинг илтимосига кўра унга меросга бўлган хуқуки тўғрисида гувоҳнома бериши шарт.**

**Меросга бўлган хуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома мерос очилган кундан эътиборан олти ой ўтганидан кейин берилади.**

**Конун бўйича мерос олинганида ҳам, васиятнома бўйича мерос олинганида ҳам, агар нотариус тегишли мол-мулкка ёхуд бутун меросга нисбатан гувоҳнома беришни сўраб мурожаат этган шахслардан бошқа меросхўрлар йўқлиги тўғрисида маълумотларга эга бўлса, гувоҳнома юқорида кўрсатилган муддат тугамасидан олдин берилиши мумкин.**

1. Меросга бўлган хуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш ҳақидаги ариза икки вазифани бажаради: у меросхўрнинг меросни қабул қилишга бўлган хохишини тасдиқлади ҳамда айни бир вақтда меросга бўлган хуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани бериш учун асос бўлади.

2. Меросга бўлган хуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома меросхўрнинг (бир неча меросхўрларнинг) вафот этган фуқарога тегишли аниқ мол-мулкка ёки аниқ мол-мулкдаги улушга бўлган хуқукини тасдиқловчи хужжат хисобланади.

3. Меросга бўлган хуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш нотариал ҳаракатлардан бири хисобланади. У факат мерос очилган жойда амалга оширилади.

4. Меросни қабул қилиш муддатларига аниқ риоя этишнинг белгиланиши ва талаб қилиниши мерос мол-мулкка бўлган хуқукларда аниқликни, пировардида, фуқаролик муомаласининг барқарорлигини таъминлаш зарурати билан асосланади.

Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида мерос очилган жойдаги нотариус гувоҳнома мерос очилган кундан эътиборан олти ой

үтганидан кейин меросга бўлган хукуқ тўғрисида гувоҳнома бериши шартлиги белгиланган. Бевосита мерос очилиши натижасида ворисликка чақирилган меросхўрлар ушбу муддат давомида меросни қабул қилишлари мумкин.

5. Мероснинг очилиши куни ва меросга бўлган хукуқ тўғрисида гувоҳнома бериладиган кун ўртасида олти ойлик муддатнинг белгиланиши меросни қабул қилиш муддатлари билан боғлиқ. Ушбу муддатнинг ўтиши билан ўртасида мерос мол-мулк тақсимланадиган ва меросни қабул қилиб оладиган меросхўрлар доирасини аниқ белгилаш мумкин.

Мазкур муддатлар давомида меросни муҳофаза қилиш ва бошқариш бўйича чоралар кўрилади.

6. Шарҳланаётган моддада меросхўрлар доираси ҳақида етарли маълумотлар бўлган тақдирда меросга бўлган хукуқ тўғрисидаги гувоҳномани муддатидан илгари бериш имконияти назарда тутилган. Бироқ нисбатан кейинроқ меросни қабул қилиши мумкин бўлган меросхўрлар ҳақидаги маълумотларнинг тўлиқ эмаслиги хавфи ҳар доим мавжуд. Гувоҳноманинг олингандилиги эса меросхўрга, ҳатто инсофли меросхўрга ҳам мол-мулкни ўз ихтиёрига кўра тасарруф қилиш имконини беради. Мазкур ҳолатда муддатидан илгари берилган гувоҳномага киритилмай қолган меросхўр фақатгина асоссиз орттирилган бойликни қайтаришни талаб қила олади. Ҳатто мерос мол-мулк ҳали ҳам мавжуд бўлсада, берилган гувоҳномани бекор қилишга зарурат юзага келади. Шу муносабат билан, меросга бўлган хукуқ тўғрисидаги гувоҳномани бериш камдан-кам холларда муддатидан илгари амалга оширилади.

### **1147-модда. Меросдан воз кечиш хукуқи**

**Меросхўр мерос очилган кундан эътиборан исталган вақда меросдан воз кечишга ҳақли.**

**Меросдан воз кечиш меросхўр томонидан мерос очилган жойдаги нотариусга ариза бериш орқали амалга оширилади.**

**Агар ишончномада вакил орқали меросдан воз кечиш ваколати маҳсус назарда тутилган бўлса, меросдан шу тарзда воз кечилиши мумкин.**

**Меросдан воз кечиш кейинчалик бекор қилиниши ёки қайтариб олиниши мумкин эмас.**

1. Меросдан воз кечиш қонунга асосан меросга бўлган хукуқ тўғрисидаги гувоҳномани беришга ваколатли мерос очилган жойдаги нотариусга меросхўрнинг меросдан воз кечиш ҳақида ёзма ариза бериши орқали амалга оширилади.

2. Меросдан воз кечиш бир томонлама битим бўлиб, унинг таъсирида қонун бўйича ёки васиятнома бўйича меросхўр хисобланган ва меросдан воз кечган шахсда ворислик хукуки тугалланади ҳамда ушбу хукуқ бошқа шахсларда пайдо бўлади.

3. Шарҳланаётган модда билан қайси вақтдан бошлаб меросдан воз кечиш мумкинлиги белгиланган (мерос очилган кун). Бироқ шахс қайси вақтгача меросдан воз кечиш хукукига эга бўлиб турадиган якуний муддат кўрсатилмаган, яъни унинг чегараси ўрнатилмаган. Бошка мамлакатлар қонунчилигига меросдан воз кечишнинг муайян муддатлари мавжуд. Шарҳланаётган модда нормаларидан келиб чиқиб, мерос очилган кундан бошлаб олти ой ўтиши билан меросни қабул қилгандан кейин ҳам меросдан воз кечиш имконияти мавжудлигини айтиш мумкин.

4. Шарҳланаётган моддада ўрнатилган меросдан воз кечишни амалга ошириш тартиби ариза бериш орқали меросни қабул қилиш тартиби билан ўхшаш: меросдан воз кечиш ҳақидаги ариза билан мурожаат қилиш лозим бўлган шахс кўрсатилган, вакил орқали меросдан воз кечиш ҳақида ариза бериш имконияти ва тартиби белгиланган. Вакил орқали меросдан воз кечишига йўл қўйилади. Бунда ҳар қандай шахс эмас, факат ишончнома билан ваколат берилган шахс вакил хисобланади. Ишончнома Фуқаролик кодексининг қоидаларига мувофиқ тасдиқланиши ва унда ушбу воз кечишига бўлган ваколат маҳсус назарда тутилиши шарт.

5. Шарҳланаётган модда билан меросдан воз кечишнинг қатъийлиги принципи белгиланган: ўрнатилган тартибда меросдан воз кечган меросхўр амалга оширилган воз кечишни қайтариб олиш ёки ўзгартириш хукукига эга бўлмайди.

#### **1148-модда. Меросдан воз кечиш хукуқининг чекланиши**

**Агар меросхўр васиятнома бўйича ҳам, қонун бўйича ҳам ворисликка чақирилса, у ана шу асосларнинг бири ёки ҳар иккаласи бўйича ўзига тегишли бўлган меросдан воз кечишга ҳақли.**

**Меросхўр улушнинг ортиши хуқуқи бўйича ўзига тегишли бўлган меросдан, мероснинг қолган қисмига ворисликдан қатъи назар, воз кечишига ҳақли.**

**Меросхўр меросдан воз кечганида васиятнома бўйича ёки қонун бўйича меросхўрлар жумласидан бўлмиш бошқа шахслар фойдасига воз кечеётганини кўрсатишга ҳақли.**

**Ушбу моддада назарда тутилган ҳоллардан ташқари мероснинг муайян қисмидан воз кечилишига, меросдан изоҳотлар билан ёки шартлар қўйиб воз кечилишига йўл қўйилмайди.**

1. Шарҳланётган моддада хукукий ворисликнинг универсаллиги принципининг мазмунига эътибор қаратилган. Ворислик бир асос доирасида яхлит сифатида кўрилади. Шу муносабат билан, агар меросхўр турли асосларга кўра ворисликка чақирилса, меросни қабул қилишдаги каби у ана шу асосларнинг биттаси, бир нечаси ёки барчаси бўйича ўзига тегишли бўлган меросдан воз кечишига ҳақли.

2. Кодексда ворисликка чақирилган меросхўрларнинг меросдан бошқа шахслар фойдасига (йўналтирилган воз кечиш) ёки воз кечиш қайси шахснинг фойдасига амалга оширилаётганинг кўрсатмасдан воз кечиш (мутлак воз кечиш) хукуки белгиланган.

3. Мазкур хукуқнинг мазмунини очиб, қонун меросхўрнинг бошқа шахслар фойдасига меросдан воз кечиш хукуқини белгилайди.

Меросхўр айнан ушбу мерос қолдирувчининг меросхўрлари фойдасига меросдан воз кечиши мумкин. Бунда меросхўр фойдасига меросдан воз кечиши мумкин бўлган шахсларни танлашда улар ворисликка чақириладиган асослар билан боғлиқ бўлмайди. Улар васиятнома бўйича меросхўрлар ҳам, ҳар қандай навбатдаги қонун бўйича меросхўрлар ҳам, жумладан тақдим этиш хукуқи бўйича ворисликка чақириладиган шахслар (мазкур хукуқ бўйича, масалан, мерос қолдирувчининг набиралари ва авлодлари мерос оладилар) ҳам бўлиши мумкин.

4. Меросдан воз кечиш бир неча меросхўрлар фойдасига амалга оширилиши мумкинлигини инобатга зарур. Меросхўр фойдасига меросдан воз кечадиган шахсларнинг улушкини белгилашга, бунда улушларни тенг ёки турли хил микдорда ўрнатишга ҳақли.

5. Меросдан изоҳотлар билан ёки шартлар қўйиб воз кечилишига йўл қўйилмайди. Бошқача қилиб айтганда, воз кечиш сўзсиз ва узил-

кесил бўлиши шарт, чунки бунинг натижасида у ўзгартирилиши, бекор қилиниши мумкин эмас.

6. Умумий қоидага кўра, мероснинг муайян қисмидан воз кечишга ҳам йўл қўйилмайди. Бироқ ушбу қоидадан бир қатор жиддий истиснолар мавжуд.

Агар меросхўр бирданига бир неча асослар бўйича ворисликка чақирилса, бир асос бўйича меросни қабул қилишдан воз кечишга йўл қўйилади. Мазкур ҳуқуқ, масалан, куйидаги ҳолларда юзага келади:

меросхўр қонун бўйича ворисликка чақирилганда ва бир вақтнинг ўзида унга мероснинг муайян қисми васият қилинганда;

меросхўр васиятнома бўйича меросхўр бўлганда ва шу билан бир вақтнинг ўзида мерос трансмиссияси тартибида меросхўр бўлганда;

меросхўр қонун бўйича меросхўр бўлганда ва шу билан бир вақтнинг ўзида мерос трансмиссияси тартибида меросхўр бўлганда;

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳолларда меросхўр куйидагилардан воз кечишга ҳақли:

ёки ворисликнинг бир асосидан (масалан, у ўзига васият қилинган мол-мулқдан воз кечади, лекин қонун бўйича меросхўр сифатида ўзига тегишли бўлган мол-мулқдан воз кечмайди);

ёки бир неча асослардан (масалан, меросхўр қонун бўйича ҳам, васият бўйича ҳам, мерос трансмиссияси тартибида ҳам ворисликка чақирилган, лекин у кейинги иккита асос бўйича ўзига тегиши керак бўлган меросдан воз кечишга карор қиласди);

ёки бирданига барча асослар бўйича. Кўрсатиб ўтилган ҳолатларнинг хоҳлаган бирида мероснинг муайян қисмидан воз кечиш мавжуд (бунда мол-мулкнинг меросхўр воз кечган у ёки бу қисми ворисликнинг у ёки бу асосига тўғри келади).

Мероснинг муайян қисмидан воз кечиш бутун меросдан воз кечишдаги каби тартибида амалга оширилади.

#### **1149-модда. Васият мажбуриятини қабул қилиб олишдан воз кечиш ҳуқуқи**

**Васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчи васият мажбуриятидан воз кечишга ҳақли. Қисман воз кечишга, изохотлар билан, шартлар қўйиб ёки бошқа шахснинг фойдасига воз кечишга йўл қўйилмайди.**

**Ушбу моддада назарда тутилган ҳуқуқ айни бир пайтнинг ўзида ҳам меросхўр, ҳам васият мажбуриятини қабул қилиб оловчи хисобланган шахснинг меросдан воз кечиш ҳуқуқига боғлиқ бўлмайди.**

**Агар васият мажбуриятини қабул қилиб оловчи ушбу моддада назарда тутилган ҳуқуқдан фойдаланган бўлса, зиммасига васият мажбурияти юклатилган меросхўр бу мажбуриятни бажаришдан озод бўлади.**

1. Шарҳланаётган модда васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ оловчига васият мажбуриятини қабул қилиб олишдан воз кечиш ҳуқуқини беради.

Васият мажбурияти натижасида зиммасига ушбу мажбурият юклатилган меросхўр ва васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ оловчи ўргасида мажбуриятга оид муносабатлар келиб чиқади.

2. Васият мажбуриятини қабул қилиб олишдан воз кечиш мажбуриятга оид муносабатларнинг тугалланиши билан чекланмайди: у ворислик муносабатлари билан боғлиқ оқибатларни келтириб чиқаради.

3. Васият мажбуриятини қабул қилиб олишдан воз кечиш ворислик ҳуқуқий муносабатлардаги бошқа барча бир томонлама битимлар каби фақат қатъий ва шартларсиз бўлиши мумкин.

4. Ворисликка чақириш натижасида келиб чиқадиган муносабатлар ва васият мажбурияти натижасида юзага келадиган муносабатлар турли хил ҳуқуқий табиатга эга. Биринчи ҳолатда ворисликка, иккинчисида эса у билан боғлиқ бўлган мажбуриятга оид ҳуқуқий муносабатлар ҳақида сўз юритилади. Ушбу муносабатлар васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ оловчи бир вақтнинг ўзида меросхўр бўлган ҳолларда ҳам мустақил хисобланади.

## **1150-модда. Мероснинг тақсимланиши**

**Меросни қабул қилиб олган қонун бўйича меросхўрлардан исталганд бири мероснинг тақсимланишини талаб қилишга ҳақли.**

**Меросни тақсимлаш меросхўрларнинг келишувига кўра ўзларига тегишли улушларга мувофиқ, келишувга эришилмаган тақдирда эса,**

**– суд тартибида амалга оширилади.**

**Ушбу модданинг қоидалари барча мерос ёки унинг бир қисми меросхўрларга улушларда муайян мол-мулк кўрсатилмасдан васият қилинган ҳолларда меросни васиятнома бўйича меросхўрлар ўргасида тақсимлашга нисбатан қўлланилади.**

1. Умумий улушли мулк бўлган мерос мол-мулк меросхўрлар ўртасидаги келишувга кўра тақсимланиши мумкин. Тақсимлашда ушбу меросни қабул қилган барча меросхўрлар эмас, улардан факатгина мол-мулкка умумий улушли мулк хукуқи пайдо бўлганлари иштирок этиши мумкин.

2. Мол-мулкни бўлиш барча мол-мулкнинг умумий мулк ҳамма иштирокчилари ўртасида уларга тегишли улушларга мувофиқ ҳақиқий тақсимланишини назарда тутади ҳамда бу умумий мулкнинг тугалланишига олиб келади. Ваҳоланки, ажратиб олиш қолган умумий мол-мулкка бошқа иштирокчиларнинг умумий мулкини сақлаб қолган ҳолда факат бир ёки бир неча иштирокчиларга мол-мулкнинг муайян қисмини ҳақиқий ажратиб беришдан иборат.

3. Меросхўр бошқа меросхўрлардан улушли мулк бўлган мерос мол-мулкдаги ўз улуши ажратиб берилишини талаб қилиш хукуқига эга. Мазкур нормани ўз улуши ажратиб берилишини фақат суд тартибида талаб қилишга бўлган хукуқ сифатида шархламаслик керак.

Мазкур норма улушли мулк иштирокчиси ўз улушкини ажратиб бериш ҳақидаги ниятини бошқа мулкдорлар билан келишишга мажбур эмаслигини таъкидлашга қаратилган. Агар улушни ажратиш услуби ва шартлари бундай келишувни талаб қилса ҳамда мазкур келишувга эришилсагина, улушли мулкнинг тегишли иштирокчиси судга мурожаат қилиши керак.

## **1151-модда. Ҳозир бўлмаган меросхўрларнинг хукуқлари**

**Агар меросхўрлар орасида турган жойи номаълум шахслар бўлса, қолган меросхўрлар, васиятномани ижро этувчи (мерос бошқарувчиси) ва нотариус уларнинг турган жойини аниқлаш ҳамда уларни ворисликка чақириш юзасидан зарур чораларни кўришлари шарт.**

Агар турган жойи аниқланиб, мерос олишга чақирилган-у, лекин ҳозир бўлмаган меросхўр меросдан воз кечмаган бўлса, қолган меросхўрлар меросни тақсимлаш ниятлари тўғрисида уни хабардор қилишлари шарт. Агар ҳозир бўлмаган меросхўр хабар қилинган пайтдан эътиборан уч ой ичida қолган меросхўрларни меросни тақсимлаш ҳақидаги келишувда иштирок этиш истаги тўғрисида хабардор қилмаса, қолган меросхўрлар ҳозир бўлмаган меросхўрга

**тегишли бўлган улушни ажратиб, ўзаро келишувга кўра мерос тақсимотини амалга оширишга ҳақлидирлар**

Агар ҳозир бўлмаган меросхўрнинг турган жойи мерос очилган кундан эътиборан бир йил мобайнида аниқланмаса ва унинг меросдан воз кечиши тўғрисида маълумотлар бўлмаса, қолган меросхўрлар мерос тақсимотини ушбу модданинг иккинчи қисми қоидалари бўйича амалга оширишга ҳақлидирлар.

**Ҳомила бўлган, бироқ ҳали туғилмаган меросхўр бўлса, меросни тақсимлаш бундай меросхўр тугилганидан кейингина амалга оширилиши мумкин.**

Агар ҳомила ҳолида бўлган, бироқ ҳали туғилмаган меросхўр тирик туғилса, қолган меросхўрлар унга тегишли бўлган мерос улушкини ажратган ҳолдагина меросни тақсимлашни амалга оширишга ҳақлидирлар. Мерос тақсимотида чақалоқнинг манфаатларини химоя қилиш учун **vasiylik va homiylik organinинг вакилини таклиф этилиши лозим**.

1. Меросхўрлар орасида турган жойи номаълум шахслар бўлган ҳолларда унинг турган жойини аниқлаш ҳамда уни ворисликка чакириш юзасидан зарур чоралар кўрилиши шарт. Бироқ ҳозир бўлмаган меросхўрнинг турган жойини аниқлаш учун айнан қандай чоралар кўрилиши зарурлиги қонун билан назарда тутилмаган. Лекин шарҳланаётган моддада ушбу чораларни кўришга мажбур бўлган шахслар рўйхати кўрсатилган.

2. Ҳозир бўлмаган шахснинг турган жойи аниқланган, лекин олти ой давомида у меросни қабул қилишдан воз кечмаган ҳолларда қолган меросхўрлар мол-мулкни тақсимлаш ниятлари тўғрисида уни хабардор қилишлари шарт. Дастлаб ҳозир бўлмаган меросхўр хабарномага муносабат кўрсатмаган ва уч ой ичida мерос мол-мулкни тақсимлашда иштирок этиш истагини билдирамаганда, мазкур мол-мулк қолган меросхўрлар ўртасида ҳозир бўлмаган меросхўрга тегишли бўлган улушни ажратиб, ўзаро келишувга кўра тақсимланиши мумкин.

3. Агар ҳозир бўлмаган шахснинг турган жойи бир йил мобайнида аниқланмаса, мол-мулкни тақсимлаш худди шу тарзда амалга оширилиши мумкин.

4. Шарҳланаётган модда мерос қолдирувчининг тириклигида ҳомила бўлган ва мерос очилгандан кейин тирик тугилган меросхўрларнинг қонуний манфаатларини химоя қилишга қаратилган.

5. Ҳали тугилмаган шахсда ҳуқук лаёкатининг йўқлиги мерос ворислиги холатларига унинг манфаатлари бўйича қонуний вакиллик каби анъянавий фуқаролик-ҳуқуқий механизмларни қўллаш имконини бермайди, балки қонуннинг тўғридан-тўғри кўрсатмасини талаб этади.

Бола тирик тугилган ҳолларда мерос мол-мулкни тақсимлаш туғилган меросхўрга тегишли бўлган улушни инобатга олган тарзда амалга оширилади.

Модданинг шархланадиган қисми қоидаларига хилоф равишда, яъни мерос қолдирувчининг тириклигига ҳомила бўлган меросхўр туғилгунга қадар амалга оширилган меросни тақсимлаш қонун талабларига тўғри келмайдиган ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим ҳисобланади.

6. Меросхўрлар тақсимлаш ҳақидаги келишувни тузища ўз ихтиёри бўйича ва манфаати учун ҳаракат қилиб, тақсимлаш шартларини, жумладан ўзлари ўртасида мерос мол-мулкни натура шаклида тақсимлашни белгилашда мустақил эканлиги ҳолатини инобатга олган ҳолда, қонун мерос қолдирувчининг тириклигига ҳомила бўлган тугилмаган меросхўрнинг манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратади. Шу муносабат билан, қонун мол-мулкни тақсимлашда васийлик ва ҳомийлик органи вакилининг мажбурий иштироқини белгилайди.

## 1152-модда. Корхонага ворислик

**Агар мерос таркибиغا кирадиган корхонанинг меросни қабул қилиб олган барча меросхўрлари келишувида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, бундай мерос натура ҳолида тақсимланмайди ва меросхўрларга тегишли бўлган улушларга мувофиқ уларнинг умумий улушки мулкига айланади.**

1. Корхона мулкий комплекс сифатида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун мўлжалланган. Корхона эгаси бўлган тадбиркор фаолиятнинг рўйхати қонунчиликда белгилаб қўйиладиган айrim турлари билан фақат маҳсус рухсатнома (лицензия) асосида шуғулланиши мумкин. Агар мерос қолдирувчи лицензияланадиган фаолиятни амалга оширган бўлса, корхона таркибиغا унинг кредиторлари олдидаги бундай фаолият билан боғлиқ бўлган мажбуриятлари кириши мумкин.

Мерос қолдирувчининг лицензияланадиган фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи меросни тақсимлашда корхонани олган меросхўрга ўтмайди. Бироқ

корхона таркибида меросхўрга ўтган мажбурият билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш учун рухсатнома (лицензия)нинг меросхўрда бўлмаслиги уни ушбу мажбуриятларни бажаришдан ҳамда уларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

2. Агар меросхўрларнинг келишуви билан бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, мерос қилингандан корхона тақсимланмайди ва меросхўрларга тегишли бўлган улушларга мувофиқ уларнинг умумий улушли мулкига айланади.

3. Меросхўрларнинг умумий улушли мулкига ўтган корхонага нисбатан Фуқаролик кодексининг умумий улушли мулк ҳақидаги қоидалари қўлланилади.

4. Таъкидлаш керакки, меросхўрларнинг келишуви билан мол-мулкни тақсимлашда камроқ улуш олган меросхўрларга компенсация тўлаган холда корхонани бир ёки бир неча меросхўрларга бериш назарда тутилиши мумкин.

### **1153-модда. Айрим меросхўрларнинг мерос таркибига кирадиган мол-мулкка нисбатан имтиёзли ҳуқуқи**

**Мерос очилгунга қадар уч йил мобайнида мерос қолдирувчи билан биргаликда яшаган меросхўрлар мерос тақсимланишида мерос таркибидан уй-жой, квартира ёки бошқа турар жойни, шунингдек уй-жой ашёлари ва рўзгор буюмларини олишда имтиёзли ҳуқуқса эга бўладилар.**

**Мерос қолдирувчи билан мол-мулкка нисбатан умумий мулк ҳуқуқига эга бўлган меросхўрлар мерос тақсимланишида мерос таркибидан умумий мулк бўлган мол-мулкни асл ҳолида олишда имтиёзли ҳуқуқса эга бўладилар.**

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган имтиёзли ҳуқуқлар амалга оширилганда мерос тақсимотида қатнашаётган бошқа меросхўрларнинг мулкий манфаатларига риоя этилиши лозим. Агар мазкур ҳуқуқларни амалга ошириш натижасида меросни ҳосил қилувчи мол-мулк бошқа меросхўрларга тегишли улушларни бериш учун етарли бўлмаса, имтиёзли ҳуқуқни амалга ошираётган меросхўр уларга тегишли пул ёки мол-мулк товонини тўлаши лозим.

1. Шарҳланаётган модда билан мерос очилгунга қадар уч йил мобайнида мерос қолдирувчи билан биргаликда яшаган қонун бўйича ҳам, васият бўйича ҳам меросхўрларнинг мерос тақсимланишида мерос таркибидан уй-жой, квартира ёки бошқа турар жой, уй-жой ашёлари ва рўзғор буюмларини олишга бўлган имтиёзли ҳукуки белгиланган.

Шарҳланаётган моддада у ёки бу мол-мулкни уй-жой ашёлари ва рўзғор буюмларига киритишнинг муайян мезонлари мавжуд эмас. Мазкур ҳолатда ушбу институтни қўллаш бўйича суд ва нотариал тажрибадан фойдаланиш керак бўлади.

Меросхўрлар ўртасидаги қайси мол-мулкни уй-жой ашёлари ва рўзғор буюмлари таркибига киритиш бўйича низо суд томонидан ишнинг аниқ ҳолатларини инобатга олган ҳолда ҳал қилиниши зарур. Бироқ мазкур қоида меросхўрлар уй-жой ашёлари ва рўзғор буюмларидан иборат бўлган меросни дўстона тақсимлаш ҳақидаги келишувга эришмаган ҳоллардагина қўлланилади.

2. Мерос қолдирувчи билан биргаликда мол-мулкка нисбатан умумий мулк ҳукуқига эга бўлган меросхўрлар ушбу мол-мулкни асл ҳолида олишда имтиёзли ҳукуққа эга бўладилар. Бундай меросхўрлар ўз ҳукукларидан мерос қолдирувчи тириклигига бўлинмайдиган ашёга умумий мулк иштирокчиси бўлмаган бошқа барча меросхўрларга нисбатан имтиёзли тарзда фойдаланишлари мумкин.

3. Шарҳланаётган модда имтиёзли ҳукуқни амалга ошириш натижасида меросхўрларга ажратилган мерос мол-мулкдаги номутаносиблик имтиёзли ҳукуқдан фойдаланган меросхўр томонидан мерос мол-мулкни тақсимлашда иштирок этган бошқа меросхўрларга пул ёки мулкий товон (компенсация) тўлаш орқали бартараф этилишини белгилайди. Бунда товон тўлаш шаклини танлашга ушбу меросхўрлар ўртасидаги келишув орқали эришилишини таъкидлаш зарур. Келишувга эришилмаган тақдирда низо суд тартибида ҳал қилинади.

### **1154-модда. Мерос улушларининг ортиши**

**Меросхўр меросдан воз кечган ёхуд ушбу Кодекснинг 1119-моддасида қўрсатилган ҳолатлар бўйича меросхўрлар орасидан чиқиб кетган тақдирда мероснинг унга тегадиган қисми ворисликка**

**чақирилган қонун бўйича меросхўрларга ўтади ва улар ўртасида меросдаги улушларига мутаносиб равишда тақсимланади.**

Агар мерос қолдирувчи барча мол-мулкни ўзи тайинлаган меросхўрларга васият қилган бўлса, мероснинг меросдан воз кечган ёки меросхўрлар қаторидан чиқиб кетган меросхўрга тегишли бўлган қисми қолган васиятнома бўйича меросхўрларга ўтади ва, агар васиятномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, улар ўртасида меросдаги улушларига мутаносиб равишда тақсимланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида баён этилган қоидалар:  
агар воз кечган ёки меросхўрлар қаторидан чиқиб кетган меросхўр ўрнига бошқа меросхўр тайинланган;

меросхўр меросдан муайян шахс фойдасига воз кечган;

**қонун бўйича ворисликда меросхўрнинг воз кечиши ёки меросхўрлар қаторидан чиқиб кетиши ворисликка кейинги навбатдаги меросхўрларни чақиришга сабаб бўлган холларда қўлланилмайди.**

1. Мерос улушларининг ортиши — меросдан воз кечган ёки муайян ҳолатлар бўйича ворислик қила олмаган (меросхўрлар қаторидан чиқиб кетган) ворисликка чақириладиган меросхўрнинг мерос улуши тақдирини белгилашнинг қонун билан белгиланган маҳсус тартибидир.

2. Мерос улушларининг ортиши хақидаги қоида меросдан воз кечган ёки меросхўрлар қаторидан чиқиб кетган ҳар қандай меросхўрнинг улушкига, у қандай асосга кўра, яъни қонун бўйича ёки васиятнома бўйича ворисликка чақирилганидан қатъи назар, татбиқ этилади.

3. Меросхўрлар қаторидан чиқиб кетган шахснинг улушки улушларнинг ортиши тартибида ўтадиган меросхўрлар доираси бутун мерос мол-мулкнинг тақдирини белгиловчи васиятноманинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигига боғлиқ ҳолда аниқланади.

Васиятнома бўлмаган ёки мол-мулкнинг фақат муайян қисми васият килинган холларда меросхўрлар қаторидан чиқиб кетган қонун бўйича ёки васиятнома бўйича меросхўрнинг улушки ҳар доим қонун бўйича меросхўрларга ўтади ҳамда улар ўртасида меросдаги улушларига мутаносиб равишда тақсимланади.

Барча мол-мулк бир неча меросхўрларга васият қилинган ҳолларда меросдан воз кечган ёки меросхўрлар қаторидан чиқиб кетган меросхўрнинг

улуши васиятнома бўйича бошқа меросхўрлар ўртасида уларнинг меросдаги улушларига мутаносиб равишда тақсимланади.

Бироқ барча мол-мулк васият қилинган ягона меросхўр ёки ҳамма меросхўрлар қонунда кўрсатилган бирон-бир сабабга кўра меросхўрлар қаторидан чиқиб кетса, мерос мол-мулк қонун бўйича меросхўрларга ўтади.

4. Мерос қолдирувчининг қонун бўйича ёки васият бўйича меросхўр меросхўрлар қаторидан чиқиб кетган ҳолларда унинг ўрнига бошқа меросхўр тайинлаш хукуқи ҳақидаги норма қонун олдида васият қилувчининг хоҳиши-иродаси устунлигини тасдиқлайди.

Шу билан бирга, меросхўр ўрнига бошқа меросхўрни тайинлашда кўрсатилган меросхўрнинг меросхўрлар қаторидан чиқиб кетиши асоси мерос улушкининг ортиш режимига таъсир этади.

5. Меросдан мутлақ воз кечищдаги каби, йўналтирилган воз кечиши натижасида ҳам фойдасига воз кечиш амалга оширилган меросхўрнинг улуши воз кечган меросхўрнинг улуши ҳисобига кўпаяди. Йўналтирилган воз кечиш ворисликнинг мустакил асоси ҳисобланади, шундай экан, фойдасига йўналтирилган воз кечиш амалга оширилган меросхўр, қонун бўйича ёки васиятнома бўйича ворисликка чақирилиши натижасида унга тегишли бўлган улушни қабул қилиши ёки ундан воз кечишига боғлик бўлмаган ҳолда, ушбу меросни қабул қилиши ёки ундан воз кечиши мумкин.

Йўналтирилган воз кечищдан воз кечиш фақатгина мутлақ бўлиши мумкин, бу эса меросни қабул килмаслик билан баробардир. Йўналтирилган воз кечиш қабул қилинмаган (ундан воз кечилган)да меросдан йўналтирилган воз кечишни амалга оширган ушбу меросхўрнинг улуши мерос улушларининг ортиши тартибида меросхўрларга ўтади.

6. Таъкидлаш керакки, қонун бўйича ворисликда меросхўрнинг воз кечиши ёки меросхўрлар қаторидан чиқиб кетиши ворисликка кейинги навбатдаги меросхўрларни чақиришга сабаб бўлган ҳолларда мерос улушларининг ортиши тартиби кўлланилмайди.

## **1155-модда. Мерос ҳисобидан тўланиши лозим бўлган харажатлар**

**Мерос ворислар ўртасида тақсимланишидан олдин мерос қолдирувчининг вафоти олдидан хасталиги туфайли қилинган зарур**

**харажатлар, мерос қолдирувчини дағн этиш харажатлари, меросни әгаллаш, мухофаза қилиш, бошқариш ва васиятномани ижро этиш, шунингдек васиятномани ижро этувчи ёки меросни бошқарувчига ҳақ тұлаш билан бөглиқ харажатларни қоплаш түғрисидаги талаблар мерос хисобидан қондирилиши лозим. Бу талаблар мерос қиймати хисобидан бошқа барча талаблардан, шу жумладан ипотека ёки бошқа гаров билан таъминланган талаблардан олдин имтиёзли рawiшда қондирилиши лозим.**

1. Меросга мулкига ўлим муносабати билан юзага келган бир қатор харажатларни тұлаш бўйича қарзлар юкландын бўлади. Шарҳланадиган модда мерос қолдирувчининг ўлими билан бөглиқ зарур харажатларнинг муайян турларини қоплаш имконияти ва тартибини назарда тутади.

Аввало, мерос қолдирувчининг вафоти олдидан хасталиги туфайли қилинган зарур харажатлар кўрсатилган. Уларга мерос қолдирувчининг даволаниши учун кетган зарур харажатлар (стационар даволаш муассасаларида бўлиш, врачлар билан маслаҳатлашув, бошқа тиббий ёрдам, доридармонлар, санитария-курорт йўлланмалари, даволаниш жойига бориш ва келиш харажатлари ҳамда шу кабилар), ўлимни келтириб чиқарган касаллик муносабати билан яхшиланган озиқ-овқат ва парваришилаш учун кетган харажатлар киради.

2. Мерос қолдирувчини дағн этиш харажатлари дағн учун талаб этиладиган хужжатларни расмийлаштиришга, вафот этган шахснинг жасадини кўмиш жойига олиб боришга, одат ва анъаналарга мувофиқ жасадни кўмишга кетадиган харажатларни, дағн жойи, қабр тошини тайёрлаш ва ўрнатиш учун чиқимларни ўз ичига олади.

Бошқа диний маросимларга сарфланган харажатларни ҳам мерос хисобидан қоплашга йўл кўйилади.

3. Мерос ҳисобидан қопланадиган харажатларга меросни мухофаза қилиш ва бошқариш юзасидан зарур харажатлар ҳам тааллуқли. Бунга мерос мол-мулкнинг рўйхатини тузиш, меросни мухофаза қилиш бўйича чораларни кўришда мустакил баҳоловчилар томонидан мерос мол-мулкни баҳолаш юзасидан қилинган харажатлар ва ҳоказолар киради.

Мерос хисобидан шунингдек васиятномани ижро этиш, васиятномани ижро этувчи ёки меросни бошқарувчига ҳақ тұлаш билан бөглиқ харажатлар қопланади.

## **1156-модда. Кредиторларнинг мерос қолдирувчининг қарзларини ундириб олиши**

**Мерос қолдирувчининг кредиторлари васиятномани ижро этувчига (меросни бошқарувчига) ёки меросхўрларга мерос қолдирувчининг мажбуриятларидан келиб чиқадиган ўз талабларини қўйишга ҳақлидирлар. Бу ҳолда меросхўрларнинг ҳар бири ўзига теккан мол-мулкнинг қиймати доирасида солидар қарздорлар сифатида жавобгар бўладилар.**

1. Фуқаронинг мулкий хукуқ ва мажбуриятлари, қоида тариқасида, мерос қолдирувчининг шахси билан чамбарчас боғлиқ хукуқ ва мажбуриятларни истисно этганда, унинг вафот этиши билан тугалланмайди. Улар мерос таркибиغا киради ва универсал хукуқий ворислик тартибида мерос қолдирувчининг меросхўрларига ўтади. Шу муносабат билан, мерос қолдирувчининг қарзлари бўйича жавобгарлик унинг мажбуриятлари бўйича жавобгарлик билан бил хилдир.

Ўз мазмунига кўра, ушбу мажбуриятларнинг доираси жуда кенг бўлиши мумкин — квартира тўлови бўйича қарздорликдан то асоссиз бойлик орттиришгача.

2. Таъкидлаш керакки, васиятномани ижро этувчи ва меросни бошқарувчини қарздор сифатида кўрсатиш нисбий характерга эга. Шу муносабат билан, ижрочи (бошқарувчи) факат мерос қолдирувчининг қарзлари бўйича тўловни ташкил этади. Тўлов эса меросхўрларга тегишли бўлган мерос мол-мулк ҳисобидан амалга оширилади. Ҳатто васиятномани ижро этувчи меросхўрлар орасидан танланган ҳолатда ҳам мерос таркибидаги қарзлар бўйича у меросхўр сифатида жавоб беради.

3. Шарҳланаётган модданинг нормалари меросхўрларнинг у ёки бу тоифаси учун бирон-бир истисно ёки имтиёзларни назарда тутмайди: мерос қолдирувчининг қарзлари бўйича жавобгарлик қонун бўйича меросхўрларга ҳам, васиятнома бўйича меросхўрларга ҳам, мажбурий улуш олиш хукуқидан фойдаланганларни ҳам қўшган ҳолда, юкландади. Мерос қолдирувчининг қарзлари бўйича барча меросхўрлар эмас, улардан ўрнатилган нормаларга мувофиқ меросни қабул қилганларигина жавоб беради.

4. Меросхўрлар мерос қолдирувчининг қарзлари бўйича солидар жавобгар бўладилар. Мерос қолдирувчининг кредиторлари бутун

қарзнинг ёки унинг муайян қисмининг ижросини барча меросхўрлардан биргаликда ҳам, улардан хоҳлаган биридан алоҳида ҳам талаб килишга ҳақли. Қарзни тўлиқ ҳажмда тўлаган меросхўр бошқа меросхўрларга нисбатан регресс (қайтарма) талаб қилиш ҳуқуқини қўлга киритади, бошқа меросхўрлар эса унинг олдида улушли қарздорлар сифатида жавобгар бўладилар.

Солидар жавобгарликда меросхўрлар мерос қолдирувчининг қарзлари бўйича ўзига теккан мол-мулкнинг қиймати доирасида жавобгар бўладилар. Бунда ушбу мол-мулкнинг амалда сақланиб қолганлиги ёки сақланиб қолмаганлиги аҳамиятга эга эмас.

### **1157-модда. Эгасиз қолган мол-мулк**

**Агар қонун бўйича ҳам, васиятнома бўйича ҳам меросхўрлар бўлмаса ёхуд меросхўрлардан ҳеч қайсиси ворислик ҳуқуқига эга бўлмаса ёхуд уларнинг ҳаммаси меросдан воз кечган бўлса, мерос мол-мулк эгасиз деб хисобланади.**

Мерос мол-мулк мерос очилган жойдаги маҳаллий давлат ҳокимияти органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг аризаси бўйича мерос очилган кундан эътиборан уч йил ўтганидан кейин суднинг қарори асосида эгасиз деб топилади. Мерос мол-мулк, агар уни қўриқлаш ва бошқариш билан боғлиқ харажатлар унинг қийматидан ошиб кетса, кўрсатилган муддат ўтишидан олдин эгасиз деб топилиши мумкин.

**Эгасиз мол-мулк у турган жойдаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мулкига ўтади, бу орган мол-мулкдан воз кечган тақдирда, давлат мулкига ўтади.**

**Эгасиз мол-мулкни қўриқлаш ва бошқариш ушбу Кодекснинг 1144-моддасига мувофиқ амалга оширилади.**

1. Агар қонун бўйича ҳам, васиятнома бўйича ҳам меросхўрлар бўлмаса, мол-мулк эгасиз деб хисобланади. Бу меросхўрлар умуман мавжуд эмаслигини, улар мерос очилгунга қадар ёки мерос қолдирувчи билан бир вактда вафот этганлигини англатади, бунда ворисдан кейинги ворис, тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича меросхўр, мерос қолдирувчининг тириклигига ҳомила бўлиб, тирик туғилган меросхўр бўлмаслиги лозим.

Бундан ташқари, қонун бўйича меросхўрларнинг барчаси меросдан маҳрум қилинганда, васиятнома бўйича меросхўрлар мавжуд бўлмаганда, улардан ҳеч қайсиси ворислик ҳукуқига эга бўлмаганда ёки меросни қабул қилмаганда мерос мол-мулк эгасиз деб эътироф этилади.

Мол-мулкни эгасиз деб, уни тўлиқ ёки қисман эгасиз деб ҳисоблаш ҳакидаги низолар суд томонидан ҳал қилиниши лозим. Биринчи навбатда бундай низолар меросга талабгорлик қиладиган шахслар ва давлат ман-фаатларини кўзлаб мероснинг эгасизлигини ёқлайдиган тегишли давлат органлари ўртасида юзага келади.

2. Вафот этган шахснинг бутун мол-мулки эмас, унинг муайян қисми эгасиз бўлиши мумкин. Бундай ҳолат қонун бўйича меросхўрлар бўлмаган, васиятнома эса мол-мулкнинг муайян қисмигагина тааллукли вазиятларда вужудга келиши мумкин. Ушбу вазиятда мол-мулкнинг васиятномада кўрсатилмаган муайян қисми эгасиз ҳисобланади.

3. Мол-мулкнинг эгасизлиги мерос очилган кундан эътиборан бир йил ўтганидан кейин белгиланиши мумкин. Бироқ мол-мулкни қўриқлаш ва бошқариш билан боғлиқ харажатлар унинг қийматидан ошиб кетадиган ҳолларда кўрсатилган муддат қисқартирилиши мумкин. Мол-мулкнинг эгасизлиги суднинг қарори билан белгиланади. Бунда судга ариза билан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг ходимлари мурожаат қилишлари мумкин.

4. Эгасиз мол-мулкка ворисликнинг ўзига хос хусусияти шундаки, бундай меросни қабул қилиш талаб қилинмайди. Бундан ташқари, ушбу мерос мол-мулкдан воз кечишга йўл қўйилмайди. Шарҳланаётган моддада фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи эгасиз мол-мулкни қабул қилишдан воз кечган ҳолатда у давлатнинг мулкига ўтиши назарда тутилган бўлсада, биринчи ва иккинчи вариандта ҳам мол-мулк давлатнинг мулки ҳисобланади. Юқорида таъкидланганлардан келиб чиқсан, шуниси аниқки, биринчи навбат бўйича эгасиз мол-мулк фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи мулкига ўтади.

5. Эгасиз мол-мулк ҳисобидан мерос қолдирувчининг вафоти муноса-бати билан келиб чиқсан харажатлар ва меросни муҳофаза қилиш билан боғлиқ чиқимлар унинг қиймати доирасида қопланади.

Умумий қоидага күра, әгасиз мол-мулкнинг меросхўри мерос колдирувчининг қарзлари бўйича унинг кердиторлари олдида ўзига ўтган мерос қиймати доирасида жавоб беради.

6. Эгасиз мол-мулкни муҳофаза қилиш ва бошқариш қонун бўйича ворисликдаги мол-мулкни муҳофаза қилиш ҳамда бошқариш билан бир хил тартибда амалга оширилади.

**VI БҮЛІМ**  
**ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИ**  
**ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРГА**  
**НИСБАТАН ТАТБИҚ ҚИЛИШ**



## **70-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

**1158-модда. Чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаролик-хуқуқий муносабатларга нисбатан қўлланиши лозим бўлган хуқуқни белгилаш.**

Чет эл фуқаролари ёки чет эл юридик шахслари иштирокидаги ёхуд чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаролик-хуқуқий муносабатларга нисбатан қўлланиши лозим бўлган хуқуқ ушбу Кодекс, бошқа қонунлар, халқаро шартномалар ва эътироф этилган халқаро таомиллар асосида, шунингдек тарафларнинг келишуви асосида белгиланади.

Тарафларнинг хуқуқни танлашга доир келишуви очиқ ифодалangan бўлиши ёки бевосита шартнома талабларидан ва ишнинг кўриб чиқилаётган барча ҳолатларидан келиб чиқиши лозим.

Агар ушбу модданинг биринчи қисмига мувофиқ қўлланилиши лозим бўлган хуқуқни аниқлашнинг имкони бўлмаса, чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаролик-хуқуқий муносабатлар билан энг узвий боғланган хуқуқ қўлланади.

**Чет эл хуқуқ нормаси оммавий-хуқуқий хусусиятга эга бўлганлигига асосланибина уни қўллашни чеклаш мумкин эмас.**

Халқаро хусусий хуқуқ — чет эл элементи билан мураккаблашган мулкий ва шахсий номулкий муносабатларни (яъни, халқаро хусусий-хуқуқий характерга эга бўлган фуқаролик-хуқуқий, оиласи, меҳнат муносабатлари) коллизион-хуқуқий ҳамда моддий-хуқуқий усуллар воситасида тартибга солувчи, давлат ички қонунчилиги, халқаро шартномалар ва эътироф этилган таомил (одат) нормаларини бирлаштирувчи миллий қонунчиликнинг мажмуавий соҳасидир.

Жаҳон юриспруденциясида умумэътироф этилган номланиш халқаро хусусий хуқуқ характерини унчалик аниқ акс эттирмайди. Ушбу маънода Ўзбекистон Республикаси халқаро хусусий хуқуки билан бир қаторда британ the private international law, француз le droit prive international ёки герман das international privatrechtlari мавжуд. Халқаро хусусий хуқуқ таркибига анъанавий тарзда, чет эл элементи мавжуд бўлган муноса-

батларни бевосита тартибга солишга мўлжалланган моддий-хукукий нормалар билан бир қаторда, мунозарали муносабатни тартибга солишида ваколатли бўлган миллий хукукни аниқлашга («танлаш») имкон берадиган коллизион нормаларни ҳам киритадилар. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг мазкур бўлими таркибиға фақатгина коллизион хукуқ нормалари киради. Чет эл элементи билан мураккаблашган муносабатларни бевосита тартибга солишга мўлжалланган моддий-хукукий нормалар, демакки, бошқа соҳага тегишли нормалар (фуқаролик процесси, меҳнат хукуки, оила хукуки) унда мавжуд эмас.

Фуқаролик кодексининг VI бўлимида белгиланган коллизион нормалар, фақатгина фуқаролик-хукукий характерга эга бўлган муносабатларни тартибга солувчи хукукни белгилаш («танлаш») учун кўлланади. Ушбу мулкий ва улар билан боғлиқ шахсий номулкий муносабатлар улар воситасида тартибга солинадиган муносабатлар иштирокчиларининг тенглигини эътироф этиш, мулкнинг дахлсизлигини, шартноманинг эркинлигини, шахсий ишларга бирор кимсанинг ўзбошимчалик билан аралashiшига йўл қўйилмаслигини, фуқаролик хукукларининг тўсиқларсиз амалга оширилиши заруратини, бузилган хукукларни тиклаш ва уларнинг суд ёрдамидаги химоясини таъминлашга (ФКнинг 1-моддаси) асосланган ҳамда уларнинг мажмуи фуқаролик хукуки предметини ташкил қиласди. Оммавий хукуқнинг таъсир кучи миллий ҳудуд чегаралари билан чекланниб қолган бир вақтда, ушбу норма, халқаро хусусий хукуқ доктринасида мустаҳкамланиб қолган, бир давлат ҳудудида, маълум шароитлардагина бошқа давлатнинг фақатгина хусусий хукуки кўлланиши мумкин деган тасаввурларга мос келади.

Фуқаролик-хукукий муносабатни тартибга солишида чет эл хусусий хукукини кўллаш масаласи фақатгина ушбу муносабатда чет эл элементи мавжуд бўлгандагина вужудга келади. Ушбу элементнинг мавжуд эмаслиги ҳолатида хукукий муносабатга нисбатан у ёки бу чет эл қонунини кўллашнинг иложи йўқ. Илгари амалда бўлган 1963 йилги республика ФКда бунга расман кўрсатма бўлмаган. Мазкур **доктринал ҳолатнинг** ушбу моддада қонуний мустаҳкамланиши кўпгина мунозараларга нуқта қўяди ҳамда тегишли суд амалиётига расман база яратади.

Ушбу модданинг биринчи қисми бизнинг фуқаролик қонунчилигимизда биринчи марта хусусий-хукукий муносабатларда чет эл элементининг

асосий турларини белгилайди: хорижий субъектнинг (юридик ёки жисмоний шахс) иштирок этиши ёки бошқа чет эл элементи билан муракка-блашиши. Масалан, у ёки бу харакатларнинг (мол-мулкни топшириш) чет элда содир бўлишини назарда тутивчи хусусий-хукуқий муносабатнинг мазмуни чет эл элементи билан мураккаблашиши мумкин. Чет эл элементи юридик фактларда, яъни фуқаролик хукуқ ва мажбуриятларнинг вужудга келиши, ўзгариши ва тугатилиши билан боғлайдиган қонунда ҳам акс этиши мумкин: битимнинг чет элда тузилиши (ФК 1189-модда 1-қисм); зарар етказишнинг чет элда содир бўлиши (ФК 1194-модда 1-қисм) ва х.к.

Қўлланилиши лозим бўлган хукуқ Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари (энг аввало халқаро хусусий хукукий нормалардан иборат бўлган, Ўзбекистон Республикаси иштирок этган фуқаролик, оиласий, савдо, хўжалик ишлари ва б. бўйича икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар), мазкур Фуқаролик кодекси, фуқаролик қонунчилигининг бошқа актлари ва Ўзбекистон Республикасида тан олинган халқаро одатлар билан белгиланган коллизион нормалар асосида аниқланади.

Коллизион нормалардан иборат бўлган Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари сони, шу қаторда фуқаролик қонунчилиги актлари каби ниҳоятда аҳамиятлидир. Шу билан бирга бир тарафдан миллий келиб чиқишдаги ва иккинчи тарафдан — халқаро-хукуқий характердаги актлар ўртасида зиддиятлар мавжуд. Масалан, МДҲ иштирокчи-давлатлари хукуматлари томонидан тузилган 1992 йилдаги Хўжалик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ низоларни ҳал қилиш тартиби тўғрисидаги Битим, МДҲ давлатлари ташкилотлари муносабатлари, шу қаторда ташқи иқтисодий битимлар оқибатида («битим бўйича тарафларнинг хукуқ ва мажбуриятлари битим тузилган жой қонунчилиги билан белгиланади» — 11-модда «е» банди) вужудга келадиган муносабатларга нисбатан қўлланиши лозим бўлган хукуқни тартибга солувчи бир қатор коллизион нормалардан иборат. Шу вақтнинг ўзида Фуқаролик кодекси ташқи иқтисодий битимларга нисбатан бошқа коллизион нормаларни назарда тутади (олди-сотди муносабатларини сотувчи мамлакати хукуқи билан тартибга солиш презумпцияси, ФК 1190-модда 1-қисм 1-хатбоши). Ушбу ва кўпгина бошқа зиддиятларни бартараф этиш учун халқаро шартномалар ва Ўзбекистон Республикаси ички қонунчилиги нормаларини қиёсий юридик кучини аниқлаб олиш лозим.

ФКнинг 7-моддасини айнан изоҳлаш орқали шундай хulosага келиш мумкин, яъни Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг барчаси миллий ҳуқуқий норма қучидан бир хилда устунлик қиласиган, бир хил юридик кучга эга. Аммо бундай тушунча аниқ эмас. Халқаро ҳуқуқий нормалар тизими миллий қонунчилик нормалари каби муайян тарзда тизимлаштирилган, ва ушбу нормаларнинг ҳар бирининг юридик кучига асосан тартибга солинган. 1995 йил 22 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги 172-I-сонли Қонуни 7-моддасининг 2-қисмига асосан, Ўзбекистон Республикасининг барча халқаро шартномалари давлатлараро (Ўзбекистон Республикасининг ўз номидан тузиладиган), ҳукуматлараро (Ўзбекистон Республикаси ҳукумати номидан тузиладиган) ва идоралараро характерга эга бўлган шартномаларга (вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари номидан тузиладиган) бўлинади. Бунинг устига ратификация, яъни Олий Мажлис палаталари томонидан маҳсус қонун қабул килиш йўли билан халқаро шартнома тузишнинг алоҳида жараёни, фақатгина «ижро этилиши амалда бўлган қонунларни ўзгартириш ёки янгисини қабул қилишни талаб қиласиган ҳамда қонунда назарда тутилгандан кўра бошқа қоидаларни белгилайдиган» (14-модда) шартномаларга нисбатан ўтказилади. Демак, агар халқаро шартнома ички қонунда кўзда тутилган қоидалардан фарқланадиган қоидани белгиламаса, яъни уларга зид бўлмаса, уни тузиш жараёни қонун чиқариш шаклида ифодаланмаслиги ҳам мумкин, яъни халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори қабул қилинади. Шундай қилиб, юқорироқ юридик кучга эга бўлганлиги сабабли, фақатгина Олий Мажлис палаталари томонидан ратификация қилинган халқаро шартномаларгина қонун нормаларини ўзгартириши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати номидан тузиладиган халқаро шартномалар тегишинча юридик куч жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорларидан устун келади, аммо Ўзбекистон Республикасининг ратификация қилинган халқаро шартномаларидан ҳам, қонун нормаларидан ҳам паст туради. Ниҳоят, Ўзбекистон Республикасининг идоралараро халқаро шартномалари вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг бошқа нормалари олдида устунликка эга бўла туриб, на Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Махкамасининг ҳамда Президентининг қарорларига, на қонунларига (ва айниқса давлатлараро шартномаларига) зид бўлмаслиги керак.

Халқаро-хусусий ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи моддий-ҳуқуқий нормаларнинг бирхиллаштирилиши, миллий қонунлар коллизиясини бартараф этишда, тартибга солишнинг коллизион усулига қараганда самаралироқдир. Шу сабабли қонун чиқарувчи ФК VI бўлимининг коллизион нормаларидан кўра Ўзбекистон Республикасининг бирхиллаштирилган моддий-ҳуқуқий нормалардан иборат халқаро шартномаларига устунлик беради. Шархланаётган модданинг 1-қисмида қўлланиши лозим бўлган ҳуқуқни аниқлаш учун коллизион нормаларни қўллаш у ёки бу муносабат Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида қай даражада «тўлик» тартибга солингланлигидан келиб чиқиб кўйилади. Равshan бўлиб қўринаётганига қарамай, ушбу қоидани қўллаш унчалик аниқ эмас. Масалан, Халқаро товарлар олди-сотдиси шартномалари тўғрисидаги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1980 йилдаги Конвенциясида (Олий Мажлиснинг 1996 йил 30 август Қарори билан ратификация қилинган) халқаро олди-сотди шартномаси бўйича мулк ҳуқукини ўтиш вақтини тартибга солувчи нормалар мавжуд эмас. Бунинг устига, Конвенция 4-моддасининг «b» параграфи «сотилган товарга бўлган мулк ҳуқуқига нисбатан шартномада мавжуд бўлиши мумкин бўлган оқибатларга» тааллуқли эмаслигини тўғридан-тўғри кўрсатиб кўйган. Модомоки, Конвенция товарга нисбатан мулк ҳуқуқининг ўтиши масалаларини тартибга солишга тадбиқ қилинмас экан, улар ФКнинг 1185-модда 1–2-қисмларининг коллизион нормалари асосида аниқланадиган миллий қонунчилик ёрдамида ҳал қилиниши керак. Бошқа тарафдан, Конвенциянинг предметига расман кирувчи кўпгина масалалар, унда тўғридан-тўғри тартибга солинмаган. Аммо, бу уларни ФКнинг VI бўлими нормалари воситасида тартибга солишга асос бўла олмайди, чунки ушбу масалалар Конвенция асосланган «умумий принципларга мувофиқ ҳал этилиши лозим» (Конвенциянинг 7-моддаси 2-банди). Фақатгина Конвенцияда фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда бундай умумий принциплар мавжуд бўлмасагина, коллизион усул ва тегишли миллий қонунчилик қўлланилиши мумкин. Шу аснода, Ўзбекистон Республикасининг у ёки бу халқаро шартномасида тегишли муносабатлар қай даражада «тўлик» тартибга солингланлиги тўғрисидаги масалани, унда

мавжуд бўлган бўшлиқларни тўлдирувчи маҳсус қоидаларни назарда тутиши мумкин бўлган, халқаро шартноманинг ўзи асосидагина ҳал килиш мумкин.

Санкциялаштирилган иш муомаласи одатига мисол сифатида ФКнинг 6-моддасида шакллантирилган ҳолатни келтириш мумкин. Халқаро ҳуқуқий одат — бу давлатлар унинг юридик кучини (*opinion juris*) тан оладиган, яъни ўзларининг ҳамжиҳатликдаги эркларини ифода этадиган амалиётда юзага келган барқарор қоидадир. Халқаро-ҳуқуқий одатлардан ташқари халқаро амалиётда халқаро савдо ва иш муомаласи деб номланувчи барқарор қоидалар юзага келган ва кенг қўлланилмоқда. Ушбу қоидалар давлатлар ўртасидаги муносабатларда эмас, балки турли давлатларнинг юридик ва жисмоний шахслари ўртасидаги тадбиркорлик соҳасидаги муносабатларда юзага келган. Халқаро иш муомаласи одатларининг халқаро иқтисодий алоқаларни аниқ белгилашдаги ролининг аҳамиятлилиги ва уларнинг мазмунини аниқлашнинг ҳамда қўллашнинг кийинлигини инобатга олган ҳолда, (уларнинг ёзилмаганлик характери эвазига) кўпгина халқаро ташкилотлар иш муомаласи одатларининг ўзига хос мажмуаларини маълум гурухлар ва масалалар бўйича ўрганадилар, умумлаштирадилар ва нашр этадилар. Асосан Халқаро савдо палатаси томонидан тайёрланган нашрларнинг, шу жумладан Савдо терминларининг бирхиллаштирилган шарҳи бўйича халқаро қоидалар (ИНКОТЕРМС) ва бошқаларнинг аҳамияти каттадир. Шуни айтиб ўтиш лозимки, бундай хужжатни қабул қилиш факти, уларда ифодаланган одатларнинг табиатини ҳеч қандай равишда ўзгартирмайди. Улар мажбурий юридик кучга эга бўлмаган халқаро иш муомаласи одатларининг норасмий, «хусусий» кодификацияси аҳамиятига эгадирлар. Ушбу хужжатнинг қоидалари тегишли муносабатларнинг тарафлари ташқи иқтисодий битимни имзолаш орқали бу ҳақда келишиб олганларида ёки давлат уни санкциялаштирган ва юридик куч сифатида тан олган ҳолларда қўлланилади.

Тарафларнинг келишуви асосида қўлланувчи қонунчиликни аниқлашнинг хусусиятлари ёки уни белгилаш тўғрисидаги қоидалар, бошқача қилиб айтганда арбитраж келишуви ёки шартини имзолаш йўли билан расмийлаштирилган келишувлар мухим бўлиб ҳисобланади. Ўзининг юридик табиатига кўра, арбитраж келишуви унинг туридан катъий назар асосий шартномага нисбатан мустақил характеристерга эга бўлган

фуқаролик-хуқуқий шартнома бўлиб ҳисобланади. ФКнинг 109-моддаси 3-қисмига кўра, конунда ёки тарафларнинг келишувида аниқ кўрсатилган битимнинг ёзма шаклига риоя этмаслик унинг ҳақиқий эмас деб топилишига олиб келади. Тўхталиб ўтиш жоизки, иштирокчилардан ҳеч бўлмаса биттаси Ўзбекистон Республикасининг юридик шахси ёки Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлган ташки иктисадий битим, битим тузиш жойидан қатъи назар ёзма шаклда амалга оширилади. 1958 йилги Нью-Йорк Конвенциясининг 2-моддаси 1-бандига кўра, ҳар бир Аҳдлашувчи мамлакат, тарафлар улар ўртасида обьекти арбитраж томонидан кўриб чиқиш предмети бўлиши мумкин бўлган бирор-бир конкрет шартномавий ёки бошқа хуқуқий муносабатлар юзасидан юзага келган ёки юзага келиши мумкин бўлган тортишувларни арбитражга узатиш мажбуриятини оладиган ёзма келишувни тан олади. Арбитраж келишуви матнидаги икки маъноли ибораларнинг олдини олиш мақсадида, ҳалқаро арбитраж институтлари арбитраж келишувларининг намунавий шаклларини тавсия қиласидилар, масалан, Ҳалқаро савдо палатаси қуидаги намунавий арбитраж шартини қўллашни тавсия этади:

«Мазкур шартнома юзасидан вужудга келадиган ҳар қандай тортишувлар, Ҳалқаро савдо палатасининг Арбитраж регламентига мувофиқ, бир ёки бир неча арбитрлар томонидан ушбу регламентга мос равища узил-кесил тартибга солинишлари лозим.»

Шарҳаланаётган модданинг учинчи қисми, қўлланиши лозим бўлган хукуқни аниқлашга йўл қўювчи маҳсус коллизион норма Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномаларида ҳам, Фуқаролик кодексида ҳам, Ўзбекистон Республикасининг бошқа фуқаролик қонунчилик актларида ҳам мавжуд бўлмаган ҳолларда амалда бўладиган умумий қоидани назарда тутади. Чет эл элементи билан муракаблашган фуқаролик-хуқуқий муносабат энг узвий боғлиқ бўлган давлат қонунига ҳавола, миллий фуқаролик қонунчилигига биринчи маротаба белгиланди (*lex causae*). Бинобарин, англо-америка ва континентал европа хуқуқида коллизион боғловчининг ушбу тури (*proper law*) ниҳоятда кенг тарқалган.

Низоли муносабат билан энг узвий боғлиқ бўлган хуқуқ боғловчиси (формула)нинг афзаллиги, шак-шубҳасиз унинг универсаллигидадир. Ахир ушбу коллизион боғловчини фақатгина хусусий, маҳсус коллизион муаммоларни ҳал қилиш учунгина эмас, балки мазкур моддадаги каби,

умумий қоида сифатида ҳам қўлласа бўлади. Ушбу норманинг, тартибга солинаётган чет эл элементи билан мураккаблашган муносабатнинг ўзига хос хусусиятларини суд томонидан инобатга олинишини ҳамда қўлланиши лозим бўлган ҳуқуқ борасида, аниқ бир ишнинг барча ўзига хос жиҳатларини максимал даражада инобатга олувчи қарор қабул қилишга йўл қўювчи, аҳамиятли **мос ва эгилювчанлиги** ҳам шубҳасизdir. Шу билан биргаликда, шархланәётган қоидада барча коллизионистларнинг қадимий орзуларини рўёбга чиқариш харакатини, яъни низоли масалани ушбу муносабатга кўпроқ «хос» бўлган ҳуқуққа боғлашни қўрса ҳам бўлади,. XIX асрнинг ўзида Савиньи, барча мажбурият ўзининг «ўтроқ»лигига, яъни маълум бир ҳудуд билан боғлиқлигига эга деган ғоясини илгари сурган. Ушбу концепцияни ривожлантирган ҳолда, Манчини, Бар ва XIX асрнинг бошқа «универсалистлари» тегишли моддий-хуқуқий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларини энг юқори даражада акс эттирадиган коллизион нормаларнинг оммавий тизимини тузишга ҳаракат қилишган. Аммо, ушбу муаллифлар томонидан тавсия этилган аниқ боғловчи формулалар омма томонидан тан олинмади. Бирок, ижтимоий муносабат билан энг узвий боғлик бўлган ҳуқуқ-тартиботни аниқлаш имконияти тўғрисидаги ғоянинг ўзи, кўриб турганимиздек, тирик қолди.

Ҳуқуқий муносабатнинг у ёки бу ҳуқуқий муносабат билан «энг узвий боғлиқлигини» аниқлашнинг бирор-бир умумий мезонларини (шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятлардан ташқари — ФК 1190-модда) ФК назарда тутмайди. Демак, ҳар бир аниқ вазиятда ушбу масала ишнинг барча аниқ ҳолатларини, ва энг аввало чет эл элементининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда ҳал қилиниши лозим.

ФКнинг 1158-моддасининг 3-қисми гипотезасини — қўлланиши лозим бўлган ҳуқуқни аниқлашнинг имкони йўқлигини — чет эл коллизион ёки моддий-хуқуқий нормаси ишлататиётган юридик тушунчалар Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқига номаълум бўлса ёки бошқа ном ёхуд бошқа мазмун билан маълум бўлган ҳолатлардан ажратиш керак (ФК 1159-модда 2-банд). Ўз ўзидан Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқи билан чет эл юридик тушунчали аппарати ўргасида аниқ терминологик мувофиқликнинг мавжуд эмаслиги ФКнинг VI бўлими коллизион нормаларини қўллашдан воз кечиши учун асос бўла олмайди.

Фақатгина тегишли муносабатларнинг тартибга солинмаганлиги, яъни маҳсус коллизион нормаларнинг йўқлиги билан боғлик ҳолда қўлланувчи ҳуқуқни аниқлашнинг умуман имконияти йўқлиги ҳуқуқий муносабат билан «энг узвий боғлик» қонунни қўллаш учун мурожаат этишга йўл қўяди.

### **1159-модда. Ҳуқуқий баҳо бериш**

**Юридик тушунчаларга суд ёки бошқа давлат органи томонидан ҳуқуқий баҳо берилишида, агар қонунда бошқа ҳол назарда тутилган бўлмаса, бундай юридик тушунчаларни низо кўриб чиқилаётган мамлакат сифатида Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқига мувофиқ шарҳлашга асосланади.**

Агар юридик тушунчалар низо кўриб чиқилаётган мамлакат сифатида Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқига номаълум бўлса ёки бошқа ном ёхуд бошқа мазмун билан мъълум бўлса ва Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқи бўйича талқин этиш орқали аниқланиши мумкин бўлмаса, уларга ҳуқуқий баҳо беришда чет давлат ҳуқуқи ҳам қўлланиши мумкин.

Коллизион ҳуқуқнинг мукаммал муаммоларидан бири — «баҳо беришлар тўқнашуви» — миллий ҳуқуқ тизимларида фақатгина моддий-ҳуқуқий ва коллизион нормаларгина эмас, балки улар ишлатадиган ҳуқуқий атамалар мазмунининг (ном, шакл) ўзи ҳам фарқланишига асосланади. Коллизион нормаларнинг ном ва шакл бўйича фарқланишига мисоллар кўп. «Даъво муддати» англо-америка ҳуқуқ тизимида процессуал ҳуқуқ институти, континентал европа ҳуқуқида эса, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам — моддий ҳуқуқ институти бўлиб ҳисобланади; «вояга етмаган болаларнинг никоҳ тузишига ота-оналарнинг розилиги» Буюк Британияда никоҳ тузиш шаклига, Францияда эса никоҳ тузишнинг моддий шартларига таалтукли; «шартнома тузиш жойи» англо-америка ва япон ҳуқуқида акцепт юбориш жойи, континентал европа ҳуқуқида эса, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам акцепт олиш жойи сифатида тушунилади. Чет эл қонунини қўллаш учун, аввало ушбу ҳуқуқ-тартиботга хавола этаётган коллизион норма тушунчасига баҳо бериш (яъни изоҳлаш, аниқлаш) зарур. Умуман олганда учта турли усулда бундай баҳо бериш мумкин:

Биринчидан, юридик атамаларнинг изоҳи мамлакатдаги хуқуқий концепциялар, миллий урф-одатлар асосида амалга оширилиши мумкин (*lex fori*).

Иккинчидан, коллизион норма тушунчаларига баҳо бериш қўлланиши лозим бўлган чет эл хуқуки нуктаи назаридан унинг «координаталари тизимида» амалга оширилиши мумкин (*lex causae*).

Ниҳоят, юридик тушунчалар изоҳини автоном равишда, маълум миллий тасаввурларга ва нормаларга боғламаган ҳолда амалга ошириш мумкин.

Мамлакатимиз хуқуқий доктринасида баҳо беришлар тўқнашуви муаммосини ҳал этишнинг охирги усули узоқ давр мобайнида сермаҳсул бўлиб хисобланган. Аммо, юридик тушунчаларга баҳо бериш автономияси ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ҳар доим ҳам амалга оширилиши мумкин эмаслигини вақт кўрсатди. Аввалги фуқаролик қонунчилигига хуқуқий тушунчаларга баҳо беришнинг ўёки бу усулини танлаш учун бирон-бир мўлжаллар мавжуд бўлмаган, бу эса ФК 1159-моддаси новелласига ўзига хос мазмун беради. Мазкур модданинг биринчи қисми умумий қоида сифатида, қўлланиши лозим бўлган хуқуқни аниқлашда юридик тушунчаларни Ўзбекистон Республикаси хуқуқи, яъни *lex fori* асосида изоҳлашни белгилайди. Ушбу ҳолатда коллизион норманинг ҳажми ҳам, боғловчиси ҳам тегишли мазмунда Ўзбекистон Республикасининг моддий хуқуқида белгиланган атамаларга ўхшаш маънода тушунилиши керак. ФК 1159-моддасининг 1-қисмидаги умумий қоидадан ҳар қандай истиснолар факатгина қонун билан белгиланиши мумкин (ёки Олий Мажлис палаталари томонидан ратификация қилинган, яъни қонун кучига эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномаси билан). Бундай истиснолардан бири, кўчар ва кўчмас ашё (яъни мулкнинг кўчар ва кўчмас ашёларга тегишлилиги) тушунчаси мол-мулк жойлашган мамлакат хуқуқи билан баҳоланиши лозимлиги белгиланган ФКнинг 1185-моддаси 2-қисмида назарда тутилган. ФКнинг 1186, 1191-моддаларини ҳам ушбу мазмунда кўриб чиқиши мумкин.

Юридик атамаларга *lex fori* асосида баҳо бериш усулига жиддий камчилик хосдир. Ўзбекистон Республикаси хуқуқида чет эл хуқуқидагига ўхшаш категориялар умуман мавжуд бўлмаслиги мумкин (масалан, кўпгина Лотин америкаси давлатларининг оила хуқуқига хос бўлган «ота хукумронлиги» тушунчаси), ва ушбу ҳолатда *lex fori* қонуни асо-

сида хуқуқий баҳо беришнинг иложи бўлмайди. ФК 1159-моддасининг 2-қисми айнан ана шу камчиликни яхшилашга мўлжалланган.

Агарда *lex fori* асосида шарҳлашнинг иложи бўлмаса, яъни тегишли тушунча Ўзбекистон Республикаси хуқуқига ноъмалум ёки бошқа ном билан ёхуд бошқа мазмун билан маълум бўлса, чет эл хуқуки асосида «энг узвий боғлиқ қонун» — *lex causae* асосида баҳо беришни қўллаш мумкин. Шу билан бирга, тегишли шарҳлашнинг асоси бўлиб, шу каби атамага ўхшаш бўлган ҳар қандай чет эл хуқуки эмас, балки коллизион норма асосида танланиши мумкин бўлган хуқуқ-тартиботгина хизмат қилиши мумкин.

Масалан, агар Ўзбекистон фуқароси бўлган тадбиркор Буюк Британия худудида ўзининг кўчар мол-мулкига нисбатан АҚШ фуқароси билан траст шартномасини тузажетган бўлса, ҳамда шартнома оқибатида Ўзбекистон Республикаси судида ҳал қилиниши лозим бўлган низо келиб чиқса, шартнома оқибатидаги мажбуриятни тартибга солувчи хуқуқни аниқлаш ФК 1190-моддаси асосида амалга оширилади. Шу билан бирга, суд тарафлардан қай бири томонидан шартноманинг ижро этилиши мазкур битим мазмуни учун ҳал қилувчи аҳамият касб этишини аниқлаши лозим. Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига траст тушунчаси маълум эмаслиги туфайли (унга яқинроқ бўлган ишончли бошқарув институтининг мазмуни эса, жиддий фарқланади, ФК 49-бобига қаранг), суд «траст шартномаси мазмуни учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган, ижро» тушунчасига баҳо бериш учун, ушбу тушунча маълум бўлган мамлакат, яъни Буюк Британия ва АҚШ хуқуқидан фойдаланишига тўғри келади. Аммо, таъкидланганидек, *lex causae* бўйича баҳо беришда хуқуки коллизион норма асосида танланиши мумкин бўлган мамлакатнинггина хуқуқий терминологиясига асосланиш керак. Модомики инглиз хуқуқи умуман олганда низоли мажбуриятни тартибга солишда қўлланила олмас экан, уни *lex causae* бўйича баҳо бериш учун қўллаш мумкин эмас. Аксинча, АҚШ хуқуқи маълум ҳолатларда кўрсатилган муносабатни тартибга солиши мумкин (агарда суд, америкалик тарафнинг ижроси шартнома учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга, деб топса), шу туфайли шартнома бўйича ижро табиатини аниқлаш, яъни *lex causae* ушбу тушунчасинининг баҳоланиши, ФК 1159-модда 2-қисмига кўра АҚШ хуқуқи асосида амалга оширилиши мумкин.

Юридик тушунчаларни *lex causae* бўйича ҳукуқий баҳо бериш камчиликлардан ҳам холи бўлмай, уларнинг асосийси тушунчаларни шарҳлаш учун, фақат келажакда танлашга тўғри келадиган, чет эл қонуни қўлланилади. Афтидан, ушбу мантиқий муаммони инобатга олган ҳолда, қонун чиқарувчи ФК 1159-модда 2-қисми фақатгина унинг бажарилиши эҳтимолини белгилаган ҳолда, «энг узвий боғланган мамлакат қонуни (*lex causae*)» бўйича баҳо беришни мажбурий қўллашни талаб қилмайди. Кўриниб турибдики, *lex causae* бўйича ҳукуқий баҳо бериш ҳал қилиб бўлмайдиган муаммоларни вужудга келтирган ҳолатларда, Ўзбекистон Республикаси суди низоли юридик тушунчаларни Ўзбекистон Республикаси ҳукуқи, яъни *lex fori* бўйича шарҳлаши мақсадга мувофикдир.

#### **1160-модда. Чет эл ҳукуқи нормалари мазмунини аниқлаш**

**Чет эл ҳукуқини қўлланишда суд ёки бошқа давлат органи унинг нормалари мазмунини бу нормаларнинг тегишли хорижий давлатда расмий талқин этилиши, қўлланиш амалиёти ва доктринасига мувофик аниқлади.**

Суд ёки бошқа давлат органи чет эл ҳукуқи нормлари мазмунини аниқлаш мақсадида ёрдам ва тушуниришлар сўраб Адлия вазирлигига ва бошқа миллий ваколатли органлар ҳамда муассасаларга, шу жумладан чет элдаги органлар ва муассасаларга мурожаат этиши ёхуд эксперtlарни жалб қилиши мумкин.

Ишда иштирок этаётган шахслар ўз талаблари ёки эътиrozларини асослаш учун ўзлари важ келтираётган чет эл ҳукуқи нормаларини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этишга ва бу нормаларнинг мазмунини аниқлашда судга ёки бошқа давлат органларига бошқача тарзда ёрдамлашишга ҳақлидирлар.

Агар ушбу моддага мувофик кўрилган чора-тадбирларга қарамай, чет эл ҳукуқи нормаларининг мазмуни оқилона муддатларда аниқланмаса, Ўзбекистон Республикасининг ҳукуқи қўлланилади.

Ҳукуқни қўллаш жараёнида аниқ ишни ҳал этишда суд коллизион норма асосида танланган чет эл ҳукуқи мазмунини аниқлаши лозим. Чет эл ҳукуқини қўллаш чегаралари ва шакллари турли мамлакатлар

миллий жараёнида бир хил эмаслигини айтиб ўтиш жоиз. Англо-америка доктринаси ва амалиётига кўра суд фақатгина ўзининг миллий хукукини, яъни суд қонунини (*lex fori*) қўллади. Шу билан бирга, албагта, чет эл қонунлари асосида вужудга келган субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятлар тан олинади, аммо ушбу қонунларнинг ўзи тегишли ҳуқукий муносабатларни келтириб чиқарган, ўзига хос юридик факт сифатида тушунилади. АҚШ ёки Буюк Британияда суд чет эл ҳуқукини юридик мажбурий кўрсатма сифатида қўлламайди, балки иш бўйича факт сифатида фойдаланади (*as a fact*). Классик инглиз доктринасига кўра, «Судья томонидан қўлланувчи ягона қонун бўлиб, иш кўриб чиқилаётган жой қонуни хисобланади... Аммо ишда чет эл элементининг мавжудлиги сабабли, чет эл қонуни — эътиборга олиниши лозим бўлган фактдир...». Ҳатто шундай прагматик ёндашувда ҳам, мутахассисларнинг фикрича, баъзан чет эл ҳуқукиниң ҳақиқий мазмуни қаттиқ бузилиши мумкин.

Аммо Европанинг кўпгина давлатларида, аксинча, чет эл ҳуқуки одатда юридик факт сифатида эмас, балки миллий ҳуқуқнинг ўзи сифатида, яъни юридик мажбурий юриш-туриш қоидаларининг яхлит ўз ўзидан ривожланаётган тизими сифатида тушунилади. Шу туфайли чет эл ҳуқуки «ўзининг ватанида» қандай қўлланилаётган бўлса, ҳудди шундай қўлланилиши керак: тегишли давлатнинг расмий миллий шарҳланишга, қўллаш амалиёти ва ҳуқукий доктринасига асосланиб қўлланиши лозим. Ушбу умумэътироф этилган концепция илк бор ФКнинг шарҳланаётган моддаси ва Ўзбекистоннинг юридик фанида расмий мустаҳкамланди.

Чет эл ҳуқуки нормалари мазмунини аниқлаш масалалари билан чет эл қонунларининг вақт бўйича ҳаракати муаммолари узвий боғлиқдир. Чет эл ҳуқуқнинг ҳудуд ва шахслар доирасидаги ҳаракати чегараси ФК 1166-моддаси ҳолатларига кўра, яъни ушбу ҳуқуқнинг ўзи асосида аниқланади. Агарда кўрсатилган модда ёрдамида ваколатли ҳуқуқтартиботни барибири аниқлаб бўлмаган бўлса, «муносабат энг узвий боғлиқ бўлган ҳуқуқ тизимини» қўллаш лозим (яъни Ўзбекистон Республикаси қонунини эмас). Шу аснода бошқа савол келиб чиқади, чет эл ҳуқукиниң вақт бўйича ҳаракати чегаралари қандай аниқланади, у ФКнинг 1160-моддаси асосида ҳал қилиниши керак, чунки айнан мана шу норма ҳаракатдаги (вақтнинг ҳар кайси конкрет дақиқасида) чет эл ҳуқукиниң мазмуни

қандай аниқланиши лозимлиги масаласини ҳал қиласи. Хусусан, агар давом этётган муносабатни тартибга солиш жараёнида қўлланётган чет эл хуқуқи нормаларининг мазмуни ўзгарса (масалан, янги қонун қабул қилиш оқибатида), бир неча актлардан (аввалгиси ёки янгиси) кайси бирини қўллаш кераклиги масаласи, ушбу актларнинг тегишли чет давлатда расмий шарҳи, қўлланилиш амалиёти ва доктринаси асосида амалга оширилади. Бироқ, суд чет эл хуқуқи нормалари мазмунини оқилона муддатда аниқлай олмаса, ушбу муносабатга нисбатан Ўзбекистон Республикаси хуқуқи қўлланилади. Бундай мантиққа тўғри келмайдиган вазиятда амалдаги иккита қонундан биттасини танлай олмаган суд иккаласини қўллашдан ҳам бош тортади.

Бундан ташқари, суднинг қўлланиши лозим бўлган чет эл хуқукий нормаларининг мазмунини аниқлашга қобилиятсизлиги туфайли, чет эл хуқуқини (агар чет қонунининг ҳудуд ёки шахслар доираси бўйича ҳаракати масалалари ҳал қилинмаган бўлса) ёхуд Ўзбекистон Республикаси хуқуқини қўлланишига тўғри келади (агар чет эл хуқуқининг вақт бўйича ҳаракати чегараси аниқланмаган бўлса). Бундай қонуний қарорни оқилона деб хисоблаш гумон.

Шу қаторда, чет эл хуқуки нормалари мазмунини унинг ҳудуд, вақт ва шахслар доираси бўйича ҳаракати қисмида аниқлашнинг иложи йўклиги низоли муносабат билан энг узвий боғлиқ бўлган қонунни қўллашни келтириб чиқаришини назарда тутган ҳолда ФК 1166-моддасининг мазмуни 1160-моддага алоҳида пункт сифатида киритилиши фикрининг максадга мувофиқлигини қўллаймиз.

Миллий суд ўз вазифаси бўйича (*ex officio*) чет эл хуқуқини қўллай туриб, уни билмайди ва билишга мажбур эмас. Шу туфайли чет эл хуқуки мазмунини аниқлаш учун ФК судга Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ва бошқа миллий ваколатли органлар ва ташкилотларга мурожаат этиш ваколатини беради.

Чет эл хуқуки нормалари мазмунини аниқлашда ёрдам олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси иштирокчи бўлган Фуқаролик, оила-вий ва жиноий ишлар бўйича хуқукий ёрдам ва хуқукий муносабатлар тўғрисидаги Конвенция (Минск, 1993 йил 22 январь), умумий кўринишда чет эл қонунчилигига нисбатан маълумот тўғрисидаги 1968 йилдаги Европа Конвенцияси (Ўзбекистон Республикаси иштирокчи эмас),

фукаролик, оила ва савдо ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги икки томонлама шартномалар билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ёки бошқа миллий ваколатли органларга (масалан, Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва консуллик ваколатхоналари) мурожаат этиш билан биргалиқда суд экспертларни ҳам жалб этиши мумкин. Модомики, суд чет эл ҳуқуқини ўзининг ҳуқуқи (ex officio) сифатида қўллар экан, унинг мазмунини аниқлаш иш бўйича исботлаш предметига кирмайди деб хисоблаш лозим бўлади. Масалан, ФПК 84, 85-моддаларининг мазмунига кўра, экспертиза ҳуқуқ масалаларини ҳал қилишда тайинлана олмайди. Ушбу ҳолатга замонавий ҳуқуқий доктрина ҳам тўлалигича қўшилади. Шу туфайли, умумий юрисдикция судида иштирок эттаётган экспертнинг чет эл ҳуқуқининг изохи, қўллаш амалиёти ёки мазмунига нисбатан фикри, назаримизда, фукаролик жараёнида далил воситаси сифатида кўрилиши керак эмас. Бундай «экспертнинг» процессуал мақоми, ишнинг аниқ ҳолатларини тадқиқ эттаётган «оддий» экспертнинг ҳолатига ўхшамайди. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш оқибатида вужудга келган низоларда, суд чет ҳуқуқи нормалари мазмунини исботлаш вазифасини тарафларнинг ўзига ҳавола этиши мумкин. Аммо, агар тарафлар ушбу вазифани бажара олмасалар, суднинг ўзи эса шарҳланаётган модда назарда тутилган барча усулларни қўллашига қарамай оқилона муддатда чет эл қонунини аниқлай олмаса, у тегишли муносабатга нисбатан Ўзбекистон Республикаси қонунини қўллашга мажбур.

Агар суд чет эл ҳуқуқини юридик нормаларнинг яхлит ўзаро алоқадор тизими сифатида қўлласа, ҳеч бўлмаса улардан бирининг мазмунини аниқлашнинг иложи йўклиги, чет эл ҳуқуқи тўлалигича қўлланиши мумкин эмаслигини англатади. Шу аснода, суд низоли муносабатга қўлланиши лозим бўлган чет эл ҳуқуқининг у аниқлаган алоҳида нормаларига таяниб, бошқаларини (унга ноаниқларини) эътиборга олмаслиги мумкин эмас. Шу ва шунга ўхашаш ҳолатларда суд чет эл ҳуқуқини тўлалигича қўллашдан воз кечишга ва тегишли муносабатларни Ўзбекистон Республикаси ҳуқуки ёрдамида тартибга солишга мажбур.

Чет эл ҳуқуқи моддий нормаларини бузиш ёки нотўғри қўллаш умумий қоида бўйича суд қарорини ўзгартириш ёки бекор қилишга асос бўлади.

## **1161-модда. Қарши томон ва учинчи мамлакат хуқуқига ҳавола этиш**

**Ушбу бўлим қоидаларига мувофиқ, чет эл хуқуқига ҳар қандай ҳавола этиш тегишли мамлакатнинг коллизион хуқуқига эмас, балки моддий хуқуқига ҳавола этиш деб қаралиши лозим, ушбу бўлимда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.**

**Чет эл хуқуки ушбу Кодекснинг 1168-моддасига, 1169-моддасининг биринчи, учинчи, бешинчи қисмларига, 1171 ва 1174-моддаларига мувофиқ кўлланилган ҳолларда қарши томон сифатида Ўзбекистон Республикаси хуқуқига ва учинчи мамлакат хуқуқига ҳавола этиш қабул килинади.**

Қарши томон хуқуқига ҳавола қилиш (учинчи мамлакат хуқуқига ҳаволани ҳам ўз ичига оладиган, умумлашган атама) ҳалқаро хусусий хукукда жуда кўп муҳокама қилинадиган масалалардан бири бўлиб хисобланади. Турли мамлакатлар қонунчилиги ва суд амалиётида бир хил ёндашув мавжуд эмас. Қарши томон (биринчи даражали genvoi ёки remission) ёки учинчи мамлакат хуқуқига ҳавола (иккинчи даражали genvoi ёки transmission) қилиш муаммосининг энг муҳим ва мураккаб муаммолардан бири эканлиги тасодифий эмас. Бунга суд амалиётидан мисол сифатида: Грузия ҳудудида рўйхатдан ўтган фонднинг бошқармаси Тунисда жойлашган, унинг асосий фаолияти эса Ўзбекистон Республикасида амалга оширилади. Бундай ҳолатда Ўзбекистон Республикаси суди ФКнинг 1175-, 1176-, 1177-моддаларига асосан, фонднинг хуқуқ ва муомала лаёқати масалаларини юридик шахс сифатида (шу каторда — бошқарувнинг хукукий ҳолати ҳам) Грузиянинг фуқаролик хуқуки асосида хал этиши лозим, чунки ушбу юридик шахс айнан ўша ерда таъсис этилган. Аммо Грузиянинг 1998 йилги ҳалқаро хусусий хуқуқ тўғрисидаги Қонунининг 24-моддаси, юридик шахснинг хуқуқ ва муомала лаёқати ушбу юридик шахснинг органи аслида жойлашган мамлакат хуқуки, яъни Тунис хуқуки билан тартибга солинишини назарда тутади. Ўз навбатида, Туниснинг 1998 йилги Ҳалқаро хусусий хуқуқ Кодекси юридик шахс муомала лаёқатини у ўз фаолиятини олиб бораётган мамлакат хукуки, яъни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тартибга солишни белгилайди. Ушбу учинчи мамлакат хуқуқига ҳаволаларнинг барчасини кўллаган ҳолда, ишни тўғри

хал этиб бўлмайди. Шу билан бирга, агар суд қайта ҳавола ёки учинчи мамлакат ҳуқуқига ҳаволани қабул қилишга рози бўлса, у миллий ҳуқуқ коллизион нормаларини (ФКнинг 1175, 1176, 1177-м.) расмий жиҳатдан эътиборсиз қолдиради, чунки унинг кўрсатмалари бажарилмаган бўлади. Агар суд бундай ҳаволани қабул қилишдан бош тортса, чет эл коллизион нормасининг қоидаси эътиборсиз қолдирилган бўлиб хисобланади.

Қарши томон ҳуқуқига ҳавола муаммоси яқин давргача Ўзбекистон Республикасида фақатгина ташки иқтисодий ва бошқа ҳалқаро иқтисодий алоқаларни тартибга солища хал этилган эди (шарҳланаётган модданинг биринчи қисми). Ушбу талаб хорижий мамлакат ҳуқуқига мурожаат этишда коллизион нормани эмас, фақатгина моддий ҳуқуқни қўллашни тавсия этадиган, яъни қарши томон ҳуқуқининг қайта ҳаволани қабул қилишни истисно қиласидиган «Ҳалқаро савдо арбитражи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойихасининг 28-моддасида акс этган. Шунингдек, юридик адабиётларда, қайта ҳавола, ҳаттоқи учинчи мамлакат ҳуқуқига ҳаволани ҳам ташки савдо ҳукуки чегараларидан четда қабул қилиш имкониятига нихоятда ижобий муносабатда бўлган Россия доктринаси тўғрисида фикр билдирилган<sup>1</sup>. Шарҳланаётган норма биринчи марта умумий кўринишда қайта ҳавола тақдири хақидаги масалани хал қилди. Чет мамлакатнинг коллизион ҳуқуқига эмас, балки моддий ҳуқуқига мурожаат этишни белгилаб туриб, ФКда шунинг ўзи билан қайта ҳаволани, шу қаторда учинчи мамалакат ҳуқуқига ҳаволани ҳам қабул қилишни ман этади. Ушбу умумий тақиқ кўп йиллар давомида мавжуд бўлган мавҳумликни бартараф этади ва кўпсонли мунозарадларга чек қўяди. ФКда назарда тутилган қайта ҳаволанинг ман этилиши тўғрисидаги қоидадан ягона истисно ҳолат, 1161-модданинг 2-қисмида мавжуддир. Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқига қайта ҳавола фақатгина жисмоний шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатини белгилайдиган нормаларга нисбатан қабул қилиниши мумкин. Уларнинг тўлиқ рўйхати шарҳланаётган моддада ҳам назарда тутилган бўлиб, булар — жисмоний шахснинг шахсий қонунини белгилаш қоидалари, ҳуқуқ ва муомала лаёқати, исмга бўлган ҳуқуки, васийлик ва ҳомийлик, шу қаторда шахсни бедарак йўқолган деб эътироф

---

1 Қаранг: Перетерский И. С., Крылов С. Б. Международное частное право. М., 1959. С. 50.

етиш ва ўлган деб эълон қилиш тўғрисидаги нормалардир. Ўзбекистон Республикаси хукуқига қайта ҳавола, учинчи мамлакат хукуқига ҳавола каби бошқа барча масалаларда қабул қилинмайди. Шу билан бирга 1161-модданинг иккинчи қисмининг аҳамиятли томонларидан бири шундаки, қонун мажбур қилмайди, балки фақатгина тегишли холатларда қайта ҳаволани қабул қилишга рухсат беради. Фикримизча, ушбу ҳолатда қонун чиқарувчи, агар қўлланувчи чет эл хукуқи Ўзбекистон Республикаси ФКниг 1168-моддаси, 1169-моддасининг биринчи, учинчи, бешинчи қисмлари, 1171 ва 1174-моддаси билан тартибга солинадиган масалалар бўйича жисемоний шахслар учун мақбулроқ хукукий режимни белгиласа, Ўзбекистон Республикаси хукуқига қайта ҳаволани қабул қилиш, мақсадга мувофиқ бўлмаслигидан келиб чиқади.

Юқорида таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикасининг қонун кучига эга бўлган халқаро шартномалари, ФК нормалари олдида устунликка эгадир. Шу туфайли, агар халқаро шартномада қайта ҳавола ёки учинчи мамлакат хукуқига ҳаволани қабул қилиш йўл қўйилган ҳолларда 1161-модданинг кўрсатмалари қўлланилимайди. Бундай мисоллар кўп эмас, хусусан, уларни 1930 йилги «ўтказма ва оддий векселлар тўғрисидаги айрим қонунлар коллизиясини бартараф этиш мақсадига эга №359 Конвенция»да топиш мумкин (Ўз.Рес. иштирокчи эмас). Ушбу Конвенциянинг 2-моддасининг 1 хатбошиига кўра, шахснинг ўтказма ёки оддий вексель бўйича мажбурият олиш лаёкати унинг миллий қонуни билан белгиланади. Агар миллий қонун бошқа тарафнинг қонунига ҳавола этса, ушбу тарафнинг қонуни қўлланилади. Вексель бўйича мажбурият олган (масалан, вексель берувчи, индоссант ёки авалчи) шахснинг миллий қонунига боғлаш оқибатида қабул қилиш лозим бўлган миллий қонунга қайта ҳавола каби учинчи мамлакат хукуқига ҳаволага ҳам олиб келиши мумкин. Таъкидлаб ўтиш лозимки, келтирилган коллизион норма ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасининг хукуқ нормаси бўлиб ҳисобланмас экан, ушбу халқаро шарномадаги холатлар унинг хукуқ тизими таркибиға кирмайди.

### **1162-модда. Қонунни четлаб ўтиш оқибатлари**

**Ушбу Кодекс билан тартибга солинадиган муносабатлар иштирокчиларининг ушбу бўлимнинг қўлланилиши лозим бўлган**

**хукуққа доир қоидаларини четлаб ўтиб, тегишли муносабатларни бошқа хукуққа бўйсундиришга қаратилган келишувлари ва бошқа харакатлари ҳақиқий эмас. Бундай ҳолда тегишли давлатнинг ушбу бўлимга мувофиқ татбиқ этилиши лозим бўлган хукуқи қўлланилади.**

Маълум бир қонунчиликка боғлаш баъзан уларнинг хукукий муносабатларига мажбурий қонунларни қўллашдан қочиш ниятидаги шахслар томонидан сунъий вужудга келтирилади. Бундай турдаги «қонунни четлаб ўтиш» халқаро хусусий хукуқ амалиётида катта аҳамиятга эга.

«Қонунни четлаб ўтиш» тушунчаси ўзида хукуқнинг манфаатдор субъектлари томонидан қонуний қилиб қўрсатишга ҳаракат қиласидиган хукуққа хилоф ҳаракатлар мажмуасини ифода этувчи оддий образли иборани акс этади.

«Қонунни четлаб ўтиш» тушунчаси хукуқнинг турли соҳаларида (хусусий ва оммавий, моддий ва коллизион, ички ва халқаро) ишлатиладиган универсал хукукий термин бўлиб ҳисобланади. Шу қаторда ушбу тушунча турли миллий хукуқ тизимларида учраши мумкин. Мазкур факт факат «қонунни четлаб ўтиш» тушунчаси билан қонунийлик кўринишини қўллаш феномени намоён бўлиши билангина изоҳланади.

Қонуний тартибга солиш тўғрисида. Мамлакатда яшаб турган ёки турар жойга эга бўлган шахсларнинг фуқаролик-хукукий муносабатлари тўғрисидаги 1891 йил 25 июндаги Швейцария федерал қонуни (1911 ва 1936 йиллардаги мухим ўзгаришишлар билан) чет мамлакатда никоҳни қайд этиш йўли билан никоҳ тўғрисидаги қонунларни четлаб ўтишга қарши турувчи нормага эгадир (7-м.). АҚШнинг қатор штатларида ушбу штатнинг никоҳ қонунларини бошқа штатда никоҳ тузиш йўли билан четлаб ўтишга қарши қаратилган қонунлар амалда жорий этилган. Канада провинцияларидан айримларининг фуқаролик кодексларида, хусусан, Квебек кодексида, чет элда никоҳ тузиш йўли билан ушбу провинциялар никоҳ тузиш қонунларини четлаб ўтишга қарши қаратилган моддалар мавжуд. Аммо кўпчилик мамлакатларнинг қонунчилигига қонунни четлаб ўтиш мақсадида сунъий коллизион боғловчиларни вужудга келтиришга қаратилган ҳаракатларнинг оқибатларига нисбатан кўрсатмалар мавжуд эмас.

Суд амалиёти тўғрисида. Француз суд амалиёти, чет эл қонунига сунъий коллизион боғловчини вужудга келтириш йўли билан француз

қонунида белгиланган тақиқни ҳар қандай четлаб ўтиш тегишли битимни ҳақиқий эмас деб топилишига олиб келади, деган умумий доктринани ишлаб чиқди. Ушбу умумий доктрина 1878 йилда Бофремон иши бўйича кассация судининг қарори асосида ишлаб чиқилди. Унга кўра, француз фуқароси бўлган аёл ўша вақтда амалда бўлган никоҳдан ажрашишни ман этувчи қонунни четлаб ўтиш мақсадида Германия фуқаролигини олди ва суд орқали никоҳдан ажралиб, янги никоҳга кирди. Ушбу никоҳ француз суди томонидан ҳақиқий эмас деб топилди, суд биринчи никоҳнинг бекор бўлиши никоҳни бекор қилувчи Франция хуқуқ нормасини четлаб ўтиш орқали амалга оширилган деб топди. Суд ушбу қарор орқали халқаро хусусий хукуқда *fraus omnia corrumpit* (қонунни четлаб ўтиш ҳаракатнинг тўлиқ ҳақиқий эмас деб топилишига олиб келади) принципини қўллаш лозим деган холосага келди. Бошқа давлатларнинг коллизион амалиётида бундай умумий принцип мавжуд эмас (оила хуқуқий масалаларидан ташқари ушбу хукукий категория ГФР, Буюк Британия, АҚШ коллизион хукуқида деярли қўлланилмайди.). Таъкидлаб ўтамизки, Буюк Британия ва АҚШ амалиётида мамлакатнинг ўз таъкиловчи хуқуқ нормаларини четлаб ўтиш мақсадида *locus regit actum* принципи қўлланилади. Шу билан бирга қонунни четлаб ўтишни чет давлатлар қонунига хурматни талаб этувчи суднинг оммавий тартибини бузиш деб баҳолаган ҳолда, айrim ҳолларда судлар чет эл таъкиловчи қонуларини тўғридан тўғри четлаб ўтишга йўл кўймайди. Масалан, 1929 йилда британ суди АҚШга спиртни олиб қиришни ман этувчи Америка қонунини четлаб ўтишга қаратилган битимни ҳақиқий эмас деб топди (*Foster v.Driscoll*), бошқа ҳолатда эса (*Regazzoni v.Sethia*) британ суди Хиндистоннинг экспорт масаласидаги чекловларини четлаб ўтишга қаратилган битимни ҳақиқий эмас деб топди.

Аммо чет эл қонунини четлаб ўтиш аҳамияти масаласидаги ушбу амалиёт у қадар мустаҳкам эмас.

2. Коллизион хуқуқда одатда *fraudem legis domesticae* (чет эл қонунини қўллашни асослаш мақсадида коллизион боғловчини сунъий тарзда келтириб чиқариш) деб номланувчи «қонунни четлаб ўтиш» муаммоси моддий хуқуқда «қонуни четлаб ўтиш» феноменининг табиати каби хуқуқ меъёри кўринишини қўллашдан иборат бўлади, аммо фақатгина коллизион соҳада (1) коллизион боғловчининг ҳақиқий мавжудлиги борасида

нотүгри тасаввур келтириб чиқариш (масалан, ҳақиқатда шартнома бошқа давлатда тузилган вақтда, чет давлатни унинг тузилиш жойи сифатида күрсатиш); 2) коллизион сохада хукуқни суиистеъмол қилиш (масалан, шахснинг алимент тўламаслик максадида атайин чет давлатга чиқиши); 3) чет эл хукукига кўра мумкин бўлган, аммо оммавий тартибга хилоф харакатларни бажариш (*lex fori*). Шунга асосан таъкидлаш мумкинки, коллизион хукуқда «оммавий тартибни бузиш» категорияси «қонунни четлаб ўтиш» категориясига қараганда маҳсус ибора бўлиб ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, коллизион хукуқ миллий қонунлар ўргасида қайта тақсимлашнинг объектив баҳоланмаган ёлғон коллизиялар ва сунъий тарзда вужудга келтирилган вазиятлар билан қурашишнинг самаралироқ усулларига эга. Бир тарафдан — бу классик коллизион нормалардан бош тортиш, тузилмани мураккаблаштириш ва янги коллизион нормаларнинг вужудга келиши, уларни фарқлаш ва ихтисослаштириш бўлиб ҳисобланади. Бошқа тарафдан эса англо-американ хукуқ тизимидан ўзлаштирилган «энг узвий боғлиқлик» коллизион принцип муносабатларнинг янада кенгрок микдорига тадбиқ этилиши бўлиб ҳисобланади.

Бундан ташқари, бундай самарали ва прогрессив усуллар қаторига коллизион сохада нисбатан якинда тарқалишни бошлаган *lex fori* императив нормалари ва учинчи мамлакат императив нормалари институтини кўллаш киради (ФКнинг 1159 ва 1165-моддаларига шарҳларга қаранг).

Таъкидлаш мумкинки, *agere in fraudem legis domesticae* анъанавий назарияси «энг узвий боғлиқлик» коллизион принципидан бошқа ҳеч нарса эмас, фақат «бошдан оёққа қўйилгани» бўлиб ҳисобланади. Коллизион тартибга солишининг замонавий тенденциялари ҳолатида бундай назариянинг танқиди, шу вақтнинг ўзида кўрсатилган принципнинг прогрессивигининг исботи бўлмаслиги мумкин эмас.

*Agere in fraudem legis domesticae* анъанавий назарияси — замонавий коллизион хукуқда реликтдир. Ривожланишнинг маълум босқичида унинг вужудга келиши муқаррар эди ва у ўзининг ижобий ролини ўйнади, аммо вазифасини бажариб бўлиб, тарихнинг бойлиги бўлиб қолиши ва янги коллизион ёндашувларга жой бериши лозим. Унинг ўтган минг йилликка тўғри келган «олтин асри» ўтди ҳамда агар ушбу назариянинг ўтмишда мавжуд бўлиши сабаблари тушунарли ва равшан бўлса ҳам, бугунги кунда коллизион хукуқ солишириб бўлмайдиган даражада кейинги ривож-

ланишида яхшироқ ва идроклироқ қуролланган вактдаги шароитларда унинг оммалашуви, хукукий регресс ва коллизион хукуқнинг келажакдаги ривожланиши учун тормоздан бошқа нарса бўлмас эди.<sup>2</sup>

### **1163-модда. Хукуқни ўзаролик асосида қўллаш**

**Суд ёки бошқа давлат органи ўзи қўриб чиқаётганига ўхшаш муносабатларга нисбатан тегишли чет давлатда Ўзбекистон Республикасининг хукуки қўлланиши ёки қўлланмаслигидан қатъи назар, ана шу чет давлатнинг хукуқини қўллайверади, Ўзбекистон Республикаси қонунида чет эл хукуқини ўзаролик асосида қўллаш назарда тутилган холлар бундан мустасно.**

**Агар чет эл хукуқини қўллаш ўзароликка боғлиқ бўлса, бошқача ҳолат исботланмаганлиги сабабли у мавжуд деб тахмин қилинади.**

1. Юридик адабиётда кенг маънода тушиниладиган ўзаролик — тенглик ва ўзаро хукукий фойда асосида давлатлар, уларнинг фуқаролари ва ташкилотлари манфаатларини таъминлашга йўл қўювчи халқаро хамкорликнинг бош омилларидан бири эканлиги белгиланган. Давлатлар ўзаролиги муаммоси бевосита давлатларнинг ўзаро боғлиқлиги каби хозирги дунё объектив борлифи билан бевосита боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси бошқа давлатлар билан иқтисодий, илмий-техникавий, маданий ва бошқа алоқаларни мустаҳкамлаш тарафдоридир, чунки улар ҳам бизнинг давлат билан тенгхукуқлилик асосида иш алоқаларини мустаҳкамлашга интиладилар. Тенгхукуқлилик давлатлар томонидан уларнинг қонуллари ҳаракатини ўзаро тан олинишида ҳам ифодаланади. Халқаро шартномага ўзаролик тўғрисида ҳолатни киритган холда, давлат — чет давлатдаги ўзининг фуқаролари ва юридик шахсларини маълум хукуқлардан фойдаланишини таъминлаш мақсадини кўзлайди.

Чет эл хукуқини қўллаш масаласида ўзаролик тўғрисидаги модда Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилигига биринчи марта киритилган. Шарҳанаётган модданинг мақсади суд ёки бошқа органнинг эътиборини Ўзбекистон Республикаси қонуни ёки халқаро шартномаси

---

2 Қаранг: Муранов А. И. Проблема «обхода закона» в материальном и коллизионном праве: дисс. ...канд. юрид. наук: 12.00.03. Москва, 1999. С. 22–27.

били белгиланган коллизион норма ҳавола этадиган чет эл ҳуқукини қўллаш ўзаролик билан боғламаганилигига қаратишдир. Ўзароликнинг чет эл ҳуқукини қўллаш учун шарт сифатида мавжуд бўлиши белгиланмайди. Суд, ушбу йўсинда, тегишли давлатда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуки қўлланиш ёки қўлланмаслигини аниқлаши керак эмас. Дунёдаги кўпчилик давлатларнинг халқаро хусусий ҳуқуқида ўзаролик принципи, миллий ҳудудда чет давлат фуқаролари ва юридик шахсларига у ёки бу ҳуқуқларни тақдим этилиши, ўз фуқаролари ва юридик шахслари зарурӣ ҳуқуқлар билан ушбу чет давлатда фойдаланиш ёки фойдаланмаслигидан келиб чиқишини мўлжаллайди.

2. Шарҳланаётган модда икки қисмдан иборатdir. Ушбу модданинг биринчи қисмида шакллантирилган умумий қоидага кўра, суд ёки бошқа орган чет эл ҳуқукини тегишли давлатда шу турдаги муносабатларга Ўзбекистон Республикаси қонуни қўллаш ёки қўлланмаслигидан қатъи назар жорий тилиши лозим. «Тегишли давлат» ибораси остида коллизион нормага кўра, Ўзбекистон Республикасида қўлланиши лозим бўлган давлат ҳуқуки тушунилади. «Шу турдаги муносабатлар» ибораси остида эса тартибга солиш мақсадида коллизион норма чет эл ҳуқуқига ҳавола киласидан ҳудди шу характердаги фуқаролик ҳуқукий муносабатларни тушуниш керак.

Ўзароликни қўлламаслик тўғрисидаги ушбу умумий қоидадан, ўзаролик асосида чет эл ҳуқукини қўллаш қонунда назарда тутилган ҳолларга нисбатан истисно қилинади. Шу тариқа шарҳланаётган модда чет эл ҳуқукини қўллаш, қоида сифатида қатъий характерга эгалигидан келиб чиқади. Қоида нафақат чет эл ҳуқукини қўллаётган суд ёки бошқа давлат органи учун, балки у ёки бу сабабга кўра суд чет эл ҳуқукини қўллашдан бош тортишига характерат қилаётган тараф учун ҳам амалий характерга эга.

3. Шарҳланаётган модданинг 2 қисмида суд ёки бошқа давлат органи бирор бир қонунда ўзароликни қўлламаслик тўғрисидаги умумий қоидадан истисноларнинг мавжуд бўлганида қандай йўл тутиш лозимлиги ҳал қилинади. Бундай ҳолда ўзароликнинг мавжудлигини исботлаш керак эмас. Агар чет эл ҳуқукини қўллаш ўзароликка боғлиқ бўлса, у мавжуд деб фараз қилинади, чунки унинг акси исботланмаган бўлади. Шу тариқа ФК ўзароликнинг мавжудлиги презумпциясини белгилайди. Шарҳланаётган модданинг 2-қисмида келтирилган қоидадан низони

кўриб чиқишида тегишли давлатнинг чет эл хуқуки кўлланиши мумкин эмаслигини исботлаётган тарафлар ўзароликнинг мавжуд эмаслигини исботловчи далилларни тақдим этишлари лозим ва бу далиллар суд томонидан баҳолангандан бўлиши керак деган холосага келиш мумкин. Чет эл хуқуқига нисбатан ўзаролик принципини кўлламаслик масаласини, кўлланилиши лозим бўлган, чет эл хуқуқини кўллаш ёки кўлламаслик ҳолатларидан фарқлаш керак. Қатор давлатлар қонунчилигига, шунингдек ҳалқаро шартномаларда чет эллик шахсларга нисбатан ўзаролик асосида миллий режим тақдим этилади. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига ўзаролик талаби, қоидага кўра, назарда тутилмайди. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 август №267-П «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товарларнинг келиб чиқиш жойи номланишлари тўғрисида»ги Қонунига кўра, чет эллик юридик ва жисмоний шахслар мазкур Қонунда назарда тутилган хуқуқлардан Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахслари билан тенг равиша ёки ўзаролик принципи асосида фойдаланадилар (35-м.). Ўзаролик талаблари чет эллик жисмоний ва юридик шахсларнинг хукукларига нисбатан интеллектуал мулк соҳасидаги бир қатор бошқа қонунларда белгиланган.

4. Алоҳида давлатлар хуқуқ тизимлари ўртасида мавжуд бўлган аҳамиятли фарқлар моддий ўзаролик принципининг кўлланилиш доирасини кескин чегаралайди. Шу туфайли амалиётда расмий ўзаролик принципи нисбатан кўпроқ тарқалди. У икки давлат, ўз худудларида чет эл фуқароларининг фуқаролик хукукларини ёки ўз фуқаролари ва юридик шахсларининг (миллий хуқуқий режим ҳолатларида), ёхуд мумкин қадар қулагайлик берувчи чет элликларнинг хукукларига тенглаштирган ҳолда (мумкин қадар қулагайлик бериш режими) тан олишларини тахмин қиласди. Шу билан бирга, фуқаролик хуқуқ ва мажбуриятларнинг аниқ мазмунни тегишли давлатларда ниҳоятда кескин фарқланиши мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикасида Француз фуқаросига саноат намунасига берилган патент 10 йил давомида кучини йўқотмайди (ва яна 5 йилга узайтирилиши мумкин). Айни вактда Ўзбекистон Республикаси фуқаросига Францияда саноат намунасига берилган патент умумий қоидага асосан 5 йилли кучга эга бўлади (аммо яна 45 йилга узайтирилиши мумкин). Шу аснода, Ўзбекистон Республикасининг «Ихтиrolар, фойдали модделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги 2002 йил 29 август №397-П

Қонунининг 37-моддасида назарда тутилган расмий ўзаролик, чет эллик ва миллий фуқароларнинг фактик (моддий) тенглигини эмас, балки уларнинг Ўзбекистон Республикаси қонуни олдида расман тенгхуқуқлилигини билдиради.

5. Давлатлар халқаро хусусий хукуқда ўзаролик принципининг бошқа чет давлатлар билан халқаро иқтисодий ҳамкорлик соҳасида қўллаш доирасини ўзлари белгилайдилар. Шу билан бирга, таъкидлаш жоизки, тарихан турли давлатга мансуб шахслар ўртасидаги муносабатлар кенгайган сари, ўз худудида чет эл хукуқининг харакатини қўллаш шу қадар муҳим бўлган ва энди ўзаролик ёки халқаро хушмуомалалик (ex comitate gentium) асосида эмас, балки коллизион хукуқининг расман аниқ ва тенгхуқуқли асосига кўра қўллаш лозимdir.

Қонун чиқарувчи, ФК 1163-моддасидаги новеллани шакллантира туриб, албатта дунёда турли давлатларнинг мавжуд бўлиши ва уларнинг хукуқ тизимларининг ўзаро алоқаси уйғунликдан узоқ эканлигини кўзда тутган. Шу маънода ўзаролик талаби фақатгина умумий қоидадан истисно сифатида чиқади ва Ўзбекистон Республикаси қонунидагина назарда тутилиши мумкин (масалан, интеллектуал мулк соҳасидаги айrim қонунлар).

6. Чет элда Ўзбекистон Республикаси хукуқини қўлланилишида ўзаролик тўғрисидаги норма исбот талаб қиласайди, чунки ФК 1163-моддасининг иккинчи қисми унинг мавжуд бўлиши презумпциясини белгилайди. Шу тариқа, ўзароликнинг йўқлиги сабабли Ўзбекистон Республикасида чет эл хукуқининг маълум нормаларини қўлламасликни маълум қилаётган шахс, тегишли чет давлатда шу каби муносабатларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси хукуқининг қўлланмаслигини исботлаши лозим.

#### **1164-модда. Оммавий тартиб тўғрисидаги изоҳ**

**Чет эл хукуқини қўлланиш Ўзбекистон Республикасининг хукуқтартиботи асосларига (оммавий тартибга) зид келадиган ҳолларда чет эл хукуқи қўлланилмайди. Бундай ҳолларда Ўзбекистон Республикасининг хукуқи қўлланилади.**

Тегишли чет эл давлатининг хукуқий, сиёсий ёки иқтисодий тизими Ўзбекистон Республикасининг хукуқий, сиёсий ёки иқтисодий

**тизимидан фарқланишигина чет эл ҳуқуқини қўллашни рад этиш учун асос бўлиши мумкин эмас.**

1. Коллизион қоидаларни қўллаш, амалда улар ёрдамида белгиланган ваколатли чет эл ҳуқуқининг алоҳида нормалари миллий ҳуқуқнинг асосий принциплари билан жиддий тафовутга киришишига олиб келиши мумкин. Ахир коллизион норма унинг таъсири натижасида бўлиши мумкин бўлган оқибатларни келтириб чиқармаган ҳолда, у ёки бу ҳуқуқтартиботга фақатгина расман боғлайди. Шу маънода, «чет эл ҳуқуқига хавола қилиш — мавхумликка сакрашдир»<sup>3</sup>. Чет эл ҳуқуқи нормаларини қўллаш оқибатида Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ-тартибот асосларини бузилишини йўл қўймаслик учун ФК «оммавий тартиб тўғрисидаги изоҳ» (*ordre public*) деб номаланган маҳсус институтини назарда тутади. Ушбу институт нафақат Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқида, балки дунёнинг аксарият мамлакатларининг ҳуқуқ тизимида ҳам қўлланади. Оммавий тартиб тўғрисидаги изоҳ «императив нормалар» концепциясининг ўзига хос ойнадаги акси бўлиб ҳисобланади (ФК 1165-м.). Агарда императив нормалар тўғрисидаги қоидалар чет эл қонуни билан тартибга солинадиган муносабатларга миллий ҳуқуқнинг айрим нормаларининг мажбурий қўлланилишини кўрсатса (ижобий кўрсатма), оммавий тартиб тўғрисидаги изоҳ, аксинча, уларга нисбатан чет эл ҳуқуқининг алоҳида нормаларини қўллашни тақиқлади (салбий кўрсатма). Иккала институтнинг ҳуқукий табиити ўхшашиб. Кўпчилик муаллифларнинг императив нормалар тўғрисидаги изоҳни оммавий тартиб институтининг муҳим тури сифатида кўришлари бежиз эмасдир<sup>4</sup>.

2. Шарҳланаётган моддага киритилган таъриф, аввалги 1963 йилда кабул қилинган Ўзбекистон ССР Гражданлик кодекси қоидаларидан жиддий фарқланади. Шарҳланаётган моддада сўз «ҳуқуқ-тартибот асослари» хақида боради, бу эса ўз навбатида чет эл ҳуқуқини қўллашни чеклашнинг мантикий, сиёсий эмас балки ҳуқукий характерини кўрсатади.

Натижада «оммавий тартиб концепцияси» номини олган масала чет эл ҳуқуқини қўллаш заруратининг натижаси сифатида деярли халқаро хусусий

3 Раапе Л. Международное частное право. М., 1960. С.96.

4 Қаранг: Международное частное право /Под ред. Н.И.Марышевой. М., 2000. С.86–87.

хукукнинг вужудга келиши билан бир вақтда пайдо бўлди. Бу ҳақда биринчи марта халқаро хусусий хукук фанининг асосчилари бўлиб ҳисобланган итальян постглоссаторлари айтиб ўтган. Аммо оммавий тартиб концепцияси француз юристлари томонидан чукур ва батафсил ишлаб чиқилган бўлиб, бу концепция номланишининг ўзида акс эттирилган халқаро ва миллий амалиёт асосан *ordre public*нинг француз ёзувидан фойдаланади.

3. Оммавий тартиб концепциясини ишлаб чиқишидаги асос бўлиб Француз Фукаролик кодекси хизмат қилди ҳамда унда хусусий келишувлар йўли билан оммавий тартиб ва яхши феъл-автор билан боғлик қонунларни бекор қилиб бўлмайди. Бошқача қилиб айганда, агар у оммавий тартиб ва яхши феъл-автор асосини ташкил қилувчи қонунларга зид бўлса, хусусий шахслар ўртасидаги ҳар қандай келишув ҳақиқий эмас деб топилади. Бу ерда гап фақатгина ички оммавий тартибни бузиши лозим бўлмаган ички келишувлар ҳақида бормоқда (*ordre public interne*). Амалиётда ушбу қоида француз коллизион нормаси ёки тарафлар эрки автономиясининг таъсир кучига эга бўлган чет эл қонунларини қўллаш билан боғлик вазиятларга нисбатан тарғиб қилиб келинмоқда. «Халқаро оммавий тартиб» концепциясининг мазмунига кўра, агар чет эл қонуни мазкур давлатнинг оммавий тартибига зид бўлса, уни қўллаш учун йўл қўйилмаслигига олиб келади. Ушбу концепциянинг энг мураккаб томони шундаки, ҳеч қандай вазиятларда четлаб ўтиш мумкин бўлмаган ва ҳеч нарсага карамасдан қўлланиши лозим бўлган оммавий тартиб ва яхши феъл-авторга алокадор ёки ундан иборат ва уни таъминловчи қонунлар доирасини белгилаш бўлди. XIX асрда яшаб ўтган Француз коллизионист олими Пилле (Pillet) бундай қонунларга жиноят ва маъмурий хукуқ, пул муомаласи тўғрисидаги, кўчмас мулк тўғрисидаги нормаларни киритган<sup>5</sup>. Аммо бундай вазиятларда гап асосан оммавий хукуқ тўғрисида боради ва коллизион муаммо умуман уйғонмайди. Вақти вақти билан янгиланиб турадиган, ушбу қонунлар доирасини белгилаш ҳаракатлари ҳеч нарсага олиб келмади. Қўлланиши лозим бўлган ички қонунлар мажмуасини тавсифлаш орқали оммавий тартиб концепциясини таърифлаш ва очиб бериш «оммавий тартиб ижобий концепцияси» номини олди.

5 Қаранг: Лунц Л. А. Курс международного частного права: В 3 т. М., 2002. С.270–271.

4. Германия коллизионист олимлари масалага бошқача ёндашишган. «Оммавий тартиб» (ordre public) деб номланган Германия Гражданлик Тузукларини амалга киритиш тўғрисидаги Конуннинг 6-моддасида агар чет давлат ҳуқуқ нормасининг қўлланиши герман ҳуқуқининг асосий принциплари билан очиқдан-очик қарама-қарши бўлган натижаларга олиб келса, бевосита қўлланилмайди. Ушбу тавсифда, миллий оммавий ҳуқуқка зид бўлган ҳолларда қўлланилиши мумкин бўлмаган чет эл ҳуқуқига ургу берилади. Бундай ёндашув аксарият мамлакатларнинг замонавий кодификацияларида акс этган «оммавий тартибнинг салбий концепцияси» номини олди.

5. Шуниси равшанки, халқаро ҳусусий ҳуқуқда оммавий тартиб концепциясини ҳуқуқ тизимидағи фарқлар устида «куриш» мумкин эмас, чунки бу фарқлар халқаро ҳусусий ҳуқуқнинг пайдо бўлиш асоси бўлиб хизмат қилди. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида айнан ана шу ҳолат акс эттирилган.

«Оммавий тартиб» тушунчасини қандайdir даражада кенгроқ очиб беришнинг иложи йўқлиги шунда кўринидики, нафакат ушбу тушунча ҳуқуқ, иқтисод, сиёsat, одоб, ахлок, фалсафанинг туташган жойида жойлашганлиги билан, балки ҳуқуқ-тартибот асослари тўғрисидаги қарашларнинг вақт ўтиши билан ўзгариши билан изоҳланади. Юридик амалиёт аниқ таърифларни ишлаб чиқиш қийин бўлган ҳолларда, мушкул ходисаларни аниқлашнинг бошқа усулини қўллайди. Улар ҳусусиятларни хисоблаб чиқиш, муайян ҳолатларга ёндашув ва тестларни ишлаб чиқиш кабилардан иборатдир. Оммавий тартибга амалиётда унчалик кўп мурожаат этилмаган, чунки барча мамлакатларда чет эл ҳуқуқини қўллашни рад этишнинг ушбу усулига нисбатан камдан кам мурожаат қилишади. Судлар оммавий тартиб тўғрисидаги изоҳни қўллашни лозим топишлари мумкин бўлган хозирги кундаги ҳолат бўлиб, айрим давлатларда, ҳусусан Буюк Британия, Исландия, Швеция, Норвегия, Дания, Нидерландия, Франция ва б. давлатларда конунийлаштирилган, бир жинсли шахслар иттифоқининг юридик оқибатларини тан олиш (ёки тан олмаслик) муаммоси хизмат қиласиди. Алоҳида давлатларда бундай иттифоқларни тан олиниши оқибатида халқаро ҳусусий ҳуқуқда ниҳоятда мураккаб муаммолар вужудга келиши мумкин. Масалан, тирик қолган тараф бундай иттифоқлар тан олинмайдиган давлатдаги кўчмас мулкни

мерос қилиб олиши ёки бундай иттифоқ тузган тарафлардан бири, ушбу иттифоқлар тан олинмайдиган бошқа мамлакатда никоҳ тузиши ёки тұз-маслиги тұғрисида фикр юритилған. Бундай иттифоқдан келиб чиқадиган оқибатларни тан олмаслик учун ягона ҳуқуқий асос оммавий тартиб тұғрисидаги изох бўлиши мумкин. Бироқ, юридик адабиётларда, оммавий тартиб тұғрисидаги концепциядан фойдаланишга шошилиш шарт эмас, балки инсонлар ўртасидаги муносабатларга нисбатан катта толерантлик кўрсатиш керак деган тушунча билдирилған.

Турли ҳуқуқий тизимлар «алоқасининг» хозирги кундаги даражаси олдингиларга қараганда, толерантликнинг ниҳоятда юқори даражасидан далолат беради. Бугунги кунда айрим мамлакатлар бошқа мамлакатларнинг «ҳуқуқий новеллаларини» қабул қилмоқдалар, бу эса сўзсиз оммавий тартиб концепцияси қўлланилишининг торайишига олиб келади.

6. Оммавий тартиб қоидаларига зид оқибатларнинг келиб чиқиши туфайли чет эл ҳуқуқи нормаларини қўллашнинг иложи йўқ деган фикрга келгандан сўнг, суд рад килинган ҳуқуқ нормасининг ўрнига қўлланиши лозим бўлганини аниқлаши шартдир. Қоида тариқасида, бундай ҳолда судлар ўз ҳуқуқларининг нормаларини қўллайдилар (*lex fori*). Айрим қонун актларида бу ҳолатлар аниқ кўрсатилған, аммо турли давлатларда ушбу қарорлар бир-биридан фарқланади. Шарҳланаётган моддада, чет эл ҳуқуқини қўллаш Ўзбекистон Республикасининг оммавий тартибиға зидлиги аниқланганда, Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқи қўлланилиши кўрсатилған.

7. Процессуал ҳуқуқнинг амалдаги кодификациялари (ФПК ва ХПК), оммавий тартиб тұғрисидаги изохни назарда тутмайды ва оммавий тартиб тушунчасини очиб бермайди. Юрист-олимлар ўртасида ушбу тушунчанинг мазмуни тұғрисидаги фикрларнинг бир биридан фарқланиши ва ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги бирхилликнинг мавжуд эмаслиги сабабли ушбу иборанинг қонуний изохининг асосий юкини, назаримизда Ўзбекистон Республикасининг Олий суди ва Олий хўжалик судлари ўзларига тўғри келади.

## 1165-модда. Қатъий нормаларни қўллаш

**Ушбу бўлим қоидалари Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқининг тегишли муносабатларни, қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуқдан**

**қатъи назар, тартибга солувчи қатъий нормалари амал қилишига дахлдор эмас.**

Бирон-бир мамлакатнинг ҳуқуқи ушбу бўлим қоидаларига мувофиқ қўлланилганда, агар ана шу мамлакатнинг ҳуқуқига кўра бундай нормалар қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуқдан қатъи назар, тегишли муносабатларни тартибга солиши лозим бўлса, суд бошқа мамлакатнинг ана шу муносабатлар билан узвий алоқада бўлган қатъий ҳуқуқ нормаларини қўллаши мумкин. Бунда суд бундай нормаларнинг вазифасини ва хусусиятини, шунингдек уларни қўллаш оқибатларини эътиборга олиши лозим.

1. Халқаро хусусий ҳуқуқда қатъий нормалар «ўта қатъий» нормалар номини олди (бошқа иборалар ҳам мавжуд — бевосита қўлланувчи нормалар, қатъий нормалар ва х.к.).

Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида муайян ҳуқуқий муносабат тартибга солинаётган чет эл ҳукукидан қатъи назар қўлланилиши лозим бўлган Ўзбекистон Республикаси ҳуқукининг муҳим нормаларини қўллаш ҳақида бормоқда. Халқаро хусусий ҳуқуқда ўта қатъий нормалар концепцияси илк бор 1950 йилнинг ўрталарида, француз доктринасида ишлаб чиқилган (*Franceskalis Ph. La theorie du renvoi et les conflits de systems en droit international prive. Paris, 1958.*). Оқибатда эса кўпгина мамлакатлар томонидан тан олинган ва уларнинг миллий қонунчилигига ва халқаро актларда мустахкамланган. Мазкур концепциянинг мазмуну қуидагидан иборатdir, яъни ҳар қандай миллий қонунчиликда шундай қатъий нормалар борки, улар ўзининг муҳим аҳамиятга эгалиги туфайли фуқаролик ҳуқуқий муносабат тарафлари (тарафлар эрки оқибатида) ёки суд (коллизион нормани қўллаш оқибатида) томонидан кўрсатилганлигига қарамай ҳар доим қўлланиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқи учун новелла бўлган мазкур норманинг асосий мазмуни қонун чиқарувчи Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқида муҳим нормаларнинг борлигини тан олади ва судга тегишли ишларни кўриб чиқишида уларни қўллаш мажбуриятини юклайди. Назарий жиҳатдан ушбу концепция алоҳида қийинчилик туғдирмасада, амалий жиҳатдан суд ҳар қандай муайян ҳолатда юз бериши мумкин бўлган кўпгина қийинчиликларга олиб келади. Асосий қийинчилик бундай нормаларни қатъий нормалар мажмуаси ичидан излашдир ва ушбу ҳолатни

енгиллаштириш учун қонун чикарувчи ушбу нормалар жавоб бериши лозим бўлган бир неча талабларни киритди. Жумладан,

- норманинг ўзида кўрсатиш;
- фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг хукуқларини таъминлаш;
- фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг қонун билан ҳимоя қилинадиган манфаатларини таъминлаш.

Таъкидлаш жоизки, ФКнинг қатъий нормалари қўлланувчи чет эл хукуқи коидаларидан устун туради, уларни ниҳоятда кенг изоҳлаш мумкин. Назаримизда бунинг аҳамиятли томони шундаки, фуқаролик қонунчилигининг асосий негизларини мустаҳкамловчи нормалар эгадирлар. Шунингдек, мулкнинг дахлсизлиги тамойиллари, шартноманинг эркинлиги, хусусий ишларга ўзбошимчалик билан аралашишнинг йўл кўйилмаслиги, товарлар, хизматлар ва молиявий воситаларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эркин муомаласини ҳам киритиш мумкин (ФКнинг 1-моддаси). Ўзбекистон Республикаси фуқаролик хукуқида бундай нормага ФКнинг «Битимнинг қонун талаб қиласидиган шаклига риоя этмаслик» деб номланган 115-моддаси мисол бўлиши мумкин. Унга кўра, қонунда битим шаклига риоя этмаслик, шу қаторда васиятнома (ФКнинг 1130-м.), ташки иктисодий битим (ФКнинг 1181-м.) шаклига риоя этмаслик битимнинг ҳақиқий эмаслигига олиб келади. Хозирда кенг амалиёт Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилигининг мазкур қатъий нормаси тарафларнинг ҳеч қандай келишуви билан, шу қаторда қўлланувчи хукуқ тўғрисидаги келишув билан ҳам ўзгариши мумкин эмаслигидан далолат беради. Бу ҳолат, қўлланувчи хукуқ тарафлар томонидан танланган ёки суд томонидан белгиланганлигига қарамасдан битим шакли тўғрисидаги қоида хар доим қўлланилишини билдиради. Яна бир мисол сифатида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан Ўзбекистон ҳудудида никоҳ тузишларига мөнелик қилувчи ҳолатларни белгилаган Оила кодексининг 16-моддасини кўриб чиқиш мумкин. Модданинг ўзида унинг алоҳида характеристига кўрсатма бўлмаса ҳам, модданинг мазмуни аниқ бир никоҳни тузиш шартларини қайси чет мамлакат хукуқи тартибга солишидан қатъи назар, ушбу модданинг қўлланилиши мажбурийлигини тўғридан-тўғри кўрсатади. Маълум ҳолатда Ўзбекистон Республикасининг «Акционерлик жамиятлари ва акционерларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни нормалари ўта қатъий нормалар деб ҳисоблаш мумкин. Унинг айрим

нормалари, хусусан акционерларнинг умумий йиғилишида акционерларнинг қатнашиш ҳуқуқлари, акцияларни бегоналаштириш, дивидент олиш, жамиятнинг фаолияти тўғрисида ахборот олиш тўғрисидаги 27–28-моддалари ҳаракатига маълум ҳолатларда аниқ ҳолатда қўлланувчи чет эл ҳуқуки билан дахл қилинмайдиган ўта қатъий нормалар деб хисоблаш мумкин. Кўпдан бери ўта қатъий нормалар концепциясини қўлладиган чет эл амалиёти, бундай нормаларга истеъмолчилар ҳуқуқларини, юк ташувчининг мажбуриятларини (транспорт ташкилотларининг йўловчилар ва юк эгалари билан юк ташувчининг жавобгарлигини чеклаш ва бекор қилиш тўғрисидаги келишувлари ҳақиқий эмас), болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тартибга солувчи нормаларни киритади.

2. Ўта қатъий нормалар концепцияси билан ижобий оммавий тартиб концепцияси ўртасидаги ўхшашлик эътибор жалб қиласди. Бу ва бошқа ҳолатларда ҳам асосий эътибор қўлланувчи ҳуқуққа қарамасдан қўлланиши сақланиб қоладиган миллий қонунчилик қоидалари, маълум нормалар мажмуаси ҳақида боради. Улар ўртасидаги фарқ, оммавий тартиб концепцияси (ижобий ва салбий шаклда) фақатгина қонунчиликнинг аниқ нормаларини эмас, балки маълум миллий ҳуқуқий тизимнинг асосий тамойилларини ўз ичига олишида бўлиб, бу уни изоҳлаш ва амалда қўллашда мураккаблаштиради. Бунга кўра, оммавий тартиб концепциясида аниқ нормалар ва умумий тамойилларнинг бирлашиши унинг «мужмал»лигига олиб келишини таъкидлаш жоиз. Ундан аниқ моддий-ҳуқуқий нормаларни истисно қилинганлиги натижасида оммавий тартиб концепцияси, иложи борича, маълум изчиллик ва мантиққа эга бўлди.

3. Ўта қатъий нормалар концепцияси шартли равишда иккига бўлиниши мумкин, яъни судлов мамлакатининг ўта қатъий нормаларини қўллаш ва ҳуқуқий муносабат узвий боғлиқ бўлган учинчи мамлакат ўта қатъий нормаларини қўллашадир. Ўта қатъий нормаларнинг ушбу икки қўриниши учун, ФҚда аксини топган дунё амалиёти қўллашнинг турли режимларини белгилайди: судлов мамлакатининг ўта қатъий нормалари мажбурий равишида қўлланиши лозим, учинчи мамлакат ўта қатъий нормалари эса суднинг ихтиёрига кўра қўлланиши ёки қўлланмаслиги мумкин. Бу бўлинишга шарҳланадётган модданинг тузилиши тўлиқ мос келади. Унинг биринчи кисмida Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқининг ўта қатъий нормаларини

кўллаш мажбурияти ҳақида, иккинчисида эса учинчи мамлакат ўта қатъий нормаларини кўллаш мумкинлиги ҳақида гап боради.

4. Шарҳланәётган модданинг иккинчи қисмida агар муносабат ушбу мамлакат билан узвий боғлиқ деган холосага келса, бошқа мамлакат қатъий хукукини кўллаш мумкинлигини назарда тутади. Бошқача қилиб айтганда, ушбу қоидани кўллаш учун суд, биринчидан, муносабатнинг тарафлар эркининг мустақиллиги ёки коллизион нормага кўра танланган мамлакат билан эмас, балки бошқа мамлакат билан узвий алоқаси борлигини, иккинчидан, ушбу хукукий тизимнинг қайси қатъий нормалари эътиборга олиниши кераклигини аниқлаши лозим. Бошқа мамлакат хукуки билан узвий боғлиқлиги мавжудлигини аниқлашда, хусусан, шартноманинг ёки унинг қандайдир бир қисмини бажариш жойини, хукукий муносабатнинг бошқа мамлакат хукуки билан алоқаси ва бошқаларни инобатга олиш керак. Қонун чиқарувчи, шарҳланәётган модданинг биринчи қисмидаги каби, иккинчи саволга жавоб беришда судга кўмак бериши мумкин бўлган айrim талабларни тавсия этади, бундай нормаларнинг мақсад ва характеристини, уларни кўллаш ёки кўлламаслик оқибатларини инобатга олиш зарур. Бунинг устига, қонун чиқарувчи энг умумий шакллар билан кифояланган холда, ўта қатъий нормалар тахминий рўйхатини белгиламаган. Ушбу норманинг эгилувчан характеристи, унинг кўлланиши аниқ вазиятлар ва суд томонидан ҳар бир ҳолатни баҳолашга боғлиқлигини назарда тутади. Ушбу қоиданинг Ўзбекистон Республикаси хукуки учун янгилик эканлиги судларга мустақил равишда кўшимча талабларни, кўллаш учун тестларни ишлаб чиқиш заруратини юклайди.

## **1166-модда. Хукукий тизимлари қўп бўлган мамлакатнинг хукукини кўллаш**

**Бир неча ҳудудий ёки бошқа хукукий тизим амал қилиб турган мамлакатнинг хукукини кўллаш лозим бўлган ҳолларда хукукий тизим шу мамлакат хукуқига мувофиқ ҳолда кўлланилади.**

1. Шарҳланәётган моддада бир вақтнинг ўзида бир давлат ҳудудининг ўзида характеристда бўлган бир неча хукукий тизимни танлаш қоидаси мавжуд. Бундай танлов зарурати хукуқнинг мустақил тизимостиларига эга маъмурӣ-ҳудудий тузилмалари мавжуд бўлган мамлакатларда тез-тез юз

беради. Асосан бу — субъектлари ўзларининг мазмунан фарқланадиган, суд прецедентлари ва улар томонидан қабул қилинган қонунларидан ташкил топган хусусий ҳуқуқ тизимиға эга бўлган федератив тузилмадаги давлатлардир. Натижада «штатлараро» коллизиялар деб номланган, турли штатлар ҳукуки ўртасида коллизиялар келиб чиқади. Бундай миллий ҳуқуқ тизимости ички коллизияларини бартараф этишга ФКнинг 1166-моддаси хизмат қиласди. Масалан, низоли масалага қўлланувчи сифатида Америка ҳукукини белгилаб олгандан сўнг, ушбу муносабатни АҚШнинг айнан қайси штатининг қонунчилиги тартибига солишини аниқлаш учун ФКнинг 1166-моддасининг қоидасидан фойдаланиш зарур. Бунга хозирги замон амалиёти ва доктринаси бир хилда жавоб беради, яъни ушбу масалани танланган мамлакат ҳукукигина ҳал қилиши мумкиндири. Аниқ мамлакат ҳуқуқи бутунича танланади, шу туфайли чет эл ҳукукини танлаш билан боғлиқ ҳар қандай масала чет эл ҳукуқининг ўз нуқтаи назари билан ҳал қилиниши керак. Бундай нуқтаи назардан ушбу масалани ҳал қилиш учун мурожаат қиласидаган мамлакатлар қонунчилиги келиб чиқади. Масалан, Польша Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги 1965 йилдаги Қонунининг 5-моддасида «Агар қонуни қўлланиши лозим бўлган давлатда ҳукуқнинг турли тизими амалда бўлса, ушбу давлат қонуни қайси ҳуқуқ тизими қўлланиши лозимлигини белгилайди» деб кўрсатилган. Шунга ўхшаш кўрсатма Австрия Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги 1978 йилдаги Қонунининг 5-параграфида кўрсатилган: «Агар чет эл ҳуқуқ тартиботи бир неча алоҳида ҳуқуқ тартиботлардан иборат бўлса, чет эл ҳуқуқ тартиботида мавжуд бўлган қоидалар кўлланилади. Бундай қоидаларнинг бўлмаганида, энг узвий боғлиқлик бўлган мамлакат ҳуқуқ тартиботи қўлланилади». Чет эл ҳуқуки тизим остиларидан қайси бири қўлланиши лозимлигини аниқлашнинг иложи бўлмаган ҳолда, Австрия қонунининг мазкур нормасидаги сўнгги қоида эътибор жалб этади. Ушбу ҳолат энг узвий боғлиқлик коллизион принципининг қўлланилиши билан боғлиқ бўлган халқаро хусусий ҳуқуқ ривожланишининг умумий тенденцияси жиҳатидан ҳал этилади. Ҳуқуқ тизимларининг кўплиги тўғрисида фуқаролик ҳукуки билан бир қаторда тадбиркорлар иштироқидаги муносабатларни тартибига солувчи савдо (тижорат) ҳукуки ҳам мавжуд бўлган (масалан, Франция ёки Германиядаги каби), хусусий ҳуқуқ дуализмиға эга давлатларга нисбатан ҳам гапириш мумкин. Қонунларнинг ички коллизиялари,

Конституцияга мувофиқ, субъектларига хусусий ҳуқуқ сохасида маҳсус ваколатлар тақсимлаб берилган федератив давлат сифатида Россия Федерациясида ҳам юз бериши мумкин. Россия ҳуқуқида Федерациининг алоҳида субъектлари ўртасидаги қонунлар коллизиясини бартараф этиш тўғрисидаги масала РФ ФКнинг 1192-моддасида ҳал қилинган. Келтирилган мисоллар, шубҳасиз, чет эл ҳуқуқининг ички коллизиялари (ўзгача — интерлокал) бўлиши мумкин бўлган ҳолатларини тугатмайди. Шу каби қоидани чет эл ҳуқуқининг интерперсонал коллизияларида қўллаш мумкин. Улар фақатгина миллий коллизион норма у ёки бу динга (масалан, мусулмон, хинду, яхудийлик) мансублиги ёхуд у ёки бу цивилизацияга (масалан, европаликлар учун кодификацияланган ҳуқуқ асосан собиқ метрополиядаги ва турли қабилаларнинг ўзга ерликлар учун оддий ҳуқуқи — Экваториал Африка ва б. давлатларда) мансублиги мезонига асосан бирлашган маълум шахслар доираси учун ҳуқуқнинг турли персонал тизимости мавжуд бўлган давлатни танлаган ҳолларда юз бериши мумкин.

Қонун чиқарувчи орган ФК 1166-моддасининг гипотезасини энг умумий тарзда шакллантирганлиги сабабли мазкур шарҳланаётган модда чет эл қонунининг макон ёки шахслар доирасидаги ҳаракати билан боғлиқ ҳар қандай масалаларни ҳал қилиш учун қўлланилади. Норманинг қўлланилиш амалиёти кўрсатганидек, хусусий ҳуқуқнинг макон ва шахслар доираси ҳаракатини белгиловчи чегаралар барча миллий ҳуқукий тизимларда мавжуд. Ҳуқукий тизимлари кўп бўлган мамлакат қонунчилиги қўлланиши лозим бўлган ҳолларда ФКнинг 1166-моддаси айнан уларга мурожаат этишни белгилайди.

2. Чет эл қонунининг вақт бўйича ҳаракати масалаларини 1166-модда асосида ҳал қилиш даргумондир. Ушбу норманинг айнан изоҳи уни бир вақтнинг ўзида бир мамлакат ҳудудида ҳаракатда бўлган бир неча ҳуқукий тизимости ўртасидаги коллизияларни ҳал этиш учун қўллашга йўл кўяди. Ахир бир хил муносабатларни тартибга солувчи ва бир-бирини ўрнини босувчи икки ёки ундан ортиқ чет эл қонунлари ўртасида танлаш ҳолатларида, уларнинг иккаласи «таъсир» қиласи дейиш мумкин эмас. Маълум бир масалага нисбатан тўқнашаётган чет эл қонунларидан биригина ҳаракатдаги, яъни юридик кучга эга деб топилиши керак. Айни чоғда иккинчиси тегишли қисмда (ёки бутунлай) ҳаракатда эмас, яъни кучини

йўқотган деб топилади. Шу туфайли мазкур шарҳланаётган модда чет эл хукуки нормаларининг фақатгина макон ва шахслар доираси бўйича ҳаракати масалаларини тартибга солиши мумкин. Чет эл хукуқ нормаларининг вакт бўйича чегараларини белгилаш ва тегишли қонунларнинг интертемпорал коллизияларини ҳал этиш масалалари бўйича гапирганда эса уларни ФК 1160-моддасининг биринчи қисмiga асосан олиб бориш керак. Шарҳланаётган модданинг ушбу жиҳати ФКнинг 1160-моддаси иккинчи қисмiga асосан чет эл хукукини қўллашнинг бир қатор бошқа муаммоларини келтириб чиқаради.

3. Мазкур шарҳланаётган модда низоли масалани тартибга солишга ваколатли бўлган аниқ хукукий тизим остини (мазкур чет эл хукуки доирасида) чет эл хукуки нормалари ёрдамида аниклай олмаслик имконини беради. Асосан бу ҳолат чет эл хукуки нормалари мазмунини аниклашнинг мураккаблиги, уни қўллаш амалиёти ҳақида ахборотнинг мавжуд эмаслиги ва бошқалар билан боғлиқ бўлади. Бундай ҳолатда ФК коллизион масалани ҳал қилаётган шахсга низоли муносабат билан энг узвий боғлиқ бўлган тўқнашувчи хукукий тизимостини қўллаш имконини беради. Шу тариқа ФК 1166-моддасининг новелласи айrim ҳолларда унинг ҳаракатини макон ва шахслар доираси бўйича тартибга солувчи чет эл хукуки нормаларини четлаб ўтишга йўл қўяди.

### **1167-модда. Реторсиялар**

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахсларининг хукуқларига маҳсус чекловлар кўйган давлатларнинг фуқаролари ва юридик шахсларига нисбатан жавоб тариқасида чекловлар (реторсиялар) белгилаши мумкин.**

1. Реторсия деганда бир давлатнинг, бошқа давлат томонидан биринчи давлатнинг жисмоний ва юридик шахсларига нисбатан белгиланган камситувчи чекловларга жавобан қабул қилган қонуний ҳаракатлари тушунилади. Реторсия тўғрисидаги қоидалар Арманистон (1261-м.), Белорусия (1102-м.), Қозоғистон (1093-м.), Қирғизистон (1176-м.), Ўзбекистон (1167-м.), Эстониянинг (136-п.) фуқаролик кодексларида кўзда тутилган. Шу каби қоида Озарбайжон халқаро хусусий хукуқ тўғрисидаги 06.06.2000 й. Қонунида мавжуд. Реторсияни қабул қилиш мумкинлиги

тўғрисидаги қоидалар айрим бошқа мамлакатларнинг қонунчилигига ҳам бор (Чехия, Словакия, ХХР, Монголия).

Юридик адабиётда, ҳалқаро ҳуқуқда давлат томонидан ўзининг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида бошқа давлатнинг ғайри дўстона ҳаракатларига жавобан қабул қилинадиган чоралари реторсия ва репрессалияларга бўлиниши, таъкидланади. «Реторсия ҳуқуқни бузиш эмас, балки айнан давлатлар ёки уларнинг фуқаролари ва ташкилотларининг манфаатларига зарар етказиш натижаси бўлиб хисобланади. Ҳукуқни бузиш ҳолларида эса репрессалиялар хақида гапириш жоиз»<sup>6</sup>.

Ҳалқаро ҳуқуқда репрессалиялар — давлатга мулкий зарар етказилганда қўлланилади, реторсиялар эса — мазкур давлат субъектлари ҳукукларининг чекланганлигига жавоб бериш усулидир. Репрессалиялар асосан чет мамлакатга жавобан зарар етказиш билан боғлиқ, реторсиялар эса, бевосита аҳамиятли зиён келтирмаслиги ҳам мумкин. Ниҳоят репрессалиялар ўзида бошқа давлатнинг ноконуний ҳаракатларига жавобни акс эттираса, реторсиялар — шаклан қонуний, мазмунан ғайдидўстона қоидаларига жавобдир.

1. Шарҳланётган моддани тўғри тушуниш учун, чет эл ҳукуки субъектларининг мулкий ва шахсий номулкий ҳукуқларининг чекловлари Ўзбекистон Ҳукуматининг Қарори билангина ва фақат чет мамлакатнинг тегишли ғайдидўстона ҳаракатларига нисбатан жавоб сифатида киритилиши мумкин (шу туфайли, хусусан, реторсияларни баъзан «қайта ўзаролик» деб номлашади.). Чет эллик шахсларнинг ҳукуқлари чекловларини «биртомонлама ёки ташбабусли», қарши томондан камситувчи маросимлар билан боғлиқ бўлмаган ҳолда киритиш ман этилади.

Реторсияни киритиш мақсади — чет мамлакатни Ўзбекистон жисмоний ва юридик шахсларининг камситилишини бартараф этишга ундашdir. Бошқа мамлакатнинг сиёсатига билвосита таъсири кўрсатишнинг бундай усули (унинг фуқароларини ҳукуқларини чеклаш йўли билан) унчалик «адолатли» бўлиб кўринмаслиги мумкин, аммо амалиётда унчалик кўп фойдаланилмасада, хозирги замонда ниҳоятда самарадор бўлиб хисобланади. Реторсияларни қўллаш асосли бўлиши учун, чет мамлакат

---

6 Ануфриева Л.П. Международное частное право. В 3 т. Т.1. Общая часть. М., 2000. С.118.

томонидан киритилган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахслари ҳуқуқларини чеклаш, маҳсус, яъни мақсадли, манзилли ва кам-ситувчи характерга эга бўлиши керак. Шу туфайли, масалан, Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ субъектларига нисбатан ўёки бу мамлакатда миллий ҳуқукий режимнинг тақдим этилмаслиги, агар ушбу мамлакатда миллий-ҳуқукий режимдан умуман фойдаланилмаса, реторсияни киритиш учун асос сифатида кўрилиши мумкин эмас.

Реторсиянинг аниқ мазмуни чет мамлакатда Ўзбекистон юридик ва жисмоний шахсларига нисбатан қабул қилинган чекловчи чоралар характеристига мос келиши билан биргаликда (масалан, чет мамлакат фуқаролари томонидан Ўзбекистонга киришнинг визавий режимини, Ўзбекистон фуқаролари га нисбатан ушбу чет мамлакатнинг шу каби характеристларига жавобан киритиш), ундан фарқланиши ҳам мумкин (масалан, чет эл фуқароларининг Ўзбекистон Республикаси худудида тадбиркорлик фаолиятини юритиш бўйича ҳуқуларини чеклаш, Ўзбекистон фуқаролари га нисбатан виза режимининг таҳқирловчи талабларининг кучайишига жавоб сифатида).

2. Ўзбекистон Республикасида жавобий чекловларни киритиш Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ваколатига киритилган, буни бир томондан, бундай чораларни киритиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилишда оперативликни таъминлаш зарурати сифатида, иккинчи томондан, аниқ бир мамлакатга нисбатан бундай жавоб чораларини киритишнинг аниқ бир марталик характеристери сифатида тушунтириш мумкин. ФКда Ҳукумат ваколатларинининг белгиланиши Конституциянинг 98-моддаси, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Қонунига мос келади. Жавобий чекловларни белгилаш имконияти бир қатор бошқа қонунчилик актларида назарда тутилган. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ташқи иқтисодий фаолият доирасида жавоб чораларини кўриш имкониятларини назарда тутади. Масалан, «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги 2000 йил 26 май № 77–11 Қонунга кўра, чет мамлакат томонидан Ўзбекистон Республикаси ва ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг иқтисодий манфаатларини бузувчи чораларни қабул қилиниши ҳамда мазкур давлат томонидан Ўзбекистон Республикаси олдида халқаро шартномалар асосида қабул қилган мажбуриятларнинг бажарилмаслиги ҳолатларида Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий

фаолият доирасида халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари ва тамойилларига асосан жавоб чораларини киритиши мумкин (23-м.). Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан жавоб чоралари, судларида Ўзбекистон Республикаси ташкилотлари ва фуқароларининг процессуал ҳуқукларига маҳсус чекловлар йўл қўйиладиган давлатларнинг фуқароларига нисбатан белгиланиши мумкин (ХПК 221-м. 3-к., ФПК 386-м. 3-к.). Чет мамлакатларнинг Ўзбекистон Республикасига вакил қилиб юборилган дипломатик ваколатхоналари ва уларга тенглаштирилган халқаро ташкилотлар ва уларнинг филиаллари Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ишлари бўйича судининг юрисдикциясига Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ёки халқаро ҳукуқ нормаларида белгиланган чегараларда тегишли бўладилар. Амалиёт кўрсатганидек, агар аввал фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳукуқ лаёқатини чеклаш ҳолатларида жавобий чекловларни қўллаш назарда тутилган бўлса, хозирда ФК бирор-бир мамлакатда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахсларининг мулкий ва шахсий номулкий ҳуқукларига маҳсус чекловлар ўрнатилишининг хар қайси ҳолатларида жавоб чекловларини киритиш имкониятини назарда тутади. Россия Федерациясининг ташқи иқтисодиётни чекловчи чораларни киритиш асослари рўйхатини янада кенгайтирган қонунчилик амалиёти эътибор жалб этади, хусусан,

- РФга нисбатан чет мамлакат томонидан халқаро шартномага мувофиқ қабул килган мажбуриятларни бажармаслиги;
- РФнинг, РФ субъектларининг, муниципал тузилмалар, россиялик шахсларнинг иқтисодий манфаатларини ёки РФнинг сиёсий манфаатларини бузувчи чораларни, шу қаторда, Россиялик шахсларга чет мамлакат бозорига кириш йўлини асоссиз ёпдиган ёки бошқа йўл билан Россиялик шахсларни асоссиз таҳқирлайдиган чораларни қабул қилиш;
- ушбу мамлакатда Россиялик шахслар қонуний манфаатларининг хақиқий ва самарали ҳимоясини тақдим этмаслик, масалан бошқа шахсларнинг конкуренцияга қарши фаолиятидан ҳимояни.
- ушбу мамлакат фуқаролари ва юридик шахсларининг РФ худудидаги ҳуқуққа хилоф фаолиятига қарши кураш учун керакли чораларни кўрмаслик (Қаранг: «ташқи иқтисодий фаолиятнинг давлат томонидан тартибга солиниш асослари тўғрисида»ги 2003 йил 8 декабрь

№164-ФЗ қабул қилинган, 2004 йил 16 июньдан амалга киритилган Конуннинг 40-м. 1-п.).

3. Жавобий чекловларни қўллаш халқаро хусусий хуқуқ соҳасида ўзаролик принципини амалга ошириш билан бевосита боғлиқдир. Бу ўзаролик талаби чет эл хуқукини қўллашга нисбатан белгиланмаган бўлсада (1163-моддага шарҳни қаранг), ўзаролик принципи алоҳида конун билан белгиланган чет эллик жисмоний ва юридик шахсларнинг фуқаролик-хуқуқий ҳолатини аниқлаш ҳолатларида қўлланади. Конституцияга асосан, Ўзбекистон Республикаси худудидаги чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, халқаро хуқуқ нормаларига асосан хуқуқ ва эркинликлар билан таъминланадилар. Улар Конституцияда, конунларда, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларида белгиланган мажбуриятларга эгадирлар (23-м.). Шу тариқа, уларга миллий режим тақдим этилади. Умумий қоидага кўра, мулкий ва шахсий номулкий хукукларга нисбатан ўзаролик талаби ўрнатилмаган. У фақатгина айрим қонунларда, хусусан интеллектуал фаолият натижаларига бўлган хукукларга нисбатан назарда тутилган. Аммо, миллий режимнинг тақдим этилиши ўзаролик талаблари билан боғлиқ бўлмасада, реторсияни қўллаш йўли билан худди шу натижага эришиш мумкин, яъни чет мамлакатдаги ўз фуқароларимизнинг хуқуқ ва манфаатларига нисбатан тахқирлашни йўл қўймаслик таъминланади. Мазкур алоҳида ҳолатларда реторсияни қўллаш йўли билан қонунчиқарувчи ўзаролик таъсирини тиклаш ва тегишли мамлакатда фуқаролар ва ташкилотлар хукукларининг чекла-нишини йўл қўймаслик мақсадини кўзлайди.

Жавобий чекловлар чет мамлакатда яшовчи ватандошларнинг қонуний хуқуқ ва манфаатларининг бузилиши ҳолатларида қўлланиши, халқаро хуқуқ ва жаҳон амалиётида қўлланадиган, ватандошларнинг хукуклари қўйпол равишда бузиладиган мамлакатларга нисбатан, хусусан жисмоний ва юридик шахсларга бериладиган имтиёзларнинг бекор килиниши мумкин.

## **71-БОБ. КОЛЛИЗИОН НОРМАЛАР.**

### **1-§. ШАХСЛАР.**

#### **1168-модда. Жисмоний шахснинг шахсий қонуни.**

**Жисмоний шахс қайси мамлакатнинг фуқароси бўлса, шу мамлакат ҳуқуқи унинг шахсий қонуни ҳисобланади. Шахс икки ёки ундан ортиқ фуқароликка эга бўлган тақдирда у қайси мамлакат билан энг кўп узвий боғланган бўлса, унинг учун ўша мамлакат ҳуқуқи шахсий қонун ҳисобланади.**

**Фуқаролиги бўлмаган шахс қайси мамлакатда доимий яшаб турган бўлса, ўша мамлакат ҳуқуқи унинг шахсий қонуни ҳисобланади.**

**Қочоққа унга бошпана берган мамлакатнинг қонуни шахсий қонун ҳисобланади.**

1. Шарҳланётган модда биринчи марта, жисмоний шахснинг шахсий қонунининг (*Iex personalis*) умумлашган қонуний тушунчасини мустаҳкамланмоқда. Аввал мазкур тушунча фақатгина халқаро ҳусусий ҳуқук доктринасида ишлатилган бўлиб, норматив-ҳуқуқий актларда мустаҳкамланмаган эди. Юридик техника нуқтаи назаридан, шарҳланётган моддага шахсий қонуннинг умумлашган тушунчасини киритиш ФКнинг кейинги моддалари каби, бошқа норматив-ҳуқуқий актларда ҳам чет элликларнинг турли категорияларига (чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, қочоқлар ва х.к.) нисбатан, уларнинг шахсий мақомини белгилаш билан боғлиқ бўлган коллизион нормаларнинг ортиқча равишда қайтарилишини олдини олади. Шахсий қонун жисмоний шахснинг ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқати (ФК 1169-м.), шахсни бедарак йўқолган деб топиш ёки уни вафот этган деб эълон қилиш (ФК 1170-м.), жисмоний шахснинг исмга бўлган ҳуқуқи (ФК 1171-м.), васийлик ва хомийлик (ФК 1174-м.) масалаларини ҳал этишда қўлланиши лозим бўлган ҳуқуқни аниқлайди. Шу билан бирга шахснинг шахсий қонунининг ўзи шахснинг фуқаролиги мансуб бўлган мамлакат ҳуқуқи — *lege nationalis* билан ёки яшаш жой қонуни — *lege domicilii* билан белги-

ланади. Бир биридан фарқли икки коллизион боғловчининг бирлашуви қонун чиқарувчига жисмоний шахснинг шахсий қонунини аниқлашнинг асосий масалаларини тўлиқ тартибга солиш имкониятини берди.

Шахсий қонуннинг умумлашган тушунчаси бир қатор чет мамлакатларнинг (Австрия, Венгрия, Германия, Испания, Италия, Лихтенштейн, Португалия, Руминия хамда МДХ мамлакатларининг бир қаторида ва х.к.) миллий фуқаролик қонунчилигига ҳам қўлланилади. Шу билан бирга таъкидлаб ўтамизки, у Ўзбекистон Республикасининг чет мамлакатлар билан тузилган фуқаролик ва оиласвий ишлар бўйича хукукий ёрдам тўгрисидаги икки томонлама ва кўп томонлама шартномаларида фойдаланилмаган.

2. Жаҳон хукуқ тизимида жисмоний шахснинг шахсий мақомига алокадор масалаларни коллизион хукукий тартибга солишда икта асосий ёндашув ишлаб чиқилган.

Биринчи ёндашувга кўра, шахсий мақом масалалари жисмоний шахснинг фуқаролиги мансуб бўлган мамлакат хукуки асосида белгиланади. Бундай ёндашув аксарият Континентал Европа, МДХ давлатлари ва бир қатор бошқа давлатлар (Вьетнам, Миср, Куба, Мўгулистан, Таиланд, Тунис, Жанубий Корея, Япония ва х.к.)га хосдир. Модомики, жисмоний шахснинг фуқаролиги мансуб бўлган мамлакат хукуқига ҳавола асосий коллизион боғловчи сифатида фуқаролиги бўлмаган шахсга (апатрид) нисбатан қўланиши лозим бўлган хукуқни танлаш имконини бермаса, бундай шахснинг шахсий мақоми кўрсатилган давлатларда, қоидага кўра, у доимий ёки оддий яшаш жойига (домицилий) эга бўлган мамлакат қонунлари билан, унинг мавжуд бўлмаганида эса фуқаролиги бўлмаган шахснинг (апатрид) турар жойи хукуқига кўра белгиланади. Яшаш жойига ҳавола қилиш ҳеч қайси бир судлов мамлакати фуқароси бўлмаган, икки ёки кўп фуқароликка эга бўлган шахсларга нисбатан хукуқни аниқлашда ҳам қўлланилади. Айрим мамлакатларда бу ҳолат қонунчиликнинг ўзида назарда тутилган (Венгрия, Германия, Руминия, Таиланд ва х.к.), бошқаларида эса домицилий қонуни кўп фуқароликка эга бўлган шахс энг узвий боғлик бўлган мамлакатни аниқлашда қўлланилади. Шу аснода, фуқаролик муҳим омил бўлиб хизмат қиласидиган мамлакатларда домицилий (унинг мавжуд эмаслигига эса, бошқа худудий белги) зарурий ҳолларда фуқароликни тўлдирувчи ёки ўрнини босувчи боғловчи формула сифатида фойдаланилади.

Иккинчи ёндашувга кўра, умумий ҳукук давлатлари (Австралия, Буюк Британия, АҚШ ва б.), континентал Европанинг айrim давлатлари, Лотин Америкасининг кўпгина давлатлари ва бир қатор бошқа давлатларда қабул қилинган шахснинг шахсий мақоми унинг яшаш жойи (домицилий) ёки турар жойи (коидага кўра, доимий ёки оддий яшаш жойининг мавжуд эмаслигига) қонуни билан белгиланади. Кўрсатилган мамлакатларда домицилий универсал коллизион боғловчи бўлиб хизмат қиласди, чунки у жисмоний шахс бирон-бир фуқароликка эга бўлиш, бўлмаслигидан катъий назар қўлланиши лозим бўлган ҳукуқни аниқлаш имконини беради. Шу билан бирга, агар шахс бир неча мамлакатларда яшаш жойига эга бўлса, у энг узвий боғлиқ бўлган мамлакатни аниқлаш учун кўшимча боғловчиларни қўллаш зарур. Улар орасида ушбу шахснинг фуқаролиги бўлиши мумкин. Таъкидлаб ўтиш жоизки, Лотин Америкаси давлатларида жисмоний шахснинг шахсий қонуни масалаларини тартибга солишда қўлланиши лозим бўлган ҳукуқни танлаш масала-сига яқдил ёндашувнинг йўқлигини инобатга олган ҳолда 1928 йилги Бустаманте Кодекси ушбу мақсадда фуқаролик қонуни ёки яшаш жой қонунини қўллашни ҳал қилишда, иштирокчи давлатларнинг ҳукуқини назарда тутади.

3. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми асосий коллизион норма сифатида жисмоний шахснинг фуқаролиги мансуб бўлган мамлакат қонунини (*lex patriae*) унинг шахсий қонуни сифатида тан олинишини белгилайдиган қоидани назарда тутади. Бу Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилигига чет элликларнинг шахсий қонунини аниқлаш учун қўлланадиган анъанавий коллизион нормадир. ФК фуқароликни жисмоний шахснинг аник бир мамлакат билан энг узвий ва мустаҳкам алоқасини акс эттирувчи белги сифатида кўради. Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилигининг айнан мана шу боғловчи формулага тарафдорлиги асосий кўринишда икки сабаб билан изоҳланади. Биринчидан, у аниқликнинг айтарли даражада юкори ўрнини таъминлайди, чунки у ёки бу мамлакат фуқаролигига мансублик факти одатда шакллантирилган ва расмий хужжат билан тасдиқланган бўлади. Иккинчидан, у домицилийга қараганда ўзгартиришларга кам даражада учрайдиган белгиларга асосланади. Яшаш жойининг ўзгартирилиши кўп холларда келгусида фуқароликнинг ўзгартирилиши билан кузатилсада, бошқа мамлакатга

кўчиш ҳар доим ҳам мавжуд бўлган фуқароликдан воз кечиш ва янгисини қўлга киритишга олиб келмаслигини тан олмаслик мумкин эмас. Бундай барқарорлик фуқаролик ҳукукий муносабатларнинг субъекти сифатида жисмоний шахс учун асосий бўлган шахсий мақом масалаларини тартибга солишида муҳим аҳамиятга эга. Жисмоний шахснинг ҳукуқ ва муомала лаёқатини аниқлашда фуқаролик қонунига боғловчи формула Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ва оиласвий ишлар бўйича ҳукукий ёрдам тўғрисидаги халқаро шартномаларида ҳам кенг қўлланилади. Чет эллик фуқаронинг фуқаролиги мансуб бўлган мамлакат қонунига ҳавола қиливчи боғловчини қўллаш ушбу шахс қайси мамлакат фуқароси эканлигини аниқлаш заруратини келтириб чикаради. Айrim монархия режимидаги давлатлар (масалан, Персия қўлтиги)нинг, халқаро шартномавий-ҳукукий амалиётида «мансублик» тушунчаси қўлланилиб, у моҳиятига кўра фуқаролик тушунчаси билан бир хил аҳамиятга эгадир. Чет давлат фуқаролигига мансублик факти паспорт ёки ушбу давлатда берилган бир хил аҳамиятли хужжат билан исботланади («Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида»ги 02.09.1992 й. Қонуни).

4. Таъкидлаб ўтамизки, фуқаролик мансуб бўлган мамлакат ҳукуқига боғловчи формула жисмоний шахс икки ёки ундан ортиқ фуқароликка эга бўлган ҳолларда етарлимасдир. Бундай ҳолда жисмоний шахс ҳукукий боғлиқ бўлган ҳукуқ тизимлардан бирининг фойдасига танлаш зарурати вужудга келади. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмидаги иккинчи гап бундай танлов қоидаларини шу йўл билан белгилайди. Арманистон, Белорусия, Қозогистон ва Қирғизистонда икки ёки ундан ортиқ фуқароликка эга бўлган шахсларнинг шахсий мақоми масалаларида фуқароликдан бири судлов мамлакати фуқаролиги эканлигидан қатъи назар, шахс энг кўп узвий боғлиқ бўлган мамлакат ҳукуқига нисбатан умумий ҳавола қабул қилинган.

5. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми иккинчи гапининг шу категорда иккинчи қисмининг амалий реализацияси учун, «шахс энг узвий алоқада бўлган» ва «шахс доимий яшаётган» тушунчаларига ҳаволани аниқлаб олиш керак. Кўрсатилган тушунчалар «фуқаронинг доимий ёки асосан яшаб турган жойи унинг яшаш жойи ҳисобланади» деб, белгилangan ФКнинг 21-моддасида назарда тутилган «яшаш жойи» тушунчаси билан бир хил маънога эга. Lex domicilii боғловчи формуласи нафақат

шархланаётган моддада, балки Фуқаролик кодексининг 1190-моддаси-нинг бешинчи қисми, 1181-м., 1182-м, 1194-моддасининг иккинчи қисми, 1195-моддаси 2 ва 3 хатбошида ҳамда 1197-моддасида ҳам қўлланилади. Яшаш жойини аниқ белгилашнинг аҳамияти чет эл элементи билан мураккаблашмаган муносабатларга нисбатан ҳуқук нормаларини тўғри қўллашда, хусусан, фуқарони бедарак йўқолган деб топиш (ФК 33-м.) ёки уни вафот этган деб эълон қилиш (ФК 36-м.) масалаларини ҳал этишда, мажбуриятларни бажариш жойи (ФК 246-м.) ва меросни очиш жойини (ФК 1117-м.) белгилашда ҳам катта аҳамиятга эгадир. Ушбу ҳолатларнинг барчасида жисмоний шахснинг яшаш жойининг ФКнинг 21-моддасига мос равиша «фуқаро доимо ёки асосан яшаб турган жой» сифатида тушиниш лозимdir.

Ҳақиқатда, ФКнинг 21-моддасининг аҳамияти ўта ички муносабатлар учун чет эллик шахслар мақомини белгилашдаги ролидан фарқ қилсада, тартибига солинаётган ҳуқуқий муносабатда чет эл элементининг бор ёки йўқлигидан қатъий назар умумий тарзда шакллантирилган. Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг фуқаролик-ҳуқуқий мақомини белгилашда унинг бир неча яшаш жойи бор ёки умуман йўқлиги ва унинг доимий яшаш жойи асосан яшаб турган жойидан фарқ қилиш ёки қилмаслиги аҳамият касб этмайди. Ҳар қандай ҳолатда унинг фуқаролик мақомининг барча асосий элементлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан белгиланади. Аммо сўз чет эллик шахс ҳақида боргандা, ФКнинг 21-моддасига асосан унинг яшаш жойини белгилаш мазкур шахснинг мақомини белгиловчи ҳуқук тизимини қўллашга олиб келади. ФК 21-моддасининг танланган изоҳига боғлиқ ҳолда натижалар қарама-қарши бўлиши мумкин. Чунки чет эллик шахс чет элда доимий яшаш жойига эга, аммо шу билан бирга узоқ давр мобайнида Ўзбекистон Республикасида яшаган бўлиши мумкин. Бундай шахснинг шахсий қонунини белгилашда унинг доимий яшаш жойи қонуни ёки мазкур шахс кўп вактлардан бери яшайдиган жой сифатида Ўзбекистон Республикаси қонуни қўлланиши лозимми деган савол келиб чиқади.

Фактни белгилашда чет эллик фуқаро Ўзбекистон Республикасида доимий ёки асосан яшаб туришидан қатъи назар, ҳатто доимий яшаш жойи мавжуд бўлса ҳам, асосан яшаб туришнинг ўзи Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқини қўллаш учун кифоядир.

Бундай изоҳ мантиқан шарҳланаётган модданинг биринчи қисми иккинчи гапида ва иккинчи қисмидаги кўзланган Ўзбекистон Республикаси хукуқини қўллаш доирасини кенгайтириш мақсадига жавоб беради ва ФК 21-моддасининг айнан матнига мос келади. Бу Ўзбекистонда яшовчи чет эллик шахсларнинг мақомини белгилашда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини ниҳоятда кенг қўлланилишига олиб келади. Чет эллик шахсларга нисбатан қўлланилишида бевосита қарама-қарши натижага олиб келиши мумкин бўлган ФК 21-моддасига изоҳнинг бошқа муаммоси «доимий ва асосан яшаб турган жой» тушунчасининг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида («Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шасларнинг кириш, чиқиш ва транзит ўтиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1996 йил 21 ноябрь №408 Қарори) қўлланиши лозим бўлган тушунчалар билан бевосита мослиги билан боғлиқ. Ўзбекистон ҳудудида туриш асосига қараб мазкур норматив-хукуқий акт чет элликларни Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчилар ва вақтинча яшовчиларга бўлади. Уларнинг у ёки бу мақомда бўлиши шакллантирилган ва тегишли хужжатлар билан тасдиқланади (руҳсатнома ёки паспорт). Агар ФКнинг 21-моддасида белгиланган «доимий яшаш жойи» тушунчаси Ўзбекистонда доимий яшовчи чет эллик шахс мақомига мос келса, «асосан яшаб туриш» тушунчаси ва вақтинча яшаб туриш мақоми ўртасида боғлиқлик бўлмайди.

Шахсий мақом масалаларини тартибга солувчи хукуқни танлашда, жисмоний шахсларнинг фуқаролик хукуқий манфаатларини таъминлаш мақсадларида формал белгиларга эмас, балки шахснинг у ёки бу давлат билан реал алоқасини аниқлашга имкон берувчи турли омиллар йифиндинсининг баҳосига таяниш лозим. Шу билан бирга, мъмурий боғлиқлик омиллардан бири бўлиши мумкин, аммо ягона ҳал этувчи омил эмас. Жисмоний шахснинг унинг яшаш жойи бўлган давлат билан реал боғлиқлигини аниқлашдаги айнан шундай ёндашув шахсий мақом домицилий асосида белгиланадиган кўпчилик давлатларга хосдир.

6. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми фуқаролиги бўлмаган шахснинг шахсий қонуни унинг яшаш жойи бўлган давлат қонуни хисобланишини назарда тутади. Доимий ва асосан яшаш жойи боғлиқлигининг муаммоси яшаш жойи тушунчасини изоҳлашда вужудга келмаган. Апатриднинг доимий яшаш жойи одатда асосий коллизион

боғловчи бўлганини инобатга олган ҳолда, унга ФКнинг 21-моддасини изоҳлашда ҳам устунлик бериш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Жисмоний шахснинг яшаш жойини белгилашда формал эмас, балки моҳиятан ёндашиш зарурати тўғрисидаги юқорида билдирилган фикрлар teng даражада фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳам тегишилдири.

7. Шарҳланавтган модданинг 3-қисми қочоқнинг шахсий қонуни унга бошпана берган давлат қонуни бўлиб ҳисобланиши тўғрисидаги янги нормани фуқаролик қонунчилигига киритади. Бунда қочоклар ўзининг фуқаролиги мансуб бўлган ёки доимий яшаш жойига эга бўлган мамлакатни тарк этишга мажбур бўлган муҳим вазиятлар оқибатида уларнинг ушбу мамлакат билан алоқаси йўқолиши ва уларни қабул қилган мамлакат хукуки қочоқларнинг хукукий ҳолатини белгиловчи бўлиб қолишини акс эттиради. Айнан қабул қилган давлатнинг қонунчилиги қочоқ тушунчасини, шахс қочоқ мақомини олиши мумкин бўлган шартларни ва бундай мақом олган шахсларнинг хукукий ҳолатини белгилайди.

### **1169-модда. Жисмоний шахснинг хукуқ ва муомала лаёқатлари**

**Жисмоний шахснинг хукуқ ва муомала лаёқатлари унинг шахсий қонуни билан белгиланади.**

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасида фуқаролик хукуқи лаёқатидан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан teng равишда фойдаланадилар, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ёки халқаро шартномаларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

**Жисмоний шахснинг битимлар ва заарар етказилиши оқибатида юзага келадиган мажбуриятларга нисбатан фуқаролик муомала лаёқати битимлар тузилган ёки заарар етказилишидан келиб чиқадиган мажбуриятлар юзага келган мамлакат хукуқи бўйича белгиланади.**

**Жисмоний шахснинг хусусий тадбиркор бўлиш ҳамда бу билан боғлиқ хукуқлар ва мажбуриятларга эга бўлиш лаёқати жисмоний шахс хусусий тадбиркор сифатида рўйхатга олинган мамлакат хукуқи бўйича белгиланади. Рўйхатга олиш мамлакати бўлмаганда, хусусий тадбиркорлик фаолияти амалга ошириладиган асосий жой бўлган мамлакатнинг хукуқи кўлланилади.**

**Жисмоний шахсни муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топиш суд қайси мамлакатники бўлса, шу мамлакат хукуқига бўйсунади.**

1. 1968 йилги Инсон хукуқлари Умумжаҳон декларациясининг 6-моддасига кўра, хар қандай шахс, у қаерда бўлишидан қатъий назар, унинг хукуқ субъекти эканлигини тан олинниш хукуқига эга. Алоҳида давлатларнинг қонунчилиги фуқаролик хукуқ лаёқатининг, яъни фуқаролик хукуқларга ва мажбуриятларга эга бўлиш лаёқати (ФК 17-м.)нинг вужудга келиш ва тугатилишини бир хилда белгиламайди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси ва Германияда фуқаронинг хукуқ лаёқати унинг туғилиши билан вужудга келади ва вафот этиши билан тугатилади. Италияда фуқаролик хукуқ ва мажбуриятларга эга бўлиш лаёқати боланинг она танасидан ажралганидан 24 соат ўтганидан сўнг бошланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, Ўзбекистон Республикаси худудида бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг хукуқ ва эркинликлари халқаро хукуқ нормаларига мувофиқ равишда таъминланади (23-м.). Ушбу анъанавий норма чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикаси худудида миллий хукуқий тартибни тақдим этади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси ва Чехия Республикаси ўртасидаги 2002 йил 18 январдаги фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича хукуқий ёрдам ва хукуқий муносабатлар тўғрисидаги Шартноманинг 23-моддасидаги коллизион нормада жисмоний шахснинг хукуқ ва муомала лаёқати, агар ушбу шахс Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлса, Ўзбекистон қонунчилиги билан, агарда Чехия фуқароси бўлса, Чехия қонунчилиги билан белгиланиши кўрсатилган. Шу билан бирга, Ўзбекистон ёки Чехия худудида яшаётган шахснинг (Ўзбекистон, Чехия ёки учинчи мамлакат фуқароси) хукуқ ва муомала лаёқати ушбу шахснинг худудида яшаш учун рухсатномаси бўлган давлат (Ўзбекистон ёки Чехия) хукуки билан белгиланади.

Агар қонунда бошқача ҳолат назарда тутилган бўлмаса, юқорида шарҳланган модданинг қоидалари ФК 1169-моддасининг нормаси билан биргаликда чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокидаги муносабатлар учун қўлланилмайди (ФК 2-м. 3-к.). Шу тариқа, маҳсус нормаларнинг ташқи иқтисодий, инвестициявий, ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш ҳамда кооперация, товарлар, ахборотлар,

иш, хизматлар, интеллектуал мулк натижаларини халқаро айрибошлаш доирасидаги фаолият соҳасидаги умумий бўлган нормалардан устунлиги оқибатида, чет эллик фуқароларнинг ҳуқуқ лаёқати улар мансуб бўлган мамлакат ҳуқуқи билан, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ лаёқати эса, ушбу шахслар доимий яшаш жойига эга бўлган давлат ҳуқуки билан тартибиға солинади (Чет эл инвестициялари тўғрисидаги Қонуннинг 4-м., Экспорт назорати тўғрисидаги Қонуннинг 3-м.).

2. Фуқаролик ҳуқуқ лаёқати барча фуқароларга нисбатан тенг равища тан олинади (ФК 17-м. 1-қисми). Аммо ҳуқуқ лаёқатининг мазмунни, яъни жисмоний шахснинг мулк ҳуқуқи асосида мол-мулкка эга бўлиши, мол-мулкни мерос қилиб олиш ва васият қилиб қолдириш, тадбиркорлик ҳамда қонун билан тақиқлаб кўйилмаган бошқа фаолият билан шуғулланиш, бошқа жисмоний ёки юридик шахслар билан биргаликда ёки мустақил равища юридик шахлар ташкил қилиш, қонун билан тақиқланмаган ҳар қандай битимларни амалга ошириш ва мажбуриятларда иштирок этиш, яшаш жойини танлаш, фан, адабиёт ва санъат асарларининг, ихтиро ва қонун билан қўриқланадиган бошқа интеллектуал фаолият натижаларининг муаллифи ҳуқуқига эга бўлиш, бошқа мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўлиш ҳуқуки жисмоний шахснинг ҳуқуқий мақомига боғлиқ бўлади (ФК 18-м.). Суверенитет натижасида давлат бир томондан унинг ҳудудидаги шахсларнинг юриш-туриш қоидасини ушбу давлат чегарасида содир бўлган харакатларга нисбатан ҳам белгилайди. Бошқа томондан бир давлат қонунчилигининг таъсири чет давлатда бўлган ушбу давлат фуқароларига ҳам тарғиб қилинади. Шу тариқа, бир давлат фуқароси чет мамлакатда бўла туриб, бир вактнинг ўзида иккита давлат юрисдикциясига бўйсунади. Юкорида таъкидланганларни инобатга олган ҳолда, шарҳланётган моддага Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий мақомини белгилайдиган моддий-ҳуқуқий норма киритилган. Ўзбекистон ҳудудида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқий лаёқати чегаралари миллий тартиб тамойили асосида белгиланади. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонулари ва халқаро шартномалари билан белгиланган мажбуриятларга эга бўладилар (Конституциянинг 23-м.). Аммо, миллий қонунчиликка миллий тартибдан истисно ҳамда

ўзаролик шартлари асосида уни қўллаш ҳолатлари маълумдир. Ўзбекистон Республикасида умумий қоидага кўра, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан миллий тартиб, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тегишли мамлакатда ундан фойданиш ёки фойдаланмаслигидан қатъи назар тақдим этилади. Аммо ушбу қоидадан истиснолар хам мавжуддир. Фан, адабиёт ва санъат асарларининг, ихтиро ва қонун билан қўриқланадиган бошқа интеллектуал фаолият натижаларининг муаллифлик хукуки чет эл фуқароларига миллий тартиб шартлари билан, фақатгина ушбу ҳолат ҳалқаро шартномада тўғридан-тўғри назарда тутилган бўлса ёки ўзаролик шартлари асосида тақдим этилиши мумкин.

3. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми шу қаторда, қўпгина хукук тизимларида мавжуд бўлган умумий қоидани назарда тутади. ФК 1159-моддасининг биринчи қисмига асосан, юридик тушунчаларга баҳо бериш асосан суд қонуни билан амалга оширилиши туфайли, муомала лаёқатининг тушунчасини уни шахснинг ўзининг ҳаракатлари билан фуқаролик хукуқларини қўлга киритиш ва амалга ошириш, ўзи учун фуқаролик мажбуриятларни келтириб чиқариш ва бажариш лаёқати сифатида тушуниб, ФК 22-моддасининг биринчи қисмидан олиш лозимдир.

Шарҳланаётган коллизион норманинг мазмунида қўлланган фуқаролик муомала лаёқати тушунчаси ўз таркибида унинг вужудга келиши, хажми (шахснинг ёши билан боғлиқ), муомала лаёқатига муддатдан олдин тўла хажмда эга бўлиш асослари (эмансипация), муомала лаёқатини чеклаш, шахсни муомалага лаёқатсиз деб топиш ва айрим бошқа масалаларни қамраб олади. Ушбу нуқтаи назардан фуқароларнинг муомала лаёқати тартибга солинадиган миллий қонунларни кўриб чиқамиз. Масалан, вояга етганлик ёши қўпгина Европа давлатларида 18 ёшга teng (Швейцарияда — 20 ёш). АҚШнинг қўпгина штатларида вояга етиш ёшининг худди шу ёши белгиланган, лекин Алабама, Миссисипи, Небраск, Вайомингда у юқорироқ — 21 ёшдир.

4. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг миллий хукукий тартиби тўғрисидаги умумий қоидадан чекинишлар талайгина. Қоидага кўра, бу уларнинг маълум хукуқ ва мажбуриятларга эга бўлиш имкониятига сабаб бўладиган, Ўзбекистон Республикаси билан аҳамиятли хукукий боғлиқлигининг (фуқаролик) йўқлиги ҳамда давлат хавсизлигини

таъминлаш зарурати билан боғлиқдир. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодексининг 52-модда 1-қисмига кўра, ҳаво кемасининг бошқарувчиси пилот (учувчи) ихтисослигига ва белгиланган тартибда ҳаво кемасини мустақил бошқариш ҳуқуқига эга бўлган шахсгина бўлиши мумкин. Шу билан бирга чет эл фуқаролари давлат хизматида бўлишлари, шу қаторда фаолияти Ўзбекистон Республикаси хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган обьектлар ёки ташкилотларда ишлашлари мумкин эмасдир.

ФК 2-моддаси учинчи қисмининг мазмунидан, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқий лаёқати, агар бу конституциявий тизим асослари, одоб-ахлоқ, соғлик, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилиш, мамлакатнинг мудофааси ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадларида зарур бўлса чекланиши мумкин. Шу билан бирга яна бир марта таъкидлаб ўтамизки, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан миллий ҳуқуқий тартибининг умумий тамойилларидан ҳар қандай истисно ҳолатлар фақатгина Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва халқаро шартномалари билан белгиланиши мумкин.

Қонунларда белгиланган ҳуқуқ лаёқатини амалга оширишни чеклашлардан фарқли равишда халқаро шартномаларнинг нормалари қоидага мувофиқ, чет эл фуқароларининг ҳуқуқ лаёқати таркибини Ўзбекистон Республикаси фуқароларига нисбатан кенгайтиради. Масалан, маблағ ажратишларни рағбатантириш ва ўзаро химоя қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлар билан тузган ҳукуматлараро келишувларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан фарқли равишда чет эл фуқароларига улар томонидан Ўзбекистон Республикаси худудида амалга оширилган инвестицияларни экспортанизацияси ҳолатида халқаро шартномада таъкидланган муддат, миқдор ва тартибда компенсация ундириш ҳукуки берилган.

5. Ўзининг ҳуқуқий аҳамиятига кўра, шархланаётган модда императивдир. Жисмоний шахснинг фуқаролик ҳуқуқий лаёқати унинг шахсий қонунида ўзгача тарзда белгиланиши, ушбу фуқаро мансуб бўлган ёки худудида яшайдиган мамлакатнинг суверенитетини бузилишини англатади. Ўз навбатида, Ўзбекистон худудидаги чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқий лаёқати

мазмунини ва унинг чегараларини бошқа мамлакат ҳуқуки билан белгилаш, Ўзбекистон Республикасининг ички ишларига аралашиш бўлиб ҳисобланади.

6. Шарҳланаётган модданинг учинчи қисми муомала лаёқати — битим тузиш лаёқати (яъни мустақил равишда битим тузиш лаёқати) ва деликт лаёқати (яъни зарар етказилиши оқибатида юзага келадиган мажбуриятларга нисбатан фуқаролик муомала лаёқати) масалаларини кўриб чиқади. Халқаро хусусий ҳуқуқ доктринаси учун мазкур элементлар одатда энг зарур элементлар бўлиб ҳисобланади. ФК 1194-моддаси биринчи қисмининг мазмунига кўра, деликт лаёқати тўғрисидаги қоидалар зарар етказувчининг шахсий қонунига эмас, балки тегишли деликт мажбуриятига нисбатан кўлланувчи ҳукукка бўйсунади.

Шарҳланаётган модда мазмунига кўра, ўзининг шахсий қонунига асосан фуқаролик муомала лаёқатига эга бўлмаган жисмоний шахс, агар у битим тузилган жой (*lex loci contractus*) ҳукуқига кўра муомалага лаёқатли бўлса, муомала лаёқати йўклигини рўйбашлашга ҳақли эмас. Бошқа тарафга муомала лаёқатининг мавжуд эмаслиги тўғрисида маълум бўлган ёки маълум бўлиши мумкинлиги исботланган ҳолатлар бундан мустасно. Ушбу қоида Европа ҳуқуқ илми ва қонунчилиги учун, *lex nationalis* умумий қоидаси каби одатийдир. Кўпчилик муаллифлар унинг вужудга келиш сабаби сифатида савдо айланишининг барқарорлигини тъминлаш зарурати деб ҳисоблайдилар. Ахир ушбу қоида мавжуд бўлмаган тақдирда, бошқа жойдан бўлган савдогар у томонидан чет давлатда тузилган битимни, ўз миллий қонуни бўйича муомалага лаёқатсиз эканлигини баҳона қилиб ҳақиқий эмас деб эълон қилиши мумкин эди.

Шу тариқа, битим предметидан битимнинг Ўзбекистон Республикаси ёки ундан четда тузилганлигидан, битимда Ўзбекистон Республикаси фуқароси ёки чет эл фуқаролари ёхуд фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ўзи иштирок этаётганлигидан қатъий назар, контрагентнинг инсофли эканлиги ҳолатларида жисмоний шахснинг фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузишга муомала лаёқати шахснинг шахсий қонуни билан эмас, балки битим тузиш жойи қонуни билан тартибга солинади.

7. ФК 1169-моддасининг тўртинчи қисми тадбиркорлик фаолиятини мустақил, таваккалчилик асосида тадбиркор сифатида қонунда белгиланган тартибда рўйхатга олинган шахс томонидан мулкдан фойдаланиш,

товар сотиш, меҳнат қилиш ва хизмат кўрсатиш натижасида систематик тарзда фойда олишга йўналтирилган фаолияти сифатида белгилайди. Тадбиркорлик фаолиятининг шахс томонидан ўз номидан ва ўз ҳисобидан доимий асосда, оддий касб ёки хунар кўринишида олиб боришини назарда тутувчи, дунёнинг кўпчилик мамлакатларига маълум бўлган умумий тушунчasi келтирилган дефиницияга тўлиқ мос келади.

8. Шарҳланаётган модда жисмоний шахснинг фирма ташкил қилмасдан, якка тадбиркор сифатида тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш имкониятини белгилашда кўлланиши лозим бўлган хукукни танлашнинг энг умумий масалаларинигина тартибга солади.

Назаримизда, якка тадбиркор хукукий ҳолатининг қолган коллизион масалалари умумий асосларда хал этилади (ФК 1168 ва 1169-м.). Ўзбекистон Республикаси худудидаги чет эллик якка тадбиркорлар Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва халқаро шартномалари билан белгиланган айrim истиснолардан ташқари, албатта, миллий хукукий тартибдан фойдаланадилар (ФК 2-м.).

9. Ўзбекистон Республикасида ўз фуқаролари каби чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни муомалага лаёқатсиз деб топиш Ўзбекистон қонунчилигига бўйсунади. Ушбу ҳолатда муомала лаёқатини чеклаш ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш асослари ФКнинг 30 ва 31-моддалари билан тартибга солинади. Хукуқ тизимларининг баъзи бирлари (масалан герман хукуки) ўз фуқароларининг муомала лаёқатини чет эл қонуни асосида чекланишига рози бўлмаслигига қарамасдан, Ўзбекистон худудида бундай суд карори юридик кучга эга бўлади. Бир томонлама коллизион норма Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг чет мамлакатда муомала лаёқатининг чекланиши ёки муомалага лаёқатсиз деб топилиши қайси қонунга бўйсуниши масаласини очиқ қолдиради. Аммо уни шарҳланаётган қоидани икки томонлама коллизион норма шаклида (масалан: «жисмоний шахсни муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топиш судлов мамлакати қонунига бўйсунади») ифода этган ҳолда тартибга солиш, мақсадга мувофиқлиги эҳтимолдан узокдир. ФК 1169-моддаси бешинчи қисми амалдаги таҳрирининг афзаллиги шундаки, умумий боғловчи формуланинг мавжуд эмаслиги ҳолатида бир қатор мамлакатлар судлари Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муомала лаёқатини чеклаш масалаларини уларнинг шахсий қонуни билан

(яъни Ўзбекистон Республикаси қонуни билан) ҳал қиласи, бу эса муайян аниқлик ва айтиб берга олиш имкониятини беради.

## **1170-модда. Жисмоний шахсни бедарак йўқолган деб топиш ва уни вафот этган деб эълон қилиш**

**Жисмоний шахсни бедарак йўқолган деб топиш ва уни вафот этган деб эълон қилиш суд қайси мамлакатники бўлса, ўша мамлакат ҳуқуқига бўйсунади.**

1. Шарҳланадиган модданинг коллизион нормаси, тартибга солинаётган масалалар доираси каби, ўзининг тартибга солиш мазмунига кўра ҳам, шахсни расман бедарак йўқолган деб топиш (ФК 33-м.) ёки вафот этган деб эълон қилиш (ФК 36-м.) зарурати келиб чиқсан ҳолларни ўз ичига олади. Бундай зарурат узоқ вақт мобайнида жисмоний шахс ва у ҳақида бирор-бир хабарнинг бўлмаганлиги натижасида вужудга келади, бу ҳолат ҳуқуқий ноаниқликни ҳамда тегишинча унинг оила аъзолари, мазкур шахс билан у ёки бу ҳуқуқий муносабатга эга бўлган учинчи шахслар учун ҳуқуқий муаммони келтириб чиқаради.

Ушбу институт чет мамлакатлар фуқаролик ҳуқуқида кўп учрамайди. Ўзбекистон ҳамда МДҲнинг бошқа давлатларидан фарқли равишда, кўпчилик мамлакатларнинг қонунчилигига жисмоний шахсни бедарак йўқолган деб топиш ёки уни ўлган деб эълон қилиш мустакил жараёни умуман маълум эмас (масалан, АҚШ) ёхуд конкрет судлов жараёни чегараларида гана аҳамиятга эга бўлган шу каби қарорларни чиқаришга йўл қўяди (масалан, Франция). Ушбу институт мавжуд бўлган мамлакатларда шахсни бедарак йўқолган деб топиш ёки уни вафот этган деб эълон қилиш асослари ва тартиби аҳамиятли фарқланади.

Масалан, Францияда шахсни бедарак йўқолган деб топиш бедарак йўқолганлик презумпциясининг суд гувоҳномаси ёки бедарак йўқолганликнинг суд эълони шаклига эга бўлиши мумкин. Сўнгтиси, agar йўқолган шахс тўғрисида маълумот олгандан сўнг 20 йилдан кам бўлмаган муддат ўтган бўлсагина мумкиндир. Германияда иккита мезон, яъни бедарак йўқолганликнинг давомийлиги ва унинг ёши билан боғлик ҳолда шахсни вафот этган деб эълон қилиш мумкин. Масалан, бедарак йўқолган шахсни умумий қоидага кўра, йўқолганлигидан 10 йил ўтгач,

аммо ушбу шахс 25 ёшга тўлганидан сўнг вафот этган деб топиш мумкин. Британия хукуки шахсни вафот этган деб топишни муҳим процессуал презумпция сифатида тушунади. Бунга кўра, агар шахс 7 йил мобайнида ўзи ҳакида хабар бермаган бўлса, суд маълум бир ишни ҳал этишда унинг ўлими фактини презумпциялаши мумкин, бироқ кўрсатилган презумпция преюдициал аҳамиятга эга бўлмайди.

2. Конунчилик тажрибасида кўрсатилганидек, агар шахсни бедарак йўқолган деб топиш ёки вафот этган деб эълон қилиш тўғрисидаги иш чет эл элементи билан мураккаблашган бўлса, моҳиятан қарор чиқаришдан олдин, суд мазкур ишда қайси давлат қонунчилиги қўлланишини аниқлаб, коллизион муаммони ҳал қилиши лозим бўлади. Коллизион муаммонинг келиб чиқишига турли мамлакатлар миллий қонунчилигининг шахсни бедарак йўқолган ёки вафот этган деб топиш тўғрисидаги ишларда қўлланиши лозим бўлган хукуқни танлашда турлича ёндашиши сабаб бўлади. Кўрсатилган коллизион муаммони ҳал қилишда иккита принципиал фарқли ёндашувлар мавжуд. Уларнинг биринчиси, судлов мамлакати хукуқини (*lex fori*) қўллашдан келиб чиқади. Ушбу ёндашув МДҲ давлатлари қонунчилиги ҳамда бир қатор бошқа мамлакатларнинг (хусусан, Латвия, Литва, Лихтенштейн, Монголия, Швейцария) конунчилигига мустахкамланган. Иккинчиси, бедарак йўқолган ёки вафот этган деб топилган шахснинг охирги маълумотларга кўра тирик бўлган вақтдаги шахсий қонунини қўллаш хисобланади (Австрия, Венгрия, Германия, Греция, Грузия, Италия, Польша ва б.). Шу билан бирга, миллий қонунчиликда жисмоний шахснинг шахсий қонунини аниқлаш билан боғлиқ ҳолда бу фуқаролик мансуб бўлган мамлакат хукуқи (*lex patriae*) ёки ушбу шахснинг доимий яшаш жойи бўлган мамлакат хукуқи (*lex domicilii*) ёхуд шахс оддий турар жойига эга бўлган мамлакат хукуқи бўлиши мумкин (кўпинча доимий яшаш жойи бўлмаган ҳолатларда).

3. Шарҳланаётган модда судлов мамлакати қонунини қўллашдан келиб чиқади. Шу билан бирга, ФК кўриб чиқилаётган коллизион нормани бир томонлама қилиб белгилайди, яъни Ўзбекистон Республикасида шахсни бедарак йўқолган ёки вафот этган деб топиш тўғрисидаги масала қайси хукуқ асосида ҳал қилиниши кераклигини назарда тутади.

4. Судлов мамлакати қонунини қўллаш, чет эллик шахсни бедарак йўқолган деб топиш ёки вафот этган деб эълон қилиш тўғрисидаги ишлар

бўйича Ўзбекистон Республикаси судларининг юрисдикцияси тўғрисидаги масалани принципиал равишда мухим аҳамият касб эттиради. Мазкур категориядаги чет эл элементи билан мураккаблашган ишларнинг халқаро судловлилиги тўғрисидаги масала фуқаролик процессуал қонунчиликда назарда тутилган. ФПКнинг 386-моддасига асосан, чет эл фуқаролари Ўзбекистон Республикаси судларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар ва Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг фуқаролик процес-суал ҳуқуклардан фойдаланадилар. Мазкур қонунни инобатга олган ҳолда шахсни йўқолган деб топиш ёки уни ўлган деб эълон қилиш тўғрисидаги ариза аризачининг яшаш жойидаги судга берилиши лозимлигини назарда тутувчи, бундай ишларнинг судловга тегишлилиги тўғрисида умумий норма қўлланилади (286-м.). Бу билан Ўзбекистон Республикаси суди чет эл фуқаросини бедарак йўқолган деб топиш ёки вафот этган деб эълон қилиш тўғрисидаги масалани ҳал қилишга ҳақли эканлиги асосланади. ФПКда алоҳида иш юритишдаги ишларнинг Ўзбекистон Республикаси судларига тегишлилиги мутлоқ қилиб белгиланган.

5. Жисмоний шахсни бедарак йўқолган ёки вафот этган деб тан олиш тўғрисидаги қоидалар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик, оилавий ва меҳнат ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги халқаро шартномаларида мавжуддир. Масалан, МДҲ иштирокчи давлатларининг фуқаролик, оилавий ва жиной ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Конвенцияси (Минск, 1993 йил 22 январь), шахсни бедарак йўқолган ёки вафои этган деб тан олиш ҳамда шахснинг ўлими фактини белгилаш тўғрисидаги ишлар бўйича охирги маълумотларга кўра, у тирик бўлган вақтда ушбу шахснинг фуқаролиги мансуб бўлган аҳдлашувчи тарафнинг адлия идоралари ваколатли бўлади, деган қоидани белгилайди. Аммо битта аҳдлашувчи тарафнинг идоралари конвенцияга кўра, иккинчи аҳдлашувчи тарафнинг фуқаросини унинг худудида яшаётган шахсларнинг аризасига кўра, агар уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ушбу аҳдлашувчи тарафнинг қонунчилигига асосланган бўлса, бедарак йўқолган ёки вафот этган деб топиши ҳамда унинг ўлими фактини тан олиши мумкин. Шу билан бирга, хар қандай ҳолатда ҳам, ишни кўраётган адлия органи ўзининг миллий қонунчилигини қўллайди, яъни судлов мамлакати ҳуқуқига боғловчи формула ишлатилади. 1993 йилги Минск конвенцияси ушбу ҳолатларга қўшимча сифатида бошқа

шахсларга нисбатан (фуқаролиги бўлмаган шахслар) шахснинг охирги яшаш жойи адлия идораларининг юрисдикциясини назарда тутади. Шу каби қоидалар Латвия (24-м.), Литва (24-м.), Чехия (25-м.) ва МДҲнинг бир қатор давлатлари билан хуқуқий ёрдам тўғрисидаги икки томонлама шартномаларда ҳам мавжуддир. Кўрсатилган хорижий мамлакатлар қонунчилик тажрибасида, Болгария, ХХР ва Турция билан тузилган шартномалардан ташқари Ўзбекистон Республикасининг юқорида кўрсатилган халқаро шартномаларида қўлланиши лозим бўлган хуқуқ ва судловга тегишлилик масалалари бир хил асосий қоидалардан келиб чиқади.

6. Шарҳланаётган модда ўзига хос биртомонлама коллизион нормадан иборат бўлиб, Ўзбекистон Республикаси хуқуқ нормаларини қўллаш асосларини белгилайди. Шундай бўлсада формал равишда тегишли муносабатларга чет эл хуқуқини қўллаш мумкинлиги тўғрисида ҳеч нарса дейилмаган. Умуман олганда, доктрина кенг доирада изоҳлаш йўли билан бир томонлама коллизион норманинг айнан маъносини кенгайтириш ва уни икки томонлама сифатида интерпретация қилишга йўл қўяди (Франция коллизион хуқуқи айнан мана шу йўл билан ривожланган). Бу ҳолатда шарҳланаётган норма бошқача қўринишга эга бўлар эди, яъни «шахсни бедарак йўқолган деб тан олиш ва шахсни ўлган деб эълон қилиш судлов мамлакати қонунига (*lex fori*) бўйсунади». Айнан мана шу тавсифжа ушбу норма Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 1170-моддасида назарда тутилган юридик конструкцияга кўра танлов бир томонлама коллизион нормада амалга оширилган. Бундай қарорнинг сабабларини, фикримизча, бир томонлама ва икки томонлама коллизион нормалар қўлланилишидан келиб чиқадиган турли оқибатлардан излаш керак. Шахсни бедарак йўқолган деб тан олиш ёки вафот этган деб эълон қилиш институтини қўлловчи қўпчилик мамлакатлар хукуки коллизион масалани бошқача тарзда, яъни бедарак йўқолган ёки вафот этган шахснинг шахсий қонуни асосида ҳал қилишади. Чет мамлакатдаги Ўзбекистон Республикаси фуқаросини бедарак йўқолган деб тан олиш ёки вафот этган деб эълон қилиш масаласини ҳал қилишда Ўзбекистоннинг икки томонлама коллизион нормасида *lex fori* умумий боғловчисининг қўлланилиши чет эл хукукига қайта ҳавола қилишга олиб келиши мумкин эди (бу эса максадга мувофиқ эмас). Ушбу институт билан таниш бўлмаган мамлакатлар учун, *lex fori* боғловчиси ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмас эди. Бундан ташқари,

у Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқини ҳуқуқий муносабат билан энг узвий боғлиқ бўлган ҳуқук (proper law) сифатида кўлтанилиши мумкин бўлган ҳолларни чеклаши мумкин эди. Шу тариқа, ФКнинг 1170-моддасида мавжуд бўлган бир томонлама коллизион норманинг ифодаланиши қонун чиқарувчининг ҳақиқий эркини аниқроқ акс эттиради ва шу туфайли кенг доирада изоҳланиши мумкин эмас деган фикрга келиш мумкин.

## **1171-модда. Жисмоний шахснинг исми-шарифи**

**Жисмоний шахснинг исмга, ундан фойдаланишга ва уни ҳимоя қилишга бўлган ҳуқуқи, агар ушбу Кодекс 19-моддасининг тўртинчи ва еттинчи қисмларида, 1179 ва 1180-моддаларида назарда тутилган қоидалардан бошқача тартиб келиб чиқмаса, унинг шахсий қонуни билан белгиланади.**

1. Фуқаронинг бевосита шахси билан боғлиқ ва туғилиши билан вужудга келадиган шахсий номулкий ҳуқуқларидан бири — исмга бўлган ҳуқуқидир. Исм боланинг туғилиши билан берилади ва фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органлари томонидан унинг туғилишини давлат рўйхатидан ўtkазиш вақтида қайд қилинади. Ўз исменинг рўйхатга олиниш (исмни ўзгартириш) вақтидан бошлаб фуқаро ундан ҳуқуқий муносабатларда иштирок этиш мақсадида фойдаланиш ҳуқуқини, яъни ушбу исм остида ҳуқук ва мажбуриятларни кўлга киритиш ва амалга ошириш ҳуқукини кўлга киритади.

2. Ўзбекистонда исмнинг кенг маъноси остида фуқаронинг туғилганида берилган фамилияси (наслий оиласиий номланиши) ва исменинг ўзи, агарда қонун ёки миллий одатларда бошқа ҳолатлар кўзда тутилмаган бўлса шарифи (ота томондан номланиши ёки авлоддан авлодга ўтган исм) тушунилади (ФКнинг 19 ва 99-м. ва уларга берилган шарҳларга қаранг). Қонун ёки миллий одатлардан исмнинг бошқа мажмуи келиб чиқиши мумкин. Масалан, унга шариф ёки кам ҳолларда унга фамилия ҳам кирмаслиги мумкин (масалан, Исландия). Шахснинг исмга бўлган ҳуқуки билан боғлиқ коллизион масалалар, аввалги Гражданлик кодексида тартибга солинмаган эди. ФКга шахснинг исмга бўлган ҳуқуки, ундан фойдаланиш ва ҳимоя қилишга бағишлиланган янги алоҳида коллизион норманинг киритилиши миллий қонунчилик новелласи бўлди. Бундай

норма МДҲнинг бир қатор давлатлари қонунчилигига, масалан Арманистон (1264-м.), Белоруссия (1106-м.), Қозоғистон (1097-м.), Қирғизистон Республикаларининг (1180-м.) ФКларида, Грузиянинг 1998 йилги халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги Қонуннинг 26-моддасида, ҳамда бир қатор бошқа хорижий давлатларнинг, хусусан, Германия (1896 й. Германия Гражданлик Тузукларини амалга киритиш тўғрисидаги Қонуннинг 10-м.), Лихтенштейн (1996 й. Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги Қонуннинг 14-м.), Швейцария (1987 й. Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги Қонуннинг 37–40-м.) қонунчилигига ҳам мустаҳкамланган.

3. Шарҳланаётган модда коллизион нормасининг ҳажми жисмоний шахснинг қуидидаги ҳуқуқларини ўз ичига олади:

- исмга бўлган ҳукуки (унинг ўзгариши ҳамда тахаллусни (тўқилган исм) ўз ичига олган ҳолда);
- ўз исмидан фойдаланиш ҳукуки;
- ўз исмини ҳимоя қилиш ҳукуки;

Шарҳланаётган моддадаги коллизион боғловчи шахснинг шахсий қонуни ҳисобланади (ФКнинг 1168-м. ва унга шарҳни қаранг). Ушбу шарҳланаётган моддага кўра, фуқаронинг шахсий қонунига юқорида кўрсатилган ҳуқуклар рўйхатининг барчаси, яъни исмга, ундан фойдаланиш ва ҳимоя қилишга бўлган ҳуқуқлари бўйсунади.

4. Хорижий мамлакатлар қонунчилигига исмга бўлган ҳукуқ ҳам, қоидага кўра, шахсий қонун билан белгиланади. Масалан, Швейцарияда яшаш жойига эга бўлган шахс исмининг ҳуқукий режими швейцария ҳуқуки асосида, бошқа давлатда яшаш жойига эга бўлган шахсниги эса ушбу давлатнинг халқаро хусусий ҳуқукий нормалари ҳавола қилаётган ҳукук асосида белгиланади. Шу билан бирга, шахснинг хоҳишига кўра, исмининг ҳуқукий режими унинг фуқаролиги мансуб бўлган мамлакат ҳуқуки билан белгиланиши мумкин (Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги Швейцария Қонуннинг 37-м.).

Бироқ, айрим хорижий мамлакатларнинг қонунларида шахснинг исмга бўлган ёки ундан фойдаланишга бўлган ҳуқуки билан боғлиқ масалалар ҳамда шахснинг исмга бўлган бузилган ҳуқуқларининг ҳимояси билан боғлиқ масалалар турли коллизион нормалар воситасида тартибга солинади. Масалан, 1978 йилдаги Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги Австрия Қонуннинг 13-параграфига асосан,

шахснинг ўз исмидан фойдаланиш ҳуқуқи, исм қайси асосда қўлга киритилганлигидан қатъий назар, унинг тегишли шахсий қонуни билан белгиланади (1-п.), шу билан бирга исмнинг ҳимояланиши уни бузилиши билан боғлиқ ҳаракат содир бўлаётган мамлакат ҳуқуқи асосида амалга оширилади (2-п.). Ушбу масала «шахснинг исми унинг шахсий қонуни билан тартибга солинадиган» Руминияда ҳам, худди шу асосда ҳал этилади. Руминияда содир этилган исмга бўлган ҳуқуқни бузувчи ҳаракатларга қарши ҳимоя эса Руминия қонуни билан амалга оширилади (1992 й. №105 Халқаро хусусий ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда қўлланувчи Қонуннинг 14-м.). Шу билан бирга, агар ФК ва бошқа қонунларда назарда тутилган бўлса, шарҳланаётган модда, жисмоний шахснинг исмга, ундан фойдаланишга ва уни ҳимоя қилишга бўлган ҳуқуқлари юзасидан коллизион муаммоларни бошқа ечимини назарда тутади. Масалан, фуқаронинг исмидан ноқонуний фойдаланиш оқибатида зарап етказилган тақдирда ФК 1194-модданинг зарап етказилганлиги оқибатида келиб чиқадиган мажбуриятлар тўғрисидаги коллизион нормаси қўлланиши мумкин.

Жисмоний шахснинг исмга, ундан фойдаланишга ва уни ҳимоя қилишга бўлган ҳуқуқлари юзасидан коллизион муаммоларнинг ечими, хусусан, муаллифлик ва шунга яқин ҳуқуқ соҳаларидағи муносабатларни тартибга солувчи қонун ва халқаро шартномаларда ҳам мавжуддир. Умумий тамойилга кўра, исмга бўлган муаллифлик ҳуқуқи ҳар бир жисмоний шахсга тааллуқли исмга бўлган умумфуқаролик ҳуқуқига мос келмайди ва моҳиятига кўра, асардан фойдаланишда муаллифнинг исмини кўрсатиш усулига бўлган ҳуқуқ ҳисобланади (масалан, муаллифнинг тўлиқ ҳақиқий исмини ёки унинг тўқилган исмини — тахаллусини кўрсатиш, ёхуд исмни кўрсатмасдан — аноним тарзда акс эттириш).

### **1172-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг фуқаролик ҳолати хужжатларини қайд этиш**

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида яшаб турган  
Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг фуқаролик ҳолати  
хужжатларини қайд этиш Ўзбекистон Республикасининг консул-**

**лик муассасаларида амалга оширилади. Бунда Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатлари қўлланилади.**

Шарҳланаётган моддадаги коллизион норма муносабатларни тартибга солиш мазмунига кўра, Ўзбекистон Республикасидан четда яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этишда ваколатли орган ва қўлланиши лозим бўлган ҳукуқни кўрсатади. Ўзбекистон Республикаси худудида фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш миллий қонунчилиқда назарда тутилган (ФК 38-м. ва унга берилган шарҳларга қаранг).

Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 203-моддасида Ўзбекистон Республикаси худудида ва ундан ташқарида фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этувчи органлар белгиланган. Масалан, мазкур қонун консулга Ўзбекистон Республикаси худудидан ташқарида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш ваколатини беради. Таъкидлаб ўтамизки, консуллик мансабдор шахснинг ҳукуқий ҳолати Ўзбекистон Республикасининг кўп томонлама ва икки томонлама шартномаларида ҳамда унинг қонунчилигида назарда тутилган. Консуллик мансабдор шахс деб, консуллик вазифаларини бажариш топширилган хар қандай шахс ва шу қаторда консуллик ваколатхонасининг бошлиғига айтилади. Консулнинг мазкур белгиси ва мақоми ҳалқаро ҳукуқда умумэтироф этилган бўлиб ҳисобланади. Консуллик алоқалари тўғрисидаги 1963 йил 24 апрелдаги Вена конвенциясига асосан, консуллик вазифаларига фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этувчи ва шу каби бошқа мажбуриятларни бажариш, шу қаторда консуллик муассасаси жойлашган мамлакат қонунчилиги ва қоидаларига зид бўлмаслиги шарти билан айрим маъмурий характердаги вазифаларни амалга ошириш киради (5-f-м.). Ушбу матнда Ўзбекистон Республикаси ва Латвия Республикаси ўртасида тузилган Консуллик конвенцияси (2004 йил 7 апрель, Рига) консулнинг фуқаролик ҳолати бўйича функцияларини аниқлаштиради (44-модда): 1. Консуллик мансабдор шахс:  
а) юборувчи давлат фуқароларининг туғилиш ва ўлимини қайд этиш;  
б) шахсларнинг никоҳларини қайд этиш, агар никоҳ аҳдини расмийлаштираётган ҳар иккаласи юборувчи давлат фуқароси бўлса ва бу унинг қонунларига зид бўлмаса; в) туғилиш, ўлим ва никоҳ тузиш борасидаги ҳамда юборувчи давлат фуқароларининг оиласи ахволини ўзгартириш

билан боғлиқ бўлган маълумот ва хужжатларни олиш ва уларни рўйхатдан ўтказиш хукуқига эга. 2. Агар қабул қилувчи давлат қонунлари талаб қилса, консуллик мансабдор шахс у томонидан амалга оширилган, ушбу модданинг 1-банди а-, б- ва в-кичик бандларида кўрсатилган ҳаракатлар тўғрисида қабул қилувчи давлат ваколатли органларига хабар қиласи. 3. Ушбу модданинг 1-банди а- ва б- бандларида кўрсатилган ҳолатлар манфаатдор шахсларнинг қабул қилувчи давлат қонунларига риоя қилиш мажбуриятидан озод қilmайди.

Кўрсатилган вазифаларни бажаришда консуллик мансабдор шахс у вакил бўлиб қатнашаётган давлатнинг қонунчилигини кўллади. Масалан, 1996 й. 29 августдаги Ўзбекистон Республикаси Консуллик устави (44-м.) ва Оила кодекси 203-моддасининг учинчи қисмига кўра, консул Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг фуқаролик ҳолати далолатномаларини Ўзбекистон қонунчилигига асосан қайд этади. Шу билан бирга консул ушбу масалаларда Ўзбекистон Республикасидан четда доимий яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларига ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритиш, йўқолган ёзувларни тиклаш ҳамда фамилия, исм ва шарифини ўзгартириш тўғрисидаги аризаларини қабул қиласи ва уларни ваколатли органларга кўриб чиқиш учун юборади. Ўзбекистон Республикасининг ҳаво, денгиз ёки дарё кемасида бирор-бир шахснинг туғилиши ёки ўлими тўғрисида маълумот олингандан сўнг, консул Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги асосида туғилиш ёки ўлим далолатномасини қайд этади. Кўрсатилган актлардан ташқари консуллик мансабдор шахснинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлар ва Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланган консул томонидан фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома билан тартибга солинади.

Таъкидлаб ўтамизки, шарҳланаётган модданинг шу каби нормаси Арманистон (1270-м.), Белорусия (1107-м.), Қозогистон (1098-м.) ва Қирғизистон (1181-м.) Республикаларининг фуқаролик кодексларида мавжуд. Аммо, Эстониянинг 1994 йилги фуқаролик кодексининг умумий тамойиллар тўғрисидаги Қонунининг 132-параграфида умумий тарзда, ваколатли органни кўрсатмаган ҳолда қўлланиши лозим бўлган хукуқ тўғрисида куйидаги қоидани назарда тутади: (1) фуқаролик ҳолати дало-

латномасини қайд этишда, фуқаролик ҳолати далолатномаси тузилаётган мамлакат қонуни қўлланилади; (2) чет давлатда тузилган фуқаролик ҳолатини қайд этиш далолатномаси, агар у ушбу давлатнинг қонунига кўра тузилган бўлса, Эстонияда ҳақиқий деб тан олинади.

### **1173-модда. Фуқаролик ҳолати ҳужжатларини тасдиқлаш учун хорижий давлат органлари томонидан берилган ҳужжатларни тан олиш**

**Ўзбекистон Республикаси худудидан ташқарида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан тегишли давлатларнинг қонунлари бўйича тузилган фуқаролик ҳолати ҳужжатларини тасдиқлаш учун хорижий давлатларнинг ваколатли органлари томонидан берилган ҳужжатлар расмийлаштирилган такдирда, Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий деб тан олинади.**

Шарҳланаётган моддада, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида тегишли давлатларнинг қонунлари асосида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан тузилган фуқаролик ҳолати далолатномаларини гувоҳлантирувчи чет давлатлар ваколатли органлари томонидан берилган ҳужжатларни Ўзбекистон Республикасида тан олишнинг процессуал масалалари (расмий жараён) назарда тутилади.

Анъанага кўра бир давлат худудида берилган ва юридик қучга эга бўлган ҳужжатлар бошқа давлат худудида, агар давлатларнинг қонунчилигига ёки улар иштироқчиси бўлган халқаро шартномаларнинг легаллаштириш таомилини бекор қилувчи қоидаларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, улар белгиланган тартибда тасдиқлангандан (легаллаштирилгандан) кейингина ишлатилиши мумкин.

Хозир бундай тасдиқлашнинг икки усули — консуллик легаллаштириши ва маҳсус штамп — апостиль қўйиш тарқалган.

**Консуллик легаллаштириши** ҳужжатларнинг улар ишлаб чиқилган давлат қонунчилигига мослигини тасдиқлашдан иборат, у мансабдор шахс имзосининг ҳақиқийлигини, унинг мақомини ва тегишли ҳолларда, ҳужжатлар ва далолатномалардан бошқа давлатда фойдаланиш мақсадида

улардаги ваколатли давлат органининг муҳрини тасдиқлашни англатади. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг Консуллик устави, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари, шунингдек Адлия вазирлиги томонидан 1997 йил 12 марта 313-сон билан рўйхатга олинган Консуллик легаллаштириши тўғрисида йўрикнома Ўзбекистон Республикасида консуллик легаллаштириши масалаларини тартибга солувчи номатив-хуқуқий базани ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига мувофиқ «Ўзбекистон Республикаси худудидан ташқарида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан тегишли давлатларнинг қонунлари бўйича тузилган фуқаролик холати хужжатларини тасдиқлаш учун хорижий давлатларнинг ваколатли органлари томонидан берилган хужжатлар легаллаштирилган ёки апостиль қўйилган такдирда, Ўзбекистон Республикасида ҳакикий деб тан олинади» (1173-модда. Фуқаролик холати хужжатларини тасдиқлаш учун хорижий давлат органлари томонидан берилган хужжатларни тан олиш).

1996 йил 29 августдаги Ўзбекистон Республикасининг Консуллик устави XI бобига кўра, хужжатлар ва далолатномаларни легаллаштириш бўйича вазифалар Ўзбекистон Республикаси консуллари зиммасига юкланди. Консул консуллик округи ҳокимият органлари томонидан тасдиқланган ёки улардан чиқадиган хужжатлар ва далолатномаларни легаллаштириш учун қабул қиласи. Ўзбекистон Республикасининг ташкилот ва муассасалари хорижий давлатнинг ташкилот ва муассасаларидан чиқадиган хужжатлар ва далолатномаларни консуллик легаллаштириши бўлгандагина кўриб чиқиш учун қабул қиласи, бинобарин, агар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ёки Ўзбекистон Республикаси ҳамда ташкилот ва муассасаларидан ушбу хужжатлар ва далолатномалар чиқадиган давлат иштирокчилари бўлган халқаро шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, улар легаллаштирилмайди.

Консул хужжатлар ва далолатномаларни легаллаштириш учун консуллик округининг туриш давлатининг ташкилот ва муассасаларидан чиқадиган хужжатлар ва далолатномаларни тасдиқлаш ваколати берилган мансабдор шахслари имзолари ва муҳрларининг намуналарига эга бўлиши лозим.

Консуллик легаллаштириши тартиб-таомилининг амалга оширилишини кўриб чиқамиз. Нотариус томонидан тасдиқланган хужжат бошқа мамлакат ҳудудида кучга эга бўлиши учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига юборилади, у ерда нотариус имзосининг ва унинг муҳри оттискининг ҳақиқийлиги тасдиқланади. Шундан сўнг хужжат Консуллик легаллаштириши тўғрисида йўриқномада белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг консуллик бошқармасида ва у ҳудудида фойдаланиладиган давлатнинг дипломатик ваколатхонасида ёки консуллик муассасасида легаллаштирилади.

Кўриниб турибиди, консуллик легаллаштириши тартиб-таомили анча мураккаб ва каттагина сарф-харажатларни талаб қилади. Аммо у мукаммал эмас, чунки бундай кўп погонали ва сермашаккат тартиб-таомил орқали ўтган хужжат консуллик хизмати легаллаштирган давлат учунгина ҳақиқий ҳисобланади.

Хорижий хужжатларини тан олиш жараёнини соддалаштириш мақсадида 1961 йил 5 октябрда Гаага шаҳрида (Нидерландия) Хорижий расмий хужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи конвенция имзоланди. Гаага конвенциясининг иштирокчи мамлакатлари учун ушбу мамлакатлардан униси ёки бунисига юборилаётган (иштирокчи мамлакатлардан бирида берилган ва фойдаланилган) расмий хужжатларни дипломатик ёки консуллик легаллаштириши талаби бекор қилинди (соддалаштирилди), легаллаштириш ўрнига анча оддий ва Конвенциянинг барча иштирокчи мамлакатлари учун ягона бўлган янги тасдиқлаш тартиб-таомили жорий қилинди, ҳозир бундай мамлакатлар сони 100 тадан ортиқ.

«Ўзбекистон Республикасининг Хорижий расмий хужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи Конвенцияга (Гаага, 1961 йил 5 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида» 2011 йил 4 апрелда қабул қилинган ЎРҚ-279-сонли Ўзбекистон Республикаси Конунига мувофиқ мамлакатимиз Гаага конвенциясига қўшилди.

Гаага конвенцияси мамлакатимиз учун кучга киргандан сўнг Ўзбекистон Республикасида берилган ва Гаага конвенциясининг бошқа иштирокчи мамлакатларининг расмий органларига тақдим этиш учун мўлжалланган хужжатлар алоҳида, соддалаштирилган тартибда тасдиқланмоқда: Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органлари **максус штамп**

**(апостиль)** кўймоқда, уни кейин тасдиқлаш ёки легаллаштириш талаб этилмайди ва у Конвенциянинг барча иштирокчи мамлакатларининг расмий муассасалари томонидан тан олинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хорижий расмий хужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи Конвенция (Гаага, 1961 йил 5 октябрь) қоидаларини амалга ошириш чоралари тўғрисида» 2011 йил 5 июлдаги ПҚ-1566-сонли Қарорига мувофиқ апостиль қўйиш ваколати бериладиган органлар белгиланди. Ўзбекистон Республикасида куйидаги муассасалар апостиль қўяди:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги — судлар, адлия органлари ва муассасаларидан чикадиган расмий хужжатларга;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси — прокуратура, тергов ва суриштирув органларидан чикадиган расмий хужжатларга;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест маркази — таълим ва фан соҳаси ташкилотларидан чикадиган расмий хужжатларга;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги — барча бошқа расмий хужжатларга.

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикасида апостиль қўйиш ваколати берилган органлар сони, чет эл тажрибасини ҳисобга олган холда, биттадан тўрттагача кўпайтирилди. Францияда ушбу вазифа факат маъмурий-худудий бирликларнинг аппеляция судлари зиммасига юкланган. Швеция ҳукумати апостиль қўйишни марказлаштиришдан воз кечди ва 250 тага яқин бўлган барча жамоат нотариусларини апостиль қўйиш учун ваколатли органлар этиб тайнинлади.

Ўзбекистон Республикасининг хужжатларга апостиль қўйиш ваколати берилган органлари хужжатларни уларнинг чет элларда амал қилиши учун расмийлаштириш чоғида Гаага конвенциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига, шунингдек, Апостиль қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга риоя қилишлари лозим. Хужжатларга апостиль қўювчи ходимлар уларнинг Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мослигини, шунингдек нотариуслар томонидан хужжатларнинг расмийлаштирилиши тўғрилигини текширишлари лозим.

Гаага конвенциясининг 1-моддасига мувофиқ хорижий хужжатларни (консуллик) легаллаштириш талабини бекор қилиш аҳдлашувчи давлат-

лардан бирининг худудида берилган расмий ҳужжатларга нисбатан жорий этилади ва бошқа аҳдлашувчи давлат худудида тақдим этилиши лозим.

Гаага конвенциясида расмий ҳужжатлар деб қўйидагилар тушунилади:

давлат юрисдикциясига бўйсунувчи орган ёки мансабдор шахсдан чиқадиган ҳужжатлар, шу жумладан прокуратурадан, суд котибидан ёки суд ижрочисидан чиқадиган ҳужжатлар;

маъмурий ҳужжатлар;

нотариал далолатномалар;

ҳужжатнинг ёки муайян санада рўй берган фактнинг рўйхатга олинишини тасдиқловчи расмий гувоҳномалар, имзоларни расмий ва нотариал тасдиқлаш каби расмий кишилар томонидан хусусий шахс сифатида имзоланган ҳужжатларга ёзилган расмий ёзувлар.

Гаага конвенцияси маълумот, фуқаролик ҳолати, меҳнат стажи тўғрисидаги ҳужжатларга, тирик эканлик тўғрисидаги гувоҳномаларга, маълумотномаларга, ишончномаларга, фуқаролик, оиласвий ва жиноят ишлари бўйича суд қарорлари ва материалларига жорий этилади.

Гаага конвенцияси қоидалари дипломатик ва консуллик агентлари томонидан берилган ҳужжатларга, шунингдек тижорат ёки божхона операциясига бевосита алоқадор бўлган маъмурий ҳужжатларга жорий этилмайди. Уларга битимлар тузиш, товарларни чегара орқали ўтказиш бўйича келишувлар, товарларни етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги, улар бўйича турли ишларни ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш тўғрисидаги шартномалар (контрактлар) ва бошқалар киради. Ушбу тартиб худудида мазкур ҳужжатлардан фойдаланиладиган мамлакатларнинг ички қонунчилигида назарда тутилган ҳолларда улар одатдаги йўсинда легаллаштирилиши лозим, яъни бир неча муассасада тасдиқловчи ёзувни бирин-кетин қўйиб чиқишини ўз ичига олувчи консуллик легаллаштириши кўлланилади. Бундай турдаги ҳужжатларни легаллаштиришда кўп погоналиknинг сақланиши тижорат корхоналари фаолиятини қатъйроқ назорат қилиш имконини беради. Айни вактда уставлар ва таъсис ҳужжатларига, патентлар ва давлат ҳокимияти ёки бошқаруви органидан чиқадиган бошқа ҳужжатларга (рўйхатга олиш тўғрисидаги гувоҳномалар, лицензиялар ва х.) апостиль қўйилади. Устав ҳужжатларида, шунингдек уларга ўзгартиш ва қўшимчаларда рўйхатга олувчи ёки солиқ органининг белгиси ва муҳри, шунингдек рўйхатга олувчи орган мансабдор шахсининг имзоси бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикасида берилган ва Гаага конвенциясининг бошқа иштирокчи мамлакатлари расмий органларига тақдим этиш учун мўлжалланган ҳужжатлар алоҳида, соддалаштирилган тартибда тасдиқланади: Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органлари кейин тасдиқлаш ёки легаллаштириш талаб этилмайдиган ва Конвенциянинг барча иштирокчи мамлакатлари расмий муассасалари томонидан тан олинидиган маҳсус штамп (апостиль) кўяди. Гаага конвенциясининг 9-моддасига кўра, ҳар бир аҳдлашувчи давлат унинг дипломатик ёки консуллик агентлари Конвенцияда легаллаштиришдан озод этиш назарда тутилган ҳолларда уни амалга оширмасликлари учун зарур чораларни кўради. Апостиль имзонинг ҳақиқийлигини ва ҳужжатни имзолаган шахснинг вазифасини ва зарур бўлганда ушбу ҳужжат гувохлантирилган муҳр ёки штампнинг ҳақиқийлигини ва бошқаларни тасдиқлади.

Апостиль ҳар бир ҳужжат тақдим қилувчининг илтимосига кўра бевосита ҳужжатнинг матндан бўш жойига ёки унинг орқа томонига ёхуд алоҳида қофоз варагига кўйилади. У апостиль штампини босиш кейин уни тўлдириш ва муҳр кўйиш йўли билан амалга оширилади. Апостиль штампини тўлдириш Гаага конвенциясига, қонунчиликка, шунингдек апостиль кўйиш ваколати берилган органларнинг йўриқномаларига мувофиқ амалга оширилади.

Апостиль кўйиш ваколати берилган орган апостиль штампига Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири ва уни кўйиш ваколати берилган органнинг номи туширилган муҳрни кўяди. Муҳрда бошқа тасвиirlар ва ёзувлар бўлмаслиги лозим. Нотариуслар томонидан тайёрланган ҳужжатлар тоза қофоз варагига расмийлаштирилади.

Апостилга кўйиладиган имзо, муҳр ёки штампни кейин ҳеч қандай тасдиқлаш ёки легаллаштириш талаб этилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг барча муассаса ва ташкилотлари Гаага конвенциясида назарда тутилган ҳолларда хорижий ҳужжатларни уларни легаллаштиримай қабул қилиши лозим ва Гаага конвенцияси иштирокчи мамлакатларидан келадиган ва апостиль кўйилган хорижий ҳужжатларни қабул қилишни ва фойдаланишни рад этиши мумкин эмас.

Апостиль кўйган орган ҳар бир манфаатдор шахснинг талаби бўйича апостилдаги ёзувлар қайдлар дафтарига ёки картотекага киритилган маълумотларга мос келишини текшириши лозим. Бунинг учун апостиль

кўювчи шахслар апостиль қўйиш йўли билан тасдиқлаш талаб этиладиган расмий хужжатлар келиб тушувчи (ёки келиб тушиши мумкин бўлган) қарамогидаги муассасаларнинг мансабдор шахслари имзоларининг намуналарига эга бўлиши лозим.

1997 йил 12 марта қабул қилинган 313-сонли Консулиллик легаллаштириши тўғрисидаги йўриқномада Ўзбекистон Республикаси қонунчиллигига зид бўлган ёки ўз мазмуни бўйича давлат манфаатларига заарар етказиши мумкин бўлган ёки чет элларда фойдаланиш учун мўлжалланган хужжатларни расмийлаштиришни тартибга солувчи талаблар бузилган ҳолда расмийлаштирилган ёки фуқароларнинг ор-номуси ва қадр-қимматига иснод келтирувчи маълумотларга эга бўлган хужжатлар ва далолатномаларнинг легаллаштирилиши ёки уларга апостиль қўйилиши мумкин эмаслиги белгиланган.

Шунингдек қуйидаги хужжатларнинг асл нусхалари ва нусхалирини легаллаштириш мумкин эмас: паспортлар, партияларга мансублик ҳақидаги хужжатлар, касаба уюшмаларининг аъзолик хужжатлари, меҳнат дафтарчалари, ҳарбий гувоҳномалар, шахсий гувоҳномалар, ҳайдовчилик гувоҳномалари, табақалар ва диний эътиқодларга мансублик ҳақидаги хужжатлар ва бошқа айрим хужжатлар. Хужжатнинг бу кисмига ўзгартишлар киртилмайди, шекилли.

Агар ҳалқаро шартномада ушбу тартиб-таомилларни бекор қилиш ёки соддалаштириш назарда тутилган бўлса, консулиллик легаллаштирилиши ва апостиль қўйиш талаб этилмайди. МДҲга аъзо давлатлар томонидан 1993 йил 22 январда Минск шаҳрида имзолangan Фуқаролик, оила ва жиноят ишлари бўйича хукуқий ёрдам ва хукуқий муносабатлар тўғрисидаги конвенциянинг 13-моддасига биноан, аҳдлашувчи томонлардан бирининг расмий ҳокимият органлари тарафидан берилган хужжатлар расмий хужжатлар деб ҳисобланади ва уларни бошқа аҳдлашувчи томон ҳудудида бирор тасдиқлаш (легаллаштириш) талаб этилмайди. Арманистон Республикаси, Белоруссия Республикаси, Грузия, Молдова Республикаси, Озарбайжон Республикаси, Россия Федерацияси, Туркманистон, Украина, Ўзбекистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Қозогистон Республикасидан иборат 11 та давлат Минск конвенциясининг иштирокчилари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси билан МДҲнинг иштирокчиси ҳисобланган бир қатор давлатлари ва Грузия, шунингдек Болгария (16-модда), Латвия (13-модда), Литва (13-модда), Чехия (13-модда) ва Туркия (14-модда) билан

тузилган Фуқаролик, оила ва жиноят ишлари бўйича хукукий ёрдам ва хукукий муносабатлар тўғрисидаги икки томонлама шартномалар худди шундай кучга эга. Бундай хужжатлар учун фақат хужжатнинг тегишли тилга таржимаси тўғри эканини тасдиқловчи нотариал тасдиқлаш талаб этилади.

Хукукий ёрдам тўғрисидаги шартномаларнинг консуллик легаллаштириши талабини бекор килувчи моддаларини талқин қилишга тааллуқли бирор мунозарали масалалар юзага келганда, бундай ҳолатлар амалиётда тез-тез учрайди, ахдлашувчи томонлар уларни ҳамжиҳатлик асосида ва умумий манфаатларни хисобга олган ҳолда ҳал этидилар.

Қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси анчагина хукукий ёрдам тўғрисидаги икки томонлама шартномаларга эга. Уларнинг қўпчилиги Минск конвенцияси қоидаларига ўхшаш шартларга эга, аммо ҳар бир ҳолатда муайян шартномани дикқат билан ўқиб чиқиш керак бўлади, чунки муҳим фарқлар кўриниши мумкин. Масалан, легаллаштиришни бекор қилиш ҳар қандай хужжатга эмас, балки фақат бир давлат бошқа давлатга хукукий ёрдам кўрсатиш тариқасида тақдим этаётган хужжатларга (масалан, агар ушбу шартнома жиноят ишлари бўйича хукукий ёрдам тўғрисида бўлса, жиноятчилар ҳақидаги маълумотлар) тааллуқли бўлиши мумкин. Шартнома фақат жиноят ишларига ёки, аксинча фақат фуқаролик ишларига тааллуқли бўлиши мумкин ва х.к.

Бир давлатнинг расмий хужжатлари, агар хужжатда консуллик легаллаштириши тўғрисида белги ёки апостиль штампи бўлса, ёхуд улар бўлмаган тақдирда хужжатни берган ва уни қабул қилиб олувчи давлатлар имзолаган кўп томонлама ёки икки томонлама шартнома қоидалари сабабидан бошқа давлат худудида расмий хужжатлар сифатида кўриб чиқиш учун қабул қилиниши мумкин. Албатта, аввал расмий (кўпинча — нотариал тасдиқланган) таржима талаб этилиши мумкин. Шундан сўнг ундан (хужжат билан бирга унинг тасдиги ҳамда таржимаси) иккинчи мамлакатнинг ички хужжатлари билан тенг хукуқда фойдаланса бўлади, демак ундан нотариал тасдиқланган нусхалар олиш, давлат органларига, банкларга топшириш мумкин ва х.к.

Гаага конвенциясининг барча иштирокчи мамлакатларида расмиятчиликнинг бир хиллиги Конвенциянинг муҳим талаби хисобланади. 4-моддага кўра, ушбу мақсадда апостиленинг ягона намунаси ишлаб чиқилди, у Конвенцияни имзолаган турли давлатлар томонидан ваколат берилган органларда (Ўзбекистонда 4 та давлат органида) сақланади.

Гаага конвенциясига кўра, апостиль томонлари 9 сантиметрдан кам бўлмаган квадрат шаклига эга ва Конвенцияга илова қилинган намунага мос келиши лозим.

Рус тилидаги намунавий апостиль матнида қўйидаги маълумотлар бўлиши лозим:

апостиль берган давлатнинг номи,

апостиль билан тасдиқланадиган хужжатни имзолаган шахснинг фамилияси,

апостиль билан тасдиқланадиган хужжатни имзолаган шахснинг лавозими,

апостиль билан тасдиқланадиган хужжат муҳри/штампи билан гувохлантирилган муассасанинг номи,

апостиль қўйилган шаҳарнинг номи,

апостиль қўйилган сана,

апостиль қўйган органинг номи,

апостилнинг тартиб рақами,

апостиль қўйган муассасанинг муҳри/штампи,

апостиль қўйган мансабдор шахснинг имзоси.

Апостиль Конвенциянинг расмий тилларидан бирида (француз ёки инглиз) ҳам, апостиль қўйган давлатнинг миллий тилида ҳам тузилиши мумкин. Амалиётда апостилдаги ёзувлар кўпинча икки тилда (Конвенция тилларидан бирида ва миллий тилда) тақрорланади.

**«Apostille (Convention de la Haye du 5 octobre 1961)»** сарлавҳаси француз тилида бўлиши лозим.

Конвенцияга мувофиқ, апостиль хужжатнинг ўзига ёки хужжат билан бириклирадиган алоҳида варакқа қўйилади.

Конвенцияда апостиль матнига ўзгартишлар киритиш ва унинг сатрларининг штампдаги жойлашуви кетма-кетлигини ўзгартириш рухсат этилмаган. Шунингдек, тасдиқланадиган хужжатларга кейин тикиб қўйиш учун штампдан ксерокопия олиш усули билан ёки бошқача йўли билан варакдан апостиль ясашга рухсат этилмайди. Барча ҳолларда айнан апостиль штампининг оттиски босилиши лозим.

«Ўзбекистон Республикасининг Хорижий расмий хужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи Конвенцияга (Гаага, 1961 йил 5 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида» 2011 йил

4 апрелда қабул қилинган ЎРҚ-279-сонли Ўзбекистон Республикаси Конунида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи Конвенция (Гаага, 1961 йил 5 октябрь) қоидаларини амалга ошириш чоралари тўғрисида» 2011 йил 5 июлдаги ПҚ-1566-сонли Қарорида фуқаролик ва солик қонунчилигига, вазирликлар ва идораларнинг фоалияти тўғрисидаги айрим низомларга бир қатор ўзгартиш ва қўшимчилар киритиш назарда тутилган. Бир томондан Минск конвенцияси ва хукукий ёрдам тўғрисидаги икки томонлама шартномалар, бошқа томондан Гаага конвенцияси ўртасидаги ўзаро муносабат масалаларини тартибга солиш талаб этилади, бунда Гаага конвенцияси қоидаларини ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини кўллаш бўйича тайёргарлик ва кенг тушунишириш ишларини амалга ошириш зарур.

Ўзбекистон Республикасида Гаага конвенцияси 2012 йил 15 апрелдан амал қилмоқда.

Гаага конвенциясининг Ўзбекистон Республикасига нисбатан кучга киритилиши билан консуллик легаллаштириши йўли билан тасдиқланиши лозим бўлган ҳужжатлар сони камаяди, маълумки бундай легаллаштириш кўп пофонали, сермеҳнат ва серчиқим хисобланади. Шу билан бирга таъкидлаш жоизки, консуллик легаллаштириши батамом бекор қилинмайди, чунки дунёдаги давлатларнинг барчаси ҳам Консуллик легаллаштиришини бекор қилиш тўғрисидаги Гаага конвенциясига қўшилмаган ва қўшилганлари орасидан барчаси ҳам Ўзбекистон Республикасининг ушбу Конвенцияга қўшилишига рози эмас, демак ушбу давлатлар билан муносабатларда аввалгидек консуллик легаллаштириши тартиб-таомили кўлланилади. Мазкур Конвенция қоидаларига мувофиқ бундай эътиrozларга йўл қўйилади, улар вақтингачалик хусусиятига эга ва келгусида икки томонлама музокаралар йўли билан бартараф қилиниши мумкин.

#### **1174-модда. Васийлик ва ҳомийлик**

**Вояга етмаганлар, муомалага лаёқатсизлар ёки муомала лаёқати чекланган вояга етган шахслар устидан васийлик ёки ҳомийлик суд қайси мамлакатга тегишли бўлса, ўша мамлакат хукуки бўйича белгиланади ва бекор қилинади.**

**Васийнинг (ҳомийнинг) васийликни (ҳомийликни) қабул қилиш мажбурияти унинг васий (ҳомий) томонидан белгиланадиган шахсий қонуни бўйича аниқланади.**

**Васий (ҳомий) ва васийликка (ҳомийликка) олинган шахс ўртасидаги хуқукий муносабатлар муассасаси васийни (ҳомийни) тайинлаган мамлакат хуқуки бўйича аниқланади. Бироқ васийликка (ҳомийликка) олинган шахс Ўзбекистон Республикасида яшаётган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг хуқуки, башарти бу мазкур шахс учун қулайроқ бўлса, қўлланилади.**

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида яшаб турган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари устидан белгиланган васийлик (ҳомийлик), агар Ўзбекистон Республикаси тегишли консуллик муассасасининг васийлик (ҳомийлик) белгиланишига ёки унинг тан олинишига қарши қонунга асосланган эътиrozлари бўлмаса, Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий деб тан олинади.**

1. Шарҳланадиган модда васийлик ва ҳомийликнинг коллизион масалалари мавжуд бўлмаган Оила кодексидаги бўшлиқни тўлдиради.

Хукуқ тизими аввалгидай фуқаролик ва оила хукукини хукуқнинг алоҳида соҳалари сифатида кўрадиган МДҲнинг бир қатор бошқа давлатларида ҳам васийлик ва ҳомийлик масалаларини оила қонунчилиги эмас, балки фуқаролик хуқуки доирасида тартибга солиниши қабул қилинган. Таъкидлаб ўтиш жоизки, дунёнинг кўпчилик давлатларида васийлик ва ҳомийлик тўғрисидаги коллизион нормаларнинг ўрни тўғрисидаги савол умуман туғилмайди, чунки оиласи муносабатлар ушбу давлатларда хукуқ ва қонунчиликнинг алоҳида соҳаси бўлиб ҳисобланмайди. Шу билан бирга таъкидлаш жоизки, бир қатор мамлакатларда фуқаролик, оиласи ва меҳнат муносабатларини ўз ичига олган чет эл элементи мавжуд бўлган фуқаролик муносабатларнинг коллизион масалаларини кенг маънода тартибга солувчи халқаро хусусий хукуқ масалалари бўйича маҳсус актлар қабул қилинган.

Шарҳланадиган модда билан бир қаторда васийлик ва ҳомийликнинг коллизион ҳамда юрисдикциявий масалалари фуқаролик, оиласи ва жиноий ишлар бўйича хукукий ёрдам ва хукукий муносабатлар тўғрисидаги Конвенция (1993 й. 22 январь, Минск) ва Ўзбекистоннинг фуқаролик, оиласи ва меҳнат муносабатлари бўйича хукукий ёрдам

тўғрисидаги икки томонлама шартномаларининг нормалари асосида тартибга солинади.

2. Шарҳланаётган модда тартибга солиш мазмуни нуқтаи назаридан Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги халқаро шартномаларига киритилган васийлик ва ҳомийлик тўғрисидаги қоидалардан фарқланади.

Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми васийлик ва ҳомийликни белгилаш ва бекор қилиш масалалари суд мамлакати қонуни бўйича халқилиниши лозимлиги тўғрисидаги икки томонлама умумий нормага эгадир.

Мазкур ёндашув ушбу масалаларнинг Ўзбекистоннинг ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги халқаро шартномаларида тартибга солинишига тўлиқ мос келмасада, умуман олганда ўхшашдир. Шарҳланаётган модданинг 1-қисми ва халқаро шартномалардаги қоидалар ўртасидаги фарқ шундаки, 1993 й. Минск конвенцияси ҳамда васийлик ва ҳомийлик масалаларига тааллукли деярли барча икки томонлама шартномалар устидан васийлик белгиланаётган жисмоний шахснинг шахсий қонуни эмас, балки фуқаролиги мансуб бўлган мамлакат ҳуқуқи боғловчисидан келиб чикади. Фуқаролик мансуб бўлган мамлакат ҳуқуқига ҳавола, васийликни белгилаш ҳуқуқига эга органларнинг ваколати билан бир қаторда, қўлланиши лозим бўлган ҳуқуқни ҳам белгилайди. Умумий қоидага кўра, Минск конвенцияси ҳам, ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг икки томонлама шартномалари ҳам, агар муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган шахс бошқа аҳдлашувчи тарафнинг ҳудудида яшаш жойи, тураг жойи ёки молмулкка эга бўлса, васийлик ва ҳомийликни ушбу давлатнинг ваколатли органига берилишига йўл қўйиши мумкин. Бундай ҳолларда, васийлик ва ҳомийликни қабул қиласан орган уларни ўз миллий қонунчилиги асосида амалга оширади (масалан, 1997 й. 18 июндаги фуқаролик, оиласий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги шартноманинг 28-моддаси).

Бошқа давлатларнинг фуқаролик қонунчилиги ва амалиёти васийлик ва ҳомийликни тартибга солувчи қонунни танлашга турлича ёндашадилар. Бир қатор мамлакатларда васийлик ва ҳомийликни белгилаш ва бекор қилиш масалалари суд қонуни билан (Қирғизистон, Лихтен-

штейн), бошқаларида устидан васийлик ёки ҳомийлик белгиланаётган шахснинг шахсий қонуни асосида (Австрия, Арманистон, Белоруссия, Венгрия, Қозоғистон, Италия, БАЭ, Португалия, Россия, Руминия ва б.), учинчиларида эса муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган шахснинг фуқаролиги мансуб бўлган мамлакат қонуни билан (Германия, Греция, Испания, Таиланд, Тунис, Туркия, Чехия, Жанубий Корея, Япония ва б.), тўртингиларида бундай шахснинг домий яшаш жойи ёки турар жойи қонуни билан (умумий хуқуқ давлатлари, бир қатор Лотин Америкаси давлатлари, Квебек Канада провинцияси) белгиланади.

3. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми шахсга юкланган васийлик ёки ҳомийлик мажбуриятларини қабул қилиш мажбуриятлари хусусида маҳсус нормани белгилайди. Бундай маҳсус норма Ўзбекистоннинг хуқуқий ёрдам тўғрисидаги кўпгина икки томонлама шартномаларига (acosan МДХ давлатлари билан) киритилган ҳамда 1993 й. Минск конвенциясида ҳам мавжуд. Бу васий ёки ҳомий сифатида белгиланган чет эллик шахс энг узвий боғланган хуқуқий тизимни инобатга олиш заруратини ўзида акс эттиради ҳамда ушбу боғлиқлик айнан шахснинг шахсий қонунига ҳавола этишни таъминлашидан келиб чиқади (1168-м.).

Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмидан фарқли равишда 1993 й. Минск конвенцияси ҳамда юқорида санаб ўтилган хуқуқий ёрдам тўғрисидаги икки томонлама шартномалар шахснинг васий ёки ҳомий бўлиш мажбуриятини белгилашда унинг шахсий қонунига ҳавола эта-дилар. Бу ҳолат, агарда Ўзбекистон Республикаси суди чет эллик шахсни васий ёки ҳомий этиб белгиласа ҳамда шу билан бирга хуқуқий ёрдам тўғрисидаги тегишли шартнома қўлланиши лозим бўлса, васийлик ва ҳомийликни қабул қилиш мажбурияти тўғрисидаги масала мазкур шахснинг фуқаролиги мансуб бўлган мамлакат қонуни асосида ҳал этилишини билдиради.

Бир қатор хорижий мамлакатларнинг фуқаролик қонунчилиги шахснинг васийлик ёки ҳомийликни қабул қилиш мажбуриятлари тўғрисидаги масалани у шахсий қонун (Арманиятон — 1-п. 1268-м.; Белоруссия — 1-п. 1109-м.; Венгрия, Қозоғистон — 1-п. 1124-м.; Кирғизистон — 1-п. 1183-м.; Россия — 1-п. 1199-м.; Руминия.) ёки фуқаролик қонуни (Чехия — 1-п. 42) асосида тартибга солиниши лозимлигидан келиб чиқиб, маҳсус тартибга солади.

1993 й. Минск конвенцияси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг хуқукий ёрдам тўғрисидаги айрим шартномаларининг (МДҲ давлатлари билан) шарҳланадиган моддадан, васий (ҳомий)нинг шахсига тегишли масалаларнинг тартибга солиниши билан боғлиқ яна бир фарқли томонни таъкидлаб ўтиш керак. Кўрсатилган халқаро шартномаларда васий ва ҳомийнинг шахсига нисбатан айрим чекловлар мавжуд бўлиб, уларга кўра бир аҳдлашувчи тараф фуқароси васийлик ёки ҳомийлик амалга ошириладиган мамлакат худудида яшасагина, иккинчи аҳдлашувчи тарафнинг фуқаросига васий ёки ҳомий этиб белгиланиши мумкин.

4. Шарҳланадиган модданинг учинчи қисми васий (ҳомий) ва васийликдаги шахс ўртасидаги муносабатлар қайси мамлакат хуқукига бўйсунишини белгилайди. Моҳиятан, гап васийлик ва ҳомийлик белгиланганидан сўнг қай тариқа амалга оширилиши ҳақида бормоқда. Бу 1993 й. Минск конвенцияси ҳамда хуқукий ёрдам тўғрисидаги икки томонлама шартномаларда (Озарбайжон, Грузия, Қирғизистон, Латвия, Литвия ва бошқа МДҲ давлатлари билан) иштирок этган маҳсус нормалардан яна биридир.

Шарҳланадиган модданинг учинчи қисми асосий қоида сифатида, муассасаси васийлик ва ҳомийликни белгилаган мамлакат қонунига ҳаволани назарда тутади. Ушбу норма мазмунан, юқорида кўрсатилган хуқукий ёрдам тўғрисидаги халқаро шартномаларда мавжуд бўлган шу каби қоидага мос келади. Кўриб чиқиладиган боғловчи васий (ҳомий) ва васийликдаги шахс ўртасидаги муносабатни тартибга солувчи хукукни танлашда, шахсий қонун ёки муносабат иштирокчиларидан бирининг фуқаролиги ёхуд яшаш жойи билан бевосита боғламайди. Шундай бўлсада, деярли барча ҳолатларда бундай алоқа у ёки бу мамлакат ваколатли органдарни ёхуд судлари чет эл элементи билан мураккаблашган васийлик ёки ҳомийликни белгилаш ёки бекор қилишга ҳақли бўлган шартларни белгилишларида намоён бўлади. Асосан, тегишли мамлакат фуқаролигининг бўлиши ёки чет эллик фуқаронинг унда яшаш жойига эга бўлиши каби омиллар ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу васийликдаги (ҳомийликдаги) шахснинг фуқаролиги ёки яшаш жойи, у ва васий (ҳомий) ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик ўртасидаги боғлиқликка билвосита сабаб бўлади. Аммо, агар қонунчилик ўз муассасаларининг васийликни (ҳомийлик) белгилаш ёки бекор қилиш бўйича ваколат-

ларини кўрсатилган омиллар билан боғламаса, бу ҳолат юз бермайди. Ўзбекистонда умумий қоидага кўра, васийлик ва ҳомийлик суд тартибида белгиланмаслиги ва бекор бўлмаслиги сабабли, ФПКнинг V бўлими мазкур масала бўйича процессуал нормаларга эга эмас. Лекин, васийликни (ҳомийлик) белгилаш билан шахсни муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топиш ўртасида узвий боғлиқлик борлигини иnobatga олган ҳолда, чет эл элементи мавжуд бўлган ҳолларда муассасалар васийликни белгилашга ваколатли бўлган шартлар, шахсни муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топиш муносабатларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси судларининг юрисдикциясини белгиловчи ФПКнинг 388-моддасида назарда тутилган шартларга мос келиши керак деб хисоблашга асос бор. Бу васийликка (ҳомийликка) олинаётган шахс Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиши ёки яшаш жойига эга бўлиши лозимлигини билдиради.

Хукукий ёрдам тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари га келсақ, айтиб ўтилганидек уларнинг кўпчилиги васийлик ёки ҳомийликнинг белгиланиши ёки бекор қилиниши муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган шахснинг фуқаролиги мансуб бўлган мамлакат муассасаларининг ваколатига киришини тўғридан-тўғри кўрсатади. Тегишинча кўп ҳолларда хукукий ёрдам тўғрисидаги шартнома таъсири остидаги васий (ҳомий) ва васийликдаги (ҳомийликдаги) шахс ўртасидаги муносабатлар ҳам васийликдаги шахснинг фуқаролиги мансуб бўлган мамлакат хукукига бўйсунади.

Васий (ҳомий) ва васийликдаги шахс ўртасидаги муносабатлар хукукий ёрдам тўғрисидаги халқаро шартномалар таъсири остига тушганда, аммо васийлик (ҳомийлик) учинчи мамлакатда қонуний белгиланган ҳоллардаги чекловларни (nisbatan kam юз берадиган ҳолат) таъкидлаш зарур. Ушбу учинчи мамлакатнинг мазкур шартномага алоқаси йўқ деб хисоблаб, кўрилаётган муносабатларга айнан унинг қонунчилиги кўлланилиши лозим. Шу билан бирга васий (ҳомий) ва васийликдаги (ҳомийликдаги) шахс ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи хукуқни танлаш тўғрисидаги умумий қоида билан, шарҳланаётган модданинг учинчи қисми Ўзбекистон Республикаси хукукини кўллаш тўғрисидаги маҳсус альтернатив нормани ҳам белгилайди. Бу умумий қоидага нисбатан чекланган характеристга эга, чунки уни кўллаш учун бир вақтнинг ўзида

икки шартнинг мавжуд бўлиши талаб этилади, яъни чет давлатда васийлик ёки ҳомийлик белгиланган шахс Ўзбекистонда яшаш жойига эга бўлиши керак ва шунга кўра Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқи унинг учун энг мақбул бўлиб ҳисобланади. Умумий қоидадан мазкур истиносно васийликдаги шахснинг манфаатлари учун қилинган. Шу каби қоида МДҲ давлатларининг (Арманистон, Белоруссия, Қозогистон, Қирғизистон, Россия) ҳамда айрим бошқа давлатларнинг (масалан, Венгрия) фуқаролик қонунчилигига мавжуд.

Таъкидлаб ўтамизки, 1993 й. Минск конвенцияси ҳамда ҳуқукий ёрдам тўғрисидаги халқаро шартномаларда васийликдаги шахс фойдасига умумий қоидадан истисонолар мавжуд эмас. Тегишинча васий (ҳомий) ҳамда васийлик чет мамлакатда белгиланган Ўзбекистонда яшаш жойига эга бўлган шахс ўртасидаги муносабатлар халқаро шартнома таъсири остига тушган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқи фойдасига истиносно қўлланилмайди.

### **1175-модда. Юридик шахснинг қонуни**

**Юридик шахс қайси мамлакатда таъсис этилган бўлса, шу мамлакатнинг ҳуқуқи мазкур юридик шахснинг қонуни ҳисобланади.**

1. Шарҳланаётган модда юридик шахснинг мавжуд бўлиш факти билан бир қаторда, фаолиятининг принципиал асосларини ҳам белгилайди.

Қонунчилик, суд ва бошқа ҳуқуқни қўллаш амалиётида, ҳамда халқаро хусусий ҳуқуқ доктринасида юридик шахснинг давлатга «тегишилиги»ни ифодалаш учун юридик шахснинг «миллати» категорияси, ҳуқуқ тизимиға алоқадорлигини ифодалаш учун — юридик шахснинг «шахсий қонуни» ибораси ишлатилади. Алоҳида манбаларда мазкур иборалар синонимлар сифатида қўлланиллади. Бошқаларида улар ўртасидаги фарқ кўрсатилган ҳамда юридик шахснинг миллати тушунчаси мазкур шахснинг оммавий-ҳуқуқий ҳамда хусусий-ҳуқуқий мақомини ўз ичига олади, юридик шахснинг шахсий қонуни эса ушбу шахснинг хусусий ҳуқуқий мақомини назарда тутади.

Юридик шахснинг шахсий қонунини белгилаш учун англо-американ умумий ҳуқуқ давлатларида ташкилотнинг «инкорпорация» (устав рўйхатга олинган ёки тасдиқланган, юридик шахс таъсис этилган мамлакат

хукуки) жойи мезони қўлланилади, кўпчилик романо-герман хукуқига оид давлатларда (континентал Европа) эса, юридик шахснинг «ўтроклиқ» аломати, яъни унинг олий органи (бошқаруви, дирекцияси) ёки маъмурий маркази жойлашган жой мезони қўлланилади. Кўрсатилган мезонлар билан бирга, бир қатор мамлакатларнинг қонунчилигида юридик шахснинг шахсий қонунини белгилашда, ушбу ташкилотни назорат қилувчи субъектлар (шу қаторда устав капиталида устун иштирок этиш йўли билан) миллатига боғлик бўлган «назорат» назарияси қўлланилади. «Ривожланётган» бўлиб ҳисобланувчи мамлакатлар қонунчилида «эксплуатация маркази», яъни юридик шахснинг хўжалик фаолиятининг асосий амалга ошириш жойи аломати кенг тарқалиб бормоқда.

Айтиб ўтилган мезонлар, уларнинг турли модификация қилинган варианtlари ва бирикмаларига қарамай (масалан, Италия, Швейцария, Эстония), ҳар доим ҳам юридик шахснинг у ёки бу хукуқий тизимга ҳақиқий алокадорлигининг объектив суръатини бера олмайдилар, шу туфайли юридик шахснинг шахсий қонуни бўлиб, шахслари ушбу юридик шахсни назорат қилаётган мамлакат хукуки бўлиши мумкин бўлган капитал назорати мезони қўлланилади.

Арманистон, Белоруссия, Қозоғистон, Қирғизистоннинг фуқаролик кодекслари юридик шахснинг таъсис этилиш жойи қонунини қўллайдилар. Грузиянинг 1998 й. халқаро хусусий хукуқ тўғрисидаги Қонуни (24-м.) эса юридик шахснинг бошқарув органи фактик жойлашган жойидан келиб чиқади.

Бошқа давлатлар тажрибаси юридик шахснинг шахсий қонунини белгилашда турли мезонларнинг бирлашуви зарурлигини кўрсатади, асосан коммуникация (масалан, Интернет) янги воситаларининг қўлланилиши, тегишли мезонларни юридик шахснинг шахсий қонунини белгилашда алоҳида қўлланилишини аҳамиятли мураккаблаштириши мумкин бўлган холларда.

2. ФК 1159-моддасининг биринчи қисмига кўра, баҳо бериш тўқнашуви вужудга келганда ФК 39-моддасининг биринчи қисмida шакллантирилган юридик шахснинг таърифига мурожаат этиш керак, бунга асосан юридик шахс — давлат томонидан хукуқ субъекти сифатида, ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган

ва ўз номидан фуқаролик муомаласида қатнаша оладиган ташкилотдир. Юридик шахсни таъсис этиш деганда, конун янги юридик шахснинг вужудга келишини боғлайдиган юридик ҳаракатнинг содир этилиши тушунилади. Таъсис этилиш жойи ва тегишинча, юридик шахснинг таъсис этилиш вақти унинг вужудга келишининг аниқ усулига қараб фарқланади. Масалан, хорижда рухсат олмасдан тузилган ташкилотлар учун бундай акт бўлиб, таъсисчиларнинг тегишли давлат органига берган аризаси хизмат қиласди, тадбиркорлик тартибида ташкил этилган ташкилотлар учун юридик шахс тузилганлиги тўғрисида тегишли органнинг қарори, норматив-рухсатсиз тартибида тузилган юридик шахслар учун тегишли давлат реестрига хуқуқнинг янги субъектининг киритилиши тўғрисида рўйхатга олувчи органнинг қарори ва х.к.

Қоидага кўра, хорижий юридик шахснинг хуқуқий мақоми юридик шахс рўйхатга олинган жойдаги савдо ёки бошқа реестрдан олинган кўчирма ёки тегишли давлат қонунчилигига назарда тутилган ва қонунчиликда белгиланган тартибида легализация қилинган бошқа далиллар билан тасдиқланади (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 20 август №357 Қарори).

«Юридик шахс» тушунчасига баҳо бериш Ўзбекистон Республикаси суди томонидан ФК 1159-м. 1-қисмининг коидаларига кўра амалга оширилади (унга шарҳни каранг). ФКнинг 44-моддаси юридик шахс қонунчиликда белгиланган тартибида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозимлигини назарда тутади. Давлат рўйхатидан ўтказиш маълумотлари оммага танишириш учун юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритилади.

Юридик шахснинг таъсис этилиш жойи ҳам Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан белгиланади. Мазкур нормани айнан изоҳлагандан давлат рўйхатидан ўтиш жойи бўлиб, юридик шахсни рўйхатдан ўтказиш вазифаси юклangan тегишли орган турган жой бўлади. Ўзбекистон Республикасида бу Адлия Вазирлиги ва унинг худудий органлари ҳамда туман ва шахар хокимиятлари хузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси ҳисобланади. Шарҳланаётган модда мазмунидан юридик шахсни таъсис этиш жойи деганда, унга асосан юридик шахс ташкил этилган тегишли хуқуқ тизими амалда бўлган жой (давлат тушунилиши келиб чиқади. Агар тегишли мамлакатда бир неча хуқуқ

тизими мавжуд бўлса, ФКнинг 1166-моддасига кўра, ушбу мамлакатда таъсис этилган юридик шахснинг шахсий қонуни ушбу мамлакат хукуки асосида белгиланади. Агар тегишли мамлакатнинг хукуқ тизимларидан қайси бири қўлланилиши лозимлигини аниқлашнинг иложи бўлмаса, узвий боғлиқлик принципи қўлланилади.

Юридик шахснинг келтирилган барча мезонлари аҳамиятли даражада шартлидир, уларнинг у ёки бу мамлакатда қўлланилиши кўп ҳолларда миллий хукуқий одат билан асосланади. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси хукуки билан танланган юридик шахс таъсис этилган мамлакат хукуқига боғлаш бутунлай оқлангандир.

Ўзбекистон халқаро хусусий хукуқ доктринасида анъанавий тарзда юридик шахсни таъсис этиш жойи қонуни (*lex societatis*). Юридик шахснинг инкорпорация жойи (таъсис этилиш жойи) мезони Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига унинг ўтроқлик белгиси ёрдамида намоён бўлади.

3. Шарҳланаётган модда айрим давлатлардаги каби юридик шахснинг мақомига алоқадор масалалар доирасини расман мустаҳкамламайди, аммо ФКнинг 4-боби моддий-хукуқий нормаларининг, Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари тўғрисидаги қонунларнинг қабул қилингандигини инобатга олган ҳолда юридик шахснинг хукуқий ҳолатини белгиловчи масалаларнинг жамини белгилаш мумкин. Шарҳланаётган норманинг мазмунига кўра, ташкилот юридик шахс ёки йўқлигини, юридик шахсларнинг қайси турига алоқадорлигини, қайси тартибда ташкил этилиши, қайта ташкил этилиши ва тугатилишини, ташкилотнинг ички корпоратив муносабатлари қандай тузилишини, унинг хукуқ лаёқатининг таркиби қандайлигини ҳамда деликт лаёқатини айнан қонун белгилайди.

4. Ўзбекистон Республикасининг МДҲ давлатлари билан тузилган ва халқаро хусусий хукуқ соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган халқаро шартномаларида ҳам уни ифодалаш учун юридик шахснинг «хукуқий мақоми» ибораси қўлланувчи, юридик шахснинг хукуқий мақоми масалаларини тартибга солиш тенденцияси сақланиб қолинган. Масалан, хўжалик фаолиятини амалга ошириш билан боғлик низоларни ҳал этиш тартиби тўғрисидаги Келишувнинг 11-моддасининг «а» кичик пунктида, юридик шахсларнинг хукуқ ва муомала лаёқати масалалари тартибга солинади. Фуқаролик, оиласијий ва жиноий ишлар бўйича

хукукий ёрдам ва хукукий муносабатлар тўғрисидаги Конвенциянинг (1993 й. 22 январь, Минск) 23-моддаси 3-п.да эса юридик шахсларнинг хукуқ лаёқати тўғрисида шу каби қоидалар мавжуд.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик, оиласий ва жиноий ишлар бўйича хукукий ёрдам тўғрисидаги халқаро шартномалари юридик шахсларнинг шахсий қонуни масалаларини тартибга солишда асосан юридик шахснинг таъсис этилиш жойи (ташкил этиш ёки рўйхатга олиш жойи каби вариациялар учрайди) қонунидан келиб чиқадилар.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси ва Озарбайжон Республикаси ўртасида 1997 йил 18 июнь тузилган Шартнома ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Латвия, Литва, Грузия, Қозоғистон, Кирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Украина билан тузган шартномаларининг тегишли нормалари шу ҳолатдан келиб чиқади. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг транспорт масалалари бўйича икки томонлама халқаро шартномаларида юридик шахснинг шартнома иштирокчиларига тааллуклилиги тўғрисидаги тегишли нормалар мавжуд. Масалан, 1994 й. 2 марта Ўзбекистон Республикаси ҳамда Россия Федерацияси ўртасида тузилган ҳаво йўллари тўғрисидаги Келишувнинг 4-п. 3-м. юкорида айтиб ўтилган Келишув бўйича ҳаво линияларини эксплуатация килиш бўйича тегишли авиация ташкилотини белгилаш учун назарат назариясини қўллашни назарда тутади.

Бир тарафдан Ўзбекистон Республикаси, иккинчи тарафдан Европа уюшмалари ва уларнинг иштирокчи давлатлари ўртасида ҳамкорликни ўрнатувчи шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги 1996 йил 21 июньдаги Келишувда шахсий қонунни белгилашнинг бир неча маълум мезонлари қўлланилган. Кўрсатилган Келишувнинг 24-моддаси «Ўзбек компанияси» ёки тегишинча «Уюшмалар компанияси» куйидагича компанияни билдиришини назарда тутади: 1) Ўзбекистон Республикаси ёки тегишинча иштирокчи давлат қонунчилиги асосида ташкил этилган ва 2) Ўзбекистон Республикаси ёки тегишинча иштирокчи давлат ҳудудида ўзининг рўйхатдан ўтган идораси ёки марказий маъмуриятига ёки хўжалик фаолиятининг асосий жойига эга бўлган компаниялар. Юкорида келтириб ўтилган Келишувнинг мазкур моддаси Ўзбекистон Республикаси ва Европа уюшмалари қонунлари асосида ташкил этилган ҳамда ушбу мамлакатларда фақатгина ўзининг рўйхатга олинган идорасига

эга бўлган компания, Россия агар компания фаолияти реал ва давомий равишида Ўзбекистон Республикаси ёки тегишинча Европа уюшмалари давлатларидан бирининг иқтисодиёти билан боғлик бўлса компанияси ёки тегишинча Уюшма компанияси деб тан олинади.

Яна шуни таъкидлаб ўтамизки, агар тегишли муносабатлар халқаро шартнома билан тўлиқ тартибга солинмаган бўлса, миллий ҳуқуқ нормаларини субсидиар кўллаш мумкин.

5. Амалиётда юридик шахс бўлмаган хорижий ташкилотларни ташкил этишнинг кенг тарқалган усули шартномавий усул хисобланади. Уларни ташкил этишнинг бундай усулида, кўрсатилган ташкилотларнинг таъсис этилиш жойи — таъсис шартномасини тузиш жойи деб хисоблаш мумкин. Агар таъсис шартномасини тузиш билан ташкилотни тузиш жараёни тугамай, бошқа ҳаракатларни амалга ошириш лозим бўлса, масалан, давлат рўйхатидан ўtkазиш лозим бўлса, бундай ташкилотни таъсис этиш жойи — давлат рўйхатидан ўtkазиш жойи деб хисоблаш мумкин. Айрим мамлакатларнинг қонунчилигига қўра, чет эл қонунига биноан юридик шахс бўлиб хисобланмайдиган ташкилотларни давлат рўйхатидан ўtkазиш, қонун янги ташкилотни вужудга келишини боғлайдиган факт бўлиб хизмат қилмайди, балки ушбу ташкилот томонидан хўжалик фаолиятини бажарилишини легитимацияси учун хизмат қиласди. Биринчи ҳолатда шахсий тартиб ва мажбурий тартиб бир бирига тўғри келади, иккинчи ҳолатда тўғри келмаслиги мумкин. Юридик шахсларга нисбатан бундай тўғри келишга мисол сифатида ЎзРес ФКнинг 1175- ва 1191-моддаларини келтириш мумкин.

6. Глобаллашув шароити натижасида турли гурух ва концернларнинг вужудга келиши юз бераётганлиги билан бирга, турли қўшилиш ва сингиб кетишиларнинг роли ҳам ортмоқда. Ушбу муносабатлар кўп ҳолатларда тегишли шартномага нисбатан қўлланиши лозим бўлган ҳуқуқ асосида тартибга солинади. Бироқ, шу билан бирга тегишли муносабатларнинг иштирокчилари, юридик шахсларнинг шахсий қонуни асосида хал этиладиган айрим масалалар ҳам қолади. Бундай муносабатларга шахсий ва мажбурий тартибининг дифференцияланган қўлланилиши суд учун ҳам, қайта ташкил этилган ташкилотлар учун ҳам мураккаб вазифа бўлиб хисобланади. Қўшилиш жараёнида тарафлар томонидан биргаликда ҳал этилиши лозим бўлган кўпгина масалалар вужудга келади. Масалан, маж-

бурий тартиб ҳаракати доирасига кирмаслиги мумкин бўлган, кўшилиш тўғрисида хисбот, кўшилиш тўғрисида хабарнома ва х.к. бериш. Ушбу масалалар тарафларнинг шахсий қонуни кумулятив қўлланиши йўли билан ҳал этилади.

Шархланаётган модда бир тарафлама императив норма бўлиб хисобланади, бу эса умумий қоидага асосан юридик шахснинг шахсий қонунини белгилаш учун бошқа мезонларни қўлланилишига йўл кўймайди. Аммо юридик шахснинг ҳуқукий холатига алоқадор масалаларни ҳал этишда юридик шахснинг белгилаб қўйилган шахсий қонуни доирасида халқаро хусусий ҳуқуқнинг бошқа манбалари ҳам қўлланилиши мумкин.

### **1176-модда. Юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқати**

**Юридик шахснинг фуқаролик ҳуқуқ лаёқати юридик шахснинг қонуни билан белгиланади.**

**Чет эл юридик шахси ўз органи ёки вакилининг битим тузиш ваколатларидаги чет эл юридик шахсининг органи ёки вакили битим тузган мамлакатнинг ҳуқуқи учун номаълум бўлган чекловларни важ қилиб келтириши мумкин эмас.**

1. Шархланаётган модданинг биринчи қисми юридик шахсларга (тижорат ва нотижорат) Ўзбекистон Республикаси худудида ҳуқукий режим яратилгандаги ушбу юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқати коллизион нормалари тўғрисидаги умумий қоидани белгилайди. Чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар субъектлари сифатида юридик шахсларнинг ҳуқукий режими миллий қонунчилик ва халқаро шартномалари билан белгиланади. Масалан, 1998 йил 30 апрелдаги № 609–1 «Чет эл инвестициялари» тўғрисидаги Қонуннинг 4-моддасига асосан чет эллик инвесторлар — Ўзбекистон Республикаси худудидаги чет давлатлар қонун нормаларига асосланган ва ҳаракатда бўлган юридик шахслар, ҳар қандай бошқа ширкатлар, ташкилотлар ёки ассоциациялар бўлиши мумкин. Шу билан бирга бир қатор маҳсус қонунларни, яъни «Концессиялар тўғрисида», «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида», «Маҳсулот тақсимотига оид битимлар тўғрисида»ги қонунларни кўриб чиқиш лозим. Чет эл инвестициясига эга ушбу кўрсатилган тиҷорат ташкилотлари Ўзбекистон Республикасида уларнинг маҳсус ҳуқуқ субъектилилигига

мос келувчи ва амалдаги қонунчиллик билан таъқиқланмаган хар қандай фаолият тури билан шуғуланишлари ҳамда мулкий ҳуқуқларни қўлга киритишлари мумкин. Шу қаторда 1999 йил 14 апрелдаги № 763-I «Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида»ги Конуннинг 9-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасида унинг қонунчилигига асосан юридик шахс бўлиб хисобланувчи, халқаро ва хорижий нодавлат ва нотижорат ташкилотларнинг ваколатхона ва филиаллари фаолият олиб боришлари мумкин. Нотижорат ташкилотларга нисбатан, халқаро ва хорижий нодавлат ва нотижорат ташкилотларнинг ваколатхона ва филиаллари ва уларнинг ходимлари Ўзбекистон Республикаси худудида бирор-бир сиёсий ҳаракатда ҳамда ваколатхона ва филиалнинг устав мақсадларига жавоб бермайдиган бошқа фаолиятларда иштирок этиш ҳуқуқига эга эмаслиги белгиланган, уларнинг Ўзбекистонда маҳсус ҳуқуқ субъектилигига алоқадор миллий қонунчиллик қоидалари қўлланади. Шу билан бирга улар томонидан сиёсий партиялар ва оммавий ҳаракатлар томонидан ўtkазиладиган ҳаракат ва тадбирларни молиялаштириш ҳамда бундай ташкилотларни ташкил этишга кўмак бериш ва ташаббускорлик қилишга йўл қўйилмайди (юридик шахсларнинг ҳуқуқ субъектилигиги ҳақида тўлиқ ФК 41-м.га шарҳларга қаранг).

2. Ўзбекистон Республикасининг МДҲ давлатлари билан тузган ва халқаро хусусий ҳуқуқ доирасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган халқаро шартномаларида ҳам ифодалаш учун юридик шахснинг «ҳуқуқ лаёқати» ибораси ишлатилувчи, юридик шахсларнинг ҳуқуқий мақоми масалаларини тартибга солиш тенденцияси сақланиб қолинган. Масалан, хўжалик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ низоларни ҳал этиш тартиби тўғрисидаги Келишувнинг 11-модда «а» кичик пунктида юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати масалалари тартибга солинади. Фуқаролик, оиласий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Конвенциянинг (1993 йил 22 январь, Минск) 23-моддасининг 3-пунктида эса юридик шахсларнинг ҳуқуқ лаёқати тўғрисидаги шу каби қоидаларга эгадир. Ўзбекистон Республикасининг бошқа МДҲ давлатлари билан тузган фуқаролик, оиласий ва меҳнат ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги икки томонлама шартномалари мазкур муаммо юзасидан МДҲ доирасида тузилган кўп томонлама шартномаларда қабул қилинган тенденцияга

амал қиласы. Бундан ташқари, чет эл юридик шахсларининг инвестицияга оид фаолияти доирасидаги норматив ҳужжатларнинг катта гурухини Ўзбекистон худудида чет эл юридик шахслари тижорат фаолияти ҳуқуқий масалаларини ўз ичига оловчи, Ўзбекистон Республикасининг сармоя қўйилмаларини рафбатлантириш ва ўзаро химоя қилиш тўғрисидаги икки томонлама келишувлари ташкил қиласы. Бундай икки томонлама шартномаларнинг умумий схемаси, уларнинг мавжуд бўлишининг кўп йиллари давомида юзага келди, аммо хар бир алоҳида ҳолатда у шартномаларни тузувчи тарафларнинг ўзига хос жихатларини инобатга олган ҳолда аниқ мазмун билан тўлдирилади.

3. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми ФКнинг юридик шахс органининг битим тузиш ваколатларини чеклаш оқибатлари тўғрисидаги 126-моддасининг ҳамда 1169-моддаси 2-қисмининг мантиқий давоми бўлиб ҳисобланади. Кўриб турганимиздек, қонун чиқарувчи изчиллик билан фуқаролик ҳуқуқи субъектларининг муомала лаёқатининг моддий-ҳуқуқий, ҳамда коллизион масалаларини хал қилишда ўхшаш принципларга амал қиласы (ФКнинг 126-м. ва 1169м. 2-қ. ва уларга шарҳларга қаранг).

4. Кўпчилик МДҲ мамлакатларининг халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги фуқаролик қонунчилиги ханузгача чет давлатлар қонунчилиги асосида тузилган ҳамда юридик шахс бўлиб ҳисобланмайдиган ташкилотларнинг шахсий қонуни тўғрисида алоҳида моддага эга эмас (Белоруссия, Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистоннинг Фуқаролик кодексларига қаранг). МДҲ давлатларидан фарқли равишда айрим бошқа хорижий мамлакатларнинг халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонунчилигида юридик шахс бўлмаган чет эл ташкилотларининг шахсий мақоми тўғрисидаги нормалар ёки юридик шахслар ёхуд юридик шахс бўлмаган ташкилотларнинг шахсий қонунини белгилаш учун қўлланувчи нормалар мавжуд (Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги Австрия қонунининг 10-п.; Италия халқаро хусусий ҳуқуқининг реформаси тўғрисидаги Италия Қонунининг 25-м.; 30.10.96 й.Лихтенштейн Қонунининг 677-м.; халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги Швейцария Қонунининг 150–165-м.). Бундай ташкилотларнинг шахсий қонунини белгилаш учун халқаро хусусий ҳуқуқ хориж доктринаси ва суд амалиёти маълум хусусиятларни инобатга олган ҳолда машхур назарияларни ҳам қўллайди: инкорпора-

ция, ўтроқлик, асосий фаолият жойи, назорат — ва айтиб ўтилган назарияларнинг турли модификациялари.

## **1177-модда. Ўзбекистон Республикасида чет эл юридик шахслари фаолиятининг миллий тартиби**

**Агар Ўзбекистон Республикасининг қонунида чет эл юридик шахслари учун бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, чет эл юридик шахслари Ўзбекистон Республикасида фуқаролик қонун хужжатлари билан тартибга солинадиган тадбиркорлик фаолиятини ва бошқа фаолиятни амалга оширадилар.**

Шархланаётган модда, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида, энг аввало Фуқаролик кодекси ва 30.04.1998 й. №609—1 «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонунда мустахкамланган, қуйидаги формулани кўллаш орқали ФКнинг 2-м.да акс эттирилган тамойилдан келиб чиқадиган, Ўзбекистон Республикаси худудидаги юридик шахсларнинг хукуқий ҳолатига бағишлиланган: «Агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, фуқаролик қонун хужжатларида белгилаб қўйилган қоидалар чет эллик фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳамда чет эллик юридик шахслар иштирокидаги муносабатларга қўлланилади». Чет эллик юридик шахс тушунчasi «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонуннинг 6-м. мазунидан келиб чиқади. Мазкур Қонунга мувофиқ, барча чет эллик юридик шахслар Ўзбекистон Республикаси худудида хўжалик фаолияти билан шугулланишлари, мустақил равишда, инвестиция киритишнинг хажмлари, турлари ва йўналишларини белгилашлари; юридик ва жисмоний шахслар билан инвестициявий фаолиятни амалга ошириш мақсадида шартнома тузишлари; ўз маблағлари ва инвестициявий фаолияти натижаларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва бошқаришлари мумкин. Шу билан бирга, чет эллик юридик шахсларнинг хўжалик фаолияти (чет эллик инвесторлар), жумладан чет эл инвестицияларига эга ташкилотларни, уларнинг шўъба корхоналари, филиаллари ва бошқа тузилмаларини, ҳамда хўжалик уюшмалари ва бирлашмаларини тузиш, сотиш, қайта ташкил этиш ёки тутагиши ҳамда, чет эл инвестицияларига эга ташкилотларнинг фондларини ташкил қилиш, ижара ва бошқа шартномаларни тузиш бўйича Ўзбекистон Республикаси

қонунчилиги билан тартибга солинади. Чет эл инвестицияларига эга ташкилотлар солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ тўлайдилар.

Ушбу ташкилотларнинг чет эл валютасидаги барча чиқимлари уларнинг ўз валюта тушумлари, ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан рухсат этилган чет эл валюталарини олиш манбалари хисобига таъминланиши керак. Уларнинг ўз валютали харажатларини қоплашлари ташкил қилинган консорциумлар, бирлашмалар ва бошқа ташкилий тузилмалар доирасида таъминланиши мумкин.

Чет эл инвестициясига эга ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига риоя қилган ҳолда экспорт-импорт операцияларини мустақил равишда амалга оширадилар. Шу билан бирга, ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотнинг экспорти лицензиялаштирилмайди ва квоталаштирилмайди.

Хўжалик фаолиятининг субъектлари ўз ишлаб чиқариш эхтиёжлари учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан маҳсулотни лицензиясиз импорт қилишлари мумкин. Чет эллик ташкилотлар каби, чет эл инвестициясига эга ташкилотларга ҳам алоҳида имтиёзлар белгиланган. Масалан, Ўзбекистон Республикасига чет эллик инвесторлар ёки чет эл инвестицияларининг улуши устав фондида ўттиз уч фоиздан кам бўлмаган чет эл инвестицияларига эга ташкилотлар томонидан ўз ишлаб чиқариш эхтиёжлари учун киритадиган мол-мулклари қонунчиликда белгиланган тартибда божхона солигидан озод қилинади. Чет эллик инвесторлар билан тузилган меҳнат шартномаларига асосан Ўзбекистон Республикасидаги чет эллик инвесторларнинг ва чет мамлакат фуқароларининг шахсий эхтиёжлари учун киритиладиган мол-мулкларга божхона солиғи солинмайди. Чет эл инвесторлари инвестиция сифатида кўшаётган ва чет эл инвестициясига эга ташкилотларга тегишли ихтиrolарни патентлаш ва саноат намуналарини жорий қилиш Ўзбекистон Республикасининг саноат мулки соҳасидаги қонунчилигига белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ижтимоий масалаларда, шу қаторда чет эл юридик шахсларининг чет эл инвестицияларига эга ташкилотлари ишчиларининг меҳнат муносабатлари ва нафака таъминоти Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ва нафака қонунчилиги билан тартибга солинади. Яна бир аҳамиятли масала шуки, кўрсатилган субъектлар ер учаскаларига эга бўлишлари мумкин, курилиш ёки бинога бўлган мулк ҳуқуқининг ўтишида эса, Ўзбекистон

Республикаси қонунчилигига белгиланган тартиб ва шартлар асосида ушбу обьектлар билан биргаликда ер участкасидан фойдаланиш хукуки ҳам ўтади. Бундан ташқари, хўжалик фаолиятининг қўрсатилган субъектларининг ҳисобини олиш ва ҳисобдорлиги ҳам Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига белгиланган тартиб ва шартлар асосида амалга оширилади. Улар бухгалтерлик китоблари ва Ўзбекистон Республикаси миллий пул бирлигидаги ҳамда ўз хоҳишларига кўра эркин конвертланадиган пул бирлигидаги ҳисоб китоблари тўғрисидаги ёзувларни юритадилар.

Чет эл юридик шахсларининг бузилган хукуклари ва қонун билан ҳимоя қилинадиган манфаатларини муҳофаза қилиш учун ҳам миллий хукукий режим белгиланган. ФПКнинг 386-, ХПКнинг 221-моддаларига асосан, чет эллик, шу жумладан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ташкилотлар Ўзбекистон Республикасининг судлари ва хўжалик судларига мурожаат этиш хукуқига эгадирлар ва ўз манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролик процессуал хукуклардан фойдаланадилар. Чет эллик шахслар Ўзбекистон Республикаси ташкилотлари ва фуқаролари билан тенг равишда процессуал хукуклардан фойдаланадилар ва процессуал мажбуриятларга эга бўладилар.

Ташки иқтисодий фаолиятни тартибга солувчи императив моддий-хукукий нормаларга риоя этиш заруратига тааллуқли талаб, ўз навбатида кўриб чиқилаётган доирада чет эллик юридик шахснинг хукукий ҳолатини характерловчи асосий таркиблардан бири бўлиб ҳисобланади. Масалан, кўриб чиқилаётган субъектлар Ўзбекистон Республикаси худудига ушбу битимлар бўйича киритилаётган товарларнинг стандартларига, сертифи-катлаштирилишига, хавфсизлигига ва зарарсизлигига мослигини таъминлашлари, товарлар ва хизматларни киритиш ва чиқариш бўйича маълум тартибининг формал талабларига жавоб беришлари, ўзларининг Ўзбекистон Республикаси худудида амалга оширган ишлари билан боғлиқ бўлган ташки иқтисодий фаолиятлари юзасидан статистик ҳисбот беришлари шарт.

### **1178-модда. Чет эл элементи билан фуқаролик-хукукий муносабатларда давлатнинг иштирок этиши**

**Чет эл элементи билан давлат иштирокидаги фуқаролик хукукий муносабатларга нисбатан, агар қонунда бошқача тартиб назарда**

## **тутилган бўлмаса, ушбу бўлим қоидалари умумий асосларда қўлланади.**

1. Шарҳланаётган модда, давлат иштирокидаги чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаролик-хуқуқий муносабатларга нисбатан коллизион нормалар ва алоҳида умумий қоидаларнинг қўлланиш қоидаларини белгилайди.

ФКниг 1178-моддасида, улар «умумий асосларда қўлланилиши» айтиб ўтилган. Шу тариқа, 1178-модданинг предмети чет давлатнинг бошқа давлат худудий юрисдикциясидан чекланиши тушуниладиган, чет давлатнинг судловига тааллуқлилигига оид иммунитетларини тартибга солиш ҳисобланмайди. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига юрисдикцияга оид иммунитетлар ФПК(389-м.) ва ХПКларда (224-м.) тартибга солинади.

2. Юридик адабиётларда давлатнинг фуқаролик-хуқуқий муносабатларда иштироки тўғрисида турли фикрлар билдирилган. Баъзилар (А.С.Комаров), мазкур иштирокнинг «давлатнинг юрисдикциявий иммунитетлари» масалаларига умуман дахли йўқ ва давлатнинг фуқаролик-хуқуқий муносабатларда бошқа шахслар билан тенг асосларда иштирок этиши тўғрисидаги умумий қоидани аниқлаштириш учун мўлжалланган деб ҳисоблашади<sup>1</sup>.

Кўпчилик мамлакатларнинг халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонунчилигига чет давлатнинг чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаролик-хуқуқий муносабатларда иштирок этиши тартиби ва шартлари тўғрисидаги маҳсус норма мавжуд эмас. Бироқ Арманистон (1275-м.), Қирғизистон (1187-м.) Фуқаролик кодексларида шарҳланаётган моддага ўхаш нормалар мавжуд, Белоруссия (1114-м.) ва Қозоғистон (1102-м.) ФКларининг моддалари эса, ушбу модданинг нормасидан истиснолар қонунда эмас, мазкур давлатларнинг қонунчилик актларида назарда тутилган бўлиши мумкинлиги билан фарқланади. МДҲ давлатлари ўртасида кўптомуналама асосда тузилган ва халқаро хусусий ҳуқуқ масалаларига бағишлиланган айрим халқаро шартномаларида (фуқаролик, оиласибий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатларни тартиблашади).

1 Дмитриева Г. К. Комментарий к Гражданскому кодексу Российской Федерации, части третьей, разделу VI «Международное частное право». М., 2002. С.136–143.

батлар тўғрисидаги Минск конвенцияси (1993 й. 22 январь) ва хўжалик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ низоларни хал қилиш тартиби тўғрисидаги Келишув (1992 й. 20 март) халқаро хусусий хуқуқ нормалари воситасида тартибга солинадиган муносабатларда давлатнинг иштирокига тааллукли маҳсус нормалар мавжуд эмас. 1992 йилги Киев келишувининг 1-моддаси ҳамда 4-моддасининг 4-п.да фақатгина судловга тааллуклилик қоидаларини назарда тутувчи қоидалар мавжуд. Аммо Киев келишувининг ушбу қоидалари процессуал характерга эга бўлиб, МДҲ иштирокчи давлатлари иштирокидаги фуқаролик-хукуқий муносабатларни тартибга солмайди. Шу билан бирга, БМТ доирасида ҳам давлатлар иштирокидаги фуқаролик-хукуқий муносабатларни тартибга солишнинг янги халқаро-хукуқий механизми қабул қилинган, бу давлатнинг ва унинг мулкининг иммунитетига нисбатан кўлланувчи «Давлатлар ва уларнинг мулкининг юрисдикциявий иммунитети тўғрисидаги» 17 январь 2005 й. Конвенция (Ўзбекистон мазкур конвецияда иштирок этмайди).

Давлат (Ўзбекистон ҳамда хорижий) чет эллик жисмоний ва юридик шахслар билан шартномавий муносабатларда императив нормалар кўлланиши лозим бўлган ҳолатларни инобатта олган ҳолда, эрк автономияси тартибида, кўлланиши лозим бўлган хукукни танлашда иштирок этиши мумкин (ФКнинг 1165-, 1189-моддаларига шарҳларга к.). Агар тарафлар қонунда назарда тутилган хукукни танлаш хукуқидан фойдаланмасалар, шарҳланаётган модданинг амалдаги таҳририга кўра, халқаро хусусий хукукнинг фақатгина жисмоний ва юридик шахслар иштирок этадиган муносабатларида тарафларнинг келишуви бўлмаган тақдирда вужудга келадиган оқибатлар келиб чиқади. ФКнинг VI бўлимида мавжуд бўлган нормаларни кўллаш, тўла равишда давлат иштирокидаги муносабатларга ҳам тааллуклидир. Шу билан бирга, давлат иштирокидаги муносабатларга нисбатан коллизион муаммони хал қилишда, шартнома энг узвий боғлиқ бўлган мамлакатни аниқлаш учун ФКнинг 1190-м.сида назарда тутилган шартноманинг мазмуни учун хал қилувчи аҳамиятга эга бўлган ижрони амалга ошираётган тарафнинг яаш жойи ва фаолиятининг асосий жойи каби бир қатор боғловчиларни кўллаш, агар давлат хал қилувчи аҳамиятга эга мажбуриятларни бажаравётган бўлса, шарҳланаётган модда контекстида амалий аҳамиятга эгалиги гумон. Бундай вазиятда суд чет давлат хукукини кўллаши

лозим бўлади, яшаш жойи ёки фаолият жойини баҳоловчи белгилар эса ўзининг аҳамиятини йўқотади. Маълум ўзига хос хусусиятлар, муносабатларда элчихона иштирок этган, хал қилувчи ижро эса қабул қилаётган мамлакат юридик шахсининг зиммасида бўлган ҳолларда, «шартномада назарда тутилган натижалар юзага келадиган» мамлакат ҳукукини қўллаш белгиланган, ФК 1190-моддасининг 3-абзацини қўллаш билан боғлиқ. Халқаро оммавий ҳукукка кўра, элчихона ҳудуди ушбу чет давлатнинг қонунлари ҳаракатда бўлган, чет давлатнинг ҳудуди бўлиб хисобланади. Мазкур қоидага асосланган ҳолда, чет эл элчихонаси ҳудудида қабул қилиб олган давлатнинг масъулияти чекланган жамияти томонидан меҳмонхона биносини қуриш тўғрисидаги қурилиш пуррати шартномасида, ушбу масъулияти чекланган жамият томонидан натижани юзага келтириш жойи бўлиб, қабул қилиб олган давлат эмас, балки чет давлат бўлиб хисобланади, деган холосага келиш мумкин, чунки бундай шартноманинг натижаси асосан, чет давлат ҳудуди бўлиб хисобланувчи элчихона ҳудудида юзага келмоқда. Тегишинча, бундай шартномага чет эл ҳуқуки қўлланади. ФКнинг 79-моддасига кўра, фукаролик қонунчилиги билан тартибга солинадиган муносабатларда давлат номидан, давлат хокимияти ва бошқаруви органлари ва улар томонидан маҳсус ваколат берилган бошқа органлар иштирок этади.

Давлатнинг ташки қарзи бўйича муносабатларда, у мунтазам равишда, бошқа тараф сифатида чет эллик юридик ва жисмоний шахслар қатнашиши мумкин бўлган, кўрсатилган муносабатларнинг бевосита тарафи сифатида қатнашади. Қолган ҳолларда давлат бевосита тараф сифатида жуда кам қатнашади. Бу давлатнинг жавобгарлиги муаммоси ва давлатнинг ушбу соҳадаги ҳуқуқ ижодкорлиги самарадолиги муаммоси билан боғлиқ, чунки давлат актлари шундай таъсир кўрсатиши мумкинки, давлат контрагентлари давлатнинг тегишли муносабатларни тартибга солувчи императив нормаларни қабул қилиш бўйича ҳаракатларини, давлатнинг ўзини битим бўйича тегишли мажбуриятларни бажаришдан озод қилиш ёки ўз мажбуриятини енгиллаштиришга уриниши деб қабул қилишади.

Амалдаги фукаролик қонунчилигига кўра, айрим давлат органлари юридик шахслар бўлиб хисобланади ва фукаролик муомаласида ўз номидан қатнашади. ФК 80-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, давлат томонидан тузилган юридик шахс, унинг мажбуриятлари бўйича жавоб

бермайди. Давлат, қонунда назарда тутилган ҳолатлардан ташқари, у томонидан тузилган юридик шахсларнинг мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди. Давлатнинг бундай хусусиятлари, давлатга нисбатан ФКнинг юридик шахснинг шахсий қонуни тўғрисидаги 1178-моддаси қоидаларини қўллашга йўл қўймайди.

Давлат иштирок этиши мумкин бўлган чет эл элементи билан муракка-блашган фуқаролик-хуқуқий муносабатлар тушунчаси ФК 1158-моддаси-нинг 1-қисми (унга шарҳларга қаранг) ҳолатидан келиб чиқади. Масалан, ФК 118-моддаси 2-қисмининг қоидалари, давлатнинг (Ўзбекистон ва хорижий) васиятнома бўйича меросхўр бўлиш хуқуқини тасдиқлади. Бу ҳолат, давлат меросхўр бўлиши мумкин бўлган бундай муносабатларга нисбатан қўлланиши лозим бўлган хуқук умумий асосларда, яъни ФКнинг 1197-моддасига асосан, шарҳланаётган моддада йўл қўйилиши мумкин бўлган истисно ҳолатларни инобатга олган ҳолда белгиланишини билдиради. Маълум қийинчиликлар «давлат» тушунчасига баҳо беришда вужудга келиши мумкин. Халқаро хусусий хукуқда, бир давлат тўғридан-тўғри ёки билвосита бошқа бир давлатни халқаро хуқук субъекти сифатида кўришини маълум қилганида, давлатнинг халқаро-хуқуқий тан олиниши ҳакида гапирилади. «Давлатлар ва уларнинг мулкларининг юрисдикциявий иммунитетлари тўғрисида»ги 17 январь 2005 йилги БМТ Конвенциясида, «давлат» тушунчаси қуйидагиларни билдириши белгиланган: давлат ва унинг турли бошқарув органлари; федератив давлатнинг таркибий қисмлари ёки суверен хокимиятни амалга ошириш харакатларини бажаришга ҳақли ва шу мақсадда харакат қилувчи давлатнинг сиёсий бўлинмалари; давлат ташкилотлари ёки институциялари ёхуд давлатнинг суверен хокимиятини амалга оширишдаги харакатларни бажариш хукуқига эга бўлган ва ҳақиқатда бажарувчи бошқа тузилмалар.

Давлат иштирокидаги муносабатларга ФК VI бўлимининг нормаларини қўллаш, умумий асосларда, бундай субъектнинг, давлат сифатидаги ФКнинг 79-моддасида эслатиб ўтилган ўзига хос хусусиятлари, агар қонунда белгиланган, шарҳланаётган моддада йўл қўйилувчи истиснолар мавжуд бўлмаса, инобатга олинмаслигини билдиради. Агар чет эл элементи мавжуд бўлган муносабатларда юридик ва жисмоний шахларнинг иштироки масалалари бўйича қонунчиликни қўллашнинг нисбатан батафсил амалиёти мавжуд бўлса, давлат нуқтаи назаридан бундай

амалиёт у ёки бу холатда давлат иммунитетининг бор ёки йўқлиги масалалари билан чегараланади.

Мазкур моддани тартибга солиш доирасига кирувчи масалаларга бағишиланган, ФКнинг 1178-моддасига шарҳлар ва нашрларда, қоида тариқасида, мазкур нормадаги «қонун» ибораси чекланган изохга эга бўлиши лозимлигидан, яъни мазкур иборанинг ўз маъносига эга бўлиши кераклигидан келиб чиқилади. Маълум бўлганидек, Ўзбекистонда, қонунларни қабул қилиш Олий Мажлис палаталарининг биргаликдаги иродасига тааллуклидир. Чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаролик, фуқаролик-процессуал, хўжалик-процессуал ҳуқуқи масалалари қонун билан тартибга солинади ва тегишинча шарҳланаётган норма контекстидаги «бошқача» ибораси қонунда назарда тутилган бўлиши лозим. Faраз қилинадики, суверен давлат сифатида Ўзбекистон Республикаси га нисбатан бундай хулоса бекаму-кўстдир. ФК 1158-моддасининг биринчи қисми қоидаларига мувофиқ, ҳалқаро ҳусусий ҳуқуқ муносабатларини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномаларида ҳам бошқача ҳолат назарда тутилган бўлиши мумкин. Конституция преамбуласи ва ФКнинг 7-моддасига биноан эса, агар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигидагига, масалан шарҳланаётган моддадагига қараганда бошқа қоидалар мавжуд бўлса, устунликка эгадирлар.

## **2-§. ШАХСИЙ НОМУЛКИЙ ҲУҚУҚЛАР. ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК**

### **1179-модда. Шахсий номулкий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш**

**Шахсий номулкий ҳуқуқларга нисбатан бундай ҳуқуқларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаб учун асос бўлиб хизмат қилган ҳаракат ёки бошқа ҳолат содир этилган мамлакат ҳуқуқи қўлланилади.**

Шахсий номулкий ҳуқуқларга қўйидагилар киради: шахснинг ҳаёти ва соғлиғи, шаъни ва қадр-қиммати, шахсий дахлсизлиги, ишчанлик обрўси, шахсий ҳайтининг дахлсизлиги, ҳусусий ва оиласири, номга бўлган ҳуқуқи, тасвирга бўлган ҳуқуқи, муаллифлик ҳуқуқи, бошқа шахсий номулкий ҳуқуқлар ҳамда туғилганидан бошлаб ёки қонунга мувофиқ фуқарога тегишли бўлган бошқа номоддий неъматлар тортиб олинмайди-

лар ўзга усул билан бошқа шахсга берилмайдилар. Вафот этган кишига тегишли бўлган шахсий номулкий хукуклар ва бошқа номоддий неъматлар қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда бошқа шахслар, шу жумладан хукуқ эгасининг ворислари томонидан амалга оширилиши ва ҳимоя этилиши мумкин (ФК 99-м. ва унга шарҳларга қаранг). Шарҳланаётган норма ҳалқаро хусусий хукуқнинг ФК 1169-м. жисмоний шахснинг хукуқ лаёқати ва ФК 1171-м. жисмоний шахснинг исми каби коллизион-хукукий нормалари билан бевосита боғлиқдир. Бузилган номоддий неъматнинг ёки шахсий номулкий хукуқнинг моҳияти, ушбу хукуқ бузарликнинг оқибатларининг хусусиятига боғлиқ ҳолда, ФК 11-моддасида мустахкамланган ҳимоя чоралари қўлланади. Бозор ва ракобат шароитларида юридик ва жисмоний шахс учун ишчанлик дунёсида ишчанлик обрўси юқори баҳоланади ва маълум бўлганидек, у касбга оид, ишлаб чиқариш, воситачилик, савдо ва бошқа фаолият жараёнида юзага келади. Шу билан боғлиқ ҳолда, шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсининг ҳимояси кенг тус олди (ФКнинг 100-м. қаранг). Шахсий номулкий хукуклар ва бошқа номоддий неъматларнинг ҳимоясига нисбатан, бундай хукукларни ҳимояси тўғрисидаги талабга асос бўлиб хизмат қилган ҳаракат ёки бошқа вазият содир бўлган мамлакат хукуқи қўлланади (*lex loci delicti commissii*). Мазкур коллизион норма, унинг устунлиги ҳалқаро амалиётда исботланганлиги оқибатида универсал қабул қилинган принцип бўлиб ҳисобланади.

Хўжалик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ низоларни хал қилиш тартиби тўғриси Келишув (Киев, 20 март 1992 й.) билан, шартномавий ва бошқа хўжалик субъектлари ўргасидаги фуқаролик-хукукий муносабатлардан, уларнинг давлат ва бошқа органлар билан бўлган муносабатларидан, ҳамда улар бўйича қарорларни ижро этишдан келиб чиқадиган ишларни хал қилиш масалалари тартибга солинади (1-м.). Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи-давлатининг ваколатли суди, ушбу Келишувнинг 1-моддасида кўрсатилган низоларни, агар ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш давоси бўйича давогар МДҲ иштирокчи-давлати ҳудудида доимий яшаш жойи ёки турар жойига эга бўлса, кўриб чиқишга ҳақли (2-м.).

Процессуал жиҳатдан, хўжалик судининг ваколатига шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш тўғрисидаги низоларни хал қилиш киради (ХПКнинг 24-м.).

Маънавий зарарни қоплаш тўғрисидаги масала бўйича, 28 апрель 2002 й. №7 «Маънавий зарарни қоплаш тўғрисидаги қонунчиликни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми Қарорлари қўринишида айрим суд амалиёти умумлаштирилган:

Маънавий зарар деганда, унга қарши содир этилган хукуқбузарлик оқибатида, жабрланувчи томонидан хис этиладиган (бошидан кечирадиган), харакатлар (харакатсизлик) билан етказилган маънавий ёки жисмоний азоблар (камситилганлик, жисмоний оғриқ, тушкунлик, нокулай аҳвол ва х.к.) тушунилади.

Хукуққа хилоф харакатларнинг (харакатсизлик) обьектлари, туғилганидан бошлиб ёки конунга мувофиқ фуқарога тегишли бўлган номоддий неъматлар (шахснинг ҳаёти, соғлиги, қадр-қиммати, ишчанлик обрўси, шахсий ҳаётининг дахлсизлиги, хусусий ва оиласвий сири), шахсий номулкий ва мулкий хукуклар (уй-жой дахлсизлигига бўлган хукуқ, мулк хукуки, ўз номидан фойдаланиш хукуки, муаллифлик хукуки ва х.к.) бўлиши мумкин.

Маънавий зарар, хусусан, қариндошларни йўқотиш, фаол жамоавий ҳаётни давом эттира олмаслиги, ишдан айрилиш, оиласвий, тиббий сирнинг очилиши, фуқаронинг шаъни, қадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсига путур етказадиган, ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқалиши, баъзи хукуклардан вақтинча маҳрум қилиш ёки чеклаш, соғликқа бошқа зиён етказиш йўли билан шикастлаш ёки маънавий азоблар оқибатида бошдан кечирилган касаллик билан алоқадор жисмоний оғриқ билан боғлиқ маънавий азоблардан иборат бўлиши мумкин.

Амалдаги қонунчиликка кўра (ФКнинг 1021-м.), маънавий зарар етказилганини оқибатида жавобгарлик вужудга келишининг мажбурий шартларидан бири зарар етказувчининг айби ҳисобланади. Қонунда тўғридан тўғри назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно. Масалан, агар:

- зарар фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига ошиқча хавф манбаи тамонидан етказилган бўлса;

- зарар фуқарога уни қонунга хилоф тарзда ҳукм қилиш, қонунга хилоф тарзда жиноий жавобгарликка тортиш, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни ёки муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат олишни қонунга хилоф тарзда қўлланиш, қонунга хилоф тарзда маъмурий жазо

күлланиш ва қонунга хилоф тарзда ушлаб туриш натижасида етказилган бўлса;

- зарар ор-номус, қадр-қиммат ва ишчанлик обрў-эътиборини ҳақоратловчи маълумотларни тарқатиш туфайли етказилган бўлса.

Қонун хужжатларида аниқ ҳуқуқбузарликлар бўйича етказилган маънавий ёки жисмоний азобларни қоплаш мумкинлиги тўғрисида тўғридан-тўғри кўрсатманинг йўқлиги, хар доим ҳам жабрланувчи маънавий зарарни ундириш ҳуқуқига эга эмаслигини билдирамайди.

ФК 989-моддасининг биринчи қисмига кўра, юридик шахс ёки фуқаро ўз ходими меҳнат (хизмат, лавозим) мажбуриятларини бажариб турган вақтида етказилган зарарни қоплайди.

Қонуннинг кўрсатилган қоидаси маънавий зарар етказиши ҳолатларига ҳам тадбиқ қилинади.

Меҳнат кодексининг 112-моддасига мувофиқ, суд, иш берувчини меҳнат шартномасини файриконуний равища бекор қилиш ёки ходимни файриконуний равища бошқа ишга ўтказиш билан боғлиқ, ходимга етказилган маънавий азобларини қоплашга мажбур қилиш ҳуқуқига эга.

Бундай мажбурият иш берувчига, асосиз маъмурий жазо қўллаш, бошқа ишга ўтказишни рад этиш, ишдан четлаштириш, меҳнат дафтарчасини ҳамда иш ҳаки ва бошқа тўловларни беришни кечикириш ҳолатларида ҳам юкланиши мумкин.

Фуқаронинг ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотларни тарқатиш билан боғлиқ маънавий зарарни қоплашни тартибга солувчи қоидалар, бундай маълумотларни юридик шахсларга нисбатан тарқатилиш ҳолатларида ҳам қўлланилади (ФК 100-м. 9-к.).

Шу билан бирга, судлар ҳакиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш билан боғлиқ бўлган маънавий зарар маълумотлар тўпланган шахсдан ундирилиши лозимлигини, агар ушбу маълумотлар маълумотнома ёки маъруза ва х.к.га киритилган ва гурух (комиссия) томонидан маъқулланган бўлса, маънавий зарар гурухнинг хар бир иштирокчиси томонидан ундирилиши лозимлигини инобатга олишлари керак.

Суд маънавий зарарни қоплаш тўғрисидаги даъвони мулкий зарарни қоплаш тўғрисидаги даъво билан биргаликда кўриб чиқиш билан бир қаторда, алоҳида кўриб чиқиш ҳуқуқига ҳам эга, чунки амалдаги қонунчиликка мувофиқ етказилган маънавий зарар учун жавоб-

гарлик, мол-мулқда бошқа заарнинг борлиги билан тўғридан-тўғри боғлиқ эмас.

ЖПКнинг 57-моддасига кўра, жабрланувчи, яъни жиноят оқибатида зарар етказилган шахс, жиноий иш бўйича ўзига етказилган маънавий зарар юзасидан фуқаролик тартибида судга даъво аризаси билан мурожаат этиш ҳукуқига эга.

Агар маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги даъво аризаси берилмаган ёки жиноий ишни кўриб чиқишида хал қилинмаган бўлса, ФПК 245-моддасига кўра, мазкур даъво фуқаролик суд жараёни тартибида кўриб чиқилиши мумкин. Шуни назарда тутиш керакки, оқланган шахснинг маънавий зарарни қоплашга бўлган ҳукуқи оқлов ҳуқми чиқарилганидан ёки жиноий иш тутатилганидан сўнг вужудга келади (ЖПКнинг 302-, 306-, 309- ва 310-м.лари). Оқланган шахсга нисбатан етказилган маънавий зарарни қоплаш тўғрисидаги даъво (ФКнинг 1021-м.) фуқаролик суд жараёнида кўриб чиқилиши мумкин.

Маънавий зарарни ундиришга бўлган ҳукуқ, шахсни ноқонуний равишида маъмурий жавобгарликка тортиш ҳолатларида ҳам юзага келади (КоАЖ 271-м.).

«Истеъмолчи ҳукукларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 22-моддасига кўра, истеъмолчига, унинг ҳукукларини бузиш оқибатида етказилган маънавий зарар зарар етказувчи томонидан, унинг айби бўлган тақдирда суд томонидан, белгиланган миқдорда қопланади. Зарарни қоплаш миқдори товарнинг нархи ёки ундирилаётган неустойканинг суммасидан келиб чиқсан ҳолда қўйилиши мумкин эмас, балки хар бир конкрет ҳолатда истеъмолчига нисбатан етказилган маънавий ва жисмоний азобларни хажми ва хусусиятига асосланиши керак. Маънавий зарарни қоплаш мулкий зарар ва истеъмолчига етказилган заарларни қоплашдан қатъи назар амалга оширилади.

Маънавий зарарни қоплаш тўғрисидаги талаб, ушбу зарар етказилишида айборд бўлган жавобгар (жавобгарлар) хисобидан қондирилади. Шу туфайли, ушбу ҳолатларда жавобгар 1018-м.да белгиланганидек, истеъмолчининг танлаш ҳукуқи бўйича эмас (товар сотувчи, товар ишлаб чиқарувчи), балки уларнинг қай бири, маънавий зарарни вужудга келтирган, истеъмолчи ҳукукларининг бузилишига йўл қўйгани билан белгиланади.

Шу аснода, агар ишни кўриб чиқиш вақтида, даъво аризаси даъво бўйича жавоб бериши лозим бўлган шахсга нисбатан берилмаганлиги аниқланса, ФПК 42-моддасининг талабларига мувофиқ равишда, суд ишга дахлдор тарафни алмаштириш ёки иккинчи жавобгарни жалб қилиш харакатларини бажариши лозим.

Шуни эътиборга олиш жоизки, «Акционерлик жамиятлари ва акционерлар хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 115-моддасига кўра, акционерлар хукукларини ҳимоя қилиш усусларидан бири, маънавий зарарни ундиришdir.

Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, дивидентларни нотўғри ва ўз вақтида тўламаслик, эмитент томонидан банкротликни яшириш, ёлғон банкротлик харакатлари ҳамда акционерлар хукукларининг бошка ноқонуний чекланишларини уларга маънавий зарар етказиш деб хисоблаш зарур.

Маънавий зарарни қоплаш микдорини белгилашда, судлар, жабрланувчи томонидан унга етказилган маънавий зарар оғирлигига нисбатан берган субъектив баҳоси билан биргаликда, даъвогарнинг маънавий ва жисмоний азоблари даражаси, тажовуз обьекти бўлган манфаатнинг ҳаётий мухимлиги (хаёт, соғлиқ, шаън, кадр-қиммат, шахсий эрк, уй-жой дахлсизлиги, юқори баҳодаги нарсалар ва х.к.), хукуқбузарлик оқибатларининг оғирлиги (яқин қариндошларни ўлдириш, ногиронликка олиб келган тан жароҳатларини етказиш, эркинликдан маҳрум қилиш, ишдан ва уй-жойдан маҳрум қилиш ва х.к.), ёлғон шармандали маълумотларнинг тарқалиш доираси ва характеристи, жабрланувчининг ҳаётий шароитлари ва шахсий хусусиятлари (хизмат, оиласвий, турмуш, моддий, соғлигининг ахволи, ёш ва б.), зарар етказувчининг, жабрланувчининг айб дарражаси, зарар етказган шахснинг моддий ахволи ва эътиборга лойиқ бошқа ҳолатлар тўғрисида далолат берувчи обьектив далилларни ҳам инобатга олишлари лозим. Бундан келиб чиқиб, маънавий зарарни қоплаш микдори, мулкий зарар, зиён ва бошқа моддий талабларни қоплаш тўғрисидаги қондирилган даъво микдоридан келиб чиқсан ҳолда қўйила олмайди. Зарарни қоплаш микдорини аниқлашда оқилоналиқ ва адолатлилик талаблари эътиборга олиниши лозим (1022-м.).

Ўзбекистон Республикаси ФК 327-м.да белгиланган қарз шартномасидан келиб чиқувчи мажбурият пул мажбурияти бўлганлиги сабабли,

шартнома бўйича қарздор томонидан мажбуриятнинг бузилиши, қарз берувчининг маънавий зарарни ундириш хукукининг чекланиши, судлар томонидан назарда тутилиши лозим (Абзац 03.02.2006 й. №7 ЎзРес Олий суди Пленуми қарорининг 6-пунктига асосан киритилган).

Бир неча шахсларнинг биргаликдаги ҳаракатлари билан маънавий зарар етказилган ҳолатда, жабрланувчи зарар етказувчиларнинг барчасидан солидар тарзда зарар ундиришни талаб қилиши мумкин бўлганидек, уларнинг хар биридан алоҳида равишда талаб қилиши мумкин (ФКнинг 1000-м.).

Маънавий зарарни ундириш номоддий неъматлар ва шахсий номулкий хукуқларни ҳимоя қилиш воситаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Шу тифайли, ФК 163-моддасининг 1-қисмига мувофиқ, маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги талабга нисбатан даъво муддати жорий килинмайди.

## **1180-модда. Интеллектуал мулкка бўлган хукуқ**

**Интеллектуал мулкка бўлган хукукларга нисбатан бу хукукларни ҳимоя қилиш сўраладиган мамлакат хукуқи қўлланилади.**

**Интеллектуал мулкка бўлган хукуқ ҳақидаги шартномалар ушбу бўлимнинг шартнома мажбуриятлари тўғрисидаги қоидаларига мувофиқ белгиланадиган хукуқ билан тартибга солинади.**

1. Халқаро хусусий хукуқда муаллифлик хукуқи ва саноат мулкига бўлган хукуқ, «интеллектуал мулк» умумий номи билан бирлаштирилган. Интеллектуал мулк обьектлари жумласига қўйидагилар киради:

а) интеллектуал фаолият натижалари:

фан, адабиёт ва санъат асарлари;

эшиттириш ташкилотларининг ижролари, фонограммалари ва эшиттиришлари;

электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар ва маълумотлар базалари;

ихтиrolар, фойдали моделлар, саноат намуналари;

селекция ютуқлари;

ошкор этилмаган ахборот, шу жумладан ишлаб чиқариш сирлари (ноу-хай);

б) фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарлар, ишлар ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалар:

фирма номлари;  
товар белгилари (хизмат қўрсатиш белгилари);  
товарлар чиқарилган жой номи;  
в) ушбу Кодексда ёки бошқа қонунларда назарда тутилган ҳолларда интеллектуал фаолиятнинг бошқа натижалари ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарлар ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалар.

Интеллектуал мулкнинг хукуқий тартибга солиниши барча давлатларда маҳсус норматив-хукуқий хужжатлар билан амалга оширилади. Шу билан бирга, таъкидлаб ўтиш жоизки, бир давлатда унинг қонунлари асосида вужудга келган муаллифлик, ихтирочилик хукуқи, товар белгисига ва бошқа мутлақ хукуқлар қатъий худудий характеристери билан фарқланади. Улар умуман олганда, фақат ушбу давлат чегарасида таъсир кучига эга бўлади. Бу, ушбу хукукларнинг давлатлар экстерриториал ҳаракатини тан оловчи бошқа фуқаролик хукуқларидан фарқидир.

Интеллектуал мулк муносабатларининг хукуқий тартибга солиниши айрим чет давлатларнинг ҳалқаро хусусий хукуқида ҳам назарда тутилади. Бундай нормалар Белоруссия Республикаси (ФКнинг 1132-м.), Қозоғистон Республикаси (ФКнинг 1120-м.), Қирғизистон Республикасининг (ФКнинг 1189-м.) фуқаролик кодексларида назарла тутилган. Таъкидлаш жоизки, шу каби нормалар айрим Европа мамлакатларининг ҳалқаро хусусий хукуқ тўғрисидаги қонунчилигида янада аввалроқ қабул қилинган эди.

2. ФКнинг 1180-моддасида мавжуд бўлган интеллектуал мулк тўғрисидаги коллизион нормаларнинг иккита жихати тартибга солади. Биринчиси — умумий, иккинчиси, интеллектуал мулк билан боғлиқ шартномаларга тааллуқли — маҳсус. Кўрсатилган жихатлар учун турли коллизион боғловчилар қўлланади. Агар интеллектуал мулкка бўлган хукуқларга, ушбу хукуқларни ҳимоя қилиш сўралаётган мамлакат хукуқи қўлланиши лозим бўлса, предмети интеллектуал мулкка бўлган хукуқдан иборат бўлган шартномалар, шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятлар тўғрисидаги қоидалар билан белгиланадиган хукуқ воситасида тартибга солинади.

Модданинг биринчи қисмида, интеллектуал мулкка бўлган хукуқларга, хусусан унинг туридан қатъи назар, алоқадор масалалар хал қилинади. Ушбу хукуқлар худудий характеристерга эга бўлганлиги ва уларни муҳофаза

қилиш доираси маълум давлат ҳудуди билан чегараланганлиги сабабли, уларнинг муҳофазаси, биринчидан, ушбу ҳуқуқлар вужудга келган мамлақатда, иккинчидан, мазкур давлатнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган хажм ва доирада таъминланади. Бундай маҳдудликни енгиш, ҳалқаро шартноманинг бир иштирокчи-давлатида қўлга киритилган интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқларга бошқа иштирокчи-давлатларда муҳофазага эга бўлиш имкониятини берувчи ҳалқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар (конвенциялар, шартномалар, келишувлар) ёрдамида амалга оширилади. Ушбу мазмунда интеллектуал мулкнинг ҳалқаро-ҳуқуқий муҳофазаси мухим аҳамиятга эга.

Кўрсатилган хажмга нисбатан коллизион нормани қўллаётганда, кўпчилик давлатлар, шу катода Ўзбекистон Республикаси, уларнинг миллий қонунчилигига у ёки бу даражада таъсир кўрсатган, интеллектуал мулкнинг ҳалқаро муҳофазаси тўғрисидаги кўптомонлама ҳалқаро конвенция ва шартномаларнинг иштирокчиси эканликларини эътиборга олиш лозим. Ўзбекистон Республикасининг муаллифлик ҳукуки ва турдош ҳуқуқлар доирасидаги кўптомонлама ҳалқаро шартномалари қўйидагилардир: адабий ва бадиий асарларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Берн конвенцияси (Берн, 9 сентябрь 1886 й., Парижда 4 май 1896 й. тўлдирилган, Берлинда 13 ноябрь 1908 й. қайта кўриб чиқилган, Бернда 20 март 1914 й. тўлдирилган ва Римда 2 июнь 1928 й., Брюсселда 26 июнь 1948 й., Стокгольмда 14 июль 1967 й. ва Парижда 24 июль 1971 й. қайта кўриб чиқилган, 2 октябрь 1979 й. ўзгартирилган); интеллектуал мулк Умумжаҳон ташкилотини таъсис этувчи Конвенция (Стокгольм 14 июль 1967 й., 2 октябрь 1979 й. ўзгартиришлар билан). Ўзбекистон Республикасининг саноат мулкига бўлган ҳуқук доирасидаги кўптомонлама ҳалқаро шартномалари қўйидагилар: саноат мулкини муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенцияси (Париж 20 март 1883 й., Брюссельда 14 декабрь 1900 й., Вашингтонда 2 июнь 1911 й., Гаагада 6 ноябрь 1925 й., Лондонда 2 июнь 1934 й., Лиссабонда 31 октябрь 1958 й. Ва Стокгольмда 14 июль 1967 й. қайта кўриб чиқилган, 28 сентябрь 1979 й. ўзгартирилган); Белгиларни ҳалқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Мадрид келишувига Баённома (Мадрид, 28 июнь 1989 й.); Патент кооперацияси тўғрисида 19 июнь 1970 й. Шартнома (2 октябрь 1979 й. қайта кўриб чиқилган, 3 февраль 1984 й. ўзгартирилган); Белгиларни рўйхатдан ўтказиш учун

товар ва хизматларнинг Халқаро квалификацияси тўғрисидаги Ницца келишуви (Ницца, 15 июнь 1957 й., Стокгольмда 14 июль 1967 й., Женевада 13 май 1977 й. қайта кўриб чиқилган ва 28 сентябрь 1979 й.); Саноат намуналарини Халқаро классификациясини таъсис этиш тўғрисидаги 8 октябрь 1968 й. Локарно келишуви (1979 й. қабул қилинган тузатишлар билан); Халқаро патент классификацияси тўғрисидаги 24 март 1971 й. Страсбург келишуви, 1979 й. қабул қилинган тузатишлар).

3. ФК 1180-моддасининг 2-кисмida, тартибга солиш предмети маҳсус бўлиб ҳисобланади, чунки ҳуқуқий категория сифатида интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқларнинг ўзини эмас, балки предмети мазкур ҳуқуқлар бўлган шартномаларни назарда тутади. Бу асарлардан фойдаланишга мутлақ мулкий ҳуқуқлар бериш тўғрисидаги, саноат мулки объектларига ҳуқуқлар бериш тўғрисидаги лицензион шартномалар, асарлар ва саноат мулки объектларини яратиш ҳамда кейинчалик буюртмачига улардан фойдаланишга мутлақ ҳуқуқ ҳам бериш тўғрисидаги шартномалардир.

Иккинчи қисмда боғловчининг ўзи шакллантирилмаган, балки ёрдамида қўлланувчи ҳуқуқ аниқланадиган, шартномавий мажбуриятлар тўғрисидаги ФК ушбу бўлими нормаларининг ўзига ҳавола қилинган. Предмети интеллектуал мулк ҳуқуқи бўлган барча шартномалар учун қўлланувчи ҳуқуқ асосий коллизион-боғловчи — эрк мухторияти билан белгиланади (1189-м.). Субсидиар боғловчи бўлиб эса, лицензиар ҳисобланувчи тараф асосий фаолият жойи бўлган мамлакат ҳуқуки, ушбу жойни аниқлашнинг иложи бўлмаганда эса, у таъсис этилган (юридик шахслар учун) ёки асосий яшаш жойига эга бўлган (жисмоний шахслар учун) мамлакат ҳуқуки хизмат қиласи (ФКнинг 1190-м.). Бу хусусда Швейцариянинг халқаро ҳуқуқ тўғрисидаги 18 декабрь 1987 й. Конунининг 109-моддаси эътиборга лойиқdir. (1) Интеллектуал мулк ҳуқуки тўғрисидаги даъволар жавобгарнинг яшаш жойи бўйича швейцар суди томонидан ёки жавобгарнинг Швейцарияда яшаш жойи бўлмаган тақдирда ҳимоя талаб қилинган жой суди томонидан кўриб чиқиласи. Чет мамлакатдаги интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳақиқий эмаслиги ва рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги даъволар бундан мустаснодир. (2) Агар Швейцарияда ҳуқуқий даъволарга асосан бир факт ва бир юридик мотивга асосланган бир неча жавобгарлар топилиши мумкин бўлса, даъво бир

вақтнинг ўзида бир неча жавобгарларга нисбатан хар қандай ваколатли судга қўйилиши мумкин, шу билан бирга, биринчи бўлиб ишни кўриб чиқишига қабул қылган суд мутлак ваколатга эга. (3) Жавобгар Швейцарияда яшаш жойига эга бўлмаган ҳолларда, Швейцария ҳудудида интеллетеуал мулк ҳуқуқининг ҳақиқийлиги ва рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги даъвалар вакилнинг савдо фаолияти рўйхатга олинган жой бўйича швейцар судига, унинг мавжуд эмаслигига эса, рўйхатга олувичи органнинг турган жойи бўйича судга берилади.

### **3-§. БИТИМЛАР. ВАКИЛЛИК. ДАЪВО МУДДАТИ**

#### **1181-модда. Битимнинг шакли**

**Битимнинг шакли у тузиладиган жой ҳуқуқига бўйсунади. Бироқ чет элда тузилган битим, агар Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқи талабларига риоя этилган бўлса, шаклга риоя этилмаганилиги туфайли ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин эмас.**

**Лоақал иштирокчиларидан биттаси Ўзбекистон Республикасининг юридик шахси ёки Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлган ташки иқтисодий битим, қаерда тузилаётганидан қатъи назар, ёзма шаклда тузилади.**

**Кўчмас мулк ҳусусидаги битимнинг шакли бу мулк жойлашган мамлакат ҳуқуқига бўйсунади, Ўзбекистон Республикасида давлат реестрида қайд этилган кўчмас мулкка нисбатан эса, Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқига бўйсунади.**

1. Шарҳланадиган модда ўзида битимлар шакли масалалари бўйича коллизион нормаларни қамраб олади (ФК 1158-м. 1-қ. қаранг). Биринчи кисм бундай битимларга алокадор умумий кўрсатмаларга бағищланади, 2 ва 3 кисмларда битимларнинг алоҳида категорияларига нисбатан маҳсус коидалар мавжуд.

Моддада аввал амалда бўлган республика фуқаролик қонунчилигининг асосий ёндашувлари айрим аниқликлар билан сақланиб қолинган. Ушбу ёндашувларга битимлар шаклининг коллизион аспектларига тааллукли кўрсатмаларнинг, чет мамлакатларда кўпинча учратиш мумкин бўлган коидаларга нисбатан, маълум бўлган қаттиқлик хосдир.

ФКнинг VI бўлими шартнома тарафлари томонидан битим шаклига нисбатан қўлланувчи хукукни танлаш имкониятини назарда тутмайди (ФКнинг 1189-м. ва унга шарх).

Шарҳланаётган модда биртомонлама битимлар каби, икки ёки кўптомонлама битимларга (шартномалар) ҳам тааллуклидир. Васиятноманинг ва уни бекор қилиш хужжатининг шакли ФКнинг 1198-моддасида тартибга солинган. Гаров тўғрисидаги шартнома шаклининг коллизион жиҳатлари Ўзбекистон Республикаси 1 май 1998 й. №614-1 «Гаров тўғрисида»ги Конунининг 11-м. 4-қисмида ҳам қатъий белгилаб қўйилган.

2. Модданинг 2-қисмига кўра, битим шакли унинг тузилиш жойи конуни билан белгиланади (*lex loci actus*). Шу билан бирга, сўнгиди Ўзбекистон Республикасидан четда битим тузилган ҳолларда қўлланувчи альтернатив боғловчи берилади. Бундай битим шаклининг камчиликлари туфайли, агар ўзбекистон Республикасининг хуқуқи бўйича ҳақиқий бўлса, ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин эмас. Шу тарика, ушбу ҳолатда хеч бўлмаса иккита хукуқ тартиботлардан бирининг шаклга нисбатан талабларига риоя этилиши етарли бўлиб ҳисобланади: чет эл (битим тузилган жой қонуни) ёки Ўзбекистон Республикаси.

Ишончномаларга ҳам шарҳланаётган модда 1-қисмининг юқорида кўрсатилган қоидалари татбиқ қилинади. Ишончноманинг амал қилиш муддатига нисбатан коллизион масалалар ФКнинг 1182-моддасида тартибга солинган.

3. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида, битим шаклига нисбатан унчалик қаттиқ бўлмаган талабларга риоя этишни етарли деб тан олиш йўли билан фуқаролик мумаласидаги барқарорликка кўмаклашиш мақсадларида, юридик техника нуқтаи назаридан турли мамлакатлар хукукини (*favor negotii* принципи), яъни айтиб ўтилган хукуқ тартиботлардан бирини альтернатив қўлланилиши мумкинлиги принципи, маълум даражада намоён бўлади. Бошқа сўз билан айтганда, битимни ҳақиқий деб топиш мақсадлари учун, энг мақбул бўлган хукуқ қўлланилиши лозим. Таъкидлаб ўтамизки, кўрсатилган принцип хорижда кенг ўрнатилган. Альтернатив коллизион боғловчи сифатида (бошқалар билан бир каторда), қоидага кўра, Ўзбекистон Республикаси қонунида белгиланганидек, судлов мамлакати қонунига эмас (*lex fori*), мажбуриятнинг моҳиятини тартибга солувчи хукуққа ҳавола (*lex causae*) қўлланилади.

Мазкур ёндашув Ўзбекистон Республикаси ва Украина ўртасидаги фуқаролик ва оилавий ишлар бўйича хукуқий ёрдам ва хукуқий муносабатлар тўғрисидаги 19 февраль 1998 й. Шартномада мустахкамланган (39-м.1-п.). Битим шаклига нисбатан альтернатив коллизион боғловчиларни қўллаш тенденцияси, битимни тузиш жойига ҳавола этиш анъянавий боғловчиси ўз-ўзидан бекаму-кўст эмас деган фикрлар туфайли ҳам келиб чиқкан, хусусан, бундай жой бутунлай битимга нисбатан етарли даражада тасодифий характерга эга бўлиши мумкинлиги сабабли.

4. Шархланаётган модда билан боғлиқ ҳолда, «битим шакли» тушунчи қамраб олган масалалар, ҳамда бошқа коллизион нормалар асосида белгиланадиган масалалардан ажратиш учун унинг мазмунини аниқлаш зарурати келиб чиқади. Бошқа сўз билан айтганда, кўрсатилган юридик тушунча ФКнинг 1159-моддаси нуқтаи назаридан кўриб чиқилади (унга шарҳларга қаранг).

ФКда (мажбуриятларнинг алоҳида турлари бўйича нормалар билан бир қаторда) битимлар шаклига, хусусан, 105–112, 366-моддалар ҳам бағишлиланган. Уларда, шу қаторда, йўл қўйилган у ёки бу битим шакли остида нима тушунилиши, маълум шаклда битим тузилиши қайси холларда талаб этилиши, ва унга риоя этмаслик оқибатлари изоҳланган. Кўрсатилган моддаларнинг проблематикаси битим шаклига нисбатан қўлланувчи хукуқнинг предметга оид таъсир доираси тўғрисида асосий тасаввур беради.

Мазкур модда мақсадларидаги битим шакли деганда, кўпчилик юрист-мутахассисларнинг фикрича, битимни расмийлаштириш талабларини тушуниш лозим. Ушбу талабларга маълум шаклни бланкда бажариш, муҳр билан мустахкамлаш ва х.к.ларнигина эмас, балки тегишли ҳолатларда битимни рўйхатдан ўтказиш талабларини ҳам киритиш мумкин. Бундай талабларнинг аниқ рўйхати бу ерда фақат тахминий характерга эга бўлиши мумкин. Улар қўлланувчи хукуқ билан боғлиқ ҳолда фарқланиши мумкин (халқаро хусусий хукуқ тўғрисидаги қонунчилигига қ.: Греция 15 март 1940 й. (11-м.), ГФР 25 июнь 1985 й. (11-м.), Португалия 25 ноябрь 1966 й. (36-м.), Руминия 22 сентябрь 1992 й. (64–65-м.), Луизиана, АҚШ 1991 й. №923 (3538-м.), Швейцария 18 декабрь 1987 й. (124-м.)).

5. Хукуқий баҳо бериш муаммоси, мазкур шархланаётган модданинг биринчи қисмида қўлланган «битим тузиш жойи» тушунчасига

нисбатан ҳам юзага келиши мумкин. Мазкур тушунчани ФКнинг ушбу бўлимининг юридик тушунчаларга ҳуқукий баҳо бериш тўғрисидаги моддасини (1159-м.) ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқамиз. «Битим тузиш жойи» тушунчасига ҳуқукий баҳо беришга мурожаат қилиш зарурати-нинг ўзи, хусусан, келмаганлар ўртасида шартнома тузиш вақти деб нимани ҳисоблаш кераклигига турли мамлакатлар ҳуқуки позициясидаги фарқлар билан асосланади. Сўнгги ёндашув устунликка эга. Биринчиси, ўзининг аҳамиятини йўқотсада, кисман сақланиб қолади, масалан, Буюк Британия ва АҚШ конунчилигига. Тузиш вақти билан, қоида сифатида, шартномани тузиш жойи ҳам боғлиқ бўлади. Кўрсатилган фарқлар ягона эмас. Кўшимча масалалар ФКга шартноманинг тузилиш жойи тўғрисида маҳсус модданинг киритилиши билан ҳам вужудга келади.

ФКнинг VI бўлимида шархланаётган модда билан бир қаторда «битим тузиш жойи» тушунчаси, ўхшаш белги қўлланган, мазмунан ФКнинг 1175-моддаси билан боғлиқ бўлган, ФКнинг 1169-моддасида ҳам айтиб ўтилган. Ишончнома берилган мамлакат тўғрисида ФКнинг 1182-мод-дасида гапирилади. ФКнинг 376-моддаси оферта юборган фуқаронинг яшаш жойидаги ёки юридик шахс жойлашган жойдаги шартномани тузиленган деб тан олади, агар шартноманинг ўзида бошқа тузиш жойи кўрсатилмаган бўлса. Фуқаронинг яшаш жойини белгилаш тўғрисидаги қоидалар 21-моддада, юридик шахснинг жойлашган жойи ҳақидаги қоидалар эса, ФКнинг 46-моддасида мавжуд.

Аммо, назаримизда, кўриб чиқилаётган тушунчанинг мазмунини ФКнинг VI бўлимида қўлланганидек аниқлаш, аввало Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг тегишли нормалари мазмунини инобатга олган ҳолда амалга оширилади. ФК 376-моддасининг шартнома тузиш жойи тўғрисидаги моддий-ҳуқукий нормаси, юрист-мутахассисларнинг фикрича, хар қайси ҳолларда ҳам, кўрсатилган тушунчанинг, коллизион тартибга солишда унга кўйилган мазмунини адекват равишда акс эттирмайди. Унда шартнома тузишнинг реал жойи оферта юборган фуқаронинг яшаш жойи ёки юридик шахснинг жойлашган жойи билан мос келмаслиги ҳолларида, шартнома тузиш жойи бўлиб нима ҳисобланиши ҳақида гапирилади. Шартнома тузилиши ҳақиқатда, контрагентлардан хеч қайсисининг яшаш жойи ҳам, оддий турар жойи ҳам бўлмаган мамлакатда юзага келиши мумкин. ФК 1169-моддасининг учинчи қисми ва 1175-моддалари мазму-

нининг тахлили, у ерда мазмунан битим тузилишининг реал жойи назарда тутилишини кўрсатади. Мазкур ҳолатда, ФК бутун VI бўлими доирасида битим тузилиш жойи тушунчаси мазмунини бир хилда тушунилишидан эмас, балки ушбу бўлим алоҳида моддалари мақсадларида кўрсатилган изборани турли изоҳланишидан келиб чиқиш керак.

Умуман олганда, ФКнинг 1181-моддаси мақсадларида, алоҳида изоҳлар билан ФКнинг шартнома тузиш жойи тўғрисидаги 376-моддасига амал қилиш мумкин билан. Шунга қарамай, ФКнинг 376-моддаси вужудга келувчи айрим саволларга жавоб бермайди, масалан, музокаралар натижасида бир вактнинг ўзида иштирок этувчи тарафлар томонидан унинг матнини имзолаш йўли билан шартнома тузиш, шартнома тузиш жойини аниқлаш учун бошқа кўшимча мезонларни қидиришни талаб қилиши мумкин, ва ушбу мезон сифатида унинг фактик тузилиш жойини хисоблаш керак бўлиши мустасно эмас.

ФКнинг 376-моддаси асосида, биртомонлама битим тузиш жойи тўғрисидаги саволга ҳам жавоб бериш осон эмас (103-м. қаранг). Фикр қилинадики, ФКнинг 1182-моддасини инобатга олган ҳолда, бундай жой сифатида, биртомонлама битим бўйича ўзига мажбуриятларни оладиган тарафнинг яшаш жойи ёки фаолият жойини хисоблаш мумкин (ФК 103-м. иккинчи қисмига ҳам қаранг). Шу билан бирга, коллизион тартибга солиш мақсадларида кўриб чиқилаётган тушунчани изоҳлаш ва, хусусан, мажбурият моҳиятини тартибга солувчи хукуққа ҳавола қилувчи коллизион боғловчиларнинг кўпроқ мослигига эришиш доирасида, юридик шахснинг жойлашган жойига ҳавола қилувчи боғловчининг ўрнига ва шартнома тузиш жойини белгилашда, тарафнинг асосий фаолият жойи мезонини кўллашга йўл кўйилишининг тахлили аҳамиятга лойик (ФКнинг 1190-м. биринчи қисмига қ.). Шарҳланётган моддада «битим тузиш жойи» тушунчасини қўлланилиши билан боғлик ҳолда, ФК ва унинг VI бўлимининг моддаларига тааллуқли бошқа саволлар ҳам келиб чиқиши мумкин. Улар мазкур шарҳ доирасидан четга чиқадиган, алоҳида кўриб чиқиши талаб қиласди.

6. Шартноманинг шакли тўғрисидаги коллизион саволни, у оферта ва акцептга ёки умуман шартномага нисбатан алоҳида кўйилганида кўриб чиқамиз. Хориж амалиётида сўнгги вариант устунлик қиласди. Оферта ва акцепт шаклига турли мамлакатлар хукуқини қўллаш, улар-

нинг эхтимолий мос келмаслиги туфайли, қўшимча қийинчиликларни туғдириши мумкин. Бундан ташқари, хусусан, шартноманинг шаклига нисбатан талаблар мавжуд. Ушбу масалаларни ягона мақомни қўллаш, яъни умуман шартномага нисбатан қўлланувчи хуқуқ асосида хал этиш мақсадга мувофиқроқдир.<sup>2</sup> Назаримизда, ушбу ёндашувга шарҳланаётган модда асосида битим шакли бўйсунадиган хукукни белгилашда ҳам амал қилиш лозим.

7. Кўпинча битим шаклига тегишли нормалар битимнинг мавжудлигини исботлаш ва унинг шартлари масалаларига ҳам дахлдор бўлади (масалан, ФК 109-м. 2-қ. қаранг). Бундай ҳолатда ушбу қўрсатмалар, улар киритилган моддий-хукуқий тартибга солишининг ажralmas таркибий қисми бўлиб ҳисобланади. Шу туфайли, битим шаклини чет эл хукукига бўйсундирганда, исботлаш масалаларидаги тегишли чет эл қоидалари ҳам қўлланиши лозим, чунки назарда тутилган ушбу хукуқда улар моддий-хукуқий тартибга солишининг таркибий қисми бўлиб ҳисобланади. Шу билан бирга, мазкур ҳолатда ушбу масалаларни процессуал масалалар сифатида судлов мамлакати қонуни асосида хал қилиш нотўғри бўлар эди, чунки бу билан коллизион масала чет эл қонуни фойдасига хал қилинганидан сўнг, унинг таркиби эътиборсиз қолган бўлар эди.<sup>3</sup>

8. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида субъектив таркиби Ўзбекистон Республикаси билан боғлиқ ташкииқтисодий битимлар шакли тўғрисидаги маҳсус императив биртомонлама коллизион норма мавжуд. Бундай битимлар Ўзбекистон Республикаси хукукига бўйсундирилган. Бу ерда битим тузиш жойи энди қўлланувчи хукуққа таъсир қилмайди. ФКга кўра, ташкииқтисодий битимлар уларнинг ҳақиқий эмаслиги ҳавфи остида оддий ёзма шаклда тузилиши лозим (ФК 109-м. 3-қ.). Шарҳланаётган модда иккинчи қисмининг коллизион нормаси, 109-модда 3-қисмининг унда иштирок этувчи тарафларнинг таркибига кўра, Ўзбекистон Республикаси билан боғлиқ бўлган битимларга нисбатан моддий-хукуқий қўрсатмаларига риоя қилинишини таъминлашга мўлжалланган.

---

2 Қаранг: Лунц Л. А. Курс международного частного права: В. 3 т. М., 2002. С. 223–224; Giuliano M., Lagarde P. Report on the Convention on the law applicable to contractual obligations. Official Journal of the European Communities. N C 282. 31 October 1980. P. 31.

3 Қаранг: Лунц Л. А. Курс международного частного права: В. 3 т. М., 2002. С. 514–515.

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида «ташқиқтисодий битим» тушунчасининг ҳуқуқий таърифи мавжуд эмас. Ушбу тушунча ишлаб чиқилган ўқув-илмий ишларда мавжуд, яъни доктринал жиҳатдан. Ташқиқтисодийга, тижорат ташкилотлари турли мамлакатларда жойлашган шахслар ўртасида, тадбиркорлик фаолияти давомида амалга оширилган шартномаларни киритиш мумкин. Кўрсатилган тушунчани изохлаш мазмунига нисбатан, товарларни халқаро олди-сотдиси шартномаси тўғрисидаги Конвенция (11 апрель 1980 й. Вена, 01.12.1997 й. Ўзбекистон Республикасида ратификация қилинган) тадбиқ қилинади. Тадбиркорлик фаолияти таърифи Ўзбекистон Республикаси 25 май 2000 й. №69-П «Тадбиркорлик фаолияти кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг 3-моддасида берилган. Шу тариқа, чет эл элементи мавжуд бўлган хар қандай битим ҳам ташқиқтисодий бўлмайди. Сўнгги тушунча, биринчисига қараганда торроқ бўлиб ҳисобланади. Ташқиқтисодий битим — чет эл элементи мавжуд бўлган битимларнинг кўринишларидан биридир. Шарҳланаётган модда иккинчи қисмининг қўлланилиши учун, ушбу битимда ҳеч бўлмаса Ўзбекистон Республикасининг юридик шахси ёки жисмоний шахсининг ёхуд Ўзбекистон Республикасида яшаш жойига эга чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг иштироки зарур. ФК 1168-моддасига асосан, бундай чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳам шахсий қонуни Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқи ҳисобланади (юридик шахснинг шахсий қонуни тўғрисидаги ФК 1175-моддасини қаранг). Бошқа субъектив таркибга эга ташқиқтисодий битимлар шарҳланаётган модда иккинчи қисмининг таъсир доирасига кирмайди ва агар ушбу битим кўчмас мулкка нисбатан бўлмаса, уларнинг шакли шарҳланаётган модданинг биринчи қисми асосида белгиланади. Ушбу ҳолатда мазкур модданинг учинчи қисми қўлланилади.

9. Шарҳланаётган модданинг 3-қисмida кўчмас мулкка нисбатан битимларга тааллуқли маҳсус императив коллизион нормалар белгиланган. Учинчи қисмга асосан, ушбу битимлар шакли кўчмас мулк жойлашган жой ҳуқуқи асосида белгиланади. Сўнгига шу ернинг ўзида Ўзбекистон Республикасининг давлат реестрига киритилган кўчмас мулк тўғрисидаги масала алохида ажратилган. Шу каби мулк мавжуд бўлган битимлар шакли Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқи билан белгиланади. Мазкур сўнгги коида, шу тариқа, биртомонлама коллизион норма бўлиб ҳисобланади.

Кўрсатилган аниқликлар, Ўзбекистон Республикаси хукукида ер, ер ости бойликлари участкалари, ер билан мустахкам боғлиқ бинолар ва иншоотлар (яъни кўчмас) билан бир қаторда, қонунга мувофиқ кўчмас мулкка бошка мулклар ҳам кириши мумкинлиги, хусусан, давлат рўйхатидан ўтган хаво кемалари, темир йўл ва автомобиль транспорти, ички сузиш кемалари, яъни ўзларининг табиий хоссаларига кўра кўчмас бўлган ва тегишинча Ўзбекистонда рўйхатдан ўтган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан четга чиқиши мумкин бўлган ашёлар ҳам кириши мумкинлиги билан асосланади (ФКнинг 83- ва 84-моддаларига қаранг). Кўриб чиқилаётган тавсилот ўз хоссаларига кўра эмас, балки Ўзбекистон Республикаси қонуни кўрсатмаларига асосан кўчмас деб тан олинадиган ашёларга нисбатан ҳам битимлар шаклини Ўзбекистон Республикаси хукукига бўйсундиришни таъминлишга қарантилган. ФК 1184-моддасининг 2-қисмида мавжуд бўлган қоидага кўра, мулкнинг кўчар ёки кўчмас ашёларга тегишилиги мулк жойлашган мамлакат хукуқи билан белгиланади. Шарҳланаётган модданинг 3-қисмида Ўзбекистон Республикасининг давлат реестрига киритилган кўчмас мулк тилга олинганда, асосан Ўзбекистон Республикаси хукукига кўра хукуқий баҳо берилган (ФКнинг 111-м.га ҳам қ.).

Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларида ҳам битим шакли масалаларига тўхталиб ўтилган. Битим шаклига нисбатан коллизион нормалар хўжалик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ низоларни хал килиш тартиби тўғрисидаги Келишувнинг 11-моддасининг «Г» ва «Д» кичик бандларида (подпункт) (Киев, 20 марта 1992 й.), фуқаролик, оиласи ве жиноий ишлар бўйича хукуқий ёрдам ва хукуқий муносабатлар тўғрисидаги МДҲ Конвенциясининг 39- ва 40-моддаларида (Минск, 22 январь 1993 й.) ва фуқаролик ва оиласи ишлар бўйича хукуқий ёрдам тўғрисидаги айrim иккитомонлама шартномаларда мавжуд. 1980 й. Вена Конвенциясининг 11-моддасига кўра, халқаро олди-сотди шартномаси ёзма шаклда тузилиши талааб этилмайди. Шу ернинг ўзида уни турли воситалар ёрдамида, шу жумладан гувоҳлар кўрсатмалари ёрдамида исботлаш мумкинлигини назарда тутади. Халқаро хаво, темир йўл, автомобиль транспорти доирасидаги шартномалар шаклига алоқадор масалалар ҳам Ўзбекистон Республикаси иштирокидаги бир қатор конвенциялар билан тартибга солинади.

Шарҳланаётган модда қоидалари арбитраж келишувига тадбик қилинмайди (чет эл арбитраж қарорларини тан олиш ва изро этиш

тўғрисидаги БМТ Конвенциясининг II моддаси, V моддасининг 1-банди «а» кичик банди (Нью-Йорк, 10 июнь 1958 й.)).

Шарҳланаётган моддани қўлланилиши ФК VI бўлимининг бошқа моддалари (масалан, хусусан, императив нормаларни қўллаш тўғрисидаги 1165-м., ушбу моддага шарҳларни қаранг) ва ФКнинг бошқа қоидаларининг (масалан, 30 август 1995 й. Ўзбекистон Республикаси «Концессиялар тўғрисида»ги Қонунининг 13-моддасига қаранг) харакатини иnobatga олган холда ўзининг хусусиятларига эга бўлиши мумкин. Гаров тўғрисидаги шартноманинг коллизион масалалари 1 май 1998 й. №614-1 «Гаров тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 11-моддасининг тўртинчи қисмида тартибга солинган. Гаров тўғрисидаги шартноманинг шакли, у субъектив таркиб нуктаи назаридан Ўзбекистон Республикаси билан боғлиқ ташкиқтисодий битим бўлганда, шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми асосида белгиланиши лозим.

## **1182-модда. Ишончнома**

**Ишончноманинг шакли ва амал қилиш муддати ишончнома берилган мамлакатнинг хуқуки бўйича белгиланади. Агар Ўзбекистон Республикаси хуқуки талабларига риоя этилган бўлса, ишончнома шаклга риоя этилмаганлиги туфайли ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин эмас.**

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 134-моддасига асосан, бир шахс (ишонч билдирувчи) томонидан иккинчи шахсга (ишончили вакилга) учинчи шахслар олдида вакиллик қилиш учун берилган ёзма ваколат ишончнома ҳисобланади. Бу эса аксарият континентал Европа мамлакатлари хукукида мақулланган талкинга мос келади. Кўпчилик миллий қонунчиликлар бир қатор ишончномаларнинг нотариал тасдиқланиши заруратидан келиб чиқади (Италияning 31 май 1995 й.(60-м. бепул вакиллик), Лихтенштейннинг 19 сентябрь 1996 й. (53-м. келишилган вакиллик) халқаро хусусий хуқуқ тўғрисидаги қонунчилигига қаранг). Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигига мажбурий нотариал тасдиқ, масалан, ўз навбатида нотариал тасдиқни талаб қилувчи, битим тузишга бўлган ишончномалар учун (ФКнинг 135-м.) ёки бошқа кишига ишониб топшириш тартибида бериладиган ишончномалар учун назарда тутилган (ФК 140-м.нинг 2-к.).

2. ФК шархланаётган моддасининг кўрсатилган умумий қоидаси, ишончноманинг амал қилиш муддати ва бекор бўлиш асосларини, ишончнома берувчи шахснинг шахсий қонуни билан эмас, балки ишончнома берилган мамлакат қонунига асосан белгиланишини кўзда тутади. Ушбу истиснога сабаб сифатида, ишончнома, қоидага кўра, чет мамлакатда ишончнома берилган шахс томонидан мазкур мамлакатда харакатларни амалга ошириш учун берилишини кўрсатиш мумкин. Агар бундай ишончноманинг амал қилиш муддати ва тугатиш асослари, у берилган (ва у асосан фойдаланиладиган) мамлакат хукуки билан тартибга солинмаса, ишончнома бераётган шахснинг манфаатлари хавф остида қолиши мумкин. Ахир ваколати учун олдида ишончнома берилаётган учинчи шахсларга кўп ҳолларда ишончнома бераётган шахс шахсий қонунининг, ишончноманинг амал қилиш муддати ва тугатиш (бекор қилиш) асосларига алоқадор қоидалари маълум эмас. Шу туфайли ўз миллий қонунига таянган ҳолда учинчи шахслар ё ишончномани ҳақиқий сифатида тан олмасликлари ёки аксинча, ишонувчи шахс шахсий қонунига асосан ушбу ишончноманинг муддати ўтган ёхуд у ишонаётган шахснинг ўзи томонидан бекор қилингандигига қарамай ҳақиқий деб тан олиниши мумкин. Кўпчилик мамлакатларнинг қонунлари (Арманистон, Қозоғистон, Қирғизистон) ишончноманинг амал қилиш муддатига нисбатан алоҳида, у берилган жойга ҳавола этувчи боғловчини белгилайдилар. Ушбу қоида 1961 й. (126.1-м.) ва 1991 й. (165-м. З-п.) Фуқаролик қонунчилиги Асосларида мавжуд эди. ФКнинг янгиликларига асосан, ишончнома берувчи шахс ва унинг вакили ўртасида вужудга келадиган ҳукуқий муносабатлар ишончнома берувчи шахс яшаш жойига ёки ўзининг тижорат асбобларига (асосий фаолият жойига) эга бўлган мамлакат қонунлари билан тартибга солиниши керак. Аммо, ишончнома берилган шахс билан муносабатда бўлган контрагент иложи борича мамлакатлардан қайси бири ишончнома берувчи шахснинг асосий фаолият жойи бўлиб ҳисобланишини қўшимча равища аниқламаштирмасдан туриб, энг аввало билиши шарт бўлган иккита асосий шартлари илгари сурилади — бу ишончнома жавобининг тартиби ва муддати. Уларни билмай туриб контрагент ишончнома берувчишининг ишонилган шахсининг юридик харакатлари ушбу контрагент олдида мажбуриятлар билан боғлаш ёки боғламаслигига нисбатан иккименади. Осон аниқланадиган жой ишончнома берилган жой эканлиги

тушунарлидир, чунки у хужжат матнида доимо белгиланган. Шу тариқа, агар ишончномада Нью-Йорк шахри кўрсатилган бўлса, ушбу штат президентлари кейинги масалаларни тахминан тартибга солишлари лозим:

- мазкур ишончнома чақириб олинадиганми, йўқми;
- агар чақириб олинадиган бўлса, чақириб олиш жараёни қандай: ишончнома берилган шахсга хабар беришнинг ўзи етарлимис ёки маълум контрагентларни хабардор қилмоқ талаб этиладими;
- ишончнома матнида, айтайлик, 50 йил ва х.к. кўрсатилганига карамай, қонунга кўра, ишончнома муддати тугамадими.

3. Ўзбекистон Республикасининг айрим халқаро шартномаларида ишончноманинг амал қилиш муддатлари ва шакли тўғрисида нормалар назарда тутилган. Бундай ҳолатлар хўжалик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ низоларни хал қилиш тартиби тўғрисидаги Келишувларда назарда тутилган (Киев, 20 март 1992 й.).

11-модда, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи-давлатларидан бирининг фуқаролик қонунчилиги бошқа МДХ иштирокчи-давлатининг худудида кўйидаги қоидаларга мувофиқ кўлланилишини назарда тутади: д) ишончноманинг амал қилиш муддати ва шакли, худудида ишончнома берилган мамлакат қонунчилигига кўра белгиланади.

### **1183-модда. Даъво муддати**

**Даъво муддати мамлакатнинг тегишли муносабатни тартибга солиш учун қўлланилаётган хуқуки бўйича белгиланади.**

Даъво муддати татбиқ этилмайдиган талаблар, агар тегишли муносабатнинг қатнашчиларидан лоақал биттаси Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ёки Ўзбекистон Республикасининг юридик шахси бўлса, Ўзбекистон Республикасининг хуқуки бўйича белгиланади.

1. Қонунчиликда даъво муддати деганда хуқуки бузилган шахснинг даъвосига кўра хукукларни ҳимоя қилиш муддати тушунилади (ФКнинг 145-м.). Халқаро хусусий хукуқ учун даъво муддатининг бошланиши, тўхтатилиши, узилиши, ўтиши каби масалалар мухим бўлиб ҳисобланади. Мазкур масалаларда коллизиялар турли хукуқ тизимларида мазкур муддатлар турлича белгиланганлиги билан биргаликда, даъво муддати инсти-

тутининг ўзи у ёки бу хукуқ тизимида ёки моддий хукуқقا (Ўзбекистон Республикаси) ё процессуал хукуқقا (Буюк Британия ва АҚШ) тегишли бўлиши мумкинлиги оқибатида келиб чиқиши мумкин. Мазкур коллизияларни бартараф этишда умуммаъқулланган ёндашув, даъво муддатининг барча масалалари тегишли муносабатни тартибга солиш учун қўлланадиган мамлакат хукуқи асосида хал этиладиган боғловчини қўллаш бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳам мазкур тамойилдан келиб чиқади. ФК 1183-моддаси 1-қисмининг хажми умумий бўлиб, ўз ичига даъво муддатининг барча жиҳатларини олади (ФК 1183-м.нинг 2-қисмидаги кўрсатилганидан ташқари). Боғловчи эса, Ўзбекистон Республикасида даъво муддати институтининг моддий-хукукий табиатга эга эканлигидан далолат беради ва масалани хал қилишда чет эл хукукини қўлланилишида ва даъво муддатига тааллуқли масалани вужудга келишида унга асосий низони хал этишда даъво муддати тўғрисидаги нормалари қўлланган мамлакат қоидалари қўлланилишини, яъни битта хукукий тизимдан фойдаланилишини билдиради. Тегишинча, даъво муддатининг процессуал хукуқ институти сифатидаги эҳтимолий хорижий баҳоланиши миллий суд ёки арбитражнинг даъво муддатларини тегишли чет эл хукуки бўйича қўллашига тўсқинлик қилмайди.

2. Халқаро хусусий хукуқда даъво муддати қоидалари хукукий тартибга солинишининг асосий манбай миллий қонунчиликдир. Хозирги кунга кадар даъво муддати тўғрисидаги асосий қоидаларни белгиловчи умумий кўптомонлама халқаро-хукукий акт мавжуд эмас. Фақатгина халқаро шартноманинг бир турига нисбатангина қўлланувчи даъво муддати тўғрисидаги қоидаларни тартибга солувчи халқаро келишув мавжуд бўлиб, бу — ўз таркибида фақатгина моддий-хукукий нормалардан иборат бўлган, товарларнинг халқаро савдосида даъво муддатлари тўғрисидаги Конвенция (Нью-Йорк, 1974 й.). Ўзбекистон ушбу Конвенциянинг иштирокчиси эмас. Бошқа халқаро-хукукий актлар орасида МДҲ актларини назарда тутиш лозим — хўжалик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ низоларни хал этиш тартиби тўғрисидаги Келишув (Киев, 20 март 1992 й.) (11-м. «з» п.); фуқаролик, оиласиёт ва жиноий ишлар бўйича хукукий ёрдам ва хукукий муносабатлар тўғрисидаги Конвенция (Минск, 22 январь 1993 й.) (43-м.); ҳамда Ўзбекистон Республикасининг хукукий ёрдам тўғрисидаги иккитомонлама шартномалари: Озарбайжон (18 июнь 1997 й.) (21-м.), Козофистон (2 февраль 1997 й.) (43-м.),

Кирғизистон (24 декабрь 1996 й.) (39-м.), Литва (20 февраль 1997 й.) (41-м.), Туркманистан (27 ноябрь 1996 й.) (43-м.), Украина (18 февраль 1998 й.) (43-м.) ва б. билан. Даъво муддатининг барча масалалари бўйича ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги МДҲ актлари ва иккитомонлама шартномаларда ФКнинг 1183-моддасининг 1-кисми билан бир хил бўлган коллизион боғловчига эга бўлган бир хил хажм мавжуд.

Автомобиль, ҳаво ва темир йўл транспорти шартномалари бўйича даъво муддати тўғрисидаги моддий-ҳуқуқий кўрсатмалар халқаро транспорт соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси иштирок этган бир қатор конвенцияларда (КДПГ, Варшава конвенцияси, СМГС ва СМПС) мавжуд.

3. ФК 1183-моддасининг 1-кисми биртомонлама боғловчига эга бўлган ягона алоҳида вазиятни назарда тутади — агар тегишли муносабат иштирокчиларидан ҳеч бўлмаса биттаси Ўзбекистон Республикаси фуқароси ёки Ўзбекистон Республикаси юридик шахси бўлса, даъво муддати тадбиқ килинмайдиган талабларга Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқини қўллаш. Умуман олганда шарҳланаётган модда халқаро хусусий ҳуқуқий муаммони моддий-ҳуқуқий баҳоланиши асосида хал этишга мўлжалланган. Амалий жиҳатдан бу, Ўзбекистон Республикаси суди, ҳуқуқий муносабат моҳиятини тартибга солаётган мамлакатнинг даъво муддатлари тўғрисидаги нормаларини қўллаши лозимлигини билдиради, ҳатто ушбу мамлакат ҳукуки ушбу нормаларнинг процессуал баҳоланишига асослансанса хам (1159-м. ва унга шарҳларга қаранг).

Шарҳланаётган моддада акс этган ёндашув Континентал Европа мамлакатларида кенг тан олинган. У 1980 й. Рим конвенциясида акс этган (10-м. 1-бандининг «d» кичик банди). Ўзбекистон Республикаси мазкур Конвенция иштирокчиси эмас.

#### **4-§. АШЁВИЙ ҲУҚУҚЛАР**

**1184-модда. Ашёвий ҳуқуқларга нисбатан қўлланиладиган ҳуқук тўғрисидаги умумий қоидалар**

Кўчмас ва кўчар мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи ҳамда бошқа ашёвий ҳуқуқлар, агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилган

**бўлмаса, бу мол-мулк жойлашган мамлакатнинг хуқуки бўйича аниқланади.**

**Мол-мулкнинг кўчмас ёки кўчар ашёларга мансублиги, шунингдек мол-мулкнинг бошқача юридик баҳоланиши ана шу мол-мулк жойлашган мамлакатнинг хуқуки бўйича аниқланади.**

1. Ўзбекистон Республикаси халқаро хусусий хуқуқида мулк хуқуки ва бошқа ашёвий хуқуқларнинг коллизион тартибга солиниши қўйидагидан иборат. Биринчидан, гап фақат мулк хуқуки тўғрисида эмас, балки бошқа ашёвий хукуқлар тўғрисида ҳам боради (хўжалик юритиш хуқуки, оператив бошқариш хуқуки, сервитутлар ва х.к.). Иккинчидан, тегишли коллизион нормалар қўлланувчи бир эмас, балки мулк хуқуки ва бошқа ашёвий хукуқларга тааллукли бир неча таркиблар тартибга солинади.

ФКда кўчар ва кўчмас мулкка бўлган мулк хуқуки ва бошқа ашёвий хукуқлар мазмунини аниқлашда асосий формула бўлиб, агар қонунда бошқа ҳолат кўзда тутилмаган бўлса, мол-мулк жойлашган мамлакат қонуни — *lex rei sitae* ҳисобланади. Мулк хуқуки ва бошқа ашёвий хукуқлар мазмуни масалалари, яъни уларнинг эгасининг аниқ қонуний хукуқлари, хукуқларнинг ўзининг рўйхати, уларнинг обьектларининг эҳтимолий доираси билан бир қаторда, ушбу коллизион норманинг ўзи ашёвий хукуқларни амалга ошириш усуллари ва чегаралари, ҳамда ҳимоя қилиш асослари ва усулларини тартибга солади. Мазкур қоида аниқлик талаб этади. «Мулк» категориясини қўллаб туриб, ФК шарҳланаётган моддасининг 1-қисми нафакат ашёлар ва уларнинг турларини, балки мулк хукуқларини ҳам назарда тутади (масалан, гаров хуқуки, сервитутлар (ФКнинг 173-м.), хўжалик юритиш хуқуки (ФКнинг 176-м.), оператив бошқарув хуқуки (ФКнинг 178-м.)). Бошқа ашёвий хукуқлар деганда, мулкнинг мулкдори бўлмаган, аммо унга хуқуқий асосда эга бўлган (ҳақиқий эгаллаб турувчи) шахс хукуқлари назарда тутилади. ФК 165-моддаси 1-қисмининг мазмунига кўра, фуқаролик хуқуқида ашёвий хукуқларнинг кўрсатилган рўйхати тўлиқ эмас.

Фуқаролик хуқуки фанида қарама-қарши нуқтаи назар ҳам мавжуд. Аммо ушбу нуқтаи назар кўрсатилган модданинг айнан грамматик шарҳида ўз тасдигини топмаган. Ашёвий хукуқларнинг белгиланган турлари билан бир қаторда, континентал Европа мамлакатлари қонунчилигига узуфрукт (масалан, Испания қонунида) ва суперфиций (Швейцарияда),

ва хатто эмфитетвзис (Италияда) ҳам учрайди, хатто ушбу номланишлар-нинг ўзи қонунда ҳар доим ҳам қўлланмасада.

ФК 1184-моддасининг 1-қисмида кўрсатилган мулк ҳукуки ва бошқа ашёвий ҳукуқларга алоқадор таркиб умумий ва бошқа моддаларда маҳсус таркиблар сифатида тартибга солинмаган масалаларни ўз ичига олади: қандай мулк тегишли мамлакатнинг қонунига кўра мулк ҳукуки ва бошқа ашёвий ҳукуқларнинг предмети бўлиши мумкин, чет эллик фуқаронинг ушбу мамлакатда субъектив ашёвий ҳукуқларининг таркиби қандай. Богловчи эса кўрсатилган таркибга анъанавийдир (*lex rei sitae*) ва ушбу ҳукуқлар объектининг жойлашган жойи билан боғлиқ. Бироқ агар ашёвий ҳукуқ эгалик қилиш ҳукуқини вужудга келтирувчи муддат оқибатида вужудга келган бўлса, кўрсатилган коллизион боғловчи, эгалик қилиш ҳукуқини вужудга келтирувчи муддат тугаган пайтда мол-мулк жойлашган мамлакатнинг ҳукуки билан аниқланади (ФК 1185-м.нинг 3-қ.).

2. Дунё кўпчилик мамлакатларининг қонунчилигида ашёвий ҳукуқ умумий тушунчасининг таърифлари мавжуд эмас: доктринада кенг тарқалган иборалар умуман камдан кам қонуний таърифга эга бўлади. Аммо континентал Европа мамлакатларининг ашёвий ҳукуқлар тўғрисидаги қонунчилиги умумий манбаининг мавжудлиги — рим ҳукуки — алоҳида миллий қонунчиликларда бўлмасада, ҳар ҳолда ушбу регионнинг кўпчилик мамлакатларида ушбу институт тушунилишининг маълум умумийлиги ҳақида гапиришга йўл кўяди. Масалан, ашёвий ҳукуқларнинг асосий белгилари қаторида юридик фан асосан уларнинг ҳукуқ эгалловчининг қонуний ҳукуқлари барча учинчи шахсларнинг ушбу ҳукуқни тан олиш ва уни бузишдан ўзини тийиш вазифасини юклашида намоён бўладиган мутлақ характеристини ажратиб кўрсатади. Эргашиш ҳукуки ашёвий ҳукуқнинг ўзига хос хусусияти сифатида, ашёга бўлган мулк ҳукуқининг бошқа шахсга ўтиши, умумий қоидага кўра, бошқа шахсларнинг ушбу ашёга нисбатан ашёвий ҳукуқларини тугатмаслигини билдиради (улар ашё кетидан «эрғашадилар»). Имтиёз ҳукуки ашёвий ҳукуқнинг яна бир белгиси сифатида ашёвий ва мажбурият ҳукуқлари коллизияси ҳолатларида ашёвий ҳукуқлардан келиб чиқадиган талаблар имтиёзли таъминланиши лозимлигидан иборат бўлади. Ашёвий ҳукуқлар обьекти бўлиб, қоидага кўра индивидуал-муайян нарсалар хисобланади. Кўпчилик европа мамлакатлари қонунчилигида назарда тутилган ашё-

вий хукуқларнинг аниқ рўйхати Ўзбекистон Республикасидан фарқли равишда тўлиқ хисобланади.

3. Миллий қонунчиликларда у ёки бу мол-мулкни кўчар ёки кўчмас мулк категориясига киритилиши турли йўналтирилганлиги билан характерланади. Масалан, Испаниянинг фуқаролик ҳукуқида кўчмас ашёлар деб, машиналар, идишлар, асбоблар ва мосламалар, ерга ишлов беришга мўлжалланган минерал ўғитлар, яъни Ўзбекистон қонунчилиги бўйича кўчар деб тан олиниши лозим бўлган ашёлар тан олинади. Бундан ташқари, миллий қонун чиқарувчи ашёларга эмас, балки мулкий хукуқларга киритган сервитутлар ҳам Испания қонунчилигига кўчмас мулк бўлиб хисобланади. Швейцария Фуқаролик кодекси кўчмас мулкка «кўчмас мулк реестрига киритилган аниқ ифодаланган ва доимий хукуклар»ни киритади. Германия Гражданлик Тузуклари ер майдонига бўлган мулк ҳукуқи билан боғлиқ хукуқларни кўчмас деб белгилайди.

Кўчар ашёлар тушунчасидан Испания қонунчилиги пул, қимматли коғозлар, қимматбаҳо буюллар, фан ва санъат асарлари коллекцияси, китоблар, мукофотлар, курол, кийим-кечак, махсулотлар, миниладиган ҳайвонлар ва кўпгина бошқа нарсаларни чеклайдилар.<sup>4</sup> Ашёларнинг кўчмас ва кўчарга бўлиниши тўғрисидаги миллий қарашларнинг бундай тарқоқлигини иnobатга олган ҳолда, шарҳланаётган модданинг 2-қисми баҳо бериш усулини «кўчар» ва «кўчмас» ашёлар тушунчаларини, ушбу ашёлар жойлашган мамалакат қонуни бўйича белгилайди, бу эса мантиқан жуда тўғридир.

### **1185-модда. Ашёвий хукуқларнинг вужудга келиши ва бекор бўлиши**

**Мол-мулкка нисбатан ашёвий хукуқларнинг вужудга келиши  
ва бекор бўлиши, агар Ўзбекистон Республикасининг қонунларида  
бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ашёвий хукуқларнинг  
вужудга келиши ёхуд бекор бўлиши учун асос бўлган ҳаракат ёки  
бошқа ҳолат содир бўлган пайтда бу мол-мулк турган мамлакатнинг  
ҳукуқи бўйича аниқланади.**

---

4 Қаранг: Основные институты гражданского права зарубежный стран / Под. ред. В.В.Залесского. М., 1999. С. 217–225.

**Битим нарсаси бўлган мол-мулкка нисбатан ашёвий ҳуқуқларнинг вужудга келиши ва бекор бўлиши, агар тарафларнинг келишувида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ушбу битим бўйсундирилган мамлакатнинг ҳуқуқи бўйича аниқланади.**

**Эгалик қилиш ҳуқукини вужудга келтирувчи муддат туфайли мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқининг вужудга келиши эгалик қилиш ҳуқукини вужудга келтирувчи муддат тугаган пайтда мол-мулк жойлашган мамлакатнинг ҳуқуқи билан аниқланади.**

1. Шарҳланаётган модда формулировкасининг умумий характери коллизион нормани ашёвий ҳуқуқларнинг вужудга келиши (бирламчи ва хосила) ва бекор бўлишининг хар қандай асосларига тадбиқ қилишга йўл кўяди. Мулкка бўлган ашёвий ҳуқуқларнинг вужудга келиши ва бекор бўлиши бўйсундиган умумий қоида сифатида, ФК ашёвий ҳуқуқнинг вужудга келиши ва бекор бўлишига асос бўлган юридик факт содир бўлган вақтда мол-мулк жойлашган мамлакат қонунини атайди. ФК 1185-моддасининг 2-қисми уни битим бўйича йўлда бўлган кўчар мулкка нисбатан қўлланилишини аниқлаштиради. Ушбу ҳолатда мол-мулкни жўнатиш жойи қонуни қўлланади.

2. ФК ва бошқа қонунчилик актлари, масалан хусусийлаштириш тўғрисидаги қонунчиликда ашёвий ҳуқуқларнинг вужудга келиш ва бекор бўлиш асослари, шартлари, ҳамда пайтига алоқадор ҳолатлар мавжуд. Бошқа давлатлар қонунчилигида Ўзбекистн Республикаси қонунчилиги билан ўрнатилган қоидалардан ўзга қоидалар белгиланган. Аммо ушбу фарқлар шахснинг чет мамлакатда вужудга келган мулкий ҳуқуқларини тан олмасликка асос бўла олмайди. Шу тариқа, коллизион нормалар олдида нафакат мулкий ҳуқуқларнинг таркиби, амалга оширилиши ва химоя қилиниши масалаларига, балки уларнинг вужудга келиши ва бекор бўлиши билан боғлиқ масалаларга ҳам қўлланувчи ҳуқуқни аниқлаш вазифаси туради. Шу билан бирга таъкидлаб ўтиш лозимки, шахсда ашёга нисбатан мулкий ҳуқуқларнинг вужудга келиш пайтидан бошлаб, мулкдор ёки унга нисбатан бошқа ашёвий ҳуқуқларга эга бўлган шахс ўзгармагани билан, унинг жойлашган жойи кўп маротаба ўзгариши мумкин. Бу тўла равишда кўчмас ашёлар билан бир қаторда алоҳида ҳолларда кўчар ашёларга ҳам тааллуқли. Мамлакат моддий ҳуқуқига кўра, кўчмас мулк билан юридик боғлиқ бўлган, аммо бир жойдан бошқа

жойга кўчишнинг объектив хусусиятларига эга бўлган алоҳида объекслар, кўчмас мулкнинг обьекти сифатида баҳоланиши мумкин. Масалан, Англия ва Канада провинцияси Онтарионинг ҳуқуқига кўра, ипотека гаровга пул берувчисининг ҳуқуқи кўчмас мулк бўлиб ҳисобланади<sup>5</sup>. Алоҳида ҳолларда, миллий қонун ашёни унинг жисмоний хусусиятларидан қатъи назар кўчмас сифатида белгилаши мумкин. Масалан, ФКнинг 83-моддасига кўра, кўчмас мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳукуклар, ушбу ҳукукларнинг вужудга келиши, бошқа шахсга ўтиши, чекланиши ва бекор бўлиши давлат рўйхатидан ўтиши лозим. Шу тариқа, мулкий ҳукукларнинг вужудга келиш ва бекор бўлиш жойининг ашёнинг жойлашган жойи билан эҳтимолий мос келмаслиги, суд томонидан, таъсири остида мулк ҳуқуқи вужудга келган ёки бекор бўлган ҳукуқтарибот билан энг узвий боғлиқ бўлган ҳуқуқни қўллашни таъминловчи маҳсус коллизион нормани талаб қиласди.

3. Шарҳланаётган модданинг 1-қисми ашёвий ҳуқуқнинг вужудга келиши ва бекор бўлиши масалаларига нисбатан ашёвий ҳукукларнинг вужудга келиши ёки бекор бўлишига асос бўлган ҳаракат ёки бошқа ҳолат содир бўлган пайтда мол-мулк жойлашган мамлакат ҳукукини қўллашни назарда тутади. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси суди айтиб ўтилган ҳаракат ёки ҳолатларнинг юридик аҳамияти ва оқибатларини, агар ҳаракат содир этилган ёки ҳолат вужудга келган жой ва мол-мулк турган жой мос келмаса, уларнинг содир этилиш жойи эмас, балки улар содир этилган пайтда мол-мулк турган жой қонунига асосланган ҳолда баҳолаши лозим. Масалан, мулк ҳукуқининг вужуга келиш пайти шартнома бўйича қўлга киритувчи учун, шартнома тузилган, яъни юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракат содир этилган жой қонуни билан эмас, балки шартноманинг предмети бўлган мулк турган мамлакат ҳуқуқи билан белгиланиши лозим. Шарҳланаётган модда ашёвий ҳуқуқнинг вужудга келиши ва бекор бўлиши масалаларига қўлланиши лозим бўлган ҳуқуқни танлаш келишуви тузиш мумкинлигини назарда тутмайди. Кўчмас мулк жойлашган ҳар қандай миллий қонун императив нормаларининг аҳамиятини эътиборга олган ҳолда, кўчмас мулк жойлашган мамлакат қонуни императив қоидаларини бузиш хатарисиз чет эл қонунини қўллаш мумкин бўлган масалалар доираси

5 Чешир Дж., Норт П. Международное частное право. М., 1982. С.322.

ниҳоятда кенгдир. Шу билан боғлиқ ҳолда, таъкидлаб ўтиш лозимки, кўчмас мулк билан боғлиқ битимлар, қоидага кўра, давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим, бу эса унга бўлган хукуқларни вужудга келиши ва бекор бўлиши билан боғлиқ масалаларнинг у жойлашган мамлакат қонунчилиги билан тартибга солинишини белгилаб қўяди. Ашёвий хукуқларнинг вужудга келиши ва бекор бўлиши масалаларида эрк муҳториятини қўллаш чегаралари ва имкониятларини таъкидлаган ҳолда, шарҳланаётган модданинг 1-қисми бошқача, аммо факат қонунга мувофиқ коллизион тартибга солиш мумкинлиги тўғрисида изоҳга эга.

4. 3-қисмнинг умумий қоидадан чекланишлари, эгалик қилиш муддати бўйича мулк хукуқининг вужудга келиши масалаларини хал қилиш учун амалга оширилган: улар эгалик қилиш хукуқини вужудга келтирувчи муддатнинг тугаш пайтида мол-мулк турган мамлакат қонуни билан белгиланади. Ушбу қонун асосида эгалик қилиш хукуқини вужудга келтирувчи муддатга мувофиқ, мулк хукуқини вужудга келтирувчи шартлар билан биргаликда (масалан, ўзининг кўчмас мулки каби ҳалол, ошкора ва узлуксий эгалик қилаётган шахслар — ФК 187-моддасининг 1-қ.), мол-мулкларнинг алоҳида турлари учун муддатларнинг ўзини ҳам белгилашлари лозим.

Бизнингча, ушбу коллизион боғловчи мулк хукуқини қўлга киритиш усуллари ўртасида коллизия келиб чиққанда улардан қайси бирига афзаллик бериш лозимлиги тўғрисидаги масалани хал қилиш учун қўлланила олмайди: эгалик қилиш муддати оқибатида қўлга киритишгами ёки бошқа асосларгами (масалан, қаровсиз ҳайвонлар, топилма ёки хазина). Шу билан бирга, таъкидлаб ўтамизки, чет эл хукуқи Ўзбекистон Республикасига караганда мулк хукуқини қўлга киритишнинг турли бошқа иерархиясини назарда тутиши мумкин. У шарҳланаётган модда 1-қисмининг умумий қоидасига кўра белгиланиши лозим.

5. Шарҳланаётган модданинг 2-қисмida, ҳалқаро хусусий хукуқ бўйича адабиётларда «йўлда бўлган ашё» номини олган ва кенгроқ ёндашувга эга бўлган, ниҳоятда маҳсус ва амалиётда етарли даражада кенг тарқалган масалаларга алоқадор бўлган коллизион норма мавжуд. Шунга мувофиқ, мулкий хукуқларнинг умумий концепциясига риоя қилган ҳолда, унинг таъсири мулк хукуқи каби, бошқа ашёвий хукуқлар борасидаги муносабатларга ҳам татбиқ қилинади. Шу каторда, норманинг таъсири

ашёвий хуқуқларнинг вужудга келиш ва бекор бўлиш асослари сифатида фақатгина ташкиктисидой битимлар бўйича муносабатлар билан чекланиб қолмайди, яъни мазкур қоида ҳам ташкиктисидой битимларни, ҳам чет эл элементи билан мураккаблашган тижорат характеристига эга бўлмаган битимларни назарда тутади.

Таъкидлаб ўтамизки, истеъмолчилар бозорининг Интернет тизимидан фойдаланиш билан бир қаторда, каталог бўйича буюртма тизими орқали ривожланиши, товарларнинг бир давлатдан бошқа давлатларга кўчишига сабаб бўладиган олди-сотди битимларининг оддий амалиёт бўлиб қолишига имкон туғдиради, ва бу, ўз навбатида сотилаётган товарга нисбатан мулк хуқуқининг вужудга келиши ва бекор бўлиши муаммоларини келтириб чикаради.

Мазкур норма таъсир кучининг ўз характеристига кўра мулк хуқуқининг вужудга келиши ва бекор бўлишига алоқадор масалаларидаги битимларга тадбиқ қилиниши, чет эл элементи қандай акс эттирилиши лозимлигини белгиловчи нормалар қоидаларини ўзгартирмайди: мулк хуқуқларининг обьекти, турли давлатларнинг чегараларини кесиб ўтаётган ёки чегарада бўлмай, масалан, дарёда бўлган ҳолда йўлда бўлиши лозим. Мавжуд тажрибага кўра, бунинг остида сотилаётган товар билан унинг бир давлатдан бошқа давлатга ўтиш вақтида бир неча бирин-кетин операциялар амалга оширилиши мумкин, ва шу билан бирга, товар борасида битим тузиш вақтида унинг турган жойини аниқлашнинг иложи йўқ. Шу сабабли қонун ашёнинг жойлашган жойи ва тегишинча мамлакат хуқуки сифатида формал равишда мол-мулк юборилган мамлакатни белгилайди.

Шарҳланаётган модданинг 2-қисми, шартнома тарафлари учун ашёвий хуқуқларнинг вужудга келиши ва бекор бўлиши масалаларига нисбатан кўлланувчи хукуқни танлаш имкониятини назарда тутмайди. Бироқ, шарҳланаётган модданинг 1-қисмидаги ҳолат каби, шартнома тарафлари шартнома тузатганда ёки келгусида, ўзаро келишув асосида, йўлда бўлган кўчар мулкка нисбатан мулк хуқуки ва бошқа ашёвий хуқуқларнинг вужудга келиши ва бекор бўлишига кўлланадиган хукуқни танлашлари мумкин. Шу тариқа, йўлда бўлган мол-мулкнинг олиб сотилиши ҳолатларида, ашёвий хуқуқларнинг мазмуни, уларнинг амалга оширилиши ва ҳимоясини белгиловчи мақомнинг ўзгармаслигига, мулкий хуқуқларнинг вужудга келиши ва бекор бўлишини тартибга солувчи мақоми битим тарафлари-

нинг иродасига кўра хар гал ўзгариши мумкин. Қонунга мувофиқ ҳолда, бошқача коллизион тартибга солишнинг мумкинлиги тўғрисидаги изоҳ ҳам шарҳланаётган модданинг 2-қисмида назарда тутилган.

Шарҳланаётган модданинг 3-қисми қоидалари, эгалик қилиш хукуқини вужудга келтирувчи муддат институтининг таъсир кучига кўра, ашёвий хукуқларнинг вужудга келиши борасидаги муносабатларга қўлланиши лозим бўлган маҳсус коллизион нормани акс эттиради. Аммо, фақатгина муносабат ҳажми ва эгалик қилиш хукуқини вужудга келтирувчи муддатнинг тугаш пайтида мол-мулк турган мамлакат хукуқини кўрсатувчи коллизион боғловчини қисқача белгилаб берган норманинг мазмуни, аслида ашёларнинг давлатдан давлатга ўтказиш билан боғлик бўлган хар қандай эхтимолий ҳолатларга қўлланиши мумкин бўлган универсал қоидаларга эга эмас. Умуман олганда кўриб чиқилаётган норма, кўчмас мулк каби, мулкнинг турган жойи фақатгина битта давлатнинг чегараси билан чекланган ҳолатларда кўчар мулкларга нисбатан ҳам аниқ кўрсатмаларга эга.

Бироқ, агар кўчар мулкнинг эгаси аниқ давр мобайнода у билан давлатдан давлатга кўчган бўлса, эгалик қилувчи шахс унга нисбатан мулк хукуқининг тан олинишига даъво қилиши учун, давлатлардан ҳеч бирида эгалик у қадар давомий бўлмаган бўлиши мумкин. Ишларнинг бундай тоифасига нисбатан, манфаатдор шахс унда эгалик қилиш хукуқини вужудга келганлиги тўғрисида далолат берган ёки билдирган даврга қадар мол-мулкка эгалик қилиш муддатларини ҳисоблаш муаммоси тўлиқ равища судларнинг ихтиёрига қолади. Мазкур ҳолатда Ўзбекистон Республикаси суди, ҳалол қўлга киритувчи тамоилини инобатга олган ҳолда, шахс томонидан кўчар мулкка эгалик қилиш фактлари ва шартлари тўғрисидаги далилларни тўплаб, мол-мулк турган ва тегишли ишни кўриш пайтида суди, эгалик қилиш хукуқини вужудга келтирувчи муддатга кўра мулк хукуки ёки бошқа ашёвий хукуқни тан олиши мумкин бўлган мамлакат хукуқини қўллаши мумкин. Шу билан бирга, бироқ, чет эл суди давлатдан давлатга ўтган мол-мулкка эгалик қилиш муддатини ҳисоблаш концепциясини қўллаши мухимdir.

Халқаро хусусий хукуқ тўғрисидаги чет эл қонунчилигига ашёвий хукуқ масалалари ашёвий хукуқларга нисбатан ўрнатилган хукуқий анъаналарга мувофиқ тартибга солинади, масалан Австрия (31–32 п.), Венгрия (21–22

п.), ГФР (43–44-м.), Италия (51–55-м.), Латвия (18-м.), Литва (619-м.), Лихтенштейн (31–37-м.), Польша (24-м.), Португалия (46–47-м.), Руминия (49–54-м.), Луизиана, АҚШ (3535–3536-м.), Таиланд (16–17 п.), Тунис (57–61-м.), Турция (23-м.), Чехия (5–8 п.), Швейцария (97–108-м.) ва б.

6. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида ҳам ашёвий ҳуқуқларнинг вужудга келиши ва бекор бўлиши борасидаги масалалар назарда тутилган. Масалан, хўжалик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ низоларни хал қилиш тартиби тўғрисидаги Келишувнинг 11-моддаси (Киев, 20 март 1992 й.) Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи-давлатларидан бирининг фуқаролик қонунчилиги бошқа Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи-давлатининг ҳудудида қуидаги қоидаларга кўра кўлланади: ...б) мулк ҳукуқидан келиб чиқсан муносабатларга мол-мулк турган жой қонунчилиги кўлланади.

Фуқаролик, оиласвий ва жиноий ишлар бўйича ҳукуқий ёрдам ва ҳукуқий муносабатлар тўғрисидаги МДҲ Конвенциясининг 38-моддасида (Минск, 22 январь 1993 й.) қуидагилар белгиланади:

1. Кўчмас мулкка нисбатан мулк ҳукуқи, ҳудудида кўчмас мулк турган Аҳдлашувчи Томон қонунчилиги асосида белгиланади. Қандай мулк кўчмас бўлиб хисобланиши тўғрисидаги масала, ҳудудида мол-мулк турган мамлакат қонунчилиги асосида хал қилинади.

2. Мулкка нисбатан мулк ҳукуқи ёки бошқа ашёвий ҳукуқнинг вужудга келиши ва бекор бўлиши бундай ҳукуқнинг вужудга келиши ва бекор бўлишига асос бўлган ҳаракат ёки бошқа холат вужудга келган пайтда ҳудудида мол-мулк турган Аҳдлашувчи Томон қонунчилиги асосида белгиланади.

3. Битим предмети бўлган мулкка нисбатан мулк ҳукуқи ёки бошқа ашёвий ҳукуқнинг вужудга келиши ва бекор бўлиши, битим тузилган жой қонунчилиги билан белгиланади, агар Томонлар келишуви билан бошқача назарда тутилмаган бўлса.

### **1186-модда. Транспорт воситаларига ва давлат реестрида қайд этилиши лозим бўлган бошқа мол-мулкка нисбатан ашёвий ҳуқуқлар**

**Транспорт воситаларига ва давлат реестрида қайд этилиши лозим бўлган бошқа мол-мулкка нисбатан ашёвий ҳуқуқлар бу транспорт**

**воситалари ёки мол-мулк рўйхатга олинган мамлакат ҳуқуқи бўйича белгиланади.**

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра, ер майдонлари, ер ости бойликлари, бинолар, иншоотларга (ФКнинг 83-м.), шу билан бирга ҳаво кемалари, темир йўл ва автомобил транспортлари, ички сузиш кемалари, ва мулкнинг бир қатор бошқа обьектларига нисбатан кўчмас мулкларнинг ҳуқуқий режими тадбиқ қилинади. Чунки кўчар ва кўчмас мулклар ўртасидаги фарқ, кўчмас ашёларга нисбатан мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларни қўлга киритиш (хамда ушбу ҳуқуқларни чеклаш ва уларни бекор қилиш) давлат рўйхатидан ўтказилишидан иборат. Мазкур юридик конструкция, муҳим хўжалик қийматига эга бўлган, кўрсатилган обьектлар билан битимлар тузиш қоидалари талабларини кучайтириш мақсадини кўзлайди. Шу билан бирга, бундай обьект турган мамлакат, кўрсатилган обьект давлат реестрига киритилган мамлакат билан мос келмаслиги ҳолатининг эҳтимоли бор. Бундай ҳолат ФКнинг 1186-моддасида назарда тутилган коллизион тамойилни ўзгартиришга олиб келмайди. Таъкидлаб ўтамизки, ички сузиш кемаларига ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказишдан фарқли равища, ҳаво кемаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳуқуқий белгилаб қўйиладиган характерга эга эмас. Демак, ҳаво кемасига бўлган мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларнинг вужудга келиши ва бекор бўлиши Ўзбекистон Республикаси нормалари бўйича давлат рўйхатидан ўтказилганлиги факти билан боғлиқ эмас. Ҳаво кемалари, темир йўл ва автомобил транспорти, ички сузиш кемаларига нисбатан қонунчиликда кўчмас мулклар ҳуқуқий режими қўлланишига қарамай, ҳақиқатда ушбу обьектлар макон бўйича ҳаракатда бўладилар, бунинг оқибатида уларга нисбатан мулк ҳуқуқини белгилашда *Iex rei sitae* коллизион нормасини қўллашҳақиқатга тўғри келмайди. Шу туфайли ФК бу ерда бошқа боғловчи формулани қўллайди — кўрсатилган обьектлар рўйхатга олинган мамлакат қонунини.

Масалан, Австрия (33 п.), Венгрия (23 п.), ГФР (45-м.), Португалия (46–3-м.), Руминия (55–56-м.), Тунис (59-м.), Чехия (7 п.) каби чет мамлакатларнинг ҳалқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонунчилиги, умумий коллизион боғловчига мос келадиган ашёвий ҳуқуқлар соҳасидаги муносабатларни белгилайдилар.

Давлат мулки бўлган ҳаво кемаларининг расмий рўйхатдан ўтганлигининг аҳдлашувчи давлатлар томонидан тан олиниши лозимлиги Ҳаво кемаларига бўлган ҳуқуқларни халқаро тан олиниши тўғрисидаги Конвенциянинг 1-моддасида (Женева, 19 июнь 1948 й.) назарда тутилган. Ўзбекистон Республикаси учун 1997 йил 6 августда кучга кирди.

Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқукий муносабатлар тўғрисидаги МДҲ Конвенцияси (Минск, 22 январь 1993 й.) давлат рўйхатидан ўтиши лозим бўлган транспорт воситаларига мулк ҳуқуки, ушбу транспорт воситасини рўйхатдан ўтказувчи орган ҳудудида жойлашган Аҳдлашувчи Томоннинг қонунчилиги билан белгиланади (38-м. 2 п.).

### **1187-модда. Йўлда бўлган қўчар мулкка нисбатан ашёвий ҳуқуқлар**

**Битим бўйича йўлда бўлган қўчар мулкка нисбатан мулк ҳуқуки  
ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар, агар тарафларнинг келишувида бошқача  
тартиб белгиланган бўлмаса, бу мол-мулк жўнатилган мамлакат-  
нинг ҳуқуки бўйича белгиланади.**

Мазкур моддада тарафлар томонидан транспорт воситаси ёрдамида олиб ўтиладиган қўчар мулкка нисбатан мулк ҳуқуқининг ўтишини назарда тутувчи битимлар тузиладиган ҳолатлар қатъий белгиланган. У ёки бу транспорт тури ёрдамида олиб ўтиладиган мол-мулкнинг турган жойи доимий ўзгариб туриши туфайли, тарафларга мол-мулк аниқ пайтда қайси жойда турганлиги ноъмалум бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда йўлда бўлган мол-мулкка нисбатан ашёвий ҳуқуқларга нисбатан қўлланувчи ҳуқуқ томонларнинг келишуви билан белгиланади. Субсидиар коллизион тамоийил сифатида ушбу мол-мулк юборилган мамлакат ҳуқуки қўлланади. Таъкидлаб ўтиш жоизки, айрим МДҲ давлатларининг фуқаролик қонунчилигида юқорида кўрсатилган умумий ёндашувлар қатъий белгилаб қўйилган. Мазкур ёндашувлар, масалан Беларусия (1123-м.), Қозоғистон (1110-м.), Қирғизистоннинг (1196-м.) ФКда кузатилади. Мазкур масалани тартибга солинишининг бошқа ҳуқукий чегаралар Венгриянинг халқаро

хусусий хукуқ тўғрисидаги қонунида (1979 й. №13 Қарор) назарда тутилган. Мазкур Қарорнинг 23-моддасига кўра, олиб ўтиладиган кўчар муккаб нисбатан ашёвий хукуқлар белгиланган жой мамлакати хукуқи билан белгиланади. Аммо, бундай ашёнинг мажбурий реализацияси, омборга жойлаштириш ёки гаровга қўйиш билан боғлик ашёвий хукуқий оқибатларга нисбатан ашёнинг турган жойи хукуқи кўлланади.

### **1188-модда. Ашёвий хукуқларни ҳимоя қилиш**

**Мулк хукуқини ва бошқа ашёвий хукуқларни ҳимоя қилишга нисбатан ариза берувчининг танлови бўйича мол-мулк турган мамлакатнинг хукуқи ёки суд қайси мамлакатга қарашли бўлса, ўша мамлакатнинг хукуқи кўлланади.**

**Кўчмас мулкка бўлган мулк хукуқи ва бошқа ашёвий хукуқларни ҳимоя қилишга нисбатан бу мулк турган мамлакатнинг хукуқи кўлланади. Ўзбекистон Республикасининг давлат реестрида қайд этилган мол-мулкка нисбатан Ўзбекистон Республикасининг хукуқи кўлланади.**

Мулк хукуқи ва бошқа ашёвий хукуқларни ҳимоя қилишга нисбатан ариза берувчининг танлови бўйича мол-мулк турган мамлакатнинг хукуқи ёки суд қайси мамлакатга қарашли бўлса, ўша мамлакатнинг хукуқи кўлланади. Ушбу ҳолатдан истисно бўлиб, кўчмас мулкка нисбатан мулк хукуқи ва бошқа ашёвий хукуқларни ҳимоя қилиш ҳисобланади. Масалан, агар сўз кўчмас мукл ҳақида борса, ушбу мол-мулк турган мамлакат хукуқи кўлланади. Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган мол-мулкка нисбатан Ўзбекистон Республикаси хукуқи кўлланади. ФК 1188-моддасида мавжуд бўлган умумий мазмун аниқ мамлакатнинг кўлланувчи хукуқида назарда тутилган хар қандай мулк хукуқи ва бошқа ашёвий хукуқларни ҳимоя қилиш усуларидан фойдаланиш имкониятини тахмин қиласди. Бизнинг фикримизча, баён этилганлар мулк хукуқи ва бошқа ашёвий хукуқларни ҳимоя қилиш усуллари назарда тутилган Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексидан келиб чиқади:

Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик судлари чет эллик шахслар иштирокидаги ишларни, агар жавобгар-ташкилот Ўзбекистон Республикасининг

ликаси худудида жойлашган, фуқаро эса яшаш жойига эга бўлсагина кўриб чиқади.

Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик судлари чет эллик шахслар иштирокидаги ишларни кўриб чиқишга қўйидаги ҳолларда ҳам ҳақли:

- 1) чет эллик шахснинг филиал ёки ваколатхонаси Ўзбекистон Республикаси худудида жойлашган бўлса;
- 2) жавобгар Ўзбекистон Республикаси худудида мулкка эга бўлса;
- 3) даъво, ижроси Ўзбекистон Республикаси худудида амалга оширилиши лозим бўлган ёки амалга оширилган шартномадан келиб чиқса;
- 4) мол-мулкка етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги иш бўйича, зарарни қоплаш тўғрисидаги талаб келтиришга асос бўлган ҳаракат ёки бошқа ҳолат Ўзбекистон Республикаси худудида содир бўлган бўлса;
- 5) даъво Ўзбекистон Республикаси худудида амалга оширилган асоссиз бойишдан келиб чиқса;
- 6) шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш борасидаги ишда даъвогар Ўзбекистон Республикаси худудида бўлса;
- 7) бу ҳақда ташкилот ёки Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва чет эллик шахс ўртасида келишув мавжуд бўлса.

Бинолар, иншоотлар, ер майдонларига бўлган мулк ҳуқуқини тан олиш, бино, иншоотлар, ер участкаларини бегоналарнинг ноқонуний эгалигидан талаб қилиб олиш, агар бу эгалик қилишдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаса, мулқдор ёки қонуний эгалик қилувчининг ҳуқуқларини бузилишини бартараф этиш билан боғлиқ ишлар бино, иншоот, ер майдонининг жойлашган жойи бўйича кўриб чиқилади.

Юк ташиш шартномасидан келиб чиқадиган юк ташувчиларга нисабатан даъволар бўйича ишлар, шу қаторда, юк ташувчи жавобгарлардан бири бўлганда, транспорт ташкилоти органи жойлашган жой бўйича кўриб чиқилади.

Хўжалик суди томонидан мазкур моддада назарда тутилган қоидаларга риоя қилган ҳолда кўриб чиқишга қабул қилинган иш, хеч бўлмаса ишда иштирок этаётган шахсларнинг турар жойи ўзгариши билан боғлиқ ишлаб чиқариш жараёнида ёки бошқа ҳолатлар билан у бошқа мамлакат судининг судловига тааллуқли бўлсада у томонидан моҳиятан хал қилинади.

## **5-§. ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

### **1189-модда. Шартнома тарафларининг келишувига кўра ҳуқуқни танлаш**

**Шартнома, агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса,  
тарафларнинг келишувига кўра танланган мамлакат ҳуқуқи билан  
тартибига солинади.**

**Шартнома тарафлари қўлланиладиган ҳуқуқни умуман шартнома  
учун ҳам, унинг алоҳида қисмлари учун ҳам танлаб олишлари мумкин.**

**Қўлланиладиган ҳуқуқ тарафлар томонидан шартнома тузилаётганда  
ҳам, ундан кейин ҳам исталган вақтда танланishi мумкин. Тарафлар,  
шунингдек исталган вақтда шартномага нисбатан қўлланиладиган  
ҳуқуқни ўзгартириш тўғрисида келишиб олишлари мумкин.**

1. Тарафларнинг эрк муҳторияти тамоили (*lex voluntatis*) колли-  
зион ҳуқуқнинг фундаментал асосларидан бири бўлиб ҳисобланади.  
Тарафларнинг эрк муҳториятига бағишлиланган бутун бир модданинг  
киритилиши, мазкур институт ролининг муҳим тарзда ошганидан ва  
унинг янада батафсил тартибига солиниши заруратидан далолат беради.  
Ушбу ҳолат, мазкур тамоийл ташқииктисодий фаолият иштирокчилари  
томонидан амалий фаолиятда энг кўп талаб қилиниши билан боғлиқdir.  
У тегишли муносабатлар халқаро шартномалар билан тартибига солин-  
маган ва аниқ шартнома уларга асосланмаган ҳолатларда қўлланади.  
Тарафларнинг эрк муҳторияти тамоили, шартноманинг тарафлари ўз  
келишувлари билан уларнинг муносабатларини тартибига соладиган чет  
мамлакат қонунчилигини танлашга ҳаклилигини кўзда тутади. Қоидага  
кўра, бундай танлов шартноманинг тарафлари томонидан хужжат мат-  
нининг ўзида амалга оширилади ва шу тариқа коллизион муаммони хал  
қиласди. Агар тарафларнинг келишуви қўлланувчи ҳуқуқни тўғридан-  
тўғри ва аниқ (*expressis verbis*) белгиламаса, иш мураккаблашади. Бун-  
дай ҳолатларда суд, тарафларнинг кўзда тутилган эркини (индамасдан  
ифода этилган) аниқлашига тўғри келади. Бундай эрк мазмуни шарт-  
нома қоидаларини тахлил қилиш билан бир қаторда, унинг тузилиши  
ва бажарилишининг турли ҳолатларини тахлил қилиш йўли билан ҳам  
белгиланади. Халқаро хусусий ҳуқуқ доктринаси бундай ҳолатларда суд,

тарафларнинг тахминий хохиш иродасини «ўйлаб чиқаришга» ҳақли эмаслигидан келиб чиқади. У, агар қонунда ўзгача белгиланмаган бўлса, қўлланувчи хуқуқнинг фақатгина аниқ ва равshan тарафлар келишуви билан танланган шартноманинг шартларидан келиб чиқсан танловини эътиборга олиши лозим. Шартномавий муносабатлар соҳасидаги коллизион масалаларни ҳал қилиш учун қўлланувчи тарафларнинг эрк мухторияти тамойили турли мамлакатлар, ҳалқаро шартномаларнинг коллизион хуқуқида мустахкамлаб қўйилган ва умумэътироф этилган бўлиб ҳисобланади. Тарафлар шартноманинг ўзида, алоҳида хужжатда ёки хужжатларда ёхуд суд ёки арбитражда низони кўриб чиқиш жараёнида қайд қилиб қўйиладиган мажлис баённомасида, уларнинг муносабатларига нисбатан қўлланувчи хукукка ўзларининг эркларини тўғридан-тўғри, аниқ ва равshan билдиришлари мумкин. Шу билан бирга, чет эл хукуқини ўрганиш учун жиддий кўмак бўлиши мумкин бўлган бундай қоидаларни қўллаш тажрибасига эга бўлиш учун маълум вақт талаб этилади. Сўз аслида, суд ёки арбитраж шартноманинг тузилиши ва бажарилишига ҳамроҳ бўлувчи барча ҳолатларни синчилаб ва ҳар томонлама ўрганиши ва тахлил қилиши лозимлиги ҳақида боради, — музокаралар, ёзишмалар, тайёргарлик кўриш жойи ва вақти, шартномани имзолаш ва бажариш, шартнома валютаси ва тўлов валютаси; шу билан бирга, тарафларнинг қўлланувчи хукуқ тўғрисидаги эҳтимолий мақсадлари тўғрисида асосли хулоса қилиш учун унинг шартлари. Бунда, хусусан, шартномага киритилган аниқ моддага ҳаволалар ёки тегишли мамлакат актлари, аниқ хукуқий тизимнинг иборалари ва институтларини қўллаш ва б. аҳамиятли ёрдам бериши мумкин. Қўлланувчи хукуқни аниқлашнинг ушбу йўлининг мураккаблиги, турли вазиятлар учун яроқли бўлган яхлит тавсиялар ишлаб чиқилиши гумонлигидадир — уларнинг ҳар бири етарли даражада ноёб ва алоҳида ёндашувни талаб этади. Кўшимча мураккаблик натижанинг олдиндан билиб бўлмаслигидадир: суд ёки арбитраж қўлланувчи хукукка нисбатан якуний қарорни чиқариш учун қандай омилларни аҳамиятлироқ деб топишини ҳар доим ҳам аниқлик билан айтиб бўлмайди. Аммо, кўрсатилган қийинчиликларга қарамай қўлланувчи хукуқни аниқлашнинг бундай усули амалиётда кенг қўлланади, бу эса унинг адекватлиги, фойдалилиги ва самарадорлигидан далолат беради.

Эрк мухторияти тамойилини эълон қилиш билан бир қаторда қонунчиқарувчи шу вақтнинг ўзида тарафлар томонидан қонунни танлаш эрки чегарасини белгилайди. Биринчидан, ушбу чеклашлар қўлланувчи хукуқни танлаш Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг қўлланисиши лозим бўлган чет эл хукуқидан қатъи назар тегишли муносабатларни тартиба солувчи императив нормалари таъсирига дахл қилмайди (ФК 1165-м. 1. қ.). Иккинчидан, оммавий тартиб тўғрисидаги изоҳга кўра, чет эл қонунининг қўлланисиши Ўзбекистон Республикасининг хукуқ-тартибот асосларига (оммавий тартиб) зид бўлган ҳолатларда, ҳамда қонунда тўғридан-тўғри назарда тутилган бошқа ҳолатларда қўлланилмайди. Бундай ҳолларда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги қўлланади (ФК 1164-м.). Шу билан бирга, шуни кўзда тутиш керакка, тарафларнинг қўлланисиши лозим бўлган хукуқ тўғрисидаги ФКнинг ҳаракатдаги коидаларини четлаб ўтиб тегишли муносабатларни бошқа хукуққа бўйсундиришга қаратилган ҳар қандай келишувлари ҳақиқий эмас деб топилади. Бундай ҳолда, кўрсатилган коидаларга кўра, қўлланисиши лозим бўлган тегишли мамлакатнинг қонунчилиги қўлланади (ФК 1162-м.).

Бир қатор мамлакатлар қонунчилиги битим томонлари учун қўлланувчи хукуқни танлаш имкониятини фақатгина битим маълум алоқада бўлган мамлакатларнинг хукуқ тизими билан чеклайди. Масалан, АҚШнинг Бирхиллаштирилган савдо кодексининг 1–105-моддаси қўлланувчи хукуқ билан «мантиқий» боғлиқлиги мавжуд бўлиши зарурати тўғрисида гапиради.

2. 1189-модданинг 2-қисми Халқаро хусусий хукуқ доктринасида «коллизион боғловчининг бўлиниши» номига эга бўлган муаммони тартиба солади. Яқин вақтга қадар бўлинишга нисбатан муносабат кўпчилик мамлакатларда салбий эди. Асосий эътиroz битимнинг мажбурий статути бирлигининг бузилиши номақбуллигига эди. Аммо Халқаро хусусий хукуқ соҳасидаги кейинги бирхиллаштирилган актлар бундай имкониятни назарда тутадилар. Хусусан, 1980 й. Рим конвенцияси тегишли коидаларга эга (Ўзбекистон Республикасига тадбиқ қилинмайди). Таъкидлаб ўтиш лозимки, бўлинишнинг қўлланисиши ҳеч қандай ҳолатларда қарама-қарши натижага олиб келмаслиги керак: масалан, бир хукуқ тизимини — сотувчинг хукуқ ва мажбуриятларига нисбатан, ва бошқа хукуқ тизимини сотиб олувчининг хукуқ ва мажбуриятларига нисбатан қўлланисиши. Гап алоҳида

хукуқ тизимиға муносабатларнинг қолган қисмидан безиён ажратиладиган бутунлай мустақил қисмини бўйсундириш тўғрисида бормоқда. Масалан, агар пурдат шартномасининг турли қисмлари турли мамлакатларда амалга оширилса, ушбу қисмларни турли хукуқий тизимларга тўла бўйсундириш мумкин. Хар қандай ҳолатда ҳам ушбу воситадан ниҳоятда зарур ҳолатларда ва ниҳоятда пухта ўйлаб фойдаланиш тавсия этилади. Мазкур пункт маълум даражада ФКнинг 1190 моддасининг 5-қисми билан боғлик, аммо ушбу нормаларнинг «адресатлари» турлидир. Шарҳланаётган модданинг 2-қисмida, ўзларининг ихтиёрига кўра факатгина шартноманинг қисмiga нисбатан қўлланувчи хукуқни белгилашлари мумкин бўлган шартнома тарафларига мурожаат этилган, 1190-модданинг 5-қисмida эса — турли шартномалар элементларига эга бўлган шартномага нисбатан имкони борича бутунлигicha кўриб чиқилаётган шартнома энг узвий боғлик бўлган хукуқни белгилаш лозим бўлган, ишни кўриб чиқаётган органга. Бошқача килиб айтганда қонунчиқарувчи хукуқни қўлловчи органларни иложи борича коллизион боғловчини бўлишдан қочишга чорлайди.

3. ФК 1189-моддасининг 3-қисми қўлланувчи хукуқни назарда тутади, масалан, чет эл арбитраж қарорларини тан олиш ва ижро этиш тўғрисидаги Конвенциянинг 1-п. 2-моддасига (Нью Йорк, 10 июнь 1958 й.) мувофиқ, шартномада тарафлар томонидан имзоланган арбитраж изоҳи ёки арбитраж келишувини тузишда ёки шартномани хат ёки телеграмма алмашиш йўли билан имзолашда. Ушбу Конвенциянинг мазмунига кўра, хар қайси шартлашаётган мамлакат, тарафлар, улар ўртасида обьекти арбитражда кўриб чиқиш предмети бўлиши мумкин бўлган бирон-бир шартномавий ёки бошқа муносабат билан боғлик вужудга келган ёки вужудга келиши мумкин бўлган барча ёки бирон-бир низоларни, арбитражга топшириш мажбуриятини оладиган ёзма келишувни тан олади.

### **1190-модда. Тарафларнинг келишуви бўлмаган тақдирда шартномага нисбатан қўлланиладиган хукуқ**

**Кўлланилиши лозим бўлган хукуқ тўғрисида шартнома тарафларининг келишуви бўлмаган тақдирда, бу шартномага нисбатан:**  
**олди-сотди шартномасида — сотувчи;**  
**ҳадя шартномасида — ҳадя қилувчи;**

ижара (мулк ижараси) шартномасида — ижарага берувчи;  
мол-мулкдан текин фойдаланиш шартномасида — ссуда берувчи;  
пудрат шартномасида — пудратчи;  
йўловчи, багаж ва юқ ташиш шартномасида — ташувчи;  
транспорт экспедицияси шартномасида — экспедитор;  
қарз шартномасида ёки бошқа кредит шартномасида — кредитор;  
топшириқ шартномасида — ишончли вакил;  
воситачилик шартномасида — воситачи;  
омонат сақлаш шартномасида — сақловчи;  
сугурта шартномасида — сугурталовчи;  
кафиллик шартномасида — кафил;  
гаров тўғрисидаги шартномада — гаровга кўювчи;  
алоҳида ҳукуқлардан фойдаланиш тўғрисидаги лицензия шартномасида — лицензиар ҳисобланувчи тараф таъсис этилган, турар жойга эга бўлган ёки асосий фаолият жойи бўлган мамлакат ҳукуқи қўлланилади.

Қўлланилиши лозим бўлган ҳукуқ тўғрисида шартнома тарафларининг келишуви бўлмаган тақдирда, ушбу модда биринчи қисмининг коидаларидан қатъи назар:

кўчмас мулк тўғрисидаги шартномага нисбатан — бу мулк турган мамлакатнинг ҳукуқи;

биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартномага ва қурилиш пудрати шартномасига нисбатан — ана шундай фаолият амалга оширилаётган ёки шартномада назарда тутилган натижалар яратилаётган мамлакатнинг ҳукуқи;

кимошди савдосида, танлов бўйича ёки биржада тузилган шартномага нисбатан — кимошди савдоси, танлов ўтказилаётган ёки биржада жойлашган мамлакатнинг ҳукуқи қўлланилади.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатиб ўтилмаган шартномаларга нисбатан қўлланилиши лозим бўлган ҳукуқ тўғрисида тарафларнинг келишуви бўлмаган тақдирда, бундай шартноманинг мазмуни учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган ижрони амалга ошираётган тараф таъсис этилган, турар жойга эга бўлган ёки асосий фаолият жойи бўлган мамлакатнинг ҳукуқи қўлланилади. Шартноманинг мазмуни учун ҳал қилувчи аҳамиятга

**эга бўлган ижрони аниқлашнинг имконияти бўлмаган тақдирда, шартнома энг узвий боғланган мамлакатнинг хукуқи қўлланилади.**

1. Шарҳланаётган модданинг аҳамияти нафакат ҳажми билан, балки у ФК коллизион нормаларини қўллаш амалиётида энг муҳим роль ўйнашга мўлжалланганлиги билан ҳам белгиланади. Агар шартнома тарафлари шартномани тузиш вақтида ҳам, сўнгида ҳам қўлланувчи хукуқни аниқ ҳамда тушунарли қилиб танламаган бўлсалар, тарафларнинг муносабати шарҳланаётган модда 1-қисмига кўра шартнома тарафлари таъсис этилган, яшаш ёки асосий фаолият жойига эга бўлган мамлакат хукуқи билан белгиланади ҳамда ФК боғловчи формулалари ҳам, яъни алоҳида турдаги шартномалар учун белгиланган аниқ диспозитив коллизион боғловчилар рўйхати (15та боғловчигача) ушбу хукуқ билан аниқлаштирилади. Шарҳланаётган модданинг 1-қисмида, умумий қоида чегараларида, санаб ўтилган шартномаларда мазкур шартнома учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган қўлланувчи хукуқни танлаш тўғрисида келишув бўлмаган тақдирда айнан қайси мамлакатнинг хукуқи қўлланиши кўрсатилган. 1) олди-сотди шартномасида — сотувчи. Олди-сотди шартномаси бўйича бир тараф (сотувчи) товарни бошқа тараф (сотиб олувчи)га мулк қилиб топшириш мажбуриятини, сотиб олувчи эса бу товарни қабул қилиш ва унинг учун белгиланган пул суммаси (баҳоси)ни тўлаш мажбуриятини олади (386, 388–389-м.). Шу билан бирга, олди-сотди шартномасининг барча кўринишларидаги сотувчи назарда тутилади, чунончи: етказиб бериш шартномасида (ФК 437–456-м.), чакана олди-сотди шартномасида (ФК 425–436-м.) ва б.; 2) ҳадя шартномасида — ҳадя қилувчи. Ҳадя шартномасига мувофиқ бир тараф (ҳадя қилувчи) бошқа тараф (ҳадя олувчи)га ашёни текинга мулк қилиб беради ёки бериш мажбуриятини олади ёхуд унга ўзига ёки учинчи шахсга нисбатан мулк хукуқи (талаби)ни беради ё бериш мажбуриятини олади, ёхуд уни ўзи ёки учинчи шахс олдидаги мулкий мажбуриятдан озод қиласи ёинки озод қилиш мажбуриятини олади (ФКнинг 502-м.). 3) ижара (мулк ижараси) шартномасида — ижарага берувчи. Мулк ижараси шартномаси бўйича ижарага берувчи ижарага олувчига ҳақ эвазига мол-мулкни вактинча эгалик қилиш ва фойдаланиш ёки фойдаланиш учун топшириш мажбуриятини олади (ФКнинг 535, 538, 587-м.). Лизинг шартномаси бўйича лизинг берувчи (ижарага берувчи) бир тараф лизинг олувчи (ижарага олувчи) иккинчи тарафнинг топшириғига

биноан сотувчи учинчи тараф билан ундан лизинг олувчи учун мол-мулк сотиб олиш ҳақида келишиш мажбуриятини олади, лизинг олувчи эса бунинг учун лизинг берувчига лизинг тўловларини тўлаш мажбуриятини олади (ФКнинг 587–592-м.); 4) мол-мулкдан текин фойдаланиш шартномасида — ссуда берувчи. Текин фойдаланиш (ссуда) шартномаси бўйича бир тараф (ссуда берувчи) иккинчи тарафга (ссуда олувчига) ашёни вақтингча текин фойдаланиш учун бериш мажбуриятини олади ёки беради, иккинчи тараф эса бу ашёни қандай олган бўлса, нормал ейилишни хисобга олиб худди шундай ҳолатда ёки шартномада назарда тутилган ҳолатда қайтариб бериш мажбуриятини олади (ФКнинг 617, 618-м.); 5) пудрат шартномасида — пудратчи. Пудрат шартномаси бўйича бир тараф (пудратчи) иккинчи тараф (буюртмачи)нинг топшириғига биноан маълум бир ишни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига белгиланган муддатда топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса иш натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади. Агар конун хужжатларида ёхуд тарафлар келишувида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ишни бажариш учун пудратчи таваккал қиласди (ФКнинг 631, 634, 666–685-м., 1190-м.нинг 2-к. — қурилиш пудрат шартномаси); 6) йўловчи, багаж ва юк ташиш шартномасида — ташувчи. Юк ташиш шартномаси бўйича юк ташувчи юк жўнатувчи томонидан ўзига ишониб топширилган юкни белгиланган манзилга етказиб бериш ва уни олишга ваколат берилган шахсга (олувчига) топшириш (ёки йўловчи ҳамда унинг багажини белгиланган манзилга элтиб бериш), юк жўнатувчи эса юкни ташиб берганлик учун белгиланган ҳақни тўлаш мажбуриятини олади (ФКнинг 709–715, 718-м.); 7) транспорт экспедицияси шартномасида — экспедитор. Транспорт экспедицияси шартномаси бўйича экспедитор ҳақ эвазига ва мижоз (юк жўнатувчи ёки юк олувчи) хисобидан экспедиция шартномасида белгиланган юк ташиш билан боғлиқ хизматларни бажариш ёки бажаришни ташкил этиш мажбуриятини олади (726–731-м.); 8) қарз шартномасида (кредит шартномасида) — кредитор. Шу билан бирга, бир қатор ҳолатларга эътибор қаратиш лозим: қарз шартномаси бўйича бир тараф (карз берувчи) иккинчи тарафга (карз олувчига) пул ёки турга хос аломатлари билан белгиланган бошқа ашёларни мулк қилиб беради, қарз олувчи эса қарз берувчига бир йўла ёки бўлиб-бўлиб, ўшанча суммадаги пулни ёки қарзга олинган ашёларнинг хили, сифати

ва миқдорига баравар ашёларни (қарз суммасини) қайтариб бериш мажбуриятини олади (ФКнинг 732-м.). Шархланаётган модданинг 2-кисмидан, сўз нафакат қарз шартномаси ҳақида, балки унинг турлари — кредит шартномалари ҳақида ҳам боради (ФКнинг 744–748-м.); 9) топшириқ шартномасида — ишончли вакил. топшириқ шартномаси бўйича бир тараф (вакил) иккинчи тараф (топшириқ берувчи) нинг номидан ва унинг ҳисобидан муайян юридик ҳаракатларни содир этиш мажбуриятини олади. Вакил тузган битим бўйича хукуқ ва мажбуриятлар бевосита топшириқ берувчидага вужудга келади (ФКнинг 817–819-м.); 10) воситачилик шартномасида — воситачи. Воситачилик шартномаси бўйича бир тараф (воситачи) иккинчи тарафнинг (комитетент) топшириғи бўйича ўз номидан, бироқ комитетент ҳисобидан бир ёки бир неча битимни ҳақ эвазига тузиш мажбуриятини олади (ФКнинг 832, 835-м.); 11) омонат сақлаш шартномасида — сақловчи. Омонат сақлаш шартномаси бўйича бир тараф (омонат сақловчи) унга иккинчи тараф (юк топширувчи) берган ашёни сақлаш ва бу ашёни тўла ҳолида қайтариш мажбуриятини олади (ФКнинг 875, 894–899, 901-м.); 12) суғурта шартномасида — суғурталовчи. Тижорат ташкилотлари ҳисобланган ва тегишли турдаги суғуртани амалга оширишга лицензияси бўлган юридик шахслар, агар қонунларда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, суғурталовчилар сифатида суғурта шартномаларини тузishi мумкин (ФКнинг 925-м.); 13) кафиллик шартномасида — кафил. Кафиллик шартномаси бўйича кафил бошқа шахс ўз мажбуриятини тўла ёки қисман бажариши учун унинг кредитори олдида жавоб беришни ўз зиммасига олади (ФКнинг 292, 295-м.); 14) гаров тўғрисидаги шартномада — гаровга қўювчи. Бир шахснинг бошқа шахсга мол-мулкни ёки унга бўлган хукуқни мажбуриятларни таъминлаш учун бериши гаров ҳисобланади (ФКнинг 264, 266-м.). 15) лицензия шартномасида — лицензиар. Лицензия шартномасида лицензиар деганда — лицензия шартномасининг иккинчи тарафига (лицензиатга) муносаб ҳақ эвазига лицензиарга тегишли бўлган мутлақ хукуқ ёки мутлақ хукуқлар мажмуасидан фойдаланиш имкониятини берадиган тарафи тушунилади.

2. Аниқ боғловчилар шартномаларнинг яна уч тури бўйича белгиланган (шархланаётган модданинг 2-кисми). Ушбу бандда санаб ўтилган шартномаларнинг ўзига хос хусусиятларини инобаттага олган ҳолда, улар

учун тегишли шартномавий муносабатлар учун хукукни белгилашнинг маҳсус усуслари назарда тутилади.

Предмети кўчмас мулк бўлган шартномага нисбатан қўлланувчи хукукни белгилашда қонунчикарувчи стандарт схемани қўллайди, яъни *lex rei sitae* презумпцияси ёрдамида, бошқа шу каби шароитларда, кўчмас мукка нисбатан шартнома билан энг яқин боғланган бўлиб, у жойлашган мамлакат хукуки ҳисобланади. Ушбу қоидани аниқлаштирамиз. Шартнома предмети ер майдонлари, ер ости бойликлари, бинолар, иншоотлар, кўп йиллик дов-дараҳтлар ва ер билан мустахкам боғлиқ бошқа мулк, яъни уларнинг вазифасига номутаносиб шикастсиз қўчирилишининг иложи бўлмаган обьектлар бўлган ва кўчмас мулк обьекти Ўзбекистон Республикаси худудида жойлашган бўлган ҳолларда, *lex rei sitae* презумпцияси мутлақ хукукий қоидага айланади. Шу тариқа, Ўзбекистон Республикаси худудидаги кўчмас мулкка нисбатан шартномалар императив равишда Ўзбекистон Республикаси хукуқига бўйсунади. Агарда Ўзбекистон Республикаси худудидан ташқарида бўлган кўчмас мулкка нисбатан шартномага қўлланувчи хукукни аниқлаш талаб этилса, шарҳланайтган модданинг умумий қоидасига амал қилиш лозим.

Бошқа шу каби шартномаларга курилиш пудрати шартномаси киради. Ушбу шартномага нисбатан, тегишли шартномада назарда тутилган натижалар асосан вужудга келтириладиган мамлакат хукуки қўлланади.

Хукукни белгилашга бўлган маҳсус ёндашув кимошди савдосида, танлов бўйича ёки биржада тузилган шартномага нисбатан назарда тутилган. Фикримизча, бундай мамлакат бўлиб кимошди савдоси, танлов ўtkazilgan ёки биржа жойлашган мамлакат хукуки ҳисобланади.

3. 1190-модданинг 3-қисми турли шартномалар элементига эга бўлган шартномага нисбатан қўлланувчи хукукни белгилашга бағишиланган. Масалан, контрактда маълум асбоб-ускуна билан таъминлаш билан бир қаторда уни монтаж қилиш, техник хизмат кўрсатиш, маълум технологиядан фойдаланиш учун рухсатнома бериш назарда тутилиши мумкин, яъни олди-сотди, пудрат шартномаларининг, ҳамда лицензия шартномасининг элементлари ҳам бирикиши мумкин. Янада мураккаб бирикмаларнинг ҳам эҳтимоли бор. ФКда бундай шартномаларни тартибга солишга 354-модданинг 4-қисми бағишиланган (аралаш шартнома). Мазкур шартномаларни Халқаро хусусий хукуқда коллизион тартибга солиш муаммоси ҳам ўзига хос хусусиятга

эга. Шархланаётган модданинг 5-банди айнан ана шу ўзига хос хусусиятни акс эттиради. Унда мавжуд бўлган қоида бизнинг қонунчилик учун янги бўлиб ҳисобланади. АРАЛАШ шартномага киритилган шартноманинг хар бир турига нисбатан алоҳида коллизион саволни қўйиш шунга олиб келиши мумкинки, мантиқан ягона битим турли ҳуқуқ тартиботлар билан тартибга солинади. Бундай ёндашув турли моддий ҳуқуқ миллий нормаларининг эҳтимолий мос келмаслиги туфайли, аҳамиятли мураккабликлар ва уларнинг бир вақтнинг ўзидаги мувофиқлаштирилган қўлланилишининг қийинчилкларига олиб келиши мумкин. Бундай ҳолатнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги доктринада тасдиқланади ва тажрибада исботланади. Кўрсатилган салбий оқибатлардан қочиш мақсадида шархланаётган модданинг 3-қисми, шартномага нисбатан қўлланувчи ҳуқуқни белгилашда уни бир бутун сифатида кўриб чиқади. Шартнома энг узвий боғлиқ бўлган мамлакат ҳуқуқига нисбатан умумий коллизион боғловчи ўзининг таъсирини саклаб қолади. Ўзига хослик ушбу боғлиқлик қандай белгиланишидан иборат. Шартномада турли шартномалар элементларининг мавжудлиги эътиборсиз қолмаслиги лозим. Шу билан бирга, қўлланувчи ҳуқуқни белгилашда — иложи борича битта ҳуқуқ тартиботнинг моддий-ҳуқуқий нормалари, императив коллизион нормалари билан уни тартибга солиш мақсадида, ушбу элементларни бутун шартномада уларнинг мавжудлигини инобатга олган ҳолда бирликда кўриб чиқиш суднинг вазифасидир.

Шархланаётган модда 3-қисмининг умумий қоидаси шартнома шартларини инобатга олган ҳолда қўлланади. Масалан, ФК 1189-моддасининг 2-қисми контрагентлар томонидан нафакат бутун шартномага нисбатан, балки унинг алоҳида қисмлари учун ҳам ҳуқуқни танлаш имконидан келиб чиқади. Аввалги ҳолат каби, тарафлар томонидан турли шартномалар элементига эга бўлган шартноманинг алоҳида қисмларига нисбатан ҳуқуқни танлаш имконияти инобатга олиниши лозим. Шу билан бирга, бу шартноманинг бошқа қисмларига нисбатан қўлланувчи ҳуқуқни белгилаш, албатта автоматик равишда уни турли ҳуқуқ тартиботлар билан тартибга солинишига олиб келишини билдирамайди, гарчи бундай вариант инкор этилмасада. Охир оқибат, кўриб чиқилаётган шартнома мазмуни ёки иш ҳолатлари мажмуюи учун хал қилувчи аҳамиятга эга бўлган шартлар моҳиятининг тахлили, мустақил ва умуман олганда бир биридан ажralадиган элементларга нисбатан шу қадар турли хил элементлардан иборат эканлигини намоён

етиши мумкинки, ушбу ҳолатда уларга нисбатан турли ҳуқуқ тартиботларни қўллаш ўринидир. Аммо, шархланаётган модданинг 1- ва 2- қисмларига кўра, бошқа тўхтамга келиниши мумкинлиги эҳтимолдан холи эмас. Қатъий коллизион норма эмас, балки презумпцияга амал қилган ҳолда, суд, кўриб чиқилаётган мазмун учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган шартлардан келиб чиқиб, шархланаётган модданинг 3-қисмида назарда тутилган узвий боғлиқлик мезонини қўллашни рад этиш билан бир қаторда, ушбу мезонга риоя этган ҳолда шартнома учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган вазифани бажарувчи тарафни белгилаши ҳам мумкин.

4. Шархланаётган моддада «энг узвий боғлиқлик» тамойили, ҳуқуқни танлаш тўғрисидаги тарафлар келишуви бўлмаган шартномавий муносабатларга нисбатан деталлаштирилади. Классик коллизион нормаларни қўллашнинг қониқарсиз натижаларига нисбатан реакция сифатида XX асрнинг иккинчи ярмида кенг тус олган «энг узвий боғлиқлик» тамойилини хозирги вақтда юридик адабиётда кўпинча эгилувчан коллизион тамойил деб аташади. Lex loci actus, lex loci delicti, lex fori ва бошқа — оддий коллизион нормаларни қўллашга қараганда шартнома энг узвий боғлиқ бўлган мамлакатни топиш мураккаб вазифадир. Ушбу ҳолатда аник ҳуқуқий тизимга аник кўрсатма мавжуд эмас — у аниқ низони кўриб чиқиша суд ёки арбитраж томонидан белгиланган бўлиши лозим. Бунинг учун суд, таҳлил натижаси А ё В ёки С мамлакатининг ҳуқуқини қўллаш тўғрисидаги хulosага олиб келиши мумкин бўлган ниҳоятда турли вазиятларни инобатга олади. Топишнинг ушбу жараёни, ва энг муҳими, қўлланувчи ҳуқуқни топиш натижаси оддий коллизион норма таъсиридан ниҳоятда фарқлидир. В.П.Звековнинг таъкидлашича, «муносабат энг узвий боғлиқ бўлган мамлакат ҳуқуқига ҳавола этувчи «эгилувчан» коллизион норманинг аҳамияти «оддий» коллизион қоида чегараларидан ўтди». Унинг таъкидлашича, кўпчилик мамлакатларда бугунги кунда ушбу қоидага «асосий коллизион асослардан бири «мақоми» берилган».<sup>6</sup>

Европа мамлакатларида «узвий боғлиқлик» тамойилини қўллаш масалалари профессорлар М.Джульяно ва П.Лагардлар томонидан тайёрланган 1980 й. Рим конвенцияси тўғрисидаги Хисоботда батафсил ёритиб

---

6 Звеков В. П. Международное частное право: Курс лекций. М., 1999. С.124.

берилган (Journal official des Communautés européennes. 1980. 31 oct. P. 1–47). Ҳисоботда Societe Jansen c. Societe Heurtey тарафларнинг тегишли келишуви бўлмаган тақдирда ҳуқуқни танлаш борасидаги иши бўйича 1955 й. Париж суди қароридан цитата келтирилади. Қарорда қўлланувчи ҳуқук бошқалар орасидан шартнома энг узвий боғлиқ бўлган мамлакат ҳуқуқини инобатга олган ҳолда белгиланиши кўрсатилган. 1950 йилларда Бенилюкс давлатлари, кучга кирмаганлигига қарамай ушбу давлатлар конунчилиги ва амалиётига жиддий таъсир кўрсатган халқаро хусусий ҳуқук тўғрисидаги Бирхиллаштирилган қонуннинг лойихасини ишлаб чиқишиди. Ушбу лойиханинг 13-моддасида, қўлланувчи ҳуқук тўғрисида тарафларнинг келишувининг мавжуд эмаслигига шартнома у энг узвий боғлиқ бўлган мамлакат ҳукуки билан тартибга солиниши белгиланган (Шу ернинг ўзида Р. 19).

«Узвий боғлиқлик» тамойили биринчи галда ўзининг мужмаллиги, ноаниклиги ва суд ёки арбитраж қайси ҳуқуқни аниқ ҳуқуқий муносабат билан «энг узвий боғлиқ» деб топишини олдиндан билиб бўлмаслиги билан боғлиқ ҳолда танқидий мулоҳазаларга сабаб бўлган ва сабаб бўлмоқда. Аммо тажриба ушбу «мужмал ва ноаниқ» тамойилдан муваффақиятли фойдаланилишини ва унинг қўлланилиши доираси доимий равишда кенгайишини кўрсатди. Ўзининг эгилувчанлиги туфайли мазкур тамойил аниқ муносабатларга қўлланувчи ҳуқук тўғрисидаги саволга энг адекват жавобни топиш имконини беради. Шартномавий муносабатларни тартибга солиш учун вужудга келган бўлиб, хозирги вақтда мазкур тамойил деликт ва оиласиий муносабатларда шахснинг шахсий қонунини белгилашда ва бир қатор бошқа ҳолатларда қўлланади, бу эса унинг универсаллигидан далолат беради (О.Н.Садиков ва б.).

### **1191-модда. Чет эл иштирокидаги юридик шахсни тузиш тўғрисидаги шартномага нисбатан юридик шахс таъсис этилган мамлакат ҳукуқи қўлланилади.**

**Чет эл иштирокидаги юридик шахсни тузиш тўғрисидаги шартномага нисбатан юридик шахс таъсис этилган мамлакат ҳукуқи қўлланилади.**

1. Шарҳланётган модда, предмети чет эл иштирокидаги юридик шахсни тузиш тўғрисидаги шартномага нисбатан қўлланувчи ҳуқуқни

белгилаш бўлган коллизион нормани белгилайди. Ўзининг хукуқий кучига кўра, шархланаётган модда императивдир. Чет эл иштирокидаги юридик шахсни тузиш тўғрисидаги шартномага нисбатан қўлланувчи хукуқ тарафларнинг келишуви билан белгилана олмайди. Чет эл иштирокидаги юридик шахсни тузиш тўғрисидаги шартномалар билан боғлик низоларни кўриб чиқишида судлар, шархланаётган модданинг императив нормасига амал қиласидилар.

2. Шархланаётган модда чет эл иштирокидаги хар қандай ташкилотларни тузиш тўғрисидаги шартномаларни ўз ичига олади. Субъектив таркибда чет эл элементи мавжудлигини формал тарзда белгилаш лозим: таъсисчиларнинг (иштирокчиларнинг) давлатга тегишлилиги, юридик шахснинг давлатга тегишлилигига қараганда бошқа бўлиши керак. Шу билан бирга, юридик шахснинг ташкилий-хукуқий шакли, тузиш мақсадлари, фаолият предмети, таъсис этиши жойи ва бошқа хусусиятлари аҳамиятга эга эмас.

Шархланаётган модда, миллий хукуқ нормаси бўлганлиги туфайли, унда мавжуд бўлган юридик тушунчаларни шархлаш Ўзбекистон Республикаси хукукига асосланиши керак. Хусусан, юридик шахсни ташкил этиши тўғрисидаги шартнома таъсисчилар томонидан тузилган, юридик шахсни тузиш бўйича биргаликдаги фаолият тартибини, таъсисчиларнинг ўз мол-мулкини топшириш шартлари, таъсисчиларнинг унинг фаолиятида иштирок этиши, таъсисчилар ўртасида фойда ва зараларни тақсимлаш, юридик шахс фаолиятини бошқариш, таъсисчиларнинг (иштирокчиларнинг) унинг таркибидан чиқиш тартиби ва шартларини белгиловчи шартнома бўлиб хисобланади. Корпоратив хукуқий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларига кўра, масъулияти чекланган жамиятлар, кўшимча масъулияти жамиятларга нисбатан юридик шахсларни тузиш тўғрисидаги шартномалар ФКнинг 43-моддаси мазмунида таъсис хужжати мақомига эга бўлади ва таъсис шартномаси деб номланади. Бошқа ташкилий-хукуқий шакллар — акционерлик жамиятлари, ишлаб чиқариш ва истеъмол кооперативлари, фондлар, жамоа ташкилотлари, нодавлат нотижорат ташкилотларга нисбатан — юридик шахсни тузиш тўғрисидаги шартнома юридик шахснинг таъсис хужжати бўлиб хисобланмайди. юридик шахсни тузиш тўғрисидаги шартнома таъсис хужжати ёки йўқлигидан катъи назар юридик шахсни тузиш тўғрисидаги шартнома мажбурият

ва корпоратив ҳуқуки масалаларини тартибга солишига қарамай, устав юридик шахсни тузиш тўғрисидаги шартнома тушунчасига кирмайди. Устав локал норматив акт характеристига эга, юридик шахснинг ҳуқукий ҳолатини тартибга солади ва оқибатда, шартноманинг эмас, компаниянинг мақомига бўйсунади. ФКда юридик шахснинг ҳуқукий мақомига нисбатан (ФКнинг 1175-м.) ва юридик шахсни тузиш тўғрисидаги шартномага нисбатан (шарҳланаётган моддага қ.) ваколатли ҳуқуқни топиш учун мустақил коллизион нормалар белгиланган. Аммо, шарҳланаётган модданинг императив характеристига кўра, ҳамда устав ва юридик шахсни тузиш тўғрисидаги шартнома учун ФК 1175-моддаси талабларини иnobatga олган ҳолда, юридик шахснинг шахсий қонуни ваколатли бўлиб хисобланади, бу эса тўлиқ таъсис хужжатларига нисбатан ва қисман таъсис шартномасига нисбатан коллизион боғловчининг бўлиниши эҳтимолини инкор этади.

Таъкидлаб ўтамизки, юридик шахснинг шахсий қонуни асосида нафакат унинг ҳуқукий ҳолати, балки юридик шахсни тузиш тўғрисидаги шартноманинг изохи амалга оширилади, шартнома бўйича таъсисчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шартномани бажариш, уни бажармаслик ва етарли даражада бажармаслик оқибатлари, шартномани бекор қилиш, уни ҳақиқий эмас деб топиш оқибатлари ва мажбурият қонунининг бошқа масалалари белгиланади (ФКнинг 1192-м.), бу ҳақда юридик шахс ҳуқукий мақоми ҳамда уни тузиш тўғрисидаги шартноманинг мустахкам алоқаси далолат беради.

Шарҳланаётган модда коллизион нормасининг боғловчиси мазкур ҳуқукий муносабат табиатига энг хос бўлган ҳуқуқни топиш концепциясига мосдир.

Шарҳланаётган модда коллизион нормасининг боғловчиси: «Чет эл иштирокидаги юридик шахсни тузиш тўғрисидаги шартномага нисбатан юридик шахс таъсис этилган мамлакат ҳуқуки кўлланилади» — субъект (чет эл иштирокидаги юридик шахс), объект (субъектни тузиш тўғрисидаги шартнома), юридик факт (ташкilot), ҳамда таъсисчиларнинг хошишини инобатга олган ҳолда — тегишли муносабатларнинг уларга нисбатан кўлланадиган мамлакат ҳуқуки билан юридик ва фактик боғлиқлигини инобатга олган ҳолда танланган. Таъсисчиларнинг хошиши юридик шахсни таъсис этиш жойи тўғрисидаги масалани хал қилишда аҳамиятга эга,

хусусан, юридик шахсни тузиш пайтигача ёки «оқсоқ» муносабатларда. Масалан, АҚШ қонунларига мувофиқ таъсис этилган ва АҚШда рўйхатга олинган, аммо Италияда фактик фаолият юритаётган акционерлик жамияти АҚШ юридик шахси деб тан олиниши билан бир қаторда, Италия юридик шахси деб ҳам тан олиниши мумкин.

Замонавий халқаро хусусий ҳукуқ учун юридик шахснинг «икки миллатлилиги» ҳодисаси ҳам хос бўлди. Масалан, бир мамлакат қонунлари асосида тузилган юридик шахс, ҳар қандай пайт чет эл ҳукуқига бўйсуниш хохишини билдириш ҳукуқига эга, бу эса тугатиш ва қайта таъсис этишга олиб келмайди. Бундай имкониятни чет мамлакатларнинг халқаро хусусий ҳукуқ тўғрисидаги қонунлари беради, масалан, Лихтенштейн (678-м.) ва Швейцария (161-м.) ҳукуки.

Юридик шахс томонидан иккинчи «миллатни» қўлга киритиш, ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ таъсис этилган юридик шахс бошқарув органларининг жойлашган жойини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига кўчиришнинг ҳукукий оқибатлари қонунчилик билан тартибга солинмаган.

Шарҳланадиган модданинг коллизион нормаси иккитомонлама эканлигини инобатга олиб, юкорида қайд этилган ҳолатда юридик шахсни тузиш тўғрисидаги шартномага Ўзбекистон Республикаси ҳукуки қўлланилиши билан бир қаторда, агар у давлат реестрига киритилган бўлса, юридик шахс янги жойлашган мамлакат ҳукуки ҳам қўлланилиши мумкин.

## **1192-модда. Қўлланиладиган ҳукуқнинг амал қилиш доираси**

**Ушбу параграфнинг қоидаларидан келиб чиқиб шартномага нисбатан қўлланиладиган ҳукуқ:**

**шартноманинг талқинини;**  
**тарафларнинг ҳукуқ ва мажбуриятларини;**  
**шартноманинг ижросини;**  
**шартномани умуман ёки тегишли даражада ижро этмаслик оқибатларини;**  
**шартноманинг тўхтатилишини;**  
**шартноманинг ўз-ўзидан ҳақиқий эмаслиги ёки ҳақиқий эмас деб топилиши оқибатларини;**

**шартнома муносабати билан талабларнинг баҳридан ўтиш ва қарзни ўтказишни қамраб олади.**

**Ижро этиши усуллари ва тартибига, шунингдек тегишли даражада ижро этилмаган тақдирда қўрилиши лозим бўлган чоралар бора-сида қўлланилаётган хуқуқдан ташқари ижро амалга оширилаёт-ган мамлакатнинг хуқуқи ҳам эътиборга олинади.**

1. Биринчи марта, унга кирган масалаларнинг қўлланувчи тахминий рўйхатини хисоблаш йўли билан қўлланувчи хуқуқ амал қилиш доирасини белгиловчи маҳсус модда МДҲ давлатлари учун Модел ФКга (1227-м.) киритилган эди. Хорижий мамлакатларнинг Ҳалқаро хусусий хуқуқ бўйича қонунчилиги, қўлланувчи хуқуқнинг амал қилиш доираси тўғрисидаги моддани хар доим ҳам киритмайди. Бундай моддалар Венгрия (30-п. (1)), Руминия (80-м.), Туниснинг (64-м.) ҳалқаро хусусий хуқуқ тўғрисидаги қонунчилигига мавжуд бўлиб, Австрия, Швейцариянинг ҳалқаро хусусий хуқуқ тўғрисидаги машҳур қонунларида мавжуд эмас.

Қўлланувчи хуқуқнинг амал қилиш доираси тўғрисидаги моддалар 1980 й. Рим конвенцияси, 1986 й. товарларнинг ҳалқаро олди-сотдиси шартномаларига нисбатан қўлланувчи хуқуқ тўғрисидаги Гаага конвенцияси, 1994 й. ҳалқаро контрактларга нисбатан қўлланувчи хуқуқ тўғрисидаги Америкаро конвенцияда мавжуд.

Миллий қонунчилик каби, ҳалқаро конвенцияларда ҳам мавжуд бўлган барча моддалар учун умумий бўлиб, уларда мажбурият қонуни амал қилиш доирасига кирувчи масалаларнинг тугал эмас балки, аксарияти мос келадиган тахминий рўйхати борлиги ҳисобланади.

2. Шарҳланаётган модданинг матнидан келиб чиқилишича, у шартномага нисбатан қўлланиши лозим бўлган хуқуқнинг амал қилиш доирасини тарафлар томонидан хуқуқни танланишига кўра белгилайди (ФКнинг 1189-м.), унинг мавжуд эмаслигига эса — шартнома энг узвий боғлиқ бўлган мамлакат хуқуқини қўллашни назарда тутувчи ФКнинг 1190-моддаси қоидаларига кўра, ҳамда чет эл иштирокидаги юридик шахс тузиш тўғрисидаги шартномага нисбатан (ФКнинг 1175-м.).

3. Шарҳланаётган модда шартномага нисбатан қўлланувчи хуқуқ тарғиб қилинадиган масалалар рўйхатидан иборат бўлиб, ушбу рўйхат тугал эмас, балки тахминий ва нотўлиқдир. Рўйхат хорижий мамлакатлар қонунчилининг шу каби моддаларида мавжуд бўлган масалаларнинг энг

камини ташкил этади ва энг қисқа бўлиб ҳисобланади. Шарҳланаётган модда рўйхатида мавжуд бўлган шартноманинг талқинида — шартноманинг юридик табиати каби, унда мавжуд бўлган шартларининг талқини ҳам назарда тутилади; шартнома тарафларининг хукуқ ва мажбуриятлари ва шартноманинг ижроси тўғрисидаги масалалар, яъни мажбурият конуни харакатининг энг турфа хил масалалар мажмуига тадбиқ қилиниши, масалан, мажбуриятларнинг ижро этиш жойи ва муддатини белгилаш, алоҳида қисмлар бўйича ижро этиш имкони; бир неча кредитор ёки бир неча қарздолар иштирок этаётган мажбуриятларни ижро этиш ҳамда мажбурият ҳукукининг умумий қисмига тааллуқли бошқа масалаларни тартибга солиниши билан бир қаторда, аниқ шартномалар бўйича тарафларнинг хукуқ ва мажбуриятларини тартибга солинишига. Рўйхатга шартномани умуман ёки тегишли даражада ижро этмаслик оқибатларини киритилиши, мажбурият қонунига жавобгарликнинг барча масалалари мажмuinи (зарарларни қоплаши лозим бўлган, жавобгарлик асослари, жавобгарликдан озод этувчи ҳолатлар, зарар ва жарималарнинг ўзаро алоқаси ва б.), ҳамда жавобгарлик шакли бўлмаган оқибатларни ҳам бўйсундиради.

Тугал бўлмаган рўйхатга кўра, мажбурият конунининг таъсири ҳисобга ўтказиш мажбуриятни ижро этиш билан тугатиш билан бир қаторда, тугатишнинг ҳисобга ўтказиш, новация, мажбуриятни ижро этиб бўлмаслиги туфайли тугатиш каби турларини қамраб оловчи шартноманинг тугатилишига тадбиқ қилинади. Таъкидлаш жоизки, доктринада мажбурият қонунига мажбуриятларни тугатиш усуллари тўғрисидаги масалани бўйсундириш билан боғлиқ ҳолда асосий эътибор, агар қарши талаб умумий мажбурият қонунига эга бўлмаса, қарши талабларни ҳисобга олиш йўли билан мажбуриятни узганда вужудга келадиган муаммога қаратилганд. Ушбу масала бўйича халқаро амалиётда мавжуд бўлган турли ёндашувларни таъкидлаган ҳолда, масалан: суд қонунини қўллаш, асосий мажбурият қонунини қўллаш, Л. А. Лунц, умуман олганда қарши талабларни ҳисоблаш, ҳисоблаш даъво қилинган шахс каби, ҳисоблашга даъво қилинган шахснинг ҳам, иккала қарши талабларнинг тегишли конун нормалари йўл кўядиган даражада мумкин, деган фикрга келган.

Тугал бўлмаган рўйхат шартноманинг ҳақиқий эмаслиги оқибатлари тўғрисидаги савол билан якунланади. Аммо, ФКда шартноманинг ҳақиқий

эмаслиги асосларига нисбатан қўлланувчи ҳукуқни белгиловчи норма мавжуд эмас. Шаклий ҳақиқийлик тўғрисидаги масала ФКнинг «Битим шакли» деб номланувчи 1181-моддасига асосан, белгиланган мамлакат ҳукуқига кўра хал қилиниши аниқдир. Аммо, энг кўп қийинчиликлар шартноманинг моддий ҳақиқийлигининг коллизион масалаларини хал қилиш билан боғлиқ. Хорижий мамлакатлар қонунчилигига мавжуд бўлган шартномага қўлланувчи ҳукуқнинг амал қилиш доираси тўғрисидаги моддаларда, мажбурият қонунига «моддий ва шаклий нуқтаи назаридан» (Венгрия) ҳақиқийлик, «шартноманинг ҳақиқий эмаслиги шартлари ва бундай ҳақиқий эмаслик оқибатлари» (Руминия, Тунис) бўйсундирилган.

Халқаро-ҳукуқий нормалар, масалан, шартномавий мажбуриятлар ҳукуки тўғрисидаги Конвенциянинг 10-моддасининг 1-бандида, шартномавий мажбуриятларга нисбатан қўлланувчи ҳукуқ тўғрисидаги Гаага конвенциясининг 12-моддаси, қўлланувчи ҳукуқнинг амал қилиш доирасига кирувчи масалаларнинг тахминий рўйхатига фақатгина шартноманинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини киритадилар. Шу билан бирга, иккала конвенцияларнинг матнларида шартноманинг моддий ва шаклий ҳақиқийлигига нисбатан ҳукуқ тўғрисидаги маҳсус моддалар мавжуд.

Таъкидлаб ўтамизки, замонавий коллизион тартибга солишга моддий ҳақиқийлик масалаларини, ё уни шартномага нисбатан қўлланувчи ҳукуқнинг амал қилиш доирасини белгиловчи масалалар рўйхатига киритиш йўли билан (миллий қонунчилик нормаларидағи каби), ёхуд кўрсатилган халқаро конвенциялар қоидаларидағи каби, моддий ҳақиқийликни шартномага нисбатан қўлланувчи ҳукуққа бўйсундирувчи маҳсус коллизион норма йўли билан, мажбурият қонунига бўйсундириш хосдир. ФКда шартноманинг моддий ҳақиқийлигига нисбатан қўлланувчи ҳукуқ тўғрисидаги масала акс эттирилмаганлиги туфайли, шарҳланаётган модда мажбурият қонуни ҳажмини тугатмаганлигини инобатга олган ҳолда ушбу масалани тартибга солишда жаҳон тажрибаси эътиборга олиниши мумкин эди.

Шартномага нисбатан қўлланиши лозим бўлган ҳукуққа кўра, у ҳақиқий эмас деб топилиши керак бўлса, шартномани ҳақиқий деб топишнинг иложи борлиги эҳтимолдан йироқлиги ҳам моддий ҳақиқийлик тўғрисидаги масалага нисбатан мажбурият қонунини қўллаш фойдасига сўзлади. Аммо, моддий ҳақиқийлик фақатгина мажбурият қонуни билан

чекланиши мумкин эмас. Шартномани ҳақиқий эмас деб топиш ФКнинг 1192-моддасига кўра, шартномага нисбатан бошқа мамлакат хукукини қўллаш йўли билан камситилмайдиган судлов мамлакатининг императив нормаларига, ёхуд муносабат билан узвий боғлиқ бўлган мамлакат хукукининг императив нормаларига ҳам асосланган бўлиши мумкин (ФКнинг 1192-м.).

4. Шарҳланаётган модда, фақатгина масалаларнинг тугал бўлмаган рўйхатини белгилаб, шартномага нисбатан қўлланиши лозим бўлган хукуқ доирасига киритилиши доктрина ва амалиёт билан қўллаб қувватланган айрим масалаларни кўзда тутмайди, масалан, Венгрия қонунчилигининг шу каби нормасида кўзда тутилган шартномани тузиш тўғрисидаги масала. Шартномавий мажбуриятларга нисбатан қўлланувчи хукук тўғрисидаги Гаага конвенцияси 12-моддасининг «ф» кичик бандида маҳсус белгиланган товарнинг тасодифий нобуд бўлиш хавфининг ўтиш вақти тўғрисидаги масала алоҳида эътиборга лойиқ. Халқаро хусусий хукуқнинг доктринаси ва амалиётида ушбу масалада, Л. А. Лунц томонидан «мулк хукукининг ва хатарнинг сотувчидан сотиб олувчига ўтиш пайтларини фарқлаш халқаро хусусий хукук учун муҳим аҳамият касб этади: бир ҳолатда (таваккалчилик хатарнинг ўтиш пайтига нисбатан) масала мажбурият қонуни бўйича хал қилинади, бошқасида (мулк хукукини ўтишига нисбатан), қоидага кўра, ўтишга сабаб бўлга ҳолат вужудга келган пайтда ашёнинг жойлашган жойи қонунига мувофиқ», яъни ашёвий хукуқлар статути бўйича, дея берилган изоҳ муҳим ориентир бўлиб ҳисобланади.

5. Мажбурият қонунининг амал қилиш доираси, ФК бошқа нормаларининг таҳлили натижасида ҳам кенгаяди. Тегишли муносабатлар шартномадан келиб чиқкан ҳолатларда, мажбурият қонуни асоссиз бойиш оқибатида келиб чиқадиган мажбуриятларнинг (ФК 1196-м. 2-к.) даъво муддатини белгилайди (ФКнинг 1183-м.).

6. Шарҳланаётган модда фақатгина мажбурият қонуни тадбиқ қилинадиган масалаларнинг тугал бўлмаган рўйхатини тавсия этишига қарамай, унинг кенгайтирилиши чексиз эмасдир. Шартномага нисбатан қўлланувчи хукуқ доираси шахсий қонун билан белгиланадиган шартнома тарафларининг хукуқ субъектилиги ва хукуққа лаёқатлилигига, ҳамда ашёвий хукуқлар қонуни билан белгиланадиган масалалар, битим шаклига нисбатан талабларга нисбатан тадбиқ қилинмайди.

## **6-§. ШАРТНОМАДАН ТАШҚАРИ МАЖБУРИЯТЛАР**

### **1193-модда. Бир тарафлама ҳаракатлардан иборат мажбуриятлар**

**Бир тарафлама ҳаракатлардан (мукофотни ошкора ваъда қилиш, ўзганинг мақсадини кўзлаб топшириқсиз амалга ошириладиган фаолият ва бошқалардан) иборат мажбуриятларга нисбатан ушбу бўлимнинг 4-параграфи қоидалари қўлланади.**

ФК шартномадан ташқари мажбуриятларга нисбатан ФК шарҳланаётган параграфининг 1193–1194-моддаларида белгиланган бир неча қоидаларни ажратади. Аввало, бу конуний бир тарафлама ҳаракатлардан ёки битимлардан иборат мажбуриятлардир. Бундайларга, тузилиши учун қўлланниши лозим бўлган қонунчилик ёки тарафларнинг келишувига кўра, эркнинг ифода этилиши кифоя ва зарур бўлган битимлар киради (фақат бир тарафнинг ҳаракатлари (ФК 102-м. 2-к.)). Хусусан, уларга мукофотнинг ошкора ваъда қилиниши, оммавий танлов, ўзганинг мақсадини кўзлаб топшириқсиз ҳаракат қилиш ва б. киради.

Юқорида кўрсатилган ҳаракатлардан иборат битимларга нисбатан битим тузиш жойи ҳукуқи қўлланилади. Битим тузиш жойи эса, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида белгиланади. ФК 376-моддасининг мазмунидан келиб чиқиб, бундай жой бўлиб, бир тарафлама битим бўйича ўзига мажбурият олган фуқаронинг яшаш жойи ёки юридик шахснинг жойлашган жойи ҳисобланади. Таъкидлаб ўтамизки, шу каби қоидалар қуйидаги чет эл қонунларида назарда тутилган: Германия Гражданлик Тузукларига Кириш қонунининг «Топшириқсиз ишларни олиб бориш» деб номланувчи 39-моддасида (1999 й. tax.): «(1) Ўзга ишни олиб боришдан келиб чиқсан қонуний талабларга нисбатан, фаолият амалга оширилаётган мамлакат ҳукуқи қўлланади. (2) Ўзга мажбуриятни ижро этишдан келиб чиқсан талабларга нисбатан кўрсатилган ҳолатни тартибга солаётган мамлакат ҳукуқи қўлланади»; 1995 й. халқаро хусусий ҳукуқнинг Италян тизими реформаси тўғрисидаги Қонуннинг «Бир тарафлама ваъдалар» деб номланувчи 58-моддасида: «Бир тарафлама ваъдалар улар худудида берилган мамлакат ҳукуқи билан тартибга солинади».

## **1194-модда. Заарар етказилганлиги оқибатида келиб чиқадиган мажбуриятлар**

**Заарар етказилганлиги оқибатида келиб чиқадиган мажбуриятлар бўйича хукуқ ва мажбуриятлар зарарни ундиришни талаб қилиш учун асос бўлган ҳаракат ёки бошқа ҳолат юз берган мамлакатнинг хукуқи бўйича белгиланади.**

**Чет элда заарар етказилганлиги оқибатида келиб чиқадиган мажбуриятлар бўйича хукуқ ва бурчлар, агар фуқаролар ёки юридик шахслар айни битта давлатдан бўлсалар, шу давлат хукуқи билан белгиланади.**

**Агар заарар ўрнини қоплаш тўғрисидаги талаб учун асос бўлган ҳаракат ёки бошқа ҳолат Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари бўйича ғайриқонуний бўлмаса, чет эл хукуқи қўлланмайди.**

1. Шарҳланаётган модда, чет эл элементи билан мураккаблашган заарар етказилганлиги оқибатида келиб чиқадиган мажбуриятларга нисбатан қўлланувчи хукуқни танлаш тўғрисидаги нормалардан иборат. Таъкидлаб ўтамизки, ФКнинг 57-бобида мавжуд бўлган зарарни қоплаш тўғрисидаги умумий қоидалар, фуқаронинг шахсияти ва мулкига, ҳамда юридик шахснинг мулкига нисбатан етказилган заарар тўғрисидаги тушунчалардан иборат. Шу каторда, ФК 57-бобининг 4-б.да маънавий заарар фуқаронинг шахсиятига етказилган заарарнинг асосий шакли сифатида қайд этилган.

Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида шакллантирилган, чет эл элементи билан мураккаблашган деликт мажбуриятига нисбатан қўлланувчи хукуқни танлаш тўғрисидаги умумий коллизион норма, кенг кўламда маълум бўлган ва кўпдан бери қўлланиб келинаётган *lex loci delicti commissi* — деликт амалга оширилган жой хукуқига ҳавола этиш коллизион асосга мос келади. Мазкур модданинг 1-қисмида мавжуд бўлган норманинг таҳлили, қонунчикарувчи деликт амалга оширилган жой сифатида, биринчи навбатда заарар етказувчи томонидан заарарли ҳаракат амалга оширилган жойни ҳисоблади, деган фикрга келишга йўл қўяди.

Заарарни ундириш тўғрисидаги талабга асос бўлган ҳаракат ёки бошқа ҳолат жойи деганда, ишнинг аниқ ҳолатларидан келиб чиқсан ҳолда, агар заарар заарар кўрган шахснинг шахсиятига етказилган бўлса заарар вужудга келган пайтда заарар кўрган шахснинг турган жойини ёки агар заарар мол-

мулкка етказилган бўлса, зарар етказилган пайтда зарар кўрган шасхнинг мол-мулки турган жойни тушуниш лозим. Деликтнинг шунга ўхшаш тушунчасига кўпчилик Европа ва Америка давлатларининг хукукий доктринаси асосланади.

Шарҳланаётган модданинг қоидалари, нафакат шахсга етказилган мулкий зарарни, балки маънавий зарарни қоплашни тартибга солувчи хукуқни белгилашга ҳам тўла равишда тадбиқ қилинади. Бундан ташқари, мазмунан мазкур норма, нафакат зарар етказувчи томонидан, балки айrim бошқа шахслар томонидан ҳам зарарни қоплаш холатларини қамраб олади, яъни зарар келтириш оқибатида мажбуриятларнинг келиб чиқиши хар доим ҳам қарздор томонидан хукуқбузарликни содир этилиши билан боғлик бўлмайди. Шу каби эҳтимолий истисно холатлардан бири сифатида, судга, ниҳоятда зарурий ҳолатда етказилган зарарни ундириш бўйича мажбуриятларни зарар етказувчи қайси шахснинг манфаатлари учун ҳаракат қилган бўлса, шу шахсга юклашни йўл кўювчи ФКнинг 988-моддасини келтириш мумкин.

2. Зарар етказилган жой қонунига коллизион боғловчи турли мамлакатларда бир хилда баҳоланмайди. Чунки, зарар етказиши жойи сифатида зарарли ҳаракат содир этилган жойни ҳам, зарар вужудга келган жойни ҳам тушуниш мумкин. Масалан, ГФРнинг суд тажрибаси, зарар кўрган шахсга улар ўртасида танлаш хукуқини берган ҳолда бир вақтнинг ўзида locus delicti кўрсатилган изоҳларининг иккисини ҳам кўллайди. Бундан фарқли равишида Австрия қонуни деликт жойининг зарарни келтириб чиқарган ҳаракатнинг содир этилиш жойи сифатидаги баҳоланишига асосланади.

Шарҳланаётган модданинг 1-қисмига кўра, деликт мажбуриятлари *lege loci delicti commissi* — зарарни қоплаш тўғрисидаги талабларга асос бўлган ҳаракат ёки бошқа факт содир бўлган мамлакат қонуни билан тартибга солинади. Халқаро хусусий хукуқ учун фундаментал бўлган ушбу боғловчи формула Ўзбекистон Республикаси фуқаролик хукуки учун ҳам анъанавийдир. Аммо, деликт содир этилган мамлакат қонунига кўра, тегишли мажбуриятлар маълум шароитларда бошқа хукуқий тизимларга — мажбурият тарафларининг шахсий қонунига, суд қонунига ва б. бўйсунишлари мумкин.

3. Шарҳланаётган модданинг 2-қисми ҳам зарар етказувчи ва зарар кўрган шахснинг манфаатлари бирлиги тамойилидан келиб чиқади. ФК 1194-мод-

даси 1-қисмининг умумий қоидасидан ушбу истисно, заарар кўрган шахс ҳам, зарар етказган шахс ҳам бир мамлакат шахслари бўлган ёки бир мамлакатда яшаш жойига эга бўлган ҳолатлар учун белгиланади. Бундай ҳолатда деликт мажбурияти ушбу мамлакат қонуни таъсирига бўйсунади.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, деликт ҳукукий муносабати тарафларининг умумий шахсий қонунининг устунлиги кўпчилик хорижий мамлакатлар қонунчилигига назарда тутилган. Масалан, шу каби тартибга солиниш 1825 йилдаги Луизиана штати Фуқаролик кодексининг «Деликт ва квазиделикт мажбуриятлар» деб номланувчи VII Титулида (1991 йилдаги таҳрирда.), Германия Гражданлик Тузукларига Кириш қонунининг 40-моддасида, 1987 йилдаги ҳалқаро хусусий ҳукуқ тўғрисидаги Швейцария қонунининг «Мажбурият ва зарар етказиш» деб номланувчи 3-бўлимида, 1995 й. ҳалқаро хусусий ҳукуқ Италиян тизимининг реформаси тўғрисидаги Қонуннинг 62-моддасида, 1979 й. Венгрия ҳалқаро хусусий ҳукуқ тўғрисидаги Низомининг 32–34-п., 1991 й. Квебек Канада провинцияси Фуқаролик кодексининг 3126- ва 3127-моддаларида мавжуд. Моҳиятан ўхшаш норма Европа Кенгашининг 11 июль 2007 й. №864/2007 шартномадан ташқари мажбуриятларга нисбатан қўлланувчи ҳукуқ тўғрисидаги Регламентида мавжуд.

Деликtdан келиб чиқсан мажбуриятлар масалалари Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномаларида акс эттирилган. Масалан, хўжалик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ низоларни ҳал қилиш тартиби тўғрисидаги Келишувнинг (Киев, 1992 йил 20 март) 4-моддасида куйидагилар белгиланган: «4-м. 1. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи-давлатларининг ваколатли суди, мазкур келишувнинг 1-моддасида эслатиб ўтилган низоларни, агар мазкур МДҲ иштирокчи-давлатининг ҳудудида: г) зарарни қоплаш тўғрисидаги талабга асос бўлган ҳаракат ёки бошқа ҳолат содир бўлган бўлса кўриб чиқишига ҳақли».

Шу каби қоидалар Ўзбекистон Республикасининг бошқа ҳалқаро шартномасида ҳам назарда тутилган — фуқаролик, оиласвий ва жиноий ишлар бўйича ҳукукий ёрдам ва ҳукукий муносабатлар тўғрисидаги Конвенцияда (Минск, 1993 йил 22 январь). 42-моддада зарарни қоплаш тўғрисидаги нормалар назарда тутилган:

«1. Шартномадан ва қонуний ҳаракатлардан келиб чиқсан мажбуриятлардан ташқари, зарарни қоплаш тўғрисидаги мажбуриятлар, зарарни қоплаш тўғрисидаги талабга асос бўлган ҳаракат ёки бошқа

холат ҳудудида содир бўлган Аҳдлашувчи Томоннинг қонунчилигига қўра белгиланади.

2. Агар зарар етказган шахс ва зарар кўрган шахс бир Аҳдлашувчи Томон фуқаролари бўлсалар, ушбу Аҳдлашувчи Томоннинг қонунчилиги қўлланади.

3. Мазкур модданинг 1 ва 2-бандларида эслатиб ўтилган ишлар бўйича, зарарни қоплаш тўғрисидаги талабга асос бўлган ҳаракат ёки бошқа холат ҳудудида содир бўлган Аҳдлашувчи Томоннинг суди ваколатлидир. Зарар кўрган шахс, зарар келтирган шахс ҳудудида яшаш жойига эга бўлган Аҳдлашувчи Томоннинг судига ҳам даъво қилиши мумкин».

Шарҳланаётган банд қоидаларини тўғридан-тўғри шарҳлаш, шарҳланаётган модданинг мақсадлари учун чет эл юридик шахсларининг алоҳида қисмлари юридик шахсларга тенглаштирилади, деган хulosага келишга асос бўлмайди. Фикримизча, зарар келтиришга сабаб бўлган ҳаракатлар ёки бошқа ҳолатлар бундай алоҳида қисмнинг фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлса, хукуқ қўлловчи орган қўлланувчи хукуқни танлаш мақсадларида ушбу ҳолатни инобатга олиши лозим.

4. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, агар зарарни қоплаш тўғрисидаги талабга асос бўлиб хизмат қилган ҳаракат ёки бошқа холат Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига қўра, хукуққа хилоф бўлмаса, чет эл қонунини қўллашга йўл қўймайди.

Бундай қоида Ўзбекистон Республикасининг халкаро шартномасида ҳам мустахкамланган бўлиб, хўжалик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ низоларни хал қилиш тартиби тўғрисидаги Келишувнинг (Киев, 20 март 1992 йил) 11-моддасида куйидагича белгиланган:

«11-модда. Бир Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи-давлатининг фуқаролик қонунчилиги бошқа Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи-давлати ҳудудида қуйидаги қоидаларга қўра қўлланади: ж) зарар етказиш оқибатида вужудга келган мажбурият бўйича Тарафларнинг хукуқ ва мажбуриятлари зарарни қоплаш тўғрисидаги талабга асос бўлган ҳаракат ёки бошқа ҳолат содир бўлган мамлакат қонунчилигига қўра белгиланади».

Зарарни қоплаш тўғрисидаги талабга асос бўлган ҳаракат ёки бошқа холат низони кўриб чиқиш жойи қонунчилигига қўра, хукуққа хилоф бўлмаса, ушбу қонунчилик қўлланилмайди.

Бундан ташқари, алоҳида халқаро актлар ҳам деликтдан келиб чиқкан масалаларни назарда тутади. Масалан, 21 май 1963 йилги атом зарари учун фуқаролик жавобгарлиги тўғрисидаги Вена конвенцияси (Ўзбекистон Республикаси конвенцияга аъзо эмас) атом зарари учун атом қурилмаси операторининг мутлақ фуқаролик-хуқукий жавобгарлигини тартибга солувчи моддий-хуқукий нормаларни белгилайди. У, агар зарар, у етказилган шахснинг қўйпол эътиборсизлиги туфайли ёки ушбу шахснинг зарар етказиш мақсадидаги ҳаракати оқибатида вужудга келганлигини исботласа, агар бу низони хал қилишга ваколатли бўлган суд қонунида назарда тутилган бўлса, заарни қоплаш мажбуриятидан озод қилинади. Йўл-транспорт ходисаларига нисбатан қўлланувчи хуқуқ тўғрисидаги 4 май 1971 йилдаги Гаага конвенциясида йўл-транспорт ходисалари оқибатида вужудга келган зарар учун шартномадан ташқари фуқаролик жавобгарлигига нисбатан, тегишли низони қайси суд инстанцияси кўриб чиқаётганидан қатъи назар қўлланувчи хукуқни назарда тутувчи коллизион нормалар бирхиллаштирилган. Кўрсатилган ҳажмга нисбатан умумий қоида кўринишида коллизион боғловчи бўлиб, ҳодиса содир бўлган мамлакатнинг миллӣ қонунчилиги ҳисобланади. Аммо, ушбу қоидадан истисно мавжуд. Масалан, агар йўл-транспорт ходисасида фақатгина битта транспорт воситаси иштрок этган бўлса ва у ҳодиса содир бўлган ушбу мамлакатда рўйхатга олинмаган бўлса, заар етказувчи шахснинг жавобгарлиги:

- а) хайдовчи, транспорт воситасига нисбатан гувоҳномага эга бўлган мулкдор ёки бошқа шахс олдида;
- б) ушбу воситанинг йўловчиси бўлган ва бошқа мамлакатда доимий яшайдиган жабрланувчи олдида;
- в) ҳодиса жойида транспорт воситасида бўлмаган ва транспорт воситаси рўйхатга олинган мамлакатда доимий яшаш жойига эга бўлган жабрланувчи олдида, коллизион боғловчи сифатида транспорт воситаси рўйхатга олинган мамлакат хукуки қўлланади.

ФК 1194-моддасининг таҳлилини тугата туриб, қонунчилик даражасида Ўзбекистон Республикаси ФҚда заар етказиш оқибатидаги мажбуриятларни тартибга солувчи ва конструкцияси Европада аллақачон синовдан ўтган замонавий коллизион хукуқ ривожланишининг асосий фоялари инобатга олингандигини таъкидлаш мумкин.

## **1195-модда. Истеъмолчига етказилган заар учун жавобгарлик**

**Товарни сотиб олиш, ишни бажариш ёки хизматни кўрсатиш муносабати билан истеъмолчи кўрган заар ўрнини қоплаш тўғрисидаги талабга нисбатан истеъмолчининг хоҳишига кўра:**

**истеъмолчининг турар жойи жойлашган мамлакатнинг хуқуки;**  
**ишлиб чиқарувчи ёки ишни бажарган, хизмат кўрсатган шахснинг турар жойи ёки манзили жойлашган мамлакатнинг хуқуки;**  
**истеъмолчи товарни сотиб олган, иш натижасини қабул қилган ёки унга хизмат кўрсатилган мамлакатнинг хуқуки қўлланади.**

1. Шарҳланайтган модда, товарни сотиб олиш, ишни бажариш ёки хизматни кўрсатиш муносабати билан истеъмолчи кўрган заар ўрнини қоплаш тўғрисидаги талабга нисбатан қўлланиши лозим бўлган хуқуқ тўғрисидаги маҳсус коллизион нормалардан иборат. Шу билан бирга, ишлиб чиқарувчининг маҳсулоти томонидан етказилган заар туфайли унинг жавобгарлигини тартибга солувчи нормалардан, муомалага сифатсиз маҳсулотни киритганлиги туфайли ишлиб чиқарувчи ёки сотувчининг жавобгарлигини тартибга солувчи нормаларни фарқлаш лозим. Сўнгги холатда шартномавий мажбуриятлар доирасидаги жавобгарликни тартибга солувчи нормалар қўлланади. Товар ёки хизматни кўрсатиш муносабати билан етказилган заар учун жавобгарликни тартибга солувчи коллизион нормалар ишлиб чиқарувчининг жавобгарлигига нисбатан қўлланувчи хуқуқ тўғрисидаги 1973 йилги Гаага конвенциясида назарда тутилган (Ўзбекистон Республикаси мазкур Конвенциянинг аъзоси эмас). Шу билан бир қаторда, сифатсиз маҳсулот ёки хизмат кўрсатиш муносабати билан заар етказиш, асосан хозирги вақтда, кўпинча етарлича аҳамиятга эга «маконий» омиллар билан кузатилади: ишлиб чиқариш бир ёки бир неча мамлакатларда, сотову — бошқа, фойдаланиш ёки истеъмол қилиш учинчи мамлакатда амалга оширилиши мумкин. Шарҳланайтган модда нормалари жабрланувчига нисбатан истеъмолчининг яшаш жойи бўлган мамлакат хуқуқини; ишлиб чиқарувчи ёки ишни бажарган, хизмат кўрсатган шахснинг яшаш жойи ёки оддий турар жойи бўлган мамлакат хуқуқини; истеъмолчи товар сотиб олган, иш натижасини қабул қилган ёки унга хизмат кўрсатилган мамлакат хуқуқини тақдим қиласди.

Шархланаётган модда мақсадларида, заар өтказувчи бўлиб, бирламчи товарни ишлаб чиқарувчи ва товарнинг бевосита сотувчисидан ташқари товарни өтказиб берувчи, тузатиш бўйича мутахассислар, сақловчилар, товарни ишлаб чиқариш ва тақсимлашда иштирок этувчиларни ўз ичига олувчи бошқа шахслар хисобланади. Фикримизча, агар заар өтказиш юридик шахснинг алоҳида қисмининг — делинквентнинг фаолияти билан чамбарчас боғлиқ бўлса, жабрланувчи қўлланувчи хуқуқ сифати ушбу алоҳида қисмининг турган жойи хуқукини танлаш хуқукига эга.

Шу билан бирга, таъкидланадики, жабрланувчи томонидан ўзининг яшаш жойи ёки асосий фаолият жойи, ҳамда товар сотиб олинган ёки хизмат қўрсатилган жойи қонунининг танланиши, агар заар өтказувчи товар тегишли мамлакатга унинг рухсатисиз кирганини исботламасагина тан олиниши мумкин. Ушбу изоҳ, бир тарафдан ҳалол ишлаб чиқарувчи ва сотувчининг хуқуқларини ҳимоя қилиш учун қаратилган бўлса, бошқа тарафдан — жабрланувчига қўшимча ҳимояни тақдим қилган ҳолда, исботлаш оғирлигини заар өтказувчига юклайди. Кўп ҳолларда, ишлаб чиқарувчи ёки товарни тарқатувчига қараганда иқтисодий жиҳатдан кучсизроқ тараф бўлиб ҳисобланадиган товарлар ва хизматлар истеъмолчисининг хуқуқий ҳимояси кучайишининг эҳтиёжини инобатга олган ҳолда, ФК 1194-моддасининг умумий нормасидан фарқли равишда товарнинг у ёки бу мамлакатга киришига делинквент розилигининг мавжуд эмаслиги фактини исботлаш оғирлиги заар өтказувчига юкланди.

Таъкидлаш жоизки, шархланаётган модданинг таҳлили, шархланаётган модда коллизион нормаларини қўллаш мақсадлари учун жабрланувчи ФК 1071-моддасининг мазмунида истеъмолчи бўлиши лозим, яъни жабрланувчи истеъмолчилик мақсадларида товар (хизмат) сотиб олган шахс бўлиши шарт деб таъкидлашга асос бўла олмайди. Шу тариқа, шархланаётган модданинг нормалари, жабрланувчининг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ мақсадларда товар сотиб олинган, хизмат эса қўрсатилган бўлса ҳам қўлланади. Шу каби тартибга солиниш бир қатор хорижий мамлакатларнинг қонунчилик актларида мавжуд, масалан: ҳалқаро хусусий хуқуқ тўғрисидаги 1987 йилдаги Швейцария қонунининг 135-моддасида, ҳалқаро хусусий хуқуқнинг Италия тизими реформаси тўғрисидаги 1995 йилдаги Италия қонунининг 63-моддасида, ҳалқаро хусусий хуқуқий муносабатларни тартибга солишга нисбатан қўлланувчи 1992 йилдаги Руминия

конунининг 114-моддасида, Беларуссия (1130-модда), Қозогистон (1118-модда), Қирғизистон Республикалари (1204-модда), Россия Федерацияси ва бошқаларнинг (1221-модда) Фуқаролик кодексларида ҳамда аввал эслатиб ўтилган ишлаб чиқарувчининг жавобгарлигига нисбатан қўлланувчи хуқук тўғрисидаги Гаага конвенциясининг нормаларида.

Шарҳланаётган моддада, жабрланувчи томонидан қайси пайтда хуқук танланиши мумкинлигига кўрсатма мавжуд эмас. Фикримизча, тегишли суд томонидан қарор чиқарилгунига қадар, жабрланувчи томонидан шарҳланаётган моддага мувофиқ, хуқук танлаши мумкин.

2. Агар жабрланувчи унга тақдим этилган танлаш хуқуқидан фойдаланмаса, қўлланувчи хуқук ФКнинг 1194-моддасида назарда тутилган зарар етказиш оқибатида вужудга келган мажбуриятларга нисбатан қўлланниши лозим бўлган хуқук тўғрисидаги умумий нормаларга кўра белгиланади.

3. Юқорида кўрсатилган талаблар нафакат товарнинг нуқсони билан боғлиқ ҳолда, балки у ҳақда тўлиқ бўлмаган ёки аниқ бўлмаган маълумот берилганлиги, масалан, товарнинг, унинг хусусиятларининг ва қўллаш усулининг нотўғри таърифланганлиги билан боғлиқ ҳолда вужудга келиши мумкинлиги ҳам ўзига эътибор қаратади. Шу билан боғлиқ ҳолда, шарҳланаётган модда тўртинчи хат боисининг нормаси ФК 1018-моддасининг 3-қисмидаги тартиба солишга мос келади: ишлаб чиқарувчининг жавобгарлиги тўғрисидаги қоидалар, товар, иш ёки хизмат тўғрисида ишончсиз ёки етарли бўлмаган маълумот бериш оқибатида етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги талабларга тадбиқ қилинади.

## **1196-модда. Асоссиз бойлик орттириш**

**Асоссиз бойлик орттириш натижасида вужудга келадиган мажбуриятларга нисбатан бойлик орттирилган мамлакатнинг хукуки қўлланилади.**

Агар асоссиз бойлик орттириш мол-мулкни сотиб олиш ёки тежаб қолишга доир асослар бекор бўлиши натижасида вужудга келса, қўлланиладиган хукук бу асос бўйсундирилган мамлакатнинг хукуки бўйича белгиланади. Асоссиз бойлик орттириш тушунчаси Ўзбекистон Республикасининг хукуки бўйича белгиланади.

Асоссиз бойлик орттириш натижасида вужудга келган мажбурият тушунчasi ФК 1023-моддасида назарда тутилган: «Қонун хұжжатларида ёки битимда белгиланған асосларсиз бошқа шахс (жабрланувчи)нинг хисобидан мол-мулкни эгаллаб олган ёки тежаб қолған шахс (құлға кири-түвчи) асоссиз эгаллаб олинған ёки тежаб қолинган мол-мулкни (асоссиз орттирилған бойликни) жабрланувчига қайтариб бериши шарт, ушбу Кодекснинг 1030-моддасида назарда тутилған ҳоллар бундан мустасно».

Шархланаётған моддада, асоссиз бойлик орттириш институтининг икки жиҳати акс эттирилған:

Бириңчидан, бу бойиган шахснинг алоқаси ва ўзаро муносабатлари бўлмаган ва бўлиши мумкин бўлмаган шахсдан хатолик ёки англашилмовчилик оқибатида мол-мулк олишининг турли кўринишларидир. Пулларнинг хато ўтказилиши, ашёларнинг ўзга манзилга юборилиши — бу аномал тарзда ёки тасодифан асоссиз бойлик орттиришнинг турли кўринишлари бўлиб, бундай ҳаракатнинг ўзи — тарафларга нисбатан асосий ва кўпинча ягона юридик фактдир. Кўпчилик ҳолатларда асоссиз бойлик орттириш жойининг хуқуқи қарздорга ҳам, кредиторга ҳам маълум бўлиши лозим. Шу туфайли, шархланаётған модданинг 1-қисмида бойиш жойига ҳавола қилиш белгиланади. У 1979 йилдаги Венгрия ҳалқаро хусусий хуқуқ тўғрисидаги Низомининг 35-банди, 1987 йилдаги Куба Фуқаролик кодексининг 18-моддасида, 1937 йилдаги Латвия Фуқаролик кодексининг 20-моддасида, 1964 йилдаги Литва Фуқаролик кодексининг 619-моддасида, 1984 йилдаги Перу Фуқаролик кодексининг 2098-моддасида мавжуд.

Бойиш жойи деганда, назаримизда, қарздор, шу қаторда вакил (масалан, юк ташувчи, вакил, экспедитор) деб хисобланған шахс орқали, мол-мулкка эгалик қилишга киришган ва фактик равища эгаллаган жойни тушуниш лозим. Бу унинг банк хисоби жойи, ашёларни қўлға киритиш вақтида уларнинг жойлашган жойи, асоссиз талаб қилиш хуқуқига эга бўлган қарздорнинг асосий фаолият жойи бўлиши мумкин. Жамғарма ҳолатида — бу тегишли мол-мулкнинг жойлашган жойи. Юридик адабиётда, бойлик орттириш жойи бўлиб, биринчи марта қўлға киритилган ёки тежалған мол-мулк қарздорнинг реал активига айланған ҳудуд бўлиши лозим, яъни де-факто унинг мулкига айланади ёки мулки бўлиб колади. Кўп ҳолларда, бу бойлик орттирган шахс хуқуқий асосларда

ва фактик равища мол-мулкни бевосита учинчи шахсга топшириши мумкин бўлган ёки наслий белгиларга эга бўлган мол-мулк қарздорнинг мол-мулки билан аралашиш кетган жойдир. Шуни таъкидлаб ўтамизки, асос сифатида фойдаланишнинг фактик имкониятига қарздорнинг унга мол-мулкнинг ўтганлигини билиши киради. Шу билан бирга, бир қатор мамлакатларда асоссиз бойлик орттиришга сабаб бўлган ҳаракат жойи мезони қабул қилинган: масалан, 1965 йилдаги Польша халқаро хусусий хукуқ тўғрисидаги Конуннинг 31-моддаси, 1998 йилдаги Тунис халқаро хусусий хукуқ тўғрисидаги Кодексининг 76-моддаси, 1948 йилдаги Миср Фуқаролик кодексининг 21-моддаси, 1938 йилдаги Таиланд қонунлар тўқнашуви тўғрисидаги Конуннинг 14-банди ва бошқ. Кўп ҳолларда, аномал равища бойлик орттириш талабларни умуман қаноатлантириш тўғрисидаги эмас, балки талаблар миқдори тўғрисидаги масала билан боғлиқ. Низонинг предмети бўлиб, мулкий талабнинг ҳаққонийлиги эмас, балки қарзнинг ўлчами ҳисобланади, чунки у, бойлик орттирган шахснинг нияти, тарафларнинг вижданлилиги, мол-мулкнинг хосилдорлиги ва х.к. каби омиллардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Иккинчидан, асоссиз бойлик орттиришнинг кенг тарқалган ҳолати бўлиб, англашилмовчилик, хукукка хилоф ҳаракатларни йўл кўйиш ва х.к. оқибатида мажбуриятларни бажаришга тўсқинлик қилувчи ҳаракатлар оқибатида эквивалентлик тамойилининг бузилиши ҳисобланади. Бойлик орттиришнинг бундай чалкашликларининг таҳлилини тарафларнинг хукукий муносабатларини тартибга солувчи хукукка, агар улар вужудга келмаган, лекин назарда тутилган бўлса, тарафларнинг ўзаро хукуклари ва мажбуриятларига нисбатан ФКнинг коллизион нормаларига мувофиқ қўлланиши мумкин бўлган хукуққа бўйсундириш мақулроқdir. Бундай ҳавола ФК 58-бобининг асоссиз бойлик орттириш тўғрисидаги моддий нормаларининг вазифасига тўлиқ мос келади. Мазкур институт шартномавий муносабатларда ҳам, деликт ҳолатларида ҳам, битимларнинг ҳақиқий эмас деб топилиши ва в.х.ларда ҳам хукукий ҳимоянинг универсал воситаси бўлиб ҳисобланади. Суд томонидан талабларни қондириш учун қарздор томонида асоссиз мулкий эгаликнинг ўзи кифоядир, хусусан, агар сўз асосий сумма тўғрисида бораётган бўлса. Шу билан бирга, қонунбузарликни ҳам, сабабий боғлиқликни ҳам, айбни ҳам исботлаш керак эмас. Хукукий муносабатлар иштирокчиларининг мулкий балансини

тengлаштириш учун бойиш жойига нисбатан ҳавола ноадекват, билвосита бўлиши ва уларнинг иштирокчиларининг ҳуқуқий муносабатларига умуман хос бўлмаслиги мумкин. Масалан, у билан боғлиқ ҳолда керагидан ортиқ мулкни қўлга киритиши содир бўлган, контрагентлар томонидан назарда тутилган аниқ ҳуқуқ тизими таъсири остига тушувчи шартнома тузилганда, натижада жабрланувчи тарафга тегишли бўлишининг ҳуқуқий изохида бойиш жойи ҳеч қандай ўрин эгалламайди. Бундай ҳуқуқ келишмовчиликларнинг оқилона йўлга қўйилиши учун яроқсиз бўлиши мумкин, чунки кўп ҳолларда вужудга келган ҳуқуқий муносабат асоссиз бойишдан келиб чиқсан даъвога, ҳуқуқий химоя воситаларига нисбатан бошқасини қўллаш учун етарли бўлмаслигидан бехабар ҳолда тарафлар томонидан бошқа ҳуқуқ назарда тутилган: заарлар тўғрисида талаблар, натурада бажариш, зачёт неустойкасини тўлаш ва х.к.

## **7-§. ВОРИСЛИК ҲУҚУҚИ**

### **1197-модда. Ворисликка доир муносабатлар**

**Ворисликка доир муносабатлар, башарти ушбу Кодекснинг 1198 ва 1199-моддаларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мерос қолдирувчи васиятномада ўзи фуқароси бўлган мамлакатнинг ҳуқуқини танлаган бўлмаса, мерос қолдирувчи охирги доимий турар жойга эга бўлган мамлакатнинг ҳуқуқи бўйича белгиланади.**

Ворислик муносабатларининг ҳуқуқий тартибга солиниши ворислик қонуни билан белгиланади. Халқаро хусусий ҳуқуқ доктринасида ворислик қонуни деганда, чет эл элементи билан мураккаблашган ворислик муносабатларининг мажмуасига ёки уларнинг асосий қисмига нисбатан қўлланувчи ҳуқуқ (мамлакат қонуни) тушунилади. Ворислик қонунига, умуман мол-мулкка ворислик қилишга алоқадор умумий масала ва қоидалар билан бир қаторда мол-мулкнинг маҳсус масала ва қоидалар ҳам бўйсунади (қўчмас мулк, банк қўйилмалари, қимматбаҳо қофозлар, мутлак ҳуқуқлар, талаб қилиш ҳуқуклари ва х.к.). Шарҳланаётган модда 1-қисмига кўра, ворислик қонунини белгилаш учун дастлабки коллизион тамойил бўлиб, мерос қолдирувчининг охирги доимий турар жойга

эга бўлган мамлакатининг хукуки ҳисобланади. Мазкур қоида МДҲ аъзо-давлатларининг фуқаролик кодексларида ворислик муносабатларини коллизион тартибга солиниш мазмуни билан деярли мос келади: Фуқаронинг яшаш жойи (домицилий) тушунчаси турли хукуқ тизимларида қўлланади. Яшаш жойи юридик категориясини баҳолаш миллий қонунчилик асосида амалга оширилади, чунки хукуқий тизимларнинг фарқланиши туфайли яшаш жой тушунчасини шарҳлашнинг ягона мезонини белгилашнинг иложи йўқдир. «Фуқаронинг яшаш жойи» тушунчасига тавсиф ФКнинг 21-моддасида берилган бўлиб, у фуқаронинг яшаш жойи сифатида унинг доимий ёки асосан яшаб турган жойини, ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаганларнинг (кичик ёщдаги болаларнинг) ёки васийликда бўлган фуқароларнинг яшаш жойи сифатида уларнинг қонуний вакиллари — ота-оналари, фарзандликка олувчилари ёки васийлари яшайдиган жойини белгилайдилар.

Доимий ёки асосан яшаб туриш жойи фуқаро хар доим аниқ бир жойда мавжуд бўлишини, хеч бўлмаса у ёки бу давр мобайнида унинг ушбу жойда бўлмаганлигини назарда тутади (фуқаронинг яшаш жойи тушунчасининг тахлили тўғрисида ФКнинг 21-моддасига шарҳларда батафсилроқ қаранг).

Яшаш жойи тушунчасининг қонуний мустахкамланиши жуда муҳимдир, чунки тушунча изоҳининг умумий мезони берилади, бу эса хукукни қўллаш фаолиятида ушбу тушунчанинг турлича изоҳланишини олдини олишга кўмак беради. Мерос қолдирувчининг охирги яшаш жойи билан кўчмас мулк ва Ўзбекистон Республикаси давлат реестрига киритилган мол-мулкка нисбатан ворисликдан ташқари ворислик қонуни белгиланади. Агар фуқаро Ўзбекистон Республикаси худудида охирги доимий яшаш жойига эга бўлган бўлса, ворислик қонуни Ўзбекистон Республикаси хукуки бўйича белгиланади, шу қаторда тушунчанинг ўзига ҳам Ўзбекистон Республикаси хукуки бўйича баҳо берилади (ФКнинг 1159-моддаси ва унга берилган шарҳга қаранг). Агарда фуқаро Ўзбекистон Республикаси худудидан ташқарида, масалан, Японияда доимий яшаш жойига эга бўлган бўлса, Ўзбекистон Республикаси хукуки бўйича, мерос қолдирувчи шахс ўлими пайтида Ўзбекистонда яшаш жойига эга бўлган ёки эга бўлмаганлиги масаласи хал қилинади, шу қаторда «доимий яшаш жойи» тушунчасига баҳо бериш ва ворислик қонунини белгилаш

Япония қонунчилиги асосида хал қилинади. Шарҳланаётган моддани қонунчилик новеллалари қаторига киритиб бўлмайди, аммо янги бўлган, нихоятда муҳим ҳолатга эътибор қаратиш жоиз. Масалан, шарҳланаётган модданинг нормаси ФК 1117-моддаси ва 1168-моддасининг 1-қисми билан алоқадордир. Мерос қолдирувчининг охирги яшаш жойи бўйича мероснинг очилиш жойи белгиланади. Агар мерос қолдирувчининг охирги яшаш жойи ноаниқ ёки Ўзбекистон Республикасидан ташқарида бўлса, бундай ҳолатлар учун қонунчиқарувчи томонидан мероснинг очилиш жойини белгилаш мезонлари шакллантирилган. Чет эллик фуқаронинг яшаш жойи унинг «шахсий қонунини» аниқлаш мезони бўлиб ҳисобланади: агар чет эллик фуқаро Ўзбекистон Республикаси худудида яшаш жойига эга бўлса, унинг шахсий қонуни бўлиб Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳисобланади (ФКнинг 1168-моддасининг 1-қисми ва унга шарҳларни қаранг). 1992 йил 2 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳисобланади»даги 408-сонли Қарори, агар ворислик қонуни Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқи билан белгиланса, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг кириш, чиқиш, яшаб туриш ва транзит ўтиш тартиби тўғрисида»ги 408-сонли Қарори, агар ворислик қонуни Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқи билан белгиланса, чет эл фуқароларига нисбатан «яшаш жойи» тушунчасига ҳуқуқий баҳо беришнинг кўшимча мезонларини беради.

Чет мамлакатлар коллизион ҳуқуқида ворислик қонунини белгилашнинг иккита асосий ёндашуви мавжуд. Континентал Европа аксарият мамлакатларининг ҳуқуқи (Германия, Испания, Венгрия, Греция, Италия, Польша, Португалия ва бошқ.) ворисликнинг барча масалаларини хал қилишни мерос қолдирувчининг фуқаролиги мансуб бўлган мамлакат қонунига бўйсундирган ҳолда, «фуқаролик қонуни» (*lex nationalis*, *lex patria*) тамойилидан келиб чиқади. Бундан ташқари, ушбу мамлакатларда дастлабки тамойил бўлиб, умумий ворислик қонуни тамойили ва умумий ворислик бирлиги тамойили ҳисобланади. Масалан, фуқаролик тамойили немис ҳалқаро мерос ҳуқуқида амалда; ворислик қонуни мерос қолдирувчининг вафоти пайтидаги «фуқаролик қонуни» бўйича белгиланади (Германия Гражданлик Тузукларига Кириш қонуни 25-моддасининг 1-абз.). Ушбу тамойил бутунлай мерос учун умумий ворислик мулки бўйича кўчар мулк каби, кўчмас мулк учун ҳам қўлланади. Испания

Фуқаролик кодексига Кириш титули (31.05.74 №1836 Декрет) куйидаги нормани белгилайды: «ворислик мол-мулкнинг табиати ва у жойлашган мамлакат қайси бўлишидан қатъий назар, мерос қолдирувчининг вафоти пайтида белгиланадиган, фуқаролик қонуни билан тартибга солинади». 1898 йилдаги № 10 «Қонунларни қўллаш тўғрисида»ги Япон Қонуни (26-модда) ворисликнинг тартибга солинишини мерос қолдирувчининг фуқаролиги мансуб бўлган мамлакат хукуқига бўйсундиди.

Умумий хукуқ мамлакатларида (Буюк Британия, АҚШ, Австралия ва х.к.) ворисликнинг коллизион-хукукий бўлиниши тамойили амалда. Ворислик қонунининг бўлиниши мезони мол-мулкнинг тури — кўчар ёки кўчмаслиги ҳисобланади. Кўчмас мулкка ворисликка нисбатан коллизион боғловчи бўлиб ашёнинг жойлашган жойи (*lex rei sitae*), кўчар ворислик мулкига нисбатан эса, мерос қолдирувчининг яшаш жойи (*domicilii*) қонуни ҳисобланади. Масалан, 1992 йилдаги Австралия «Хукукни танлаш тўғрисида»ги Қонун лойиҳасининг 12-моддаси, 1825 йилдаги Луизиана штати (АҚШ) Фуқаролик кодексининг IV Титули (1991 йилдаги таҳрирда).

### **1198-модда. Шахсларнинг васиятнома тузиш ва уни бекор қилиш лаёқати, васиятноманинг ва уни бекор қилиш хужжатининг шакли**

**Шахснинг васиятнома тузиш ва уни бекор қилиш лаёқати, шунингдек васиятноманинг ва уни бекор қилиш хужжатининг шакли, агар мерос қолдирувчи васиятномада ўзи фуқароси бўлган мамлакатнинг хукуқини танлаган бўлмаса, хужжат тузилаётган пайтда мерос қолдирувчи доимий турар жойга эга бўлган мамлакатнинг хукуқи бўйича аниқланади. Бироқ васиятнома ёки унинг бекор қилиниши, агар шакл хужжат тузилган жойнинг ёки Ўзбекистон Республикасининг хукуқи талабларини қаноатлантирса, шаклга риоя этилмаганлиги натижасида ҳақиқий эмас деб топилмайди.**

Қонунчиликдаги ўзгартиришлар васиятнома кўрсатмаларига алоқадор масалаларга ҳам тааллуқлидир. Биринчи маротаба ФК даражасида бундай тартибни кўчар мулк билан бир каторда, кўчмас мулкка ҳам тарғиб қилувчи норма мустаҳкамланган. Васиятнома — мерос очилганидан сўнг хукуқ ва мажбуриятларни келтириб чиқарувчи биртомонлама битимдир

(ФК 1120-модда), шу туфайли битимнинг ҳақиқийлиги, битимни ҳақиқий эмас деб топиш, битимнинг шакли шартлари мухим бўлиб хисобланади. Шарҳланаётган модда, васият фармойишларига, уларнинг шаклларига, ҳамда уларни ҳақиқий деб топиш шартларига алоқадор қоидаларни назарда тутади.

Шахснинг кўчар мулк билан бир қаторда, кўчмас мулкка нисбатан ҳам васиятнома тузишга лаёқатлилиги мерос қолдирувчи васиятнома тузиш вақтида яшаш жойига эга бўлган мамлакат ҳуқуқи билан белгиланади. Бир неча боғловчилардан иборат бўлган бундай кумулятив коллизион норманинг мустаҳкамланиши, ворислик бўйича муносабатларни ҳуқуқий тартибга солинишининг ниҳоятда эгилувчан тизимини вужудга келтиради.

Шу вактнинг ўзида ФК 1181-моддасининг 1-кисмида белгиланган, битим шакли тўғрисидаги умумий қоидаларга мувофиқ, васиятнома ёки уни бекор қилиш акти, агар унинг шакли *lex loci actus* — васиятнома ёки уни бекор қилиш актини тузиш жойи ҳуқуқи ёки *lex fori* — Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқи талабларига жавоб берса, ундаги камчиликлар оқибатида ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин эмас.

Ворислик муносабаталарини ҳалқаро шатномалар билан бирхиллашибтириш (моддий-ҳуқуқий каби, коллизион ҳам) ниҳоятда чегаралангандир. Бу соҳада бир неча универсал ҳалқаро шатномалар мавжуд, хусусан Гаага конвенциялари: 1961 йилда васият фармойишларининг шаклига алоқадор қонунлар коллизияси тўғрисида; 1989 йилда кўчмас мулкка нисбатан ворисликка нисбатан қўлланувчи ҳуқуқ тўғрисидаги; 1985 й. ишончли мулк асосида тасарруф этиладиган мол-мулкка нисбатан қўлланувчи ҳуқуқ ва уни тан олиш тўғрисида; 1973 йилда вафот этган шахсларнинг мол-мулкларининг ҳалқаро бошқаруви бўйича Конвенция ва ҳалқаро васиятнома шакли тўғрисидаги бирхиллашибтирилган қонун тўғрисидаги Вашингтон конвенцияси. Ўзбекистон Республикаси кўрсатилган конвенцияларда иштирок этмайди. Ворислик муносабатлари доирасидаги нормаларни бирхиллашибтириш, ворислик ҳуқуқи коллизион нормалари мавжуд бўлган 1928 йилдаги Гавана конвенцияси билан ҳам амалга оширилади (Бустаманте кодекси). Ворислик масалаларини ҳудудий миқёсдаги регламентацияси, МДҲ иштирокчи-давлатлари ўртасида 1993 йилдаги Минск конвенциясида амалга оширилган. Ворислик бўйича муносабатлар Ўзбекистон Республикаси иштирокчи бўлган фуқаролик, оиласиий

ва жиной ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги икки томонлама шартномаларда батафсил тартибга солинган. Ворислик муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг бир қатор давлатлар (Озарбайжон, Грузия, Греция, Латвия, Покистон, Польша, Россия, Туркманистон, Украина ва бошқ.) билан тузган қатор конвенцияларида ҳам тартибга солинган.

Шартномаларда васиятнома тузиш лаёқати, васиятнома шакли (vasiyatnomani bekor қилиш) альтернатив тарзда хал қилинади: ё мерос қолдирувчининг фуқаролиги мансуб бўлган мамлакат қонунчилиги билан, ёхуд васиятнома тузиш (bekor қилиш) жойи қонунчилиги билан. Ушбу масалани 1993 йилги Минск конвенцияси (47-модда) бошқачароқ хал қиласди: шахснинг васиятнома тузиш (bekor қилиш) лаёқати, васиятнома ва уни бекор қилиш шакли, акт тузилиш пайтида мерос қолдирувчи яшаш жойига эга бўлган мамлакат ҳуқуқи бўйича белгиланади. Шартномалар билан ворислик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиши тартиби регламент қилинган. Кўчар мулкка нисбатан ворислик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга мерос қолдирувчи вафот этиши пайтида яшаш жойига эга бўлган мамлакатнинг органлари ваколатли бўлади. Кўчмас мулкка нисбатан ворислик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ушбу мол-мулк жойлашган мамлакатнинг органлари ваколатли бўлади. Шартномалар ворислик мулкини ҳимоя қилиш бўйича чораларни назарда тутадилар.

### **1199-модда. Кўчмас мулкка ва давлат реестрида қайд этилиши лозим бўлган мол-мулкка ворислик**

**Кўчмас мулкка ворислик мазкур мулк жойлашган мамлакат ҳуқуқи бўйича, Ўзбекистон Республикасининг реестрида қайд этилган мол-мулкка ворислик эса, Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқи бўйича белгиланади.**

Ворислик муносабатларининг коллизион тартибга солиниши бир қатор янги ҳолатларга эга, хусусан: мерос қолдирувчининг охирги яшаш жойи ҳуқуқига кўра, ворислик қонунини белгилаш умумий қоидасидан истиснолар назарда тутилади. Биринчидан, шарҳланаётган моддада назарда тутилган кўчмас мулкка нисбатан ворислик тўғрисидаги қоидада кўчмас

мулкка нисбатан ворисликни унинг турган жойи қонунига (*lex rei sitae*) бўйсундиришнинг иккитомонлама тамоили акс эттирилган. Ушбу норма муҳим қонунчилик новелласи бўлиб ҳисобланади. Иккитомонлама коллизион нормани мустаҳкамлашнинг хуқуқий оқибати бўлиб, кўчмас мулк жойлашган мамлакат хукуки бўйича ворислик қонунини белгилаш ҳисобланади.

Иккинчидан, мазкур шарҳланаётган модда Ўзбекистон Республикасида давлат реестрига киритилган кўчмас мулкка нисбатан ворисликни Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига бўйсундирувчи биртомонлама коллизион нормани мустаҳкамлайди. Кўчмас мулкка кўйидагилар киради: ер участкалари, ер ости бойликлари, бинолар, иншоотлар, кўп йиллик дов-дараҳтлар ва ер билан мустаҳкам боғлик бўлган бошқа мол-мулк, яъни уларнинг вазифасига номутаносиб равишда зарар етказмасдан кўчириш мумкин бўлмаган объектлар. Кўчмас мулкка қонун билан бошқа мол-мулк ҳам киритилиши мумкин. Кўчмас мулкка нисбатан хуқуқларни қўлга киритиш ва тугатиш қонунчилик актлари билан белгиланади. Юридик адабиётларда белгиланганидек, ушбу норманинг маҳсус биртомонлама коллизион норма сифатидаги таърифига қўшилиш лозим.

Ворислик қонунининг амал қилиш доирасини белгилашда ворислик бўйича муносабатлар масалаларини, ворислик хукукининг дастлабки шартлари бўлган масалалардан фарқлаш лозим. Ворислик институти, мазмуний жихатдан мулк хукуки институтидан ҳосила бўлиб ҳисобланади; ворислик предмети фақатгина фуқаронинг мулки предмети бўлиши мумкин бўлган нарсагина бўлиши мумкин (мазкур шахсга тегишли бўлган ашёвий хуқуқлар, мулкий хуқуқлар ва талаб қилиш хукуки ва ҳ.). Мулкни кўчар ва кўчмасга бўлиниши, ҳамда ушбу тушунчаларга баҳо бериш миллий қонунчилик билан амалга оширилади (ФКнинг 83–85-моддаларига ва уларга шарҳларга қаранг).

ФКда, ашёвий хуқуқларга нисбатан қўлланувчи хукукни белгиловчи коллизион нормаларнинг илк маротаба мустаҳкамланганлиги жуда муҳимдир (1184–1187-м. ва уларга шарҳларга қаранг). Кўрсатилганлар ворислик муносабатларини хукукий тартибга солинишига бевосита боғлиқдир, чунки айнан мулкнинг кўчар ва кўчмасга бўлиниши ворислик қонунини бўлинишининг мезони бўлиб ҳисобланади. Кўчмас мулкнинг ворислик қонуни ушбу кўчмас мулк жойлашган мамлакат қонуни билан белгиланади. Кўчар мулкнинг

ворислик қонуни мерос қолдирувчи охирги яшаш жойига эга бўлган мамлакат қонуни бўйича белгиланади. Кўчмас мулкнинг ашёвий-хукуқий режими мулкнинг жойлашган жойи хукуқи бўйича белгиланади; ушбу хукуқ билан мулк хукуқининг мазмуни ҳам, мулкдорнинг қонуний хукуқлари мазмуни ҳам, мулкдорнинг қонуний хукуқларининг эҳтимолий чекловлари ҳам белгиланади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 22-моддасига кўра, уй-жойга, чорбоғга бўлган мулк хукуқи (сотиб олиш, ҳадя ёки мерос бўйича олиш ва бошқа ҳолларда) жисмоний шахсга ўтган тақдирда, ана шу иморатларга мулк хукуқи билан биргаликда мазкур иморатлар жойлашган барча ер участкасига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш хукуқлари ҳам ўтади. Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 18-моддаси чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ер участкаларига бўлган мулк хукуқини қўлга киритиш хукуқларини белгилайди — «чет эллик жисмоний шахслар, шунингдек республикада доимий истиқомат қилувчи ва яшаш учун гувоҳномаси бўлган шахсларнинг ер участкаларига бўлган мулк хукуқи уларга уй-жой бинолари шу бинолар жойлашган ер участкалари билан бирга қонун хужжатларида белгиланган тартибда реализация қилинганда вужудга келади». Тегишинча, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар кўрсатилган тартибда қўлга киритилган ер участкаларини мерос қилиб олишлари мумкин. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси хукуқида мулкдорнинг қонуний хукуқларига чекловлар ўрнатилганлиги туфайли, ворислик хукуқларининг ҳам қонунчилик чекловлари мавжуд. Масалан, ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачилари ва мулкдорларининг хукуқлари давлат манфаатларини, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, муҳандислик коммуникациялари куриш ва улардан фойдаланиш манфаатларини, бошқа ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачилари ва мулкдорларининг манфаатларини, шунингдек фуқаролар хавфсизлигини кўзлаб факат қонунда назарда тутилган ҳолларда чекланиши мумкин (Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 42-м.).

Шу тариқа, кўчмас мулкка нисбатан ворислик масалалари маҳсус коллизион норма — *lex rei sitae* ёрдамида, агар бундай мулк Ўзбекистон Республикасининг давлат реестрига киритилган бўлса, — Ўзбекистон Республикасининг хукуқи билан ҳал этилади.

Хукуқий ёрдам тўғрисидаги шартномалар ўзининг мазмунига кўра фарқлидир: айримлари ворислик масалалари бўйича қонунни танлаш

тўғрисидаги нормаларнинг етарли даражада ишлаб чиқилган тизимиға эга бўладилар, айрим шартномаларда ворислик бўйича нормалар мавжуд эмас ёки кам. Ворислик муносабатларининг ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги иккитомонлама шартномалардаги ва 1993 й. Минск конвенциясидаги регламентацияси бир қатор умумий мухим қоидаларга эга. Ушбу шартномаларда миллий режим тамойили ўрнатилган.

Шартномалар кўчар ва кўчмас мулкнинг фарқланиши тамойилидан келиб чиқадилар. Кўчар ва кўчмас мулкнинг бўлиниши ва юридик баҳо берилиши шартномаларда мулк жойлашган мамлакат қонунчилигига кўра хал этилади, шу тариқа, ворислик қонунининг бўлиниши тамойили ўрнатилади. Мавжуд ворислик қонуни бўлиниши шартномаларда кўчар ва кўчмас мулк учун ворисликнинг турли режимининг белгиланиши билан боғлиқ.

Кўчмас мулкка ворислик тартиби шартномалар билан етарлича аниқ белгиланган: кўчмас мулк жойлашган мамлакат қонунчилиги қўлланади. Кўчар мулкка нисбатан ворислик тартиби — мерос қолдирувчи охирги доимий яшаш жойига эга бўлган мамлакат қонунчилиги билан тартибга солинади ( масалан, 18 январь 2002 й. Ўзбекистон Республикаси ва Чехия Республикаси ўртасидаги Шартнома, 19 февраль 1998 й. Ўзбекистон Республикаси ва Украина ўртасидаги Шартнома ва б.). Шартномаларда эгасиз қолган мулкка нисбатан вужудга келувчи масалаларни хал қилувчи коллизион нормалар мавжуд. Эгасиз қолган кўчар мулкка нисбатан ворислик, мерос қолдирувчи ўлими пайтида фуқаролиги мансуб бўлган мамлакат қонунига кўра амалга оширилади. Эгасиз қолган кўчмас мулк, у жойлашган мамлакатга ўтади.

## **МУНДАРИЖА**

<b>50-БОБ. КОМПЛЕКС ТАДБИРКОРЛИК ЛИЦЕНЗИЯСИ (ФРАНШИЗИНГ) .....</b>	<b>7</b>
862-модда. Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси .....	7
863-модда. Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасининг шакли ва уни рўйхатга олишга қўйиладиган талаблар .....	12
864-модда. Комплекс тадбиркорлик бўйича қўшимча лицензия .....	15
865-модда. Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси бўйича ҳақ тўлаш шакли .....	16
866-модда. Лицензиарнинг мажбуриятлари .....	17
867-модда. Лицензиатнинг мажбуриятлари .....	20
868-модда. Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасининг чеклайдиган шартлари .....	22
869-модда. Лицензиарнинг лицензиатга қўйиладиган талаблар бўйича жавобгарлиги .....	25
870-модда. Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасини ўзгартириш .....	26
871-модда. Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасини бекор килиш .....	27
872-модда. Тарафлар ўзгарганида комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасининг ўз кучида қолиши .....	28
873-модда. Фирма номи ўзгарганида комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасининг ўз кучида қолиши .....	29
874-модда. Лицензия комплексига кирадиган алоҳида хукукнинг бекор бўлиш оқибатлари .....	30

<b>51-БОБ. ОМОНАТ САҚЛАШ.....</b>	<b>32</b>
<b>1-§. ОМОНАТ САҚЛАШ ҲАҚИДА УМУМИЙ ҚОИДАЛАР .....</b>	<b>32</b>
875-модда. Омонат сақлаш шартномаси.....	32
876-модда. Ашёни сақлашга қабул қилиш мажбуриятини бажариш.....	35
877-модда. Омонат сақлаш шартномасининг шакли.....	37
878-модда. Омонат сақлаш муддати .....	39
879-модда. Ашёларни эгасизлантириб сақлаш .....	41
880-модда. Омонат сақловчининг ашё тўлиқ сакланишини таъминлаш мажбуриятлари .....	43
881-модда. Омонат сақлашга топширилган ашёдан фойдаланиш.....	44
882-модда. Омонат сақлаш шартларини ўзгартириш .....	45
883-модда. Хавфли хоссаларга эга бўлган ашёларни сақлаш .....	47
884-модда. Ашёни сақлаш учун учинчи шахсга топшириш.....	50
885-модда. Омонат сақлаганлик учун тўланадиган ҳақ .....	51
886-модда. Омонат сақлаш юзасидан қилинган харажатларни қоплаш.....	52
887-модда. Омонат сақлаш учун қилинган алоҳида харажатлар .....	53
888-модда. Ашёнинг юк топширувчи томонидан кайтариб олиниши .....	55
889-модда. Ашё йўқолганлиги, кам чиққанлиги ёки шикастланганлиги учун омонат сақловчининг жавобгарлиги .....	56
890-модда. Омонат сақловчининг жавобгарлик даражаси .....	58
891-модда. Омонат сақловчига етказилган заарни қоплаш .....	60
892-модда. Юк топширувчининг талаби билан омонат сақлаш мажбуриятининг бекор бўлиши.....	61
893-модда. Омонат сақлаш ҳақидаги умумий қоидаларни унинг алоҳида турларига татбиқ этиш .....	62
<b>2-§. ОМОНАТ САҚЛАШНИНГ АЛОҲИДА ТУРЛАРИ .....</b>	<b>63</b>
894-модда. Ломбардда омонат сақлаш .....	63
895-модда. Ломбарддан талаб қилиб олинмаган ашёлар .....	65
896-модда. Бойликларни банкда сақлаш .....	66
897-модда. Ашёларни транспорт ташкилотларининг юхоналарида сақлаш .....	69

898-модда. Ашёни ташкилотларнинг кийимхоналарида саклаш . . . . .	71
899-модда. Ашёни меҳмонхонада саклаш . . . . .	73
900-модда. Низоли ашёларни саклаш (секвестр) . . . . .	75
<b>3-§. ТОВАР ОМБОРИДА ОМОНАТ САҚЛАШ . . . . .</b>	<b>77</b>
901-модда. Товар омбори . . . . .	77
902-модда. Умумий фойдаланишдаги товар омбори . . . . .	78
903-модда. Омборда омонат саклаш шартномаси . . . . .	79
904-модда. Ашёларни тасаруф қилиш хуқуқи билан саклаш . . . . .	81
905-модда. Товар омборининг мажбуриятлари . . . . .	82
906-модда. Товар эгасига қайтарилаётган вақтда унинг миқдори ва ҳолатини текшириш . . . . .	85
907-модда. Товар омборининг омборда саклаш шартномасидан бош тортиши . . . . .	86
908-модда. Омбор хужжатлари . . . . .	87
909-модда. Икки қисмли омбор гувоҳномаси . . . . .	88
910-модда. Товарга омбор ва гаров гувоҳномасини сақловчининг хуқуқлари . . . . .	91
911-модда. Омбор ва гаров гувоҳномасини бошқа шахсга бериш . . . . .	92
912-модда. Оддий омбор гувоҳномаси . . . . .	92
913-модда. Товарни икки қисмли омборхона гувоҳномаси бўйича бериш . . . . .	93
<b>52-БОБ. СУҒУРТА . . . . .</b>	<b>95</b>
914-модда. Ихтиёрий ва мажбурий сұғурта . . . . .	95
915-модда. Мулкий суғурта шартномаси . . . . .	98
916-модда. Суғурталашга йўл кўйилмайдиган манфаатлар . . . . .	102
917-модда. Мол-мulkни суғурта қилиш . . . . .	104
918-модда. Зарар етказганлик учун жавобгарликни суғурта қилиш . . . . .	108
919-модда. Шартнома бўйича жавобгарликни суғурта қилиш . . . . .	110
920-модда. Тадбиркорлик хавфини суғурта қилиш . . . . .	111
921-модда. Шахсий суғурта шартномаси . . . . .	113
922-модда. Мажбурий суғурта . . . . .	115
923-модда. Мажбурий суғуртани амалга ошириш . . . . .	118

924-модда. Мажбурий сұғурта тұғрисидаги қоидаларни бузиш оқибатлари . . . . .	119
925-модда. Сұғурталовчи . . . . .	121
926-модда. Сұғурта шартномасидан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг сұғурта қилдирувчи ва наф олувчи томонидан бажарилиши . . . . .	123
927-модда. Сұғурта шартномасининг шакли . . . . .	126
928-модда. Бөш полис бүйіча сұгурталаш . . . . .	129
929-модда. Сұғурта шартномасининг мұхим шартлари . . . . .	131
930-модда. Сұғурта шартномаси шартларини сұғурта қоидаларидан белгилаб қўйиш . . . . .	136
931-модда. Сұғурта шартномаси тузилаётганда сұғурта қилдирувчи тақдим этадиган маълумотлар . . . . .	140
932-модда. Сұгурталовчининг сұғурта хавфини баҳолаш хуқуқи . . . . .	144
933-модда. Сұғурта сири . . . . .	146
934-модда. Сұғурта пули . . . . .	147
935-модда. Мол-мулкнинг сұғурта қиймати . . . . .	150
936-модда. Тўлик бўлмаган мулкий сұғурта . . . . .	151
937-модда. Кўшимча мулкий сұғурта . . . . .	152
938-модда. Сұғурта қийматидан ортиқ миқдорда сұғурта қилиш оқибатлари . . . . .	153
939-модда. Кўшалоқ сұғурта . . . . .	156
940-модда. Турли хилдаги сұғурта хавфларидан мулкий сұғурта . . . . .	158
941-модда. Биргаликда сұғурта қилиш . . . . .	159
942-модда. Сұғурта мукофоти ва сұғурта бадаллари . . . . .	161
943-модда. Сұғурта шартномасининг ҳақиқий эмаслиги . . . . .	163
944-модда. Сұгурталанган шахсни алмаштириш . . . . .	166
945-модда. Наф олувчини алмаштириш . . . . .	167
946-модда. Сұғурта қилдирувчини алмаштириш . . . . .	168
947-модда. Сұғурта шартномаси амал қилишининг бошланиши . . . . .	171
948-модда. Сұғурта шартномасининг муддатидан илгари бекор бўлиши . . . . .	173
949-модда. Сұғурта шартномасининг амал қилиш даврида сұғурта хавфининг ортиши оқибатлари . . . . .	175
950-модда. Сұгурталанган мол-мулкка бўлган хукукларнинг бошқа шахсга ўтиши . . . . .	178

951-модда. Суғурта ҳодисаси юз бергани тўғрисида сұғурталовчини хабардор килиш . . . . .	179
952-модда. Суғурта ҳодисасидан кўриладиган зарарни камайтириш . . . . .	182
953-модда. Суғурта килдирувчи, наф олувчи ёки сұғурталанган шахснинг айби билан суғурта ҳодисаси юз беришининг оқибатлари . . . . .	184
954-модда. Суғурталовчини сұғурта товонини ва суғурта пулини тўлашдан озод қилиш асослари . . . . .	185
955-модда. Суғурта товони ёки сұғурта пулини тўлашни рад этиш . . . . .	187
956-модда. Шахсий суғурта шартномаси бўйича сұғурта пулини тўлаш . . . . .	189
957-модда. Суғурта килдирувчининг зарар копланишига бўлган хукуқларининг сұғурталовчига ўтиши (суброгация) . . . . .	190
958-модда. Суғурталанган мол-мулкка бўлган хукуқларининг сұғурталовчига ўтказилиши . . . . .	193
959-модда. Қайта сұғурта килиш . . . . .	194
960-модда. Икки томонлама сұғурта . . . . .	196
961-модда. Мажбурий давлат сұғуртаси . . . . .	199
<b>53-БОБ. ОДДИЙ ШИРКАТ . . . . .</b>	<b>201</b>
962-модда. Оддий ширкат шартномаси . . . . .	201
963-модда. Шерикларнинг кўшадиган ҳиссалари . . . . .	203
964-модда. Шерикларнинг умумий мол-мулки . . . . .	205
965-модда. Шерикларнинг умумий ишларини юритиш . . . . .	208
966-модда. Шерикнинг ахборот олишга бўлган хукуки . . . . .	212
967-модда. Шерикларнинг умумий харажатлари, заарлари ва жавобгарлиги . . . . .	213
968-модда. Фойдани тақсимлаш . . . . .	215
969-модда. Шерикнинг улушкини унинг кредитори талаби билан ажратиш . . . . .	216
970-модда. Оддий ширкат шартномаси бекор бўлишининг асослари . . . . .	217
971-модда. Оддий ширкат шартномаси бекор бўлишининг оқибатлари . . . . .	218
972-модда. Оддий ширкатнинг муддатсиз шартномасидан воз кечиш . . . . .	220

973-модда. Тарафнинг талаби билан оддий ширкат шартномасини бекор қилиш . . . . .	220
974-модда. Шартномада иштирок этишдан воз кечган ёки уни бекор қилишни талаб этган шерикнинг жавобгарлиги . . . . .	222
975-модда. Яширин ширкат . . . . .	222
<b>54-БОБ. ОММАВИЙ ТАНЛОВ . . . . .</b>	<b>225</b>
976-модда. Оммавий танловни ташкил этиш . . . . .	225
977-модда. Оммавий танлов шартларини ўзгартирис ва уни бекор қилиш . . . . .	230
978-модда. Мукофотни тўлаш тўғрисидаги қарор . . . . .	233
979-модда. Оммавий танловда ғолиб чиқсан фан, адабиёт ва санъат асарларидан фойдаланиш . . . . .	235
980-модда. Тақдим этилган ишларни оммавий танлов иштирокчиларига қайтариш. . . . .	237
<b>55-БОБ. МУКОФОТНИ ОШКОРА ВАЪДА ҚИЛИШ . . . . .</b>	<b>238</b>
981-модда. Мукофотни тўлаш мажбурияти . . . . .	238
982-модда. Мукофот ҳақидаги ошкора ваъдани бекор қилиш . . . . .	240
<b>56-БОБ. ҚИМОР ВА ГАРОВ ЎЙИНЛАР ЎТКАЗИШ . . . . .</b>	<b>243</b>
983-модда. Қимор ва гаров ўйинлар уюштириш ҳамда уларда иштирок этиш билан боғлиқ талаблар . . . . .	243
984-модда. Давлат томонидан лотереялар ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари. . . . .	245
<b>57-БОБ. ЗАРАР ЕТКАЗИШДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН МАЖБУРИЯТЛАР . . . . .</b>	<b>253</b>
<b>1-§. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР . . . . .</b>	<b>253</b>
985-модда. Зарар етказганлик учун жавобгарликнинг умумий асослари . . . . .	253
986-модда. Зарар етказишнинг олдини олиш . . . . .	257

987-модда. Зарурий мудофаа ҳолатида заарар етказганлик . . . . .	259
988-модда. Охирги зарурат ҳолатида заарар етказганлик . . . . .	261
989-модда. Юридик шахснинг ёки фуқаронинг ўз ходими томонидан етказилган заарар учун жавобгарлиги . . . . .	262
990-модда. Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошкариш органлари, шунингдек уларнинг мансабдор шахслари томонидан етказилган заарар учун жавобгарлик (ЎзР 15.12.2000 й. 175-II-сон Қонуни таҳриридаги модда) . . . . .	265
991-модда. Суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг қонунга хилоф ҳаракатлари туфайли етказилган заарар учун жавобгарлик . . . . .	268
992-модда. Заарнинг ўз жавобгарлигини сұғурталаган шахс томонидан түланиши . . . . .	274
993-модда. Ўн тўрт ёшгача бўлган вояга етмаганлар томонидан етказилган заарар учун жавобгарлик. . . . .	275
994-модда. Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар томонидан етказилган заарар учун жавобгарлик. . . . .	279
995-модда. Ота-оналиқ ҳукуқларидан маҳрум этилган ота-онанинг вояга етмаганлар томонидан етказилган заарар учун жавобгарлиги. . . . .	281
996-модда. Муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаро томонидан етказилган заарар учун жавобгарлик. . . . .	283
997-модда. Муомала лаёқати чекланган фуқаро томонидан етказилган заарар учун жавобгарлик. . . . .	285
998-модда. Ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган фуқаро томонидан етказилган заарар учун жавобгарлик . . . . .	286
999-модда. Теварак-атрофдагиларга ошиқча хавф түғдирадиган фаолият туфайли етказилган заарар учун жавобгарлик . . . . .	288
1000-модда. Биргаликда етказилган заарар учун жавобгарлик . . . . .	294
1001-модда. Заарар етказган шахсга нисбатан регресс ҳукуқи . . . . .	295
1002-модда. Уй ҳайвонлари томонидан етказилган заарар учун жавобгарлик. . . . .	298
1003-модда. Заарнинг ўрнини қоплаш усууллари . . . . .	299
1004-модда. Жабрланувчининг айбини ва заарар етказган шахснинг мулкий ҳолатини ҳисобга олиш. . . . .	300
<b>2-§. ФУҚАРОНИНГ ҲАЁТИ ВА СОҒЛИФИГА ЕТКАЗИЛГАН ЗААРНИНГ ЎРНИНИ ҚОПЛАШ . . . . .</b>	<b>303</b>

1005-модда. Шартномаларга оид ёки бошқа мажбуриятларни бажаришда фукаронинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш . . . . .	303
1006-модда. Соғликқа шикаст етказилганлиги туфайли кўрилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳажми ва хусусияти. . . . .	304
1007-модда. Соғликқа шикаст етказилиши натижасида йўқотилган иш ҳақини (даромадни) аниқлаш . . . . .	308
1008-модда. Вояга етмаган шахснинг соғлиғига шикаст етказилганда зарарнинг ўрнини қоплаш . . . . .	313
1009-модда. Боқувчиси вафот этганлиги натижасида зиён кўрган шахсларга зарарни тўлаш . . . . .	316
1010-модда. Боқувчиси вафот этган тақдирда кўрилган зарарнинг ўрнини қоплаш миқдори . . . . .	320
1011-модда. Зарар етказган шахснинг меросхўрлари томонидан зарарнинг қопланиши . . . . .	322
1012-модда. Зарарни қоплаш миқдорининг ўзгариши . . . . .	323
1013-модда. Турмуш қийматининг ошиб бориши ва қонун хужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг оширилиши муносабати билан зарарни қоплашнинг кўпайиши. . . . .	326
1014-модда. Зарарнинг ўрнини қоплаш тўловлари . . . . .	327
1015-модда. Юридик шахс бекор қилинган тақдирда зарарнинг қопланиши . . . . .	330
1016-модда. Дафн этиш харажатларининг қопланиши . . . . .	334
<b>3-§. ТОВАРЛАР, ИШЛАР, ХИЗМАТЛАРДАГИ НУҚСОНЛАР ОҚИБАТИДА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИНГ ЎРНИНИ ҚОПЛАШ . . . . .</b>	<b>335</b>
1017-модда. Товарнинг, ишнинг, хизматнинг нуқсонлари оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш асослари . . . . .	335
1018-модда. Товарнинг, ишнинг, хизматнинг нуқсонлари оқибатида етказилган зарар учун жавобгар шахслар. . . . .	339
1019-модда. Товарнинг, ишнинг, хизматнинг нуқсонлари натижасида етказилган зарарни қоплаш муддатлари . . . . .	340
1020-модда. Товарнинг, ишнинг, хизматнинг нуқсонлари қибатида етказилган зарар учун жавобгарликдан озод қилиш асослари . . . . .	344
<b>4-§. МАЊНАВИЙ ЗАРАНИ ҚОПЛАШ . . . . .</b>	<b>345</b>
1021-модда. Умумий қоидалар . . . . .	345
1022-модда. Мањнавий зарарни қоплаш усули ва миқдори . . . . .	348

<b>58-БОБ. АСОССИЗ БОЙЛИК ОРТТИРИШ ОҚИБАТИДА КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН МАЖБУРИЯТЛАР .....</b>	<b>351</b>
1023-модда. Асоссиз орттирилган бойликни қайтариш мажбурияти .....	351
1024-модда. Асоссиз орттирилган бойликни қайтариш тұғрисидаги талабарнинг фуқаролик ҳукуқларини ҳимоя қилиш тұғрисидаги бошқа талаблар билан ўзаро боғланиши .....	353
1025-модда. Асоссиз орттирилган бойликни асл ҳолида қайтариш .....	355
1026-модда. Асоссиз орттирилган бойликнинг қийматини тұлаш .....	356
1027-модда. Ҳукукни бошқа шахсга асоссиз бериш оқибатлари .....	358
1028-модда. Жабрланувчига олинмаган даромадларни тұлаш .....	359
1029-модда. Қайтарилиши лозим бўлган мол-мулкка қилинган харажатларни тұлаш .....	360
1030-модда. Қайтариб берилмайдиган асоссиз орттирилган бойлик .....	362
<b>IV БЎЛИМ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК .....</b>	<b>365</b>
<b>59-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР .....</b>	<b>367</b>
1031-модда. Интеллектуал мулк объектлари .....	367
1032-модда. Интеллектуал мулк объектларини ҳукуқий муҳофаза қилиш .....	371
1033-модда. Интеллектуал мулк объектларига шахсий номулкий ва мулкий ҳукуқлар .....	373
1034-модда. Интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳукуқлар .....	377
1035-модда. Мутлақ ҳукуқларнинг бошқа шахсга ўтиши .....	381
1036-модда. Лицензия шартномаси .....	386
1037-модда. Интеллектуал фаолият натижаларини яратиш ва улардан фойдаланиш тұғрисидаги шартнома .....	394
1038-модда. Мутлақ ҳуқуқ ва мулк ҳуқуки .....	398
1039-модда. Интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳукуқнинг амал қилиш мүддати .....	400
1040-модда. Интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳукуқларни ҳимоя қилиш усууллари .....	404

## **60-БОБ. МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ..... 409**

1041-модда. Муаллифлик ҳуқуқи объекти .....	409
1042-модда. Муаллифлик ҳуқуқи объектларининг турлари .....	412
1043-модда. Муаллифлик ҳуқуқи объектлари хисобланувчи асарнинг қисмлари, ҳосила ва жамлама асарлар .....	415
1044-модда. Муаллифлик ҳуқуқи объектлари хисобланмайдиган материаллар .....	417
1045-модда. Расмий ҳужжатлар, рамзлар ва белгиларнинг лойиҳаларига бўлган ҳуқуқлар .....	419
1046-модда. Асар муаллифи. Муаллифлик ҳуқуқининг юзага келиши. Муаллифлик презумпцияси .....	421
1047-модда. Ҳаммуаллифлик .....	424
1048-модда. Ҳосила асарга бўлган муаллифлик ҳуқуки .....	428
1049-модда. Асарлар яратилишини ташкил этувчи шахсларнинг ҳуқуқлари .....	430
1050-модда. Муаллифлик ҳуқуқининг ҳимоя белгилари .....	431
1051-модда. Муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари .....	434
1056-модда. Муаллифнинг мулкий ҳуқуқлари .....	440
1058-модда. Муаллифлик ҳуқуқларининг чекланиши .....	443
1059-модда. Асарларни муаллифнинг розилигисиз ва ҳақ тўланмаган холда шахсий мақсадларда такрорлаш .....	445
1060-модда. Асарларни омма олдида эркин ижро этиш .....	447
1061-модда. Асарлардан суриштирув, дастлабки тергов, маъмурий ва судлов ишларини юритиш максадлари учун фойдаланиш .....	447
1062-модда. Хизмат асарига бўлган муаллифлик ҳуқуки .....	448
1063-модда. Муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш соҳаси .....	450
1065-модда. Муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш муддати .....	452
1066-модда. Асарнинг ижтимоий мулкка айланиши .....	456
1067-модда. Муаллифлик шартномаси .....	458
1068-модда. Муаллифлик шартномасининг шартлари .....	461
1069-модда. Муаллифлик шартномасининг шакли .....	464
1070-модда. Муаллифлик шартномаси бўйича жавобгарлик .....	466
1073-модда. Муаллифлик муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш .....	466

## **61-БОБ. ТУРДОШ ҲУҚУҚЛАР..... 469**

1074-модда. Турдош ҳуқуқлар объектлари .....	469
1075-модда. Турдош ҳуқуқлар субъектлари .....	470
1076-модда. Турдош ҳуқукларнинг муҳофаза белгилари .....	472
1077-модда. Ижрочининг ҳуқуклари .....	473
1078-модда. Фонограммани тайёрловчининг ҳуқуклари .....	476
1079-модда. Эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшииттириш берувчи ташкилотнинг ҳуқуклари .....	479

## **62-БОБ. САНОАТ МУЛКИГА БЎЛГАН ҲУҚУҚ (ИХТИРО, ФОЙДАЛИ МОДЕЛЬ, САНОАТ НАМУНАСИГА БЎЛГАН ҲУҚУҚ)..... 483**

1082-модда. Ихтиро, фойдали модель, саноат намунасини ҳуқукий жиҳатдан муҳофаза қилиш .....	483
1083-модда. Ихтиро, фойдали модель, саноат намунасидан фойдаланиш ҳуқуки .....	485
1084-модда. Патентга бўлган ҳуқуқни тасарруф этиш .....	489
1085-модда. Муаллифлик ҳуқуки .....	491
1086-модда. Ихтиро, фойдали модель, саноат намунасининг ҳаммуаллифлари .....	493
1087-модда. Хизмат ихтиrolари, фойдали моделлари, саноат намуналари .....	493
1088-модда. Патентга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартноманинг шакли .....	494
1089-модда. Ихтиро, фойдали модель, саноат намунасидан фойдаланиш руҳсатномасининг (лицензиясининг) шакли .....	495
1090-модда. Патентни бузганлик учун жавобгарлик. ....	496

## **63-БОБ. ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ЯНГИ НАВЛАРИ ВА ҲАЙВОНЛАРНИНГ ЯНГИ ЗОТЛАРИГА БЎЛГАН ҲУҚУҚ ..... 498**

1091-модда. Ўсимликларнинг янги навлари ва ҳайвонларнинг янги зотларига бўлган ҳуқуқларни муҳофаза қилиш .....	498
1092-модда. Селекция ютуғи муаллифининг ҳақ олиш ҳуқуки .....	500

1093-модда. Патент эгасининг хуқуқи . . . . .	500
1094-модда. Патент эгасининг мажбурияти . . . . .	502
<b>64-БОБ. ОШКОР ЭТИЛМАГАН АХБОРОТНИ НОҚОНУНИЙ ФОЙДАЛАНИШДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШ . . . . .</b>	<b>503</b>
1095-модда. Ошкор этилмаган ахборотни муҳофаза қилиш хуқуқи . . . . .	503
1096-модда. Ошкор этилмаган ахборотдан ноқонуний фойдаланганлик учун жавобгарлик . . . . .	506
1097-модда. Ошкор этилмаган ахборотни ноқонуний фойдаланишдан муҳофаза қилиш хукукининг бошқа шахсга ўтиши . . . . .	509
<b>65-БОБ. ФУҚАРОЛИК МУОМАЛАСИ ҚАТНАШЧИЛАРИ, ТОВАРЛАР, ИШЛАР ВА ХИЗМАТЛАРНИ ШАХСИЙЛАШТИРИШ ВОСИТАЛАРИ . . . . .</b>	<b>512</b>
<b>1-§. ФИРМА НОМИ . . . . .</b>	<b>512</b>
1098-модда. Фирма номига бўлган хукук . . . . .	512
1099-модда. Юридик шахснинг фирма номидан товар белгисидан фойдаланиш . . . . .	515
1100-модда. Фирма номига бўлган хукуқнинг амал қилиши . . . . .	516
1101-модда. Фирма номига бўлган хукуқни бошқа шахсга бериш . . . . .	517
<b>2-§. ТОВАР БЕЛГИСИ (ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БЕЛГИСИ) . . . . .</b>	<b>519</b>
1102-модда. Товар белгисини хукуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш . . . . .	519
1103-модда. Товар белгисидан фойдаланиш ва унинг дахлсизлиги хукуки . . . . .	523
1104-модда. Товар белгисидан фойдаланмаганлик оқибатлари . . . . .	524
1105-модда. Товар белгисига бўлган хукуқнинг бошқа шахсга ўтиши . . . . .	525
1106-модда. Товар белгисига бўлган хукуқни бошқа шахсга бериш тўғрисидаги шартноманинг шакли . . . . .	526
1107-модда. Товар белгисига бўлган хукуқни бузганлик учун жавобгарлик . . . . .	528
<b>3-§. ТОВАР ЧИҚАРИЛГАН ЖОЙ НОМИ . . . . .</b>	<b>530</b>

1108-модда. Товар чиқарилган жой номини хукукий жихатдан мухофаза қилиш . . . . .	530
1109-модда. Товар чиқарилган жой номидан фойдаланиш хукуки . . . . .	532
1110-модда. Товар чиқарилган жой номини хукукий жихатдан мухофаза этишнинг амал қилиш соҳаси. . . . .	533
1111-модда. Товар чиқарилган жой номидан конунга хилоф фойдаланганлик учун жавобгарлик. . . . .	534

**V БЎЛИМ**  
**ВОРИСЛИК ХУҚУҚИ. . . . .** 535

**66-БОБ. ВОРИСЛИК ТЎҒРИСИДАГИ  
УМУМИЙ ҚОИДАЛАР. . . . .** 537

1112-модда. Ворислик асослари . . . . .	537
1113-модда. Мерос таркиби . . . . .	539
1114-модда. Умумий биргалиқдаги мулк бўлган мол-мulkни мерос қилиб олиш . . . . .	542
1115-модда. Дехқон хўжалиги ер участкасига эгалик қилиш хукуқини мерос қилиб олиш . . . . .	542
1116-модда. Мероснинг очилиши . . . . .	543
1117-модда. Мероснинг очилиш жойи . . . . .	546
1118-модда. Меросхўрлар . . . . .	548
1119-модда. Нолойик меросхўрларни меросдан четлатиш . . . . .	549

**67-БОБ. ВАСИЯТ БЎЙИЧА ВОРИСЛИК . . . . .** 552

1120-модда. Умумий қоидалар. . . . .	552
1121-модда. Шартли васиятнома . . . . .	555
1122-модда. Ворисдан кейинги ворисларни тайинлаш . . . . .	556
1123-модда. Мол-мulkнинг васият қилинмаган қисмини мерос қилиб олиш . . . . .	557
1124-модда. Васиятноманинг шаклига доир умумий қоидалар . . . . .	557
1125-модда. Нотариал тасдиқланган васиятнома . . . . .	559
1126-модда. Нотариал тасдиқланган васиятномаларга тенглаштирилган васиятномалар . . . . .	562

1127-модда. Васиятномани бекор қилиш ва ўзгартириш . . . . .	565
1128-модда. Васиятноманинг сир сақланиши . . . . .	566
1129-модда. Васиятни талқин қилиш . . . . .	567
1130-модда. Васиятноманинг ҳақиқий эмаслиги. . . . .	568
1131-модда. Васиятномани ижро этиш . . . . .	569
1132-модда. Васият мажбурияти . . . . .	572
1133-модда. Мажбурият юклаш. . . . .	576
<b>68-БОБ. ҚОНУН БҮЙИЧА ВОРИСЛИК.....</b>	<b>579</b>
1134-модда. Умумий қоидалар . . . . .	579
1135-модда. Қонун бүйича биринчи навбатдаги ворислар . . . . .	580
1136-модда. Қонун бүйича иккинчи навбатдаги ворислик . . . . .	581
1137-модда. Қонун бүйича учинчи навбатдаги ворислик . . . . .	582
1138-модда. Қонун бүйича түртинчи навбатдаги ворислик . . . . .	582
1139-модда. Қонун бүйича бешинчи навбатдаги ворислик . . . . .	583
1140-модда. Тақдим қилиш хуқуқи бүйича ворислик . . . . .	584
1140-1-модда. Меросни қабул қилиб олиш хуқуқининг ўтиши (мерос трансмиссияси) . . . . .	585
1141-модда. Мерос қолдирувчининг меҳнатга қобилиятысиз бокимлари . . .	587
1142-модда. Меросдан мажбурий улуш олиш хуқуқи. . . . .	589
1143-модда. Мерос олишда эрнинг (хотиннинг) хуқуқи. . . . .	590
1144-модда. Қонун бүйича мерос олинганида меросни мухофаза қилиш ва уни бошқариш . . . . .	591
<b>69-БОБ. МЕРОСНИ ЭГАЛЛАШ .....</b>	<b>594</b>
1145-модда. Умумий қоидалар . . . . .	594
1146-модда. Меросга бўлган хукуқ тўғрисида гувоҳнома бериш . . . . .	595
1147-модда. Меросдан воз кечиш хуқуқи. . . . .	596
1148-модда. Меросдан воз кечиш хуқуқининг чекланиши. . . . .	597
1149-модда. Васият мажбуриятини қабул қилиб олишдан воз кечиш хуқуқи . . . . .	599
1150-модда. Мероснинг тақсимланиши . . . . .	600
1151-модда. Ҳозир бўлмаган меросхўрларнинг хуқуқлари . . . . .	601

1152-модда. Корхонага ворислик . . . . .	603
1153-модда. Айрим меросхўрларнинг мерос таркибига кирадиган мол-мулкка нисбатан имтиёзли хукуки . . . . .	604
1154-модда. Мерос улушларининг ортиши . . . . .	605
1155-модда. Мерос ҳисобидан тўланиши лозим бўлган харажатлар . . . . .	607
1156-модда. Кредиторларнинг мерос қолдирувчининг қарзларини ундириб олиши . . . . .	609
1157-модда. Эгасиз қолган мол-мулк . . . . .	610
<b>VІ БЎЛИМ</b>	
<b>ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРГА НИСБАТАН ТАТБИҚ ҚИЛИШ . . . . .</b>	<b>613</b>
<b>70-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР . . . . .</b>	<b>615</b>
1158-модда. Чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга нисбатан қўлланиши лозим бўлган хукукни белгилаш . . . . .	615
<b>1159-модда. Ҳуқуқий баҳо бериш . . . . .</b>	<b>623</b>
1160-модда. Чет эл ҳуқуки нормалари мазмунини аниқлаш . . . . .	626
1161-модда. Қарши томон ва учинчи мамлакат ҳуқуқига ҳавола этиш . . . . .	630
1162-модда. Қонунни четлаб ўтиш оқибатлари . . . . .	632
1163-модда. Ҳукукни ўзаролик асосида қўллаш . . . . .	636
1164-модда. Оммавий тартиб тўғрисидаги изоҳ . . . . .	639
1165-модда. Қатъий нормаларни қўллаш . . . . .	643
1166-модда. Ҳуқуқий тизимлари кўп бўлган мамлакатнинг ҳуқуқини қўллаш . . . . .	647
1167-модда. Реторсиялар . . . . .	650
<b>71-БОБ. КОЛЛИЗИОН НОРМАЛАР . . . . .</b>	<b>655</b>
<b>1-§. ШАХСЛАР . . . . .</b>	<b>655</b>
1168-модда. Жисмоний шахснинг шахсий қонуни . . . . .	655
1169-модда. Жисмоний шахснинг ҳуқуқ ва муомала лаёқатлари . . . . .	661
1170-модда. Жисмоний шахсни бедарак йўқолган деб топиш ва уни вафот этган деб эълон қилиш . . . . .	668

1171-модда. Жисмоний шахснинг исми-шарифи . . . . .	672
1172-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг фуқаролик ҳолати хужжатларини қайд этиш . . . . .	674
1173-модда. Фуқаролик ҳолати хужжатларини тасдиқлаш учун хорижий давлат органлари томонидан берилган хужжатларни тан олиш . . . . .	677
1174-модда. Васийлик ва ҳомийлик . . . . .	686
1175-модда. Юридик шахснинг қонуни . . . . .	692
1176-модда. Юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқати . . . . .	698
1177-модда. Ўзбекистон Республикасида чет эл юридик шахслари фаолиятининг миллий тартиби . . . . .	701
1178-модда. Чет эл элементи билан фуқаролик-хукукий муносабатларда давлатнинг иштирок этиши . . . . .	703
<b>2-§. ШАХСИЙ НОМУЛКИЙ ҲУҚУҚЛАР.</b>	
<b>ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК . . . . .</b>	<b>708</b>
1179-модда. Шахсий номулкний ҳукукларни ҳимоя қилиш . . . . .	708
1180-модда. Интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқ . . . . .	714
<b>3-§. БИТИМЛАР. ВАКИЛЛИК. ДАЬВО МУДДАТИ . . . . .</b>	<b>718</b>
1181-модда. Битимнинг шакли . . . . .	718
1182-модда. Ишончнома . . . . .	726
1183-модда. Даъво муддати . . . . .	728
<b>4-§. АШЁВИЙ ҲУҚУҚЛАР . . . . .</b>	<b>730</b>
1184-модда. Ашёвий ҳуқукларга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ тўғрисидаги умумий қоидалар . . . . .	730
1185-модда. Ашёвий ҳуқукларнинг вужудга келиши ва бекор бўлиши . . . . .	733
1186-модда. Транспорт воситаларига ва давлат реестрида қайд этилиши лозим бўлган бошқа мол-мулкка нисбатан ашёвий ҳуқуклар . . . . .	739
1187-модда. Йўлда бўлган кўчар мулкка нисбатан ашёвий ҳуқуклар . . . . .	741
1188-модда. Ашёвий ҳуқукларни ҳимоя қилиш . . . . .	742
<b>5-§. ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТЛАРИ . . . . .</b>	<b>744</b>

1189-модда. Шартнома тарафларининг келишувига кўра хукукни танлаш . . . . .	744
1190-модда. Тарафларнинг келишуви бўлмаган тақдирда шартномага нисбатан қўлланиладиган хукуқ . . . . .	747
1191-модда. Чет эл иштирокидаги юридик шахсни тузиш тўғрисидаги шартномага нисбатан қўлланиладиган хукуқ . . . . .	755
1192-модда. Кўлланиладиган хукуқнинг амал қилиш доираси . . . . .	758
<b>6-§. ШАРТНОМАДАН ТАШҚАРИ МАЖБУРИЯТЛАР.....</b>	<b>763</b>
1193-модда. Бир тарафлама ҳаракатлардан иборат мажбуриятлар . . . . .	763
1194-модда. Зарар етказилганлиги оқибатида келиб чиқадиган мажбуриятлар . . . . .	764
1195-модда. Истеъмолчига етказилган зарар учун жавобгарлик . . . . .	769
1196-модда. Асоссиз бойлик ортириш . . . . .	771
<b>7-§. ВОРИСЛИК ХУҚУҚИ . . . . .</b>	<b>774</b>
1197-модда. Ворисликка доир муносабатлар . . . . .	774
1198-модда. Шахсларнинг васиятнома тузиш ва уни бекор қилиш лаёқати, васиятноманинг ва уни бекор қилиш хужжатининг шакли . . . . .	777
1199-модда. Кўчмас мулкка ва давлат реестрида қайд этилиши лозим бўлган мол-мулкка ворислик . . . . .	779

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг  
ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИГА

**ШАРХ**

3-ЖИЛД

Муаллифлар таркиби: **Рахмонқулов X.Р.**, ю.ф.д. (раҳбар); **Огай Д.А.**, ю.ф.н.;  
**Асьянов Ш.М.**, хукуқ доктори; **Анартаев И.**, ю.ф.н.; **Караходжаева Д.М.**  
ю.ф.д., **Юлдашева Ш.Р.** ю.ф.д., **Умаров Т.А.** ю.ф.д., **Анортоев И.Ю.** ф.н.,  
**Оқюлов О.** ю.ф.д., **Насриев И.И.** ю.ф.д., **Шамухамедова З.Ш.** ю.ф.д.,  
**Якубова Д.Ш.** ю.ф.н., **Асьянов Ш.М.** ю.ф.н., **Рашидов К.Қ.** ю.ф.д.

Босишига 06.04.2013 руҳсат этилди:

Бичими: 90 × 60 1/16.

Хажми шартли н.т. 50.

Босма табоги 46,5.

Адади 1000.

Нашириёт уйи МЧЖ «BAKTRIA PRESS»

Лицензия AI № 203 28.08.2011 й., AI № 229 16.11.2012 й

100000, Ташкент, Буюк Ипак Йули мавзеси, 15-25

тел.: +998 (71) 233-23-84

Mega Basim босмахонасида чоп этилди:

Baha Is Merkezi, Haramidere, Istanbul, Turkey.

[www.mega.com.tr](http://www.mega.com.tr)

ISBN 978-9943-4062-4-7